

ФЁДОР ДОСТОЕВСКИЙ

ТЕЛБА

Роман

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981

Иброҳим Ғафуров
таржумаси

Достоевский Ф. М.

Телба: Тўрт қисмдан иборат роман/ [Иброҳим Ғафуров тарж].—Т:
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.—656 б.

Бу favқулodда буюк асарнинг қаҳрамони князь Мишкин улдуғ бобомиз Алишер Навоий
ятган Мажнун сиймосига жуда ўхшайди. Князь Мишкин худди Мажнун каби ишқ мубтало-
си, худди Мажнун каби ошuftа, дово, олижаноб ва садоқатли... Унинг қалбида беҳад
гузал интилишлар ва инсоний теран кечималарнинг шамчироғи ёниб туради. Фақат интилиш-
лари атрофдагиларга телбалик бўлиб кўринади. Ҳолбуки, унинг барча хатти-ҳаракатлари
Шафқат, Муҳаббат, Олижанобликка бўйсунди ва шулардан келиб чиқади.

Роман инсон фожиаларининг шекспирона кудрати билан китобхонни лол қилади.

Достоевский Ф. М. Идиот. Роман.

Р 1

Д 70301 — 199 122 — 80 4702010100
М 352(04) — 81

© Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 й. (Тарж.)

Ноябрнинг охирлари, илмилик кунлар. Эрталаб соат тўқ қизларда Петербург — Варшава темир йўлининг поезда шитоб билан Петербургга кириб бормоқда. Ҳаво шунчалар туманли ва рутубатли эдики, тонг базўр кўзини очди; вагон ойнасидан қараб йўлнинг ҳар икки томонида ўн қадам наридаги нарсаларни илғаб олиб бўлмасди. Йўловчилар орасида чет элдан қайтаётганлар ҳам бор эди; бироқ учинчи табақа учун ажратилган бўлинмаларда одам гавжумроқ, булар аксари ўз ишташвиши билан юрган шу яқин-атрофларда истиқомат қилувчи одми кишилар эди. Одатдагидай ҳамма ҳориган, тун билан ухламасдан қовоқлари шишган, совқотишиб, қалтирашган, ҳамманинг туси оқарган, одамларнинг юзларига туманнинг нуқси урганди.

Учинчи табақа вагонлардан бирида тонг саҳардан бери икки йўловчи ойна олдида рўбарў туриб кетиб боришарди — уларнинг ҳар икковлари ҳам ёш, ҳар икковлари ҳам салтисувой, ҳар икковлари ҳам одмироқ кийинган, ҳар икковларининг турқи таровати ҳам жуда бошқача ва ниҳоят, ҳар икковларининг ҳам бир-бирлари билан гаплашгилари бор эди. Агарда улар бир-бирларининг шу тобдаги ҳол-аҳволларини билганларида эди, унда тақдир қандай қилиб ўзларини Петербург — Варшава поездининг учинчи табақа вағонида галати бир тарзда учраштириб бетма-бет ўтқазиб қўйганига албатта ҳайрон қолиб ёқаларини ушлашган бўлар эдилар. Уларнинг бири бўйчан, йигирма еттиларга кирган, сочлари қорамтир ва жингалак, кичкина кўзлари ўтдай ёниб турган бир одам эди. Унинг бурни гўштдор ва пучуқ, юз суяклари туртиб чиққанди; юпқа лабларидан кибри, сур, истеҳзога тўлиқ заҳарли табассум ари-

масди; ammo манглайи кенг ва баланд бўлиб, юзи нягига томон беўхшов хунук чўзилиб тушган, лекин манглайи кенг ва хушбичим бўлганидан юзининг бу нуқсони унчалик кўзга ташланмасди. Юзининг мурдадек оппоқ оқарганлиги дарров кўзга ташланар ва кўринишдан хийла бақувват бўлишига қарамай, йигитни пажмурда ва ҳорғин қилиб кўрсатар, шу билан бирга унинг чеҳрасига аллақандай эҳтирослар изтиробини чекаётгандай бир ифода бағишлар ва бу унинг сурбетлик билан тўнг тиржайиб туриши, сур ва бетамиз, такаббур боқнишига сира қовушмас эди. У иссиқ кийинган, устига кенг-мўл қўзи терисидан тикилган қора пўстин илган, кечани ҳам шу пўстинга ўраниб ўтказгани, ваҳоланки, унинг қўшниси рус ўлкасининг ноябрда бўладиган совуқ ругубати қандай бўлишини ўз жонида туйган, бундай совуққа ўрганмаганиданми, кечаси билан эти увушиб жунжикиб чиққанди. У устига кенггина ва хийла қалин енгсиз, лекин бошга иладиган каттакон қалпоғи бўлган хирқа ташлаганди, одатда қиш пайтлари узоқ чет ўлкаларда, Швейцарияда ё бўлмасам, шимолӣ Италиядами йўлда юрувчилар худди шунақа хирқа кийиб юришади, лекин албатта улар юрадиган йўллар, айтайлик, Эйдткунендан Петербурггача бўлган йўлларга сира ўхшамайди. Лекин Италия учун яроқли ва қўл келган нарсая Россияга сира ярамай қоларкан. Бўркли хирқа кийган кимса ёши йигирма олти ёхуд йигирма еттиларга бориб қолган, анча бўйдор, қуюқ сочлари оч сарғишдан келган, чакаклари ичига ботган ва бир тутамгина, оппоқ оқариб турган, дикрайган соқол қўйган йигит киши эди. Унинг кўзлари катта-катта, мовий, синчков боқарди; нигоҳи аллақандай осойишта, лекин оғир, қандайдир ғалати бир ифодага тўлиқ эдики, баъзи кишилар бир қарашдаёқ бу одамнинг тутқаноғи борлигини сезиб олардилар. Дарвоқе, йигитнинг истараси иссиқ, чеҳраси нозик ва қонсиз эди, лекин ҳозир аёздан туси ўчиб, кўкариб кетганди. Унинг қўлида эски, тўзгиган юпқа ипак газламага ўралган ночоргина тугун бўлиб, афтидан, бор-йўқ юки шунга жойланган эди. Оёғи ва таг пошнаси қалин хорижий бошмоқ ва сирма иштон кийганди, буларнинг ҳаммаси русларникига ўхшамасди. Пўстинга ўралган қора соч шериги бир чеккаси бекорчиликдан буларнинг ҳаммасига разм солиб чиқди ва ниҳоят, бетамизлик билан илжайиб туриб,— одамзод болалари ўзларига ўхшаган бошқа бировнинг бахтсизлигини кўрганда мана шундай менсимасдан, беандиша кулиб кўядилар,— сўради:

— Совуқми?

У елкасини учуриб қўйди.

— Жуда ҳам,— деб дарҳол жавоб берди ҳамроҳи,— қаранг-а, ҳали бу илмилик куз кунлари тағин. Қора совуқ бўлса, нима

бўларди? Бизда бунчалар совуқ деб ўйламаган эканман. Эсимдан чиқибди.

— Чет элданми дейман?

— Ҳа, Швейцариядан.

— Фу! Сизни қарагил..

Қора соч йигит ҳуштак чалиб юборди ва хахолади.

Гурунг бошланди. Швейцария хирқасини кийган, ўзи оқ сариқдан келган йигит қорамағиз қўшнисининг ҳамма саволларига дарҳол ҳайратланарли даражада бажонидил жавоб берар ва ҳатто баъзи саволлар бутунлай менсимасдан, ноўрин, бепарволик билан берилаётганидан андак бўлсин шубҳага бормасди. Жавоб бераркан, ростдан ҳам Россияда узоқ вақт — тўрт йилдан ортиқроқ бўлмаганлигини, аллақандай ғалати асаб касаллиги, тутқаноқми-ей, ишқилиб, шундай бир касал билан чет элга даволаниш учун юборилганлигини сўзлади. Уни тингларкан, қорамағиз йигит бир неча бор иршайиб қўйди. Айниқса: «Хўш, даволаб қўйишдими?»— деган саволга, малла йигит, «йўқ, тузатишолмади», деб жавоб қилганда, ўзини тўхтатолмай кулиб юборди.

— Ҳе! Пулни дейман, тўлабсизу чув тушибсиз-да, биз бўлсак, бу ерда туриб уларни осмонга кўтарамиз, — деди заҳарханда қилиб қорамағиз йигит.

— Ҳақ гапни айтдингиз!— деб гапга аралашди уларнинг ёнида ўтирган, бефаросатлик билан палапартиш кийинган, умр бўйи пастроқ мансабдаги ишлари қилиб шундан нарига ўтмаган хизматчиларга ўхшаш, қирқларга борган, яғриндор, бақувват, бурни қизарган, юзини ҳуснбузар босган жаноб,— ҳақ гапни айтдингиз, фақат руснинг бугун куч-мадорини текиндантекин сўриб олишяпти!

— О, менинг йўлим бошқачароқ, сиз янглишяпсиз,— деб секингина унинг гапини илтиб кетди мулоим овоз билан Швейцариядан келаётган киши,— тўғри, мен бир нарса деёлмайман, чунки ҳамма гаплардан хабардор эмасман, лекин мени даволаган доктор бу ёққа келаётганимда чўнтагидаги қолган-қутган пулларини ҳам менга йўлга деб берди, яна икки йилча мени ўзи текинга боқди.

— Нима, бу пулини тўлайдиган одам йўқмиди дейман?— сўради қорамағиз йигит.

— Шундай, у ерда пайтимда мени таъминлаб турган жаноб Павлишчев икки йил бўлди, ўлиб қолди, кейин мен бу ёқдаги узоқ қариндошим генералнинг хотини Епанчинага хат ёзган эдим, лекин жавоб олмадим. Кейин шундай келавердим.

— Қаерга келдингиз?

— Қаерга туласиз демоқчимисиз?.. Узим ҳам билмайман ҳали, рости... шу...

— Узингиз билмайсизми ҳали?

Уни тинглаб турган ҳар иккала киши яна хахолаб кулишди.

— Менимча, манави тугунчага ҳам бутун ҳаёт-мамонтингиз тугилган бўлса керак?— сўради қорамангиз йигит.

— Бошимни гаровга қўяманки, худди шундай,— деб илиб кетди ҳаддан зиёда мамнун қиёфада бурни қизил хизматчи,— юк вагонларида бошқа ҳеч қандай бағал-бисотлари йўқлиги аён кўриниб турибди, камбағаллик айб эмас, ранг кўр, ҳол сўр, деб шуни айтадилар.

Дарвоқе, бу гапда жон бор эди: малла йигит дарров, ҳаддан ташқари шоша-пиша буни ўзи тан олди.

— Тугунчангизнинг ҳар ҳолда баъзи бир жиҳатдан қиммати йўқ эмас,— деб давом этди хизматчи мириқиб кулишиб олгандан сўнг (қизиги шундаки, тугунчангиз эгаси ўзи ҳам ниҳоят уларга қўшилишиб кула бошлади, кулги устига кулги бўлди),— калламини гаровга қўяманки, тугунчада хорижий мамлакатнинг олтин наполеондорларию фридрихдорлари ва Голландия арабийлари ошиб-тошиб ётмаганлиги равшан, иккинчи томондан, оёғингиздаги чет элда тикилган бошмоқ билан сирма иштонга қараган заҳоти аҳвол маълум бўлади-қўяди, аммо... тугунчангиз ёнига гўё сизга қариндош бўлмиш генерал ойим Епанчинани қўшадиган бўлсак, унда тугунчангизнинг қиммати бирмунча кўтарилади, лекин башарти, чиндан ҳам агар генерал ойим Епанчина сизга қариндош бўлса ва мабодо, сиз фаромуш қилмаётган бўлсангиз... одамзод баъзан шундай фаромуш қилади, айниқса... хомхаёл бўлса...

— О, сиз яна тўғри топдингиз,— унинг гапини илиб кетди малла йигит,— ахир, ростдан ҳам фаромуш қилибман, яъни қариндош эмас, десам ҳам бўлади: рост, ўшанда ҳечам ажабланганим йўқ менга жавоб хати ёзмаганларига. Шуни кутгандим.

— Хатни жўнатиш учун бекор чиқимдор бўлибсиз. Ҳм... Жуда ҳам содда, кўнгилчан йигит экансиз, баракалла! Ҳм... генерал Епанчинни бўлса биламиз, нега десангиз, ҳаммага маълум-машҳур одам; сизни Швейцарияда таъминлаб турган марҳум жаноб Павлишчевни ҳам биламиз, фақат бу ўша Николай Андреевич Павлишчев бўлса, чунки улар ўзи иккита, амакиваччалар. Биттаси ҳалиям Қримда туради, марҳум Николай Андреевич бўлса ҳурматга лойиқ, эътиборли зот эдилар, ўз вақтида тўрт минг одамлари бўларди у кишининг....

— Худди шундай, у кишининг исмлари Николай Андреевич Павлишчев эди,— деб жавоб берди йигит ва ҳамма нарсани биладиган жанобга синчковлик билан тикилиб қаради.

Мана шундай ҳамма нарсани биладиган жаноблар маълум бир ижтимоий табақа ичида онда-сонда эмас, ҳатто кўплаб уч-раб турадилар. Улар ҳамма нарсани биладилар, уларнинг бутун ташвишлари, бутун қобилиятлари, бутун ўй-фикрлари фақат бир нарсага қаратилган бўлади, бу албатта, ҳозирги замон му-тафаккирларининг тили билан айтганда, уларда бошқа зарур ҳаётий қизиқишлар ва қарашларнинг йўқлиги натижасида рўй беради. Дарвоқе, «ҳамма нарсани билади», деганда торроқ доирадаги нарсаларни назарда тутмоқ керак: фалончи қаерда хизмат қилади, кимлар билан таниш-билиш, сармояси қанча, қа-ерда губернатор бўлган, кимга уйланган, хотини қанча сеп билан келган, ким билан тоғажану, кимга амакивачча бўлади ва ҳо-казо, ҳаммаси шунга ўхшаган икир-чикир гаплар. Ҳамма нар-сани биладиганларнинг кўпчилиги аксар тирсақлари тешилган ҳолда юрадилар ва ойнага ўн етти сўм маош олиб кун кўрадилар. Уларга ҳаётининг бутун икир-чикирларигача маълум ўша одам-лар бу нарсаларнинг уларга нима кераги борлигига ақллари бовар қилмаган бўларди, албатта, ваҳоланки, уларнинг кўплари илм тусини ола бошлаган бу билимларидан мамнун бўлиб, фахр-ланиб юрадилар, ўз кўзларига ўзлари алланечук кўриниб, ҳатто энг юксак руҳий лаззат ҳам қиладилар. Илм бўлганда ҳам жо-зибали илм. Мен мана шу соҳада ўзларининг энг олий мақсад ва интилишларига эришган ва эришаётган олимлар, адабиётчи-лар, шоирлар, сиёсатдонларни кўрганман, улар ҳатто фақат шу йўл билан юқори мансабларга кўтарилганликларини биламан. Мана шу гурунг давомида қорамағиз йигит тинмасдан эснар, зеркиб ҳадеб дарчага қарар ва манзилга етиб боришларини бетоқатлик билан кутарди. У аллақандай паришон, ҳа, алланечук жуда паришон эди, нимадандир безовта бўлаётганда ўхшар-ди, ҳатто баъзан қандайдир ғалати бўлиб кетарди: баъзан бўла-ётган гап-сўзларни эшитиб-эшитмас, кўриб-кўрмас, кулар ва лекин нимага кулаётганлигини ўзи ҳам билмас ва англамас эди.

— Ижозат этсалар, ким билан танишиш шарафига...— деб тугунча кўтарган малла йигитга кутилмаганда мурожаат этиб қолди юзига ҳуснбузар тошган жаноб.

— Князь Лев Николаевич Мишкин,— деди дарҳол ҳозир-жавоблик билан йигит.

— Князь Мишкин? Лев Николаевич? Эшитмаганман. Йўқ, эшитмаган эканман,— деди ўйчан ҳолатда хизматчи,— мен умун-ман исмини айтаётганим йўқ, жуда тарихий ном. Карамзиннинг тарих китобидан топса бўлади, албатта учрайди бу ном, мен ном эгасини назарда тутаётган эдим, шу князь Мишкинларнинг ўзлари ҳам ҳеч қаерда кўринмай колдилар, ҳатто овозалари ҳам қулоққа чалинмайди.

— О, нимасини айтасиз!— шу заҳоти жавоб қилди князь,— князь Мишкинлардан энди ҳеч ким қолмаган мендан бошқа; назаримда, мен энг сўнггисиман. Ота-боболаримга келсак, улар яккақўрғонли¹ хизматчилардан бўлганлар. Айтгандай, отам юнкерлардан, кўшинда подпоручик бўлган. Лекин билмайман, қандай қилиб генерал ойим Епанчина княжна Мишкиналардан бўлиб қолган, у ҳам шу уруғнинг охиргиси ҳисоб...

— Ҳе-ҳе-ҳе! Уруғнинг охиргиси ҳисоб! Ҳе-ҳе! Гапни бурганингизни қаранг,— ҳиринглади хизматчи.

Қорамағиз йигит ҳам илжайди. Малла йигит ўзи ҳам билмай анчайин бир сўз ўйини қилиб қўйганига хийла ажабланди.

— Биласизми, мен ўйламай айтиб юборибман, — деб изоҳ берди у ниҳоят ҳамон ажабланганча.

— Бўлди, тушунарли, тушунарли,— кулиб тасдиқлади хизматчи.

— Ўзингиз ҳам, князь, у ёқда илм ўргандингизми профессордан дейман?— кутилмаганда сўраб қолди қорамағиз йигит.

— Шундай... ўргандим...

— Мана мен ҳеч қачон ҳеч нимани ўрганмаганман.

— Мен ҳам озроқ у-буни ўргандим, холос,— деб қўйди князь худди кечирим сўрагандай бўлиб.— Қасаллигим боисидан мени мунтазам ўқитишмади.

— Рогожинларни биласизми?— тезгина сўради қорамағиз йигит.

— Йўқ, билмайман, эшитмагайман. Ахир мен Россияда кўп одамларни билмайман, Рогожин сиз бўласизми?

— Ҳа, мен, Рогожин Парфен.

— Парфен? Э, бу ўша анави Рогожинлар эмасми мабодо...— ҳаддан ортиқ билагонлик билан гап бошлади хизматчи.

— Ҳа, ўша, ўшалардан,— деб дарҳол қўрслик ва бесабрлик билан унинг гапини бўлди қорамағиз йигит, дарвоқе, у ҳали юзига ҳуснбузар тошган хизматчига бир оғиз ҳам гапирмаган, бошидан фақат князнинг ўзи билан сўзлашиб келмоқдайди.

— Э-ҳа... бу қандоқ бўлди?— ҳайратдан шамдай қотиб қолди хизматчи кўзлари ола-кула бўлганча, сўнг шу заҳоти унинг юзида қулларча ялтоқланиш ва ҳатто қўрқув аломатлари зоҳир бўла бошлади,— бу ўша азалдан фахрий гражданин бўлган, бундан бир ой илгари ўлган ва икки ярим миллион сўм сармоя қолдирган муҳтарам Семен Парфенович Рогожинни айт-ялсизми?

— Сен қаердан билдинг у икки ярим миллион соф сармоя

¹ Яккақўрғонли (одноворец)—подшоликдан хизматлари эвазига ҳовли-жой, хўжалик олган майда хизматчилар.

қолдирганини?— кесди унинг гапини қорамағиз йигит, ҳамон хизматчининг бетига қарашни ўзига эп кўрмасдан,— буни қаранг! (князга уни кўрсатиб имлади) худди бир нарса бўлиб қоладигандек, нега энди дарров думларини ликиллатиб қолишади, ҳайронман? Лекин рост айтади, чиндан отам ўлди, мен бўлсам мана бир ойдан кейин Псковдан этигимни ҳам кияр-киймай уйга қайтиб келяпман. На ярамас иним ва на ойим пул юборишди ва на хат-хабар қилишди — миқ эгмай ўтиришибди! Итмисан, одаммисан дейишмайди! Псковда иситмалаб бир ой ётиб қолибман!..

— Мана энди бир миллиондан ортиқроқ пул биратўла чангалингизга киради, яна бу хамир учидан патир, ё раббим-ей!— чапак чалиб юборди хизматчи.

— Унга нима керак ўзи, ол-а, тавба қилдим!— жуда ҳам ёқтирмасдан ғижиниб яна у томонга имлади Рогожин,— ахир мен сенга бир тийин ҳам бермайман, оёғингни осмондан қилиб олдимда ликиллаб юрсанг ҳам бермайман.

— Юраман ҳам, юрганим бўлсин.

— Ол-а! Бермайман дедим, бермайман, менга деса етти кун ўйин тушсанг ҳам бермайман!

— Майли, берма! Қим бўлибман, берма! Барибир мен ўйин тушаман. Хотинимни, майда болаларимни ташлаб кетсам кетаманки, лекин сенинг олдинда ўйнайман. Жоним қурбон бўлсин!

— Туф-ей сенга!— тупурди қорамағиз йигит.— Беш ҳафта бурун, мен ҳам сиздек бўлиб,— князга қарата деди у, — битта тугунча билан отамдан Псковга, холаминикига қочиб кетдим; иситмам тутиб у ерда ётиб қолдим, отам мен йўғимда ўлиб қолибди. Кондрашка шикаст берибди. Марҳумни худо раҳмат қилсин, лекин ўшанда сал бўлмаса мени ўлдириб қўяёзудди! Ишонасизми, князь, худо ҳаққи! Агар қочиб кетмасам, ўлдирарди ҳам.

— Унинг жаҳлини чиқарувдингизми?— сўради князь пўстин кийган миллионерга бошқача бир қизиқиш билан разм соларкан. Гарчи миллионнинг ўзи ва мерос олиш ҳам антиқа бир ҳодиса саналиши мумкин бўлса-да, князни яна бошқа алланималар ҳайрон қилган ва қизиқтириб қўйганди; бунинг устига Рогожиннинг ўзи гарчи маънавий томондан биров билан суҳбатлашишга эҳтиёжманд бўлмаса ҳам нима учундир ўз-ўзидан князь билан гаплашгиси келиб қолди; эҳтимол, одамшавандаликдан эмас, хаёли паришон бўлиб турганидан шундай бўлгандир; ташвишлардан, ҳаяжондан, кимнинг юзига қараб, нима ҳақда бўлмасин, валақлаб ўтиргиси келгандир. Афтидан, ҳалигача унинг иситмаси пасаймаганга ўхшар, ҳали ҳам ич-ичидан қалтироқ тутиб келаётгандек эди. Хизматчи эса, Рогожиннинг

олдида етти букилиб турар, нафас олишга ботинмас, унинг ҳар бир сўзини дурри жавоҳир ўрнида қабул қиларди.

— Жаҳли чиқишга-ку, чиққан-а, жаҳли чиқса арзирди ҳам балки,— жавоб берди Рогожин,— лекин ҳаммадан ҳам укам жонимни суғуриб олди. Ойимга нима ҳам деб бўлади, қариб-чириб қолган, Четья-Минейани ўқиб, кампирларни йиғиб ўтиради, укам Сеньканинг айтгани айтган, дегани деган. Бўлмаса нега дарров менга хабар қилмади? Бидамиз жуда! Тўғри, мен ўшанда ҳушимдан кетиб ётувдим. Телеграмма юборилган эди, деб ҳам айтишяпти! Телеграммаси холамнинг қўлига тегибди. Холам бўлса ўттиз йилдан бери ёлғиз боши билан туради, эрталабдан тун қоронғисигача телба-ёзиқлар билан ўтиргани ўтирган. Тарки дунё қилганми десангиз, тарки дунё қилмаган, лекин тарки дунё қилгандан бешбаттар бўлиб қолган. Телеграммани кўриб ўтакаси ёрилиб кетибди ва очиб кўрмасданоқ почтага қайтариб берибди, ҳалигача ўша ерда ётган экан. Яхшиямки, Конев, Василий Васильич бор экан, жонга ора кирди, ҳаммасини ёзиб маълум қилди. Падаримизнинг тобутига ёпилган ўртукнинг қўйма олтин шокиласи бор эди, укам уларни қирқиб олибди: «Э-ҳа, булар фалон пул туради!»— деб. Агар истасам шунинг ўзи уни Сибирь қилиш учун етиб ортади, негаки бу шаккоклик. Ҳей, башарангни ел егур, тасқара, менга қара!— деди у хизматчига қарата.— Қонун бўйича қандай: шаккокликми?

— Шаккоклик! Шаккоклик!— дарҳол тасдиқлади хизматчи.

— Сибирми?

— Сибирь, Сибирь! Уша заҳоти Сибирь!

— Улар ҳалигача мени касал деб ўйлаб юришибди, — давом этди Рогожин князга қараб,— мен бўлсам, гинг демай, касал бўлсам ҳам вагонга чиқдим, мана боряпман. Оч дарвозаларни, укажоним Семен Семенич! Бидаман, марҳум отамнинг қулоғига у мени хўп чақарди. Мен Настасья Филипповнани деб ўшанда отамни хафа қилганим тўғри. Узим айбдорман. Гуноҳ қилиб қўйдим.

— Настасья Филипповна дейсизми? — тилёғла малик билан сўради хизматчи ниманидир фикрлагандай бўлиб.

— Сен уни билмайсан!— бетоқат бўлиб қичқирди Рогожин.

— Йўқ, бидаман! — деб ғолибона жавоб берди хизматчи.

— Оббо сен-ей! Настасья Филипповна битта эмасдир! Тўғрисини айтсам, ўзинг ҳам бориб турган сур ҳайвон экансан! Узим билувдим-а, шунга ўхшаган бир махлуқ дарров менга осилиб олишини! — деб давом этди у князга қараб.

— Бидаман, бидаман!— хира бўлиб олди хизматчи. — Лебедев билади! Сиз, жаноби олийлари, билмайсан деб таъна қилияп-

сиз, билишимни исбот қилайми? Бу ўша Настасья Филипповна бўлади, биламан, падари бузрукворингиз у туфайли орқангизни бодрезак таёғи билан силаганлар. Настасья Филипповна деганингиз Барашкова бўлади, оқсуяк хонимлардан, уни ҳам бир ҳисобда княжна дейиш мумкин, Тоцкий деган одам билан дон олишиб юради, Афанасий Иванович, донғи чиққан капиталист ва мулкдор, турли компания ва жамиятларнинг аъзоси дейишди у одамни, генерал Епанчин билан бу ишларда тиллари бир, жуда қалин эмишлар...

— Эҳ-ҳе, вой сени қара-ю!— ниҳоят чиндан ҳам ҳайратланди Рогожин,— оббо, ҳувори, бу ростдан ҳам биладиганга ўхшайди.

— Ҳаммасини билади! Лебедев ҳаммасини билади! Мен, жаноби олийлари Лихачев Алексашка билан икки ой бирга юрганман, унинг ҳам отаси ўлган эди, ўшанда кирмаган кўчам, қилмаган ишим қолмаган, ҳа, кейин у Лебедевсиз туролмайдиган бўлди. Ҳозир у қарзга ботиб қамалиб ўтирибди. Ўша пайтларда у Арманс борми, Коралия борми, княгиня Пацка борми, Настасья Филипповна борми, ҳаммасини қўлдан ўйказган эди, э, нимасини айтасиз, қандай ишларни қилиб юбормади у.

— Настасья Филипповна? Наҳотки у Лихачев билан...— газаб билан унга қаради Рогожин ва ҳатто лаблари қалтираб, гезариб кетди.

— Б-бекор гап! Б-б-бекор гап! Бекорнинг худди ўзи!— лабини тишлаганча шоша-пиша деди хизматчи,— қ-қанча пулларни созуриб ҳам эплай олмади уни Лихачев! Йўқ, у Арманс эмас. Унга Тоцкийдан бошқанинг қўли тегмаган. Биласизми, оқшомлари Большой театрда ёки Француз театрида ўзининг махсус ложасида ўтирадиган одам. Офицерлар ўртасида юрган ғийбат гаплар оз дейсизми, ҳаммаси қуруқ, ҳавойи мишмишлар: «Қаранглар, ана — ўша Настасья Филипповна деганлари шу хотин бўлади», деганга ўхшаш олди-қочдилар, холос, бошқа ҳаммаси ғирт ёлғон! Чунки гапирадиган гапнинг ўзи йўқ.

— Ростдан шундай бўлган,— қовоқ-тумшугини уйиб деди Рогожин,— ўшанда ҳам менга Залёжев айтиб берувди. Ушанда десангиз, князь, мен отамнинг эски чолонида Невскийдан чопиб ўтаётувдим, ўша хотин денг, магазиндан чиқиб қолса бўладими, каретага ўтирди. Жонимга ўт тушгандай бўлди. Залёжевни кўриб қолдим, юришини кўрсангиз, энди, худди сартарошнинг мирзаси дейсиз, бизга ўхшаганларни назар-писанд қилмайди, кўзига яна ойнак ҳам қистириб олган баччағар, биз бўлсак, отамнинг измидан чиқмай эски этик билан ёвғон шўрва ичиб юраверган эканмиз. Бу дейди, сенинг тенгинг эмас, дейди,

бу княгиня дейди, оти Настасья Филипповна, фамилияси Барашкова. Тоцкий билан туради, дейди. Тоцкий бўлса ундан қандай қилиб қутулишини билмай юрибди, дейди, унинг ёши ҳам анча ерга бориб қолган, эллик бешга кирган дейди, энди бутун Петербургда маънаман деган энг гўзал қизга уйланмоқчи, дейди. Истасанг, шу бугуннинг ўзидаёқ Настасья Филипповнани Большой театрдa кўришинг мумкин, дейди, у балетга тушади, ўз ложасида, бенуарда ўтиради, дейди. Отамиз балет у ёқда турсин, бериброғига ҳам қўймасди, гинг деб кўринг-чи, ўлдириб қўя қоларди! Лекин шундай бўлса ҳам бирон соатга унинг кўзини шамғалат қилиб қочдиму бориб яна Настасья Филипповнани кўрдим; ўша кунни кечаси миждуа қоқмай чиқдим. Эрталаб турсам, отам менга иккита беш процентли қоғоз берди, ҳар бири беш минг сўмдан, бориб дейди, алмаштириб кел, етти минг беш юз сўмини Андреевнинг идорасига элтиб бер, уни тўлагандан кейин бошқа ҳеч қаерга кирмасдан тўғри менинг қўлимга тутқазасан, дейди; сени кутиб ўтираман, дейди. Қоғозларни пулга алмаштирдим, чўнтакка солдим, лекин Андреевнинг олдига кириб ўтирмадим, ҳеч қаёққа қарамасдан тўғри англиз дўконига бордиму пулнинг ҳаммасига бир жуфт исирга танлаб олдим, ҳар биттасининг худди ёнғоқдек-ёнғоқдек келадиган гавҳари бор денг, тўрт юз сўм қарз бўлиб қолдим, отимни айтдим, майли, деб ишонишди. Исиргани олиб Залёжевни топдим: аҳвол шундай, шундай, оғайни, юр, Настасья Филипповнага олиб бор, дедим. Кетдик. Ушанда на оёғимнинг тагини кўраман, на олдидагини биламан, на ёнимдагини, кўзим тиниб кетган, ақлим шошган денг жуда, ҳеч нарса эсимда йўқ. Тўғри унинг ўйига кириб бордик, ўзи олдимизга пешвоз чиқди. Мен ўшанда ўзимни, кимлигимни унга айтолмадим; «мана шу Парфен Рогожин дегандан,— деб бидиллади Залёжев,— кечаги учрашув шарафига ҳадя; марҳамат қилиб қабул этсангиз». Очиб, қўлига олиб кўрди, табассум қилди. «Дўстингиз жаноб Рогожинга, туҳфаси учун ташаккур айтиб қўйинг»,— деди-ю таъзим қилиб чиқиб кетди. Шу денг, нега энди ўшанда ўлиб қўя қолмадим дейман! Боришга бордим: «Барибир тирик қайтмайман!»— деб борган эдим. Ҳаммадан ҳам алам қилгани бу баччағар Залёжевнинг бурни кўтарилгани, гўё барини у қилгандай. Менинг бўйим ҳам паст денг, ўзим ҳам югурдакларга ўхшаб кийинганман, унга кўзимни бақрайтириб индамай тураверишман денг, уялганимдан ерга кириб кетай дейман, Залёжев кишим бўлсалар, қотириб кийиниб олганлар, сочлари ораста, ранг-бошлари қип-қизил, катак-катак бўйинбоғлар тақиб олган денг— бир тилларини такиллашиб, буралиб эгилади тагин, ҳойнаҳой Настасья Филипповна уни мен деб ўйлади-ёв! «Бўлди энди,—

дедим чиққанимиздан кейин унга,—энди миқ этиб оғзингни оча кўрма, кунингни кўрсатиб қўяман, билдингми!»— дедим. Кулади: «Кўраман, қани энди сен Семен Парфеничга нима деб важ-корсон бичиб-тўқиркансан?» Мен бўлсам денг, уйга ҳам кириб ўтирмай, тўғри бориб ўзимни сувга ташлаб қўя қолай, дейман, кейин яна: «Бўлар иш бўлди», деб нотавон бўлиб уйга кириб бордим.

— Эҳ! Уҳ!— қийшанглаб қолди хизматчи, у ҳатто қалтирай бошлади,— марҳум отангиз ўн минг экан-ку, ўн сўмга нариги дунёга жўнатиб юборарди,— деб бошини қимирлатди князга. Князь Рогожинга ажабсиниб қараб турарди; Рогожиннинг ранги яна ҳам оқариб кетгандай эди шу тоб.

— Жўнатарди!— гўлдиреди Рогожин,— сен нимани билардинг? Шу заҳоти,— деб давом этди у князга,— ҳаммасини билиб олди, бунинг устига Залёжев ҳам ким учраса, шунга лақиллайверибди. Отам қўлимдан тутиб тепага олиб чиқиб қамаб қўйди, бир соат адабимни берди. «Бу ҳали хамир учидан патир, дейди, ҳали кечаси олдинга видолашгани кираман». Нима деб ўйлайсан? Мўйсафид Настасья Филипповнанинг олдига борибди, ер ўпиб таъзим қилибди, ялиниб-ёлворибди; алоҳа Настасья Филипповна қутичани олиб чиқиб, қўлига тутқазибди: «Мана сенга, сассиқ чол, исирганг, дебди, ҳамон Парфен жонидан кечиб олиб келибдими, энди у менга ўн баравар қиммат, ўшанга раҳмат. Парфен Семеничга менинг миннатдорчилигим ва саломимни айтиб қўй». Мен бўлсам, бу орада онамнинг ёрдамида Серезжа Протушиндан йигирма сўм қарз олиб машинада Псковга қараб жўнадим, титраб-қақшаб иситма ичида етиб бордим, у ерда мени кампирлар дийдиё ўқиб тоза қўғирчоқ қилишди, мен бўлсам ғирт маст ўтирибман, кейин қовоқхоналарда сандироқлаб пулим қолмагунча ичдим. Ўзимни билмай кечаси кўчада қолиб кетибман, эрталабга бориб қаттиқ иситмалабман, кечаси яна итлар талаганини айтмайсизми? Зўрға кўзимни очдим.

— Ана, ана энди Настасья Филипповна гаҳ десанг қўлингга қўнадиган бўлади!— деб ҳиринглади қўлларини ишқаб хизматчи,— энди, афандижон, исирга ҳам чўт бўлибдими! Энди биз шундай исирғалар олиб берайликки...

— Агарда сен яна бирон марта Настасья Филипповна ҳақида ғиринг дейдиган бўлсанг, худо ҳаққи, бошлаб таъзирингни бераман, мен сенга Лихачев эмасман!— деб ўшқирди Рогожин унинг қўлларидан маҳкам ушлаб.

— Адабимни берсанг, ўзингга яқин кўрганинг бўлади! Уравер! Уриб-уриб ўзингни қиласан... Мана, етиб ҳам келдик! Ростдан, поезд воксалга кириб бормоқда эди. Рогожин ҳеч

кимга айтмай ими-жимида кетаётирман, деган бўлса ҳам уни бир тўда одамлар кутиб туришарди. Улар сурон солишиб қалпоқларини силкитишарди.

— Қараиғ, Залёжев ҳам кепти!— гўлдиради Рогожин уларга қараб туриб алланечук кин билан голибона илжайркан, у бирдан князьга ўгирилиб қаради.— Князь, билмайман, нега сен илхши кўриб қолдим. Балким, мана бундоқ бир пайтда учратганимдандир бу, ундай десам, манавини ҳам (у Лебедевни кўрсатди) учратдим-ку, лекин кўнглим бирдай, Олдимга кел, князь. Биз манави чориқ-чалворларингни ечиб ташлаймиз, сенга антиқа сувсар пўстин кийдираман, ғалати фрак тиктириб бераман, оқ нимча ё истаган бошқа нарсангни тиктираман, чўнтагингни пулга тўлдириб қўяман, кейин... Настасья Филипповнанинг олдига борамиз! Келасанми, йўқми?

— Хўп денг, князь Лев Николаевич!— салмоқланиб тантанавор тарзда орага қўшилди Лебедев.— Оҳ, қуруқ қолманг! Оҳ, қуруқ қолманг!..

Князь Мишкин ўрнидан қўзғалди, назокат билан Рогожинга қўл узатди ва илтифот ила деди:

— Жоним билан, албатта бораман, менга бунчалар илтифот кўрсатганингнигиз учун минг раҳмат. Ҳатто улгурсам, шу бугуноқ бораман. Нега десангиз, очигини айтсам, сиз ўзингиз ҳам менга жуда ёқиб қолдингиз, айниқса гавҳар исирга^а ҳақида сўйлаганларингизда бошқача бўлиб кўриндингиз. Исиргадан олдин ҳам қовоғингиз солиқлигига қарамай яхши йигит экан деб турувдим. Менга пўстин ва либос ваъда қилганингиз учун яна бир қарра ташаккур, нега десангиз, ҳадемай менга пўстин билан либос асқатади. Пулга келганда, ҳозирча ёнимда бир тийиним ҳам йўқ десам бўлади.

— Пул бўлади, кечгача бўлади, албатта кел!

— Бўлади, бўлади,— тасдиқлади хизматчи,— оқшом тушмасдан пул бўлади!

— Бу дейман, хотинларга иштаҳа қалай, князь, зўрми? Олдинданок айтиб қўя қолинг!

— Мен, й-й-йўқ! Мен ахир... Сиз балки, билмассиз, мен ахир, туғма касалман, хотинларга ҳеч яқин йўламаганман.

— Агар ундай бўлса,— хитоб қилди Рогожин,— князь, сен бутунлай девопа экансан, сенга ўхшаганлар худога ёқади!

— Худога ёқади,— тасдиқлади хизматчи.

— Қани сен мен билан юр, юмшоқ супурги,— деди Рогожин Лебедевга ва ҳаммалари вагондан чиқдилар.

Лебедев ҳам ниҳоят ўз ниятига етди. Қўп ўтмай Рогожиннинг суронли оломони Вознесенский проспекти томонга қараб кўздан йўқолди. Князь Литейнийга борадиган эди. Ҳаво нам, рутубатли

эди; князь Ёткинчилардан йўл сўради,— борадиган ери уч қақиримча келар экан, шундан сўнг у извош қақирди.

II

Генерал Епанчин ўз хусусий уйида Литейнийдан бир оз чек-кароқда, Спас-Преображение томонда турарди. Олтидан беш қисми ижарага қўйиладиган бу (жуда кўркам) уйдан ташқари генерал Епанчиннинг Садовая кўчасида ҳам улкан уйи бўлиб, ундан ҳам ҳаддан зиёд кўп фойда ундирадди. Мана шу икки уйдан ташқари Петербургнинг яқинида хийлагина йирик ва сердаромад мулки ҳам бор эди; яна Петербург уездида аллақандай фабрикаси бўларди. Илгариги пайтларда генерал Епанчин ҳукуматдан солиқларни ялпи тарзда сотиб олишда қатнашганлигини ҳамма биларди. Ҳозирда у баъзи бир йирик акционер жамиятларга аъзо саналар ва анча-мунча обрў-эътиборли овозга эга эди. У пули кўп, иши кўп ва ошна-оғайниси кўп одам сифатида танилган эди. Баъзи бир ерларда у қатнашмаса иш битмасди, инчунин идора хизматида ҳам. Дарвоқе, Иван Федорович Епанчиннинг маълумоти йўқлиги, асли таги солдат болаларидан чиққанлиги ҳам маълум эди; албатта, у бундан фахрланиб юрса арзирди, бироқ генерал ақли комил одам бўлишига қарамасдан андаккина, жуда ҳам кечирарли қусурлардан холи эмасди, зотан, у баъзи шамаларни ёқтирмасди. Лекин шак-шубҳасиз ақлли ва уддабурон киши эди. У, айтайлик, ўзини кўрсатавермасликни одат қилиб олганди, ксрак бўлганда ўзини четга ола биларди ва кўп кишилар уни худди мана шунинг учун, соддалиги, ўз ўрнини доимо билиб юрганлиги учун қадрлар эдилар. Воқеан, унга шундай деб баҳо берувчилар ҳар доим ўз ўрнини жуда яхши билиб юрадиган Иван Федоровичнинг юрагидан гоҳо нималар кечишини билсалар эди! Ҳақиқатан ҳам, гарчи у тadbиркор, кўзи пишиган, тажрибали ва булардан ташқари яна баъзи бир ажойиб фазилатлар соҳиби бўлса ҳам, бироқ ўз калласи билан иш юритадиган одамдан кўра бошқа одамнинг йўл-йўриги, чизган чизигдан юрадиган ижрочи қилиб кўрсатишни маъқул топар, ўзини «хушомадсиз содиқ» ва — замон нималар қилмайди кишини? — ҳатто рус кишини ва самимий киши қилиб кўрсатгиси келарди. Айниқса, шу кейингиси вакидан унинг бошидан кўп гаройиб, антиқа воқеалар кечиб ўтганди; аммо генерал бошидан қандай кулгили воқеаларни кечирмасин, сира ҳам сиртига юқтирмас эди, бунинг устига унинг омади бор эди, ҳатто қарта ўйнаганда жуда катта қўйиб ўйнар, атай шундай қилаётганлигини, жиндаккина шу қарта-возликни яхши кўришини яшириб ўтирмас, аксинча, ўзини

қартавоздай қилиб кўрсатар эди, қарта ўйинлари эса кўп маҳал ва ҳатто жиддий тарзда унга асқатар, қўл келарди. Уларнинг гуруҳида ҳар хил одамлар бор эди, лекин қандай бўлмасин, бари «тузлар» эди. Лекин ҳали ҳаммаси олдиндайди, вақт етарли эди, вақт ҳамма нарсага етарли эди ва ҳали ҳамма нарса ўз ўрни ва ўз мавриди билан рўй бериши керак эди. Бунинг устига, генерал Епанчиннинг, нима десак экан, қирчиллама чоғи эди, эндигина атиги эллик олтига киргани, нима бўлганда ҳам бу одамнинг айти гуллаб-яшнайдиган чоғи эди; зотан, худди мана шу ёшдан *чинакам* ҳаёт бошланади. Соғломлиги, рангининг тозаллиги, тишларининг қорайган бўлса ҳам ҳали бақувватлиги, яғринлари, елкалари кучга тўлиб турганлиги, эрта билан идора хизматида чеҳрасининг жиддийлиги, кечқурун қартага ўтирганларида ёхуд ҳазрат олийларининг ҳузурларида бўлинганда эса қувноқлиги—булар ҳаммаси бугунги ва эртанги рўшноликлардан дарак берар ва жаноби олийларининг умр йўлларига гуллардан поёндоз тўшар эди.

Генерал фаровон, гуллаб-яшнаган оила эгаси эди. Рост, ҳаммаси гарчи бошдан-оёқ гуллардан иборат эмасди, лекин буида жаноби олийларининг анчадан бери жиддий, чин юракдан боғлаган умид ва кўзлаган мақсадларини юзага чиқарадиган нарсалар кўп эди. Умуман, ўзи ҳаётда ота-онанинг орзу-амалидан ҳам ортқроқ, муқаддасроқ нарса бўлиши мумкинми? Одам оилага боғланмаса нимага боғланади? Генералнинг оиласи хотини ва уचा бўй етган қиздан иборат эди. Генералнинг уйланганига анча бўлган, ҳали поручик бўлиб юрган чоғлари ёши ўзи билан деярли тенг, на ҳусн ва на маълумоти бўлган бир қизга уйланган эди, қизнинг сепи ҳам бор-йўғи эллик жон одам эди, лекин рост — унинг толеи шундан бошлаб баландлаган эди. Аммо генерал кейинчалик ҳеч қачон эрта уйланиб қўйдим деб надомат қилмади, ёш эканман, тажрибасиз эканман, деб ўксиниб юрмади, хотинини эса шу қадар ҳурмат қилар ва ундан шу қадар қўрқарди ва ҳатто уни яхши кўрарди ҳам. Генерал ойимнинг насл-насаби князь Мишкинлардан эди, бу жуда ҳам порлоқ авлод эмаса-да, лекин анча қадим авлод эди ва у ўз насл-насаби билан фахрланиб юрарди. Уша чоғлардаги обрўли зотлардан бири, бировга ҳомийлик қилса, ҳомийлиги ҳам нафсиламрга, осонгина битадиган бир киши ёшгина княжнанинг никоҳига бош қўшишга розилик берди. У ёш офицерга эшик очди ва турткилаб ишни жўнаштириб юборди; унга эса туртки эмас, бир нигоҳнинг ўзи кифоя қилар эди — қолганини дарҳол ўзи уддалаб оладиган эди! Гоҳи истисноларни ҳисобга олмаганда эр-хотин узоқ тинч-

тотув турмуш қурдилар. Қиязлар авлодига мансублиги ва бу авлоддан тирик қолган сўнги одам бўлганлиги, ёхуд асл зотига тортганиданми, генерал ойм жуда ёшлигиданоқ, баъзи бир олий насабли хонимлардан ўзига ҳомий ортттира олганди. Кейинроқ, эрининг давлати ва хизмати мавқеи соясида у ҳатто олий доираларни аста-секин ўзиники қилиб ола бошлади.

Кейинги йиллар ичида генералнинг учала қизи — Александра, Аделаида ва Аглая ўсиб, бўй етиб қолган эдилар. Гарчи улар ота томондан бўлмаса ҳам, лекин она томондан князларга дахлдор эдилар, сеплари ҳам бир дунё эди ва яна хийла муҳими, келажакда отаси баланд мавқеларни эгаллаш эҳтимоли йўқ эмасди, бунинг устига ҳар учалалари ёши йигирма бешга тўлган тўнғич Александрани ҳам истисно қилмаганда, ой деса ой, кун деса кун дегудай эдилар. Ўртанчалари йигирма учга чиққан, кенжа Аглая эса кун кеча йигирмага қадам қўйганди. Кенжа қизни ҳатто жуда ҳам чиройли дейиш мумкин эди ва у киборлар ичида кишиларнинг диққатини тортадиган бўлиб қолганди. Лекин булар ҳали ҳаммасмас: учалалари ўқиган, ақлли-ҳушли, қобилиятли қиз эдилар. Улар бир-бирларини қаттиқ яхши кўрар ва бир-бирларини суяр, қўллаб-қўлтиқлашар эдилар, бу маълум эди. Бундан ташқари опалари оиланинг эрка маъбудаси — кенжа сингиллари учун алланарсалардан воз кечиб, фидокорлик қилганликларини айтиб юришарди. Жамият ичига кирганда улар ўзларини кўз-кўз қилавермас, ҳатто ҳаддан ортиқ содда — камсуқум кўринар эдилар. Ҳеч ким уларни такаббур ва димоғдор деб айтолмас, лекин воқеан, улар орийтли ва ўз қадрини биладиган қиз эканликлари ҳаммага маълум эди. Тўнғич қиз музика чаларди, ўртанча қиз яхши сураат чизарди; лекин кўп йиллардан бери буни деярли ҳеч ким билмас, фақат охирги пайтларга келиб бир тасодиф билан булар маълум бўлганди. Қисқаси, қизлар ҳақида яхши гап-сўзлар ҳаддан зиёд кўп эди. Лекин уларни кўролмайдиганлар ҳам йўқ эмасди. Улар бу қизлар мунча кўп китоб ўқишмаса, деб ёқа ушлашарди. Қизлар эрга чиқишга шошилмасди, ўзларига таниш жамиятни ҳурмат қилишар, лекин унга ҳаддан ортиқ эътимождлари ҳам йўқ эди. Одамлар қизларнинг отаси нимани кўзлаб ҳаракат қилаётганлигини, унинг майл-истакларини, феъл-атворини билишар, ва шунинг учун ҳам бу антиқа бир ҳол бўлиб кўринарди.

Қиязь генерал эшигининг қўнғирогини чалганда соат ўн бирлар бўлиб қолганди. Генерал иккинчи қаватда истиқомат қилар ва иложи борича камроқ, лекин ўз мартабасига муносиб жой эгаллаганди. Қиязга эшикни махсус хизматкор очди, унга жуда узоқ гап уқтиришга тўғри келди, хизматкор қиязга, унинг

қўлидаги тугунчага шубҳаланиб қараб турарди. Ниҳоят, бир неча бор аниқ-таниқ қилиб, мен ростдан князь Мишкин бўламан, зарур иш юзасидан генерални кўришим керак, дегандан сўнг, ҳеч нарсани тушунмаган хизматкор уни ўзи билан бирга кабинет олдидаги қабулхона эшигигача бошлаб борди ва шу эшик олдида ўтириб, эрталаб келган кишилар ҳақида генерални хабардор қилиб турадиган бошқа бир хизматкорнинг қўлига топширди. Фрак кийган, ёши қирқлардан ўтиб қолган, башараси ташвишли кўринган бу одам жаноби олийларининг кабинетига қараб турадиган, келувчилар ҳақида унга хабар етказадиган махсус ходим бўлиб, димоқ-фироғи ҳам шунга яраша эди.

— Қабулхонага кириб кутиб турунг, тугунчани эса шу ерда қолдирунг,— деди у шошмасдан савлат тўкиб ўз креслосига ўтираркан, у тугунчасини қўлидан қўймай шу ернинг ўзига, унинг ёнгинасига ўтирган князга ажабсиниб қараб қолди.

— Ижозат берсангиз,— деди князь,— сизнинг ёнингизда кутиб ўтирсам, у ерда бир ўзим нима қилдим?

— Бу ерда турмаслигингиз керак, негаки сиз қабулга келгансиз, бошқа жиҳати меҳмонсиз. Сиз генералнинг ўзигами?

Хизматкор, афтидан, уст-боши бир ҳолатда бўлган одамни ичкарига қўйишни ҳам, қўймаслигини ҳам билмас, шунинг учун талмовсираб яна бир карра сўраб кўрганди.

— Ҳа, ишим бор эди...— деди князь.

— Мен сиздан нима ишингиз бор эди, деб сўраётганим йўқ,— менинг вазифам келган одамларни маълум қилиш. Котиб келмагунча сизни кириб айтолмайман, деяпман.

Бу одамнинг шубҳаси тобора ошиб бораётгани кўриниб турарди; князь ҳар куни келиб турадиган кишиларга сира ҳам ўхшамасди, гарчи генерал ҳар куни маълум бир соатда, айниқса иш юзасидан баъзан жуда ҳам турфа хил одамларни кўп қабул қилса-да, лекин одат бўлиб қолганига ва тайинлаб қўйилганига қарамасдан ходим нима қилишини билмасди; котибдан маслаҳат олмаса бўлмайдиган эди.

— Сиз ўзи рости билан... чет элдан келяпсизми?— беихтиёр оғзидан чиқиб кетди унинг ва тутулиб қолди, у: «Сиз ростдан ҳам князь Мишкин бўласизми?»— деб сўрамоқчи бўлди шекилли.

— Ҳа, ҳозиргина вагондан тушдим. Менимча, сиз ростдан князь Мишкин бўласизми, деб сўрамоқчи бўлдингиз, лекин одоб юзасидан сўрамадингиз?

— Ҳм...— гўлдираб қўйди ходим.

— Гапимга ишонинг, сизга ёлғон айтаётганим йўқ, сизга ҳеч нарса дейишмайди. Менинг бундай аҳволда эканим, тугун

кўтариб юрганимга ажабланманг, ҳозир аҳволим шундай ночор-роқ бўлиб турибди.

— Ҳм. Уйламанг, мен кўрқаётганим йўқ. Мен кириб айтишим керак, сизнинг олдингизга котиб чиқади, мабодо, агарда сиз... Ана, ана шу-да, шу, яъни, шу мабодо дейман... Сиз йўқчилик важдан генералга учрашмоқчимисиз? Сўраганим учун айбга буюрманг, билсак бўладими?

— О, ундаймас, сиз бундан сира ташвишланманг. Менинг бошқа ишим бор.

— Маъзур кўрасиз, аҳволингизни кўриб сўровдим. Котибни кутинг, ўзлари ҳозир полковник билан гаплашиб ўтирибдилар. Кейин котиб ҳам келади... Жамият котиби.

— Ундай бўлса, кўп кутиладиган бўлса, ижозат этсангиз, бу ерда чекиб олса бўлармикин? Ёнимда трубкам билан тамаким бор.

— Че-киш-ми?— унга ҳайрон бўлиб, ижирганиб кўз ташлади ходим ўз қулоғига ўзи ишонмагандай,— чекиш дейсизми? Йўқ, бу ерда чекиш мумкин эмас, ўйлаб ўтирган нарсангизни қаранг, уялмайсизми, ҳе... қизиқ!

— О, мен шу ерда чекаман деганим йўқ, мен биламан ахир; чиқиб чекадиган жой бўлса кўрсатсангиз. Чекиб келардим, шу десангиз, ўрганиб қолганман, уч соат бўлди чекмаганимга, Майли, яна ўзингиз биласиз, бир мақол бор: ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор...

— Ўзингиз айтинг, бу аҳволда сизни нима деб кириб айтаман?— тўнғиллади ихтиёрсиз суратда хизматкор.— Бирламчи, сиз бу ерда турмаслигингиз лозим эди, қабулхонада ўтиришингиз керак, негаки сиз қабулга келгансиз, бир жиҳатдан меҳмонсиз, кейин мени сиқоштиришади... Нима, ўзи бизникида яшаб турмоқчимисиз?— деб қўшимча қилиб қўйди у яна бир карра князнинг тугунчасига қия назар солиб, афтидан, шу тугунча уни гоятда безовта қилмоқда эди.

— Йўқ, ундай ниятим йўқ. Қол деб айтишса ҳам қолмайман. Мен шундай бир кўриб кетай деб келган эдим, бошқа гапим йўқ.

— Нима? Кўриб кетай деб?— ҳайрон бўлиб, шубҳаси устига шубҳа қўшилб сўради хизматкор,— сиз боя иш билан келдим деган эдингиз-ку?

— О, нима иш бўларди дейсиз! Ундай десам, биласизми, бир ишим ҳам йўқ эмас-а, шундай бир маслаҳат сўрамоқчиман, лекин аввало танишиб олмоқчиман, чунки мен князь Мишкинман, генерал ойим Епанчина бўлсалар, у киши ҳам охириги князь Мишкинлардан, мен билан у кишидан бошқа князь Мишкинлардан ҳеч ким қолмаган.

— Бу дейман, қариндош ҳам бўласизми ҳали?— типирчилаб қолди кўрқиб кетган хизматкор.

— Жуда унчалик эмас. Дарвоқе, агар суриштириб келса, қариндош ҳам чиқамиз, лекин жуда узоқ қариндош, шунинг учун қариндош саналмаса ҳам бўлаверади. Мен генерал оймга чет элдан хат ёзган эдим, лекин у киши жавоб қилмади. Мен шунга қарамасдан қайтиб келганимдан сўнг борди-келди қилсақ деган эдим. Сизга буларни айтаётганимнинг боиси, шубҳаланиб ўтирманг, деяпман, чунки кўриб турибман, сиз ҳалиям ташвиш чекиб ўтирибсиз. Кириб, князь Мишкин келди, деб айтинг. Шунинг ўзидан нега келганлигим аён бўлади. Кирсин, десалар—соз, кирмасин, десалар, балким ундан ҳам созроқ бўлади. Фақат кирмасин, деб айтмасалар керак: генерал ойм ўз авлодидан қолган охирги одамни албатта кўргиси келади, у киши бўлсалар, ўз суякларини жуда қадрлайдилар, аниқ шундай деб эшитганман.

Князнинг гап-сўзлари жуда ҳам соддага ўхшаб кўринар ва содда бўлиб кўринган сари унинг ҳозирги ҳолатига қовушмас, шунданмикин, кўпни кўрган хизматкор, киши билан киши муомала қилганда одоб юзасидан ўринли бўлган, лекин киши билан меҳмон муомала қилганда тамомла ноўйиб бўлиб кўринадиган алланиманидир сезмоқда эди. Бироқ кишилар уларнинг хўжалари одатда ўйлагандан кўра анча-мунча фаросатлироқ бўлганлари боисидан хизматкор бу ерда инки нарса бўлиши мумкин, деб ўйлади: ё князь аллақандай сиғинди одамлардан ва албатта бу ерга тама билан келган, ё князь тентак, ўз иззат-нафсини билмайдиган одам, бинобарин, у ақлли одам бўлганда, ўз иззат-нафсини қадрлаганда, хизматкорнинг ёнида ўтириб у билан ўз ишларини гаплашмасди, ишқилиб қандай бўлмасин, ҳали бу бошига бир бало орттирмасайди?

— Ҳар ҳолда қабулхонага кириб ўтирсангиз бўларди,— деди у имкон қадар қаттиқроқ туриб.

— У ерда ўтирсам, мана сизга ҳозиргидай ҳаммасини гапириб беролмасдим,— ҳазиллашиб кулди князь,— сиз бўлсангиз, мешинг тугуним билан хирқамга қараб ташвиш чекиб ўтираверардингиз. Мана энди котибни кутиб ўтиришга ҳам ҳожат қолмади, кириб ўзингиз айтиб чиқсангиз бўларди.

— Мен сизга ўхшаб келганларни котиб бўлмаса, кириб айтолмайман, бунинг устига боя ўзлари тайинлаган эдилар, то полковник кетмагунча олдимга ҳеч ким кирмасин деб, Гаврила Ардалионич бўлса, тўғри кириб бораверади.

— Хизматчимми?

— Гаврила Ардалионичми? Йўқ. У компанияда ўзи ихтиёрий ишлаб юради. Жуда бўлмаса тугунни ҳув анови ерга қўйиб туринг.

— Шунинг ўйлаб турувдим; ижозат этсангиз. Яна биласизми, хирқамни ҳам ечиб қўйсаммикин дедим?

— Албатта, унинг олдига шундоқ кирмайсиз-ку.

Князь ўрнидан туриб шоша-пиша устини ечди ва бир оз эскириб қолган бўлса ҳам анча кўркам, пўрим тикилган пиджакда қолди. Нимчасида пўлат занжирча осилиб турарди. Занжирчага Женеванинг кумуш соати осилғич эди.

Гарчи князь тентакроқ бўлса ҳам,— хизматкор шу қарорга келди,— барибир генерал хизматкори қабулга келган одам билан ўзбошимча суратда гаплашиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Лекин князнинг нимасидир унга ёқиб қолганди. Шунга қарамасдан бошқа бир жиҳатдан у княздан қаттиқ аччиқланмоқда эди.

— Генерал ойм қай пайтларда қабул қиладилар?— сўради князь яна жойига ўтираркан.

— Бунинг менга алоқаси йўқ. Қачон хоҳласалар, шунда қабул қиладилар одамига қараб: модистка хотин келса, соат ўн бирда ҳам киритаверадилар. Гаврила Ардалионични ҳам бошқалардан олдинроқ қабул қиладилар, ҳатто эрталабки чойни ҳам бирга ичадилар.

— Бу ерда уйларнинг ичи чет эллардагидан иссиқроқ,— деди князь,— лекин у ёқларда ташқари биздагидан иссиқроқ бўлади,— қиш пайтларда эса, у ернинг уйларида рус кишиси ўрганмаганидан анча қийналиб қолади.

— Иситишмайдимми?

— Ҳа, ундан кейин уйлар ҳам бошқача, деразаю печь, холос.

— Ҳм! Анча юриб келгандирсиз?

— Ҳа, тўрт йил. Тагин мен бир жойда қимирламай ўтирдим, қишлоқда.

— Бу ерлар эсингиздан ҳам чиқиб кетгандир?

— Рост айтасиз. Ишонасизми, ўзим ҳам ҳайронман, қандай қилиб русчани эсимдан чиқариб қўймаганимга. Мана, сиз билан сўйлашиб ўтирибману, ўзим: «Эсимдан чиқиб кетмабди-я», деб суюняпман. Шунинг учун ҳам кўп гапириб юбораётган бўлсам керак. Тўғриси, кечадан бери нуқул русча гаплашгим келаверади.

— Ҳм! Ҳе! Петербургда илгари турганмисиз? (Хизматкор ўзини қанча тиймасин бундай ширин, боадаб суҳбатга қўшилмай иложи йўқ эди.)

— Петербургда дейсизми? Кўрмаганман десам ҳам бўлади, йўл-йўлакай кўриб ўтганман. Илгарилар ҳам бу ерларни яхши билмасдим, энди бўлса, ҳамма нарса янгича кўринади, бошқача эшитилади. Олдин кўрган-билган бўлсанг ҳам яна бошқатдан кўришинг, билишинг керак дейишади. Ҳозир бу ерда кимни қарама, суддан гапиради.

— Ҳм!.. Суд. Суд ўзи оти билан суд. Қалай у ёқларда, адолат билан суд қилишадими, йўқми?

— Билмадим. Мен бизнинг судлар ҳақида кўп яхши гаплар эшитдим. Тагин денг, бизда ўлим жазоси йўқ.

— У ёқда борми?

— Бор. Мен Францияда, Лионда кўрганман. У ерга Шнейдер бирга олиб борган эди.

— Осишадими?

— Йўқ, Францияда нуқул калла кесишади.

— Додлашса керак-а?

— Қаёқда! Кўз очиб юмгунча битади. Одамни ётқизишади машинага, кейин каттакон жоди бўйнига қарсиллаб тушади, оғир, ўткир жоди... гильотина дейишади машинасини. Қиприк қоқиб улгуролмайсан, каллани шарт қирқиб тушади. Ётқизиши оғир. Ҳукм ўқишиб, тайёрлашиб, боғлашиб, қатл қилгани олиб чиқишганда жуда ҳам оғир бўлади! Одамлар ёпирилиб келишади, хотинлар ҳам бор денг, лекин томоша қилишни ёқтиришмайди.

— Уларнинг ишимас.

— Рост! Рост! Бу азобни айтинг... Бир ақлли, мард, бақувват, ёши ўтиброк қолган Легро деган жинойтчини кўрганман. Мен мана сизга айтяпман, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қатлга олиб чиқишгандан кейин — йиғлаб юборди, ранги қоғоз бўлиб кетди. Шунақа ҳам бўладими? Даҳшат-ку, бу? Қани, айтинг, ким кўрқиб йиғлайди? Мен одам кўрққанидан йиғлайди деб сира ўйламаган эканман, бола бўлмаса, кап-катта одам бўлса, кўз ёш қилиб юрмаган қирқ беш яшар одам. Шундай дамларда одамнинг дили қандай бўлиб кетаркан, қай аҳволга тушаркин одамнинг юраги? Бу одамни, унинг қалбини хўрлаш, холос, бошқа ҳеч нарса эмас! Айтилган-ку, «ўлдирма!»— деб, у ўлдирган бўлса, уни ҳам ўлдириш керакми? Йўқ, бу мумкинмас. Буни кўрганимга мана бир ой бўлиб қолди, ҳалиям кўз ўнгимдан кетмайди. Беш мартача тушимга кирди.

Князь сўзлар экан, жонланиб қолди, гарчи у ҳамон боягидек секин гапирётган бўлса ҳам қонсиз юзига билинар-билинмас ранг югурди. Хизматкор хайрихоҳлик билан унинг гапига қулоқ солар, гапни бўлгиси келмасди; балки у ҳам кўп нарсаларга қизиқадиган, бир қадар мулоҳазали одамдир.

— Тузук, тагин ҳам унчалик қийналмас экан,— деди у,— боши кесилганда.

— Биласизми, нима?— ҳаяжонланиб унинг сўзини илиб кетди князь,— қаранг, сиз буни фаҳмлабсиз, бошқа ҳамма кўрган одамлар худди сизга ўхшаб шунга айтишади, гильотина деган машинаси ўзи ҳам шунга чиқарилган. Мен бўлсам,

ўшанда, балки бу ёмёнроқдир, деб ўйлаб қўйган эдим. Сизга бу кулгили, ваҳшийлик бўлиб туюлиши мумкин, лекин бундоқ қараганда, каллага шунга ўхшаган гап келиб қолишига ажабланмаса ҳам бўлади. Ўйлаб кўринг: шу қийноқ деган нарсани олинг; бунда азоблар ва жароҳатлар бўлади, жонинг оғрийди, буларнинг ҳаммаси руҳий азоб чекишга имкон бермайди, шундай бўлгандан кейин то ўлгунингча бадандаги жароҳатларнинг азобини тарта-тарта ўлиб кетасан. Ва лекин одамга энг ёмон азоб берадиган нарса жароҳатларнинг оғриғи бўлмаса керак, менимча ҳозир, мана бир соатдан сўнг, кейин ўн дақиқа, сўнг ярим дақиқа, кейин мана ҳозир, шу он, шу сонияда муқаррар суратда жонинг узилишини, бошқа ҳеч қачон одам бўлмаслигини, ҳаммаси энди муқаррар суратда рўй беришини биллиб туришинг қаттиқ қийноққа солади; ҳаммасидан оғри — шу *муқаррарлик*. Бошингни тиг остига қўйганингдан сўнг, жоди тепангда ширқиллайди, худди шу жоди ширқиллаган сониянинг улушлари ҳаммасидан ҳам даҳшатлироқ. Биласизми, буни мен тўқиб чиқараётганим йўқ, кўп одамлар шундай деб айтишган? Мен бу гапларга жуда ҳам ишонаман, сизга тўғриси айтиб қўя қоламан. Қотиллик қилганлиги учун қатл қилиш жиноятнинг ўзидан кўра ҳам оғирроқ жазо. Ҳукм ўқиш йўли билан қилинадиган қотиллик қароқчилик йўли билан қилинадиган қотилликдан кўра беқийёс даҳшатлироқ. Қароқчилар томонидан ўрмонда ми ё бошқа бирон ерда сўйиладиган одам охири дақиқагача албатта ҳали қутулиб кетишим мумкин, деб умидвор бўлади. Кекирдаги кесилган чоғда ҳам одам ҳамон умидини узмайди, ялинади, ёлворади, қочшига уринади, шундай воқеалар бўлган, бунга мисоллар бор. Бояги ҳолда эса одамнинг ўлишини ўн баравар осонлаштирадиган ўша сўнгги умид, илинжни *муқаррар* суратда тортиб оладилар; бунинг устига ҳукм денг, ҳукмининг муқаррарлиги, ундан қочиб қутулиб бўлмаслиги ҳаммасидан ҳам даҳшатлироқ азоб беради, ёруғ жаҳонда бундан кўра қаттиқроқ қийноқ йўқ. Аскар болани олиб келиб нақ тўпнинг оғзига тўғрилаб қўйинг жанг пайтларида, унинг башарасига қараб отинг, у бўлса ҳеч нарса бўлмагандай ҳали яшашига умид қилади, лекин худди шу аскар болани муқаррар ҳукмга гирифтор қилиб кўринг-чи, у ё жинни бўлиб қолади ва ё йиғлаб юборади. Инсон табияти бунга дош беролмайди, бундай пайтларда у телба бўлиб қолмайди, деб ким айтади? Кимга керак бу бедаво, беҳуда, бефойда ҳақорат? Балки устидан ҳукм ўқилган, ит азобини бошидан кечирган, кейин: «Бор энди кетавер, сени афв қилишди», дейилган одамлар ҳам бордир. Ана шундай одам эҳтимол гапириб бериши мумкин эди. Мана шундай азоб ва мана шундай даҳшат ҳақида Исо

хам гапирган эди. Йўқ, одамни бу аҳволга солмаслик керак!

Хизматкор албатта бу гапларни князь айтгандай қилиб ифодалаб беролмасди, лекин ҳеч шубҳасиз, ҳаммасини бўлмаса ҳам асосий гапни тушунди, бу ҳатто унинг ийиб кетган юзидан ҳам билиниб турарди.

— Агар жуда ҳам чеккингиз келаётган бўлса,— деди у,— майли, нима ҳам дейман, чека қолинг, фақат тезроқ чекиб олинг. Нега десангиз, сўраб қолишлари мумкин. Ана пиллапоянинг тагидаги эшикни кўряпсизми. Эшикдан кирсангиз, ўнг томонда ҳужра бор: ўша ерда чекса бўлади, фақат дераза дарчасини очиб қўйсангиз, ўзи мумкин эмас-да бу...

Аммо князь чекиб келишга улгурмади. Бу ерга қўлида қоз кўтарган ёш йигит кириб келди. Хизматкор унинг устидан пўстинини ечди. Йигит князга кўз қирини ташлади.

— Бу киши, Гаврила Ардалионич,— деб бошлади расмий тусда қуруққина қилиб хизматкор,— князь Мишкин бўламан, бека оймнинг қариндошиман, дейдилар, чет элдан поездда келибдилар, қўлларида тугунча, фақат...

Бу ёғини князь эшитолмади, хизматкор шивирлаб сўзлай бошлади. Гаврила Ардалионич диққат билан тинглаб князга бағоят қизиқишиш билан қараб-қараб кўярди, ниҳоят, тинглашни қўйиб тоқатсизланганча князга томон юрди.

— Сиз князь Мишкин бўласизми?— сўради у ҳаддан ташқари илтифот ва назокат билан. Бу ёши йигирма саккизларга борган, оқ-сарикдан келган, қадди-қомати келишган, бўйи ўртачадан баланд, кичкинагина наполеонча соқол қўйган, жуда ҳам чиройли юзидан ақлли эканлиги кўриниб турган ғоятда кўркем бир йигит эди. Фақат унинг илтифотга тўлиқ табассуми аллақандай ҳаддан ташқари пазик, ниғичка эди; табассум қиларкан, садафдай текис тишлар атай намойиш қилингандай бўлиб кўринди; кўринишидан қувноқ ва одамшаванда бўлиб боқса ҳам, лекин барибир қарашлари аллақандай ҳаддан ортиқ қаттиқ ва синовчан эди.

«У ёлғиз ўзи қолганда бутунлай бошқача қараса керак ва эҳтимол, ҳеч қачон кулмаса керак»,— деб нечукдир хаёлидан кечди князнинг.

Князь аввалроқ хизматкорга,— ундан ҳам аввалроқ Рогожишга қандай тушунтирган бўлса, бунга ҳам тез-тез ўша гапларни айтди. Гаврила Ардалионич алланиманидир эслагандай бўлди.

— Бир йилча бўлди,— балки бир йил ҳам бўлмагандир ҳали, Швейцарияданми, қаердан, Елизавета Прокофьевнага хат ёзмаган эдингизми сиз?

— Худди шундай.

— Унда сизни бу ердагилар билишади, эсларида. Сиз жаноби олийларини кўрмоқчимисиз? Ҳозир кириб айтаман... Ҳозир бўшаб қоладилар. Фақат сиз бу... сиз дейман қабулхонага кириб турсангиз бўлармиди... Нега у киши бу ердалар?— порози бўлиб сўради у хизматкордан.

— Айтдим-ку, ўзлари кирмадилар деб...

Шу пайт кабинетнинг эшиги очилиб, қўлида портфель кўтарган аллақандай ҳарбий киши шангиллаб гапириб хайрлашганча чиқиб келди.

— Қелдингми, Ганя!— қичқирди кабинет ичидан овоз,— қани бу ёққа кир-чи!

Гаврила Ардалионич князга бошчини силкитиб қўйди-ю, шоша-пиша ичкарига кириб кетди.

Икки дақиқалардан сўнг эшик яна очилди ва Гаврила Ардалионичнинг жарангдор, илтифотли овози эшитилди:

— Князь, марҳамат қилсинлар!

III

Генерал Иван Федорович Епанчин кабинетнинг ўртасида эшикдан кириб келаётган князга ғоятда қизиқсиниб қараб тураркан, ҳатто унга пешвоз икки қадам ташлади. Князь яқин келиб ўзини танитди.

— Хўш-ш,— деб жавоб қилди генерал,— қандай хизматлари бор?

— У қадар зарур хизматим ҳам ўзи йўқ; бирдан-бир ниятим сиз билан танишмоқлик эди. Сизни ташвишга қўймоқчи эмасман, кун тартиботингиз қандайлигини, қайси пайтлар бўш эканлигингизни билмаганим боисидан... Нафсиламрга, ўзим ҳам ҳозиргина вагондан тушдим... Швейцариядан келдим...

Генерал хиёлгина кулимсирагандай бўлди, лекин яна ўзини тўхтатиб қолди; кейин яна ўйланиб, кўзини қисинқираб меҳмонга бошқатдан сартопо назар ташлади, кейин тез унга курси кўрсатди, ўзи бир оз ёнламасига ўтирди ва жони ичига сиғмай князга қаради. Ганя кабинетнинг бурчида бюро олдида туриб қоғоз титкиларди.

— Одамлар билан танишиб ўтиришга вақтим у қадар мусоюда қилмайди,— деди генерал,— лекин ҳамонки, сиз бир ният билан келган экансиз, унда...

— Ўзим ҳам шундай бўлади деб ўйловдим,— унинг гапини бўлди князь,— менинг келганимни албатта бирон нарсага йўярсиз деган эдим. Бироқ, худо ҳаққи, сиз билан танишиб олсам бошим осмонга етади, шундан бошқа ҳеч қандай бир мақсадим йўқ.

— Нимасини айтасиз, бундан менинг ҳам ҳаддан ташқари бошим осмонга етди, лекин вақтичоғликнинг ўз дами, фурсати бор, орада хизматни ҳам унутмаслик керак... Бунинг устига мен ҳанузгача ўртамизда қандай яқинлик бўлиши мумкинлигига ақлим бовар қилмай турибди... қадам ранжида қилишларидан му-род, яъни сабаб дегандай...

— Шак-шубҳасиз, ҳеч қандай сабаб йўқ, ўртамизда нима ҳам бўлиши мумкин дейсиз. Ҳегаки мен князь Мишкин бўлсам, сизнинг завжаи муҳтарамангиз ҳам бизнинг уругдан бўлсалар, албатта, бу сабаб бўлолмадику-я. Буни жуда яхши тушунаман. Лекин шунга қарамасдан мен худди шу томонни ўйлаб бу ерга келган эдим. Мен тўрт йилча Россияда бўлмадим, балки ортиқроқ; бунинг устига яна қай аҳволда кетган эдим денг: ақл-ҳушим ўзимда эмасди! У пайтлар ҳеч вақони билмасдим, ҳозир-ку, асти қўяверасиз. Яхши одамларга зориқиб қолдим; ҳатто ма-на аниқлаб оладиган бир ишим йўқ эмас, лекин бошимни қаер-га тиқишимни билмайман. Ҳали Берлинда юрганимдаёқ: «Булар билан ҳар қалай қариндошмиз, аввал шуларни кўрай, балки бир-бирларимизга ёрданимиз тегиб қолар, мен — уларга, улар — менга асқатармиз, агар яхши одамлар бўлиб чиқса»,— деб ўй-ловдим. Мен бўлсам, сизларни яхши одамла, деб эшитгандим.

— Ҳойтда миннатдорман,— ҳайрон қолиб деди генерал,— ижозат этинг, қаерда тўхтадингиз?

— Мен ҳали ҳеч ерга тушганим йўқ.

— Демак, вагондан тўғри меникига келаётган экансиз-да? Ҳали... Юкларингиз ҳам бордир?

— Юк менда нима қилсин, бир кийим солинган тугунчадан бошқа ҳеч нарсам йўқ; уни одатим ўзим билан олиб юраман. Кечгача меҳмонхонадан жой олиб улгурарман.

— Сиз ҳали меҳмонхонадан жой ҳам олмоқчимисиз?

— О, бўлмаса-чи, албатта.

— Гапларингизга қараб, тўғри меникида қолармикансиз деб ўйлабман.

— Шундай бўлиши ҳам мумкин эди, лекин фақат сиз таклиф қилган тақдирда. Ростини айтсам, таклиф қилганингизда ҳам қолмаган бўлардим, кўнглингизга келтирманг, ўзим шундай...

— Унда таклиф қилмаганим айни муддао бўлибди, таклиф қилмайман ҳам. Ижозат этинг, князь, бошданоқ келишиб олай-лик очик-ойдин қилиб: ҳозиргина гаплашиб олганимиздек, ўртамизда қариндош-уруғчилик ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, албатта, шундай бўлиб чиқса, балки бошим осмонга етар-ди,— лекин, бас, маълум бўлдики...

— Маълум бўлдики, ўрнимдан туриб кетаверайми энди?— ўрнидан қўзғалди князь аҳволининг хийла ночорлигига қара-

масдан аллақандай қувноқлик билан кулганча.— Шундай қилиб, десангиз, генерал, худо ҳаққи, гарчи мен бу ерда одамларнинг урф-одатларини ҳам, умуман, уларнинг қандай яшаётганларини ҳам зиғирча бўлсин, билмаслигимга қарамасдан, мен албатта ўртамизда гап худди шундай бўлиб чиқса керак деб ўйловдим, айтганимдай бўлди. Майли, балки шундай бўлгани ҳам тузукдир... Ушанда ҳам менинг хатимга жавоб қайтармаган эдингизлар... Яхши қолинг, кечиринг, безовта қилдим сизни.

Шу дамда князнинг қараши шунчалар мулоийм, жилмайиши шу қадар беғубор, самимий эдики, генерал бирдан тўхтади ва меҳмонга бутунлай бошқача бир кўз билан қаради; унинг нигоҳидаги ўзгариш бир зум ичида рўй берди.

— Биласизми, князь, — деди у буткул бошқача бир овоз билан,— мен, ҳар қалай сизни яхши билмайман, бунинг устига Елизавета Прокофьевна ҳам балким, исм юзасидан сизни кўришни истаб қолар... Агар хоҳласангиз, вақтингиз бўлса, тўхтаб туринг.

— О, вақтим жуда ҳам бемалол; менинг вақтим ҳаммаси ўзимники (шундай деб князь дарҳол юмшоқ, гардиши думалоқ шляпасини стол устига қўйди). Ростини айтсам Елизавета Прокофьевна мен хат ёзганлигимни эсласалар керак, деб ўйлаган эдим. Боя сизни ана у ерда кутиб ўтирганимда хизматкорингиз мени ёрдам сўраб келган одам деб ўйлабди; мен сездим буни, бу хусусда сиз қаттиқ тайинлаб қўйган экансиз чамаси; лекин рости, мен бунга келганим йўқ, фақат одамлар билан танишибилиш бўлиб олмоқчийдим, холос. Фақат мана безовта қилиб қўймадимкин сизни деб ўйлаяпман шундан ташвишланиб, хижолат чекиб турибман.

— Гап бундай, князь,— деди генерал қувноқ табассум билан,— агар мен адашмаган бўлсам ва сиз ҳақиқатан ҳам шундай бўлсангиз, унда сиз билан танишганимдан бахтиёр бўламан; биласизми, князь, мен жуда банд одамман, мен ҳозир дарров қоғозларни кўришим, баъзи нарсаларга қўл қўйишим керак, ундан сўнг ҳазрат олийларининг ҳузурларига йўл оламан, сўнг хизматга ўтаман, шундай бўлгандан кейин одамлар келишса, албатта хурсанд бўламан... яхши одамлар демоқчиман, яъни... бироқ... Нима десамикин, сизнинг жуда гўзал тарбия олганингизга ишонаман, шундан, яъни... Бу, ёшингиз нечада, князь?

— Йигирма олтида.

— Уҳ! Мен анча ёшсиз деб ўйловдим.

— Шундай дейишади, юзимдан ёш кўринаман. Сизга халал бермасликка ҳаракат қиламан ва дарров тушуниб оламан, негаки ўзим ҳам халақит беришни жуда ёмон кўраман... Ва, ниҳоят, афтидан, кўп жиҳатлардан биз турли-туман одамлар бўлсак керак,

деб ўйлайман, бир-биримизга ўхшаш томонларимиз унчалар кўп бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин биласизми, мен бунга ўзим ҳам унчалик ишонмайман, чунки кўп маҳал ўзи шундай бўлиб туюлади, умумий нуқталар йўққа ўхшайди, ваҳоланки, аслида улар бўлади... одамларнинг ақли кўзида бўлади ва кўринишига қараб баҳо беришади ва бир-бирларидан ҳеч ўхшашлик топмайдилар, бу ҳаммаси ялқовликдан тугилади... Бу дейман, балки сизни зериктириб қўйгандирман-а даставвалдан? Сиз, назаримда...

— Бир оғиз сўз: озгина бўлса ҳам маблағингиз борми? Ё бўлмасам биронта иш билан шуғулланмоқчидирсиз? Маъзур тутинг, сўраганимга...

— Бемалол, жуда тўғри айтдингиз буни, яхши тушунаман гапингизни. Ҳозирча ҳеч қандай маблағим йўқ, шу билан бирга ҳеч қандай машғулотим ҳам йўқ, бўлса ёмон бўлмасди. Биров берган пулим бор эди, менга Шнейдер берганди, у менинг профессорим бўлади, қўлида ўқиганман ва даволанганман Швейцарияда юрганимда, у йўлнинг ўзига етадиган қилиб берган эди, мана ҳозир, мисол учун, бор-йўғи бир неча тийин пулим қолди. Тўғри, бир битирадиган ишим бор, маслаҳатга муҳтож бўлиб турибман, бироқ...

— Айтинг-чи, ҳозирча қандай қилиб яшамоқчисиз, умуман, ўзингизнинг мақсадингиз қандай эди?— бўлди унинг гапини генерал.

— Ҳар қалай ишласам девдим.

— О, сиз файласуф экансиз; айтгандай... одамнинг ризқини таъминлайдиган бирон касб-ҳунарми, қобилиятми борми? Яна бир карра маъзур кўринг...

— О, узр сўраманг. Йўқ, назаримда менда ундай касб-ҳунар ҳам, қобилият ҳам бўлмаса керак; аксинча, мен касалманд одамман, яхши ўқий олмай қолганман. Ризқ-рўз хусусида шуни айтишим мумкинки... чамамда...

Генерал яна унинг сўзини бўлди ва тағин гап суриштира бошлади. Князь боя айтганларини яна бир бошдан сўзлаб берди. Генерал, марҳум Павлищев ҳақида эшитган ва ҳатто шахсан танир экан. Нега Павлищев унинг тарбияси билан шуғулланганлигини князнинг ўзи ҳам билмас экан,— балким марҳум отаси билан дўст бўлгани важдан шундай қилгандир. Князь онасидан жуда ёш қолибди, соғлиғига қишлоқ ҳавоси зарур бўлгани боисидан умр бўйи қишлоқларда кун кўрибди. Павлищев уни ўзининг аллақандай қариндошлари— қари помешчик хотинларга ишониб топширган экан. Уни аввал гувернант хотин, кейин гувернант киши тарбия қилибди. Гарчи ўша пайтлардаги ҳамма нарсалар эсимда бўлса ҳам, лекин уларни тузукроқ тушунтириб беролмайман, чунки кўп нарсаларга эътибор бериб ўтирмаган-

ман, деди князь. Касалга чалиниб, тинимсиз тутқаноқ тутавергандан кейин эсим жуда яримта бўлиб қолибди (князь худди шундай, эсим яримта бўлиб қолди, деб айтди). Ниҳоят, у бир куни Павлишчев Берлинда швейцариялик профессор Шнейдер билан учрашганлигини айтиб берди. Шнейдер шундай касалларга қарар экан, Швейцарияда Валлия кантонида шифохонаси бор экан, даволашда ўз усули бор экан, жинниликдан, эси пастликдан турли йўллар билан даволаркан, совуқ сув билан, гимнастика машқлари билан ҳам даволайвераркан, шу билан бирга яна хат-саводга ҳам ўргатиб, илм ҳам бераркан. Павлишчев бундан беш йилча бурун уни Швейцарияга жўнатибди, ўзи бўлса икки йилча илгари гайинли бир сўз айтмасдан тўсиндан вафот этибди. Шнейдер бўлса уни яна икки йил боқибди, даволабди. Лекин тўла даволай олмабди, шундай бўлса ҳам кўп ёрдами тегибди. Кейин алоҳа князь кетаман, деб туриб олгандан кейин, бунинг устига ўртада ҳал қиладиган бир иш ҳам чиқиб қолиб, уни мана энди Россияга жўнатибди.

Генерал жуда ажабланди.

— Наҳот Россияда ҳеч кимингиз йўқ, биронта ҳам одамингиз бўлмаса?— сўради у.

— Ҳозирча ҳеч кимим йўқ, лекин умид қиламанки... бунинг устига бир хат олдим...

— Жилла қурса, — деб унинг гапини бўлди генерал хат ҳақидаги гапни эшитмасдан, — бирон нарсани ўргангандирсиз, ахир, ва бу касалингиз бирон ерда осонроқ биронта ишни бажариб туришингизга имконият берар дейман?

— О, касалим тўсиқ бўлмаса керак. Ўзим ҳам бирон иш топсам деган эдим, чунки нимага қурбим келиш-келмаслигини билиб олмоқчиман. Ўқишга келганда тўрт йил муттасил ўқидим, ўқишим одатдагидай тўғри ўқиш эмас, унинг махсус усули бўйича ўқиганман, орада жуда кўп рус китобларини ўқиб чиқишга ҳам улгурганман.

— Рус китобларини дейсизми? Унда, русча саводингиз бор экан-да, хато қилмасдан ёза биласизми?

— О, ёзганда қандоқ.

— Жуда соз; хатингиз қандай?

— Хатим ҳам яхши. Шунга қолганда менда қобилият бўлса керак, деб ўйлайман; котиблардай чиройли хат кўчираман. Беринг менга, сизга ҳозир бирон нарсани ёзиб кўрсатай, — қизгинлик билан деди князь.

— Марҳамат қилинг. Жуда яхши бўлади... Жуда ҳам ҳозиржавоб экансиз, князь, дарров одамга эл бўлиб кетаркансиз.

— Ёзадиган нарсаларингиз жуда ҳам ажойиб экан, қаламларингиз мунча кўп, патқаламларни айтмайсизми, қоғоз ҳам

силлиқ, ажойиб экан жуда... кабинетнингиз ҳам мунча яхши! Манави суратни мен кўрганман, бунда Швейцария манзараси тасвирланган. Мусаввир буни табиатнинг ўзига қараб ўтириб чизганлигига ишончим комил, яна аминманки, мен бу ерни кўрганман: бу Ури деган кантонда...

— Эҳтимол шундай бўлса бордир, лекин суратни бу ерда сотиб олганмиз. Ганя, князга қоғоз беринг, мана сизга қаламлар билан қоғоз, мана бу столчага келиб ўтира қолинг. Нима бу?— деб сўради генерал бу орада портфелидан каттакон фотография суратини олиб узатган Ганядан,— воҳ! Настасья Филипповна! Бу ўзи, ўзи сенга юбордим, ўзимиз?— ҳаяжонланиб ва жуда қизиқиб сўради у Ганядан.

— Ҳозир табриклагани борган эдим, берди. Анчадан бери сўраб юрган эдим. Билмадим тагин, шундай бир кунда совғасиз қуруқ қўл билан борганимга писанда қилмаганмикин бу,— деб қўшиб қўйди Ганя ёқимсиз тиржайиб.

— Ундай эмас,— деди ишонч билан унинг гапини бўлган генерал,— тавба, ўйлаган гапларингни қара! Писанда қилармиди... иннайкейин у молпараст эмас. Бунинг устига нима ҳадя қилишинг мумкин эди: ахир бунга озмунча пул керакми? Сурат берсангмиди? Дарвоқе, нима, сендан у суратингни сўрагани йўқми?

— Йўқ, сўрагани йўқ ҳали; балки у ҳали ҳеч қачон сурат сўрамаса ҳам керак. Иван Федорович, сиз бугун кечқурун меҳмонлар чақирилганини унутмагандирсиз? Сиз ҳам борасиз-а?

— Эсимда, эсимда, албатта бораман. Бормай бўладими, тугилган куни бўлса, йигирма беш ёш-а! Ҳм... Биласанми, Ганя, сенга бекитиқча бир гапини очиб қўя қолай, белни маҳкам боғла. У мен билан Афанасий Ивановичга, бугун кечқурун тугал бир қарорга келган-келмаганлигини айтаман деб ваъда берган: ё остидан, ё устидан! Шундай, кўзингга қара, бола!

Ганя бирдан ғалати бўлиб кетди, юзи ҳатто андак оқаринқиради.

— Ростдан шундай дедими?— сўради у ва овози қалтираб кетгандай бўлди.

— Уч кун бўлди сўз берганига. Икковимиз оёқ тираб туриб олдик, ҳоли жонига қўймай кўндирдик, фақат фурсати келгунча сенга айтмай туришимизни тайинлади.

Генерал Ганяга диққат билан тикилди; Ганянинг ғалати бўлиб кетгани, афтидан, унга ёқинқирамай турарди.

— Эсингиздадир, Иван Федорович,— деди ташвишланган, иккиланган ҳолда Ганя,— у менга то ўзим бир қарорга келмагунимча сизнинг ихтиёрингиз тўла-тўқис ўзингизда бўлади, деб айтган эди, ўшанда ҳам охириги сўзни мен айтаман...

— Ахир, сен ўзи... ахир, ўзи...— қўрқиб кетди бирдан генерал.

— Гап шу.

— Барака топкур, нима, юзимизни ерга қаратмоқчимисан ўзи?

— Мен, нима, йўқ деяпманми. Мен балки бошқачароқ қилиб айтгандирман...

— Йўқ дейишинг камиди ўзи!— гаши келиб деди генерал, гаши келганлигини ҳатто яшириб ўтиришни ҳам истамай.— Бу ерда гап, биродар, сенинг йўқ демаганинг устида кетаётгани йўқ, гап сенинг унинг сўзларини қанчалар мамнуният, хурсандчилик билан чин кўнгилдан қабул қилишинг устида кетяпти... Уйингда нима гаплар бўляпти?

— Нима бўларди? Уйда мен нима десам шу бўлади, фақат отам одатдагидек майнавозчилик қилипти, жуда ҳам тирик тасқара бўлиб қолди; у билан гаплашиб ҳам ўтирмайман, лекин нўхтасидан маҳмаси ушлаб турибман ҳар қалай, очиги, ойим бўлмаса уни кўчага ҳайдаб чиқарардим. Ойим денг, кўз ёши қилгани қилган; синглим тумтайиб олган, уларга тўғридан-тўғри айтдим, ўзимга ўзим хўжайинман дедим, уйда, дедим... менинг айтганим бўлиши керак. Шуларнинг ҳаммасини синглимга бир-ма-бир дангал туриб айтдим, ойим ҳам бор эди.

— Мен бу, биродар, сира тушунолмаб қолдим,— деди ўйчанлик билан генерал елкаларини учуриб қўлларини бир оз ёзган ҳолда.— Нина Александровна анов куни келганда, эсингдами тоза оҳ-воҳ қилди. «Нима бўлди?»— деб сўрадим. Уларча бу ишлар ҳаммаси *шармисорлик* экан. Ижозат этинг, бунинг нимаси шармисорлик экан? Настасья Филипповнага ким нима деб таъна қилиши мумкин, ким унга бармоғини бигиз қилиб кўрсата олади? Нима, Тодкий билан бирга бўлган дейдими? Лекин баъзи бир вазиятларни ҳисобга олганда, булар ҳаммаси бўлмагур, бемаъни гаплар бўлиб чиқмайдими айниқса! «Сиз, дейди, уни қизларингизнинг олдига киритманг», дейди. Ол-а! Уни қаранг! Вой, Нина Александровна тушмагур-ей! Нега ахир у киши тушунмайди, қандай қилиб тушунмайди...

— Уз аҳволиними?— айтиб берди Ганя қийналиб қолган генералга,— аҳволни тушунади; сиз у кишидан хафа бўлманг. Мен ўшандаёқ бировнинг ишига аралашманглар, деб тоза адабларини бериб қўйганман. Лекин барибир шунга қарамасдан, ҳали ҳаммаси узил-кесил ҳал бўлмагани учун уйда тинчлик, лекин ҳали қаттиқ тўполон бўлади. Агар бугун узил-кесил ҳал бўлса, демак, ҳал бўлгани шу бўлади.

Князь бу гапларнинг барини бурчакда дастхат ёзиб ўтирганча эшитди. У ёзиб бўлиб, стол ёнига келди ва қўлидаги қоғозни узатди.

— Настасья Филипповна ҳали шуми?— пичирлади у ажаб-синиб суратга диққат билан тикиларкан,— жуда чиройли экан!— деб шу заҳоти қўшиб қўйди қизгинлик билан. Суратдаги аёл чиндан ҳам фавқулодда гўзал эди. У ҳаддан ташқари содда ва нафис тикилган қора ипак кўйлак кийганди; кўринишдан қорамтирроқ бўлган сочларини худди уйда юргандек одмигина қилиб ўрган эди; кўзлари тимқора, тубсиз, манглайида хаёл ўйнайди; юз ифодаларида жўшқинлик акс этади, шу билан бирга кибрли кўринади; чеҳраси нозиккина, балки эҳтимол бир оз оқаринқирагандир... Ганя билан генерал князга ҳайрон бўлиши қараб қолдилар...

— Нима, Настасья Филипповна! Сиз ҳали Настасья Филип-повнани ҳам кўриб улгурдингизми?— сўради генерал.

— Шундай; Россияга келганимга ҳали бир кун бўлмасдан бундай тенги йўқ гўзал қизни танишга муяссар бўлдим,— деб жавоб берди князь ва дарҳол Рогожин билан учрашиб қолганлигини, унинг айтиб берган гапларини ҳикоя қила кетди.

— Бу қизиқ гап бўлди-ю!— деди унинг ҳикоясини жуда ҳам диққат билан эшитган генерал яна безовталаниб ва Ганяга синовчан тикилди.

— Бемаъни бир гап бўлса керак,— деб тўнғиллади бир оз саросимага тушиб қолган Ганя,— савдогарзода гашт қилаётгандирлар. Қулоғимга у-бу гаплар чалинган эди.

— Мен ҳам эшитганман, биродар,— тасдиқлади унинг гапини генерал.— Ушанда сирга воқеасидан кейин Настасья Филипповна ҳаммасини айтиб берган. Энди-ку, ишлар бошқача бўлиб кетди. Балки бу ерда, ростдан ҳам гап миллионлар устида кетаётгандир... яна ҳирсу ҳавас, жуда хунук ҳирсу ҳавас дейлик буни, лекин барибир ҳар ҳолда ҳирснинг ҳиди келяпти, бунинг устига бу каби жаноблар қайф устида нималарга қодир эканлиги ҳам маълум нарса!.. Ҳм!.. Бир кори ҳол рўй бермасайди ишқилиб,— деб қўйди генерал охирида ўйчанлик билан.

— Сиз миллиондан чўчияпсизми?— иршайди Ганя.

— Сен эса чўчимайсан, а?

— Сизга, айтинг-чи, қандай туюлди, князь,— деб кутилмаганда князга мурожаат қилди Ганя,— у ўзи жиддийгина кишими ёки фақат шунчаки бир бемаза одамми? Сиз қандай фикрдасиз?

Бу саволни бераркан, Ганянинг юрагида ўзгача бир нарсалар рўй бераётган эди. Миясига аллақандай янги бир фикр ярқ этиб келиб қолгандай, шу фикрнинг шуъласи бесабрлик билан унинг кўзларида ҳам ялтираб акс этди. Чин кўнгилдан, соддадиллик билан ташвишланиб қолган генерал ҳам княз

га кўз қирини ташлади, лекин унинг қарашидан бу нима ҳам дерди, деган маънони уқиш мумкин эди.

— Билмадим, сизга нима десам экан,— жавоб берди князь,— назаримда ҳирс билан, аллақандай телба ҳирс билан тўлиб-тошиб турган одамга ўхшади. Ўзи ҳам ҳали касалдан соғайиб кетмаган шекилли. Петербургга келганиданоқ тезда ётиб қолса керак, агар айш-ишратга берилиб кетса ётиб қолади.

— Хўш? Сизга шундай бўлиб туюлдими?— деди шу фикрга эътибор бериб генерал.

— Ҳа, шундайга ўхшади.

— Шуниси ҳам борки, бунга ўхшаган рангомалар бир неча кун ичида эмас, бир кунда, ҳатто шу бугуноқ рўй бериши ҳам мумкин,— деб илжайиб қаради генералга Ганя.

— Ҳм!.. Рост... Унда ҳаммаси қизнинг калласига нима келса, шунга боғлиқ бўлиб қолади,— деди генерал.

— Сиз ахир биласиз-ку, унинг баъзан қандай бўлишини?

— Яъни, масалан, қандай?— деди тажанг ҳолда, яна боягидан ҳам безовта бўлиб қолган генерал.— Қулоқ сол, Ганя, баракка топкур, сен бугун унинг кўп гашига тега кўрма, сал мундай, биласанми, ҳалигиндай... бир сўз билан айтганда, кўнглини олишга ҳаракат қил... Ҳм!.. Нега бундай оғзингни қийшайтирасан? Менга қара, Гаврила Ардалионич, кези келганда сўраб ҳам қўяй, ҳатто айни сўрайдиган пайти ҳам бўлди ўзи: биз нимага бунчалик жон куйдирыпмиз ўзи? Биласанми, мен бу ерда назарда тутилган каби ўз манфаатимни ўйлайдиган бўлсам, аллақачон топган-тутган давлатим ўзимга етиб ортади; мен қандай қилиб бўлмасин ишни ўз фойдамга ҳал қиламан. Тоцкийнинг қарори қатъий, ўзгармайди, шундай бўлгач, мен ҳам мутлақо ишонаман. Шунинг учун ҳам мен шундай бўлсин, деяётган эканман, ёлғиз сенинг фойдангни кўзлайман. Узинг ўйлаб кўр; менга ишонмай турибсанми, нима бало? Бунинг устига ўзинг шундай одамсанки... шундайсанки... бир сўз билан айтганда, ақлли одамсан ва мен сенга ишонган эдим... бу эса, ҳозирги ҳолатда, бу... бу...

— Энг муҳими,— деб мушкул аҳволга тушиб қолган генералнинг гапини ниҳоясига етказди Ганя ва унинг лаби заҳарли кулгидан буришиб кетди, буни энди у генералдан ҳатто яшириб ҳам ўтирмади. У ўт бўлиб ёнаётган кўзларини генералдан узмас, унга тик қараб турарди, гўё у генералга менинг қарашимдаги маънони уқиб ол, деяётгандай эди. Генералнинг юзига қон тепди ва қизишиб кетди.

— Ҳа, шу, ақл энг муҳими!— деб тасдиқлади у Ганяга ўткир қараб,— жуда қизиқ одамсан-да, Гаврила Ардалионич! Сен худди бу савдогар болага хурсанд бўлиб турганга ўхшай-

сан, шу билан гўё мушкулинг осон бўлгандай. Ҳа, бу ўринда бошидавоқ ақл билан иш юритиш керак эди; бу ўринда жуда ҳам яхши тушуниб олиш керак ва... ва ҳар икки томондан ҳам ҳалол, тўғри иш кўриш керак, бўлмаса... бошқаларнинг юзини ерга қаратмаслик учун олдиндан айтиб қўйиш лозим, бинобарин, вақт бор эди, бемалол эди ва ҳатто ҳали ҳамон вақт бор (генерал қошларини қаттиқ чимирди) орада бир неча соат вақт қолганига қарамай, ҳали кеч эмас... Тушундингми? Сен тушундингми? Гаининг очигини айт, хоҳлайсанми, хоҳламайсанми? Агар хоҳламасанг, айт, сени ушлаб турмаймиз. Ҳеч ким сизни, Гаврила Ардалионич, қўлингиздан ушлаб тургани йўқ, ҳеч ким зўрлаб оёғингизга қопқон солаётгани йўқ, мабодо кўзингизга қопқон кўринаётган бўлса дейман.

— Хоҳлайман,— деб секин, лекин қатъият билан айтди Ганя ва кўзини ерга тикиб, тумтайганча жим бўлди.

Генерал қаноат ҳосил қилди. У қизишиб кетди, лекин, афтидан, иддаони ҳаддидан ошириб юборганига афсусланмоқда эди. У бирдан князга ўгирилиб қаради, князь шу ерда туриб ҳаммасини эшитиб олди-ю, деган истиҳола унинг чеҳрасига соя ташлаб ўтди. Лекин у шу заҳоти тишланди: князга бир қарашнинг ўзидаёқ бундан хавотирланиб ўтириш ортиқча эканлиги маълум эди.

— Уҳў!— деб қичқирди генерал князининг ёзган ҳуснихатига қараб,— ҳуснихатни кўринг! Ҳуснихат бўлганда ҳам антиқа ҳуснихат! Буни қара, Ганя, тоза ёзарканми!

Аъло навли қалин ялтироқ қоғозга князь ўрта аср рус ҳарфлари билан шу жумлани ёзганди:

«Бандан хокисор игумен Пафнутий рақам қилдим».

— Мана бу,— деб изоҳ берди тўлқинланиб кетган князь ҳаддан зиёд мамуният билан,— бу ўн тўртинчи асрнинг сура-тидан олинган игумен Пафнутийнинг ўз қўли билан ёзилган дастхат. Жуда ҳам чиройли ҳуснихат билан ёзишган ўша ҳамма эски игумен ва митрополитларимиз, яна гоҳида қанчалар дид, қанчалар ихлос билан денг! Наҳотки сизда жиллақурса Погодин нашри бўлмаса, генерал? Кейин мен яна бу ерга бошқача ҳарфлар билан ёздим: бу ўтган асрнинг йирик, думалоқ француз ёзуви, баъзи бир ҳарфлар бошқачароқ ҳам ёзилган, кўча ёзуви, одми мирзалар ишлатадиган ёзув, уларнинг хатларидан кўчирилган нусха (менда ҳам бир нусхаси бор эди),— ўзингиз кўринг, афзал томонлари ҳам йўқ эмас. Манави думалоқ *d*, *a* ҳарфларига қаранг. Мен рус ҳарфларига француз табиатини кўчирдим, бу жуда қийин, лекин анча яхши чиқди. Мана яна чиройли ва ўзига ҳос ҳарфлар, манави жумлани кўринг: «Ихлос — халос». Манави рус ҳарфлари, котиблар эки

таъбир жонз бўлса, ҳарбий котиблар хати. Муҳтарам зотларга расмий хатлар шундай ёзилади; бунинг ҳарфлари ҳам думалоқ, ажойиб қора ҳарфлар, қоп-қора қилиб ёзилган, лекин ажойиб дид билан ёзилган. Хаттот ҳарфларни бундай чўзиб, жимжимадор қилиб юбормаган бўларди, нима десамикин, бунақа жимжима қилиб ўтирмасди, қаранг, жимжимасини ҳам чала қилибди, ярим жимжима,— кўрдингизми,— умуман олиб қараганда, ёзувда одамнинг табнати акс этади, рост айтаман, ҳарбий котибнинг юраги шундоқ кўриниб турибди бунда: бир ўзини эркин қўйиб юборгиси келган, таланти ҳам қитиқлаб турган, ammo ҳарбий кийимининг ёқаси бўйинини маҳкам сиқиб қўйган; хатида ҳам интизоми кўринади, қойил! Яқинда шундай бир хатни кўриб қойил қолган эдим, тасодифан қўлимга тушган эди, яна қаерда деиғ? Швейцарияда! Хўп, мана бу одатдаги оддий, соф инглиз ҳарфи: нафислик бундан ортиқ бўлмайди, жуда ҳам ажойиб, майда мунчоқ, дур; баркамол; лекин мана бу шунинг бошқачароқ кўриниши ва яна француз ҳарфлари, мен уни бир француз сайёҳ коммидан кўчириб олган эдим; ўша-ўша инглиз ҳарфи, лекин қора чизиги инглиз ҳарфидан андаккина қуюқроқ ва қалинроқ, ана шундан — бўёқларнинг мутаносиблиги бузилган; яна эътибор қилинг: тарҳи ўзгарган; андаккича думалоқроқ қилинган, бунинг устига жимжима ясалган, жимжима—бу жуда ҳам хатарли нарса. Жимжимага ҳаддан зўр дид бўлиши керак; лекин бир чиқиб қолса, бир келиштириб ёзилса, ўзиям бунақа хатни бошқа ҳеч нарсага солиштириб бўлмайди, ҳатто бунақа хатга одам ошиқ бўлиб қолиши мумкин.

— Оҳо! жуда позик жойидан олдингиз-ку,— кулди генерал,— бу сиз дейман, отахоним, хаттот десам, санъаткор ҳам экаусиз-ку, а? Ганя?

— Қойил,— деди Ганя,— яна ўз ўрнини билганини айтинг,— деб қўшимча қилди у масхараомуз кулиб.

— Кул-а, кул, лекин бу мартабалик бўлади,— деди генерал.— Биласизми, князь, сизга қандай одамга ёзиладиган қоғозларни берамиз? Сизга, гапнинг очиги, ойига ўттиз беш сўм тўланса бўлади бошламасига. Бироқ соат бир бўлай деб қолибди,— деди у соатига қараб,— ишни гаплашиб олайлик, князь, мен шошилиб турибман, бугун эса сиз билан бошқа кўришмасак керак! Бир дамгина ўтиринг-чи, сизни бот-бот қабул қилолмаслигимни боя айтдим; лекин сизга чин юракдан андаккина ёрдам берсам деган эдим, ҳа, андаккина, яъники, жуда ҳам зарур бўлган миқдорда демоқчиман, у ёғини яна ўзингиз биласиз. Сизга идорадан бир жой топаман, қийин бўлмаса ҳам, лекин интизом билан ишлашни талаб қилади. Энди у ёғини гаплашиб олайлик: бир уйда жой бор, бу уй менинг ёш дўстим Гаврила

Ардалионич Иволгин хонадонига тегишли, сиз у билан танишиб олинг, ойиси билан синглиси уйда икки-уч хонани бўшатиб, то-залаб, жиҳозлаб қўйишибди, яхши одамларга ижара беришади, дастурхон, овқат, хизматчи — ҳаммаси бўлади. Мен айтсам, аминманки, Нина Александровна йўқ демайди. Сиз, князь, хази-на топгандай бўласиз, биринчидан, ёлғиз қолмайсиз, нима деса-микин, оила, хонадон оғушида бўласиз, менинг назаримда, сиз дафъатан Петербургдай пойтахт шаҳарда ёлғиз қолмаслигин-гиз керак. Нина Александровна Гаврила Ардалионичнинг ойиси, Варвара Ардалионовна, унинг синглиси, мен бу хоним аёлларни ҳаддан ортиқ ҳурмат қиламан. Нина Александровна истеъфода-ги генерал, илгари мен билан бирга ишлашган Ардалион Алек-сандровичнинг рафиқаси бўлади, аммо мен баъзи бир сабаблар-га кўра у киши билан борди-келди қилмай қўйганман, лекин маълум бир маънода у кишини ҳалиям ҳурмат қилиб юраман. Буларни сизга сўйлаб ўтирганимнинг бонси шулки, князь, сиз яхшилаб тушувиб олинг, сизни уларга шахсан мен ўзим тавсия қиламан, бинобарин, сизга бу билан гўё кафил бўламан. Ижара ҳақи ўртача, умид қиламанки, оладиган маршингиз тезда бунга етиб ортади. Тўғри, одам чўнтакда пулсиз юролмайди, озгина бўлса ҳам чўнтакда юргани маъқул, лекин жаҳдингиз чиқма-син-ку, князь, сизга айтиб қўяй, сиз яхшиси чўнтакда сира ҳам пул олиб юрманг, умуман, ҳамёнда пул олиб юрманг. Буни сиз-га қараб туриб айтяпман. Аммо ҳозир ҳамёнингиз қуруқ экан, бошламасига, ижозат этинг, сизга, мана, йигирма беш сўм бериб турай. Кейин, албатта, узилишиб кетармиз, агар сиз гапларин-гизга қараганда чиндан ҳам самимий ва дилкаш одам бўлсан-гиз, ўртамизда бу хусусларда ҳам англашилмовчилик чиқмайди. Сизнинг ишингиз билан бунчалар қизиқиб қолган эканман, ме-нинг ҳам ўзимга яраша сиз билан боғлиқ кўзлаган ниятларим бор: кейинроқ бориб сиз буни билиб оласиз. Кўрдингизми, сиз билан очиқчасига гаплашяпман; Ганя, ишонаманки, князь хона-донингизга жойлашса, бунга қарши эмасдирсан дейман?

— О, аксинча! Ойим ҳам жуда хурсанд бўлади...— одоб ва илтифот билан тасдиқлади Ганя.

— Сизникида ҳозирча фақат бир хона банд шекилли. Анави, оти нимайди, Ферд... Ферд...

— Фердишченко.

— Ҳа, ўша; менга ёқмайди ўша сизнинг Фердишченконгиз: коски масхаравозга ўхшайди. Билмайман, яна нимага уни Нас-тасья Филипповна бунча ёқтираркин? Нима, у бостданам қарин-доши бўлармикин?

— О, йўқ, бу ҳаммаси ҳазил! Қариндошга зиғирча ҳам ўх-шамайди.

— Майли, бир гап бўлар! Хўш, қалайсиз энди, князь, кўнглингиз тўлдими, йўқми?

— Ташаккур сизга, генерал, жуда ҳам яхши одам шундай қилади, мен бўлсам, ҳатто сўрамовдим ҳам; орият юзасидан айтаётганим йўқ буни; мен ҳақиқатан ҳам бошимни қаерга тиқишни билмай қолгандим. Рост, мени ҳали Рогожин таклиф қилган эди.

— Рогожин? Бўлмайти; сизга оталарча ёки бўлмаса, иқингиз суйса, дўстона маслаҳатим шуки, жаноб Рогожинни эсингиздан чиқаринг. Ва умуман, сизга бошпана берган хонадон измида юришликни маслаҳат кўрган бўлардим.

— Сиз шунчалар яхшилик қилган экансиз,— деб оғиз очди князь,— тагин менинг бир ишим бор эди. Менга хабар қилишларича...

— Хўп, кечиринг,— унинг гапини бўлди генерал,— бошқа бир дақиқа ҳам вақтим қолмади. Ҳозир сиз ҳақингизда Лизавета Прокофьевнага айтаман: агар у киши сизни дарҳол қабул қилишни истаб қолсалар (меъ сиз ҳақингизда бор гапни у кишига маълум қиламан), унда қулай фурсатдан фойдаланиб, у кишининг кўнглини топишни маслаҳат қилган бўлардим, чунки Лизавета Прокофьевна сизга жуда ҳам керак бўлиб қолиши мумкин; ахир фамилияларингиз бир хил-ку. Агар хоҳламаса, хафа бўлманг, бошқа бирон мавриди бўлиб қолар. Сен эса, Ганя, ҳозирча манави ҳисобларни бир кўздан кечириб қўй-чи, боя Федосеев билан тоза бошимизни қотирдик. Уларни тиркаб юборсак бўлармиди...

Генерал чиқиб кетди, князь эса шу билан тўртинчи марта ўз иши ҳақида гап бошлаб, гапи яна оғзида қолди. Ганя папирос чекди ва князга ҳам таклиф қилди; князь олди, лекин гапга оғиз очмади, халақит бермайтин, деди ва кабинетни томоша қила бошлади; аммо Ганя генерал кўрсатган рақамлар қалаштириб ташланган қоғозга тузукроқ қарагани ҳам йўқ. У паришон эди; князнинг назарида икковлари ёлғиз қолганларидан сўнг Ганянинг илжайиши; нигоҳи, хаёланлиги янада оғирлашгандай бўлиб туюлди. Бирдан у князнинг ёнига келди: князь яна Настасья Филипповнанинг сурати қаршисида томоша қилиб турмоқда эди.

— Айтинг, сизга шундай хотин ёқадими, князь?— сўраб қолди у бирдан кўзларини ўқдек қадаб. Сўраганда ҳам худди кўнглига фавқулудда бор нарсани туккан одамдай сўради.

— Юзи жуда ажойиб!— жавоб қилди князь,— аминманки, унинг қисмати ҳам бошқача бўлса керак. Чехраси қувноқ, лекин у қаттиқ азоб чеккан, а? Кўзлари шундай деб турибди, манави икки нуқта, кўзлари остидаги икки нуқта шундан далолат беради. Чехрасидан жуда мағрур, ҳаддан ташқари мағрур, лекин

билмадим, кўнгли покмикин унинг? Оҳ, кўнгли ҳам пок бўлсайди! Олам гулистон эди!

— Узингиз, сиз шундай хотинга уйланыармидингиз?— деб сўради Ганя ўт бўлиб ёнган кўзларини ундан узмасдан.

— Мен ҳеч кимга уйланомайман, саломатлигим чатоқ,— деди князь.

— Рогожин-чи, уйланыармиди? Сиз нима деб ўйлайсиз?

— Нима бўпти, уйланаман деган одам, менимча, эртагаёқ уйланиши мумкин; уйланыарди, бир ҳафтадан кейин эса, балким уни сўйиб кўярди.

Князь шундай дейиши билан Ганя қаттиқ сесканиб тушди, князь сал бўлмаса қичқириб юбораёзди.

— Сизга нима бўлди?— сўради у Ганянинг қўлидан ушлаб.

— Ҳазрат олийлари! Жаноби олийлари сизни жаноби олиялари ҳузурига таклиф қиладилар,— деб чорлади хизматкор эшикда пайдо бўлиб. Князь хизматкорнинг ортидан чиқди.

IV

Генерал Епанчиннинг ҳар учала қизи ҳам соғлом, лобар, гуллаб-яшнаган, елкалари ўктам, кўкракдор, худди эркакларникига ўхшаган қўллари бақувват, санамараста қизлар эди, албатта шундай соғлом ва лобар бўлганларидан кейин гоҳо иштаҳа билан овқатланишни яхши кўришар, буни ҳеч кимдан бекитиб ўтиришни истамас ҳам эдилар. Қизларнинг онаси генерал ойим Лизавета Прокофьевна баъзан уларнинг иштаҳалари очилиб бораётганидан норози бўлиб кўяр, лекин қизлари унинг гоҳо танбеҳларини кўринишдан эътибор билан тинглагандай бўлиб туюлсалар-да, аслида улар учун бу гапларнинг қиммати ва аҳамияти қолмаган, учала қиз бир ёқадан бош чиқариб иттифоқ бўлиб ҳаракат қилишар, иттифоқчиларнинг устуңлиги ҳар нарсада аён бўла бошлаган, генерал ойим ҳам иззат-эътиборини бутунлай йўқотиб қўймаслик учун аксари гап талашиб ўтирмаслик, қизларга ён беришликни маъқул кўрарди. Рост, у ўзини қанча тиймасин, ақли билан ўзини қанча қайтармасин, ўз феълига ўзи бас келолмасди. Лизавета Прокофьевна йил сайин инжиқ ва шошқалоқ бўла бормоқда, ҳатто аллақандай ғалати қилиқлар чиқармоқда эди, лекин ҳали измида нима бўлмасин, ғоят итоатгўй ва қўлга ўргатилгандай қобил эри бор эдики, юрагида йиғилиб қолган ортиқча алам, патосларни унинг бошига ағдарар, шундан сўнг оилада яна тинчлик, фароғат қарор топар ва ҳаммаси яна бинойидай ўз изига тушиб қоларди.

Дарвоқе, генерал оймнинг ўзлари ҳам иштаҳа йўқлигидан шикоят қилмас эдилар ва одатда соат ўн икки яримда қизлари билан мўл-қўл дастурхон устида тўйиб-тўйиб нонушта қилиб оларди. Нонушталари эса тушки овқатдан қолишмасди. Қизлар бундан аввалроқ роппа-роса соат ўнда уйқудан кўз очишлари биланоқ тўшакдан қўзғалмай туриб кофе ичиб олишар эди. Улар шунини хуш кўрар ва бу одат тусига кирган эди. Соат ўн икки яримда эса ойлариининг хосхонасига яқин кичик емакхонада дастурхон тузалар ва ушбу фақат оила даврасида ўтадиган нонуштага баъзан вақт мусоидида қилган чоғларда генералнинг ўзи ҳам чиқар эди. Чой, кофе, пишлоқ, асал, сарёғ, генерал оймнинг ўзи хуш кўрадиган махсус оладьялар, котлет ва ҳоказолардан ташқари ўткир, қайноқ шўрва ҳам тортиларди. Бизнинг ҳикоямиз бошланган ўша кунини эрталаб бутун оила аъзолари жам бўлишиб ўн икки яримда келаман, деб ваъда берган генерални кутишар эди. Мабодо у бир дақиқа кечикса, шу заҳоти чақириб келиш учун одам юборилган бўларди, аммо у ўз вақтида келди. У саломлашиш ва қўлини ўпиб қўйиш учун хотинининг олдига келиб, бу сафар унинг чеҳрасида ҳаддан ташқари бошқача алланарсани сизди. Гарчи бугун шундай бўлишини аввалроқ бир «ҳангома»дан (буни у одатда шундай деб атарди) сезган ва кеча кўзи уйқуга кетаётганда ҳам бундан ташвишланган бўлса-да, лекин барибир мана ҳозир яна юраги пўкиллаб ура бошлади. Қизлари уни ўпиб қўйишди; улар гарчи аразлашмаган бўлсалар-да, лекин барибир бунда ҳам аллақандай бошқача бир маъно уқилар эди. Тўғри, генерал баъзи бир сабабларга кўра ҳаддан ташқари ҳамма нарсадан ҳадиксирайдиган бўлиб қолганди; лекин у тажрибакор ва омилкор ота ҳамда эр бўлганлигидан дарҳол ҳаддини билиб, ўзини тутиб олди.

Қиссамизни бошларканмиз, генерал Епанчиннинг хонадонидидаги аҳвол ва муносабатларни аниқ ҳамда тўғри белгилаб олмақлик учун шу ерда тўхтаб, баъзи бир ўзоқларимизни баён қилсак, эҳтимол, ҳикоямизнинг бутунлигига у қадар зиён етказмасмиз. Биз ҳозиргина айтиб ўтган эдик, генералнинг ўзи у қадар ўқимишли киши бўлмай, балки аксинча, ўзининг айтиши бўйича «ўқимай савод чиқарган одам» эса-да, лекин шунга қарамасдан, тажрибакор эр ва омилкор ота эди. Дарвоқе, у қизларини эрга беришга келганда шошилмаслик йўлини ўзига ақида қилиб олганди, яъни у «тегсанг ҳам тегасан, тегмасанг ҳам тегасан», деб уларнинг жонига тегмас, ўзини қизларининг бахт-иқболи йўлида тинимсиз қайғураётган отадай қилиб кўрсатмасди, ваҳоланки, қизлари ўтириб қолган энг доно хонадонларда ҳам кўп маҳал бошдан-оёқ бехатиёр ва

Ўз-ўзидан шундай вазиятлар рўй бериб туради. У ҳатто Лизавета Прокофьевнани ҳам шундай йўл тутишга кўндиролди, ваҳоланки, бу умуман мушкул иш эди, — қийинлиги шундаки, бу ғайритабiiий бўлиб туюларди, бироқ генералнинг келтирган далиллари ҳаддан ташқари салмоқли эди, улар ўз кўзлари билан кўриб турган нарсаларига асосланарди. Рост-да, қизларни ўз эрки ва ўз ихтиёрига қўйиб берилса, табiiийки, эртамикечми ақл-ҳушларини йиғиштириб олишга мажбур бўлиб қоладилар, ана ўшанда ишлар жўнашиб кетади, чунки энди улар инжиқликни, ортиқча оҳанжамаларни бир чеккага йиғиштириб, ишга астойдил бош қўшадилар; ота-онанинг вазифаси иложи борича билинтирмасдан, тўхтовсиз кузатиб бориб, ақл бовар қилмайдиган, ғайритабiiий қадамларнинг олдини олиш, ана шундан кейин қулай фурсат келганда қўлдан чиқармай, бутун куч ва эътиборларини ишни рўёбга чиқариш учун қаратиш. Ниҳоят, шу биргина нарсани олинг, мисол учун уларнинг давлатлари ва жамоат ўртасидаги мавқелари йилдан-йилга тобора зўрайиб, бирлари мингга айланиб бормоқда; оқибатда, вақт ўтган сайин қизларининг ҳам қайлиқ сифатида тобора эътибори ортади. Аммо ушбу сира инкор қилиб бўлмайдиган ҳодисалар орасида яна бир ҳодиса рўй бериб ўтди: катта қизлари Александра кутилмаганда ва тўсиндан (ўзи доимо шундай бўлади) йиғирма бешга тўлди. Худди шу пайтга келиб, киборлар жамиятига мансуб, мавқеи жуда баланд ва фавқулодда давлатманд киши бўлмиш Афанасий Иванович Тоцкийнинг эски орзуси яна қайталади, у яна уйланиш пайига тушиб қолди. Бу ёши эллик бешларга бориб қолган, феъл-атвори нафис, фавқулодда инжа табiiатли, нозик дидли одам эди. У тузукроқ ердан уйлансам дерди; чиройли нарсаларга ҳаддан ташқари ўч эди. У кейинги пайтлар ичида генерал Епанчин билан, айниқса бир ёқадан бош чиқариб амалга оширилган, сармояга сармоя қўшадиган ишлардан сўнг ораларидан қил ўтмайдиган бўлиб қолгач, бир куни ундан ўзига дўстона маслаҳат беришликни, йўл-йўриқ кўрсатишликни сўради: унинг қизларидан биронтаси билан никоҳдан ўтса бўладими, йўқми? Генерал Епанчин хонадонидаги осуда ва сокин оилавий ҳаётда ўзгаришлар рўй беражаги аён бўлиб қолган эди.

Айтиб ўтилганидай, қизларнинг ичида энг гўзали шубҳасиз кенжа Аглая эди. Лекин ҳатто Тоцкий ҳам фавқулодда худбин одам бўлишига қарамасдан, ўзининг қидиргани бу эмаслигини, Аглая унга аталмаганлигини англаб етган эди. Опа-сингиллар бир-бирларини қаттиқ яхши кўришар, ораларидан қил ўтмас, шунинг учун ҳам, балки уларнинг меҳр балқиган кўзларига бошқача бўлиб кўринарди, улар Аглаянинг тақдирига оддий бир

нарсайдай қарамас, ўзаро чин юракдан унинг ҳаёти ер юзидаги жаннатнинг ўзи бўлади, деб ишонар эдилар. Аглаяга эр бўладиган одам дунёдаги энг етук фазилатлар ва шону шавкатлар соҳиби бўлмоғи даркор, дов-давлатни-ку, гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Опа-сингиллар агар лозим бўлса, Аглая фойдасига ўз ҳақ-ҳуқуқларидан воз кечиш ҳақида ҳам ортиқча гап-сўзларсиз ўзаро келишиб қўйган эдилар. Аглаяга аталган сеп ҳаддан зиёд катта эди, бундай сеп камдан-кам қизга насиб бўлади. Ота ҳам, она ҳам Аглаянинг опалари шундай қарорга келганларини билар ва Тоцкий маслаҳат солганда, катта қизларидан бирини мўлжаллаган эдилар, бунинг устига Афанасий Иванович сеп хусусида қайишиб ўтирадиганлар хилидан эмасди. Генерал Тоцкийнинг таклифини ҳаётда кўпни кўрган одамлардай жуда ҳам юқори баҳолади. Тоцкий баъзи бир сабаб-мулоҳазаларга кўра биринчи қадамларини ғоятда эҳтиёткорлик билан қўйиб, ишнинг у ёқ-бу ёғини аста чамалаб кўраётганлиги боисидан, ота-она ўз қизларига жиндаккина шама қилиш билан кифояландилар. Бунга жавобан, аниқ-таниқ бўлмаса-да, кўнгилга ҳар ҳолда таскин бергудай розилик ишораси олинди, яъни, тўнғич Александр майли дегандай қилибди. Бу айтганини қилдирадиган, лекин оқкўнгил, ақлли ва ғоятда тез чиқишиб кетадиган қиз эди; у Тоцкийга жон деб турмушга чиқиши мумкин эди ва агар сўз берса, албатта сўзининг устидан чиқар эди. У ҳашамдорликни ёқтирмас, борган ерини ҳам ағдар-тўнтар, тўс-тўполон қилмас, аксинча, ҳаётни бир изга солиб, уни фароғатли қилиши мумкин эди. У кўзни қамаштирадиган қиз эмасди, лекин истараси иссиқ эди. Тоцкийга бундан ортиқ нима керак?

Шунга қарамасдан, иш ҳали-ҳамон оҳиста силжимоқда эди. Тоцкий билан генерал вақт-соати келгунча шошилмасликка, узил-кесил иш битирмасликка ўзаро дўстона келишиб қўйган эдилар. Ота-она ўзлари ҳам ҳатто қизлари билан ҳали очиқ-ойдин гап юритмас эдилар, ўртада аллақандай англашилмовчилик бошланмоқдайди; генерал ойим Елаччина, хонадон бекаси, нима сабабдандир норози бўла бошлаганди, бу эса жуда муҳим эди. Ўртада ҳаммасига ҳалал бериб турган, бир чалкаш, одамни эсанкиратадиган аҳвол — сабабият бор эдики, у туфайли бутун ишнинг пачаваси чиқиши мумкин эди.

Бу чалкаш, бош оғриқ «воқеа» (Тоцкий шундай дерди) ҳали анча илгари, бундан ўн саккиз йиллар муқаддам бошланганди. Ўрта губернияларда жойлашган томонларда Афанасий Ивановичнинг жуда ҳам бой мулкларидан бирига қўшни бўлиб ер-мулки майда, ғоят ночор ер эгаси яшарди. Бу сира иши ўнгмаган, латифа қилиб айтса бўладиган даражада омадсиз одам — истёфогоа чиққан собиқ офицер, — насли насаби машҳур дворян-

лардан, зот жиҳатдан ҳатто Тоцкийдан ҳам аслзодароқ Филипп Александрович Барашков деган киши эди. У ҳамма ёқдан қарз-ҳавола қилиб, бор-йўғини гаровга қўйиб итдай ишлаб, қаро терга тушиб, урина-сурина алоҳа кичкина хўжалигини оёққа бостирганди. У иши озгина ўлгидан кела бошласа, бениҳоя ғайратланиб кетарди. Бир куни у кўнгли ўсиб, яна умидлари чарақлаб бир неча кунга уезд шаҳарчасига тушиб кетади, ўзига анча-мунча қарз берган киши билан кўришиб, у билан узи-кесил битишиб чиқмоқчи бўлади. Шаҳарга келганининг учинчи куни унинг олдига қишлоқдан соч-соқолли, юзи кўйган-ёнган оқсоқол от чоптириб келади ва кеча пешин пайтида қўрғонга ўт тушгани, хотини ўтда ёниб кетгани, болалари эса омон қолгани ҳақида хабар қилади. Буни ҳатто кўра-кўра «тақдирнинг кўп зарбаларига» кўникиб кетган Барашковнинг ўзи ҳам кўтаролмайди; у ақлдан озиб, бир ой иситмалаб ётгач, кўз юмади. Ёнган қўрғон пароканда бўлиб кетган мужиклар билан бирга қарзларни тўлаш учун сотилади; Барашковнинг олати ва етти ёшдаги иккита кичкина қизчасини Афанасий Иванович Тоцкий олижаноблик билан ўз қарамоғи ва тарбиясига олади. Улар Афанасий Ивановичнинг иш бошқарувчиси, истеъфога чиққан хизматчи, аёлманд бир немиснинг болалари билан биргаликда тарбияланади. Орадан кўн ўтмай қизчаларнинг каттаси Настя қолади, кичиги қизамиқдан вафот этади; Тоцкий хорижда истиқомат қилиб юриб, қизчаларни тезда унутиб юборди. Беш йиллар чамаси вақт ўтгач, бир куни Афанасий Иванович йўл-йўлакай ўз мулкига тушиб ўтади ва тўсиндан ўзининг қишлоқдаги қўрғонда, хизматкор немиснинг хонадонида ўн икки ёшлардаги ажойиб, шўх, ёқимтой, ақллигина, ҳадемай бениҳоя соҳибжамол бўлиб етиладиган қизчани кўриб қолади; бу борада Афанасий Ивановичнинг билгани билган эди. Бу сафар у қўрғонда бир неча кунгина турди, лекин бу кунлар ичида кўн ишларни тайинлади; қизчанинг таълим-тарбиясида анча ўзгартирилар рўй берди: катта ёшли, муҳтарам мураббия хотин тақлиф қилинди, оғимқизларга юқори савияда таълим беришда тажрибакор, ўқимшли бу швейцар аёли француз тилидан ташқари бошқа турли илмлардан ҳам бохабар экан. У қўрғонга келиб жойлашгандан сўнг кичкина Настасьянинг тарбияси ҳаддан зўрайиб кетади. Роса тўрт йилдан сўнг бу тарбия охирлайди; мураббия хотин жўнаб кетади. Афанасий Ивановичнинг кўрсатмаси ва топширигига биноан Настяни бир помешчик хотин олиб кетади, унинг мулки жаноб Тоцкийнинг бошқа узоқ бир губерниядаги мулкига қўшни бўлади. Унча катта бўлмаган бу қўрғоннинг ичида шинамгина бир ёғоч уй янгигина қуриб битказилган бўлади; уй дид билан нозик жиҳозланган; худди атай қилгандай қишлоқчанинг номи ҳам Отрадное; бева

помешчик хотин Настяни тўғри шу жимжит уйга олиб келади, уйи бу ердан бор-йўғи бир чақиримгина нарида бўлганлиги ва фарзандсизлиги сабабидан ўзи ҳам Настя билан бирга тура қолади. Настянинг хизматида қари қутидор кампир билан ёш, иш кўрган ходима қиз лайдо бўлади. Уйда мусиқа асбоблари, қизлар ўқийдиган нафис китоблар, суратлар, ҳайкалчалар, қаламлар, мўйқаламлар, бўёқлар, антиқа левретка кучук муҳайё, икки ҳафтадан сўнг Афанасий Ивановичнинг ўзи ҳам қадам ранжида қилади... Ушандан бошлаб у ўзининг овлоқ чўлдаги бу мулкига бошқача ихлос ва меҳр қўяди, ҳар ёз канда қилмай бу ерга келар, икки ва ҳатто уч ойлаб меҳмон бўлиб туриб кетарди, анчагина вақт, қарийб тўрт йил шу алфозда осуда ва бахтиёр, фароғат ва зеболик билан ўтди.

Бир куни қиш бошларида Афанасий Иванович қишлоққа ёзда келиб Отрадноеда икки ҳафтагича туриб кетгандан сўнг ордан тўрт ой ўтгач, Афанасий Иванович Петербургда жуда бой, гўзал, оқсуяк бир хонимга уйланармиш,— қисқаси, омади келиб турганмиш, деган мишмиш тарқалади-ю, бу Настасья Филипповнанинг қулоғига етиб боради. Кейинчалик бу хабарларнинг кўни ҳам унчалик тўғри чиқмайди: тўй қилиш мўлжалда бор экану, лекин ҳали жуда ноаниқ экан, бироқ қандай бўлмасин, шу пайтдан эътиборан Настасья Филипповнанинг тақдирида фавқулодда ўзгариш рўй беради. У бирдан ўз айтганида қаттиқ туриб олади, ўзи ҳам бутунлай ўзгариб бошқача одам бўлиб қолади. Узоқ ўйлаб ўтирмасдан у қишлоқдаги уйни ташлаб ёлғиз ўзи кутилмаганда Петербургда, тўғри Тоцкийнинг олдига келади. Тоцкий қайроп бўлади, гапга оғзини очади; лекин бирдан ҳали оғзидан сўз чиқмай туриб ҳаммасини,— товушини, свозининг балаид-пастлигини, шу пайтгача суҳбатларда муваффақият билан қўллаб келинган ўша ёқимли ва нафис мавзуларни,— ҳамма-ҳаммасини бутунлай ўзгартириши кераклиги равшан бўлади! Унинг қаршисида бутунлай бошқа, у шу пайтгача билган ва яқингинада июль ойида қишлоқчада қолдириб келган аёлга сира ҳам ўхшамайдиган хотин ўтирарди.

Буни қарангки, бу янги хотин, биринчидан, жуда кўп нарсаларни билар ва тушунар,— билганда ҳам шунчалар кўп билар эканки, у бу маълумотларнинг ҳаммасини қаердан олганлиги, шунча нарсалар ҳақида қандай ўзига аниқ тушунча ҳосил қилганлигига одамнинг ақли стмасди. (Наҳотки шунча маълумотни қиз бола ўз кутубхонасидан олган бўлса?) Бу ҳам майли-я, у ҳуқуқ ишларида ҳам бениҳоя кўп нарсени тушунар ва бунинг устига киборлар жамиятининг барча икир-чикирларини билмаса ҳам, лекин ҳар ҳолда бу жамият ичида баъзи

бир ишлар қандай рўй беришини, қандай оқибатларга олиб боришини анча ўзлаштириб олганди; иккинчидан, илгарилар у аллақандай уятчан, бир оз думбулроқ, баъзан шўхлиги ва дўлворлиги билан жозибадор, баъзан эса маъюс ва ўйчан, ҳуркак, ҳайрона, кўзи ёшли ва безовта қиз эди, энди булардан ундан асар ҳам қолмаганди.

Йўқ: унинг қаршида фавқулодда ва мўъжиб бир хилқат хандон ташлаб кулар, аччиқ, заҳарли киноялар билан узибузиб олар, тўғри бетига қараб туриб, ҳеч қачон сизга нисбатан юрагимда нафратдан бошқа нарса бўлган эмас, илк маротаба мени ҳайрона қилиб қўйганингиздан бери сиздан кўнглим кетиб, нафратланадиган бўлиб қолганман, дерди. Бу янги хотин— кимга қачон уйлансангиз уйланаверинг, менга барибир, кўнглим бирдай, лекин мен бу никоҳга йўл қўймайман, сиздан қасдимни оламан, мен шундай бўлишини хоҳлайман, дер, бошқа гап йўқ, шундай бўлади дедимми, шундай бўлади, вассалом,— «жуда бўлмаганда, сенинг устингдан тўйгунимча маза қилиб кулиб юраман, нега десанг, ниҳоят энди мен ҳам кулишни истайман».

Ҳар ҳолда, у шундай деб айтди: юрагига туккан ҳамма гапларни у эҳтимол, айтиб ўтирмагандир. Шу янги Настасья Филипповна қаҳ-қаҳ кулиб, буларнинг барини тўкиб соларкан, Афанасий Иванович рўй берган воқеани ўзича мулоҳаза қилиб ўтирар ва айқаш-уйқаш қилиб ташланган пэрэканда хаёлларини бирмунча тартибга келтирмоқчи бўларди. У ўйлаб ўйининг тагига етолмасди; ҳаммасини чуқур мулоҳаза қилиб бир қарорга келгунча икки ҳафтача вақт ўтди: лекин икки ҳафта деганда у тамомила бир қарорга келиб қўйганди. Гап шундаки, Афанасий Иванович ўша пайтда элликларга бориб қолган, том маънода бообрў ва эътиборли одам эди. Киборлар орасида ва жамиятда у аллақачон ўз ўрнини топиб олган, барқарор мавқега эга бўлганди. Ҳамма бообрў ва эътиборли одамлар каби у ўзини, ўз тинчлиги ва ҳузур-ҳаловатини дунёдаги бошқа ҳамма нарсалардан кўра кўпроқ қадрларди. Бутун ҳаёт давомида тикланган ва мана шунчалар гўзал бир тарзда барқарор бўлган нарсалар заррача ҳам бузилмаслиги, заррача ҳам тебранмаслиги, издан чиқмаслиги лозим эди. Бошқа бир томондан, Тоцкий тез орада кўпни кўрган одам каби теран бир нигоҳ билан шунини ғоятда тўғри англаб етдики, эндиликда у бошқаларга сира ўхшамайдиган ғалати бир хилқат билан муомала қилиши керак бўлади, бунинг устига яна бу шундай хилқатки, у пўписа қилиб, шу билан қолиб кетавермайди, балки айтганининг устидан чиқади ва энг чатоғи, у ҳеч нарсадан тап тортиб ўтирмайди, зотан, унга дунёдаги ҳеч бир нарсанинг

қадр-қиммати қолмаган, шундай экан, уни бирон нарса билан ийдириб, алдаб ҳам бўлмайди. Афтидан, бунда бошқа бир тап бор эди, бунда куйган, ўртанган, ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган юрак назарда тутиларди,— кимдандир, нимадандир, худо билади, аллақандай ғалати аламзадалик, аллақандай бош-кети йўқ беҳад, бедаво нафратланиш бор эди бунда,— бир сўз билан айтганда, ақли расо жамият ичида ҳаддан ташқари кулгили ва бемаъни, йўл қўйиб бўлмайдиган бир нарса бўлиб кўринадиган бир ҳол эдики, худо кўрсатмасин, бундай нарсага дуч келган одам нақ худонинг ғазабига учрагандай бўлади. Тўғри, Тоцкийнинг давлати, таниш-билишлари воситасида кўз очиб юмгунча аллақандай жиндаккина, гуноҳ деб ҳам саналмайдиган бир ёвузлик қилиб, бу дилхираликлардан қутулиб кетиш мумкин эди. Бошқа бир жиҳатдан қараганда, Настасья Филипповнанинг қўлидан нима ёмонлик ҳам келарди, бориники, ҳуқуқ юзасидан олиб кўрганда ҳам; ҳатто қаттиқ жанжалсурон ҳам кўтаролмасди, унинг дарҳол попугини пасайтириб қўйиш ҳеч гап эмасди. Лекин буларнинг бари агар Настасья Филипповна худди шундай вазиятларда умуман бошқаларга ўхшаб ўзини йўқотиб қўймасдан, ҳаддидан ошиб кетмасдан иш қилган тақдирдагина бўлиши мумкин эди. Худди мана шу ерда Тоцкийга нарсаларга тўғри қарай билиши қўл келди: у, Настасья Филипповна мабодо ҳуқуқ юзасидан иш кўрадиган бўлса, қўлидан ҳеч нарса келмаслигини жуда ҳам яқин тушунаётгани, шунинг учун дилига тамомила бошқа бир нарсани тугиб юрган, кўзида ҳам... бошқача аллаҳима ярқираб турганлигини фаҳмлаб қолди. Настасья Филипповнанинг кўзига ҳеч нарса кўринмай, бировнинг ва айниқса ўзининг қадр-қимматини ҳеч нарсага олмай (у ўз ҳаётини қадрламай қўйганини ва бу жуда ҳам жиддий эканлигини шу дақиқаларда фаҳмлаб етиш учун Тоцкийдай худбин, ҳеч нарсага ишонмайдиган кибор одамга анча ақл ва фаҳм-фаросат керак бўлди), кўзига бало-қазодай хунук ва манфур кўринган одамни таҳқирлаш пайида ўзини буткул даҳшатли ҳалокат чоҳига ташлаши, ўзини-ўзи Сибирь ва сургунга гирифтор қилиши ҳеч гап эмасди. Афанасий Иванович ўзининг андаккина қўрқоқлигини ёки бошқача қилиб айтганда, бениҳоя эскича, ўзгаришларни ёқтирмайдиган одам эканлигини ҳеч қачон яшириб ўтирмасди. Мисол учун айтайлик, агарда у ўзини никоҳ ўқиладиган чоғда ўлдиришларини, ёки шунга ўхшаш жамиятда ҳаддан зиёд кулгили ва хунук, шармисорлик билан баробар бирон ҳодиса рўй беришини билса, рост, у қўрқиб кетган бўларди, лекин қўрққанда ҳам ҳамманинг кўз ўнгиде ўлдиришлари ё ярадор қилишлари, ё башарасига тупуришларидан ва ҳоказо, ва ҳо-

кэзо эмас, балки булар ҳаммаси гайритабийй ва хунук бир тарзда руй беришидан кўрқарди. Настасья Филипповна эса гарчи индамаса ҳам, лекин худди шунга ишора қилмоқда эди; Тоцкий Настасья Филипповна ўзини хўп ўрганиб жуда ҳам яхши билиб олганлиги, шунинг учун панд бераман деса, нозик жойини топиб панд беришини биларди. Шу сабабларга кўра, мўлжалланган тўй қолдирилди ва Афанасий Иванович бунга кўниб, Настасья Филипповнага ён берди.

Шу фикрга келаркан, у бошқа бир нарсани ҳам назардан қочирмади: бу янги Настасья Филипповнанинг чеҳраси илгаригига сира ўхшамас ва буни ҳеч тасаввурга сиғдириб бўлмасди. Илгари у бор-йўғи истараси иссиққина қизча эди, энди бўлса... Тоцкий, тўрт йил кўриб, мана ҳеч нарсани фаҳмламабман, деб анчагача койиниб юрди. Рост, иккала томондан ҳам, кутилмаганда, тубдан ўзгариш содир бўлса, шунинг ўзи катта гап саналади. Дарвоқе, илгарилар ҳам, мисол учун, мана шу кўзларга қараганда, баъзан хаёлига галати фикрлар келиб кетган чоғлар эсига тушарди: аллақандай жуда сирли ва тегран зулумот чўкиб ётарди бу кўзларда. Уларнинг боқиши ҳам жуда сирли ва галати эди. Кейинги икки йил орасида у Настасья Филипповнанинг туси ўзгара бошлаганига ажабланиб юарди: унинг юзи бепоҳоя оқариб, галати, чеҳраси ҳам бундан бир қадар очилиб бормоқда эди. Умриви таралабедод билан ўтказган кўп афандилар қатори Тоцкий ҳам олдин ҳеч нарсани кўрмаган бу содда қизча ўзига жуда арзон тушганлигига ижирганиб қараб юрган эди, кейинроқ бориб бундай ўйлаб бирмунча хато қилганлигини англади. Ҳар ҳолда, у бултур баҳор пайтида Настасья Филипповнани бошқа вилоятда хизмат қиладиган биронта эсан-хушли, инсофли жанобга эрга бериб юборишни мўлжаллаб кўйганди. (О, қандоқ аччиқ ва даҳшатли кулги қилди буни Настасья Филипповна!) Бироқ мана энди янгиликка кўнгли суст кетган Афанасий Иванович, бу хотиндан ҳали кўп иш чиқарса бўлади, деган қарорга келди. У Настасья Филипповнани Петербургда қолдириб, унинг ҳаётини ҳашам-хушам билан безатишга қарор қилди. Униси бўлмаса, буниси: маълум бир давра ўртасида Настасья Филипповнани кўзкўзламоқ ва у билан керилмоқ мумкин эди. Афанасий Иванович деганимиз эса ўзининг бу борадаги шоншавкатини кўз қорачиғидек ардоқлар эди.

Мана, Петербургда турилганига ҳам беш йил бўлабэди, албатта, бу орада кўп нарсалар аниқ бўлиб бир изга тушиб қолди. Афанасий Ивановичнинг аҳволи анча-мунча чатоқ эди; ҳаммадан ҳам ёмони у бир марта юрагини олдириб кўйганича, энди ҳеч ўзига келолмасди. Унинг юраги зиряллар — нимадан

зириллаганлигини ўзи ҳам билмас, фақат Настасья Филипповнадан қўрқарди, холос. Авваллари анча вақтларгача, деярли икки йилча Настасья Филипповнанинг ўзи менга тегиб олмоқчи, лекин такаббурлик қилиб айтишни истамапти, биринчи бўлиб мен таклиф этишимни илҳақ кутиб ётибди, деб шубҳаланиб юрди. Унинг бу даъвосига одам тушунмасди; Афанасий Иванович афтини буриштириб, оғир ўйга толарди. Лекин кутилмаганда бир воқеа сабаб бўлиб, у мабодо шундай таклиф қилганда ҳам бу таклифни қабул қилинмаслигига ишончи комил бўлди ва кўнгли жуда ҳам қаттиқ (о, кўнгли деган шундай бўлади-да!) хижил бўлди. Анчагача ўсал бўлиб юрди. Бунини ўзича фақат бир нарсага йўйди: «ҳақоратланган хаёлпараст хотиннинг» ғурури шу қадар поймол этилган эдики, эндиликда унга ўз ҳаётини узил-кесил бир изга солиб, тенгсиз шон-шавкатга эришгандан кўра, бир марта йўқ, тегмайман деб, нафрат билдириш аълороқ эди. Ҳаммадан ҳам ёмони, Настасья Филипповна ҳаддан ортиқ баланд кетмоқда эди. Ўз манфатига ҳам юрмас, зўр-зўр маблағларни қабул қилмасди, ҳашамдор ҳаётдан воз кечмаган бўлса-да, лекин жуда камтар яшар ва шунча йиллар ичида кўзга кўрингудай бисот йиғмаганди. Афанасий Иванович занжирдан халос бўлиш учун муғамбирлик билан бир йўл ишлатиб ҳам кўрди: у билинтирмасдан ғоятда устомонлик билан Настасья Филипповнани йўлдан уришга ҳаракат қилди, одамнинг кўзини, ҳушини қизитадиган турли усулларни қўллади; ва лекин мужассам кайф берадиган ҳамма нарсалар: князлар, гусарлар, элчихона мирзалари, шоирлар, романнавислар, ҳатто социалистлар — ҳеч қайсиси Настасья Филипповнага қор қилмади, худди унинг юраги юрак эмас, тошга ўхшарди, ҳиссиётлари эса абадулабад қуриб-қақшаб битгандай эди. У кўп вақтини ёлғизликда ўтказар, китоб ўқир, ҳатто илм ўрганар, мусиқани севарди. Таниш-билишлари ҳам кўп эмасди; унинг олдига аллақандай қашшоқ ва кулгили хизматчи хотинлар, аллақандай иккита актриса, қандайдир қари кампирлар келиб туришарди, у кекса серфарзанд бир муаллимнинг хонадонини яхши кўрар, бу хонадонда уни жуда ҳам севишар ва бажонидил қабул қилишарди. Кўп маҳаллар кечқурунлари унинг уйига беш-олти танишлари йиғилишарди. Тоққай қанда қилмай, мунтазам келиб турарди. Кейинги пайтлар ичида бир оз қийинчилик билан бўлса-да, Настасья Филипповна билан генерал Епанчин танишиб олди. Худди шу вақтнинг ўзида Настасья Филипповна билан Фердишченко деган оғзи коски, бемаъни, тузсиз ҳазиллар қилувчи, ўзини қувноқ ва шўх қилиб кўрсатишни, ичкиликни яхши кўрадиган бир ёш хизматчи ола-осон танишди-қўйди. У билан яна

Птицин деган камсуқум, баодоб, батартиб, қашшоқликдан чиқиб, судхўрлик даражасига етган ғалатироқ йигит ҳам таниш эди. Ниҳоят, у билан Гаврила Ардалионич ҳам танишиб олганди... Шу-шу бўлиб Настасья Филипповна ҳақида ғалати овозалар тарқади: унинг соҳибжамол эканлигини ҳамма биларди, лекин гап шундан нарига ўтмасди; ҳеч ким ҳеч нарса билан мақтанолмасди, ҳеч ким ҳеч вақони сўйлаб беролмасди. Унинг ўзини шу тариқа тутиши, ўқимишли, нозик муомала-муносабатли эканлиги, ақлининг ўткирлиги — буларнинг ҳаммаси Афанасий Ивановични узил-кесил равишда ўша маълум-машҳур бир мавқега кўтарган эди. Бу воқеаларга генерал Епанчиннинг бунчалар ғайрат билан елиб-югуриб аралаша бошлагани ана шу дамларга тўғри келади.

Тоцкий унинг қизларидан бирига харидор бўлиб дўстона илтифот билан маслаҳат сўраган пайтида унга юрагида йиғилиб ётган ҳамма гапларини очиқ-ойдин айтиб бериб олижаноблик қилди. У оёғидаги кишандан халос бўлиш учун ҳеч нарсадан тоймаслигини билдирди; Настасья Филипповна, бўлди, бошқа сира ҳам безовта қилмайман, деган тақдирда ҳам барибир кўнглим тинчимаган бўлар эди, деди; қуруқ сўзни бошига урадим, унга тўла-тўқис тинчлик-хотиржамлик даркор. Дарлашниб ўтиришиб баҳамжиҳат ҳаракат қилишга келишиб олдилар. Аввал бошда энг беозор, юмшоқ чораларни қўллаб кўришга, нима десак экан, унинг «юрак торларини чертиш»га қарор қилдилар. Икковлашиб Настасья Филипповнанинг ҳузурига келдилар ва Тоцкий тўғридан-тўғри ўз аҳволининг ҳаддан ташқари ночорлиги, чидаб бўлмай қолаётгани ҳақида сўзлаб кетди; ҳаммасига айбдор менман, деди, сизга нисбатан биринчи маротаба қилган ўша қилиғимга ачинмайман, чунки мазахўраклик менинг қон-қонимга сингиб кетган, ўзимни тийишга кучим етмайди, лекин энди уйланмоқчиман, киборларга хос обрў-эътибор билан никоҳ ўқитмоқчиман, бу никоҳнинг бутун тақдири сизнинг қўллингизда, деб очиқ-ойдин айтди; бир сўз билан айтганда, ҳаммасини сизнинг олижаноб қалбингизга ишониб ҳавола этаман, деди. Шундан кейин ота сифатида генерал Епанчин сўзлай бошлади: расамади билан гапирди, қаттиқ ботмасликка ҳаракат қилди, сиз Афанасий Ивановичнинг тақдирини ҳал қилишга ҳақлисиз, деб эслатди, қизимнинг ҳаёти, балки бошқа икки қизимнинг тақдири ҳам сизга боғлиқ бўлиб қолди, деб ҳамма нарсага итоат қилиб ўрганган одамдай устомонлик билан бўйинни қисди. Настасья Филипповна: «Мендан нима истайсиз?» — деб сўраган эди, Тоцкий яна боягидай очиқ-ошкора қилиб, беш йил бурун мени қаттиқ қўрқитиб юборган эдингиз, ҳалиям ўзимга келолмайман, то сиз ўзингиз

биронта одамга турмушга чиқмагунингизча кўнглим жўйига тушмайди, деб тан берди. Агар баъзи бир жўяли ери бўлмаганда, албатта, бу илтимосим жуда бемаъни бўлиб кўринарди, деб дарҳол қўшимча қилиб ҳам қўйди. Яхши, олижаноб хонадоннинг фарзанди, зоти тоза бир йигит, яъни Гаврила Ардалионич Иволгин, сиз уни биласиз, бу ерга келиб ҳам туради, анчадан бери сизни қаттиқ яхши кўради, агар сиздан андак ишорат зоҳир бўлса, у ҳаётининг ярмини беришга ҳам ҳозир, мен буларнинг барини сўраб-суриштириб билиб олдим, деди. Бу гапларни менга Гаврила Ардалионичнинг ўзи чин юракдан дўстона, ёшлик шавқ билан тан олиб айтди, буни у йигитнинг валинеъмати бўлмиш Иван Федорович ҳам анчадан бери билди. Ва ниҳоят, агар мен янглишмаётган бўлсам, йигитнинг юрагидаги муҳаббат Настасья Филипповнанинг ўзига ҳам жила қоронғи эмас, назаримда, бунга сиз унчалар бефарқ қарамаётганга ўхшайсиз. Албатта, бу ҳақда гапириш бошқалардан кўра унга қийинроқ. Лекин агарда Настасья Филипповна Тоцкийга ҳадеб худбин, ўз ҳаётидан бошқа нарсани ўйламайдиган одам деб қарамасдан, бунинг ҳам юрагида яхши тилаги бордир ахир, менга ёмонлик соғинармиди, деса ана ўшанда, Тоцкий унинг ёлғизликда яшаётганидан қанчалик қайғуриб, ғалати бўлиб юрганлигини англаб етарди, бўлмаса шу ёлғизлик туфайли Настасья Филипповнанинг келажаги бутунлай нўтайин, қоронғи, ҳаётнинг муҳаббат ва оила оғушида чиройли бўлиб тамомила янгилашиб кетишига ва шундай қилиб, янгича мақсад сари қадам ташланишига сира ишонч йўқ, бунинг устига яна эҳтимол жуда порлоқ қобилиятлар ҳам сўниб, кул босиб қолиши мумкин, одам ўз қайғусини ўзи ардоқлайверса, бир сўз билан айтганда, қандайдир хаёлий нарсаларга берилса, бу Настасья Филипповнадай оқила ва олижаноб аёлга ярашмаган иш бўлади. У яна бир карра бошқалардан кўра менга сўзлаш қийинроқ, деди, лекин мен чин юракдан Настасья Филипповнанинг келажагини таъминлаш мақсадида етмиш беш минг сўм бермоқчиман, умид қиламанки, Настасья Филипповна бундан дарғазаб бўлмас ва қўлимни қайтармас. У яна барибир шунча миқдордаги пулни васиятимда ҳам унинг номига кўрсатиб ўтганман, деб қўшимча қилиб қўйди; қисқаси, буни шунчаки бир туҳфа деган хаёлга бориб ўтирилмасин... Қолаверса, у ҳам одам, унинг ҳам виждони қийналади, шу виждон азобларини ўзи учун андак енгиллатмоқчи бўлса нима қилибди, буни кечирishi мумкин-ку ва ҳоказо, ва ҳоказо, яъни шундай пайтларда нима дейиш керак бўлса, ҳаммаси айтилди. Афанасий Ивановичнинг оғзи тинмай узоқ шакаргуфторлик қилди, кейин сўз орасига жуда ҳам қизиқ бир гапни қистириб кетди, у етмиш

беш минг сўмни ҳозир биринчи маротаба тилга олибди, бундан ҳатто мана шу ерда ўтирган Иван Федоровичнинг ҳам хабари йўқ экан; қисқаси, ҳеч ким билмайди.

Настасья Филипповнанинг жавоби ҳар икки ошнани тааж-жубга солиб қўйди.

Унда аввалги истеҳзо, аввалги аламзадалик ва дарғазаблик, Тоцкий ҳали-ҳали эсласа юраги орқасига тортиб кетадиган аввалги қаҳқаҳалардан асар ҳам кўринмас, аксинча, у ниҳоят биров билан очиқ-ойдин, дўстона гаплашиб олиш имконияти туғилганидан хурсанд бўлганга ўхшарди. У ўзим ҳам анчадан бери дўстона маслаҳатга зор эдим, сўрай десам, ғурур йўл бермасди, лекин мана энди орадан совуқчилик кўтарилди, жуда ҳам соз бўлди, деб айтди; у олдин маънос табассум қилди, сўнг шўх ва қувноқ кулиб юборди ва нима бўлганда ҳам илгаригидай тўс-тўполон кўтаришга ўрин қолмаган, деди; энди у баъзи бир нарсаларга бошқача кўз билан қарайдиган бўлиб қолибди. гарчи юраги ўша-ўша ўзгармаган бўлса ҳам, лекин энди барибир минг уринган билан кўп нарсаларни асли ҳолига қайтариб бўлмайди, бўлар иш бўлди, ўтган иш ўтди, сувлар оқди-кетди, шундай экан, қизиқ, нега Афанасий Иванович ҳалиям кўрқиб юрибди. Шундан кейин у Иван Федоровичга қарата, иззат-икром билан сўзлай бошлади, сизнинг қизларингиз ҳақида анчадан бери кўп гаплар эшитганман ва кўп пайтлардан бери уларни чин юракдан қаттиқ ҳурмат қилиб юраман. Уларга жиндаккина бўлса ҳам фойдам тегса, ўзимни ҳаддан ортиқ бахтиёр бўлгандек сезаман ва бундан фахрлангим келади. Рост айтишди, ҳозир менга жуда оғир, зерикдим, жуда зерикиб кетдим; Афанасий Иванович кўнглимдаги гапни айтди; мен қайта тирилсам, севги бўлмаса бўлмас, онла қуриб ҳаётимни янгидан бошласам, девдим; лекин Гаврила Ардалионич ҳақида ҳеч нарса деёлмайман. Ростдан ҳам у мени яхши кўрадиганга ўхшайди. Агарда унинг аҳд-паймони қаттиқлигига ишонганимда эди, мен ҳам балким уни севиб қолишим мумкиндир, деб ўйлаб юраман; у самимий бўлса ҳам, лекин ҳали жуда ёш; бир нарса дейиш қийин; ҳаммадан ҳам унинг ишлаб, меҳнат қилиб, ёлғиз ўзи оила тебратиб тургани ҳар ҳолда ёмон эмас. Қулоққа чалинган гап-сўзларга қараганда, у ғайратли, ориятли йигит экан, ўсиб-унгиси, бошини баланд кўтариб юргиси келармиш. Худди шунингдек, Гаврила Ардалионичнинг онаси Нина Александровна Иволгина ҳам топилмас, ҳаддан зиёда ҳурматли аёл экан; унинг синглиси Варвара Ардалионовна эса жуда ҳам ажойиб, ғайратли қиз эмиш; у ҳақда Птицин кўп сўйлаб берибди. Улар қайғу-ҳасратдан нолиб юрадиган одамлар эмас шекилли; улар билан танишиб олинса дуруст

бўларди-ю, лекин уйларида уни очиқ юз билан қабул қилишадими, йўқми, ҳали номаълум. Умуман, бу никоҳ бўлиш-бўлмаслиги хусусида ҳали бир нарса дейиш қийин, аммо буни ҳали кўп ўйлаб кўриш керак; уни шошилтирмасалар яхши бўлармиди! Етмиш беш миנגга келганда — Афанасий Иванович уни ҳеч кимга айтолмай бекор қийналибди. Пулнинг қадрини билмок керак, шунинг учун у пулни албатта қабул қилади. У Афанасий Ивановичга бу илтифоти учун миннатдорчилик билдиради, қаранг, у пул ҳақида Гаврила Ардалионичгагина эмас, ҳаттоки генералга ҳам гапирмабди-я, лекин мундоқ қараганда, Гаврила Ардалионичга айтилса ҳам бўлаверади-ку, ахир у олдиндан билиб қўйса ёмонми? Уларнинг хонадонига остона ҳатлаб кираркан, Настасья Филипповна нега энди бу пуллардан уялиши керак экан? Ҳар ҳолда, у ҳеч кимдан ҳеч нарса туфайли кечирим сўрамоқчи эмас, у буни яхши билиб қўйишларини истайди. Унга нисбатан на Гаврила Ардалионичнинг ўзида ва на унинг оиласида заррача кир бўлмаслиги керак, у аввало шуни билиб олмоқчи. Ҳар ҳолда, у ўзини ҳеч бир жиҳатдан айбдор деб ҳисобламайди, яхшиси, майли, Гаврила Ардалионич беш йил мобайнида Настасья Филипповна қандай қилиб яшаб келганлигини, Афанасий Иванович билан муносабатлари қандай эканлигини ва қанча маблағ йиғиб улгурганлигини билиб олсин. Ва ниҳоят, у пулни олади, лекин уни қизлик ор-номуси ноймол қилинганлигининг ҳақи деб эмас, зотан, бу шармисорликка у айбдормас, балки барбод бўлган қисматига тўлов тариқида қабул қилади.

Шуларнинг ҳаммасини баён қилар экан, Настасья Филипповна охирига бериб жуда ҳам қизишиб, асабийлашиб кетди, дарвоқе (табиий, шундай бўлиши керак эди), генерал Епанчин бундан мамнун бўлди ва иш пишган деб ҳисоблади; лекин бир марта юрак олдириб қўйган Тоцкий яна ҳам унча ишонқирамади ва анчагача гулнинг тагида илон йўқмикин деб қўрқиб юрди. Бироқ музокара бошланди; ошналарнинг режасидаги асосий нуқта — яъни Настасья Филипповнанинг эътиборини Ганяга жалб этиш, — ўзини бир қадар оқлаб, тобора равшан тарта бошлади, ҳатто Тоцкий ҳам гоҳо энди иш жўнашиб кетади шекилли, деб анча жонланиб қолди. Бу ўртада Настасья Филипповна Ганя билан гаплашиб олди: кўп гапдан худди унинг ҳамиятига озор етадигандай икки-уч оғиз сўзлашдилар, холос. Настасья Филипповна Ганянинг севишига қарши эмас экан, лекин ҳеч нарсадан ўзимни сиққишни истамайман, деб қатъият билан маълум қилди; то тўй бўлгунча (агар тўй бўладиган бўлса) ҳам, то энг сўнгги дамга довуր ҳам ўзимда «йўқ» дейиш ҳуқуқини сақлаб қоламан; сизга

ҳам худди шундай ҳуқуқ берилади, деди Ганяга. Ганянинг бутун уй ичи бу никоҳга ва шахсан Настасья Филипповнага ёвқараш билан боқмоқда эди, норозилик уйдаги муомалаларда юзага қалқиб чиқмоқдайди, бу гаплар бутун икир-чикирлари билан Настасья Филипповнага ҳам этиб борганди, кўп ўтмай бир муносабат билан бу Ганяга маълум бўлди; Ганя ҳар кун бу ҳақда гап очилишини кутар, лекин Настасья Филипповна миқ этиб оғиз очмасди. Ҳар қалай, бу совчилигу борди-келди музокаралар муносабати билан юзага чиққан ҳодисалар ва ҳолатлар ҳақида ҳали жуда кўп ҳикоя қилавериш мумкин эди, лекин биз шусиз ҳам хийла илгарилаб кетдик, зотан, баъзи бир нарсалар ҳали нотайин мишмишлардан нарига ўтмаганди. Мисол учун, Настасья Филипповна ҳаммадан бекитиқча Епанчиннинг қизлари билан аллақандай ноаниқ алоқа бошлаётганмиш,— бу миш-мишга одамнинг сира ишонгиси келмасди, лекин Тоцкий буни қаердандир билиб олибди. Лекин яна бошқа бир миш-миш ҳам бор эдики, бунга у бенхтиёр суратда ишоар ва бундан юраги даҳшатли тарзда орқасига тортиб кетарди; Ганя пул деб уйланаётганлиги, Ганя ичи қора, очкўз, енгилтак, бировини кўролмайдиган ва беҳад-беҳудуд худбишлик балосига гирифтор бўлган одам эканлигини Настасья Филипповна жуда ҳам яхши билиб олган эмиш, бу ҳам Тоцкийнинг қулোগа чалинганди. Ганя илгарилари чиндан ҳам Настасья Филипповнага қаттиқ ошиқу беқарор бўлиб, унинг кўнглини овлаш пайида юрган кезларда ошналар Настасья Филипповнани Ганяга қонуний хотин қилиб сотиш ва бунинг эвазига Ганянинг ўзини буткул қўлга киритиш мақсадида ёшлар ўртасида иш уриб келаётган ошиқ-маъшуқликдан фойдаланиб қолмоқчи бўлдилар, ана шундан кейин Ганя Настасья Филипповнани бало-қазодай ёмон кўриб қолди. Унинг юрагида ҳире ва алам галати бир тарзда қоришиб кетди, у бора-бора оғир изтироблардан сўнг алоҳа «шарманда хотин»га уйланишга рози бўлди, лекин ичида ҳали шоммай турсин, ўчимини олмай қўймайман, «тавбасига таянтираман», деб уни қаттиқ янди. Настасья Филипповна, афтидан, бу гапларнинг ҳаммасидан хабардор эди ва яширинча нимагадир тайёрланарди. Тоцкий шунчалар ҳам чўчиб қолдики, ҳатто безовта бўлаётганлигини Епанчинга ҳам айтмайдиган бўлди; лекин шундай дақиқалар бўлар эдики, ўзи заиф одам эмасми, яна бирдан жонланиб қолар ва дарҳол кўнгли қайтадан ёришарди, мисол учун, Настасья Филипповна туғилган куним кечқурун охири сўзимни айтаман, деб ошналарга ваъда бергандан сўнг у, ниҳоятда хурсанд бўлиб, кўнгли кўтарилиб кетди. Билъакс, муҳтарам Иван Федоровичнинг нақ

ўзига тааллуқли бўлмиш энг ғалати ва энг ақл бовар қилмас мишмишлар, эвоҳ, борган сари ҳақиқат бўлиб чиқа бошлади.

Бу бир қарашда ҳаммаси олди-қочди гапларга ўхшарди. Шунча ёшга кириб, соч-соқоли оқарган, ақли ҳар нарсага етадиган ва ҳаётни ҳар томондан чуқур биладиган ва ҳоказо, ва ҳоказо бир одам, Иван Федоровичнинг ўзи Настасья Филипповнага ошиқи беқарор бўлиб ўтирибди деса, албатта ҳеч ким ишонмайди, яна ошиқ бўлганда ҳам девона бўладиган даражада ошиқ эмиш. У ўзининг нимасига ишонарди — тасаввур қилиш қийин эди; балки Ганянинг ўзи қўллаб юборар деб ўйлармиди. Тоцкий шунга ўхшаш бирон нарсани тахмин қилмоқда эди, генерал билан Ганя ўртасида аллақандай ўзаро шерикчиликка асосланган сўзсиз битишув борга ўхшаб кўринарди. Дарвоқе, маълум, ҳирсга жуда берилиб кетган одам, яна бунинг устига ёши бир жойга бориб қолган бўлса, бутунлай кўр бўлиб қолади ва ҳеч илинж йўқ ердан ҳам бир нарса кутади, бу ҳам оз, эс-ҳушини йўқотади ва мияси отнинг калласидай бўлса ҳам тентак болага ўхшаб иш қилади. Яна шу нарса маълум. Генерал Настасья Филипповнанинг туғилган кунига совға қилиб ниҳоятда қимматбаҳо ажиб жавоҳир сотиб олган ва Настасья Филипповна тамагир хотин эмаслигини билса ҳам барибир бу совғага кўп умид боғлаган эди. Настасья Филипповнанинг туғилган куни яқинлашган сайин у ўзини қўярга жой тополмай қолган, лекин у аввало, буни яширишга ҳаракат қиларди. Мана шу жавоҳир генерал ойим Епанчинанинг қулоғига чалинганди. Тўғри, Елизавета Прокófьевна не замонлардан бери эрининг суюқоёқлигини сезиб юрар, бунга бир қадар кўникиб ҳам қолган эди, лекин ахир, шундоқ вазиятни ҳам қўлдан чиқариб бўладими; жавоҳир ҳақидаги мишмишлар ҳаддан зиёда унинг қулоғини қизитмоқдайди. Генерал буни вақтида сезиб қолди, яқингинада бутунлай бошқача сўзлар айтилганди; у зўр бир қийлу қол бўлишини сезар ва бундан қўрқарди. Бу қиссамизни бошлаган ўша куни эрталаб хонадон аъзолари бағрида нонушта қилишга генералнинг юраги сира ҳам дов бермаганлигининг сабаби худди мана шунда эди. Князь келмасдан буруноқ у ишни баҳона қилиб, нонуштадан қутулиб қолмоқчи эди. Қутулиб қолиш деганда генерал кўпинча расмана қочиб қолишни назирада тутарди. У жуда бўлмаганда шу бугунги кунни ва энг муҳими, бугунги оқшомни жанжалсиз қўлга киритмоқчи эди. Қутилмаганда князь келиб қолди. «Худонинг ўзи етказди!» — деб ўйлади генерал ичида хотинининг ҳузурига кириб бораркан.

Генерал ойим ўз насл-насабига жуда бошқача кўз билан қарар эди. Князь Мишкиннинг номи илгари ҳам бир қулоғига чалингандай эди, мана ҳозир шунча авлоддан қолган якка-ёлғиз зурриётни бечораваш, телба, қашшоқ ва сал бўлмаса, хайр-садақа билан кун кўрадиган гадо деб таништиришди, бу гапларни дабудурустан эшитган чоғда унинг қандай аҳволга тушганини бир кўрсангиз эди. Генерал уни тўсиндан лол қилиб қўйиш, фикрини бошқа ёққа чалғитиш учун князни мана шундай кўпиртириб таърифлаганди.

Генерал ойим фавқулодда ҳолатларда одатан кўзларини катта-катта очиб қарар ва ўзини бир оз орқага ташлаб, индамасдан номаълум бир нуқтага тикилиб тураверарди. Бу ўктам, бўйдор, ёши эри билан тенг хотин эди, унинг хийла оқариб кетган қора сочлари ҳали қалин, бурнининг ўртаси бир оз кўтарилган, қотма, ёноқлари саргайиб ичига ботган, юпқа лабларидан тароват ёчганди. Пешонаси баланд, лекни тор; нимкўкимтир, катта-катта кўзлари баъзан одамга жуда ҳам ғалати-ғалати қараб қўярди. Бир маҳаллар унга сиз одамга жуда ҳам бошқача қарайсиз, дейишган эди, шу унинг қулоғида ўрнашиб қолганди, кейин-кейинлар ҳам шу ишонч уни ҳеч қачон тарк этмади.

— Кирсин? Сиз уни кирсин деяпсизми, ҳозир, шу топда-я?— деб генерал ойим қаршисида ўралашиб турган Иван Федоровичга кўзларини имкони борича катта-катта очиб боқди.

— О, бунинг ҳеч даҳмазаси йўқ, биродаржон, сен уни балки кўргинг келаётгандир девдим,— шошиб тушунтирди генерал.— Худди бола дейсан, жуда ҳам бечора аҳволда; аллақандай ёмон тутқаноғи бор эмиси, у тўғри Швейцариядан келяпти, ҳозиргина вагондан тушган, аллақанақа ғалати, немисга ўхшаб кийиниб олган, бунинг устига чўнтагида ҳеч вақо йўқ, рост айтаман, йиғламсираб турибди. Мен унга йиғирма беш сўм бердим, идорамиздан унга биронта ёзув-чизув иши топиб бермоқчиман. Сизлардан эса, mesdames, уни яхшилаб меҳмон қилишни сўрайман, кўзимга унинг қорни очга ўхшаш кўринди...

— Сизга ҳайрон бўлиб қолдим,— яна боягидай қилиб давом этди генерал ойим,— қорни оч, тутқаноғи бор! Қанақа тутқаноқ?

— О, тутқаноғи унда-мунда бир тутади, бунинг устига у худди ёш боланинг ўзи, айтгандай, анча ўқимишли. Сизлардан сўрар эдим, mesdames,— мурожаат қилди у яна қизларга,— уни бир имтиҳон қилиб кўрсаларингиз, қўлидан нима иш келишини билсак ёмон бўлмасди.

— Им-ти-ҳон! — деб чўзди генерал ойим ва қаттиқ ҳайрат ичида кўзларини катта-катта очиб дам эрига, дам қизларига қарай бошлади.

— Оҳ, биродаржон, бунга унчалар аҳамият бериб ўтирма... Айтмасам, сен нима десанг, шу; мен унинг бошини силаб, бағримизга олсак дедим, яхши иш бўларди.

— Бағримизга олсак? Швейцариядан-а?!

— Швейцария бунга тўсқинлик қилмайди; айтгандай, қайта-раман, яна ўзинг биласан. Жон куйдириб айтаётганимнинг боиси, биринчидан, фамилияси бир, балки қариндош чиқиб қолар, иккинчидан, бошини қаерга қўйишни билмайди. Уни кўргинг келиб қолармикин деб ўйловдим, нима бўлганда ҳам фамилиямиз бир хил-ку, ахир.

— Майли, татап, агар дахмазасиз бўлса кирсин, йўлдан келган экан, қорни очдир, борадиган жойи бўлмаса, боқсак боқа қолайлик?— деди тўнғич Александр.

— Худди ёш боланинг ўзи де тағни, у билан бекинмачоқ ўйнаса ҳам бўлади ҳали.

— Бекинмачоқ? Қандай қилиб?

— Оҳ, татап, бўлди қилинг шуни, барака топинг,— деди гаши келиб Аглая.

Уртанча кулонғич Аделаида ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Чақиринг уни, рара, татап хўп дедилар,— деди Аглая. Генерал қўнғироқ чалди ва князни чорлашни буюрди.

— Лекин шу шарт билан, у столга келиб ўтиргандан кейин бўйинига албатта сочиқ ўраб қўйилсин,— деб қарор қилди генерал ойим,— Федорни чақиринг, йўқ яхшиси, Маврни... келиб унга қараб туришсин у овқат еяётганда. Тутқаноғи жуда қаттиқ тутмайдами ишқилиб? Қўлларини силкитмайдами?

— Аксинча, жуда чиройли тарбия кўрган, ўзини яхши тутатади, хушқилиқ. Баъзан жудаям соддалик қилади... Ана ўзи келиб қолди! Мана танишинглар, сўнги князь Мишкин, фамилиядошимиз, балки қариндош чиқиб қолармиз, марҳамат, меҳмон қилинглар. Ҳозир, князь, нонуштага борилади, марҳамат қиласиз... Мен бўлсам, узр, кеч қолдим, шошиб турибман...

— Биламиз, қаёққа шошаётибсиз,— димоқ-фироқ билан деди генерал ойим.

— Шошяпман, шошяпман, биродар, кеч қолдим! Унга альбомларингизни берсанглар-чи, mesdames, сизларга дастхат ёзиб берсин; хаттот, бунақаси кам топилади! Истеъдод; ҳали менга эскича ёзув билан ёзиб кўрсатди: «Игумен Пафнутий рақам қилдим...» Хўп, яхши қолинглар.

— Пафнутий? Игумен? Тўхтаг, тўхтасангиз-чи, қаёққа кет-

япсиз, яна қандай Пафнутий? — жуда гаши келиб, гижиниб, бирмунча ташвишга қолиб қичқирди генерал ойим қочиб бораётган эри ортидан.

— Ҳа, ҳа, биродар, эски замонда ўтган экан шундай Игумен деган... мен графнинг олдига кетяпман, кутиб ўтирибди, анча бўлди. Яна ўзим айтган эдим... Князь, хайр бўлмаса!

Генерал тез-тез қадам ташлаб чиқиб кетди.

— Биладан, қайси граф эканлигини! — кескин деди Елизавета Прокофьевна ва гаши келганча кўзларини князга тикди. — Нимаиди! — деб бошлади у гижинганча чирсиллаб эслашга уринаркан, — хаҳ, нимаиди! Ҳа, эсимга тушди. Қандай игумен у?

— Матап, — деди Александра, Аглая эса ҳатто оёғини тапиллатиб қўйди.

— Менга халал берманг, Александра Ивановна, — деб унинг оғзига урди генерал ойим, — мен ҳам билишни истайман. Мана бу ерга ўтиринг, князь, мана шу креслога, қаршига, йўқ, бу ёққа, офтобга, ёруққа яқинроқ сурлиб ўтиринг, мен сизни кўриб ўтирай. Қани, қандай игумен?

— Игумен Пафнутий, — деб камоли диққат-эътибор билан жавоб қилди княз.

— Пафнутий? Қизиқ экан; хўп, ким экан у?

Генерал ойим княздан кўзини узмасдан жаҳл билан бетоқат бўлиб сўрар, князь жавоб қилганда эса, унинг ҳар бир сўзига бошини ликиллатиб қўярди.

— Игумен Пафнутий ўн тўртинчи асрда яшаган, — деб бошлади князь, — у ҳозирги Кострома вилоятида Волга бўйидаги ерларни бошқарган. Жуда хоксор ҳаёт кечирган, Урдага борган, ўша пайтдаги ишларни битиришга сабй-ҳаракат қилган ва бир ёрлиқнинг тагига имзосини чеккан, мен шу имзонинг суратини кўрган эдим, менга хати жуда ёқиб қолиб, ўрганиб олдим. Генерал боя менга иш топиб бермоқчи бўлиб хатимни кўрди, мен турли усулдаги хатлар билан ёзиб кўрсатдим, шулар орасида игуменнинг ўз хати билан... «Игумен Пафнутий рақам қилдим», деб ёздим. Генералга жуда маъқул бўлди, шуни эслаб айтаётган эди.

— Аглая, — деди генерал ойим, — эсингда бўлсин: Пафнутий, ёки яхшиси ёзиб қўй, бўлмаса мен доим унутиб юраман. Айтганча, мен қизиқроқ бўлармикин деб ўйловдим. — Қани ўша хат?

— Генералнинг кабинетида стол устида қолган эди.

— Дарров олиб келинсин!

— Мен сизга яхшиси бошқа ёзиб кўрсата қоладан, агар истасангиз.

— Рост, татап,— деди Александра,— энди яхшиси нонушта қилайлик, қорнимиз очди.

— Бажо,— деди генерал ойим.— Юринг, князь, сиз жуда ҳам очқадингизми?

— Ҳа, жуда очқадим ва сиздан жуда миннатдорман.

— Бу жуда соз, одобингиз жойида, бундай қарасам, сиз ҳечам ҳалигиндай... ғалати одам дейишувди, сира ундай эмас экансиз. Юринг, манави ерга, менинг рўпарамда ўтиринг,— деб меҳрибончилик қила бошлади у князга емакхонага келганларида,— мен сизга қараб ўтирмоқчиман. Александра, Аделанда, князни меҳмон қилинглар. У ҳалигиндай... Касал эмас экан, тўғрими? Балки сочиқнинг ҳам ҳожати йўқдир... Князь, овқатланган пайтингизда сизга сочиқ боғлашармиди?

— Илгарилари етти яшар пайтимда сочиқ боғлашган бўлса керак, энди овқат пайтида одатда сочиқни тиззамга ташлаб қўяман.

— Шундай бўлиши керак. Тутқаноқ-чи?

— Тутқаноқ?— бир оз ҳайрон бўлиб қолди князь,— ҳозир тутқаноқ камдан-кам тутади. Яна билмадим; бу ернинг ҳавоси менга оғир бўлади, дейишади.

— Яхши сўзларкан,— деди генерал ойим қизларига қарата, у князнинг ҳар бир сўзини бошини қимирлатиб тасдиқлаб турмоқда эди,— бунчалар кутмаган эдим. Демак, ҳаммаси бекорчи, ёлғон-яшиқ экан; одатдагидай. Олинг, энг, князь, сўйлаб, гаплашиб ўтиринг; қаерда туғилгансиз, қаерда тарбиялангансиз? Мен ҳаммасини билишни истайман; жуда ҳам билгим келиб қолди.

Князь миннатдорчилик билдирди ва бугун эрталабдан бери қайта-қайта гапиришга тўғри келган нарсаларни яна бир бошдан, иштаҳа билан овқат ея туриб, сўзлаб берди. Генерал ойим борган сайин мамнун бўла бормоқда эди. Ойимқизлар ҳам анча қизиқиб қулоқ солишарди. Авлодлар-суриштирилди; князь ўз ота-боболарини жуда яхши биларкан, лекин қандай айлантириб кўришмасин, генерал ойим билан князь ўртасида у қадар яқин қариндошчилик белгилари чиқмади. Боболар ва бувилар ўртасида чатишган ерларни топиш мумкин эди. Даққиюнусдан қолган бу гаплар генерал ойимга айниқса маъқул тушиб қолди, у кўнгли жуда тилаган чоғларда ҳам авлод-насабларидан дили ёзилиб гаплашишга ҳеч қачон имкон тополмасди, шунинг учун ҳам мана, ҳозир у дастурхон устидан жуда ҳаяжонга тўлган ҳолда турди.

— Юринглар, ҳаммамиз мажлисхонамизга борайлик,— деди у,— кофени ҳам ўша ерда ичамиз. Бизнинг шунақа бир умумий хонамиз бор,— деди князга уни бошлаб кетаркан,— менинг

мўъжаз меҳмонхонам, ўзимиз ёлғиз қолганда у ерга йиғилишамиз ва ҳамма ўз иши билан шуғулланади; Александра, менинг мана шу катта қизим, фортепиано чалади, ё ўқийди, ё тикади; Аделаида — манзара, портретлар чизади (суратларини ҳеч тутатолмайди), Аглая бўлса, ўтиради, ҳеч нарса қилмайди. Менинг ҳам қўлим ишга бормайди, иш қўлимдан тушиб кетаверади,— ҳеч бало чиқмайди. Мана, этиб ҳам келдик; ўтиринг, князь, мана, камии олдига, кўрган-кечирганларингизни сўйлаб беринг. Сизнинг қандай ҳикоя қилишингизни билгим келади. Мен ишонч ҳосил қилишим керак, ундан кейин княгиня Белокопская билан кўришганимда унга айтиб бераман сиз тўғрингизда. Мен улар ҳаммаларининг эътиборларини қозонишингизни истайман. Қани, бошланг.

— Матап, дарров ҳикоя қила бошлаш осон эмас-да,— деди Аделаида, у мольбертини тўғрилаб, мўйқаламларини олиб, анчадан бери эстампдан ўзи нусха кўчираётган манзарага машғул бўлди. Александра билан Аглая биргаликда мўъжаз диванга ўтирдилар ва қўлларини қовуштирганча эшнатишга ҳозирландилар. Князь ҳамманинг диққат-этибори ўзига қаратилганлигини англади.

— Агар менга шундай деб буюришганда, ўла қолсам ҳам гапирмасдим,— деди Аглая.

— Нимага? Нимаси бор бунинг? Нега энди гапириб бермас экан? Тили бор. Мен унинг қандай гапиришини билмоқчиман. Бирон нарсани ҳикоя қилинг. Сизга Швейцария ёққан-ёқмаганлигини, илк таассуротингизни сўзлаб беринг. Мана кўрасиз, мана у ҳозир бошлайди, жудаям чиройли қилиб бошлайди.

— Бошимдан галати воқеа ўтган,— деб бошлади князь.

— Ана-ана, — илиб кетди сабрсизлик билан Лизавета Прокофьевна қизларига қарата,— бошлади-ку.

— Уз ҳолига қўйинг, матап, гапирсин,— тўхтатди уни Александра. — Бу князь тозаям устомон одам шекилли, сира тентакка ўхшамайди,— деб пичирлади у Аглаяга.

— Шундай бўлса керак, мен анчадан бери қараб ўтирибман,— жавоб берди Аглая.— Узини шу кўйга солиши пасткашлик. Нима, шу билан бир нарса ютадим?

— Биринчи марта кўрганимда мен қаттиқ таъсирланганман,— такрорлади князь.— Мени Россиядан олиб кетишаётганда турли немис шаҳарларини босиб ўтдик, мен индамай томоша қилиб ўтиравердим, эсимда, ҳатто ҳеч нарса сўраганим ҳам йўқ. Касалим жуда зўрайиб, тутқаноқ тутиб кўп азоб еганимдан кейинги кунлар эди, мен бўлсам, касалим қутуриб, тутқаноқ кетма-кет қайталайверса, доим бошимни бутунлай йўқотиб қўяман,

хотирам пасайиб кетади, ақлим ишлаб турса ҳам фикримнинг мантиқий учини тополмайман, чалкашиб кетавераман. Икки-учта фикрни бир-бирига улолмайман. Менга шундай бўлиб туюлади. Тутқаноқ тўхтагандан сўнг соғлом ва бақувват бўлиб қолардим, мана ҳозирдагига ўхшаб. Эсимда: мени жудаям чидаб бўлмайдиган маъюслик чулғаб олди: ҳатто йиғлагим келиб кетди; хавотирлик ва ҳайроналик ичида қолдим: кўз ўнгимдан ўтаётган нарсаларнинг ҳаммаси *бегона* эканлиги менга жуда ёмон таъсир қилди, мен буни тўшундим. Ёт нарсалар мени адо қилмоқда эди. Кечқурун Швейцарияга кириб бораётганимизда Базелда бу зулумотдан бутунлай халос бўлганим эсимда, мен шаҳар бозорида ҳанграган эшакнинг овозидан уйғониб кетдим. Эшак мени ҳаддан ташқари ҳайратга солиб қўйди ва менга нимагадир жуда ҳам ёқиб қолди, шу-шу бошим ҳам бирдан тиниқлашди.

— Эшак? Тавба,— деди генерал ойнм.— Айтгандай, бунга эжабланмаса ҳам бўлади, баъзи бирларимиз эшакни ҳам яхши кўриб юрамиз,— деб қўйди у қиқирлашган қизлар ўтирган ёққа таҳдид билан қараб.— Асотирларда ҳам шундай ёзилган. Давом этинг, князь.

— Ушандан бери мен эшакларни жудаям яхши кўраман. Иқим суйиб қолган шекилли. Мен эшак ҳақида одамлардан суриштирдим, чунки илгари ҳеч кўрмаган эдим ва ўшанда эшак жуда ҳам фойдали, корчил, бақувват, сабрли, арзон, чидамли жонивор эканлигига амин бўлганман, шу эшак туфайли Швейцария ҳам кўзимга чиройли кўрнига бошлади, маъюслигимдан асар ҳам қолмади.

— Тавба, жуда галати-я ҳаммаси, лекин эшак ҳақидаги гапларни тушириб қолдирсак ҳам бўлади, бошқа мавзуларга ўтайлик. Нега ҳадеб кулаверасан, Аглая! Сен ҳам Аделаида? Князь эшак тўғрисида жуда чиройли гапириб берди. Уни ўз кўзи билан кўрибди, мана, сен кўрганмисан? Сен чет элларда бўлганмисан?

— Мен эшакни кўрганман, татап,— деди Аделаида

— Мен бўлсам эшитганман,— деб илиб кетди Аглая. Ва уювлари яна қиқирлашиб кулишди. Князь уларга қўшилишиб кулди.

— Яхши эмас сизларнинг бундай қилишларингиз,— танбеҳ берди генерал ойнм.— Уларни маъзур кўринг, князь, кўнгиллари тоза. Уларни уришганим уришган, лекин яхши кўраман ҳаммаларини. Ҳавойи, енгилтак, эси йўқ қизлар.

— Нега энди?— кулди князь,— уларнинг ўрнида бўлганимда, мен ҳам шундай қилардим. Мен эсам барибир эшакни дейман: эшак яхши ва фойдали одам.

— Узингиз қандай, яхшимсиз, князь? Мен бунга қизиқиб қолдим,— сўради генерал ойим.

Ҳаммалари яна кулишдилар.

— Яна шу қуриб кетгур эшак ўртага суқилдим; мен бундай бўлади деб ўйламовдим!— қичқирди генерал ойим.— Менга ишонинг, князь, сира ҳам...

— Кесатмоқчи эмасдингизми? О, ишонаман, шубҳам йўқ бунга!

Князь ҳам тинмай кулгани кулган эди.

— Бу жудаям яхши, кулганингиз. Кўриб турибман, сиз кўнгли пок, яхши йиғит экансиз,— деди генерал ойим.

— Гоҳо ёмонман,— жавоб қилди князь.

— Мен бўлсам, яхшиман,— деди кутилмаганда генерал ойим,— тагин дёнг, ҳар доим яхшиман, менинг бирдан-бир камчилигим шу, чунки доимо яхши бўлиш керакмас. Менинг тез-тез жаҳлим чиқиб туради, мана улардан ва айниқса Иван Федоровичдан, лекин чатоқ жойи шуки, мен жаҳлим чиққанда яна ҳам яхшироқ бўлиб кетаман. Мен боя сиз келмасдан сал олдинроқ жаҳлим чиқиб, ўзимни ҳеч нарса тушунмаганга ва ҳеч тушунолмаганга солдим. Баъзан шундай бўлиб қоламан; худди болага ўхшайман. Аглая адабимни берди; раҳмат сенга, Аглая. Айтмасам, ҳаммаси бекорчи гаплар. Мен ташқаридан ҳеч нарсани билмайдиган бўлиб кўришим мумкин, лекин ундай эмасман, қизларим ҳам мени ҳеч нарсани билмайдиган қилиб кўрсатмоқчи бўлишади. Узимга яраша феъл-атворим бор, унчалар тортинчоқ ҳам эмасман. Тўғриси, буларни мен бегидир айтяпман. Бери кел, Аглая, мени ўпиб қўй, ана... эркалик ҳам етар энди,— деб қўйди у Аглая келиб лаблари ва қўлларидан чўлпиллатиб ўпиб қўйгач,— давом этинг, князь. Балким, эшакдан кўра қизиқроқ нарсалар эсингизга келиб қолар.

— Мен барибир тушунмаяпман, қандай қилиб, мана шундай тўғридан-тўғри ҳикоя қилавериш мумкин,— деди яна Аделаида,— мен ҳеч гап тополмаган бўлардим.

— Князь эса топа олади, чунки у ҳаддан ташқари ақлли, мисол учун сенга қараганда кам деганда ўн карра, балки ўн икки карра ақллироқ. Шундан кейин буни ўз кўзларинг билан кўриб ишониб ҳам қоларсан. Уларга буни ўзингиз исботланг, князь, давом этинг. Эшакни ҳақиқатан ҳам тушириб қолдирсак бўлаверади. Қани, чет элларда эшакдан бошқа яна нималарни кўрдингиз?

— Эшак тўғрисида ҳам ақлли гап бўлди,— деди Александра,— касалланган пайтида бошидан ўтган воқеани ва бир ташқи туртки билан кўзига ҳамма нарса чиройли кўрина бошлаганини князь жуда қизиқарли қилиб сўйлаб берди. Менга доим одам-

ларнинг қандай қилиб ақлдан озишлари ва сўнг яна тузалиб кетишлари жуда қизиқ бўлиб туюлади. Агар бу тўсатдан рўй берса янаям қизиқ.

— Ростданми? Ростданми?— чақчайди генерал ойим.— Кўриб турибман, сен ҳам баъзан ақлли бўлиб қоласан, бўлди, етар шунча кулганларингиз?! Чамамда, сиз Швейцария манзарасига келиб тўхтовдингиз, князь, қани!

— Биз Люцернга етиб келдик ва мени кўл бўйлаб олиб юришди. Мен унинг жуда ҳам ажойиб эканлигини ҳис қилиб турар, лекин нима учундир ўзимни бениҳоя ёмон сезардим,— деди князь.

— Нимага?— сўради Александра.

— Тушунолмайман. Мана шунақа манзарага биринчи марта қараганимда юрагим безовта бўлиб кетади,— аллақандай юк босади мени доимо; бир томондан, яхши, бир томондан, нотинч; яна бунинг ҳаммаси касал пайтимда бўлган эди.

— Йўқ, мен бўлсам жуда кўргим келарди,— деди Аделаида.— Билмайман, биз қачон чет элларга борар эканмиз. Мана икки йилдан бери сурат чизишга манзара тополмайман:

Ёзиб бўлишган Шарқни, Жанубни...

Князь, чизадиган суратимга сюжет топиб беринг.

— Мен буни ҳеч тушунмайман. Менимча: қараш керагу чизиш керак.

— Қарашни билмайман.

— Гапларингиз жуда жумбоқ бўлиб кетди-ку, а? Ҳеч тушунолмай қолдим!— унинг сўзини бўлди генерал ойим.— Қарашни билмайман, деганинг нимаси? Кўзинг бор-ку, қарайвер. Бу ерда қарашни билмасанг чет элда ҳам ўрганолмайсан. Яхшиси, ўзингиз қандай қараганлигингизни гапириб берсангиз бўларди, князь.

— Мана бу бошқа гап,— қўшиб қўйди Аделаида.— Князь, ахир, чет элда қандай қарашни ўрганиб олган.

— Билмадим; у ерда мен сиҳатимга қарадим; билмадим, қарашни ўргандиммикин. Мен у ерда ўзимни деярли ҳамма вақт бахтиёр сездим.

— Бахтиёр! Сиз бахтиёр бўлишни биласизми?— қичқириб юборди Аглая.— Унда нега қандай қилиб қарашни ўрганолмадим, деяпсиз? Ҳали бизга ҳам ўргатиб қўясиз.

— Жон князь, ўргатиб қўйинг,— куларди Аделаида.

— Ҳеч нарсага ўргатолмайман,— куларди князь ҳам қўшилиб,— мен чет элда эканлигимда деярли ҳамма вақт ўша Швейцария қишлоғида яшадим; яқинроқ ерларга ҳам камданкам чиқардим; сизни нимага ҳам ўргатардим? Олдин мен фақат

зерикмай юрдим; кейин тез тузала бошладим; кейин менга ҳар кун қадри бўлиб кўринди, вақт ўтган сайин унинг қадри ҳам орта борди, буни сезиб турдим. Ётганда жуда мамнун бўлиб ётардим, турганда ўзимни ундан ҳам бахтлироқ сезардим. Нега шундай эди ҳаммаси — айтиб бериш анча қийин.

— Ундай бўлса, ростдан ҳеч ёққа боргингиз келмасмиди, сизни ҳеч нарса чорламасмиди?— сўради Александра.

— Аввал, энг аввал, рост, чорлаб турарди, жуда ҳам нотинч бўлиб қолардим. Нуқул қандай яшайман деб ўйлардим; ўз тақдиримни синаб кўргим келарди, баъзи бир дамларда, айниқса, ўзимни қўярга жой тополмай қолардим. Биласизми, айниқса, ёлғизликда мана шундай онлар бўларкан. У ерда шаршара бор эди, катта эмасди, баланд тоғдан худди ипдай тик отилиб тушарди,—оппоқ, галаёнли, серкўпик эди; юксакдан тушарди, ваҳоланки паст бўлиб кўринарди, ярим чақирим узоқда эди, ваҳоланки худди эллик қадам нарида оқаётганга ўхшарди. Мен кечалари унинг шовқинини тинглаб ётишни севардим; мана шу дақиқаларда юрагим ҳеч қаёққа сизмай кетарди. Баъзан пешин чоғларида тоғлар орасига кириб, бир ўзинг тоғлар ичида турасан, чор атрофда қари, ҳайбатли, ширадор қарағайлар: тепада қоя устида ўрта асрдан қолган кўҳна қаср, вайроналар, қишлоғимиз жуда ҳам пастда базўр кўзга илганасди; офтоб чарақлаган, осмон зангори, ваҳм сукунат. Ана шунда узоқларга бош олиб кетгинг келади, агар нуқул тўғрига қараб кетаверсанг, кетаверсанг, узоқ-узоқ юриб борсанг, анави чизиқдан, ўша осмон ер билан туташган ердан ўтсанг, ҳамма кўнгилга туккан ниётларингга етадигандек, бу ердаги ҳаётга қараганда минг карра қудратлироқ, шовқин-суронли янги бир ҳаётга дуч келадигандек бўлиб туюлаверарди; мен донм Неаполга ўхшаган каттакон шаҳарни орзу қилардим, унда саройлар, шовқин-сурон, гумбургумбур, ҳаёт... Э, ҳаётга нималар келмади дейсиз?! Кейин назаримда турмада ҳам зўр ҳаётга дуч келиш мумкиндек бўлиб туюлди.

— Сўнгги гоётда таҳсинга сазовор фикрни ўн икки яшарлигимда «Хрестоматия» китобимдан ўқиган эдим,— деди Аглая.

— Булар бари фалсафа,—деди Аделаида,— сиз файласуфсиз, сиз бизни ўқитгани келгансиз.

— Гапингиз балки тўғридир,— жилмайди князь,—мен ҳақиқатан эҳтимол файласуфдирман, йм билсин, балки ростдан ҳам таълим берсам деган фикрим йўқ эмасдир... Бўлиши мумкин бу, рост айтаман, бўлиши мумкин.

— Сизнинг фалсафангиз ҳам худди Евлампия Николавнанинг фалсафасига ўхшайди,— яна унинг оғзидан гапини олди Аглая,—

Ўзи бева хизматчи хотин, бизникига кўп келиб туради, сиғиндидай бўлиб қолган. Унинг яшашдан мақсади битта—арзон тушириш, арзонроқ яшаса, нуқул танга-чақа ҳақида гапирса, шундан бошқаси керакмас, пули бўлмаса ҳам майли эди, пули бор, доғули хотин. Сизнинг турма ҳаёти ҳақида айтган гапингиз ва эҳтимол, қишлоқда тўрт йил фароғатда умр кечирганлигингиз ҳам мана шунга ўхшайди, сиз Неаполингизни ана шу фароғатга алиштиргансиз, алиштирганда ҳам эвазига чақа бергансиз, чақа бериб яна фойда ҳам қилгансиз.

— Қамоқхона ҳаёти ҳақидаги фикрга қўшилмаслик ҳам мумкин,— деди князь,— мен қамоқда ўн икки йилча ўтирган одамнинг бир ҳикоясини эшитган эдим; у одам ўзи касал эди, менинг профессоримда даволанарди. У баъзан ҳушдан кетиб қолар, баъзан жуда нотинчланиб, йиғлар ва ҳатто бир сафар ўзини ўлдиримоқчи ҳам бўлганди. Унинг ҳаёти қамоқда жуда аламли кечар, лекин гапимга ишонинг, унинг ҳаётини чақага тенглаштириб бўлмасди. Ваҳоланки, у ўргимчак билан дераза тагида ўсган ниҳолдан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди... Аммо мен, яхшиси, сизга бултур бир одам билан қандай учрашганимни айтиб бера қолай. Жуда ҳам ғалати бир ҳодиса,— ғалатилиги шундаки, бунақа ҳодиса жуда камдан-кам рўй беради. Бу одамни бир марта қатлгоҳга олиб чиқишган ва сиёсий жинояти учун отиш йўли билан ўлим жазосига ҳукм этилган, ҳукм ўқиб эшиттирилган эди. Йигирма минутлардан кейин афв эълон қилиниб, бошқа бир жазо белгиланган; лекин икки ҳукм ўрта-сида йигирма минут ёки кам деганда чорак соат вақт мобайнида у энди салдан кейин тайини ўладиган бўлдим деб ишонган. У ўзининг ўша пайтда бошидан кечирганларини баъзан эслаб ўтирар, мен бунга жуда ҳам эшитгим келар ва уни қайта-қайта айтиб беринг, деб қистардим. У ҳаммасини жуда тиниқ хотирлаб қолганди, мен ҳеч қачон ўша дамларда кўрган-кечирганларимни унутмайман, дерди. Қатлгоҳ атрофини одамлар ва солдатлар ўраб олишган, йигирма қадамча нарида ерга учта устун кўмилганди, жиноятчилар бир неча киши эди. Биринчи бўлиб уч кишини устунга олиб боришди, боғлашди, устларига ўлим либосини (узун оқ либос) кийдиришди, кўзларига эса милтиқ кўринмаслиги учун оқ қалпоқ тортиб қўйишди; кейин ҳар бир устун қаршисида аллақанча солдатлардан иборат команда саф тортди. Менинг танишим қаторда саккизинчи бўлиб турарди, демак, у учинчи гал келганда устунга бориши керак эди. Руҳоний ҳамма-ни бут билан айланиб чиқди. Яшаш учун узоғи билан яна беш дақиқалар қолганди. Бу беш дақиқа менга сира туганмасдай чексиз бўлиб кўринди, назаримда, у бебаҳо бойлик эди, деб гапириб юрарди у. Унга шу беш дақиқа ичида неча-неча умрларни

янаб улгурса бўладигандек ва ҳали сўнгги жон таслим қиладиган он ҳақида ўйлаб ўтиришга эртадек туюлибди, шунинг учун ҳозир битириши керак бўлган ишларнинг ҳисобини қилибди: ўртоқлар билан видолашгани вақт белгилабди, икки дақиқа, сўнг ўз ичида ўзи охириги марта бир ўйлаб олиш учун — яна икки дақиқани ажратибди, кейин энг сўнг дафъа теварак-атрофга қараб олишни мўлжаллабди. У худди шундай уч нарсанинг ҳисобини қилиб, шуларни чамалаб кўрганлигини жуда ҳам яхши эслайди. У йигирма етти ёшида ҳали соғлом ва бақувват чоғида ҳаёт билан видолашмоқда эди; ўртоқлари билан хайрлаша туриб, улардан бирига аллақандай ҳеч нарсага алоқасиз бир савол бергани, унинг жавобига ҳам жуда қизиқсиниб қарагани эсида. У ўртоқлари билан видолашиб бўлгач, энди боя ўйлашга ажратилган икки дақиқа қолади; у нимани ўйлашини олдиндан биларди: у иложи борича тезроқ бир нарсани жуда аниқ ва равшан тасаввур қилиб олмоқчи эди, яъни бу қандай ўзи? У ҳозир тирик ва бор бўлсин-да, уч дақиқадан сўнг ҳеч нарсага айлансин, кимдир ёки нимадир,—ким бўлади? Қаерда бўлади? Буларнинг ҳаммасини у мана шу икки сония ичида ҳал қилиб олмоқчи! Нарироқда черков бор эди, жоенинг тилла суви югуртилган учи офтобда ярақлаб ётарди. У черков куббаларига ва улардан порлаб таралмоқда бўлган нурларга жуда қаттиқ термилиб қолгани эсида; шуълалардан кўзини узолмасди: назарида шуъла ўзининг янги бир табияти бўлиб кўринарди, уч дақиқадан сўнг ўзи ҳам шуълага айланади... Номажумлик ва ҳозир рўй бериши керак бўлган янгилик уни шу қадар мутанаффир қилгандики, даҳшат; лекин у хаёлида ҳадеб бир фикр чарх уравериб гоят қийнаб ташлаганлигини айтганди; «Қани энди ўлмасайди! Қани энди ҳаёт қайтиб келсайди,—қанчалар чексиз бу ҳаёт! Ушанда ҳаммаси меники бўларди! Унда мен ҳар бир дақиқани бир асрга айлантирган бўлардим, заррасини ҳам йўқотмасдим, ҳар соняни кўрнқдан ўтказардим, бир дамни ҳам бекор, бенаф кеткизмасдим!» Охирига бориб бу фикр қаттиқ ғазабга айланибди ва ўзини тезроқ отиб ташлашларини истаб қолди.

Князь бирдан жим бўлиб қолди; ҳаммалари у ҳали давомини айтади ва бир хулоса чиқаради деб кутган эдилар.

— Бўлдимиз?— сўради Агляя.

— Нима? Бўлди,— деди князь аллақандай паришонлик билан.

— Нимага бўлмаса буларни ҳикоя қилиб ўтирибсиз?

— Шунчаки... эсимга тушиб қолди... омади гап...

— Узуқ-юлуқ ҳикоя қилдингиз,— деди Александра,— князь сиз ҳаёт дақиқаларини чақага чақиб бўлмайди, гоҳида беш да

қнқа хазинаға баробар демоқчи бўлдингиз шекилли. Булар ҳаммаси мақтовга лойиқ нарсалар, лекин сизга бунча кечинмаларини сўйлаб берган дўстингиз нима бўлди, ахир ҳукм ўзгардику, демак, унга ўша «чексиз ҳаёт» инъом этилибди. Хўш, кейин бу бойликни у нима қилди? Ҳар бир дақиқани «кўриқдан» ўтказдимми?

— О йўқ, у ўзи менга айтиб берди,— мен ундан сўраган эдим,— ҳеч ундай яшолмабди ва жуда кўп дамларни бекорга йўқотибди.

— Ана сизга сабоқ, демак, ростданам, вақтни «кўриқдан ўтказиб» яшаб бўлмас экан. Бирон-бир сабаб билан бу мумкин бўлмайди.

— Ҳа, бирон-бир сабаб билан мумкин эмас,— такрорлади князь,— менга ҳам шундай туюлганди... Ҳар ҳолда барибир одам ишонгиси келмайди...

— Яъни, сиз бошқаларга қараганда умримни ақллироқ ўтказаман демоқчимисиз?— сўради Аглая.

— Ҳа, баъзан шундай ўйлар ҳам келарди.

— Ҳалиям ўйлайсизми?

— Ҳалиям... ўйлайман,— жавоб қилди князь ҳамон Аглаяга майин ва тортинчоқ бир табассум билан боқаркан; аммо дарҳол яна кулиб юборди ва қизга шўх назар ташлади.

— Тузук!— деди Аглая гаши келгандай бўлиб.

— Лекин жуда ҳам юракли қиз экансизлар, мана куляпсизлар, мен бўлсам эшитиб қаттиқ таъсирланган эдим, кейин тушимга ҳам кирган, шу беш дақиқани туш кўрган эдим...

У қизларга яна бир чеккадан синовчан ва жиддий кўз ташлаб чиқди.

— Мен жаҳлингизни чиқариб қўймадимми ишқилиб?— деб бирдан сўраб қолди у андак саросимага тушиб, лекин шунда ҳам улардан кўзини яширмади.

— Нима?— ҳайрон бўлиб чувиллашди учала қиз.

— Кўрмайсизми, нуқул ақл ўргатганим ўргатган...

Ҳаммалари кулишдилар.

— Жаҳлингиз чиққан бўлса, чиқмасин,— деди у,— ўзим ҳам биламан, бошқалардан оз яшадим, бошқалардан кўра озроқ биладан ҳаётни. Мен гоҳида жуда ғалати гапирсам керак...

У бутунлай тутилиб қолди.

— Бахтиёр яшадим деяпсизми, шунинг ўзи оз эмас, кўп яшаганингиз бўлади; нега сиз гапни айлангириб, узр сўраяпсиз?— унга қаттиқ ёпишиб олди Аглая.— Кейин, буларга ақл ўргатяпман деб унчалар ташвиш чекмай ҳам қўя қолинг, сиз-

нинг бу гапларингиз билан ҳеч ким бир нарса бўлиб қолмайди. Сиздаги бу квийетизм билан юз йил бахтиёр умр кечириб ўтиш мумкин. Сизга хоҳ қатл маросимини кўрсатсалар ва хоҳ бармоқни чиқариб кўрсатсалар, сиз у ҳодисадан ҳам, бунисидан ҳам бир зайлда мақтовга лойиқ ижобий хулоса келтириб чиқараверасиз ва яна бундан ўзингиз қаноат ҳосил қиласиз. Шундоқ яшаш ҳам мумкин.

— Нега сен ҳадеб жикиллайверасан, тушунмайман,— деб гапга аралашди генерал ойим боядан бери сўзловчиларнинг юзларига разм солиб ўтираркан,— нима ҳақида гаплашяпсизлар, буни ҳам билолмайман. Бармоғинг нимаси тагин? Князь чиройли гапиряпти, фақат бир оз гамгинроқ. Нега сен унинг бошини айлантиряпсан? У боя кулиб турган эди, энди бўлса, кўзлари парпираб анграйиб қолди.

— Майли, татап. Қаншйди, князь, қандай қатл қилишларини кўргангизда эди, сиздан бир нарсани сўраб олган бўлардим.

— Қатл қилганларини кўрганман,— жавоб берди князь.

— Кўргансиз?— қичқириб юборди Аглая,— ўзим айтувдим-а! Ҳаммасидан ҳам бу ўтиб тушди. Агар кўрган бўлсангиз, қандай қилиб кунларим бахтиёрликда ўтди деяпсиз? Ана, тўғри айтган эканманми сизга?

— Нима, қишлоғингизда одам ўлдиришармиди?— сўради Аделаида.

— Мен Лионда кўрувдим, у ерга Шнейдер билан бирга борган эдим, мени олиб борган. Боришим билан кўрганман.

— Айтинг-чи, сизга жуда ёқдимми? Ибратли эканми? Фойдалидир?— қўймай сўрарди Аглая.

— Менга сира ҳам ёқмади, ўшандан кейин бир оз тобим қочиб қолди, лекин рост, худди михлангандек қотиб қолганман, кўзимни узолмаганман.

— Мен ҳам кўзимни узолмаган бўлардим,— деди Аглая.

— У ерда хотинлар томоша қилгани борса, ёқтиришмайди, кейин ҳатто газеталарда ҳам ёзишади ундай хотинларни.

— Буни хотинларнинг иши эмас деб айтишса, бу эркакларнинг иши деганлари бўлади (шу билан гўё оқлашмоқчи) мантиқлари учун ташаккур. Сиз ҳам, албатта, шундай деб ўйласангиз керак?

— Қатл ҳақида сўзлаб беринг,— унинг гапини бўлди Аделаида.

— Ҳозир керакмикин шу гап...— князь ўзини йўқотиб қўйди ва бир оз тундлашди.

— Бизга айтиб бергингиз келмаяпти,— уни чақиб олди Аглая.

— Ундаймас, мен ўша қатл тўғрисида боя ҳикоя қилиб бергандим, шунга.

— Кимга айтдингиз?

— Эшикдаги малайга, кутиб ўтирганимда...

— Қандай малай экан?— савол ёғилди ҳар томондан.

— Анави эшик олдида ўтирадиган сочи оқарган малай, юзи қизил, мен Иван Федоровичга кираман деб кутиб ўтиргандим.

— Жуда қизиқ,— деди генерал ойим.

— Одамохун князь,— шартаклик билан деди Аглая,— Алексейга ҳикоя қилиб берган бўлсангиз, унда ҳар ҳолда бизга йўқ демассиз.

— Мен жудаям эшитгим келяпти,— деди яна Аделаида.

— Боя ҳақиқатан,— деб унга қарата мурожаат қилди князь яна бирмунча жонланаркан (у кўнглида гина сақламасди, тез, самимий киришиб кетаверарди),— сиз сурат чизишга мавзу сўраганингизда ҳақиқатан калламга бир фикр келганди, сизга мавзу бўлади; қатл қилинаётган одамнинг гарданига жоди тушмасдан бир дақиқа илгариги юзини чизилса, у кундага бошнинг қўйишдан сал олдин қатлгоҳда турган бўлади.

— Юзи қандай? Фақат юзиними?— сўради Аделаида.— Ғалати мавзу экан, бундан сурат чиқармиди?

— Билмадим, нега эди?— қизишиб деди князь,— мен яқинда Базелда шунақа бир суратни кўрган эдим. Сизларга айтиб берсам дедим... Бир кунин айтиб берарман... Мени жуда ҳайратга солди.

— Базелда кўрган суратингизни кейин албатта айтиб берасиз,— деди Аделаида,— ҳозир менга ўша қатл манзарасини тушунтириб беринг. Узингиз қандай тасаввур қилсангиз, шундай ифодалаб бероласизми? Юзини қандай қилиб чизиш керак? Фақат юзини дейсизми? Юзи қандай эди?

— Бу калласи узлишидан роппа-роса бир дақиқа илгариги пайт,— бажонидил бошлади ҳикоясини князь, у хотираларга берилиб кетиб, шу заҳоти бошқа ҳамма нарсани, афтидан, унутиб қўйди,— у зинадан кўтарилиб қатлгоҳга эндигина бир қадам қўйган он. Шунда мен томонга қаради, мен унинг юзига қарадим ва ҳаммасини тушундим. Бу дейман, қандай қилиб айтиб бериб бўлади буни! Мен жуда, жудаям истардимки, буни сиз ёки бошқа биров чизиб кўрсатса! Агар сиз чизсангиз қанийди! Мен ўша пайтдаёқ бунақа сурат ибратли бўлади деб ўйлагандим. Биласизми, бунда илгари нима бўлганлигини тасаввур қилиш керак, ҳаммасини, ҳаммасини. У қамоқда на-

ри-бериси билан бир ҳафтадан кейин ўлишини кутиб ётувди; у ҳали одатдагидай қоғозбозлик бўлади, ҳукм ҳали аллақаяққа жўнатилади, у фақат бир ҳафтадан кейингина чиқади, деб мўлжал қилганди. Қандайдир бир сабаб билан ишни тезлатиб юборишган. Тонг қоронғисидан соат бешда у ухлаб ётганди. Октябрнинг охири эди; соат бешда ҳали ҳаво аёзли ва қоронғи бўлади. Соқчи билан биргалликда қамоқхона пристави секингина кириб боради ва унинг елкасига оҳиста қўл теккизади; у ўрнидан қўзғалади, қўлига тиралиб туради,— кўзи ёруққа тушади: «Нима гап?»—«Соат ўнда қатл». У ҳали уйқуси ўчмасдан бунга ишонмайди, тортишади, қоғоз ҳали бир ҳафтадан кейин келади дейди, лекин уйқуси бутунлай аригандан сўнг, жанжаллашувни бас қилади, индамай қолади,—шундай ҳикоя қилиб беришганди,— кейин: «Дафъатан оғир бўлар экан...» дейди ва овози ўчади, бошқа бир оғиз ҳам гапиришни истамайди. Орада уч-тўрт соат маълум нарсаларга кетади: руҳоний келади, нонушта бўлади, нонуштага унга вино, кофе ва мол гўшти берилади (масхарабозлик эмасми бу? Бундай ўйлаб қарасанг, бераҳмлик, бошқа бир томондан, худо ҳаққи, бу фаришталар чин юракдан шундай қилишади ва буни инсонпарварлик деб ўйлашади), кейин ювиниш-тараниш (сиз жиноятчининг ювиниш-тараниши қандай бўлишини биласизми?), ниҳоят, шаҳар ичидан қатлгоҳга олиб боришади... Менимча, мана шу пайтда ҳам, йўлда олиб кетишаётганда ҳам чексиз яшаш мумкиндай бўлиб туюлади. Менимча, у йўлда кета туриб шундай деб ўйлаган: «Ҳали анча бор, ҳали уч кўчадан ўтгунча яшаш мумкин, манави кўчадан ўтаман, ҳали у кўча турибди, ундан кейин анави кўча келади, ўнг томонда поввой бор... Эҳ-ҳе, ҳали поввойхонага етиб боргунча қанча яшаймиз!»

Атроф тумонат одам, гала-говур, шовқин, ўн мингта башара, ўн мингта кўз,—буларнинг барига чидаш керак, энг муҳими, унинг хаёлига яна бир фикр келади: «Манавилар ўн мингта, уларни ҳеч ким қатл қилмайди, мени эса қатл этишади!» Хўп, булар ҳаммаси олдиндаги гаплар. Қатлгоҳга зинапоя олиб чиқади; шу ерга келганда, зинапоя олдида у бирдан йиғлаб юборади, ваҳоланки жуда бақувват, юракли одам, жуда баттол эди, дейишади. Руҳоний унинг ёнидан жилмайди, аравада ҳам у билан бирга келади, тинмай сўзлайди,— лекин анавининг қулоғига гап кирганмикин; қулоқ солиб кўради-ю, лекин учинчи сўздан кейиноқ қулоғига ҳеч нарса кирмайди. Шундай бўлса керак. Ниҳоят зинапоядан юқори кўтарила бошлади; оёғи банди қилинган, шунинг учун қадамини майда олади. Руҳоний ақлли одам бўлса керак, гапни тўхтатади, нуқул

унга бут тутади ўпишга. Зинапоянинг пастида турганда унинг ранги жуда ҳам оқарган эди, қатлгоҳга кўтарилгач, башараси оппоқ қоғозга ўхшаб қолди, худди оппоқ ёзув қоғозининг ўзгинаси. Эҳтимол, оёғи ҳам мадорсиз, увушиб кесак бўлиб қолгандир, қайт қилгиси келгандир,— худди бўғзига бир нарса тикилгандай, бир нарса томоғини қичиштиргандай бўлгандир,— жуда ҳам кўрқинчли дамларда ёки ҳаддан ортиқ ваҳимага тушганда, ақл-ҳушинг жойида бўлса ҳам ҳеч нарсага қурбинг етмай қолади, сиз ҳеч шундай аҳволга тушганмисиз?

Менимча, агар, мисол учун, ҳалокат ёқангдан тутса, устинга уй ағдарилиб кела бошласа, шунда жуда ҳам чўк тушиб ўтириб олгинг келади, кўзингни чирт юмасану кутасан — нима бўлса бўлди дейсан!.. Мана шундай ожизлик пайдо бўла бошлаган пайтда руҳоний индамай тезгина, қўлини тез юбориб унинг лабига бутни тутар, бути ҳам кичкина, чор қиррали, кумушдан ишланган бут эди, тез-тез, дам ўтмай тутарди. Бут лабларига тегиши биланоқ, у кўзларини очар, яна бир неча сония ҳуши ўзига келиб қолар, оёқларига ҳам жон кирарди. У бутни ютоқиб ўпар, жониқиб, ҳовлиқиб ўпар, ҳар эҳтимолга қарши, йўл заҳираси учун керакли нарсани унутмай дегандай шошилар эди, лекин ўзи шунда илоҳий бир ҳиссиётларни туйганмикин, бир нима деёлмайман. То кундага бош қўйгунча аҳвол шундай эди... Қизиқ, мана шунга ўхшаш сўнгги дақиқаларда ҳушдан кетиб қолмишлар камдан-кам бўлади! Аксинча, мия жуда ҳам қаттиқ ишлаб кетади, томирларига қон югуради, жуда ҳам зўр, зўр, зўр ишласа керак худди юриб турган машинадай, мен тасаввур қиламан, ҳадеб бош-кети йўқ, парча-парча, ҳатто, балки бир оз кулгили, бекорчи фикрлар гужгон ўйнаса керак ўшанда: «Манавининг қарашини — манглайда холи бор экан, манави жаллоднинг битта пастки тугмаси занглаб қолибди...» Яна ҳаммасини билиб турасан, ҳаммаси эсингда қолади; бир нуқта бор, уни ҳеч унутиб бўлмайдди, ҳушдан кетиш ҳам мумкин эмас, ҳаммаси шу нуқта атрофида айланиб-ўргилади ва ҳаракат қилади. Боши кундада турган сўнгги сонияларга қадар шундай кутади одам ва... *билади* ва бирдан тепасида темир шарқиллаганини эшитади! Албатта, унга қулоқ солган ва эшитган бўлардим! Бунда сониянинг ўндан бир улуши ўтади эҳтимол, лекин, албатта, эшитасан! Буни қарангки, ҳали ҳозиргача ҳам калла узилиб тушгандан сўнг, яна бир сония чамаси узилиб тушганлигини билиб туради, деб баҳслашиб юришади,— тушунчани қаранг-а! Беш сония бўлса-чи!.. Қатлгоҳни шундай чизингки, зинанинг фақат битта охириги пояси яқиндан аниқ кўриниб турсин; банди унга қадам босди:

боши, юзи қоғоздек оппоқ, руҳоний унга бут тутади, у жон ҳолатда кўкариб кетган лабларини чўзади, кўзи мўлтирайди ва ҳаммасини *билади*. Бут ва калла — ана сурат, руҳоний, жаллод, унинг иккита ёрдамчисининг юзлари, пастда ҳам бир қанча каллалар ва тикилиб турган кўзлар,— буларнинг ҳаммасини узоқроқда ғира-шира туман ичида, манзарани тўлдириш ва жонлантириш учун чизилади... Сурат деган шундай бўлади.

Князь гапдан тўхтаб, ҳаммага бир-бир қаради.

— Бу энди квиетизмга ўхшамай турибди,— деб қўйди ўзича Александра.

— Ана энди қандай қилиб яхши кўриб қолганлигингизни айтиб беринг,— деди Аделаида.

Князь унга ажабланиб қаради.

— Менга қаранг,— деди шошилгандай бўлиб Аделаида,— Базелда кўрган суратингизни кейин айтиб берасиз, лекин мен ҳозир сиз қандай қилиб севиб қолганингизни эшитгим келяпти; йўқ деманг, севгансиз. Бунинг устига сиз ҳикоя қила бошлашингиз билан файласуфга ўхшамай қоласиз.

— Сиз ҳикоянгизни тугатишингиз билан қилган ҳикоянгиздан уялиб кетасиз,— деб гап қўшди бирдан Аглая.— Сабаби нима?

— Вой-бу, мунча тентак бўлмаса бу қиз,— деди генерал ойим Аглаяга дарғазаб бўлиб қараркан.

— Ақлсиз,— дея тасдиқлади Александра.

— Хафа бўлманг, князь,— деди генерал ойим,— у атай нимагадир жаҳли чиқиб шундай қияпти; ўзи анча тарбияли қиз; сизни юлқилаб, ҳол-жонингизга қўйишмаяпти, кўнглингизга келтирмапг. Бир нарсани ўйлаб қўйганга ўхшайдилар, лекин улар сизни яхши кўриб қолишди. Мен уларнинг юзларидан биламан.

— Мен ҳам уларнинг юзларини биламан,— деди князь шу сўзларига айниқса урғу бериб.

— Қандай қилиб?— қизиқиб сўради Аделаида.

— Сиз бизнинг юзимизни қаердан биласиз?— қизиқиб қолишди қолган икки қиз ҳам.

Бироқ князь индамас, у жиддий эди, ҳаммалари унинг жавобини кутмоқда эдилар.

— Буни сизга кейинроқ айтиб бераман,— деди у секин ва жиддий қилиб.

— Сиз бизни жуда қизиқтириб қўймоқчисиз,— қичқириб юборди Аглая,— ана сизга тантана!

— Бўпти, майли,— яна сабрсизланди Аделаида,— сиз бунчалар одамларнинг юзини билсангиз, унда албатта яхши ҳам кўр-

гансиз, мен рост топганга ўхшайман. Қани, бошлай қолинг бўл-маса.

— Мен яхши кўрган эмасман,— деб жавоб берди князь яна ўшандай оҳиста ва жиддият билан,— мен... бошқачароқ бахтли бўлганман.

— Қандай қилиб, нимадан?

— Бўпти, айтиб бераман,— деди чуқур хаёлга толган каби князь.

VI

— Ҳозир ҳаммаларингиз,— деб бошлади князь,— нима деркин деб жуда қизиқиб қараб ўтирибсизлар, мабодо, айтиб бермасам, хафа бўлиб қолишингиз ҳам ҳеч гап эмас. Йўқ, ҳазиллашдим,— деб қўйди яна шоша-пиша табассум қилиб.— У ерда... нукул болалар, мен у ерда нукул болалар билан бирга бўлдим. Улар ўша қишлоқнинг болалари эди, ҳаммаси, бир тўда, мактабда ўқийдиган болалар. Мен уларни ўқитардим демоқчи эмасман; о, ундаймас, мактабда ўқитадиган Жюль Тибо деган муаллимлари бор эди: мен уларга баъзи бир нарсаларни ўргатардим, холос, лекин шунчаки кўпроқ вақтларим улар билан ўтарди, тўрт йилнинг ҳаммаси мана шундай ўтиб кетди. Менга бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ эди. Мен улар билан очиқ гаплашардим, улардан ҳеч нарсани яширмасдим. Уларнинг ота-оналари ҳаммалари мендан хафа бўлишди, чунки болалар менсиз туришолмас, атрофимда уймаланиб юрганлари юрган эди, мактаб муаллими бўлса менга жуда ёмон кўз билан қарайдиган бўлиб қолди. У ерда жуда кўп душман орттирдим, ҳаммаси болалар туфайли. Ҳатто Шнейдер ҳам мени уялтирарди. Нимадан кўрқишарди улар бунча? Болага ҳамма нарсани айтиш мумкин — ҳамма; катталар болаларни яхши билмаслигидан доим ҳайрон бўлиб юраман, ҳатто она-оналар ўз болаларини билмайдилар. Сен ҳали кичкинасан, сенга ҳали эрга деб, боладан ҳеч нарсани беркитиш керак эмас. Қандай маънос ва ночор фикр! Оталари уларни жуда ҳам ёш, ҳеч нимани тушунмайди деб ҳисоблашларини болалар жуда яхши фаҳмлайдилар, улар ҳамма нарсани яхши фаҳмлайдилар. Бола энг мушкул вазиятда ҳам ҳаддан зиёд фойдали маслаҳат бериши мумкинлигини катталар билмайдилар. О, худойим! сизга ёқимтойгина шу қушча ишонч билан бахтиёр қараб турганда, сиз қайси юрак билан уни алдайсиз? Мен уларни қушчалар, деб атайман, чунки дунёда қушчалардан ҳам яхшироқ нарса йўқ, дарвоқе, кўпроқ бир воқеа сабаб бўлиб, қишлоқдагиларнинг ҳаммаси мендан аразлаб қолишди... Тибо бўлса менга ҳасад қиларди; у аввал қандай қилиб болалар ме-

нинг ҳамма гапларимни тушунишади-ю, унинг гапларига эса деярли ҳеч тушунмасликларидан ҳайрон бўлиб бошини чайқаб юрди, кейин мен унга, сиз билан икковимиз ҳам уларга ҳеч нарсани ўргатолмаймиз, аксинча, улар ҳали сиз билан менга ўргатишади, десам, тоза мени калака қилиб кулди. Болалар билан бирга яшаб туриб, яна қандай қилиб тўхмат ва ичи қоралик қилганига ҳайронман! Болалардан дил шифо топади...

У ерда, Шнейдернинг касалхонасида бир касал бўларди, жуда ҳам шўрлик бир одам. Бу шу қадар даҳшатли бахтсизлик эдики, бунақасини учратиш қийин бўлса керак. Уни ақлдан озган деб даволаш учун ётқизишганди; менимча, у ақлдан озганди, фақат у қаттиқ азоб чекарди,— унинг бор-йўқ касали шу азобдан иборат эди. Кейин бориб унга болалар қанчалар ардоқли бўлиб қолганини билсайдингиз... Лекин мен бу бемор ҳақида яхшиси кейин гапириб бераман; мен ҳозир ҳаммаси қандай бошланганлигини айтай. Аввалига болалар, мени ёқтиришмади. Ўзим шундай дароз, қовушмаган лакалов одамман; афт-ангоримдан от ҳуркади... Ниҳоят, мен бегона юртнинг одами эдим. Аввалига болалар мени майна қилиб кулиб юришди, кейин Марини ўлганимни кўриб қолишиб мени тошбўрон ҳам қила бошлашди. Мен бўлсам, уни фақат бир мартагина ўлганман... Йўқ, кулмаг,— қизларнинг кулгисини тўхтатишга шошилди князь,— ўртада севги йўқ эди. У шўрликнинг қанчалар бахтсиз эканлигини билсайдингиз, сиз ҳам худди мендай унга қаттиқ ачинган бўлардингиз. У бизнинг қишлоқдан эди. Унинг қари кампир онаси бор эди, кичкина, тўкилай деб турган уйчада яшардилар, уйнинг икки деразаси бўлиб, шундан биттаси қишлоқ оқсоқолларининг ижозати билан тўсиб қўйилганди, кампирга шу деразадан туриб чизимча, ип, тамаки, совун каби майда-чуйда нарсалар билан савдо қилни учун рухсат этилганди, унинг тирикчилиги шундай ўтарди. Кампир касалманд, оёқлари шишиб кетар, шунинг учун ўршидан турмай, ўтиргани ўтирган эди. Кампирнинг Мари деган қизи бор эди, ёши йигирмаларга борган, ўзи позиккина, ориққина эди; у анчадан бери ўпка касали билан оғриган, лекин ҳамон одамларга кунбай ёлланиб оғир ишларни бажариб юрар, кир ювар, пол артар, ҳовлиларни супуриб-сидирар, оғилхоналарни тозаларди. Бир ўткинчи француз савдогари уни йўлдан уриб, олиб кетади, бир ҳафтадан кейин эса уни йўлга ташлаб, ўзи секин жўнаб қолади. Қиз ҳамма ёғи расво, дабдала бўлган, оёқларида илма-тешик чориқ, бир алфозда уйга қайтади; йўлда бир ҳафта яёв юрибди, далаларда ётиб қолибди, кўкрагини қаттиқ шамоллатиб қўйиб, оёқларини яра-чақа босиб, қўллари шишиб, ёрилиб кетибди. Илгари ҳам унинг ўзи унчалар чиройли эмасди; фақат кўзлари сокин, маъсум, меҳрли

боқарди. Ҳаддан ташқари индамас эди. Бир марта, ҳалиги воқеа юз бермасдан аввал у ишлаб туриб бирдан қўшиқ айтиб қолди, эсимда, ҳамма ҳайрон бўлди, кулиша бошлади: «Мари ашула айтяпти! Нима дейсан? Мари ашула айтяпти!»— у жуда ҳам уялиб кетди ва шу-шу сира оғзини очмайдиган бўлди. У пайтларда ҳали кўнглига қараб яхши гапиришарди, лекин у касал, афтодаҳол бўлиб қайтгандан сўнг ҳеч ким унга раҳм-шафқат қилмай қўйди! Жудаям бераҳм-ей улар! Ҳеч чидаб бўлмайдиغان зилдай оғир тушунчалар билан яшашади! Онаси ҳаммадан олдин, қарғаб, нафратланиб қарши олди: «Мени шарманда қилиб ўлдирдинг». Қизининг айбини биринчи бўлиб ўзи бозор қилди: қиз қайтиб келибди, деб эшитишгач, бутун қишлоқ кампирнинг кулбасига қараб чоғди, Марини кўрамиз деб чоғлар, болалар, қизлар, кўзлари ола-кула бўлишиб, жонлари ичларига сиғмай тўдалашиб боришди. Мари ерда кампирнинг оёғи тагида оч, абгор, увада бўлиб йиғлаб ётарди. Галалашиб одамлар келгач, у ўзини ёйилган пароканда сочлари билан пана қилиб, ерга мук тушганча ётаверди. Ҳамма атрофдан унга ярамас газандага қарагандай тикиларди; чоғлар гуфтгў қилишиб, сўкишар, ёшлар эса ҳатто ҳиринглашар, хотинлар лаблари лабларига тегмай қарғашар, ғийбат қилишар, худди бир ўргимчакни кўргандай афтларини нафрат билан буриштирар эдилар. Онаси бунга қарши оғиз очмас, бош силкиб, маъқуллаб ўтирарди. Кампир ўшанда касали оғирлашиб, кунни битган одамдай бўлиб қолганди; икки ойдан кейин ростдан ҳам унинг жони узилди; у ўзининг ўлаётганини билар, шундай бўлса ҳам то ўлгунча қизи билан ярашишини истамасди; ҳатто у билан бир оғиз гаплашмас, ухлагани даҳлизга ҳайдаб чиқарар, оч-наҳор қолдирарди. У касал оёғини тез-тез илиқ сувга солиб туриши керак эди; Мари ҳар кун унинг оёғини ювар, касалига қарар эди: кампир бўлса ҳаммасига индамай қараб турар, бир оғиз ҳам эркалаб ширин сўз айтмасди. Мари ҳаммасига чидаб келарди, мен у билан танишганимдан сўнг, унинг ўзи ҳам шу муомалаларга рози эканлигини ва ўзини энг тубан бир махлуқ қаторида кўришини билдим. Кампир бутунлай ётиб қолгандан сўнг унга қарагани навбатма-навбат қишлоқ кампирлари келиб туришди, у ерда шундай одат бор экан. Марига эса бутунлай қарамай қўйишди. Қишлоқда эса ҳамма уни эшикдан ҳайдаб, ҳеч ким олдингидай иш бергиси келмасди. Худди башарасига тупурғудай бўлишар, эркаклар ҳатто уни хотин киши қаторига қўшмас, шалоқ, уятсиз сўкиниб қарши олишарди. Гоҳо якшанба кунлари маст-аласт бўлиши, калақа қилиб унинг олди-га ерга танга ташлашарди; Мари индамай ердан оларди. У

ўша кезлари йўталиб қон тупура бошлаганди. Бора-бора йиртиқ-ямоқ кийимлари далва-далва узилиб тушди ва қишлоқда юролмайдиган бўлиб қолди, бунинг устига қайтиб келганидан бери яланг оёқ эди. Ана шунда, айниқса, болалар галалашиб,— ҳаммаси бўлиб қирқдан ортиқ бола мактабга қатнашарди,— уни майна қилиб, ҳатто башарасига лой, кесак ота бошладилар. У чўпондан сигир боқишга ижозат сўрайди, чўпон эса ҳайдаб юборади. Шундан кейин унинг ўзи рухсатсиз пода билан қўшил-либ куни бўйи уйдан чиқиб кетади. Чўпонга унинг жуда кўн ёрдами текканидан, у қизни ҳайдамайдиган ва баъзан унга ўзидан ортаган овқатлардан, пишлоқ, нон берадиган бўлади. Шу билан ўзини қизга буюк марҳамат кўрсатган ҳисоблайди. Кампир ўлганда, хашиш черковда ҳаммага эшиттириб Марини шарманда қилади. Мари ўша-ўша чурук, увада кийимда тобут орқасида йиғлаб турарди. Унинг йиғлашини, тобут кетидан қандай боришини томоша қилгани кўн одам йиғилди. Шунда хашиш,— у ҳали ёш йиғит эди, бугун ўй-хаёли зўр ваъзхон руҳоний бўлиб етишиш эди,— ҳаммага мурожаат қилиб Марини кўрсатди: «Бу кайвони кампирнинг ўлимига мана шу сабабчи бўлди» (ногўгри, кампирнинг ўзи икки йилдан бери бетоб эди), «мана у сизнинг қаршингизда бош кўтаролмай турибдир, негаки, худо унинг қалбини муҳрлаб қўймиш, мана унинг усти бони увада, йиртиқ, оёнда кийим йўқ — худонинг карамини унутганлар шу кўйга тушажаклар! Ибрат бўлсин ҳаммангизга! Ул ўзи кимдир? Унинг қизи!» Ҳаммаси шу қабилдаги гаплар, Буни қарангки, мана шу қабиҳлик уларнинг ҳаммаларига маъқул тушди, лекин... кейин қизик бўлди; орага болалар қўшилди, чунки болалар бу пайтга келиб, мен томонга оғишган, Марини яхши кўра бошлаган эдилар. Воқеа бундоқ бўлганди. Мен Маринга кўлимдан келганча ёрдам берсам дегадим; унга жуда пул керак эди, лекин у ерда меннинг ҳеч қачон бир тийин ҳам пулим бўлган эмас. Менда кичкина бриллиант тўгнагич бор эди, уни бир савдогарга сотдим. У қишлоқма-қишлоқ юриб, эски кийим-кечаклар билан савдо-сотик қиларди. У камиде қирқ франк турадиган нарсага саккиз франк берди. Анчагача Марини ёлғиз учратишга ҳаракат қилиб юрдим: ниҳоят биз қишлоқ чеккасида, тоққа олиб чиқадиган сўқмоқ ўтган четан олдида, дарахт орқасида учрашдик. Мен шу ерда унга саккиз франк бердим, буни яхшилаб сақла, бошқа энди менда пул бўлмайди, дедим-да, кейин уни ўниб қўйдим, бунинг кўнгилида ёмон бир нияти бор экан, деб ўйлама, сени севганим учун эмас, сенга жоним ачишгани учун ўпиб қўйдим, сени ҳеч қачон айбдор санаган эмасман, сен бахти қора қизсан, холос, дедим. Мана яна сен ўзингни ҳамманинг олдида қаро ер қилиб

тубан олаверма, деб таскин бериб, кўнглини кўтармоқчи бўлдим, лекин у гапимга тушунмаганга ўхшади. Гарчи у ўшанда олдимда кўзларини ерга тикканча қисиниб-қимтиниб, индамай турган бўлса ҳам, лекин буни ҳозир тушуниб қолдим. Мен гапимни тугатганимдан кейин у қўлимни олиб ўпди, мен ҳам шу заҳоти унинг қўлидан ушлаб ўнмоқчи бўлувдим, у дарҳол тортиб олди. Худди мана шу пайтда бизни болалар кўриб қолишди, оломон денг, кейин билдим, улар мени анчадан бери кузатиб юришган экан. Улар ҳуштаквозлик қилиб, чапак чалиб, хахолай бошлашди. Мари қочиб кетди. Мен гаплашмоқчи бўлдим, улар тош ота кетдилар. Уша кунини ҳамма, бутун қишлоқ билди; яна бутун падомат Маринини бошига ёғилди: уни аввалгидан ҳам баттар ёмон кўриб қолдилар. Эшитишимча, уни жазоламоқчи ҳам бўлибдилару, лекин худога шукур, ўтиб кетди; лекин болалар унга сира кун бермай кўйишди, олдингидан баттар майна-мазах қилишар, тош, кесак отишарди; қувишади, у заиф кўкраги билан ҳаллослаб қочади, нафаси бўғилади, яна кетидан чопишади, сўкишади. Бир сафар улар билан уришмоқчи ҳам бўлдим. Кейин уларга гапира бошладим, фурсат келиши билан гапиравердим, ҳар кун гапирдим. Улар гоҳида қувишдан тўхтаб қулоқ солишар, лекин сўкинишни кўйишмасди. Уларга Мари қанчалар бахтсиз эканлигини айтиб бердим; кўп ўтмай улар сўкинишни бас қилиб, индамай нари кетадиган бўлидилар. Аста-аста гапимиз қовуша бошлади, улардан ҳеч нарсани яширмадим; уларга барини айтиб бердим. Улар жуда берилиб тинглашди ва кўп ўтмай Марига ачиниб қарай бошлашди. Баъзилари у билан учрашганда ширин салом бериб ўтадиган бўлишди; у ерда танишни, танишмасми, учрашганда, бир-бирларига таъзим қилиб, «Салом!»—деб ўтиш одат тусига кирган. Мари тоза ҳайрон қолган бўлса керак. Бир кун иккита қизча овқат топишиб, унга элтиб беришибди, кейин келиб менга айтишди. Мари йиғлаб юборибди, энди уни жуда яхши кўриб қолдик, дейишди. Тезда ҳаммалари уни яхши кўриб қолишди, шу билан бирга менга ҳам бошқача қарайдиган бўлишди. Улар олдимга тез-тез келиб туришарди, нуқул ҳикоя айтиб беринг, деб қисташарди, назаримда, қизиқ сўзлаб берсам керак, улар менга қулоқ солишни жуда севишарди. Кейин-кейин бориб, мен уларга ҳикоя қилиб бериш учунгина ўқиб-ўрганадиган бўлдим, уч йилгача уларга ҳикоя айтиб юрдим. Нега сиз болалар билан катталардек гаплашасиз, нега уларга ҳамма нарсани очик айтаверасиз, деб мени айблашганда,— шу жумладан, Шнейдер ҳам,— уларга, болаларга ёлғон гапириш уят, қанча яширманг, улар барибир билиб оладилар, ўзлари билиб олганларида ёмон-яхши аралаш кетиши мумкин, мендан бил-

ганларида эса фақат тўғрилиқ томондан биладилар, деб жавоб бердим. Ҳар ким бола бўлган, эслаб кўрса, билади, дедим. Улар гапимга қўшилишмади... Марини онаси ўлмасдан икки ҳафта бурун ўпиб қўйгандим; кашиш ваъз айтган пайтда болалар ҳаммаси менинг томонимда эдилар. Мен кашишнинг қилиғини дарҳол уларга ҳикоя қилиб, тушунтириб бердим; ҳаммалари дарғазаб бўлишди, баъзи бировлари аччиқ устида кашишнинг деразаларини тош отиб синдиришди. Мен уларни тўхтатиб қолдим, чунки у ишлари яхши эмас эди; лекин ҳашпаш дегунча қишлоқдагиларнинг ҳаммаси бундан хабардор бўлишиб, болаларни бузди, деб мени айблаша бошланди. Кейин ҳаммалари Марини болалар яхши кўришини билиб, бундан жуда қўрқиб кетишди; лекин Мари энди бахтли эди. Болаларга ҳатто у билан кўришини ҳам тақиқлаб қўйишди, лекин улар қишлоқдан анча узоқ, ярим чақиримча нарида ўтлаётган подага, Марининг олдига бекитиқча чопқиллашиб бориб келишарди; унга турли ширинликлар олиб боришарди, баъзи бирлари эса уни шундоқ кўриш, ўпиб кучоқлаш, «Je vous aime, Marie!»¹— дейиш, шундан сўнг тирақайлаб орқаларига қараб қочиш учун боришарди. Бундай кутилмаган бахтдан Мари ақлдан озиб қолаёзди, бунақаси унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди; у уялганидан ўзини қўярга жой тополмас, хурсанд бўларди, энг муҳими, болалар ва айниқса, қизчалар унинг олдига боргилари, унга менинг яхши кўришимни, у ҳақда тинмай гапиришимни айтгилари келарди. Марига менинг ҳамма гапларимни оқизмай-томизмай етказишибди. Сизга жуда ачинамиз, сизни жуда-жуда яхши кўрамыз, энди ҳар доим шундай бўлади, деб айтишибди. Шундан кейин улар чопқиллаб менинг олдимга келишар, хурсанд бўлган, ҳовлиққан ҳолда Марини кўрганларини, Мари менга салом айтганларини маълум қилишарди. Мен кечқурунлари шаршарага борардим, у ерда қишлоқ томондан кўринмайдиган пана бир жой бўларди, атрофда тераклар ўсиб ётарди; улар оқшомлари ўша ерга яшириқча, қўрқа-писа келиб кетишарди, менимча, улар Марига бўлган муҳаббатимдан беҳад лаззат олишарди, мен ўша ерда яшаб турганимда уларга фақат бир марта, фақат мана шу хусусда рост сўзламаган эдим. Мен уларга йўқ, Марини севмайман, унга ошиқ бўлган эмасман, унга фақат юрагим ачийди, ҳолос, деб айтмасдим; улар мени Марини қаттиқ севади деб ўйлашар, шуни исташар, ўзаро шундай деб келишишган ва ишонч ҳосил қилишган. Мен ҳам индамас, ўзимни худди улар ичидагини топгандай қилиб кўрсатардим. Яна қанчалар

¹ «Мен сизни яхши кўраман, Мари!» (франц.)

позикфаҳм, назокатли эди, бу жажжи қалб эгалари: ҳа, айтгандай, нега энди меҳрибон Жéон Марини шунчалар севсин-да, Мари эса бунчалар абгор кийимда, яна оёқ яланг юрсин, бу уларга жуда эриш туюлибди. Буни қаранг, улар Марига ҳам бошмоқ, ҳам пайпоқ, ҳам ички кийимлик ва ҳаттоки аллақандай кўйлак ҳам топиб беришибди; ҳайронман, қандай эвини қилишган; ҳаммалари бир бўлиб ишлашган. Улардан сўраб-суриштирсам, нуқул қувониб кулишади, қизчалар бўлса чапак чалишиб, мени ўпишади. Ҷзим ҳам баъзан секингина Марини кўргани борардим. Унинг касали оғирлашган, зўрға қадам босарди; кўп ўтмай у чўпонга ҳам ёрдамлашолмай қолди, лекин барибир ҳамон эрталабдан пода билан бирга жўнарди. Бир чеккага бориб ўтирарди; ўша ерда бир тик қоянинг туртиб чиққан жойи бор эди; у ҳеч кимнинг кўзи тушмайдиган бир бурчакка тош устига ўтириб олар ва куни бўйи эрталабдан то пода қайтадиган пайтгача қимирламасди. У шу қадар рамақижон бўлиб қолган эдики, қачон қараманг, бошини қояга суяб кўзларини юмиб, оғир-оғир нафас олиб мизғигани мизғиган эди; унинг юзи ўпирилиб тушган, манглайи ва чаккаларини қора тер босганди. Борган пайтларимда уни шу ҳолда кўрардим. Мен бир зумгагина борар, мени бу ерда кўриб қолишларини истамас эдим. Мени кўриши билан Мари чўчиб тушар, кўзини очиб, ҳадеб қўлларимни ўпа бошларди. Мен қўлимни энди тортиб олмасдим, чунки бу унинг учун бахт билан баробар эди; мен ёнига ўтирган пайтимида у нуқул титраб, куюниб йиғларди, рост. У неча марта гаширмоқчи бўлиб уришар, лекин шма демоқчи эканлигини тушуниш амри маҳол эди. У телба хотишлардай шавқи келиб, ҳаяжонга тушар, ўзини йўқотиб кўярди. Гоҳида мен билан бирга болалар ҳам келишарди. Шунда улар одатда чеккароққа бориб туришар га бизни кимдандир, нимадандир қўриқлашар, бу уларнинг ўзларига жуда ҳам хуш келарди. Биз кетганимиздан сўнг, Мари яна ёлғиз қолар, яна аввалгидай бошини қояга суяб, кўзларини юмганча қотиб ўтирарди; ким билсин, балки кўз ўнгида рўёлар жонланарди. Бир куни эрталаб у подага чиқолмади ва бўм-бўш уйда ёлғиз қолди. Болалар дарҳол бундан хабардор бўлишиб, ўша кунисёқ ҳаммалари уни кўриб чиқишди; у кимсасиз уйда ғарибгина бўлиб ётарди. Унга икки кунгача навбатма-навбат болалар қараб юришди, лекин Мари чини билан ўлим тўшагида ётгани қишлоққа маълум бўлгач, унинг олдига қишлоқдан кампирлар келишиб, навбати билан қараб ўтиришди. Қишлоқда энди, чамаси, Марига ачиниб қарай бошлашган, ҳар нечук болаларни аввалгидай қайтаришмас, сўкиб-уришмас эдилар. Мари сира кўзини очмасди, уйқуси жуда нотинч эди: у ёмон йўталар-

ди. Кампирлар болаларни ҳайдашар, улар эса дераза тагига гоҳо бир зум келишиб: «Bonjour, notre bonne Marie»¹, деб кетишарди. У бўлса, болаларнинг овозларини эшитиши биланоқ хушёр тортар, кампирларга қулоқ солмай, тирсагига тиралиб турмоқчи бўлар, уларга бошини силкиб қўяр, ташаккур айтарди. Болалар ҳамон унга шириликлар келтиришар, лекин у туз тотмай қўйганди. Шу болалар туфайли у бахтиёр бўлиб ўлди, гапимга ишонинг. Шу болалар туфайли у ўзининг қаро бахтини унутди, улардан худди гуноҳини сўраб олгандай бўлди, чунки то умрининг охиригача ҳам ўзини қаттиқ гуноҳкор деб ҳисобларди. Болалар худди қушчалар каби унинг деразасига қанотларини уришиб ҳар куни эрталаб: «Nous t'aimons, Marie»², деб чирқиллашарди. У орадан кўп ўтмай ўлди. Мен у ҳали ўлмайди, кўпроқ яшайди, деб юргандим. Ўлмасидан бурунроқ, офтоб ботаётганда унинг олдига киргандим; у мени танигандай бўлди ва охириги марта унинг қўлини қисиб қўйдим, қўллари чўп бўлиб қолибди! Кейин эрталаб менга келиб Мари ўлди, деб хабар қилишди. Болаларни ҳеч эпнаб бўлмай қолди: унинг тобутини бошдан-оёқ гул билан ўрашди, ўзининг бошига эса гулчамбар кийдиришди. Кашиш черковда марҳумани қоралаб ўтирмади, кўмини маросимга ҳам кўп одам бормади, томонаталаб баъзи бировларгина келишди; лекин тобутни кўтарадиган маҳалда болалар ўзимиз кўтарамиз деб ёпирилишди. Ўзлари кўтаришолмасди, шунинг учун ҳаммалари ёрдамлашшар, тобут ортидан чопишар, йиғлашарди. Ушандан бери Марининг қабри болаларнинг зиёратгоҳига айланди: ҳар йили унга гуллар келтиришади, бир атрофига атиргуллар экишади. Лекин ана шу маросимдан эътиборан, болалар туфайли қишлоқда мени қаттиқ чиқинтирмай қўйишди. Ҳаммани кашини билан мактаб муаллими қутқуга солмоқда эди. Болаларга мен билан учрашини қаттиқ тақиқлашди, ҳатто Шнейдер бундан ўзим хабардор бўлиб тураман деб, ваъда берди. Лекин биз барибир кўришиб, узоқроқдан имо-ишора билан сўзлашиб турардик. Улар менга кичкина хатчалар ёзиб юборишарди. Кейин ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетди, лекин ўшанда жуда яхши яшаганмиз. Тақиқ туфайли болалар билан орамиз янада қил ўтмас бўлиб қолди. Охириги йили мен ҳатто Тибо ва кашини билан ҳам ярашиб олгандай бўлдим. Шнейдер бўлса менга кўп гапирар, сизнинг болалар билан муомала «усулигиз» зарарли деб баҳслашгани баҳслашган эди. Менда «усул» нима қилсин! Кейин Шнейдер менга жўнаб кетишимдан

¹ «Салом, гўзал Мари» (франц.)

² «Биз сени севаемиз, Мари» (франц.)

олдин жуда ғалати бир фикрни айтди, энди тўлиқ ишондём, сизнинг ўзингиз ҳали бутунлай ёш бола экансиз, бўйингиз билан нуқсингизгина катталарга ўхшайди, лекин ғўрлигингиз, қалбингиз, табиятингиз ва эҳтимол ақлингиз билан худди боланинг ўзгинасисиз, бундан кейин ҳам мабодо ёшингиз олтимишга кирса-да, барибир шундай бўлиб қолаверасиз, деб айтди. Роса кулдим: ахир, гапи нотўғри, қаранг, мен боламанми? Лекин рост, мен, ҳақиқатан, катталар билан бўлишни ёқтирмайман, катта кишиларни жиним суймайди,— буни фаҳмлаганимга анча бўлди,— улар билан муомала қилишни билмайман. Улар мен билан нимаши гаплашмасинлар, менга қанчалик меҳрибонлик қилмасинлар, барибир уларнинг ҳузурда нимагадир ўзимни жуда ёмон сезаман ва тезроқ дўстларимнинг биларига борсам, суюниб кетаман, менинг дўстларим эса ҳар доим болалар, ўзим бола бўлганим учун эмас, балки кўнглим болаларда бўлгани учун шундай. Қишлоқда яшай бошлаганимнинг дастлабки кунлари,— музтарлигимни ёзиш учун тоғларга чиқиб юрганларимда,— ёлғиз кезганларимда, айниқса пешин чоғларида, оломон мактабдан бўшайдиган пайтда баъзан уларни учратиб қолардим, улар халталари, ёзув лавҳаларини кўтариб олишганча қийқиришиб тўполон қилишиб, чопишиб, кулишиб, ўйнашиб бораётганларини кўрганимда жоним ичига сиғмай, уларга қўшилишиб кетгим келарди. Билмадим, улар билан ҳар сафар учраганимда юрагим аллақандай фавқулодда қудратли ва бахтиёр бир тўлқинга тўлиб кетарди. Мен тўхтаб, уларнинг тишиб-тишчимаган, сакимлаган, пириллаб учган оёқчаларига, биргаликда чопиб боришаётган қиз ва ўғил болаларга, уларнинг шўхликлари ва йиғиларига (мактабдан уйга етиб боргунча уларнинг кўплари уришиб, йиғлашиб, яна ярашиб, бирга ўйнашиб улгурардилар) қарарканман, юрагим яйраб кулар, дардларимни унутар эдим. Кейин мен бутун мана шу уч йил давомида одамлар қандай ҳасрат чекиб, нимага ҳасрат чекишларини тушунолмайд юрдим. Менинг бутун ҳаётим болаларга кўчиб ўтди. Мен ҳеч қачон қишлоқни ташлаб кетману, бир кунмас-бир кун ахир бу ерга — Россияга қайтарман деб хаёлимга ҳам келтирмай қўйдим. Назаримда, умрим буткул ўша ерда ўтадигандай эди, лекин бора-бора Шнейдер мени бир умр боқолмаслигини тушундим, шу орада бир жуда ҳам муҳим иш оёқ остидан чиқиб қолиб, Шнейдернинг ўзи мени йўлга шошилтира бошлади ва менинг помимдан бу ёққа жавоб-муомала қилиб юборди. Бунинг нималигини ҳали билемиз ва биров билан маслаҳат қилиб кўрамиз. Балки менинг тақдирим бутунлай ўзгариб қолар, лекин гап бунда эмас ва энг муҳими ҳам бу эмас. Энг муҳими шундаки, энди менинг

бутун ҳаётим бошқача бўлиб қолди. Мен у ёқда жуда кўп нарсаларни, ҳаддан ташқари кўп нарсаларни қолдириб келдим. Ҳаммаси йўқолди. Мен вагонда ўтириб ўйладим: «Энди мен кишилар ичига борялман, мен балки ҳеч нарсани билмасман, лекин янги ҳаёт бошланди». Мен ўз ишимни виждон ва қатъият билан охирига етказишга қарор қилдим. Одамлар орасида балки менга зерикарли ва оғир бўлар. Бошламасига мен улар билан очиқ ва одоб-икром доирасида муомала қилишга аҳд боғладим; мендан ҳеч ким бундан ортигини талаб қилмаса ҳам керак. Эҳтимол, бунда ҳам мени ёш болага чиқариб қўйишар, —майли! Мени яна ҳамма телба деб ҳисоблайди нима учундир, мен бир пайт ҳақиқатан ҳам жуда касал эдим ва ўшанда ростдан телбага ўхшардим; лекин мен ўзим энди телба эмаслигимни билиб турганимдан кейин қанақасига телба бўлай? Мен кириб ўйлайман: «Мана мени телбага чиқаришади, лекин мен барибир ақллиман, улар бўлса буни фаҳмлашмайди ҳам...» Кўпда шундай деб ўйлайман. Берлинда улар менга ёзиб жўнатган бир қанча мактубчаларини олдим ва шунда уларга қанчалар боғланиб қолганлигимни англадим. Биринчи хатни олиш жуда оғир! Улар мени кузатишганда қанчалар изтиробга тушганларини кўрсайдингиз! Жўнашимга ҳали бир ой бору, улар кузатишади: «Léon s'en va, Léon s'en va pour toujours!»¹ Биз ҳамма вақтдагидай ҳар куни кечқурун шаршара олдига йиғилар ва қандай қилиб хайрлашимизни гаплашардик. Гоҳо яна олдингидай қувноқ бўлиб қолардик; фақат ухлагани уй-уйга тарқаллишарканмиз, улар мени қаттиқ-қаттиқ ачомлайдиган бўлдилар, илгарилари бундай қилмасдилар. Баъзи бировлари бошқаларга билдирмай ёлғиз ўзлари олдимга келишар, бошқаларга кўрсатмасдан мени ўпиб, қучоқлаб кетишарди. Мен йўлга чиққанымда, бутун оломон бўлиб, ҳаммалари станциягача кузатиб чиқинди. Темир йўл станцияси бизнинг қишлоғимиздан бир чақиримча келарди. Улар йиғлашдан ўзларини тийиб туришар, лекин кўплари ўзларини тутишолмай,—айниқса қизчалар,—бор овозлари билан ҳўнграб йиғлашарди. Биз кеч қолмаслик учун шошиб борардик, лекин тўда орасидан биронта бола келиб бўйнимга ёпишиб, қўлчалари билан ачомлаб олар, ўлар, йўл устида шу тариқа ҳаммамиз тўхташиб қолардик; биз жуда шошиб кетаётган бўлсак ҳам то у хайрлашиб бўлгунча кутиб турардик. Мен вагонга чиқиб, вагон ўрнидан жилгандан сўнг, улар ҳаммаси менга «Ура!»—деб қичқиришдилар ва то вагон кўздан ғойиб бўлмагунча жойларидан жилмадилар. Мен ҳам термилиб туравердим... Қулоқ солинг, мен боя бу ерга

¹ «Леон кетяпти, Леон бутунлай жўнаб кетяпти!» (франц.)

кириб, азиз чеҳраларингизга кўзим тушиши билан,—мен ҳозир одамларнинг юзларига кўп разм солиб қарайман,—сизларнинг биринчи айтган сўзларингизни эшитдим, ўшандан бери биринчи маротаба юрагим энгил тортди. Мен боя ростдан ҳам омад ёр одамлардан бўлсам керак, деб ўйладим: мен ахир биламан, одам бир кўргандаёқ бир умр севиб қоладиган одамларни учрата-вермайди, мен бўлсам, вагондан тушдим, шу заҳоти сизларни учратдим. Мен жуда яхши биламан, ҳамма ҳам ўз туйғуларини уялиб гапиравермайди, лекин мен мана сизга қанча сўзламай сўзимни тамом қилолмаяпман. Мен одамовиман, балки ҳали узоқ пайт сизнинг ҳузурингизга келмасман. Буни тагин бошқача тушуниб юрманг: сизни писанд қилмаганим учун бундай деётганим йўқ, яна ўйламангки, бу бир нарсадан ранжибди деб. Сиз мендан юзингиз ҳақида, кўзимга нима чалингани ҳақида сўрадингиз. Сизга жоним билан жавоб берганим бўлсин. Сизнинг чеҳрангиз, Аделаида Ивановна, бахтиёр чеҳра, ичингизда энг хушсурат чеҳра. Бундан ташқари, истарангиз ҳам жуда иссиқ, сизга қараган одам: «Юзи худди меҳрибон ҳамширанинг юзига ўхшайди», деб ўйлайди. Сиз содда ва қувноқсиз, одамнинг дилини дарров топасиз. Сизнинг юзингиз ҳақида билганим шулар. Сизнинг ҳам, Александра Ивановна, юзингиз жуда гўзал ва жуда суюмли, лекин сизнинг қандайдир дилда асраган сирли дардингиз бор; қалбингиз чиндан меҳрга жуда бой, лекин сиз унчалар хурсанд эмассиз. Юзингизда ўзгача бир ифода бор. Дрездендаги Гольбейн Мадоннасига ўхшайди. Шу юзингиз ҳақида айтмоқчи бўлганим; жуда топагон эканманми? Узларингиз мени топагонга чиқариб қўйдингизлар. Сизнинг юзингиз эса, Лизавета Прокофьевна, — деди у бирдан генерал оймга қарата, — сизнинг юзингизга қараб тўла ишонч билан айтишим мумкинки, сиз ҳамма, ҳамма, ҳамма нарсада, ҳамма яхши нарсаларда ва ҳамма ёмон нарсаларда, ёшингиз анчага бориб қолган бўлишига қарамасдан бутунлай ёш боласиз. Сиз ахир, мендан хафа бўлмайсиз-а, шундай деганимга? Сиз ахир биласиз-ку, мен болаларга қандай қарашимни? Тагин ўйламангки, ҳаммамизнинг юзларимиз ҳақида бу соддалик қилиб очиқ-сочиқ шунча гапириб ташлади деб; о, йўқ, ундаймас, ҳечам ундаймас! Балки мен ҳам бир нимани кўз остига олгандирман.

VII

Князь ҳикоясини тугатганда, ҳаммалари, ҳатто Аглая ва айниқса Лизавета Прокофьевна унга кулиб қараб туришарди. — Ана сизга имтиҳон!—деб юборди у.—Ҳа, муҳтарама оймқизлар, сизлар уни шўрлик одам деб ҳомийлик қилмоқчи

бўлувдингизлар, унинг ўзи истар-истамай сизни зўрға ҳамсухбат қилди, яна тагин унда-мунда бир келарман деб писанда ҳам қилиб қўйди. Тентаклигимиз билинди, мен хурсандман; айниқса Иван Федорович. Офарин, князь, боя сизни имтиҳон қилишни топширган эдилар. Анави, менинг афти ангорим тўғрисида айтганларингиз ҳаммаси чиппа-чин рост: мен боламан, ўзим биламан буни. Сиз айтмасингиздан олдин ҳам билардим; сиз менинг кўнглимдаги гапни бир сўз билан айдингиз-қўйдингиз. Сиз билан мен бир-биригизга жуда ўхшар эканмиз, жуда хурсандман; икки томчи сувдай. Фақат сиз эр кишисиз, мен бўлсам аёл кишиман, мен Швейцарияга ҳам бормаганман, фарқимиз шу, холос.

— Шошилманг, татап,— қичқириб юборди Аглая,— князь ҳамма гапларимнинг тагида нимкосаси — бошқа гап ҳам бор, деди, бекорга айтгани йўқ буни.

— Ҳа, ҳа,— кулишарди қизлар.

— Масхара қилманг, кўзичоқларим, у ҳали учалангиздан ҳам муғамбирроқ чиқади. Кўрасиз. Лекин фақат, князь, нега Аглая ҳақида ҳеч нарса демадингиз: Аглая кутяпти, мен ҳам.

— Мен ҳозир ҳеч нарса деёлмайман; мен кейинроқ айтаман.

— Нега? Айтсангиз арзимайдимми?

— О, жуда арзийди, сиз бениҳоя чиройлисиз, Аглая Ивановна. Сиз шунчалар соҳибжамолсизки, одам сизга қарашга қўрқади.

— Бўлдими? Бошқа гапингиз йўқми?— қўймай сўрарди генерал ойим.

— Гўзаллик ҳақида сўзлаш қийин; мен ҳали тайёр эмасман. Гўзаллик — тилсим.

— Бундан чиқди, Аглая тилсим экан-да,— деди Аделаида,— оч, тилсимнингги, Аглая. Қарап, яхшим, князь, яхшим?

— Бениҳоя!— эҳтирос билан деди князь Аглаяга мафтун бўлиб қараб,— худди Настасья Филипповнанинг ўзи, лекин юзи бутунлай бошқача!..

Ҳаммалари ҳайрон бўлишиб бир-бирларига қараб олишди.

— Нима, ки-и-м?— чўзиб сўради генерал ойим,— Настасья Филипповна дейсизми? Сиз қаерда кўргансиз Настасья Филипповнани? Ким у Настасья Филипповна?

— Боя Гаврила Ардалионич Иван Федоровичга расмини кўрсатган эди.

— Нима? Иван Федоровичга расм олиб келибдими?

— Кўрсатгани. Настасья Филипповна бугун Гаврила Ардалионичга ўзининг суратини тақдим қилибди, шуни кўрсатгани олиб келган экан.

— Мен бир кўрай! — чарсиллаб деди генерал ойм. — Қани ўша сурат? Тақдим қилган бўлса, унинг қўлида тургандир, ўзи ҳам ҳали шу ерда, кабинетдадир, албатта. Чоршанба кунлари ҳар донм ишлагани келади ва соат тўрт бўлмасдан илгари кетмайди. Дарров Гаврила Ардалионич чақирилсин! Йўқ, уни кўрай деб кўзим учиб тургани йўқ. Барака топинг, князь, бўталогим, кабинетга бориб, ундан суратни олиб келинг. Кўриб беришаркан, денг. Марҳамат.

— Яхши-ю, жуда ҳам содда эканми, — деди Аделаида князь чиқиб кетгач.

— Ҳа, жуда ҳам содда шекилли, — тасдиқлади Александра, — ҳатто жиндай кулгили ҳам кўришади.

Икқовлари ҳам нима демоқчи бўлганларини тўла айтмаганлари кўриниб турарди.

— Бизнинг юзимизни таърифлаб сувдан қуруқ чиқди, — деди Аглая, — ҳамманинг кўнглини олди хушомад қилиб, ҳатто тапап ҳам хурсанд.

— Тилнинг тий, омон бўлгур, — деб қичқирди генерал ойм. — У хушомад қилмади, ўзим хушвақт бўлдим.

— Сен сувдан қуруқ чиқишга уринди дейсанми? — сўради Аделаида.

— Менга қолса, унчалар ҳам соддага ўхшамайди.

— Гапингни кўтарсин! — жаҳли чиқди генерал оймнинг. — Менимча, сизлар ундан ҳам кулгилироқсиз. Соддагина, лекин ақли ҳуши жойида, мен буни энг олижаноб маънода айтман. Худди менга ўхшайди.

«Сурат ҳақида гапириб қўйганим албатта ёмон бўлди, — деб андак виждонан қийналиб ўйлаб борарди князь кабинет томонига. — Лекин... балки оғзимдан чиқиб кетгани ҳам бир жиҳатдан яхши бўлгандир...» Унинг хаёлидан жуда ҳам галати, лекин ҳали муҳкам бир фикр липиллаб ўтмоқда эди. Гаврила Ардалионич ҳамон кабинетда қоғозларга кўмилиб ишлаб ўтирарди. У ҳақиқатан ҳам, акционер жамиятдан моюнасини бекорга олмаса керак. Князь суратни сўраб, бу уларга қандай маълум бўлганлигини айтиб берганда, у жуда ўзини йўқотиб қўйди.

— Э-э-эх! Нима қилиб валдираб юрибсиз! — зардаси қайнаб қичқирди у энсаси қотиб. — Қаллаварам... Телба! — гўлдиради у ўзича.

— Айб менда, ўйламай оғзимдан чиқиб кетибди; сўз орасида. Мен Аглая худди Настасья Филипповнага ўхшаган чиройли, девдим.

Ганя бир бошдан айтиб беринг, деди; князь айтди. Ганя яна унга майна қилгандай қаради.

— Настасья Филипповна оғзингиздан тушмай қолди жуда...— тўнғиллади у, лекин гапини тугатмай ўйга толди.

Унинг ташвишга ботгани кўришиб турарди. Князь суратни эслатди.

— Қулоқ солинг, князь,— деди бирдан Ганя калласига кутилмаган бир фикр келиб қолиб,— сиздан жуда катта бир илтимосим бор... Лекин мен, рости, билмайман...

У ўзини йўқотиб, гапини тугатолмади; у нимагадир аҳд қилган ва ҳозир ўзи билан ўзи курашмоқда эди. Князь индамай кутмоқдайди. Ганя яна бирпас синовчан тикилиб турди.

— Князь,— деб бошлади у яна,— у ердагилар ҳозир мендан... жуда ҳам ғалати бир аҳвол муносабати билан... Кулгилироқ бир аҳвол яна... ўзи бунга менинг сира дахлим йўқ... хўш, қисқаси, бу ортиқча,— у ердагилар мендан хафа бўлишганга ўхшайди, шунинг учун ўзлари чақирмасалар, бир оз вақт олдиларига киролмайман. Ҳозир Аглая Ивановна билан гаплашишим жуда зарур бўлиб қолди. Мен ҳар эҳтимолга қарши икки оғиз хат ёзиб қўювдим (унинг қўлида бир парча буклоғлиқ қоғоз пайдо бўлди), қандай қилиб у кишига отказимини билмай турибман. Аглая Ивановнага сиз бериб қўёлмайсизмикин, князь, ҳозир, фақат Аглая Ивановнанинг ўз қўлига, яна бунга ҳеч ким билмаслиги керак, тушундингизми? Худо ҳаққи, бунинг яширадиган жойи ҳам йўқ, ҳеч қандай... Хўп... майлими?

— Менга бу унча ёқмаяпти,— жавоб қилди князь.

— Оҳ, князь, жудаям зарур бу менга!— ялина бошлади Ганя.— У балки жавоб айтар... Ишонинг, бошқа сира, сира иложим қолмади, шунинг учун сўровдим... Бошқа кимдан юбораман?.. Жудаям зарур... Менга ҳаддан ташқари зарур...

Ганя, князь кўнмайди, деб қаттиқ қўрққан, жайноқланиб ҳадиқсираб унинг кўзига тикиларди.

— Майли, элтиб бераман.

— Лекин ҳеч ким кўрмасин,— деб ялинарди қувониб Ганя,— гап шу, князь, мен сизнинг чин сўзингизга ишондим, а?

— Мен ҳеч кимга кўрсатмайман,— деди князь.

— Хат очик, лекин...— оғзидан чиқиб кетди ҳаддан зиёд саросимага тушган Ганянинг, лекин каловланиб индамай қолди.

— О, мен ўқимайман,— деди ҳеч нарса бўлмагандай князь, у суратни олиб кабинетдан чиқиб кета бошлади.

Ганя ёлғиз қолиб, бошини чангаллади.

— Бир оғиз сўзи ва мен... ва мен, очиги, балки воз кечарман!..

У музтарлик ҳамда ҳаяжоннинг зўридан яна қайтиб қоғозларига ўтиролмади ва кабинетнинг у бурчагидан-бу бурчагига бориб кела бошлади.

Князь ўйга ботиб борарди; топширик унинг кўнглини ёмон хижил қилиб қўйди. Ганянинг Аглаяга ёзган хатини ўйлаб яна гашига гаш қўшилди. Лекин меҳмонхонагача яна икки хона қолганда, худди бир нарса эсига тушгандай бирдан тўхтади, атрофга аланглади, ёруққа яқинроқ деб дераза тагига келди ва Настасья Филипповнанинг суратини томоша қила бошлади.

У қизнинг юзида беркинган ва боя ўзини ҳайратга солиб қўйган нарсани топмоқчига ўхшарди. Уша таассуроти уни ҳали-ҳамон тарк этмаган ва ҳозир ниманидир яна бошқатдан кўриб олмақчидай шошилди. Гўзалликда ва яна алланималарда тенгсиз бўлган қизнинг нигоҳи унга ҳозир боягидан ҳам кучлироқ таъсир қилди. Гўё интиҳосиз кибр ва нафрат, аёвсиз нафрат, шу билан бирга аллақандай маъсумлик ва аллақандай ҳайратомуз соддалик акс этарди бу чеҳрада; мана шу бир-бирига ўхшамаган икки зид ифода унинг юзига қараган одамда аллақандай ачиниш, шафқат уйғотарди. Унинг кўзни қамаштирадиган ҳуснига, оқариб кўринган юзларнинг, андак ботинқираган ёноқлар ва лаҳча чўғ бўлиб ёнаётган кўзларнинг малоҳатига ҳатто инсон тоқат қилиб туролмасди; таажжуб чирой! Князь бир лаҳза томоша қилиб турди, кейин бирдан сергакланиб, атрофга аланглади, суратни шоша-пиша лабига олиб борди ва ўпиб қўйди. Бир дақиқалардан сўнг меҳмонхонага кириб борганда, унинг юзи бутунлай осуда эди.

Лекин у смакхонадан энди ўтиб кетмоқчи бўлиб турганида (бу меҳмонхонадан бир хона берида), эшикда чиқиб келаётган Аглая билан тўқнашди. Қиз бир ўзи эди.

— Гаврила Ардаллонич сизга бериб қўйишимни сўради,— деди князь унга хатни узатаркан.

Аглая тўхтади, хатни олди ва князга аллақандай ғалати қилиб қараб қўйди. Унинг чеҳрасида саросима ва иккиланишдан асар ҳам йўқ эди, у фақат андак ҳайрон бўлиб қолганга ўхшар, лекин бу ҳам фақат князнинг ўзига тегишли эди. Аглая ўзининг бу нигоҳи билан княздан худди сиз бу ишда қандай қилиб Ганя билан бир бўлиб қолдингиз?— деб сўраётгандай, такаббурлик ва хотиржамлик билан жавоб талаб қилаётгандай эди. Улар икки-уч дақиқа шундай юзма-юз туриб қолдилар; ниҳоят, қизнинг юзига аллақандай табассум югургандай бўлди; у билинар-билимас жилмайиб ўтиб кетди.

Генерал ойим Настасья Филипповнанинг суратини бир неча муддат кўзидан жуда антиқа бир тарзда йироқда тутиб энсаси қотганча томоша қилиб турди.

— Ҳа, кўҳлик,— деди у ниҳоят,— жуда кўҳлик. Мен уни икки марта узоқдан кўрганман. Хўп, сиз мана шунақа гўзалликка та-лабгормисиз?— деди у тўсиндан князга қараб.

— Ҳа... шунақа...— жавоб берди князь зўр-базўр.

— Яъни фақат айнан шунақасигами?

— Айнан шунақасига.

— Нимага?

— Унинг юзида... азоб кўп...— деди беихтиёр князь худди саволга жавоб бергандай эмас, ўз-ўзи билан гаплашгандай бўлиб.

— Сиз худди алаҳлаётганга ўхшайсиз,— деди генерал ойим ва такаббурлик билан суратни столга итқитиб юборди.

Александра суратни олди, Аделаида ҳам унга қўшилди, икковлари томоша қила бошладилар. Шу лаҳзада Аглая яна меҳмонхонага қайтиб келди.

— Вой-бў, қойил!— деб қичқириб юборди Аделаида опасининг елкаси оша суратни қизиқиб томоша қиларкан.

— Қаерда? Нимаси қойил?— шахд билан сўради Лизавета Прокофьевна.

— Бундай ҳуснига қойил бўлмай плож йўқ,— қизгин деди Аделаида,— бундай ҳусни жамол билан дунёни ағдар-тўнтар қилиб юбориш мумкин!

У ўйчанлик ичда ўз мольбертига қайтди. Аглая суратга шундоқ кўз қирини ташлади, чимирилди, пастки лабини чўччайтирди, нарироқ бориб ўтирди, қўлини қовуштириб олди.

Генерал ойим қўнғироқ чалди.

— Бу ёққа Гаврила Ардалъонич чақирилсин, кабинетда у!— амр қилди кириб келган хизматкорга.

— Матап!— деб юборди Александра.

— Мен икки оғиз сўз айтмоқчиман — бўлди бас!— эътирозга ўрни қолдирмай шарт кесди генерал ойим. Унинг аччиғи чиққан эди.— Буни қарашг, князь, уйимизда сирли гаплар кўпайиб кетди. Ҳаммалари сирли! Энди шунга рияз қилиб қадам босадиганга ўхшаймиз. Шу ҳам гап бўлди-ю. Очиқ-ойдин, равшан, ҳалол гаплашиб олиш керак бўлган ерда шундай қилиб юрганларидан кейин нима дейсиз. Никҳоҳлар бошланяпти, ёқмай турибди менга бу никҳоҳлар...

— Матап, сизга нима бўлди?— яна шошилиб уни тўхтатмоқчи бўлди Александра.

— Нима дейсан, жон қизим? Сенга ахир ёқадими шу? Князь эшитаётган бўлса, у дўстимиз. Лоақал иккимиз дўстмиз у билан. Худо, албатта, яхши одамлар бўлсин, дейди, унга ёмон, миждов одамларнинг кераги йўқ; айниқса миждовлар бугун бир нарса деб, эртага бутунлай бошқача сўзлайдилар. Тушундингизми, Александра Ивановна? Улар, князь, мени қизиқсиз дейдилар, мен бўлсам, одамларнинг фарқига бораман. Юракда гап кўп, қолган ҳаммаси бекор. Ақл ҳам керак, албатта... балки ҳаммаси ақлга

боғлиқдир. Илжайма. Аглая, бу тескари гап эмас: юраги бор, лекин ақли йўқ тентак хотин ақли бор, лекин юраги йўқ тентак хотиндан қилча ҳам фарқ қилмайди, иккови ҳам бирдай бахтсиз. Эскидан қолган гап. Мана, менинг юрагим бор, лекин ақлим йўқ. сенинг бўлса ақлинг бор, юрагинг йўқ; икковимиз ҳам бахтсиз-миз, икковимиз азобини тортамыз.

— Сиз нимадан бунча бахтсиз экансиз, тамап?— ўзини тўх-татолмай сўради Аделаида, ҳамманинг ичида фақат у боя-боягидай қувноқ кулиб турарди.

— Авваламбор, қизларимнинг ўқиб-доно бўлиб кетганидан,— шарт кесди генерал ойим,— шунинг ўзинёқ бир одамга етиб ортади, қолганларини чўзилиб гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Қоп-қоп гап гапирдик. Ҳали кўрамыз, сиз икковингиз (Аглаяни ҳисобламайман) бу гапдолигингиз ва донолигингиз билан сувдан қандай чиқаркансиз, сиз муҳтарама Александра Ивановна ўз марҳаматли хўжангиз билан бахтиёр бўлиб кетармикинсиз ҳали?.. А!..— хитоб қилди у кириб келаётган Ганяни кўриб,— мана яна бир никоҳ уюшмаси келиб қолди. Салом!— деди у Ганянинг таъзимига жавобан, лекин уни ўтиришга таклиф қилмади.— Сиз никоҳдан ўтяпсизми?

— Никоҳдан?.. Қандай?.. Қандай никоҳдан?..— гўлдираб қолди бутунлай гангиган Гаврила Ардалионич. У ҳаддан ташқари ўзини йўқотиб қўйди.

— Сиз уйланыпсизми? деб сўраяпман агар сизга шунақа сўраш маъқул бўлса?

— Й-йўқ... мен... й-йўқ,— ёлгонлади Гаврила Ардалионич ва юзи уятдан қин-қизариб кетди. У бир четда ўтирган Аглаяга кўз учига қаради-ю, дарҳол кўзини четга олди. Аглая ундан кўзини узмасдан совуққина разм солиб ўтирар, унинг саросима ичида талмовсираётганини кузатар эди.

— Йўқ? Сиз «йўқ» дедингизми?— қийнашда давом этарди қўймасдан Лизавета Прокофьевна.— Бас, етади, мен энди эсимда тутаман, сиз бугун чоршанба кун эртаминан берган саволимга «йўқ», деб жавоб бердингиз. Нима, чоршанбами бугунги кунми?

— Чоршанба бўлса керак, тамап,— деди Аделаида.

— Ҳеч кунларни билишмайди. Бугун нечанчи?

— Йигирма еттинчи,— жавоб берди Ганя.

— Йигирма еттинчи? Бир ҳисобда бу ҳам тузук. Хайр сизга, афтидан, ишларингиз жуда кўпга ўхшайди, мен кийиниб бир жойга боришим керак, суратингизни олволинг. Шўрлик Нина Александровнага мендан салом деб қўйинг. Омон бўлинг, князь, бўталогим! Тез-тез келиб тур, мен Белоконская деган кампирнинг олдига бораман, атай сен ҳақингда гаплашгани, қулоғингизда

бўлсин, азизим: сизни худо менга атай етказди Швейцариядан Петербургга олиб келиб. Сизнинг бошқа ишларингиз ҳам бўлса бордир, лекин асосан менга етказган сизни. Худонинг иродаси шундай. Яхши ўтиринглар, болакайларим. Александра, менинг олдимга кир, жон қизим.

Генерал ойим чиқди. Ганя, онтарилган, ўзини йўқотган, аламзада ҳолда столдан суратни олиб иршайиб князга мурожаат қилди:

— Князь, мен ҳозир уйга кетяпман. Агар бизникида туришдан айнамаган бўлсангиз, унда сизни ола кетаман, бўлмаса қандай боришни ҳам билмайсиз.

— Шошманг, князь,— деди Аглая бирдан ўрнидан тураркан,— сиз менинг альбомимга ёзиб берасиз. Отам сизни хаттот деб айтди. Сизга ҳозир олиб келаман.

У чиқиб кетди.

— Хайр, князь, мен ҳам борай энди,— деди Аделаида.

У князнинг қўлини маҳкам қисиб қўйди, кулиб ширин табасум қилди-да, чиқиб кетди. Ганяга у қарамади ҳам.

— Бу сиз,— тишларини гижирлатди Ганя князга қараб ҳамма чиқиб кетиши билан,— мени уйланади деб уларга сиз гуллаб қўйгансиз!— вишиллаб гўлдирарди у газаб билан кўзлари олакула бўлиб,— уятсиз лақма, узуи тил!

— Менга ишонинг, сиз хато қиляпсиз,— хотиржам, одоб билан жавоб қилди князь,— сизнинг уйланишингиздан хабарим йўқ.

— Сиз боя Иван Федорович бугун кечқурун Настасья Филипповниккида ҳаммаси ҳал бўлади, деганини эшитгансиз, шуни сиз уларга етказгансиз! Ёлғончи! Бўлмаса қаердан билишади? Жин урсин, сиздан бошқа ким етказиши мумкин уларга? Кампир менга писанда қилмадимми?

— Сизга писанда қилгандай туюлган бўлса, ўзингиз яхши биларсиз ким етказганини, мен бу ҳақда бир оғиз ҳам гапирганим йўқ.

— Хатни бердингизми? Жавоб?— алаҳлагандай бесабрлик билан сўради Ганя. Лекин шу аснода Аглая қайтиб келди ва князь жавоб бериб улгурмади.

— Мана, князь,— деди Аглая кичик столча устига альбомини қўяркан,— истаган саҳифангизни очиб, менга бирон нарса ёзиб беринг. Мана перо, ҳали янги. Пўлатдан бўлса ҳеч нарса қилмай-дими? Хаттотлар пўлат перода ёзишмайди деб эшитувдим.

Князь билан сўйлашаркан, у ўзини гўё Ганяни кўрмагандай тугарди.

Лекин князь перони тўғрилаб, бўш саҳифа топиб ёзишга ҳозирланаркан, Ганя, ҳозир князнинг ўнг ёғида камин олдида

турган Аглаяга яқинлашиб, қалтираган, хириллаган товуш билан унинг нақ қулоғига шипшиди:

— Битта сўзингиз, бир оғиз айтсангиз, бас,— мен халос бўламан.

Князь уларга тез ўгирилиб қаради. Ганянинг юзи алам-изтиробдан ўзгариб кетганди; бу сўзларни ўйламай дангал айтиб юборганга ўхшарди. Аглая боя князга қандай қараган бўлса, шундай хотиржамлик билан бир неча лаҳза унга қараб турди, унинг бу ўзи нима деб валақлаяпти, дегандай ажабланиб бамайлихотир, лоқайд қараши Ганяни ўлгандан баттар қилди.

— Нима деб ёзай?— сўради князь.

— Мен сизга ҳозир айтаман,— деди Аглая унга бурилиб қараркан,— тайёрмисиз? Унда ёзинг: «Мен савдо-сотик қилмайман». Энди бугунги кунни ва ойни ёзиб қўйинг. Кўрсатинг.

Князь унга альбомни узатди.

— Тасанно! Жуда чиройли ёзибсиз; хатингиз жуда ҳам ажойиб экан! Ташаккур. Хайр, князь... Шошманг,— тўхтатди у яна ниманидир эслагандай бўлиб,— юринг, сизга эсдаликка бир нарса бермоқчиман.

Князь унга эргашди; лекин емакхонага етганларида Аглая тўхтади.

— Уқинг бунини,— деди у Ганянинг хатини узатиб.

Князь хатни олди ва талмовсираб Аглаяга қаради.

— Ахир, мен биламан, сиз бунини ўқимагансиз ва у одам билан тил бириктирмагансиз. Уқинг, уни сиз ўқиб кўришингизни истаيمان.

Хат, афтидан, шошилич ёзилганга ўхшарди:

«Бугун менинг тақдирим ҳал бўлади, сиз бундан хабардорсиз. Бугун мен узил-кесил сўз айтишим керак. Мен сиздан шафқат-хайрихоҳлик талаб қилишга заррача ҳаққим йўқ, ҳатто умид қилишга ҳам журъат этолмайман; лекин қачонлардир сиздан бир оғиз сўз эшитган эдим, фақат бир сўз ва ўша сўз зулмат ҳаётимни нур каби ёритган, мен учун маёқ бўлиб қолган эди. Ҳозир яна шундай бир оғиз сўз айтсангиз эди,—мени ҳалокатдан қутқарган бўлардингиз! Бугун менга фақат: *ҳаммасини ташла*, десангиз, шу бугуноқ ҳаммасини ташлайман. О, наҳот сизга шунчалар қийин бўлса ўша сўзни айтиш! Мен ўша сўз воситасида сизнинг менга бўлган илтифот ва шафқатингизни билмоқчи бўламан,—шу холос, *холос!* Бошқа ҳеч нарса, *ҳеч нарса!* Сиздан қиттаккина умид қилишга ҳаддидан сизмайди. Чунки мен умид қилишга нолайиқ одамман. Лекин сизнинг сўзингиздан сўнг мен яна ўз қашшоқлигимга қайтаман ва ночор кунларимни шод-хуррам қаршилайман. Мен курашни қучоқ очиб кутиб ола-

ман, мен ундан бахтиёр бўламан, мен унда янги куч топаман, қайта тириламам!

Менга шу шафқат сўзингизни жўнатинг, қасам ичаманки, менга *шафқатдан* бошқа ҳеч нарса керак эмас! Қаноти қайрилган ноумид бир одамнинг ожиз журъятидан аччиғингиз чиқмасин, чўкаётган киши ўзини ҳалокатдан қутқариш учун охириги марта бўлсин уриниб кўради-ку, ахир.

Г. И.»

— Бу одамнинг айтишча,— кескинлик билан деди Аглая князь хатни ўқиб бўлгач,— «ҳаммасини узиб ташланг» деган сўз менинг шаънимга доғ бўлиб тушмас эмиш, мени ҳеч нарсага боғлаб қўймас эмиш, унинг ўзи мана шу хати билан бунга ёзма равишда кафолат беришти, кўриб турибсиз. Баъзи сўзларни анойилик қилиб қизиб қўйибди, эъгибор бердингизми, яширин кўзлаган нарсаси ҳам қўполдан-қўпол бўлиб кўришиб турибди. Яна шуниси ҳам борки, агар у буларнинг ҳаммасини ёлғиз бир ўзи менга айтиб ўтирмасдан, мендан ваъда олмасдан, мендан ишора кутмасдан, менга сира ҳам умид боғламасдан узиб ташлаган тақдирда, мен унга ишбатан муносабатимни, балки унинг дўстига айланишим мумкинлигини билади. Жуда яхши билади у буни! Лекин унинг юраги кир: билади-ю, лекин бир қарорга келолмайди, у билиб туриб, яна кафил бўлишимни сўрайди. У имонга далолат қилолмайди, бунга қобил эмас. У юз мингдан воз кечиши эвазига мендан ваъда олишни истайди. Хатда гўё унинг ҳаётини машъал бўлиб ёритган менинг бир сўзимни эслатибди, ғирт ёлғон бу. Бир марта шунчаки унга ачинган эдим, холос. Лекин у жудаям безбет ва уятсиз экан: дарров кўз остига олганини қаранг: мен дарров сезувдим буни. Ушандан бери қўймай йўлимни пойлайди; ҳозир ҳам пойлайди. Лекин бўлди, бас, хатни олиб уйимиздан эшикка чиққан заҳоти қўлига қайтариб беринг.

— Жавобини сўраса нима дейман?

— Ҳеч нарса демайсиз. Шу энг муносиб жавоб бўлади. Ҳа, айтмоқчи, сиз унинг уйида яшамоқчимсиз?

— Менга боя Иван Федорович айтган эди,— деди князь.

— Мен сизни огоҳлантириб қўяй. Энди ундан эҳтиёт бўлинг; хатни қайтариб олиб борганингиз учун сизни кечирмайди.

Аглая князнинг қўлини майингина сиқиб қўйди-да, чиқиб кетди. Унинг юзи жиддий, қовоғи солинган эди, хайрлашиб кетаркан, у князга ҳатто кулиб ҳам қўймади.

— Мен ҳозир тугунимни олиб чиқай,— деди князь Ганяга,— сўнг жўнаймиз.

Ганя тоқатсизланиб депсинди. Худди қутургандай юзи қо-

райиб кетганди. Ниҳоят, икков кўчага чиқдилар, князь ўз тугу-
пини кўтариб олганди.

— Жавоб? Жавоб?— ташланди унга Ганя.— У сизга нима
деди? Сиз хатни бердингизми?

Князь индамасдан унга хатни узатди. Ганя донг қотиб
қолди.

— Нима? Менинг хатим!— қичқирди у.— Обориб ҳам бер-
мабди-ю! О, ўзим айтувдим-а! О, л-ла-ънат-ти... Боя тушунмага-
ни шундан экан-да! Нега энди, нега энди, нега, нега бермадин-
гиз ахир, о, л-ла-ънат-ти...

— Мени кечиринг, аксинча, мен хатингизни айтганингиздай
қилиб ўша заҳоти унинг қўлига тутқаздим. Аглая Ивановна уни
ҳозир қайтариб берди, шунинг учун олиб келдим.

— Қачон? Қачон?

— Альбомига ёзиб берганимдан кейин у мени чақириб чиқиб
кетди, ўшанда берди. (Сиз эшитувдингизми?) Биз емакхонага
кирдик, у менга хатни берди, ўқинг, деб буюрди, кейин қайтариб
олиб бориб беринг, деди.

— Ў-қинг де-ди-и?— овозининг борича қичқириб юбораёзди
Ганя, — ўқинг деди! Ўқидингизми?

У яна йўлка ўртасида шамдай қотди. Камоли ҳайратдан ҳат-
то оғзи очилиб қолди.

— Ҳа, ўқидим, ҳозир.

— Унинг ўзи, сизга унинг ўзи ўқишга бердимиз? Ўзи-я?

— Ўзи, ишонинг, у айтмаса ўқиш ҳатто хаёлимга ҳам келмас
эди.

Ганя бир зум жимиб қолди, у оғир изтироб ичида ниманидир
ўйларди, лекин бирдан қичқириб юборди:

— Бўлиши мумкин эмас! У сизга ўқигани бермаган. Сиз ал-
даяпсиз! Сиз ўзингиз ўқигансиз!

— Мен рост айтяпман,— деди князь боягидай бутунлай хо-
тиржам босиқ товуш билан,— гапимга ишонинг, бу сизга қанча-
лар ёмон таъсир қилганига ачиниб турибман.

— Ҳей шўрлик одам, ҳеч бўлмаса, у бирон нарса дегандир,
айтсангиз-чи? У бирон нарса дегандир, ахир?

— Ҳа, албатта.

— Э, гапирсангиз-чи, гапирсангиз-чи, о, ярамас!..

Ганя шундай деб, кавуш кийган ўнг оёғи билан икки маро-
таба депсинди.

— Мен ўқиб бўлишим билан у сизнинг йўл пойлаб юрганли-
гингизни айтди; сиз унинг шаънига тўғри келмайдиган йўл би-
лан ваъдасини олмоқчи бўлибсиз, кейин шу ваъдани рўкач қи-
либ, унга таяниб туриб, бошқа бир юз минг сўмлик ваъдадан
воз кечмоқчи экансиз, шунда зиённинг ўрни билинмай кетар

экан. Агар сиз уларни у билан савдолашмасдан, ундан ваъда олишга уринмасдан ўзингиз, ўз ихтиёрингиз билан узиб ташлаганингизда, у сизга дўст бўлмоқчи ҳам экан. Бор гап шу эди шекилли. Ҳа, айтгандай: хатни бергандан кейин жавоби нима бўлади?— деб сўрасам, у ҳеч қандай жавоб йўқ, шу энг яхши жавоб бўлади, деди,— менимча, шундай деди шекилли; агар аниқ нима деганини фаромуш қилган бўлсам, мени маъзур тутинг, ўзим тушунганча айтиб беряпман.

Ганя чексиз ғазабга минди, у шу қадар қутуриб кетдики, ўзини тўхтатолмай қолди.

— А! Ҳали шундайми!— тишларини ғижирлатди у.— Менинг хатларимни деразадан отадиган бўлдингизми! А? Савдо-сотиқ қилмас эмишми? Мен қиламан савдо-сотиқни! Кўрамиз! Ҳали кўрсатиб қўяман... Кўрамиз!. Сиқиб сувингни ичмасам, юрган эканман!..

У қийшаңглар, рангини ўчирар, кўпирарди; мушти билан дўлаярди. Шу алфозда бир печа одим юришди. У худди ўз уйида юргандек, княздан ҳеч истиҳола қилмасди, чунки уни мутлақо одам қаторида кўрмасди. Лекин у бирдан ниманидир мулоҳаза қилиб кўриб, ҳушёр тортиди.

— Ҳа-я, қандай қилиб сиз,— деб тўсатдан князга мурожаат қилди у,— қандай қилиб сиз (тентак!— деб қўшиб қўйди ичида) кўришганларингизга икки соат бўлмасдан шунчалар ишончларига кириб олдингиз? Қандай қилиб?

Унинг бутун азобларига фақат шу кўролмаслик, ҳасад етмай турган эди. Ҳасад бирдан қалбига нашта қабил санчилди.

— Буни мен сизга тушунтириб беролмайман,— жавоб қилди князь.

Ганя унга олайиб қаради:

— Сизни смакхонага чақириб ишончини ҳадя қилмоқчи экан-да? Ахир у сизга бир нарсаси совга қилмоқчийди-ку?

— Мен ҳам бошқача эмас, худди шундай деб тушунман.

— Нимага, нимага энди, жин урсин! Сиз нима қилиб бердингиз уларга? Нима билан кўнгилларини олдингиз? Менга қаранг,— типирчиларди у талваса ичида (ҳозир у ўзини сира бошқаролмай қолган, ақл-ҳуши бошидан учган, хаёли пароканда, қайнаб кўпирар, калавасининг учини йўқотиб, тополмасди),— сиз у ерда нималар ҳақида гапирганлигингизни, ҳамма сўзларингизни бир бошдан амаллаб эслаб, бир чеккадан тартибли қилиб айтиб беролмайсизми? Ҳеч нарсани фаҳламадингизми, эслаб қолмадингизми?

— О, жоним билан айтиб бераман,— деди князь,— мен уларнинг ҳузурларига кириб танишиб олганимиздан сўнг, Швейцария ҳақида гаплаша бошладик.

— Жин урсин Швейцарияни!

— Кейин қатл ҳақида...

— Қатл ҳақида?

— Ҳа; бир муносабат билан... Кейин уларга Швейцарияда уч йилгача қандай яшаганлигимни, кейин бир шўрлик қишлоқи қизнинг қисматини сўйлаб бердим...

— Жин урсин қишлоқи қизни! Кейин!— бесабр юлқинарди Гаия.

— Кейин Шнейдернинг менинг феълим ҳақида айтган гапларини, мени қўярда-қўймай...

— Қуриб кетсин Шнейдерингиз, тупурдим унинг гапига! Кейин!

— Кейин бир муносабат билан одамларнинг юзлари ҳақида, юзларининг ифодаси ҳақида гап кетди ва мен Аглая Ивановна худди Настасья Филипповнадай соҳибжамол қиз эканлар, дедим. Мана шу ерга келганда, сурат оғзимдан чиқиб кетди...

— Лекин сиз боя кабинетда эшитганларингизни уларга айтиб қўймадингизми, айтиб қўймадингизми ишқилиб? Йўқми? Йўқми?

— Сизга айтяпман-ку йўқ деб.

— Бўлмаса нега бундай, жин... Воҳ! Аглая хатни кампирга кўрсатмадимми?

— Бу ҳақда сизни тўлиқ ишонтариб айта оламан, кўрсатмади. Мен у ердан қимирламадим; кўрсатишга вақти ҳам бўлмади.

— Ҳа, балки, сиз бирон нарсани назардан қочирганидирсиз?.. О, л-лаънат-ти телба,— деб бўкириб юборди у бутунлай ўзини унутиб,— эплаб ҳам гапириб беролмайди-я!

Гаия бир сўкина бошласа оғзи шалоқ бўлиб кетадиган одамлар хилдан эди, князь индамаганлигини кўриб, оғзига ҳаддан ортиқ эрк бериб юборди. Индамаса салдан сўнг у тупуришдан ҳам тоймасди, шунчалар қутуриб кетганди. Лекин қутуриб кетгани учун ҳам кўзи ҳеч нарсани кўрмай, илғамай қолганди; бўлмаса у шунчалар майна-мазах қилаётган «телба» баъзан кўп нарсаларни жуда тез ва нозик фаҳмлаб олаётгани ҳамда фавқулодда бамаъни сўзлаб бераётганига эътибор қилган бўларди. Лекин бирдан ҳеч кутилмаган нарса юз берди.

— Сизга айтиб қўйишим керакки, Гаврила Ардалионич,— деди бирдан князь,— мен илгари ҳақиқатан касал эдим, ростдан ҳам телбага ўшаб қолгандим; лекин анча бўлди соғайиб кетганиман, шунинг учун башарамга қараб туриб, мени телба дейишса, бир оз гашим келади. Омадингиз юришмай турганлигини эътиборга олиб сизни кечирса ҳам бўларди-ю, лекин сиз тилингнизи тислмасдан икки маротаба мени сўқдингиз. Мен шундай бўлишни

ни сира истамас эдим, айниқса, сизга ўхшаб, қутилмаганда даб-дурустан ҳақорат қилса ёмон бўларкан; менга қаранг, чорраҳада туриб қолибмиз, яхшиси, ўз йўлимизга кета қолайлик: сиз уйга ўнг томонга юрасиз, мен чапга қараб кетаман. Менинг йиғирма беш сўм пулим бор, биронта отель-гарни топилиб қолар, ахир.

Ганя қаттиқ ўсал бўлди ва ҳатто уятдан қизариб кетди.

— Кечиринг, князь,— деб қичқирди ҳозиргина сўкиниб турган одам дарҳол юмшаб, илтифот қилиб,— худо ҳаққи, кечиринг! Кўриб турибсиз-ку аҳволим ёмонлигини! Сиз ҳали деярли ҳеч нарсани билмайсиз, агар сиз ҳаммасини билсайдингиз, унда мени андак бўлса ҳам кечирган бўлардингиз, кечириб бўлмайди-ган иш қилиб қўйдим.

— О, менга бундай қаттиқ кечирим сўрашингизнинг кераги йўқ,— жавоб беришга шошилди князь.— Мен ахир тушуниб турибман, сизга жуда қийин бўлиб кетди, шунинг учун сўкиняпсиз. Майли, кетдик уйингизга. Мен бажонидил...

«Йўқ, энди уни шу аҳволда жўнатиб бўлмайди,— деб йўл-йўлакай ўйлаб борарди Ганя князга ўқрайиб қараркан, — бу алдоқчи мендан ҳаммасини билиб олди ва бошлаб фош қилди... Бунда бир ган бор. Майли, ҳали кўрамиз! Ҳаммаси ҳал бўлади, ҳаммаси ҳал бўлади, ҳаммаси, ҳаммаси! Шу бугуноқ!»

Улар уйга етиб келган эдилар.

VIII

Ганяларнинг уйи учинчи қаватда жойлашган бўлиб, тоза, кенг, ёруғ зиналардан чиқиб бориладди, уй олти ё етти хона ва хоначалардан иборат, хоналар бир қадар оддийроқ бўлса-да, лекин ҳар ҳолда ҳатто икки минг сўм мойна олиб кун кўрадиган бола-чақали хизматчининг ҳам бундай уйда туришга қўрби етмасди. Хоналарни ижарага қўйишга ажратилган, ижарадорларга хизматчи қараб турар, уларга овқат ҳам тайёрланарди, бу уйга Ганялар хонадони бундан икки ой муқаддам кўчиб кирганди. Нина Александровна билан Варвара Ардалионовна жуда бўлмаса уйга озроқ нафимиз тегсин деб, Ганянинг қаттиқ хафа бўлишига қарамай илтижо қилиб туриб олишган, шундан баъзи хоналар ижара қўйиладиган бўлганди. Ганя қовоғини солиб тумтайиб борар, шу ҳам иш бўлди-ю, бемаънилик деб тўнғилларди. Жамиятда унга келажаги порлоқ йигит деб қарашларига ўрганиб қолган, шунинг учун хоналар ижарага берилганидан гўё уялар эди. Мана шу тақдирга тан беришлар ва шу жонга теккан тангу торляклар — ҳаммаси унинг юрагини жароҳатлар билан тўлдирганди. Кейинги пайтларда у арзимаган майда-чуй-

да нарсалардан фиғони фалакка чиқиб кетар ва мабодо ҳозирча чидашга ҳамда ён беришга кўнаркан, тез орада буларнинг бари-ни ўзгартираман, бошқатдан қиламан деб ўзига тасалли берарди. Ваҳоланки, у топган ўзгариш ва халос бўлиш йўли мушкул ҳамда оғир эди,— бу вазифа мабодо ўринлаган тақдирда унинг ҳаёти олдингидан ҳам серғалвароқ ва уқубатлироқ бўлса, эҳтимолдан узоқ эмасди.

Тўғри даҳлиздан бошланиб кетадиган коридор уйни иккига ажратиб турарди. Коридорнинг бир томонида «махсус тавсия» этилган, ижарадорлар учун ажратилган ўша учта хона жойлашган; бундан ташқари яна шу томонда коридорнинг охирида ошхона билан ёнма-ён тўртинчи бир кичикроқ, бошқалардан торроқ бўлма ҳам бор бўлиб, унда хонадон бошлиғи истезфодаги генерал Иволгин истиқомат қиларди, у чорси диванда ухлар, бўлмасига ошхона ҳамда орқа зина орқали кириб-чиқиши керак эди. Гаврила Ардалионичнинг ўн уч яшар укаси, гимназия ўқувчиси Коля ҳам шу бўлмада турарди; у ҳам шу бўлмага тиқилиб, дарсини қилар, кичкина, тор, эски бир диванда, илма-тешик чойшабда ётар ва ҳаммадан бурун борган сайин ўзини эпполмай қолаётган отасига қарар эди, унга шундай тайинланганди. Князга уч хонанинг ўртасидагисини ажратишди; ўнг тарафдаги биринчи хонада Фердишченко яшар, сўл ёқдаги учинчи хона эса ҳали бўш эди. Аммо Ганя князни бошлаб онла аъзолари қошига олиб борди. Уйнинг оила аъзолари истиқомат қиладиган қисми зарур бўлган чоғларда смакхонага айлантириладиган залдан, кечаси Гаинин бўлма ва ётоқ, кундузи эса меҳмонхона хизматини ўтайдиган уйдан, ва ниҳоят, доимо берк турадиган торғина учинчи хонадан иборат эди; бу Нина Александровна билан Варвара Ардалионовнанинг хонаи хослари ҳисобланарди. Қисқаси, бу уйда сиқилган, танг бир аҳволда яшар эдилар; Ганя ўзича тишларини гижирлатиб юрарди; у онасини ҳурмат қилар, унинг ҳурматини ўрнига қўйишни истарди, лекин бир қараган киши дарҳол унинг уйда ҳаммани сиқиб сувини олишни пайқар эди.

Нина Александровна меҳмонхонада ёлғиз эмас, унинг ёнида Варвара Ардалионовна ҳам ўтирган экан; икковлари ниманидир тўқиб, меҳмонга келган Иван Петрович Птицин билан гаплашиб ўтиришарди. Нина Александровна элликларга бориб қолган, юзлари ориқлаган, толиққан, кўзларининг таги қоп-қорайиб турган бир хотин эди. Афтидан, касалландроқ ва бирмунча ғамгин кўринар, лекин ўзи хушрўй, қарашлари мулоийм эди; унинг оғзидан чиққан илк сўзлариданоқ феъли жиддий ва қадри қимматини ниҳоятда тушунган аёл эканлиги равшан бўларди. Ташқаридан қайғуга ботгандай бўлиб кўринса ҳам, лекин қарори қат-

тиқ, аҳдида устивор эканлиги сезиларди. У жуда ҳам содда кийинган, либоси аллақандай қорамтир, худди кампирларникига ўхшар, лекин ҳаракатлари, муомаласи, бутун тавр-таомили тагли-тахтли бир аёл эканлигидан дарак берарди.

Варвара Ардалионовна йигирма учларга кирган, ўрта бўйли, бирмунча қотмароқ, юзи чиройли бўлмаса ҳам чиройли хотинлардан кўра жозибалироқ, истараси иссиқ бир қиз эди. У қуйиб қўйгандек онасига ўхшар, ҳатто кийими ҳам онасиникидан фарқ қилмас, ясан-тусанга ҳуши йўқлиги кўриниб турарди. Унинг кўкимтир кўзлари баъзан жуда шўх ва эрка боқа олади, лекин кўп маҳал ва айниқса кейинги пайтларда бу кўзлар беҳад ўйчан ва жиддий бўлиб қолганди. Унинг юзидан ҳам қатъиятли, аҳди қаттиқ эканлиги кўриниб турар, лекин у қатъиятда онасидан ҳам ғайратлироқ ва тадбиркорроқ бўлиши мумкинлиги сезиларди. Варвара Ардалионовна қизиққон киз эди, акаси баъзан унинг шу қизиққонлигидан чўчиб юрарди. Ундан ҳозир бу ерда ўтирган меҳмон, Иван Петрович Птицин ҳам кўрқарди. Птицин ҳали анча ёш, ўттизларга борган, оддий, лекин кўркам кийинган, қилиқлари ўзига ярашган, лекин аллақандай ҳаддан ташқари сипо йигит эди. Унинг оч-қорамтир калтагина соқоли ҳеч ерда хизмат қилмаслигидан дарак берарди. У доволик билан кишини зериктирмай суҳбатлаша олар, лекин кўпинча индамай ўтирарди. Умуман одамларда ҳар қалай, яхши таассурот қолдирарди. У Варвара Ардалионовнага кўнгил қўйган ва кўнгил қўйганлигини яшириб ўтирмасди. Варвара Ардалионовна у билан дўстона гаплашар, лекин унинг баъзи бир савоолларига ҳали жавоб беришга шошилмас, уларни ҳатто ёқтирмасди. Лекин Птицин унчалар умидсизликка тушмасди. Нина Александровна унга меҳрибончилик қилар, кейинги пайтларда унга кўп нарсаларни ишониб тавирадиган одат чиқарганди. Дарвоқе, у фойда ундириш шари билан гаровга пул берар, судхўрлик қиларди. Ганя билан оралари жуда қалин эди.

Ганя князни узуқ-юлуқ қилиб, лекин анча батафсил таништиргач (у ойси билан қуруққина саломлашди, синглисига эса ҳатто ўғирлиб ҳам қарамади ва дарҳол Птицинни олиб қаёққа қадир чиқиб кетди) Нина Александровна князга лутфкорона сўзлар айтди ва эшикдан бошини чўзиб қараган Коляга князни ўрта хонага олиб боришни топширди. Коля хушчақчақ ва ёқимтой, одамга тез эл бўладиган, соддадилгина бола эди.

— Юкларингиз қани?— деб сўради у князни хонага бошлаб кираркан.

— Тугунчам бор эди, даҳлизда қолдирувдим.

— Мен ҳозир олиб келаман. Ҳозир ошназ билан Матренадан бошқа хизматчимиз йўқ. Шунинг учун ҳам мен қарашиб тураман.

Варя ҳаммани назорат қилиб юради, жаҳли чиқади. Ганя сизни бугун Швейцариядан келди дейди, тўғрими?

— Ҳа.

— Швейцария яхшими?

— Жуда.

— Тогларми?

— Ҳа.

— Ҳозир тугунларингизни олиб келаман.

Варвара Ардалионовна кирди.

— Матрена ҳозир сизга жой солиб беради. Чамадонингиз борми?

— Йўқ, тугунча. Укангиз олиб келгани кетди; эшикда қолдириб келувдим.

— У ерда манави тугунчадан бошқа ҳеч нарса йўқ экан; қаерга қўювдингиз?— сўради Коля хонага қайтиб келаркан.

— Шунинг ўзи, холос,— деди князь тугунчасини қўлга олиб.

— А-а! Мен Фердишченко кўтариб кетибдими дебман.

— Кўп валдирама,— жиддий деди Варя, у князь билан ҳам қуруққина қилиб одоб юзасидангина гаплашмоқда эди.

— *Chère Babette*, менга нича ширинроқ гапиринг, мен Птицин эмасман-ку.

— Савалашга боп бўлсан, Коля, жуда ақлинг йўқ сенинг. Нима керак бўлса, Матренага айтишингиз мумкин; соат тўрт яримда тушлик. Биз билан овқатлансангиз ҳам бўлади, истасангиз хонага келтириб берилади, ихтиёрингиз. Кетдик, Коля, уларга халал берма.

— Кетдик, ғайратли қиз!

Чиқа туриб, улар Ганя билан тўқнашдилар.

— Отани уйдаими?— сўради Ганя Колядан ва ҳа, деб жавоб олгач, унинг қулоғига бир нарсаларни шивирлади.

Коля бошини силкиди ва Варвара Ардалионовнанинг кетидан чиқди.

— Икки оғиз сўз, князь, мен бояги ишлар билан бўлиб... айтишни унутибман. Жиндек илтимос: барака топинг, агар жуда қийналиб қолмасангиз,— Аглая билан бўлган гапни бу ерда ҳамда бу ердаги гапларни уларнинг олдида сира гапириб юрманг; негаки гапираман деса бу ерда ҳам бемазагарчилик етиб ортади. Менга деса, тагин, жин... Жуда бўлмаса шу бугун ўзингизни тийинг.

— Гапимга ишонинг, мен сиз ўйлаганча маҳмадоналик қилиб юрганим йўқ,— деди князь Ганянинг дашномларидан бир оз огриниб Уларнинг оралари тобора ёмонлашиб бормоқда эди.

— Сиз туфайли бугун тоза кўрадиганимни кўрдим. Гапнинг қисқаси, сиздан илтимос қиламан.

— Яна ўзингиз бир ўйлаб кўринг, Гаврила Ардалионич, мен сизга гапирмайман деб сўз берган эдимми, суратни эслаган бўлсам нима қилибди? Сиз менга айтмовдингиз-ку, ахир.

— Фу, тоза расво хона экан-ку,— деди Ганя хонани нафратомуз кўздан кечириб,— қоронғи, деразалари ҳовлига қараган. Ҳар жиҳатдан бевақт келдингиз бизга... Майли, бу менинг ишим эмас; уйга мен қарамайман.

Птицин бошини суқиб, Ганяни чақирди; у яна нимадир демуқчи бўлиб турар, лекин чамаси, қисиниб айтолмаётганга ўхшарди, шундай бўлса ҳам у шоша-пиша князни ташлаб чиқиб кетди; хонани суқканда ҳам нимадандир ўнғайсизлангандай суқди.

Князь эндигина ювиниб бўлиб, ўзини тузатиб, тартибга келтирган эди ҳамки, эшик яна очилиб, янги бир одам қораси кўринди.

Бу жаноб ўтгизларга чиққан, дароздан келган, ягриндор, калласи катта, сочи жингалак малла одам эди. Унинг қип-қизил юзи гўштор, лаби дўрдоқ ва қалин, бурни катта ва пучуқ, кўзлари кичкина, сузғун ва қитмир, худди тўхтовсиз кўз қисиб турганга ўхшарди. Умуман, бети қаттиққина одам эканлиги бутун турқ-тароватидан маълум эди. Кийимлари ҳам яғирроқ.

У эшикни аввал фақат боши сиғадиган қилиб очди. Суқилиб кирган бош бир неча сония хонани кўздан кечириб турди; кейин эшик оҳиста каттароқ очилиб кела бошлади ва остонада одам гавдаси пайдо бўлди, лекин меҳмон ҳалиям ичкарига кирмасдан остонада турганча, кўзини қисиб князни назардан ўтказмоқда эди. Ниҳоят ичкарига кириб эшикни ёпди, яқин келди, стулга ўтирди, князнинг қўлидан маҳкам ушлаб олиб ўзига қиялатиб диванга ўтқизди.

— Фердишченко,— деди у князнинг юзига савол назари билан диққат қилиб қараркан.

— Хўш, нима бўлибди?— жавоб қилди князь кулгиси қис-таб.

— Ижарадор,— деди яна Фердишченко боягидай тикилиб қарашини қўймай.

— Танишмоқчимисиз?

— Э-эҳ!— деди меҳмон сочларини тўзғитиб, хўрсинар экан, у кўзларини қаршидаги бурчакка олиб қочди.— Пулингиз борми?— сўради у бирдан князга қараб.

— Озроқ.

— Яъни қанча?

— Йигирма беш сўм.

— Кўрсатинг-чи?

Князь нимчасининг чўптагидан йигирма беш сўмликни олиб Фердишченкога узатди. У пулни ёзиб кўрди, кейин бошқа томонини ағдарди, сўнг ёруққа тутиб қаради.

— Ажаб!— деди у худди ўйга чўмгандай,— нега уларнинг туси кўнғир бўлиб қоларкин? Шу йигирма беш сўмликлар баъзан ёмон кўнғир тусга киради, бошқалари бўлса, аксинча, ранги ўчади, манг, олинг.

Князь пулни қайтиб олди. Фердишченко стулдан турди.

— Мен сизни огоҳлантириб қўяй деб кирдим: биринчидан, менга пул қарз берилмасин, чунки мен албатта, қарз сўраб кираман.

— Бўпти.

— Сиз бу ерга ҳақ тўламоқчимисиз?

— Тўламоқчиман.

— Мен бўлсам тўламоқчи эмасман; раҳмат. Мен сиздан ўнг томондаги биринчи эшикда тураман, кўрувдингизми? Менинг олдимга кўп қадам ранжида қилинмасин; лекин сизнинг ҳузурингизга кириб тураман, ташвишланманг. Генерални кўрувдингизми?

— Йўқ.

— Эшитмадингизми?

— Йўқ, эшитмадим.

— Унда ҳали кўрасиз ва эшитасиз; бунинг устига у ҳатто мендан ҳам қарз сўраб юради! *Avis au lecteur*¹. Хайр, шу Фердишченко деган фамилия билан ҳам яшаб бўладими? А?

— Нега яшаб бўлмасин?

— Хайр.

У эшикка томон юрди. Князь бу одам худди биров мажбур қилгандай ҳаммани кулдириш ва ҳаммани ўзининг антиқа қизиқчи одам эканлиги билан лол қолдиришликни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигини кейинроқ бориб билди, лекин буни у қандайдир ҳеч ўринлатолмас экан. Баъзи одамлар уни ёқтиришмас, у бундан жуда ҳам хафа бўлар, лекин ўз вазифасини адо этишда давом этарди. У эшикда кириб келаётган бошқа бир жаноб билан тўқнашиб ўзини тузатгандай бўлди; князга нотаниш бўлган бу меҳмонни ичкарига ўтказиб юборгач, у орқадан туриб бир неча марта огоҳлантиргандай унга кўзини қисиб қўйди ва шу тариқа ҳар қалай бир антиқа қизиқчилик қилиб кетди.

Янги кириб келган жаноб баланд бўйли, эллик бешларга

¹ Маълумотнома (франц.).

кирган, балки ундан ҳам кексароқ, тигиз гавдали, гўштдор юзи салқи, бакенбардлари қуюқ ва оппоқ, мўйлов қўйган, кўзи катта-катта ва бодраган бир одам эди. Уни аллақандай тўзгиган, путурдан кетган, бирмунча исқиртроқ демаса, хийла хушбичим, келишган бўлиб кўриниши ҳам мумкин эди. У эскироқ сюртук кийган, сюртугининг тирсаклари титилиб кетганди; кўйлаги ҳам уйбоп, яғир эди. Ундан андаккина ароқ ҳиди келарди; лекин қилиқлари пўрим, ўрганиб-ўзлаштирилган, ўз қадр-қимматини намойиш қилиб кўрсатишга, қойил қолдиришга қаратилган эди. Жаноб бир-бир босиб шошмасдан назокат ва табассум билан князга яқинлашди, индамасдан унинг қўлини олди ва кафтида ушлаб турганча, худди таниш чеҳрани яна бошқатдан кўришга муяссар бўлгандай бир қанча вақт термилиб қолди.

— Узи! Узи!— деди у оҳиста ва тантанавор қилиб.— Худди тирик! Таниш ва қадрдон одамнинг исми қулоғимга иссиқ чалинади, дейман, қайтиб келмас ўтган куллар эсимга тушиб кетди... Князь Мишкинми?

— Худди шундай.

— Генерал Иволгин, истеъфога чиққан ва бахтсиз одам. Исмингиз, отангизнинг исми, айбга буюрмаиғ сўрасам?

— Лев Николаевич.

— Шундай, шундай! Дўстимнинг, болаликдаги дўстимнинг десам ҳам бўлади, Николай Петровичнинг ўғлимисиз?

— Отамнинг исмлари Николай Львович эди.

— Львович,— деб тузатди генерал салмоқланиб, сира ҳам унутмаган, фақат бехос янглишган одамдай ўзини ишонч билан тутиб. У ўтирди ва князнинг қўлидан ушлаб ўз ёнига ўтқизди.— Мен сизни қўлимда кўтариб юрганман.

— Ростданми?— сўради князь.— Отамнинг ўлганига йигирма йил бўлди.

— Ҳа, йигирма йил; йигирма йилу уч ой. Бирга ўқиганмиз; мен тўғри ҳарбий...

— Ҳа, отам ҳам ҳарбийда, Васильковский полкида подпоручик эди.

— Беломирскийда. Улиmidан сал олдин Беломирскийга кўчирилган эди. Мен қошида туриб, чироғинг то' абад ўчмасин деб, дуо қилганман. Сизнинг волидангиз...

Генерал мусибатли хотиралар эзиб юборгандай тўхтади.

— У киши ҳам ярим йилдан сўнг шамоллаб вафот қилган,— деди князь.

— Шамоллашдан эмас. Шамоллашдан эмас, чолнинг гапига ишонинг. Мен қошида эдим, уни мен кўмганман. Князнинг доғи

фироқида куйиб ўлди, шамоллашданмас. Ҳа-а, княгиня ҳам ёдмда! Ёшлик! Уни деб болаликдан бирга ўсган дўстлар сал бўлмаса бир-биримизни отиб қўяй деганмиз.

Князь ишонқирамай тинглай бошлади.

— Мен волидангизни яхши кўриб жуда бошимни йўқотиб қўйган эдим, ўшанда у келин эди, — дўстимнинг қайлиғи эди. Князь сезиб қолиб, тамом бўлибди. Эрталаб соат еттида олдмига келди, уйғотди. Ҳайрон бўлиб кийиндим; икков ҳам чурқ этмаймиз; ҳаммасини тушундим, чўнтагидан иккита тўппонча чиқарди. Рўмолча устидан. Гувоҳларсиз. Беш дақиқа. Сўнг бир-биримизни абадиётга жўнатамиз. Кимга керак гувоҳлар? Уқладик, рўмолчани ёздик, турдик, тўппончаларимизни бир-биримизнинг кўкраklarимизга тирадик ва бир-биримизнинг юзларимизга тикилишиб қолдик. Бирдан икковимизнинг ҳам кўзларимиздан дўлдай ёш ёғилса бўладими, қўллар титраб кетди. Бирдан, бирдан, икковимизда ҳам бирдан шундай бўлди! Кейин, табиий, қучоқлашувлар, олижанобликнинг ўзаро курашлари. Князь қичқиради: сеники, дейди, мен қичқираман: сеники, дейман! Қисқаси... бизникига келдингизми... тургани?

— Ҳа, бир оз турсам деган эдим, — деди князь худди тили тугилгандай бўлиб.

— Князь, ойим сизни сўраяптилар, — қичқирди эшикдан қараган Коля. Князь бориш учун ўрнидан қўзғалган эди, генерал ўнг кафтини унинг елкасига босиб, қайта диванга ўтқизди.

— Отагизнинг чин дўсти сифатида сизни огоҳлантириб қўяй, — деди генерал, — ўзингиз кўриб турибсиз, даҳшатли фалокатда абгор бўлиб қолганман; лекин ҳукмсиз! Ҳукмсиз! Нина Александровна ноёб хотин. Қизим Варвара Ардалионовна — ноёб қиз! Шароит мажбур қилди, ижара қўйяпмиз, — ҳаммаси барбод бўлди! Мен генерал-губернатор бўладиган одам эдим!.. Сизга доим эшигимиз очиқ. Бунинг устига уйимда қиёмат қўпяпти.

Князь жуда қизиқсиниб саволомуз қаради.

— Никоҳ ўқиладиган, ноёб никоҳ. Камер-юнкер бўладиган ёш бир йигит жўнроқ бир хотинга уйланмоқчи. Бу хотинни қизим, волидам истиқомат қиладиган уйга олиб кирмоқчилар. Лекин мен то тирик эканман, у қадам босмайди! Мен остонага ётиб оламан, ўтса, майли, мени босиб ўтсин!.. Ганя билан ҳозир гаплашмай қўйдим, кўргим ҳам келмайди. Сизни атай огоҳлантиряпман; бизникида яшайдиган бўлсангиз, барибир ҳали ўз кўзингиз билан кўрасиз. Лекин сиз дўстимнинг ўғлисиз ва мен ишонаманки...

— Князь, барака топинг, менинг олдмига меҳмонхонага ки-

риб кетинг, — деб чақирди Нина Александровнанинг ўзи эшикка келиб.

— Буни қара-я, азизим, — деб қичқирди генерал, — князни мен қўлимда кўтариб катта қилган эканман!

Нина Александровна унга койиганнамо қаради, князга зеҳн солиб тикилиб қўйди, лекин чурқ этмади. Князь унинг ортидан кетди; улар меҳмонхонага келиб ўтириши билан Нина Александровна шоша-пиша унинг қулогига алланималарнидир шипши бошлаган эди ҳамки, бирдан генералнинг ўзи ҳам меҳмонхонага кириб келиб қолди. Нина Александровна дарҳол жим бўлди ва шундоқ энсаси қотганча қўлидагини тикишга энгашди. Генерал унинг энсаси қотганлигини сезган бўлса керак, лекин бундан унинг хушвақтинигига заррача зиён етгани йўқ.

— Дўстимнинг фарзанди! — деб қичқирди у Нина Александровнага қараб. — Ҳеч кутмовдим! Хаслимга ҳам келтирмовдим, лекин, азизим, наҳот марҳум Николай Львович ёдингдан кўтарилган бўлса? Сен уни қасрда... Тверда кўрганмидинг?

— Николай Львович эсимда йўқ. Отангизми у киши? — сўради у княздан.

— Отам, лекин у Тверда эмас, Елисаветградда ўлган эди шекилли, — ботинмайгина деди князь генералга. — Менга Павлишчев айтувди.

— Тверда, — тасдиқлади генерал, — ўлмасдан сал бурун Тверда кўчирилган эди, унда ҳали касали авжга чиқмаганди. Сиз унда жуда кичкина эдингиз, кўчиб ўтганларингиз ҳам, саёҳат ҳам ёдингизда қолмагандир; Павлишчев топилмас одам эди, лекин у ҳам яглишган бўлиши мумкин.

— Сиз Павлишчевни ҳам билармидингиз?

— Поёб одам эди, лекин мен ўзим — шахсан тепасида бор эдим. Мен унга ўлим тўшагида ётганда далда берганман...

— Отам суд пайтида ўлган экан шекилли, — деди яна князь, — лекин мен нимага суд бўлганини ҳеч аниқлай олмадим; у госпиталда ўлган.

— О, бу оддий аскар Қолпаковнинг иши, ҳеч шубҳасиз, князь оқланган бўлур эди.

— Шундайми? Сиз аниқ биласизми? — сўради князь жуда қизиқиб қолиб.

— Бўлмасам-чи! — қичқирди генерал. — Суд ҳеч нарсани ҳал қилолмай тарқалди. Ақл бовар қилмайдиган ҳодиса! Ҳатто сирли ҳодиса дейиш ҳам мумкин: рота командири, штабс-капитан Ларионов ўлади; князь вақтинча унинг ўрнига тайинланди; яхши. Оддий аскар Қолпаков ўғирлик қилади, — онасининг пойабзал ашёсини пуллаб, пулни ичиб битиради; яхши. Князь,

— эътибор беринг, бу фельдфебель билан капралнинг кўз ўнгида рўй беради, — Қолпаковни сўқади, қора калтак қилдираман деб дўқ қилади. Жуда яхши. Қолпаков казармага жўнайди, нар устига чиқиб чўзилади ва чорак соатдан сўнг ўлиб қолади. Жуда соз, лекин ҳеч кўрилмаган, қутилмаган ҳодиса. Нима бўлмасин, Қолпаковни қабрга қўядилар, — князь тушунтириш хати ёзади, шундан сўнг Қолпаковни рўйхатдан ўчирадилар. Жудаям яхши-ку бу, а? Лекин роппа-роса ярим йил ўтгандан кейин оддий аскар Қолпаков бригада кўриги пайтида худди ҳеч нарса бўлмагандай Новоземлянский пиёда аскарлар полкининг иккинчи батальон, учинчи ротасида пайдо бўлади, ўша бригада, ўша дивизияда!

— Қандай! — қичқариб юборди князь бутунлай лол қолиб.

— Ундай бўлган эмас, бу хато! — деди эрига Нина Александровна кўнгли гашланганча. — *Mom mari se trompe!*

— Лекин азизим, *se trompe*, айтишга осон бу, ўзинг ечиб кўр-чи бу чигалликни! Ҳамма боши берк кўчага кириб қолди. Мен ўзим биринчи бўлиб, *quon se trompe?*², деган бўлар эдим. Лекин бахтга қарши, мен ўзим гувоҳ эдим ва тафтишда иштирок этардим. Пайдар-пай юзлаштиришлар ва текширишлар шунини кўрсатдики, бу худди ўша ярим йил бурун аскарлар саф тортишиб, ногоралар садоси остида кўмилган оддий аскар Қолпаковнинг нақ ўзгинаси эди. Ҳақиқатан ноёб ҳодиса, одам ишонмайди бунга, қўшиламан, бироқ...

— Отажон, сизга дастурхон тузаб қўйишди, — деб хабар қилди Варвара Ардалионовна хонага кириб келаркан.

— А, бу жуда соз, тасанно! Очқаб ҳам кетдим... Бироқ руҳий ҳодиса деса ҳам бўлади буни...

— Шўрва яна ссвийди, — шошилтирди Варя.

— Ҳозир, ҳозир, — деди генерал хонадан чиқиб бораркан. — Берилган ҳамма справкаларга қарамасдан яна... — ҳамон ташқаридан унинг овози эшитиларди.

— Сиз, агар бизникида қоладиган бўлсангиз, Ардалион Александровични кўп жиҳатлардан кечиришингиз керак бўлади, — деди князга Нина Александровна, — лекин у сизни кўп безовта қилмайди, овқатни ҳам бир ўзи ейди. Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг, ҳар кимнинг ўзига яраша камчилиги бўлади ва... ўзига хос одатлари бўлади, баъзан бировнинг қилиқларини бармоқларини бигиз қилиб кўрсатишади, лекин ўзларини суриштириб қаралса, бундан бешбаттарроқ чиқади. Сиздан қаттиқ илтимос қиламан: агар мабодо эрим сиздан ижара ҳақи

¹ Эрим янглишяпти (франц.).

² Улар янглишяптилар (франц.).

талаб қилса, менга тўлаб қўйганлигингизни айтиңг. Мабодо Ардалион Александровичга берсангиз ҳам ҳисобга ўтаверади, лекин бевошлик бўлмасин деб илтимос қиляпман, холос... Нима бу, Варя?

Варя хонага қайтиб кирди ва индамай ойисига Настасья Филипповнанинг суратини узатди. Нина Александровна чўчиб тушди ва олдин кўрқинч ичида, сўнг эса аччиқ алам ўтида ёниб уни бирпас кўздан кечирди. Ниҳоят, Варяга савол назари билан қаради.

— Бугун акамга ўзи инъом қилибди, — деди Варя, — кеч-қурун ишлари бир ёқли бўлар экан.

— Бугун кечқурун! — худди умидсизланган каби овозини зўрга чиқариб такрорлади Нина Александровна. — Нима ҳам қилдик? Энди ишонмайдиган жойи ҳам қолмади, умидлар ҳам чилпарчин бўлди: сурат — хўп дегани... Нима, аканг ўзи сенга кўрсатдимми? — деб сўради у ҳайрон бўлиб.

— Ўзингиз биласиз-ку, биз бир ойчадан бери бир-биримиз билан гаплашмаймиз. Птицин менга бор гапни айтиб берди, сурат бўлса столнинг тагида полда ётган экан: ердан олдим.

— Князь, — мурожаат қилди унга бирдан Нина Александровна, — сиздан сўрамоқчийдим (сизни бу ерга шунга чақирган эдим), ўғлимни анчадан бери биласизми? У сизни бугун алла-қаердан келди дегандай қилаётувди?

Князь ўзи ҳақида қисқача гапириб берди, кўп сўзлаб ўтирмади. Нина Александровна билан Варя тинглашди.

— Мен сиздан Гаврила Ардалионовичнинг бирон бекитиқча ишини билиб олмоқчи эмасман, — деди Нина Александровна, — сиз тагин нотўғри хулоса чиқариб ўтирманг. Менга унинг ўзи айтолмайдиган бирон кори ҳол бўлса, буни орқаворатдан суриштириб ўтиришни истамайман. Буни айтаётганимнинг сабаби, боя Гаядан сизни сўраганимда у сизнинг олдингизда ва сиз кетгандан кейин: «У ҳаммасидан хабардор, яшириб ўтиришининг кераги йўқ!» — деб жавоб берди. Бу нима дегани: яъни мен билмоқчи эдимки, сиз қай даражада...

Бирдан Ганя билан Птицин кириб қолишди: Нина Александровна дарҳол жим бўлди. Князь стулда ўтирганча унинг ёнида қолди, Варя эса бир чеккага бориб турди; Настасья Филипповнанинг сурати ҳамма кўрадиган жойда, Нина Александровнанинг иш столчасида, унинг шундоқ ёнгинасида турарди. Ганя уни кўриб қовоғини солди, энсаси қотиб столдан олди-да, хонанинг нариги томонидаги ўз ёзув столига қараб итқитди.

— Бугунми, Ганя? — бирдан сўраб қолди Нина Александровна.

— Нима бугун? — типирчилаб қолди Ганя ва бирдан князга ёпиша кетди. — Э, тушундим, бу ердаям улгурдингизми! Э, ўзи қандоқсиз, касал-пасалмисиз? Нима бало? Ўзингизни ушлаб туролмайсиз? Бу тушунсангиз-чи, ахир, зоти олийлари...

— Бунга мен айбдорман, Ганя, бошқа ҳеч ким,— унинг гапини бўлди Птицин.

Ганя унга савол назари билан қаради.

— Шундай бўлгани ҳам яхши, Ганя, бир жиҳатдан иш пишган бўлгандан кейин,— деб гўлдиради Птицин кейин бир чеккага ўтиб, стол ёнига ўтирди ва киссасидан ёзув тўлдирилган аллақандай бир қоғозни олиб, диққат билан кўздан кечири бошлади. Ганя тунд тортиб, оилавий машмаша бошланишини кутарди. Княздан кечирим сўрашни у хаёлига ҳам келтирмади.

— Агар ҳаммаси тугаган бўлса, унда Иван Петрович ҳақ албатта,— деди Нина Александровна,— қоғозингни солма, омон бўлгур, жаҳлинг ҳам чиқмасин, Ганя ўзинг айтишни истамасанг, мен сўраб ҳам ўтирмайман, гапимга ишон, мен тақдирга тан бериб қўйдим, мурувват қил, ташвиш чекма.

У буларни ишидан бош кўтармай, афтидан, рости билан хотиржам бир қиёфада айтди. Ганя ҳайрон бўлди, лекин эҳтиёткорлик юзасидан чуққ этмас ва гапини очиқроқ айтар, деб ойнасига қараб турарди. Уйдаги жанжаллар уни еб ташлаган эди. Нина Александровна унинг эҳтиёткорлик қилаётганини сезиб, алам билан илжайди:

— Сен ҳалиям иккиланиб юрибсан, менга ишонмайсан; ташвиш тортма, менинг кўз ёшларим қуриди, қилган илтижоларим битди, жилла қурса, мендан энди кўнглингни тўқ қил. Менинг бутун тилагим: илоё бахтли бўл, сен буни биласан; мен тақдирга кўндим, лекин юрагим доимо сен билан, бирга қолсак ҳам, бошқа яшасак ҳам. Албатта, менинг кучим фақат ўзимга етади; сен синглингдан ҳам шуни талаб қилолмайсан...

— А, тағин уми!— чинқирди Ганя синглисига иршайиб еб юборадигандай қилиб қараб.— Ойижон! Сизга бир марта сўз берган эдим, яна қайта сўз бераман: ҳеч ким ҳеч қачон мен шу ерда эканман, тирик эканман сизни хафа қилолмайди. Ким тўғрисида сўз кетмасин, сизни тўла ҳурмат қилишларини талаб этажакман, остонамиздан кимки ҳатлаб ўтмасин...

Ганя хурсанд бўлиб кетди, ойнасига ўрталарида ҳеч қандай жанжал йўқдай меҳр билан қаради.

— Мен ўзим учун қўрқаётганим йўқ, Ганя, биласан-ку, шунча пайтдан бери мен ўзим учун қийналиб, азоб чекиб ётганим йўқ. Бугун ҳаммаси ҳал бўлади, дейишяпти? Нима ҳал бўлади?

— Бугун кечкурун у ўз уйда ё хўп, ё йўқ дейди, шундай деб ваъда берган,— жавоб қилди Ганя.

— Биз мана уч ҳафтадан бери бу ҳақда гаплашмай юрүдик, шу ҳам тузук эди. Энди ҳаммаси тугаган экан, фақат бир нарсани сўрашга журъат этаман, у сенга қандай қилиб розилик берди, қандай қилиб сурат тақдим этди, ахир сен уни сезмайсан-ку? Наҳотки, сен уни, ҳалигиндай... ҳалигиндай...

— Хўп, тажрибали хотинни демоқчимсиз?

— Ундай демоқчи эмасдим. Наҳот, сени деб унинг кўзларига ҳеч нарса кўринмай қолган бўлса?

Фавқулодда алам эшитилиб кетди бирдан ушбу саволда. Ганя бир зум ўйланиб туриб қолди, сўнг киноясини ичига ютолмай деди:

— Ойижон, сиз қизишиб кетдингиз, яна чидолмадингиз, ўртамиздаги ҳамма жанжал-сурон шундай бошланади, шундай авжга чиқади. Ўзингиз айтдингиз: сўраб-қисташлар, таъна-таъзурулар бўлмайди деб, лекин яна бошланди! Бас қилайлик, яхшиси, рост, қўяйлик; килла курса, сизнинг бир ниётингиз бөр эди... Мен ҳеч қачон қандай бўлмасин, сизни ташлаб кетмайман; ҳолбуки, бошқа одам бўлганда бундай сингилдан қочиб кетарди,— қараинг, қараб туришини, кўргани кўзи йўқ! Бўлди, йиғиштирайлик! Кўнглим сал кўтарилувди-я... Настасья Филипповна мен алдаётган эмишманми? Қаердан олдингиз бу гапни? Варяга келсак, ихтиёр ўзида, шу — бас энди. Бўлди, энди, бутунлай бас қилайлик!

Ганя гапирган сайин қизишиб бормоқда, хонада мақсадсиз бориб келмоқда эди. Бундай гаплар дарҳол бутун оила абзорларининг очиқ ярасига тегиб кетарди.

— Агарда бу ерга қадам қўядиган бўлса, бошимни олиб чиқиб кетаман, деяман, мен ҳам сўзимда тураман,— деди Варя.

— Қайсар!— деб чиққирди Ганя.— Қайсарлигингдан эрга тегмайсан! Нега менга ўшқирасан? Ҳаммасига тупурдим, Варвара Ардалионовна, истасангиз, ҳозироқ сўзингизнинг устидан чиқинг. Жудаям жонимга тегиб кетдингиз. Ия! Наҳот энди бизни ташлаб чиқиб кетсангиз, князь!— деб қичқирди у князь ўрнidan қўзғалганлигини кўриб.

Овозининг чиқишига қараганда жаҳли шу даражага етган эдики, одам бу аҳволда жаҳли чиққанига ўзи хурсанд бўлади, ўзини бутунлай жаҳлнинг ихтиёрига топширади ва оқибати нима бўлишидан қатъий назар, ундан тобора кучлироқ лаззатлана бошлайди. Князь эшикка етганда бир нарса дейишга шайланиб орқасига ўгирилди-ю, лекин ўзига азоб берган дилзорнинг носоғ юзига қараб, идишнинг тошиб чиқишига бир томчигина етмай турганлигини кўрди-да, индамай чиқиб кетди. Бир иеча да-

қиқадан сўнг меҳмонхонадан келаётган садолардан у машмаша янада ошкора авжга минганлигини англади.

У залдан даҳлизга ўтди, бу ердан коридорга чиқиб, сўнг бўлмасига борар эди. Кўча эшик олдидан ўтиб зинага томон бораркан, у эшик орқасида кимдир бор кучи билан қўнғироқ чапишга уринаётганлигини кўрди; лекин қўнғироқ бузилиб қолган экан чамаси, зўрга-зўрга тириқлаб, овози эшитилмасди. Князь илгакни туширди, эшикни очди ва ҳайрат-иңида орқасига тисарилди; бутун вужуди билан сесканиб тушди: унинг қаршисида Настасья Филипповна турарди. Суратини кўрганидан уни дарҳол таниди. Зарданинг зўридан қизнинг кўзлари ярақлаб очилиб кетди уни кўрганда; у даҳлиз томон шитоб билан ўтди, ўтаркан, князни елкаси билан четга суриб ўтди ва пўстинчасини ўзидан итқитиб ташларкан, аччиқланиб деди:

— Қўнғироқни тузатиб қўйишга эрисанг, жуда бўлмаса эшик олдида ўтир, одам келса, дарров очасан. Ана, энди пўстинни ҳам тушириб юборди, лапашанг!

Пўстин ҳақиқатан ерда ётарди; Настасья Филипповна князнинг ечиб олишини кутмасдан пўстинни унинг қўлига орқасига қарамай ечиб ташлаган, князь илиб олишга улгурмаган эди.

— Ҳайдаш керак сени. Бор, кириб айт.

Князь нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, лекин шу қадар ўзини йўқотиб қўйдикки, лом-ним деёлмай, пўстинни ердан кўтариб олган кўйи меҳмонхонага томон юра бошлади.

— Ана энди пўстин билан боряпти! Ҳай, пўстинни нега олиб борясан? Ха-ха-ха! Э, жинни бўлиб қолганмисан, нима бале?

Князь қайтди ва унинг қаршисида шамдай қотиб қолди, унга мўлғайиб қаради, у кулса, князь ҳам илжайди, лекин ҳамон тилига калолат келганча турарди. Унга эшик юзини очган лаҳзада юзи қумдай ўчиб кетган, мана энди эса бирдан юзига қон тепиб чиқди.

— Э, бу қандай телба ўзи?— ғазаб билан депсишиб, қичқирди унга Настасья Филипповна.— Қани, қаёққа кетяпсан ўзи? Қани, ким келди деб айтасан?

— Настасья Филипповна дейман,— гўлдиради князь.

— Сен мени қаердан биласан?— шитоб билан сўради ундан Настасья Филипповна.— Сени ҳеч кўрган эмасман! Бор, кириб айт... Нима тўполон бу?

— Жанжал,— жавоб берди князь ва меҳмонхона томонга йўл олди.

У гишава айни қизиган пайтда кириб борди: Нина Алексан-

дровна, «тақдирга тан берганлиги»ни бутунлай эсидан чиқариб юборганди, у ҳар қалай, Варяни ҳимоя қиларди. Птицин ҳам қалам билан ёзиб тўлдирилган қоғозни бир чеккага йиғиштириб Варянинг олдида турарди. Варянинг ўзи ҳам тап тортмасди, у ҳар нечук, юраксиз қизлар сирасидан эмас; лекин акасининг кўполлиги борган сари хуруж қилмоқда, чидаб бўлмай қолмоқдайди. Бундай чоғларда Варя одатда оғзини қаттиқ юмганча, акасидан кўзини узмай кулимсираб қараб тураверарди. Акаси унинг шу қилиғига сира дош беролмасди ва бутунлай чегарадан чиқиб кетарди. Худди мана шу дамда князь кириб келди ва садо берди:

— Настасья Филипповна!

IX

Умумий жимлик чўкди: ҳаммалари ҳеч нарсани англамай — англашни ҳам истамай князга қараб туришарди. Ганя кўрққанидан шамдай қотиб қолди.

Настасья Филипповнанинг бундай кириб келишини ҳеч ким кутмаган ва айниқса, ҳозирги дақиқаларда бу жуда ғалати кўринар, ҳаммаларини ташвишга солиб қўйганди. Яна бу Настасья Филипповнанинг биринчи марта келиши эди; шу пайтгача у ҳеч нарсани назар-писанд қилмаган, Ганя билан гаплашган чоғларида бирон марта ҳам яқинларингиз билан мени таништириб қўйинг, демаган, кейинги пайтларда эса уларни бутунлай эсламай қўйган, бу оламда бор-йўқликлари билан иши бўлмай қолганди. Ганя бошини ғалва-ғишавага қўядиган бундай гап ўртада қўзғалмай турганидан бир томондан хурсанд ҳам эди, лекин у ичида Настасья Филипповнанинг бу такаббурлигини ҳап сеними, дегандай яшиб қўйганди. Ҳар ҳолда у оиласи устидан Настасья Филипповнанинг кулиши, пичинг қилишини кутган эди-ю, лекин сира уйга қадам ранжида қилади деб ўйламаганди; унинг никоҳдан ўтаётганлиги муносабати билан оиласида рўй бераётган воқеалар, бунга ота-онаси қандай кўз билан қараётгани, ҳаммаси Настасья Филипповнанинг қулоғига етиб борганлиги ҳам маълум эди. Унинг мана шу бугун, ҳозир, сурат тақдим қилгандан кейин, тагин туғилган кунининг ўзида, шу кунни бир қарорга келаман, деб ваъда қилганининг устига ташриф буюргани маълум даражада бир қарорга келганлигини англатарди.

Уларнинг князга ҳайрон бўлиб қараб туришлари узоққа бормади: Настасья Филипповнанинг ўзи меҳмонхона остонасида пайдо бўлди ва яна меҳмонхона ичига қадам ташларкан, князни билинар-билимас туртиб ўтди.

— Зўрға кирибман-а, қуриб кетсин... ҳой, нега бу қўнғироқни боғлаб қўясизлар?— хушчақчақлик билан деди у олдига югургилаб келган Ганяга қўл чўзаркан.— Нега юзингиз бундоқ тўнкарилган? Қани, мени таништириб қўйсангиз-чи ахир...

Каловланиб қолган Ганя аввал уни Варя билан таништирди, улар бир-бирларига қўл узатмасларидан бурун ғалати қилиб кўз уриштириб олдилар. Дарвоқе, Настасья Филипповна кулиб, ҳолатини кулги билан пардалар эди; лекин Варя ўзини ниқоблашни истамас, тумтайиб, зингил солиб тикиларди; ҳатто шунчаки бир одоб юзасидан илжайиб ҳам қўймади. Ганя қотиб қолди; сўраб-истаб ўтирадиган пайт эмасди ва у Варяга шунақанги бир иддао билан ўқрайдики, бундан Варя ҳозир акасининг юрагида нималар кечаётганлигини яхши англаб олди. Шунда у акасига андак ён беришга қарор қилди ва Настасья Филипповнага билинар-билинемас табассум қилиб қўйди. (Улар оилада ҳали бир-бирларини жуда ҳам яхши кўрар эдилар.) Уртадан хижолатпазликни бир оз бўлса ҳам Нина Александровна кўтарди, Ганя бутунлай чалкашиб кетиб, уни сингисидан кейин таништирди ва унинг устига биринчи бўлиб, уни Настасья Филипповнанинг олдига олиб борди. Лекин Нина Александровна ўзининг «ҳаддан ташқари мамнуслиги» ҳақида эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳамки, Настасья Филипповна уни охиригача эшитмай, бурчакка, дераза олдига қўйилган кичкина диванчага ўтирди (ҳали уни ўтиришга таклиф қилмаган эдилар) ва Ганядан балаид овоз билан тез-тез сўрай бошлади:

— Қани сизнинг кабинетингиз? Ийнайкейин... Қани бу ижарачиларингиз? Ижара қўясизлар-ку, а?

Ганя дув қизариб кетди ва нимадир демоқчи бўлиб гўлдирган эди, лекин Настасья Филипповна шу заҳоти қўшиб қўйди:

— Бу ернинг нимасига ижара қўяди? Бўлмангиз ҳам йўқ экан. Нима, ижара фойдалими?— мурожаат қилди у бирдан Нина Александровнага.

— Ташвиши кўпроқ,— деб жавобга шайланди Нина Александровна,— фойдаси ҳам йўқ эмас, албатта. Айтгандай, биз мана ҳозиргина...

Лекин Настасья Филипповна яна унга қулоқ солмади: у Ганяга қараб, кула-кула қичқирди:

— Вой, юзингизни қаранг? Вой, худойим-ей, юзингиз ҳозир қандай бўлиб кетди-я!

Бир зум шундай кулги остида кечди, Ганянинг юзи чиндан жуда ёмон ўзгарди: у тиззалари қалтираб, қўрқиб ўзини йўқотиб, кулгили бир аҳволга тушганди, бирдан у ўзини анча тутиб

олади; лекин энди ранги тезарди; лаблари тортишиб қийшайди; у кулгиси ҳалигача босилмаган меҳмонининг юзига бақрайиб қаттиқ тикилиб қолди.

Бу ерда ҳали Настасья Филипповнани кўргандан кейин эс-ҳушини йўқотиб карахт бўлиб қолган яна бир одам ҳам бор эди; лекин у ҳамон бояги-боягича меҳмонхона эшиги олдида «қоққан қозикдай» турганига қарамасдан, Ганянинг қути ўчиб, юзи ёмон хунуклашиб бораётганини сизди. Бу одам князь эди. У юраги орқасига тортиб кетгандай бўлиб, бирдан беихтиёр су-ратда олдинга чиқди.

— Сув ичинг,— шипшиди у Ганяга.— Бундай қилиб қара-манг...

Бу сўзларни у ҳеч қандай бир муддаосиз, ҳеч нарсани кўзла-май, шунчаки, кўнгли чопиб айтди; лекин унинг сўзлари фавку-лодда таъсир қилди. Ганя энди бор газабини князга сочди: у князнинг елкасидан чангаллаб ушлаб олди-да, унга кин ва адо-ват билан тили ганга келмай оғир тикилиб қолди. Ҳамма ҳая-жонга тушди: Нина Александровна ҳатто аста чиққириб юбор-ди, Птицин безовта бўлиб олдинга юрди, эшикда пайдо бўлган Коля билан Фердишченко ҳайрат ичида тўхтаб қолдилар, фақат Варя ҳамон хўмрайиб, дикқат билан тикилар, у ўтирмай онасининг ёнгинасида қўлларини кўкрагида қовуштирганча турарди.

Лекин Ганя дарров, бир лаҳза ўтар-ўтмас ўзини қўлга олди ва асабий тарзда хахолаб кула бошлади.

— Нима бу ўзи, князь, доктормисиз дейман?— деб қичқирди у иложи борича қувноқлик ва содда-мугамбирлик билан,— одам-ни кўрқитиб юбордингиз; Настасья Филипповна, танишиб кў-йинг, жуда ҳам аниққа, топишмас бир зот, у киши билан эрта-лабдан бери танишимиз.

Настасья Филипповна ҳайрон бўлиб князга қараб турарди.

— Князь? У князми? Вой, муни қараиң, мен ҳали эшикда уни малай деб ўйлабман ва бор кириб айт деб унга иш буюр-дим! Ха-ха-ха!

— Зарари йўқ, зарари йўқ!— илиб кетди Фердишченко, ҳам-ма кула бошлаганини кўриб суюниб, шоша-пиша яқинлашар-кан,—зарари йўқ: se non é vero...¹

— Яна сизни уришиб ҳам ўтирибман, князь... Мени кечи-ринг, хўпми; Фердишченко, бемаҳалда сиз нима қилиб юрибсиз бу ерда? Жилла қурса, сиз бўлмасангиз керак дедим. Ким?

¹ Гарчи тўғри бўлмаса ҳам... (итал.)

Қандай князь? Мишкин?— қайтадан сўраб олди, у, ҳамон княз-нинг елкасидан тутиб таништираётган Ганядан.

— Бизникида туради,— такрорлади Ганя.

Афтидан, князни Настасья Филипповнага ноёб, кам топиладиган бир зот каби тақдим этмоқда (князь уларнинг ҳаммаларини оғир вазиятдан қутқаргани) эдилар: князь орқа томонда Фердищенко Настасья Филипповнанинг қулоғига «тентак»,— деб шивирлаганини аниқ эшитди.

— Айтинг-чи, нега мен боя бундай ёмон... адашганимда, индамай турдингиз?— деб давом этди Настасья Филипповна князни бошдан-оёқ беписандлик билан кўздан кечираркан; у сабрсизланиб жавоб кутар, жавоб одамнинг кулгисини қистатадиган даражада телба-тескари чиқишига унинг ишончи қолмади.

— Сизга тўсатдан кўзим тушиб, ҳайрон қолдим...— ғўлдираб деди князь.

— Мен эканлигимни қаердан билдингиз? Илгари мени қаерда кўрган эдингиз? Қизиқ-а, ростдан ҳам мен уни қаердадир кўргандайман-а? Ҳай, менга қаранг, нега ҳали тошдай қотиб қолдингиз турган жойингизда? Менинг нима бор экан тошдай қотириб қўядиган?

— Қани, ол, гапир энди!— тинмасдан қийшангларди Фердищенко,— бўла қолсанг-чи! О, парвардигорим, мен бўлсам нималарни гапириб ташламасдим! Қани бўл... Тоза сўтак экансан-ку, князь, гапирсанг-чи!

— Сизнинг ўринингизда бўлсам, мен ҳам гапириб ташлардим,— кулди князь Фердищенкога қараб.— Боя мени суратингиз лол қилиб қўйди,— давом қилди у Настасья Филипповнага,— кейин Епанчина ойимлар билан сиз тўғрингизда гаплашдик... Тонг азонда эса темир йўлда Петербургга келаётганимизда, сизни Парфен Рогожин кўп айтиб берди менга... Сизга эшик очган маҳалимда ҳам сизни ўйлаб турувдим, қарасам, бирдан ўзингиз.

— Мен эканлигимни қаердан билдингиз?

— Суратингиздан ва...

— Ва яна?

— Яна мен сизни худди шундай тасаввур қилгандим... Сизни худди қаердадир кўргандай эдим.

— Қаерда? Қаерда?

— Сизнинг кўзларингизни худди қаердадир кўрганга ўхшайман... йўқ, бундай бўлиши мумкинмас! Мен ўзим шундай... Бу ерда илгари ҳеч бўлган эмасман. Балки тушимдами...

— Оббо, князь-ей!— қичқирди Фердишченко,—Йўқ, se поп è vego деганимни қайтиб оламан. Нафсиламрга... нафсиламрга, бу ростдан ҳам қўй оғзидан чўп олмаганга ўхшайди!— деб қўшиб қўйди у афсусланиб.

Князь ўзининг шу бир неча жумла сўзини овози қалтираб, титраб нафаси етмай, бўлиб-бўлиб айтди. У фавқулодда ҳаяжонга тушганди. Настасья Филипповна унга ажабланиб қараб ўтирар, лекин энди кулмасди. Худди мана шу дақиқада бирдан князь билан Настасья Филипповнани ўраб олган одамлар орқасидан дўриллаган баланд янги бир овоз эшитилди ва тўдани, нима десак экан, қоқ иккига бўлиб юборди. Настасья Филипповнанинг қаршисида хонадон бошлиғи генерал Иволгининг ўзи кўкрак кериб турарди. Унинг эғнида фрак, ёқалари оппоқ-озода; мўйловлари йилтирарди...

Ганя адои тамом бўлди.

Худбин, манман, бадгумон ва ваҳимачи; икки ойдан бери муттасил ўзини тузукроқ, олижаноброқ қилиб кўрсатиш учун қандай бўлмасин бир нуқта, бир суявч қидирган; ўзи кирган йўлда ғўрлик қилаётганини сезган ва буни эплаб кетолмаслигига кўзи етган; уйда золимлик билан ҳукмини ўтказган, ҳаддан ортиқ қўполлик, бетамизлик қилиш даражасигача борган, лекин Настасья Филипповнанинг қошида калавасининг учини йўқотиб қўйган ва нафаси ичига тушиб кетиб, унинг раҳмсиз нигоҳи қаршисида пусиб қолган, журъатини йўқотган; Настасья Филипповнанинг ибораси билан айтганда,— бу ҳам унинг қулоғига етиб борган, «бесабр гадо», буларнинг ҳаммаси учун кейинчалик бир аламини юз қилиб оламан, деб эртаю кеч қасам ичиб, яниб кўнглига тугиб юрган аламзада ва гоҳи кезлар ҳаммасини изга солиб юборишни, келиштириб бўлмайдиган нарсаларни келиштиришни болаларча хаёл қилган—мана шу кимса, ҳали бу заҳар-заққумни ҳам ютиши керак эди, яна худди мана шундай бир дақиқада! Манман одам учун яна бир сира кутилмаган, лекин жуда ҳам даҳшатли қийноқ— ўз уйида туриб, ўз яқинлари учун қизариш, шамгин бўлиш қисмати ҳам унинг пешонасига ёзилган экан.—«Эшовидан тушови қимматга тушади шекилли!»—деган фикр лип этиб Ганянинг хаёлидан ўтди.

Айни ушбу дақиқаларда икки ойдан бери кечалари ваҳимали тарзда тушларига кириб чиқаётган, унинг вужудини қора даҳшат билан тўлдирган, маломат оловида ёққан нарсалар кўз ўнгида рўй бермоқдайди; ниҳоят, отаси билан Настасья Филипповна кўришдилар. У баъзан атай ўзининг ғашига тегиб, асабларини жунбишга келтириб генерални никоҳ маросими чоғида тасаввур қилиб кўрмоқчи бўлар, лекин ҳеч қачон бу

даҳшатли манзарани охиригача етказолмас, дарҳол ўзини бошқа нарсага чалғитарди. Балки фалокат унинг кўзларига ҳаддан ташқари катта кўринаётгандир; лекин манман одамлар донм шундай бўладилар. Шу икки ой ичида у алоҳа ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди ва қандай қилиб бўлмасин, жилла қурса вақтинча, отасини четлаштириб туришга, иложи бўлса Петербургдан бирон ёққа жўнатишга аҳд қилган эди, онаси бунга кўнадими, кўнмайдими унга барибир эди. Ун дақиқа олдин Настасья Филипповна кириб келганда, у шунчалар ҳайратланиб донг қотиб қолган, Ардалион Александрович кириб қолиши мумкинлиги бутунлай хаёлидан кўтарилиб кетган, натижада бунинг олдини ололмай қолганди. Мана, генерал ўзлари пайдо бўлдилар ҳамманинг ҳузурида, яна тантанага тайёрланиб, фрак кийиб кирибди, яна худди Настасья Филипповна «унинг ўзини ва оила аъзоларини калака қилиш учун қулай пайт пойлаб турган» (бунга унинг ишончи комил эди) бир лаҳзада ҳозир бўлди. Тўғриси ҳам шу-ку, бўлмаса, нима қилиб юрибди бу ерда? Онаси ва синглиси билан кўришгани келганми ёки уларни уйда туриб ҳақорат қилгани келганми? Бироқ ҳар иккала томоннинг ишғол қилган ўрнига, рафторига қараганда, шубҳаланиб ўтирмаса ҳам бўларди; онаси билан синглиси бир четда бетларига биров тупургандай бўлиб ўтиришар, Настасья Филипповна эса, улар билан бир ерда ўтирганлигини унутиб юборганга ўхшарди. Ўзини шундай тутяптими, албатта, кўнглига бир нарсани туккан у!

Фердишченко генерални қўлтиқлаб олиб келди.

— Ардалион Александрович Иволгин,—деди таманно билан генерал эгилиб, табассум қиларкан,—бахтсиз қари солдат ва хонадон бошлиғи, шундай бир гўзал хилқатни бағрига босмоқликдан бахтиёр бир...

У тугатолмади; Фердишченко унинг орқасидан тез стул тутди ва тушликдан сўнгги ушбу дамларда тиззалари бир оз қалтираб турган генерал, ўзини таппа стулга ташлади, тўғрироғи, стулга қулади, лекин бундан заррача ҳам ўнғайсизлангани йўқ. У шундоққина Настасья Филипповнанинг рўпарасига ўтириб, ёқимли оҳанжама билан оҳиста ва ғоят келиштириб унинг нозик бармоқларини лабларига олиб борди. Генерал, умуман, бир нарсадан тортиниб, хижолат чекиб ўтирадиган одам эмасди. Унинг ташқи кўриниши ҳам бир оз қаровсизлигини айтмаса, ҳали анча салобатли ва кўркам эди, буни унинг ўзи ҳам яхши биларди. Илгари у жуда яхши давраларга кириб, қатнашиб турар, лекин икки-уч йил бўлиб қолган, унинг оёғини у давралардан буткул узиб юборишган эди. Шундан сўнг у айрим қабоҳатларга муккасидан кетганди; лекин муома-

лалари ҳамон кези келса, ёқимли ва ўктам эди. Настасья Филипповна Ардалион Александрович келганига, афтидан, гоят хурсанд бўлганга ўшарди, илгари фақат у ҳақида орқаворатдан эшитиб юрарди, холос.

— Эшитдимки, менинг ўғлим...— сўзлай бошлади Ардалион Александрович.

— Ҳа, сизнинг ўғлингиз! Сиз ҳам, дадаси, тузуксиз, Нега ҳеч бизникида кўринмайсиз? Нима, ўзингиз беркиниб олганмисиз ёки ўғлингиз сизни беркитиб юрадими? Сиз ахир бемалол келишингиз мумкин-ку меникига, бошимиз осмонга етади қадам ранжида қилсалар.

— Ун тўққизинчи асрнинг фарзандлари ва уларнинг ота-оналари...— бошлади яна генерал.

— Настасья Филипповна! Марҳамат қилиб, Ардалион Александровичга бир зум ижозат этсангиз, уни сўрашяпти,— баланд овоз билан деди Нина Александровна.

— Ижозат этсам! Бемалол, мен сизни кўп эшитган эдим, апчадан бери бир кўрсам дердим! Қандай иши бор экан унинг? Ахир у истеъфога чиққан-ку? Сиз мени ташлаб кетмайсизми, генерал, кетиб қолмайсизми?

— Сизга сўз бераман, у сизнинг олдингизга ўзи боради, лекин ҳозир дам олиши керак.

— Ардалион Александрович, сизни дам олишга муҳтож дейишяпти!— деб қичқирди Настасья Филипповна худди қўғирчоғи тортиб олинаётган тентак қизчадай норози бўлиб афтини буриштириб. Генерал эса ўз аҳволини янада кулгили кўрсатишга ҳаракат қилди.

— Азизам! Азизам!— деб койинганимо мурожаат қилди у хотинига қўлларини кўкрагига тантанавор қовуштириб.

— Сиз бу ердан кетмайсизми, ойишжон?— баланд овоз билан сўради Варя.

— Йўқ, Варя, мен охиригача ўтираман.

Настасья Филипповна саволни ҳам, жавобни ҳам албатта эшитди, лекин бундан қувноқлигига яна қувноқлик қўшилгандай бўлди. У шу заҳоти генерални саволларга кўмиб ташлади ва беш дақиқадан сўнг генерал бутунлай байрам кайфиятига берилган ҳолда оғзини тўлдириб сўзлар, ҳамма хандон ташлаб куларди.

Коля князнинг енгидан тортди.

— Жуда бўлмаса сиз уни амаллаб олиб кетинг! Майлими? Бир илож қилинг!— шўрлик болакайнинг кўзлари аламдан ёшга тўлганди.— О, ярамас Ганька!— деб қўйди ўзига-ўзи.

— Иван Федорович Епанчин билан мен ҳақиқатан қалин ўртоқ эдим,— сайраб кетди генерал Настасья Филипповна.

нинг саволларига жавобан.— Мен, у ва марҳум князь Лев Николаевич Мишкин, йигирма йиллик жудоликдан сўнг унинг фарзандини бугун бағримга босдим, учовимиз айрилмас дўст эдик, нима десамикки; кавалькада: Атос, Портос ва Арамис. Бироқ, афсус, бири туҳмат ва ўққа учиб қабрда ётибди, иккинчиси мана қошингизда турибман ва ҳали у бўҳтонлар ҳамда ўқларга қарши курашажак...

— Ўқлар дейсизми!— қичқирди Настасья Филипповна.

— Улар мана кўкрагимда, Карс жангида олганман, ҳаво булутли кезларда билинади. Бошқа яна нима дейман: файласуфлардай яшайман, юраман, айланаман, ишдан йироқлашган буржуалар сингари ўзимга ёққан кафедра шашка ўйнайман ва «Independance»¹ ўқийман. Аммо бизнинг Портос, яъни Епанчи билан уч йил бўлади, гаплашмай қўйганман, темир йўлда бир лайча важидап аразлашиб қолганмиз.

— Лайча! Бу яна нимаси бўлди?— бошқача бир қизиқини билан сўради Настасья Филипповна.— Лайча туфайли дейсизми? Қандай қилиб, тагин темир йўлда-я!..— дерди у ниманидир эслагандай бўлиб.

— О, бўлмағур бир воқеа, гапириб ўтиришга ҳам арзимайди: княгиня Белокопскаянинг гувернант қизи, мистрис Шмидт важидап, бироқ... гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

— Йўқ, албатта гапириб берасиз!— хушчақчақлик билан хитоб қилди Настасья Филипповна.

— Мен ҳам ҳали эшитмаганман!— деди Фердишченко.— C'est du nouveau².

— Ардалион Александрович!— яна Нина Александровнанинг ялинган товуши эшитилди.

— Отажон, сизни чақиритишпти!— қичқирди Коля.

— Бўлмағур бир воқеа, ўзи икки оғиз,— бошлади генерал таманно билан.— Икки йил бўлди, ҳа! Салкам икки йил, янги фалон темир йўл эндигина очилган эди, мен (унда кишилик кийим кийиб улгурган эдим) ўша хизматим юзасидан ўзим учун баъзи бир фавқулодда муҳим ишларни топширгани билет олдим, биринчи классга чиқдим, ўтирдим, чекдим. Яъни чекиб ўтирибман, олдинроқ тутатиб олгандим. Бўлмада бир ўзим. Чекишман этилмаган, лекин рухсат ҳам берилмаган; шундай, яъни одатдагидай рухсат бериб-берилмаган; яна одамига қараб; ойна тушириб қўйилган. Бирдан энди хуштак чалинади деб турганда, икки хоним лайча кўтариб чиқишади ва шундоқ

¹ «Мустақиллик» (франц.).

² Бу янгилик (франц.).

тўғримга жойлашишади; кечикиб қолишибди; бирёви жуда дабдаба билан ясан-тусан қилган, оч ҳаворанг кийимда; бошқаси камсуқумроқ, эғнида йўл-йўл қора ипак. Икковиям тузуккина, кибр-ҳавоси баланд, гаплари инглизча. Мен шундай ўзим ўтирибман; чекапман. Яъни ўзи бир хаёлимга ҳам келувди, лекин барибир чекапман, негаки ойна ҳам очиқ, ойна томонга чекапман. Лайча оч ҳаворанг либос кийган ойимтилланг тиззасида ётибди, жимитдай, худди менинг муштимдай келади, ўзи қора, панжалари оппоққина, жуда поёб. Бўйинчасига кумушдан тамға босилган. Парвойим фалак. Сезиб турибман, хонимларнинг ачкиқлари чиқяпти, сигарага-да, албатта. Бирови лорнет тутиб қарайди, лорнети тошбақа косасидан. Ҳамон парвойим фалак. Ўзлари индамаганларидан кейин мен ахир нима қилай? Агар айтишса, огоҳлантиришса, илтимос қилишса бўлади-ку, одамда забон деган нарса бор-ку, ахир! Йўқ, миқ этишмайди... бирдан денг,— бир оғиз айтмасдан, огоҳлантирмасдан денг, яъни шу андаккина бўлсин айтиб ўтирмасдан, худди жинни-минни бўлиб қолганми дейсиз,— оч ҳаворанг кийинган ойимтилла қўлимдан сигарани шартта юлиб олиб деразадан отиб юборса бўладими. Вагон, қарасам, худди қутургандай учиб борапти. Ваҳший хотин; хотин ваҳший, қутуриб кетганини қаранг: ўзи денг, бўйдор, лобар, ўктам, оппоқ, юзлари қип-қизил (ҳатто жуда қип-қизил), менга тикилган кўзлари чўғдай ёнади денг. Мен бир оғиз гапирмадим, фавқуллодда одоб билан, ҳаддан ташқари одоб билан, яна ҳам тўғрироғи, жуда, жуда ҳам нафис, нозик одоб билан икки бармоғимни лайчага олиб бордим, лутфкорлик билан бўйнидан ушлаб, шартта ойнадан улоқтириб юбордим, сигара орқасидан! Ванг, деди холос! Вагон денг учиб борапти...

— Вой, золим!— қичқириб юборди Настасья Филипповна, ёш қизчалардай чапак чалиб қаҳ-қаҳ уриб куларкан.

— Офарин, офарин!— деб қичқирди Фердишченко. Генерал келгандан сўнг жудаям қовоғи тушиб кетган Птицин ҳам илжайди; ҳатто Коля ҳам кулиб юборди ва: «Қойил!»— деб қичқирди.

— Мен ҳақман, уч карра ҳақман!— кўпирарди ҳовлиққанча генерал,— нега десангиз, вагонларда чекиш мумкин бўлма-са, ит олиб юриш ҳам аллақачон ман этилган.

— Қойил, дадажон!— ўзида йўқ шод қичқирди Коля,— жуда зўр! Мен бўлсам ҳам албатта шундай қилардим, албатта!

— Хоним нима бўлди?— сабрсизлик билан сўради Настасья Филипповна.

— Уми? Ҳамма кори бад мана шу ерда-да,— давом этди қовоғини солиб генерал,— у бир оғиз ҳам гапирмай, бир оғиз

огоҳлантирмай денг, шартта тарсакилаб қолса бўладими? Ваҳший хотин: бутунлай қутуриб кетган хотин денг!

— Сиз-чи?

Генерал ерга қаради, қошларини чимирди, лабларини қимтиди, қўлларини ёзди, индамади, кейин бирдан:

— Кулочкашлаб қўйиб юбордим!— деди.

— Қаттиқми? Қаттиқми?

— Худо ҳаққи, қаттиқ эмас! Жанжал чиқди, лекин қаттиқ эмас. Мен фақат бир мартагина кулочкашладим, ёлғиз кулочкашлаш учун кулочкашладим. Орага шайтон тушди: оч ҳаворанг либос кийган оймтилланинг ўзи инглиз, гувернант хотин, ҳатто княгиня Белокопскаянинг аллақандай яқин кишиси, қора ипак кийгани эса княжна Белокопскаяларнинг тўнғичи, ўттиз бешларга кирган қари қиз бўлиб чиқди. Генерал ойм Епанчинанинг Белокопскаялар хонадонига муносабати маълум. Барча княжналар ҳушдан кетиб қолишган, қий-чув, тўполон, йиғи-сиғи, эркатой лайчага мотам, олтовлон княжна уввос солган, инглиз хотин чинқирган, қиёмат-қойим! Ҳузурларига бордим бошимни эгиб, пушмон бўлиб, узр-маъзур сўраб, хат ёздим, на хатни қабул қилишди, на мени. Епанчин билан орамиз бузилди, ҳайдадилар, сафдан ўчирдилар.

— Лекин менга қаранг, бу қандоқ бўлди?— бирдан сўраб қолди Настасья Филипповна.— Беш ёки олти кун бўлиб қолди «Indépendance»да ўқувдим — мен «Indépendance»ни қанда қилмай ўқиб бораман — худди шундай воқеани ёзишганди! Бу воқеа Рейн бўйидаги темир йўллардан бирида бўлиб ўтади, вагонда бир француз киши билан инглиз хотин уришиб қоладилар: сигарани худди ўшандай отиб юборадилар, лайчани ҳам айнан шундай улоқтирадилар, ниҳоят охири ҳам худди сиз айтгандай тугайди. Ҳатто кўйлаги ҳам оч ҳаворанг!

Генерал қизарди, Коля ҳам қизариб кетди ва қўли билан бошини чангаллади; Птицин дарҳол юзини ўгириб олди. Фақат Фердишченко ҳамон қаҳ-қаҳ отиб куларди. Ганяни-ку, гапириб ўтирмаса ҳам бўлади; у миқ этмасдан чидаб бўлмас азобга, давосиз дардга дош бериб турарди.

— Рост айтяпман,— гўлдиради генерал,— менинг ҳам бошимдан худди шундай воқеа ўтган...

— Дадам ростдан ҳам Белокопскаяларнинг гувернанти мистрис Шмидт билан уришиб қолган,— деб қичқирди Коля,— менинг эсимда.

— Қандай! Айнан шундайми? Битта воқеа Европанинг икки чеккасида рўй берибди-да, яна бир-бирига айнан ўхшаш, ҳамма тафсилотлари ўхшаш, ҳатто оч ҳаворанг кўйлакча!— ижи-

киларди бераҳм Настасья Филипповна.—Мен сизга «Indépendance Belge»ни юбораман!

— Лекин,— қўймасди генерал ҳам,— бу воқеани мен икки йил аввал бошимдан ўтказганман...

— Э, шундай демайсизми?

Настасья Филипповна қотиб-қотиб куларди.

— Отажон, сизда икки оғиз ганим бор. Юринг,— деди қалтираган, рахт еган овоз билан Ганя беихтиёр отасининг елкасидан ушлаб оларкан. Унинг нигоҳида чексиз алам бор эди.

Айни шу лаҳза кўча эшик қўнғироғи фавқулодда қаттиқ даранглаб кетди. Бундай зарба билан қўнғироқни суғуриб олиш мумкин эди. Аллақандай ғалати одамлар ташриф буюрганга ўхшарди. Коля эшикка югурди.

X

Эшикда бирдан шовқин-сурон, тўпалон қўпди. Одамлар уймалашиб қолди, меҳмонхонадан худди уйга бир тўда одамлар кириб келгандек ва ҳамон кириб келаётгандек бўлиб эшитиларди. Аллакимлар говур-гувур қилиб бараварига гаплашар, шовқин соларди; зинадан ҳам одамларнинг бақирган, чақирган овозлари эшитиларди, даҳлиз эшиги очиқ қолганди, кимлар келганини ҳеч англаб бўлмасди. Ҳаммалари бир-бирларига қараб олишди; Ганя залга югуриб чиқди, лекин залга ҳам аллақанча одамлар кириб улгуринганди.

— А, ана ўзи, Иуда!— қичқирди князга таниш овоз.— Салом, Ганька, аблаҳ!

— Ўзи, худди ўзгинаси!— тасдиқлади бошқа овоз.

Князь аниқ билди: овоз эгасининг бири Рогожин, иккинчиси Лебедев эди.

Ганя меҳмонхона остонасида гарансиб Парфен Рогожиннинг кетидан залга кириб келаётган ўн-ўн икки чоғли одамга индамай, тўсқинлик қилмай қараб турарди. Тўда ҳаддан зиёд хилма-хил одамлардан иборат эди, хилма-хиллиги устига яна маза-матрасиз одамлар эди. Баъзилари кўчада юргандай пальто ва пўстинларини ечмаган эдилар, ораларида ғирт мастлар йўқ эди; лекин ҳаммалари ширакайф бўлиб олишганди. Ҳаммалари ичкарига бир-бирларини етаклашиб, бир-бирларига далда бўлишиб кирган эдилар, ёлғиз бўлса, биронтаси ҳам бунга журъат қилолмасди, шунинг учун ҳаммалари бир-бирларини турткилашарди. Ҳатто тўдабоши Рогожиннинг ўзи эҳтиёткорона қадам босар, лекин унинг қандайдир нияти борга ўхшар, тунд, серзарда, серташвиш боқарди. Бошқалар уни қўллаб-қувватлаш мақсадида шотир бўлиб эргашган эдилар. Кирган-

лар орасида Лебедевдан ташқари жингалак сочли Залёжев ҳам бор эди, у пўстинини даҳлизда қолдирган, олифта, бепарво, беписанд кўринар ва яна шу тоифа икки-учта жаноб, афтидан, савдогарлар бўлса керак,— бор эди. Аллақандай чалаҳарбий кийинган киши; аллақандай тинмай тиржанглаган пакана ва ҳаддан ташқари семиз киши; аллақандай ҳаддан ташқари найнов, ҳаддан ташқари бадқовоқ ва безрайган, кўринишдан муштира жуда ишонган киши; битта тиббиёт талабаси, битта оёқ остида ўралашиб юрадиган поляк; зинадан аллақандай икки хотин даҳлизга мўралаб, киришга журъат қилолмай, туришарди; Коля уларнинг бетига эшикни шарт ёпиб илгакни туширди.

— Салом, Ганька, аблаҳ! Нима, кутмовдингни Парфен Рогожинни?— такрорлади Рогожин меҳмонхона эшигига етиб, Ганянинг қаршисида тўхтаркан. Лекин шунда бирдан меҳмонхонада худди рўпарасида Настасья Филипповнага кўзи тушди. Афтидан, уни бу ерда учратаман деб сира ўйламаган шекилли, афтидан бўлиб қолди: унинг туси шунчалар ўчдики, ҳатто лаблари кўкариб кетди.— Демак, тўғри экан-да!— секин деди у худди ўзига гапиргандай қилиб бутунлай саросима ичида,— та-мом!.. Хўп... Энди мендан кўрадиганингни кўрасан!— деди у тишларини гижирлатганча чексиз аламзадалик билан Ганяга қараркан...— Хўп... оҳ!..

У ҳансирар, тили қалдираб зўрға айланарди. У беихтиёр меҳмонхонага қараб юрди, лекин остонадан ўтиб, Нина Александровна билан Варяга кўзи тушди-ю, қаттиқ ҳаяжонда бўлишига қарамасдан, бирмунча хижолат чекиб тўхтаб қолди. Унинг орқасидан соядай эргашиб бирт маст Лебедев ўтди, кейин талаба йигит, забардаст жаноб, ҳаммага етти букилиб салом берган Залёжев ва охирида бақалоқ киши суқилишиб кириб бордилар. Ҳали ҳам хонимлар борлиги уларни бир оз тўхтатиб турар, афтидан, бу уларнинг қўлларини боғлаб қўйганди, албатта, бир бошлаб олгунча шундай, бир бошлаб, хуржга миниб олсаларми... Унда ҳеч қандай хонимлар халал бера олмасди.

— Ие? Сен ҳам шу ердამисан, князь?— паришонхотирлик билан деди Рогожин князь билан учрашиб қолганидан озгина ҳайратга тушиб.— Ҳалиям чоринг ўзгармабди-да, э-эҳ!— хўрсиниб қўйди у шу заҳоти князини эсидан чиқариб, яна Настасья Филипповнага тикиларкан, Настасья Филипповна гўё оҳанрабо эди, ва шу оҳанрабо тобора уни ўз комига қаттиқроқ тортарди.

Настасья Филипповна ҳам янги келган меҳмонларга ташвишланиб қизиқсиниб қараб қолганди.

Ниҳоят Ганянинг ҳуши ўзига келди.

— Лекин қизиқ бўлди-ку, бу нима гап ўзи?— деди у кириб келувчиларга олайиб қараркан овозини кўтариб кўпроқ Рогожинга қарата мурожаат қилгандай бўлиб.— Бу ер сизга отхона эмас, жаноблар, онам бор, синглим бор бу ерда...

— Кўриб турибмиз онанг билан синглингни,— тишининг орасидан гапирди Рогожин.

— Кўришиб турибди, она ҳамда сингил экани,— ялтоқланиб тасдиқлади Лебедев.

Муштумзўр жаноб фурсат келди деб ўйлади шекилли, нималарнидир тўнғиллай бошлади.

— Фарқи йўқ!— бирдан бақириб юборди Ганя,— аввало, бу ердан ҳамманг залга чиқларинг, ундан кейин, ўзи нима гап...

— Нима гап эмиш, вай сени!— ғазабланиб иршайди Рогожин ўрнидан қимир этмай,— Рогожинни танимадингни?

— Сиз билан учрашсам, бирон жойда учрашгандирман, аммо...

— Қаранг, бир жойда учрашганмиш! Отамнинг икки юз сўм пулини мендан ютиб олганинга ҳали уч ой ҳам бўлгани йўқ, чол ўлиб кетди-ю, хабари бўлмай қолди; сен мени зўрландинг, Қниф бўлса ғирромлик қилди. Танимаяпсанми? Ана, Птициннинг хабари бор! Э, нимасини айтаман, сенга уч сўлкавойни кўрсатсам, ҳозир агар киссамдан чиқарсам, сен Васильевский оролигача ўрмалаб борасан оламан деб,— сен мана шунақасан! Сенинг дилинг мана шунақа! Мен ҳозир ҳам сени пулга сотиб олгани келдим, бунақа этикда келганимга қарама, оғайни, менинг пулим кўп, сени бутун ашқол-дашқолинг билан сотиб оламан... истасам, ҳаммангни сотиб оламан! Ҳаммасини сотиб оламан!— тобора қизишиб, кўпириб масталаст одамга ўхшаб борарди Рогожин.— Э-эҳ!— қичқирди у,— Настасья Филипповна! Шафқат қилинг, ҳайдаманг, бир оғиз айтинг, унга тегяпсизми, йўқми?

Рогожин ҳамма нарсасини бой берган одам каби худди аллақандай ўз илоҳасига мурожаат қилаётгандай савол берди, у баайни ўлим жазосига ҳукм қилиниб, бошқа йўқотадиган ҳеч нарсаси қолмаган одамга ўхшарди. У юраги беҳад сиқилиб жавоб кутарди.

Настасья Филипповна уни калака қилгандай кибр билан бошдан-оёқ назар солиб чиқди, бироқ Варя билан Нина Александровнага, ундан сўнг Ганяга бир қаради-ю, бирдан гапининг оҳанги ўзгарди.

— Унчалик эмас, сизга нима бўлди? Ундан кейин буни сўрашга сизнинг нима ҳақингиз бор?— жавоб берди у секин ва жиддий, бир озгина ҳайрон қолган киши бўлиб.

— Йўқми? Йўқ!!—қицқириб юборди Рогожин хурсанд бўлганидан ўзини йўқотгудай жазавага тушиб,—ундай эмас экан-ку?! Булар бўлса менга... оҳ! Уҳ!.. Настасья Филипповна! Улар сизни Ганькага унаштирилган деб юришибди! Шунга-я? Куракда турмайди-я бу гап? (Уларга шуни айтяман!) Мен уни бор-йўғи юз сўмга сотиб оламан, унга минг сўм бераман, боринги, уч минг берай, нарироқ турсин, тўйни ҳам ташлаб, қаллиқни ҳам менга қолдириб қочади бу зангар. Шундайми, Ганька, аблаҳ! Уч мингни олиб қўя қолсанг бўлар эди! Мана сенга, мана! Сендан шунга тилхат олгани келувдим; айтдим-ку: сотиб оламан деб, сотиб оламан ҳам!

— Йўқол, бу ердан, сен ғирт мастсан!—қицқирди дам қизариб, дам бўзарган Ганя.

Унинг бақирганига жавобан ғала-ғовур кўтарилди: Рогожиннинг тўдаси анчадан бери худди шуни кутиб тургандай эди. Лебедев боядан бери ҳадеб Рогожиннинг қулоғига алланималарнидир тинмай шивирламоқда эди.

— Рост айтасан, хизматчи!—жавоб қилди Рогожин,—рост айтасан, ароқхўр! Эҳ, нима бўлса бўлди! Настасья Филипповна!—телбаларча қицқирди унга қараб, ҳам юраги бетламай, ҳам бирдан ботирлиги тутиб,—мана ўн саккиз минг!—у шундай деб Настасья Филипповнанинг олдидаги стол устига оқ қоғозга белидан тизимча билан ўралган пулни тарсиллатиб қўйди,—мана! Ҳали... ҳали яна бўлади!

У кўнглидаги гапни айтишга журъат қилмади.

— Йў-йў-йў!—яна шипшиди унинг қулоғига Лебедев эхонаси чиқиб. У бунчалар катта пул ўртага қўйилганидан қўрқиб кетиб, камроқ-камроқ ошириб боришни маслаҳат бераётгани сезилиб турарди.

— Йўқ, оғайни, тўғри келмайди, нима деяётганингни ўзинг ҳам билмайсан... Сенинг гапингга кириб юрган мен ҳам аҳмоқ!—Настасья Филипповна ярқ этиб қараганини кўриб бирдан сесканиб кетиб, сергакланди Рогожин.—Э-эҳ! Гапингга кириб бекор қилдим,—қўшиб қўйди у қаттиқ пушаймон бўлиб.

Настасья Филипповна Рогожиннинг тескари бўлиб кетган юзига қараб туриб, бирдан кулиб юборди.

— Ун саккиз минг, менга-я? Галварснинг хомтама бўлганини қаранг!—қўшиб қўйди у оғир ботадиган беписандлик билан, сўнг кетмоқчидай бўлиб, дивандан турди. Ганя бўлаётган ҳангомани тин олмай қотиб кузатиб турарди.

— Унда қирқ минг, қирқ, ўн саккизмас!—бўкирди Рогожин:—Ванька Птицин билан Бискуп соат еттигача қирқ минг топиб берадиган бўлишди. Қирқ минг! Ҳаммасини бераман.

Ҳангома борган сайин хунуклашиб борар, лекин Настасья

Филипповна ҳамон хандон ташлаб кулар, кетмас, худди атай хангомани чўзгиси келаётганга ўхшарди. Нина Александровна билан Варя ҳам ўрниларидан туришди ва ишнинг оқибати нима бўлишини қўрқа-писа кута бошлашди; Варянинг кўзлари чўғ бўлиб ёнди, лекин Нина Александровнага буларнинг бари ёмон таъсир қилди; у қалтирар, худди ҳозир ҳушдан кетиб йиқиладигандек эди.

— Ундай бўлса — юз! Шу бугуннинг ўзида юз минг бераман! Птицин, қутқар, фойданинг тагида қоладиган бўлдинг!

— Сен жинни бўпсан! — деб шивирлади бирдан Птицин тез келиб унинг қўлидан ушларкан, — сен маст бўлиб қолибсан, дўконга одам юборишади. Қаерда турибсан ўзи?

— Маст бўлиб алжийверади, — деб қўйди Настасья Филипповна худди унинг қитиғига теккандай бўлиб.

— Алжиётганим йўқ, рост! Кечқурун бўлади. Птицин, бир амаллаб юбор, фойданинг тагида қолгур, қанча десанг, ол, кечқурунга юз минг тайёр бўлсан; хафа қилмайман, мана кўрасан ҳали! — бирдан ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди Рогожин.

— Лекин бу ўзи нима бўляпти? — кутилмаганда пўписа қилиб бақирди аччиғи чиққан Ардалион Александрович Рогожинга яқинлашаркан. Шу пайтгача жим турган чолнинг бирдан дўқ уриб қолгани кулгили чиқди. Аллакимларнинг кулгиси эшитилди.

— Бу қай гўрдан чиқди? — кулиб юборди Рогожин. — Юр, қария, ичамиз!

— Бу пасткашлик-ку! — қичқирди Коля алам ва уятдай йиғламоқдан бери бўлиб.

— Паҳотки ичингизда биронта одам бўлмаса шу шармандани бу ердан чиқариб юборадиган! — қичқириб юборди бирдан Варя газабдан титраган ҳолда.

— Қаранг-а, мен шарманда эмман! — писанд қилмай қувноқлик билан жавоб қайтарди Настасья Филипповна. — Мен жинни уларни зиёфатга айтгани келиб ўтирибман! Мана, синглингиздан эшитган гапим шу бўлди, Гаврила Ардалионович!

Ганя синглисининг қилиғидан сўнг худди яшин ургандай бир неча сония серрайиб туриб қолди; лекин Настасья Филипповнанинг бу сафар ростдан ҳам кетишга шайланганини кўриб, қутуриб кетганча синглисига ташланиб унинг қўлидан тутди.

— Нима қилиб қўйдинг? — деб қичқирди унга еб юборгудай бўлиб қараб. У бутунлай ўзини йўқотиб қўйган, нима қилишини билмасди.

— Нима қилдим? Қаёққа судраясан мени? У келиб уйингни оёқ ости қилди, онангни беҳурмат қилди, шунинг учун узр сўрагин деяпсанми, эй, ярамас, насткаш? — қичқирди яна Варя баланд келиб, акасига тап тортмай қараркан.

Улар бир неча лаҳза шундай, бир-бирларига юзма-юз туриб қолдилар, Ганя ҳамон унинг қўлини қўйиб юбормасди. Варя қўлини бир тортди, бор кучи билан икки тортди, кучи етмади ва чидолмасдан ўзини унутиб акасининг юзига қараб тупурди.

— Бало экан бу қиз!— қичқирди Настасья Филипповна. — Қойил, Птицин, сизни табриклайман!

Ганянинг кўзлари тиниб кетди ва у нима қилаётганини ўзи билмай синглисини тарсакилаб урмоқчи бўлди. Шу туришда шапалоқ қизининг нақ юзига тушарди. Лекин тўсатдан бошқа бир қўл Ганянинг қўлидан тутди.

Князь ака-сингил орасига тушди.

— Бўлди-е, бас қилинг! — деди у қаттиқ туриб, лекин ўзининг бутун вужуди дағ-дағ қалтирар эди.

— Э, қачонгача йўлимга тўғоноқ бўласан!— бўкирди Ганя синглисининг қўлини қўйиб юбориб, у ҳаддан ортиқ қутуриб кетиб, бўшаган қўли билан князга тарсаки тортиб юборди.

— Оҳ!—қўлларини қарсиллатиб бир-бирига урди Коля,— оҳ, худойим!

Ҳар ёқдан хитоблар эшитилди. Князь оқариб кетди. У Ганянинг кўзларига ғалати, койинган назар билан тик қаради; лаблари титраб, нимадир демоқчи бўлди, улар алланечук тушуниб бўлмайдиган ва бутунлай ўринсиз табассумдан қийшайиб қолдилар.

— Майли, майли, мен... уни... барибир йўл қўймайман!.. — оҳиста сўзлади у ниҳоят, лекин бирдан чидолмади, Ганяни қўйиб, юзини қўллари билан тўсди, бурчак томонга ўтди, деворга юзини ўгириб олганча йиғламсираган овоз билан деди:

— О, ҳали қанча уялиб юрасиз бу қилингангиздан!

Ганя ҳақиқатан адои тамом бўлган одамдай турарди. Коля чопиб бориб князни қучоқлаб ўпа бошлади, унинг кетидан Рогожин, Варя, Птицин, Нина Александровна, ҳамма, ҳатто қария Ардалион Александрович ҳам князни ўраб олишди.

— Майли, майли! — деб ҳаммага пичирлаб жавоб қиларди князь ҳамон ўша-ўша ноўрин илжайган кўйи.

— Ҳали тавба қилади! — қичқирди Рогожин, — шундай... қўйдаи ювош одамни (у бошқа сўз тополмади) ҳақорат қилганинг учун ҳали кўп пушмон бўласан, Ганька! Князь, бўйингдан акаси, қўй уларни; тупур афтларига, кетамиз! Рогожин дарё одам, бир кўриб қўй!

Настасья Филипповна ҳам, бир томони, Ганянинг қилигидан, иккинчи ёғи, князнинг жавобидан қаттиқ ҳайратга тушди. У боя ўзини хандон-хушон, бир сўзлаб ўн куладиган қилиб кўрсатган ва бу унинг бўзарган, хаёл кезинган чехрасига сира ҳам ярашмаган, мана ҳозир эса унн янги бошқача бир ҳиссиёт тўлқинлантириб юборган, лекин буни нима учундир билдиргиси келмас, гўё кулги-кинояни юзидан қувишни истамас эди.

— Рост, унинг юзини қаердадир кўрганман! — деди у энди жиддий тортиб яна бояги гапини эслаб.

— Сиз уялмайсизми! Ахир сиз мана шундоқ одамсиз. Наҳот шундай бўлса! — кутилмаганда бу аламли нидо князнинг юрак-юрагидан отилиб чиқди.

Настасья Филипповна ҳайрон бўлди, кулимсиради, лекин табассуми билан алланиманидир яширгандай бўлиб, бир оз талмовсираган кўйи Ганяга қаради ва меҳмонхонадан чиқиб кета бошлади. Бироқ эшикка етмасдан, бирдан орқасига қайтди. Нина Александровнанинг олдига тез-тез юриб келди, унинг кўлидан тутиб, лабларига босди.

— Мен ростдан ҳам унақа одам эмасман, у топди, — деб тез шивирлади ўт бўлиб ёнганча қип-қизариб кетиб, сўнг шу қадар шитоб билан чиқиб кетдики, ҳеч ким унинг нимага қайтганлигини фаҳмлаб улгуролмай қолди. Фақат унинг Нина Александровнага алланима деб шивирлагани ва, афтидан, кўлини ҳам ўпиб қўйганини илғаб олдилар, холос. Лекин Варя ҳаммасини кўрди, ҳаммасини эшитди ва ҳайрон бўлганча кетидан қараб қолди.

Ганянинг ҳуши ўзига келди ва Настасья Филипповнани кузатиб қўйгани югурди, лекин у аллақачон чиқиб кетган эди. Уни зинада қувиб етди.

— Кузатманг! — деб қичқирди унга Настасья Филипповна. — Яхши қолинг кечгача. Албатта келинг, хўпми?

Ганя юрагига гулгула тушганча ўйга ботиб орқасига қайтди; олдингисидан ҳам оғирроқ жумбоқ кўкрагидан зилдай юк бўлиб босиб тушганди. Бунинг устига княздан шамгинлиги... У шу қадар оғир ўйга чўмган эдики, ёнидан Рогожиннинг одамлари туртиб-суртиб ўтиб кетаётганларини ҳам англамасди, улар Рогожиннинг кетидан шошганча чиқиб бормоқда эдилар. Ҳаммалари овозларини баланд қўйиб нималарнидир гапиришарди. Рогожиннинг ўзи Птицин билан ёнма-ён борар ва унга ҳадеб ниманидир уқтирар, афтидан, зуд ишга ўхшарди.

— Бой бердинг, Ганька! — деб қичқирди Рогожин унинг ёнидан ўтиб кета туриб.

Ганя уларнинг орқаларидан хавотирланиб қараб қолди.

Князь меҳмонхонадан чиқиб кетди ва ўз хонасига қамалиб олди. Шу заҳоти унинг олдига юпатгани югургилаб Коля келди. Шўрлик бола энди ҳеч ундан ажралгиси келмаётганга ўхшарди.

— Кетганингиз ҳам яхши бўлди, — деди у, — энди у ерда галва тоза авжига минади, ҳар куни аҳволимиз шу, ҳамма жанжал Настасья Филипповнадан чиқади.

— Уйингизда кўп нарса йиғилиб, патос бойлаб қолибди, Коля, — деди князь.

— Ҳа, патос бойлаган. Бизни гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Ҳаммасига ўзимиз айбдормиз. Мана менинг бир қалин дўстим бор, у ҳаммадан ҳам бахтсиз. Истайсизми, мен, сизни таништириб қўяман!

— Жуда истайман. Уртоғингизми?

— Ҳа, ўртоқдай бўлиб қолган. Мен сизга кейин ҳаммасини айтиб бераман... Настасья Филипповна жуда чиройли, а, сиз нима дейсиз? Мен уни ҳали кўрмаган эдим, жудаям кўргим келиб юрардим. Кўзим қамашиб кетди. Агар юрагида севги бўлса, мен Ганькани кечирардим; нега энди у пул олади, мана шуниси чатоқ!

— Ҳа, менга акангиз унча маъқул бўлмади.

— Бўлмасам-чи! Сиз, тагин... биласизми мен ғийбат гапларни жонимдан ҳам ёмон кўраман. Аллақандай бир аҳмоқ, ёки жинни, ёки аблаҳ қутуриб кетиб бировга тарсаки туширади-ю, кейин ўша одам бир умр бадном бўлиб юради, бу доғни фақат қон билан ювишдан бошқа иложи қолмайди, ёки тиз чўкиб тавба-тазарру қилишлари керак бўлади. Менимча, бу жуда бемаънилик ва бераҳмлиқ. Лермонтовнинг «Маскарад» драмаси шунинг асосига қурилган, — бўлмағур жуда, менимча. Яъни мен табиий эмас демоқчиман. Лекин бу асарини, у ахир, болалигида ёзган.

— Менга опангиз жуда ёқди.

— Ганьканинг башарасига бошлаб тупурди-е. Довдюрак Варька! Сиз эса бундай тупурмадингиз, лекин қўрққанингиздан эмас. Мана ўзи ҳам келиб қолди, ҳозир айтиб турувдик. Билувдим унинг келишини; камчиликлари бўлсаям, лекин олижаноб қиз.

— Сенга бу ерда нима бор, — уришиб берди уни Варя, — жўна отамнинг олдига. Жонингизга тегиб кетгандир, князь?

— Ундаймас, аксинча.

— Вой, катта-ей, уришгани уришган! Мана шуниси одамга ёқмайди. Айтганча, мен отам Рогожин билан кетса керак дев-

дям. Энди роса ачиниб ўтиргандир. Ростдан ҳам, қарай-чи, унинг ҳоли нима кечдийкин, — қўшиб қўйди Коля чиқа туриб.

— Худога шукур, ойимни обориб ётқизиб қўйдим, кейин бошқа галва қўзғалмади ҳайтовур. Ганя ўсал бўлиб, ўйланиб қолди. Ўйланса арзийди. Адабини еди!.. Мен сизга раҳмат айтгани ва бир нарсани сўрагани келдим, князь. Сиз шу пайтгача Настасья Филипповнани кўрмаганмидингиз?

— Йўқ, кўрмаган эдим.

— Унда қандай қилиб кўзига тикилиб туриб сиз «ундай-массиз» деб айтдингиз? Яна топиб айтганга ўхшайсиз. Ҳақиқатан ҳам, эҳтимол ундай эмасдир. Шундай бўлса ҳам, мен унга тушунмайман! Рост, келиб бир бизни ерга урмоқчи бўлган, бунга шубҳа йўқ. Мен авваллари ҳам у тўғрида кўп галати гапларни эшитганман. Лекин бизни таклиф қилгани келган бўлса, нега ойимга бунақа муомала қилади? Птицин уни беш қўлда биледи, лекин бугун унга ҳеч тушунолмадим, дейди. Рогожин билан-чи? Агар ўзингни ҳурмат қилсанг, бундай гаплашмаслик керак, яна ўзингни... Ойим сиздан жуда ташвишланяптилар.

— Ҳечқиси йўқ! — деди князь ва қўлини силтаб қўйди.

— Яна дарров гапингизга кирди-я...

— Нима дедингиз?

— Сиз унга уят эмасми дедингиз, у бирдан бутунлай ўзгариб қолди. Уни ўзингизга жуда оғдириб олибсиз, князь, — деб қўшиб қўйди пича кулимсираганча Варя.

Эшик очилиб, ҳеч кутилмаганда Ганя кириб келди.

У Варяни кўриб тисарилмади; бир зум остонада турди-да, бирдан князга дадил яқинлашди.

— Князь, мен аблаҳлик қилдим, кечиринг мени, биродар, — деди у бирдан тўлиқиб кетиб. Унинг чеҳрасида дардли бир ифода пайдо бўлди. Князь лол бўлиб қолгани, дарров жавоб бермади, — кечиринг мени, кечиринг мени! — юраги чидамай такрорларди Ганя, — истайсизми, мен ҳозир қўлингизни ўпаман!

Князь ҳаддан ташқари ҳанг-манг бўлиб қолди ва индамай Ганяни иккала қўли билан қучоқлаб олди. Иккови чин юракдан ўпишдилар.

— Мен сира, сира ўйламаган эдим сиз бунақадирсиз деб! — деди ниҳоят князь базўр нафасини ростлаб. — Бу, сизнинг... қўлингиздан келмасдир деб ўйловдим.

— Узр сўрашми?.. Қаердан ҳам калламга келиб қолибди сизни телба деган фикр! Сиз бошқалар ҳеч қачон сезмайдиган нарсаларни ҳам сезасиз. Сиз билан гаплашиб олса ҳам бўлади, лекин... яхшиси гапирмай қўя қолай!

— Мана яна кимдан узр сўрашингиз керак, — деди князь Варяни кўрсатиб.

— Йўқ, булар бари менинг душманларим. Ишончингиз комил бўлсин, князь, кўп уринганман: булар чин юракдан кечирмайдилар! — куюниб оғзидан чиқиб кетди Ганянинг ва у Варяга юзини ўгириб олди.

— Йўқ, кечираман! — деди бирдан Варя.

— Кечқурун Настасья Филипповнаникига ҳам борасанми?

— Бор десанг, бораман, лекин ўзинг ўйлаб кўр: менинг у ерга боришимнинг сира жўяли жойи қолмади-ку!

— У ахир, унақа эмас-ку. Қўрдингми унинг кўрсатган ҳунарларини! Найранг ҳаммаси!— Ганя газаб билан кулди.

— Узим ҳам биламан унақа эмаслигини, ҳунарвонлигини, яна қандай ҳунарвон дегини? Бундан ташқари, ўзинг кўр, Ганя, у сени кимга чиқариб қўйган? Ойимнинг қўлини ўпган бўлса ҳам барибир. Майли, буларни ҳунарвойлик деб айта қолайлик, лекин барибир у сенинг устингдан кулди-ку! Худо ҳаққи, ака, бу етмиш беш мингга арзимади! Сен ҳали олижаноб ҳиссиётларингни йўқотиб бўлмагансан, шунинг учун айтаётирман буни. Ҳай, ака, ўзинг борма! Ҳой, кўзингга қара! Буларнинг оқибати вой!— Варя шундай дея, ўпкасини босолмай хонадан тез чиқиб кетди...

— Улар нуқул шундай!— деди Ганя кулимсираб.— Буларнинг бари ўзимга ҳам маълум эканлигини наҳот улар билишмаса? Ахир мен улардан кўра кўпроқ биламан-ку.

Шундай деб, Ганя диванга ўтирди, афтидан, унинг андак гаплашгиси бор эди.

— Агар ўзингиз билсангиз,— деди князь ботинқирамайроқ,— етмиш беш мингга арзимаслигини била туриб, яна қаңдоқ қилиб бошингизни бу азобга тижялсиз?

— Мен буни айтаётганим йўқ,— тўнғиллади Ганя,— ҳа-я, айтинг-чи, сиз нима деб ўйлайсиз, мен айнан сизнинг фикрингизни билмоқчиман: бу «азоб» етмиш беш мингга арзийдими ёки арзияйдими?

— Менимча, арзияйди.

— Бу маълум эди. Бундай уйланиш ҳам уят-а?

— Жуда уят.

— Ундай бўлса, билиб қўйинг, мен уйланияпман, энди албатта уйланаман. Ҳалигача иккиланиб турган эдим, энди бўлди! Гапирманг! Биламан, сиз нима демоқчисиз...

— Сиз ўйлаган нарсани айтмоқчи эмасман, мен ҳайрон бўляпман сизнинг бу қадар ишонч билан сўзлаётганлигингизга...

— Нимага? Қандай ишонч?

— Настасья Филипповна сўзсиз суратда сизга тегишига бунчалар ишонаётганингиз, иккинчидан, мабодо сизга теккан

тақдирда етмиш беш минг шундоқ оппа-осон чўнтакка тушади деб ўйлаётганингизни назарда тутяпман. Билъакс, мен албатта, кўп гаплардан беҳабарман.

Ганя князь томонга хийла энгашди.

— Албатта, сиз кўп нарсани билмайсиз,— деди у,— лекин нега энди шунча дахмазани елкамга ортиб олар эканман?

— Назаримда, тез-тез шундай воқеалар рўй бериб туради: пул деб уйланишади-ю, лекин пул хотинда бўлади.

— Й-йўқ, бизда ундай бўлмайди... орада... орада яна бир гап бор...— деб гўлдиради Ганя хавотир ичида ўйга толиб.— Унинг жавобига келсак, бунга энди заррача шубҳа йўқ,— қўшимча қилди у тезгина.— Сиз нимага асосланиб у менга йўқ дейди, деб ўйлайсиз?

— Мен шу кўрганларимдан бошқа ҳеч нарсани билмайман, ана, ҳозир Варвара Ардалноновна ҳам айтди...

— Э! Улар ўзлари шундай, оғизларига келганини вайсашади. Рогожинни у тоза майна қилди, ишонинг бунга, мен фаҳмладим. Шундоқ кўришиб турди. Мен боя кўрқувдим, лекин энди менга равшан. Ёки эҳтимол, унинг ойини, отамга, Варяга қилган муомаласини кўзда тутаётгандирсиз?

— Сизга ҳам.

— Балки, лекин бу хотинларнинг эскидан қолган ўч олиш одати, холос, бошқа ҳеч нарса эмас. Бу ўзи жуда жаҳли тез, багдумон, инжиқ ва кибру ҳавоси баланд хотин. Худди амал тегмаган хизматчининг ўзи! У бир ўзини кўрсатиб қўймоқчи, уларни сариқ чақага олмаслигини намоиш қилиб кўрсатмоқчи... Жумладан, мени ҳам; рост, мен бунинкор қилмайман... Лекин барибир менга тегади. Сиз одам боласининг нафсонияти қандай лўттибозликларга қодир эканлигини тасаввур ҳам қилолмайсиз: у бировнинг ўйнаши, мен шунинг билиб туриб пулига қизиқиб ўйлашганиман, у мени шунинг учун аблаҳ, насткаи деб ҳисоблайди, билмайдики, бошқа бир одам бўлса бундан беш-баттар қилиб алдаб кетарди: елимдай ёпишиб олиб, тараққиёт ҳақида олди-қочди гаплар билан қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб ташларди, хотинларнинг турли машамаларидан вайсақилик қиларди, алоҳа уни шу тариқа илдай чўзилтириб қулогидан игна ўтқазиб оларди. Димоқ-фироғи баланд бу жинни хотинини (оппа-осон денг) «олижаноб қалби ва бахтсиз қисмати» учун бағрига олаётганини айтиб, уни чиппа-чин ишонтириб қўярди, ўзи бўлса аслида унинг пули деб уйланган бўларди. Мен бунда хунук кўринаяпман, чунки мен оҳанжама қилишни истамайман; лекин ўзи шундай қилиш керак экан. Унинг ўзи нима қилипти? Ўзи ҳам шундоқ қилмаяптими? Хўш, шундай бўлгач, нега бунча лўттибозлик қилади, менга бурнини кўтарарди? Бўйнимни эгиб,

думимни ликиллатиб турганимда шундай қилмасди. Тагин ҳали кўрамиз!

— Наҳот уни илгари севган бўлсангиз?

— Бошида севгандим. Бўлди, етар шу... Шундай хотинлар борки, улар фақат ўйнашга ярайдилар, бошқа ҳеч нарсага. Бу билан у менинг ўйнашим бўлган демоқчи эмасан. Агар тек яшаса, мен ҳам тек яшайман; мабодо гишава қиладиган бўлса, ўша заҳоти ташлаб кетаман, пулни эса чўнтакка ураман. Мен кулги бўлишни истамайман; ҳаммадан ҳам кулги бўлишни истамайман.

— Назаримда,— деди эҳтиётлик билан князь,— Настасья Филлиповна ақлли хотинга ўхшайди. Шунча азоб-уқубатни кўра-била туриб, яна тузоққа тушиб ўтирармикин? Ахир, бошқа бир одамга тегиши ҳам мумкин эди-ку? Шунисига ҳайрон бўляпман.

— Гап худди ана шунда-да! Сиз ҳали ҳаммасини билмайсиз, князь... орада... бундан ташқари, у мени ўлардай яхши кўради, деб ишонади, қасам ичаман, биласизми, иннайкейин мен қаттиқ аминманки, у ҳам мени яхши кўради, ўз кўнглича, албатта, ҳалиги бир мақол бор-ку: ҳам хушлайман, ҳам муштлайман. У бир умр мени таппон йигит деб ҳисоблайди (унга балки худди шу керакдир) ва барибир ўзича яхши ҳам кўради, у ўзини шунга тайёрлапти, феъли ҳуйи шунақа. У фавқулодда рус аёли, сизга айтсам; хўш, мен ҳам унга бир туҳфа ҳозирлаб қўяман. **Варя билан бўлган бояги ҳангома кутилмаганда бўлиб қолди, лекин у менинг фойдамга бўлди:** у фидокор ва садоқатли эканлигимни ўз кўзи билан кўрди ва ишонди, уни деб бутун уруғларимдан ҳам воз кечиншим мумкинлигига амин бўлди. Ишончингиз комил бўлсин, биз ҳам лақма-ғўллардан эмасмиз. Айтганча, бу жуда сергап экан демаяпсизми? Мен, омон бўлгур князь, балки ростдан ҳам сизга ишониб чатоқ қилаётгандирман. Лекин сиздек олижаноб одамга биринчи марта дуч келишим, шунинг учун сизга осилиб олдим, «осилиб олдим» десам, буни тагин сўз ўйини қиляпти деб ўйламанг. Сиз ҳалигинга хафа бўлмайсиз, а? Мен икки йил ичида балки биринчи марта чин юракдан дардлашяпман. Бу ерда ҳалол одамларни кундузи чироқ билан топиб бўлмайди; энг ҳалоли Птицин. Нима, кулгингиз қистаяптими дейман? Аблах одамлар ҳалол одамларни яхши кўрадилар,—сиз буни билмасмидингиз? Мен бўлсам, ахир... Айтгандай, менинг нима аблах, индаллосини айтнинг ўзингиз? Нега ҳаммалари мени унга қўшиб аблах деявердилар? Биласизми, уларга ва унга қўшилиб мен ҳам ўзимни-ўзим аблах деб атайман. Ана тубанлигу, мана тубанлик!

— Мен сизни ҳеч қачон аблах деб ҳисобламайман,— деди князь.— Боя мен сизни қабиҳ одам деб ўйловдим, қаранг, бир-

дан мен ажабланиб қолдим,— сабоқ бўлди менга: синамасдан сиртидан ўтма. Энди кўриб турибман: сизни қабиҳ деб бўлмайди, лекин жуда бузилган одам ҳисобига ҳам қўшиш мумкин эмас. Сиз, менимча, кўп қатори энг одми одамсиз, яна бунинг устига жуда ҳам ожизсиз, бошқалардан ажралиб турадиган ерингиз ҳам йўқ.

Ганя ўзича заҳарханда қилиб қўйди, лекин индамади. Князь гапи ёқмаганлигини кўрди, хижолат чекди ва жим бўлиб қолди.

— Отам сиздан пул сўради?— кутилмаганда сўради Ганя.

— Йўқ.

— Сўраса, берманг. Буни қаранг, туппа-тузук одам эди-я, эсимда бор. Яхши одамлар билан борди-келди қиларди. Қанчалар тез тамом бўлишади бу ҳамма қариган бинойидай одамлар! Аҳвол андаккина ўзгардим, тамом, илгариги нарсалардан ҳеч нима қолмайди, юракда ўт тугайди, у илгари бундай ёлғончи эмасди, гапимга ишонинг: авваллари у шунчаки ҳаддан зиёда жўшқин одам эди,— мана энди нимага айланди! Албатта, май гуноҳқор. Биласизми, унинг машуқаси ҳам бор? Энди уни қуруқ ёлғончи дейишнинг ўзи камлик қилади. Ойимнинг бу қадар сабр-тоқатига ҳеч ақлим етмайди. У сизга Қарс қандай қамал қилинганлигини айтиб бергандир? Ёки унинг кулранг шатакчи оти қандай тилга кирганлигини сўзлаб бермадимиз? У ҳатто шунгача ҳам боради.

Шунда бирдан Ганя қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.

— Нега сиз менга бундай қараяпсиз?— сўради у княздан.

— Юракдан кулганингизга қараб турибман. Яхши, ҳали болалардай қиқирлаб кула олар экансиз. Боя ярашгани кириб келдингиз ва «истасангиз, қўлингизни ўпиб қўяман», дедингиз — болалар худди мана шувақа қилиб ярашишади. Бундан чиқди, кўнглингизда тоза нарсаларни тамомила йўқотиб қўймаган экансиз. Шунинг устига бирдан ўша зулмат ҳақида, анаги етмиш беш минг ҳақида узундан-узоқ сўзлаб кетдингиз. Рост, буларнинг ҳаммаси сира бир-бировига қовушмаган, одам таажжуб қиладиган нарсалар.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Енгил-елни ўйлаб иш қилмаётганмикинсиз, у ёқ-бу ёғнигизга қараб олсангиз бўлмасмикин аввало? Варвара Ардалионовна эҳтимол тўғри айтаётгандир?

— Э, яна ахлоқми! Бола эканлигимни ўзим ҳам биламан,— қизишиб гапни бўлди Ганя,— сиз билан шундай валақлаб ўтиришнинг ўзи болалик. Мен, князь, бу зулматга атай бораётганим йўқ,— деб давом этди у орияти келиб оғринган йигит кишидай бўлиб,— атай борсам, адашсам керак эди, чунки ҳали каллам ҳам, феъл-ҳўйим ҳам пишиқ-пухта эмас. Мен бу ишга

ҳавас, иштиёқ билан интиляпман, чунки зўр орзуларим бор. Мана сиз ўйлаётган бўлсангиз керак, бу етмиш беш мингги олади-ю, дарров карета сотиб олади деб. Й-йўқ, мен ўшанда уч йилдан бери кийиб юрган чопонимни эгнимдан қўймайман, клубдаги барча борди-келдиларимни йиғиштираман. Бизда ҳаммаси судхўрлар бўлса ҳам, лекин охиригача олиб борадигани кам, мен бўлсам охиригача олиб боришни истайман. Охиригача етказишда ҳамма гап! Птицин ўн етти яшар чоғида ҳам кўчада ётиб юрган эди. Пакки, пичоқлар сотарди, тийиндан бошлаганди; энди унинг сармояси олтмиш минг; ўлиб-тирилиб шунча пул йиғди. Мен ўлиб-тирилиб юрмоқчи эмасман, сармояни нақд чангалимга олмоқчиман; ўн беш йилдан сўнг: «Ана, Иволгина, яҳудийлар қирол», деб айтадиган бўлишди. Сиз менга бошқалардан ажралиб турадиган еринг йўқ, дедингиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, азизим князь, бизнинг замонамизда ва бизнинг қавмимиздан бўлган одамга сиз жўн кишисиз, заифсиз, қобилиятингиз йўқ, хашаки бир кимсасиз дейишдан кўра ҳам таҳқирлироқ нарса йўқ бўлса керак. Сиз мени аблаҳ дедингиз, лекин тузукроқ, будли-шудли аблаҳ қаторига ҳам қўшмадингиз, биласизми, боя бунинг учун сизни ғажиб ташлагим келди! Сиз мени Епанчиндан ҳам ёмонроқ ҳақорат қилдингиз, у бўлса мени (одам ҳам шунчалар соддадил бўладими) хотинини ҳам ўртага солишдан тоймайдиган одам деб билди! Бу, биродар, анчадан бери қитигимга тегиб юрибди, менга эса пул керак. Пул топсам, билиб қўйинг, мен бутунлай бошқаларга ўхшаган кишига айланаман. Пулнинг қабҳати ва ярамаслиги шундаки, у ҳатто йўқ талантни бор қилади. Дунё охир бўлгунча ҳам шундай қилаверади. Айтсангиз керак, булар бари болалар чўпчаги, ё нари борса, ашула деб,— нима қилибди, вақтим яна ҳам чоғроқ бўлади, иш эса барибир бажарилади. Охиригача олиб бораман ва чидайман. Rira bien qui rira le dernier!¹ Нега Епанчин мени бундай ранжитяпти? Ёмонлигиданми? Ундай эмас, мен жуда ҳам арзимас одамман, бунинг учун. Хў-ўш, ҳали кейин... Вильякс, бас қилайлик, бўлди энди. Коля икки марта бурнини суқиб қараб кетди: у сизни овқатга чақиряпти. Мен ташқарига чиқаман. Баъзан олдингизга кириб тураман. Бизникида сизга ёмон бўлмайди; энди сизни қариндошдай кўришади. Эҳтиёт бўлинг, айтиб қўйманг тагин. Менимча, сиз билан ё дўстлашиб кетамиз, ё душман бўлиб қоламиз. Сиз нима деб ўйлайсиз, князь? Агар боя қўлингизни ўлганимда (чин кўнгилдан), кейинча шунини деб душман бўлиб қоларимиди?

— Албатта бўлардингиз, фақат бир умр эмас, кейин чидол-

¹ Ҳаммадан сўнг кулганинг кулгиси чиройли! (Франц.)

масдингиз ва кечирган бўлардингиз,— деган қарорга келди князь бир оз ўйлаб ва сўнг кулиб юборди.

— Э-ҳа! Сиз билан ҳазиллашиб бўлмас экан-ку. Шайтон чалсин, сиз шу ердаям жиндак заҳар томиздингиз-а. Яна ким билсин, балки сиз менга душмандирсиз? Дарвоқе, ха-ха-ха! Сўрайман деб унутибман: Настасья Филипповна сизга жудаям ёқиб қолганга ўхшайди-я ёки менга шундай туюлдимикин?

— Ҳа... ёқади.

— Севиб қолдингизми?

— Й-йўқ.

— Қизариб кетганини қаранг, жигардан уриб қўйибди-ку. Хўп, майли, майли, кулмайман; кўришгунча. Ҳа, биласизми, у ҳиммат-муруватли хотин, ишонасизми бунга? Сиз уни анави Тоцкий билан яшайди деб ўйлайсизми? Йўқ-йўқ! У сувлар оқиб кетган. Боя сездингизми, у жудаям ўнғайсизланиб ўтирди, гоҳи хижолат чеккан пайтлари ҳам бўлди? Рост. Яна мана шундай хотинлар ўз ҳукмини ўтказишни яхши кўрадилар. Бўпти, яхши қолинг!

Ганечка бояги кирганига қараганда димоғи чоғ бўлиб, сурбетлигига яна сурбетлик қўшилиб чиқиб кетди. Князь ўн дақиқача қимир этмай, ўйга ботиб ўтирди.

Коля яна эшикдан бошини суқди.

— Овқат егим йўқ, Коля; мен боя Епанчинларникида тўйиб нонушта қилган эдим.

Коля эшикдан ичкарига кириб, князнинг қўлига хат тутқизди. Буқланган, муҳрланган хат генералдан эди. Колянинг башарасидан бу хатни олиб келиш унга қанчалар оғир бўлганлигини сезини мумкин эди. Князь ўқиди, ўрнидан турди, шляпасини қўлига олди.

— Икки қадам йўл,— деди хижолат тортиб Коля.— У ерда ҳозир ишча устида ўтирибди. Қандай қилиб у ердагилардан ичкилик олади, ақлим етмайди? Князь, азизим, сизга хат олиб келганлигимни уйдагиларга айта кўрманг, барака топинг! Минг марта ўзимга айтаман, хат олиб бормаيمان деб, яна бўлмайди, ачиниб кетаман: яна бундан, илтимос, истиҳола қилиб ўтирманг. Унга кўп эмас, озгина танга-чақа берсангиз, етади.

— Коля, мен ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим; мен отангизни кўришим керак... бир иш бор... Юринг бўлмаса...

XII

Коля князни Литейнаяга етмасдан бериқоқдаги пастки қаватда жойлашган кафе-биллиардхонага бошлаб борди, у ерга тўғри кўчадан кириб бориларди. Шу ерда ўнг томонда, бурчак-

да, алоҳида бўлмада қадрдон эски мижоз тариқасида Ардалион Александрович қўр тўққан, унинг олдида столча устида шиша, қўлида эса ростдан ҳам «Indépendance Belge» бор. У князини кутарди; унга кўзи тушгани ҳамон газетани бир чеккага қўйиб, қизишиб узундан-узоқ изоҳ бера кетди, дарвоқе, князь бу гаплардан деярли ҳеч нима тушунмади, чунки генерал анча тайёёр бўлиб қолганди.

— Ун сўмлигим йўқ,— унинг гапини бўлди князь,— лекин мана йигирма беш сўмлик, майдалаб, менга ўн бешини қайтариб беринг, чунки чўнтагимда бошқа пулим йўқ.

— О, имонингиз комил бўлсин, мен дарҳол...

— Бундан ташқари, генерал, сиздан бир илтимосим бор эди. Сиз ҳеч Настасья Филипповнаникига борганмисиз?

— Менми? Мен бормабманми? Шу гапни менга айтяписизми? Бир неча марта, бўталоғим, бир неча марта! — қичқирди генерал жуда ўзига ёни қўйиб ҳам киноя қилиш иштиёқида.— Бироқ бўлмади, ўзимни тўхтатдим, чунки шармандали ишларга бош қўшмоқликни истамайман. Ўзингиз ҳам кўрдингиз, эрталаб ўзингиз гувоҳ бўлдингиз: мен ота нима қилиши керак бўлса барини адо этдим,— бунинг устига мен ювош ва бағри кенг отаман; мана энди саҳнага бошқа бир ота чиқажак, ана ўшанда — кўрамиз, қараймиз: хизматини ўринлатган эски жангчи фитналарни очиб ташлайдими, ёхуд шарми йўқ қоқиғул эзгу хонадонга қадам ранжида қилиб кириб келадими.

— Мен сиздан худди шуни илтимос қилмоқчидим, сиз уни танийсиз, мени кечқурун Настасья Филипповнанинг уйига олиб борсангиз девдим? Бугун бормасам сира иложи йўқ; ишим бор; лекин қандай кириб боришимни билмай турибман. Мени боя таништириб қўйишди, лекин барибир таклиф қилишгани йўқ; бугун у ақиқа зиёфат беряпти. Билъакс, айрим одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиб ўтирмасликка ҳам тайёрман, майли, мени калака қилиша қолсин, лекин қандай бўлмасин, кирсам бас.

— Худди айни, айни кўнглимдаги гапни айтдингиз, менинг навқирон дўстим,— хитоб қилди генерал тантанавор,— мен сизни ушбу майда-чуйда боисидан чақиртирдим йўқ эди! — давом этди у орада пулни олиб чўнтагига ураркан,— мен сизни айни шу нарсага, яъни Настасья Филипповнаникига, ёки тўғрироғи, Настасья Филипповна устига шерик бўлиб юриш қиламиз, деб таклиф қиламан! Генерал Иволгин ва князь Мишкин! Кўзлари ўйнаб кетади унинг! Мен ҳам ақиқа баҳонасида ўз оталик хоҳишимни баён этаман,— бевосита эмас, билвосита айтаман, лекин бевосита айтилгандай бўлади. Ушанда Ганя ўзи бир фикрга келиб қолар; хизматни ўринлатиб қўйган

отасими ва... нима десамикин... ва ҳоказо, ёхуд... Аммо нима бўлса бўлди! Сизнинг гоянғиз гоятда самарадор. Соат тўққизда жўнаймиз, ҳали вақтимиз бор.

— У қаерда туради?

— Бу ердан узоқ: Большой театрнинг ёнида, Митовцованинг уйида, майдоннинг шундай ўзида, бельэтажда... Одам кўп йиғилмайди, отига ақиқа, эрта тарқалишади...

Аллақачон кеч тушганди; князь ҳамон генералга қулоқ солиб уни кутиб ўтирарди, генерал латифа кетидан латифа бошлар, лекин биронтасини охирига етказмас эди. Князь келгандан кейин у янги шиша чақирди, уни бир соатларда ичиб битирди, кейин яна сўради, бунисини ҳам тугатди. Бу орада, генерал ўзининг бутун бошидан ўтганларни сўйлаб берди ҳисоби. Ниҳоят князь ўрнидан турди, бошқа кутолмайман, деди. Генерал шиянинг тагини ҳам ичиб тугатди-да, ўрнидан туриб, ташқарига йўл олди, у оёқда туролмайдиган даражага етганди. Князь нима қилишни билмасди. У қандай қилиб унинг гапига лаққа тушиб ўтирганига ҳеч тушунолмасди. Аслида ҳеч қачон бировга ишон-ишончини топшириб қўймасди; у Настасья Филипповна ҳузурига қандай қилиб бўлмасин, жиндай тўполок чиқса ҳам генералнинг ёрдамида кирмоқчи эди, лекин ҳаддан ташқари жанжал-суронга унинг тоқати йўқ: генерал эса ғирт маст бўлиб қолган, оғзидан боди чириб шоди чиқар, тинмай валдирар, юраги тўлиб, тўлқинлиб кетар, йиғламсирарди. Гап тинимсиз суратда хонадон аъзоларининг ношудлиги туфайли ҳамма нарсанинг барбод бўлаётганлиги ва ниҳоят энди бунга чек қўйиш зарурлиги устида борарди. Улар алоҳа Литейнаяга чиқдилар. Эрувгарчилик ҳамон авжидо эди; кўчаларда ҳорғин, илқ, чириган шамол чийиллар, соябон аравалар лойда чилчиллаб борар, йўртоқ ва қирчанги отларнинг тақалари тош йўлларда тақа-туқлаб садо чиқарарди. Йўлкаларни нам босган, похуш пиёда йўловчилар тўда-тўда бўлиб юришарди. Мастлар кўзга ташланарди.

— Бу чарогон бельэтажларни кўряпсизми,— дерди генерал,— бу ерларда нуқул менинг дўстларим истиқомат қилишади. Мен, мен бўлсам, улар ичида энг хизматини ўринлатган ва энг азият чеккан бир одам Большой театрга қараб пойи пиёда судралиб кетяпман, яна ҳалигиндай хотиннинг уйига! Кўкрагига қадалган ўн учта ўқнинг азобини чекаётган киши... нима, ишонмайсизми? Ваҳоланки, ёлғиз мени деб Пирогов Парижга телеграф орқали мурожаат қилди ва қамалдаги Севастополни вақтинча ташлаб чиқди, парижлик гофмедик Нелатон илм-фан йўлида рухсатнома олиб мени кўриш учун қамалдаги Севастополга тўғри кириб борди. Бундан энг олий

бошлиқларнинг ҳам хабарлари бор, «Э, бу анави Иволгин эмасми, кўкрагида ўн учта ўқи бор!..» Мана шундай деб айтишади! Манави уйни кўряписизми, князь? Бу ерда бельэтажда эски дўстим генерал Соколович туради, жуда болажон, олижаноб соҳиби хонадон. Мана шу уй ва бундан ташқари Невскийда уч хонадон, Морскойда икки хонадон — ҳали ҳам шулар билан борди-келди қилиб турамиз, яъни шахсан ўзим танийдиган хонадонларни айтяпман. Нина Александровна аллақачон тақдирга тан бериб қўйган. Мен эсам ҳали-ҳамон эслаб тураман... яъни собиқ ёр-дўстларим ҳамда қўл остимда ишлаган ва ҳанузгача мендан жонларини ҳам аямайдиган кишиларнинг маърифатли даврасида ҳордиқ чиқараман. Ушбу генерал Соколович (дарвоқе, уникига кирмаганимга ҳам неча замонлар бўлиб кетди-я, Анна Федоровнани ҳам кўрганим йўқ...) биласизми, қадрдоним князь, ўзинг меҳмон кутмаганингдан кейин беихтиёр қандайдир бошқаларникига ҳам бормай қўясан. Ваҳоланки... ҳам... сиз ишонмаётганга ўхшайсиз... Дарвоқе, энг сара дўстим, болаликдаги ўртоғимнинг ўғлини бу ноёб оилавий хонадон билан нега таништирмаслигим керак экан? Генерал Иволгин ва князь Мишкин! Сиз ҳайратангиз бир қизни кўрасиз, бир эмас, иккита, ҳатто учтасини кўрасиз, улар пойтахт ҳамда жамиятнинг гуллари: гўзаллик, маърифат, оқим... аёллар масаласи, шеър — булар бари бахтли бир тарзда омихта бўлиб кетган, бунга ҳали уларнинг ҳар бири учун ажратилган кам деганда саксон мишг сўм, соф пул билан қалинни қўшмай ҳам қўя қолаёлик, бироқ соф пул ҳар қанча аёллар масаласи ва ижтимоий масалалар бўлган тақдирда ҳам тиниб чиқмайди, албатта... бир сўз билан айтганда, мен сизни таништирмасам, сира, сира бўлмайди, шундай қилишим шарт. Генерал Иволгин ва князь Мишкин!

— Ҳозир-а? Шу топдами? Унутмадингизми?— деб кўрди князь.

— Ҳеч, ҳеч унутганим йўқ, кетдик! Бу ёққа, мана шу улугвор зинага қадам ташланг. Ҳайронман, бу швейцар кўринмайди, бироқ... байрам, швейцар байрам қияпти. Ҳалиям бу ароқхўрни ҳайдаб юборишмапти. Соколович деганимиз ўзининг бутун бахтиёр турмуши ва амал-этибори билан менинг олдимда қарздор, мен қилганман, бошқа ҳеч ким, бироқ... мана етиб келдик.

Князь бу ташрифга энди эътироз билдирмай қўйди, у генералнинг гашига тегмаслик учун чурқ этмай эргашиб борарди, у барибир охирида генерал Соколович ҳам, унинг хонадони ҳам сароб бўлиб чиқади, улардан ном-нишон ҳам топилмайди, шундан сўнг бемалол зинадан қайтиб тушамиз, деб умид қи-

ларди. Лекин борган сари умиди узилиб юраги зириллай бошлади: генерал бу ерда чиндан танишлари бор одамдай бошлаб борар ва дам сайин гап орасига уларнинг ҳаёти, туриш-турмушига оид тафсилотларни қўшиб-чатиб улаб кетар, буларнинг ҳаммасини ғоятда аниқ-таниқ қилиб сўйларди. Ниҳоят, улар бельэтажга кўтарилишиб, бадавлат бир эшик рўпарасида тўхташиб, генерал эшик қўнғироғини чалиш учун қўл юборганда, князь бутунлай қочиб қолмоқчи бўлди; лекин ғалати бир нарсага кўзи тушиб тўхтаб қолди.

— Сиз адашибсиз, генерал,— деди у,— эшикка Кулаков деб ёзиб қўйилган, сиз эса Соколович дейсиз.

— Кулаков... Кулаковнинг ҳеч аҳамияти йўқ. Соколовичнинг уйи ва мен Соколовичнинг қўнғироғини чалапман; бошимга урамани Кулаковни... Мана очиняпти...

Эшик ҳақиқатан очилди. Хизматчи бошини чиқариб, «тўра уйда йўқлар», деди.

— Аттанг, аттанг, аксига олганини қаранг!— қаттиқ афсусланганча бир неча маротаба қайтарди Ардалион Александрович,— айтиб қўярсиз, азизим, генерал Иволгин билан князь Мишкин лутфан ҳурматларини изҳор этмоқлик тилагидан таширф буюрган эдилар, ва бағоят таассуф ичида...

Шу пайт уй ичидан очик турган эшикка яна аллаким мўраланди, қирқ ёшлардаги қорамтир қўйлак кийган бир хоним афтидан оқсоч ва ё эҳтимол тарбиячи эди. У генерал Иволгин ва князь Мишкиннинг отини эшитиб ишонқирамай, қизиқиб яқинлашди.

— Марья Александровна уйда йўқ эдилар,— деди у айниқса генералга кўпроқ тикилиб,— ойимқиз Александра Михайловна билан бирга бувиларнишикига кетган эдилар.

— Ис, Александра Михайловна ҳам кетувдиларми, ё раббим, жуда чатоқ бўлди-ку! Буни қарангки, хоним афанди, донм менинг ишим шундай юришмайди! Камшанинг салом ва таъзимларимни у кишинга стказишингизни илтижо қиламан, Александр Михайловнага бўлса, айтингким, гўзал хотираларидан чиқармасинларким... хуллас, пайшанба оқшомида Шопен балладаларини тинглаб ўтириб ўзларига нима тилак тилаган бўлсалар, мен ҳам чин дилдан уларга шуни тилаб қоламан; эсларидадир ҳойнаҳой... Самимий тилакларим! Генерал Иволгин ва князь Мишкин!

— Айтаман,— деди таъзим билан анча ийиган хоним афанди.

Зинадан тушиб борар эканлар, генерал ҳамон кўпиришини қўймас, улар уйда йўқлигидан, князнинг шундай мафтункор одамлар билан танишолмай қолганидан тинимсиз афсусланар эди.

— Биласизми, азизим, менинг қалбим бирмунча шоир қалбига ўхшайди, сиз бунга сезгандирсиз? Ҳа, дарвоқе... дарвоқе, биз чамамда бошқа бир ерга борганга ўхшаб қолдик,— деб қолди сира қутилмаганда,— энди эсимга тушди, Соколовичлар бошқа уйда туришади ва ҳаттоки ҳозир Москвада шекилли. Ҳа, мен бир оз адашибман, лекин бу... зарари йўқ.

— Мен фақат бир нарсани билмоқчиман,— маъюсланиб деди князь,— сизга ишониб ўтирмасдан бир ўзим кетаверишим керакми, йўқми?

— Ўтирмасдан? Ишониб? Бир ўзим? Нега ундай деяпсиз, бу оламшумул ишимиздан мақсад хонадонимизнинг бутун тақдирини ҳал қилиш эмасми, ахир? Бироқ, ёш дўстим, сиз ҳали Иволгинини яхши билмас экансиз. Ким «Иволгин» деса, демак «қоя» дегани бўлади: қояга қандай суянсанг, Иволгинга ҳам шундай суян, мана шундай деб айтардилар мен биринчи марта хизмат қилган эскадронда. Мен фақат бир лаҳзага бир уйга кириб чиқсам бўлди, у ерда менинг жону дилим истироҳат қилади, шунча синовли йиллар ичида ташвиш чекачека...

— Сиз уйга кирмоқчимисиз?

— Йўқ! Мен... капитан ойим Терентьеванинг олдига, илгари қўл остимда ишлаган, ҳатто ўз дўстим... капитан Терентьевининг беваси... бева ойимнинг олдига келсам, руҳим кўтарилади, турмушда, онлада орттирган қайғу-ҳасратларимни шу ерга келиб тўқаман... Бугун эса айнан оғир маънавий юкни ортиб олганлигим боис... мен...

— Менимча, шусиз ҳам роса тентаклик қилганга ўхшайман,— деб тўнгилади князь,— сизни боя бекор ташвишга қўйибман. Бунинг устига сиз энди... Хайр!

— Бироқ мен, бироқ мен сизни бундоқ қўйиб юборолмайман-ку, ёш дўстим!— туриб олди генерал.— Бева, бекач, онахон, юрак қилларимни чертиб жонимни ларзага солади, унинг шевалари вужудимда акс садо беради. Унинг олдига беш лаҳзага кириб чиқамиз, ўз уйимдай бўлиб қолган, шу ерда яшайман десам ҳам бўлади, ювиниб олай, сал ўзимни тузатай, андак зарурат, а, сўнг извош олиб Большой театрга қараб жўнаймиз. Менга ишонинг, шу оқшом жуда менга зарурсиз, ёрдамнингизга муҳтожман... Мана, мана шу уйда, биз келдик... А, Коля, сен ҳам шу ердამисан? Нима, Марфа Борисовна уйдами, ёки ўзинг энди келдингми?

— О, йўқ,— жавоб берди улар билан уй дарвозасида тўқнашган Коля,— анча бўлди келганимга, Ипполитнинг олдида эдим, мазаси йўқ, эрталаб ётган экан. Мен қарта олгани дўконга тушувдим. Марфа Борисовна сизни кутяпти. Фақат, ота-

жон, ўҳ, оббо сиз-ей!— деди Коля генералнинг юриш-туришига разм солиб қараб.— Бўпти, майли, юринг!

Коля билан учрашиб қолганларидан сўнг князь генерал билан Марфа Борисовнанинг олдига бир лаҳзада бўлсин кириб чиқадиган бўлди. Князга Коля керак эди; у нима бўлмасин генерални ташлаб кетишга қарор қилди ва боя унга бунчалар ишониб ўтиргани учун ўзини тоза койиди. Орқа томондаги эшикдан тўртинчи қаватга узоқ кўтарилишди.

— Князни таништирмоқчимисиз?— сўради Коля йўлда.

— Ҳа, ошна, таништирмоқчиман, генерал Иволгин ва князь Мишкин, бироқ нима... қандай... Марфа Борисовна...

— Биласизми, отажон, бормасангиз яхши эди! Ейди! Учкундан бери қорангизни кўрсатмайсиз, у бўлса пул кутяпти. Нега унга пул ваъда қилувдингиз? Доим шунақасиз! Энди ўзингиздан кўринг.

Тўртинчи қаватда пастаккина эшик қаршисида тўхташди. Генералнинг, афтидан, юраги бетламас, князни олдинга ўтказишга уришарди.

— Мен бўлсам, шу ерда қоламан,— гўлдиради у,— мен антиқа бир иш қилмоқчиман...

Коля биринчи бўлиб кирди. Аллақандай ўзини тоза бўяб-бежаган, оёғида туфли, эғнида олди очиқ тугмасиз кофта, сочларини ўрим қилиб ташлаган, қирқ ёшлардаги хоним эшикдан бошини чиқариб қаради-ю, генералнинг антиқа ишидан асар ҳам қолмади. Хоним уни кўргани замон чинқириб юборди.

— Мана у, пасткаш ва писмиқ одам, юрагим сезган эди-я!

— Кирайлик, ўзи шунақа,— минғирлади генерал князга ҳамон ҳеч нарса бўлмагандай маъсум илжайиб.

Лекин ундай эмасди. Улар пастак, қоронги даҳлиздан ўтиб, олтига кажави стул ва қарта ўйини учун мосланган мовут ёпилган иккита стол қўйилган торроқ залга кирганларидан сўнг бекач дарҳол ясама йнгламсираган, одатий товуши билан вола қила кетди:

— Уялмайсанми, уялмайсанми, ҳей ваҳший, ҳей зolim, уйимни вайрон қилдинг, ваҳший ва баттол! Хонавайрон қилдинг мени, таладинг, сиқиб сувимни ичдинг, тагин нолиганинг ортиқча! Қачонгача бу зулмларингга чидайман, ҳой бети йўқ, субути йўқ инсон!

— Марфа Борисовна! Марфа Борисовна! Бу... князь Мишкин. Генерал Иволгин ва князь Мишкин,— минғирларди титраб-қалтираган, эсанкираб қолган генерал.

— Ишонасизми,— бирдан князга мурожаат қилиб деди бекач,— ишонасизми, бу уяти йўқ одамнинг етим болаларимга

нчи ачимади! Ҳаммасини талади, ҳаммасини ташмалади, ҳаммасини сотди, гаровга қўйди. Ҳеч нарса қолмади. Мен сенинг тилхатларингни бошимга ураманми, ҳой имонсиз тулки? Жавоб бер менга, айёр, жавоб бер менга, ҳой, юҳо, очофат; нима, нима билан тўйдираман бу етим болаларнинг қорнини? Кўринг, яна маст бўлиб келади, оёғида ҳам туролмайди... Худого нима ёзиғлигим бор экан менинг, айт, жавоб бер, эй, разил ва жирканч, илоннинг ёғини ялаган, жавоб бер деяпман?

Бироқ генералнинг жавоб беришга ҳоли қолмаганди.

— Марфа Борисовна, йигирма беш сўм... топган-тутганим шу. Олижаноб дўстимнинг кўмаги, князь! Мен омонсиз адашдим! Ҳаёт... шундай экан... Энди эса... кечиринг, мадорим қолмади,— давом этди генерал хонанинг ўртасида турганча тўрт томонга энгашиб,— мадорим йўқ, кечиринг! Леночка! Ёстиқ... болажон!

Саккиз яшар қизча Леночка чопқиллаб бориб ёстиқ олиб келди ва клеёнка қопланган, қаттиқ титилиб кетган диванга қўйди. Генерал диванга ўтирди, ўзини кўп гапларга чоғлади, лекин диванга ётиши билан шу заҳоти ёнига оғиб тушди, деворга ўгирилиб олди ва мириқиб уйқуга кетди. Ғам-ғуссага ботган Марфа Борисовна князга стул кўрсатиб илтифот билан ўтиришга таклиф қилди, ўзи унинг рўпарасига ўтирди, қўлини ўнг юзига тираб олди ва князга кўзини тикканча индамай хўрсина бошлади. Учала болақай,— икки қизча билан бир ўғил бола, булар ичида каттаси Леночка эди,— столни қуршаб олишди, учовлари ҳам қўлчаларини стол устига қўйишди ва ҳар учовлари князини диққат билан кўздан кечирингга тушдилар. Бошқа бир хонадан Коля чиқиб келди.

— Мен бу ерда сизни учратганимдан жуда хурсандман, Коля,— деди унга қараб князь,— сиз менга ёрдам беролмасмикинсиз?! Мен албатта Настасья Филипповнаникига боришим керак. Мен боя Ардалион Александровичдан сўровдим, лекин у ухлаб қолди. Мени олиб бориб қўйинг, мен на йўлни, на кўчани биламан. Дарвоқе, қаердалигини биламан. Большой театр ёнида. Митовцованинг уйи.

— Настасья Филипповна? Э, у ҳеч қачон Большой театр томонда турган эмас, отам эса ҳеч қачон уникига бормаган, агар сизга айтсам; ундан бир нарса кутиб хомтама бўлибсиз. Настасья Филипповна Владимирский яқинида, Беш Бурчак олдида туради, бу ердан анча яқин. Ҳозир борасизми? Соат тўққиз ярим бўлди. Марҳамат, сизни кузатиб қўяман.

Князь билан Коля дарров кўчага чиқдилар. Эвоҳ! Князнинг извошга ҳам пули йўқ эди, пиёда боришга тўғри келди.

— Мен сизни Ипполит билан таништирмоқчи эдим,— деди

Коля,— у мана шу ёқавалангар хоним афандининг тўнғич ўғли, бошқа хонада эди боя, тоби йўқ, бугун куни бўйи ётди. Лекин у жуда ғалати; ёмон жиззаки, салга хафа бўлаверади, ҳалиги аҳволда сиздан оғриниб қоладими, деб ўйловдим, шунақа бир пайтда келдингиз... Мен ҳар ҳолда унчалик оғринмайман, чунки менинг отам, унинг эса онаси, бунинг ҳар ҳолда фарқи бор, чунки бундай вазиятда эркак кишини айбситмайдилар. Айтгандай, бу ҳолда бир жинснинг иккинчи жинс устидан устунлиги ҳақидаги мулоҳазалар хурофот. Ипполит ўзи зўр бола, лекин у баъзан хурофий фикрларнинг қули бўлиб юради.

— Сиз уни сил дедингизми?

— Ҳа, шундай шекилли, тезроқ ўлгани яхшийди. Унинг ўрнида бўлганимда ўлишни хоҳлардим. У кичкина укаларига ачинади, болакайларга. Қанийди агар иложи бўлганда, пул топганимизда, у билан бирга алоҳида уй ижара олардик ва оиладан бош олиб чиқиб кетардим. Бизнинг орзумиз шу. Биласизми, унга боя сизнинг бошингиздан кечган воқеани айтиб берувдим, унинг жуда жаҳли чиқиб кетди, тарсаки еган одам индамай кетса, дуэлга чақирмаса, у пасткаш киши, деди. Ҳар ҳолда, у жудаям жиззаки, сэрзарда бўлиб қолган, яна у билан баҳслашмай қўйдим. Демак, шундай денг, Настасья Филипповна сизни дарров уйига таклиф ҳам қилибди-да?

— Ҳамма гап шунда, мени таклиф қилмаган.

— Унда қандай боряпсиз?— хитоб қилди Коля ва ҳатто юрган жойида, йўлка ўртасида тўхтаб қолди,— бу... бундай кийимда-я, у ақиқа қиляпти шекилли?

— Узим ҳам билмайман қайси юз билан кириб бораман. Кел, десалар, яхши, кет — десалар, демак, тамом. Кийим дейсиз — кийимни нимга қилиб бўларди энди?

— Нима, ишингиз борми? Ёки «киборлар жамияти»да шунчаки фақат *pour passer le temps*ми?¹

— Йўқ, мен, шундай... яъни мен иш билан... буни ифода-лаб беришим қийин, аммо...

— Бўпти, қандай иш бўлса ҳам бу сизнинг ихтиёрингиз, менга сизнинг у ерга, қоқигуллар, генераллар, судхўрларнинг мафтункор жамияти ичига тамагирлик қилиб бормаётганлигингиз ҳаммадан ҳам муҳимдир. Агар бошқача бўлса, кечиринг, князь, мен сиздан кулган, сизни ёмон кўриб қолган бўлардим. Бу ерда ҳалол одамлар ҳаддан ташқари оз, ҳатто ҳурматга лойиқ одамни тополмайсан. Ноилож баланддан қарайсан, улар эса ҳаммалари ҳурмат талаб қиладилар, ҳаммадан ҳам Варя.

¹ Вақт ўтказиш учун (франц.).

Эътибор бердингизми, князь, бизнинг асримизда ҳамма фирибгар бўлиб кетди! Яна айнан бизда, Россияда, бизнинг суукли ватанимизда шундай, яна қандай қилиб бундай бўлиб қолган— тушунмайман. Ҳеч қимирлатиб бўлмайдиганга ўхшаб кўринган эди, энди нима бўлди? Ҳамманинг оғзидан шу гап, ҳамма ерда шуни ёзишади. Фош қилишади. Бизда ҳамма фош қилади. Ота-оналар ўзлари биринчи бўлиб орқага чекинишади ва ўзларининг илгариги ахлоқларидан уялиб юришади. Ана, Москвада отаси боласига пул топиш учун ҳеч нарсадан қайтмаслик керак, деб ўргатибди. Матбуотда ёзишди. Менинг генералимни кўринг. У нима деган одам бўлди энди? Яна биласизми, нима, назаримда, менинг генералим виждонли одам; худо ҳаққи, рост! Ҳаммасига бошбошдоқлик билан вино айбдор. Худо ҳаққи, рост! Юрагим ачийди, мен фақат буни айтишга қўрқаман, гапирсам, ҳамма кулади; худо ҳаққи, ачинаман. Уша ақлли деганлари ким бўлибди жуда? Ҳаммаси — судхўр, биттаси қолмай ҳаммаси судхўр! Ипполит судхўрликни оқлайди, шундай бўлиши керак, дейди, иқтисодий силжишлар, аллақандай кўтарилиш ва тушишлар, қуриб кетсин, у жудаям ғашимни келтирди бу гаплари билан, лекин ҳозир у ёмон дарғазаб. Ўзингиз ўйлаб кўринг, унинг онаси, капитандан бева қолган бир хотин, генералдан пул ундириб, яна унинг ўзига кўпайтириб олиш шарти билан қарз беради; қандай қабоҳат! Биласизми, ойим, яъни менинг ойим, Нина Александровна, генерал ойим, Ипполитга пул, киём-кечак, майда-чуйда билан ёрдам қилиб туради, ҳатто Ипполит баҳона анови чурвақаларга ҳам бир оз кўмаклашади, чунки болалар қаровсиз қолган, Варя ҳам ёрдам беради.

— Ана кўрдингизми, сиз бўлсангиз, виждонли ва кучли одамлар йўқ, ҳамма судхўр бўлиб кетган, деб юрибсиз: ана, сизнинг ойингиз билан Варяга ўхшаган зўр одамлар ҳам бор экан-ку. Ахир мана шундай бир аҳволда ёрдам беришликнинг ўзи бўладими, юракда ўт борлигидан дарак бермайдими бу?

— Варька ойимдан орқада қолмаслик, ўз иззат-нафсини қондириш, мақтаниб юриш учун қилади; ойим бўлса ҳақиқатан... мен ҳурмат қиламан. Ҳа, мен буни ҳурмат қиламан ва маъқуллайман. Ҳатто Ипполит ойимнинг бу ишини пасткашлик, деб кулиб юрди; бироқ энди анча тушуниб қолди. Ҳм! Демак, сиз буни юракдаги ўт дейсизми? Мен буни эсимда тутаман. Ганя билмайди, бўлмаса бунинг айбларини хаспўшлашяпти деб айтарди.

— Э, Ганя билмайдими? Ганя ҳали кўп нарсани билмайдиганга ўхшайди, — оғзидан бехос чиқиб кетди ўйга толган князининг.

— Э, биласизми, князь, сиз менга жуда ҳам ёқасиз. Бояги бошингиздан ўтган воқеа ҳеч кўз ўнгимдан нари кетмаяпти.

— Сиз ҳам менга жуда ёқиб қолдингиз, Коля.

— Менга қаранг, сиз бу ерда қандай яшамоқчисиз? Мен тезда ўзимга бир иш топаману ўз қунимини ўзим кўра бошлайман, келинг, мен, сиз ва Ипполит учовимиз бирга яшаймиз, ижарага уй оламиз; генерални бўлса ўзимизга оламиз.

— Мен бажонидил. Аммо яна ким билади, кўрамиз. Мен ҳозир жуда... жуда паришон бўлиб турибман. Нима? Келдикми? Шу уйда... жуда кўркам уй экан! Яна швейцар. Коля, билмадим, нима чиқаркин бу ишдан.

Князь эсанкираб туриб қолди.

— Эртага айтиб берасиз! Ўзингизни дадил тутинг. Худо омадингизни берсин, мен ҳам худди сизга ўхшаб ўйлайман, маслакдошимиз! Омон бўлинг. Мен яна у ерга қайтиб бораман ва ҳаммасини Ипполитга айтиб бераман. Сизни албатта қабул қилишадн, бунга шубҳа йўқ, хавотир олманг! У жуда топилмас хотин. Мана шу эшикдан кирилади, биринчи қаватда, швейцар кўрсатади!

XIII

Князь кириб бораркан, жуда хавотирланар ва иложи борича ўзига далда беришга уринарди: «Жуда нари борса,— деб ўйларди у,— мени қабул қилишмайди ва мен ҳақимда бирон ёмон фикрга боришади ёки қабул қилишса ҳам кўзимга қараб туриб, мендан кулишади... Э, майли!» Ҳақиқатан ҳам уни чўчитаётган нарса бу эмасди; унинг олдида: «У ерда нима қиламан ва ўзи нимага бориман?» — деган савол турар эдики, бу саволга у қаюатланарли жавоб тополмаётган эди. Мабодо қудай бир пайнинг топиб туриб Настасья Филипповнага: «Бу одамга турмушга чиқманг, ўзингизни нобуд қилманг, у сизни севмайди, сизнинг пулингизни севади, бунн менга ўзи айтди. Агдая Елизавина ҳам шундай деди, мен шуларни сизга айтиб қўйгани келувдим», деган тақдирда ҳам бу ҳар томондан олиб қараганда унча тўғри бўлмас эди. Яна бир ҳал қилинмаган жумбоқ ҳам бор эди, бу шунчалар ҳам мушкул ва муҳим жумбоқ эдики, князь ҳатто бунн ўйлашга ҳам юраги дов бермас, ҳатто хаёлига келтиришга қўрқар, журъат қилмас, уни қандай ифодалашни билмас, пичагина ўйласа шу заҳоти титраб, қизариб кетарди. Лекин охири, шунча ташвиш ва ҳадиксирашларга қарамасдан, у барибир ичкарига қадам қўйди ва Настасья Филипповнани сўради.

Настасья Филипповна учка катта бўлмаган, лекин ҳақиқатан ҳам жуда ҳашаматли қилиб безатилган уйда яшарди. Петербургда мана беш йил мобайнида умргузаронлик қиларкан, бошида Афанасий Иванович ундан сира пул аямади; ўша кезлари у Настасья Филипповнанинг кўнглини овлаш, уни ўзига ҳашам-ҳушам билан ром қилиб олиш пайида юрарди, одам ҳашамга тез кўникади ва бир кўниккандан кейин, ҳашам заруратга айлангач, ундан айрилиш жуда қийин бўлади, Афанасий Иванович буни биларди. Бу борада Тоцкий эскидан қолган, синалган йўлларга амал қилар, ҳеч нарсани ўзгартирмас, ҳиссиётга таъсир кўрсатадиган нарсаларнинг бутун сиғилмас қудратига ич-ичидан таҳсин ўқиган эди. Настасья Филипповна зеб-зийнатлардан юз ўгирмас, ҳатто зеб-зийнати ёқтирар, лекин ҳеч қачон унинг домига тушмас, ўзини худди шусиз ҳам бемалол яшайвериши мумкиндай тутарди, худди шу нарса фавқулудда ғалати, тушуниб бўлмайдиган бир ҳол бўлиб кўринарди; ҳатто бир неча бор шу тўғрида у оғиз ҳам очди ва бу Тоцкийга жуда оғир ботди, уни ҳайрон қилиб қўйди.

Дарвоқе, Тоцкий Настасья Филипповнанинг кўпгина одатларидан оғриниб (кейинчалик ҳатто нафратланиб), ёмон ажабланиб юрарди. У баъзан паст тоифадаги дағал одамларни ўзига яқин оларди, демак, унда шундай яқинликка майл бор, буларни айтмаганда ҳам унинг яна бошқа жуда ғалати одатлари ҳам йўқ эмасди; унда икки турли бир-бирига сира қовушмаган дид ва майллар даҳшатли тарзда қоришиб ётарди, нафис тарбия кўрган, етук одамлар ўзларига ҳатто яқин йўлатмайдиган ва яқин йўлатмасликлари зарур бўлган нарсалардан, ҳолатлардан у тортиниб, жирканиб, сесканиб ўтирмасди. Ростдан ҳам агарда, мисол учун айтиладиган бўлса, Настасья Филипповна ўзи киядиган батист кўйлакни деҳқон аёллар киймаслиги кераклигини, борингни, билмаса ва тантқланиб, эркаланиб, билмайман, деса, унда Афанасий Иванович эҳтимол, бундан ғоятда мамнун бўларди. Бошида Настасья Филипповнанинг тарбияси Тоцкийнинг йўл-йўригига биноан мана шунга қараб кетаётган эди, зотан, Тоцкий бу соҳада жуда билагон бир зот эди; аммо афсус! Натижа жуда ғалатироқ чиқди. Лекин шунга қарамасдан, Настасья Филипповнада нимадир бор ва ҳамон сақланиб келар эдики, бу нарса ҳатто Афанасий Ивановичнинг ўзини ҳам фавқулудда тенгсиз, бетимсол жозибаси, аллақандай қудратли сеҳри билан лол қилиб қўяр ва баъзан ҳатто ҳали-ҳанузгача, Настасья Филипповнага боғлаган барча умидлари пучга чиққан бўлишига қарамай, уни васвасага солар, мафтун ётарди.

Князни бир қиз қарши олди (Настасья Филипповнанинг

хизматчилари ҳаммаси доимо аёллардан бўларди) ва унинг кириб айтинг, деган илтимосига жавобан ҳеч нарсани сўраб-суриштириб ўтирмади, князь ҳайрон қолди. На унинг лой этиги, на соябони кенг шляпаси, на енгсиз хирқаси ва андиша, хижолат босган юзи оқсоч қизда зигирча ҳам шубҳа уйғотмади. Қиз унинг хирқасини ечиб олди, қабулхонада кутиб туришга таклиф этди ва шу заҳоти у ҳақда хабар қилгани кириб кетди.

Настасья Филипповнанинг уйига унинг одатдаги, доимий таниш-билишлари йиғилган эдилар. Бурунги йиллар шундай кунларда одам анча гавжум бўлар, бу йил жамоатнинг чўғи камроқ эди. Энг аввало ва асосан, Афанасий Иванович Тоцкий билан Иван Федорович Епанчин шу ерда эдилар, икковлари ҳам жуда серилтифот эдилар. Лекин икковлари ҳам Ганя юзасидан берилган ваъданинг эълон қилинишига мунтазир бўлиб турганларини яширолмас, бирмунча ташвишга ботган эдилар. Улардан бошқа яна албатта, Ганя шу ерда эди — у ҳам жуда тунд, жуда ўйчан ва ҳатто жуда ҳам «ётсираган» бир қиёфада ўзини четроққа тортар, миқ этмасди. Варяни олиб келишга унинг юраги бетламади, лекин Настасья Филипповна уни эслаб ҳам ўтирмади: лекин Ганя билан саломлашган заҳоти унинг боя князга кўрсатган қилиғини эслатди. Генерал ҳали бу воқеадан беҳабар, унга қизиқиб қолди. Шунда Ганя боя ўрталарида рўй берган ҳангомани қуруққина, қисқагина, лекин ҳаммасини очиқ-ошкора сўзлаб берди, княздан кечирим сўрашга борганини ҳам яшириб ўтирмади. Ҳикоя қиларкан, ҳайронман, ҳеч тушунолмаيمان, нега князни телба дейишаркин, мен аксинча, ҳеч ундай деб ўйламайман, бу одамнинг ақли ҳуши жойида, ўзига старли, деб қизғинлик билан ўз фикрини орага қистириб ўтди. Настасья Филипповна унинг бу фикрини диққат билан эшитди ва Ганяни ажабланиб кузатиб ўтирди, лекин гап айланиб эрталаб ҳаммаёқини тўс-тўполон қилиб юборган Рогожинга кўчди-ю, Афанасий Иванович билан Иван Федорович бунга ниҳоятда қизиқиб қолдилар. Рогожин ҳақида анча-мунча гапларни Птицин ҳам билар экан, у Рогожиннинг ишларини битираман деб кеч соат тўққизга довр овора бўлибди. Рогожин шу бугун 100 минг сўм топиб берасан, деб қўймай қаттиқ туриб олибди. «Рост, у маст эди, — деб қўшиб қўйди Птицин, — лекин қанчалар қийин бўлмасин, унга юз мингни топиб беришса керак, фақат ҳаммасиними, шу бугунми, билмадим; анча одамлар ҳаракат қилишяпти, Қиндер, Трепалов, Бискуп; кейин қанча десаиғ шунча кўпайтириб бераман, деяпти, рост, буларнинг барини қувонганидан жони ичига сиғмай мастлик билан қиляпти...» — деб хулоса чикарди Птицин.

Ушбу барча маълумотлар катта қизиқиш билан тингланди, кўпларнинг қош-қовоғи тушиб кетди; Настасья Филипповна орага гап қўшгиси келмас, индамасди, Ганя ҳам; генерал Епанчин бошқалардан кўпроқ ичдан зил кетиб ўтирарди: у боя эрталаб тақдим этган марварид аллақандай совуққина бир илтифот билан қабул қилинган, Настасья Филипповна ғалати-роқ кулимсираб қўйганди. Меҳмонлар ичида фақат Фердишченконинг вақти чоғ, дам сайин хахолаб, байрам кайфиятида юрар, баъзан ўзидан-ўзи бесабаб хандон ташлаб қулар, ўз бўйнига масхарабозликни олгач, шундай қилмай ҳам иложи йўқ эди. Ҳикояни нозик ва нафис қилиб айтиши билан танилган, илгари бундай зиёфат-мажлисларда ҳаммани ўз оғзига қаратиб ўтирадиган Афанасий Ивановичнинг ўзи ҳозир нашъасиз, ўзига хос бўлмаган паришон бир алфозда ўтирарди. Қолган меҳмонлар унчалик кўп эмасди (нимага чақирилганлиги фақат худога аён бўлган аллақандай бечораваш чол муаллим; жуда ҳам уятчан ва индамас, аллақандай нотаниш ёш йигит; ёши қирқларга борган ўктам актриса жувон; беҳад чиройли, бениҳоя бежирим ва зийнатли кийинган, ҳаддан ташқари индамас ёш бир хоним), улар суҳбатни қизитиб юборолмас, ҳатто нимани гаплашишни ҳам билмасдилар.

Шундай қилиб, князнинг келиб қолгани ҳам бир ҳисобда дуруст бўлди. Унинг номи айтилгач, ҳайрон бўлиб қолишди, айниқса, Настасья Филипповнанинг ажабланиб қараганидан, уни таклиф қилиш хаёлига ҳам келмаганлигини кўришгач, таажжубга тушиб ғалати илжайиб қўйишди. Аммо ажабланиб бўлгач, Настасья Филипповна бирдан жуда ҳам хурсанд бўлиб кетдики, кўпчилик чақирилмаган меҳмонни кулги ва хушчақчақлик билан кутиб олиш учун ҳозирланди.

— Борингки, буни унинг соддафаҳмлигига йўяйлик,— деди Иван Федорович Епанчин,— ҳар ҳолда бундай қилгиликларга кўпда йўл қўйиб бўлмайди, хатарли, лекин ҳозирга келсак, унинг бундай қизиқ бир тарзда ташриф буюргани ёмон эмас: фаҳмимча, у жуда бўлмаганда бизни кулдириб ўтирар дейман.

— Яна ўзи тумшугини суқди!— дарров қўшиб-чатиб қўйди Фердишченко.

— Хўш, нима бўпти!— қуруққина қилиб сўради Фердишченкони ёқтирмайдиган генерал.

— Нима бўларди, кириш ҳақини тўлайди,— деб изоҳ берди Фердишченко.

— Нима бўлсаям, ҳар ҳолда у князь Мишкин, Фердишченко эмас,— ўзини тутолмади генерал, у шу пайтгача ҳам Фердишченко билан бир даврада, ёнма-ён тенг-тўш бўлиб ўтиришни ҳам қилиб кетолмасди.

— Эй, генерал, Фердишченкога раҳминг келсин,— жавоб берди у тиржайиб.— Мен ахир, бутунлай бошқача мавқедаман.

— Қандай экан у сизнинг бошқача мавқеингиз?

— Мен буни ўтган сафар аҳли жамоатга батафсил айтиб берган эдим; сиз зоти олийлари учун яна бир карра такрорлайман. Кўриб турибсиз, зоти олийлари, ҳамманинг зеҳни ўткир, менинг эса зеҳним ўткир эмас. Мана шунинг эвазига мен рост гапириш ҳуқуқини ўзимга тилаб олдим, ҳаммага маълум, зеҳни ўтмас одамларгина доим рост гапирадлар. Бунинг устига мен жуда кекчи одамман, кекчилигимнинг сабаби ҳам зеҳним ўтмаслигидан. Мен биров озор берса, бўйнимни эгиб туравераман, дилзор сал қоқилгунча шундай, қоқилдим, тамом, дарҳол унга эслатиб қўяман ва шу заҳоти ўчимни оламан, Иван Петрович Птициннинг таъбири билан айтганда, тепаман, лекин Иван Петровичнинг ўзи ҳеч қачон ҳеч кимни тепмаган. Криловнинг зарбулмасали эсингизда борми, зоти олийлари: «Арслон ва Эшак»? Ана худди ўша сизу мен, биз ҳақимизда ёзилган.

— Сиз яна олиб қочяпсиз шекилли, Фердишченко,— қони қайнади генералнинг.

— Нима деяпсиз асти, зоти олийлари?— оғзидан илинтирди уни Фердишченко, у шундай илинтираман деб кутган ва бир болайман деб кўнглига тугиб қўйганди.— Хавотир бўлманг. Зоти олийлари, мен ўз ўрнимни биламан: агар сизу мен Крилов масалидаги Арслон билан Эшакка ўхшаймиз деган бўлсам, билингки, Эшак ўрнида мен ўзимни назарда тутганман, сиз эса, зоти олийлари, Арслонсиз, худди Крилов масалида айтилгандай:

Зўр Арслон, ўрмонлар шоҳи
Қариб-чириб қувватдан қолди.

Мен, зоти олийлари, Эшакман.

— Охирги гапингизга қўшиламан,— яна эҳтиётсизлик билан оғзидан чиқиб кетди генералнинг.

Буларнинг ҳаммаси албатта қўполдан-қўпол ва олдиндан бичиб-тўқилган гаплар эди, лекин нима қилиб бўларди, Фердишченконинг масхарабозлигига ҳамма кўникиб қолганди.

— Ҳа, мени бу ерга,— деб хитоб қилганди бир куни Фердишченко,— худди мана шундай тарзда гапиришим учун киритишди, бўлмаса яқин ҳам йўлатишмайди. Бўлмаса, менга ўхшаган тасқарани бошларига уришадими? Ўзим ҳам тушунаман буни. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мени, таъвия Фердишченкони шундай латиф назокат соҳиби бўлмиш Афанасий Иванович афан-

дим билан ҳеч замонда ёнма-ён ўтқазиб бўладими, ахир? Истанг-истаманг, буни бир нарса билан изоҳлаш мумкин: бунга инсон ақли бовар қилмайди, шунинг учун ҳам ёнма-ён ўтқазишади.

Қўпол-сўпол бўлса ҳам, ҳар қалай, унинг гаплари заҳардай татир, гоҳида ҳаддан ташқари аччиқ бўлиб кетар, худди шу нарса, афтидан, Настасья Филипповнага ёқар эди. Боз устига, бу ерга келмасдан туролмайдиганлар хоҳласа-хоҳламаса, Фердишченкога чидашлари керак бўларди. Айниқса, Тоцкий бошдананоқ уни сира ҳам ҳазм қилолмасди, Фердишченко, мени бу уйда худди шу боисдан қабул қила бошлаган бўлсалар керак, деб тахмин этиб, тахминида адашмаганга ўхшарди. Ганя ўз навбатида, ундан кўп кўргиликларни кўравериб, жони ҳиқилдоғига келган, бу борада ҳам Фердишченко Настасья Филипповнага хўпам асқатган эди.

— Князь ҳали қўлимга тушсин-чи, уни ҳар мақомга йўрғалатаман,— деб хулоса қилди Фердишченко Настасья Филипповнага нима деркин деб қараб.

— Қўлингиздан келмайди, Фердишченко, барака топинг, жуда қизишиб кетманг,— қуруққина қилиб деди унга Настасья Филипповна.

— А-а! Агар унга алоҳида ҳомийлик қилинаётган бўлса, унда мен ҳам тилимни тияман...

Аммо Настасья Филипповна қулоқ солмай, ўрнидан турдида, князни қарши олиш учун юрди.

— Мени хижолатдан қутқардингиз,— деди у бирдан князь қаршисига пешвоз чиқиб,— боя шошилинича сизни таклиф қилишни унутибман, журъат этиб ташриф буюрганингиздан бошим осмонга етди. Келиб бошим! а буюк миннат қўйдингиз, ташаккур сизга.

У шундай деркан, князнинг нима учун келганлигини уқиб олмоқчи бўлгандай, унга зеҳн қўйиб тикилди.

Князь балки унинг илтифотига яраша бирон жавоб топган бўларди-ю, лекин шу қадар кўзи қамашиб лолу ҳайрон бўлиб қолган эдики, миқ этиб оғзини очолмади. Настасья Филипповна буни сезиб мамнун бўлди. Бу кеча у ўзгача либос, ўзгача безак таққан, кўрган одам ҳайратдан ёқа ушлаб қоларди. У князнинг қўлидан тутиб, меҳмонлар томон бошлаб кетди. Меҳмонхонага кйрмасларидан пича бурун князь бирдан тўхтаб, ҳаддан ортқ ҳаяжонланиб, шоша-пиша унинг қулоғига шивирлади:

— Ойдай тўлишибсиз... жуда баркамолсиз... Нозик бўлсангиз ҳам, юзингиз оқарган бўлсаям... сизни бундан бошқача тасаввур қилиб бўлмайди... Сизнинг олдингизга жудаям келгим келди... мен... кечиринг...

— Кечирим сўраманг,— кулди Настасья Филипповна,— унда қизиғи қолмайди. Энди ишондим одамларнинг гапларига, сиз ростдан ҳам ғалати киши экансиз. Хўп, демак, сиз мени баркамол деб ҳисоблайсизми, а?

— Ҳа.

— Сиз жуда топағон бўлсангиз ҳам, лекин янглишдингиз. Шу бугуноқ буни ёдингизга соламан...

У князни меҳмонларга таништирди, лекин кўпчилик аллақачон у билан таниш эди. Тоцкий дарҳол бир нима деб лутф қилди. Ҳамма бирдан қандайдир жонланиб қолди, ҳамма баравар гапга тушиб кетди, кулишдилар. Настасья Филипповна князни ўз ёнига ўтқазди.

— Князь қадам ранжида қилган бўлса, бунинг нимаси ажабланарли экан?— ҳаммадан кўра қаттиқроқ бақирди Фердишченко.— Масала равшан, бунинг ҳеч қоронғи жойи йўқ!

— Ҳа, масала равшан, яшириб ўтирадиган ери йўқ,— илиб кетди бирдан индамай ўтирган Ганя.— Мен бугун князни тўхтовсиз кузатиб юрибман, у боя Иван Федоровичнинг столи устида Настасья Филипповнанинг суратини кўриб қолгандан бери ундан кўзимни узмайман. Боя хаёлимдан ҳам ўтган эди, жуда яхши эсимда бор, энди бунга имоним комил бўлди, князнинг ўзи ҳам менга йўл-йўлакай бир учини чиқаргандай бўлди.

Ганя ўз гапини заррача ҳазил қилмай фавқулодда жиддий оҳангда, ҳаттоки бадбин бир қиёфада айтдики, бу андак ғалати-роқ чиқди.

— Мен сизга ҳеч нарсанинг учини чиқарганим йўқ,— деб жавоб берди князь қизариб,— мен сизнинг саволингизга жавоб бердим, холос.

— Офарини, офарини!— қичқириб юборди Фердишченко.— Жуда юракдан чиқариб айтди; самимий, айёр йигит экан!

Ҳаммалари хаҳолаб кулишди.

— Э, мунча бақарасиз, Фердишченко!— нафратланиб, дашном берди Птицин.

— Мен, князь, сиздан бунақанги нағмаларни кутмаган эдим,— деб гап қўшди Иван Федорович,— биласизми, бу кимга ярашади? Мен бўлсам файласуфсиз деб юрибман! Вой мингаймас-ей!

— Князь жиндаккина ҳазилга ҳам моҳпора қиздай қизариб кетаётганига қараганда, юрагига худди навқирон ўсмирлар каби энг таҳсинга лойиқ ниятларини тугиб олганга ўхшайди,— деб шапиллаб гап қотиб қолди бирдан ҳеч ким кутмаганда шу пайтгача миқ этмай ўтирган, тиши тўкилиб тушган етмиш яшар чол муаллим, уни ҳеч ким бу кеча гапиради деб ўйламаганди.

Кулги устига кулги бўлди. Чол мен ўткир гап қилибман, шунга кулишяпти шекилли, деб ҳаммага бир-бир қараб қотиб-қотиб кула бошлади, шунда уни қаттиқ йўтал тутиб қолди, нима сабабдандир мана шунга ўхшаш ғалати чоллар, кампирлар ва ҳаттоки телбаларни ҳаддан ортиқ яхши кўрадиган Настасья Филипповна уни дарров эркалаб, ўпиб, унга чой келтиришни буюрди. У олдига келган оқсочдан устига ташлаб олиш учун мурсак сўради ва мурсакка ўраниб олди, каминга яна ўтин ташлашга амр этди. Соат неча бўлди деган саволга оқсоч ўн ярим бўлиб қолганлигини маълум қилди.

— Жаноблар, шампань ичмайсизларми,— деб қолди бирдан Настасья Филипповна.— Ҳаммаси тахт. Балки вақтингизни бир оз чоғ қилар. Марҳамат, ортиқча такаллуф не ҳожат.

Бунақанги содда бир тарзда ичишга таклиф қилингани Настасья Филипповнанинг тилидан жуда ғалати эшитилди. Унинг илгариги зиёфатлари бениҳоя сипо ўтишини ҳамма биларди. Умуман, зиёфат одатдагидан ташқари қувноқ бўла бормоқда эди. Майдан ҳеч ким бош тортмади, аввало, генералнинг ўзи, ундан кейин ўктам жувон, чол, Фердишченко, улардан сўнг ҳамма майга қўл чўзди. Тоцкий ҳам ўз қадаҳини қўлга олди, у туғилган янги вазиятни силлиқлаб, ёглаб кетмоқчи, унга иложи борича беозор ҳазил тусини бермоқчи эди. Фақат Ганя ҳеч нарса ичмади. Настасья Филипповна ҳам ўзига май олди ва бугунги кеча уч қадаҳ май ичаман, деб эълон қилди, унинг жуда ҳам ғалати, баъзан беҳад кескин ва шитоб билан қилган ҳаракатларидан, ўзидан-ўзи асабни тутақиб, қаҳ-қаҳ кулиб юборишлари ва яна жим бўлиб қолиб, оғир хаёлга толишларидан бирор нарса ни тушуниб олиш қийин эди. Баъзилар иситмаси бормикин деб ўйлаб қолишди; ниҳоят, унинг гўё ниманидир кутиб бетоқат бўлиб соатига қараб қўяётганлиги, паршонхотир бўлиб турганлиги атрофдагиларга сезила бошлади.

— Бир оз этингиз увушаётганга ўхшайдими?— сўради ўктам жувон.

— Бир озмас, қаттиқ увушяпти, шунинг учун ўраниб олдим,— жавоб берди Настасья Филипповна, у ростдан ҳам рангкути ўчган ва худди ичдан қаттиқ хуруж қилиб келаётган қалтироғини зўр билан босиб турганга ўхшарди.

Ҳамма ташвишланиб, безовта бўлиб қолди.

— Бекамитини холи қўйсакмикин, а?— деб қўйди Тоцкий Иван Федоровичга термилиб.

— Ундай қилманг, жаноблар! Мен сизлардан ўтиришларингизни сўрайман. Менга бугун айниқса шу ерда бўлишларингиз жуда ҳам зарур,— маънодор қилиб ўтинди Настасья Филипповна. Барча меҳмонлар бу кеча муҳим бир гап рўй беришини бил-

ганларидан бу сўзлар фавқулодда кучли таъсир қилди. Генерал билан Тоцкий яна бир-бирига қаршиб олдилар. Гаия тўрсайиб қимирлаб қўйди.

— Биронта пети-жё ўйнасақ яхши бўларди,— деди ўктам жувон.

— Мен битта қойилмақом, оҳори тўкилмаган пети-жё билман,— унинг гапини илиб кетди Фердишченко,— шуниси ҳам борки, у дунёда фақат бир марта бўлган, холос, ўшанда ҳам унча яхши чиқмаган.

— Айтиб беринг?— сўради ўктам жувон.

— Бир куни бир тўда йигитлар йиғилишиб қолдик, рост, ичишдик, кейин ичимиздан бир одам туриб, келинлар, ҳикоя айтишамиз, деб таклиф қилди, шарти шундоқ; ҳар ким ўтирган жойидан турмасдан бутун ҳаёти давомида қилган ёмон ишларининг энг ёмонини яширмасдан ҳаппи-ҳалол айтиб берадиган бўлди; лекин муҳими, яширмай, ёлгонламай очигини айтиш керак эди, ҳа, очигини!

— Қизиқ фикр!— деди генерал.

— Нимасини айтасиз, зоти олийлари, ҳақиқатан жуда қизиқ, лекин шу қизиқ бўлгани учун ҳам яхши.

— Кулгили фикр,— деди Тоцкий,— бильакс, тушунарли: мақтанчоқликнинг бошқача бир кўриниши.

— Балки худди ўшанга керак бўлиб қолгандир, Афанасий Иванович.

— Кулмай йиғлар эканмиз-да, пети-жё билан,— деб қўйди ўктам жувон.

— Ҳеч куракда турмайдиган, бўлмағур гап,— деди Тоцкий.

— Охири нима бўлди?— сўради Настасья Филипповна.

— Ҳамма бало шунда-да, унча яхши бўлмади, расво бўлди, ҳар ким ҳақиқатан ҳам ҳикоя қилиб берди, кўпчилик рўйроқ сўзлади, буни кўрнинг, тагги баъзилари жуда мамнун бўлишиб жон-жон деб айтиб беришди, кейин эса ҳаммалари уялиб кетишди, чидолмадилар! Умуман, ҳар қалай, жуда қизиқ бўлди, албатта ўзига яраша.

— Ростдан ҳам жуда антиқа гап!— деди Настасья Филипповна бирдан бутунлай жонланаркан.— Бир ўйнаб кўрсак бўларкан, жаноблар! Бўлмаса, жуда зерикиб қолаётганга ўхшаймиз. Агарда ҳаммамиз ҳикоя қилиб беришга рози бўлсайдик... Шунга ўхшаган гаплардан... албатта, рози бўлишса, ҳар кимнинг ихтиёри тўла ўзида,а? Балки биз чидармиз? Ҳар ҳолда, жуда ҳам қизиқ экан...

— Доҳиёна фикр!— илиб кетди Фердишченко.— Хонимлар, майли, бундан мустасно, эркаклар бошлаб берадилар; ўшандагидай қуръа ташлаймиз! Албатта! Албатта! Кимда-ким хоҳла-

маса, майли, айтмай қўя қолсин. Лекин ҳеч ким бундай бета-мизликка бормас дейман. Қани, жаноблар, қуръаларингизни менга беринглар, мана бу ёққа, шляпага ташланглар, князь олади. Шарт ҳам оппа-осон: ҳар ким ўз ҳаёти давомида қилган энг ёмон ишини айтиб беради, бундан осон нарса йўқ, жаноблар! Мана кўрасиз ҳали! Агар кимда-ким унутиб қўйса, мен ўша заҳоти унинг эсига соламан!

Бу ўйинни ҳеч ким хушламай турарди. Бировларнинг қовоқлари солинган, бошқа бировлари қувлик билан тиржайиб туришарди. Баъзи бирлари эътироз билдирмоқчи бўлишар, лекин буни дадил айтишга ботинолмасди, чунки Иван Федорович Настасья Филипповнанинг гапини икки қилгиси келмас, бу ғалати ўйин уни жуда ҳам қизиқтириб қўйганлигини сезиб ўтирарди. Настасья Филипповна кўнглига бир нарса келиб қолса, то шун қилдирмагунча қўймайдиган хотинлардан эди, у оғзидан чиққан нарсани, ҳатто унинг ўзига ҳеч қандай фойдаси бўлмаса ҳам бўлдиришга уринар, хархашаси унинг шунчалар бор эди. Мана, ҳозир ҳам у худди жазавага тушгандай бир жойда тек туролмас, тинмай асабийлашар, айниқса, безовта бўлиб қолган Тоцкийнинг эътирозларини қаҳ-қаҳ уриб қарши оларди. Унинг қоп-қора кўзлари ёниб кетди, қонсиз ёноқларига қизиллик югурди. Баъзи бир меҳмонларнинг юзларида хафалик ва жирканиш акс этганлигини кўриб, унда майнабозчиликка хоҳиш, эҳтимол, янада кучайди, эҳтимол, ўйин бу қадар ғаддор ва дағал бўлгани учун ҳам унга ёқиб қолгандир. Баъзи бировлар у ўзича бир нарсаларни кўзлаётганга ўхшайди, деб ишончлари комил эди. Воқеан, ҳамма рози бўла бошлади: ҳар ҳолда, нима бўлмасин, қизиқ эди, аксар кишилар эса ўзлари ҳавасманд бўлиб қолгандилар. Ҳамма ҳамма билан, лекин ҳаммадан ҳам кўпроқ Фердишченко ҳовлиқиб ўзини қўярга жой тополмасди.

— Агар шунақа айтиб бўлмайдиган нарса бўлса-чи... айниқса, хотинларнинг олдида,— деб ийманиб сўради индамас ёш йигит.

— Ундай бўлса гапирманг, қўйинг; дунёда шундан бошқа ёмон ишлар қуриб кетганми,— деб жавоб берди Фердишченко,— вой, йигитчаси тушмагур-ей!

— Мен бўлсам, қайси бир қилигим энг ёмон эканлигини ажратолмай қолдим,— деб гап қўшди орага ўктам жувоп.

— Хонимлар ҳикоя қилиб беришлари шарт эмас,— деб такрорлади Фердишченко,— ҳа, шарт эмас. Лекин шахсан истак билдирувчилар бўлса, бош устига. Эркаклар ҳам сира айтгилари келмаса, майли, айтмай қўя қолсинлар, шарт эмас.

— Гап ёлғон эмаслигини бу ерда қандай исбот қилиб бўлади?— сўради Ганя.— Агар ёлғон гапирсам, унда ўйиннинг

сира ҳам маъноси қолмайди. Қим ҳам ростини айтарди? Ҳам-ма албатта ёлғонлашга тушади.

— Ҳа, баракалла, одамнинг қандай ёлғон сўзлаётганлигини кузатиб ўтиришнинг ўзи қизиқ. Сен эса, Ганечка, ёлғон гапириб қўяман деб кўп хавотир олаверма, чунки сенинг энг ёмон қилигинг ҳам бутун жамоатга маълум. Э, ўзингиз бундоқ ўйлаб кўринглар, жаноблар,— деб хитоб қилди бирдан аллақандай шавқ билан Фердишченко,— кейин бир-биримизнинг юзимизга қандай қараймиз, мисол учун эртага, шунча гаплардан кейин дейман!

— Қўяйлик шу нарсани? Наҳотки, сиз ростдан ҳам шуни истаётган бўлсангиз, Настасья Филипповна?— иззат билан сўради Тоцкий.

— Чумчуқдан қўрққан — тарик эмайди!— кулимсираб деди Настасья Филипповна.

— Лекин менга қаранг, жаноб Фердишченко, шу ҳам ўйин бўлдими ўзи?— давом этди борган сари ташвиши ортиб Тоцкий.— Менга ишонинг, бундай нарсаларнинг ҳеч оқибати яхши бўлмайди; ўзингиз айтдингиз-ку, боя бир ўйнаганимизда унча чиқмади деб.

— Нега чиқмас экан! Утган сафар уч сўлкавой ўғирлаганимни айтиб бердим-ку, нима бўлса бўлди дедиму шартта айтдим-қўйдим!

— Боринги, шундай. Лекин гапингизни ростга ўхшатиб ишонарли қилиб айтиб беришга сизда имконият йўқ эди-ку ахир? Лекин Гаврила Ардалионич жуда ҳам тўғри фикр билдирди, озгина орага ёлғон қўшилса, ўйиннинг тузи қочади. Мақташчоқликка берилиб кетиб, оғзидан боди кириб шоди чиққанини билмайдиган одамгина тасодифан рост гапириб қўйиши мумкин, лекин бу ер маза-матрасиз олди-қочдиларни валақлаб ўтирадиган жой эмас.

— Лекин бениҳоя нафис назокат соҳибсиз, Афанасий Иванович, ҳатто мени ҳайрон қилиб қўйдингиз!— кичқирди Фердишченко.— Буни қарангларки, жаноблар, сиз гапингизни ростга ўхшатиб сўзлаб беролмасдингиз, деяпти Афанасий Иванович, бу билан у менга бениҳоя нозик қилиб сиз ростданам ўғирлик қилмагансиз деб ишора қиляпти (негаки бунақа нарсани оғиз кўпиртириб гапириб ўтириш уят), лекин аминманки, ичида Фердишченконинг қўлидан ўғирлик келади деб қаттиқ ишонади! Лекин қани бошлайлик, жаноблар, бошлайлик, қуръалар йигилиб бўлипти, ўзингиз ҳам, Афанасий Иванович, қуръа ташладингиз, демак, ҳеч ким қарши эмас! Князь, қани олинг?!

Князь индамасдан қўлини шляпа ичига солиб, биринчи қуръани олди, биринчи — Фердишченкога, иккинчи — Птицинга,

учинчи — генералга, тўртинчи — Афанасий Ивановичга, бешинчиси — ўзига, олтинчи — Ганяга чиқди ва ҳоказо. Хонимлар қуръада иштирок этишмади.

— О, худойим, бу қандай бахтсизлик!— қичқирди Фердишченко.— Мен бўлсам, биринчиси князга, иккинчиси генералга чиқади деб юрибман. Лекин худога шукур, ақалли мендан кейин Иван Петрович экан, бу менга мукофот бўлади. Биласизми, жаноблар, мен, албатта, олижаноб ибрат кўрсатишим керак, лекин шу топда ўзимнинг ғоятда майда, жўн бир одам эканлигимдан жуда хафа бўлиб кетдим, ҳатто унвондан ҳам ёлчимаганман; Фердишченко хунукроқ бир иш қилган бўлса, нима, шу билан осмон узилб, ерга тушибдими, бунинг нимаси қизиқ? Ундан кейин менинг энг ёмон қилигим қайси! Қилгиликлар *embarras de richesse*.¹ Ёхуд ўғри бўлмай туриб ҳам ўғирлаш мумкинлигига Афанасий Ивановични ишонтириш учун яна ўша ўғирлик ҳақида сўйлаб берсамкин.

— Мен сизга энди ишондим, жаноб Фердишченко, одам ўзининг қаланғи-қасанғи қилиқларидан ҳикоя қилиб ҳам роса роҳат олиши мумкин экан, бўлмаса ҳеч ким сўраб тургани йўқ... Ҳа, ростдан ҳам... Узр, жаноб Фердишченко.

— Бошланг, Фердишченко, сиз жуда ёмон маҳмадона бўлиб кетибсиз, ҳеч гапингиз тугамайди!— аччиғи чиқиб, бетоқат амр қилди Настасья Филипповна.

Боягина хандон ташлаб кулаётган хотин бирдан қовоғини уйиб олди, тажаанг, жаҳлдор бўлиб қолди, буни ҳамма сезди; шундай бўлса ҳам қайсарлик билан кожлик қилиб ўз сўзида туриб олди. Афанасий Иванович қаттиқ музтар бўлди. Иван Федорович ҳам тоза унинг ғашини келтирмоқдайди: у ҳеч нарсани парво қилмай шампань ичиб ўтирар ва эҳтимол, ўз навбати билан бирор нарсани айтиб бергиси ҳам йўқ эмасди.

XIV

— Тутантуригимиз йўқ, Настасья Филипповна, шунинг учун ҳам бекорчи гапларни кўп айтаман!— деди Фердишченко ҳикоясини бошларкан.— Агар менинг Афанасий Иванович ёки Иван Петровичга ўхшаган тутантуригим бўлганда эди, бугун оғзимга сув олиб миқ этмай ўтирган бўлардим, бамисли Афанасий Иванович билан Иван Петровичга ўхшаб. Князь, қани ўзингиз айтинг-чи, мана, менинг назаримда дунёда тўғрилардан ўғрилар кўпроққа ўхшаб кўринади, ростини айтсам,

¹ Тўлиб-тошиб ётибди (франц.).

умрида бирон маротаба бўлсин ўғирлик қилмаган ҳалол одамни кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмаса керак, сиз шунга нима дейсиз. Бу ўзимнинг фикрим, лекин нафсиламрини айтганда, балки ҳамма ялпи ўғри бўлиб чиқмаслиги ҳам мумкин, лекин худо ҳаққи, баъзан ҳамма ўғри бўлиб кетган дегинг келади. Сиз қандай фикрдасиз?

— Уф, мунчалар гапларингиз зерикарли бўлмаса,— деди бир чеккада ўтирган Дарья Алексеевна,— ундан кейин шу ҳам гап бўлдимиз, ҳамма ҳам умрида бирон нарса ўғирлаган бўлиши сира мумкин эмас; мен ҳеч нарса ўғирламаганман.

— Сиз ҳеч қачон ҳеч нарса ўғирламагансиз, Дарья Алексеевна, лекин мана, князь нима деркин, у нега бирдан бунчалар қизариб кетдикин?

— Менимча, сиз тўғри айтдингиз, лекин жуда ҳам ошириб юбордингиз,— деди чиндан ҳам негадир қизариб кетган князь.

— Сиз ўзингиз, князь, ҳеч нарса ўғирламаганмисиз?

— Уҳ! Гапини қаранг! Ҳушингизни йингинг, жаноб Фердишченко,— деб ўртага тушди генерал.

— Қаранглар-а, чиндан гапириб беришга тўғри келгандан кейин орингиз келиб ўзингизни олиб қоча бошладингиз, князин ўзингизга шерик қилмоқчи бўляпсиз, у шўрлик лом-мим демайди-да, а,— деди дона-дона қилиб Дарья Алексеевна.

— Фердишченко, ё гапиринг, ё индамай туринг, кейин фақат ўзингизни билинг. Одамнинг тоқатини тоқ қилиб юбордингиз,— деди гаши келганидан кескин қилиб Настасья Филипповна.

— Айтганим бўлсин, Настасья Филипповна; ҳамонки, князь бўйнига олган экан, мен бўлсам, барибир князь бўйнига олди деб ҳисоблайман, шундай экан, бошқа бир одам шу аҳволга тушиб сўзлаб бериши керак бўлиб қолса (мен ҳозир ким сўзлаб бериши мумкинлигини айтиб ўтирмайман), ана унда ростдан ҳам бўлиб ўтган ҳодисани қандай қилиб айтарди, мен мисол учун деяпман? Ўзимни айтадиган бўлсам, жаноблар, айтиб ўтиришга арзийдиган гапининг ўзи йўқ, бори ҳам жуда паст, бемаза ва аҳмоқона гап. Лекин гапимга ишонинглар, мен ўғри эмасман. Қандай қилиб ўғирлаганимни ўзим ҳам билмайман. Бунга уч йил бўлиб қолди. Яқшанба куни Семен Иванович Ишченконинг боғчасида эдик. Унинг меҳмонлари бор эди. Тушликдан сўнг эркаклар вино ичиб ўтириб қолишди. Мен унинг қизи Марья Семеновнани топиб унга музика чалдириб эшитмоқчи бўлдим. Чеккадаги уйдан ўтиб бораётсам, Марья Ивановнанинг иш столи устида уч сўмлик ётганига кўзим тушди, кўк қоғоз: юмуш юзасидан бировга бермоқчи бўлган шекилли. Мундоқ қарасам, хонада ҳеч ким йўқ. Пулни олдим у киссамга солдим, нега — ўзим ҳам билмайман. Менга нима бўлди — тушунмайман. Фақат тезгина орқамга қайтиб ке-

либ столга ўтирдим. Ўтириб олиб қани нима бўларкин дейман, ўзим ҳаяжондаману оғзим тинмай гапираман, латифалар тўқийман, хахолоб куламан нуқул; кейин бекаларнинг ёнларига ўтиб ўтирдим. Ярим соатлардан сўнг ғала-ғовур бўлиб қолди, оқсоч қизлардан суриштира бошладилар. Оқсоч қиз Дарьядан кўришди. Мен ҳам бунга жуда қизиқиб қолиб ўртага тушдим, эсимда бор, бир маҳал Дарья бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, мен уни бўйнингизга олсангиз яхши бўлади, деб қистай бошладим, Марья Ивановна меҳрибон бекалар, кечирадилар, деб қасам ичдим, ҳа, ҳамманинг кўз ўнгида баралла шундай деб айтдим. Ҳамма оғзини очиб қараб қолди, мен бўлсам ваъз-насихат ўқиётганимдан бағоят лаззатланардим, пул чўптагимда эди, ўзим ваъз сўқардим маза қилиб. Уч сўмини ўша кунги кечасиёқ ресторанда совурдим. Қирдиму бир шиша лафит сўрадим; шу кунгача мен ҳеч қачон бир шиша қуруқ винонинг ўзини сўрамагандим; пулни тезроқ йўқотгим келди. Бу воқеадан ўшанда ҳам, ундан кейин ҳам виждоним қийналганлигини эслолмайман. Назаримда, иккинчи марта бундай ишга қўл урмасам керак. Бунга хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ихтиёрингиз, бунинг менга қизиги йўқ. Хўш, вассалом.

— Лекин, чоғимда, сиз қилган энг ёмон иш бу бўлмаса керак,— деди нафратланиб Дарья Алексеевна.

— Бу кайфият таъсирида бўлиб ўтган нарса,— деди Афанасий Иванович.

— Оқсоч қизга нима бўлди?— сўради Настасья Филипповна ижирганиб, у нафратланганини яшириб ҳам ўтирмади.

— Оқсоч қизни эртасигаёқ қувиб юборишди албатта. Улар бунақа нарсаларга қаттиқ туришади.

— Сиз индамадингизми?

— Улмаи! Қайси юз билан уларга мен олдим деб айта олардим?— деб ҳиҳилади Фердишченко. Нафсиламрга, у ўз ҳикояси ҳаммада оғир таассурот қолдирганидан жуда ҳайратга тушди.

— Бунчалар ифлос бўлмасангиз!— деди Настасья Филипповна.

— Воҳ-ей! Узларингиз одамдан умрида қилган энг ёмон қилиғини эшитмоқчи бўласизлару яна бунинг устига ажойиб нарсани кутасизлар! Одамнинг энг ёмон қилиқлари доимо жуда ҳам ифлос бўлади; биз буни ҳозир Иван Петровичдан эштамиз. Бунинг устига сиртига қараб баҳо бериш қийин, кўп нарсаларнинг усти йилтироқ бўлади, ўзини эзгуликнинг тимсоли қилиб кўрсатмоқдан тоймайди, негаки, миниб юрай деса тагида каретаси бор. Каретаси борлар, оза дейсизми... Нималарнинг эвазига келган экан ўша кареталар...

Қисқаси, Фердишченко бутунлай ўзини йўқотиб қўйди ва

бирдан жаҳли чиқди, ўзини қўярга жой тополмай қолди, қуюшқондан чиқиб кетди. Юзлари қийшайди. Қанчалар ғалати бўлиб кўринмасин, лекин афтидан, у ўзининг ҳикояси одамларда бошқача бир таассурот қолдирса керак деб кутганди. Фердишченко ўзини тута билмай алжиб қўядиган, Тоцкий айтмоқчи, «лақиллаб» қоладиган пайтлар тез-тез бўлиб турар, унинг одати ўзи шу эди.

Настасья Филипповна қаҳрланганидан титраб кетди ва Фердишченкога тикилиб қаради; Фердишченко шу ондаёқ қўрққанидан миқ этмай қолди, юраги шув этиб муздай бўлиб кетди: ҳадидан ошиб кетганлигини сезди.

— Шунинг бас қилиб қўя қолмаймизми, а?— муғамбирлик қилди Афанасий Иванович.

— Навбат меники, лекин мен ўз имтиёзимдан фойдаланиб ҳикоя қилишдан воз кечаман,— қатъий деди Птицин.

— Хоҳламайсизми?

— Қўлимдан келмайди, Настасья Филипповна; мен умуман бундай тарзда кўнгил очишликни унчалик маъқулламадим.

— Генерал, бўлмаса, навбат сизга келган шекилли,— деб генералга мурожаат қилди Настасья Филипповна,— агар сиз ҳам воз кечсангиз, унда ҳамма ўйинимиз барбод бўлади, мен ҳам афсусланиб қоламан, негаки, охирида «ўз шахсий ҳаётимдан» бир воқеани сўйлаб бермоқчийдим, фақат сиз билан Афанасий Ивановичдан кейин айтсам девдим, сизлар менга мадад бериб турасизлар-да,— деди у кулиб гапининг охирида.

— О, сизки, ваъда қиладиган бўлсангиз,— деди ялтоқланиб генерал,— унда мен сизга бир умр ҳикоя айтиб берганим бўлсин, сизга бутун ҳаётимни айтиб беришга тайёрман; лекин гапнинг очиги, навбатим келса, айтарман деб бир воқеани эслаб тургандим...

— Жанобин олийлари ўз ҳикояларини қанчалар адабий жиҳатдан силлиқлаганлари чехраларидан шундай кўриниб турибди,— деди журъат қилиб Фердишченко. У ҳамон ўзига келмаган, заҳаранда қилиб турарди.

Настасья Филипповна ҳам генералга назар ташлаб қўйди ва ичида кулди. Лекин алланарсадан тобора қаттиқ ғаши келар, бетоқатланарди. Афанасий Иванович унинг ҳикоя айтиб бермоқчи бўлаётганлигини эшитгандан сўнг баттар қўрқиб кетди.

— Жаноблар, мен ҳам бошқалар қатори ўз ҳаётимда анчайин номаъқул ишларни ҳам қилганман,— деб бошлади генерал,— лекин ўзимга ҳам жуда антиқа бўлиб туюладиган шу нарсани — ҳозир сизларга айтмоқчи бўлаётганим воқеани умримдаги энг ёмон қилигим деб ҳисоблайман. Дарвоқе, бунга ўттиз беш йил бўлди. Лекин шунча вақт ўтгани билан доим эсласам, юрагимни

бир нарса кемираётгандек бўлаверади. Лекин очигини айтганда, ўзи жуда ҳам бемаза воқеа. Мен ўша пайтларда оддий прапоршчик эдим, куним армия ишида ўтарди. Прапоршчик нималигини биласизлар, қонинг кўпириб тошиб ётади, қиладиган ишинг эса бир пулга арзимаиди. Ушанда бир деншчигим бўларди, Никифор деган, барака топкур хўжалигимга жуда яхши қарарди, аллақа-ёқлардан нарсалар топиб келар, артар, тозалар, ювар, ямар, қўлига қаерда нима тушса ҳаммасини уйга кўтариб келаверарди, ишқилиб, уй тўкис турса бўлгани эди; жуда садоқатли ва бениҳоя ҳалол одам эди. Мен албатта, уни тергаб турардим, лекин ноҳақликка йўл қўймасдим. Бир қанча вақт бир шаҳарчада туриб қолдик. Мени бир ҳарбийнинг бевасиникига жойлаштиришди. Саксонларга кириб қолган кампир эди, жуда қариб қолган. Ёгочдан қурилган уйи бузилиб, лиқиллаб, мазаси қочиб қолган эди, кампир бечора жуда ночор турар, қашшоқлигидан хизматкори ҳам йўқ эди. Лекин қизиғи шундаки, бир маҳаллар жуда катта хонадон бекаси бўлган, қариндош-уруғлари кўп экан; лекин ҳаёт экан, уларнинг кўплари ўлиб кетишган, бировлари турли томонларга кетиб қолишган, қай бирлари эса кампирни унутиб юборишган экан, эрини эса кампир қирқ беш йил бурун қабрга қўйган экан. Бундан бир неча йиллар илгари кампир билан бирга жияни тураркан, лекин эшитишимга қараганда, жуда баджаҳл, букри алвастининг худди ўзгинаси экан, ҳатто бир марта кампирнинг бармоғини тишлаб олган экан, лекин у ўлиб кетгандан кейин кампир уч йилдан бери ёлғиз ўзи тураркан. Кампирникида жуда зерикиб кетдим, қоқсуяк, бемаза кампир эди ўзим, мундоқ гаплашиб ўтиришга ҳам ярамасди. Кампир тушмагур бир кун менинг хўрозимни ўғирлаб ўтирибди. Бунинг қандай бўлгани ҳали ҳам менга қоронғи, лекин ундан бошқа ким ҳам ўғирлаши мумкин. Хўроз туфайли қаттиқ жиқиллашиб олдик, фурсати келиб турган эканми, ўшанда бир оғиз сўзим биланоқ мени янги квартирага жойлаштиришди, бу уй кўчанинг нариги ёғида жойлашган бўлиб, соқоли супургидай келадиган, ўзи жўжабирдай жон савдогарга қарашли эди, унинг соқоли ҳали ҳам эсимда. Никифор билан жон-жон деб кўчиб ўтдик, кампирдан қутулганимизга шукур қилдик. Орадан уч кун ўтиб машқдан қайтсам, Никифор: «Жаноб олийлари, товоғимизни бекор кампирга ташлаб келган экансиз, мана энди суюқ ошни сузишга идиш йўқ», деб қолди. Албатта, мен ҳайрон бўлдим: «Нега, нима учун, қандай қилиб бизнинг товоғимиз кампирникида қолади?» Бундан ажабланган Никифор: «Кампир биз уникидан кўчаётган кунимиз менга товоқни бермади, хўжайининг менинг тувагимни синдириб қўйган эди, ана шу тувакнинг ўрнига товоқни олиб қоламан, хўжайининг ўзи ҳам рози бўлган», деди деб маълум қил-

ди. Пасткашлигини қаранг, мен бунга асло чидаб туролмадим; қоним қайнаб кетди, ўрнимдан шарт туриб, югуриб бордим. Кампирникига келганимда кўзимга қон тўлиб кетган эди, бундоқ қарасам, у уйда ёлғиз ўзи бурчакка тикилиб ўтирибди, худди офтобдан қочиб салқинга киргандай бошини қўли билан тираб олган денг. Биласизми, ўзимни билмай унга роса бақириб-чақирдим, «сен ундайсан, сен бундайсан!» деб, биласиз-ку русчалаб тоза қотирдим. Кейин бундоқ қарасам, иш бошқачага ўхшайди, ғалати жуда: кампир менга чақчайиб тикилганча кўзини узмайди, гапларимга жавоб бермайди, жуда ҳам ғалати қилиб, ғалати қилиб мунгайиб қарайди денг, яна тебраниб ҳам қўяди денг. Охири мен ҳам жим бўлиб қолдим, кейин секин чақирдим, миқ этмайди. Нима қилишимни билмай туриб қолдим; пашшалар ғинғиллайди, офтоб ботиб боради, жимжит; эсанкираб турдим, кейин чиқиб кетдим. Ҳали уйга етиб борганим йўқ-эди, майорнинг ҳузурига чақиртириб қолишди, сўнг ротага кириб чиқишимга тўғри келди, шундай қилиб, уйга алламаҳал бўлганда қайтдим. Мени кўрган заҳоти Никифорнинг айтган сўзи шу бўлди: «Эшитдингизми, жаноби олийлари, кампиримиз ўлиб қолибди». — «Қачон?» — «Бугун кечқурун, бир ярим соатча бўлибди». Демак, мен унга бақириб-чақираётган чоғимда бечора жон таслим қилаётган экан. Ҳайрон бўлиб қолибман денг, азбаройи худо. Зўрга ўзимга келдим. Биласизми, ҳатто нуқул шуни ўйлай бошласам тагин тушимга ҳам кириб чиқади денг. Мен биласизми, унча-мунча нарсаларга ишонмайман, лекин учинчи куни черковга жанозасига бордим. Хулласи калом, шунча вақт ўтмишига қарамасдан барибир баъзан эсимга тушиб қолади, ўйлаб кетасан киши. Жуда унчалар бўлмаганда ҳам, ҳар қалай гоҳо, кўз олдинга келтирсанг, юрагинг орзиқиб кетади. Фаҳм қилиб кўрсам, ҳамма гап нимада эди денг? Авваламбор, хотин киши денг, хотин кишини бизнинг давримизда, нима десамикин, одам боласи деб қаралади, умр кечирибди, узоқ умр кечирибди денг, яшаб-яшаб мана охири ҳаммаси бурнидан чиқди. Бир маҳаллари болалари бўларкан, эри, қавм-қариндошлари бор экан, атрофидан одам аримас экан, нима десамикин, уларнинг лабларидан табассумлар аримас экан, кейин десаңгиз, бирдан ҳаммаси чапараста бўлиб кетади, ҳаммаси остин-устун бўлади, ёлғиз ўзи, ёлғиз сўққа боши билан қолади тирик тасқара бўлиб... худди... пашшага ўхшаб денг абадулабад лаънат қарғишига учраб денг. Ниҳоят десаңгиз, худо қазосини қаритади. Офтоб ботиб бораётган завол чоғида, сокин ёз оқшомида кампирим оҳиста учиб кетади кўкларга, — албатта, бу ерда одамга ибратли ҳоллар ҳам йўқ эмасга ўхшайдикки мана шундай бир пайтда у шўр-

ликни йиғлаб-сиқтаб дегандай охирги йўлга кузатиб қўйиб ўрнига навқирон, ўт-олов прапоршчигимиз қўлини белига тираб олганча бақириб-чақиради, русча болохонадор сўкишларни ёгдириб бўралаб сўкинади, битта қуриб кеткур товоқни деб ўлаётган кампир шўрликнинг қулоқ-миясини қоқиб қўлига беради! Ҳеч қандай иштибосиз айтмай, мен айборман, орадан шунча йиллар ўтиб, энди ўзимиз ҳам бошқача бўлиб қолганлигимиз учун мен бу воқеага худди бирининг қилган иши деб қарайман, лекин барибир баъзан ачиниб қўяман. Шундай бўлгандан кейин яна такрор айтаман, менга галати бўлиб туюлади, мабодо мен гуноҳкор бўлганимда ҳам, лекин жуда унчалар эмасдир дейман: нега унинг худди ўша пайтга келиб ўлгиси қистаб турган экан, билмайман? Пафсиламрга, буни фақат бир жиҳатдан оқлаш мумкин: бу нарса оний бир кайфиятнинг таъсирида қилнган маълум маънода албатта, лекин мен ўн беш йилча бурун иккита касалманд кампирни топиб ўз қарамоғимга олдим, қариб-чириб қолган шу бечораларнинг умрлари тузукроқ ўтсин деб, ўз ҳисобимдан ғарибхонага жойлаштирдим. Уларни бир умр ўз қарамоғимда олиб қолиш ниятим бор, пул ҳам васият қилиб қолдирмоқчиман. Ана, сизга ҳикоя. Қайтараман, балки мен ҳаётда кўп гуноҳлар қилгандирман, лекин мана шу воқеани ўз умримдаги энг ёмон қилигим деб ҳисоблайман.

— Ҳисоблайдилару, лекин жаноби олийлари энг ёмон қилиқлари ўрнига энг яхши ишларини сўйлаб бердилар; Фердишченкони тоза лақиллатдингизлар!— деб хулоса қилди Фердишченко.

— Рости билан ҳам, генерал, мен барибир сизни бунчалик оққўнгилсиз деб ўйламаган эканман; ачинарли жуда,— деди беписандлик билан Настасья Филипповна.

— Ачинарли дейсизми? Нимага, айтнинг?— сўради илтифотли куларкан генерал, сўнг ўзидан мамнун ҳолда шампандан ҳўплаб қўйди.

Лекин навбат Афанасий Ивановичга келган, у ҳам ҳозирланиб ўтирарди. Ҳаммалари у ҳикоя қилиб беришдан бўйин товламаса керак деб тахмин қилган эдилар, ахир у Иван Петровичдай четга чиқиб туролмайди-ку, умуман, баъзи бир сабабларга кўра у нима деркин деб жуда қизиқардилар ва шу билан бирга Настасья Филипповнага ҳам қараб-қараб қўярдилар. Афанасий Иванович ўз савлатига яраша қадрини яхши биладиган одамлардай оҳиста, шошмасдан, илтифотга тўлиқ товуши билан «дилбар ҳикоятларидан бирини» бошлади. (Айтгандай: у жуда кўркам, басавлат, баланд бўйли, оқ оралаган сочи сийраклаша бошлаган, гўштор, қип-қизил юмшоқ лунж-

лари бир оз осилиб тушган, ясама тиш қўйдирган одам эди. У ўзига жуда ярашадиган, нафис ва башанг кийимлар киярди. Унинг оппоқ момикдай қўлларига қараб одам тўймасди. Унг қўлининг шаҳодат бармоғига қимматбаҳо олмос узук тақарди.) У ҳикоя қиларкан, Настасья Филипповна қўйлагининг энгидаги тўрдан кўзини узмасдан чап қўлининг икки бармоғи билан тўр ипларидан тортқилаб ўтирди, шунинг учун ҳам ҳикоя қилаётган кишига қарашга асло фурсати бўлмади ҳисоб.

— Вазифамнинг юки анча енгил,— деб бошлади Афанасий Иванович,— чунки мен умрим бино бўлиб қилган энг ёмон ишимни айтиб бермоқчиман. Бундай ҳолларда албатта, сира ҳам иккиланиб ўтирмайсан: виждон ва қалбинг хотиралари дарҳол нимани ҳикоя қилиб бериш кераклигини кўнглингга соладилар. Шунини алам ва таассуф билан тан оламанки, ўз ҳаётимда қилган сон-саноксиз, ҳавойи ва... енгилтак қилиқларим ичида айниқса биттасини эсласам, ҳамон қаттиқ азоб чекаман, ўртанаман. Бунга йнгирма йнллар чамаси бўлиб қолди; мен ўшанда қишлоққа Платон Ординцевнинг олдига борган эдим. У яқинда оқсоқол қилиб сайланган, қишки байрамни ёш хотини билан қишлоқда ўтказгани келганди. Иттифоқо, Анфиса Алексеевнанинг ҳам туғилган кунлари яқинлашиб, иккита бал ўтказиш белгиланганди. Ўша пайтларда Дюма-фиснинг «*La dame aux camélias*»¹ деган ажойиб романи талашиб-тортишиб ўқилар ва киборлар ўртасида жуда кўп шов-шувларга сазовор бўлганди, бу поэма менинг назаримда ҳеч қачон ўлмайти ва ҳеч қачон қаримайди. Чекка вилоятларда хонимлар бу романни оғизларидан қўйишмасди, айниқса, ўқиб чиққанлари жуда ҳаяжонланиб сўйлашарди. Услубнинг жозибадорляги, бош қаҳрамонининг жуда ҳам ўзига хослиги, жуда ҳам нозик қилиб тасвирланган антиқа бир олам ва инҳоят, бутун китоб ичида дур каби сочилиб ётган галати тафсилотлар (чунончи, оқ ва пушти чойгуллар дастасини ўз ўрнига қараб навбати билан тортиқ қилиш хусусидаги гаплар), бир сўз билан айтганда, мана шуларнинг бари одамларда жуда зўр таассурот қолдирган, ларзага солган эди. Чойгуллар тақиш жуда урф бўлиб кетди. Ҳамма чойгул дер, чойгул қидиришарди. Ўзингиз айтинг: чекка вилоятда қанча чойгул топиш мумкин, бунинг устига ҳамма бал учун сўраб турса, балларнинг ўзи унча кўп бўлмагани билан барибир топиш қийин бўлар экан. Петя Ворховской бечора ўша пайтларда Анфиса Алексеевнага ошиқи беқарор бўлиб юрган кезлар эди. Гапнинг очиги, улар орасида бирон гап бўлганми, йўқми,

¹ «Қоқнигул таққан хоним» (франц.).

оилмайман, яъни мен демоқчиманки, Ворховской умид қилса бўладиган бирон гап бормиди, билмайман. Анфиса Алексеевнанинг балига чойгул топаман деб шўрлик тамоман ақлдан озаёзди. Петербургдан графиня Соцкая, губернаторнинг хонимлари ва Софья Беспалова оқ чойгул дасталари билан келсалар керак, деган хабар маълум бўлди. Анфиса Алексеевна ҳам бир бошқача таассурот қолдирай, деди шекилли, қизил чойгул қидиртира бошлади. Бечора Платоннинг қидирмаган жойи қолмади; эрнинг иши — шу; бир даста гул топаман деб сўз берган экан, нима бўлди денг? Гулларни бал ўтишидан пича олдинроқ Анфиса Алексеевнанинг ўтакетган рақиби Ми-тишчева Катерина Александровна олиб кетиб қолибди. Булар иккови бир-бирларини кўролмай қирпичоқ бўлиб юришарди. Ана энди аҳволни кўринг, хонимнинг жазаваси тутган, ҳушидан кетиб қолган. Платон ҳам ғойиб бўлди. Албатта, мана шундай бир ғалати вазиятда Петя бир эвини қилиб гул топиб келсайди, кейин ҳар ҳолда ови юрмаса ҳам дови юриб қоларди. Хотинлар бунақа пайтларда жуда ийиб кетишади. Шунинг учун ҳам бечора орқа-кетига қарамай гул қидиради денг, лекин гул қайда, топиб бўлсайкан уни. Иттифоқо, ақиқа ва бал бўлишидан бир кун олдин кечаси соат ўн бирларда Ординцев-нинг қўшниси Марья Петровна Зубкованинг уйида учрашиб қолдик. Оғзи қулоғида. «Сенга нима бўлди?» — «Топдим!». *Эврика!* — «Э, оғайни, қаердан топдинг, қандай топдинг?» — «Екшайска бор экан (ўша ёқларда шундай деб аталадиган бир шаҳарча бор, йигирма чақиримча келади, лекин бизнинг виллоятга қарамайди), Трепалов деган бир савдогарни танийман ўша ерлик, бир қулоч соқоли ва бир дунё давлати бор, кампир билан яшайди, болалари йўқ, бола ўрнига канарейка боқишади. Чол-кампир жуда гулпараст бўлиб кетишган. Ушаларникида чойгул бор». — «Омон бўл, бермаса нима қиласан?» — «Олдига тиз чўкиб ўтиравераман, то бермагунча ўрнимдан қўзғалмайман!» — «Қачон жўнайсан?» — «Эртага тонг қоронғисида, соат бешда». — «Хўп, омон бўл!» Биласизми, унинг иши ўнгидан келганига хурсанд бўлдим. Ординцевнинг уйига қайтдим; биласизми, ниҳоят соат икки бўлди, лекин негадир ҳеч ўзимни қўярга жой тополмайман, нимадир безовта қиладди. Энди ухламоқчи бўлиб турган эдим, бирдан бошимга антиқа бир фикр келиб қолса бўладими! Ўрнимдан дик этиб турдим у ошхонага, Савелийнинг олдига чиқдим, уни уйғотдим, қўлига ўн беш сўлкавой тутқаздим, «ярим соат ичида отлар аравага қўшилсин!» дедим. Дарҳақиқат, ярим соат ичида отлар аравага қўшилиб дарвоза олдида шай бўлди; Анфиса Алексеевнанинг боши лўқиллаб, иситмаси чиқиб алаҳлаб

ётибди, деб айтишди,— аравага ўтирдиму ҳайё-ҳув деб йўлга тушдим. Роппа-роса соат бешда Екшайскка кириб бордим, ёмхонага тушдим; тонг оқаришини кутдим, фақат тонг оқаришини, соат роппа-роса еттида Трепаловникида эдим. «Шундай, шундай, чойгулларингиз борми? Отахоним, қиблагоҳим, ёрдам бер, қутқар, оёғингга йиқилиб сўрайман!» Қарияни айтинг: баланд бўйли, дароз, соч-соқоллари оппоқ, қошлари чимирилган, мўйсафид — жуда кўрқинчли. «Йўқ-йўқ, иложи йўқ! Бермайман!» Ўзимни оёғи остига ташладим! Узала тушиб ётиб олдим! «Қўйинг, қўйинг, бўтам, қўйинг, бу нима қилганингиз, отагинамоти?»— у ҳатто кўрқиб кетди. «Ахир, бир одамнинг ҳаёт-мамоти шунга боғлиқ бўлиб қолди!»— деб қичқирдим ётган жойимдан. «Магарамки шундай экан, майли, ола қолинг». Қизил чойгуллардан саралаб кесиб олганимни кўрсайдингиз! Жуда ҳам чиройли, антиқа, анчагина жойга экиб парвариш қилган экан. Чоли тушмагур хўрсинади денг. Юз сўмликни чиқариб бердим. «Қўйинг, бўтам, бундай қилиб мени ранжитиб кетманг».— «Ундай бўлса, ота, бу юз сўмни шу ернинг касалхонасига беморларнинг манфаати учун иона қиларсиз».— «Мана бу бошқа гап, бўтам, шундай қилсак, худога ҳам, бандасига ҳам хуш келади, олижаноб иш бўлади; майли, савоби сизга тегсин». Менга десангиз, шу, биласизми, рус мўйсафиди, асл одми рус кишиси жуда ёқиб қолди, de la vraie souche! Омадим келганидан қувончим ичимга сизмай дарҳол орқага қайтдим; Петя билан ноҳос учрашиб қолмаслик учун чекка йўллардан юрдик. Етиб келишим билан Анфиса Алексеевнанинг уйғонишини пойлаб туриб унга гулдастани юбордим. Қиёмат хурсандчилик, ўйин-кулги бўлиб кетди, миннатдорчиликлар, кўз ёшларни айтмайсизми! Платон бўлса, кечадан бери тирик мурда бўлиб қолган Платон, кўкрагимга бошини қўйиб ҳўнгир-ҳўнгир йиғлайди денг. Еҳу! Барча эрлар... қонуний никоҳ дунёга келгандан бери мана шундай бўлиб қолшган! Бошқа нима ҳам дердим, аммо Петя шўрликнинг бутун умидлари шу билан чилпарчин бўлди. Мен олдинига Петя билан қолиб мени сўйса керак, деб ўйлаган ва ўз кўнглимда бунга тайёрланиб ҳам қўйгандим, лекин иш мен ўйлагандан бутунлай бошқача бўлиб чиқди, ростки, мен шундай бўлади деб ишонмаган эдим. У шўрлик ҳушидан кетиб қолибди, кечга томон алаҳдай бошлабди, эрталаб эса қаттиқ иситмалаб чиқибди; худди ёш болаларга ўхшаб ўзини отиб титраб йиғлайди денг ўкраб. Бир ойлардан сўнг касалдан тузалиши билан Кавказга изн сўради; ана сизга севги қиссаси! Ажали етган экан, Қримда ҳалок

¹ Ҳа, всл (франц.).

бўлди. Уша пайтларда унинг акаси Степан Ворховской полк командири эди, хизмат кўрсатган. Гапнинг очиги, мени кейин узоқ йиллар виждоним ўртаниб юрди: нимага, нима сабабдан мен унга бунчалар оғир панд бердим? Узим ҳам яхши кўрган бўлганимда майли эди-я? Бекордан-бекорга, шўхликдан, ҳазил-мазахдан бўлган эди бу иш. Уша гулдастани ундан тортиб олмаганимда ким билади, балки у шу пайтгача омон бўлармиди, бахтиёр, шод-хуррам юрармиди, туркнинг ўқига нишон бўлишликни хаёлига ҳам келтирмасмиди.

Афанасий Иванович жим бўлиб қолди, у ҳикоясини қандай савлат билан бошлаган бўлса, шундай савлат билан тугатди. Настасья Филипповнанинг кўзлари жуда бошқача бир алфозда йилтираб кетганлигини, Афанасий Иванович ҳикоясини тугатганда ҳатто лабларигача қалтираб кетганлигини пайқанлар бўлди. Ҳаммалари уларнинг икковларига қизиқсиниб қараб қолишди.

— Фердишченкони бошлаб лақиллатдинглар! Лақиллатиш деган мана бунақа бўлади! Йўқ, мен ҳеч қачон бунчалик алданган эмасман!— деб қичқирди йиғламсираган товуш билан Фердишченко ҳозир, шу топда орага бир оғиз сўз қўшмаса бўлмаслигини англаб.

— Сизни ким фаросатсиз бўлинг дебди? Мана, ўрганинг ақлли одамлардан!— деб унинг оғзига урди нимадандир хурсанд бўлган Дарья Алексеевна (у эскидан Тоцкий билан жуда яқин, унинг қадрдонини эди).

— Рост айтган экансиз, Афанасий Иванович, бу ўйин жуда ҳам зерикарли экан, тезроқ тугата қолайлик энди,— менсимай деди Настасья Филипповна,— ваъда қилдим, мен ҳам айтиб берай-да, сўнг ҳаммамиз қарта ўйнаймиз.

— Лекин аввал айтиб берасиз!— деди жўшиб генерал.

— Князь,— кутилмаганда шиддат билан мурожаат қилди Настасья Филипповна,— бу ерга менинг қадрдонларим йиғилишган, генерал билан Афанасий Иванович, мени турмушга узатишмоқчи булар. Сиз айтинг менга, қандай фикрдасиз: эрга тегайми ёки йўқми? Сиз нима десангиз, шундай қиламан.

Афанасий Ивановичнинг қути ўчди, генерал ўсал бўлиб анграйиб қолди; ҳамманинг кўзи аланг-жаланг, бошлар чўзилди. Ганя шамдек қотиб қолди.

— Ким... кимга?— деб сўради князь титроқ ва заиф товуш билан.

— Гаврила Ардалионович Иволгинга,— деди Настасья Филипповна ҳамон ўша кескин, қатъиятли товуш билан дондона қилиб.

Бир сония жимлик чўкди; князь зўр бериб гапирмоқчи бўлаётганга ўшар, лекин худди кўкрагини даҳшатли тош босиб тургандек эди.

— Й-йўқ... чиқманг!— дея шивирлади у ниҳоят энтикиб ва базўр нафасини ростлаб олди.

— Бўпти, шундай бўла қолсин! Гаврила Ардалнонович!— тантанавор ва ҳукмпармо бир оҳангда унга мурожаат қилди Настасья Филипповна,— сиз князнинг нима деганини эшитдингизми? Менинг жавобим ҳам шундай; энди минбаъд бу ҳақда оғиз очманглар!

— Настасья Филипповна! — титраган овоз билан ун берди Афанасий Иванович.

— Настасья Филипповна!— даъваткор, лекин ташвишли оҳанг билан деди генерал.

Ҳамма қимирлаб, ташвишга тушиб қолди.

— Нима бўлди, жаноблар?— дея давом этди Настасья Филипповна меҳмонларга худди ҳайрон бўлгандай боқиб,— нега бунча безовта бўлиб қолдингизлар? Вой, сизларнинг юзларингизга нима бўлди!

— Бироқ... эсингиздир, Настасья Филипповна,— тутилиб гўлдиради Тодкий,— сиз ваъда берган эдингиз... сизни ҳеч ким мажбур қилмовди, бошқа бир жиҳатдан, алдаккиша марҳамат қилсангиз дедим... Мен билмадим бу... қийин аҳволда қолдим, бироқ... Очигини айтганда, ҳозир, шу дамда ва яна, бу... бу одамлар ўртасида, тагин бу тарзда... юрак ва номус ишига айланган жиддий нарсани бу тариқа эрмак билан тугатиш... кўн нарса ахир...

— Гапингизга тушунмадим, Афанасий Иванович; сиз калавангизнинг учини йўқотиб қўйдингиз. Авваламбор, «бу одамлар ўртасида» деганингиз нимаси? Ахир биз ажойиб дўстлар даврасида ўтирганимиз йўқми? «Эрмак» деганингиз нимаси? Менинчи билан бир латифа айтиб бермоқчи эдим, мана айтиб бердим ҳам; ёмонми? Бунинг қаери «жиддий» эмас экан? Нега сизга бу «жиддий» бўлмай кўринади? Сиз эшитдингиз князга нима деганимни: «Сиз нима десангиз, шу бўлади», дедим; агарда ҳа, деганда, мен ўша заҳоти ўз розилигимни берган бўлардим, лекин у йўқ, деб айтди ва мен рози бўлмадим. Ҳозир менинг ҳаётим қил устида турган эди; яна жиддий бўлмасинми?

— Аммо князь, князнинг бунга не дахли бор? Умумаъ, князь ўзи ким?— тўнғиллади генерал, у князнинг бу қадар эътимомга эга бўлиб кетганидан дарғазаб бўлганлигини яширолмай қолганди.

— Мен умрим бино бўлиб биринчи марта бунчалар садоқатли одамни учратдим, мен князга ишонаман, князь менда

шундай ишонч уйғотган одам. У менга шундай биринчи қарагандаёқ ишонди, мен ҳам унга ишонаман.

— Настасья Филипповна менга нисбатан бағоят илтифотли муносабат билдирганлигидан бошим осмонга етди,— деб ниҳоят тили калимага келди лаблари қийшайиб кетган, ранги оқарган, овози қалтираган Ганя,— майли, ўзи шундоқ бўлиши керак эди... Аммо... князь... Князь бу ишда...

— Етмиш беш мингга кўз тиякпими, шундайми?— деб унинг гапини оғзидан олди Настасья Филипповна. — Сиз шундай демоқчимисиз? Бош тортмай қўя қолинг, сиз худди шундай демоқчи эдингиз. Афанасий Иванович, ёдимдан кўтарилибди: сиз шу етмиш беш мингни ўзингиз ола қолинг ва шуни ҳам билиб қўйинг, мен сизга эркинлик бераман, сизга бўлган ҳамма даъволаримдан воз кечаман. Бас! Сиз ҳам эркин нафас олинг! Тўққиз йилу уч ой! Эртага — ҳаммаси янгича бўлади, бугун эса, мен ўз ақиқамни ўтказяпман, умримда биринчи маротаба! Генерал, сиз дуру жавоҳирингизни олинг, жуфти ҳалолингизга тортиқ қилинг, мана олинг; эртадан бошлаб мен бу уйдан кўчиб кетаман. Шу билан кечки зиёфатлар ҳам тугайди, жаноблар!

У гапириб бўлиб, бирдан ўрнидан турди, кетмоқчи бўлди.

— Настасья Филипповна! Настасья Филипповна! — эшитилди ҳар томондан. Ҳамма қаттиқ ҳаяжонга тушди, ҳаммалари ўрниларидан туриб кетдилар. Ҳаммалари уни ўраб олишган, ҳаммалари унинг шадлод, жўшқин, жазавага тушиб айтаётган сўзларини безовталаниб тингларди; ҳаммалари ўнгайсиз аҳволга тушган, ҳеч ким нима гаплигини англамас, нима бўлаётганлигини тушунмасди. Шу пайт бирдан қўнғироқнинг қаттиқ жарангдор овози эшитилди, боя Ганечканинг уйида худди мана шундай жаранглаган эди қўнғироқ.

— А-а-а! Ана, холос! Айтмовдимми! Соат ўн бир ярим бўлди!— деб юборди Настасья Филипповна.— Утиришларингизни сўрайман, жаноблар, гишт қолипдан кўчди!

У шундай деди-ю, ўзи ўтирди. Лабларида ғалати кулимсаш кезарди. У жим, сабрсизлик билан эшикка қараб кута бошлади.

— Рогожин ва юз минг келди, чини билан,— деб қўйди ўзича Птицин.

XV

Жуда ҳам кўрқиб кетган оқсоч қиз Надя кирди.

— Билмайман, булар қандай одамлар экан, Настасья Филипповна, ўнтача одам ичкарига ёпирилиб кириб олишди, ҳам-

маси ичиб олишган, кирамиз, дейишяпти, Рогожин деган эмиш, ўзингиз айтган экансиз.

— Рост, айтганман, Катя, ҳаммалари, айт, дарров киришин.

— Рости биланми... ҳаммалариними, Настасья Филипповна? Жуда ҳам тасқара-ку улар. Тавба!

— Ҳаммалари, ҳаммалари кираверинсин, Катя, бўлмаса, есни четга суриб қўйиб ҳам кириб келаверишди. Шовқинлашларини қаранг, худди бояғидай. Жаноблар, балки сиз хафа бўларсиз,—деб мурожаат қилди у меҳмонларга қарата,—бизнинг хузуримизда шундай одамларни қабул қилияпти деб? Мен жуда ҳам афсус қиламан ва сизлардан кечирим сўрайман, лекин шундай қилмасам, бўлмайди, гишт маъна шундай қолипдан кўчаётган пайтда ҳаммаларингиз менга гувоҳ бўлсангизлар деган эдим, дарвоқе, ихтиёр яна ўзларингизда...

Меҳмонлар ҳайратланиб бир-бирларига қарашар, пичирлашар, лекин буларнинг ҳаммаси олдиндан келишиб қўйилгани аниқ эди, модомки шундай экан, эди Настасья Филипповнани, гарчи у эс-ҳушини йўқотиб қўйган бўлса-да, орқага қайтариб бўлмаслигини тушунардилар. Ҳаммалари нима бўларкин, деб жуда қизиқиб қолишганди. Бунинг устига қўрқадиганлар ҳам йўқ эди чамаси. Хонимлар бор-йўғи икки киши эди: Дарья Алексеевна кўпни кўрган, унча-мунча нарсадан тап тортмайдиган дадил хотин, иккинчи хоним ҳаммага нотаниш индамас гўзал. Лекин бу индамас гўзал бирон нарсани тушуниши амри маҳол эди: у муҳожир немис хотин бўлиб, рус тилини билмасди. Бундан ташқари қанчалар гўзал бўлса, яна шунчалар бефаҳм эди. У янгилик эди, уни машҳур зиёфатларга таклиф қилиш одат тусига кириб кела бошлаганди, у ғоятда дабдабали кийинар, сочлари худди кўрғазмага қўйилганидай турмаклар, уни зиёфатни безаш учун бир чеккага ўтқазиб қўяр эдилар. Бу худди баъзи бир кимсалар ўз зиёфатларини безаш учун таниш-билишларидан бир кунга сурат, ваза, ҳайкалча ёки экран сўраб олишларига ўхшаган гап эди. Эркакларга келганда, Птицинини айтадиган бўлсак, у Рогожин билан ошна эди, Фердишченко эса нон-қатиқ эди ҳисоби. Ганечка ҳамон ўзига келолмас, лекин нима сабабдандир бу шармисорликнинг охиригача туриб беришга эҳтиёж сезмоқдайди. Чол муаллим Настасья Филипповна билан атрофдаги одамларнинг қаттиқ ҳаяжонга тушаётганликларини кўриб ҳеч нарса тушунмаётган бўлса ҳам йиғламоқдан бери бўлиб турар, юраги қўрққанидан дуқиллаб урар, лекин худди ўз набирасидек яхши кўрадиган Настасья Филипповнани шу дақиқада ташлаб кетишга ўла қолса ҳам рози бўлмасди. Афанасий Ивановичга келганда,

албатта, у ўзини бундай саргузаштлар билан беобрў қилишга асло рози бўлмасди; лекин у тобора телбанамо бир тусга кириб бораётган бу ишнинг охири қандай натижа билан тугашидан манфаатдор эди. Бунинг устига Настасья Филипповна ҳам унга тегизиб баъзи сўзларни айтдики, энди бу нарсаларни охирига қадар аниқламагунча кетиб бўлмасди. У охиригача ўтиришга қарор қилди, лекин миқ этиб оғиз очмайди; фақат томошабини бўлади, шундай қилса, ўз савлатига, шаънига яраша иш тутган бўлади. Фақат генерал Епанчин тортиги ўз қўлига кулгили тарзда қайтарилиб берилгандан сўнг анча оғринган, хижолатга тушган, ақлга тўғри келмайдиган мана бу телбасаро қилиқлари Рогожиннинг кутилмаганда бостириб келиб қилишидан озурдадил бўлган эди. Ахир, унга етмовдим Птицин ёки мапави Фердишченко билан ёнма-ён ўтиргани; лекин ҳар ҳолда ҳирсинг кучи билан қилинган нарсани бурч, мажбурият туйғуси, амал, эътибор ва ўзига бўлган ҳурмат воситасида енгиш мумкин, шундай экан, Рогожин тўдаси билан жаноби олийларининг бир ерда бўлиши сира ақлга тўғри келмасди.

— Оҳ, генерал,— деб кетиш ҳақида изн сўраган генералнинг сўзини бўлди шу заҳоти Настасья Филипповна,—эсимдан чиқибди! Лекин ўзим ҳам шу нарсани ўйлаган эдим. Агарда сиз шунчалар раижиган бўлсангиз, унда сизни қистаб ўтирмайман ва ушлаб қолмайман, лекин шундай бир дақиқада худди сиз менинг ёнимда бўлсангиз деб орзу қилган эдим. Қандай бўлмасин, танишлигимиз учун сиздан жуда ҳам миннатдорман, қилган эътиборларингиз учун ташаккур, аммо мабодо юрагингиз дов бермаётган экан, унда...

— Ижозат этинг, Настасья Филипповна,— деб қичқирди генерал ўзини мардона кўрсатиб,— кимга айтяпсиз бу сўзларни? Мен садоқатли дўстингиз каби ёнингизда қоламан ва мабодо бирон хавф бўлса... Гапнинг очигини айтсам, ортиқча гапириб юбордим шекилли. Мен фақат айтмоқчийдимки, улар гиламларни ифлос қилиб қўйишлари, у-буни синдиришлари мумкин... Менимча, уларни бутунлай киритмай қўя қолиш керак эди, Настасья Филипповна!

— Рогожиннинг ўзи!— деб эълон қилди Фердишченко.

— Нима деб ўйлайсиз, Афанасий Иванович,— деб унинг қулоғига шипшиди генерал,— ақлдан озиб қолмаганмикин? Мен мажозий маънода эмас, расмана сиҳат-саломатликни назарда тутиб айтяпман, а?

— Унинг шундай одатлари борлигини мен сизга айтган эдим,— деб пачирлади муғамбирак билан Афанасий Иванович.

— Яна устига иситма...

Рогожин тўдаси эрталаб қандай бўлса ҳозир ҳам шундай эди. Тўдага бир-икки янги одамлар қўшилган эди, холос. Улардан бири илгари бетайин, ҳамма нарсани фош қилаверадиган кичиккина бир газетанинг муҳаррири бўлган аллақандай саёқ чол эди, одамлар у ўзининг олтиндан пилаанган ясама тишларини гаровга қўйиб ичиб юборган деб гийбат қилиб юришарди; иккинчи янги қўшилган одам истеъфога чиққан подпоручик эди, у ўз ҳунари ҳамда вазифасига кўра эрталаб муштини намоёниш қилган жаноб билан рақобат қиларди, лекин уни Рогожиннинг одамларидан ҳеч ким танимасди; уни Невский кўчасининг офтоб тушадиган томонида ўткинчиларни тўхтагиб, Марлинскийнинг услубида кор-хайр тиланиб турган жойидан тўдага қўшиб олишганди. У ҳар тиланганда, «мен бир вақтлар, сўраган одамларнинг ҳаммасига ўн беш сўлкавойдан бериб юборганман», деб хижолатга соларди кишиларни. Рақобатчилар дарҳол бир-бирларини ёмон кўриб қолишди. Бояги забардаст жаноб «тиланчи» тўдага қабул қилинганда сўнг ўзини ранжиган қилиб кўрсатди, у жуда ҳам камган одам бўлганидан фақат гоҳо худди айиққа ўхшаб ҳимраниб қўяр ва ўзини кибор ҳамда спёсатдон қилиб кўрсатаётган «тиланчи»нинг унга эланиб, унинг кўнгилни олишга ўлиб-тирилиб ҳаракат қилаётганига гоятда нафрат қўзиб қараб қўярди кўз учиди. Афтидан, подпоручик иш кўрсатадиган пайт келганда куч ишлатишдан кўра ақл-фаросат билан ҳаракат қилишни афзал кўрарди, бунинг устига унинг қадди-қомати ҳам забардаст жанобдан анча ушоқроқ эди. У талашиб-тортишиб ўтирмасдан, лекин жуда ҳам мақтаниб инглиз боксининг афзалликлари ҳақида назокат билан сўзлади, бир неча бор гапни шу атрофда айлантириб кўрди. Шу билан у ўзини одатларига тамойил қилган киши сифатида кўрсатди. Забардаст жаноб «бокс» сўзини эшитиб менсимай нафрат билан иршайиб қўйди, у рақибни билан тортишиб ўтиришни ўзига эп кўрмай, баъзан худди билмаган киши бўлиб индамасдан беҳос бағоят миллий хусусиятга эга бўлган нарсасини кўрсатиб қўярди — у ҳам бўлса унинг мушти бўлиб, бу чайир, бўғинлари ўйнаб турган баҳайбат ва қудратли, аллақандай сариқ тук босган мушт эди. Шундай пайтларда мабодо мана шу теран миллий кўринишга эга бўлган нарса бир ерга аниқ бориб тегса, ҳақиқатан ҳам ўша жой кўкариб қолишига ҳеч ким асло шубҳа қилмасди.

Тўда ичида эрталаб ҳам, ҳозир ҳам бутунлай «тайёр» бўлиб қолганлар кўринмасди, Рогожиннинг ўзи ҳали Настасья Филипповнанинг олдига ташриф буюриши кераклигини ўйлаб, одамларини маҳкам жиловлаб турганди. Ўзининг кайфи анча тарқалиб ҳушига келиб қолган, лекин у умри бино бўлиб бунақанги

телбанамо кунни кўрмаган, таассуротлари шунчалар қоришиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетган, боши бутунлай гангиб қолганди. Фақат бир нарсагина ҳар дақиқа, ҳар сония унинг кўз ўнгида турар, хотираси ва юрагида шундан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Шу ёлғиз бир нарсани деб соат бешдан то ўн бир яримгача кирмаган тешиги қолмади, кеч бўлишини юраги орзиқиб, ўртаниб кутди, Киндерлар билан Бискупларни ҳар томонга ўз эҳтиёжи билан югуртирди, охирида улар ҳам оз бўлмаса телба бўлаёздилар. Лекин Настасья Филипповна кулиб ва дудмал қилиб ишора қилган юз минг нақд пул ҳисобида қўлга кирган эди. Бискупнинг ўзи Киндер билан шунча пулнинг процентини овозини баланд қилиб айтишга ботинолмас, пичирлаб айтарди.

Худди эрталабгидай Рогожин ҳаммадан олдинда, қолганлар ҳеч нарсани назарга илмаган кўйи, лекин барибир жиндак чўчинқираб унинг орқасидан келардилар. Улар нима учундир айниқса Настасья Филипповнадан ҳайиқар эдилар. Баъзи бировлари ҳатто бизни дарров «бўйнимизга уриб ҳайдашса керак», деб ўйлардилар. Айтгандай, мана шундай фикрда бўлганлар ичида олифта паранг, дилбар йигит Залёжев ҳам бор эди. Лекин бошқалар ва айниқса, забардаст жаноб Настасья Филипповнага гоётда нафратланиб қарашар, уни кўришга кўзлари йўқ эди, улар бу ерга босиб олиш учун келгандилар. Бироқ улар ўтиб борган икки хона шу қадар ҳашаматли, нарсалар шу қадар қимматбаҳо ва гўзал, улар ҳатто тушларида ҳам кўрмаган даражада ноёб эдики, галатти мебеллар, суратлар, жиҳозлар, Венеранинг баланд ҳайкали уларни шунчалар ҳайратга солиб лол қилиб қўйдик, эшикдан дадил кириб келганларнинг юраклари энди пўкиллаб ура бошлади. Шунга қарамасдан, улар Рогожиннинг орқасидан пусиб-биқиниб меҳмонхонагача тиқилишиб, суқилиб бордилар, улар қани нима бўларкин, деб қаққайишиб турардилар. Аммо забардаст жаноб, «тиланчи» ва бошқа баъзи бир кимсалар йиғилганлар орасида генерал Епанчин ҳам борлигига кўзлари тушиб, жуда эсанкирашиб қолдилар ва секин-аста ўзларини орқага, нариги хонага торта бошладилар. Фақат Лебедев ва баъзи бировлар ўзларини жуда дадил тутишар, улар Рогожиннинг атрофини ўраб туришарди, Лебедев бир миллион тўрт юз минг сармоя-ю, ҳозир қўлда нақд турган юз минг сўмнинг кучи ва қудрати нималарга қодирлигини ўзи учун охиригача аниқлаб олмоқчи эди. Дарвоқе, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, уларнинг ҳаммалари ва ҳатто билангон Лебедев ҳам ўз қудратларининг чегараси қаергача бориб тақалишини, қаерларни қамраб олишини, қурблари қаергача етишини яхши аниқлаб, англаб олмаган эдилар. Кўнгилларига нима келса шуни қилишлари мумкинми, йўқми, ҳали билмас-

дилар.. Лебедевнинг назарида баъзи бир дақиқаларда ҳамма нарсага қодир бўлиб кўринадилар, лекин бошқа бир дақиқаларда у қонунлар мажмуасининг айрим одамга таскин берадиган, кўнгилни тинчлантирадиган моддаларини ҳар эҳтимолга қарши ичида бўлса ҳам эслаб кўярди.

Рогожининг ўзига Настасья Филипповнанинг меҳмонхонаси одамларга қараганда бутунлай тескарича таъсир қилди. Парда кўтарилиши билан у Настасья Филипповнани кўрди — шу билан у қолган ҳамма нарсаларни унутди, эрталаб ҳам шундай бўлганди, лекин ҳозир у тамоман лол бўлиб қолди. Унинг ранги кум ўчди ва турган жойида бир зум қотиб қолди. Юраги қанчалар погиллаб ураётганлигини шундоқ сезиш мумкин эди. У Настасья Филипповнага бир неча сония ботинмай ва паришон кўзларини узмай тикилиб турди. Бирдан худди эс-ҳушини бутунлай йўқотиб қўйгандай бир оз гандираклаганча стол олдига борди; бораётганда Птицининг стулига қоқилиб ўтди, индамас гўзал немис хотинининг гоятда башанг мовий кўйлагининг этагига тикилган тўрларни лой этиги билан босиб олди; узрхоҳлик қилмади ва пайқамади. Столга яқинлашиб, у боядан бери қўлида кўтариб келаётган галати нарсани унинг устига қўйди. Бу қалинлиги бир қарич ва бўйинга бир қаричдан ошиқроқ келадиган қоғоз боғлами «Биржа ведомостлари»га маҳкам қилиб ўралган ва тўрт томонидан каллақандларни боғлайдиган чизимчага ўхшаш чизимча билан чандиб ўралган қоғоз боғлами эди. Кейин индамай қўлларини солинтирганча худди ўз устидан ҳукм эшитишга ҳозирлангандай бўлиб турди. Унинг устидаги энгил-бошлари эрталаб қандай бўлса ҳозир ҳам шундай, фақат бўйнига ўткир кўк-қизил рангли шойи шарф ўраган, шарфга каттакон кўнғиз шаклидаги турган тўғнағич қадалган, ўнг кўлининг кирлаган бармоғига йирнк гавҳар узук тақилганди. Лебедев столдан уч одимча бериди қолди; бошқалари оз-оз меҳмонхонага суқилишиб кирган эдилар. Настасья Филипповнанинг Катя ва Паша деган оқсоч қизлари ҳам кўрқиб ҳайратланган кўйи дарпардалар ортидан мўралашиб турардилар.

— Бу нима экан?— деб сўради Настасья Филипповна Рогожинга қизиқсиниб диққат билан тикиларкан, кўзлари билан «тугун»ни кўрсатиб.

— Юз минг!— дея базўр шивирлай олди Рогожин.

— А, сўзингизнинг устидан чиқибсиз-да ниҳоят, оббо сиз-ей! Марҳамат, ўтиринг, бу ерга, манави стулга. Сизга кейин бир гап айтаман. Кимлар сиз билан келганлар? Эрталабки одамларми ҳаммаси? Майли, ҳаммалари кириб ўтирсинлар; ана, диван бўш, мана, яна диван бор. Ана яна иккита кресло бор... нима бўлган уларга, ўтиргилари келмаяптими?

Ҳақиқатан, тўдалашиб келганларнинг айримлари уялиб кетиб, орқаларига қайтиб, нариги хонага чиқиб кетдилар, лекин баъзилар шу ерда қолиб таклиф юзасидан кўрсатилган жойларга, фақат столдан нарироққа, бурчак-бурчакларга тарқалишиб ўтирдилар, баъзилари бу билан ўзларини панароқ олмоқчи бўлсалар, бошқа бирлари фавқулодда тез ўзларига келиб, анча хушёр тортиб қолдилар. Рогожин ҳам ўзига кўрсатилган стулга ўтирди, лекин кўп ўтирмади. У дарров ўрнидан туриб кетди ва бошқа ўтирмади. У аста йиғилган кишиларга кўз югуртира бошлади. Ганяга кўзи тушиб заҳарханда қилиб тиржайди ва ўзича: «Ол-а!»— деб пичирлаб қўйди. Генерал билан Афанасий Ивановичга у тап тортмай қаради, ҳатто ажаблангани ҳам йўқ. Лекин Настасья Филипповнанинг ёнида князь ҳам турганлигини кўриб, анчагача ундан кўзларини узолмади, у бағоят таажжубланган, князнинг қандай қилиб бу ерга келиб қолганлигига ақли бовар қилмасди. Чиндан ҳам, баъзи бир дақиқаларда у алаҳлаётган одамга ўхшаб кўринарди. Бугунги куннинг барча фавқулодда ташвишларидан ташқари у кеча туни билан вагонда бўлган, деярли икки кундан бери уйқусиз эди.

— Бу, жаноблар, юз минг,— деди Настасья Филипповна ҳаммага қарата жонсарак бир бесабрлик билан мурожаат қиларкан,— шу кир қоғозга юз минг ўралган. Боя эрталаб бу одам кечқурун сизга юз минг олиб бораман, деб бақариб қолган эди, мен уни кутиб турган эдим. У мени савдолашиб олди: ўн саккиз мингдан бирдан қирқ мингга чиқиб, сўнг мана юз минг берадиган бўлди. Сўзнинг устидан чиққанини қаранг! Вой-бў, бунинг ранги мушча оқариб кетибди! Боя Ганечканикида бўлди ҳаммаси: мен унинг онасини кўргани борсам, синглиси юзингда кўзинг борми демай: «Бу шармандани бу ердан қувлаб юборадиган ҳеч ким йўқми!»— деб қичқирди, акаси Ганечканинг бўлса башарасига қараб ҳамманинг олдида тупурди. Ғалати қиз экан жуда!

— Настасья Филипповна!— деди таъна оҳангида генерал. У нима бўлганлигини ўзича тушуниб баҳо бера бошлаганди.

— Нима дейсиз, генерал? Уят бўладими? Қачонгача оҳанжамга қиламиз! Француз театрининг ложасида ҳеч кимни яқинимга йўлатмасдан моҳпора бўлиб ўтираверибман, беш йил орқамдан қолмай юрганлардан шаънимга доғ тушмасин деб қочаверибман, маъсумлигимни сақлаб уларнинг барига кибр билан қарабман, энди ўйлаб қарасам, тентаклигимдан шундай қилган эканман! Беш йил ифғатимни сақлаб ўтирганимдан сўнг мана ҳаммангизнинг ҳузурингизда юз минг сўмни келтириб столга ташлади, эшикда ҳали тройкалари ҳам маҳтал бўлиб турган бўлса ажабмас. Ана мени юз мингга баҳолади! Ганечка, сен

ҳалиям мендан хафа бўлиб турибсан шекилли. Ахир, наҳот сен мени ўз хонадонингга олиб кирмоқчи бўлиб юрсанг? Мен ахир Рогожинлар тенги бўламан-ку! Боя князь нима деди ахир?

— Мен сизни Рогожин тенги демадим, сиз Рогожиннинг тенги эмассиз!— деди қалтираган сас билан князь.

— Нагасья Филипповна, бўлди, онахоним, бўлди бас, оппоғим,— бирдан чидолмай деди Дарья Алексеевна,— булар сени шунчалар қийнаб ташлаган бўлса, қўй уларни, қарама уларга! Наҳот сен манави билан кетаман деётган бўлсанг, юз минги бошида қолсин! Юз минг рост — қаранглар-а! Сен юз мингни олу ҳаммасини ҳайдаб юбор, уларни шундай қилиш керак; эҳ, сенинг ўрнингда бўлганимда уларнинг ҳаммасини... рост-да, ади-бади айтишиб ўтирадим!

Дарья Алексеевнанинг жаҳли чиқди. У жуда меҳрибон ва таъсирчан аёл эди.

— Жаҳлинг чиқмасин, Дарья Алексеевна,— деб жилмайди унга Нагасья Филипповна,— мен унга тўғрилиқча айтдим. Қаттиқроқ гашириб қўйдимми дейман? Мен чини билан ҳали ҳам тушунолмайман, қандай қилиб мен покдомон бир хонадонга келин бўлиб кирмоқчи бўлиб юрибман, мени нима жин урди? Мен унинг онасини кўрдим, унинг қўлини ўндим. Боя уйингизга борганимда тоза гашларингизга тегдим, атай шундай қилдим, сен нималарга қодир эканлигингни кўрмоқчи бўлдим; очиги, сенга қараб ёқамни ушлаб қолдим. Кўп нарсаларни кутган эдим, лекин ҳеч қачон бунчалар эканлигингни хаёлимга ҳам келтирмагандим! Наҳот сен манави киши нақ тўйинг олдидан менга мана бундай узук совға қилганлигини, мен бўлсам совгани олганлигини кўриб туриб яна менга уйланмоқчи бўласан? Рогожин-чи? Ахир, у сенинг ўз уйингда, онанг ва синглингни олдида туриб мени сотиб олмоқчи бўлди, сен эса шундан кейин яна бу ерга мени олгани келиб ўтирибсан, яна синглингни ҳам бирга олиб келмоқчи бўлибсан? Наҳот сен ҳақингда Рогожин тўғри айтган бўлса наҳот сен уч сўлкавойга Васильевский оролига эмаклаб борсанг?

— Эмаклаб боради,— деди бирдан Рогожин секин, лекин қатъий ишонч билан.

— Очингдан ўлаётган бўлсанг ҳам майлийди, ваҳоланки, сен тузуккина мояна олар эмишсан! Буларнинг ҳаммаси ҳам майли-я, шармандалиқ ҳам бир гап бўлар-а, лекин уйингга ўзинг нафратланадиган одамни олиб кирмоқчи бўляпсан! (Буни шунинг учун айтяпманки, сен чиндан ҳам мени ёмон кўрасан, мен буни биламан!) Йўқ, мен энди ишондим, бундай одам пул учун одам ўлдиришдан тоймайди! Ахир, уларнинг ҳаммалари пулга шундай ўч бўлиб кетишганки, пул деса ўзларини томдан

ташлайдилар, пулни кўрсалар, кўзлари ола-кула бўлиб кетади. Узи ҳали она сути оғзидан кетмаган бола, лекин судхўрлик қилиш пайида. Бундайлар тигни шойи билан ўраб ушлаб ўртоғининг орқасидан бориб сўйиб ташлайди худди қўлдай қилиб, яқинда битта шундайини ўқиган эдим. Вой, уялмаган-эй! Менинг уятим йўқ, сен бўлсанг мендан ҳам баттар экансан! Мен анави гулдастачи ҳақида гапирмай ҳам қўя қолай...

— Кўзларимга ишонмаяйман, шу сизми, Настасья Филипповна!— кўллари билан чанақ чалиб юборди генерал азбаройи хафа бўлиб,— сиз, шундай назокатли, шундай нозик фикрли қиз, қаранг! Қандай тил! Қандай сўзлар!

— Мен маст бўлиб қолдим, генерал,— кулиб юборди Настасья Филипповна,— ўйнагим келяпти! Бугун менинг куним, бугун мен туғилганман, ошнинг олчи бўлган кун, мен бу кунни шунча кутдим. Дарья Алексеевна, манави гулдастачини кўр-япсанми, манави monsieur aux camélias¹ни, ана, бизнинг устимздан кулиб ўтирибди...

— Мен кулаётганим йўқ, Настасья Филипповна, мен фақат шоён диққат билан эшитяпман,— савлат тўкиб жавоб берди унга Тоцкий.

— Қаранглар, нега мен уни беш йилдан бери қийнайман; жавобини бериб юбормайман? У арзирмикин шунга? У туғилгандан шундай, уни бошқача қилиб бўлмайди... У яна мени айбдор ҳам қилади: менга тарбия берди ахир, графинялардек боқди, қанча пулларни сарф қилди, қанча пуллар сароф бўлди, у ёқда бир эр топган эди, мана бу ерда ҳам ориятли бир эр топди менга, Ганечкани. Узинг ўйлаб кўр: шу беш йил ичида мен у билан яшаганим йўқ, лекин унинг пулини олдим, ўзимча шундай қилишим керак, тўғри қилишман, деб юрган эканман! Жуда ҳам адаш йўлларга кириб кетишман! Мана сен айтяпсан: юз мингга олу ўзини қувиб юбор ҳамон сенга ёқмаса деб! Рост, бу жуда пастлик... Мен алақачонлар эрга тегиб кетишим мумкин эди, тагин Ганечкаларга ўхшаганларга эмас, тузукроқларга, лекин менга бу жуда пастлик бўлиб кўринадди ахир. Нега мен умримнинг беш йилини ушбу қабоҳат ичида ўтказдим! Ишонасанми, йўқми, мен бундан тўрт йил илгари ке, шу ўзимнинг Афанасий Ивановичимнинг ўзига тегиб қўя қолай деб ҳам ўйлаган эдим? Ушанда қабоҳатдан шундай ўйлаганман; ўшанда хаёлимга келган ҳамма нарсаларни айтаверсам, тугатиб бўлмайди бунга. Истасам, очини, уни бунга мажбур қилардим! Узи ҳам оғиз очган эди, ишонасанми, йўқми? Рост, мени алдарди, ахир, у бузуқ жуда, суяги йўқ, чидаёлмайди.

¹ Чойгул таққан жаноб (франц.).

Кейин, худога шукур, ўйланиб қолдим: унга шундай жазо бериш керак эди! Ушанда ундан кўнглим шунчалар қолдики, оёғим тагига ялиниб ётганда ҳам унга тегмасдим. Беш йил шундай оҳанжамада ўтди! Йўқ, яхшиси, кўчага чиққаним афзал, менинг жойим кўча! Ё Рогожин билан ўйнаб-кулишим керак, ё эртагаёқ кир ювишга тушишим! Ахир, менинг ўзимга тегишли ҳеч нима йўқ; кетаман — ҳаммасини унга қолдириб кетаман, охирги латта ҳам унга қолади, менинг қуруқ ўзимни ким олади, ана Ганядан сўраб кўр, у олармикин? Э, мени ҳатто Фердишченко ҳам олмайди!..

— Фердишченко олмаслиги мумкин, Настасья Филипповна, мен очик кўнглили одамман, — унинг сўзини бўлди Фердишченко, — лекин князь олади! Сиз нола-фарёд қиляпсиз, мундоқ князга ўзингиз бир қаранг! Мен анчадан бери кузатиб ўтирибман.

Настасья Филипповна ҳайрон бўлиб князга ўгирилди.

— Ростми? — деб сўради у.

— Рост, — ничирлади князь.

— Шундай ўзимни, ҳеч нарсага оласизми?

— Оламан, Настасья Филипповна...

— Ана сизга янги ҳаптома! — тўнгилади генерал. — Шунини кутиш мумкин эди.

Князь ҳамон ўзини бошдан-оёқ кўздан кечириб турган Настасья Филипповнанинг юзига ҳазин, жиддий ва тирак бир нигоҳ билан қараб турарди.

— Мана яна битта харидор чиқди! — деди Настасья Филипповна яна Дарья Алексеевнага мурожаат қилиб. — Чин юракдан айтяпти, мен уни биламан. Валинеъматимни энди топдим! Айтгандай, унинг орқасидан... ҳалигиндай деб гапиришади, тўғрига ўхшайди. Шунчалар қаттиқ севиб қолган бўлсанг, ҳеч нарсага қарамай Рогожинга тегишли хасминини олаётган бўлсанг, ўзингни, мен нима билан боқасан, қани айт-чи?

— Сиз пок хотинсиз, мен сизнинг ўзингизни оламан, менга Рогожиннинг хасми керакмас, — деди князь.

— Нима, мен ҳалолманми?

— Сиз.

— Э, бундай гаплар... романларда бор! Бу, азизим князь, эски замон алаҳсирашлари, ҳозир одамлар ақлли бўлиб кетишган, ҳаммаси бекорчи гаплар. Сен ҳали уйланиб нима қиласан, ҳали сенинг ўзингни энага боқиши керак!

Князь ўрнидан турди, қалтираган, ҳадиксираган, айни пайтда жуда чуқур ишонч билан деди:

— Мен ҳеч нарсани билмайман, Настасья Филипповна, мен ҳеч нарсани кўрган эмасман, сиз ҳақсиз, лекин мен... лекин мен сиз менга марҳамат қилдингиз деб биламан. Мен ҳеч нарса эмас-

ман, лекин сиз риёзат чекдингиз ва шу дўзахнинг ичидан пок чиқдингиз, бунга ҳар ким ҳам қобил эмас. Сиз нега ўзингизни бунчалар қийнаб уялтирасиз, Рогожин билан кетмоқчи бўласиз? Сиз иситмалаб турибсиз... Сиз жаноб Тоцкийга етмиш минг сўм бердингиз, яна бу ердаги ҳамма нарсаларни унга қолдириб кетаман деярсиз, бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келарвермайди. Мен сизни... Настасья Филипповна... севаман. Сизни деб жондан кечаман, Настасья Филипповна. Сизнинг шаънингизга заррача доғ туширишларига йўл қўймайман, Настасья Филипповна... Қамбағал бўлсак нима қилибди, мен ишлайман, Настасья Филипповна...

Унинг кейинги сўзларини эшитиб Фердишченко билан Лебедев ҳиҳилаб кулишди, ҳатто генерал ҳам нерози бўлиб ўзича нимадир деб гўдранди. Птицин билан Тоцкий лабларига қалқиган кулгини зўрга тўхтатиб қолишди. Бошқаларнинг эса оғзи очилиб қолди.

— ...Аmmo биз камбағал ҳам бўлиб қолмасмиз балким, яқинча, бой бўлиб кетишимиз мумкин, Настасья Филипповна,— деб давом этарди князь ҳамон ўша ҳадиксираган овозда сўзлаб.— Ҳали ўзим ҳам аниқ билмайману, афсуски, шу пайтгача кириб суриштиришга вақтим бўлмади, лекин мен Швейцарияда Москвадан хат олган эдим Салазкин деган жанобдан, у менга сизга жуда катта мерос тегини керак деб хабар қилибди. Мана ўша хат...

Князь ростдан ҳам чўнгагидан хат олди.

-- Нима, довлдираб қолдимми бу?— гўлдирарди генерал.— Ҳақиқатан жинни бўладиганларнинг уйи экан бу ер!

Бир зум ўртага жимлик чўкди.

— Сиз хатни Салазкиндан олдим, дедингиз шекилли, князь?— деб сўради Птицин.— Бу ўз даврасида жуда таниқли одам; у турли ишларни битириши билан машхур, агар у сизга хабар қилган бўлса, бунга ишоншингиз мумкин. Хайриятчилик, мен унинг қўлини танийман, яқинда унга бир ишим тушган эди... Агар хатни менга кўрсатсангиз, балки сизга аниқ бир гап айтармидим.

Князь индамай қалтираган қўл билан унга хатни узатди.

— Нима бўляпти ўзи, нима бўляпти?— ҳуши ўзига келиб деди генерал ҳаммага талмовсираганча бир-бир қараркан,— наҳот мерос бўлса?

Ҳаммалари хат ўқиётган Птицинга қараб қолишди. Одамларнинг қизиқишлари чандон ортди. Фердишченко ўрнида ўтиролмади қолди; Рогожин нима бўлаётганига тушунолмади қаттиқ безовталаниб дам князга, дам Птицинга боқарди. Дарья Алексеевна худди игна устида ўтиргандай эди. Ҳатто Лебедев

ҳам чидолмай бурчакда ўтирган еридан туриб келиб эгилиб-букилганча Птициннинг орқасидан хатни ўқий бошлади, у ҳозир худди қилмиши учун таёқ ейишга тайёр турган айбдор болага ўхшарди.

XVI

— Иш пишган,— деб эълон қилди ниҳоят Птицин хатни буклаб князга узатаркан.— Сиз ҳеч уринмасдан холангизнинг аниқ васияти бўйича бениҳоя катта давлатга эга бўласиз.

— Бўлиши мумкин эмас!— деб хитоб қилди генерал худди ўқ отгандай.

Ҳамманинг яна оғзи очилиб қолди.

Птицин кўпроқ Иван Федоровичга мурожаат қилиб тушунтириб берди: беш ой бурун князнинг ҳатто ўзи ҳам танимайдиган бир холаси оламдан ўтибди; у князнинг онасига туғишган катта опа бўларкан, князнинг холаси танглик ва қашшоқликда ўлиб кетган учинчи гильдия савдогари москвалик Папушиннинг қизи экан. Лекин маъна шу Папушиннинг туғишган катта акаси яқинда вафот этибди, у машҳур, жуда давлатманд савдогар экан. Бир йилча илгари унинг икки ўгли кетма-кет оламдан ўтибди. Бундан қаттиқ изтиробга тушган чол оғриб қолиб, яқинда кўз юмибди. Унинг хотини ҳам ўлиб кетган, князнинг холасидан ўзга унинг биронта ҳам меросхўри йўқ экан. Хола эса бировнинг уйда ночор аҳволда яшаркан. Мерос теккан кезларда у сариқ сув касали билан оғриб ўлим тўшагида ётаркан, лекин мерос теккач, у дарров князни қидира бошлабди ва бу ишни Салазкинга топширибди, ўзи васиятни ёзиб қолдиришга улгурибди. Афтидан, князь ҳам, Швейцарияда унга қарайдиган доктор ҳам расмий хат-хабар кутиб, қоғозбозлик қилиб ўтиргилари келмаган, князь Салазкиннинг хатини чўнтагига солгану шундай ўзи келаверган...

— Сизга фақат бир нарсани айтишим мумкин,— деди Птицин князга қараб,— бу иш ҳаммаси қонуний ва шубҳасиз, Салазкиннинг сизнинг қонуний ҳақингиз ҳақида ёзган сўзларига ишонмоқ керак, шунинг учун унинг гапларини чўнтагингизга тушган нақдина пул каби қабул қилишигиз мумкин. Сизни табриклайман, князь! Эҳтимол бир ярим миллион қўлингизга кирса керак, балки бундан ҳам кўпроқ бўлса бордир. Папушин жуда бадавлат савдогар эди.

— Вой, уруғида сўнгги Мишкин-ей!— деб бўкирди Фердищенко.

— Ура!— мастона тобуш билан бақирди Лебедев.

— Мен бўлсам, боя ачиниб унга йигирма беш сўм қарз бериб турибман, ха-ха-ха! Ақл бовар қилмайди, холос!— деди

лол бўлиб қолган генерал.— Хўп, табриклайман, табриклайман!— у ўрнидан туриб келиб князни кучоқлади. Ундан кейин бошқалар ҳам ўринларидан туриб князнинг устига ёпирилдилар. Нариги хонага боя қочиб чиқиб кетганлар ҳам секин ичкарига кириб кела бошладилар. Говур-ғувур бўлиб кетди, хитоблар янгради, шампань талаб қила бошладилар. Ҳамма ҳаракатга кирди, қимирлаб қолди. Бир зум Настасья Филипповна ҳам барчанинг ёдидан кўтарилай деди, зиёфатнинг эгаси у эканлиги бир зум унут бўлди. Лекин аста-секин ҳамманинг эсига князь уни ўзига хотин бўлишга таклиф қилгани тушди. Энди иш олдингидан ҳам ғалатироқ, телба-тескарироқ, ажабланарлироқ туялди. Ақли лол бўлиб қолган Тоцкий елкасини қисарди; фақат у ҳамон ўз ўрнидан жилмаган, бошқалар стол атрофида уймаланишарди. Одамлар кейинроқ худди мана шу дақиқадан бошлаб Настасья Филипповна эсидан оғиб қолди, деб гапириб юришди. У ҳамон ўз жойида қимирламай ўтирар, ҳаммага ғалати қилиб, ажабланиб қарар, у нима бўлаётганига ҳеч ақли етмаётганга, тушуниб олишга уринаётганга ўхшарди. Кейин у бирдан князга мурожаат қилди ва қовоғини уйиб чимирилиб уни кўздан кечира бошлади. Лекин бу бир зумгина давом этди. Эҳтимол назарида буларнинг бари унга ҳазил, масхара бўлиб туюлгандир. Лекин князга қараб бу фикрдан қайтди. У ўйга толди, кейин яна лабларига табассум қалқиди, лекин нимага жилмаяётганини ўзи билмасди...

— Бундан чиқди, ростдан ҳам княгиня бўлибман-да!— дея ўзича мазах аралаш ишчилди у ва кўзлари бехос Дарья Алексеевнага тушиб кулиб юборди.— Буниси қизиқ бўлди-ку... мен... буни кутмаган эдим... Ие, нега ҳаммаларингиз тик оёқда турибсизлар, ўтиринглар, жаноблар, марҳамат, мен билан князинг табрикланглар! Кимдир шампань сўради; Фердишченко, боринг, айтинг келтиришинг. Катя, Паша,— бирдан у эшикдан мўралашиб турган оқсоч қизларини кўриб қолди,— берироқ келинлар, мен эрга тегяпман, эшитдингларми? Князга тегяпман, унинг бир ярим миллион пули бор, князь Мишкин мени ўзига хотин қилмоқчи!

— Худо хайрингни берсин, онагинам, рози бўл! Бахтингдан юз ўгирма!— деб қичқирди бу воқеалардан қаттиқ таъсирланган Дарья Алексеевна.

— Кел, ёнимга ўтир, князь,— деб давом этди Настасья Филипповна,— ана шундай, ана винони ҳам олиб келишяпти, табрикланглар, жаноблар!

— Ура! — деган қичқариқлар эшитилди. Ҳаммалари винога чўзилишди, Рогожин тўдасига ҳам жон кирди. Лекин уларнинг кўпчилиги бақириб-чақираётган ёхуд бақириб-чақирिशга

тайёр турган бўлса ҳам кўплари вазиятнинг жуда ғалати эканлигига қарамасдан аҳвол ўзгараётганлигини фаҳмлаган эдилар. Айримлари қисиниб, нима қилишларини билишмасди, ишонқирамасдан ниманидир кутишарди. Кўплар эса бир-бирларига бунинг нимаси ажабланарли, князлар кимларга уйланмайдилар, ҳатто лўлиларга ҳам уйланадилар, деб шивирлашарди. Рогожиннинг юзи англашнингмас ва ғалати табассумдан қийшайиб кетган ҳолда нидамай қараб турарди.

— Князь, отахоним, эсингни йиғ!— деб қўрқинч билан шивирлади генерал унинг ёнига ўтиб енгидан торганча.

Настасья Филипповна сезиб қолиб, хандон ташлаб кулиб юборди.

— Йўқ, генерал! Энди мен ҳам княгиня бўлдим, ўзингиз эшитдингиз,— князь мени таҳқирлаб қўймайди! Афанасий Иванович, жилла қурса, сиз мени табрикланг; мен энди сизнинг хотинингиз билан ҳар ерда бирга ўтираман; сиз нима дейсиз, эринг шундай бўлса яхшимми? Бир ярим миллион, бунинг устига князь, тагин айтишларига қараганда, телба, бундан яхшироқ бўлиши мумкинми? Ана энди чинакам ҳаёт бошланади! Рогожин, сен кечикдинг! Ол қоғоз пулларингни, мен князга эрга тегаман, энди ўзим сендан кўра бадавлатроқман!

Лекин Рогожин гап нимадалигини алоҳа англаб етди. Унинг чеҳрасига ифода қилиб бўлмас бир изтироб қўлка солди. У қўлларини бир-бирига қарсиллатиб урди, кўкрагидан фарёд отилиб чиқди.

— Чекил!— деб қичқирди у князга.

Атрофдагилар кулиб юборишди.

— Сени деб чекиладими бу?— тантана билан деди Дарья Алексеевна.— Пулни столга ағдарганини қаранг буни, чорва! Князь ўзига хотинликка олянгинию, сен майнавозчилик қилиб юрбсан!

— Мен ҳам оламан! Ҳозир оламан, шу дақиқада! Барини бераман...

— Вой, қовоқхонадан чиққан маст, бўйнингга уриб ҳайдаш керак сени!— деди дарғазаб бўлган Дарья Алексеевна.

Кулги авжига чиқди.

— Кўрдингми, князь, сенинг қайлиғингни чорва қандай савдолашаётганлигини,— деб князга мурожаат қилди Настасья Филипповна.

— У маст,— деди князь.— У сизни жуда ҳам яхши кўради.

— Қайлиғинг Рогожин билан кетмоқчи бўлганлигидан кейин уялиб юрмайсанми?

— Унда сиз иситмалаб тургандингиз; сиз ҳозир ҳам иситма ичидасиз, худди алаҳлаётганга ўхшайсиз.

— Кейин сенинг хотининг Тоцкийнинг ўйнаши бўлган деб юзингга солсалар, оринг келмайдими?

— Йўқ, орим келмайди... Тоцкийнинг қўлига ўз эркингиз билан тушган эмассиз.

— Ҳеч қачон юзимга солмайсанми?

— Ҳеч қачон.

— Қўй, бир умрга деб катта кетма!

— Настасья Филипповна,— деди князь секин юрагида бир ачинмиш билан,— боя сизга айтдим: сиз рози бўлсангиз, буни менга кўрсатган марҳаматингиз деб биламан. Сиз бу сўзимдан кулдингиз, бошқалар ҳам кулишди. Мен балки кулгили гап айтгандирман, эҳтимол ўзим кулгили кўрингандирман, лекин назаримда мен... номус нималигини биламан ва имоним комил, рост гапни айтдим. Сиз ҳозир ўзингизни бутунлай хароб қилмоқчи бўлдингиз, биламан, сиз кейин ҳеч қачон бундай қилганлигингиз учун ўзингизни кечирмасдингиз. Гапнинг очиги, сизнинг заррача айбингиз йўқ. Ҳаётингиз бутунлай барбод бўлганлигига мен ишонмайман, бундай бўлиши мумкин эмас. Рогожин келган бўлса, Гаврила Ардалионович сизни алдамоқчи бўлиб уринган бўлса, нима бўпти? Нимага сиз тинмай ҳадеб шуни эслайверасиз? Сиз қилган нарса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, мен буни такрор айтаман, Рогожин билан кетмоқчи бўлганлигингизга келсак, сиз буни иситмалаб туриб айтдингиз. Сиз ҳозир ҳам иситмалаб турибсиз, сиз бориб ётишингиз керак. Сиз эртагаёқ кир ювувчиликка борган бўлардингизу, лекин Рогожин билан кетмасдингиз. Сиз жуда кибрлисиз, Настасья Филипповна, лекин балки сиз шу қадар бахтсиз бўлсангиз керакки, шунинг таъсирида ўзингизни айбдор деб санашгача борасиз. Сизни парвариш қилиш керак, Настасья Филипповна. Мен сизни парваришлайман. Кетингиздан қанча юриш керак бўлса юраман. Мен боя сизнинг суратингизни кўрган эдим, юзингиз менга бениҳоя таниш бўлиб кўринди. Назаримда, менга ўша заҳоти сиз ҳам мени биладигандай бўлиб туюлдингиз... мени чақирдингиз... Мен... мен сизни бутун умрим бўйи эъзозлайман, Настасья Филипповна,— деб хулоса қилди князь ва бирдан ўзига келиб бу гапларни кимларнинг олдиларида туриб айтаётганлигини ўйлаб қизариб кетди.

Птицин ҳатто орият юзасидан бошини қуйи эгиб ерга қараб ўтирарди. Тоцкий ичиди ўйлади: «Телба, лекин мақтаб-мақтаб ҳамма нарсага эришиш мумкинлигини билади; бало!» Князь бурчакроқда турган Гаянининг кўзлари ёнаётганлигини пайқади, ҳозир у князнинг кулини кўкка совуриб юборишга тайёр эди.

— Яхши одамнинг садағаси кетсанг арзийди!— деди ийиб кетган Дарья Алексеевна.

Билимдоц, лекин соб бўлган одам!— деб секин пичирлади генерал.

Тоцкий шляпасини олди ва аста чиқиб кетиш учун ҳозирлана бошлади. У генерал билан бирга чиқиб кетамиз, дегандай кўз уриштириб олишди.

— Раҳмат, князь, мен билан ҳеч ким шу пайтгача бундай гаплашмаган эди,— деди Настасья Филипповна,— мени нуқул савдолашардилар, лекин яхши одамлардан ҳеч ким ҳали сенга уйланаман деган эмасди. Эшитдингизми, Афанасий Иванович? Сизга князнинг гаплари қандай туюларкин? Ахир, бу адабсизликка яқин шекилли... Рогожин! Сен шошмай тур-чи! Сен кетмайдиганга ҳам ўхшайсан кўринишдан. Балки ҳали мен сен билан кетарман. Сен мени қаерга олиб бормоқчисан?

— Екатеринбургга,— деб жавоб берди бурчакда турган Лебедев. Рогожин бўлса сесканиб кетди, у ҳамон қулоқларига ишонмай кўзларини алаанг-жалаанг қилиб турарди. У бошига оғир бир зарб тушган одамдай анграйиб қолганди.

— Сенга нима бўлди, нима бўлди, онагинам! Чиндан иситма бу; эсингни еб қўйдингми?— деди азбаройи юраги ачишиб қўрқиб кетган Дарья Алексеевна.

— Нима, чип деб ўйловдингми?— деб хахолаганча ўрнидан турди Настасья Филипповна.— Маъсум бир гўдакнинг бошига этайми? Бунақа ишлар Афанасий Ивановичга ярашади: норасталарни у яхши кўради! Кетдик, Рогожин! Пулингни тайёрла! Уйланаман деганинг ўз йўли билан, лекин пулни бу ёққа ол. Мен балки ҳали сенга тегмасман ҳам. Уйланаман десам, пул ҳам ўзимда қолади деб ўйловдингми? Бекорларни айтибсан! Мен ўзим шармандаман! Мен Тоцкийнинг ўйнаши бўлганман... Князь! Сенга энди Аглая Епанчина керак, Настасья Филипповна эмас, бўлмаса Фердинанденко сени қўлнинг бигиз қилиб кўрсатади. Сен қўрқмайсан, лекин мен қўрқаман, умрингни барбод қилдим деб ўйлайман, унда кейин барибир бир куни таъна қиласан! Менга марҳамат қилган бўласиз дейсан, марҳамат нималигини ана Тоцкий билади. Лекин сен, Ганечка, Аглая Епанчинадан маҳрум бўлдинг; сен буни билармидинг? Сен у билан савдолашиб ўтирмаганингда у сенга турмушга чиққан бўларди. Сизларнинг ҳаммаларингиз шундайсизлар: сизга ҳалол ҳам бир, ҳаром ҳам бир! Доим чалкаштириб юборасизлар... Вой, генералнинг қарашини, оғзи очилиб қолди-ку...

— Бу маҳшар, маҳшар!— деб такрорларди генерал елкаларини учуриб. У ҳам дивандан турди; яна ҳамма оёққа қалқди. Настасья Филипповна худди алаҳлаётганга ўхшарди.

— Наҳотки!— деб инграб юборди князь қўлларини қисирлатаркан.

— Сен нима деб ўйловдинг? Балки менинг ҳам ўз ғурурим бордир, шармандада ғурур бўлмайди деб ким айтди! Сен боя мени жуда мақтаб юбординг, баркамолсиз дединг; топган экансан баркамolini, битта шу мақтовни деб миллион сўм пул билан бутун бир князликни оёғи остига олиб тепкилаб ташлади. Мана энди вайронага бормоқчи! Шундан кейин сенга қандай хотин бўлишим мумкин? Афанасий Иванович, лекин миллионни рост билан деразадан улоқтириб юбордим! Сизнинг етмиш беш минггиз билан Ганечкага хотин бўлишим ва ўзимни жуда бахтиёр деб билишим лозим эди, сиз бундай деб ўйлашга қандай журъат қилдингиз? Етмиш беш минггиз бошингда қолсин, Афанасий Иванович (лоақал юз мингга ҳам еткиза олмадинг, Рогожинча бўлолмадинг!); Ганечкани бўлса мен ўзим хурсанд қиламан, калламга бир фикр келиб қолди. Мен энди ялло қилиб ўйнашни истайман, мен кўча қизиман! Мен ўн йил қамоқда ўтирдим, энди бахтимни топдим! Қани, қалайсан, Рогожин? Тайёرمىсан, кетдик!

— Кетдик!— деб бўқирди Рогожин хурсанд бўлиб кетганидан ақлдан озаёзиб.— Ҳей сиз... ҳаммага вино беринглар! Уҳ!..

— Винони яхшилаб ғамла, мен ичаман. Музика бўладими?

— Бўлади, бўлади! Яқинлашма!— бўқирди Рогожин даҳшатли товуш билан Дарья Алексеевна Настасья Филипповнага яқинлашаётганлигини кўриб.— Меники! Ҳаммаси меники! Қиролча! Тамом!

У азбаройи қувониб кетганидан хириллаб қолди. У Настасья Филипповнанинг атрофида гиргиттон бўлиб айланар ва ҳаммага: «Яқинлашма!»— деб қичқирарди. Бутун тўда меҳмонхонага ёпирилиб кирганди. Бировлар ичган, бировлар қичқирган ва хахолаб кулган, ҳамма қаттиқ ҳаяжонга тушган эди. Фердишченко уларнинг ораларига суқилиб олмоқчи бўларди. Генерал билан Тоцкий яна ўринларидан қўзғалмоқчи бўлиб ҳаракат қилиб кўрдилар, Ганя ҳам шляпасини қўлида ушлаб турар, индамас, кўз ўнгиди содир бўлаётган воқеалардан нигоҳини узолмасди.

— Яқинлашма!— деб бўқирарди Рогожин.

— Нимага бақирасан!— деб хандон ташлаб куларди Настасья Филипповна.— Мен ҳали уйимдан кетганим йўқ: агар хоҳласам, ҳозироқ бўйнингга уриб ҳайдайман. Мен ҳали сенинг пулларингни олганимча йўқ, ана ётибди ҳаммаси; қани, менга бер барини! Шунинг кичида юз минг борми? Уф, қуриб кетсин ҳаммаси! Нима бўлди, Дарья Алексеевна? Наҳот мен унинг умрини хазон қилишим керак эди? (У князни кўрсатди.) Уйланиб нима қилади, ҳали оғзидан она сути кетмаган; ана генерал унга энагалик қилади,— атрофида думини ликиллаб юришини қара! Кўриб

қўй, князь, сенинг қайлигинг пул оляпти, чулки у бузуқ хотин, сен бўлсанг, унга уйланаман деб юрибсан! Э, нега йиғлайсан ўзи? Нима, алам қилиб кетдимиз? Сен бўлсанг менга ўхшаб кул,— деб давом этарди Настасья Филипповна, унинг юзига икки томчи йирик кўз ёши оқиб тушди.— Ҳаммаси ўтиб кетади! Вақт борида этагингни ёп, кейин кеч бўлади... Э, нимага ҳаммаларингиз йиғлайсизлар — ана, Катя ҳам йиғлайпти! Нима бўлди сенга, Катя, жонгинам? Сен билан Пашага анча парса қолдирдим, кўнгилларингиз тўқ бўлсин, энди омон бўлинглар! Мен бузуқ сен моҳпора қизни ўзимга хизмат қилишга мажбур қилдим... Шундай бўлгани яхши, князь, рости, шундай яхши, кейин мендан нафратланиб юрардинг, бахти қаро бўлардиқ! Қасам ичма, ишонмайман! Бунинг устига жуда ҳам ярашмаган бир иш бўларди!.. Йўқ, яхшиси, яхшилик билан хайрлашайлик, мен ўзим ҳам хаёлпарастман, яхшилик чиқмасди бундан! Ахир мен сени орзу қилмабмидим? Сен боя тўғри айтдинг, анчадан бери орзу қилардим, у пайтларда беш йил унинг қишлоғида ёлғиз ўзим яшаган эдим; ўйлайсан-ўйлайсан, бир вақт қарасанг, хаёл сурасан-хаёл сурасан — нуқул сенга ўхшаган бир одамни орзу қилардим, озгина тентакроқ, лекин оқкўнғил, пок, ҳалол яхши одам бўлсин дердим, ўша одам олдимга келсаю, «Сиз гуноҳкор эмасиз, Настасья Филипповна, мен сизни бошимга кўтараман!» — деса дердим. Мана шунақа хаёл суриб кетган пайтларингда одам оз бўлмаса ақлдан озиб қолай дерди... Кейин бир пайт манави таъвия кириб келарди: бир йилда икки ойча меҳмон бўларди, булғаб, қон қилиб, ўртаб, бузиб кейин кетарди,— минг марта ўзимни сувга ташламоқчи бўлганман, аблаҳ эканман, юрагим бетламаган, энди бўлса... Рогожин, тайёрмисан?

— Тайёр! Яқинлашма!

— Тайёр!— деган овозлар кўтарилди.

— Тройкалар қўнгироқларини жиринглатиб туришибди! Настасья Филипповна қўлига пулни олди.

— Ганька, калламга бир фикр келиб қолди; мен сени тақдирламоқчиман, нега десанг, сен ҳам жуда қуруқ қолма. Рогожин, у уч сўлкавойга Васильевский оролига эмаклаб борадими-йўқми?

— Эмаклайди!

— Ундай бўлса, гапимга қулоқ сол, Ганя, мен сенинг юрагингга охирги маротаба яна бир қарамоқчиман; сен ҳам мени уч ой мобайнида ёмон қийнадинг; энди навбат меники. Қўриқсанми, мана шунинг ичидан юз минг бор! Мен ҳозир уни каминга, ўтга ташлайман, мана ҳамманинг олдида, ҳамма гувоҳ! Қоғознинг ҳаммаси ёна бошлаши билан қўлқопсиз қуруқ қўлинг билан пулни олов ичидан оласан, енгларинг ҳам шимарилган

бўлсин! Агар оловдан ололсанг, ҳаммаси сеники, юз минг сеники! Қўлинг сал куюди, холос,— ахир, юз минг-а, юз минг, ўйлаб кўр! Шундай тортиб олиш қийин бўптими! Мен бўлсам, сенинг кўкрагингга қараб тураман, менинг пулимни оламан деб ўзингни ўтга уришингни томоша қиламан. Ҳамма гувоҳ — юз минг сеники! Агар олмасанг, бекорга ёниб кетади; ҳеч ким олмайди. Қочинглар! Ҳамманглар қочинглар! Пул меники! Менга уларни бир кеча учун Рогожин берган. Пул меникими, Рогожин?

— Сеники, жонон! Сеники, маликам!

— Унда ҳаммаларинг қочинглар, нимани истасам, шуни қиламан! Тегманглар! Фердишченко, оловни кўтаринг!

— Настасья Филипповна, қўлим бормаяпти!— деб жазоб берди янғ-танг бўлиб қолган Фердишченко.

— Э-эҳ!— деб қичқирди Настасья Филипповна, темир косовни олиб, секин ёнаётган икки палёни тўғрилади, олов баландлаган заҳоти унга пулни ташлади.

Одамлар қичқириб юборишди; кўплар ҳагто чўқиниб олишди.

— Ақлдан озди! Ақлдан озди!— деб қичқиритарди одамлар.

— Бо...бо... боғлаб қўйсаммикин уни?— деб пичирлади генерал Птицинга,— ё одам юборсакми... Ақлдан озди, ахир, озди, озди?

— Й-йўқ, бу унчалар жинниликка ўхшамайди,— деб шивирлади ранги бўздай оқариб кетган, дир-дир қалтираган Птицин кўзларини каминда олов қуршаётган пулдан узолмай.

— Ақлдан озган? Ақлдан озган, тўғрими?— дерди генерал Тоцкийга.

— Мен сизга айтган эдим-ку, *фалати* хотин деб,— деб пўнгиллади Тоцкий ранги ўчган ҳолда.

— Лекин, бу ахир, юз минг-а!..

— Худойим-ей, худойим-ей!—деган хитоблар эшитиларди. Ҳаммалари каминни ўраб олдилар, ҳаммалари бошларини чўзиб қарашар, оҳ-воҳ қилишарди... Аллакимлар курсиларнинг устига сакраб чиқиб одамларнинг бошлари оша қарашарди. Дарья Алексеевна бошқа хонага югуриб чиқиб кетди, у юрагини ҳовучлаб Катя билан Пашага аяланималар деб уқтирарди. Гўзал немис хоним қочиб кетди.

— Онагинам! Малика! Соҳиба!— деб ёлворарди Лебедев Настасья Филипповнанинг оёқлари тагида эмаклаб юраркан, у ҳадеб қўлларини чўзиб каминни кўрсатарди!—Юз минг! Юз минг! Уз кўзим билан кўрганман, менинг олдимда санаб тахлашган эди. Онагинам! Раҳминг келсан! Менга ижозат бер: оловнинг ичига кираман, шу олоқ бошимни оловга тиқаман!.. Оёғи йўқ хотиним бор, ўн учта бодам бор — ҳаммаси етимчалар.

отамни ўтган ҳафта гўрга қўйдим, оч ўтирибмиз, Настасья Филипповна!— дод-вой қилганча каминга томон судрала бошлади.

— Йўқол!— деб қичқирди Настасья Филипповна уни итариб ташлаб.— Ҳаммаларинг қочларинг! Ганя, нима қилиб турибсан? Уялма! Эмакла! Бахтингни қўлда берма!

Лекин Ганя бугун бўлганича бўлган, оёқда зўрга турар, бу янги синоққа дош берадиган ҳоли қолмаганди. Одамлар четланиб иккига ажралдилар, ўртада фақат Ганя билан Настасья Филипповнанинг ўзигина қолди, улар бир-бирларидан уч қадамча нарида турардилар. Настасья Филипповна камин яқинида туриб унга ўт бўлиб ёнаётган кўзларини қадаганча қимир этмай тикиларди. Фрак кийган, қўлига шляпасини ва қўлқопларини кўтариб олган Ганя қиз қаршисида нима дейишини, нима қилишини билмасдан қўлларини чалкаштириб турарди. У кўзларини оловдан узмасди. Бўздай оқариб кетган юзида телбакезак бир жилмайиш кезарди. Рост, у оловдан, ўт туташиб бораётган пул ўрамадан кўзларини сира ололмасди. Лекин, афтидан, унинг юрагида аллақандай ўзгаришлар рўй бермоқда эди; бу қийноқларга охиригача чидашга қарор берганга ўхшарди; у жойидан қимирламасди; бир неча сониядан сўнг турганларининг ҳаммаси у пулни ўт ичидан олмайди деган фикрга келдилар.

— Ҳей, бўлсанг-чи, ёниб кетади, кейин бекор қилдинг деб ўзингни уялтириб юришади,— деб қичқирарди унга Настасья Филипповна,— ахир, кейин аламингдан ўзингни осиб қўясан, мен ҳазиллашаётганим йўқ!

Икки палён орасидан чиққан олов энди жўнашиб келаётганда устига пул ўрами тушгач, босилиб алангаси пасайгандай бўлганди. Лекин бир палёнинг учидан жиндак кўкимтир аланганинг тили кўришиб турарди. Ниҳоят, аланганинг ингичка, узун тили пул боғламига ҳам келиб етди, олов пул ўралган қоғозга чирмашди ва аста уни ҳамма ёқдан қоплай бошлади, кейин бирдан бутун бойламни ўт олди, аланга ловуллаб кўтарилди. Ҳамма оҳ тортиб юборди.

— Онагинам!— деб фарёд кўтариб дод-вой соларди ҳамон Лебедев яна каминга томон интилиб, лекин Рогожин уни яна нарига судраб олиб бориб итариб юборди.

Рогожиннинг бутун вужуди шу топда нигоҳга айланиб кетганди. У Настасья Филипповнадан кўзларини узолмасди, у тўймай тикилар, ўзини беҳад бахтиёр деб ҳис қиларди. Боши осмонга етганди.

— Малика демадимми, малика!— деб такрорлашдан тинмасди у тўғри келган ҳар кимсага.— Манавини ўзимиз десак бўлади!— деб қичқирарди у ўзини унутган ҳолда.— Қани, ҳей ликил-

лаганлар, қайси бирингизнинг қўлингиздан шундай қилиш келади, а?

Князь индамасдан маънос боқиб турарди.

— Минг сўмини берсанглар мен тишим билан тортиб оламан,—деб оғзидан чиқиб кетди Фердишченконинг.

— Тиш билан бўлса, мен ҳам эплардим!—деб тишларини гижирлатди ҳамманинг орқасида турган забардаст жаноб нима қилишини билмай.—Ж-жин урсин! Ёняпти, ёниб кетади ҳаммаси!—деб қичқирди у аланганинг баланд кўтарилганлигини кўриб.

— Ёняпти, ёняпти!—деб қичқирди шарди ҳаммалари беихтиёр камин томонга интилди шаркан.

— Ганя, имиллама, сенга охирги маротаба айтяман!

— Бўл!—деб бўкириб юборди Фердишченко ўзини Ганяга отиб унинг енгидан тортқилаганча,—бўл дейман, ҳой, олифта! Ёниб кетади! О, л-лаънат!

Ганя Фердишченкони куч билан итариб юборди, бурилиб эшикка қараб кета бошлади; лекин икки қадам юрмасдан гандираклар кетди ва полга гурсиллаб қулади.

— Хушидан кетди!—деб қичқирди одамлар.

— Онагинам, ёниб кетяпти!—деб додларди Лебедев.

— Бекорга ёниб кетади!—деб сурон кўтаришарди ҳаммалари.

— Катя, Паша, сув беринглар унга, спирт келтиринглар!—деб қичқирди Настасья Филипповна ва оташкурак билан ёнаётган бойламни тортиб олди.

Пул ўралган қоғоз ёниб бўлаётган эди, лекин ўт ҳали ичига ўтмагани кўриниб турарди. Пул уч қават газетага ўралган, шунинг учун ҳам олов пулга етиб бормаганди. Ҳаммалари енгил тортдилар.

— Минг сўмгинаси қурмагур пичагина ёнибди, холос, қолган ҳаммаси бут,—деди суюниб кетган Лебедев.

— Ҳаммаси уники! Бари уники! Эшитдингларми, жаноблар!—деб эълон қилди Настасья Филипповна пулни Ганянинг ёнига қўяркан.—Бориб олмади, чидади! Зеро, пулдан кўра ҳам ўзини яхши кўради. Зарари йўқ, ҳозир кўзини очади! Бўлмаса, сўйиб қўярмиди балким... Ана кўзини очай деяпти. Генерал, Иван Петрович, Дарья Алексеевна, Катя, Паша, Рогожин, эшитдингларми? Пул Ганяники. Мен унинг шахсан ўзига тортиқ қиламан... ўша, ҳалиги, майли, нима бўлганда ҳам! Унга айтинглар. Майли, пул унинг ёнида турсин... Рогожин, кетдик! Алвидо, князь, биринчи марта чин инсонни кўрдим! Алвидо, Афанасий Иванович, mersi!

Рогожин билан Настасья Филипповнанинг орқасидан бутун

издиҳом шовқин-сурон билан ташқарига отилди. Залда қизлар Настасья Филипповнага пўстин кийгизишди; ошпаз Марфа ошхонадан югуриб чиқди. Настасья Филипповна уларнинг ҳаммаларини ўпиб чиқди.

— Наҳотки, онахонимиз, бизни ташлаб кетсангиз? Ахир, қаерга борасиз? Яна туғилган кунингиз бўлса, шундай кунда!— деб сўрашарди ундан қизлар йиғлашиб қўлларини ўпишаркан.

— Кўчага чиқаман, Катя, эшитдинг-ку, менинг жойим кўча, бўлмаса, кир ювामан! Афанасий Иванович жонимга тегиб кетди! Унга раҳмат айтиб қўйинглар, мендан рози бўлинглар...

Князь ташқарига отилди, дарвоза олдида ҳамма шу ерда ҳозир турган тўртга тройкага ўтирмақда эди. Тройкаларнинг қўнғироқчалари жиринглаб турарди. Зинада унга генерал етиб олди.

— Шошма, князь, ҳушингни йиғ!— дерди у князга унинг қўлидан ушлаб олганча,— қўйсанг-чи! Кўряпсанми қандайлигини! Уз фарзандимсан, қулоқ сол...

Князь унга бир қараб қўйди, лекин ҳеч нарса демасдан югурганча кетди.

Тройкалар эндигина жўнаб кетишган эди, генерал князнинг биринчи дуч келган извошини ушлаб Екатеринбургга, деб қичқирганлигини пайқаб қолди. Генерал ўзининг кулранг тўриқ от қўшилган извошига ўтирди-да, уйга жўнади, унинг юрагида янги умидлар ва орзулар уйғонганди, у нималарнингдир хомчўтини қила бошлаганди, буларнинг устига бояги жавоҳир ҳам ёнга қолган, генерал уни ёнига солиб олишликни унутмаганди. У ўзинча турли хомчўтлар қилиб бораркан, икки мартача Настасья Филипповнанинг жозибадор сиймоси унинг кўз ўнгида гаңдаланди; генерал хўрсиниб сўлини олди:

— Аттанг! Яна бир карра аттанг! Хароб бўлган хотин! Ақлдаи озган хотин!.. Князга келсак, энди унга Настасья Филипповна эмас, бошқа қиз керак...

Настасья Филипповнанинг зиёфатидан уйларига пиёда юриб қайтаётган бошқа икки меҳмон ҳам одоб-икромга оид гаплардан суҳбатлашиб келишарди.

— Биласизми, Афанасий Иванович, эшитишимга қараганда японларда шундай одат бор экан,— деб сўйларди Иван Петрович Птицин,— ҳақоратланган одам ҳақорат қилган одамнинг ҳузурига бориб шундай деркан: «Сен мени ҳақорат қилдинг, шунинг учун сенинг олдингда мен қорнимни ёриб ташлайман». Шу сўзларни айтиб бўлгач, у ўзини ҳақорат қилган кишининг қошида қорнини ёриб ичак-човоғини суғуриб ташларкан ва бошлаб ўчимни оладим, деб ўзидан хурсанд бўлар-

кан. Ғалати табиатли одамлар бўларкан дунёда, Афанасий Иванович!

— Сиз ҳалиги жойда ҳам шундай бўлди демоқчисиз-да,— деб жавоб берди табассум қилганча Афанасий Иванович,— ҳим! Нафсиламрига, гапингизда жон бор... жуда антиқа ўхшатиш. Лекин ўзингиз кўрдингиз, азизим Иван Петрович, мен қўлимдан келган ҳамма нарсани қилдим; имкондан ортиғини қилолмайман-ку, тўғрими гапим? Лекин менга ишонинг, ҳар қалай, шу хотиннинг жуда ҳам антиқа фазилатлари бор... порлоқ қирралар. Мен боя ҳатто бир айтмоқчи ҳам бўлдим ўша аросат тўполон ичида, сизнинг мана шу даражага етганлигингизнинг ўзи менинг барча меҳнатларим зое кетмаганлигини кўрсатади, деб. Бу офатижон хотинни кўрганда ким ақлдан озмайди дейсиз баъзан... ҳамма нарсани унутиб юборасан. Қаранг, ҳалиги буқага ўхшаган Рогожин юз мингга оёқлари остига келтириб ташлади! Майли, айтайлик, ўша ерда юз берган ҳодиса—хаёл, рўё, сароб, шармсиз бўлиб кўрина қолсин, лекин буларнинг ҳаммаси айни чоғда ўзига хос, айни чоғда ноёб бир ҳол, тўғрими гапим? Шу феъли, шу гўзаллиги билан қандай одам бўлиб етишиши мумкин эди, эҳ худойим-ей! Бироқ шунча қилган меҳнатларимизга, олий маълумотларга қарамасдан ҳаммаси зое кетди—барбод бўлди! Сайқалланмаган олмос — мен буни бир неча мартаба айтганман...

Афанасий Иванович чуқур хўрсинди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

Биз ҳикоямизнинг биринчи бўлимини Настасья Филипповнанинг зиёфатида рўй берган ғалати саргузашт билан тугатган эдик, ушбу воқеадан икки кун ўтгач, князь Мишкин ўзига кутилмаганда теккан меросни ҳал қилиш учун шошилинч Москвага жўнади. Ушанда унинг бунчалар шошилинч жўнаганлигига бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин, деган гаплар тарқалганди; лекин бу ҳақда ва худди шунингдек, унинг Москвада ва умуман Петербургда бўлмаган пайтларида бошидан кечирган воқеалар хусусида бизнинг қўлимизда маълумотлар у қадар кўп эмас. Князь Петербургда роса олти ой бўлгани йўқ, ҳатто у ҳақда суриштириб билишдан манфаатдор бўлган кишилар ҳам шу вақт ичида у тўғрида унчалар кўп нарса билолмадилар ҳисоб. Албатта, ўқтин-ўқтин уларнинг баъзи-

ларининг қулоқларига у-бу гаплар чалиниб қолар, лекин бу мишишлар жуда ғалати ва кўп маҳал бир-бирига тўғри келмайдиган бир аҳволда келиб етарди. Князнинг тақдири билан ҳаммадан кўпроқ албатта Епанчинларнинг хонадондагилар қизиқишар, шуниси ҳам бор эдики, князь жўнаб кетаётганда улар билан ҳатто хайрлашишга ҳам улгурмаганди. Воқеан, генерал шунга қарамасдан у билан бир эмас, ҳатто икки-уч маротаба кўришганди; улар нима ҳақидадир жуда жиддий маслаҳатлашиб олгандилар. Бироқ Епанчин князь билан кўришганини уйдагиларга айтиб ўтирмаганди. Умуман олганда, аввал, айниқса, князь жўнаб кетгандан сўнг биринчи ой ичида Епанчинлар хонадонинда у ҳақда миқ этиб оғиз очмадилар. Фақат генерал ойим Лизавета Прокофьевна бошида «князь ҳақида қаттиқ янглишибман», деб надомат қилиб қўйди. Кейин икки ёки уч кунлар ўтгач, энди князнинг номини тилга олмасдан ноаниқ қилиб «бутун умр тўхтовсиз суратда одамлар ҳақида хато қилдим», деб қўшимча қилди. Ва ниҳоят ўн кунлар чамаси ўтгандан сўнг нима сабабдандир қизларидан жаҳли чиқиб, ўзига-ўзи давином бергандай: «Етар шунча хатолар! Бошқа бўлмайди», деди. Бу ўрнида шуни ҳам қайд қилиб ўттиш керакки, уларнинг хонадонларида хийла пайтларгача аялақандай ғашлик ҳукм суриб юрди. Қандайдир оғир, зўраки, ўлда-жўлда, жанжалли алланима бор эди; ҳамманинг қовоғидан қор ёғарди. Генерал кечаю кундуз ишлар, бошини қашигани вақти йўқ эди. Илгарилар уни бу қадар ишга берилиб кетган ҳолда кам кўрардилар,—айниқса, хизмат ишига камдан-кам жон куйдирарди. Уйда ҳам кўп кўринмасди. Епанчиннинг қизларига келганда, улар бу овозалар ҳақида лом-мим деб оғиз очмадилар. Чамаси, улар ўз ўрталарида ҳам бу тўғрида жуда оз сўзлашган эдилар. Улар жуда мағрур, кибри, ҳатто опа-сингил бўлишларига қарамасдан бир-бирларидан уялишадиган қизлар эди, воқеан, улар бир-бирларини бир оғиз сўздангина эмас, шундай бир нигоҳ ташлагандаёқ тушуниб ола билардилар, шундай бўлгач, гоҳо гапни чўзиб ўтиришга ҳам ҳожат қолмасди.

Лекин мабодо бегона бир одам ташқаридан ҳаммасини кузатиб турганда эди, у бир нарсани албатта сезган бўларди: юқорида баён қилиб ўтилган унчалар кўп бўлмаган узук-юлуқ маълумотларга қараганда, гарчи князь Епанчинлар хонадонинда фақат бир маротабагина бўлган эса-да, лекин шу қисқа муддат ичида бу ерда бошқача бир таассурот қолдиришга улгурганди. Балки, князь бошидан кечирган ғалати воқеалар уларда мана шундай таассурот қолдиргандир. Нима деманг, лекин таассурот қолдиргани шубҳасиз эди.

Шаҳарда тарқалган овозалар секин-секин сўна бошлади. Рост, одамлар орасида кутилмаганда жуда зўр давлатга меросхўр бўлиб қолган ва Париждаги Шато-де-Флёрда раққоса бўлган француз хонимга уйланган аллақандай тентак князь (ҳеч ким унинг отини аниқ айтолмасди) ҳақида мишмишлар юрарди. Лекин бошқа бировлар меросни қандайдир бир генерал олганлиги, француз раққосасига эса давлати ошиб-тошиб ётган рус савдогари уйланганлиги ва тўйи пайтида мақтанчоқлик қилиб етти юз сўмга олинган сўнгги лотерея заёми билетларини шамга тутиб ёқиб юборганлигини сўйлардилар. Лекин нима ҳам бўлиб, бу мишмишларнинг бари тез орада барҳам топди. Бундай бўлишга баъзи бир сабаблар ҳам бор эди, албатта. Чунончи, бу воқеалар ҳақида тайинли бир гап айтиши мумкин бўлган Рогожиннинг барча одамлари у билан бирга Москвага кетиб қолган эдилар. Екатеринбург воксалида бир ҳафта жуда даҳшатли тарзда ичиб маишат сурганларидан сўнг,— бу маишатларда Настасья Филипповна ҳам иштирок этганди,— ҳаммалари Рогожин етакчилигида тўдалашиб Москвага равона бўлган эдилар. Шу гапларга қизиқиб юрган баъзи одамлар яна бошқа бир нарсани ҳам эшитишди: мишмишларга қараганда, Настасья Филипповна Екатеринбургда бўлган ўтиришнинг эртасигаёқ қочиб кетган, қаерга кетганлигини ҳеч кимса билмас экан, кейин алоҳа сурштириб-сурштириб унинг Москвага жўнаганлигидан хабардор бўлишибди. Рогожиннинг ҳам Москвага қараб жўнаганлигини шу нарса билан боғлар эдилар.

Гаврила Ардалионович Иволгин ҳақида ҳам турли-туман мишмишлар юрарди. У ўз доирасида анча таниқли кимсалардан эди. Лекин тез орада унинг бошидан бир воқеа ўтдики, шундан сўнг у ҳақда одамларнинг оғизларида юрган гап-сўзларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан тез орада босилди. У бетоб бўлиб қолди, жамиятларга аралашмай қўйди, ҳатто хизматга ҳам боришни бас қилди. Бир ой касал бўлиб ётгач, анча соғайиб турди, лекин акционерлар жамиятидаги хизматидан бутунлай воз кечди, шундан сўнг ўрнини бошқа бир одам эгаллади. У генерал Епанчинникига сира қадам босмай қўйди, энди генералнинг ҳузурига ҳам бошқа бир хизматчи борадиган бўлди. Гаврила Ардалионовичнинг ганимлари у кўчага ҳам бош кўтариб чиқолмайдиган бўлиб қолди, деб тахмин қилишлари мумкин эди. Лекин у чиндан ҳам анча бетоб эди: куни бўйи тумтайиб ўтирар, ўйга ботар, зардаси қайнарди. Варвара Ардалионовна ўша йили қишда Птицинга турмушга чиқди. Уларнинг хонадонларидан бохабар одамлар буни Ганянинг ишланмай қўйгани, оилани таъминлашдан юз ўгиргани, оила боқishi

у ёқда турсин, ўзи ҳам ёрдамга муҳтож бўлиб қолганига йўдилар.

Қавс ичида яна шуни ҳам қўшимча қилиб қўяйликки, Гаврила Ардалионовичнинг номи Епанчинларнинг уйида ҳеч қачон эсланмас, тилга олинмасди,— гўё улар ҳеч қачон шундай одамни кўрмаган, билмаган, танимаган эдилар. Шунга қарамасдан, бу ердагилар кўп вақт ўтмай бир қизиқ гапни эшитган эдилар: Настасья Филипповичнинг уйида рўй берган даҳшатли воқеадан сўнг Ганя уйга қайтиб келиб ухлагани ётмай, сабрсизлик билан князнинг қайтишини кутибди. Екатеринасофга кетган князь у ердан эрталаб соат олтида қайтибди. Ганя унинг хонасига кириб Настасья Филипповна қолдириб кетган четлари куйган қоғозга ўралган пулни беҳуш бўлиб ётганига қарамай столга ташлабди. Имкони бўлган заҳоти шу пуллари Настасья Филипповнага қайтарсангиз, деб жуда қаттиқ илтимос қилибди. Ганя князнинг ҳузурига кирган чоғда жуда даҳшатли аҳволда экан, лекин князь билан уч-тўрт оғиз гаплашгандан сўнг Ганя ҳовуридан тушиб, икки соат ўтирибди, нуқул хўнграб йиғлармиш. Кейин икковлари жуда дўстона хайрлашибдилар.

Епанчинлар хонадонига етиб келган бу гап кейинчалик тасдиқланди, ҳаммаси ростдан ҳам шундай бўлган экан. Бундай гапларнинг тез тарқалиб кетиши одамга ғалати кўринади, ишонгани келмайди кишининг; Настасья Филипповичнинг уйида бўлиб ўтган воқеа бутун майда-чуйда тафсилотларигача эртасигаёқ Епанчинларга маълум бўлганди. Гаврила Ардалионович ҳақидаги хабарларга келганда эса, уларни Епанчинларникига Варвара Ардалионовна етказган бўлса эҳтимолдан йироқ эмас, Варвара Ардалионовна яқин кунлардан бери бу хонадонга қадам ранжиди қиладиган бўлган, тез орада у ойимқизларнинг ишончини қозонган, улар билан сирлашадиган бўлиб қолган, Лизавета Прокофьевна бундан гоятда хайратга тушиб, ёқасини ушлаган эди. Бироқ Варвара Ардалионовна ойимқизлар билан нимагадир яқинлашмоқчи бўлиб юрганга қарамасдан барибир ўз акаси ҳақида улар билан гаплашиб ўтириши ақлга сиғмасди. У ўзига етгунча мағрур қиз эди, акаси қувилган хонадон билан борди-келди қилишга интилаётганлигини ҳисобга олмаганда, у илгарилари ҳам ойимқизлар билан таниш-билиш эди, лекин улар жуда кам кўришардилар. Дарвоқе, у ҳозир ҳам меҳмонхонада қорасини кўрсатмас, уларникида бир зум ўтириб кетадиган одамдай орқа эшикдан кириб чиқарди. Лизавета Прокофьевна Варвара Ардалионовичнинг онаси Нина Александровнани жуда ҳурмат қилишига қарамасдан, Варвара Ардалионовичнинг ўзини унчалик хуш-

ламас, унга ҳозир ҳам, илгари ҳам рўйхуш бермасди. У қизларим инжиқлик қилиб Варя билан борди-келди қилишяпти; «менинг гашимга тегмоқчи бўлиб зиддимни олишяпти», бир камлари энди шу эди, деб ҳам ҳайрон бўлар, ҳам жаҳли чиқарди. Варвара Ардалионовна эса эрга тегмасдан бурун ҳам, эрга теккандан кейин ҳам барибир қизларнинг олдиларига келишни канда қилгани йўқ.

Лекин князь жұнаб кетгандан бир ой ўтиб, генерал ойим бундан икки ҳафта олдин Москвага турмушга чиққан катта қизини кўргани кетган кампир княгиня Белокопскаядан бир хат олди, хат унга қаттиқ таъсир қилди. У гарчи хатда нима ёзилганлигини на қизлари ва на генералга айтган бўлса-да, лекин оила аъзолари унинг қаттиқ ҳаяжонланиб, тўққинлашиб юрганлигини фаҳмлаб қолдилар. Қизлари билан ғалати-ғалати нарсалар хусусида жуда қизиқ қилиб гаплашадиган одат чиқарди; у юрагини тўкиб солмоқчи бўлар, лекин нимагадир яна ичига ютарди. Хат олган куни у ҳаммаи ва айниқса, Аг-лая билан Аделаидани эркалаб ўпди, худди улар олдида гуноҳ қилиб қўйгандай ва қилмишидан афсуслангандай бўлиб юрди, лекин қандай қилмиш, ҳеч ким билмасди. Ҳатто бир ойдан бери эрининг афтига қарамай, унга аччиқ-тиззиқ қилиб юрган одам бирдан очилиб муомала қила бошлади. Лекин эртасигаёқ ўзининг кеча қилган кўнгилчанлигидан хафа бўлиб кетди ва тушликка довур ҳамма билан бир-бир уришиб чиқди, лекин кечга бориб яна чеҳраси очилди. Умуман, бир ҳафтача у жуда тетик ва руҳан бардам бўлиб юрди, қачонлардан бери унинг очилгани ҳам шу эди.

Бироқ яна бир ҳафта ўтиб Белокопскаядан иккинчи хат келди, бу гал генерал ойим очиқ сўзлашга қарор қилди. У тантанавор қилиб, «кампиришо Белокопская» (у Белокопскаянинг орқасидан доним шундай деб атарди) ҳақ, анав қурғур бору... «анави, ўша отинг қурғур, князь» ҳақида анча яхши гапларни ёзиб юборганлигини маълум қилади. Кампир Москвада князни қидириб топибди, унинг бошидан кечирганларини эшитибди, жуда яхши гапларни билиб олибди; сўнг князнинг ўзи кампирни кўргани келибди ва у билан анчагача чақчақлашиб ўтирибди. «Кампиришо князни ҳар куни келиб туринг, деб таклиф қилибди, князь уни соат бирдан иккигача кўргани келаркан, гаплашиб ўтиришаркан, шу пайтгача кампирнинг сира ҳам гашига тегмабди, шундан ҳам билиб олса бўлади»,— деб хулоса қилди генерал ойим ва яна «кампиришо»нинг тавсияси билан князь икки-уч яхши хонадонларда қабул қилинибди, деб қўшимча қилди. «Уй қизига ўхшаб ўтирмагани жуда яхши, жинниларга ўхшаб олиб ўтираверса ҳам бўлмайди».

Ойимқизлар бу гапларни эшитишгач, ойим биздан хатдаги кўп гапларни яширяпти, деган хаёлга боришди. Эҳтимол улар бунин Варвара Ардалионовнадан эшитгандирлар, ахир, Варвара Ардалионовна князь ва унинг Москвада бўлиши ҳақида Птицин нимани билса, ҳаммасидан хабардор бўлиши мумкин эди, тўғриси, хабардор ҳам эди. Птицин эса бу гапларни бошқалардан кўра кўпроқ биларди. Лекин у хизмат юзасидан бўладиган гапларни кўпда очилиб сўзлайвермасди, бироқ албатта Варяни баъзи бир гаплардан хабардор қилиб турарди. Генерал ойим мана шунинг учун ҳам Варвара Ардалионовнани илгаригидан ҳам ёмонроқ кўриб қолди.

Лекин қандай бўлмасин, ўртадан совуқчилик кўтарилган ва князь ҳақида бемалол гаплаша оладиган бўлган эдилар. Шу аснода князь бу хонадонда қисқа бир вақт ичида қанчалар чуқур таассурот қолдирганлиги, ҳаммаларида кучли қизиқиш уйғотганлиги яна бир карра аён бўлди. Москвадан келган хабарлар қизларини жуда қизиқтириб қўйганлигидан генерал ойим ҳайрон қолди. Қизларини эса онанинг ўзини тутиши ҳайратга солиб қўйди: олдинга, ким ҳақида нима ўйласам, бари хато бўлиб чиқди, умрим биро бўлиб янглишиб ўтдим, деб ёзгириб юрган одам худди шу вақтнинг ўзида князни «ҳар насага қудрати етадиган» княгиня Белокопскаядан назорат қилиб туришликни сўрагани, албатта, ажаблантирмай иложи йўқ эди. Бунинг устига княгинядан князга кўз-қулоқ бўлиб туринг, деб худони ўртага солиб илтижо қилган, бўлмаса, «кампишшо» баъзи бир пайтларда жуда тепса-тебранмас бўлиб кетарди.

Лекин ўртадан совуқчилик кўтарилиб, майин шабадалар эсаётганлиги муносабати билан генерал ҳам ўз фикрини маълум қилишга шошилди. У ҳам бу гапларга жуда қизиқиб юрганлиги равшан бўлди. Лекин фақат «масаланинг иш чиқадиган томонигагина» тўхталди. У князнинг манфаати учун қайғуриб, аллақандай жуда ишончли ва ўз доирасида нуфузли бўлган икки жанобга княздан ва айниқса, унга васийлик қилаётган Салазкиндан огоҳ бўлиб юришликни сўраган экан. Мерос хусусидаги барча мишмишлар, «нима десамикин мерос ҳақидаги фактлар» рост бўлиб чиқибди, лекин мероснинг ўзи одамлар илгари ваҳима қилганчалик эмас экан. Мероснинг бир қисми чигалроқ экан, қарз-қурзлар, яна қандайдир меросга даъвогарлар бор экан, бунинг устига князнинг ўзи ҳам берилган барча йўл-йўриқларга қарамай баъзи ҳолларда бўшлиқ қилиб қўйибди. «Майли, унга худо етказган бўлсин»: ҳамон «совуқчилик кетиб», князь ҳақида гапириш мумкин бўлиб қолган экан, генерал «чин самимият юзасидан» шуларни маъ-

лум қилиб қўйишликдан ўзини ғоятда мамнун бўлган деб сезади, нега десангиз, гарчи «боласи тушмагур пича ҳалигинда қароқ» бўлса-да, лекин барибир ҳар ҳолда ҳалигига арзийди. Лекин нима деманг, барибир ўшанинг ўзи жуда тентаклик қилибди: марҳум савдогарда ҳақи қолганлар келиб пул сўрашибди, уларнинг ҳужжатлари жуда шубҳали, ҳеч нарсага арзимайдиган ҳужжатлар экан, яна аллақимлар эса князнинг қандай одам эканлигидан хабардор бўлишиб, умуман, ҳеч қандай ҳужжат-пужжат кўрсатиб ўтирмай пул талаб қилишибди,— нима бўпти денг? Дўстларининг берган барча маслаҳатларига, бу одамларга пул берманг, уларнинг пул олишга заррача ҳақ-ҳуқуқлари йўқ, деб айтишларига қарамай, князь ким нима даъво қилган бўлса барини рози қилибди. Эҳтимол, даъвогарларнинг айримлари рости билан ҳам жиндак ҳақ бўлсалар бордир ва балки князь шунинг учун ҳам уларнинг талабларини қондиргандир, яна ким билсин.

Генерал ойим, Белоконская ҳам шунга ўхшаш гапларни ёзибди, «буларнинг бари тентаклик, бориб турган тентаклик; тентакни эпақага келтириб бўлармиди»,—деб қўшимча қилди порози бўлиб, лекин чехрасидан «тентакнинг» қилган ишидан қанчалар хурсанд эканлиги шундоққина кўриниб турарди. Гапнинг охирида генерал хотинининг князга худди ўз ўғлидек қараб унинг тақдирига қайгураётганлигини, шунинг баробарида Аглаяга ҳаддан ташқари меҳрибон бўлиб қолганлигини пайқайди; буни кўргандан сўнг генерал бир неча вақтга қадар ўзини ишчан ва жонкуяр қилиб кўрсатиб юрди.

Лекин ушбу хушвақтлик узоққа чўзилмади. Бор-йўғи икки ҳафтача вақт ўтмаган эди ҳамки, нимагадир яна ҳамма нарса ўзгарди, генерал ойимнинг қовоғи тушиб кетди, генерал эса бир неча маротаба елкасини қисиб-қисиб қўйди-ю, яна дим-дим бўлиб юраверди. Гап шундаки, у икки ҳафтадан кейин қисқа, лекин жуда ноаниқ бир хабарни эшитди, Настасья Филипповна Москвада йўқолиб қолгандан кейин Рогожин уни яна худди шу Москванинг ўзидан топиб олади, кейин Настасья Филипповна яна йўқолади, яна топилади ва ниҳоят Рогожинга тегаман, деб сўз беради. Ушандан икки ҳафта ўтгандан сўнг жаноби олийлари бошқа бир хабарни эшитадилар, унга кўра, Настасья Филипповна учинчи марта, бу сафар нақ худди никоҳ ўқиладиган чоғда қочиб кетибди, унинг изи аллақайси вилоятда йўқолибди, бу орада князь ҳам ўзининг бутун ишларини Салазкинга топшириб Москвадан қаёққадир ғойиб бўлибди, «ўша қиз билан кетганми ё унинг орқасидан кетганми — қоронғи, лекин бу ерда бир гап бўлиши керак»,—деган хулосага келди генерал. Лизавета Прокофьевна ҳам шу вақт ора-

сида аллақандай хунук хабарлар олди. Умуман олганда, князь кетгандан кейин икки ой ўтгач, у ҳақда Петербургда кўтарилган шов-шувлар бутунлай сўнди, Епанчинлар хонадонида эса у ҳақда энди бутунлай оғиз очмас эдилар, совуқчилик қаҳратонга айланганди. Варвара Ардалионовна эса барибир ҳамон қизларнинг олдига кириб-чиқиб турарди.

Мана шу барча хабарлар ва мишмишлар ҳақидаги ҳикоямизга чек қўйишдан олдин яна бир нарсани айтиб ўтайликки, кўкламга келиб Епанчинлар хонадонида бир дунё ўзгаришлар рўй бердики, булар орасида князнинг унутилиши табиий эди, алҳол, князнинг ўзи ҳам бир хабар бермас ёки беришни балки вестамас эди. Қиш ўтаркан, секин-аста ниҳоят ёзда чет элга саёҳатга чиқадиган бўлдилар, яъни Лизавета Прокофьевна қизларни олиб кетадиган бўлди; генерал эса, албатта, бундай бекорчи ўйин-кудгиларга вақтини сарф қилолмас эди. Қизлар чет элга борамиз, деб қаттиқ оёқ тираб туриб олишди, бўлмаса, ота-онамиз бизни эрга беришдан бошқа нарсанинг ташвишини қилмай қўйишди деб ўйлашди улар. Балки ота билан онанинг ўзлари ҳам қувв бўлса чет элда ҳам топилиб қолар, бир ёз чет элга чиққанимиз билан битмаган иш битиб қолармиди, балки яна ким билсин, иш ўнгидан ҳам келиб қолса ажабмас, деган фикрга келган бўлсалар керак. Ўрни келиб қолди, эслатиб ўтайлик, бир хаёлда Афанасий Иванович Тоцкий билан тўнғич қизнинг бошини қовуштириб қўймоқчи ҳам бўлдилар, лекин бу нарса рўёбга чиқмади, Афанасий Ивановичдан бир оғиз розилик аломатини ола билмадилар! Бу нарса ўз-ўзидан, қийлу қолсиз, оилавий курашларсиз содир бўлганди. Епанчинлар хонадонида ҳукм сурган оғир кайфиятлар, кўнгилсизликлар, совуқчиликларга бир чеккаси шу ҳам сабабчи бўлганди албатта, лекин генерал ойим ўшандан кейин «мана энди худога минг қатла шукур қилсам бўлади», деб қўйган эди. Генерал эътибордан тунган, лекин айб ўзида эканлигини сезар, шундай бўлса ҳам анчагача қовоқ-димоқ қилиб юрди; у Афанасий Иванович қўлдан чиққанлигига ачинарди: «шундай устомоң одам ва яна шундай дов-давлат-а!» Кўп ўтмай генерал Афанасий Иванович олий табақадан бўлган француз маркисаси ва подшопарастига ошиқи беқарор бўлиб қолганлигини, тўй бўлишини, Афанасий Ивановични Парижга, ундан сўнг яна аллақадёққа Бретанга олиб кетишларини эшитди. «Ана, энди француз хотиндан кўрадиганини кўради»,— деган қарорга келди генерал.

Опа-сингиллар ҳаммалари саёҳатга тайёрлана бошладилар. Кутилмаганда яна бир воқеа рўй бериб қолди ва ҳамма нарсани яна бутунлай бошқатдан ўзгартириб юборди, саёҳат яна

қолдирилди, генерал билан генерал ойимнинг қувончларинчларига сизмасди. Петербургга Москвадан бир князь қадак ранжида қилди, бу анча танилган, яна анча яхши томонда танилган князь Ш. эди. Бу кейинги вақтларда кўринаётган ҳалол, камтарин, фойдали иш бўлсин дейдиган ва чин юракда онгли суратда шунга интиладиган, қўли ишдан бўшамайди ва донмо ўзларига яраша бир иш топиб олишдек ноёб ва саодатли бир сифатга эга бўлган одамлардан ёки яна ҳам тўғрироғи, арбоблардан эди. Князь ўзини намойишкорона илгарига сурмасдан, партияларнинг маддоҳбозликлари ва жангариликларига берилмасдан, ўзини биринчилардан деб санамасдан кейинги вақтларда рўй бераётган парсаларнинг кўпини тeraan англаб етганди. У аввал хизмат қилиб юрди, сўнг вилоят ишларида қатнашди. Бундан ташқари бир қанча рус илмий жамиятларининг ишларида ҳам иштирок этарди. Хусусан, у бир техник билан биргаликда маълумотлар йиғиб, махсус қидиришлар ўтказиб, янги қуриладиган муҳим темир йўллардан бирига ўзгартишлар киритган, йўлнинг тўғри тушишига кўмаклашганди. Унинг ёши ўттиз бешларга чиқиб қолганди. Генералнинг сўзига қараганда, у «энг олий табақадан» бўлиб, «яхшигина, жиддий, шубҳадан холи» сармоёга эга эди; генерал жиддий бир ни юзасидан князь билан ўз бошлиғи бўлмиш графининг уйида танишиб қолган эди. Князь бир чеккаси қизиқсиниб қараганидан бўлса керак, русларнинг ичидан чиқаётган «уддабурун одамлар» билан танишмоқликдан ҳеч қачон ўзини олиб қочмасди. Князь генералнинг хонадони билан танишди. Опа сингилларининг ўртанчаси бўлмиш Аделаида Ивановна князини ошуфта қилиб қўйди. Кўклам чиқиб князь кўнгили изҳор қилди. У Аделаидага жуда ҳам ёқди, Лизавета Прокофьевна ҳам уни маъқул кўрди. Генерал хурсанд эди. Боқий сафар қолдирилади. Баҳор чоғи тўй қиладиган бўлдилар.

Воқеан, сафар ёзининг ўрталарига ва ёхуд ёз охирига ўтмиш, Лизавета Прокофьевна қолган икки қизини ёнига олиб, Аделаиданинг уларни ташлаб кетиши муносабати билан туғилган маънос ҳиссиётларни тарқатиш ва андак бўлса ҳам кўнгили ёзини учун бир-икки ой айланиб келишса ҳам албатта мумкин эди. Лекин шу орада яна бир янглик бўлиб қолди: баҳорнинг охирида (Аделаиданинг тўйи бир оз товсалланиб қолиб, ёз ўрталарига кўчирилганди) князь Ш. Епанчинлар хонадонини ўзининг узоқроқ бир қариндоши билан таништирди, воқеан, ўзи ҳам уни анча яқиндан биларди. Бу Евгений Павлович Р. деган ҳали анча ёш, йигирма саккизларга борган, қадди-қомати жуда келишган, «олий табақадан» бўлган флигель-адъютант, зеҳни ўткир, «тоза», «беҳад илмли», қақмоқдек ва—алла-

қандай битмас-туганмас бойликка эга бўлган кимса эди. Шу кейинги фазилатга келганда генерал доим эҳтиёткор эди. У секин суриштириб билди: «ҳақиқатан ҳам, нимасидир борга ўхшайди—лекин ҳар ҳолда яна бир текшириб кўрилса ортиқча бўлмайди». Ушбу навқирон, «келажаги порлоқ» флигель-адъютантнинг баҳоси Белокопскаянинг Москвадан туриб билдирган фикри муносабати билан ҳаддан зиёд юқорилаб кетди. Лекин унинг битта пича нозикроқ жойи бор эди: айтишларича, аллақандай ғалати роқ алоқалари ва аллақандай бечора қизлар устидан қозонган «ғалабалари» ҳам йўқ эмас экан. Аглаяни кўргандан кейин у кунда-шунда бўлиб қолди. Рост, бир оғиз ҳам сўз ҳали айтилмаган, бир оғиз ҳам шама қилинмаганди; шунга қарамасдан ота-она ҳозир сафар ҳақида бош қотиришнинг фурсати эмас, деган қарорга келишди. Аглаянинг ўзи эса эҳтимол бутунлай бошқача фикрда эди.

Буларнинг ҳаммаси қаҳрамонимизнинг иккинчи маротаба бизнинг ҳикоямиз ичида пайдо бўлишидан пича олдинроқ рўй берган эди. Бизнинг фикримизча, бу пайтларга келиб шўрлик князь Мишкинин Петербургда бутунлай эсдан чиқариб улгурган эдилар. Агарда у ҳозир бу ерда ўзини таниган одамлар қошига кириб келганда эди, худди осмондан тушгандек бўларди. Воқеан, биз шуларга қарамасдан, яна бир нарсани айтиб ўтамизу, шу билан дебочамизни охирига етказамиз.

Князь жўнаб кетгандан кейин Коля Иволгин илгари қандай яшаб юрган бўлса, шундай юрди, яъни гимназияга қатнади, ўртоғи Ипполитнинг олдига борди, генералга қаради, Варянинг уй юмушларига қарашиб, унга дастёрлик қилди. Лекин ижарада турганлар аллақачон бир зумда ғойиб бўлдилар; Настасья Филипповнаикида бўлган зиёфатдан кейин уч кун ўтгач, Фердинченко қаергадир кўчиб чиқиб кетди ва тез орада бутунлай кўринмай қолди, умуман овози чиқмай кетди; қаерлардандир ичиб юрибди дейишар, лекин аниқ билишмасди. Князь Москвага жўнади; ижарадорлар шу билан барҳам еди. Кейинчалик Варя турмуш қургандан сўнг Нина Александровна билан Ганя Птициникига, Измайлов полкига кўчиб ўтдилар. Генерал Иволгинга келганда, худди мана шу пайтларга келиб унинг бошига кутилмаганда қизиқ бир ташвиш тушди: уни қарздорлар ўтирадиган турмага қамаб қўйишди. Уни ўзининг жазмани—капитаннинг беваси қаматган эди. Генерал мендан икки минг сўм қарз деб турли пайтларда битилган ҳужжатларни рўкач қилганди. Бу генерал учун ҳеч кутилмаган ҳангома бўлди: «Мен умуман айтганда инсон қалбининг эзгулигига битмас-туганмас ишончимнинг қурбони бўлдим», деб юрди шўрлик. У шима бўларди деб турли тилхатларга, тўлов қоғозларига ба-

майлихотир қўл қўйиб юбораверган, бу шунчаки бир омади гап-да, деб ўйлаган экан. Охири чатоғи чиқибди. «Ана шундан кейин тағин одамларга ишон, олижаноблик қилиб уларга ишонч кўрсат!»— деб надомат қиларди у қайғуриб ва орада янги ойналари билан биргаликда Тарасовнинг уйда вино ичишиб ўтирар, уларга Каренинг қамал қилиниши ва аскар боланинг тирилганлиги ҳақидаги латифаларини сўзлаб берарди. Бу ерда унинг егани олдида, емагани кетида эди. У киши энди ўзига мос жойни толиб олди, деб қўйишарди Варя билан Птицини. Ганя ҳам бу фикрга қўшиларди. Фақат Нина Александровнага пана-панада секин кўз ёши қилиб олар (уйдагилар бунга ажабланишарди) ва касалмандлигига қарамасдан иложи борича тез-тез эрини кўргани Измайлов полкига судралиб бориб келарди.

Лекин Колянинг ўз тили билан айтганда, «генералнинг иши»дан кейин ва умуман, опасининг эрга текканидан бошлаб Коля бутунлай бевош бўлиб кетди, ҳатто кейинги кунларда уйга ҳам ётгани камдан-кам келарди. Айтишларича, у жуда кўп янги таниш-билишлар орттирганди. Бундан ташқари қарздорлар ўтирадиган қамокда ҳам ҳаммага отнинг қашқасидай таниши бўлиб қолганди. Нина Александровна бу ерда Колясиз иш битиролмасди; уйда эса унинг бор-йўқлиги билан ҳам ҳатто ишлари йўқ эди. Илгарилар уни қаттиқ тежаб-тергаб турадиган Варя энди нима қилса ҳам нидамас, қасрларда юрибсан, нималар қилисан, деб сўраб-суринтирмасди. Ганя бўлса нидамас ва одамови бўлиб қолганига қарамасдан Коля билан гапланиб турар, баъзан ҳатто унинг тилини топар, уйдагилар бундан ажабланишарди. Илгарилар у ҳеч қачон бундай қилмасди, у найтларда йигирма етти яшар Ганя ўзининг ўн бешга кирган укасига заррача эътибор бермас, унга дағал муомала қилар, уйдагиларнинг ҳаммасидан Коляга қаттиқ муомалада бўлишни талаб қилар ва қачон қараманг, ҳали сен боланинг бир қулоғингдан чўзиб қўймасамми, деб дўқ қилгани қилган эди, худди мана шу нарса Коляни «инсон сабр-тоқатининг сўнгги чегараларидан чиқариб» юборарди. Энди эса вақт-бевақт Ганя Колясиз туролмайдиган бўлиб қолганди. Ганянинг пулни қайтариб бергани ўшанда Коляга қаттиқ таъсир қилганди, шу иши учун унга кўп нарсаларни кечириб юборишга Коля тайёр эди.

Князининг кетганига уч ойча бўлди, Иволгинлар хонадонидан Колянинг Епанчинларникига бориб юргани маълум бўлди, қизлар уни жуда яхши қабул қилишибди. Варя тезда бундан хабар топди. Воқеан, Коля қизлар билан Варя воситасида эмас, «ўзи мустақил равишда» танишиб олганди. Епанчинлар хонадонидан Коляни бора-бора яхши кўриб қолишди. Генерал оғим

бошида ундан жуда норози бўлиб юрди, лекин кўп ўтмай уни «тилёғламалик қилмайдиган оқкўнгил бола», деб мақтайдиган бўлди. Колянинг тилёғламалик қилмаслиги рост эди; уларнинг қошларида у ўзини мустақил ва эмин-эркин тута биларди, у баъзан генерал оймга китоб ва газеталар ўқиб берарди, лекин табнатида хизматбарорлик йўқ эмасди. Икки маротаба бўлса керак, у Лизавета Прокофьевна билан қаттиқ уришиб қолиб, уни мустабил, деб аталди ва бундан кейин уйингизга қадам босмайман, деди. Биринчи сафар жанжал «хотинлар масаласи»дан чиқди, иккинчи гал эса саъваларни қайси ойда овласа тузук бўлади, деган гап устида чиқди. Бағоят таажжубланарли бўлиб кўриниши мумкин, лекин генерал ойм жанжалнинг учинчи кунг деганда малайдан унга хат ёзиб жўнатди ва дарҳол етиб келишни тайинлади. Коля ялинтириб ўтирмасдан дарров етиб келди. Ёлғиз Аглаягина негадир уни хуш кўрмас, менсимай кибр билан гаплашарди. Лекин худди Коля уни бир кун ажаблантириб қўйди. Байрам кушларидан бирнда Коля Аглаяни ёлғиз топиб унинг қўлига хат тутқазди ва фақат сизнинг қўлингизга бериш тоширилган, деди. Аглая «ўзбилармон болакай»га ўқрайиб қаради, лекин Коля кутиб ўтирмай чиқди-кетди. Аглая хатни очиб ўқиди:

«Бир пайтлар сиз менга ишонч билдирган эдингиз. Балки сиз энди мени бутунлай унутиб юборгандирсиз. Ўзим ҳам билмайман, қандай қилиб сизга хат ёзаяман? Лекин сизга, ёлғиз сизнинг ўзингизга негадир ёзгим келди. Учовларингиз менга неча-неча марта жуда ҳам керак бўлдингизлар, лекин уч опа-сингил ичида фақат сиз сира кўз ўнгимдан кетмасдингиз. Сиз менга кераксиз, жуда кераксиз. Ўзим ҳақимда ёзадиган гапнинг ўзи йўқ, нимани ҳам ёзардим. Ўзим ҳам буни истамайман; сизнинг бахтли бўлишингизни жон-дилимдан истамайман. Сиз бахтлимсиз? Сизга худди мана шунг айтмоқчийдим.

Акангиз кн. *Л. Мишкин*».

Ушбу қисқагина ва бир қадар паришон хатни ўқигач, Аглая бирдан дув қизариб кетди ва ўйлашиб қолди. Унинг фикрларини бир чеккадан баён қилиб бериш бизга анча мушкул. Воқеан, у ўзидан сўради: «Бировга кўрсатсаммикни?» Нима учундир уялди. Сўнг мазах қилгандай ғалати кулимсираганча хатни ўз столининг ғаладонига ташлади. Эртасига уни яна олиб кўрди ва сўнг жуда ҳам қалин ва муқоваси мустаҳкам бир китобнинг ичига солиб қўйди (керак бўлган пайтда дарров топиш учун у ўзининг ҳамма қоғозларини китобларнинг орасига қистириб

юрарди). Шундан сўнг фақат бир ҳафтадан кейин яна ўша китобга кўзи тушди. Бу «Ламанчлик Дон-Кихот» эди. Аглая хандон ташлаб кулиб юборди — нега, номаълум.

Шунингдек, у ўз хатини опаларидан биронтасига кўрсатдимиди-йўқми, бу ҳам маълум эмас.

Лекин у хатни биринчи марта ўқиётган пайтида бир нарса кутилмаганда хаёлига келиб қолди: наҳотки мана шу ўзига бино қўйган, бурни танқайган болани князь ўзига хат ташувчи қилиб олган бўлса, бошқа одам қуриб кетган эканми, бунинг устига у князнинг бирдан-бир алоқачиси бўлса ҳам эҳтимол. У жуда ҳам менсиммаган бир қиёфада барибир Коляни сўроққа тутди. Лекин «зардаси тез» бола бу сафар одатига қарши ўлароқ, уни менсимай муомала қилаётганларига заррача ҳам эътибор бериб ўтирмади: Аглаяга қуруқчина қилиб, мен князга кетмасидан олдин бу ернинг адресини берган эдим, ҳар қалай, керак бўлиб қолсам қидириб топар дегандим, лекин князь Петербургдан жўнаб кетгандан бери биринчи марта менга хат ёзиши, деб нионтирди ва сўзларининг далолати учун шахсан ўз номига ёзилган хатни ҳам кўрсатди. Аглая ийманиб ўтирмай олиб ўқиди. Коляга шундай деб ёзилганди:

«Азизим Коля, сизга хизмат бўлмаса мана шу муҳрланган хатни Аглая Ивановнага бериб қўйсангиз. Саломат бўлинг.

Сизни севиб, кн. Л. Мишкин».

Барибир бундай нуфакчага ниқониб хат юборишнинг ўзи куяглик, лекин хафа бўлгандай Аглая ва Коляга хатни қайтариб бериб бурнини жийирганча ўз йўлига кетди.

Худди мана шу нарса Колянинг жон-жонидан ўтиб кетди: у бўлса шу воқеа муносабати билан атайин Ганядан унинг янги кўк шарфини сўраб олган ва ҳозир уни ўраб келганди. У қаттиқ ранжиди.

II

Июнинг биринчи кунлари эди, бир ҳафтадан бери Петербургнинг ҳавоси жуда сўлим эди. Епанчинларнинг Павловск деган жойда жуда кўркам боғ уйлари бор эди. Лизавета Прокофьевна бир куни тўсатдан ҳаяжонга тушиб ўрнидан қўзғалиб қолди; икки кун ичида ҳамма нарсани йиғиштиришиб боғ уйларига кўчиб ўтдилар.

Кўчиб ўтганларининг иккинчи ё учинчи куни бўлса керак, Москвадан эрталабки поезд билан князь Лев Николаевич

Мишкин кириб келди. Уни воксалда ҳеч ким кутиб олгани йўқ; лекин вагондан тушиб келаркан, поездда келганларни кутиб олишга чиққанларнинг орасидан князь кимдир ўзига тикилиб, ғалати ўтли бир нигоҳ ташлаганлигини сезгандай бўлди. У диққат билан қаради, лекин бошқа ҳеч нарсани кўрмади. Албатта, унга шундай туюлган бўлса керак. Лекин кўнгли хира бўлди. Бунинг устига князнинг ўзи бусиз ҳам ўйчан ва маъюс эди, нимадандир хаёлга толганди.

Извошчи уни Литейная атрофидаги бир меҳмонхонага бошлаб келди. Хароброқ меҳмонхона экан. Князь мебеллари ишдан чиққан қоронғи икки хонага жойлашди, ювинди, артинди, кийинди, ҳеч нарса сўрамасдан шошилганча чиқиб кетди, у вақтни бой беришдан ёки кимнидир кўролмамай қолишдан кўриб тургандек эди.

Агарда у Петербургда биринчи маротаба келган чоғида кўрган кишилар ҳозир унга қарасалар эди, эҳтимол унинг кўриниши анча яхши бўлиб қолганлигини сезган бўлардилар. Лекин аслида ундай эмасди. Фақат кийим-бошлари бутунлай бошқача бўлиб кетганди; булар Москванинг энг яхши тикувчилари қўлидан чиққан либослар эди; лекин кийимларнинг бир камчилиги бор эди: улар ҳаддан ташқари модабоп қилиб тикилганди (ўз ишини биладиган, лекин у қадар чечан бўлмаган тикувчилар доим мана шундай тикадилар), бунинг устига князнинг модага жуда бепарво эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, князга разм солиб қараган киши ва айниқса, бировнинг устидан кулишга ишқибоз бўлган одам, балки кулишга арзийдиган нарсаларни топган бўларди ҳам. Лекин бу дунёда умуман кулгилли нарсалар кам дейсизми?

Князь извош олиб Пески деган жойга равона бўлди. Рождественский томондаги кўчалардан бирида у тезда ўзи қидирган чоғроқ ёғоч уйини топди. Уйнинг кўркам, озодагина, тартибли гулзорида гуллар очилиб ётганлигини кўриб князь ажабланди. Уйнинг кўчага қараган деразалари ланг очиб қўйилганди, уй ичидан худди биров овозини чиқариб китоб ўқиётгандай ёки нутқ сўзлаётгандай тинимсиз ғўнғиллаган, бақирган, қичқирган товушлар келиб турарди; овоз ора-сира жарангдор кулги саслари билан бўлиниб қоларди. Князь ҳовлига кирди, уйнинг айвончасига кўтарилди ва жаноб Лебедевни сўради.

— Ҳа, ала ўзлари,— деб жавоб қилди енгларини тирсагигача шимариб олган оқсоч кампир қўлини бигиз қилиб «меҳмонхона»ни кўрсатиб.

Тўқ мовий қоғоз билан қопланган, озодагина, баъзи бир жиҳозлар, чунончи, доира стол ва диван, қалпоқли бронза

соат, устига сочиқ ўралган энсизгина кўзгу, шифтига қурч занжирга майда шиша безакли жуда эски кичкина қандил осилган хонанинг ўртасида эшикка орқасини ўгириб ёз қилиб яланг жилет кийиб олган жаноб Лебедев турар ва кўкракларига уриб алланималарнидир аччиқ-аччиқ сўзларди. Унинг нутқини китоб ушлагани, юзидан қувноқлиги ва зийраклиги билиниб турган ўн беш ёшлардаги бола, қўлига эмизикли укасини кўтариб олган, бошдан-оёқ мотам либоси кийган йигирма яшар қиз, оғзини катта очиб хандон ташлаб қотиб-қотиб кулаётган, қора кийинган ўн уч яшар қизча ва ниҳоят, йигирмаларга кириб қолган, диванга узала тушиб ётиб олган, бирмунча чиройли, қорамангиз, сочлари узун ва гоятда қуюқ, катта-катта кўзлари қоп-қора, андак соқол ва андак бакенбард ташлагани жуда ҳам галати бир йигит тинглар эдилар. Бу йигит, афтидан, нутқ ирод қилаётган Лебедевга тез-тез луқма ташлаб у билан гап талашаётган бўлса эҳтимол; бошқалар эса худди унинг гаплари ва луқмаларига жавобан кулишаётган бўлса ажабмас.

— Лукьян Тимофенч, ҳой Лукьян Тимофенч! Оббо, қара! Бу ёққа қара дейман!.. Вой, ичагинг узилмагурлар-ей!

Оқсоч кампир жаҳли чиққанидан қизариб қўлини силтаб нари кетди.

Лебедев орқасига қаради ва князга кўзи тушиб, бир замон худди яшини теккандек қотиб қолди, сўнг лабида ялтоқни табасум билан унга ишвиоз юрди, лекин бир-икки қадам ташлаб яна худди тахта бўлиб қотиб қолди, унинг оғзидан шу сўзлар чиқди:

Ҳазрати олийлари, князь!

Лекин бирдан худди ақли бовар қилмагандек орқасига қайтди ва ўзидан-ўзи ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ қўлида бола кўтариб турган таъзия кийимидаги қизга қараб отилди, қиз нўрлик қўрқиб кетиб ўзини орқага олди, лекин Лебедев шу сўхоти уни қўйиб қўшни хонанинг эшиги тагида ҳамон оғзини қўлидан йиғиштиролмай турган ўн уч яшар қизчага томон юрди. Қизча унинг бақиршига чидолмай дарров ошхонага бориб чиқди. Лебедев пўписаси яна ҳам таъсирли чиқсин учун унинг ортидан оёқларини тапиллатиб ҳам қўйди, бироқ ўнгай-сизланиб қараб турган князнинг кўзи билан тўқнашиб, тушунтирган бўлди:

— Шу... ҳурматлари юзасидан, ҳе-хе-хе!

— Сиз бекорга...— деб оғиз жуфтлади князь.

— Ҳозир, ҳозир, ҳозир... бир зум!

Шундай деб Лебедев дарров хонадан ғойиб бўлди. Князь ҳайрон бўлиб қизга, болага, диванда ётган йигитга қаради:

уларнинг ҳаммалари қиқирлаб кулишарди. Князнинг ўзи ҳам кулиб юборди.

— Фрак кийгани кетди,— деди бола.

— Қизиқ бўлди-ку, бу,— деб оғиз очди князь,— мен ўйлаган эдимки... айтинг-чи, у...

— Маст деб ўйлаяинсизми?— деб қичқирди диванда ётган йигит.— Гирт эмас! Атиги уч-тўрт қадаҳ ташлагандир, бешта бўлса ҳам ажабмас, лекин ҳеч нарса қилмайди — унинг одати ўзи шунақа.

Князь диванда ётиб гапирётган йигитга мурожаат қилмоқчи бўлиб турган эди, лекин бирдан кўҳликкина бояги қиз очиқ чеҳра билан деди:

— У ҳеч қачон эрталабдан ичиб олмайди; агар унда биронта юмушингиз бўлса, ҳозир жуда вақти, бемалол гаплашсангиз бўлади. Фақат кечга бориб кўчадан қайтиб келганда боши айланиб қолади; ҳозир кечалари билан йиғлаб чиқади, овозини чиқариб ишқинни тиловат қилгани қилган, нега десангиз, беш ҳафта бўлди, онам ўлди.

— Сизга нима деб жавоб беришни билмай қолганидан қочиб кетди,— деб кулли диванда ётган йигит.— Гаров ўйнайман, у ҳозир сизни лақиллатмоқда ва ҳозир қандай лақиллатсам экан, деб бош қотирмоқда.

— Атиги беш ҳафта бўлди! Атиги беш ҳафта!— деб илиб кетди устига фрак кийиб қайтиб чиққан Лебедев кўзларини пирпиратиб, у киссасидан кўзини артиш учун рўмолча олди.— Етимчалармиз!

— Нега йиртиқ кийимингизни кийдингиз?— деди қиз.— Ахир шундай эшикнинг орқасида янгигина сюртугингиз турган эди-ку, нега кийиб олмадингиз, кўрмадингизми?

— Жим бўл, ишчани!— деб қичқирди унга Лебедев.— Ҳап, сени!— У қизига оёқларини таппиллатди. Лекин бу гал қизи кулиб юборди.

— Нега мени қўрқитасиз, ахир мен Таня эмасман-ку, қочиб кетадиган. Лекин мапа Любочкани уйғотиб юборишингиз мумкин, ана унда ёпишиб олишини кўрасиз... нега бақираверасиз ўзи!

— Бўлди, бўлди! Миқ, миқ...— жуда қўрқиб кетди бирдан Лебедев ва қизининг кўлида ухлаб ётган чақалоқнинг қошига бориб уни бир неча маротаба қўрқа-писа чўқинтириб қўйди.— Худоё худовандо ўзинг сақла уни, худоё худовандо ўз панонингга асрагайсан! Бу менинг чақалоғим, Любовь деган қизчам,— деди у князга қараб,— у дунё ҳижратини қилган қонуний иншоҳдаги хотиним Еленадан туғилган фарзанд, у туғиб

ўлди. Манави кўғирчоқ менинг қизим Вера, онасига мотам тутиб юрибди... А, манази, манази, манази...

— Нега тутилиб қолдинг?— деб қичқирди йигит.— Тортинма, давом этавер.

— Олий ҳазратлари!— аллақандай жўшқинлик билан хитоб қилди бирдан Лебедев,— сиз газеталардан Жемаринлар хонадонининг ўлдирилиши ҳақидаги хабарларни ўқиган эдингизми?

— Ўқиганман,— деди князь ҳайрон бўлиб.

— Ўқиган бўлсангиз, Жемаринлар хонадонининг чинакам қотили мана шу бўлади!

— Нима деяпсиз ўзи?— деди князь.

— Яъники, мен демоқчиманки, мажозан яна бир Жемаринлар хонадони бўлса, ўша хонадонининг қотили мана шу бўлади. Шунга тайёргарлик кўрапти...

Ҳамма кулиб юборди. Лебедев бир иш билан келганлигини сезиб, нима деб жавоб беришини билмасдан ўзини мана шундай тентакликка солиб қийшанглаяпти, деган фикр келди князининг хаёлига.

— Исён қиляпти! Фитналар уюштиряпти!— деб қичқирарди Лебедев худди ўзини тутолмаётган кишидек.— Қандай қилиб мен шундай гийбатчи, шундай, нима десамки, бузуқи ва одамга азоб беришни яхши кўрадиган кимсани, марҳум сипғлим Анисьянинг якка-ёлғиз ўғлини ўз жияним деб ҳисоблай, шундай дейишга ҳақим бормикми?

— Э, бўлди, бас қил, маст бўлиб қолибсан! Ишонасизми, князь, у ҳозир адвокатлик қилмоқчи бўлиб юрибди, суд ишлари билан шуғулланмоқчи. Нутқ ирод қилишни машқ қиляпти, уйда болалар билан худди судда бировни ҳимоя қилаётгандек оҳанжамали қилиб гапирадиган қилиқ чиқарди. Беш кун аввал судда сўзлаган экан. Қимми ҳимоя қилибди денг: аблаҳ судхўр бир кампирни алдаб унинг бор давлатини, беш юз сўм пулини тортиб олиб қўйибди, лекин бу киши ўша кампир нўрликни ҳимоя қилгани йўқ, бўлмаса бечора қанча ялинди, ёлворди; бу кишим эса ўша Зайдлер деган аллақандай бемаъни бир жуҳудни ёқлаб юрибди, у эллик сўм бераман деб шама қилган экан...

— Агар ютиб чиқсам, эллик сўм, агар ютқизсам, беш сўм,— деб тушунтирди Лебедев овозини боягидан бутунлай бошқача қилиб ўзгартириб, у энди умрида сира қичқирмаган одамга ўхшарди.

— Лақмалигини қаранг, эски пайтлар бўлганда бошқа гап эди, у ердагилар тоза кулишибди ундан. Лекин у ўзидан жуда хурсанд бўлиб кетибди; шунини унутмангизларки, одил ва ҳалол

ҳакамлар, дебди у, бир оёғи йўқ, ҳалол меҳнат билан кун кўрадиган шўрлик бир чол сўнгги бир парча нонидан маҳрум бўляпти; қонуншуноснинг ушбу доно сўзларини унутмангизлар: «Судларда раҳмдиллик ҳукмрон бўлсин». Ишонасизми, у ҳар кун и эрталаб бизга судда айтган шу гапларини қайтаргани қайтарган. Бугун мана бешинчи маротаба эшитяпмиз; сиз кириб келганнингизда у бешинчи маротаба ўқиётган эди, ўзига жуда ёқиб қолган. Узини-ўзи ялаворгиси келади. Яна аллакимнидир ҳимоя қилмоқчи. Сиз князь Мишкин эмасми сиз? Коля дунёда сиздан кўра ақллироқ одамни учратмаганман, деб менга айтиб берган эди...

— Дарҳақиқат йўқ! Йўқ! Йўқ! Ақллироқ одам дунёда йўқ!— деб дарҳол илиб кетди Лебедев.

— Э, бунинг гапи ёлгон. Бир одам сизни яхши кўради, иккинчи одам сизга лаганбардорлик қилади; мен сизга хушомад қилмоқчи эмасман, шунинг яхши билиб қўйинг. Сиз бамаъни одам бўлсангиз керак: манави билан меннинг орамни очди қилиб қўйинг. Э, қани, истайсизми, мана князь ҳал қилсин ким ҳақлигини!— деб айтди у тоғасига.— Мен ҳатто сизнинг келиб қолганлигингиздан жуда хурсандман, князь.

— Истайман!— деб шитоб билан қичқирди Лебедев бениҳтиёр яна секин тўпланишиб келаётган томошабинларга қараб қўйиб.

— Нима гап экан ўзи?— деди князь чеҳраси буришиб.

Ростдан ҳам унинг боши оғримоқда эди, бунинг устига, Лебедевининг лақиллатмоқчи бўлаётганлигига борган сарни ишончи қонил бўлмоқда эди. Лебедев ишни орқага сураётганидан хурсанд эди.

— Ишнинг баёни. Мен унинг қондош қариндоши бўламан, ўзи гирт ёлгончи бўлса ҳам, бунга келганда рост айтди. Мен курсларин битирмаганман, лекин битиришни истайман, чунки меннинг ўз феълим бор. Ҳозирча тирикчиликни ўтказиб туриш учун бир ерга, тўғрироғи, темир йўлга ишга кирмоқчиман. Йигирма беш сўм тўлашади. Тан олишни керак, у бундан илгари ҳам уч-тўрт бор менга ёрдам берди. Йигирма сўм пулим бор эди, уни ютқазиб қўйдим. Ишонасизми, князь, шунчалар пасткашлик, аблаҳлик қилдим, йигирма сўмни ютқазиб қўйдим!

— Бир ифлосга, ифлосга тагин, бериш керак эмасди унга!— деб қичқирди Лебедев.

— Ҳа, ифлос, лекин унга бериш керак эди, — деб давом этди йигит. — Унинг ифлос одам эканлигига келганда, буни мен ўзим ҳам тасдиқлайман, сени калтаклаганини-ку айтиб ўтирмаган ҳам бўлади. Бу, князь, бир чиқиндига чиқарилган

офицер, истеъфодаги поручик, Рогожиннинг илгариги ҳамто-воқларидан, боксдан дарс ҳам беради. Рогожин уларни ҳайдаб юборгандан кейин ҳаммалари тўзғиб дайдиб юришибди. Лекин ҳаммадан ёмон жойи шундаки, мен унинг аблаҳ, ўғри, муттаҳам эканлигини кўра-била туриб яна ўйинга ўтирдим, сўнги бир сўмни (биз таёқ ўйнагандик) ўртага қўярканман, шундай деб ўйладим: ютқизсам, Лукьян тоғамнинг олдига бораман, таъзим қиламан — қуруқ қайтармас. Бу пасткашлик, мана буни пасткашлик дейдилар! Билиб туриб қилинган қабиҳлик!

— Бу билиб туриб қилинган қабиҳлик!— деб қайтарди Лебедев.

— Хурсанд бўлишга шошилма, ҳали эрта,— хафа бўлиб қичқирди тоғавачча. — Хурсанд бўлишини қаранг. Мен унинг қошига келиб, князь, бор гапин бўйинмини қисиб туриб ўртага солдим; мен олижапоблик қилдим, ўзимни заррача аяганим йўқ; унинг олдига ўзимни қора ер қилиб ташладим, мана, ҳамма гувоҳ. Темир йўлдаги ўша ишга кириш учун мен бир қадар кийиниб олишим керак, кийимларим жуда одош бўлиб ишдан чиққан. Мана, этигимга қаранг! Бўлмаса ишга бориб бўлмайди, айтилган вақтда бормасам, менинг ўрнимни бошқа одамга бериб юборадилар. Унда мен яна икки қўлимни бурнимга тиқиб қолавераман, кейин яна қачон бир жойни топаман. Энди мен ундан ўн беш сўм пул бериб туришни сўраяпман, бошқа ҳеч қачон сўрамайман, деб сўз беряпман, бунинг устига биринчи уч ой мобайнида олган қарзимни сўнги тийинигача тўлайман деяпман. Мен сўзимда тураман. Мен ойларча бир бурда нон билан қуруқ квас ичиб кун кечироламан, чушки менинг ўз феълим бор. Уч ой мобайнида мен етмиш беш сўм оламан. Олдин олганларим билан мен ундан жами ўттиз беш сўм қарз бўламан, демак, қарзни тўлашга лойиқ пул топаман. Э, майли, яна устига хоҳлаганча процент ҳам қўя қолсин, жин урсин! Нима, мени биринчи марта кўряптими? Узингиз сўраб кўринг, князь: менга илгари ёрдам берган пайтларида тўлаганманми, йўқми? Нега бўлмаса энди бергиси келмайди? Поручикка ютқизганим учун жаҳли чиқиб юрибди; бошқа сабаби йўқ! Ана шундай бу одам — на ўзига қилади, на ўзгага!

— Кетмайди! — деб қичқириб юборди Лебедев, — ётиб олганини қаранг кетмасдан.

— Сенга боя айтдим. Бермагунингча кетмайман. Сиз нимагадир кулдингизми, князь? Ё, мен ноҳақманми?

— Мен кулаётганим йўқ, лекин менимча, сиз бирмунча ҳақ бўлмасангиз керак,— истамайгина деди князь.

— Э, тўғрисини айтиб қўя қолмайсизми, ноҳақсан деб, нега оҳанжама қиласиз; «бирмунча»нгнизи қаранг сизни!

— Ундай бўлса, бутунлай ноҳақсиз.

— Ундай бўлса! Кулгили! Э, нахотки сиз ўзингиз билмасангиз, мен биламан, пул уники, ихтиёр уники, шундай бўлгач, албатта пича ўнғайсизроқ ҳам, худди мен уни зўрлаётгандай бўлиб чиқаман. Аммо сиз, князь... ҳаётни билмайсиз. Уларни ўқитмасангиз, фойдаси йўқ. Уларни ўқитиш керак. Ахир менинг виждоним тоза. Виждонни ўртага қўйиб айтадиган бўлсам, мен унинг ҳақини еб кетмайман, аксинча, устига қўшиб қайтараман. У маънавий қониқиш ҳам олади: мен унга ялиняпман бошимни ҳам қилиб. Яна унга нима керак? У нимага ярайдн ўзи агарда фойда келтирмаса? Ўзингиз бир қаранг, у нима иш қиляпти? Одамларни нима кўйга солаётганлигини, уларни қандай лақиллатаётганлигини бир сўранг ундан? Бу уйни қандай қилиб орттирган? Э, мана калламни шарт кесиб олинг, агарда у сизни шу топда лақиллатмаётган бўлса, у сизни энди қандай қилиб алдашни обдан чамалаб оляпти! Куляпсиз-а, ишонмаяпсиз-а?

— Менимча, буларнинг бари сизга мутлақо дахлдор эмас,— деб қўйди князь.

— Мен уч кундан бери шу ерда ётибман, бу кўзларим нималарни кўрмади!— деб қичқирарди йигит тингламасдан.— Тасаввур қилинг, у манави фарштали, ўзининг қизини, тирик етимчани, менинг қариндошимни қийнайди, унга ишонмайди, ҳар кунни кечаси бу ердан ёш йигитларни қидиради! Менинг тепамга секин юриб келади, диванларнинг тагига қарайди. Гумончилисидан ақлдан озаёзди; кўзига нуқул ўғрилар кўринади. Кечаси билан ўрнидан дик-дик туриб дам деразаларга қарайди яхши беркитилганми деб, дам эшикларни тортиб кўради, печканинг устини текширади, кечаси билан камида етти маротаба шундай қилади. Ўзи судда муттаҳамларни ёқлаб нутқ айтади, уйда бўлса кечаси камида уч марта ибодат қилгани туради, мана шу ерда залда тиз чўкиб дуо ўқийди, ярим соатлаб пешонасини ерга уради, яна бадмаст ҳолда ким-кимларга дуо ўқимайди денг, нима-нималарни айтмайди денг? Графния Дюбарни худо раҳмат қилсин, деб дуо ўқиди, ўз қулоғим билан эшитдим; Коля ҳам эшитди: бутунлай ақлдан озган!

— Кўряпсизми, эшитяпсизми, князь, мени қандай шарманда қилаётганини!— деб қичқирди ўзини йўқотиб қип-қизариб кетган Лебедев.— Лекин билмайдикки, балки мана шу судралиб юрган ичкиликбоз, қароқчи ва муттаҳам қачон қараманг манави куйдирган каллани ҳали ингалаб ётган пайтларидаёқ ўраб-чирмаб, таглигини ювиб, ўзини тосга солиб чўмилтириб катта қилганман, ўзимга ўхшаган гадо синглимнинг тепасида туналари мижжа қоқмай боқиб чиққанман, касал ётган она-болага жонимни тикиб қараганман, пастдан, қоровулнинг ўтинини ўғирлаб чиқ-

қанман, алла айтиб берганман, бармоқларимни шакёрлатганман, оч қорним билан буни шундай оёққа бостирганман, қаранг, энди устимдан кулиб ўтирибди! Умуман, хўш, сенинг нима ишинг бор ўзи менинг графиня Дюбаррини эслаб дуо ўқиганим билан? Князь, бугун тўрт кун бўлади, умримда биринчи мартаба унинг ҳаёти ҳақида луғатдан ўқиб қолдим. Қани айт-чи, ўзинг биласанми Дюбарри ким бўлганлигини? Гапир, биласанми, йўқми?

— Ана холос, фақат сен биларкансан-да?— деди масхара қилгандай бўлиб йигит норози ҳолда.

— Бу графиня шармандаликдан халос бўлиб, қироличанинг ўрнига давлатни идора қилган, унга буюк бир императрица ўз қўли билан мактуб ёзиб, «*ma cousine*» деб атаган. Папа нунцийси бўлмиш кардиналнинг ўзи унга леве-дю-руа (леве-дю-руа нима, биласанми?) пайтида унинг яланғоч оёқларига ўз қўли билан ипак пайпоқ кийдирган ва буни ўзига шараф деб билган, — шундай олий мақом, муборак одам-а! Сен шуни биласанми? Юзингдан кўриб турибман, билмайсан! Қани, у қандай қилиб ўлган? Жавоб бер агар билсанг!

— Йўқол-е! Жонимга тегиб кетдинг.

— Қандай ўлганини, бўлмаса, мендан эшит, ана шундай шону шавкатларга мушарраф бўлмиш ҳокими мутлақ маликани Самсон деган жаллод жодига судраб борди, паришлик ойимчалар маза қилиб томоша қилди, у бечора бўлса қўрқиб кетганидан нима бўлаётганлигини англамайди. Бир маҳал қараса, жаллод унинг бошини тиг тагига эгиб олиб боряпти, яна орқасидан тиззаси билан туртиб турибди,— пастда турганлар эса куладилар бунга,— шунда бечора қичқира бошлайди: «*Episcopi in torment, monsieur le bourgeois, episcopi in torment!*» Бунинг маъноси: «Яна бир зум тўхтанг, жаноб буро, яна бир зум!» Худованди карим мана шу дақиқа учун балки унинг гуноҳларини кечирар, чунки одам юрагининг бундан ортиқ ожиз бўлишини асло тасаввур қилиб бўлмайди. Сен биласанми ожиз дегани нима дегани? Ожиз дегани ўша ожиз дегани, билдингми? Графинянинг бир дақиқа сўраб чинқирганлиги ҳақида ўқиган чоғимда худди биров юрагимни омбур билан суғуриб олаётгандай бўлди. Мен кечаси ётиш олдидан ибодат қилиб ўша гуноҳи азимга ботган аёл шўрликни эслаган бўлсам, бу билан сен қўнғизнинг нима ишинг бор? Ер ўз ўрнида бино бўлгандан бери эҳтимол ҳеч ким ўша бечорани эслаб бир оғиз дуоини фотиҳа қилмаган бўлса керак, бу ҳатто бировнинг эсига ҳам келмагандир, шунинг учун уни эсладим, дуо қилдим. Шояд париги дунёда шўрликнинг руҳи шод бўлар ер юзида мени ҳам эслайдиган одам бор экан деб, зотан, мен ҳам худди у каби гуноҳқорман бу дунёда.

Сен нега куляпсан? Ишонмайсан-да, а, даҳрий. Сен нимани биласан ўзи? Эшитган бўлсанг ҳам чала эшитгансан, мен фақат графиня Дюбаррининг ўзинигина эслаганим йўқ, мен бундай деб дуо ўқидим: «Худоё худовандо, гуноҳи азимга ботган графиня Дюбарри билан унга ўхшамиларнинг руҳларини раҳматга ёр қилган бўлгайсан», бу бутушлай бошқа гап; зотан, бундай гуноҳи азимга ботганлар бир эмас, кўплаб топилади, улар қисматнинг қўлида ўйинчоқдирлар, улар неларни кўрмадилар, бошларидан кечирмадилар, ана энди у ерда тўлғаниб ётибдирлар, инграб нола чекадирлар, нигорон бўладирлар; мен бўлсам, ўшанда сен учун, сенга ўхшаганлар учун, дилозор ва бетамизлар учун ибодат қилдим, ҳамон мен қандай ибодат қилишимни пойлаб ётаркансан, унда...

— Хўп, бўлди, бас, кимга десанг шунга ибодат қил, менга нима, қулоқни қоматга келтирдинг-ку бақириб! — гаши келиб унинг гапини бўлди жияни.— Тогажонимиз нон ўрнига ҳам китоб еган, сиз билмасмидингиз, князь?— деб қўшимча қилди у қандайдир галати илжаяркан.— Ҳозир пуқул шунга ўхшаган китоблар билан ёдномаларни ўқигани ўқиган.

— Сизнинг тогангиз ҳар ҳолда... бераҳм одам эмас,— деб истамайгина жавоб берди князь. Унга бу йигитча жуда ҳам ёқмай қолган эди.

— Бундай қарасам, сиз тогажонимизни жуда мақтаб талтайтириб юборадиганга ўхшайсиз! Кўрдингизми, қўлини кўксига қўйиб, оғзини дуога жуфтлаётибди, дарров ийиб кетади. Бераҳм эмас, рост, лекин нима десаикин, жуда айёр, ана шуниси чатоқ; бунинг устига ичади, шунинг учун бир неча йилдан бери ичаётган ҳамма одамлар каби таноби жуда бўшашиб кетган, шунинг учун тинмай гижирлагани гижирлаган. Айтайлик, у болаларни яхши кўради, марҳум сингисини жуда ҳурмат қиларди... Мени ҳам ҳатто яхши кўради ва худо ҳаққи, васият-номасида менга ҳам бир нарсга атаган...

— Ҳ-ҳеч нарсга атамаганим бўлсин!— дарғазаб бўлиб қичқирди Лебедев.

— Менга қаранг, Лебедев,— деди қатъият билан князь йигитчадан юзини ўгираркан,— мен ўз тажрибамдан биламан, сиз агар истасангиз жуда уддабурон одам бўлоласиз... Менинг вақтим зиқ ва агарда сиз... Маъзур тутинг, исмингизни фаро-муш этибман...

— Ти-Ти-Тимофей.

— Яна?

— Лукьянович.

Хонада йиғилганлар яна кулиб юборишди.

— Алдади!— деб қичқирди жияни,— яна алдади! Князь, уни

асло Тимофей Лукьянович деб эмас, Лукьян Тимофеич деб аташади! Қани, ўзинг айт, нега алладинг? Сенга барибир эмасми, Лукьянмисан, Тимофеймисан, бунинг князга нима аҳамияти бор? Менга ишонинг, оғзи ёлғонга ўрганиб кетган, шунинг учун ҳам ёлғон гапирмаса туropolмайди!

— Наҳот шу тўғри бўлса?— сўради сабрсизлик билан князь.

— Лукьян Тимофеевич, ҳақиқатан,— деб рози бўлди ва хижолат чекди Лебедев кўзларини итоаткорона ерга тикиб қўлини яна кўксига қўйганча.

— Ахир сизга нима бўлган ўзи, эҳ, худойим!

— Камсуқумлигимдан,— деб шивирлади Лебедев, борган сари бошини қуйи соларкан.

— Эҳ, бунинг нимаси камсуқумлик! Агар мен билсайдим, ҳозир Коляни қаердан топиш мумкинлигини!— деди князь ва кетишга чоғланди.

— Колянинг қаерда эканлигини сизга ўзим айтаман,— деди йигитча.

—Й-й-ўқ!— деди жон ҳолатда Лебедев ва қаттиқ ташвишга тушиб қолди.

— Коля шу ерда ётиб қолган эди, лекин эрталаб ўзининг генералини қидириб кетди, худо билади, негалигини, лекин генерали «бўлим»дан чиқариб олибсиз деб эшитдим, князь. Генерал кеча сизларнинг олдингизга ётиб қолгани келаман деб ваъда берган эди, лекин келмади. Назаримда, шу яқин-ўртадаги «Тарози» деган меҳмонхонада ётиб қолган бўлса керак. Коля, демак, ўша ерда бўлади, бўлмаса, Епанчинларникида. Унинг пули бор эди, кеча кетаман деб турган эди. Демак, шундай қилиб, ё «Тарози»да ва ё Павловскда.

— Павловскда, Павловскда!.. А биз бўлсак, бу ёққа, бу ёққа, боққа чиқамиз... кофе ичамиз...

Лебедев шундай деб князнинг қўлидан ушлаб олиб кетди. Улар хонадан чиқиб, ҳовлидан ўтдилар-да, кичикроқ бир эшикка кирдилар. Ҳақиқатан ҳам бу ерда мўъжазгина, ширингина бир боғча бор экан, ҳаво иссиқ бўлганидан ҳамма дарахтлар барг ёзган эди. Лебедев князни ерга қоқилган стол атрофига ўрнатилган кўк оғоч ўриндиққа ўтқазди, ўзи унинг қаршига ўтирди. Бир оздан сўнг ростдан ҳам кофе келтирдилар. Князь кофедан бош тортмади. Лебедев ҳамон ялтоқланиб унинг кўзига тикилиб ўтирарди.

— Мен билмаган эканман сизнинг бундай хўжалигингиз борлигини,— деди князь бутунлай бошқа бир нарса ҳақида ўйлаётган одам қиёфасида.

— Е-етимчалармиз,— деб букилиб гап бошлаган Лебедев негадир тўхтаб қолди; князь паришон ҳолда олдига қараб ўти-

рар, албатта, ҳозиргина берган саволи ёдидан чиққанди. Яна бир дақиқа ўтди. Лебедев кўзлари жалаглаб кутарди.

— Нима ҳам қилдик?— деди князь худди уйқудан уйғонгандай. — Аҳ, айтганча! Сиз ўзингиз ҳам биласиз-ку, Лебедев, Жизнинг ишимиз нимадан иборат эканлигини: мен сизнинг хатингиз бўйича келдим. Гапиринг.

Лебедев шошиб қолди, нимадир демоқчи эди, лекин гап оғзида қолиб кетди: тили айланмади. Князь кутиб турди ва маънос табассум қилди.

— Назаримда, мен сизни жуда ҳам яхши тушуниб турибман, Лукьян Тимофеевич: сиз, афтидан, мени кутмаган бўлсангиз керак. Сиз мени дунёнинг бир бурчагига кетди, хабар берганим билан энди у ердан чиқолмайди, деб ўйлагансиз, фақат ўзингизни виждон азобидан қутқариш учун ёзиб юборгансиз. Мен эса мана етиб келдим. Бўлди, етар, алдаманг энди. Икки хўжага хизмат қилганингиз етар энди. Рогожин уч ҳафтадан бери шу ерда, мен ҳаммасини биламан. Сиз хоним қизни унга сотиб улгурдингизми анав сафариндай, ё йўқми? Тўғрисишни айтинг.

— Золим ўзи билиб олибди, ўзи.

— Сўкманг уни; албатта, у сизни хафя қилибди...

— Урди, урди!— деди жонсарақлик билан Лебедев.— Москвада нта қонтирди, кўсада овчи нт билан қувиб юрди. Ёмон қанжиқ нт экан!

— Сиз мени ёш бола деб ўйлаяпсиз, Лебедев. Айтинг-чи, хоним қиз уни ҳозир Москвада ҳам ташлаб кетгани тўғрими-йўқми?

— Тўғри, тўғри, яна нақ никоҳ ўқиляётган пайтда ташлаб кетди. Анави ана келиб қолади, мана келиб қолади деб кутиб турганда хоним қиз тўғри Петербургга менинг ҳузуримга кириб келди: «Қутқар, яшир, Лукьян, князга ҳам айтма...» У, князь, ездан ашанидан ҳам кўра қаттиқроқ қўрқадди, ана шу ерига — догман!

Лебедев шундай деб бармоғини айёрона пешонасига тиради.

— Энди сиз уларни яна қўшиб қўйдингизми?

— Олий ҳазратлари, князь, қандай қилиб... қандай қилиб мен тўсқинлик қила олардим?

— Майли, бас, ўзим барини билиб оламан. Фақат айтинг-чи, у ҳозир қаерда? Уникидами?

— О, йўқ! Ас-сло! Ўзи мустақил. Мен озодман ҳали дейди, биласизми, князь, шу гапида қаттиқ турибди, мен, дейди, бутунлай эркинман! Ҳаляни Петербург томонда жияниникида туради, сизга буни ёзгандим.

— Ҳозир ҳам ўша ердами?

— Уша ерда, агар ҳаволар яхши бўлиб кетиб Павловска,

Дарья Алексеевнаикига келмаган бўлса мабодо. Мен дейди буткул эркинман, дейди. Кечанинг ўзида Николай Ардалионовичга ўзининг эркин эканлиги ҳақида мақтаниб гапириб ўтирган эди. Бу яхши белги эмас!

Шундай деб Лебедев илжайди.

— Коля олдига тез-тез борадимиз?

— Енгилтак, чигал ва оғзи бўш.

— Анча бўлдимиз у ерга борганингизга?

— Ҳар куни, ҳар куни.

— Бундан чиқди кеча ҳамми?

— Йўқ, тўрт кун бўлди.

— Афсус, ичиб қўйибсиз-да, Лебедев! Бўлмаса мен сиздан сўраган бўлардим.

— Ас-ло, асло, бир томчи ҳам!

Лебедев ўзини ҳушёр қилиб кўрсатди.

— Айтинг-чи, сиз уни қай аҳволда ташлаб келдингиз?

— Қи-қидиринқираган...

— Қи-қидиринқираган?

— Доим худди бир нарсани қидираётгандай, худди бир нарсани йўқотиб қўйгандай. Никоҳ ва тўй ҳақидаги гаплар жонига тегиб кетган, гапирсангиз кўнгли озади ва ҳақорат каби англайди. *Анавини* бўлса, апельсин пўчоғича кўрмайди, шундан ортиқ эмас, лекин ундан даҳшатга тушади, қўрқади, фақат зарурат юзасидан кўришиб турмасалар мабодо... у ҳам буни сезадиган ва ўзига қаттиқ оладиган бўлиб қолган! Бедаво дард!.. Жуда безовга, кулаверади, ўзгарувчан, тажаниг...

— Ўзгарувчан ва тажаниг?

— Тажаниг; зотан, сал бўлмаса оғзимдан бир гап чиқиб кетган экан ўтган сафар, нақ сочимни юлиб олай деди. Башоратлар китобини ўқиб дам солдим.¹

— Қандай қилиб?— сўради князь яхши эшитмай қолдим шекилли деб ўйлаб.

— Апокалипсисни ўқиб. Хонимнинг хаёли гулувли, ҳе-ҳе! Яна шуни ҳам кузатдимки, жиддий мавзуларга, гарчи ҳеч ишга алоқаси бўлмаса ҳам бағоят қизиқади. Жони дили, жони дили, ҳатто ўзига кўрсатилган алоҳида ҳурмат деб билади. Ҳа. Мен бўлсам, Апокалипсисни жуда яхши биламан, ўн беш йилдан бери уни талқин қиламан. Айтдим: биз учинчи отдамиз, қора отда, устида чавандози бор, чавандознинг қўлида тарози, ҳозирги

¹ Башоратлар китоби — Апокалипсис — авлиё Юҳаннонинг Башоратлар китоби (авлиё Иоани Богослов) — эрамининг 68 — 69-йилларида ёзилган бўлса керак. (Тарж.)

замонда ҳамма нарса тош-тарозига солинган, шартнома билан кўрсатилган, барча одамлар фақат ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларинигина қидирадилар: «бир ҳисса бугдой бир динор ва уч ҳисса арпа бир динор»... яна руҳлари эркин ва қалблари пок ва баданлари саломат ва олло таолонинг барча неъматларини асрамоқчилар. У рози бўлди, фикримга қўшилди. Аммо ёлғиз ҳақ-ҳуқуқнинг ўзи билангина асраб қола olmayдилар ва сўнг оқ от келади ва оқ от билан Улим отлиқ, сўнг жаҳаннам... Кўришганда шу ҳақда гаплашамиз ва бу — қаттиқ таъсир қилди.

— Сиз ўзингизга шунчалар ишонасизми?— деб сўради князь Лебедевдан ва унга ғалати қилиб кўз югуртирди.

— Ишонаман ва талқин қиламан. Зотан, қашшоқ ва яланғочман ва одамлар издиҳоми ичра хоки туробман. Ким Лебедевга ачинади? Утган ҳам, кетган ҳам уни масхара қилади, сёл бўлмаса, тепиб кетади. Бу ерда талқин қилаётган чоғимда эса мен ўзимни арбобу аркон деб ҳис қиламан. Зотан, ақл! Ҳатто арбоб ҳам ўз креслосида ўтириб мен сўзлаганда мувоқабатга кетишиди. Ҳазрати олийлар Иил Алексеевич уч йил бўлди ҳайит арафасида эшитган эдилар — унда мен у кишининг департаментларида хизмат қилардим — навбатчихонада ўтирсам, Петр Захарич орқали атайин ўз кабинетларига чақиртириб қолдилар ва мен билан ёлғиз қолгач, сўрғу солдилар: «Сен антихристининг профессори эмишсан, тўғрими?» Яшириб ўтирмадим. «Каминна қуллари, дедим». Ва талқин қилдим, кўрсатдим, қўрқинч-ни юмшатмадим, лекин хаёлан рамзий суҳуфни варақлаб, қайтага тасаввуротларини зўрайтирдим ва рақамлар келтирдим. Илжайиб ўтирдилар, лекин рақамлар ва тимсолларга келганда у кишини қалтироқ тутди ва китобини ёпишини илтижо қилдилар ва кетишликка изи бердилар ва ҳайит кунларига менга ҳадя бевгиладилар ва фома кунига келиб омонатларини тавширдилар олло таолога.

— Қўйинг-е, Лебедев?

— Рост гап. Тушликдан сўнг извошдан йиқилибдилар... чаккалари ўриндиқнинг қиррасига тегибдир ва баайин гўдакдек, шу ернинг ўзидаёқ жон таслим қилибдилар. Қоғоз бўйича эмиш уч ёшни яшаган эканлар; қизаринқираган, оқаринқираган, ҳамма ёқларига атирлар сепинқираган ва муттасил кулинқираган, кулинқираган худди маъсум гўдак каби эдилар. Ушанда Петр Захарич эслаб қолдилар: «Сен буни башорат қилганинг», дедилар.

Князь ўрнидан тура бошлади. Лебедев ҳайрон бўлиб, ҳатто ташвишга тушиб нима қилишини билмай қолди князнинг тураётганини кўриб.

— Жуда ҳам лоқайд бўлиб қолибдирлар, ҳе-ҳе!— деди у журъат билан хушомад қилганча.

— Очиги, тобим қочиб турибди, йўл юрганымданми бошим оғриб қолди шеккилли,— деди князь тундлашиб.

— Боғларга чиқсангиз бўларди,— деди ботинқирамай Лебедев.

Князь ўйга ботиб турарди.

— Мен ўзим ҳам уч кундан кейин бутун хонадоним аъзоларини олиб боғ ҳовлимизга равона бўламиз, янги туғилган чақалоқнинг ҳам нафас олиши енгил бўлади, ҳам уч кун ичида бу уйнинг у ёқ-бу ёғини тўғрилаб оламиз. Кейин Павловск қайдасан, деб йўлга тушамиз.

— Сиз ҳам Павловска борасизми?— деб сўради князь.— Нима, бу ердагиларнинг ҳаммаси Павловскда турадими? У ерда боғ ҳовлимиз бор дейсизми?

— Ҳамма ҳам Павловскда турмайди. Менга Иван Петрович Птицин ўзининг боғчаларидан бирини берди, арзонгинага олган экан. Яхшигина, кўркамгина, кўкаламгина, арзонгина, қулайгина, обрўлигина, музикалигина, шунинг учун ҳамма ўзини Павловска уради. Очигини айтсам, мен бостирмада тураман, боғ ҳовли эса...

— Бериб юбордингизми?

— Й-й-йўқ. Унчалик... эмас.

— Менга беринг,— деб бирдан таклиф қилиб қолди князь.

Афтидан, Лебедевнинг ўзи ҳам шуни хоҳлаб турган бўлса керак. Шу фикр уч минут илгари хаёлидан лип этиб ўтган эди. Воқеан, у ҳозир ижарачига муҳтож эмасди; боғни ижарага олиб турадиган бир одам у билан гаплашиб кетган, балки ўзим келиб турсам керак, деган эди. Лебедев ижарачи тахминан эмас, балки аниқ келиб туришини биларди. Лекин ҳозир миясида жуда ҳам самарадор бир фикр уйғониб кетди, олдин ижара қилмоқчи бўлиб келган одам гапни жиндак ноаниқроқ қилгани учун боғ ҳовлини князга топширмоқчи бўлди. «Бир олам тўқнашув ва бир олам янги иш»лар кўриниб кетди унинг кўзларига. Князнинг таклифини у қувонч билан қарши олди, унинг ижара баҳоси қанча бўлади, деб тўғридан-тўғри берган саволига у ҳатто қўлини силтади.

— Яна ўзингиз биласиз; мен суриштираман; зарар кўрмасиз деб ўйлайман.

Икковлари ҳам боғчадан чиқдилар.

— Мен сизга... мен сизга... агар хоҳласангиз мен сизга, муҳтарам князь, ўша нарсага алоқадор жуда ҳам қизиқ бир гапни айтиб беришим мумкин эди,— деб мингиллади Лебедев князнинг атрофида ликиллаб юраркан.

Князь тўхтади.

— Дарья Алексеевнанинг ҳам Павловскда боғ ҳовлиси бор.

— Хўш?

— Маълумингиз бўлмиш хоним қиз ўз дугонаси билан Павловскка тез-тез бориб тура ажабмас. Мақсадлари бор.

— Хўш?

— Аглая Ивановна...

— Эҳ, бўлди қилинг, Лебедев!— деди князь худди баногоҳ оғриқ жойига биров тегиб кетгандай озурда бўлиб.— Ҳаммаси... ундаймас. Яхшиси, айтинг-чи, қачон кўчиб борасиз? Менга қанча тез бўлса шунча яхши, чунки меҳмонхонада турибман...

Улар гаплашганча боғдан чиқиб ҳовлидан ўтдилар, уйга қайтиб кирмай ҳовли эшигининг олдига келдилар.

— Ҳа, албатта,— деди алоҳа бир қарорга келган Лебедев,— меҳмонхонада ётмасдан тўғри шу ерга келаверинг бугуноқ, эртадан кейин ҳаммамиз биргаликда Павловскка жўнаймиз.

— Кўраман,— деди князь хаёлга толганча ва дарвозадан чиқди. Лебедев унинг ордасидан қараб олди. Князининг фавқуллодда паршонлиги уни ҳайратга солиб қўйди. Кетаркан, у ҳатто «хайр», демади, ҳатто бешини ҳам қимирлатиб қўймади. Бу Лебедев билган назокатли ва сориқизамат князга ўхшамасди.

III

Соат ўн иккилар бўлиб қолган. Князь шаҳарда Епанчинларникида фақат хизмат билан юрган генералнигина топиш мумкинлигини, балки ҳали бу ҳам дарғумон эканлигини биларди. Генерал мени кўриши билан дарров Павловскка олиб кетади, деб ўйлади князь, ваҳоланки, Епанчинларникига боргунга қадар у бошқа бир ерга ҳам кириб ўтмоқчи эди. Агар Епанчинларникига кесиб қолсам, Павловскка эртага борарман, деган хаёл билан князь шу тонда жуда кўргиси келиб турган уйни қидириб кетди.

Князнинг у ерга бориши маълум бир жиҳатдан жуда қалтис эди. Шунинг учун у анча иккиланди ва қийналди. У ўзи қидирган уй Садовая томонида Гороховая деган кўчада жойлашганлигини биларди, балки уйга кўзим тушгандан кейин бир қарорга келарман, деган ўйда князь йўлга тушди.

У Гороховая билан Садоваянинг кесишган ерига келганда ўзининг ҳаддан ташқари ҳаяжонланаётганлигини сизди. У юрагим бунчалар орзиқади, санчиб уради деб сира ўйламаганди. Ўзининг бошқача бир кўрениши билан бўлса керак, бир уй

узоқдан туриб князнинг диққатини торта бошлади, князь кейин ўшанда: «Бу ўша уй бўлса керак», деб ўйлаганини эслади. У ўз тахмини қанчалар тўғри чиқишига жуда ҳам қизиқиб уйга яқинлашди. Агар ростдан ҳам тўғри топган бўлсам, кейин тоза таъбим хира бўлади, деб кўнглидан ўтказди князь. Хайҳотдай бадқовоқ бу уй уч қаватли бўлиб, ҳеч қандай безағи йўқ, бедаво ва гаш бир кўк ранга бўялганди. Утган асрнинг охирида қурилган худди шунга ўхшаш бир қанча уйлар Петербургнинг мана шу кўчаларида сақланиб қолган (ваҳоланки Петербургда ҳамма нарса тез ўзгариб туради), ўзгармаган эди. Бу уйлар жуда мустаҳкам қурилган, деворлари гоятда қалин, деразалари сийрак эди. Пастки қаватнинг деразаларига аксаран панжара қопланганди. Пастки саррофларнинг дўконлари жойлашганди. Саррофларнинг ўзлари шу уйнинг юқори қаватларида истиқомат қилардилар. Ташқаридан ҳам, ичкаридан ҳам уй тунд ва бефайз кўринар, ҳамма нарса яшириниб, пайт пойлаб, биқиниб турганга ўхшарди, нега шундайлигини фақат уйнинг кўринишига қараб туриб айтиб бериш қийин эди. Уй тарқининг ҳам албатта ўз сир-асрори бўлади. Бу уйларда аксарият фақат савдогар аҳли истиқомат қилади. Князь дарвоза олдига келиб шундай лавҳага кўзи тушди: «Асл фахрий гражданин Рогожиннинг уйи».

У иккиланиб ўтирмай ойнабанд эшикни очиб ичкарига кирди, эшик орқасидан қарсиллаб ёпилди, князь бош пиллапоядан юқорига кўтарилла бошлади. Пиллапоя гиштга, қоронғи эди, унинг деворлари қизилга бўялганди. Князь Рогожин ўз онаси ва укаси билан шу кўрimsиз уйнинг бутун иккинчи қаватини ишғол қилганлигини биларди. Эшикни князга очган одам индамай уни ичкарига бошлади, узоқ юриб бордилар; улар деворлари мрамар тус бериб бўялган, полига алоҳида болут тахтачалар ётқизилган, оғир ва қўпол йиғирманчи йилларнинг жиҳозлари қўйилган жуда катта залдан ўтдилар, улар айлана-айлана, бурилла-бурилла, уч-тўрт зинали кичик пиллапоялардан чиқа-чиқа, аллақандай каталак хоналардан ўта-ўта ва яна зиналардан туша-туша, ниҳоят бир эшикка келиб етдилар. Тақиллатдилар. Эшикни Парфен Семеничнинг ўзи очди. У князни кўргач, турган жойида қотиб қолди, ранги бўздай оқариб кетди, у бир зум кўзини лўқ қилиб кўрқиб кетган одамнинг назари билан князга тикилиб турди, шу туришида у тош қотган мўмиёга ўхшарди, лаби аллақандай жуда мужмал бир тарзда қий шайиб кетганди,— князнинг қадам ранжида қилгани унга ақл бовар қилмас гаройиб бир нарса бўлиб кўринаётгандек эди. Князь, гарчи шунга яқинроқ бир нарса рўй беришини кутган бўлса ҳам барибир ҳайратга тушди.

— Парфен, балки бевақт келгандирман, кетишим ҳам мумкин,— деди ниҳоят князь қисинганча.

— Кел! Кел!— ўзига келди ниҳоят Парфен.— Қадамларига ҳасанот, кирсинлар!

Улар — бир-бирларини сен деб гаплашардилар. Москвада улар бир-бирлари билан тез-тез кўришиб, гаплашиб туришар, учрашганларида умр бўйи унутилмайдиган дақиқалар ҳам, бўлиб ўтган эди. Ушандан бери кўришмаганларига уч ойдан ошганди.

Рогожиннинг бети ҳамон оқариб турар, юзи тез-тез ва ғалати учиб-учиб кетарди. У қўноқни ичкарига таклиф қилган бўлса-да, лекин ҳали ҳам ўзини ўнглаб ололмаганди. Князни юмшоқ ўриндиқлар ва стол сари олиб бораркан, князь тасодифан унга ўгирилиб мезбоннинг фавқулодда ғалати ва жуда оғир нигоҳига дуч келди ва шу нигоҳ таассуротида тўхтаб қолди. Князнинг кўксини нимадир тешиб ўтгандай бўлди ва шу билан бирга у алланимани хотирлатгандай бўлиб кетди—у боягина шундай оғир ва мудҳин бир нарса билан тўқнашган эди. У ўтирмасдан бир неча сония тик турган кўйи Рогожиннинг кўзига қимирламай тикилди; унинг кўзи бир зум боягидан ҳам ўткирроқ ялтираб кетгандай туюлди. Ниҳоят Рогожин бир қадар қисинган ва бир қадар саросимага тушгандай илжайди.

— Нега бундай тикилиб қарайсан?— деб тўнғиллади у.— Утир.

Князь ўтирди.

— Парфен,— деди у,— тўғрисини айт, бугун Петербургда келишимни билармидинг, йўқми?

— Келсанг керак, деб ўйлаган эдим, кўриб турибсан-ку, хато қилмабман,— деб қўшимча қилди у кинояли жилмайиб,— лекин бугун келишининг мен қаердан билай?

Унинг саволига жавобан бу қадар кескин бир шиддат ва зарда билан айтилган сўз князни яна ҳам ҳайратга солиб қўйди.

— *Бугунлигини* билган тақдирингда ҳам мунчалар зарда қилишининг нима ҳожати бор?— секин деди князь тортинганча.

— Э, ўзинг нимага сўраяпсан бўлмаса?

— Боя вагондан тушганимда ҳозир сен орқамдан қандай қараган бўлсанг, кимдир худди шундай қилиб қараб тургандай бўлди.

— Ол-а! Ким экан у қараган?— шубҳалироқ бир тарзда гудранди Рогожин. Князнинг назарида у сесканиб кетгандай бўлди.

— Билмадим; одамлар орасида балки менга шундай туюлгандир; кўзимга нуқул яна алланималар кўринадиган бўлиб қолди. Мен, биродарим Парфен, беш йил олдин бўлган нарса-

ларни яна қайта бошдан кечираётганга ўхшайман, ўшанда тез-тез ҳушдан кетиб қолардим.

— Ростдан ҳам, балки кўзингга кўрингандир; мен билмадим...— минғиллади Парфен.

Шу топда у майин табассум қилиб турар, лекин бу табассум айни дақиқада сира унга ярашмас, худди ушбу табассумда нимадир сингандай ва Парфен қанча уринмасин синган нарсани улашга энди сира қодир эмасдай кўринарди.

— Нима, яна чет элга чиқасанми?— деб сўради у ва кутилмаганда қўшимча қилди:— Эсингдами, куз пайти Псковдан вагонда келганимиз, мен бу ёққа, сен бўлсанг... хирқа кийиб олгандинг, эсингдами, чолворларинг, а?

Шунда Рогожин бирдан кулиб юборди, кулганда ҳам аллақандай очиқдан-очиқ қаҳр билан кулди, афтидан, у ўз қаҳрини ошкор кўрсатишга бир сабаб топилганидан хурсанд бўлгандек эди.

— Сен бу ерда энди муқим турасанми?— деб сўради князь хонани кўздан кечираркан.

— Ҳа, шу ерда. Бошқа қаерга ҳам борардим?

— Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. Сен тўғрингда шундай гаплар эшитдимки, ўз қулоқларимга ишонмадим.

— Одамлар нималарни алжишмайди,— деди қуруққина қилиб Рогожин.

— Лекин нонхўрларни ҳаммасини ҳайдаб юборибсан; ўзинг мана ўз уйингда тўполон қилмай тиңчгина ўтирган экансан. Бу ҳам ёмон эмас. Уй ўзингга қаранганими ёки ҳаммаларингиз бирга эгаллик қиласизларми?

— Уй онамники. У коридоринг нариги ёғида туради.

— Уканг қаерда?

— Укам Семен Семенич тепада.

— Оиласи борми?

— Сўққабош. Сенга нимага керак бўлиб қолди?

Князь унга бир қараб қўйди-ю, жавоб бермади; у бирдан ўйга чўмди ва афтидан, саволни эшитмади. Рогожин бошқа қайтармади, индамай кутди. Улар жим бўлиб қолдилар.

— Сенинг уйингни юз қадам наридан туриб танидим,— деди князь.

— Нега ундай?

— Узим ҳам билмайман. Уйинглар ўзларингга ўхшайди, унда рогожинлар ҳаётининг бутун қисфаси зоҳир, лекин нега шундай қарорга келдинг, деб сўрасанг, рост, ҳечам тушунтириб беролмайман сенга. Хаёлий бир гап, албатта. Мени худди мана шу нарса безовта қилаётганидан ҳатто чўчиб турибман. Илгари сени шундай уйда яшайди деб ҳатто хаёлимга ҳам келтирган

эмасдим, лекин уйга кўзим тушини биланоқ: «Унинг уйи худди мана шундай бўлиши керак!»— деб ўладим.

— Оббо сен-ей!— мужмалроқ қилиб кулимсирэб қўйди князнинг чигаал фикрши охиригача ағнаб отолмасдан Рогожин.— Бу уйни бобом қурган,— деди у.— Унда доим саррофлар, Хлудяковлар яшаганлар, ҳозир ҳам улар шу уйда турадилар.

— Қоронғиши қара. Тоза қоронғида қолган экансан,— деди князь хонани кўздан кечираркан.

Бу жуда ҳам катта, шифти баланд, нимқоронги, атрофига ҳар турли жиҳозлар — аксаран кенг ёзув столлари, бюро, аллақандай иш дафтарлари ва турли-туман қоғозлар билан тўлган жавонлар қўйилган хона эди. Чорсигина қизил сахтиён диван, афтидан, Рогожиннинг ётадиган жойи бўлса керак. Князь, Рогожин уни ўтқизган стол устида икки-учта китоб ётганлигини кўрди; улардан бири, Соловьевнинг «Тарих»и очиб қўйилган ва орасига белни қистирилганди. Деворларда тилла суви югуртирилган хира чорчўпларга солинган мойбўёқ билан ишланган бир ҳанча суратлар осилган, улар қорайиб, қурум босганлигидан нима акс эттирилганлигини англаш жуда қийин эди. Бир суратда бир одам бор қомати билан тасвирланганди, у князнинг эътибориши тортди; суратдаги одам элликларга кирган, устига этаклари узун немис сюртуғи кийган, кўкрагига икки орден осилган, жуда ҳам сийрак соқолига оқ оралатган, юзи тириш ва сариқ, ер остидан симрайиб қараётган кўзларида бадгумонлик ва қайғу акс этган бир кимса эди.

— Мабодо бу киши сенинг отанг эмасми?— сўради князь.

— Худди ўзи,— деб жавоб берди ёқимсиз тиржайганча Рогожин, у ҳозир марҳум падари ҳақида бемазароқ бир ҳазил-мазах эшитишига тайёр турган одамнинг қиёфасига кирганди.

— У эски мазҳабчилардан эмасмиди мабодо?

— Йўқ, черковга қатнардди, лекин рост, эски нмён тўғрироқ эди, деб гапириб юрарди. Саррофларни жуда ҳурмат қиларди. Бу ер унинг кабинети эди. Эски мазҳабдамиди деб нега сўрадинг?

— Тўйингни шу ерда ўтказасанми?

— Шу-шу ерда,— деб жавоб берди Рогожин кутилмаган саволдан сесканиб тушиб.

— Яқинлашиб қолдими?

— Узинг биласан-ку, менга боғлиқми?

— Парфен, мен сенга душман эмасман ва сенга асло халақит бермоқчи эмасман. Мен сенга буни илгари ҳам мана шундай гаплашиб ўтирган пайтларимизда айтганман, яна қайтаряпман. Москвада тўйинг ўтадиган бўлганда мен сенга заррача тўғоноқ

бўлганим йўқ, ўзинг ҳам биласан. Биринчи марта *унинг* ўзи мени қутқаринг, деб никоҳдан қочиб келди. Мен унинг ўз оғзидан чиққан сўзларни айтяпман. Кейин мендан ҳам қочиб кетди, сен уни яна қидириб топдинг ва яна никоҳ ўқитмоқчи бўлдинг, у сендан яна қочиб кетибди деб эшитдим. Шу ростми? Менга Лебедев шундай деб хабар қилди, мен шунинг учун ҳам етиб келдим. Муносабатларинг яна анча яхши бўлиб қолганлигини кеча вагонда кела туриб илгариги ҳамтовокларингнинг биридан, агар билмоқчи бўлсанг, ўша Залёжев дегандан эшитдим. Мен бу ерга бир мақсад билан келдим: мен *уни* даволаниб келиш учун чет элга боришга кўндирмоқчиман: унинг дили вайрон бўлганидек, тани ҳам путурдан кетган, айниқса, боши, менимча, уни яхшилаб боқизмаса бўлмайди. Ўзи уни чет элга кузатиб бормоқчи эмасман, буларнинг ҳаммасини менинг иштирокимсиз ўтадиган қилмоқчиман. Сенга чин гапни айтяпман. Агар ўрталарингдаги муносабат бутунлай яхши бўлиб кетган бўлса, мен унинг кўзига ҳам кўринмайман, сенинг олдинга ҳам бошқа қадам босмайман. Ўзинг биласанки, мен сени алдамайман, сен билан доимо очиқчасига гаплашганман. Мен бу хусусдаги ўзимнинг фикрларимни сендан ҳеч қачон яширган эмасман ва доимо сен *унинг* бошига етасан, деб айтганман. Ўзинг ҳам бошингни ейсан... балки ундан кўра ҳам сенга ёмонроқ бўлар. Агарда сизлар ҳозир орани очиқ қилганларингда, мен гоёта мамнун бўлардим; лекин мен ўзим сизларнинг ўрталарингга тушишни, ораларингни бузишни истамайман. Хотиржам бўл ва мендан гумонсираб юрма. Ўзинг ҳам биласан: мен сенга ҳеч қачон, ҳатто у менинг олдимга сендан тўйиб қочиб келган чоғда ҳам *чинакам* рақиб бўлган эмасман. Ана, яна кулясан; нега кулаётганлигингни билман. Ҳа, биз у билан бошқа-бошқа турдик, бошқа шаҳарларда яшадик, сен бунга *яхши* биласан. Мен сенга илгари ҳам айтган эдим, мен уни «суйиб суймайман, ачиниб суяман». Ўйлайманки, мен бунга жуда равшан ифодалаганман. Ушанда сен менинг бу сўзларимни англаганлигингни айтганинг; шундаймиди? англаганинг? Менга бундай ўқрайиб қарама! Мен сени хотиржам қилгани келдим, чунки сен менинг қадрдонимсан. Мен сени жуда яхши кўраман, Парфен. Мен энди кетаман ва бошқа ҳеч қачон келмайман. Хайр.

Князь ўрнидан турди.

— Бирпас мен билан ўтир,— деди секин Парфен ўрнидан кўзгалмасдап бошини ўнг қўлига ташлаганча,— сени соғинганман.

Князь ўтирди. Яна икков жим бўлиб қолдилар.

— Сен олдимдан кетишинг билан кўнглим сендан гаш бўла бошлайди, Лев Николаевич. Кўришмаганимизга мана уч ой бўл-

ди, уч ойдан бери сени кўргани кўзим йўқ, отгани ўқим, худо жаққи. Иложини топсам, сени заҳарлаб ўлдирган бўлардим! Шунақа. Ҳозир бўлса келганингга ҳали ярим соат бўлмасдан кўнглимдаги бутун ғашликлар тарқалиб кетяпти, кўзимга яна илгаригидай яхши кўришсан. Бирпас ўтир мен билан...

— Сенинг ёнигда бўлганимда менга ишонсан, кўз ўнгингдан кетишим билан ишончинг йўқолади ва мендан дарғумон бўла бошлайсан. Отангга тортгансан!— деди ўз ҳиссиётларини яширишга, дўстона табассум қилишга уринган князь.

— Сен билан ўтирганимда овозингни эшитсам, юрагимда ишонч уйғонади. Мен ахир тушунаман, сен билан мен — худди ер билан осмон мисоли, тенглаштириб бўлмайди бир-биримизни...

— Нега яна ундай деяпсан? Ана яна жаҳлнинг чиқяпти,— деди князь Рогожинга ҳайрон қолиб.

— Э, нимасини айтасан, биродар, сен билан менинг фикримни сўраб ўтиришармиди, — деб жавоб берди Рогожин, — азалдан ўзи шундай, биздан сўраб ўтирмай ҳал қилиб қўя қолишган. Яхши кўришимиз ҳам бошқача, ҳаммасида бир фарқ бор, — деб давом этди у бир зум жим тургач паст овоз билан. — Сен, мана, уни ачишиб туриб севаман, деяпсан. Менда заррача ҳам ундай ачишиш йўқ. Бунинг устига у мени ҳаммадан ҳам ёмон кўради. У ҳозир кечаси билан тушимга кириб чиқади: нуқул бошқа биров менинг устимдан кулаётган бўлади. Аслида ҳам ўзи шундай, биродар. Мен билан никоҳ ўқитгани бораётибди-ю, худди оёқ кийимини алмаштираётгандай мен ҳақимда ҳатто салча ўйлаб кўрмайдиям. Ишонасанми, уни кўрмаганимга беш кун бўлди, нега десанг, унинг олдига боришга юрагим безиллайди. «Нега келдинг?» — деб дўқ қилади. Шармандан шармисор қилгани етмагандай...

— Нега шарманда қилади? Нима деяпсан?

— Худди билмагандай гапирасан-а! Ахир ўзинг билан қошиб кетди-ку, ўзинг айтяпсан-ку, «никоҳ ўқитиладиган пайтда» деб.

— Ахир ўзинг ҳам ишонмайсанки...

— Москвада Земтужников деган офицер билан мени тоза майна қилганлари-чи? Тириклай ўлдирди мени, бошимни букиб қўйди, яна ўзи, фалон кунни никоҳ ўқитамиз, деганини айтмайсанми?

— Бўлмаган гап!— деб қичқириб юборди князь.

— Аниқ биламан,— деди ишонч билан Рогожин.— Шунақамас дейсанми? Бекорга ундай демай ҳам қўя қол, биламан, худди шунақа у. Ҳаммаси аҳмоқона гаплар. Сен билан унақа бўлолмайди, бундан ўзи ҳам эҳтимол ҳайратга тушса керак, мен

билан эса худди ана шунақа. Бор гап бу. Менга энг паст махлуқ деб қарайди. Анави Келлер деган боксчи офицер билан тоза устимдан майна қилиб кулишди, биламан... Э, сен ҳали билмайсан у Москвада бошимга қандай кунларни солганлигини! Пулларни айтмайсанми, қанча пул кетди-я, эсиз...

— Ҳа... энди унга қандай қилиб уйланасан!.. Кейин нима бўлади?— деб сўради даҳшатга тушган князь.

Рогожин князга оғир ва қўрқинчли назар ташлади, лекин жавоб бермади.

— Беш кун бўлди унинг олдига бормаганимга, — деб давом этди у бир зум жим тургандан сўнг. — Нуқул ҳайдаб юборади деб қўрқаман. «Мен ҳали ўзимга-ўзим бекаман, дейди. Агар хоҳласам, сени бутунилай ҳайдаб юбораман, ўзим эса бошқа мамлакатларга кетаман» (у менга шундай деб айтди, бошқа мамлакатларга кетиб қолармиш, — деб гап орасида қистириб ўтди у вьязнинг кўзларига аллақандай ғалати қилиб қараб); баъзан у, рост, гоҳо мени қўрқитади, менга қараб нуқул кулгиси қистайди негадир. Бошқа маҳал бўлса қовоғини солиб олади, бир оғиз гапирмайди, тумтайиб ўтиради; мен мана шундан қўрқаман. Бир куни ўйлаб қолдим: ке, дедим олдига борсам қуруқ бормаيمان, — яна тоза кулги бўлдим, кейин ҳатто жуда дарғазаб бўлиб кетди. Мен берган шол рўмолни Катька деган хизматчи қизига совға қилиб юборибди, лекин илгари шоҳона ҳаёт кечирган бўлгани билан бунақанги зўр шол рўмолни асло кўрмаган бўлса керак. Никоҳ ўқитиш ҳақида-ю, ҳатто оғиз очиб бўлмайди. Ҳатто боргани ҳам қўрқиб ўтирганимдан кейин менинг куёвлигим қаерда қолди? Утираман, ўтираман, кейин юрагим чидамайди, кўчасидан секин биқиниб ўтаман, панароқ ерга бориб тураман. Яқинда азонгача эшигининг олдида қолиб кетдим, — нимадир кўзимга кўрингандай бўлиб шубҳаландим. У бўлса деразадан мени кўрган экан: «Алдаган бўлсам, мени нима қилардинг?» — деб сўради. Чидолмадим: «Ўзинг биласан», деб жавоб бердим.

— Нимани билади?

— Мен қайдан билай! — деб қаҳрланиб кулди Рогожин. — Мен Москвада кўп орқасидан юриб ҳеч ким билан қўлга туширолмадим. Бир куни уни ушлаб олдим: «Сен менга хотин бўлмоқчи эдинг, ҳалол хонадонга қадам ранжида қилмоқчисан, энди кимлигингни билдингми? Сен, дедим, ҳалигиндақасан!» — дедим.

— Унга шундай дедингми?

— Дедим.

— Хўш?

— «Мен сенга, энди хотин бўлиш у ёқда турсин, ўзимга хиз-

маткор қилиб ҳам олмайман», дейди.— «Мен, энди осонликча чиқиб кетмайман, дедим». — «Ундай бўлса ҳозир Келлерни чақираман, у сени эшикка чиқариб ташлайди». Шунда ўзимни тутиб туrolмадим, моматалоқ қилиб калтақладим.

— Бўлиши мумкинмас!— деб қичқирди князь.

— Айтяпман-ку, бўлди деб,— деди секин, лекин кўзлари ўт бўлиб ёнган Рогожин. — Бир ярим кул кўз юлмадим, туз тотмадим, сув ичмадим, унинг уйидан чиқмадим, олдида тез чўкканча туравердим: «Ўлдирсанг ҳам бу ердан чиқмайман, то кечирмагунингча қимирламайман, агар зўрлаб чиқариб юборсанг, ўзимни сувга ташлайман; чунки сенсиз яшай олмайман». Уша куни худди жиннига ўхшаб юрди, дам пичоқ билан мени ўлдирмоқчи бўлади, дам йиғлайди, дам қарғайди. Залёжев, Келлер, Земтужниковни чақириб келди, бошқаларни ҳам чақирди, мени кўрсатиб мазах қилди. «Жаноблар, бугун ҳаммамиз театрга борамиз, агар чиққиси келмаса, майли, шу ерда ўтираверсин, мен унга боғлаб берилган эмасман, дейди. Сизга, Парфен Семенович, чой дамлаб беришадди, менсиз ўзингиз ичасиз, жуда очикқан бўлсангиз керак қойнаҳой». Театрдан ёлғиз ўзи қайтди: «Уларнинг ҳаммалари аблаҳ ва қўрқоқ одамлар экан, сендан қўрқишяпти, мени ҳам қўрқитишяпти: у энди шундай кетмайди, ўлдириб кетади, дейишяпти. Мен ётоғимга кириб кетаману эшикни ҳам ёпиб ўтирмайман: сендан қўрқадиган аҳмоқ йўқ. Сен шуни у қулогинг билан ҳам, бу қулогинг билан ҳам эшитиб ол! Чой ичдингми?»— «Йўқ, ичмайман, дедим». — «Номус қилсанг бўларди, сенга бу ўтиришни сира ярашмаяпти». У айтганини қилиб ётоғини беркитиб олмади. Эрталаб чиқиб кулиб ётибди: «Нима, эсингни еб қўйдимми?»— дейди. — Бу аҳволда очдан ўласан-ку?»— «Кечир мен!» дедим. — «Кечирмайман, сенга тегмайман, деб айтдим. Наҳотки кечасен билан мана шу креслода ўтириб чиққан бўлсанг, ухламадингми?» — «Йўқ, дедим, ухламадим». — «Мунча ақллисан! Яна чой ичмайсанми, овқат емайсанми?»— «Айтдим-ку, емайман, деб. Кечир мен!».— «Сизга эгар ярашмагандай, сенга ҳам шу қилигинг жуда ёпишмаяпти агар билсанг. Нима, ё мени қўрқитмоқчимисан? Оч ўтирсанг, ўтиравер, менга нима, парвоимга ҳам келтирмайман; вой-вой-ей, жуда қўрқитиб юбординг-ку!» Жаҳли чиқди, лекин бу узоқ давом этмади, яна мени нуқий бошлади. Шунда мен унинг бу нарсани кўнглига оғир олмаганлигига ҳайрон қолдим. Ваҳоланки, у жуда кекчи, бировнинг ёмонлигини жуда узоқ замон эслаб юради! Ушанда лоп этиб хаёлимга келиб қолди, у назаримда мени шунчалар наот ва тубан деб биладнки, менадан хафа бўлишни ҳам ҳатто ўзига раво кўрмайди. Чин гап бу. «Биласанми Рим папаси ким бўлган дейди?»— «Эшитганман, дедим». «Сен Парфен Семенович,

умуман тарихни ўқимагансан дедим». — «Мен ўзи ҳеч нарсани ўқимаганман дедим». — «Сенга ўзим ўқигани бераман: бир пала бўлган, иттифоқо, бир императордан хафа бўлибди. Император уч кун унинг саройи эшигида емай, ичмай яланг оёқ, яланг бош чўк тушиб ўтирибди. Папа то кечирмагунча ўрнидан қўзғалмабди. Император шу уч кун ичида нималарни ўйламади экан, қандай қилиб қасдини олиш мақсадида нималарни хаёлидан ўтказмадидикин агар билсанг?... Э, шовша, бунн сенга ўзим ўқиб бераман!» Сакраб туриб бориб китоб кўтариб келди: «Бу шеър билан ёзилган», деди ва император нападан қандай қилиб ўч олиш устида уч кун ўйлаганлиги шеър билан ёзилган жойни ўқиб берди. «Наҳот бу сенга ёқмаётган бўлса, Парфен Семенич?» — «Сен ўқиган нарсаларининг бари тўғри», дедим. — «Аҳа, тўғри бўлса, демак сен ҳам: «Қани менга тегсин-чи аввал, ана ўшанда мен сенга солиб қўяман, ўшанда ботлаб адабини бераман», деб ичингдан яниб ётган экансан-да!» — «Билмадим, дедим, балки шундай ўйлаётгандирман». — «Нимани билмайсан?» — «Шундай, ўзим билмайман, ҳозир буни ўйлашга вақтим йўқ». — «Бўлмаса ҳозир нимани ўйлаяпсан?» — «Шу ўрнингдан туриб ёнимдан ўтиб кетсанг, мен сенга қараб қоламан, орқангдан термиламан; кўйлакларинг шилдирайди, менинг бўлса юрагим орзиқиб кетади, хонадан чиққанингдан кейин нуқул сенинг сўзларингни эслайман, овозинг қулоғимдан кетмайди; бугун кечаси фақат сени ўйладим, нафас олишининг эшитиб ўтирдим, икки марта ёнингга ағдарилдинг...» «Э, ҳали мени қандай калтаклаганинг, қандай урганингни ҳам эсингдан чиқариб юборгандирсан», — деб кулди у. «Балки эсимдан ҳам чиқаргандирман, билмайман». — «Агар кечирмасам-чи, сенга тегмасам-чи?» — «Айтдим-ку, ўзимни сувга ташлайман». — «Олдин мени сўйсанг ҳам эҳтимол...» Шундай деб у ўйланиб қолди. Кейин жаҳли чиқиб кетди. Бир соатлардан кейин жуда ҳам қовоқлари солинган ҳолда чиқиб келди. «Мен сенга тегаман, Парфен Семенович, дейди, қўрққанимдан эмас, барибир ўлиб кетамиз. Яхши ҳаёт қасрда дейсан? Утир, дейди, ҳозир сенга овқат келтиришади. Агар сенга тегсам, вафодор хотин бўламан, бундан кўнглинг тўқ бўлсин, асло шубҳа қилма». Кейин жим бўлиб қолди, кейин яна деди: «Сен ҳар ҳолда хизматкор эмассан, мен илгари сен хизматкордан сира фарқ қилмасанг керак, дердим». Кейин тўй кувини белгилади, бир ҳафтадан кейин эса бу ерга, Лебедевнинг олдига қочиб келди. Келиб олдига бордим. «Мен сендан ҳали бутунлай воз кечганим йўқ дейди, мен яна бир оз кутмоқчиман, ўзим хоҳлаганимча юраман, ҳали мен ўзимга-ўзим бекаман. Агар истасанг, сен ҳам кут». Мана шунақа гаплар... Сен нима деб ўйлайсан бу ҳақда, Лев Николаевич?

— Узинг нима деб ўйлайсан?— қайтариб сўради князь Рогожиндан, унга маъюс қараркан.

— Мен нимани ўйлардим!— деди зардаси қайнаб Рогожин. У яна алланима демоқчи бўлди-ю, лекин адоқсиз бир алам ичида индамай қолди.

Князь ўриндан турди ва яна кетмоқчи бўлди.

— Мен нима бўлганда ҳам сенга тўғоноқ бўлмайман,— худди ўзининг аллақандай сирли хаёлларига жавоб бергандай ўйга толганча аста гапирди у.

— Биласанми, сенга бир нарса айтаман!— деди бирдан аллақандай жонланиб Рогожин, унинг кўзлари учқунланди.— Қандай қилиб менга йўл беряпсан, сира тушунмайман? Балки ундан энди бутунлай айнигандирсан? Олдин сен азобланиб юрган эдинг; ўзим кўрганман. Унда нега бўлмаса бу ерга бир нарсангни йўқотгандай ҳаллослаб етиб келдинг? Ачинганингданми? (Шунда унинг юзи ёвуз бир тиржайишдан қийшайиб кетди.) Ҳе-ҳе!

— Нима, мен сени алдаётган эканманми?— сўради князь.

— Йўқ, мен сенга ишонаман, лекин нима бўлаётганига сира ақлим етмаяпти. Эҳтимол сенинг ачинганинг менинг севганимдан ҳам баттарроқ бало бўлса керак!

Шу тонда унинг тилига нимадир келди, ёвуз бир истак унинг чеҳрасини ёритди.

— Нима ҳам дердим, сенинг муҳаббатингни ёвузликдан ажратиб олиш қийин,— деб жилмайди князь,— бу муҳаббат соб бўлгандан сўнг яна ҳам оғир уқубат келтиради. Мен, биродарим Парфен, бунга сенга айтиб қўяяпман...

— Нима, уни сўйиб қўяманми?

Князь сесканиб кетди.

— Яхши кўриб шу кунларга тушганинг учун кейин уни қаттиқ ёмон кўриб қоласан, кўрган азобларингни унинг бурнидан булоқ қилиб чиқариб оласан. Менга ҳаммадан ҳам галати кўринаётган ери, шу аҳволда қандай қилиб у яна сенга тегмоқчи? Кеча эшитганимда — қулогимга ишонмадим, жуда ҳам кўнглим бузилиб кетди. Ахир, у сендан икки маротаба юз ўгириб қочиб кетди, никоҳ ўқиттиришни истамади, демак, ўртада тўғри келмайдиган бир нарса бор-да!.. Ҳозир у сени нима қилади? Наҳот пулинга қизиқаётган бўлса? Вемаъни гап. Бунинг устига пулни ҳам роса созуриб юборган бўлсанг керак. Наҳотки, фақат эрга тегиш учунгина шундай қилаётган бўлса? Унга сендан бошқа ҳар қандай одам тўғри келиши мумкин, негаки, сен уни ростдан ҳам сўйиб қўйишинг ҳеч гапмас, бунга у ҳозир жуда ҳам яхши тушуниб тургандир. Уни шунчалар яхши кўришингни билармикин? Рост, мабодо агар шу бўлса... Худди шунақа севгини истайдиган одамлар бўлади, деб эшитгандим... фақат...

Князь гапдан тўхтаб ўйга ботди.

— Нега отамнинг суратига қараб яна кулиб қўйдинг?— деб сўради князinning юзидаги ҳар бир ўзгаришни, ҳар бир чизиқни фавқулудда диққат билан кузатиб, разм солиб турган Рогожин.

— Нега кулдинг деяпсанми? Қалламга бир фикр келиб қолди, мабодо бошингга мана шу савдо тушмаганда, яхши кўриб қолмаганингда сен менимча худди отангнинг ўзи бўлардинг-қўярдинг, бунга кўп вақтнинг кераги ҳам йўқ эди. Мана шу уйда камгап ва муте, минг ўйлаб, бир сўйлайдиган хотининг билан ҳеч кимсага ишонмай, бунга умуман муҳтож ҳам бўлмай фақат пул йиғиб, бойлик тўплаб яшайверардинг. Қовоғингни очмасдинг, лабингга кулги олмасдинг, фақат пул тўплардинг. Ва яна кўп-кўп эски китобларни мақтаб-мақтаниб юрардинг, икки бармоқ билан чўқинишга қизиқиб қолардинг, у ҳам бўлса умрининг охирларида...

— Масхара қилавер. У ҳам яқинда шу суратга қараб туриб худди шундай деган эди! Қизиқ, икковингнинг ҳам гапларинг бир ердан чиқяпти...

— Нима, у сеникига келганмиди?— деб қизиқиб сўради князь.

— Келганди. Суратга узоқ тикилиб турди, марҳум ҳақида сўради. «Сен худди мана шундай бўлардинг,— деб кулди у охирида,— сенинг жуда ҳирсинг зўр, Парфен Семенич, агар сенинг калланг бўлмаганда тўғри Сибирга равона бўлардинг бу ҳирсинг билан, каторгада юрардинг, хайриятки, сенинг калланг ишлайди, ақлинг бало, дейди» (хоҳ ишон, хоҳ ишонма, шундай деди. Умримда биринчи маротаба ундан шундай сўз эшитдим!). «Сен кўп ўтмай бу шўхликларингни бир чеккага йиғиштириб қўярдинг. Сен жуда ҳам нодон бўлганлигинг боисидан пул йиғишга тушардинг, худди отангга ўхшаб мана шу уйда ўз саррофларинг билан қўр тўкиб ётардинг, пулни шунчалар ҳам яхши кўриб қолардингки, охир бориб сен ҳам саррофлардан кам бўлмасдинг, икки миллион эмас, ўн миллион йиғардинг ва пул қопларингнинг устига чиқиб очликдан ўлиб кетган бўлардинг, чунки сенинг ҳирсинг шунақа, ҳамма нарсани ҳирс билан қиласан». Ҳа, худди шундай деди, мен ўз оғзидан чиққан сўзларни айтяпман. У илгари ҳеч қачон мен билан бундай гаплашмаганди! Ахир, у мен билан гаплашганда нуқул бўлмағур, бемаъни нарсаларни сўзлайди, ё бўлмаса устимдан кулади; ўшанда ҳам кула-кула гап бошлади, кейин жуда ҳам қовоғи солиниб кетди; уйнинг ҳамма ёғини кўриб айланиб чиқди, худди бир нарсадан қўрқатгандай бўлаверди. «Мен ҳаммасини ўзгартираман, дедим, бошқатдан тузатаман, балки тўйга бутунлай бошқа бир уй сотиб оларман».— «Йўқ-йўқ, дейди, ҳеч нарсани ўзгартириш керак

эмас, шундай яшайверамиз. Сенга хотин бўлганимдан кейин мен ойингларнинг олдида турсам дейман». Уни ойимнинг ҳузурига олиб бордим, у кишини худди ўз онасидай ҳурмат қилди. Ойим илгари ҳам икки йилдан бери худди эси оғиб қолгандай бўлиб ўтиради (у касал), отам ўлгандан кейин эса бутунлай ёш болага ўхшаб қолди, миқ этиб оғзини очмайди: ўрнидан турмайди, кимни кўрса ўрнидан турмай таъзим қилгани қилган. Агар уч кун овқат келтириб бермасалар ҳам индамай ўтираве-ради. Мен ойимнинг ўнг қўлларини олиб: «Ойи, оқ фотиҳа беринг, мен билан никоҳ ўқитмоқчи», дедим; у ойимнинг қўлларини чин кўнгилдан ўпди, «Ойингнинг бошидан кўп аламлар ўтган бўлса керак, кўп нарсаларга дош берган бўлса керак», деди. Манави китобни кўриб қолди: «Нима, сен «Рус тарихи»ни ўқий бошладингми? (Ваҳоланки унинг ўзи Москвада менга: «Сен озгина ўқисанг бўларди, жилла кўрса, Соловьевнинг «Рус тарихи» китобини кўриб қўйсанг бўларди, ахир, сен ҳеч нарсани билмайсан», деганди.) Яхши қилибсан, деди, шундай қил, ўқи. Биринчи бўлиб қайси китобларни ўқининг керак, мен ҳаммасини ёзиб бераман; истайсанми, йўқми?» Рост, у ҳеч қачон, ҳеч қачон мен билан бундай қилиб гаплашмаган эди, жуда ҳам ҳайрон бўлиб қолдим; биринчи марта ўзимни тирик одамдай сезиб, енгил нафас олдим.

— Мен бундан жуда хурсандман, Парфен,— деди князь чин кўнгилдан,— жуда хурсандман. Яна ким билади, балки худо қисматларингизни бирга қўшгандир.

— Бу ҳеч қачон бўлмайди!— деб жаҳл билан қичқирди Ро-гожин.

— Менга қара, Парфен, агар сен уни шунчалар яхши кўрар экансан, наҳот унинг ҳурматига сазовер бўлишликни истама-санг? Агар истасанг, наҳот бунга ишонмасини? Мен боя у сенинг нимангга тетади, деб ажабландим. Лекин мен бунга тушунолма-ётганимга қарамасдан барибир бунда ҳеч шак-шубҳасиз етаран, ақлга тўғри келадиган бир сабаб бўлиши керак. У сенинг севи-лишиги биледи; ҳеч шубҳасиз сенинг айрим фазилатларинг бор-лигини ҳам биледи. Асло бошқача бўлиши мумкин эмас! Ҳозир сен айтиб берган нарса шундан далолат беради. Ўзинг айт-сан-ку, у илгари мен билан ҳеч қачон бундай гаплашмаганди деб, шундай гаплашибдими, демек, бу ерда бир гап бор, албатта. Сен бадғумон ва рашкчи одамсан, шунинг учун ҳам кўзинга ёмон нарсалар кўп бўлиб кўринади. Албатта, у сен ҳақингда хаёл қилганингчалик ёмон фикрда эмас. Агар шундан бошқача бўл-са, унда у ўз ихтиёри билан ўзини ўтга отаётган, ўзи хоҳлаб ўзи-ни вобуд қилаётган бўлиб чиқади. Ҳеч шундай бўлиши мумкин-ми? Ким ўз ихтиёри билан ўзини ўтга ташлайди, сувга отади?

Парфен князнинг қизгин сўзларини аччиқ кулимсираганча эшитди. Лекин у қатъий бир қарорга келган одамга ўхшарди.

— Менга нега бундай оғир қарайсан, Парфен?— деб юборди юраги сиқилиб кетган князь.

— Ё ўтга, ё сувга!— деди Парфен ниҳоят. — Ҳе! Ахир, у менинг қайралган пичоғим борлигини билганидан ҳам менга тегмоқчи бўлаётгандир! Ахир, наҳот, сен, князь, шу пайтгача астигап нимада эканлигини англаб етмаган бўлсанг?

— Тушунтириброқ гапир.

— Ҳа, ростдан ҳам тушунмаётганга ўхшайди, ҳе-хе! Сен ҳақингда ростдан ҳам бекорга айтишмайди-ку... ҳалигиндай деб. У бошқани яхши кўради — тушунсанг-чи ахир. Ҳозир мен уни қандай яхши кўрсам, у ҳам бировни худди шундай яхши кўради. Биров ким, биласанми? Биров — *сенсан!* Нима, билмасмидини?

— Мен!

— Сен. У сени туғилган куни кўрганидан бери яхши кўриб қолган. Фақат у сенга тегининг сира яложи йўқ, деб ўйлайди, сени шарманда қилиб қўйишдан, ҳаётингни барбод қилишдан кўрқади. «Менинг қандай одамлигим маълум нараса», дейди. Ҳалигача шундай деб гапириб юради. Башарамга тик қараб айтган пайтлари ҳам бўлган. Сенинг ҳаётингни барбод қилишдан, юзингни шамгин қилишдан кўрқади, менга бўлса, ҳечқиси йўқ, тегса бўлаверади, деб ўйлайди,— кўрдингми мени қанчалар юқори қўйишини!

— Унда қандай қилиб сендан менга қочиб боради ва... мендан...

— Сендан эса менга! Ҳе! Ким билади дейсан бирдан унинг калласига нима фикр келиб қолишини! У ҳозир худди алаҳсираётганга ўхшайди. Бир куни қарасанг: «Бўлди, сенга тегаман, сени деб ўзимни ўтга-чўққа уришга тайёрман. Тезроқ тўйни бошла!»— деб қолади. Тезлаштир, деб шоширади, кунни белғилайди, кейин фурсат кела бошлагач, кўрқиб кетади ё бошига фикрлар келиб қоладими, билмайман, худо билади, ахир, ўзинг кўргансан-ку: йиғлайди, кулади, талвасага тушади, алаҳлайди. Сендан қочиб кетган бўлса, нимасига ажабланасан? Сени жуда қаттиқ яхши кўришини билиб қолгандан кейин қочиб кетган. Сенинг ёнингда туришга юраги дош бермаган. Сен боя айтдинг мен уни Москвада қидириб топганимми; ёлгон, унинг ўзи олдинга сендан қочиб келган эди: «Тўй кунини тайинла, деди, мен тайёрман! Шампанларни оч! Лўлиларнинг олдига борамиз!»— деб қичқирди. Э, нимасини айтасан, агар мен бўлмаганимда у аллақачон ўзини сувга ташлаган бўларди; рост айтганман. Сувга ташламай гурганининг боиси, мен балки унинг кўзига сувдан ҳам даҳшатлироқ бўлиб кўринсам керак. Менга аламидан тег-

моқчи... агар тегса, албатта, алами келганидан теккан бўлади.

— Қўйсанг-чи... қўйсанг-чи!..— деб қичқириб юборди князь, лекин гапини тугатмади. У Рогожинга даҳшатга тушган ҳолда қараб турарди.

— Нега охиригача айтмаяпсан,— деди Рогожин иршайиб,— агар хоҳласанг, ҳозир нима деб ўйлаётганлигингни айтиб бераман: «Энди қандай қилиб бунга тегади? Қандай қилиб бунинг олдини олса бўлади?» Нима деб ўйлашинг маълум...

— Мен бунинг учун келганим йўқ, Парфен, сенга айтяпман-ку, фикру хаёлим бовиқа нарсада деб...

— Албатта, унгамас-мунгамас, лекин охир бориб шунга бўлиб чиқади, ҳе-ҳе! Бошқа нарсада эмиш. Бўлди, етар! Нега юзинг бунча онтарилиб тушди? Э, наҳот, сен рости билан шуни билмаган бўлсанг? Ажаблантириб қўйдинг мени!

— Бунинг ҳаммаси рашқдан, Парфен, бунинг ҳаммаси хасталиқдан, сен ҳаддан ташқари ошириб юбординг...— деб гўлдиради князь қаттиқ ҳаяжонга тушган ҳолда.— Сенга нима бўлди?

— Тегма,— деди Парфен ва князнинг қўлидан пичоқни тортиб олди, ва яна уни турган жойига қўйди. Князь пичоқни стол устида ётган китобнинг ёнидан олган эди.

— Петербургга келаётганимда сезгандай эдим, хаёлимдан ўтгандай бўлганди...— деб давом этди князь.— Оёғим тортмаган эди бу ерга! Мен бу ердаги ҳамма нарсаларни бутунлай унутмоқчи, кўксимдан юлиб ташламоқчи эдим! Хўп, омон бўл... Сенга нима бўлди!

Князь шундай деб туриб яна стол устидаги пичоққа қўл югуртирган эди, Рогожин уни яна қўлидан тортиб олиб столга ташлади. Бу одмироқ, тиги бир қарич келадиган, сопи кийик суягидан ишланган, эни ҳам шунга яраша бўлган пичоқ эди.

Рогожин пичоқни князнинг қўлидан бир эмас, икки мартаба тортиб олди, князь бунга эътибор берганлигини сезган Рогожин аламига чидолмай пичоқни китобнинг ўртасига солди-да, нариги стол устига улоқтирди.

— Сен нима, китоб варақларини қирқасанми у билан?— деб сўради князь парижонхотирлик билан худди бутунлай бошқа бир нарсани қаттиқ ўйлаётган одамга ўхшаб.

— Ҳа, варақларни...

— Бу ахир, катта пичоқ-ку?

— Ҳа, катта пичоқ. Нима, катта пичоқ билан варақларни қирқиш мумкин эмасми?

— Ахир у... яп-янги экан.

— Янги бўлса нима қилибди? Ахир мен янги пичоқ сотиб

ололмайманми?— деб жазаваси кўзиб қичқириб юборди Рогожин ниҳоят ҳар бир сўздан жаҳли чиқа бошлаб.

Князь сесканиб кетди ва Рогожинга тикилиб қаради.

— Вой бизни қара-ю!— деб кулиб юборди у бирдан ўзига келиб ҳушёр тортиб.— Мени кечир, оғайни, ҳозир шу қадар бошим лўқиллаб кетяпти, яна касалим... мен бутунлай паришон ва кулгили бўлиб қолмоқдаман. Мен умуман бошқа бир нарса-ни сўрамоқчи бўлиб тургандим... Нима, эсимда йўқ. Омон бўл...

— У ёққамас,— деди Рогожин.

— Эсимдан чиқибди!

— Бу ёққа, бу ёққа, юр, ўзим кўрсатаман.

IV

Князь боя ўтиб келган хоналардан юриб бордилар; Рогожин бир оз олдинроқда, князь унинг ортинча борар эди. Катта залга кирдилар. Бу ерда деворларга суратлар илинган, уларда нуқул архиерейлар билан манзаралар тасвирланган, лекин аниқ нима тасвирланганлигини билиб бўлмасди. Қўшни хонага кириладиган эшикнинг тепасига шакли жуда ғалати, узунасига икки метрча ва баландлиги ярим қулоч келиб қоладиган бир сурат осилганди. Унда ҳозиргина хочдан олинган Масиҳо тасвирланган эди. Князь ниманидир эслагандай бўлиб суратга кўз қириши ташлади, лекин тўхтаб ўтирмай эшикдан чиқиб кетмоқчи бўлди. Унинг юраги жуда ҳам сиқилиб кетган, тезроқ шу уйни тарк этишни истарди. Лекин Рогожин кутилмаганда сурат қаршисида тўхтади.

— Мана шу ердаги суратларнинг барини,— деди,— бозордан отам бир сўм-икки сўм бериб сотиб олган, отам суратни яхши кўрарди. Суратларни битта биладиган одам кўрди, бўлмағур нарсалар, деди, фақат манови эшик тепасидаги сурат бўлади, дейди, бу суратни ҳам марҳум падарим икки сўмга олган эканлар. Падар ўзлари барҳаёт пайтларида бир одам уч юз эллик сўм бераман шу суратингизга, деган экан, савдогар Савельев эса, Иван Дмитрич, бунақа нарсаларга ишқибоз, тўрт юзга кўтарибди баҳосини, ўтган ҳафта укам Семен Семеничга беш юз сўм бераман, депти. Мен ўзингга олиб қолдим.

— Ҳа бу... Ганс Гольбейннинг суратидан бир нусха,— деди князь суратга кўз ташлаб,— мен унчалар тушунавермасам ҳам, лекин аъло нусха эканлиги кўриниб турибди. Мен бу суратни чет элда кўрганман, ҳеч ёдимдан чиқмайди. Аммо... нега сен...

Рогожин бирдан суратни қўйиб яна йўлда давом этди. Рогожин кутилмаганда жуда паришон ва ғалати зардали бир кай-

фиятга тушган, унинг ҳозирги шиддатли ҳаракатлари мана шу билан изоҳланарди. Лекин шундай бўлса ҳам унинг ўзи гап бошлаб ўзи ташлаб кетиши, князнинг гапига жавоб бермаганлиги ва ўртада сўзнинг бирдан бўлиниб қолганлиги князга жуда ажабланарли бўлиб туюлди.

— Биласанми, Лев Николаевич, сендан қачонлардан бери сўрамоқчи бўлиб юрардим, сен худога ишонасанми ё йўқми?— деб кутилмаганда яна сўз очди Рогожин бир неча қадам юриб боргандан сўнг.

— Жуда ҳам ғалати қилиб сўрайсан-а... нега бундай қарайсан!— деди князь беихтиёр.

— Мен бўлсам, шу суратни томоша қилишни яхши кўраман,— деб пичирлади Рогожин худди берган саволини эсидан чиқаргандай бирпас жим тургач.

— Шу суратгами!— деб қичқириб юборди князь миясига келиб қолган кутилмаган бир фикрнинг таъсирида,— шу суратгами! Э, бу суратга одамнинг диндан чиқини ҳеч гапмас.

— Чикса чиқаверади!— баъогоҳ тасдиқлади Рогожин. Улар кўчага чиқиладиган эшикка келиб қолган эдилар.

— Яъни қандай?— жойида тўхтаб қолди бирдан князь.— Нима деясан ўзи! Мен ҳазиллашиброқ айтгандим, сен бўлсанг жиддий гапирясан! Худога ишонасанми деб нимага сўрадинг?

— Шундай, ўзим. Мен илгари ҳам бир сўрамоқчи бўлган эдим. Ҳозир кўпчилик ишонмайди. Менга қара, шу ростми (сен чет элда яшагансан-ку)— менга бир одам маст пайтида айтган эди— бизнинг Россиямизда худога ишонмайдиганлар бошқа ерлардагидан анча кўпроқ деганди? «Бизга, деди, бошқаларга қараганда енгилроқ, чунки биз улардан ўзиб кетганмиз...»

Рогожин аччиқ киноя билан иршайди. У шу саволини айтди-ю, бирдан эшикни очиб, тутқичдан ушлаганча князнинг чиқини кута бошлади. Князь ҳайрон бўлди, лекин чиқди. Рогожин ҳам унинг кетидан зина майдончасига чиқди ва эшикни ёпди. Улар худди қаерга, нимага келганларини бирдан унутиб қўйган одамлардай рўнарама-рўнара нима қилишларини билмай турардилар.

— Омон бўл,— деди князь унга қўлини узатиб.

— Омон бўл,— деди Рогожин ҳам ғайришуурий тарзда ўзига узатилган қўлни қаттиқ қисаркан.

Князь битта зина пастга тушиб орқасига қаради.

— Динга келганда,— деди у табассум қилиб (у Рогожинни мана шу аҳволда қолдириб кетишни истамади шекилли) ва тўсиндан бир нарса эсига тушиб кетиб, шунинг таъсирида жонланаркан,— динга келганда, мен ўтган ҳафта икки кун ичида тўрт одам билан учрашиб қолдим. Эрталаб янги қурилган темир йўл-

дан кетаётиб вагонда бир киши билан танишиб қолдим, гаплашиб кетдик. Мен олдчилар ҳам бу одам ҳақида анча эшитгандим, менга уни даҳрий деб айташганди. У чиндан ҳам жуда олим одам ва мен олим одам билан гаплашиб кетаман, деб хурсанд бўлдим. Бунинг устига у жуда ҳам тарбия кўрган киши экан, мен билан худди ўз тенгидай кўриб гаплашди. У худога ишонмайди. Фақат бир нарса мени жуда ҳайратга солиб қўйди: лекин у нуқул назаримда худди чет бир нарсани гапиргандай бўлаверади, яна ҳайратга тушганимнинг сабаби шундаки, мен илгарилар ҳам худога ишонмайдиган одамлар билан қанча гаплашмай, уларнинг китобларини қанча ўқимай улар барибир гапирганларида ҳам, ёзганларида ҳам худди бошқа бир нарса ҳақида гапиргандай ва ёзгандай бўлиб кўринардилар, улар шу ҳақда ёзмоқчилару, лекин ёзганлари шу ҳақда эмасдай. Мен ўшанда унга шу гапни айтдим, лекин тушунтириб айтолмадимми, у ҳеч нарсани тушунмади... Кечқурун мен вилоят меҳмонхонасида ётиб қолдим, бу ерда ўтган кеча биров бировни ўлдириб кетган экан, мен борганимда ҳамманинг оғзида фақат шу гап эди. Иккита бир-бирини яхши биладиган, ёши ҳам анчага бориб қолган деҳқон чой ичиб бўлганларидан сўнг битта хонада ухламоқчи бўладилар. Лекин улардан бири икки кундан бери ўртоғининг бўйнида майда сариқ занжирли кумуш соат осиб юрганлигини кўради, илгари унинг бундай соати йўқ экан. Бу одам умрида ўғирлик қилмаган, деҳқончилик билан кун кўрган, ҳалол, ўзига тўқ содда киши экан. Лекин ўртоғининг соати кўзига шунчалар чиройли кўриниб кетибдики, унинг фикри бузилибди ва ниҳоят чидамасдан ўртоғи орқасини ўгириб ухлаб қолганда пичоқни олиб секин бориб ўртоғининг калласини шарт узиб ташлабди, сўйнишдан олдин қўзини осмонга тикиб чўқиниб олибди, хафа бўлиб ичиде дуо ҳам ўқибди: «Худоё худовандо, Исо ҳаққи, ўзинг кечиргайсан!» Сўнг қўйдаи бўғизлаб ўртоғининг бўйнидан соатини чиқариб олибди.

Рогожин қотиб-қотиб кулди. У худди ҳозир тутқаноғи тутиб қоладигандай хахоларди. Боягина қовоқ-тумшуги осилиб турган одамнинг бундай кулиши жуда ғалати кўринарди.

— Мана бунга қойилман! Йўқ, мундан ҳам ажойиб бўлиши мумкинмас!— деб қичқирарди у титраб-қақшаб худди бўғилиб қолгудай бўлиб.— Биттаси худога мутлақо ишонмайди, иккинчиси худога шу қадар ишонадики, ибодат қилиб туриб одам сўяди... Йўқ, биродарим князь, бунақасини етти ухлаб ҳам тушингда кўришинг қийин! Ха-ха-ха! Йўқ, жуда ажойиб экан!

— Эрталаб мен шаҳарни айлангани чиқдим,— деб давом этди князь ҳамон асабий кулгидан ўзини йиғиштиролмай турган Рогожин бир оз тўхтагач,— ичиб маст бўлиб олган бир сол-

дат ёғоч йўлкадан гандираклаб бораётганлигини кўрдим, ҳамма ёғи дабдала бўлиб кетган. Олдимга келди: «Барин, мана шу кумуш крестни ол, сотаман, биттанга; кумуш!» У бўйнидан ҳозиргиша олган бўлса керак, тасмаси кўк, кўп тутилган крестни қўлида ушлаб турибди, лекин кумуш эмас, қалай, ўзи катта, чинакам саккиз қиррали Византия крестни. Мен унга танга бериб крестни олдим ва дарров бўйнимга тақиб олдим. У бўлса калласи йўқ баринни тоза аҳмоқ қилдим деб ўзини жуда хурсанд эди, крестнинг пулини ичгани шубҳасиз, дарров қовоқхонага қараб равона бўлди. Ушанда мен, биродар, Русияда кўрган кечирганларимдан жуда қаттиқ таъсирланган эдим. Илгари мен Русни сира билмас, тушунмас эканман, кўзим кўр, қулогим қар экан, беш йил чет элда юриб ўйлаганим, хаёл қилганим бутунлай бошқа Россия экан. Ушанда ўзимга-ўзим: йўқ, ҳали бу Исони сотиб ичадиганни қораламай тураман. Ичкиликка муқкасидан кетган бу шўрликларнинг юракларида нима бор, бир худонинг ўзига аён дейман. Бир соатлардан сўнг меҳмонхонага қайтдим, эмизикли боласини кўтариб турган бир хотинга дуч келдим. Хотин ҳали ёш, боласи ҳам ҳали бир ярим ойлик. Назарида боласи табассум қилгандай бўлибди. Тугилгандан бери биринчи маротаба жилмайинчи экан. Бундай қарасам, хотин кўрқа-писа чўқиниб-чўқиниб оляпти. «Сенга нима бўлди, ҳей, хотин?»—дедим (ўша пайтларда сўраганим сўраган эди). «Чақалогининг биринчи марта кулганини кўрган онаизор қандай қувонса, гуноҳкор бандасининг чин дилдан тавба қилиб кўкка ёлвораётганлигини кўрган худо ҳам шундай қувонади ҳар сафар». Хотин худди шундай деди ва шундай нозик, шундай чуқур ва чинакам художўй бир фикрни айтди, бу фикр христианликнинг моҳиятини тўлалигича қамраб олади, биз худони бизни дунёга келтирган надар деб англаймиз ва худо одамзоддан ўз фарзанди каби қувонади, деб тушунамиз, ана шу эмасми Исонинг энг улуғ фикри. Оддий хотин! Рост, она. Қим билади, балки у бояги ароқ-хўр солдатининг хотинидир. Менга қара, Парфен: сен мендан боя сўрадинг, мана меннинг жавобим: диндорлик туйғусининг моҳиятини муҳокамалар билан, бировнинг қилган қилгиликлари билан, турли-туман худони инкор қилувчи даҳриёна мулоҳазалар билан англашиб бўлмайди. Бу аллақандай бутунлай бошқа бир нарса ва абадулабад шундай бўлиб қолади. Бу шундай нарсаки, турли-туман атеизмлар абадулабад қоқилиб юради ва абадулабад керакли гапни топиб айтолмайди, шу ҳақда гапирдим, деб бутунлай бошқа нарсани гапираверади. Лекин энг муҳими, мана шу нарсани рус кишисининг қалби орқали пайқаб ололасан киши, мен шундай хулосага келдим! Бизнинг Россиямиздан чиқарган хулосаларимдан бири ҳам шу. Қиладиган иш кўп,

Парфен! Руснинг оламида ҳали қиладиган ишлар жуда кўп, гапларимга ишон! Эсингдами, биз Москвада учрашиб гаплашганларимиз... Мен сира бу ерга қайтиб келмоқчи эмасдим! Сен билан бутунлай, бутунлай бошқача бир тарзда учрашарман дегандим!.. Э, майли энди!.. Хайр, омон бўл! Худо ёр бўлсин сенга!

У орқасига ўгирилиб пастга тушиб кета бошлади.

— Лев Николаевич!— деб қичқирди Парфен князь зинанинг ўрта майдончасига бориб қолганда тепадан туриб,— солдатдан сотиб олган крестинг ёнингдами?

— Ҳа, ёнимда.

Князь яна тўхтади.

— Менга кўрсат-чи.

Тоза қизиқ бўлди-ку! Князь ўйланиб турди, юқорига кўтарилди ва бўйиндан олмасдан бутни Парфенга кўрсатди.

— Менга бр,— деди Рогожин.

— Нимага? Ахир сен...

Князнинг бутни бергиси йўқ эди.

— Тақиб юраман, ўзимникини сенга бераман, сен тақиб юр.

— Бут алмашамизми? Майли, Парфен, ундай бўлса, мен хурсандман; оға-ини тутиндик!

Князь ўзининг қалай крестини берди, Парфен олтин крестини. Парфен индамасди. Тутинган биродарининг чеҳрасида ҳамон аччиқ ва масхараомуз бир ифода, бадгумонлик чизиқлари, мазах кулги ўчмай турганлигини, липиллаб унинг юзига соя солаётганлигини кўрган князнинг юраги қаттиқ сиқилди. Ниҳоят Рогожин князнинг қўлини индамай олди-да, нимагадир журъат қилмагандай бир зум туриб қолди. Ниҳоят овози ичидан чиқарчиқмай «юр», деди-да, уни ўз орқасидан эргаштирди. Биринчи қаватнинг майдончасидан ўтиб рўпарадаги эшикнинг қўнғироғини чалдилар. Эшик дарров очилди. Қариб қолган, букчайган, қора кийинган, бошини рўмол билан танғиган бир хотин сасизгина Рогожинга эгилиб таъзим қилди; Рогожин ундан тезгина ниманидир сўради-да, жавобини кутиб турмасдан князни хоналардан олиб ўта бошлади. Яна нимқоронги, аллақандай фавқуллодда озода ва салқин, оппоқ ғилофларга ўралган қадимий жиҳозлар қўйилган саришта хоналар бошланди. Рогожин эшикни тақиллатиб ўтирмасдан князни меҳмонхонага ўхшайдиган, йилтираб турган қизил оғоч билан тўсилган, икки биқинида икки эшиги бўлган чоғроқ бир хонага бошлаб кирди, бу эшиклардан бири ётоққа олиб чиқса ҳам эҳтимол. Меҳмонхонанинг тўрида печь олдидаги креслода кичкина бўлиб қолган бир кампир ўтирар, кўринишдан уни унчалар кекса деб ҳам бўлмас, юзи думалоқ ва истараси иссиқ, соғлом, лекин сочлари бутунлай оқариб кетганди (бу бир қарашдаёқ кўзга ташланарди), у бу-

тунлай ёш болага айланиб қолганга ўхшарди. Кампир қора шерсть кўйлак, елкасида каттакон қора рўмол, пешонасини қора лентали оппоқ пешонабоғ билан тангиган эди. Оёқларини кичкинагина тахта куречига тираб олганди. Унинг ёнида озодагина, қора кийинган ва қора лентали оппоқ пешонабоғ тангиган, афғидан, қандайдир синида аёллардан бўлса керак, яъни бир аёл жимгина найвоқ тўқиб ўтирарди. Улар анчадан бери жимгина ўтирганга ўхшардилар. Биринчи кампир Рогожин билан князни кўриб уларга жилмайди ва хурсанд бўлганлигини блядириб бир неча маротаба бошини майингига эгиб қўйди.

— Ойижон,— деди Рогожин унинг қўлидан ўпиб қўяркан,— бу менинг энг яхши дўстим князь Лев Николаевич Мишкин; биз у билан бутларимизни алмашдик; у Москвада менга акалик қилди, ундан кўп яхшиликлар кўрдим. Ойижон, уни худди ўз ўзлагидек дуо қилиб қўйинг. Шонманг, ойижон, мен ҳозир қўлагизин оламэн...

Лекин кампир то Парфен унинг қўлини олгунча ўнг қўлини кўтариб учта бармоғини бириктирди-да, князни уч маротаба художўйлик билан чўқитириб қўйди. Кейин унга яна бир қара майинлик ва муқойимлик билан бошини силкиди.

— Бўлди, кетди, Лев Николаевич,— деди Парфен,— сени фақат мана шунга олиб келгандим...

Қайтиб зинага чиққанларидан сўнг у қўшиб қўйди:

— Қара, у ҳеч нарсани яхши тушунамайди, гапининг англамайди, сўзимдан ҳеч нарсани пайқамади, барибир сени дуо қилиб қўйди; демак, ўзи шунга истаган... Майли, хайр энди, сен ҳам боришинг керак, мен ҳам.

Шундай деб у ўз зинини очди.

— Кел, кета туриб сен билан бир кучоқлашайлик, ҳей ғалати одам! деб қичқирди князь юмшоқ бир таъна билан, сўнг уни кучоқламоқчи бўлди. Аммо Парфен қўлини пича кўтарди-ю, яна дарров туширди. У журъат қилолмади; князнинг кўзига қаролмасдан юзини ўтирарди. У князни кучоқлашни истамасди.

— Дарвоқе! Мен сенинг бутингни олган бўлсам ҳам, лекин соатни деб сўйиб кетмайман!— деб англашилмас даражада гўлдиради у ғалати қилиб куларкан. Лекин бирдан унинг бутун юзи ўзгариб кетди: ранги қумдай оқарди, лаблари қалтиради, кўзларидан ўт чақнади. У қўлларини ёзиб князни маҳкам кучоқлаб олди ва бўғилганча деди:

— Тақдир қўшган бўлса, майли, ол уни! Сеники! Сенга бердим! Рогожинни ёдингдан чиқарма!

Шундай деб у шошиланча князни қолдириб уйга кириб кетди, эшик қарсиллаб ёпилди.

Кун оғиб соат икки яримлар бўлиб қолди, князь борганда Епанчин кетиб қолганди. У ташриф қоғозини қолдириб «Тарози» меҳмонхонасига бормоқчи ва у ердан Коляни топмоқчи бўлди. Агар Коля бўлмаса унга хат ёзиб қолдираман, деб ўйлади. «Тарози»да унга Николай Ардалионович эрталаб чиқиб кетганлигини, лекин кетаётганда, мени ким сўраб келса, соат учгача қайтиб келаман деб тайинлаганлигини, агар соат уч яримгача етиб келмаса, унда Павловскка, генерал ойим Епанчинанинг боғига чиқиб кетган бўлишини ва ўша ерда тамадди қилишини маълум қилдилар. Князь кутмоқчи бўлди ва овқатланиб ола қолай деб тамадди қилгани ўтирди.

Коля уч ярим бўлганда ҳам, тўртда ҳам келмади. Князь кўчага чиқиб боши оққан томонга қараб кетди. Ёзнинг бошларида баъзан Петербургда жуда гўзал иссиқ, ёруг, сўлим кунлар бўлади. Атай қилгандай шу бугун ҳаво мана шундай жуда гўзал эди. Князь аллавақтгача нима қилишини билмай айланиб юрди. У шаҳарни яхши билмасди. Гоҳо кўча чорраҳаларида, баъзи уйларнинг олдида, майдонларда, кўприклар устида тўхтаб қоларди. Бир марта дам олиб ўтиргани қандолатхонага кирди. Баъзан жуда қизиқиб йўловчиларни кузата бошларди; лекин кўпинча на йўловчиларни ва на ўзининг қаерда кетаётганлигини пайқарди. Унинг асаблари жуда ҳам тарап тортилган, кўнгли гоятда алагда эди, шунинг билан биргаликда у жуда ҳам ёлғиз қолишни истарди. Ёлғиз қолсам дегди ва мана шу тилғиз азобни ўз ҳолига қўйиб беришни хоҳларди, ҳеч қандай тadbир, чора кўришни истамасди. Жонига ёпирилиб ҳужум қилаётган лаънати саволларга жавоб топишдан безор бўлиб кетганди. «Нима, буларнинг барига мен айбдормидим?»— деб гўлдирадди у ўзидан-ўзи ҳатто нима деяётганлигини ҳам англамасдан.

Соат олтиларга бориб у Царскосельский темир йўлининг устидан чиқиб қолди. Тезда яна ёлғизлик жонига тегди: унинг бутун вужудини янги бир ингилиш ва янги бир ҳаяжон қамраб олди ва бир зум жонини қийноққа солган зулматни ёритиб юборгандай бўлди. У Павловскка билет олди ва у ерга тезроқ боришга жони ҳовлиқиб турди; лекин уни алланима тўқиб қилар ва бу хаёлий эмас, бор нарса эди, унда шундай деб ўйлашга майл бор эди. У вагонга ўтира туриб ҳозиргина олган билетини полга ташлади ва довдираган, ўйга ботган ҳолда воксалдан чиқиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг у кўчада бирдан ниманидир эслагандай, бир нарса кутилмаганда хаёлига келиб қолгандай бўлди, ана шу алланима уни қачонлардан бери негадир нотинч, безовта қилар, жуда ғалати нарса эди. Бирдан у ўзини анчадан

бери давом этаётган, лекин уни шу дақиқагачайин сира илғаб ололмаётган бир машғулот билан банд бўлаётганлигини онгли бир тарзда сезиб қолди: мана бир неча соат бўладики, у «Тарози»да ҳам ва ҳатто, афтидан «Тарози»дан олдинроқ ҳам ҳадеса теварагидан худди бир нарсани қидираётгандай бўлаверарди. Бирпасдан сўнг бу яна эсидан чиқар, ярим соатча бу ҳақда ўйламас, сўнг яна атрофига айланиб қараб алланиманидир безовта бўлиб излай бошларди.

У ўзини мана шундай ғайришуурий ва хаста бир ҳолга тушганлигини ва анчадан бери ундан қутулолмаётганлигини сезиб қолган бир онда бирдан унинг кўз ўнгида жуда ҳам антиқа бошқа бир воқеа гавдаланди: у нуқул атрофидан худди йўқотиб қўйган нарсасини қидираётгандай бўлаётганлигини сезиб қолган дақиқада у ўзининг йўлка устида туриб бир дўконнинг ойнасига қўйилган товарларни шоён бир қизиқиш билан кўздан кечирганлигини хотирлади. Энди у ўзини албатта текшириб кўрмоқчи бўлди: у ростдан ҳам ҳозир, яъни бундан беш дақиқа илгари ўша дўконнинг ойнаси олдида турганмиди йўқми, тагин кўзига шундай бўлиб кўринмадимикки, бирон нарсани чалкаштириб юбормадимикки? Ҳақиқатан ҳам ўша дўкон ва ўша нарсаси мавжудмикки? Ахир у ўзини бугун жуда ҳам нотоб ҳис қиляпти, олдинги касали пайтида тутқаноқ тутишидан аввал у ўзини худди мана шундай сезарди. У тутқаноқ тутишидан аввал ўзини мана шундай ҳаддан ташқари паришонхотир бўлишини, агар одамларга ва нарсаларга қаттиқ зеҳн солиб қарамаса, кейин уларни бутунлай чалкаштириб юборишини биларди. Дўкон олдида борган-бормаганлигини текшириб кўрмоқчи бўлаётганлигининг бошқа бир жиддий сабаби ҳам йўқ эмасди: дўконнинг ойнасига қўйилган ашёлар ичида биттаси диққатини қаттиқ жалб қилган, унинг баҳоси кумуш танга ҳисобида олтмиш тийин эди, у шунча ташвишда ва ҳаяжонда юрган бўлишига қарамасдан буни яхши эслаб қолганди. Демак, агар дўкон ростдан ҳам мавжуд бўлса, ва ҳалиги нарсаси ҳам ойнага қўйилган бўлса, у чоғда ҳақиқатан ҳам шу нарсаси туфайли дўкон олдида тўхтагани рост чиқади. У темир йўл воксалидан оғир бир хижолат ва довдираш ичида чиқди, шунга қарамасдан дўконга қўйилган нарсасига эътибор қилди ва уни эслаб қолди, демак, унинг бу қизиқиши асло бежиз эмас. Унинг юраги безовта ва сабрсиз дучиллаб урар ва кўчанинг ўнг томонига юраги қаттиқ сиқилганча қараб борарди. Бироқ мана ўша дўкон, ахийри топди! У энди орқага қайтмоқчи бўлиб турганда дўкондан беш юз қадамча берида эди. Мана ўша олтмиш тийинлик нарсаси ҳам турибди; «албатта, олтмиш тийин, ортиқ турмайди»,— деб тасдиқлади у ҳозир ва кулиб юборди. Лекин у асабий кулди; у ўзини жуда

ёмон сезди. У ҳозир худди ойна рўпарасида туриб орқасига ўгирилиб қараганлиги ва Рогожиннинг назарига дуч келганлигини эслади. Боя ҳам шундай бўлган эди. Янглишмаганлигига ишонч ҳосил қилгач (воқеан, у текширмасдан бурун ҳам бунга имони комил эди), у дўкондан тезроқ нари кетишга шошилди. Буларнинг барини тезроқ фикрлаб олиш керак эди, фикрлаб олмаса бўлмасди. Энди воқеалар ҳам янглишмаганлиги равшан эди, унга ҳеч шубҳасиз нимадир бўлибди, унинг безовта бўлишлари бежиз эмас экан, мана шу нарсага боғлиқ томони бор экан. Лекин ич-ичидан энгиб бўлмас бир нафрат кўзида ва у бошқа нарсалардан устун чиқди: у ҳеч нарсани ўйлаб, фикрлаб кўришни хоҳламади, фикрлаб ўтирмади ҳам; у бутунлай бошқа нарса ҳақида ўйлашиб кетди.

Чунончи, у мана нима ҳақида ўйлади: ҳар сафар уни тутқаноқ туттишидан илгари албатта бир ҳолат рўй берарди (агар албатта расмана тутқаноқ тутса), шунда дарддан, бесимдан, қийноқлардан юраги зимистон бўлиб кетган бир дақиқада шундай сониялар бўлар эдики, кутилмаганда мияси ярақлаб кетар ва бутун ҳаётини қувватлари бирдан очилиб, жонланиб, кучга тўларди. Худди чақиндек ялт этиб ўтадиган ушбу онларда унинг ҳаёт сезилари, ички шуури ўн барабар ортарди. Ақли ва юраги фавқулодда бир нур билан ёришиб кетарди; унинг бутун ҳаяжонлари, бутун шубҳалари, бутун ташвишлари бир зум ичида тинчир, уйғун мубин шодибона ва умидлар билан, оқиллик ҳамда тугал санимлар билан тўлган аллақандай олий осойишталикка айланарди. Лекин бу онлар, бу порлоқлик тутқаноқ бошланганига узил-кесил сониядан (ҳа, бу ҳеч қачон сониядан ортиқ бўлмайди) фақат дарак берибгина ўтарди. Мана шу сонияга чидаб бўлмасди. Ушбу сония хусусида кейинроқ соғайиб кетган пайтларда ўйлаганларида у ўзига айтарди: ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини сезишнинг бу олий чақинлари ва ёлқинлари, яъни «олий борлиқ»нинг кўринишлари соғлом ҳолатдан чиқиш, яъни нотобликдан бошқа нарса бўлиши мумкинмас, шундай экан, бу олий борлиқ эмас, балки, аксинча, энг тубан ҳолатлар деб ҳисобланиши керак. Лекин у барибир алоҳа жуда антиқа, умумнинг фикридан кескин фарқ қиладиган бир нуқтага келди: «Хўп, бу касаллик бўлса нима қипти?— деган хулосага келди у ниҳоят.— Бу зўриқиш касаллик бўлса нима? Ахир, соғлом ҳолингга эсланингда ва фикрлаб кўрганингда ўша оннинг сезгиси, ўша ондаги руҳий натижа энг олий даражадаги уйғунлик ва гўзаллик бўлиб чиқади, шу пайтгача асло кўрилмаган, хаёлга ҳам келтирмаган тўлғинлик, етуклик, мавзунлик, ҳаётнинг олий таркиботига сиғиниб у билан шодон шавқ-завққа тўлган ҳолда қовушиб кетиш қанот туйғусини бағишлайди, шундай экан,

соғломликнинг белгиси бўлмаса нима?» Бу мавҳум ифодалар гарчи ҳали жуда заиф бўлсалар-да, лекин унинг ўзига жуда ҳам тушунарли эди. Бу нарсаларнинг «сигиниш ва гўзаллик» ҳақиқатан ҳам «ҳаётнинг олий таркиботи» эканлигига у заррача шубҳа қилмасди, шубҳага йўл қўйиши ҳам мумкин эмасди. Ахир шу онда унинг кўзига кўринган нарсалар қорадори ё афюн, ё май ичганда хаёлга келадиган, одамнинг тасаввур шарафини бузадиган ва ерга урадиган, дилни вайрон қиладиган гариб ва бекорчи хулёлардан бутушлай бошқача-ку? Бу ҳақда у соғайиб кетган пайтларида бемалол муҳокама юритарди. Бу оилар бир сўз билан айтиладиган бўлса, ўз-ўзини англаш фавқулодда даражада кучайган ва шу билан бирга ўз-ўзини сезиш ҳам бевосита қудратли кучга эга бўлган ҳолатдан бошқа нарса эмасди. Агарда тутқаноқ тутуш ва ҳушдан кетиш олдидаги худди ўша он ичида у ўзига-ўзи равшан ва аниқ қилиб: «Ҳа, шу онга бутун умрин бағишласа арзийди!»— деб айтишга улгурса эди, унда ҳақиқатан ушбу сония ўз ҳолича бир умрга арзиши мумкин эди. Лекин у ўз хулосасининг диалектик жиҳатларига унчалар ишончи қомил эмасди: «олий дақиқалар»нинг тўғридан-тўғри натижаси бўлган меровлик, ҳиссиётларнинг зулмат билан қопланиши, оварлик унинг кўз ўнгида жуда яққол гавдаланарди. Албатта, у бу хусусда жиддий баҳслашиб ўтирмасди. Шу онни баҳолашда, ундан чиқарилган хулосада, шубҳасиз, у хатога йўл қўярди, лекин сезгиларнинг чиндан ҳам шундайлиги уни бир оз шошириб қўярди. Агар шундай бўлса чиндан ҳам унда нима қилмоқ керак? Ахир, шундай онларни у бошидан кечирганди-ку ва ўша онларда ҳа, бу онлар бир умр эвазига арзийдиган онлар деб хаёлига келтириб улгурганди-ку, ахир шу онда у ўзини беҳад бахтиёр деб ҳис этган пайтлари бўлмаганимди. «Шу онда, — деб айтганда у бир кун Москвада Рогожинга, — мана шу онда менга бошқа *фуркат бўлмайти*, деган жуда ҳам галати ган ҳалдан ташқари тушунарли бўлиб туюларди. Балки, — деб қўшиб қўйди у кулимсираганча, — бу жунушпор Муҳаммаднинг сув тўлатилган кўзаси ерга тушиб, лекин ичидаги суви ерга тўкилиб улгурмаган, лекин Муҳаммад худонинг бутун манзил-маобларини кўздан кечириб чиқишга улгурган бир он бўлса керак». Ҳа, улар Москвада Рогожин билан тез-тез кўришиб турар ва кўп нарсалар ҳақида суҳбатлашардилар. «Рогожин боя Москвада менга акалик қилган, деди; у биринчи марта бугун шундай деди», — деб ўйлади князь ичида.

Князь Езги боғда дарахт тагидаги ўриндиқда ўтириб мана шуларни хаёлидан кечирди. Соат етилар бўлиб қолганди. Боғ бўм-бўш эди; ботаётган қуёшнинг юзини бир зум аллақандай қора куланкалар тўсди. Ҳаво дим эди; момақалдироқ бўлади-

ганга ўхшарди. Шу хаёл суриб ўтириши унга мисоли бир тузоқ эди ва у шу тузоқ ичидан чиқиб кетишни истамасди. Унинг ақли ва хотиралари дуч келган нарсага илинар, шу ҳозир унга ёқмоқда эди: у нуқул кечиктириб бўлмайдиган, қилиниши зарур бўлган бир нарсани унутишни истар, лекин атрофига кўз югуртириши билан яна шу нарса ёдига тушар, ўзининг гамгин хаёлига дуч келарди, у қанчалар хоҳларди шу хаёлдан қутулмоқни. Яқинда у қовоқхонада югурдак билан бир одамни жуда ғалати қилиб ўлдириб кетганлари ва бу ҳақда кўтарилган шов-шувлар ҳақида гаплашган эди, ҳозир шу нарса ёдига тушди. Шунини эслаши билан у яна ўзини жуда ғалати сезди.

Фавқуллода бир истак бирдан унинг бутун иродасига ҳоким бўлиб олди. У ўрнидидан туриб богдан тўғри Петербург томонга йўл олди. Боя у Нева бўйида бир ўткинчидан, менга шу ердан туриб Петербург томонини кўрсатиб юборсангиз, деган эди. Унга кўрсатдилар, лекин ўшанда у бормади. Ҳар ҳолда бугун борганининг ҳеч фойдаси йўқ эди: у буни биларди. У адресни олган эди. У Лебедевнинг қариндошининг уйини қийналмасдан топиб бороларди. Лекин уни уйдан топишига ишончи комил эмасди. «Павловскка кетган бўлиши тайин, бўлмаса Коля «Тарози»да келишганимиз бўйича бир хабар қолдирган бўларди». Хуллас, агар у ҳозир ўша ёққа бораётган бўлса, уни кўраман деб кетаётган эмасди. Маънос, одамни қийнайдиган бир қизиқиш унга тинчлик бермай қўйганди. Қалласига кутилмаганда янги бир фикр келиб қолди...

Лекин унга ҳозир шу бораётганию, қаерга бораётганини аниқ билишининг ўзи етарли эди. Бир дақиқадан сўнг у қайси йўлдан кетаётганининг ҳам найқамасдан кетиб борарди. Ўзининг «кутилмаганда келиб қолган гоёсини» ўйлаб ўтиришга унинг тоқати қолмаган, буни ўйласа кўнгли озарди. У дуч келган нарсага ўзини қийнаб бўлса ҳам диққат билан тикилиб қарар, осмонга, Невага кўз югуртирарди. У рўпарасидан чиққан кичкина бола билан гаплашмоқчи бўлди. Худди унинг ҳушдан кетадиган пайти яқинлашаётгандек эди. Узоқдан момақалдироқ жуда секинлик билан бўлса ҳам яқинлашмоқда эди. Олислардан қалдиروқнинг бўғиқ садоси эшитиларди. Ҳаво жуда ҳам дим бўлиб кетди...

Баъзан одамнинг эсига бир музыка парчаси тушиб қолади ва жонига тегиб кетган бўлишига қарамасдан шунини хаёлан қайтараверади, ҳозир худди шунга ўхшаб нуқул унинг эсига боя ўзи кўрган Лебедевнинг жияни тушмоқда эди. Ғалати жойи шунда эдики, уни боя Лебедевнинг ўзи айтган қотил қиёфасида тасаввур қилмоқда эди. Ҳа, бу қотиллик ҳақида у яқинда газетлада ўқиган эди. Россияга келганидан бери бундай воқеалар

ҳақида жуда кўп эшитмоқда ва ўқимоқда эди. У буларнинг барини қўймай кузатиб борарди. Боя қовоқхона югурдаги билан гаплашиб қолганида ҳам Жемаринларнинг ўлдирилиши ҳақида суриштирди. Югурдак унинг фикрларига қўшилди, шу эсига тушди. Югурдакнинг ўзини ҳам эслади. Анчагина ақлли, вазмин ва эҳтиёткор бола кўринади, «яна қандайлигини худонинг ўзи билади. Янги ерда янги одамларни билиб олиш жуда қийин». Дарвоқе, у рус қалбига энди завқ-шавқ билан қарамоқда эди. О, шу олти ой ичида унинг кўзлари нималарни кўрмади, унинг қулоқлари нималарни эшитмади, қанчадан-қанча янги гаплар, кутилмаган нарсалар, воқеалар! Лекин одам оласи ичида, рус қалбини билиб бўлармиди; жуда кўплар учун у қоронғи. Мана у Рогожин билан қачонлардан бери яқиндан таниш, «ака-ука» бўлиб кетишган,— лекин у Рогожинни биларми? Воқеан, мана шу нарсаларнинг ичида одам англамайдиган, ақл етмайдиган ҳоллар қанчалар кўп, бевошлик, бемазагарчиликларни айтмайсизми! Ҳа-я, Лебедевнинг жиянини қаранг, вой ярамас-ей, ўзига бино қўйган бола экан, худди ҳусибузарнинг ўзи! Айтганча, менга нима бўлди? (князь ўз хаёлидан ажралгиси келмасди) нима, анавиларни у ўлдирибдими, олти кишини? Мен чалкаштириб юборяман... жуда галати! Негадир бошим айлашапти... Лебедевнинг тўнғич қизини қаранг, чеҳраси бирам ёқимли, юлдузи иссиқ, бола кўтариб турган эди, юзи бирам маъсум, гўдакларникидек тиниқ, қиқирлаб кулишини айтмайсизми, худди ёш болаларга ўхшаб кулади қурмағур! Қизик, уни бутунлай эсидан чиқариб юборган экан, мана энди эслади. Лебедев пўписа қилиб депсингани билан барибир уларни жуда яхши кўради. Ҳа, беш қўлдай маълум, Лебедев ўз жиянини ҳам жуда яхши кўради!

Айтганча, нега у ўзи бу ерларга кечганина кела туриб, яна уларни узил-кесил қораланиш керак экан, нега уларнинг устларидан бундай қаттиқ ҳукмлар чиқариши керак экан? Лебедевини қаранг-а, тоза одамни ҳайрон қилиб қўйди-ку бу Лебедев деганлари: у Лебедевини сира шундай деб ўйлаганмиди? Лебедевнинг шундайлигини у илгари билармиди? Лебедев ва Дюбарри — э худойим-ей! Дарвоқе, агар Рогожин ўлдирадиган бўлса, бундай бевошлик билан ўлдирмайди. Бундай бебошвоқлик рўй бермайди. Суратга қараб туриб асбоб ясатибди, сўнг алаҳсираган қўйи олти кишини ўлдирибди-я, тавба! Ахир, Рогожиннинг асбоби ҳам суратга қараб ишланганми... унинг... бироқ... ахир, Рогожин ўлдиради деган қарорга келинганми?! Князь бирдан сесканиб тушди. «Уялмасдан очиқдан-очиқ шундай таҳминга бориб ўтирганимни қаранг, бу ахир жиноят эмасми, пасткашлик эмасми!»— деб қичқириб юборди у ва азбаройи

уялганидан юзи дарров қизариб кетди. У ҳайратга тушган ва кетаётган жойида шарт тўхтаб қолганди. Шунда бирдан бирварақайига ҳалиги Павловск воксалини, ўтган кунги Николаевский воксалини, Рогожинга нигоҳ ҳақида тўғридан-тўғри берилган саволни, ҳозир ўзининг бўйнида осиглиқ Рогожиннинг бутини, унинг кампир онаси олдига олиб киргани ва кампирнинг дуо қилиб чўқинтирганини, Рогожиннинг охирги марта тиграб-қалтираб қучоқлагани ва зина олдида туриб, даъводан воз кечганини ҳаммасини хотирлади,— ана шуларнинг ҳаммасидан кейин атрофидан худди бир нарсани йўқотгандай бўлиб қидиришинг, ҳалиги дўкон, ҳалиги асбоб... қандай пасткашлик бу! Яна шуларнинг ҳаммасидан сўнг у яна «махсус мақсад», махсус «кутилмаган гоё» билан бораётганлигини айтинг! У азоб ва умидсизлик ичида ўртанди. Князь шу заҳоти орқасига меҳмонхонага қайтмоқчи бўлди: ҳатто айланиб кета бошлади; лекин яна бир дақиқадан сўнг тўхтаб ўйланиб қолди ва олдинги йўлида давом этди.

Дарвоқе, у Петербург томонга келиб қолган, қидирган уйи ҳам шу атрофда эди; ахир энди у ерга «кутилмаган гоё» билан боряпти! Ўйлаб топган нарсасини қаранг! Ҳа, касали яна қўзияпти, бу аниқ; балки ҳали тутқаноғи тутиб қолса ҳам ажабмас худди шу бугун. Уша тутқаноқ туфайли ўша «гоё» келди, ўша тутқаноқ туфайли мана шу зулумот! Энди зулумот тарқадди, демон ҳайдалди, шубҳалар йўқолди ва унинг юраги хуррам! Ҳа — уни қачонлардан бери кўргани йўқ, уни албатта кўриши керак, ва... у ҳозир Рогожинни учратиш қолганини истарди, у Рогожиннинг қўлидан ушлаб оларди ва икковлари бирга боришарди... Унинг қалби тоза... Нима, у Рогожинга рақибмиди? Эртага бориб Рогожинга айтади, уни кўрдим дейди; ахир, боя Рогожин ҳам айтди, уни кўриш учун бу ерларга учиб келмадим. Балки у уйда ўтиргандир, албатта Павловскка кетган бўлиши шартми!

Ҳа, энди шундай қилиш керакки, ҳамма нарса очиқ ва равшан бўлсин, ҳаммалари бир-бирларини очиқ англасинлар, боя Рогожинга ўхшаб аламангиз ва ғалати воз кечишлар юз бермасин, ва нима рўй бермасин, бари эркин ва... ойдин бўлсин. Нима, Рогожин ёруғликка қодир эмасми? У, мен уни бошқача яхши кўраман, менда ачиниш йўқ, «апавинақа ачиниш йўқ менда», деб ўзи айтди. Рост, тагин у яна қўшиб ҳам қўйди: «Сенинг ачинишинг менинг яхши кўришимдан ҳам баттарроқ»,— лекин у ўзини пасга уриб гапиряпти. Ҳа, Рогожин китоб ўқий бошлапти, мана шунинг ўзи «ачиниш» эмасми, «ачинишининг» бошланиши эмасми? Шу китоб ўқиш бошланганининг ўзи Рогожиннинг унга бўлган муносабатларини

қандай англаганлигини кўрсатмайдими? Лекин бу ҳирсдан кўра чуқурроқ, албатта. Нима, унинг юзига тикилган одамда фақат ҳирс уйғонадими? Энди ахир ҳатто унинг чеҳраси одамда ҳирс уйғотиши мумкинми? Унинг чеҳраси одамда азоб уйғотади, у одамнинг юрагини бутунлай ўзига ром қилиб олади, у... шунда князнинг юрагидан бир хотира сирқираб оғриқ уйғотиб ўтди.

Ҳа, азоб. У биринчи мартаба унинг хатти-ҳаракатларида телбалик зоҳир бўла бошлаганлигини пайқаганда тортган азобини эслади. Ушанда у даҳшатли тарзда умидсизликка тушганди. Ушанда у Рогожиннинг олдига қочиб кетганди, нега унинг орқасидан бормади? Хабар келишини кутиб ўтирмасдан орқасидан югуриш керак эди. Аммо... наҳот Рогожин ҳалигача унинг телба бўлиб қолганлигини сезмаган бўлса? Ҳм... Рогожин ҳамма нарсада бошқа бир сабаблар кўради, сабаблари ҳирс билан боғланган бўлади! Вой-бў, унинг жиниларча рашиқ қилиши! У бояғи тахмин билан нима демоқчи эди? (Князь бирдан қизарди ва юрагида нимадир титраб кетди.)

Шуни эслаб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Телбалик икки томонда ҳам бор. Князь бу хотинни ҳирс билан яхши кўролмайди, бу ақлга тўғри келмайди, бу инсонгарчиликдан эмас, бераҳмлик бу. Ҳа, ҳа! Йўқ, Рогожин ўзини ерга уряпти: унинг қалби катта, у азоб чекишга ва раҳм қилишга қодир. У бутун ҳақиқатни билганидан, бу шўрлик, телбанамо хотиннинг қанчалар мажруҳ бўлиб қолганлигини англагандан сўнг, унинг бутун қилган қилғилиklarини кечирмасмикин, ўз азобларидан ўтмасмикин? Унга ака, кул, биродар, раҳнамо бўлиб қолмасмикин? Раҳм Рогожиннинг ўзига ёрдам беради, ўзини тушунадиган бўлади. Раҳм, эҳтимолки, бутун одамзод борлигининг энг улуг ва бирдан-бир қонунидир. О, мен Рогожин олдига қанчалар гуноҳқорман, гирромлик қилдим, кечириб бўлмайди мени! Йўқ, рус қалби қоронғи эмас, унинг ўз юрағи қоронғи, бошига келтирган хаёлларини қаранг, даҳшат! Москвада айтилган уч-тўртта қизгин самимий сўзлар туфайли Рогожин уни ака деб атади, у бўлса... Йўқ, касал бўлиб қолди, алаҳлаяпти! Ҳаммаси ҳал бўлади!.. Боя Рогожин одам имонини йўқотиб қўяди, деб жуда қўрқинчли гап қилди-я! Бу одам қаттиқ азоб тортаётган бўлса керак. У «мана шу суратни томоша қилишни яхши кўраман», деди, сезмайди, лекин демак, шунга бир эҳтиёж сезади. Рогожин фақат ҳирси қаттиқ одамгина эмас; ҳар қалай, у жангчи: у ўзининг йўқотиб қўйган имонини зўрлик билан қайтариб олмоқчи. Шу имон бўлмаса энди яшолмайди... Ҳа! Бир нарсага имон қўйиш керак! Қимгадир ишониш керак! Лекин ҳалиги Гольбейннинг сурати ҳам жуда

галати-я... Э, мана ўша кўча! Мана, ўша уй бўлиши керак, 16-уй, «коллегия котибаси Филисованинг уйи». Шу ер! Князь кўнгироқни чалди ва Настасья Филипповнани сўради.

Уйнинг соҳибаси Настасья Филипповна эрталаб Павловскака кетган эдилар, Дарья Алексеевнаникига, «у ерда балки бир неча кун қолсалар ҳам керак», деб жавоб қилди. Филисова қирқларга чиққан, кичкина, кўзи ўткир, юзи чўзинчоқ, қарашлари қаттиқ ва айёр бир хотин экан. У атай сирлироқ қилиб отингиз нима деб сўради; князь олдин жавоб бергиси келмади. Лекин дарҳол орқасига қайтиб, Настасья Филипповна келсалар менинг номини айтиб кўясиз, деди. Филисова унинг номини жуда эътибор билан шойи диққат кўйиб эшитди, у ўзини худди бир махфий иш қилаётгандек ва шу махфий иши билан «ташвишланманг, мен ҳаммасини тушунаман», дейётгандай эди. Князнинг исми, афтидан, унга қаттиқ таъсир қилганди. Князь унга паришонлик билан қаради-да, орқасига қайрилиб, меҳмонхонага томон равона бўлди. Лекин у эшикка чиққанда юзи ўзгариб бошқача бўлиб қолганди. Бир зум ичда унда фавқулодда ўзгариш рўй берганди. У яна ранги рўйи оқарган, толгин, азоб чеккан ва ҳаяжонланган ҳолда борарди; унинг тиззалари қалтирар, кўкаринқираган лабларида мубҳам ва эсанкираган табассум сиргаларди: «кутилмаганда гоё»си бирдан тасдиқланган ва тўғри чиққан, энди у яна ўз демонига - худёсига ишонарди!

Ростдан ҳам тасдиқландими? Ростдан ҳам тўғри чиқдими? Нега бўлмаса у бунчалар қалтирайди, бунчалар совуқ терга ботади, яна қалби зиннатон, яна кўз ўнги қоронғи! Ёки яна ўша кўзларни кўрдими, шунданми? Лекин ахир у Ёзги бовдан худди шу кўзларни учратиш учун йўлга чиқмаганмиди? Унинг «кутилмаганда келиб қолган гоё»си ҳам шундан иборат эди. У мана шу кўзларни кўришни истасанди, мен албатта ўша *уй олдида* ўша кўзларни учратаман, деганди. Бу телбанамо бир истак эди; нега энди тахминан тўғри чиққандан сўнг у бунчалар афтодаҳол бўлиб қолди, бунчалар эзилиб кетди, бунчалар ҳайратга тушди? Нима, кутмаган эдим! Ҳа, булар у эрталаб Николаевский воксалида поезддан тушган пайтида одамлар орасида йилт этиб *кўринган кўзлар* эди (бунинг *ўша кўзлар* эканлигига энди заррача шак-шубҳа қолмаганди!), Рогожиникида курчига ўтираётган чоғида ҳам елкаси оша яна худди (ҳа, худди ўзи!) шу кўзлар билан тўқнашганди. Рогожин боя бўйинга олмади, лабини иршайтириб совуқ кулиб кўя қолди: «Кимнинг кўзлари экан?» Князь боя Царкосельский воксалида Аглаянинг олдига бораман, деб турганида бугун учинчи бор яна ўша кўзларга дуч келган ва

Ўшанда бир кўнгли Рогожиннинг олдига бориб унга, «кимнинг кўзлари эканлигини» айтмоқчи ҳам бўлганди. Лекин у воксалдан қочиб чиқиб ва фақат пичоқчининг дўкони олдига боргандагина ўзига келди. Ўшанда у сопи кийик суягидан бўлган ва баҳоси олтмиш тийинлик бир нарсани диққат билан кўздан кечирганди. Шундан сўнг унга жуда ҳам галати бир хулё — демон ёпишиб олди ва ҳеч уни тарк этишни истамасди. Бу хулё у ўзини унутиб Ёзги боғда арғувон тагида ўтирганда турли нарсаларни шипший бошлади, чунончи, Рогожин эрталабдан бери уни кузатиб ва таъқиб қилиб юрган экап, князнинг Павловска бормаслигини эшитиб (бу Рогожин учун даҳшатли бир маълумот эди), албатта Петербург томондаги ўша уй олдига боради ва ўша ерда туриб «уни бошқа кўрмайман», «Петербургга буни деб келганим йўқ», деб ишонтирмоқчи бўлган князни пойлаб туради. Ана шундан сўнг князь жон ҳолатда ўша уйга томон йўл олади ва хўп, нима қилибди у ерда Рогожинни учратган бўлса? У дили хуфтон бўлиб кетган бечора бир одамни учратди, уни тушуниш мумкин. Бу шўранк одам, энди ҳатто яширишмасди ҳам. Ҳа, Рогожин боя негадир бўйнига олмасди, ёлгон гапирди, лекин воксалда у ҳатто унчалик яширишмасдан турган эди. Тўғрироғи, князь ўзини панага олиш пайида бўлди, Рогожин эмас. Мана энди у кўчанинг нариги бетида йўлка устида қўлларини кўкрагида чалкаштирганча пойлаб турарди, у турган жой уйдан қиялаб ўлчаганда эллик қадамча келарди. У энди ўзини сира ҳам яширмас, қайтага кўзга баралла чалинишга уринарди. У фош қилувчи ва ҳукм юритувчи каби турарди, йўқ, аллакимга ўхшамас... Аллаким, яъни ким?

Нега бўлмаса князнинг ўзи у билан кўзлари тўқнашганлигига қарамасдан гўё ҳеч нарсани кўрмагандай бўлиб кетаверди, унинг олдига бормасди? (Ҳа, уларнинг кўзлари тўқнашди! ва улар бир-бирларини кўрдилар.) Ахир унинг ўзи боя у билан бирга қўл ушлашиб бормоқчи бўлган эди-ку? Ахир унинг ўзи эртага бориб ҳаммасини айтиб бераман деган эди-ку? Ахир, у ярим йўлга етганда ўз хулёсидан юз ўгириб, кўнглини шодлик, хуррамлик қопламаганмиди? Балки ростдан ҳам Рогожиннинг бугунги қиёфасида, унинг барча сўзлари, хатти-ҳаракатлари, қарашлари, қилиқларида князни даҳшатли тахминлар қилишга мажбур қилган алланималар бор бўлгандир ва шунинг учун ҳам хулё князнинг қулоғига ваҳимали тарзда нималариндир шипшигандир? Бундай нарсаларни кўзинг билан кўриб турасан, лекин уларни таҳлил қилиб, ишончли далиллар келтириб тушунтириб беролмайсан, лекин шунга қарамасдан, жуда мушкул ва ақл бовар қилмайдиган бўлиб кўринса-да, барибир одамда жуда

кучли ва бутун таассурот қолдиради, сўнг бу беихтиёр тўла-тўкис ишончга айланади...

Ишонч — нимага? (О, князни қанчалар қийнади ишончнинг ушбу мудҳишлиги, тубанлиги ва «ички сезги» асосига қурилганлиги, князь ўзидан қанчадан-қанча хафа бўлди шулар учун!) «Агар қўлингдан келса айт, нимага?— дерди у тўхтовсиз суратда ўзига-ўзи таъна ва дашном бериб,— ўз фикрингни аниқ қилиб айт, бир шаклга сол, иккиланмасдан очиқ-ойдин қилиб ифодала мард бўлсанг! О, қанчалар ғирромлик қилдим мен!— деб такрорлади у норози бўлиб ва юзи қизариб.— Энди бутун умр қандай қилиб қарайман бу одамнинг кўзига! О, бу қандай кун ўзи! О, худойим, қандай расвогарчилик!»

Пегербург томондан қайтиб келаркан, шу узун ва уқубатли йўл асносида шундай бир дақиқалар ҳам бўлдики, князь Рогожиннинг олдига бормоқчи, уни кутиб турмоқчи, уни қучоқламоқчи ҳамда уят ва кўз ёшлари ичида унга барини сўзлаб бормоқчи ва шу билан ҳаммасидан бир йўла қутулмоқчи ҳам бўлди. У шундай истак билан ёнди. Лекин бу пайт у меҳмонхонага келиб қолганди... Боя келганда бу меҳмонхона, бу коридорлар, умуман, мана шу уй ўзининг хонаси унга жуда ҳам хунук кўринганди. Шундай бир қарашдаёқ ёқтирмай қўйганди. У бугуннинг ўзида бир неча маротаба ҳали бу ерга қайтиб келишим ҳам керак, деб ўйлаган, юраги ориқиб нафрати кўзиганди... «Э, нима бўлган ўзи менга, нуқул касал хотинга ўхшаб турли нарсаларга ишонадиган бўлиб қолибман!»— деб ўйлади у зардаси қайнаб алам билан кулимсираркан. У дарвоза олдида тўхтади. Шу ерда у яна қайтадан ўзини қаттиқ уялтира бошлади, яна умидсизликка тушди, у ўзидан шу қадар уялиб кетдики, дарвоза олдида турганча қотиб қолди. Бир дақиқача тўхтаб турди. Ўзи шундай бўлади баъзан: чидаб бўлмайдиган, айниқса, уят ҳисси билан боғлиқ хотиралар бирдан эсга тушиб кетганда, одам кетаётган ерида тўхтаб қолади. «Ҳа, мен юраксиз ва қўрқоқ одамман!»— деб такрорлади у ўзидан ранжиб ва шаҳд билан қадам ташлаган ерида, яна... тўхтаб қолди.

Ушбу дақиқаларда ўзи аслида қоронғи бўлган дарвоза янада қоронғилашганди: қоп-қора булут яқинлашиб келиб, кечки ёругликни ютиб юборганди, князь уйга яқинлашиб дарвозахона олдида тўхтаган чоғда шаррос солиб ёмғир қуйиб берди. У бир зумгина тўхтаб яна шаҳд билан қадам ташлагандан сўнг дарвозахона чеккасига етиб борди. Шунда бирдан у дарвозахонанинг ичкарисиде зина билан тепага чиқиладиган ерда одам қорасини кўрди. У одам ниманидир кутиб турганга ўхшади, лекин лип этиб дарров кўздан ғойиб бўлди. Унинг кимлигини князь яхши фахмламай қолди, шунинг учун ҳам, албатта, ким эканли-

гини аниқ айтиб беролмасди. Бунинг устига бу ер кўп одамлар ўтиб-кетиб турадиган серқатнов жой эди; меҳмонхонага кирган-чиққан кўп эди, коридорлардан югуриб чиқиб, югуриб кирувчилар оз эмасди. Лекин князь шу дақиқада бу одамни таниганлигига ишонч ҳосил қилди, бу одам сўзсиз Рогожин эди. Зум ўтмай князь унинг ортидан зинага отилди. Юраги уришдан тўхтаб қолди. «Ҳозир ҳаммаси ҳал бўлади!»— деди у ичида галати бир ишонч билан.

Князь дарвозахонадан ўтиб зинага кўтарилди, бу зиналар биринчи ва иккинчи қаватларга олиб чиқар, меҳмонхона хоналари шу қаватларда жойлашганди. Зина эски пайтларда солинган уйлардагидай гиштдан қурилган, қоронги, тор, қалин тош устун атрофидан юқорига кўтарилганди. Зинанинг биринчи майдончасида тош устун ичида ичи ярим қадам, эни бир қадамча келадиган пана жой бор эди. Бу ўйқликнинг ичига бир одам бемалол сигиши мумкин эди. Лекин қанчалар қоронги бўлмасин, князь майдончага чопиб кўтариларкан, шу ерда нима сабабдандир бир одам беркиниб турганлигини сизди. Князь шуида тўғри ўтиб кетавершига, ўнг томонига қарамасликка аҳд қилди. У бир қадам ташлади, лекин ўзини тутолмасдан ўгирилиб қаради.

Яна ўша *бояги кўзлар* билан тўқнашди. Ўйқликнинг ичида турган одам ҳам бир қадам ташқарига чиқди. Бир сония улар юзма-юз туриб қолдилар. Бирдан князь унинг елкаларидан ушлаб орқа зинага томон ўгирди, ёруғда унинг юзини кўрмоқчи бўлди. Рогожиннинг кўзлари йилтираб кетди, у даҳшатли тарзда иршайди. Унинг ўнг қўли юқорига кўтарилди ва унда нимадир йилтираб кўринди; князь уни тўхтатиб қолишни хаёлига ҳам келтирмади. Ёдида, фақат алланима деб қичқирди:

— Парфен, ишонмайман!..

Кейин худди кўз ўнгиде нимадир очилди: фавқулодда *ички бир ёғду* унинг дилини равшан ёритди. Бу ярим сонияча давом этган бўлса керак; лекин у ўз кўксидан отилиб чиққан ва ҳеч қандай куч билан тўхтатиб бўлмайдиган даҳшатли фарёдининг биринчи товушини жуда аниқ ва равшан хотирлаб қолди. Сўнг унинг онги лип этиб ўчди ва зимистонлик чўкди.

Қачонлардан бери безовта қилмай қўйган тутқаноғи яна тутди. Маълумки, *тутқаноқ* кўз очиб юмгунча тутадн. Шу сонияда одамнинг юзи даҳшатли тарзда ўзгариб кетади, айниқса, ниягоҳи. Унинг бутун гавдаси қақшаб титрай бошлайди, юзлари тинимсиз учади. Мудҳиш, ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган, чексиз бир фарёд кўкрагидан отилиб чиқади. Мана шу фарёд одамзоддан чиққанлигига ишониш қийин, мабодо ҳозир шу одам қичқирди, деса ҳеч ким ишонмайди. Худди мана шу одамнинг ичида яна бир одам бору ўша қичқираётгандек бўлади. Ҳар

ҳолда кўпгина одамлар шундай деб тушунтирадилар ўз таассуротларини, кўп одамлар тутқаноқ тутган кишини кўриб даҳшатга тушадилар, ақл билан тушунтириб бўлмайдиган бир нарсага дуч келгандай бўладилар. Рогожин мана шу даҳшатли дақиқа таассуротида қотиб қолган бўлса керак, у албатта кутилмаган ваҳимадан ўзини ўнглолмаган ва худди мана шу нарса князни муқаррар ҳалокатдан қутқарган, пичоқ зарби унга тегмай қолган эди. Кейин князни тутқаноқ тутганлигини англаб-англамай, унинг муккасидан кетиб боши бирдан зинага зарб билан урилганлигини кўрган Рогожин ўқдай учиб пастга тушди, ҳушдан кетиб ётган одамнинг ёнидан ўтиб, телбараб меҳмонхонадан қочиб кўчага чиқди.

Тутқаноқ даҳшати билан бечоранинг гавдаси отила-отила зинанинг пастигача тушди, зинанинг эса ўн бештача пояси бор эди. Тез орада беш дақиқалардан сўнг ағанаб ётган одамни кўрдилар, атрофга одам йиғилди. Унинг боши атрофида қон кўлмак бўлиб қолган, шунинг учун аввал ўзи йиқилганми ёки «бир кори ҳол» бўлганми, билолмадилар. Лекин кўп ўтмай тутқаноқни биладиганлар топилди. Хизматчилардан бири боя хона олиб кетган князни таниди. Саросима бахтли бир тасодиф билан хайрли ечимга келди.

Коля Иволгин соат тўртгача «Тарози»да бўламан деб ваъда қилиб, бунинг ўрнига Павловскка жўнаган, лекин бирдан ҳаёлига бир фикр келиб қолиб, генерал ойим Епанчина билан биргаликда тамадди қилишликдан воз кечган ва яна Петербурга қайтган, дарҳол «Тарози»га қараб шошилинич йўл олган, бу ерга соат еттиларга етиб келганди. Ўзига қолдирилган қоғоздан князининг шаҳарда эканлигини ва адрес қолдириб кетганлигини билиб у жадал келаверган эди. Меҳмонхонага келиб князь чиқиб кетганлигини эшитгач, у пастга тушиб буфетда чой ичиб, орган эшитиб ўтирган эди. У тасодифан аллакимнинг тутқаноғи тутиб қолганлигини эшитиб, кўнгли бир нарса ни сезгандай юғурди воқеа содир бўлган жойга борди ва князининг устидан чиқди. Шу заҳоти зарур чоралар кўрилди. Князни унинг хонасига олиб кирдилар; у гарчи кўзини очган бўлса ҳам, лекин ҳамон ҳуши ўзига келмай ётарди. Қасални кўришга чақирилган доктор унинг зарб еган бошини кўриб дори-дармон қилди ва зарблар унча оғир эмаслигини маълум қилди. Бирон соатлардан сўнг князь атрофда бўлаётган воқеаларни фаҳмлай бошлагач Коля уни каретада меҳмонхонадан Лебедевникига кўчирди. Лебедев беморни фавқуллодда меҳмондўстлик билан қуллуқ қила-қила қабул қилди. Боққа кўчиш муддатини ҳам уни деб тездаштирди; учинчи кунни деганда уларнинг ҳаммалари Павловскка равола бўлдилар.

Лебедевнинг чорбоғи унчалик катта бўлмаса ҳам, лекин қулай ва ҳатто чиройли эди. Айниқса, ижарага ажратилган қисми жуда ҳам бежаб юборилганди. Хийла кенг равон орқали хоналарга ўтиб борилар, ҳозир шу равонга каттакон кўк оғоч идишларга ўтқазилган бир қанча норанж, лимун ва ёсуман дарахлари қўйилган, улар Лебедевнинг ҳисоб-китобига кўра уйни жуда ҳам бошқача қилиб юбориши керак эди. У шундай ниҳоллардан бир қанчасини чорбоғ билан бирга сотиб олган, лекин улар равонда жуда ҳам бошқача бир кўрингани учун бозордан яна бир неча туп ниҳол олиб келганди. Барча ниҳоллар чорбоққа келтирилиб равонга яхшилаб ўрнатилгандан сўнг, Лебедев бир неча маротаба кўчага чопиб чиқиб ўз равонининг кўринишини ҳузур қилиб кўздан кечирди ва ҳар сафар ичида бўлажак ижара баҳосини жиндак-жиндак ошириб қўйди. Ҳолдан тойган, гамбода ва тани шал-шал бўлиб ётган князга чорбоғ жуда маъқул тушди. Дарвоқе, Павловскка келган кунлари, яъни тутқаноқ тутганининг учинчи куни князь зоҳиран соғлом одамдай кўринар, лекин аслида ҳали ўзини ўнглаб олмаган эди. Шу уч кун ичида у атрофида куймаланиб юрган кишиларнинг ҳаммасидан хурсанд эди, уч кундан бери унинг ёнидан жилмаган Колядан, Лебедевнинг бутун хонадон аъзоларидан (унинг жияни аллақаяёққа йўқолган эди), Лебедевнинг ўзидан жуда мамнун эди; ҳатто шаҳарда экан, уни кўргани келган генерал Иволгинни ҳам мамнуният билан қабул қилди. Кўчиб келган кунлари кечқурун равонда уни кўргани анча одам йиғилди: ҳаммадан олдин Ганя келди, князь уни базўр таниди,— арзимаган бир вақт ичида у шунчалар ўзгариб кетган, озган эди. Ундан кейин Павловскдаги чорбоғларидега турадиган Варя билан Птиций келдилар. Генерал Иволгин бўлса, Лебедевнинг уйида ўз кишисидек бўлиб қолган, ҳатто унинг хонадонни билан биргаликда бу ерга кўчиб келганди. Лебедев уни князнинг олдига киритмасликка ҳаракат қилар, ўз ёнидан жилдирмасди; у билан дўстона муомала қиларди; афтидан, улар анча замонлардан бери бир-бирлари билан таниш эдилар. Шу уч кун мобайнида улар икков бир-бирлари билан узундан-узоқ гаплашар, баъзи пайтлар нима ҳақдадир тортишиб қолишар, ҳатто илмий мавзуларда ҳам мунозарага киришиб қолар эдилар, афтидан, мана шу нарса Лебедевга жуда ҳуш ёқарди. Князь ётган жойида шуларни сезиб ётарди. Мундоқ қараганда, Лебедев ҳатто генералсиз туролмайдиганга ўхшарди. Лекин Лебедев князни ҳатто ўз оила аъзоларидан ҳам қўриқлай бошлади; чорбоққа кўчиб келганларидан сўнг у князнинг олдига ҳеч кимни

қўймас, депсинар, қизларини, бола кўтарган Верани унинг олдидан қувиб чиқар, князь ҳеч кимни қувманг, деб бир неча маротаба илтижо қилган бўлишига қарамасдан болалари равонга салча яқинлашсалар, дарҳол уларга ҳайҳайлаб қоларди.

— Агар уларни ўз ҳолига қўйиб берсангиз, ўртада ҳурмат қолмайди; иккинчидан, ҳали уларга ноқулай...— деб тушунтирди у ниҳоят князнинг тўғридан-тўғри берган саволига жавобан.

— Нега энди?— деб уни инсофга келтиришга уринарди князь.— Ростини айтсам, шу мени қўриқлашингиз жуда одамни қўйнаб юборди. Мен ёлғиз ўзим зерикаман, буни сизга бир неча маротаба айтдим, сиз бўлсангиз қўлингизни силтайвериб, оёқ учида юравериб мени янада безорижон қилиб юборяпсиз.

Лебедев касалли тинч қўйинглар деб, уй ичидегиларнинг ҳаммаларини тирқиратиб қувгани билан шу уч кун ичида ўзи князнинг ҳузурига тинмай кириб-чиқиб турар, унинг кириб келиши ҳам қизиқ бўлар, аввал эшикни секин очар, бошини тикиб кўрар, шу ердамикин? қочиб кетмадимкин? дегандай аланглаб қарар, сўнг оёғининг учида оҳиста шипиллаб юриб келиб креслонинг ёнида тўхтар ва гоҳида ҳатто князни бехос чўчитиб юборарди. Тўхтовсиз княздан сизга ҳеч нарса керакмасми, деб сўрайверар ва ниҳоят тоқати тоқ бўлган князь бўлди энди, мени тинч қўйинг, деб илтимос қилгач, индамай итоаткорона оёқ учида юриб эшик томонга йўл олар ва секингина юриб бораркан, мана, биз кетяпмиз, биз заррача ҳам шовқин қилмаймиз, ўзимиз шундай хабар олгани кирган эдик, мана дарров чиқиб кетамиз, бошқа бир оғиз ҳам сўз айтмаймиз ва энди сира сизни безовта қилмаймиз дегандай қўлларини силкиб борар, лекин ўн дақиқа, ё узоги билан ўн беш дақиқалардан сўнг яна кириб келаверарди. Коля князнинг ҳузурига ҳар доим бемалол кириб чиқаверар, шунинг учун Лебедев ундан қаттиқ хафа бўлар, ҳатто ранжишгача борарди. Коля, Лебедев эшикнинг орқасида туриб ярим соатлаб князь билан ўзининг ўртасидаги гапга қулоқ солаётганлигини сезиб қолди ва дарҳол буни князга маълум қилди.

— Сиз мени худди ўзингизники қилиб олганга ўхшайсиз, устимдан калит-қулф қилиб олдингиз,— деб норози бўларди князь,— жуда бўлмаганда мен чорбоққа чиққанимда бошқача бўлишини истаймман ва ишончингиз комил бўлсинки, ўзим истаган ерга бораман ва ўзим истаган кишиларни қабул қиламан.

— Бунга заррача кўнғилларида иштибо туғилмагай,— деб қўлларини силкитди Лебедев.

Князь унга бошдан-оёқ сарасоф солди.

— Айтинг-чи, Лукьян Тимофеевич, сиз каравотингиз тепасида турадиган қутичани бу ерга олиб келдингизми?

— Йўқ, олиб келмадим.
— Наҳот қолдириб келган бўлсангиз?
— Келтириб бўлмайди, девордан кўчириб олиш керак бўлади... жуда маҳкам, жуда маҳкам.

— Балки бу ерда худди ўшанақа қути бордир?
— Яхшироғи, яхшироғи бор, чорбоғни бекорга сотиб олмаганман.

— Ҳа-а. Боя сиз кимни менинг олдимга қўймадингиз? Бир соат бўлди.

— Ҳалиги... ҳалиги генерални. Ҳақиқатан уни қўйганим йўқ, нега десангиз, генерал сизнинг тенгингиз эмас. Мен, князь, бу одамни бағоят ҳурмат қиламан; бу... ҳалиги, жуда улуғ одам; сиз ишонмайсизми? Ҳали ўзингиз кўрарсиз, шундай бўлса ҳам... олий ҳазратим, сиз уни кўпда қабул қилмаганингиз тузуқ эди.

— Нега ундай дейсиз, қани жавоб беринг? Нега энди Лебедев бундай оёгингизнинг учда турибсиз, нега менинг олдимга худди бир хуфия гапни маълум қилмоқчига ўхшаб келасиз?

— Настмиз, настмиз, биламан, — деди кутилмаганда Лебедев кўкрагига ураркан, — генерал сиз учун ҳаддан зиёд меҳмоннавозлик қилмасмикин?

— Меҳмоннавозлик қилмасмикин?

— Меҳмондўст. Биринчидан, у менинг уйимда турмоқчи; буниси майли, лекин жуда қизиққон, дарров одамга қариндош чиқади. У билан бир неча маротаба қариндош-уруғларимизни ағдар-тўнтар қилиб ташладик, охири ўз одамимиз бўлиб чиқди. Сиз ҳам она төмондан унга қариндош бўлар экансиз, у кеча менга тушунтириб ётган эди. Агар унга ростдан ҳам қариндош бўлсангиз, ҳазратим князь, унда мен билан қариндош чиқасиз. Бушиси ҳам майли, бесаиб парвардигор, лекин ҳали ҳозиргина у прапорщиклигимдан тортиб то ўтган йилнинг ўн биринчи июнигача ҳар куни менинг хонадонимдаги дастурхон тепасига икки юздан кам одам ўтирмаган, деб тоза мақтанди. Унинг гапига қараганда, ўттиз йил мобайнида узлуксиз кунига ўн беш соатлаб овқат ейишган, чой ичишган, тамадди қилишган, орада зигирдай танаффус бўлмаган, дастурхонни зўрға алмаштириб улгуришган, холос. Биров келади, бошқаси кетади, байрам пайтларарида, подшо кунларида эса ҳаттоки уч юзтагача одам йиғилган ва овқатланган. Россиянинг минг йиллиги кунда эса биратўла етти юзта одам ташриф буюрган. Бунга нима дейсиз энди; бундай гаплар — яхшиликдан дарак бермайди; бунақа меҳмоннавозларни уйга киритиш ҳам хавфли, шунинг учун ўйлаб қолдим: сиз билан мен учун ҳаддан ташқари меҳмоннавозлик қилмасмикин?

— Лекин сиз у билан апоқ-чапоқсиз шеклили?

— Дўстона ва ҳазил ўрнида қабул қиламан; майли, ўзимизнинг одам бўла қолсин: менга нима — қайтага хонадонимнинг шаъни ошади. Мен икки юз одамлик зиёфатлару Россиянинг минг йилликлари орқасидан ҳам унинг жуда ажойиб фазилатларини ажратиб оламан. Чин юракдан айтяпман. Сиз, князь, ҳозир хуфия гаплар ҳақида гапирдингиз, тўғрироғи, менга хуфия гаплар айтмоқчи бўлаётганга ўхшаб турасиз, дедингиз, атай қилгандай, бир хуфия гап ҳам бор: ўзингизга маълум хоним қиз сиз билан холи учрашиш нистагани билдирди.

— Нега холи? Асло. Мен ўзим унинг ҳузурига бораман, шу бугун.

— Асло, асло, ундай қила кўрманг, — деб қўлларини силкитди Лебедев, — сиз ўйлаган нарсадан кўрқаётганим йўқ. Айтганча анави зolim ҳар куни келиб сизнинг соғлигингизни сўраб кетади, билармидингиз?

— Сиз негадир уни тез-тез зolim деб атайдиган бўлиб қолдингиз, бу менга шубҳали бўлиб кўринади.

— Асло шубҳа қилманг, асло, — деб дарҳол эътироз билдирди Лебедев, — мен сизга фақат айтмоқчийдимки, маълумингиз бўлмиш хоним қиз ундан эмас, бутунлай бошқа нарсадан кўрқади, бутунлай бошқа нарсадан.

— Бўлмаса нимадан кўрқади, тезроқ шуни айтнинг менга, — деб шоширди князь Лебедевнинг галати, сирли замзамаларига қараб тураркан.

— Хуфия жойи ҳам шунда.

Шундай деб Лебедев лабининг учини кузимсиради.

— Ким учун хуфия?

— Сиз учун. Сиз ўзингиз олдингизда менга гапиришни таққилаб қўйдингиз, ҳазратим... — деб пичирлади князнинг сирни билишга қизиқиши беҳад даражада баланд нуқтасига кўтарилганлигини кўриб гоятда мамнун бўлган Лебедев ва бирдан ёрила қолди: — Аглая Ивановнадан кўрқади...

Князнинг юзи тиришиб кетди ва у бир неча вақт жим бўлиб қолди.

— Худо ҳаққи, Лебедев, мен сизнинг чорбоғингизни ташлаб кетаман, — деди у кутилмаганда, — Гаврила Ардалионович билан Итицин қаерда? Сизникидами? Сиз уларни ҳам ўзингизники қилиб олдингизми?

— Келишяпти, келишяпти. Генерал ҳам уларнинг орқаларидан келяпти. Ҳамма эшикларни ланг очиб ташлайман, ҳамма қизларимни чақириб чиқаман, ҳаммасини, ҳаммасини, ҳозир, ҳозир, — деб пичирларди кўрқиб кетган Лебедев қўлларини силкиб ўзини у эшикдан-бу эшикка ураркан.

Шу дақиқада кўчадан Коля равонга кириб келди ва ҳозир Лизавета Прокофьевна билан қизлари келишади, деб эълон қилди.

— Птицинлар билан Гаврила Ардалионовични чақирайми, қўя турайми? Генерални чақирайми ё қўя турайми?— деб шошиб қолди Лебедев хабарни эшитиб.

— Нега қўймас экансиз? Ким хоҳласа, ҳамма кирсин! Гапимга ишонинг, Лебедев, сиз менинг муносабатларимни бошидан унчалик тўғри тушунмаганга ўхшайсиз; хато устига хато қиляпсиз. Мен бировдан беркиниб, яшириниб юришга заррача ҳам муҳтож эмасман,— деб кулди князь.

Унга қараб туриб Лебедев ҳам кулишни ўзига фарз деб билди. Лебедев ҳаддан ташқари тўлқинланиб кетганига қарамасдан, бу ишлардан жуда ҳам мамнун бўлгани кўриниб турарди.

Коля келтирган хабар рост бўлиб чиқди; у Епанчина ойимлар келаётганликларини хабар қилиш учун сал жадал қадам ташлаган эди, пича ўтмасданоқ равонга меҳмонлар ёғилди: ҳовлидан Епанчина ойимлар, хошалардан — Птицинлар, Ганя ва генерал Иволгин чиқиб келдилар.

Епанчина ойимлар князнинг бстоб эканлигини ва унинг Павловскка келганлигини ҳозиргина Колядан эшитган эдилар, шунгача генерал ойим Епанчина князнинг аҳволи нима кечганлини билолмай доғда юрганди. Бундан уч кун аввал генерал ўз оила аъзоларига князнинг ўз ташриф қоғозини ташлаб кетганлигини айтиб берганди. Ташриф қоғози ҳақидаги гапдан кейин Лизавета Прокофьевна князь албатта тез орада улар билан кўришгани Павловскка келади, деган бир ишонч билан юрганди. Қизлар бўлса, ойи, сабр қилинг ҳали, ярим йилдан бери икки оғиз хат-хабар ёзмаган одам энди ҳам учрашгани жуда шошилиб турган бўлмаса керак, балки унинг Петербургда қиладиган ишлари бошидан охиб ётгандир,— унинг ишларини билиб бўладими ахир?— деб уни тинчлантиришларига қарамасдан, генерал ойим ҳеч нарсага қулоқ солгиси келмасди. Генерал ойим бу гапларни энсаси қотиб қарши олди, жаҳли чиқди ва ҳатто «гарчи кеч бўлса ҳам» князь эртагаёқ кириб келади деб, бас ўйнамоқчи ҳам бўлди. Эртасига у кун билан князни кутди, пешинга келиб қолар дедилар, кечга келиб қолар дедилар, энди кеч бўлди, қоронғи тушганда келиб қолар дедилар. Лизавета Прокофьевна ўзини қўярга жой тополмай юрди, ҳамма билан бирма-бир уришиб чиқди, лекин албатта, жанжаллашганда бир оғиз ҳам князь ҳақида эслатгани йўқ. Учинчи кун ҳам князь ҳақида бир оғиз ҳам гаплашмадилар. Тушлик қилиб ўтирганларида Аглаянинг оғзидан ойим князь келмаётганидан хафа бўляптилар, деган сўз чиқиб кетди, генерал эса шу заҳоти «бун-

га у айбдор эмаслигини» айтди, шунда Лизавета Прокофьевна ўридан туриб кетди ва дарғазаб ҳолда столни тарк этди. Ниҳоят кечга яқин Коля кириб келди ва князнинг бошидан кечирганларини ҳаммасини оқизмай-томизмай ўзи билганича сўзлаб берди. Натижада Лизавета Прокофьевна тўла тантана қилди, лекин шундай бўлса ҳам Колянинг ҳам таъзири бериб қўйилди: «Дам қарасанг, кунни билан оёғинг тагида ўралашиб юради, қандай қилиб ҳайдаб чиқаришингни билмайсан, бунақа пайтда ўзи келмаганига яраша жуда бўлмаса жиндай хабар қилиб қўймайдими». Коля шу заҳоти «қандай қилиб ҳайдаб чиқаришингни билмайсан» деган сўздан хафа бўлмоқчи эди, лекин кейинги сафарга қолдири, агар бу сўз одамнинг нафосини тига тегадиган сўз бўлмаганда, албатта уни кечирса ҳам бўларди: негаки, Лизавета Прокофьевна князнинг бстоб бўлиб қолганлигини эшитиб жуда ҳам ҳаяжонланиб кетгани ва ташвишга тушиб қолгани Коляга жуда ёқиб тушди. У петербурглик машҳур бир врачни одам юбориб чақиртириб келиш керак, деб туриб олди. Биринчи поезд биланоқ етказиб келиш керак уни, деди. Лекин қизлари бундай қилмасликка уни базўр кўндирдилар; лекин ойилари касални кўриб келиш учун отланганда улар ҳам бирга бориш истагини билдирдилар ва зум ўтмай кийиниб чиқдилар.

— Бечора ўлим тўшагида ётибди,— дерди жонсарак бўлиб қолган Лизавета Прокофьевна,— сипо бўлиб ўтираверсак қандай бўларкин? У ахир хонадонимизнинг қадрдон эмасми?

— Яхши билмай туриб бостириб борсак қандай бўларкин?— деб қолди Аглая.

— Унда сен бормай қўя қол, яхши бўлади; Евгений Павлович келса кутиб оласан.

Шундан кейин Аглая бошқаларга эргашди, аслида у бусиз ҳам бормоқчи бўлиб турган эди. Аделаида билан ўтирган князь Ш. Аделаида бизни бошлаб боринг, деб илтимос қилгандан сўнг дарҳол рози бўлди. У илгари ҳам Епанчинлар хонадони билан элдигина танишган кезларида улардан князь ҳақида эшитиб уни кўришга жуда орзуманд бўлиб қолганди. У князни таниркан, яқинда аллақандай бир шаҳарда князь билан бирга бир жойда икки ҳафта турган эканлар. Бунга уч ой бўлган эди. Князь Ш. князь ҳақида кўп гапирар, у ҳақда яхши фикрда эди, шунинг учун ҳам ҳозир ўзининг эски танишини кўргани бораётганидан хурсанд эди. Генерал Иван Федоровичнинг ўзи уйда йўқ эди. Евгений Павлович ҳам негадир ҳаялламоқда эди.

Епанчинларникидан Лебедевнинг чорбоғигача узоғи билан уч юз қадамча келарди. Князнинг олдида анча-мунча одамлар борлигини кўрган Лизавета Прокофьевнанинг таъби хийлагина

тирриқ бўлди, бунинг устига булар ичда унинг жини севмайдиган икки-учта киши бор эди. Унинг таъбини тирриқ қилган бошқа нарса — у ўлим тўшагида ётган беморни кўраман деб ўйлаганди, аксинча, ўзига қарши пешвоз чиққан, кўринишдан соғлом, башанг кийинган, чеҳрасида табассум ўйнаб турган йигитни кўриб юраги аллашечук бўлиб кетди. У анг-танг бўлиб тўхтаб қолди, Коля буни кўриб жуда хузур қилди, у Лизавета Прокофьевнага ўйдаи чиқмаслариданоқ ҳеч ким ўлаётгани йўқ, ўлим тўшаги ҳам йўқ, деб тушунтирмоқчи бўлган эди-ю, лекин ўзининг қадрдон дўстини соппа-соғ кўриб Лизавета Прокофьевнанинг одамнинг кулгисини қистатадиган даражада жаҳли чиқишини томонга қилиш пайида бўлиб индамаган, муғамбирлик қилганди. Коля Лизавета Прокофьевнанинг жиғига тегиш учун ўз тахминини ҳаммага айтиб берди ва шу билан андак адабсизликка йўл қўйгандай бўлди; Коля Лизавета Прокофьевна билан гоҳи кезлари мана шундай бир-бирларини чандиб туришар, лекин бундан ўрталаридаги дўстлик ришталарига раҳна етмас эди.

— Шошма, ҳали, барака топкур, ичча тўхтаб тур, кула-кула ичагинг узилиб кетмасин тагин! — деб жавоб берди Лизавета Прокофьевна князь таклиф қилган креслога ўтираркан.

Лебедев, Птицин, генерал Иволгин оиймқизларга дарҳол курсилар тутишди. Аглаяга курсини генерал келтирди. Лебедев князь Ш.га ҳам курси келтирди, курси кўяркан, белини жуда ҳам нозик тараққос. билан эгиб ўз ҳурматини билдириб ўтди. Варя оиймқизлар билан одатдагидек жуда қувониб пичирлашиб кўришди.

— Рост айтяпти, князь, мен сени ҳақиқатан тўшакда ётган бўлсанг керак деб ўйловдим, кўрққангдан бошимга ҳар турли хаёллар келди, ёнғончи бўлмай сенинг олдингда, лекин кулиб турган юзингни кўриб ичча ҳафсалам пир бўлабэди, лекин худо ҳаққи, бир дақиқатгина шундай бўлди, то ўйлаб кўргунимча Мен ўйлаб кўрганимдан кейин доим ақлли бўлиб кетаман, ақли ишлар қиламан; менимча, сен ҳам шундай бўлсанг керак Сенинг согайиб кетганингни кўриб бошим осмонга етди, ўз ўғлимга ҳам балки бунчалар суюнмаган бўлардим; сен агар бунга ишонмасанг, мен эмас, сен уялишинг керак. Манави шумтак: менга қаттиқ ҳазиллар қиладиган бўлиб қолган. Сен унга ҳо мийлик қиласан шекилли; бўлмаса сени огоҳлантириб қўй, биқунмас-бир кун шундай қилаверса дўстликни йиғиштириб қўй қоламан.

— Сизга нима қилдим? — деб қичқирди Коля. — Сизга гапи равериб чарчадим, князь соппа-соғ десам, ҳеч ишонгингиз келмади, чунки уни ўлим тўшагида ётган деб тасаввур қилиш сизга антиқароқ бўлиб туюлди.

— Анча бўласанми бу ерда?— деб сўради Лизавета Прокофьевна княздан.

— Ёз бўйи бўламан, балки ундан ҳам кўпроқ турарман.

— Ёлғиз ўзингмисан? Уйланмадингми?

— Йўқ, уйланмаганман,— деб жилмайди князь кесатиқнинг соддалигидан.

— Кулишнинг ҳожати йўқ; бўлади шундай. Мен чорбоғни айтяпман, нега бизникига бормадинг? Бутун бошли бир уй бўш ётибди, дарвоқе, яна ўзинг биласан. Манавиникида турибсанми? Манави а?— деб овозини пасайтириб сўради у Лебедев томонга ишора қилиб,— нега у ҳадеб қийшанглайверди?

Шу пайт одатдагидай қўлида чақалоқ кўгарган Вера ички хоналардан равонга чиқиб қолди. Ички қилишини, ўзини қаёққа қўйишини билмасдан турган, лекин сира кетгиси келмаётган, стуллар атрофида букилиб, эшилиб юрган Лебедев бирдан Верага томон отилди, уни равондан қувиб қўлларини силкиди, ҳатто ўзини унутиб депсинди.

— У жинни бўлиб қолганми?— деб сўради бирдан генерал оғим.

— Йўқ, у...

— Балки мастдир? Атрофингга йиғиб олган одамларингни қара,— деди у меҳмонларга назар ташлаганча,— ҳа-я, қандай бетараси иссиққина қиз экан-а! Қим у?

— Бу Вера Лукьяновна, мана шу Лебедевининг қизи.

— А!.. Кўҳлиққина экан. У билан танишиб олсам дедим.

Лекин Лизавета Прокофьевнанинг мақтовларини эшитиб қолган Лебедев қизиши бу ёққа судраб кела бошлаганди.

— Етимчалармиз, етимчалармиз!— эриб кетди у.— Унинг қўлидаги гўдак ҳам етимча, чақалоқ Любовь бундан олти ҳафта муқаддам у дунёга рихлат қилмиш қонуний никоҳдаги хотинимдан туғилган бола, худонинг иродаси билан туғди-ю... ра... онасининг ўрнига она, яъники туғишган опасининг ўзгинаси, яъники туғишган опасидан бошқа эмас... бошқа эмас... бошқа эмас...

— Сен бўлсанг, отахоним, мени кечир, аҳмоқдан бошқа нарса эмас экансан. Бўлди, бас қил, ўзинг тушунгандирсан дейман,— деб шарт кесди гапни Лизавета Прокофьевна жаҳли чиқиб.

— Баайни ҳақиқат!— камоли эҳтиром билан таъзим қилди Лебедев бурни ерга теккудай эгилиб.

— Менга қаранг, жаноб Лебедев, сиз Апокалипсисни яхши билар эмишсиз, ростми?— деб сўради Аглая.

— Баайни ҳақиқат... ўн беш йил бўлди.

— Сиз ҳақингизда эшитган эдим. Сизни газетада ҳам ёзишган эди шекилли?

— Йўқ, у бошқа талқинчи эди, у ўлди, мен унинг ўрнига қолдим,— деди хурсанд бўлганидан боши осмонга етган Лебедев.

— Хизмат ўрнида кўрмасангиз, шу кунларда менга бир тушунтириб беринг қўшничилик қилиб. Мен Апокалипсисни билмайман.

— Сизни огоҳлантириб қўйишим керакки, Аглая Ивановна, унинг бу қилиб юрган ишлари фирибгарликдан бошқа нарса эмас,— деб боядан бери қандай орага суқилишни билмай игна ичида тургандай илҳақ кутган генерал Иволгин фурсатдан фойдаланиб гап қистирди; у Аглая Ивановнанинг ёнига бориб ўтирганди,— тўғри, чорбоғнинг ўз қонун-қоидалари бор,— деб давом этди у,— ва айни чоғда ўз маишатлари, шу маънода Апокалипсисни талқин қилиш учун маънави галати афандининг таклиф қилиниши умуман, бошқа бир ўйинлар ва эрмаклар қаторида ақл юзасидан олиб қараганда жуда антиқа ва... лекин мен... Сиз менга галати қилиб қараётгандек бўляпсиз, а? Ижозат этинг ўзимни таништирай, генерал Иволгин. Мен сизни ўзим кўтариб катта қилганман, Аглая Ивановна.

— Жуда хурсандман. Мен Варвара Ардалионовна билан Нина Александровнани танийман,— деб пичирлади Аглая ўзини хандон ташлаб кулиб юборишдан зўрға тийиб.

Лизавета Прокофьевна қизариб кетди. Анчадан бери юрагида йигилиб ётган нарсаларни бир йўла тўкиб солгиси келди. У бир маҳаллари, бунга жуда анча вақтлар бўлиб кетди, генерал Иволгинни танир, лекин уни жини сўймасди.

— Ёлгон айтяпсан, отахоним, сен ёлгон гапирмасдан туролмайсан, уни ҳеч қачон қўлингда кўтариб юрмагансан,— деб қаҳр билан унинг гапини бир пул қилди.

— Сизнинг ёдингиздан кўтарилибди, татап, худо ҳаққи, у қўлида кўтариб юрган, унда Тверда яшардик,— деб бирдан генералнинг гапини тасдиқлади Аглая.— Тверда турардик. Унда олтиларга кирган эдим, эс-эс биламан. У менга камалак қилиб берган, мен ўша камалакни отиб битта каптар ўлдирган эдим. Эсингиздами, сиз билан бирга битта каптарни ўлдирганимиз?

— Менга бўлса картондан қилинган каска билан ёғоч қилич олиб келиб берган, эсимда!— деб орага қўшилди Аделаида.

— Менинг ҳам эсимда,— деб тасдиқлади Александра.— Ушанда яраланган каптар устида уришиб қолган эдингизлар кейин сизларни уялтириб бурчакка турғизиб қўйишганди; Аде

лаида шундай каска кийган, қилич таққан ҳолда тураверган эди.

Генерал Аглаяга сизни қўлимда кўтариб юрганман, деб шунчаки гап бошлаб олиш учун айтгани, у ўзи танишиб олишни истаган ёшлар билан доимо мана шу тариқа гаплашарди. Лекин бу сафар худди атай қилгандай у рост гапирган, ва худди атайин қилгандай ўзи аслида шундай бўлганлигини у унутгани. Шунинг учун ҳам ҳозир Аглая сиз билан каптар отган эдик деганда бирдан хотираси ёришиб кетган ва ҳаммасини энг майда тафсилотларигача хотирлаган эди: одам қариган чоғда баъзан узоқ ўтмишда бўлган воқеаларни мана шундай кутилмаганда эслаб кетади. Бу хотиранинг инмаси одатдагидай андак нўш қилиб олган шўрлик генералга бунчалар қаттиқ таъсир қилганлигини ифодалаб бериш қийин; лекин у бирдан қаттиқ ҳаяжонга тушди.

— Эсимда, ҳаммаси эсимда!— деб қичқириб юборди у.— Мен ўшанда штабс-капитан эдим. Сиз — кичкинагина эдингиз, ширин бола эдингиз. Нина Александровна... Ганя... Сизларникига бориб турардим. Иван Федорович...

— Қара, қандай аҳволга тушганлигингни!— деб гапни илиб кетди генерал ойим.— Демак, ҳали одамгарчиликнинг ҳаммасини ичиб тугатмабсан, шунчалик қаттиқ таъсир қилди сенга! Хотинингни адоён тамом қилдинг. Болаларингга бош бўлиб ўтириш ўришга қарзга ботиб юрибсан. Бор, эшикка чиқ, отагинам, ҳеч ким йўқ жойини топиб яхшилаб кўнглингни бўшатиб ол, илгариги бегуноҳ куларингни эсла, балки худо сени кечирай. Бор, боравер, мен сенга жиддий айтман. Олдинги ҳаётингни армон билан эсласанг, тузалиш учун шундан яхшиси йўқ.

Бироқ гап жиддий эканлигини такрорлашга ҳожат йўқ эди: генерал барча майхўрлар каби жуда кўнгли нозик эди ва ҳамма ичкилик туфайли беобрў бўлган одамлар сингари ўтган бахтиёр куларни эслаганда кўнгли бўшашиб кетарди. У дарҳол ўрнидан туриб ювошгина бўлиб эшикка қараб йўл олди, Лизавета Прокофьевнанинг унга раҳми келди.

— Ардаллон Александрич, отахоним!— деб қичқирди унинг орқасидан,— андак сабр қилиб тур-чи; беайб парвардигор; виждонинг олдида унчалар қийналмайдиган бўлганингдан сўнг меннинг ҳузуримга кел, ўтириб ўтган-кетган гапларни эслашамиз. Мен ўзим ҳам балким сенга қараганда юз карра кўп гуноҳга ботгандирман; хўп, бўлди, боравер энди, сенга бу ерда...— деди у бирдан қайтиб келмасин тагин деб чўчиб.

— Сиз ҳозир унинг олдига борманг,— деб тўхтади князь отасининг ортидан чиқмоқчи бўлган Коляни.— Бўлмаса, пича ўтмай унинг ҳафсаласи пир бўлади, кайфияти ҳам бузилади.

— Рост айтади, тегма унга, ярим соатдан кейин борсанг бўлади,— деди Лизавета Прокофьевна.

— Умрида биринчи мартаба рост гапириб шунча таъсирланиб кетди шўрлик!— деб ботинмайроқ бўлса ҳам орага гап қўшди Лебедев.

— Сенга гапни ким қўйибди, отаганим, ўзинг ҳам ундап тузук эмассан, агар эшитганларим рост бўлса,— деб унинг оғзига урди Лизавета Прокофьевна.

Князни кўргани келгайларнинг бир-бирларига муносабатлари борган сари равшанлаша бошлади. Князь генерал ойим билан унинг қизлари кўрсатган илтифотларни жуда қадрлар эди, мен ўзим сизлар келмасангиз ҳам бормоқчи эдим, кеч бўлиб қолганлигига ва касал бўлишимга қарамасдан кўриб келмоқчийдим, деди. Лизавета Прокофьевна унинг меҳмонларига кўз югуртираркан, ҳозир ҳам борсак бўлаверади, кеч эмас, деди. Назокатли ва беҳад даражада одамлар билан чиқиниб кетоладиган Птицини кўп ўтмай ўридан туриб париги уйга чиқиб кетди ва чиқиб кетаркан, Лебедевини ҳам бирга олиб кетиш пайида бўлди. У тезда қайтиб келмади, деди. Бу орада Варя қизлар билан гаплашиб қолди. Ганя билан икковлари генералнинг чиқиб кетганидан хурсанд эдилар; Ганянинг ўзи ҳам кўп ўтмай Птицининг орқасидан чиқди. Равонда бирмунча вақт Епанчиналар билан бирга бўлган чоғида у ўзини жуда яхши тутди, унга бир неча мартаба ўқрайиб қараб қўйган Лизавета Прокофьевнанинг нигоҳидан ўзини йўқотиб саросимага тушмади. Илгари уни биладиган одамлар унда рўй берган ўзгаришларни пайқамасдан иложлари йўқ эди. Бу Аглаяга жуда маъқул тушди.

— Ҳозир чиқиб кетган Гаврила Ардалионович эмасмиди?— деб сўради у кутилмаганда, у баъзан мапа шундай тўсатдан саланг овоз чиқариб кескин савол ташлаб бошқаларнинг гапларини бўлиб қўйишиликни ёқтирарди. Лекин саволи бировга қаратилган бўлмади.

— Уша,— деб жавоб берди князь.

— Зўрға танибман уни. Жуда ўзгариб кетибди... яхши томонга.

— Омон бўлсин,— деди князь.

— Унинг жуда тоби қочиб қолган эди,— деб қўшимча қилди Варя ҳам хурсанд бўлиб, ҳам ачиниб.

— Нимаси яхши томонга ўзгарибди?— елкаларини учуриб қаҳр билан нимадандир қўрқиб кетгандай бўлиб сўради Лизавета Прокофьевна.— Нима деясан ўзинг? Нимаси яхши экан. Сенга нимаси яхши бўлиб кўринди, қани?

— «Шўрлик рицарь»дан кўра яхши йигит йўқ дунёда!— деди бирдан Лизавета Прокофьевнанинг олдидан жилмаган Коля.

— Мен ҳам шундай фикрдаман,— деди князь Ш. ва кулиб юборди.

— Мен ҳам шунга тамомила қўшиламан,— деди тантанавор тарзда Аделаида.

— «Шўрлик рицарь» нимаси тагин?— деб сўради ажабланиб генерал ойим ҳаммага норози бўлиб қараркан, сўнг Аглая дув қизариб кетганлигини кўриб юракдан қўшиб қўйди:— Бемаъни бир гап бўлса керак! «Шўрлик рицарь» ким у, нима дегани?

— Сизнинг эркатойингиз ўзи бировларнинг сўзларини тўтидек такрорлаб юради!— деди кибрланиб қаҳр билан Аглая.

Ҳар сафар Аглаянинг жаҳли чиққанда (унинг жаҳли эса тез-тез чиқарди) гарчи кўринишдан у жиддий ва қаҳри қаттиқ қизга ўхшаса-да, лекин бунда аллақандай болаларча тийқисизлик, тажрибасизлик, ўзини туголмаслик ошкора тарзда кўзга ташланардики, унга қараб туриб одам ўзини кулгидан тўхтатиб қололмасди, Аглаянинг эса яна хуноби ошар, «нега куласизлар, кулишга нима ҳақинглар бор», деб аччиқланарди, уларнинг нимага кулаётганларига ақли етмасди. Опа-сингиллар кулиб юборишди, бу сафар ҳам уларнинг ёнига князь Ш. қўшилди; ҳатто нима учундир қизариб кетган князь Лев Николаевичнинг ўзи ҳам жилмайди. Коля ўзида йўқ хурсанд, хандон ташлаб куларди. Аглая қаттиқ аччиқланди ва янада чиройлироқ бўлиб кетди. Унга аччиқлашни жуда ярашарди ва аччиқланаётгани учун ўзидан-ўзи хафа бўлиб кетарди.

— Тагин у сизнинг сўзларингизни ҳам тўтидай қайтариб юради,— деб қўшиб қўйди у.

— Сиз ўзингиз шундай деган эдингиз!— деб қичқирди Коля.— Бундан бир ой аввал «Дон-Кихот»ни варақлаб ўтириб шундай дедингиз, «шўрлик рицарь»дан яхшиси йўқ, деб айтдингиз. Билмайман, ўшанда кимни назарда тутдингиз: Дон-Кихотими ё Евгений Павловичими, ё бошқа бир кимсаними, ишқилиб кимнидир айтдингиз, гап анча чўзилиб кетди...

— Сен, қўзичоғим, тилингни тийсаиғ бўларди, тахминларингни қара-ю,— деб норози ҳолда уни тўхтатди Лизавета Прокофьевна.

— Нима, фақат мен айтибманми?— деб* жим бўлмасди Коля.— Ҳамма гапирди ўшанда, ҳозир ҳам гапиришяпти; ҳозир ҳам князь Ш. билан Аделаида Ивановна ҳам «шўрлик рицарь» томониданми, деб айтишди, демак, «шўрлик рицарь» бор экан-да, албатта бор, агар Аделаида Ивановна бўлмаганларида биз ҳалигача аллақачон унинг кимлигини билиб олган бўлардик.

— Менда нима айб,— кулди Аделаида.

— Унинг суратини чизишни истемадингиз — айбингиз шу! Ушанда Аглая Ивановна «шўрлик рицарь»нинг суратини чи-

зиб беришингизни сўраган эди, ҳатто суратнинг бутун воқеасини ҳам айтиб берган эди, ичидан тўқиб, эсингиздами ўша воқеа? Сиз истамадингиз...

— Нимани чизардим, кимни? Воқеасидан маълумки, бу «шўрлик рицарь»

Ҳеч кимса олдидан зирҳли
Ниқобини юздан кўтармас.

Шундай бўлгандан кейин қандай қилиб унинг юзини чизиб бўлади? Нимани чизиш керак: ниқобини? Ё бошқа бир кимсаними?

— Ҳеч нарсага тушунмай қолдим, ниқоби тағин нимаси!— деб ачини чиқарди генерал ойимнинг, у «шўрлик рицарь» номи тагида (улар анчадан бери кимдир шундай деб атаб юрган бўлсалар керак) ким назарда тутилаётганини ичидан яхши англай бошлаган эди. Лекин у Лев Ниқовичнинг ҳам худди ўн яшар боладай уялиб ўзини йўқотиб қўйганлигини кўргач, жуда тутақиб кетди. — Э, қўйинглар-чи шу бемаъниликни? Менга «шўрлик рицарь» нималигини тушунтириб берайсизларми, йўқми? Шунга махфий гапми ҳеч тагига етиб бўлмайдиган?

Лекин барибир ҳаммалари оғизларини кулгидан йиғиштиришолмасди.

— Ҳеч гап йўқ, битта ғалати рус қўшиғи бор, холос,— деб гапга қўшилди ниҳоят князь Ш. тезроқ суҳбатни бошқа мавзуга кўчириш кераклигини ҳис қилиб,— у «шўрлик рицарь» ҳақида айтилган, боши ҳам йўқ, охири ҳам йўқ. Бир ойча илгари ҳаммамиз таомдан сўнг йиғилишиб чақчақлашаётган эдик, одатдагидай Аделанда чизадиган суратга мавзу қидираётган эдик. Узингиз биласиз-ку, бутун оила бўлиб Аделанда Ивановнинг чизадиган суратига мавзу қидиришамиз. Ана ўшанда кимдир «шўрлик рицарь»ни эслатиб қолди, кимниги эсимда йўқ...

— Аглая Ивановна!— деб қичқирди Коля.

— Бўлиши мумкин, розиман, фақат менинг ёдимда йўқ,— деб давом этди князь Ш.— Бировлар бу мавзу устидан кулишди, бошқалар сурат учун бундан ҳам яхшироқ мавзу бўлиши мумкинмас, дейишди, лекин нима бўлмасин, «шўрлик рицарь»ни чизиш учун унинг сиймосини аниқлаш керак: шунда барча таниш-билишларнинг юзларини эслай бошладик, лекин ҳеч қайсиси мос тушавермади, шу билан гап очиқ қолди; бўлгани шу; нега Николай Ардалионович бу нарсаларни шу топда эслаб гап қўзғаб юрибди, яхши тушунмаяпман? Ўз вақтида ўринли ва кулгили бўлган нарса ҳозир унчалик ҳам ўринли эмас, қизиғи ҳам йўқ.

— Одамга оғир ботадиган янги бир тентаклик назарда тути-
лаётгандир-да,— деб унинг гапини кесди Лизавета Прокофье-
вна.

— Ҳурмат-эҳтиромдан бошқа ҳеч қандай нарса йўқ бу ер-
да,— кутилмаганда жиддий ва сипо қилиб деди Аглая, у бояги
аччигидан тушган, энди ўзини ўнглаб, тутиб олганди. Қайтага
баъзи бир ишораларга қараганда у ҳазилнинг тобора чуқурроқ
илдиз отиб бораётганлигидан хурсанд кўринарди, князнинг
фавқуллода тарзда тобора қаттиқроқ хижолатга тушаётганли-
гини сезган дақиқадан эътиборан Аглаяда мана шундай ўзга-
риш содир бўлганди.

— Бир қарасанг, уйни бошларига кўтариб кулишгани кулиш-
ган, энди бирдан чуқур ҳурмат-эҳтиром пайдо бўлиб қолибди!
Тийиқсизлар! Нимага ҳурмат? Ҳозир айтасан, нега бирдан ҳеч
нарсадан ҳеч нарса йўқ сенда чуқур ҳурмат пайдо бўлиб қолди?

— Чуқур ҳурматнинг маъноси шундаки,— деб давом этди
Аглая онасининг жаҳл билан берган саволига сипо ва жиддий-
лик билан жавоб бераркан,— бу шеърда идеал билан яшашга
қобил бўлган одам тасвирланган, иккинчидан, ўз идеали йўлида
бутун умрини бағишлайдиган ва ҳеч нарсадан тоймайдиган одам.
Бизнинг замонамизда бунақаси ноёб учрайди. Шеърда «шўрлик
рицарь»нинг идеали нима эканлиги аниқ айтилмайди, лекин
унинг қандайдир жуда мунаввар бир сиймо, «ғўзалликнинг соф
хилқати» эканлиги равшан, шунинг учун ҳам ошиқ йигит ўз
бўйишга шарф ўрнига тасбеҳ тақиб олган. Рост, у ерда яна ал-
лақандай поалик бир хол ҳақида ҳам айтилади, йигит ўз сову-
тига А. Н. Б. деган ҳарфларни ёзиб қўйган эди...

— А. Н. Д.,— деб тўғрилади уни Коля.

— Мен А. Н. Б. деяпман, шундай дейишни истайман,— деди
аччиги чиқиб Аглая,— қандай бўлмасин, ўша «шўрлик рицарь»-
га энди ҳамма нарса барибир бўлиб қолган: у хонимининг ким-
лиги, қандайлиги билан сира иши йўқ. Мен уни танладим, унинг
«соф ғўзаллигига» ишондим, шунинг ўзи менга бир умрга етади,
дейди ва унинг сиймоси қошида бир умр таъзим қилиб ўтади.
Ҳамма гап шундаки, кейин у хоним ўғри бўлиб чиққан тақдирда
ҳам йигит барибир унга ишонавериши ва унинг соф ғўзаллиги
учун найзабозлик қилавериши керак. Шонр ўрта аср валломат-
ларининг хаёлий севгилари ҳақидаги тасаввурни бир образда
жамлаб ифодалаб бермоқчи, соф ва фидокор валломат сий-
мосини яратмоқчи бўлганга ўхшайди; албатта, булар бари орзу.
«Шўрлик рицарь»нинг туйғулари бу жиҳатдан энг юқори нуқтага
кўтарилган, у ҳамма нарсадан воз кечган ўз муҳаббати йўли-
да. Очиғини айтганда, мана шундай ҳиссиёт билан яшашга
қодир бўлган одам камдан-кам учрайди, бундай туйғулар одам-

да жуда чуқур из қолдиради ва бир жиҳатдан худди Дон-Кихотга ўхшаб мақтовларга сазовор бўлади. «Шўрлик рицарь» — Дон-Кихотнинг ўзи, лекин у жуда жиддий одам, кулгили эмас. Мен олдин тушунмасдим ва кулардим, энди бўлса «шўрлик рицарь»ни яхши кўраман ва энг муҳими, унинг мардликларини эъозлайман.

Аглая ўз нутқини шундай деб тугатди, унга қараб турган киши жиддий гапиряптими ё ҳазиллаяптими ажратиб ололмасди.

— Улсин, тентак бўлса керак-да, юрган мардлиги ҳам бошидан қолсин! — деди генерал оиним. — Сен ўзинг ҳам, она қизим, одамни тоза лақиллатдинг, бутун бошли бир лекция ўқидинг, менимча, бу сенга ярашмаган қилиқ. Ҳар ҳолда сенга муносиб эмас. Қандай шеър экан? Уқи, билсанг керак. Мен албатта, бу шеърни эшитишим керак. Худди билгандай бир умр шеър деса жиним қуришадди. Худо ҳаққи, бирпас сабр қил, князь, сен билан биз кўп нарсаларга чидашимиз керакка ўхшайдди, — деб мурожаат қилди у князь Лев Николаевичга. Лизавета Прокофьевнанинг жуда аччиғи чиққанди.

Князь Лев Николаевич нимадир демоқчи бўларди-ю, лекин камоли хижолат чекканидан тили казимага келмасди. Фақат «лекция»сида жуда ҳаддидан ошиб кетган Аглая ҳеч нарсани писанд этмай турар, афтидан, ҳатто хурсанд ҳам эди. У ҳамон сипо ва жиддий ҳолда ўрнидан турди, худди олдиндан шунга тайёрланиб фақат таклиф бўлишини кутиб тургандай равонинг ўртасига чиқди, ҳамон креслода ўтирган князнинг рўпарасида тўхтади. Ҳаммалари, деярли ҳамма, князь Ш., опалари, онаси ҳайрон бўлганча унга қараб туришар, унинг бирмунча ҳаддан ошиб бораётган янги шўхлигидан кўнгиллари хижил бўлмоқда эди. Лекин, афтидан, Аглаяга шеър ўқишдан олдинги ушбу кўтаринки тайёргарлик ёқарди. Лизавета Прокофьевна қизини сал бўлмаса жойинга ўтқазиб қўймоқчи ҳам бўлиб турган эди, Аглая маълум балладани ўқий бошлаган дақиқада икки янги меҳмон овозларини баралла қўйиб гаплашганларича кўчадан равонга кириб келдилар. Булар генерал Иван Федорович Еванчин билан яна бир ёш йигит эди. Жиндаккина ҳаяжон кўтарилди.

VII

Генералнинг ёнида келган йигирма саккизларга чиққан, баланд бўйли, келишган қадди-қоматли, чехрасидан нур ва гўзаллик ёғилиб турган, катта-катта қора кўзларида фазл ва закий-

лик учқунланиб ётган йигит эди. Аглая унга ҳатто бошини буриб ҳам қарамади ва ўша кўтаришқи алфозда фақат ёлғиз князнинг ўзига қараган ва фақат князнинг ўзигагина мурожаат қилган ҳолда шеърни ўқишда давом этди. Князга буларнинг ҳаммаси маълум бир мақсад билан қилинаётгани равшан бўлди. Лекин ҳар қалай янги келган меҳмонлар унинг ўнғайсиз аҳволини бир оз енгиллатгандай бўлдилар. Князь меҳмонларни кўриб ўрнидан турди, генералга илтифот билан бошини қимирлатди, ўқишга халал бермасликларини имо билан сўради ва ўзи креслонинг орқасига ўтиб унинг суянчиғига таянганча балладани тинглай бошлади, энди у креслода ўтириб шеър тинглашдек ўнғайсиз ва назарида кулгили бўлиб кўринган ҳолдан қутулган эди. Ўз навбатида Лизабета Прокофьевна ҳам янги кириб келганларга тўхтаб турнишлар, дегандай амирона ишора қилди. Айтгандай, князь генералнинг ёнидаги йигитга жуда қизиқсиниб қаради; у бу одам ҳақида кўп эшитган ва кўп ўйлаган эди, бу ҳақиқатан ҳам Евгений Павлович Радомский эди. Князни фақат унинг кишилик кийимида эканлиги бир оз ҳайрон қилиб қўйганди; у Евгений Павловични ҳарбий киши деб эшитганди. Шеър ўқиларкан, янги меҳмоннинг лабларидан кинояли табасум аримади, гўё у ҳам «шўрлик рицарь» ҳақида баъзи бир гапларни эшитганга ўхшарди.

«Эҳтимол шу одамнинг ўзи тўқиб чиқарган бўлса ҳам ажабмас», — деб ўйлади князь ичида.

Лекин Аглая жуда бошқача эди. У бошида дабдаба билан ўқишга чиққан эди, энди у дабдаба ва тумтароқлиқни шундай бир жиддийлик, шеърни асарнинг мазмуни ва руҳига кириш билан пардалаб юбордики, шеърни шунчалар олий бир соддалик билан ўқидики, оқибатда ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилиб олди ва балладанинг юксак руҳини уларга англаштириш билан бояги зўраки, сунъий тумтароқлиқни ўтирганларнинг хаёлидан чиқариб юбора олди. У жуда ҳам жиддий тортиб қолган эди ва маъна шу унинг жиддиятида ўзи мазмунини ифода қилиб бермоқчи бўлган асарга чексиз, лекин бир оз содда эҳтироми жўш уриб турганлигини равшан кўриш мумкин эди. Унинг кўзлари ўт бўлиб ёнар, чеҳраси илҳом ва сурурдан янада гўзаллашиб кетганди. У ўқирди:

Яшарди бир йигит дунёда¹,
Жуда фақир, ранг-рўйи бир ҳол.
Бўлса ҳамки камгап ва содда
Ростгўй, жўмард эди бемисол.

¹ Бу шеър А. Пушкиннинг «Валломатлик замонларидан кўринишлар» асаридан олинган А. М. Д. (лот.) «Салломно, Биби Марям» демакдир (пирис).

Ақл бовар қилмас бир рӯё
Қалбига нақш этилган тасвир.
Ажиб суврат хаёлий сиймо
Борлигини этганди асир.

Ўша-ўша юраги сўзон,
Хотинларга солмасди назар.
Бир калима демоғи гумон
Эди унинг ўлгунга қадар.

Шарф ўрнига илдию тасбеҳ,
Пўлат ниқоб кийди тап тортмас.
У ҳеч кимса олдида зиреҳ
Ниқобини юздан кўтармас.

Қалби тўла тоза ишқ туйғу,
Орзуларга содиқ то абад.
А. М. Д. деб қалқошига у
Қонн билан этган эди зарб.

Фаластининг даштларин кечиб
Қоялардан ошар йигитлар.
Саиамлар деб ҳайқириб учиб,
Сурон солар юраги ўтлар.

Lumen coeli, sancta Rosa!¹
Наъра тортар жанггоҳлар ичра
Чақмоқ урган дарахтдай роса
Мусулмонлар эгардан учар.

Қайтди хилват қасрига шеъров,
Умр сурди ёлғиз, бешинон.
Гамгин эди маънос, бенаво,
Телба каби таслим қилди жон².

Кейинчалик князь мана шу дақиқаларни эсларкан, шундай чинакам ва гўзал ҳиссиётни қандай қилиб очиқдан-очиқ масхара, мазах билан боғлаб юбориш мумкин, деб анча вақтларгача ҳаддан ташқари қийналиб юрди, лекин бу муаммони ҳал қилолмади. Бу ерда ўртага мазах аралашганлигига у амин эди. У буни жуда аниқ тушунди, бунинг жуда аён сабаблари бор эди: шеър ўқиркан, ўзича ҳарфларни ўзгариб Аглая А. М. Д. ҳарф-

¹ Фалак нури, муқаллас Роза! (Лот.)

² Шеърни Ойдин Ҳожиева таржима қилган.

лари ўрнига Н. Ф. Б. деб ўқиди. Хато қилмадимикин, янглиш эшитмадимикин, лекин князь янглиш эшитмаганлигига ишончи комил эди (кейинчалик бу нарса исботланди). Албатта, Аглаянинг бу қилиғи бир оз қўполроқ ва енгилтакроқ ҳазил эди,— лекин у олдиндан ўйлаб, атай қилинган ҳазил эди. «Шўрлик рицарь»ни ҳамма бир ой илгари гапириб (ва кулиб) юрган эди. Шу билан бирга кейинчалик князь эслашга қанча уринмасин, Аглаянинг бу ҳарфларни қандай ўқиганлигини кўз олдига келтираркан, унинг бу ҳарфларга алоҳида урғу берганлигини, уларни бўрттириб ўқиганлигини ёки ҳазил-мазахга олганлигини сира ҳам хотирлай олмасди, аксинча, у юзини сира ўзгартирмасдан, сиполикни қўлдан бермасдан, шундай маъсум ва содда бир тахлит билан ўқидики, шеърнинг ўзида рости билан ҳам аини шу ҳарфлар ёзилган деб ўйлаш мумкин эди. Нимадир князнинг кўнглига жуда оғир ботди ва унинг дили оғриди. Лизавета Прокофьевна на ҳарфларнинг ўзгартиб ўқилганлигини ва на кинояни пайқади. Генерал Иван Федорович шеър ўқиладиганлигидан бошқа нарсани тушунмади. Бошқа тингловчиларнинг аксарияти кесатиқни ва ишорани яхши пайқаб, ҳайрон бўлдилар, лекин ўзларини билмаганга солдилар. Аммо Евгений Павлович (князь бас бойлашишга ҳам тайёр эди) ҳам пайқади, ҳам пайқаганлигини маълум қилишга уринди: у очиқ киноя билан илжайиб турарди.

— Мунчалар чиройли бўлмасал— деб хитоб қилди тинглаб ҳузур қилган генерал оғим баллада тугаши билан.— Қимнинг шеъри?

— Пушкинники, шатап, бизни уялтирманг, яхшимас!— деди Аделаида.

— Сиз билан тағин ҳам ақлимни тамом еб қўймаганимга шукур қиламан!— деди надомат билан Лизавета Прокофьевна.— Уят! Уйга боришимиз билан менга Пушкиннинг шу шеърини топиб беринглар!

— Бизникида Пушкиннинг ўзи йўқ шекилли.

— Анчадан бери иккита эскириб кетган жилди ётади,— деб қўшиб қўйди Александра.

— Дарров шаҳарга Федор ёки Алексейни юборинглар, сотиб олсин, яхшиси Алексейни юбора қолинглар биричи поезд билан. Аглая, бери кел! Мени ўпиб қўй, сен жуда чиройли ўқидинг,— деди у қизига пичирлаб,— агар сен чин юракдан ўқиган бўлсанг, сенга жуда ачинаман, лекин мазах қилиб ўқиган бўлсанг, бу ишингни маъқул кўрмайман, шундай бўлгандан кейин умуман ўқимаганинг яхши эди. Билдингми? Бор энди, оғимқиз, сен билан ҳали яна гаплашамиз, бу ерда анча ўтириб қолдик.

Бу орада князь генерал Иван Федорович билан кўришиб

саломлашар, генерал унга Евгений Павлович Радомскийни таништирарди.

— Йўлда учрашиб қолдик, поезддан эндигина тушиб турган экан, менинг бу ёққа келаётганлигимни, уйдагиларнинг ҳаммаси шу ерда эканлигини эшитиб...

— Сиз ҳам шу ердасиз деб эшитдим,—деб унинг сўзини бўлди Евгений Павлович,—ўзим анчадан бери сиз билан учрашсам, сиз билан танишсам, деб орзу қилиб юрардим, шунинг учун фурсатдан фойдаланиб кела қолдим. Тобингиз йўқми? Мен ҳозир билдим...

— Соғлигим яхши, сиз билан танишганимдан хурсандман, сиз ҳақингизда кўп эшитганман, ҳатто князь Ш. билан гаплашганмиз,—деб жавоб берди Лев Николаевич қўлини узатиб.

Узаро илтифотлар кўрсатилди, икковлари бир-бирларининг қўлларини қиспишдилар ва бир-бирларининг кўзларига диққат билан тикилишдилар. Дарров гап умумий мавзуларга кўчди. Князь Евгений Павловичнинг кишилик кийимда юриши ҳаммани ҳайратга солиб қўйганлигини ва бошқа ҳамма гаплар шу ҳайратнинг соясида қолиб кетаётганлигини шайқади (у ҳозир ҳамма нарсани жуда тез ва чанқоқлик билан фаҳмлайдиган, ҳатто, эҳтимол, тагида асли бўлмаган нарсаларни ҳам сезадиган бўлиб қолганди). Гуё унинг кийим ўзгартириши ўзгача бир маънога эга, яъни жуда муҳим бир нарсга эди. Аделанда билан Александра ҳайрон бўлишиб, Евгений Павловични сўроққа туттиларди. Унга қариндошчилиги бўлган князь Ш. эса безовталаниб қолганди. Генерал эса ҳаяжонга тушганди. Фақат Аглая Евгений Павловичга ҳарбий кийим ярашадими ё кишилик кийимини дегандай қилиб бир зум қизиқсиниб хотиржам қараб турди-ю, сўнг юзини ўгириб унга бошқа қарамади. Лизавета Прокофьевна ҳеч нарсани сўрагани йўқ, сўрашни истамади ҳам, лекин балки у ҳам жердай танишиланиб қолган эди. Князининг назарида у Евгений Павловични ёқтирмайдигандай бўлиб туюлди.

— Ҳайронмиз, ҳайронмиз!—деб жавоб берарди Иван Федорович ҳамма саволларга жавобан.— Мен боя уни Петербургда учратиб қолиб ўз кўзларимга ишонмадим. Нега бирдан шундай, муаммо? Ўзи ҳаммадан олдин, элдан бурун шов-шув кўтариш керак эмас, дейди.

Гап-сўзлардан маълум бўлдики, Евгений Павлович бу истеъфо хусусида анчадан бери сўйлаб юраркан; лекин ҳар сафар жиддий қилиб айтмаганидан ҳеч ким ишонмас экан. Бунинг устига у жиддий нарсалар тўғрисида ҳам доим ҳазил-ҳузулга олиб сўзлар ва айниқса биров тушунмасин деса, атай шундай қиларди.

— Мен вақтинча чиқдим, истеъфода фақат бир неча ойгина юраман, холос,— деб куларди Радомский.

— Бунга ҳечам ҳожат йўқ эди, мен ахир сизнинг ишингизни биламан-ку,— деб ҳамон қизишиб дерди генерал.

— Мулкларни айланиб чиқиш-чи? Ўзингиз маслаҳат берган эдингиз; мен ҳали чет элга ҳам бормоқчи бўлиб юрибман...

Сўнг кўп ўтмай гап бошқа мавзуларга кўчди; лекин князнинг назарида ҳамон аллақандай одатдан ташқари ташвишланиш тугамаган, афтидан, бу ўринда ўзгача бир ҳол бўлса керак эди.

— Демак, «шўрлик рицарь» яна саҳнага кўтарилибди-да?— деб сўраган бўлди Евгений Павлович Аглаянинг олдига келиб.

Аглая худди ўртамизда «шўрлик рицарь» ҳақида гап бўлмаган эди-ку, сизга тушунмай қолдим дегандай қилиб унга савол аломати билан ҳайрон бўлиб қаради. Князь бундан ҳайратга тушди.

— Сизга айтяпман-ку, кеч бўлиб қолди, кеч бўлди шаҳарга Пушкинни олиб келишга одам юборишга!— деб сўз талашарди Коля Лизавета Прокофьевна билан ҳолдан тойгудай бўлиб,— сизга минг марта айтдим, кеч бўлди.

— Ҳа, ҳақиқатан, шаҳарга одам юборишга кеч бўлиб қолди,— деди Аглаянинг олдидан тезроқ кетишга шошилган Евгений Павлович,— менимча, Петербургнинг дўконлари ҳам ёпилиб қолди, соат тўққиз бўлди,— деб гапни тасдиқлади соатини чиқариб.

— Шунча пайтдан бери кутган, яна эртагача кутсак ҳеч нарса қилмас,— деди Аделаида.

— Ундан ташқари киборлар жамиятининг одамларига адабиёт билан ҳаддан ташқари қизиқиш олобдан бўлмайди,— деб қўшиб қўйди Коля.— Евгений Павловичдан сўранг. Ҳар қандай китобдан икки от қўшилган икки қизил гилдиракли енгил арава яхшироқ.

— Яна китобий гапларни айтяпсиз, Коля,— деди Аделаида.

— У китобий гапирмаса туролмайди,— деб унга қўшилди Евгений Павлович,— танқидий мақолалардан катта-катта кўчирмалар келтириб гапиради. Мен анчадан бери Николай Ардалионовичнинг қандай сўзлашларини биламан, лекин ҳозир у китобдан гапирмади. Николай Ардалионович менинг қизил гилдиракли аравамни кесатяпти. Мен уни аллақачон алмаштиришман, сиз кечикиб қолдингиз.

Князь Радомскийнинг сўзларига қулоқ солиб турарди... Унинг назарида Радомский ўзини жуда яхши тутмоқда, камтар, содда эди, ҳаммадан ҳам князга ёққан жойи у учирма қилиб гапираётган Коля билан дўстона, ўзини унга тенг олиб сўйларди.

— Нима бу?— деб сўради Лизавета Прокофьевна жуда гў-

зал қилиб муқоваланган, ҳали деярли яп-янги катта-катта бир қанча китобларни кўтариб ҳузурига келган Лебедевнинг қизи Верадан.

— Пушкин,— деди Вера.—Бизнинг Пушкин. Отам сизга тортиқ қилишимни буюрдилар.

— Яъни қандай? Қандай қилиб?—ҳайрон бўлди Лизавета Прокофьевна.

— Тортиқ эмас, тортиқ эмас, журъат этмаймиз!— қизининг ортидан бошини кўтарди Лебедев.—Ўз баҳосига. Бу ўзимизнинг китобимиз, Анненковнинг нашри, ҳозир бу нашрни ўз баҳосига ҳам топиб бўлмайди. Сизга сотиш учун илтижо билан қўлингизга тутқизаман, шу билан ҳазрати олияларининг эзгу адабий туйгуларининг эзгу сабрсизлигини қондириш ниятида ўзимни бахтиёр деб ҳис қиламан.

— А, сотасанми, унда миннатдорман. Зарар кўрмассан дейман; фақат ҳадеб менинг олдимда қийшанглайверма, отахоним. Сен ҳақингда эшитганман, жуда ўқимшли одам эмишсан, вақти-соати билан бир суҳбатлашармиз; сен ўзинг меникига олиб бориб берасанми?

— Жоним билан... мишнатингиз бош устига!— деб ҳаддан ташқари эшилди бураларди Лебедев жуда мамнун бўлиб, у китобларни қизининг қўлидан олди.

— Тағни йўқотиб қўйма, олиб бор, бошинг устигами-йўқми, билмайману, лекин бояги шарт билан,— деб қўшиб қўйди у Лебедева бошдан-оёқ назар соларкан,— эшик олдиғача борасан, сенди бугун қабул қилолмайман. Қизинг Верани менга қолса ҳозироқ юборишинг мумкин, у менга жуда ёқиб қолди.

— Нега сиз анавиларни айтмаяпсиз?— деди Вера отасига сабрсизлик билан қараб.— Ахир улар ўзлари бостириб кирмоқчи бўлиб туришибди: шовқин солишяпти. Лев Николаевич,— деди у шляпасини қўлида унлаган князга қараб,— сизни аллақандай одамлар сўраб келиб анчадан бери кутиб ўтиришибди, тўрт киши, галва қилишяпти, отам киритмаяпти уларни.

— Қандай меҳмонлар?— сўради князь.

— Ишлари бор эмис, фақат улар галати одамлар экан, ҳозир киришмагани билан барибир йўлда тўхтатишади. Яхшиси, Лев Николаевич, уларни қабул қилинг, садқайи сар. Уларни боядан бери Гаврила Ардалионович билан Птицин гапга кўндирмоқчи бўлишяпти, лекин улар унашмаяпти.

— Павлишчевнинг боласи! Павлишчевнинг боласи! Арзимайди, арзимайди!— деб қўлларини силкитарди Лебедев.— Уларни эшитиб ҳам ўтириш керак эмас; ҳазратим, уларни деб ўзингизни уриштиришингизнинг асло ҳожати йўқ. Ана шу. Улар арзимайдиган одамлар...

— Павлишчевнинг ўгли! Вой худойим-ей!— деб қичқириб юборди князь қаддан ташқари хижолат бўлиб.— Мен биламан... лекин ахир мен... лекин мен бу ишни Гаврила Ардалионовичга топширган эдим. Ҳозир Гаврила Ардалионович менга гапириб турган эди...

Лекин Гаврила Ардалионович хоналардан равонга чиққан, у билан бирга Птицин ҳам бор эди. Қўшни хонадан шовқин-суроп эшитилар, ҳаммадан баланд келишга уринаётган генерал Иволгиннинг қаттиқ-қаттиқ гапирётгани қулоққа чалинарди. Коля шовқинга чопиб чиқди.

— Жуда қизиқ бўлди-ку!— деди овозини чққариб Евгений Павлович.

«Демак, хабари бор экан-да!»— ўйлади князь.

— Павлишчевнинг қандай ўгли? Умуман... Павлишчевнинг ўгли бўлиши мумкинми?— деб ҳайрон бўлиб сўрарди генерал Иван Федорович ҳамманинг юзига қизиқсиниб қараркан ва бу янгилик ўзидан бошқа ҳаммага аллақачон маълум эканлигини фаҳмларкан.

Ростдан ҳам, ҳамма ҳаяжонланиб кутмоқда эди. Князь шахсан ўзига тегишли бўлган иш бирдан ҳаммани жуда ҳам қизиқтириб қўйганидан ажабланди.

— Агар ўзингиз ҳозирнинг ўзида бу ишни охирига етказсангиз жуда яхши бўлади,— деди Аглая аллақандай жуда жиддий тортиб князга яқинлашаркан,— ижозат этинг, биз ҳаммамиз сизга гувоҳ бўламиз. Сизнинг юзингизга қора чапчанимоқчи, князь, шунинг учун сиз ўзингизни ҳамманинг кўз олдида оқлашингиз керак, мен эса сиздан донмо хурсандман.

— Мен ҳам ушбу ярамас даъво дарҳол барҳам топишини истайман,— деб қичқирди генерал оғим ҳам,— уларни бошлаб адабини бер, князь, аяб ўтирма! Бу ишдан ва мишмишлардан қулогим қоматга келди, тоза адабимни едим! Қани бир кўрайлик-чи. Чақир уларни, биз ўтира турамыз. Аглая яхши ўйлади. Сиз буни эшитганмидингиз, князь?— деб мурожаат қилди у князь Ш. га.

— Албатта эшитганман, сизникида қулогимга чалинувди. Лекин анчадан бери шу ёшларни ўз кўзим билан кўрсам деб юргандим,— деб жавоб берди князь Ш.

— Нигилистлар деганларни шуларми?

— Йўқ, улар нигилист ҳам эмас унчалар,— деб илгарини чиқди Лебедев ҳаяжонланиб кетганидан қалтиллаб титраганча,— булар бошқачалари, улар, менинг жиянимнинг айтишича, нигилистлардан ҳам илгарироқ ўзиб кетишганмиш. Князь ҳазратим, сиз бекор уларни қабул қиляпсиз, улар уяладиган одамлар эмас. Нигилистлар баъзан жуда билимдон, олим кишилар бўлишади,

булар эса — улардан ўтиб кетишган, булар — уддабурон одамлар. Булар нигилизмнинг бир шохобчаси, ундан туғилган нарсалар, лекин бевосита ундан туғилган эмас, балки билвосита, яъни мишмишлардан туғилган, улар ўзлари ҳақида журналлардаги мақолаларда ёзмайдилар, балки ўзларини тўғридан-тўғри бирон ишда кўрсатадилар. Гап масалан, қандайдир бир Пушкиннинг бемаънилиги ёхуд Россиянинг парчаланиб кетиши ва бунинг зарурати устида бормаиди; йўқ, агар бирон нарсани кўнгуллари тусаб қолса, дарҳол шунга ўзларини ҳақли деб ҳисоблайдилар ва ҳеч қандай тўсиқларга рия қилиб ўтирмайдилар. керак бўлса, саккизта одамни бекорга ўлдириб юбораверадилар. Лекин, князь, мен ҳар қалай, сизга маслаҳат бермасдимки...

Аммо князь меҳмонларга эшикни очиш учун бормоқда эди.

— Сиз туҳмат қиляпсиз, Лебедев,— деди у табассум қилиб,— сизни жиянингиз қаттиқ хафа қилган. Унга ишонманг, Лизавета Прокофьевна. Сизни ишонтириб айтаманки, Горский билан Даниловлар тасодифий ҳодиса, манавилар бўлса, фақат... янглишиб юришибди. Фақат мен улар билан бу ерда ҳаманинг олдида эмас... Кечиринг, Лизавета Прокофьевна, улар киришади, сизга кўрсатаман, сўнг олиб чиқиб кетаман. Марҳамат қилинглар, жаноблар!

Уни бошқа бир фикр қаттиқ қийнамоқда эди. Назарида кимдир бу ишни худди шу вақтга, шу соатга, яна худди мана шу гувоҳларга атай тўғрилаб уни бошлаб шарманда қилмоқчи бўлганга ўхшарди. Лекин у ўзининг «даҳшатли даражадаги бадгумонлигидан» жуда маънос тортиб қолди. Агар кимдир унинг хаёлига шу фикр келганлигини билиб қолса у шу заҳоти эҳтимол ўлиб қолган бўларди; янги меҳмонлар равонга бирин-бирин кириб кела бошлаган чоғда князь ўзини бу ерда йиғилганларнинг ҳаммасидан ҳам маънавий жиҳатдан энг тубан одам деб ҳисоблаганига тайёр эди.

Беш киши кирди, улардан тўрттаси янги келганлар, бешинчиси қизариб-бўзариб, қаттиқ ҳаяжонланиб турган, ҳаддан ташқари нутқ прод қилиши қистаётган генерал Иволгин эди. «Буниси албатта меннинг ёнимни олади»,— деб ўйлади жилмайиб князь. Қоля бошқалар билан бирга кириб келди, у Ипполитга ниманидир қизғини тушунтирмоқда эди. Ипполит унинг гапларини тиржайганча тингларди.

Князь меҳмонларга жой кўрсатди. Уларнинг ҳаммалари ёш ёш йигитчалар эдилар, шунинг учун ҳам уларни шунча тайёргарлик билан кутилаётгани ҳатто бир оз ғалатиноқ ҳам кўринарди. Мисол учун, бу янги ишда ҳеч нарсани билмайдиган ва тушунмайдиган Иван Федорович Епанчин ҳали мўйлови ҳам чиқма-

ган ёшларни кўргач, аччиғи қистади, лекин князининг шахсан ўзига тегишли бўлган ишларга хотини ҳам жуда қизиқаётганлигини кўриб индамай қўя қолди. У бир чеккаси қизиққанидан ва, қолаверса, оқкўнгиллигидан балки князга фойдам тегиб қолар, деб туриб кетмади. Лекин узоқдан генерал Иволгиннинг ўзига таъзим қилганлигини кўриб яна бошқатдан аччиғи қистади; унинг қовоқлари солинди, бир оғиз ҳам сўз айтмасликка қарор берди.

Иттифоқо, ўсмирлар орасида ёши ўттизларга чиқиб қолган, «Рогожин тўдасида ўралашган ва ким сўраса ўшанга ўн беш сўлкавойдан бериб юбораверган» истёфодаги поручик ва боксер бор эди. Мургак ёшларга далада бўлиши, керак бўлса, уларни қўллаш ва мадад бериши учун қўшилдиб келганга ўхшарди. Қолганлар ичидан энг эътиборли кимса «Павловичевнинг ўғли» бўлиб, у ўзини Антип Бурдовский деб таништирди. У ноҳор ва палапартиш кийинган, устига енглари ойнадай йилтираб кетган сюртук илган, яғир босган нимчаси охириги тугмасигача қадаб қўйилган, қўйлагин борми-йўқми номаълум, кирлигидан йилтираб худди арқондек буралиб қолган қора шойи шарф ўраган, қўллари ювуқсиз, башарасига тизиз ҳуснбузар тошган, оқ-сарикдан келган ва таъбир жонз бўлса, кўзи беғуноҳ, лекин қаттиқ боқадиган бир йигитча эди. У хийла бўйдор, қотма, йнгирма иккиларга кириб қолган эди. Юзида ҳиссиётларнинг заррача асари кўринмасди; у ўз ҳуқуқидан боши осмонда эди, шундан бошқа нарса калласида йўқ эди, шу билан бирга у ўзини худди доимо биров хафа қилаётгандай сезиши ва ҳис қилиши жуда яхши кўрар, бу унда жуда ҳам галати бир эҳтиёжга айланганди. У лаби лабига тегмай бидирлаб сўзлар, сўзларини чала-ярим талаффуз этиб ямлаб юборар, худди тили чучук ёки чет эллик одам гапирётгандек таассурот қолдирарди, лекин ўзи асли таги рус эди.

Лебедевнинг бизга маълум жияни ва Ипполит у билан бирга келган эдилар. Ипполит жуда ҳам ёш эди, ўн етти-ўн саккизларга кирган, юзи ақлли, лекин тажанг одамларнинг юзига ўхшаган, оғир касаллиқнинг асорати қолган йигитча эди. Унинг эти бориб устихонига ёпишган, рангпар, кўзлари йилтираган, икки бетига қизил доғ парчалари тошган эди. У тинмай йўталарди; ҳар бир сўз, ҳар бир нафас оғзидан хириллаб чиқарди. Сил уни бутунлай ҳолдан тойдирганди. Икки-уч ҳафтадан ортиқ яшамайдигандек эди. Унинг оёғида мадори қолмаган, шунинг учун ҳаммадан илгари ўзини стулга ташлади. Бошқалар равонга киришдан олдин бир оз тисарилиб, пича тортинган бўлсалар ҳам, лекин ёўдайишиб туришар, афтидан, қандайдир беобрў бўлишдан қўрқишаётганга ўхшар, ҳаётий икир-чикирларни,

барча урф-одатларни ва ўз манфаатларидан бўлак жамики нарсаларни бутунлай инкор қилиб юрган кимсаларга бу унчалик ярашмас эди.

— Антип Бурдовский,— деди шошилиб, тутилиб «Павлишчевнинг ўғли».

— Владимир Докторенко,— деди дона-дона қилиб ва худди ўзининг Докторенко эканлиги билан мақтангандай бўлиб Лебедевнинг жияни.

— Келлер!— деб гўлдиради истеъфодаги поручик.

— Ипполит Терентьев!— фавқулодда чийиллаган овоз билан чинқирди охиргиси. Ҳаммалари ниҳоят князнинг рўпарасига стулларга ўтирдилар, ҳаммалари ўзларини таништиришиб бўлгач, шу заҳоти қовоқларини солиб олишди ва дадилланиш учун фуражкларини бир қўлларидан иккинчи қўлларига ўтказишди, ҳаммалари гапга шайланган, бироқ ҳаммалари жим ўтиришар, кўзларини лўқ қилганча ниманидир кутишар, уларнинг қарашларидан: «Иўқ, биродар, бизни лақиллата олмайсан, бизни алдаб бўлсан!»— деган маънони уқини мумкин эди. Биров бошламасига бир оғиз гапирсайди, улар ҳаммалари шу заҳоти бири олиб бири қўйиб гапга тушиб кетадиган алфозда эдилар.

VIII

— Жаноблар, мен сизлар келасиз деб кутмаган эдим,— деб бошлади князь,— мен ўзим касал бўлиб ётган эдим, сизнинг ишингизни эса (деди у Антип Бурдовскийга) мен бундан бир ой илгари Гаврила Ардалионович Иволгинга топширган ва ўша заҳоти бундан сизни хабардор қилган эдим. Шундай бўлса ҳам мен шахсан ўзим гаплашишдан қочмайман, фақат тушунинг, шундай бир пайтда... агар гапингиз узоқ бўлмаса мен бошқа хонага чиқишни таклиф қиламан... Ҳозир дўстларим, мени кўргани келинган, тушушинг...

— Дўстлар... бу сизнинг ихтиёрингизда, бироқ шундай бўлса ҳам, ижозат этинг,— деб унинг гапини бўлди Лебедевнинг жияни худди насихат қилгандай оҳангда, лекин ҳали овозини унчалик кўтармасдан,— ижозат этинг, биз ҳам маълум қилиб қўйликки, бизга нисбатан андак одоб билан муомала қилинса бўларди, бизни икки соатдан ортиқ хизматкорхонада куттириб қўйишди...

— Ва, албатта... ва мен... ва бу князчасига! Ва бу... сиз демак, генералсиз! Мен сизга хизматкор эмасман! Ва мен, мен...— деб гўлдирай бошлади бирдан ҳаддан ортиқ ҳаяжонга тушиб Антип Бурдовский, унинг лаблари асабий титрар, овози ўксиган бола овозидек қалтирар, худди пўрсиллаб ётган шиши ёрилгандай оғзидан сўлакайлари отилиб чиқар, у шунчалар шошиб,

чала-чулпа қилиб гапирардики, нима деяётганини ҳам яхши англаб бўлмасди.

— Бу князчасига бўлди!— деб чинқирди хирп овоз билан Ипполит.

— Агар менга шундай қилганларида,— деб тўнғиллади боксер,— яъни буларнинг бари менга ўхшаган олижаноб бир одамга нисбатан қилинганда, унда мен Бурдовскийнинг ўрнида... мен...

— Жаноблар, сиз келганлигингизни мен ҳозиргина билдим, худо ҳаққи,— деб такрорлади яна князь.

— Биз ким бўлмасинлар сизнинг дўстларингиздан қўрқмай-миз, князь, чунки бизнинг ўз ҳуқуқимиз ўзимизда,— деди яна Лебедевнинг жияни.

— Сўрашга ижозат этинг, қани, сизнинг қандай ҳуқуқингиз бор эди,— деб яна чинқирди Ипполит ўзини қаттиқ қайраганча,— Бурдовскийнинг ишини дўстларингизнинг муҳокамасига қўйишга? Биз балки дўстларингизнинг муҳокамасини истамас-миз; сизнинг дўстларингизнинг муҳокамаси қандай бўлишини биз жуда ҳам яхши биламиз!..

— Лекин мабодо сиз жаноб Бурдовский бу ерда сўйлашишни истамасангиз,— деб орага базўр сўз қўшолди князь муомаланинг бундай бошланганидан фавқулодда ҳайратга тушиб,— унда айтяпман-ку, юринглар бошқа хонага чиқамиз, яна қайтараман, сиз келганлигингизни мен ҳозиргина билдим...

— Аммо ҳақингиз йўқ, ҳақингиз йўқ, ҳақингиз йўқ!.. Дўстларингизни... Ана!..— деб бидирлади бирдан Бурдовский атрофга ётсираб қўрқа-ниса назар ташларкан, у ҳаммадан гумонсираб ва хавфсираб ва хавфсираган сари қизишарди,— сизнинг ҳақингиз йўқ!— деб қичқирди у ва худди бир ери узилгандай таққа тўхтаб қолди, у гўлайган, қизил илдиз ёйган, узоқни кўрмайдиган кўзлари билан князга хўш, нима дейсан, дегандай қилиб тикилди, у бутун гавдаси билан энгашиб олган эди. Бу сафар князь шу қадар ҳайратга тушдики, нима дейишини билмай қолди ва индамай кўзларини катта-катта очганча унга тикила бошлади.

— Лев Николаевич!— деб чақириб қолди кутилмаганда Лизавета Прокофьевна,— манавини ҳозир, шу дақиқада ўқиб чиқ, у сенинг ишинга тааллуқли.

У князга ҳафталик ҳажвий газеталардан бирини шоша-пиша узатди ва бармоғи билан мақолани кўрсатди. Лебедев боя меҳмонлар кириб келишаётган маҳалда ён томондан Лизавета Прокофьевнанинг ҳузурига бориб, ялтоқланганча индамай чўнтагидан газета олиб унга мақоланинг чизилган жойини очиб кўрсатганди. Лизавета Прокофьевна ўқиб улгурган гаплар уни

қаттиқ ажаблантирган ва жуда тўлқинлантириб юборганди.

— Лекин овоз чиқариб ўқимай қўя қолайликмикин, — деб гўлдиради князь ҳаддан ташқари хижолат бўлиб, — мен кейин ўзим ўқиб олардим... кейин...

— Унда сен ўқи, ҳозир ўқи, ҳозир ўқи, шунда яхши бўлади, овозингни чиқариб ўқи! Ўқи! — деди Коляга Лизавета Прокофьевна чўзилиб князининг қўлидан газетани юлиб оларкан, — ҳаммага ўқиб бер, ҳамма эшитсин.

Лизавета Прокофьевна жуда жўшқин ва бир оз доводирроқ хотин эди, у баъзан узоқ ўйлаб ўтирмасдан ҳамма нарсани бирдан ҳал қилиб ташлар, об-ҳаволарни суриштириб ўтирмай бутун лангарларини кўтарганча очиқ денгизга қараб йўл оларди. Иван Федорович ўтирган ерида ташвишланиб қимирлаб қўйди. Ҳамма беихтиёр жим бўлиб қолган, ҳайрон бўлишиб кутишаркан, Коля газетанинг Лебедев югуриб келиб кўрсатган жойини очиб ўқий бошлади:

«Йўқсиллар ва мерохўрлар, кунда ва шунда рўй бериб турадиган талончиликлардан бир лавҳа! Тараққиёт! Ўзгариш! Адолат!

Бизнинг асримиз турли-туман ўзгаришлар ва тўдалашиб ташаббус кўрсатишлар асри, ҳар йили чет элларга миллионлар ташиб кетилаётган ва миллат рағбатга кирган аср, саноат тараққий этаётган ва ишчи қўллар шол бўлиб қолаётган аср, мана шундай асрда бизнинг таъбир жоиз бўлса, муқаддас Русимизда ғалати ишлар юз бериб туради ва ҳ. к. ва ҳ. к., бунинг ҳаммасини ўқиб ўтиришга вақт йўқ, жаноблар, шунинг учун керакли ерига ўтамыз. Бизнинг ўтган замон помешчик хўжаларимиз (de profundis!) нинг меросхўрларидан бири жуда қизиқ иш қилди, бу меросхўрнинг боболари қимор ўйнаб бор буд-шудини бой берган, оталари эса юпкер ёхуд поручик бўлиб хизмат қилишга мажбур бўлган ва одатан, давлатнинг маблағини андак ўзлаштириб ўмариб еб юбориб ишларни судга тушганлардан, уларнинг фарзандлари эса худди бизнинг ҳикоямиз қаҳрамонига ўхшаб телба бўлиб қоладилар, баъзан эса жинойий ишлар қиладилар, бизнинг судларимиз эса, уларни ибрат бўлсин, тузалсин деб оқлаб юборадилар; ёхуд ниҳоят афкор оммани ажаблантирадиган ва шусиз ҳам шармандаси чиққан бизнинг давримизни янада шармисор қилиб кўрсатадиган латифалар тўқиб чиқарадилар. Бизнинг меросхўримиз бундан олти ойча илгари чет элнинг шалвори ва пойабзалини кийиб, юпқагина шинелига ўралиб, совуқдан қалтираб, дийдираб қишда Швейцариядан Россияга қайтиб келди. У Швейцарияда телбалик важдан даволанади (sic!). Тан олиш керакки, унинг ҳақиқатан омади чопган экан, яъни унинг қизиқ касали ҳақида гапирмаган-

да ҳам, у касалини Швейцарияда даволамоқчи бўлган (ўзингиз айтинг, ахир, телбаликни асло даволаб бўладими?!), унинг бутун туриш-турмуши худди рус мақолида айтилганидай, яъни: маълум бир тоифа кишилар учун — бахт! Ўзингиз ўйлаб кўринг: отаси ротанинг бутун сармоясини қарта ўйнаб ютқизгандан ёки бўлмаса, қўл остидаги одамларни ҳаддан ташқари калтаклаб ўлдиргандан сўнг (эски замонлар эсингиздадир, жаноблар!) иши судга оширилиб судда жони узилади ва поручикнинг ўгли бўлмиш бизнинг баронимиз жуда ҳам давлатманд рус помещикларининг бири томонидан шафқат юзасидан тарбия қилинади. Мана шу рус помещичи, — майли, уни ҳозирча П. деб атай қолайлик, — ялгариги олтин даврларда тўрт минг крепостной жоннинг хўжаси бўлган (крепостной жон! ушбу сўзларни тушунасизми, жаноблар? Мен тушунмайман. Изоҳли луғатга қараш керак бўлади: «кечагина бўлиб ўтган гаплар — лекин одамнинг ишонгиси келмайди»), афтидан, умрини бекорчилик билан кечирган, танбал ва текинхўр руслардан бўлса ажабмас: биласизми, жаноблар, булар одатаи чет элларда санғишиб, ёз ойлари даволангани сувларга боришган, қиш кезлари эса Парижнинг Шато-де-Флёрдан чиқмай ўз даврларида ўша ерларда ҳисобсиз пулларни совуриб келганлар. Шунини аниқ айтиш мумкинки, ўлпонлардан йиғилган крепостной сармоянинг кам деганда учдан бир улуши Париждаги Шато-де-Флёрнинг соҳиби чўитагига тушиб турган (қандай бахтли одам экан у!) Нима бўлмасин, боқибегам П. хўжанинг етимча боласини князчасига тарбия қилган, унга гувернерлар ва гувернанткаларни ёллаган (шубҳасиз, жуда қўлинг ўргиллишларини), уларни шахсан ўзи Париждан келтирган. Лекин наслининг энг сўнгги вакили бўлмиш аслзода телба эди. Шаго-де-Флёрдан чиққан тарбиячи хонимларнинг қўлларидан ҳеч нарса келмади ва то йиғирмага киргувчи ҳам бизнинг талабамизнинг тили чиқмади ва рус тилини ҳам мустасно қилмаган ҳолда бирон тилда сўйлашишни ўрганиб ололмади. Лекин албатта, рус тилини билмаслиги унинг учун кечирарли бир ҳол бўлиши мумкин. Ниҳоят, П.нинг рус крепостной бошига телбани Швейцарияда даволаш мумкин, деган хомхаёл келиб қолди: лекин бу хомхаёлнинг ўз мантиқи бор эди, у пул бўлса ақлни ҳам Швейцариядан сотиб олиш мумкин, деган. Ахир, текинхўр ва ялқов одамдан шундан бошқа нима ҳам кутиш мумкин. Телбамизни Швейцарияда машҳур бир профессор беш йил даволади, минглаб сўм пул исроф қилинди: телбага барибир ақл кирмади, лекин амал-тақал қилиб уни одам қиёфасига киритдилар, у анча одамга ўхшаб қолди. Шунда кутилмаганда П. вафот қилади. Ўз-ўзидан равшанки, васиятнома йўқ, ишлар ҳаммаси ўлда-жўлда, меросга эгаллик қиламан деганлар кўп,

уларнинг эса албатта, бировнинг раҳм-шафқати юзасидан наслий телбалик касалидан Швейцарияда даволанаётган уруғнинг сўнги вакили билан заррача иш-хушлари йўқ. Меросхўр телба бўлишига қарамасдан ўзининг профессорни лақиллатиб, икки йил унинг қўлида текшидан-текши даволанган ва ундан ўзининг валинеъмати вафот қилганлигини яшириб келган. Лекин профессорнинг ўзи ўтакетган қаллоб бўлган; пул келмай қўйганлигидан ва энг даҳшатлиси, ўзи муолажа қилаётган йигирма беш яшар телбанинг иштаҳаси ҳаддан ташқари очилиб бораётганлигидан қўрқиб кетиб, унга ўзининг эски шалвори ва пой-абзалини, оҳори тўкилиб кетган шинелини кийдириб, шафқат юзасидан уни учинчи класс вагонга ўтқазиб *nach Russland*,¹ — деб елкасидан соқит қилиб Швейцариядан жўнатиб юборган. Ушанда бахт қаҳрамонимизга орқа ўгириб олгандек эди. Қаёқда дейсиз! Бутун бошли вилоятларни очдан қириб юбораётган қисмат ўзининг бутун неъматларини аснлзода боласининг бошидан сочади, бамисли Криловнинг *Булдути* сувензликдан қуриб ётган далага ёгмай денгизга бориб ёққандай. У Швейцариядан Петербургга келиб тушган пайтда Москвада офисининг жуда яқин қариндоши вафот этади (ойиси илгариги савдогар қизларидан бўлган, албатта), сўққабош ва соқолдор, тафриқачи ва савдогар бўлган бу бефарзанд одамдан миллион-миллион сармоя қолади, ҳарна шубҳадан холи, соф, нақдина, мўмайгина бу сармоя (қани эди сиз билан бизга шундай насиб қилса, ўқувчи!) ёлғиз бизнинг меросхўримиз, Швейцарияда телбаликдан даволанган бизнинг баронимизга тегади! Лекин худди мана шу пайтда бирдан бошқача бир музика чалиниб қолади. Чет элнинг шалвори ва пойабзалини кийган бизнинг баронимиз дарров маълум ва манхўр бир жонончанинг кўнглини овлай бошлайди, унинг атрофига бир талай ёр-биродарлар тўнлавишади, иккита қариндоши чиқади яна, ҳаммадан ҳам, унга тегаман деган ва унинг қонуний никоҳига ўтаман деган кибор қизларнинг сопи кундан-кунга орғиб боради, ахир, қандай яхши: аснлзода, миллионер, жинни — ҳамма хислатлар жамулжам, бундайини кундузи чироқ ёқиб топиш қийин, буюртма билан ҳам ясаб бўлмайди!..»

— Бу... буниси жуда қизиқ бўлди-ку! — деб қичқириб юборди ҳаддан ташқари дарғазаб бўлиб кетган Иван Федорович.

— Бас қилинг, Коля! — деб қичқирди князь ялинган товуш билан. Ҳар томондан хитоблар ёғилди.

— Уқисин! Нима бўлганда ҳам ўқисин! — деди кескин ва шиддатли қилиб Лизавета Прокофьевна, у ўзини базўр қўлга

¹ Россияга (нем.).

олиб ўтирарди.— Князь, агар ўқишни тўхтатсангиз, биз уришиб қоламиз.

Нима ҳам қилиб бўларди, яна қизариб кетган, қаттиқ ҳаяжонланган Қоля қалтираган овоз билан ўқишда давом этди:

«Бизнинг тезпишар миллионеримиз кўкларда парвоз қилиб юраркан, орада бутунлай бошқа бир ҳодиса рўй берди. Гўзал тонгларнинг бирида унинг ҳузурига юзлари сокин ва жиддий, баодоб ва басавлат, ҳақ-ноҳақни билиб гапирадиган, камтарона ва камсуқумгина кийинган, олижаноб кўринишга ва олижаноб, илғор фикрларга эга бўлган бир одам кириб келади ва икки оғиз сўз билан ўзининг нима мақсадда келганлигини баён этади: у — таниқли адвокат, бир ёш йигит унга иш топширган, мен унинг номидан келдим, дейди. Ёш йигит деганимиз ким дегн, марҳум П. нинг асил ўгли бўлади. Лекин фамилияси бошқа. Ҳирсга муккасидан кетган П. ёшлигида ҳалол ва пок бир камбағал, хизматкор қизни йўлдан уради, бу хизматкор қиз, лекин европача тарбия кўрган бўлади (орага ўтиб кетган крепостнойлик ҳуқуқининг баъзи баронликка хос томонлари аралашади, албатта), сўнг П. ўз қилмиши қандай оқибатларга олиб борганлигини кўриб, қизни саноат билан шуғулланиб юрган бир хизматчи, феъли атвори олижаноб бир одамга турмушга беради. Бу одам қизни анчадан бери яхши кўриб юрган бўлади. П. янги келин-куёвларга аңчагача ёрдам бериб юради, лекин кўп ўтмай олижаноб йигит бу ёрдамдан воз кечади. Бир қанча вақт ўтиб, П. аста-секин қизни ҳам, ундан бўлган ўглини ҳам унутади ва ўзингизга маълум, васият қолдирмасдан ўлиб кетади. Бу орада унинг ўгли онаси билан отасининг қонуний никоҳи пайтида туғилади, бошқа фамилияда вояга етади, онасининг олижаноб феъл-атворли эри тарбиясида катта бўлади, лекин бу олижаноб одам ҳам вафот этиб, бола бутунлай маблағсиз қолади, онаси касал, оёққа туролмайди, олис вилоятлардан бирида бечораҳол кун кечиради. Бола эса пойтахтда ҳар куни савдогарзодаларга дарс бериб, шу тариқа олижаноблик билан ўзини боқади ва аввал гимназияда таҳсил кўриб, сўнг билимдонлардан эркин лекциялар тинглайди, у ўз фойдасини ва узоқни кўзлаган ҳолда шундай олижаноблик қилади. Рус савдогарига дарс бериб ундан неча тийин олиб бўларди дейсиз, бунинг устига онаси узоқ чекка жойда касал аҳволида азоб чекиб ётган чоғида дунёдан ҳасрат билан кўз юмади, ана, энди бола шўрликнинг аҳволини кўринг. Энди бир савол: адолат юзасидан айтганда, бизнинг меросхўримиз нима қилиши керак эди? Сиз, ўқувчим, балки бундай деб ўйлаётган бўлсангиз керак: «Мен бир умр П. нинг неъмат дастурхонидан туз тотиб ўсдим; менинг тарбиямга, тарбиячи хотинларга, касалдан даво-

ланишимга, Швейцарияга ўн минглаб сарф бўлди; мана энди қўлимга миллионлар кирди. П.нинг ўғли айбдор эмас, у енгилтак ва паришонхотир отасининг қилиқлари учун жавоб бермайди, у дарс бериб абгор бўлиб кетибди. Менга сарф қилинган бутун маблағлар адолат юзасидан аслида унга сарфланмоғи даркор эди. Менга сарфланган бир дунё пул меники эмас эди аслан. Бу қисматнинг кўр-кўрона хатоларидан бири эди, холос. У маблағлар П.нинг ўғлига берилиши керак эди. Унга сарфланиши лозим эди, мен эса енгилтак ва паришонхотир П.нинг калласига келиб қолган телба бир хаёл туфайли шундай бўлиб юрибман. Агар мен олижаноб, назокатли, адолатли бўлганимда эди, унинг ўғлига менга теккан мероснинг ярмини беришим керак эди. Лекин мен аввало ҳисоб-китобга пишиқ бўлганим ва бу ишнинг ҳуқуқ қонунларига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини тушунганлигим учун ўз миллионларимнинг ярмини унга бермайман. Лекин П. менинг касалимга сарфлаган ўша ўн минглаб маблағини эндиликда унинг ўғлига қайтармасам, бу мен томонимдан тубанлик ва уятсизлик бўлади (меросхўр бунинг ҳамёнга зарарлигини эсидан чиқарди). Бу ерда виждон ва адолатдан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас! Зотан, П. мени эмас, ўз ўғлини тарбия қилганда унда менинг бошимдан нималар кечарди?»

Йўқ, жаноблар! Бизнинг меросхўрларимиз бундай деб ўйламайдилар. Ўз ихтиёрига хилоф суратда фақат ва фақат соф дўстлик ҳамда мажбурият юзасидан ёрдам беришга жазм этган ёш йигитнинг адвокати олижаноблик қилинг, адолат қилинг, ўз қарзингизни узинг, бурчингизни шараф билан ўтанг энди, дейишига қарамасдан Швейцариянинг толиби йўқ, деб туриб олди, кўнмади, нима бўлди денг? Бу ҳам майли, лекин ҳақиқатан кечириб бўлмайдиган ва касали ҳар қанча қизиқ бўлмасин, маъзур тутилмайдиган ҳол: ўз профессорининг шалвори ва пойабзалидан эндигина чиққан миллионер дарслар беравериб ўлиб бўлаёзган олижаноб бир ёш йигит ундан садақа сўрмаётганлигини, ундан ёрдам тиланмаётганлигини фаҳмламайди, ахир ёш йигит ўз ҳақини, ўзига тегишли нарсани талаб қиляпти, сўраётгани йўқ, балки дўстлари унинг ҳақини олиб бериш учун ҳаракат қиляптилар. Бизнинг меросхўримиз ўз миллионлари билан одамларни босиб-янчиб ўттиш имкониятига эга бўлганидан қутуриб кетиб, керилган ҳолда чўнтагидан эллик сўмлик пул чиқаради, олижаноб ёш йигитнинг ҳамияти озор чекади, деб ўтирмасдан садақа тарзида унга жўнатади. Ишонгингиз келмаяптими, жаноблар? Сиз дарғазаб бўлдингиз, сиз ўзингизни таҳқирлангандай сездингиз, сиз норози бўлиб фарёд кўтариб ўрингиздан туриб кетдингиз; лекин ҳақиқат озор чекмасин, у

чиндан шундай қилди! Албатта, унинг пули дарҳол ўзига қайтарилди, таъбир жоиз бўлса, башарасига қараб улоқтирилди. Бошқа нима ҳам қилиб бўларди!! Қонун кўтармайдиган иш, шунинг учун биз уни фақат овоза қилмоқчи бўлдик! Биз бу воқеани сизнинг ҳукмингизга ҳавола қиламиз ва айтилганлар ҳаммаси рост эканлигига далолат келтирамиз. Айтишларига қараганда, бизнинг машҳур кулги усталаримиздан бири шу муносабат билан жуда антиқа бир эпиграмма битибдир, бу эпиграмма вилоят эмас, пойтахт турмушимиз очеркларидан ўзига муносиб ўрин ишғол қилиши мумкин:

Лева! Шнейдер² шинелин

Беш йил уйнади.

Борди-келди куп ўтди,

Бармоқ чайнади.

Чорик кийиб қайтди у

Бойвачча бўлди.

Русча ўқир дуони

Топтар одамни».

Коля ўқиб бўлган заҳоти газетани шоша-пиша князга узатди-ю, ҳеч нарса демасдан югуриб бориб бурчакка қисилиб олди ва юзини қўллари билан яширди. У ҳаддан ташқари уялиб кетганди, ҳали инфосликларни кўп кўрмаган юраги қаттиқ ранжиганди. Назарида, ҳамма нарсани бирдан вайрон қилиб юборган фавқулодда бир ҳодиса рўй бергандай ва бунга ўзи ҳам шу нарсани овоз чиқариб ўқиб айбдор бўлгандай эди.

Афтидан, бошқалар ҳам шунга ўхшаш бир ҳолатда эдилар.

Қизлар уялиб ўнғайсизланиб кетишди. Лизавета Прокофьевна ғазабини базўр ичига ютиб турар ва бу ишга бош суққанидан афеусланарди. У ҳозир индамай турарди. Князь эса жуда ҳам тортинчоқ одамлар шундай пайтларда қандай ҳолга тушсалар, ҳозир шундай аҳволда эди; у бировнинг қилигидан, меҳмонларнинг ўзларини тутишларидан шу қадар уялиб кетган эдики, бир зум ҳатто уларнинг башараларига қарашга ҳам ботинмади. Птицин, Варя, Ганя, ҳатто Лебедев — ҳаммалари хи-жолат ичида турар эдилар. Қизини шундаки, Ипполит билан «Павлишчевнинг ўғли» ҳам нимадандир ажаблангандай эдилар: Лебедевнинг жияни ҳам афтидан недандир норози эди. Фақат боксер хотиржам, мўйловларини бураб, кўзларини бир оз ерга тикканча сипо бўлиб ўтирар, сиполиги уялганидан

1 Меросхўрнинг эркалаб айтиладиган исми.

2 Швейцариялик профессорнинг номи.

эмас, балки, афтидан, олижаноб камтарликдан ва очиқ тантана қилишдан туғилганди.

Афтидан, мақола унга ҳаддан ташқари ёқса керак.

— Нима бўляпти ўзи, а,— деб тўнғиллади оҳиста Иван Федорович,— худди элликта малай бир ерга йиғилиб, буни тўқиб ёзганга ўхшайди.

— Э ижозат этинг, марҳаматли афандим, сизнинг бундай тахминлар билан ҳақорат қилишга қандай ҳаддингиз сиғади?— деди қалтираганча Ипполит.

— Бу, бу, бу олижаноб бир одам... ўзингиз ўйлаб қаранг, генерал, агар олижаноб одам бўлса, унда бу ҳақорат бўлиб тегади!—деб тўнғиллади боксер ҳам нимагадир бир сесканиб тушиб, сўнг мўйловларини бурар, елкалари ва қади-қоматини учираркан.

— Биринчидан, мен сизга марҳаматли афанди эмасман, иккинчидан, мен сизга ҳеч қандай тушунтириш бермоқчи эмасман,—деб кескин жавоб берди генерал қизишиб кетиб, у бошқа ҳеч нарса демасдан равиондан тушунладиган зинанинг олдига бориб турди ва орқасини ўгириб олди,— у Лизавета Прокофьевнадан ҳам қаттиқ хафа бўлиб кетган, хотини ҳали-ҳамон ўрнидан қимирламасди.

— Жаноблар, жаноблар, ахир, бир оғиз гапиришга қўйинглар одамни, жаноблар,— деб хитоб қилди ҳаяжонланган ва юраги сиқилиб кетган князь,— келинлар, келишиб олайлик, гапиришадиган бўлсак, бир-биримиз тушунадиган қилиб гапиришамиз. Майли, мен мақолага индамайман, ўз йўлига, лекин ахир бу гапларнинг ҳаммаси ғирт ёлғон - ку, мақолада босилган сўзларни айтаман. Буни ўзларингиз ҳам биласиз, шунинг учун айтяпман; шармандалик. Шундай экан, агар сизларнинг ичларингиздан биронтангиз ёзган бўлсангиз буни, унда мен жуда ажабланиб қолдим.

— Мен худди шу дақиқагачайин бу мақола ҳақида ҳеч эшитмагандим,— деди Ипполит,— менга бу мақола маъқул эмас.

— Мен мақола ёзилганидан хабарим бўлса ҳам, лекин... мен ҳам уни босиб чиқаришни маслаҳат кўрмаган бўлардим, негаки, ҳали эрта,— деб қўшимча қилди Лебедевнинг жияни.

— Мен билардим, лекин менинг ҳақим бор... мен...— деб гўлдиради «Павлишчевнинг ўғли».

— Ростми! Шунинг ҳаммасини ўзингиз тўқидингизми?—сўради князь Бурдовскийга ғалати қараб.— Бўлмаган гап!

— Чунончи, сизнинг бундай сазол беришга ҳақли эканлигингизни тан олмаслик мумкин,— деб шеригининг ёнини олди Лебедевнинг жияни.

— Мен фақат ҳайрон бўлдим, жаноб Бурдовскийнинг қўлидан... бироқ... мен айтмоқчийдимки, сиз ҳамон бу ишни ошкора қилган экансиз, нега унда мен боя дўстларим ҳузурда худди шу иш юзасидан гап очганимга хафа бўлдингиз?

— Хайрият-ей!— деб қаҳри келиб тўнғиллади Лизавета Прокофьевна.

— Ҳатто, сиз князь, фаромуш қилиб турибсиз,— деб стуллар орасидан сузиб ўтди сабри чидамаган Лебедев худди безгак тутгандай,— сиз фаромуш қилдингиз шекилли, сиз беқийс оққўнгил эканлигингиз ва бағрингиз кенглигидан уларни қабул қилишга ва гапларини эшитишга рози бўлдингиз, уларнинг бундай талаб қилишларига ҳеч қандай ҳақ - ҳуқуқлари йўқ, айни замонда шуниси ҳам борки, сиз бу ишни аллақачонлар Гаврила Ардалионовичга топширгансиз, ўшанда ҳам буни жуда самимий одам бўлганлигингиз билан қилгансиз, шундай экан, ҳозир, князь ҳазратим, сиз қадрдон дўстларингиз даврасида ўтирган чоғингизда бу жанобларни деб ширин суҳбатингизни бузмаслигингиз ва манави жанобларни дарҳол, нима десамикин, айни дақиқанинг ўзида кавушларини тўғрилаб қўйсангиз эди, мен ҳам уйнинг соҳиби сифатида жоним билан...

— Рост айтяпти!— деб бўкириб қолди бирдан уй ичкарасидан генерал Иволгин.

— Бўлди, Лебедев, бўлди, бас, бас...— деб бошлаган эди князь унинг гапини дарғазаб товушлар, хитоблар бутунлай босиб кетди.

— Йўқ, кечиринг, князь, кечиринг, энди бас қилолмаймиз!— деб қичқирди ҳаммадан баландроқ қилиб Лебедевининг жияни.— Энди ишни очикдан-очик ва қатъият билан кўриш керак, афтидан, уни тушунмай турганга ўхшайдилар. Ўртага мана юридик илмоқлар тушиб, мана шу илмоқлар асосида бизни бу ердан қувиб чиқармоқчи бўлаётирлар! Наҳотки, сиз князь, бу бошлаган ишимиз қонунга тўғри келмаслигини ва гар қонуний жиҳатдан қарайдиган бўлсак, сиздан бир сўлкавой ҳам талаб қилишга ҳақимиз йўқлигини ўзимиз ҳам тушунмасак ва наҳотки сиз бизни шу даражада тентак деб ўйласангиз? Лекин биз бу ўринда қонуний ҳақимиз, яъни инсоний ҳақимиз борлигини ва бу табиий бир нарса эканлигини, бу ҳақ соғлом фикр ва виждон сасига асосланишини яхши биламиз, майли, бизнинг бу ҳақимиз чириган инсон қонунилари мажмуасининг биронтасида қайд этилмаган бўлсин, лекин олижаноб ва софдил одам, яъни соғлом фикрлайдиган одам демоқчиман, қонулар мажмуаларида ёзилмаган нарсалар борасида ҳам олижаноб ва софдил бўлиб қолмоғи даркор. Биз бу ерга тап торт-

масдан, бизни ҳайдаб чиқарадилар деб (сиз ҳозир дўқ қилдингиз) чўчиб ўтирмасдан кирганимизнинг боиси шундаки, биз сўраб ўтирмаймиз, биз талаб қиламиз, ва агарда биз бевақт келиб сизни безовта қилган бўлсак (биз эса барвақт келган эдик, сиз бизни хизматкорхонада кутиб ўтиришга мажбур қилдингиз), яъни чўчимасдан шунинг учун келдик деяпманки, биз сизни соғлом фикрли одам деб ўйлаган эдик. яъни софдил ва виждонли. Ҳа, биз бўйинимизни эгиб кирмадик, биз сизнинг лаганбардорларингиз ва ялоқиларингиз эмасмиз, биз озод инсонлар каби бошларимизни баланд кўтариб кириб келдик ва биз илтимос қилиб келганимиз йўқ, биз эркин ва мағрур талаб билан келдик (эшитдингизми, илтимос билан эмас, талаб билан келдик, буни ҳар икки қулогингиз билан яхшилаб эшитиб олинг!) Биз сизнинг олдингизга мағрур ва дадил бир савол қўймоқчимиз: сиз ўзингизни Бурдовскийнинг иши юзасидан ҳақ деб биласизми-йўқми? Сиз ўзингизни Павлищев томонидан, эҳтимолки, ўлимдан халос этилган, Павлищевдан кўп яхшиликлар кўрган деб биласизми-йўқми? Агар тан олсангиз (бу аниқ), ўз навбатида миллионларча сўм пулни мерос олиб, шу меросдан фамилияси Бурдовский бўлгани билан ўзи Павлищевнинг ўғли бўлмиш кимсани эҳтиёжга кўра талабни қондиrolасизми, шунга истайсизми, шунга виждонан бўладиган иш деб биласизми? Ҳа ёки йўқ? Агар ҳа, бўлса, яъни бошқача сўзлар билан айтадиган бўлсак, сизда, сизнинг тилингиз билан айтганда, номус ва виждон, — ва биз буни ўз тилимизда соғлом фикр деб тўғрироқ ифодалаймиз,— бўлса, унда бизнинг талабимизни қондиринг, вассалом. Қондирингу, биз томонимиздан илтимослар ва миннатдорчиликлар изҳор қилишимизни кутманг, ҳа, биздан бундай нарсаларни кутманг, чунки сиз бу нарсаларни биз учун эмас, адолат учун қилган бўласиз. Агарда сиз бизнинг талабимизни қондиришни истамас экансиз, яъни, йўқ, деб жавоб берадиган бўлсангиз, унда биз ҳозироқ кетамиз, ва иш шу билан ёпилади; унда биз сизга манави барча гувоҳларингиз ҳузурда туриб, ақлингиз дағал ва фикрингиз қоқоқ экан, деймиз; ва бундан сўнг минбаъд сиз номусли ва виждонли одам деб аталмайсиз, бунга асло ҳақингиз бўлмайди, сиз бундай ҳуқуқни жуда арзонга сотиб олмоқчи бўлаётибсиз. Мен тамом қилдим. Мен ўртага масала қўйдим. Энди истасангиз, кавушимизни тўғрилаб қўйишингиз мумкин. Бу сизнинг қўлингиздан келади, куч сизда. Лекин яна бир карра эсланг, биз сўраётганимиз йўқ, биз талаб қилапмиз. Сўрамаймиз, талаб қиламиз!..

Қизариб-бўзариб кетган Лебедевнинг жияни тўхтади.

— Талаб қиламиз, талаб қиламиз, талаб қиламиз, илтимос

қилмаймиз!..— деб мингиллади Бурдовский ва қип-қизариб кетди.

Лебедевнинг жияни гапиргандан сўнг ҳамма қимирлаб қолди, норозилик оҳанглари эшитилди, лекин худди безгак тутгандек бўлиб юрган Лебедевдан бошқа ҳеч ким бу ишга аралашгани келмасди. (Қизиқ: Лебедев, афтидан, князнинг томонида эди, лекин жиянининг нутқидан сўнг аллақандай қариндошчилик юзасидан ифтихор пайдо бўлди; ҳар қалай, ўтирганларга аллақандай мамнун қиёфада бирма-бир қараб қўйди.)

— Менинг фикримча,— деб бошлади князь жуда оҳиста,— менинг фикримча, сиз жаноб Докторенко, ҳозир бирмунча тўғри фикрларни билдирдингиз, лекин сиз ярмига ҳақсиз, мен ҳатто розиман, бориники, ярмидан ҳам кўпроғига ҳақдирсиз балки, агар сиз ўз нутқингизда алаҳималаринидир қолдириб кетмаган бўлганингизда, мен тўла қўшиланган бўлардим. Сиз нималарни қолдириб кетганлигингни мен тўла-тўкие тушунтириб, ифода-лаб беролмайман, бунга ҳозир қурбим етмайди. Лекин фикрингизда тўла адолат бўлиши учун нималардир етишмайди. Лекин, жаноблар, ишга ўтайлик, айтинглаб-чи, нега бу мақолаин босиб чиқардинглар? Ахир, бу ердаги ҳар бир сўз қуруқ тухмат-ку! Шундай бўлгач, жаноблар, сизлар, пасткашлик қилибсизлар.

— Ижозат этинг!..

— Марҳаматли афандим!..

— Бу... бу... бу...— деган меҳмонларнинг ҳаяжонли саслари эшитилди.

— Мақола хусусида,— деб чиқирди унинг гапини бўлиб Ипполит,— мақола хусусида мен сизга айтдим, мен ва бошқалар уни маъқулламаймиз! Уни маънави ёзди (у ёнида ўтирган боксерни кўрсатди), қўшиламан, уятсизларча ёзган, саводсизларча ёзган, унга ўхшаган истеъфодаги поручикларнинг ҳаммаси худди мана шунақа қилиб ёзадилар. У аҳмоқ ва бунинг устига ҳамма нарсадан фойда ундирадиган одам, қўшиламан, мен бу гапларни унга ҳар кун и неча марталаб айтаман, лекин у ҳам ўз ҳолича ҳақ менимча: ҳар ким ўзи истаган нарсани овоза қилиши мумкин, чунончи, Бурдовский ҳам шу жумладан. Лекин қовушмаган бемаъни жойлари учун ўзи жавоб берсин. Мен боя бу ерга кира туриб, князнинг дўстлари бу ишда қатнашишларига қарши норозилик билдирган эдим ҳаммамизнинг номимиздан, шу норозилигимга келганда, мен сизларга, марҳаматли жаноблар, тушунтириб ўтишим керакки, мен фақат ўз ҳуқуқимизни ошкора ифодалаш учун норозилик билдирган эдим, лекин моҳият-эътибори билан олинадиган бўлса, биз ҳатто гувоҳлар бўлгани яхши деймиз ва биз боя бу ерга кирмасимиздан бурун шу ҳақда келишиб олганмиз тўртталамиз. Сизнинг гу-

воҳларингиз ким бўлмасинлар, майли, улар дўстларингиз бўла қолсинлар, улар Бурдовскийнинг ҳақи борлигини (ҳақи борлиги арифметикадай равшан) инкор қилмасалар керак, у тақдирда бу гувоҳлар дўстларингиз бўлгани янада яхшироқ; ҳақиқат янада равшанроқ кўринади.

— Рост, биз шундай деб келишганимиз, — деди Лебедевнинг жияни.

— Нега бўлмаса оғзингизни очмасдан бурун шунга ёпишиб олиб шовқинлашдингиз, ахир ўзингиз ҳам шунни истаган экансиз-ку! — деб ажабланди князь.

— Гап мақола ҳақида кетадиган бўлса, князь, — деб гап бошлади анчадан бери суҳбатга қўшилишни жуда ҳам истаб турган боксер ўзига-ўзи ёқиб жонланаркан (унга хонимларнинг бу ерда иштирок этаётгани жуда қаттиқ таъсир қилганлиги эҳтимолдан холи эмасди), — мақола хусусига келсак, унинг муаллифи ростдан ҳам мен бўламан, мақолаги менинг касалманд дўстим танқид қилиб ўтди, мен одатан унинг заифлигини ҳисобга олиб доим кечириб келаман. Лекин мен уни ёзиб ўзимнинг энг самимий дўстимнинг журналида ахборот тариқасида босиб чиқардим. Фақат шеър меники эмас, у ҳақиқатан машҳур ҳажв устасининг қаламига мансубдир. Фақат Бурдовскийга ўқиб берганман, ўшанда ҳам барини эмас, ва ундан ўша заҳоти босиб чиқаришга ижозат олганман, лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, мен бунни розиликсиз ҳам босиб чиқараверган бўлардим. Ҳар ким хоҳлаган нарсасини ёзди, бу жуда олижаноб, олиҳиммат иш, умумга тегишли иш. Умид қиламанки, князь, сиз илғор одам бўлсангиз керак ва менимча, бунни инкор қилмасиз деб ўйлайман...

— Ҳеч нарсани инкор қилмайман, лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, сизнинг мақолаиңизда...

— Кескин демоқчимисиз? Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, бундан жамоат аҳллари анча манфаат кўрадилар ва ниҳоят, қандай қилиб шундай воқеанинг ёнидан индамай ўтиб бўлади? Айбдорлар бўлса, уларнинг ҳолига вой, лекин жамиятнинг манфаати ҳаммасидан аъло. Баъзи бир ноаниқликлар масаласига келганда, нима десаикин, муболағалар, ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳаммадан бурун ташаббус муҳим, ҳаммадан бурун мақсад ва иният муҳим; одамларга манфаатли мисол муҳим, хусусий ҳолатларни кейин қараб чиқилаверади, ва ниҳоят, мақола тили айтилди, бунда кулгили ҳолат назарда тутилган, мақсад ўзи шу, ва ниҳоят, ўзингиз кўринг, ахир, ҳозир ҳамма шундай ёзади! Ха-ха!

— Бу бутунлай янглиш йўл! Сизларни ишонтириб айтаманки, жаноблар, — деб қичқирди князь, — сиз мени жаноб Бурдовс-

кийнинг талабини қондирмайди деб тахмин қилиб мақолани бостиргансизлар, мени кўрқитмоқчи, мендан ўч олмоқчи бўлгансизлар. Лекин сиз қаердан биласиз: мен балки Бурдовскийни рози қилмоқчидирман. Мен очиқдан-очиқ ҳамманинг олдида айтманки, мен Бурдовскийни рози қиламан...

— Ана ниҳоят ақлли ва олижаноб одамнинг ақлли ва олижаноб сўзини эшитдик!— деб хурсанд бўлди боксер.

— Худойим-ей!— деб юборди Лизавета Прокофьевна.

— Бунга чидаб бўлмайди!— деб тўнғиллади генерал.

— Ижозат беринг, жаноблар, ижозат беринг, мен гапимни айтай,— деб илтижо қилди князь,— бундан беш ҳафта аввал 3.га менинг ҳузуримга, жаноб Бурдовский, сизнинг вақтингиз Чебаров келди. Сиз уни ўз мақолаинида жуда мақтаб юборибсиз, жаноб Келлер,— деб мурожаат қилди кутилмаганда князь кулиб юбориб боксерга,— лекин у менга жуда ҳам ёқмади. Мен бир қарашдаёқ сезиб олдим, ҳамма гап мана шу Чебаровда эканлигини ва эҳтимол сизнинг соддалигингиздан фойдаланиб, жаноб Бурдовский, мана шунча ишларни бошлаб юборган бўлса керак очигини айтганда. У сизни қутқуга солган.

— Бу сизнинг ҳақингиз йўқ... мен... соддамас... бу... — деб бидирлади ҳаяжонланиб Бурдовский.

— Сизнинг бундай тахминлар қилишга ҳеч бир ҳақингиз йўқ,— деб насихатомуз ўрнига тушиди Лебедевнинг жияни.

— Беқисс даражада ҳақорат бу!— деб чиқирди Нишолит.— Одамни таҳқирлайдиган тахмин, ёгон, нинга асло алоқаси йўқ!

— Гуноҳқорман, жаноблар, гуноҳқорман,— шонна-ниша узр сўради князь,— мени кечиринглар; бир-биримиз билан очиқ-ошкора гаплашиб олсак яхши бўлармикин, деб ўйлабман, лекин майли, ихтиёр сизда, хоҳлаганингиз. Мен Чебаровга ҳозир Петербургда эмасман, шунинг учун бу иш билан шуғулланишни бир ўртоғимга топширдим, жаноб Бурдовскийни ҳам бу ҳақда хабардор қиламан, дедим. Мен очигини айтиб қўя қолай, жаноблар, бу гирт муттаҳамларнинг иши, менга шундай бўлиб туюлади, чунки яна худди мана шу Чебаров деганлари... Оҳ, хафа бўлманглар, жаноблар! Худо ҳаққи, хафа бўлманглар!— деб қичқирди князь яна Бурдовский оғриниб саросимага тушаётганлигини, унинг дўстлари эса норози бўлиб ҳаяжонланаётганларини кўриб.— Мен агар буни гирт муттаҳамларнинг иши деяётган бўлсам, бу албатта, сизга тааллуқли деганим эмас! Ахир мен ўшанда сизларнинг ҳеч қайсиларингизни шахсан билмас, ҳатто фамилияларингизни ҳам эшитмаган эдим; мен Чебаровга қараб шундай фикрга келдим; мен умуман айтяпман, чунки... сиз агар билсайдингиз, шу мен мерос олганимдан бери қанчалар мени алдашаётганларини...

— Князь, сиз жуда ҳам гўл экансиз!— деди мазах қилгандай Лебедевнинг жияни.

— Яна князь ва миллионер! Сизнинг балким ҳақиқатан ҳам содда ва самимий қалбингиз бордир, лекин сиз бу билан барн-бир умумий қонулардан халос бўлолмайсиз,— деб эълон қилди Ипполит.

— Балки шундайдир, балки шундайдир, жаноблар,— деб шошиларди князь,— лекин мен тушунмадим сиз қандай умумий қонун ҳақида гапирётганингизни; аммо мен гапимни давом эттирай, бекорга хафа бўлманглар фақат; қасам ичаманки, сизни заррача ҳам хафа қилмоқчи эмасман. Бу ўзи қандай ахир, жаноблар: юракдан чиқариб бир оғиз гаприб бўлмайди-я, дарроз хафа бўлиб бақирасизлар! Лекин, биринчидан, «Павлишчевнинг ўғли» борлиги мени қаттиқ ҳайратга солиб қўйди, бунинг устига у жуда ҳам ёмон аҳволда экан менга Чебаровнинг билдиришига қараганда, Павлишчев менинг валипъематим ва отамнинг дўсти бўлади. (Оҳ, нега жаноб Келлер, сиз мақолангизда отам ҳақида бундай ёлгон гапларни ёздингиз? Ротанинг маблағини у ҳеч қачон ишлатган эмас, қўл остидаги одамларга ҳеч қачон зуғум қилган эмас — мен бунга қаттиқ ишонаман,— қандай қўлингиз борди бундай даҳшатли тухмат гапларни ёзгани?) Павлишчев ҳақида ёзган гапларингизга эса одам чидамайди; сиз бу ниҳоятда олижаноб ва эзгу ниятли одамни енгилтак ва лаззатпараст қилиб кўрсатасиз, тагин худди ҳақиқатан ҳам шундай бўлган деб ишонтирасиз, ваҳоланки, бу дунёдаги энг маъсум ва пок одамлардан бири эди! У ажойиб олим одам эди; фан соҳасида ишлайдиган жуда кўп муҳтарам зотларнинг дўсти ва ҳамсухбат-ти эди, у илм-фан йўлида кўп пуллар сарфлаган. Унинг қилган яхшиликлари, унинг қалби ҳақида гапирадиган бўлсак, сиз ўша пайтда мени тенгак эди, деб тўғри ёзгансиз, мен ростдан ҳам кўп нарсаларни яхши тушунмасдим (лекин рус тилида ҳар қалай гапирардим ва тушунардим), лекин мен ҳозир эсимга тушган нарсаларга қараб ҳукм чиқаришим мумкин-ку, ахир...

— Ижозат этинг,— деб чинқирди Ипполит,— менимча, сиз жуда ҳиссиётга берилиб кетдингиз шекилли? Биз бола эмасмиз. Сиз ишга тааллуқли гапларни айтмоқчийдингиз, соат ўн бўляпти, унутманг.

— Марҳамат, марҳамат, жаноблар,— шу заҳоти рози бўлди князь,— аввал ишонмай турдим, сўнг Павлишчевнинг ростдан ҳам боласи бўлиши мумкин-ку, деб ўйладим. Лекин мана шу ўғил ўзининг қандай туғилганлигини ҳаммага оппа-осон қилиб, яна қаранг, онасининг ҳам шармандасини чиқарган, шу нарса мени лол қилиб қўйди. Негаки, Чебаров ўша олдимга борган-

даёқ ҳаммасини ошкор қилганимиз мумкин, деб мени қўрқит-моқчи бўлганди...

— Аҳмоқликни қаранг!— деб бақирди Лебедевнинг жияни.

— Сизнинг ҳақингиз йўқ... ҳақингиз йўқ!— деб чинқирди Бурдовский.

— Ўгли отасининг бузуқлиги учун жавобгар эмас, онасида эса гуноҳ йўқ,— деди оғзидан тупуклари сочилиб чийиллаган Инполит.

— У тақдирда яна ҳам эҳтиёткорроқ бўлиш керак эди...— ботиқмайгина деди князь.

— Сиз, князь, гўлгина эмас, ундан ҳам ўтиб тулган экансиз,— деди жаҳл билан тиржайиб Лебедевнинг жияни.

— Яна сизнинг қандай ҳақингиз борки!...— деб ясама овоз билан чинқирди Инполит.

— Ҳақим йўқ, ҳақим йўқ!— деди шоша-пиша князь.— Сиз ҳақсиз, тан оламан, лекин мен ўшанда бепхтиёр шундай деб ўйлаган эдим, яна ўша заҳоти ўзимга-ўзим айтдимки, менинг шахсий ҳиссиётларим ишга таъсир қилмаслиги керак, чунки мен ўзим жаноб Бурдовскийни ҳурмат қиламанми-йўқми, барибир унинг талабларини қондиришга бурчлиман деб билганимдан сўнг, мен Павлишчевга бўлган ҳурматим туфайли шундай қилмоқчиман ва ҳар қандай шароитда ҳам бу фикримдан қайтмоқчи эмасман. Бундан гап очганлигининг сабабини билмоқчи бўлсангизлар, жаноблар, менга нима десаиң, барибир ўнгилнинг ўз онасининг сирини бунчалар ошкор қилиб юбориши менга жуда ҳам гайритабиий бўлиб туюлди... Бир сўз билан айтганда, энг муҳими, Чебаров фирибгар эканлигига амин бўлдим, у жаноб Бурдовскийни алдаб мана шундай муттаҳамгарчилик йўлига бошлаган.

— Йўқ, бунга чидаб бўлмайди!— деб айюҳаннос солишди князнинг янги меҳмонлари, уларнинг баъзи бировлари ўринларидан сакраб туриб кетишди.

— Жаноблар! Мен шундай қарорга келганимнинг сабаби, шўрлик жаноб Бурдовский ўзи содда, заиф, ҳимоясиз, муттаҳамларнинг қармоғига тез илинадиган болага ўхшайди, шунинг учун ҳам, мен унга «Павлишчевнинг ўгли» деб барибир ёрдам беришим керак: биринчидан, уни Чебаровнинг сиртмоғидан қутқаришим, иккинчидан, унга дўстлик ва садоқат юзасидан йўл-йўриқ кўрсатишим, учинчидан, унга ўн минг сўм беришим керак, назаримда, менинг энг камтарин ҳисобларимга кўра Павлишчев менга шунча пул сарфлагандир...

— Қандай! Фақат ўн минг!— қичқирди Инполит.

— Вой, князь тушмагур-ей, сиз ё арифметикани унча яхши

билмайсиз, ё жуда яхши биласиз? Лекин ўзингизни билмаганга соласиз!—деб қичқирди Лебедевнинг жияни.

— Мен ўн мингга рози эмасман,— деди Бурдовский

— Антип! Майли, де!— деб эшитиларли қилиб шивирлади боксер Ипполит ўтирган стулнинг суянчиғи оша энгашиб,— майли, де, кейин яна кўрамиз!

— М-менга қаранг, жаноб Мишкин,— чийиллади Ипполит,— шуни яхши билиб қўйингки, бизни аҳмоқ қилолмайсиз, биз пасткаш тентаклар эмасмиз, сизнинг манави ҳамма меҳмонларингиз ва хонимлар балки шундай деб ўйлашаётгандир биз ҳақимизда, қаранг, бизнинг устимиздан масхара қилиб кулишларини, айниқса, анави кибор жаноб (у Евгений Павловични кўрсатди), мен у кишини танимайман, бундай шарафга муяссар бўлмаганман, лекин у ҳақда баъзи бир гаплар қулоғимга чалинган...

— Ижозат этинг, ижозат этинг, жаноблар, сиз яна гапимга тушунмадингиз!— ҳаяжонланиб уларга мурожаат қилди князь.— Биричидан, жаноб Келлер, сиз мақолаингизда менинг давлатим ҳақида ҳаддан ташқари нотўғри маълумот бергансиз: мен миллионлар олган эмасман; сиз тахмин қилган маблағнинг юздан саккиз ёки ўн бўлагини эҳтимол бордир; иккинчидан, менга Швейцарияда ҳеч қачон ўн минглаб пул сарфланган эмас: Шнейдер йилига олти юз сўм оларди, шуни ҳам уч йил олиб турди, Павлишчев эса ҳеч қачон Париждан чиройли тарбиячи аёлларни олиб келган эмас; бу яна туҳмат. Менимча, менга ўн минг қаёқда, жуда оз сарфланган, лекин мен ўн минг ажратяпман, ўзингиз ўйлаб кўринг, мен Бурдовскийни ҳаддан ташқари яхши кўрганимда ҳам унга шундан ортигини беролмайман, мен ўз бурчимни ўтаяпман, мен илтифот юзасидан ҳам шундай қилолмайман, чунки мен қарзимни узяпман, асло унга садақа бераётганим йўқ. Билмайман, жаноблар, сиз нега бунини тушунамайсиз! Лекин кейин мен ундан донома ўзимнинг дўстона ёрдимини аямайман, унинг ҳаётини изга солишга, яхшилашга чиндилдан кўмаклашаман, ахир, бу шўрликни ҳам алдашган, ахир, алданмаганда, бугунги жаноб Келлернинг мақоласида айтилгандай, пасткашликка балки бормаган бўлармиди, онасининг этагини кўтарган ўғил... Э, нега яна ўзларингизни тутолмай қолдинглар, жаноблар! Шундай бўлаверса, биз бир-биримизни асло тушунолмай қоламиз! Ахир мен айтгандай чиқди-ку, бари! Мен энди гумоним тўғри чиққанлигини ўз кўзларим билан кўриб турибман,— деб қизишиб ишонтирмоқчи бўларди князь, у ҳаяжонини босиб олмоқчи бўлар, лекин ўзи сезмаган ҳолда уни янада орттирарди.

— Қандай? Нимани кўриб турибсиз?— деб уни жаҳл билан қистовга олдилар.

— Марҳамат қилинглар, биринчидан, мен Бурдовскийнинг қандай одамлигини кўриб турибман, ўзим ишонч ҳосил қилдим унинг кимлигига... Унда айб йўқ, у ҳамманинг алдовига учган! Ҳимоясиз бўлиб қолган... шунинг учун унга шафқат қилишим керак, иккинчидан, мен бу ишни Гаврила Ардалионовичга топшириб ўзим Петербургда уч кун касал бўлиб қолиб, бунинг устига анчадан бери йўлда эдим, ундан хат-хабар ололмаган эдим, мана бугун бундан бир соатча илгари у олдимга кирди, мен Чебаровнинг нияти нима эканлигини билдим, қўлимда инкор қилиб бўлмайдиган далиллар бор, деб айтди, шунда Чебаров мен тахмин қилган киши эканлигини англадим. Биламан, жаноблар, аксар одамлар мени тезда деб қарашади, Чебаров ҳам қўли очик одам эканлигимни билиб, осонгина лақиллатиб кетмоқчи бўлган, Павлишчевга бўлган ҳурматимдан фойдаланиш пайига тушган. Лекин энг муҳими шуки,— ахир эшитинглар-да энди, жаноблар, охиригача эшитинглар!— энг муҳими шуки, жаноб Бурдовский Павлишчевнинг ўғли эмаслиги аниқ маълум бўлди! Менга Гаврила Ардалионович ҳозиргина айтди, мен ишончли маълумотлар топдим, деди. Қалай бўлади бу ёғи энди сизнингча, шунча қилғиликларни қилиб қўйганларингиздан сўнг, одамнинг ишонгиси келмайди! Билдингизми: ишончли маълумотлар! Мен ўзим ҳали тўла ишонганим йўқ, ишонганим йўқ, рост айтяпман; мен ҳали шундай гумонсиз раб турибман, чунки Гаврила Ардалионович ҳали менга бутун тафсилотларини сўйлаб берганича йўқ, лекин Чебаров фирибгар, энди бунга **шак-шубҳа** бўлиши мумкинмас! У шўрлик жаноб Бурдовскийни **ҳам**, сизларни, яъни унга олижаноблик юзасидан ёрдам бермоқчи бўлган кишиларни (ахир, у жуда ёрдамга муҳтож, буни кўриб турибман мен ҳам!) ҳаммаларингизни лақиллатган, ҳаммаларингизни муттаҳамгарчилик сиртмоғига тортган, ахир, қаёғини ағдариб қараманг, бу ишдан фирибгарликнинг, муттаҳамгарчиликнинг иси келиб турибди!

— Нега энди муттаҳамгарчилик бўларкан!.. Нега энди «Павлишчевнинг ўғли» бўлмас экан?.. Қандай қилиб!..— деган хитоблар эшитилди. Бурдовскийнинг тўдаси ифодалаб бўлмас саросимага тушган эди.

— Албатта, муттаҳамлик! Агар ахир энди жаноб Бурдовский «Павлишчевнинг ўғли» бўлиб чиқмаса, унда жаноб Бурдовскийнинг талаби очиқдан-очиқ муттаҳамгарчилик бўлиб кўринмайди (яъни албатта, у шундайлигидан бохабар бўлганда демоқчиман), лекин ҳамма гап шундаки, уни алдаганлар, шунинг учун ҳам мен уни оқлаш тарафдориман; шунинг учун ҳам унга ачинапман, соддагина бола экан, бировнинг ёрдამисиз яшолмайди; шундай бўлмаганда у ҳам қаллобларнинг шериги бўлиб

чиқар эди. Мен ахир имоним комил бўлдики, у ҳеч нарсани тушунмас экан! Швейцарияга жўнамасимдан илгари мен ҳам шу аҳволда эдим, сўзларим оғзимдан тўкилиб кетаверарди, айтмоқчи бўлган гапимни эплаб гапиролмасдим... Тушунаман буни; мен унинг ҳолини тушунаман, чунки ўзимнинг бошимдан ўтган, мен гапирсам бўлади! Ва ниҳоят, нима бўлмасин, энди «Павлишчевнинг ўгли» йўқлигига қарамасдан ва буларнинг бари хомхаёл бўлиб чиққан бўлса ҳам, мен барибир ўз фикримни ўзгартирмайман ва Павлишчевнинг хотираси учун ўн минг сўм ажратишга тайёрман. Мен ахир жаноб Бурдовский саҳнада пайдо бўлмасидан илгари шу ўн мингги мактабга бермоқчи бўлиб юргандим Павлишчевнинг хотираси учун, лекин энди барибир мактабга сарфлайманми ва ё Бурдовскийгами, негаки, эндиликда жаноб Бурдовский гарчи «Павлишчевнинг ўгли» бўлмаса-да, лекин барибир худди «Павлишчевнинг ўғлидай»: чунки унинг ўзини қаттиқ алдашди; у ўзини чин юракдан Павлишчевнинг ўғлиман деб ҳисоблайди! Энди, жаноблар, Гаврило Ардалионович нима деркин, шунини эшитинг, шу билан бас қиламиз, жаҳлингиз чиқмасин, тинчланинг, ўтиринглар! Гаврило Ардалионович ҳозир сизларга бариини тушунтириб беради, мен ҳам, гапнинг очиги, бунинг тафсилотларини билишни истайман. У ҳатто Псковга, сизнинг онангизнинг олдига бориб келибди, жаноб Бурдовский, сизни мақолада онангизни ўлган, деб айтишга мажбур қилишибди, у киши асло ўлмаган экан... Ўтиринглар, жаноблар, ўтиринглар!

Князь ўзи ҳам ўтирди, ўринларидан сакрашиб туриб кетган меҳмонларни, Бурдовскийнинг одамларини ҳам ўтқазди. У сўнги ўн ёки йигирма минут ичида жуда қизишиб кетди, овозини баланд кўтариб, ҳаммадан баланд келишга ҳаракат қилиб, жуда ҳам берилиб кетиб, ҳаддан ташқари ошиб-тошиб гапирди, сўнг албатта, баъзи бир нарсаларни қизишиб айтиб юборгани, баъзи тахминлар, сўзлар оғзидан чиқиб кетганлиги учун тоза пушаймон бўла бошлади. Уни қизиштирмаганларида у ўзидан чиқмаган бўларди, айтиш лозим бўлмаган баъзи сўзларни, баъзи гумонларини айтмасди, ҳамма нарсани бундай ошкор қилиб ташламасди. У ўрнига қайтиб ўтирган заҳоти бир нарсадан қаттиқ пушаймон бўлиб кетди, юраги санчиб оғриди. Нега ахир у ҳамманинг олдида Бурдовскийга сиз ҳам менга ўхшагансиз, мен ҳам Швейцарияга бормасимдан олдин сизга ўхшаган эдим, деди; Бурдовскийни «хафа» қилди? Нега ўн мингги мактабга бермоқчийдим, сизга берсам бўлаверади, деди? Шунчалар ҳам дағаллик бўладими? Шунчалар ҳам эҳтиётсизлик бўлади-ми? Одамларнинг олдида ҳам шундай дейдими худди садақа улашаётгандай бўлиб? «Кутиш керак эди ва эртага ёлғиз ўзига

айтиш керак эди,— деб ўйлади князь шу заҳоти,— энди ҳеч нарсани тўғрилаб бўлмайди, албатта! Рост, мен телбаман, чинакам телбаман!»— деган қарорга келди у уятдан, номусдан ер ёрилса-ю ерга кириб кетгудай бўлиб.

Бу орада шу пайтгача индамай бир чеккада турган Гаврила Ардалионович князнинг таклифи билан олдинга чиқди ва унинг ёнида турганча князь топширган иш юзасидан дона-дона қилиб ҳисоб бера бошлади. Равон ичи дарров сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Ҳаммалари ва айниқса, Бурдовскийнинг одамлари шоён диққат билан тинглай бошладилар.

IX

Сиз, албатта, инкор қилмасангиз керакки,— деб бошлади Гаврила Ардалионович кўзларини катта-катта очиб, афтидан, қаттиқ саросимага тушиб бутун вужуди қулоққа айланган ҳолда тинглашга шайланган Бурдовскийнинг тўппа-тўғри ўзига муурожаат қиларкан,— сиз инкор қилмасангиз керакки, муҳтарама онангиз билан коллегия котиби жаноб Бурдовскийнинг қонуний никоҳларидан сўнг роса икки йил ўтганда туғилгансиз. Сизнинг туғилган вақтингизни аниқлаш жуда осон, шунинг учун ҳам бу нарсанинг Келлернинг мақоласида сиз ва онангиз учун таҳқирли тарихда ўзгартириб юборилганлигини жаноб Келлернинг қуюшқондан ташқари чиқиб кетган фантазияси билангина изоҳлаш мумкин, у шундай қилиб сизнинг бу ишда ҳақингиз борлигини бўрттириб кўрсатмоқчи, сизга ёрдам бермоқчи бўлган. Жаноб Келлер мақоланинг ҳаммасини бўлмаса ҳам бир қисмини сизга ўқиб берганлигини айтяпти... шубҳасиз, у сизга айниқса шу ерларини ўқиб бермаганга ўхшайди...

— Ҳақиқатан, ўқиб бермаганман шу ерини,— деб унинг ганини бўлди боксер,— лекин барча маълумотларни менга ишончли одам берганди ва мен...

— Уэр, жаноб Келлер,— тўхтатди уни Гаврила Ардалионович,— ижозат беринг, мен гапирай. Сизни ишонтириб айтаманки, ҳали сизнинг мақолангизга тўхталамиз, ўшанда сиз изоҳ берасиз, ҳозир яхшиси бир бошдан баён қилиб ўтганимиз тузук. Мен тасодифан, синглим Варвара Ардалионовна Птицина воситчилигида бир хатни қўлга туширдим, синглимнинг Вера Алексеевна Зубкова деган жуда яқин ўртоғи бор, ўзи бева, помещик хотин, шу одамга Николай Андреевич Павлишчев бундан йигирма тўрт йил муқаддам чет элдан туриб хат ёзган экан ва шу хат сақланиб қолган. Мен Вера Алексеевна билан яқиндан танишиб олдим ва унинг маслаҳатига биноан истеъфодаги пол-

ковник Тимофей Федорович Вязовкинни қидириб топдим, бу киши жаноб Павлишчевга узоқ қариндош бўларкан, ўз вақтида улар бир-бирлари билан қалин дўст эканлар. Мен ундан Николай Андреевичнинг чет элдан ёзган иккита хатини олишга муяссар бўлдим. Мана шу учта хатда кўрсатилган фактлар, ойлари, кунларга қараб туриб Николай Андреевичнинг ўшанда чет элга чиққан (чет элда уч йил турган) вақтини кун-кунигача аниқлаш мумкин, шунга кўра Николай Андреевич сиз туғилмасдан роса бир ярим йил аввал чет элга кетган бўлиб чиқади, жаноб Бурдовский. Сизнинг онангиз, ўзингизга маълумки, ҳеч қачон чет элга чиққан эмас... Мен ҳозир бу хатларни ўқиб ўтирмоқчи эмасман. Кеч бўлиб қолди; мен фақат бор қарсани айтиб ўтйпман, холос. Лекин агар жаноб Бурдовский эртага эрталаб истаганча миқдорда гувоҳларингизни олиб менинг олдimgа келсангиз, хоҳласангиз, дастхатни текширадиган кишиларни ҳам олволишингиз мумкин, унда аминманки, мен айтган гапларнинг тўғрилигига ўзингиз тўла ишонч ҳосил қиласиз. Шундай қилинганда, аминманки, бутун иш чинпақка чиқади ва ўз-ўзидан барҳам тонади.

Яна ҳамма қимирлаб қолди, ҳамма ҳаяжонга тушди. Бурдовскийнинг ўзи стулдан туриб кетди.

— Ундай бўлса, мени алдашибди, алдашибди, лекин алдаган Чебаров эмас, бунга кўп вақт бўлган; текшириш, учрашишни истамайман, мен ишонаман, мен воз кечаман... ўн мингга рози эмасман... хайр, кетдим...

У фуражкасини олиб кетиш тараддудиди стулни четга сурди.

— Агар имконингиз бўлса, жаноб Бурдовский,— деб секин, ширин сўзлаб тўхтатди уни Гаврила Ардалионович,— беш минутгина ўтирсангиз. Бу иш юзасидан яна бир қанча нарсалар аниқланди, улар жуда антиқа фактлар ва сизга ҳам тегишли ерлари бор, албатта. Менинг фикримча, сиз уларни биллиб қўйсангиз яхши бўларди, балки ҳаммаси очик-ойдин бўлса, ўзингизга энгил тушади...

Бурдовский бошини солиштирганча огир ўйга ботган одамдай индамай жойига ўтирди. Уни кузатиб қўймоқчи бўлиб ўрнидан турган Лебедевнинг жияни ҳам ўтирди. У гарчи ўзини йўқотиб қўймаган, тетик бўлса ҳам, лекин афтидан жуда ғалати аҳволда қолган эди. Ипполитнинг қовоғи солинган, маънос ва жуда ҳайратланган ҳолда эди. Шу дақиқада у шунчалар қаттиқ йўтала бошладики, ҳатто рўмолчаси қон бўлиб қолди. Боксернинг ҳам ўтакаси ёрилган эди.

— Эҳ, Антип!— деб қичқирди у алам билан.— Ахир, сенга айтган эдим-ку ўшанда... уч кун аввал, балки сен ростдан ҳам Павлишчевнинг ўғли эмасдирсан деб!

Босиқ кулгилар эшитилди, икки-учта одам ҳаммадан кўра қаттиқроқ кулди.

— Сиз ҳозир айтган нарсa,— деб илиб кетди Гаврила Ардалионович,— биз учун жуда қимматли, жаноб Келлер. Шундай бўлса ҳам том бир ишонч билан маълум қилиб қўйишим керакки, жаноб Бурдовский ўзининг қачон туғилганлигини жуда яхши билади, лекин у Павлищевнинг чет элда яшаганлари ҳақида унчалар тўлароқ бир тасаввурга эга эмас, ваҳоланки, жаноб Павлищев умрининг аксар қисмини чет элларда ўтказди, Россияга эса қисқа муддатларгагина келиб кетди. Бунинг устига унинг ўша пайтда чет элга кетиши одатдан ташқари бир ҳодиса бўлмаганидан йигирма йилдан сўнг ҳам ҳеч ким бу ҳақда эслаб бош қотириб ўтирмаган, албатта. У пайтда ҳали туғилмаган Бурдовскийни айтмай қўя қолайлик, ҳатто унинг яқин кишилари ҳам бу воқеаларни яхши хотирлай олмайдилар. Албатта, сўраб-суриштириб ҳамма нарсани топса бўлади. Лекин тан олишим керакки, мен барча керакли маълумотларни тасодифан қўлга туширдим, улар топилмаслиги ҳам мумкин эди. Шунинг учун агар жаноб Бурдовский билан жаноб Чебаров истаган тақдирларида ҳам бу маълумотларни асло тополмаган бўлардилар. Лекин улар бунни истаб кўрмаган ҳам бўлсалар керак...

— Ижозат этинг, жаноб Иволгин,— тажанг бўлиб унинг гапини бўлди Ипполит,— шунча сафсатанинг нима кераги бор (мени кечиринг)? Иш равшан бўлди, асосий нарсага ишонингга биз рози бўлдик, нима қиласиз одамнинг шаънини ерга урадиган бу бошоғриғи гапларни чўзиб? Сиз эҳтимол, излаб топган нарсаларингиз билан мақтанмоқчи, князь билан бизнинг олдимизда ўзингизнинг қанчалар уста ва чапдаст терговчи ва айғоқчи эканлигингизни кўрсатиб қўймоқчи бўлаётгандирсиз? Нима, сиз Бурдовскийни бу ишга билмасдан бошини суққан деб оқлаб, кечириб юбормоқчимисиз, ниятингиз шуми? Жуда дангалчи бўлиб кетибсиз, марҳаматли афандим! Бурдовский сизнинг оқлашларингизга ва кечиришларингизга асло муҳтож эмас, шунга яхши билиб қўйинг! У қаттиқ хафа, унга оғир жуда ҳам, у ўнғайсиз аҳволга тушди, сиз бунга англашингиз, тушунингиз лозим эди...

— Бас, жаноб Терентьев, бас,— деб уни тўхтатишга муяссар бўлди Гаврила Ардалионович,— тинчланинг, ўзингизни қайрайверманг; сиз чамамда, жуда мазангиз йўқ шекилли? Сизга ачинаман. Ундай бўлса агар истасангиз, мен мана бас қиламан, яъни демоқчиманки, назаримда баъзи бир гапларни тўла-тўқис оидинлаштириб ўтмасдан пложим йўққа ўхшайди,— деб қўшиб қўйди ҳамма ўрнидан қимирлаб сабрсизлик кўрсатаётганлигини сезиб.— Мен бу ишга дахлдор бўлган барча кишиларга далолат

юзасидан айтиб қўйишим керак, сизнинг онангиз, жаноб Бурдовский, Николай Андреевич жуда ёш пайтларида қаттиқ яхши кўриб қолган оқсоч қизнинг синглиси бўлади, шунинг важидан у Павлишчевнинг меҳру инотларига сазовор бўлган, Павлишчев унга доимо меҳрибончилик қилиб турган, лекин Павлишчев яхши кўрган оқсоч қиз тўйлари арафасида вафот этган. Уларнинг оиласида шундай воқеа бўлганлиги аниқ, менда далиллар бор, буни ҳеч ким инкор қилолмайди, лекин бу воқеадан жуда кам кишилар хабардор, умуман, деярли унут бўлаётган воқеа. Энди бу ёғини эшитинг: сизнинг онангиз ўн яшар чоғида Павлишчев уни ўз тарбиясига олади, унга аллақанча маблағ, сепсира ажратади, мана шу меҳрибончиликларнинг ҳаммаси Павлишчевнинг жуда кўп уруғ-аймоқлари ичиди турли-туман фикрларга сабаб бўлади; Павлишчев ўзи тарбия қилаётган қизга уйланса керак, деган гаплар тарқалади; лекин қиз ўзи хоҳлаб бир марзбон хизматчига турмушга чиқади (буни мен жуда аниқ қилиб исботлаб беришим мумкин), у Бурдовскийга теккан маҳалда йнгирмага чиққан бўлади. Менда яна бир қанча жуда ишончли ва аниқ маълумотлар бор, уларга қараганда, сизнинг отангиз жаноб Бурдовский, ишнинг кўзини билмас экан, онангизга ажратилган ўн беш мингга олиб, хизматни йнгиштиради, савдо ишларига аралашади, алданади, сармойани бой беради, аламига чиқолмай ича бошлайди, касал бўлиб қолади ва онангиз билан саккиз йил турмуш қургандан сўнг бевақт ажали етиб ўлиб кетади. Ундан сўнг онангиз ўз оғизлари билан айтишларига қараганда, қаттиқчиликда яшайди ва агарда Павлишчев ёрдам қилиб йилига олти юз сўмдан бериб турмаганда бутунлай ҳалок бўлиб кетиши ҳам мумкин экан. Ундан сўнг, у сизни кичкина пайтнингизда жуда яхши кўриб қолади, бунга далиллар беҳисоб. Яна шу маълумотларга ва онангизнинг тасдиқлашига қараганда, унинг сизни яхши кўриб қолганлигининг сабаби сиз ўшанда мажруҳроқ, касалмандроқ, дудуқроқ, аянчлироқ бола экансиз (мен аниқ маълумотлар асосида шундай хулосага келдимки, Павлишчев эзилган, табиат томонидан камситилган, мажруҳ болаларга алоҳида меҳрибончилик, шафқат кўрсатар экан,— назаримда бизнинг ишимиз учун бу жуда муҳим бўлган бир факт), шунинг учун у сизга махсус меҳрибончилик кўрсатган, сизнинг тарбиянгиз билан шуғулланган. Ниҳоят, мен излана-излана алоҳа ҳозир мақтаниб қўйсам арзийдиган бир хулосага келдим, Павлишчевнинг сизга бу қадар меҳрибончилиги (унинг сабъ-ҳаракати билан сиз гимназияда алоҳида назорат остида ўқигансиз) Павлишчевнинг оила аъзолари ва қариндошлари ўртасида аста-секин ғалати бир фикр туғилишига сабаб бўлган, улар сизни унинг ўғли бўлсангиз керак деб ўйлашган,

отангизни эса алданган эрлар қаторида санашган. Энг муҳими, Павлищев ҳаётининг сўнгги йилларида ҳамма шу фикрга келган ва унга ишонган, ҳамма васиятнома қандай бўлади, деб кўрқиб кетган, воқеанинг боши ҳамманинг ёдидан кўтарилган, аниқ бир гап айтадиган одам бўлмаган. Шубҳасиз, мана шу фикр сизнинг ҳам қўлоғингизга чалинган, жаноб Бурдовский ва бутун эс-ҳушингизни ўғирлаб қўйган. Сизнинг онангиз, мен у киши билан шахсан танишиш шарафига муяссар бўлдим, бу ими-жими гаплардан хабардор экан, лекин сиз ҳам мана шу олашовур гапларнинг таъсирида юрганлигингизни сира билмас экан (мен ҳам бунга унга айтиб ўтирмадим). Сизнинг муқтарамаликдангизни, жаноб Бурдовский, мен Псковдан топдим, у киши касалманд ва ғоятда ночор аҳволда яшар эканлар, Павлищевнинг вафотидан сўнг у кишига қарайдиган одам бўлмабди. У кўзларида шашқатор ёшлари билан миннатдор бўлиб айтдики, мен ўғлим туфайли яшайман, мени ўғлим боқяпти, деди. У келажакда сиздан кўп нарсалар кутади ва сизнинг келажакингиз порлоқ бўлишига ишонади...

— Йўқ, бунга асло тоқат қилиб бўлмайди!— сабрсизлик билан қичқирди Лебедевнинг жияни.— Кимга айтяпсиз бу романинг барини?

— Фирт шармандалик бу!— деб ўтирган ерида тўлғанди Ипполит. Лекин Бурдовский ҳеч нарсани сезмади ва ўтирган ўрнидан қимирламади.

— Нега? Нима учун?— деб устомонлик билан ҳайрон бўлиб сўради Гаврила Ардалионович ўз хулосасини игна қилиб санчишга ҳозирланаркан.— Мана энди жаноб Бурдовский тўла ишонч ҳосил қилиши мумкинки, жаноб Павлищев уни олиҳиммат бир одам сифатида яхши кўрган, лекин унга ўз ўғли каби қарамаган. Жаноб Бурдовский жаноб Келлернинг мақоласини ўқиётган чоғида ва у мақолани маъқуллаган ва тасдиқлаган пайтида мана шу битта фактни яхши билиши ва назарда тутиши лозим эди. Бунга айтаётганимнинг боиси, мен сизни, жаноб Бурдовский, олижаноб одам деб биламан. Иккинчидан, бу ўринда ҳеч қандай ўғирлик ёхуд муттаҳамлик, боринги, ҳатто Чебаров томонидан ҳам содир бўлмаган; бу ҳатто мен учун ҳам муҳим бўлган ҳол, чунки боя князь қизишиб кетиб бу бадбахт ишнинг муттаҳамгарчилик эканлиги ҳақида мени ҳам шундай фикрда деб эслатиб ўтди. Бу ерда, аксинча, ҳамма томонлар шундай бир тўла ишончга келган эдиларки, гарчи Чебаров ўз ҳолича балки ҳақиқатан ҳам устаси фаранг муттаҳам бўлса бордир, лекин мана бу иш юзасидан у фақат бир илгак, бир хизматчи, бир манфаатнараст одам сифатида ҳаракат қилган. У адвокат сифатида катта пул олмақчи бўлган ва унинг мўлжали жуда но-

зик ва моҳирона олинган, нишонни аниқ танлаган. У князнинг қўли очиқлиги ва Павлищевга жуда катта ҳурмат билан қарашидан фойдаланмоқчи бўлган ва ниҳоят, у князнинг ному ва виждон мажбурияти ҳақидаги рицарона қарашлари (шу энг муҳими)ни назарда тутган. Энди жаноб Бурдовскийнинг ўзига келганда, шуни айтиш мумкинки, у ўзининг маълум бир қарашлари таъсирида Чебаров ва атрофидаги бошқа одамларнинг қутқусига учиб, бу ишни ёлғиз ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб эмас, балки мен шу билан ҳақиқат, тараққиёт ва инсониятга хизмат қилган бўламан, деган ақида билан бошлаб юборган. Мана энди бу ерда баён қилиб берилган маълумотлардан сўнг ҳаммага аён бўлган бўлса керакки, баъзи бир ҳолларга қарамасдан жаноб Бурдовский пок одам, шунинг учун ҳам унга бажонидил дўстона ёрдам қўлини чўзса ва боя Павлищевнинг хотираси ҳамда мактаблар борасида гапириб тилга олган иноятларни амалга оширса, албатта яна булар унинг ўз ихтиёри ва хоҳишига боғлиқ.

— Бўлди қилинг, Гаврила Ардалионович, бўлди қилинг!— деб қичқирди князь ҳақиқатан ҳам чипаканига қўрқиб кетиб, лекин энди кеч бўлганди.

— Мен айтдим, мен боя уч маротаба айтдим,— қаҳри келиб қичқирди Бурдовский,— менга пул керакмас! Керакмас менга... олмайман... нега... истамайман... ба!

У равондан югуриб қиқиб кетмоқчи бўлди. Лекин Лебедевнинг жияни унинг қўлидан тутиб қолди ва қулоғига нимадир деб шивирлади. Бурдовский тезгина орқасига қайтиб чўнтагидан муҳрланмаган хат соладиган катта конверт чиқарди ва уни князнинг олдидаги стол устига ташлади.

— Мана пул!.. Ҳақингиз йўқ... ҳақингиз йўқ!.. Пул!..

— Сиз Чебаровдан унга садақа тариқасида бериб юборган икки юз эллик сўм,— деб изоҳ берди Докторенко.

— Мақолада эллик сўм дейилган!— қичқирди Коля.

— Айб менда!— деди князь Бурдовскийга яқинлашаркан,— мен сизнинг қошингизда жуда ҳам айбдорман, Бурдовский, лекин ишонинг, мен садақа деб берганим йўқ эди. Мен ҳозир ҳам гуноҳкорман... мен боя гуноҳкор бўлдим. (Князь жуда паришон бўлиб қолган, хафа кўринар, афтидан, чарчаган ва ҳолдан тойганди, сўзлари бир-бирига қовушмасди.) Мен муттаҳамгарчилик ҳақида гапирдим, лекин мен сизни айтганим йўқ, мен хато қилибман. Мен сизни ўзимга ўхшаган касал дедим. Лекин сиз менга ўхшаган эмассиз, сиз... дарс берасиз, сиз онангизни боқасиз. Мен сиз онангизни шарманда қилибсиз, дедим, лекин сиз уни яхши кўраркансиз; унинг ўзи айтибди-ку... мен билмагандим... Гаврила Ардалионович менга ҳали ҳаммасини айтиб ул-

гурмаганди... мен гуноҳкорман. Мен сизга ўн минг бераман деб айтишга журъат қилдим, лекин айб менда, мен буни бошқача тарзда баён қилишим керак эди, энди эса... иложи йўқ, чунки сиз мендан нафратланасиз...

— Тоza жиннилар йигилган экан-ку бу ерга!— деб қичқариб юборди Лизавета Прокофьевна.

— Рост, жиннилар турадиган жой экан бу!— деб оғзидан чиқиб кетди Аглаянинг, лекин унинг сўzlари шовқин-сурон ичида кўмилиб кетди. Ҳамма баланд овоз билан гапирар, ҳамма ўз фикрини айтар, тортишар, куларди. Иван Федорович Епанчин қаттиқ дарғазаб бўлган, обрўси ерга урилган одамдай Лизавета Прокофьевнанинг бўлишини кутиб турарди. Лебедевнинг жияни охири марта гапириб қолди:

— Ҳа, князь, сизга қўйил қолмасдан иложимиз йўқ, сиз ўзингизнинг ҳалиги... касалингиздан жуда усталик билан фойдаланаркансиз (одоб доирасидан чиқмадими гаинм); сиз ёрдамнингизни ҳам, берадиган пулингизни ҳам шунчалик усталик билан таклиф қилдингизки, энди олижаноб одам ўла қолса уни ҳеч қачон қабул қилмайди. Сиз ё жуда ҳам соддасиз, ёки жуда ҳам устомонсиз... яна ўзингизга равшанроқ.

— Рухсат этинг, жаноблар,— деб қичқирди бу орада пул солинган конвертни очиб кўришга улгурган Гаврила Ардалионович,— бу икки юз эллик сўм эмас, бор-йўғи юз сўм экан. Мен буни шунинг учун айтяпманки, князь, кейин тағин англашил-мовчилик бўлмасин.

— Қўйинг, қўйинг,— деб қўлини силкиди князь Гаврила Ардалионовичга.

— Йўқ, «қўймайди»!— деб ёпишиб олди шу заҳоти Лебедевнинг жияни.— Сизнинг «қўйинг», деганингиз бизга ҳақорат бўлиб эшитилади, князь. Биз беркиниб турганимиз йўқ, биз очикдан-очиқ айтамыз: ҳа, бу ерда икки юз эллик сўм эмас, юз сўм, лекин бунинг нима аҳамияти бор...

— Й-йўқ, аҳамияти бор жуда,— деди соддалик билан Гаврила Ардалионович ҳайрон бўлганча.

— Гапимни бўлманг; биз сиз ўйлаганча аҳмоқ одамлар эмасмиз, жаноб адвокат,— қаттиқ энсаси қотиб хитоб қилди Лебедевнинг жияни,— ҳа, икки юз эллик сўм бошқа, юз сўм бошқа, барибир эмас, лекин муҳими принцип; бу ерда муҳими ташаббус, юз эллик сўм етмаётган бўлса, бу хусусий бачкана бир ҳол. Муҳими, Бурдовский сизнинг садақангизни қабул қилмади, ҳазрати олийлари, садақангизни башарангизга қараб олди, шундай бўлгандан кейин юз бўлди нима-ю икки юз эллик бўлди нима, бирибир эмасми? Бурдовский ўн мингни олмайман, деди: ўзингиз кўрдингиз; агар ҳалол бола бўлмаганда юз сўм-

ни ҳам олиб келиб ўтирмасди! Юз эллик сўм Чебаровни княз-нинг хузурига келиб кетиши учун сарф бўлди. Бизнинг ишнинг кўзини билмаслигимиздан, иш юритишга нуноқлигимиздан, майли, кулсангиз кулаверинг; сиз бусиз ҳам бизни тоза кулги қилиб кўрсатиш учун хўп уриндингиз; лекин бизни фирром деб ўйламанглар. Уша юз эллик сўмни биз ҳаммамиз йиғиб князга топшираемиз, марҳаматли афандим; биз бир сўмдан қилиб бўлса ҳам қайтарамиз, процентли билан қайтарамиз. Бурдовский қашшоқ, Бурдовскийнинг миллионлари йўқ, Чебаров эса князь билан учрашиб келгандан сўнг ҳақ талаб қилди. Биз ютиб чиқамиз деб умид қилган эдик... ким унинг ўрнида бошқача қиларди дейсиз?

— Қандай ким?— хитоб қилди князь Ш.

— Мен бу ерда ақлдан озиб қоламан!— деб қичқирди Лизавета Прокофьевна.

— Бир нарса эсимга тушиб кетди,— деб кулди анчадан бери кузатиб турган Евгений Павлович,— яқинда бир адвокатнинг ҳимоясида бўлдим, талончилик мақсадида олти одамни бирданга ўлдирган қотилни оқлаш учун унинг қашшоқлигини сабаб қилиб келтирди: «Табийки, мен ҳимоя қилаётган одам қашшоқликка гирифтор бўлгандан сўнг олти одамни ўлдирган, унинг ўрнида бошқа одам бўлганда ҳам шундай қиларди балки?» Шунга ўхшаган ғалатироқ гаплар бўляпти бу ерда ҳам.

— Бас!— деб хитоб қилди ғазабдан титрагудай бўлиб Лизавета Прокофьевна,— бу масхарабозликлар тугасин энди!..

У қаттиқ ҳаяжонга тушганди; у дўстларини рақибларидан ажратмаган ҳолда ҳаммага бесабр бир таҳдид, ҳаяжон, кибр билан бир-бир қараб чиқди, унинг кўзлари ўт бўлиб ёнади шу топда. У шу нуқтагача ғазабини босиб келди, лекин сабр косаси тўлиб кетди, энди қаҳрини кимгадир сочиши, кимнидир қисти-бастига олиши, жанг қилиши шарт эди. Лизавета Прокофьевнани биладиганлар унинг шу онда жуда қаттиқ ўзгариб кетганини найқадилар. Иван Федорович эртасига князь Ш. га: «У баъзан шундай қилади, лекин кечагига ўхшагани камдан-кам бўлади, балки уч йилда бир марта шундай бўлар, лекин шундан ортиқ эмас! ортиқ эмас!»— деди маъноли қилиб.

— Бўлди, бас, Иван Федорович! Тегманг менга!— хитоб қилди Лизавета Прокофьевна.— Нега менга қўлингизни тутяпсиз? Боя секин олиб чиқиб кетишни билмадингиз; сиз эрсиз, хонадон бошлиғисиз; сиз мен аҳмоқ сўзингизга кирмаган бўлсам, қулогимдан чўзиб олиб чиқиб кетишингиз лозим эди. Жуда бўлмаганда қизларингиз важидан шундай қилишингиз дуруст эди! Энди сизсиз ҳам ўз йўлимизни топиб оламиз, кўрганимиз бир йилга етиб ортади ҳали... Тўхтаб туринг, мен ҳали князга раҳмат деб

қўйишим керак! Раҳмат, князь, сийлаганинг учун! Мен ўлгур қани ёшлар нима деркин деб ўтирибман... Пасткашлик, пасткашлик бу! Бевошлик, бемаънилик, бунақасини тушингда ҳам кўрмайсан! Наҳотки шунақалар кўпайиб кетган бўлса?.. Жим тур, Аглая! Жим тур, Александра! Ишингиз бўлмасин!.. Ҳадеб ёнимда ўралишаверманг, Евгений Павлич, жонимга тегиб кетди!.. Вой, сен ҳали, бўталоғим, улардан кечирим ҳам сўрайдиган бўлдингми?— деб яна кўтарила бошлади у князга мурожаат қиларкан,— «сизларга пул бермоқчи бўлганим учун мени кечиринглар эмиш»... ҳей, ўпкага ўхшаган, сен нега тиржаясан!— деб Лебедевининг жиянига ташланди у кутилмаганда.— «биз пулдан воз кечамиз, биз сўрамаймиз, талаб қиламиз эмин!» Бўлмаса, билиб турибди эртага бу телба дўст бўламиз, мана, пул керак бўлса олинглар, деб бошини эгиб боришини! Ахир борасан-ку, а? Борасанми, йўқми?

— Бораман,— деди ювош ва итоаткорона товуш билан князь.

— Эшитдингизми! Сен ахир худди мана шунини мўлжаллаб турибсан-ку,— деди у яна Докторенкога қараб, — пул чўнтагингга кирди ҳисоби, шунинг учун ҳам бу ерда ўпкалаб, олифтагарчилик қилиб айўҳаннос солиб ётибсан, ўзингни кўрсатяпсан... Йўқ, азизим, бошқа аҳмоқларни топинг ўзингизга, мен эсам сизларни бутун ичингизни кўриб турибман... бутун ўйналарингизни билиб турибман!

— Лизавета Прокофьевна!— деб хитоб қилди князь.

— Юринг, Лизавета Прокофьевна, вақт бўлди, князни ҳам ола кетамиз,— иложи борича хотиржамлик билан жилмайиб деди князь Ш.

Қизлар бир чеккада қўрқибгина туришар, генералнинг эхонаси чиқиб кетганди; ҳамма умуман ажабланиб турарди. Чеккароқда турган баъзи бировлар яшириқча иршайишар, бир-бирларига пичирлашарди; Лебедевининг чеҳраси шодмонликдан ял-ял очилиб кетганди.

— Бемаънилик ва бевошлик ҳамма ерда ҳам тўлиб-тошиб ётибди, хоним афандим,— деди салмоқланиб, бир оз гаранг бўлиб қолган Лебедевининг жияни.

— Ундай эмас! Ундай эмас, бўталоғим, сизга ҳеч ким ўхшамасин! Ундай эмас!— заҳарханда қилиб уни гаширтиргани қўймади Лизавета Прокофьевна. — Мени қўясизларми, йўқми ўзи,— деб қичқирди у ўзини овутишга уринаётганларга,— йўқ, мана сиз ўзингиз ҳам айтдингиз-ку, Евгений Павлич, адвокат камбағалчиликдан олти одамнинг тухумини қуритган бўлса, бунинг ажабланидиган жойи йўқ, табиий, дебди-ку, демак, охир замон бўлиб қолибди. Мен бундайини сира эшитмаган эдим. Энди ҳам-

маси менга равшан бўлди! Нима, манави дудуқ (у ўзига ҳаддан ташқари ҳайрон бўлиб қараб турган Бурдовскийни кўрсатди) сўйиб кетмайди дейсизми? Бас ўйнайманки, сўйиб кетади! У сенинг ўн мингингни олмаслиги мумкин, виждонан олмайди, лекин кечаси келиб сўйиб кетади, қутичангни очиб пулларингни ҳам олиб кетади. Виждонан олиб кетади! У буни ҳалол деб ўйлайди! Бу «олижаноб шиддат, интилиш», бу «инкор», ё шунга ўхшаган яна алланима бало... Туф-ей! Ҳаммаси телба-тескари бўлиб кетди, ҳамма оёғи билан эмас, боши билан юрадиган бўлиб қолди. Уйда ўтирган моҳпора қиз бирдан кўчага дик этиб чиқиб кетади: «Ойижон, мен яқинда анави Карличга ёки Иваничга эрга тегдим, хайр, яхши қолинг!» Шундай қилса, сизнингча яхши бўлар экан-да, а? Табиий экан-да, а? Ҳурматга сазовор экан-да, а? Хотинлар масаласими? Манави болакай яқинда мендан сўраб юрган эди (у Коляни кўрсатди) «хотинлар масаласи» нима деб мен билан масала талашиб. Майли, ҳамонки онанг аҳмоқ экан, лекин сен одамгарчиликдан чиқма!.. Нимага сиз боя бошларингизни кўтариб гердайнб кириб келдинглар? «Тегма, ёрилиб кетаман», деб. Сенларни қара-ю. «Ҳамма ҳақ-ҳуқуқ бизники, сен өзинггни ҳам оча кўрма. Бизни эъзоз-икром билан қаршила, биз бўлсак сени хизматкордан баттар қилиб хўрлаймиз!» Адолат, дейдилар, ҳақ-ҳуқуқ дейдилар, ўзлари бўлса уни имонсизларча газетада таҳқирлашибди, бошига тухмат ёғдиришибди. «Сўрамаймиз, талаб қиламиз, сизга миннатдорчилик айтиб ўтirmaймиз, чунки сиз яхшилиқ қилсангиз, ўз виждонингизни оқлаш учун қиласиз!» Гавини қаранглар-а: сен миннатдор бўлмасанг, князь ҳам сенга жавобан, мен Павлишчевдан миннатдор эмасман, менга ўтқазиб қўйган жойи йўқ, у ўз виждонини поклаш учун менга яхшилиқ қилган деса унда нима бўлади? Ахир сен унинг Павлишчевга бўлган ҳурматидан фойдаланмоқчи бўлгансан-ку: ахир, у сендан пул қарзга олмаган-ку, шундай экан, сен унинг миннатдорчилигидан фойдаланмай нимадан фойдаланмоқчи бўласан? Яна нега биз воз кечамиз, деб айюҳаннос соласан? Жиннилар! Алданган қизни ҳамманинг ҳукмига олиб чиқиб шарманда қилиш ваҳшийлик, инсонгарчиликдан йироқ нарса. Агар шундай қиладиган жамиятти одамгарчиликдан узоқ деб ҳисобласанг, унда қиз бечоранинг аҳволини шу жамият оғирлаштирганлигини тан олишинг керак. Оғирлигини тан олган бўлсанг, нега тагин қиз шўрликни шу жамиятнинг олдига ташлаб, яна шўрликдан сен қийналмаслигинг керак, деб талаб қиласан? Жиннилар! Худбинлар! Худога ишонмайдилар! Исога ишонмайдилар! Ахир, қараб туринглар ҳали, сизларни кибр ва худбинлик шу қадар адойи тамом қиладики, охири бориб бир-бирингизнинг этингизни ғажийдиган бўласиз, мен сиз-

га шуни айтиб қўяй. Ахир шу эмасми бевошлик? Шу эмасми бемаънилик? Шу эмасми ифлослик? Яна шунча нарсадан сўнг манави шарманда булардан кечирим сўраб ялиниб ўтирибди! Наҳотки сизга ўхшаганлар кўп бўлса? Нега иршайсанлар? Сизлар билан тенг бўлиб шармисор бўлганимгами? Ҳа, шармисор бўлдим, бошқа қиладиган ишим қолмади!.. Сен ҳам ҳадеб куйдирган калладек иршайверма, ифлос (бирдан у Ипполитга ёнишиб кетди), ўзи зўрға турибди-ю, бошқаларни бузгани бузган. Сен манави болани ҳам йўлдан урдинг (у яна Коляни кўрсатди); у сенинг васвасаларинг билан алжийдиган бўлиб қолди, сен уни худосиз қилмоқчисан, сен ўзинг худога ишонмайсан, сени ўзи яхшилаб савалаш керак, бўтам, э, суф ҳаммангга!.. Қали, эртага борасанми, князь Лев Николаевич, уларнинг олдиларига, борасанми?— деб сўради у княздан бўғилиб қолай деб.

— Бораман.

— Унда башарангни ҳам кўрмай!— У тез кетиш учун чоғланди, лекин яна орқасига қайтди.— Ҳали шу худосизнинг олдига борасанми?— у Ипполитни кўрсатди.— Э, нега ҳадеб менга тиржайяверадн бу?— деб қандайдир гайритабиий қичқирди-да, у Ипполитга ташланди. Ипполитнинг тиржайиши жонини чиқариб юборди.

— Лизавета Прокофьевна! Лизавета Прокофьевна! Лизавета Прокофьевна!— деган хитоблар эшитилди ҳар томондан.

— Матап, уят бўлади!— деб қичқириб юборди Аглая.

— Ташвишланманг, Аглая Ивановна,— деди хотиржам Ипполит. Лизавета Прокофьевна нима учундир уни қўли билан маҳкам ушлаб олганди; ундан олайиб кетган даҳшатли кўзларини узмасди,— ташвишланманг, сизнинг ойингиз, ўлаётган одамга дўқ қилиб бўлмаслигини биладилар... мен нега кулганлигимни тушунтириб беришим мумкин... ижозат этсалар хурсанд бўлардим.

Шунда у қаттиқ йўтала бошлади ва анчагача ўзига келолмай, йўталани тўхтатолмай турди.

— Қаранглар-а, ўзи ўлай деб турибди-ю, яна ваъзхонлик қилганига кўнглинг кетади!— деб хитоб қилди Лизавета Прокофьевна унинг қўлини қўйиб юбориб ва Ипполит лабига сачраган қонларни артarkan, унга кўрқиб қараб турди.— Сенга гални ким қўйибди! Ундан кўра бориб ётсанг-чи!..

— Шундай қиламиз,— деди секин, хириллаб, овози ичидан зўрға чиқиб Ипполит,— мен ҳозир қайтиб боришим биланоқ ётаман... икки ҳафтадан кейин эса ўламан, ўзим биламан... Утган ҳафтада менга Б-нинг ўзи айтди... Шундай қилиб, агар рухсат берсангиз, мен охирида икки оғиз гапим бор.

— Э, нима, жинни бўлиб қолганмисан? Бўлмаган гап! Даволаниш керак, гапни нима қиласан! Бор, бор, ёт!..—чўчиб қичқирди Лизавета Прокофьевна.

— Ётаман, кейин то кўзларим юмилгунча ўрнимдан турмайман,— жилмайди Ипполит,— мен кечаёқ бошқа ўрнимдан турмайман деб биратўла ётиб олмоқчи эдим то ўлгунимча, яна бунни эртадан кейинги кунга қўйдим, ҳали оёқда туроламан... булар билан бирга келмоқчийдим... фақат жуда чарчадим...

— Э, ўтир, ўтир, нега турибсан! Мана сенга стул,— деб тивирчилаб қолди Лизавета Прокофьевна ва унга ўзи стулни суриб берди.

— Ташаккур,— деб секин давом этди Ипполит,— сиз менинг тўғримга ўтиринг, гаплашиб оламиз... биз албатта гаплашиб оламиз, Лизавета Прокофьевна, мен энди шундай қарорга келдим...— яна табассум қилди у Лизавета Прокофьевнага.— Ўзингиз ўйлаб кўринг, бугун мен охирги маротаба очиқ ҳавода, одамлар билан бирга юрибман, икки ҳафтадан кейин эса эҳтимол ер қаърига кирарман. Демак, шу юришим, табиат билан ҳам, одамлар билан ҳам хайрлашувдай мен учун. Мен унчалар туйғуларга берилган одам бўлмасам ҳам, лекин ҳаммаси бу ерда — Павловскда рўй берганлигидан жуда хурсандман: ҳар қалай япроқлари гуркираб ётган дарахтларни кўрасан...

— Э қўйсанг-чи, шу гапларни,— тобора қўрқиб борарди Лизавета Прокофьевна,— мунча қалт-қалт қилмасанг. Боя тоза чинқирдинг, қичқирдинг, мана энди зўрға нафас олясан, бўғилиб қолибсан!

— Ҳозир яхши бўламан. Нега менинг сўнгги истагимга рози бўлгингиз келмайди?.. Биласизми, қачонлардан бери сиз билан икки оғиз гаплашсам, деб орзу қилиб юрардим, Лизавета Прокофьевна; мен сиз ҳақингизда кўп эшитганман... Колядан; фақат Коля менга қараб турибди... Сиз тошмас аёلسиз, сиз жуда жўшқин аёلسиз, мен ҳозир ўз кўзим билан кўриб ишондим... биласизми, мен сизни ҳатто жиндай яхши ҳам кўрардим.

— Вой худо, мен бўлсам, уни уриб юборай дедим.

— Сизни Аглая Ивановна ушлаб қолди; мен адашмадимми? Бу ахир сизнинг қизингиз Аглая Ивановна-ку, а? У шундай ажойибки, мен илгари сира кўрмаган бўлсам ҳам дарров таниб олдим. Шундай гўзал хилқатга сўнгги марта тўйиб-тўйиб қарашга жуда бўлмаганда ижозат беринг,— аллақандай ўнғайсиз, лаблари қийшайиб жилмайди Ипполит,— мана, князь ҳам шу ерда, эрингиз ҳам, барчалари шу ерда. Нега сиз менинг сўнгги тилагимни бажо қилишни истамайсиз?

— Стул!— деб қичқирди Лизавета Прокофьевна, лекин стулни ўзи олиб ўтирди Ипполитнинг рўпарасига.— Коля,— деб амр қилди у,— уни олиб бориб қўясан, кузатиб кел, эртага эса мен ўзим албатта...

— Агар ижозат этсангиз, мен княздан чой сўрамоқчийдим... Мен жуда чарчаб қолдим. Биласизми, Лизавета Прокофьевна, сиз князни ўзингизникига чой ичгани олиб кетмоқчи эдингиз; шу ерда қолинг, бирпас кетманг, бирга ўтирайлик, князь ҳаммамизга чой беради. Кечиринг мени, ўзимча буйруқ бераётганим учун... Лекин мен сизни биламан, сиз оққўнгилсиз, князь ҳам... биз ҳаммамиз одамнинг кулгисини қистатадиган даражада жуда ҳам оққўнгил одамлармиз...

Князь типирчилаб қолди, Лебедев оёғини қўлга олиб хонадан чопиб чиқиб кетди, унинг ортидан Вера югуриб қолди.

— Рост-а,— деди кескин қилиб генерал ойин,— гапир майли, фақат аста гапир, жуда берилиб кетма. Қўнглимни бузиб юбординг... Князь! Сеникида чой ичмайман девдиму, лекин нима қилай, қолишга тўғри келади, аммо ҳеч кимдан кечирим сўрамайман! Ҳеч кимдан! Бўлмаган гап!.. Дарвоқе, сенга қаттиқ гапирган бўлсам, князь, мени кечир,— нима ҳам дердим, агар истасанг. Айтгандай, мен ҳеч кимни ушлаб ўтирмайман,— деб кутилмаганда мурожаат қилди у ҳаддан ташқари дарғазаб ҳолда эри билан қизларига унинг олдида улар гуноҳ иш қилиб қўйгандай,— уйга бир ўзим ҳам кетоламан...

Лекин уни гапиртиргани қўймадилар. Ҳаммалари унинг атрофини қуршаб олдилар. Князь ҳаммани чойга таклиф қилди ва шу пайтгача бу эсига келмагани учун узор сўради. Ҳатто генерал ҳам ўзини жуда назокат билан тутиб уни тинчлантирадиган бир нималар дегандай бўлди ва Лизавета Прокофьевнадан илтифот билан:— Равонда салқин эмасми?— деб сўради. У ҳатто Ипполитдан, сиз университетда анчадан бери ўқийсизми, деб сўрамоқчи ҳам бўлди, лекин сўрамади. Евгений Павлович билан князь Ш. бирдан жуда ҳам хушмуомала ва хуштакаллуф бўлиб қолдилар, Аделаида билан Александра ҳамон ҳайрон бўлиб турган бўлсалар-да, лекин уларнинг чеҳраларида мамнунлик нишонлари барқ уриб кўринди, бир сўз билан айтганда, ҳаммалари, афтидан, Лизавета Прокофьевнанинг ғазабдан тушганига хурсанд эдилар. Фақат Аглаянинг қовоғи солинган, у нарироқда индамай ўтирарди. Бошқалар ҳам шу ерда эдилар; ҳеч кимнинг кетгиси келмас, ҳатто генерал Иволгин ҳам шу ерда эди, Лебедев ташқарига чиқаркан, йўл-йўлакай унинг қулоғига нимадир деб шивирлади, афтидан, унча ёқимли гап эмас шекилли, генерал дарҳол ўзини панароқ бурчакка олди. Князь Бурдовскийнинг одамларини ҳам чойга таклиф қил-

ди. Улар зўраки бир тарзда биз Ипполитни кутиб турамиз деб, равоннинг нариги чеккасига бориб қатор тизилишиб ўтирдилар. Афтидан, чой тайёр эканми, Лебедев дарров ҳозир қилди. Соат ўн бир бўлган эди.

Х

Ипполит Вера Лебедева берган чойдан жиндаккина ҳўплади, чойни столча устига қўйди, бирдан худди уялиб кетгандай хижолат чекиб тевааракка қаради.

— Бу чой идишларни кўринг, Лизавета Прокофьевна, — деди у нимагадир шошилаётгандай, — чинни идишлар, жуда гўзал, Лебедевникида улар доимо ойна тагида берк турарди, ҳеч кимга берилмайди... хотинидан қолган... уларнинг одатлари шунақа... қаранг, бизга чиқарибди, албатта, сизнинг шарофатингиз билан, шунчалар қувониб кетган.

У яна аллашима демоқчи эди, лекин гапни тополмади.

— Ниҳоят уялиб кетди-я, мен кутган эдим! — деб пичирлади бирдан Евгений Павлович князнинг қулоғига. — Бу хавфлимикин, а? Жаҳли чиқиб яна бир нарса деб юборса, Лизавета Прокофьевна жойида ўтиролмай қоладими дейман.

Князь унга савол аломати билан қаради.

— Сиз ғалати қилиқлардан қўрқмайсизми? — сўради Евгений Павлович. — Ахир, мен ҳам ҳатто шундай бўлишини истайман; менга қолса, бизнинг жонажон Лизавета Прокофьевнамиз бир таъзирини есин дейман, шу бугун, шу соатда; ундан илгари бу ердан кетгим ҳам келмай қолди. Сиз совқотяпсизми?

— Кейин, халақит берманг. Ҳа, тобим йўқроқ, — паришон ҳолда сабрсизлик билан жавоб берди князь. У ўз номини эшитди, Ипполит у ҳақда гапирмоқда эди.

— Ишонамайсизми? — асабий ҳолда куларди Ипполит. — Эҳтимол, шундайдир, князь бўлса бир кўргандайёқ ишонади ва ҳечам ажабланмайди.

— Эшитдингми, князь? — ўгирилди унга қараб Лизавета Прокофьевна, — эшитдингми?

Атрофдагилар кулиб туришарди. Лебедев дам олдинга ғимирлаб чиқиб кетар, дам Лизавета Прокофьевнанинг атрофида гиргиттон бўларди.

— У айтиптики, манави лўттибоз, сенинг соҳибинг... анави жанобнинг мақоласини таҳрир қилиб берган деяпти, бояги сен ҳақингда ўқилган мақолани айтаман.

Князь ажабланиб Лебедевга қаради.

— Нега индамайсан? — ер депсинди Лизавета Прокофьевна.

— Нима бўпти,— деди оҳиста князь ҳамон Лебедевдан кўзини узмасдан уни томоша қиларкан,— кўриб турибман унинг тузатиб берганлигини.

— Ростми?— шитоб билан қаради Лизавета Прокофьевна Лебедевга.

— Баайни ҳақиқат, ҳазрати олиялари!— деб қатъий ва дидил жавоб берди Лебедев қўлларини кўксига қўйганча.

— Мақтанаяптими бу!— ўтирган еридан сапчиб туриб кетай деди Лизавета Прокофьевна.

— Пастмиз, пастмиз!— гўлдиради Лебедев кўкракларига уриб тобора бошини куйи эгаркан.

— Нима, мен пишириб ейманми сенинг пастлигингни! Уйлайдики, «пастман» десам, шу билан осонгина қутулиб кетаман деб. Уят эмасми, князь, сенга шундай одамлар билан юргани, сенга айтяпман? Сени ҳеч қачон кечирмайман!

— Мени князь кечиради!— деди нимадандир ийиб ишонч билан Лебедев.

— Ёлғиз олижаноблик юзасидан,— деди баланд қилиб Келлер кутилмаганда дик этиб Лизавета Прокофьевнанинг қошига келиб,— ёлғиз олижаноблик юзасидан, хоним афандим, ўзингиз боя эшитдингиз у бизни зинадан ҳайдаб туширмақчи бўлди, лекин шунга қарамасдан уни уялтирмаслик, исмини ошқора қилмаслик учун индамаган эдик. У киритган тузатишлар ҳақида лом-мим демагандик. Ҳақиқат ўз ўрнида қарор топмоғи учун тан олиб айтишим керакки, мен унга мурожаат қилган эдим, билса керак бу одам деб, ундан мақолани тузатиб беришни эмас ўзи биладиган фактларни айтиб беришни сўрадим, олти сўлкавой бераман дедим. Чет эл шалвори ва пойабзали, швейцариялик профессорнинг кўлида иштаҳаси очилиб кетгани, икки юз эллик сўм эмас, эллик сўм эканлиги ҳақидаги шунга ўхшаган гапларнинг бари унга тегишли, шуларни менга олти сўлкавойга айтиб, мақолага қўшиб берган, лекин мақолани таҳрир қилмаган, ўзимники.

— Мен маълум қилиб қўйишим керакки,— деди титраб, чидамсизлик ва аллақандай силлиқ бир товуш билан унинг гапини бўларкан Лебедев борган сари авжига миниб келаётган кулгилар остида,— мен фақат мақоланинг биринчи қисмини тузатганман, лекин ўртасига бориб бир фикр юзасидан жанжаллашиб қолдик ва келишолмаганимиздан сўнг мен мақоланинг иккинчи қисмини тузатмадим, шундай бўлгач, у ердаги барча саводсизликлар (ҳаммаси саводсиз) менинг ҳисобимга ағдарилмасин...

— Ташвиш қилаётган нарсасини қаранг!— деб қичқирди Лизавета Прокофьевна.

— Сўрашга ижозат этинг, — деди Евгений Павлович Келлерга қараб, — мақолани қачон тузатишган эди?

— Кеча эрталаб, — деди дарҳол Келлер, — ҳар икки томондан ҳам учрашганлигимизни сир тутамиз деб келишилган эди.

— Сенинг олдингда эмаклаб юриб турамиз аҳдимизда садоқат билан деганмиди у! Вой таъвиялар! Керакмас менга сенинг Пушкининг, қизинг ҳам меникка қадам босмасин!

Лизавета Прокофьевна ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди, лекин бирдан жаҳли қиқиб ҳингиллаб кулаётган Ипполитга қаради:

— Нима, сен, азизим, мени бу ерда кулги қилмоқчимидинг?

— Худо сақласин, — деди оғзи қийшайиб Ипполит, — лекин мени сизнинг жуда ҳам ғалати қилиқларингиз ва гап-сўзларингиз қаттиқ ҳайратга солади, Лизавета Прокофьевна; бўйнимга оламан, Лебедевни атай айтдим, мен сизга, фақат сизнинг ўзингизга бу қанчалар огир таъсир қилишини билардим, чунки князь албатта кечиради, кечириб улгурган бўлса ҳам эҳтимол... ҳатто, балки ичида қандай қилиб кечирим сўрасам экан, деб турган бўлиши ҳам мумкин, ахир ростдан ҳам шундай эмасми, князь, ўзингиз айтинг?

У бўғилиб ҳарсиллар ва жуда ғалати тарзда ҳаяжонга тушмоқда эди.

— Хўш?.. — деди дарғазаб бўлиб Лизавета Прокофьевна унинг гап оҳангига ҳайрон қолиб, — хўш?

— Мен сиз ҳақингизда жуда кўп эшитганман, шунга ўхшаш гапларни... жуда хурсанд бўлганман... сизни ҳаддан ташқари ҳурмат қилишга одатланганман, — деб давом этарди Ипполит.

У бир нарса ҳақида гапириб туриб айни замонда шу билан худди бошқа бир гапни айтмоқчи бўлаётганга ўхшарди. Пича кесатиқ ва мазах билан гапирар, гапираётганда қаттиқ ҳаяжонга тушар, атрофга олазарак бўлиб қарар, гапидан адашар, тутилар, шуларнинг бари унинг сил еб ташлаган башараси, ғалати йилтираган, ваҳшатли кўзларига қўшилган ҳолда бошқаларнинг эътиборини ўзига тортарди.

— Мен киборлар ҳаётини бутунлай билмасам ҳам (мен буни бўйнимга оламан), лекин сизга муносиб бўлмаган кишиларнинг даврасида ўтиришга рози бўлганингиз, ўзингизгина эмас, манави... қизларингизни ҳам жанжалли ишни эшитгани олиб қолганлигингиз, — нафсиларига, улар аллақачон бундай гапларни романлардан ўқиб олганлар, — мени, ростини айтсам, ажаблантирган бўларди. Мен, балки яна билмайман... чунки гапимдан адашиб кетяпман, лекин ҳар қалай, ким ҳам бир боланинг сўзига кириб ўтирарди дейсиз (ҳа, ҳали боламиз,

бўйнимга оламан) у билан бирга чой ичиб суҳбатлашгани.. ва меҳрибонлик қилиб... яъни... эртасига уялиб ўзидан-ўзи... (мен бошқача қилиб айтаётган бўлсам керак, бўйнимга оламан), мен учун бу нарсалар жуда ҳам азиз ва қимматли, гарчи сизнинг муҳтарам умр йўлдошингиз жаноби олийларига бу жуда ҳам ёқмаётган бўлса ҳам... Ҳи-ҳи!— деб ҳингиллади у бутунлай сўзидан адашиб кетиб, сўнг қаттиқ йўтала бошлади ва икки минутча ўзини тўхтатолмай турди.

— Бўғилиб қолди-я!— деди кескин ва совуқ қилиб Лизавета Прокофьевна унга жиддий қараб тураркан. — Хўп, бас қиламиз, энди, яхши бола. Бўлди!

— Ижозат этсалар, мен ҳам ўз навбатида жаноби олийларига айтиб қўйсам, — деди зардаси қайнаб тоқати тоқ бўлган Иван Федорович, — менинг хотишим бизнинг хонадонимизнинг дўсти ва қадрдония князь Лев Николаевичнинг меҳмони бўлади, сиздан ҳеч ким Лизавета Прокофьевнанинг хатти-ҳаракатларини баҳолашни сўраётгани йўқ, ёшлиқ қиласиз, ҳали худди шунингдек, менинг қандай кайфиятда турганлигим билан ҳам ишингиз бўлмай қўя қолсин. Шундай, ҳа. Мабодо менинг рафиқам бу ерда қолган экан, — деб давом этди у борган сари жаҳли кўзиб, — ғалати ёшларни ўз кўзи билан кўрмоқчи; бунинг ажабланидиган жойи йўқ, ҳозирги кунларда ҳамма бунга қизиқади, афандим. Мен ҳам қолдим, баъзан кўчада шундай тўхтаб қолади... худди, худди... худди...

— Ғалати нарсани кўриб қолгандай, — деб юборди унинг учун Евгений Павлович.

— Шоён гўзал ва тўғри, — деб хурсанд бўлиб кетди жаноби олийлари ўхшатишни охирига стказолмай қийналиб, — баайни ғалати нарсага қарагандай. Лекин, йигитча, менга ҳаммадан ҳам алам қилаётгани ва мени бағоят ҳайрон қилиб қўйгани, агар грамматикага биноан айтадиган бўлсак, сиз, йигитча, Лизавета Прокофьевна сизни касал деб ўйлаб қолганлигини асло тушунмадингиз, — агар сиз ростдан ҳам, эртами-индин ўладиган бўлсангиз, — шунга юраги ачишганида, сизга шоён раҳми келганидан, сизнинг йиғламсираб ялинганингиздан қолди, афандим, унинг сифат ва салмоғига, обрў ва эътиборига, шавкатли номига бундан заррача ҳам доғ тушиб қолмайди эътиборингиз учун... Лизавета Прокофьевна! — деб яқун ясади қип-қизариб кетган генерал, — агар кетадиган бўлсанг, унда бизнинг меҳрибон князимиз билан хайрлашайлик...

— Берган сабоғингиз учун ташаккур, генерал, — деди кутилмаганда жиддийлик билан Ипполит унга ўйчан тикиларкан.

— Ойи, юринг, жуда чўзилиб кетди!.. — деди сабрсизлик билан зардаси келган Аглая стулдан тураркан.

— Яна икки минут муҳлат бер, азизим Иван Федорович,— ўзини тутиб салобат билан эрига қаради Лизавета Прокофьевна,— назаримда уни иситма тутаётганга ўхшайди, алаҳлаяпти; мен унинг кўзларидан биламан; уни бундай қолдириб бўлмайди. Лев Николаевич, сеникида бугунча қолса нима қиларкин Петербургга судралиб юрмасдан? *Сher prince!*, зеркиб қолдингизми?— деб нима учундир бирдан князь Ш. га мурожаат қилди у.— Бери кел, Александра, сочларингни тузатиб ол, она қизим.

У Александранинг сочларини тузатишга ҳожат бўлмаса ҳам тузатган бўлди, уни ўпиб қўйди; чақиршидан мақсади ҳам шу эди.

— Мен сизни ўсишга қобилсиз деб ҳисоблагандим...— яна гапира бошлади Ипполит ўйчанликдан чиқар экан.— Ҳа! сизга мана нима демоқчийдим,— деб хурсанд бўлиб кетди у бирдан эсига тушиб:— Мана, Бурдовский онасига чин юракдан меҳрибон; шундай эмасми? лекин у онасини шарманда қилди. Мана, князь чин юракдан Бурдовскийга ёрдам бермоқчи, пул берай, дўст бўлайлик, деяпти, балки шу ердагиларнинг ичида ундан нафратланмаётган бирдан-бир киши у, шунга қарамасдан, тавба, улар худди қаттол душманларга ўхшаб туришибди бир-бирларининг олдида... Ха-ха-ха! Сизлар ҳаммаларингиз Бурдовский онасини аямади, расво қилди, бадхулқ йигит экан, деб ундан нафратланяпсизлар, шундай эмасми, шундайми, шундайми? Ахир, сизлар нафислик ва позиклик деса жонларингизни беришга тайёр турасизлар, фақат шундай нарсалар бўлса, дейсизлар, тўғрими? (Мен анчадан бери шундай бўлса керак деб ўйлаб юраман!) Ундай бўлса шуни яхши билиб қўйингизларки, сизлардан балки ҳеч ким онасини Бурдовскийчалик яхши кўрмаган бўлса керак! Сиз, князь, мен биламан, Ганечка орқали аста Бурдовскийнинг онасига пул юборган бўлсангиз керак, мен гаров ўйнайман шундай (ҳи-ҳи-ҳи!— асабий ҳиринглади у), гаров ўйнайман, энди Бурдовский шу қилган ишингиз учун сизни қўполликда, одобдан ташқари чиқишда айблайди, онамни ҳақорат қилдинг дейди, худо урсин, шндай қилади, ха-ха-ха! У яна бўғилиб, йўтала бошлади.

— Хўп, бўлдимми? Энди барини гапириб бўлдингми? Хўп, энди бориб ёт, сен дағ-дағ қалтираб кетяпсан,— деб тоқатсизланиб унинг сўзини кесди Лизавета Прокофьевна ташвишланганча ундан кўзларини узмасдан.— Оҳ, худойим, у тагин гапирмоқчи!

— Сиз, негадир куляпсизми? Нега сиз ҳадеб менинг устимдан кулаверасиз? Билдим, сиз боядан бери мендан куляпсиз? —

¹ Кадрли князь (франц.).

деб бирдан безовта бўлиб жаҳл билан Евгений Павловичга деди у; Евгений Павлович ростдан ҳам жилмайиб турарди.

— Мен фақат сиздан сўрамоқчийдим, жаноб... Ипполит... кечиринг, мен фамилиянгизни фаромуш этибман.

— Жаноб Терентьев,— деди князь.

— Ҳа, Терентьев, ташаккур, князь, боя айтилган эди, лекин эсимдан чиқибди... мен сиздан сўрамоқчи эдим, жаноб Терентьев, мен бир гапни эшитган эдим, агар деразадан туриб чорак соат гапирсам, бутун халқ орқамдан эргашади, деб айтган экансиз, шу ростми?

— Айтсам, айтгандирман...— деди Ипполит ниманидир эслагандай бўлиб.— Ҳа, айтганман!— деб қўшиб қўйди у бирдан жонланиб ва Евгений Павловичга жиддий қараб.— Нима бўпти?

— Ҳеч нарса; мен фақат маълумотимни оширай деб сўраб олдим.

Евгений Павлович жим бўлиб қолди, лекин Ипполит бетоқат бўлиб ҳамон унга қараб турарди.

— Нима, бўлди қилдингми?— деди Евгений Павловичга қараб Лизавета Прокофьевна.— Тезроқ бўла қол, бўтам, унинг ётиши керак. Ёки қўлингдан келмайдими? (у нимадандир афсусланмоқда эди.)

— Нима дердик, мен жоним билан шуни қўшиб қўймоқчи эдимки,— жилмайиб туриб давом этди Евгений Павлович,— дўстларингиздан эшитганларимнинг барчаси, жаноб Терентьев, ва сиз ҳозир бу қадар қойил қилиб ифодалаб берган нарсаларнинг барчаси назаримда ҳақнинг тантана қилиши ҳақидаги назарияга бориб тақалади менимча, ҳаммадан илгари ва ҳаммадан ташқари, ва ҳатто бошқа ҳамма нарсаларни истисно қилганда, ва ҳатто балки, тадқиқотлардан ҳам илгари, ўзи хуқуқ нимадан иборат? Балки мен янглишаётгандирман?

— Албатта, хато қиляпсиз, мен ҳатто сизни тушунмаяпман... у ёғи-чи?

Бурчак томонда ҳам норози бўлган товушлар эшитилди. Лебедевнинг жияни эшитилар-эшитилмас қилиб бир нима деди.

— У ёғида деярли ҳеч нарса йўқ,— деб давом этди Евгений Павлович,— мен фақат таъкидламоқчи эдимки, бу ишдан тўғри куч ишлатишга, яъни зўравонлик қилишга, муштумзўрликка ўтишга ва фақат шахсий хоҳишга қараб иш тутишга сакраб ўтиш жуда осон, ҳар ҳолда оламда юз берган кўп ишлар шу билан якун топган. Ахир Прудон зўрлик ҳуқуқига келиб тўхтамадими. Америка уруши пайтида жуда кўп либераллар плантаторларнинг тарафдори бўлиб чиқдилар, шу маънодаки, негр негр бўлиб қолади, ҳар қандай бўлганда ҳам оқлардан

паст туради, шундай экан, зўравонлик ҳуқуқи оқларгагина тегишли...

— Хўш?

— Яъни, мен демоқчиманки, сиз куч ишлатиш ҳуқуқини инкор қилмасангиз керак?

— У ёғи!

— Сиз анча консеквент¹ экансиз-ку. Мен фақат айтиб қўймоқчи эдимки, зўравонлик ҳуқуқидан йўлбарслар ва тимсоҳлар ҳуқуқигача ва ҳатто Данилов билан Горскийгача бир қадам холос.

— Билмадим; у ёғи?

Ипполит Евгений Павловични зўрга эшитарди, унга «хўш», «кейин-чи» деб турган бўлса ҳам, лекин афтидан эътибор бериб эшитаётгани йўқ эди, чамаси, гаплашганда шундай деб туришга эскидан одатланган эди.

— У ёғи шу... бўлди.

— Мен, ҳар ҳолда сиздан хафа эмасман,— деди сира кутилмаганда Ипполит ва нима қилаётганлигини ўзи ҳам англамаган ҳолда табассум қилиб қўлини узатди. Евгений Павлович аввал ҳайрон бўлди, сўнг жиддий бир қиёфада унинг узатилган қўлини тутди, гўё шу билан узри қабул қилгандай бўлди.

— Яна шунини ҳам қўшиб қўйишим керакки,— деди у яна маънодор қилиб ва ҳурмат сақлаб,— менинг гапларимни эътибор билан тинглаганлигингиз учун сизга ташаккуримни билдириб қўйишим зарур, нега десангиз, менинг жуда кўп кузатишимга қараганда, бизнинг либералимиз ҳеч кимга ўз эътиқоди бўлишига йўл қўймайди, бунинг устига ўзи билан баҳслашаётган одамни сўкиб юборишдан ёки бундан баттароғини қилишдан тоймайди...

— Сиз жуда ҳам тўғри гапни айтдингиз,— деди генерал Иван Федорович ва қўлини орқасига қилганча бағоят зерикиб кетган одам қиёфасида равошнинг зинаси олдинга борди, кўнгли озиб эснади.

— Бўлди қила қол энди, отагинам,— деди бирдан Лизавета Прокофьевна Евгений Павловичга қарата,— жонимга тегиб кетдинглар...

— Кетдик,— ташвишли чеҳра билан худди бир нарсадан чўчиб кетгандай бўлиб Ипполит ўрнидан турди ва атрофга олазарак бўлиб назар ташлади,— вақтларингизни олдим; мен сизга ҳаммасини айтиб бермоқчи эдим... ўйлаган эдимки, ҳаммаси... охириги марта... хомхаёл қилган эканман...

У ўқтин-ўқтин бирдан жонланиб қолар, бир неча дақиқага

¹ Изчил.

алаҳлашдан тўхтар, ҳуши тўла ўзига келиб ёлғизликда, уйқу-сиз кечаларда тўшакда зерикиб ётиб ўйлаган, тўқиган, ёдлаб олган гапларини эслар ва тутила-тутила узуқ-юлуқ қилиб сўйлай бошларди.

— Хўп, хайр энди!— кескин сўзлади у бирдан.— Сизнингча, менга осонми хайр энди деб айтиш? Ха-ха!— деб афсусланиб тиржайди у ўзининг ўнгайсиз саволига ва бирдан худди қачондан бери петаган нарсасини гапиролмаётганига қаҳри келгандай бўлиб, овозини баланд кўтариб зарда билан деди:— Жаноби олийлари! Сизни менинг таъзиямга таклиф қиламан, келсангиз, мени бахтиёр қилган бўласиз, ва... ҳаммаларингизни таклиф қиламан, жаноблар, генерал билан биргаликда!..

У яна кулиб юборди; лекин энди бу телба бўлиб қолган одамнинг кулгиси эди. Лизавета Прокофьевна қўрқа-писа унинг олдига борди ва қўлидан ушлади. У лабида ўша кулги билан Лизавета Прокофьевнага тикилиб қараб турар, лекин ўзи кулгидан тўхтаган, кулги унинг чеҳрасида тош қотиб қолганга ўхшарди.

— Биласизми, бу ерга дарахтларни кўраман деб келган эдим? Мана улар... (у боғчадаги дарахтларни кўрсатди) кулгили эмасми, а? Ахир бунинг ҳеч куладиган ери йўқ-ку, а?— деб жиддий тортиб сўради у Лизавета Прокофьевнадан ва бирдан ўйланиб қолди; кейин бир зум ўтиб бошини кўтарди ва одамлар ичидан кимнидир ахтара бошлади. У шу яқингинада бояги жойда ўнг томонда турган Евгений Павловичнинг қаердалигини унутиб қидирмоқда эди.— Э, сиз шү ердасиз!— топди уни ниҳоят.— Сиз боя ҳадеб кулавердингиз, деразадан туриб чорак соат гапирмоқчи бўлганлигимни... Биласизми, мен ўн саккизга кирганман: қанча тўшакда ётдим, қанча ўша деразага боқдим, термилдим, қанча нарсаларни ўйладим... ҳаммаси ҳақида... яъни... Уликнинг йили йўқ, ўзингиз биласиз. Мен ўтган ҳафта кечаси уйғониб кетиб шуни ўйладим... Биласизми, сиз ҳаммадан кўпроқ нимадан қўрқасиз? Сиз гарчи биздан нафратлансангиз ҳам, лекин ҳаммадан кўра бизнинг самимиятимиздан қўрқасиз! Мен ўшанда кечаси ёстиқда ётиб шуни ўйладим... Сиз менинг устимдан кулмоқчи бўлди деб ўйладингизми, Лизавета Прокофьевна? Йўқ, мен сиздан кулганим йўқ, мен фақат сизни мақтамоқчи эдим. Коля князь сизни ёш боласиз деганини айтиб берган эди... бу яхши... Ҳа, мен ўзи... яна нимадир демоқчийдим...

У юзларини қўллари билан яшириб ўйга толди.

— Ҳа, мана: боя сиз хайрлашаётганингизда мен бирдан ўйлаб қолдим: мана шу одамлар, энди ҳеч қачон улар бошқа бўлмайдилар, ҳеч қачон! Дарахтлар ҳам,— фақат қизил ғишт де-

вор, Мейер уйининг девори бўлади... менинг деразам қаршисида... шундай экан, ҳамма гапларингни уларга айтиб қол... бир айтиб кўр; мана гўзал қиз... ахир сен ўлган одамсан, ўзингни уларга ўлган одам деб таништира, айт, «ўликлар ҳамма нарсани айтишлари мумкин», де... княгиня Марья Алексеевна уришиб бермайди де, ха-ха!.. Сизлар кулмаясизларми?— ишонқирамай ҳаммага бир-бир қараб чиқди у. — Биласизми, тўшакда ётганимда хаёлимга кўп фикрлар келарди... биласизми, табиат одамнинг устидан кулишга жуда уста, деган ишончга келдим... Сиз боя мени худосиз дедингиз, биласизми, шу табиат... Нега сиз яна кулясиз? Жуда бағритош одамлар экансиз!— алам билан маъюс деди у ҳаммага бир-бир қараб.— Мен Коляни йўлдан урган эмасман,— деб тугатди у гапини бирдан эсига тушиб қолиб бутунлай бошқача оҳангда жиддият ва ишонч билан.

— Ҳеч ким, ҳеч ким бу ерда сендан кулаётгани йўқ, тинчлан!— деб қийналарди Лизавета Прокофьевна.— Эртага янги доктор келади; сени кўргани янглишган; э, ўтирсанг-чи, оёғинг толиб кетди! Алаҳўлаясан... Оҳ, энди уни нима қиламиз!— деб гирдиқаналак бўларди у Иншолитни креслога ўтқазаркан. Кўзининг учида ёш йилтиради.

Иншолит ҳайрат ичида тўхтаб қолди, қўлини кўтариб ботинмайгина шу ёш томчисига узатди. У болаларча маъсум кулди.

— Мен... сизни...— деди у шодланиб,— сиз билмайсиз, мен сизни қанчалар... менга ана у сиз ҳақингизда жуда ажойиб қилиб гапириб берарди, Коля... мен унинг хурсанд бўлганлигини яхши кўраман. Мен уни йўлдан урмаганман! Мен фақат уни ташлаб кетяпман... мен ҳаммани қолдириб кетмоқчи эдим, ҳаммани,— лекин ҳеч ким топилмади, ҳеч ким, ҳеч ким... Мен арбоб бўлмоқчи эдим, менинг ҳақим бор эди... О, нималарни истамаган эдим мен! Мен энди ҳеч нарсани истамайман, мен энди иштани ҳам истамайман, мен ҳеч нарсани энди истамайман деб ўзимга сўз берганман; майли, энди менсиз ҳақини қидираверсинлар! Ҳа, табиат масхарабоз! Нега у,— бирдан эҳтирос билан деди у, — нега у энг яхши одамларни яратиб қўйиб яна уларнинг устиларидан кулади? Ер юзида бирдан-бир баркамол хилқат деб тан олинган нарсани у шундай қилдики... уни одамларга кўрсатиб, яна ўзига қисмат қилиб берди. Дарё-дарё қонлар не сабадан тўкилганлигини айтишни, о, бу қонлар ҳаммаси бир йўла тўкилган бўлганда одамзод болалари қонга ботиб ўлиб кетардилар эҳтимол! О, яхшиямки, ўлиб кетяпман! Мен ҳам балки, биронта жуда даҳшатли ёлғон бир гапни тўқиб чиқарармидим балки, табиат шундай номардлик қилган бўларди!.. Мен ҳеч кимни йўлдан урган эмасман... мен барча инсонларнинг бахти учун, янги ҳақиқатларни ~~очиб~~ ва баён қи-

лиш учун яшамоқчи эдим... Мен Мейернинг доворига қараб туриб чорак соат сўйлаб ҳаммани, ҳаммаи ишонтирмоқчи эдим, мана энди умримда биринчи мартаба... сизлар билан сўйлашиб турибман, сизлар одамсизлар-ку ахир! Нима чиқди бундан? Ҳеч нарса! Оқибат мендан нафратланадиган бўлдингиз! Бас, керагим йўқ экан, бас, тентакман, бас, куним битди! Мен хотира қолдирмадим! На овоз, на из, на бир иш, на эътиқод тарқатолдим!.. Тентак устидан кулмангиз! Унутинг! Ҳаммасини унутинг... унутинг, илтижо қиламан, бунчалар тошбағир бўлманг! Сиз биласизми, агарда мен сил бўлиб қолмаганимда ўзимни ўлдирган бўлардим...

У, афтидан яна кўп-сўйламоқчи эди, лекин сўзломмади, ўзини креслога ташлади, юзини қўллари билан беркитганча кичкина бола каби йиглаб юборди.

— Энди уни нима қиламиз?— деб хитоб қилди Лизавета Прокофьевна ва унинг олдига югуриб бориб бошини кўкрагига маҳкам босиб турди.— Бўлди-бўлди-бўлди! Бўлди, йиғлама, бўлди, бас, етади, йиғламасанг-чи, яхши бола, сени худо кечиради сен билмайсан; бўлди, йиғлама, ўғил бола бўл... Кейин ўзинг уялиб юрасан...

— У ерда менинг,— деб сўйлади Ипполит бошини кўтармоқчи бўлиб,— менинг укаларим, сингилларим, кичкина, ҳеч нарса си йўқ, бегуноҳ болалар... Уларни йўлдан оздиради! Сиз — фарштасиз. Сиз... ўзингиз ёш боласиз,— уларни қутқаринг! Унинг шарму балосидан қутқаринг... у... уят... О, уларга мадад беринг, мадад беринг, худо бунинг учун сизнинг бирингизни минг қилди, худо ҳаққи, Исо ҳаққи!..

— Айтинг-чи ахир, Иван Федорович, нима қилайлик!— зарда билан қичқирди Лизавета Прокофьевна,— барака топинг, бекорга савлат тўкиб тураверманг-чи, бир нарса денг сиз ҳам! Агар сиз ҳал қилмасангиз, маълумингиз бўлсинки, мен шу ерда ётиб қоламан; жуда ҳам ҳокими мутлақ бўлиб мени эзиб ташладингиз!

Лизавета Прокофьевна ғайрат ва ғазаб билан илтижо қилар ва дарҳол жавоб беришларини талаб қиларди. Лекин бундай пайтларда атрофда турганлар, улар кўпчилик бўлишига қарамасдан, индамасдан қараб тураверадилар, улар ўз устларига ортиқча мажбурият олгилари келмайди ва ўз фикрларини анча вақт ўтгандан кейингина билдирадилар. Бу ердагилар орасида, масалан, Варвара Ардалионовнага ўхшаган эрталабгача ҳам миқ этмай бемалол ўтираверадиганлар, ўтиришга тайёр бўлганлар ҳам йўқ эмасди, чунончи, Варвара Ардалионовнанинг ўзи қачондан бери бир чеккада индамай қизиқиб тинглаб ўтирар, эҳтимол бунинг ўз сабаблари ҳам бор эди.

— Менинг фикримча, дўстгинам,— деди генерал,— ушга энди биздан бўлак қарайдиган бир одам керак, кечаси унинг ёнида ишончли, ҳушёр бир одам бўлса ёмон бўлмасди. Ҳар ҳолда княздан сўраб кўриш керак... ва дарҳол уни ётқизиш шарт. Эртага яна келиб кўрармиз.

— Ҳозир соат ўн икки бўлди, биз кетамиз. У биз билан кетадими ё сизникида қоладими? — деди жаҳли чиққанча зарда билан Докторенко князга қараб.

— Истасангизлар, сизлар ҳам у билан бирга қолинглар,— деди князь,— жой етарли.

— Жаноби олийлари,— деб кутилмаганда жуда завқ-шавқ билан деди генералнинг олдига келган жаноб Келлер,— агар кечасига маъқул бир одам зарур бўлса, мен дўстим учун ҳар нарсага тайёрман... бу шундай бир одамки! Бунинг боши тилладан, жаноби олийлари! Мен, албатта, ўзимнинг билимим билан баъзан мақтанаб қўяман, лекин у танқид қилганда, дур тўкилади, дур, ҳазрати олийлари!..

Генерал диққати ошиб юзини буриб олди.

— Агар у қолса, мен жуда хурсанд бўламан, албатта, йўл юриш унга қийин, — дерди князь Лизавета Прокофьевнанинг зарда қилиб берган саволларига жавобан.

— Нима, сен ухлайсанми? Агар истамасанг, отагинам, уни ўзимникига олиб кетаман! Вой худо, бунинг ўзи зўрға оёқда турибди! Нима, тобинг қочиб қолдими?

Боя Лизавета Прокофьевна князь ўлим тўшагида ётмаганлигини кўргандан сўнг, унинг ташқи кўренишига қараб сонна-соғ экан-ку, деб хотиржам бўлган эди, лекин кечаги бетоблик, оғир хотиралар, серташвиш оқшом, «Павлищевнинг ўғли» билан бўлган машманча, мана энди Ипполитнинг дахмасаси — буларнинг бари жуда ҳам таъсирчан князни ҳақиқатан ҳам ҳолдан тойдирган, ич-ичидан аста қалтироқ турмоқда эди. Буидан ташқари унинг кўзлари ҳозир яна аллақандай ташвиш ва ҳатто чўчиш билан беқарди; у Ипполитга ҳадиксираб қараб турар, унинг ҳали яна бир қилиқ чиқарилишидан юраги безилларди.

Бирдан Ипполит юзи қаттиқ оқариб бўзарган, ори келганидан даҳшатли ноумидликка тушган ҳолда ўридан турди. Бу даҳшатларнинг бари унинг кўзларида акс этиб турарди, у атрофдагиларга нафрат ва кўрқинч тўла назар ташлади, қийшайиб кетган, титраган лабларида аллақандай ночор бир иршайиш судралди. У кўзларини дарҳол ерга тикди ва лябида ўша иршайиш билан гандираклаганча разон эшиги олдида турган Докторенко билан Бурдовскийга қараб юрди: улар билан кетадиган бўлди.

— Мен мана шундан қўрққан эдим! — деб хитоб қилди князь.— Шундай бўлиши керак эди!

Важоҳати одам қўрқадиган даражада ўзгариб кетган, юз чизиқлари учиб қалтираган. Ипполит шиддат билан князга ўгирилиб қаради.

— Ҳа, сиз шундан қўрққандингизми! Сизнингча, «шундай бўлиши керак эди»ми? Энди билиб қўйинг, агар мен бу ердан бировни ёмон кўрадиган бўлсам,— хирллаб чинқирди у оғзидан тупуклари сочилганча (мен ҳаммангизни, ҳаммангизни ёмон кўраман!) — аввало сизни, сизни, ҳолвайтарга ўхшаган незуитни ёмон кўраман, сизни кўргани кўзим йўқ, жинни, миллионер-мурувватчи, сизни дунёда ҳаммадан ҳам ёмон кўраман! Биламан, мен сизни анчадан бери биламан, ва ўша билганимдан бери сизни ёмон кўраман, жонимга тегиб кетдингиз, сизни ўйласам, жоним ҳиқилдогимга келади... Ҳаммасига сиз айбдорсиз, сиз қилдингиз ҳаммасини! Сиз мени жонимдан тўйдирдингиз! Сиз ўлаётган одамни шармисор қилдингиз, сиз мени қўрқоқ ва юраксиз қилиб қўйдингиз, сизни деб шунчалар паст кетдим! Тирик қолганимда сизни ўлдирган бўлардим! Керак эмас менга сизнинг мурувватларингиз, менга ҳеч кимдан ҳеч нарса керакмас, ҳеч кимга зор эмасман! Мен алаҳлаб турган эдим, сизлар майна қилманглар мени!.. Ҳаммангизни абадулабад қаргайман!

Шундай деб у бутунлай бўғилиб қолди.

— Ийглагани учун уялиб қолди!— деб шипшиди Лебедев Лизавета Прокофьевнага.— «Шундай бўлиши керак эди!» Вой князь тушмагур-ей! Авлиё экаи бу...

Лекин Лизавета Прокофьевна унга ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. У бошини баланд кўтариб, қоматини адл тутганча мағрур ҳолда бу «одамчаларни» қизиқсиниб кузатарди. Ипполит гапини тугатгач, генерал елкасини учуриб қўйган эди, Лизавета Прокофьевна нега ундай қиялсиз дегандай қилиб бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқди ва шу заҳоти юзини князга буриб олди.

— Ташаккур сизга, князь, сиз хонадонимизнинг ажойиб-ғаройиб дўстисиз, бизни шундай антиқа оқшом билан сийлаб юбордингиз. Назаримда, бизни ҳам ўзингизнинг телбаликларингизга шерик қилолганингиздан лаззат олаётган бўлсангиз керак... Бас, хонадонимизнинг азиз дўсти, раҳмат, жуда бўлмаганда ўзингизни кўрсатдингиз ҳар томондан!..

У қаҳр билан «анави»ларнинг чиқиб кетишларини кутиб устки мурсагини тузата бошлади. «Анави»ларга эшик тагига извош келган эди, чорак соат илгари Докторенко Лебедевнинг гимна-

зист ўглини извош олиб келгин, деб жўнатганди. Генерал дарҳол хотинининг гапига қўшимча қилди:

— Ҳақиқатан ҳам, князь, мен кутмаган эдим... шунча нарсалардан кейин, шунча дўстона муносабатларимиздан кейин... ва ниҳоят, Лизавета Прокофьевна...

— Қўйинглар, қўйинглар, яхшимас!— деб хитоб қилди Аделаида ва князнинг қошига келиб унга қўлини берди.

Князь паришон ҳолда унга жилмайди. Бирдан қулоғини куйдиргудай бўлиб аллаким шипшиди.

— Агарда сиз шу ярамас одамлардан ҳозироқ воз кечмасангиз, мен бир умр, бир умр сизни ёмон кўриб юраман!— деб пичирлади Аглая. У ҳаддан ортиқ дарғазаб бўлганга ўхшар, лекин то князь унга ўгирилиб қарагунча юзини четга буриб олди. Дарвоқе, князнинг ярамас одамлардан воз кечишига ҳожат қолмаганди: касал Ипполитни бу ерда амаллаб извошга чиқардилар ва арава жўнаб кетди.

— Нима, яна қанча турамиз бу ерда, Иван Федорович? Сизнингча, қандай? Мен қачонгача бу бетамиз болалардан сўкиш эшинтаман?

— Э, ҳа, дўстгшам... мен нима дейман, айг, нима қилай... князь ҳам...

Иван Федорович князга қўлини чўзди, лекин унинг қўлини қисишга улгурмай Лизавета Прокофьевнанинг ортидан югурди, Лизавета Прокофьевна шовқин солганча қаҳр билан зинадан тушиб борарди. Аделаида, унинг қаллиғи ва Александра самимий ва меҳрибонлик билан хайрлашдилар. Евгений Павлович ҳам улар билан бирга эди, фақат у ҳамон қувноқ эди.

— Айтганим бўлди! Фақат ачинарли ери, сиз шўрликка ҳам қийин бўладн энди,— деб шивирлади у дўстона жилмайганча. Аглая хайрлашмасдан кетди.

Лекин ушбу кечада рўй бераётган саргузаштлар шу билан тугагани йўқ; Лизавета Прокофьевна яна бир кутилмаган учрашувни бошидан кечирди.

У ҳали пиллапоядан бутун боғни айланиб ўтадиган йўлга тушмаган эди ҳамки, бирдан икки оқ от қўшилган ҳашаматли извош князнинг уйи олдидан тасирлаб ўта бошлади. Извошда иккита жуда гўзал хоним ўтиришарди. Лекин ўи қадам юрар-юрмас — извош бирдан тўхтади; хонимлардан бири худди ўзи қидириб юрган танишни учратиб қолгандай шахд билан орқасига қайрилиб қаради.

— Евгений Павлич! Сенмисан?— деб қичқирди бирдан жарангдор ва ёқимли товуш, князь билан яна аллаким бу товушни эшитиб сесканиб тушди.— Бор экансан-ку, қидиравериб тинкам қуриди! Мен шаҳарга сенга одам юборган эдим, иккита! Эрталабдан бери сени қидириб юришибди!

Евгений Павлович пиллапоя зинасида худди яшин ургандай қотиб қолди. Лизавета Прокофьевна ҳам тўхтади, лекин у даҳшатдан Евгений Павловичга ўхшаб тошдай қотиб қолгани йўқ; у боя «одамчаларга» қандай мағрур ва совуқ бир нафрат билан қараган бўлса, ҳозир ҳам ботир хонимга шундай совуқ нафрат билан хотиржам ҳолда қаради ва шу заҳоти кўзини ундан узиб Евгений Павловичга ўгирилди.

— Янгилик!— деб қичқирарди жарангдор овоз.— Купфернинг векселлари учун қўрқма; мен кўндирдим, Рогожин ўттизга сотиб олди. Яна уч ойча бемалол юравер. Бискупга ўхшаган ҳар турли бемазалар билан келишиб оламиз, таниш-билиш қилиб! Шу, ҳаммаси жойида, яхши. Хурсанд бўлиб юравер. Эртагача!

Извош ўрнидан кўзғалди ва жадал кўздан йўқолди.

— Анави телба-ку!— деб қичқирди ниҳоят қаҳри келганидан қизариб кетган ва ҳайратга тушган Евгений Павлович атрофга олазарак бўлиб қараб.— Ақлим бовар қилмайди, нима деяпти ўзи у! Қанақа векселлар? Қим у ўзи?

Лизавета Прокофьевна, унга яна бир сония қараб турди; ниҳоят ўз чорбоғи томонга шитоб билан юриб кета бошлади, ҳамма унинг орқасидан эргашди. Роса бир минут ўтгандан сўнг князнинг ҳузурига равонга қаттиқ ҳаяжонга тушган Евгений Павлович келди.

— Князь, рости билан сиз билмайсизми, бу нима гап ўзи?

— Ҳеч нарсани билмайман,— деб жавоб берди асаблари ҳаддан ташқари таранг тортилиб турган князь.

— Ростми?

— Рост.

— Мен ҳам билмайман,— деб кулиб юборди бирдан Евгений Павлович.— Худо ҳаққи, бу векселларга сира ҳам ишим тушган эмас, чин сўзим, ишонасизми шунга!.. Э, сизга нима бўлди ўзи, ҳушингиз ўзингиздами?

— О, йўқ, йўқ, ундаймас, йўқ...

XI

Учинчи кун деганда Епанчинлар пича ҳовурдан тушдилар. Князь одатига кўра ҳамма нарсага ўзини айбдор деб, ўзига жазо берилишини чин юракдан кутган бўлса-да, лекин ичида аввал Лизавета Прокофьевна мендан қаттиқ хафа бўлмагандир, кўпроқ ўзидан жаҳли чиққан бўлса керак, деб ишонарди. Шундай қилиб, бунчалар узоқ аразлашиб юриш учинчи кун уни боши берк қоронғи кўчага киритиб қўйди. Бошқа бир ҳодисалар

ҳам бунга сабабчи бўлди, лекин бири айниқса унинг бошини қотирди. Уч кун ичида князнинг ўзидан-ўзи шубҳаланишлари соат сайин кучайиб борди (князь яқиндан бери ўзини икки нарсада қаттиқ айблайдиган бўлиб қолганди: мен жуда ҳам лақма бўлсам керак, беъманилик қилиб ҳаммага ишониб кетавераман, иккинчидан, ҳаддан ташқари бадгумон, ҳар нарсадан шубҳаланидиган бўлиб қоляпман, деб ўзини янардди). Хулласи калом, учинчи куннинг охирида извошдан туриб Евгений Павлович билан гаплашган гаройиб хоним ила бўлган саргузашт унинг хаёлида ҳам даҳшатли, ҳам сирли даражада катталашиб бора бошлади. Ишнинг бошқа жиҳатларидан ташқари, муаммо ўз моҳият-эътибори билан бир аламангиз саволни ўртага ташлаган эди, яъни бу янгидан қўзғалган «даҳшат»да у айбдорми-йўқми, ёки фақат... Лекин у ҳали бошқа ким айбдор бўлиши мумкинлигини ўйлаб ўйининг тагига етмаганди. Н. Ф. Б., ҳарфларига келганда назарида бу ўринда болаларча беэиён шўхликдан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас эди, шунинг учун ҳам бу ҳақда узоқ бош қотириб ўтиришнинг ўзи унчалик тўғри эмас ва ҳатто баъзи бир жиҳатдан инсофдан ҳам эмасди.

Ушнинг «айби» билан бу қадар серғалва ва беъмани ўтган кеча»дан сўнг эртасига эрталаб князнинг ҳузурига князь Ш. билан Аделаида кириб келдилар: «улар энг муҳими, князнинг соғлигини билиш учун» киришган экан, сайр қила туриб бир кириб ўтайлик дейишибди. Аделаида боғда ҳозир жуда ҳам қари, шоҳлари тарвақайлаб кетган, ёш новдаларида ям-яшил япроқлар гуркираб турган, танасида тешиги ва ёруғи бўлган ажойиб бир дарахтни кўриб қолибди. Албатта, албатта шунинг суративи чизаман деб аҳд қилибди! У келганидан сўнг ярм соат фақат шу ҳақда гапирди. Князь Ш. жуда ҳам илтифот ва пазокат билан княздан ўтган-кетган гапларини сўради, биринчи мартаба қандай танишганликларини эслади, кечаги воқеалар ҳақида эса оғиз очмади. Ниҳоят Аделаида сабри чидамай кулимсираганича бир incognito кирдик, деб бўйнига олди. Лекин бундан ортиқ кечаги воқеаларга алоқадор гап-сўз бўлмади, бироқ шунга қарамасдан мана шу incognitoнинг ўзиданоқ хонадон соҳиблари ва айниқса, Лизавета Прокофьевна аллақандай қаттиқ ранжиганлигини сезиш мумкин эди. Лекин Аделаида билан князь Ш. на Лизавета Прокофьевна, на Аглая ва на Иван Федорович ҳақида оғиз очдилар. Улар яна сайилга қайтиб кетишаркан, князни таклиф қилмадилар. Уйга чақирини хусусида-ку, ҳатто заррача ишора ҳам бўлмади; шу маънода ҳатто Аделанданинг оғзидан битта галати сўз ҳам чиқиб кетди: у бўёқ билан чизилган бир сурати ҳақида сўзлай туриб, уни бирдан жуда ҳам князга кўрсатгиси келиб кетди. «Қандай қил-

сак бўларкин, а? Шошманг! Агар Коля келса, ундан бериб юбораман сизга, бўлмаса, эртага князь билан яна айлангани чиққанымда ўзим ола келаман». У, ўз ташвишини шундай деб ҳал қилади ва муаммони ҳаммага қулай бир тарзда очганидан жуда суюнади.

Ниҳоят, хайрлашиб бўлган эдилар ҳамки, князь Ш. худди кутилмаганда эсига тушиб қолгандай:

— Ҳа, айтмоқчи-я,— деди,— сиз билмайсизми, азиз Лев Николаевич, кеча извошдан туриб Евгений Павличга қичқирган ким эди?

— Настасья Филипповна эди,— сиз ҳалигача буни билмаган эдингизми? Унинг ёнидаги хонимни танимайман.

— Биламан, эшитганман! — деб дарров илиб кетди князь Ш.— Лекин бу нима дегани? Шу қадар бошим қотиб қолдики менинг... бошқаларнинг ҳам.

Князь Ш. ҳаддан ташқари ҳайратга тушган одамдай гапирарди.

— У Евгений Павловичнинг аллақандай векселлари ҳақида гапирди, — деди соддалик билан князь, — қандайдир судхўрнинг қўлидан унинг илтимосига кўра Рогожинга ўтибди, Рогожин Евгений Павлич билан ўзимиз келишармиз, дебди.

— Эшитдим, эшитдим, қадрдоним князь, лекин бу ахир сира ақлга тўғри келмайди-ку! Евгений Павличнинг ҳеч қандай векселлари бўлиши мумкин эмас! Шунча давлати билан... Рост, баъзан енгилтаклик қилиб, авваллари, кўп вақтлар ўзим тўлаб юборганман... Лекин шунча давлат бўла туриб судхўрга вексель бериб, кейин кетидан ташвишланиб юриш асло ақлга тўғри келмайди! Бундан ташқари у ҳеч қачон Настасья Филипповна билан сенсираб гаплашиш даражасида яқин бўлган эмас,— энг муҳим муаммо мана шунда. У ҳеч нарса ни тушунмайман деб қасам ичяпти, мен унга ишонаман. Лекин гап шундаки, азиз князь, балки сиз бирон нарса биларсиз? Яъни бир мўъжиза рўй бериб сизга ҳеч нарса эшитилмадимикин?

— Йўқ, ҳеч нарса билмайман, имонингиз комил бўлсин, менинг бу нарсаларга заррача алоқам йўқ.

— Оҳ, қандай ўзгариб кетдингиз, князь! Мен сизни бугун сира таний олмай турибман. Наҳот мен сизни шундай ишларда иштирок этади деб ўйласам?.. Ҳа, бугун жуда паришон кўринасиз, нашъангиз паст.

У князни қучоқлаб ўпиб қўйди.

— Яъни қандай «ишларда» демоқчисиз? Мен ҳеч қандай «шундай» ишни кўрмаётибман.

— Шубҳасиз, бу хоним қандайдир бир сабаб билан нима учундир Евгений Павличнинг обрўсини туширмоқчи бўлди,

одамлар ўртасида уни хушук кўрсатмоқчи бўлганга ўхшади, ваҳоланки, Евгений Павличнинг бундай ёмон одатлари йўқ, — деб жавоб берди князь Ш. қуруққина қилиб

Князь Лев Николаевич сал бошқача бўлиб кетди, лекин шундай бўлса ҳам князга ҳамон нима демоқчисиз, дегандай тикилиб қараб турарди; лекин князь Ш. жим бўлиб қолди.

— Векселнинг алоқаси йўқми бунга? Гапнинг тагида бошқа нарса борми?— деб гўлдирарди князь нима учундир сабр-сизланиб.

— Сизга айтяпман-ку, ўзингиз ўйлаб кўринг, Евгений Павлич билан... анави ва бунинг устига яна Рогожин ўртасида қандай яқинлик бўлиши мумкин? Яна такрор айтаманки, давлати жуда катта, бу менга жуда яхши маълум; қўлига яна амакисидан ҳам катта давлат кирадиган. Фақат Настасья Филипповна...

Князь Ш. яна бирдан жим бўлиб қолди, афтидан, у Настасья Филипповна ҳақида князга гапиргани ўзига эп кўрмади.

— Демак, қандай бўлмасини, улар бир-бирлари билан таниш бўлсалар керак?— деб сўради бирдан князь Лев Николаевич бир оз жим турганларидан кейин.

— Буни-сига бир нарса деёлмайман, бўлса бордир; енгил-так! Лекин таниш бўлсаям анча илгари, икки-уч йил аввал бўлгандир. У ахир Тоцкий билан ҳам таниш эди. Ҳозир ҳам учрашиб туришларига ақлим етмайди, улар бир-бирларини ҳеч қачон сенлашмаганлар! Ўзингиз ҳам хабарингиз бор, хоним бу атрофларда кўринмай қолган эди; жим бўлиб кетганди. Кўплар ҳали билмайдилар унинг келганлигини. Извошини кўрганimgа уч кун бўлди.

— Ажойиб извош,— деди Аделаида.

— Ҳа, жуда ажойиб!

Улар князь Лев Николаевич билан жуда дўстопа ва жуда қадрдонларча, унинг ҳурматини ўрнига қўйиб хайрлашдилар.

Бизнинг қаҳрамонимиз учун эса уларнинг келиши бутун бир воқеа бўлди. Шуниси ҳам борки, у кечадан бери (балки ундан ҳам аввалроқдир) шубҳалар ичида яшар, лекин улар келгунга қадар ўзининг нимадан хавфсираётганлигини аниқ-лолмай боши қотганди. Энди ҳаммаси равшан бўла бошлади: князь Ш. албатта, бўлиб ўтган воқеани нотўғри изоҳлар, лекин шунга қарамасдан, у калаванинг учини топай деб қолган, ҳар қалай, буларнинг ҳаммасининг тагида *бир гап* борлигини фаҳмлаган эди. (Дарвоқе, у ўзича ҳаммасини тўғри тушуниб турган бўлса ҳам керак,— деб ўйлади князь,— фақат айтгиси келмайди ва шунинг учун ҳам ўзини нотўғри тушунган қилиб кўрсатади.) Унинг ҳузурига ниманидир аниқлаб олиш учун (яъни

князь Ш. ўзи учун) кирганлари ойдин эди. Шундай бўлса, уни шу воқеанинг иштирокчиси деб ҳисоблаётган бўлсалар ҳам ажабмас. Булардан ташқари, буларнинг бари шу қадар муҳим бўлса, унда, *унинг* кўзлаган нарсаси нима, у ёмон бир нарсани кўзлаб тургани аён-ку? Даҳшат! «Ахир *уни* тўхтатиб бўладими? *Уни* тўхтатишнинг ҳеч иложи йўқ. Айниқса, у кўзлаган ишининг тўғрилигига амин бўлса!» Князь бунини ўз тажрибасидан биларди. «Телба. Телба».

Лекин эрталабга келиб ҳал қилиб бўлмайдиган, лекин дарҳол ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар шундай тиқилиб қолган эдики, князь жуда маъюс бўлиб қолди. Вера Лебедева укаси Любчкани кўтариб нималарнидир анчагача кулиб гапириб бериб ўтирди. Унинг кетидан оғзини очаверадиган синглиси билан Лебедевнинг гимназист ўғли кириди, гимназист ҳадеб отамнинг айтишича, ердаги сув манбаларига қўлаган Апокалипсисда айтилган «Явшон юлдузи» Европани қоплаб олган темир йўлларнинг рамзи эмиш. Князь Лебедевнинг шундай деб талқин қилганига ишонмади, у келиши билан унинг ўзидан сўрайдиган бўлдилар. Вера Лебедева Келлер кечадан бери уларникида ётиб юрганлигини айтиб берди, афтидан, энди анчагача шу ерда хира бўлиб ўралашса керак, ўзига ўхшаган одамлар, айниқса, генерал Иволгин билан тил топишиб қолди, деди. Лекин унинг ўзи сизларникида маълумотимни тўлдириш учун бир неча кун тураман, дебди. Умуман, Лебедевнинг болалари кун сайин князга маъқул бўла бормоқда эди. Коля кунини бўйи бўлмади: у эрталаб азонда Петербургга жўнаган эди. (Лебедев ҳам тонг қоронғисида ўзининг аллақандай ишлари билан жўнаб кетганди.) Лекин князь Гаврила Ардалионовичнинг келишини сабрсизлик билан кутар, у шу бугун албатта, олдингизга кираман, деб айтганди.

У тамадди қилиб бўлгач, кечга яқин, соат еттиларда кириб келди. Князь унга бир назар ташлагандаёқ бу жаноб воқеанинг бутун икки-чикирларигача билса керак, деб хаёлидан ўтказди,— Варвара Ардалионовна ва почаси Птицин каби ўз одамлари бўла туриб тагин ҳам ҳеч нарсани билмасинми, ахир? Лекин Ганя билан князнинг муносабатлари жуда ғалати эди. Князь, мисол учун, Ганяга Бурдовскийнинг ишини ишониб топширди ва ҳатто илтимос қилди. Лекин шу ишонч ва бундан илгари ҳам ўрталарида бўлиб ўтган баъзи гапларга қарамасдан ораларида шундай ҳал қилинмаган нарсалар бор эдики, улар икковлари ҳам бу нарсалар хусусида оғиз очмасликка келишиб олгандай эдилар. Князнинг назарида Ганя баъзан ўрталарида очиқ ва дўстона самимият бўлишини истагандай бўлиб кўринарди; ҳозир ҳам кирган заҳоти князнинг назарида

Ганя шу топда ўрталаридаги бутун совуқчиликларга биратўла барҳам бермоқчи бўлиб турган одам сиёҳида эди. (Шунга қарамасдан Гаврила Ардалионович шошилмоқда эди, Лебедевникида уни синглиси кутиб турган экан; икковлари қаергадир шошилинич боришлари керак экан.)

Лекин Ганя князь менга уст-устига бесабр саволлар беради, беихтиёр оғзидан баъзи бир гапларни гуллайди, кўнглини дўстона очиб ташлайди, деб кутган бўлса, албатта, у жуда янглишган эди. У йигирма минутча князь ҳузурда бўлди, шу пайт ичида жуда ўйчан, паришон бўлиб ўтирди. Ганя кутган саволлардан ва айниқса, энг муҳим бир саволдан дарак йўқ эди, Ганя эса худди шу савол ўртага ташланишини истарди. Лекин кутгани рўй бермагандан сўнг Ганя жуда қисқа сўйлашга аҳд қилди. У йигирма минут тинмай гапирди, кулди, енгил, ширин, хушмуомалада бўлди, валақлашиб, гурунглашди, лекин энг муҳим гапни оғзига ҳам олмади.

Ганя Настасья Филипповна тўрт кундан бери Павловскда яшаётганлигини, лекин дарров ҳамманинг диққатини жалб қилганлигини ҳикоя қилиб берди. У аллақайси бир ерда Матросская деб аталган кўчада, унча катта бўлмаган, бесўнақай бир уйда, Дарья Алексеевнаникида туради, лекин унинг экипажига ўхшаган экипаж Павловскда ҳеч кимда йўқ. Атрофига қари-қартаиб, ёш-яланг жазманлар тўпланиб олган; баъзан унинг извошини суворилар кузатиб борадилар. Настасья Филипповна аввалгидек одамларни жуда таълаб, чертиб-чертиб ўз олдига қўяди. Шунга қарамасдан унинг атрофига анча-мунча одам тўнланган, керак бўлиб қолса, уни ҳимоя қиладиганлар етарли. Яқинда тўйи бўлиши керак бўлган бир куёв йигит уни деб ўз қайлиғи билан аразлашиб қолибди. Бир чол генерал ўглини оқ қиламан, кўк қиламан деб сўкканмиш. Настасья Филипповна сайрга чиққанларида ёнида жуда ҳам чиройли ўн олти яшар бир қизчани, Дарья Алексеевнанинг узоқ қариндошини бирга олиб юраркан; қизча яхши кўшиқ айтармиш,— шунинг учун кечқурунлари уларнинг уйи ҳамманинг диққатини тортармиш. Настасья Филипповна ўзини жуда ҳам одоб-иқром билан тутиб юрган эмиш, оддий, лекин жуда ҳам дид билан кийинармиш ва барча хонимлар унинг «диди, гўзаллиги ва экипажига ҳасад кўзи билан қарашармиш».

— Кечаги ғаройиб ҳодиса,— деб оғзидан чиқиб кетди Ганянинг,— албатта, олдиндан ўйлаб атай қилинган иш, лекин албатта, уни ҳисобга қўшмасе ҳам бўлади. Албатта бирон хусусда уни айбситаиш учун тирноқ орасидан кир қидиришга тўғри келади, тезда шундай бўлса ҳам керак,— деб хулоса қилди Ганя. Шундай-деди-ю, ҳозир князь менадан: «Нега кечаги ҳо-

дисани атай қилинган деб айтяспиз?»— деб сўраб қолармикин деб кутди. Лекин князь бунни сўрамади.

Ганя Евгений Павловични ҳам ўз ихтиёри билан тилга олди, биров сўраб-нетмасдан туриб уни гапга қўшиб кетгани галатироқ туюлди. Бунинг устига гап ичида уни тилга олишнинг ўрни ҳам келмаганди. Гаврила Ардалионовичнинг фикрига қараганда, Евгений Павлович Настасья Филипповнани яхши танимас эмиш, ҳозир ҳам уни унчалик яхши билмайди, шуни ҳам тўрт кунча бурун сайр чоғида кимдир таништирган экан, афтидан, Евгений Павлович унинг уйида ҳам бўлмаганга ўхшайди. Вексель ҳақидаги гаплар тўғри бўлиши мумкин (Ганя ҳатто бунни аниқ билади); Евгений Павловичнинг давлати жуда катта, лекин «мулкка оид баъзи бир ишлари бевоши бўлиб ётибди». Гап мана шундай қизиқ жойига келганда Ганя бирдан бас қилди. Настасья Филипповнанинг кечаги қилиғи ҳақида юқорида қилган жиндай ишорасидан бошқа бир оғиз ҳам гапирмади. Ниҳоят, Ганяни сўраб Варвара Ардалионовна кирди ва бир зумгина турди, шу бир зум ичида (ҳеч ким сўрамасдан бурун) Евгений Павловичнинг Петербургга кетганлигини, бугун ва эҳтимол эртага ҳам ўша ерда бўлишини, ўзининг эри (Иван Петрович Птичкин) ҳам Петербургга, чамаси, Евгений Павловичнинг иши юзасидан жўнаганлигини, (ростдан ҳам у ерда бир бало бўлганга ўхшайди) сўзлаб берди. Кета туриб у Лизавета Прокофьевнанинг бугун жуда ҳам кайфияти бузуқ эканлигини, ҳаммадан ҳам қизиги, Аглая барча оила аъзолари билан, отаси, онаси ва ҳатто опалари билан ҳам аразлашиб қолганлиги ва бу «жуда ҳам яхши бўлмаганлиги»ни айтиб берди. Худди ҳеч нарса бўлмагандай князь учун жуда муҳим бўлган шу охириги хабарни айтдилару улар чиқиб кетдилар. Ганя «Павлищевнинг ўгли» ҳақидаги иш хусусида ҳам оғиз очмади, балки ўзини ҳаддан ташқари камтарликка олганидан ёки «князнинг ҳисларини аяганидан» шундай қилди; шунга қарамасдан барибир князь ишни ғайрат билан охирига олиб борганлиги учун унга раҳмат айтди.

Ниҳоят, князь ёлғиз қолди ва енгил нафас олди; у ишлановайдан тушиб, йўлнинг нариги бетига ўтди ва боғ ичида катди; у ўзининг ҳар бир қадамини ўйлаб ҳал қилиб олмоқчи эди. Лекин бу «қадам» ўйлаб ўтириладиганлардан эмас, янаки сира ҳам ўйлаб ўтирмасдан балки тўғридан-тўғри ҳал қилиб ташланадиган қадамлардан эди. Унинг бирдан худди шу тонда, ҳозирнинг ўзида ҳамма нарсани ташлаб қардан келган бўлса яна ўша ёққа, қайга бўлмасин, ишқилиб, узокроққа, чекка ва ошлоқ бир ерга ҳеч ким билан хайр-маъзур қилиб ўтирмасдан кетиб қолгиси келди. У агар бу ерда яна бир неча кунгина

қоладиган бўлсам, унда буларнинг дунёси мени бутунлай ўз
комига тортиб олади ва мана шу дунё сўнг менинг бирдан-бир
қисматим бўлиб қолади, деб ўйларди. Лекин у ҳали ўн минут
ўйлаб кўрмасданоқ қочиб кетишнинг «иложи йўқ»лигини, бу
қўрқоқлик билан баробар бўлишини англади ва олдимда шун-
дай бир вазифалар турибдики, уларни ҳал қилмасам ёки ҳал
қилиш учун бутун кучимни сарфламасам бўлмайди, бунга
менинг ҳатто ҳақим йўқ, деган қарорга келди. Мана шу фикр-
лар билан у чорак соат ҳам айланмасдан уйга қайтиб келди.
Шу топда у ўз толедан ўкинмоқда эди.

Лебедев ҳамон уйда кўринмасди, кечқурун князнинг ҳузу-
рига ширакайф, лекин жуда гаплашгиси ва тўкилгиси келиб
турган Келлер кириб келди. Сизга ўзимнинг бутун ҳаётимни
гапириб бераман, шунинг учун Павловскда атай қолдим, деди
у князга. Уни ҳайдаб чиқаришнинг иложи йўқ эди: ҳайдаган
билан кетмас эди ҳам. Келлер, афтидан, кўп гапирмоқчи эди,
лекин пойинтар-сойинтар қилиб бир-икки оғиз гапиргач, дар-
ров гапнинг хулосасига кўча қолди ва «менда ҳатто ахлоқ
деган нарсанинг шарпаси» ҳам қолмаган («худованди каримга
ишонмаганим бопсидан»), шунинг учун мен ҳатто ўғирлик ҳам
қилганман, деди.— «Ўзингиз тасаввур қилинг!»

— Менга қаранг, Келлер, мен сизнинг ўрнингизда бўлга-
нимда ҳадеб бу нарсани дoston қилавермаган бўлардим,— деди
князь,— балки сиз атай ўзингизни ерга уриш учун шундай
деётгандирсиз, а?

— Ёлғиз сизнинг ўзингизга, ёлғиз ўзимнинг илмимни оши-
риш учун айтаман! Бошқа ҳеч кимга; ўларман ва кафан ичра
ўз сиримни олиб кетарман! Аммо, князь, сиз билсайдингиз,
агарда сиз билсайдингиз бизнинг асримизда қанчалар пул
топиш қийинлигини! Шундан кейин сиздан сўрайман, ўзингиз
айтинг, қаердан топай уни? Жавоб битта: олтин ва дурларнинг
бўлса олиб кел, сўнг пул берамиз, айни менда йўқ нарсалар, сиз
буни тасаввур қила olasизми? Мен алоҳда жаҳлим чиқиб кетди,
турдим, турдим. «Зумрад бўлса берариндингиз?»— «Зумрад
бўлса ҳам бераман дейди».— «Жуда сов дедим», шляпамни
кийдимۇ чиқиб кетдим; жин урсин сиз аблаҳларини! Худо ҳаққи!

— Нима, зумрадларингиз бормиди?

— Зумрад нима қилади менда! О, князь, сиз ҳали ҳаётга
қанчалар маъсум ва бегуноҳ кўзлар билан боқасиз, яъни чўпон
кўзлари билан қарайсиз!

Ниҳоят князнинг бир чеккаси юраги ачийди, бир чеккаси
виждони қийналди. Ҳатто хаёлига шундай бир фикр келди:
«Бу одамни яхшилаб тарбиялаб эпақага келтириб бўлмасми-
кин?» У ўзининг камтарлигиданми ё бошқа бир сабабданми

бировни «яхишлаб тарбиялаб унга таъсир ўтказишга» яроқсиз деб биларди, бундай деб билганига яна нарсаларга бошқача бир қараши ҳам сабабчи эди. Улар аста-аста гаплашиб пировардида жуда тил топишиб қолдилар, ҳатто бир-бирлари билан хайрлашишлари ҳам келмади. Келлер одам тилга олиб гапириши мумкинлигини ҳам ҳатто тасаввур қилиб бўлмайдиган нарсаларни бемалол бўйинга олиб сўйлаб ташлайверарди. У ҳикоя қиларкан, жуда ёмон иш қилиб қўйдим, «ичим ёшга тўлиб кетди», деб пушаймон қилар, лекин худди қилғилигидан хурсанд одамдай, худди қилғилиги билан мақтанаётгандай жуда кулғили қилиб гапирар, охирида князь билан икковлари худди телбалардай хахоланиб кулишарди.

— Муҳими шундаки, сиз жуда ҳам ростгўйсиз, болаларча ҳамма нарсага ишониб кетаверасиз,— деди ниҳоят князь,— биласизми, шу томонларингиз билан сиз одамни ўзингизга тортиб турасиз?

— Олижаноб, олижаноб, валломат йигит экансиз!— деб тасдиқлади ийиб кетган Келлер.— Лекин биласизми, князь, ҳаммаси ҳали менинг орзуларимда, ҳали ҳаммаси, нима десамикин, тўполонлар ичида қолиб кетган, амалда эса ҳеч вақо йўқ! Нега шундай? Сира тушунолмаман.

— Умидсиз бўлманг. Энди ишонч билан айтишим мумкинки, мен сизнинг деярли бутун икки-чакирларингизни ҳам билиб олдим; илло, менга шунча кўп нарсаларни айтиб бердингизки, бунга энди қўшимча қиладиган ҳеч нарса қолмаган бўлса керак дейман?

— Қолмаган дейсизми?!— аллақандай пушаймон бўлиб хитоб қилди Келлер.— О, князь, сиз одамни ҳали қанчалар швейцариячасига тушунасиз.

— Наҳот ҳали буларга яна бирон нарса қўшиб бўлса?— ботинмай ҳайрон бўлиб сўради князь.— Хўп, мендан нима истайсиз, Келлер, айтинг, нима, менинг олдимга чўпчак айтгани келдингизми?

— Сизданми? Нима истайманми? Биринчидан, сизнинг бунчалар соддалигингизга қараб ўтиришнинг ўзи одамга ҳузур бағишлайди; сиз билан ўтирган, гаплашган одам роҳат қилади; мен сизни ҳаддан ташқари яхши одам деб биламан, иккинчидан... иккинчидан...

У ямлашиб қолди.

— Балки пул қарз олмақчидирсиз?— деди князь жиддий ва содда, шу билан бирга андак ботинмагандай.

Келлернинг томирлари тортишиб кетди; у аввалгидай ҳайрон бўлганча князнинг кўзига тезгина тик қаради-да, мушти билан столни қаттиқ урди.

— Ана шундай қилиб одамни қаттиқ эсанкиратиб қўясизда! Вой барака топкур княз-ей; дам қарасангиз шундай содда, шундай бегуноҳ, бунақаси ҳатто олтин даврларда ҳам учрамаган, дам қарасангиз одамнинг бутун ичини кўриб тургандай гапирасиз, назарингиз шунчалар ўткир. Аммо ижозат беринг, князь, буни тушунтириб беришим керак, чунки мен... мен нима дейишимни билмай қолдим! Албатта, асл ниятим ўзи сиздан пул сўраш эди, лекин сиз шундай қилиб сўрадингизки, гўё ўзи шундай бўлиши керакдай, гўё бунинг асло уят жойи йўқдай!

— Ҳа... сиздан бошқа нимани кутиш мумкин.

— Жаҳлингиз чиқмайдими?

— Нега... жаҳлим чиқсин?

— Менга қаранг, князь, бу ерда кечадан бери ўралашиб юрганнинг сабаби аввало, мен француз архиепископи Бурдалунни қаттиқ ҳурмат қиламан (Лебедевникида кечаси соат учгача шиша бўшатдик), қолаверса, ва энг муҳими (мана чин ҳақиқатни печа бор чўқишиб туриб айтаман!), шунинг учун қолдимки, сизга ўз умримнинг сабоқларини тўла-тўқис ва бир йўла сўзлаб бермоқчи бўлдим, шундай қилсам ўзим ҳам илминни ошираман, деб ўйладим; шу фикр билан кечаси соат тўртда кўз ёшларимни тўка-тўка ухлаб қолибман. Мана энди сиз олижаноб кимсанинг гапига ишондингизми: ичим ва нима десамикин, ташим кўз ёшларига тўлиб кетган ҳолда (чунки мен алоҳа ҳўнграб, уввос солиб йиғлаб юборибман, эсимда қолгани шу) энди кўзларимни юмаман деб турсам, калламга даҳшатли бир фикр келиб қолса бўладими: «Ҳаётимни унга гапириб берсаму сўнг андак пул қарзга сўрасам қандоқ бўларкин?» Шундай қилиб мен сизга айтадиган сўзларимни худди аллақандай «кўз ёшларига кўмилган фенезерф мисол» тайёрлаб қўйдим. Мен кўз ёшларим билан йўлларни юмшатмоқчи бўлдим, сиз кўзи ёшли дўстингизни кўриб кўнглингиз юмшаб, бирдан менга юз эллик сўмни санаб бериб юборинг, дедим. Сизнингча, бу пасткашлик эмасми?

— Лекин гапларингиз унча тўғри бўлмаса керак, фақат бир-бирига тўғри келиб қолган. Икки фикр бирдан тўғри келиб қолган, кўпинча шундай бўлади. Менда тўхтовсиз шундай бўлади. Мен, ҳар ҳолда буни яхши нарса деб билмайман, биласизми, Келлер, мен ўзимга-ўзим шу боисдан кўп дашном бераман. Сиз менга ўзимдан кўра аниқроқ қилиб айтиб бердингиз. Мен баъзан ўйлаб қоламан,— деб давом этди князь чиндан шунга қизиқиб жуда жиддий,— ҳамма одамлар шундай бўлсалар керак деб, ўйлайман, шу менга бирмуңча таскин беради, чунки шу ўзи қўшалоқ фикр билан курашиш жуда қийин, одамни

қийнаб юборадн; менинг бошимдан ўтган. Улар қаердан келади, қандай пайдо бўлади, бир худонинг ўзи билади. Лекин, мана, сиз буни пасткашлик деб атаяпсиз! Энди мен яна ўша фикрлардан қўрқа бошлайман. Ҳар ҳолда мен сизга судья эмасман. Лекин ҳар ҳолда, менимча буни тўғридан-тўғри пасткашлик демаслик керак, сиз нима деб ўйлайсиз? Сиз кўз ёшлари тўкиб пул ундирмоқчи бўлгансиз, лекин ўзингиз айтяпсиз-ку, ўз ҳаётимни сўзлаб беришдан мақсадим фақат пул эмас деб; пулга келганда улар сизга ишрат қилиш учун керак, шундайми? Лекин энди бу шунча юрак изҳорларидан сўнг қўрқоқлик бўлади. Лекин шу билан бирга ишратдан ҳам бир дақиқа бўлсин, юз ўгириб бўладими? Ахир бунинг сира иложи йўқ-ку. Нима қилиш керак? Яхшиси, буни сизнинг виждонингизга ҳавола қилиб қўя қоламиз, нима дедингиз?

Князь Келлерга ҳаддан ташқари қизиқсиниб қараб турарди. Қўшалоқ фикрлар муаммоси уни афтидан узоқ замонлардан бери қийнаб келган бўлса керак.

— Нега сизни телба деб аташаркин сира тушунолмаймак, қаранг-а!— деб қичқириб юборди Келлер.

Князь андак қизариб кетди.

— Зоҳид Бурдалу одамни бунчалар аямаган бўларди, сиз эса менга раҳм қилдингиз ва мен ҳақимда инсоний бир фикр айтдингиз! Мен ўзимга ибрат тариқасида, сизнинг сўзларингиздан қаттиқ таъсирланиб кетганимнинг исботи ўлароқ юз эллик сўмни истамайман, менга йигирма беш сўм беринг, етади! Менга икки ҳафтага шундан бошқа керакмас. Икки ҳафтагача сизни пул сўраб безор қилмайман. Агашкани эркалатмоқчи эдим, айнидим, у бунга арзимади. О, жонажон князь, худо марҳаматли бўлсин сизга!

Ниҳоят, ҳозиргина қайтиб келган Лебедев кириб келди ва Келлернинг қўлида йигирма беш сўмликни кўриб афтини буриштирди. Лекин қўлига пул теккан Келлер чиқиб кетишга шошилди ва кўз очиб-юмгунча ғойиб бўлди. Лебедев шу заҳоти унинг орқасидан ёмонлай бошлади.

— Сиз ноҳақсиз, у чин юракдан пушаймон бўлди,— деди ниҳоят князь.

— Пушаймон бўлса нима! Худди кечаги менинг гапимга ўхшайди: «пасткашман, пасткашман» дейсану, булар қуруқ сўздан бошқа ҳеч нарса эмас!

— Демак, сизнингча, қуруқ сўз экан-да? Мен бўлсам ўйлаб-манки...

— Майли, фақат сизга, фақат сизнинг ўзингизга мен чин гапни айтаман, чунки сиз одамнинг юрагини кўриб турасиз. Сўз ҳам, иш ҳам, ёлгон ҳам, чин ҳам — бари менда қўшилиб

кетган, самимий. Ҳақиқат ва иш менда чин пушаймонликда, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қасам ичаман, сўз ва ёлғон эса шундай даҳшатли бир фикрдан иборатки (доим ўзига хос), мен унга одамни илинтирмоқчи бўламан, пушаймонлик кўз ёшлари билан манфаат топмоқ пайида тураман! Худо ҳаққи, рост! Бошқа одамга ўла қолсам айтмасдим — кулиб масхара қилган бўларди; сиз эса одамгарчилик юзасидан баҳо берасиз.

— Ана, ҳали анави ҳам менга худди шу гапларни айтган эди,— деб қичқириб юборди князь,— икковингиз ҳам худди мақтанаётганга ўхшайсиз! Мен ҳатто сиздан жуда ажабланиб қолдим, фақат у сиздан кўра самимийроқ, сиз буни ўзингизга бутунлай ҳунар қилиб олибсиз. Бўлди, афтингизни буриштирманг, Лебедев, ва ҳадеб қўлингизни кўксингизга қўяверманг. Менга айтадиган гапингиз борми? Сиз бекорга кирмайсиз..

Лебедев қийшанглаб оғрингандай бўлди.

— Сизга биттагина савол берини учун куни бўйи кутдим; умрингизда бир маротаба ганини чўзмай ростини айтинг: сиз кечаги извошда қандай бўлмасини иштирок қилдингизми, йўқми?

Лебедев яна қийшанглади, ҳиринглаб кулди, қўлларини ишқалади, ҳатто охирида чучқириб ҳам юборди, лекин барибир бир нима дегани журъат қилмай турабди.

— Кўриб турибман, иштирок қилгансиз.

— Аммо билвосита, ёлғиз шу билвосита, холос! Баайни ҳақиқатни айтяпман! Маълумингиз бўлмиш хоним қизга бизникида шундай-шундай одамлар, шундай-шундай кишилар йиғилишди деб ўз вақтида хабардор қилиб қўйдим, иштироким шундан иборат, холос.

— Биламан, сиз ўглингизни у ерга жўнатганингизни, унинг ўзи менга боя айтиб берди, лекин нима бу найранг!— деб хитоб қилди князь тоқати тоқ бўлиб.

— Мен қилмадим, мен қилмадим,— деб бўйинга олмасди Лебедев,— тамоман бошқа, бошқа, тўғрироғи, бу хаёл, найранг ҳам эмас.

— Нима гап ўзи, тушунтирсангиз-чи, ахир, Исо ҳаққи? Наҳотки сиз бунинг менга тўғридан-тўғри дахли борлигини тушунмасангиз? Ахир Евгений Павловичнинг юзи қора бўлиб қолди-ку.

— Князь! Ҳазратим!— таъна қилгандай деди Лебедев,— ахир ўзингиз бор ҳақиқатни айтишга қўймайсиз-ку; мен ҳақиқатни айта бошлаган эдим; бир марта эмас; сиз дарров оғзингизга урдингиз...

Князь жим қолди, у ўйга толганди.

— Бўпти, майли; ростини айтинг,— деди у оғир, афтидан, ўзи билан ўзи анча олишгандан сўнг.

— Аглая Ивановна...— деб дарҳол бошлади Лебедев.

— Бас қилинг, бас қилинг!— деб қичқириб юборди князь қаҳри келганиданми ё уялиб кетганиданми, қизариб бўртган ҳолда.— Сира ундай бўлиши мумкинмас, ҳаммаси бўлмаган гап! Буларнинг барини ўзингиз ўйлаб топгансиз, ёки сизга ўхшаган телбалар тўқиб чиқаришган. Иккинчи оғзингиздан буни эшитмай!

Кеч қоронғида, соат ўн бирлар бўлиб қолганда, бир дунё хабар билан Коля кириб келди. Унинг хабарлари ҳам Петербург, ҳам Павловск воқеаларига алоқадор эди. У Петербург воқеаларининг энг муҳимларини (асосан Ипполит билан кечанги машмашалар ҳақида) айтиб берди, кейин буларни батафсил яна сўйлаб бераман деб, тез Павловскда бўлган гапларга ўтди. Бундан уч соат бурун у Петербургдан қайтиб, князнинг олдига ҳам кириб ўтирмай тўғри Епанчинларникига йўл олибди. «Вой, у ердаги ҳангомаларни бир кўрсайдингиз!» Албатта, ҳамманинг оғзида извош, лекин у ерда князь билан унга номаълум бўлган яна алланима рўй берганга ўхшайди. «Мен, албатта, айғоқчилик билан гап тинглаб юрганим йўқ, ҳеч кимдан сўраб-суриштирганим ҳам йўқ; лекин мени жуда яхши кутиб олишди, мен ҳатто бундай яхши кутиб олишларини кутмаган эдим, бироқ, князь, сиз ҳақингизда бир оғиз ҳам сўз бўлмади!» Энг муҳими ва энг қизиги кеча Аглая Гаяния деб уйдагиларнинг ҳаммаларни билан уришиб қолибди. Жаанжал вимадан чиққан — аниқ маълум эмас, лекин Гаяя туфайли бўлганлиги равшан (буни ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг!), бир-бирлари билан қаттиқ айтишини, демак, жуда муҳим гап бўлса керак. Генерал жуда кеч келди, қовоғи солинган эди, ёнида Евгений Павлович ҳам бор эди, Евгений Павловични жуда яхши кутиб олишди, унинг ўзи эса жуда қувноқ ва хушчақчақ кўринади. Ҳаммадан ҳам муҳими, Лизавета Прокофьевна шовқин-сурон кўтармасдан қизларнинг олдидарида ўтирган Варвара Ардалионовнани ўз ҳузурига чақиртириб, бу ўйлаб буткул оёғингизни узинг, иккинчи марта бу ерга қадим босманг, дебди, албатта, секин, юмшоққина қилиб айтибди,— «Варянинг ўзидан эшитдим». Лекин Варя Лизавета Прокофьевнанинг ҳузуридан чиқиб, қизлар билан хайрлашганини кирганда, улар унинг бу хонадондан бутунлай қувилганлигини билмай ҳам қолибдилар.

— Лекин Варвара Ардалионовна менинг олдимда соат еттида бўлган эди-ку?— деб сўради ҳайрон қолган князь.

— Уни соат саккизларда ёки саккизнинг ўзида ҳайдаб

чиқаришди. Мен Варяга жуда ачинаман, Ганяга... улар қачон қарасанг бир фитнани бошлаб юришади, фитнасиз яшай элмайдилар. Яна мен ҳеч қачон уларнинг каллаларида нима фикр борлигини билолмайман, билишни ҳам истамайман. Лекин сизни ишонтириб айтаманки, азиз, меҳрибон князь, Ганянинг юраги бор. Бу жуда кўп жиҳатлардан тамом бўлган одам, албатта, лекин жуда кўп жиҳатлардан унинг шундай фазилатлари борки, у фазилатларни кўра билиш керак, мен ўзимни ҳеч қачон кечиролмайманки, уни илгари тушунмас эканман... Билмадим, Варядан кейин мен яна бораверишим керакми, йўқми. Тўғри, мен бошиданоқ ўз-ўзимга мустақилман, уларга ҳеч қачон аралашган эмасман, лекин барибир ўйлаб кўриш керак.

— Сиз бекорга акангизга бунчалар ачиниб ўтирибсиз,—деди унга князь,—агар иш шунгача борган бўлса, демак, Гаврила Ардалионович Лизавета Прокофьевнанинг кўз ўнгида ҳали ҳам хавфли, акангиз яна узилган ипларни уламоқчи бўлган экан-да.

— Қайси узилган ипларни!— ажабланиб қичқириб юборди Коля.— Тагин сиз ўйлаётган бўлманг, Аглая... бундай бўлиши мумкин эмас!

Князь индамади.

— Сиз жуда ҳам шубҳачи одамсиз, князь,— икки минутлардан сўнг тилга кирди Коля,— мен сезиб юрибман, сиз бир қанча вақтлардан бери жуда шубҳачи бўлиб бораётибсиз; сиз ҳеч нарсага ишонмайдиган бўлиб қолдингиз ва ҳадеб фараз қилаверасиз... шу ўринда мен шубҳачи деган сўзни тўғри ишлатдимми, нима дейсиз?

— Менимча, тўғри бўлса керак, лекин ўзим ҳам яхши билмайман.

— Лекин мен ўзим «шубҳачи» деган сўздан воз кечаман, янги таъриф топдим,— деб қичқирди бирдан Коля,— сиз шубҳачи эмасиз, сиз раикчисиз! Сиз ўзингизга маълум мағрур қизни ҳаддан ташқари Ганядан қизганасиз!

Шундай деб, Коля ўрнидан сакраб туриб кетди ва эҳтимол умрида биринчи маротаба қаттиқ хахолаб кула бошлади. Князнинг янада қаттиқроқ қизариб кетганлигини кўриб Коля баттар қаҳ-қаҳ уриб кулди; князнинг Аглаяни қизганиши ҳақидаги фикр унинг ўзига жуда маъқул тушиб қолди, лекин князь чин дилдан хафа бўлганлигини кўриб дарров жим бўлди. Шундан сўнг улар яна бир ёки бир ярим соатлар чамаси жиддий ва ташвишли ҳолда сўзлашиб ўтирдилар.

Эртасига эрталаб князь бир зарур иши юзасидан Петербургда бўлди. Павловскка қайтиб келаркан, темир йўл вокса-

лида кўп чошгоҳдан оғиб, соат бешлар бўлиб қолганда Иван Федорович билан учрашиб қолди. Генерал дарров унинг қўлидан ушлаб олди, атрофга нимадандир ҳадиксирагандай бўлиб олазарак қаради-да, князни бирга олиб кетиш учун биринчи класс вагонига томон судраб кетди. Унинг жуда муҳим бир нарса хусусида гаплашгиси келиб турарди.

— Биринчидан, азизим князь, мендан хафа бўлма, агар мендан бирон нарса ўтган бўлса, эсингдан чиқар. Мен ўзим кеча сенинг олдингга кирмоқчи эдим, лекин Лизавета Прокофьевна қандай қарашини билолмай... Хонадонимда... жаҳаннам, худди уйимга қўрқинчли абуҳавл кириб олгандай, мен бўлсам, нималигини тушунолмайман, ақлим етмайди. Сенга келсак, менимча, ҳаммамиздан кўра бегуноҳроқсан, албатта пинкор қилмайман, сендан ҳам кўп нарса ўтди. Биласанми, князь, одампарвар бўлган яхши, лекин бунчалар эмас. Ўзинг мана мевасини тотиб кўраётган бўлсанг ажабмас. Мен, албатта, меҳрибонликни яхши кўраман ва Лизавета Прокофьевнани ҳурмат қиламан, аммо...

Генерал шу тахлит яна узоқ суҳандонлик қилди, лекин унинг муҳокамалари жуда палапартиш эди. Афтидан, у ўзига ҳаддан ташқари тушунарсиз бўлган алланарсадан жуда ҳам мутаассир бўлган, таажубга тушганди.

— Сенинг бунга сира ҳам алоқанг йўқлиги менга кундай равшан,— деб энди очикроқ фикрини баён қила бошлади у,— лекин то шамол ўзгаргунча, мен сендан шунини дўстона илтимос қиламан, бизникига бормай тур. Евгений Павлич масаласига келадиган бўлсак,— деб қичқириб юборди у кўпириб-тошган ҳолда,— буларнинг ҳаммаси бемаъни бир бўҳтон, бўҳтонларнинг бўҳтони! Бу қуруқ туҳмат, бу найранг, ҳаммасини барбод қилишга уриниш ва бизни уриштириб қўйиш. Биласанми, князь, буни фақат сенинг ўзингга айтаман: ҳали биз билан Евгений Павлич ўртасида бир оғиз ҳам гап очилмаган, тушундингми? Бизни боғлаб турган ҳеч нарса йўқ, лекин ўша сўз ўртага ташланиши, жуда тез орада ташланиши мумкин ва ҳатто жуда тезлик билан! Мана шу пишиб турган ишни бузмоқчи бўлганлар! Нега, нима учун — тушунмайман! Алламбало хотин, топилмас хотин, шундай қўрқаманки ундан, ётган еримда базўр кўзимни юмаман. Экипажини қараинг-а, оқ отлар, ана сенга дабдаба, буни французлар расмана дабдаба дейдилар! Ким олиб берганийкин? Худо ўзи кечирсини Евгений Павличникин деб ўйловдим. Лекин бу сира мумкин бўлмаган нарса экан, мумкин бўлмагандан кейин нега энди у бу ерда битай деб турган ишни бузмоқчи? Ана, ана сизга муаммо! Евгений Павлични ўз ёнидан кеткизгиси келмаётганимикин? Лекин яна

қайтараман, мана бутни ушлаб туриб айтаманки, Евгений Павлич у билан яқиндан таниш эмас, векселлар ҳақидаги гаплар ҳаммаси — баҳона! Яна бутун кўчани бошига кўтариб сенлаганини айтмайсизми? Макр-ҳийла! Ҳаммаси равшан, бўлмағур гапларнинг барини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, Евгений Павличга ҳурматни икки баробар ошириш керак. Мен Лизавета Прокофьевнага ҳам шундай дедим. Энди сенга ҳеч кимга айтмаган гапимни айтаман: мен қатъий шу фикрга келдимки, у эски гаплар учун, эсингдами анави гаплар, мендан ўчини олмоқчи, ваҳоланки, мен унинг олдида ҳеч қачон айб қилган эмасман. Эсимга тушса, қизариб кетаман. У яна пайдо бўлиб қолди, мен бутунлай йўқ бўлиб кетди деб ўйлагандим. Бу Рогожин деганлари ўзи қаерда ўтирибди, ким биларкин? Мен уни аллақачонлар Рогожина хошим бўлиб кетгандир дедим...

Хулласи калом, бу одам калавасининг учини йўқотиб қўйди. Йўл бўйи бир соатлар чамаси тинмай сўйлаб борди, сўради, ўзи жавоб берди, князнинг қўлини қисиб-қисиб қўйди ва бир нарсага княздан асло шубҳаланмаётганига уни тўла ишонтиролди. Бу князь учун муҳим эди. У гапини Евгений Павловичнинг Петербургдаги аллақандай идоранинг бошлиғи бўлиб ишлайдиган амакиси ҳақидаги ҳикоя билан тутатди, — «обрўли жойда ишлайди, ўзи етмишларга кирган, вивер, маншатни севади, умуман, жуда антиқа қария... Ха-ха! У Настасья Филипповнани билади, ҳатто жиндай унга кўнгли ҳам йўқ эмасди. Боя ҳузурига кирган эдим; тоби йўқ экан, ҳеч кимни қабул қилмаётган экан, лекин бой, бой, мўътабар одам... худо умрини узоқ қилсин, лекин барибир ҳаммаси яна Евгений Павличга қолади... Ҳа, ҳа... мен бўлсам, барибир қўрқаман! Нимағалигини билмайману, лекин кўрқаман... Тепамда нимадир учиб юрганга ўхшайди, худди кўршапалакка ўхшайди, бало учиб юрибди, мен қўрқаман, қўрқаман!..»

Ва ниҳоят учинчи кун деганда юқорида эслатиб ўтганимиздек, Епанчинлар князь Лев Николасвич билан ярашиб олдилар.

XII

Оқшом туша бошлаган, соат еттилар бўлиб қолганди; князь бэгни айланиб келмоқчи бўлиб турарди. Кутилмаганда равонга Лизавета Прокофьевнанинг бир ўзи кириб келди.

— *Биринчидан*, ўйламай ҳам қўя қол,— деб бошлади у,— мен олдингга кечирим сўрагани келганим йўқ. Бўлмаган гап! Ҳаммасига сен айбдорсан.

Князь индамади.

— Айбдормисан, йўқми?

— Сиз қанча айбдор бўлсангиз, мен ҳам шунча Дарвоқе, на сиз, на мен атай шундай бўлсин деганимиз йўқ. Мен уч кун бурун ўзимни айбдор деб ҳисоблаган эдим, энди ўйлаб қарасам, ундай эмас экан.

— Ҳали шундай экан-да! Хўп, майли; сенда гапим бор, ўтириб қулоқ сол, чунки мен тик туриб гапирмоқчи эмасман.

Икков ўтирдилар.

— *Иккинчидан*: анави ёмон болалар ҳақида оғиз очмайсан! Мен сен билан ўн минут ўтириб гаплашаман; мен сендан сўрагани келдим (худо билади, сен нима деб ўйлаган экансан?) ва агар сен анави қўпол болалар тўғрисида миқ этиб оғиз очсанг, мен шу заҳоти ўринидан туриб кетаман, сўнг сен билан буткул юз кўришмайдиغان бўламиз.

— Яхши,— деб жавоб берди князь.

— Сўраганим учун хафа бўлма: сен бундан икки ой ё бўлмаса икки ярим ой илгари, байрам олдидан Аглаяга хат ёзганмидинг?

— Ё-ёз-згандим.

— Қандай ниятда? Хатда нима деб ёзилган эди? Хатни кўрсат!

Лизавета Прокофьевнанинг кўзлари ёнар, сабрсизликдан қалтираб кетаётганга ўхшарди.

— Хат мендамас,— деб ҳайрон бўлди ва юраги пўк тушди князинг,— Аглая Ивановнада бўлса бордир.

— Айлантирма! Нима деб ёзувдинг?

— Мен айлантираётганим йўқ, мен ҳеч нарсадан қўрқмайман. Мен ёзишим учун монелик қиладиган бир сабаб кўрмайман...

— Жим бўл! Кейин гапирасан. Хатда нима деб ёзгандинг? Нега қизариб кетдинг?

Князь ўйланиб қолди.

— Сиз қандай фикрда эканлигингизни билмайман, Лизавета Прокофьевна. Фақат хат жуда ҳам ёқмаганлигини кўриб турибман. Шунга амин бўлингки, мен бундай саволга жавоб бермаслигим ҳам мумкин; лекин хатдан чўчимаслигим, ёзганимга афсусланмаслигим ва хатда мени уялишга мажбур қиладиган ҳеч қандай гап йўқлиги учун (князь олдингисидан ҳам бешбаттар қизариб кетди), мен сизга хатни ёддан ўқиб бераман, чунки у эсимда қолган.

Шундай дегандан сўнг, князь хагани баайни сўзма-сўз ёддан айтиб берди.

— Оҳанжамани қара! Сенингча, бу бемаъни сафсата нима-

ни англатади?— деб кескин сўради Лизавета Прокофьевна хатни камоли диққат билан тинглаб бўлгач.

— Мен ўзим ҳам билмайман; лекин чин кўнгилдан ёзган эдим. Уша ерда яшаган пайтимда ҳаёт баъзан кўзимга жуда тўлғин ва ҳаддан ташқари умидли бўлиб кўринарди.

— Қандай умидлар?

— Тушунтириб бериш қийин, лекин эҳтимол сиз ҳозир хаёлингиздан ўтказаетгандек умидлар эмас,— бошқача... умидлар... келажакнинг умидлари ва эҳтимол мен *у ерда* бегона эмасдирман, сени муҳожир деб билишмас, деган умид ва шунинг қувончи. Юртим бирдан менга жуда ёқиб қолди. Офтоб чарақлаб турган тонгларнинг бирида мен кўлимга қалам олдиму унга хат ёздим; нега унга ёздим — билмайман. Баъзан ёнингда дўстинг бўлишини истайсан; афтидан, мен ҳам дўстини кўмсаб қолган бўлсам керак...— жим туриб сўнг кўшимча қилди князь.

— Севиб қолганмисан дейман; а?

— Й-йўқ. Мен... мен синглимга хат ёзгандай бўлдим. Мен акаңиз деб имзо қўйганим шундан.

— Ҳм; атайлаб; биламан.

— Сизнинг бу саволларингизга жавоб бериш менга жуда қийин, Лизавета Прокофьевна.

— Биламан қийинлигини, лекин сенга қийинлиги билан менинг заррача ишим йўқ. Менга қара, менга тўғриси айт, худодлигини айт менга: рост айтяпсанми, йўқми?

— Рост айтяпман.

— Севмайман деб тўғри айтяпсанми?

— Тўғри шекилли.

— Шекилли эмиш! Бола элтиб берганмиди?

— Мен Николай Ардалионовичдан илтимос қилгандим...

— Бола! Бола!— деди жўшқинлик билан Лизавета Прокофьевна.— Мен ҳеч қандай Николай Ардалионовичингизни билмайман! Бола!

— Николай Ардалионович...

— Бола, деяпман-ку сенга!

— Йўқ, бола эмас, Николай Ардалионович,— деб қатъий, лекин оҳиста жавоб қилди князь.

— Хўп, майли, бўталоғим, яхши! Буни ҳали сенга қайтараман!

У бир зум ўз ҳаяжонларини босиб, нафасини ростлаб турди.

— «Шўрлик рицарь» дегани нима?

— Сира хабарим йўқ; билмайман; ҳазил бўлса керак.

— Билмаганингни билаверар экансан! Фақат наҳотки у сенга шунчалар қизиқиб қолган бўлса? Тагин унинг ўзи сени «бад-башара» ва «телба» деб юрган эди.

— Буни менга айтмасангиз ҳам бўларди,— деди князь шивирлаб худди ранжигандай бўлиб.

— Хафа бўлма. Ўзбошимча, девона, эрка қиз,— яхши кўриб қолса, тегажағлик қилади, гашингга тегаверади; мен худди мана шунақа эдим; фақат, тантана қилмай қўя қол, сеникимас; бундай бўлишига ишонмайман, ҳеч қачон бўлмайди! Сен ҳозирнинг ўзидаёқ чорангни кўр деб айтиб қўяяпман. Менга қара, *анавига* уйланмаганман деб қасам ич!

— Лизавета Прокофьевна, сизга нима бўлди ўзи, қўйинг-е?— деб камоли ҳайратланганидан князь сал бўлмаса ўрнидан сакраб туриб кетай деди.

— Сал бўлмаса уйланай дегансан-ку?

— Сал бўлмаса уйланай деганман,— деб шивирлади князь ва бошини қуйи эгди.

— Нима, унда *уни* яхши кўриб қолганмисан бўлмаса? *Ушани* деб келдингми? *Анавини* айтаман?

— Мен уйланаман деб келганим йўқ,— деб жавоб берди князь.

— Сен учун бу дунёда муқаддас бўлган нарса борми?

— Бор.

— Ундай бўлса *анавига* уйланмайман деб сўз бер.

— Нима десангиз шунга қасам ичаман!

— Ишонаман; мени ўпиб қўй. Ниҳоят, кўнглим энди жойига тушди; лекин билиб қўй: Аглая сени севмайди, чорангни кўр, то мен тирик эканман, ҳеч қачон сеники бўлмайди! Эшитдингми?

— Эшитдим.

Князь шу қадар қизариб кетган эдики, Лизавета Прокофьевнанинг юзига тик қарашга ботинмасди.

— Единогда тут. Мен сени фариштани кутгандек кутдим (сен бунга арзимасанг ҳам!), мен кечалари йиғлаб ёстиқларимни ҳўл қилиб чиқдим,— сени деб эмас, бўталоғим, ташвишланмай қўя қол, менинг ўз қайғум, аламин бор, тугамайди ҳеч, ўзгармайди ҳам. Лекин сени интизор бўлиб кутганимнинг бир сабаби бор: мен ҳали-ҳамон ишонаман, сени менга худонинг ўзи ҳам дўст, ҳам биродар қилиб етказди. Менинг Белоконская деган кампирдан бошқа ҳеч кимим йўқ, бунинг устига у ҳам учиб кетди, яна дегин қариб қўйдаи аҳмоқ бўлиб қолган. Энди қисқа қилиб *ҳа, ё йўқ*, деб жавоб бер: уч кун аввал нега у извошдан туриб қичқирганлигини биласанми?

— Чин сўзим, асло хабарим йўқ, менга сира алоқаси йўқ!

— Бўлди, ишондим. Лекин мен ҳам энди бошқача фикрга келдим, лекин кеча эрталаб ҳаммасига Евгений Павлович айбдор деб ўтирган эдим. Энди албатта, уларнинг фикрларига қўшилмай иложим йўқ: шуниси очиқ-ойдинки, нимагадир, негадир,

пиманидир кўзлаб (мана шунинг ўзиёқ жуда шубҳали! жуда бемаза!) унинг устидан тоза аҳмоқ қилиб масхара қилдилар, — лекин Аглаяни ҳеч қачон унга бермайман, сенга айтяпман! Майли; у яхши бўлса ҳам бермайман. Мен олдин ҳам иккиланиб юрган эдим, энди қатъий қарор қилдим: «Аввал мени тобутга жойдаб, ерга кўмиб келингу, сўнг қизимни эрга беринглар», ўшанда Иван Федоровичга шундай дедим. Кўряпсанми, сенга ишонаман, кўряпсанми?

— Кўряпман, тушуниб турибман.

Лизавета Прокофьевна князга ўткир кўз билан қараб турарди; у Евгений Павлич ҳақидаги гаплар унга қандай таъсир қилаётганлигини балки билмоқчи бўлгандир.

— Гаврила Иволгин ҳақида ҳеч нарса билмайсанми?

— Яъни... кўп нарсаларни биламан.

— Унинг Аглая билан муносабат боғлаб юрганлигини билармидинг?

— Асло хабарим йўқ, — деб ҳайрон бўлди, ҳатто сесканиб кетди князь. — шма, Гаврила Ардалионович Аглая билан муносабатда, дедингизми? Бўлиши мумкин эмас!

— Яқиндан бери. Синглиси қиши билан қизларнинг қулоғини пишитиб чиққан экан, худди каламушнинг ўзгинаси.

— Мен ишонмайман, — деди князь бирмунча вақт мулоҳаза қилиб кўргач ҳаяжонланиб. — Агар шундай бўлганда мен билган бўлардим.

— Ўзи келиб сенинг кўксингга бош қўйиб кўзларида ёш билан мен шундай қилдим дерди-да, а, сенингча! Эҳ, сен ландавур, ландавур! Шунинг учун ҳамма сени алдайди худди... худди... Уялмайсанми унга шунчалик ишонгани? Наҳотки кўзинг кўр бўлиб қолган бўлса, бутун сени лақиллатиб ётганлигини кўрмасанг?

— У мени баъзан алдаб юрганлигини мен биламан, — секин истамайгина деди князь, — у ҳам менинг билишимни билади... — деб қўшимча қилди, лекин гапни охирига етказмади.

— Билиб туриб яна ишонарманми! Фақат шу етмагани! Айтгандай, сендан шунга кутиш мумкин. Яна ҳайрон бўлиб ўтирганимни қара. Е худо! Дунёда яна шунга ўхшаган одам бормикин! Суф-ей! Хўп, биласанми, мана шу Ганька ё бўлмасам Варька уни Настасья Филипповна билан гаплаштириб юрибдилар?

— Қимни?! — хитоб қилди князь.

— Аглаяни.

— Ишонмайман! Бўлиши мумкин эмас! Нима мақсадда? У ўтирган стулидан туриб кетди.

— Мен ҳам ишонмайман, лекин сезган жойим бор. Ўзбилармон қиз, ҳеч топилмас қиз, девона қиз! Заҳар, заҳар қиз! Минг

йил турсам шу гапни айтаман, заҳар! Ҳамма қизларим ҳозир шундай бўлиб қолишди, ҳатто сувга тушган товуқ Александра ҳам, лекин буниси жуда ҳаддан ташқари бўлиб кетяпти. Лекин ўзим ҳам ишонмайман! Балки ишонгим келмаётгани учун шундайдир,— деб қўшиб қўйди у худди ўзига-ўзи гапиргандай.— Нега бормай қўйдинг?— Бирдан князга ўгирилиб сўради у.— Нега уч кундан бери дарагинг йўқ?— деб қичқирди у бетоқат бўлиб.

Князь баҳоналарини айта бошлаган эди, у яна унинг сўзини бўлди.

— Яна ҳамма буни тентакка чиқариб алдаб юрганига ҳайронсан! Сен кеча шаҳарга борибсан; бас бойлашиб айтаманки, сен тиз чўкиб туриб анав аблаҳга ўн минг бермоқчи бўлгансан!

— Ундай эмас, ҳаёлимга ҳам келгани йўқ. Ҳатто кўрганым йўқ уни. Бундан ташқари у аблаҳ эмас. Мен ундан хат олдим.

— Кўрсат ўша хатни!

Князь жузгиридан хатни олиб Лизавета Прокофьевнага узатди. Хатда бундай деб ёзилганди:

«Марҳаматли афандим, одамларнинг назаридо менинг номусли бўлишга заррача ҳақим йўқ, албатта. Одамларнинг фикрича, мен номусли бўлишга арзитайман. Лекин одамлар шундай ўйлайдилар, сиз эмас. Мен қатъий амин бўлдимки, марҳаматли афандим, сиз бошқаларга қараганда эҳтимол яхшироқсиз. Мен Докторенкога қўшилмайман ва бу жиҳатдан қарашларимиз бутунлай бошқа-бошқа. Мен ҳеч қачон сиздан бир тийин ҳам олмайман, лекин сиз онамга ёрдам кўрсатибсиз, мен ожиз одам бўлганлигим боис, сиздан бунинг учун миннатдорман. Ҳар ҳолда мен сизга бошқача қарайман ва шу тўғрида сизга маълум қилиб қўйишни лозим кўраман. Боқий, шу билан бизнинг ўртамизда ҳар қандай борди-келди тўхтатилади. *Антип Бурдовский*».

Р. С. Икки юз сўмча етишмай қолган пул сизга маълум бир муддат ичидо тўла етказилади».

— Намунча чигал!— деди Лизавета Прокофьевна қоғозни итқитар экан,— ўқиб ўтиришга арзитайди. Нега тиржасан?

— Тан олинг, ўқигандан кейин сизнинг ҳам кўнглингиз жойига тушди.

— Нима! Шу кеккаймачоқ сафсатадан-а! Ахир ўзинг кўрмаётибсанми уларнинг ҳаммаси кеккайиш ва кибрдан жинни бўлиб қолганларини?

— Ҳа, лекин барибир у гуноҳини бўйнига олди, Докторенко билан алоқасини узди, у қанчалар кеккайган бўлса, кеккайиши

шунчалар ўзига қимматга тушади. О, сиз қанчалар гўдаксиз, Лизавета Прокофьевна!

— Нима, мендан охирида шапалоқ емоқчимисан?

— Йўқ, емоқчи эмасман. Сиз хатни ўқиб хурсанд бўлдингиз, лекин хурсанд бўлганлигингизни яширяпсиз, шунинг учун айт-ялман. Нега сиз ўз ҳиссиётларингиздан кўрқасиз? Сиз ҳамма вақт шундайсиз.

— Энди меникига асло қадам босма,— ўрнидан сакраб туриб кетди дарғазаб бўлган, ранги оқарган Лизавета Прокофьевна,— шу кундан эътиборан менга қорангни ҳам кўрсата кўрма!

— Уч кундан кейин ўзингиз келиб уйингизга чақириб кетасиз... Уялмайсизми? Булар сизнинг энг ажойиб туйғуларингиз, нега сиз улардан уяласиз? Ахир бу билан ўзингизни қийнайсиз, холос.

— Улсам ҳам чақирмайман! Отинг ўчсин! Отингни ўчирдим!! У князнинг ҳузуридан югуриб чиқиб кетмоқчи бўлди.

— Сиз айтмасангиз ҳам уйингизга боришни менга ман қилишган!— деб қичқирди князь унинг ортидан.

— Нима-а? Қим сенга борма деди?

У шу заҳоти орқасига қайтди, унга биров худди бехос игна санчиб олгандай бўлди. Князь жавоб беролмай талмовсираб қолди; у билмасдан нохос оғзидан қаттиқ гуллаб қўйганлигини сездди.

— Ким сенга ман қилди?— шиддат билан қичқирди Лизавета Прокофьевна.

— Аглая Ивановна ман қилдилар...

— Қачон? Э, га-пир-санг-чи!!!

— Ҳали эрталаб юборибди, бизникига қадам босмасин деб. Лизавета Прокофьевна шамдек қотиб турар, лекин фикри тез ишларди.

— Нима юборибди? Қимни юборибди? Боланими? Оғзаки айттирибдими?— деб хитоб қилди у яна.

— Мен хат олдим,— деди князь.

— Қани? Бер! Дарров!

Князь бир зум ўйланиб турди, сўнг барибир нимчасининг киссасидан бир парчағимланган қоғоз олди, қоғозда шундай деб ёзилган эди:

«Князь Лев Николаевич! Уртада бўлиб ўтган шунча нарсалардан сўнг ҳам сиз мени бизнинг боғимизга қадам ранжида қилишлик билан ажаблантирмоқчи бўлсангиз, амин бўлингизки, мени хурсанд бўлганлар қаторида кўрмаяжаксиз. *Аглая Епанчина*».

Лизавета Прокофьевна бир дақиқа ўйланиб турди; кейин

князнинг қошига югуриб келди-да, унинг қўлидан ушлаб судрай бошлади.

— Дарров! Бор! Жўрттага ҳозир, шу дақиқада!— деб қичқирарди у фавкулудда сабрсизлик ва ҳаяжон билан.

— Лекин сиз мени мажбур қиляпсиз...

— Нимага? Бугуноҳ лақма! Худди эркакка ҳам ўхшамайди! Ана, энди ҳаммасини ўзим кўраман, ўз кўзларим билан кўраман...

— Шошманг, жуда бўлмаса шляпамни кийиб олай...

— Мана ўша ярамас шляпанг, юр! Шуни ҳам ўзига мосини танламабди!.. Демак, у... ҳалигидан кейин... қизишиб,— деб пи-чирларди ўзича Лизавета Прокофьевна князни ўзи билан эргаштириб бораркан, уни қўлидан чиқармасдан,— ҳали сенинг ёнинг-ни олган эдим, жинни у, шунинг учун келмаяпти, дегандим... бўлмаса бундай алмойи-алжойи хат ёзмаган бўларди! Беадаб хат! Наслу насабли, тарбияли, ақлли, ақлли қиз учун беадаблик бу!.. Ҳм,— давом этди у,— келмаётганингдан ўзининг юраги гаш бўлган экан, фақат телба одамга бундай қилиб ёзиб бўлмаслигини ҳисобга олмаган, чунки телба буни тўппа-тўғри тушунади, шундай бўлиб чиқди ҳам. Сен нега қулогингни динг қилиб турибсан?— деб қичқирди у бирдан ортиқча гапириб юборганлигини сезиб.— Унга сендек бир масхарабоз керак, анчадан бери кўрмаган, шунинг учун сенга хат юборган! Хурсандман, хурсандман, у энди сени одам қилади! Сен шунга лойиқсан. Бу унинг қўлидан келади, о, шундай қиладикки!..

УЧИНЧИ ҚИСМ

I

Бизда амалий одамлар йўқ, деган шикоятни ҳар қадамда эшитиш мумкин. Сиеватдонларимиз кўп, дейдилар; генераллар ҳам бисёр; турли-туман бошқарувчиларни истаганча топса бўлади— лекин амалий кишилар йўқ. Жилла курса, йўқ деб шикоят қилади. Ҳатто баъзи бир темир йўлларда тузукроқ йўл хизматчилари ҳам йўқ, дейишади. Сал бўлсин қаноатланарли ишлайдиган ходимларни кемачилик бўйича ҳам топиш қийин, дейдилар. Фалон ердаги янги очилган йўлда вагонлар тўқнашиб кетибди, кўприкдан қулабди, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади; бошқа бир ерда поезд қор босган даланинг ўртасида қолиб кетибди: бир неча соатгагина йўлга чиққан одамлар беш кун қолиб кетишибди ўша ерда, деб ваҳима қилишади. Бошқа бир жойда эса неча минглаб ботмон юк икки-уч ойдан бери жўнатилмасдан чириб ётибди, яна бир ерда (ҳатто одамнинг

ишонгиси келмайди) бир хизматчи, тўғрироғи, назоратчи аллақайси бир савдогарнинг приказчигини өзига урибди, приказчик менинг юкларимни жўнатасан деб тиқилинч қилган экан, сўнг ўз хизматчилик бурчини адо этиб бўлиб яна ўзини «қизишиб кетибман», деб оқламоқчи бўлибди. Давлат хизматида идоралар шунчалар кўпки, ўйласанг, сочинг тик бўлиб кетади; ҳамма хизмат қилган, ҳамма хизмат қиляпти, ҳамма хизмат қилиш иштиёқида,— шундай бўлгандан кейин яна қандай қилиб кемачилик ишларига хизматни дурустроқ эплайдиган одамларни топиб бўлмайди, деб ҳайроғ бўласиз?

Бунга баъзан жуда ҳам содда қилиб жавоб беришади, шунчалар соддаки, ҳатто одам ишонгинг келмайди. Рост, бизда кимни қараманг хизмат қилади, кимни қараманг, хизмат қилган, дейдилар, мана икки юз йилдан бери энг яхши немис қондаларига биноан йўлга қўйилган бу хизматчилик давом этиб келади, бобокалонлардан эвара-чевараларга мерос бўлиб ўтади,— лекин шунга қарамасдан, хизматчиларнинг ҳаммаси амалий ишга полотиқ одамлар, иш ҳатто шу даражага бориб етганки, яқин кунларга хизматчиларнинг ўзлари ўртасида амалий билимлар ва кўникмаларнинг йўқлиги энг буюк фазилат деб қаралган ва тавсия этилган. Дарвоқе, биз бекор хизматчилар ҳақида сўзляймиз, биз аслида амалий одамлар ҳақида гапирмоқчи эдик. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, юраксизлик ва заррача ташаббуснинг йўқлиги бизда доимо амалий одамнинг энг муҳим ва энг яхши хусусияти деб ҳисобланган, ҳозиргача шундай ҳисобланади. Лекин агар шу фикрни айб деб санайдиган бўлсак, нега энди фақат ўзимизни айбдор деб ҳисоблашимиз керак? Узига хосликнинг йўқлиги ҳар ерда, бутун дунёда азал-абад ишчан, ишбилармон, уддабурон одамнинг энг муҳим фазилати ҳисобланган, унга фазилатнинг бор-йўқлигига қараб баҳо берганлар, жилла курси, одамларнинг юздан тўқсон тўққиз фонзи (ҳа, жилла курси шунчаси) мана шундай фикрда бўлган, фақат юздан бир бўлак одамларгина доимо бошқача фикрда бўлиб келади.

Даҳолар ва кашфиётчилар қаерда бўлмасин иш бошлаган чоғларнда (кўпинча ишнинг сўнгида ҳам) жамият уларга телба бўлиб қолган одам деб қараган,— бу жуда эски, сийқаси чиқиб кетган, ҳамма биладиган гап. Мисол учун ўн йиллар мобайнида ҳамма ўз пулини ломбардга қўйиб юрди ва тўрт процент учун миллиардлаб сўмни ўша ерга ташламади, сўнг ломбард йўқ бўлгач, ҳамма ўз бошига иш қилишга мажбур бўлиб қолди, кейин неча-неча миллион пуллар турли-туман акционерлар ва қаллобларнинг қўлларига тушиб куйди,— бунга ҳатто одоб ва хушхўлқликнинг бир талаби деб ҳам қарашди. Ҳа, шундай,

хушфёъллик деб; хушфёълларча қўрқоқлик ва ўзига хосликнинг йўқлиги бизда шу пайтгача ҳам ҳамманинг ишончига кўра амалий ва баодоб одамнинг ажралмас бир фазилати деб сана-либ келинган экан, бирдан ўзгариб бошқача бўлиб қолиш ҳам одобдан ва инсофдан бўлмайди деб қараларди. Қизи ёки ўгли жиндаккина издан чиқадиган бўлса, қайси мисол учун ўз фарзандини жондан севган она бирдан қўрқиб кетмайди, қўрққанидан касал бўлиб қолмайди деб ўйлайсиз: «Йўқ, яхшиси боши омон бўлиб егани олдида, емгани ортида юраверсин, бошқача бўлиб нима қилиб берарди»,— деб ўйлайди боласини тебратиб ўтирган ҳар бир она. Бизнинг энагаларимиз ҳам азалдан болаларни алла айтиб ухлатаётганларида: «Тахтинг-бахтинг олтин бўлсин, катта бўлсанг, генерал бўл!»— деб айтадилар. Демак, бизнинг энагаларимиз ҳам генерал бўлишни рус толсининг энг баланд чўққиси деб ҳисоблаганлар. Рўшнолик ва фаровонликнинг энг баланд миллий даражаси деб қараганлар. Ростдан ҳам: имтиҳонларни ўртача топшириб ва ўттиз беш йил хизмат қилиб,— ким биздан алоҳа генерал бўлмайди, ломбардда бирмунча пул йиғмайди дейсиз? Шундай қилиб, рус кишиси сира ҳам уринмасдан уддабурон ва амалий одам деган номни қозонарди. Моҳият-эйтибори билан бизда фақат ўзига хос, бошқача сўз билан айтганда, нотинч одамларгина генерал бўлмасликлари мумкин эди. Эҳтимол бу ерда андак англашилмовчилик бордир; лекин умуман айтганда, афтидан, бу тўғри бўлса керак, ва бизнинг жамиятимиз ўзининг амалий одам қандай бўлиши керак, деган орзусида ҳақ. Шундай бўлса ҳам биз жуда кўп ортиқча нарсаларни сўзлаб юбордик; аслида ўзи бизга таниш Епанчинлар хонадони ҳақида бир неча сўз айтмоқчи эдик. Бу одамлар, жилла курси, бу хонадоннинг фикрловчи аъзолари биз юқорида баён қилиб ўтган фазилатларга бутунлай қарама-қарши бўлган, лекин шу хонадон аъзоларига тегишли бир хислатдан доимо азоб чекиб юрардилар. Асосий гап нимада эканлигини тушунмасдан (чунки уни тушуниш жуда қийин эди), улар ҳар қалай баъзан ўз хонадонларида ҳамма нарса бошқаларникидан бутунлай фарқланиб туришини сезиб қолардилар. Ҳамманики силлиққина кечади, уларники ғадир-будур; ҳамма бир изга тушиб олган, улар ҳадеса издан чиқиб кетаверадилар. Ҳамма хушфёъллик билан ҳеч нарсага журъат қилмай туради, улар эса бундай қилмайдилар. Лизавета Прокофьевна, тўғри, жуда ҳам чўчиб турарди, лекин бу улар истаган киборларга хос журъатсизлик эмас эди. Воқеан, афтидан, фақат Лизавета Прокофьевнагина ташвишланарди: қизлар эса ҳали жуда ёш эдилар,— лекин зийрак ва зарофатли эдилар,— генерал эса хийлагина фаросатли бўлишига қарамасдан (андак даққилиги ҳам йўқ эмасди) мушкул

пайтларда фақат «хм!»— деб қўяр ва охири барини яна Лизавета Прокофьевнанинг ихтиёрига таълаб қўярди. Алалхусусе, бутун масъулият Лизавета Прокофьевнанинг бўйнида эди. Йўқ, мисол учун, бу хонадон ўзининг алоҳида жонбозлиги билан ажралиб турмасди, атай бошқаларга ўхшамаслик учун ҳадеса издан чиқиб кетавермасди, атай шундай қилинганда бу уят бўларди, йўқ, ундай эмасди. О, йўқ! Чинакамига олиб қараганда бундай нарсаларнинг ўзи йўқ эди, ўз олдига бир мақсад қўйиб онгли суратда шундай қилинмасди, лекин барибир охирида шундай бўлиб чиқардики, Епанчинлар хонадонни гоётда обрўли хонадон бўлишига қарамасдан, қандайдир ҳамма обрўли хонадонлардан жуда ҳам ажралиб турарди. Худди обрўли хонадонда бундай бўлмаслиги керакдай эди. Кейинги пайтларда Лизавета Прокофьевна ҳамма нарсада ёлғиз ўзини айбдор деб сайнайдиган бўлиб қолди, менинг «бадбахт» феълим туфайли шундай бўляпти, деб қаттиқ азоб чекадиган бўлди. У дам сайин ўзини «аҳмоқ, уятсиз девона», деб койир, васвасаларга берилиб қийналар, ўзини тинимсиз йўқотиб қўяр, нарса-ҳодисаларнинг энг оддий тўқнашувларидан ҳам ақли шошиб қолар ва дам сайин олам кўзига қоронғи кўринар, ҳамма ёқдан бахтсизлик ёғилиб келаётганга ўхшарди.

Биз ҳикоямизнинг бошидаёқ Епанчинлар хонадонни ҳамманинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлганлигини эслатиб ўтган эдик. Ҳатто келиб чиқиши бирмунча қоронғи бўлишига қарамасдан Иван Федоровичнинг ўзи ҳамма ерда обрў-эътибор билан қабул қилинган, бунинг шубҳаланадиган жойи қолмаганди. У албатта, ҳурматга лойиқ эди, биринчидан, у давлатманд эди, «итнинг кейинги оёғи» эмасди, иккинчидан, анча тузук одам эди, лекин калтабинроқ эди. Бироқ калтабинлик барча арбобларнинг, жилла қурса, мукка тушиб пул йиғадиганларнинг ҳаммалари учун жуда зарурий бир хислатдир. Ва ниҳоят, генералнинг одатлари анча яхши эди, камтарин эди, гилини тия олар ва шу билан бирга ҳеч кимга огзидаги ошини олдирмас эди,— фақат генерал бўлганлиги учунгина эмас, балки номусли ва олижаноб одам сифатида шундай қиларди. Ҳаммасидан ҳам муҳими, унинг ошна-оғайнигарчилиги жуда зўр эди. Лизавета Прокофьевнага келганда эса, у тепада баён қилиб ўтганимиздек, наслу насабли эди, лекин бизнинг замонамизда таниш-билишлар зўр бўлмаса, наслу насабингга унчалар қараб ўтирмайдилар нафсиламрга. Лекин Лизавета Прокофьевна ўзига яраша борди-келдилари бор хотин эди. Уни бора-бора шундай одамлар ҳурмат қилиб, яхши кўриб қолдиларки, табиий, бошқалар ҳам шунга қараб уни ҳурмат қиладиган, йиғин-ясоқларга чиқарадиган бўлдилар. Ҳеч шубҳасиз, унинг хонадон туфайли чекаётган қай-

гулар асоссиз эди, қайғуриб ўтиргудек бир сабабнинг ўзи йўқ, ҳаммаси кулгили бир тарзда ошириб юборилганди. Лекин кимнинг бурни устига ёки қоқ пешонасига ортиқ чиққан бўлса, назарингизда ҳамма шу ортиққа қараётгандай, мабодо сиз Американи очиб берган бўлганингизда ҳам ҳеч кимнинг шу ортиқдан бошқа иш-хуши қолмагандай бўлиб туюлади. Шубҳасиз, ўз даврасида Лизавета Прокофьевнани «қизиқ хотин» деб ҳисоблардилар; шу билан бирга, шубҳасиз, уни ҳурмат қилардилар. Лизавета Прокофьевна эса бора-бора уни чиндан ҳурмат қилишларига ҳам ишонмай қўйди — ҳамма бало мана шунда эди. У қизларига қараб туриб, мен тинмай уларнинг ўсишига халақит беряпман, феълим кундан-кунга кулгили ва ёмон, бетаъсир бўлиб бораётибди, деб ўзини-ўзи қийнагани қийнаган эди, — шунинг учун у тўхтовсиз сурагди ўз қизлари билан Иван Федоровични гуноҳдор қилар, уззукун улар билан жанжаллашгани жанжаллашган эди, лекин шу билан бирга уларни ҳаддан ортиқ яхши кўрар, улар учун балки жонини ҳам аямасди.

Уни ҳаммадан ҳам қийнайдиган нарса, қизларим ҳам тобора худди ўзимга ўхшаган «қизиқ қизлар» бўлиб бораётибдилар, бундай қизлар бошқа йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, деган ўй эди. «Нега булар бунчалар қуроқсиз бўлиб кетишяпти!» — дерди у ўзига-ўзи ҳадеб. Кейинги йилларда ва айниқса, шу кунларда бу маънос фикр унда тобора мустаҳкамлана борарди. «Биринчидан, нега улар эрга чиқмайдилар?» — деб сўрарди у ўзидан-ўзи ҳадеб. «Улар мени қийнашни мақсад қилиб олганлар, албатта, шундай, ҳаммаёқни янги фикрлар, ўша ярамас хотинлар масаласи деган нарса босиб кетди! Ахир, Аглая бундан ярим йилча бурун сочимни кестираман деб туриб олмадими, шундай ажойиб сочларини-я? (Вой худойим-ей, бизнинг вақтимизда бундай сочлар қаёқда эди!) Қўлига қайчи ушлаб олибди-я, зўрға ялиниб-ёлвориб қўлидан олибман!.. Хўн, буниси, айтайлик, онасини қийнаш учун атай шундай қилган бўлса, ўзи заҳар, ўзбилармон, тантиқ қиз, энг ёмони заҳар, заҳар! Лекин бу семиз Александра ҳам ундан кейин сочимни қирмаган деб туриб олмадими, бўлмаса бу қувлик, шумликни билмайди, инжиқлик қилмайди, жинниларга ўхшаб чин юракдан шундай қилмоқчи бўлди-я, уни ҳам Аглая йўлдан урди, сочимни қорқиб ташласанг, маза қилиб ухлайсан, бошинг оғримайди деб! Мана беш йил бўлди, қанчадан-қанча совчилар келди, одам қўйишди-я! Яна қандай одамлар деми, ажойиб одамлардан совчилар келган эди! Улар ҳамон нимани кутиб ётишибди, нега эрга чиқишмайди? Атай менинг жигимга тегиш учун шундай қиладилар, бошқа биронта ҳам сабаби йўқ! Биронта ҳам! Биронта ҳам!»

Ниҳоят, она кўксига офгоб тегадиган кунлар ҳам келди; жилла қурса, битта қизи, Аделаидани алоҳа узатадиган бўлди. «Жуда бўлмаса биттасидан қутулиб олай»,— дерди Лизавета Прокофьевна овозини чиқариб гапиришга тўғри келиб қолганда (у ўз-ўзи билан сўйлашганда буни жуда ширин қилиб айтарди, албатта). Иш ҳам жуда чиройли, жуда рисоладагидек қилиб қиёмига етказилди; киборлар ўртасида ҳам бу ҳақда ҳурмат билан гапирардилар. Танилган одам, князь, давлатманд, яхши йигит, бунинг устига Аделаиданинг ўзига жуда ёқади, шундан яхшиси борми? Лекин бошқа қизларига қараганда Аделаидадан авваллари ҳам кўнгли тўқ эди, лекин унинг ижодкорлик майллари донм ҳар нарсадан гумонсирайверадиган Лизавета Прокофьевнани бирмунча безовта қилиб турарди. «Феъли қурғур яхши, қувноқ қиз, бунинг устига ўзи ҳам доно,— тегирмонга тушса, бутун чиқадиган»,— деб ўзини-ўзи овуларди Лизавета Прокофьевна. У ҳаммадан кўпроқ Аглаядан кўрқарди. Дарвоқе, тўнғич қизи Александра хусусида нима деб ўйлашга Лизавета Прокофьевнанинг ўзи ҳайрон эди: уни деб кўрқини керакми, йўқми? Дам қарасангиз, назарида бу қизнинг тақдири умуман барбод бўлгандай кўринарди; йиғирма бешга кирди, энди қари қиз бўлиб қоладиганга ўхшайди. Яна «шундай кўҳлик қиз бўла туриб-а!..» Лизавета Прокофьевна шу қизини ўйлаб баъзан кечалари йиғлаб чиқарди, ваҳоланки, Александранинг ўзи бу пайтда бамайлихотир маза қилиб ухлаб ётган бўларди. «Э, нима бўлган ўзи унга,— ҳеч нарсага ишонмайдиган бўлиб қолганми ёки тентакнинг ўзими?» Унинг тентак эмаслигини Лизавета Прокофьевнанинг ўзи ҳам яхши биларди: у Александра Ивановнанинг фикрларини жуда қадрлар ва у билан маслаҳатлашишни яхши кўрарди. Лекин «хўл товук»— бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ: «Шу қадавр бегамки, туртсанг ҳам парвойинга келмайди! Лекин «хўл товуклар» ҳам у қадавр тинч эмас,— уф! Булар билан жуда эсанкираб қолдим!» Лизавета Прокофьевна Александра Ивановнага ҳаддан ташқари раҳми келар, унга шафқат кўзи билан қарар, бунинг сабабини ўзидан сўралса, тушунтириб бериши ҳам қийин эди, уни ҳатто ўзи сифинадиган Аглаядан ҳам бу жиҳатдан ортиқ кўрарди. Лекин унинг ачиқ-тинизик гаплари (унинг оналарга хос меҳрибонлиги ва яхши кўриши шунда кўпроқ намоён бўларди), кесатишлари, «хўл товук» деб жонига тегмоқчи бўлишлари Александранинг кулгисини қистатарди, холос. Баъзан шу даражага бориб стардики, Лизавета Прокофьевна сира арзимаган нарсалардан жаҳли чиқиб хафа бўлиб кетарди. Александра Ивановна, мисол учун, узоқ ухлаб ётишни яхши кўрар, одатан, кўп туш кўрарди; лекин унинг тушлари фавқулодда мазмунсиз ва маъсум тушлар

бўларди,— етти яшар бола шундай тушлар кўрса эҳтимол; шу, тушларнинг бунчалар маъсумлиги ҳам онанинг гашига тега бошлади ҳатто. Бир куни Александра Ивановна тушида тўқ-қизта товуқ кўрибди, шундан она-бола ўртасида жанжал чиқди,— нимага? — буни тушунтириб бериш осон эмас. Фақат бир марта, унинг тушига ҳақиқатан ҳам ғалати бир нарса кирди,— тушида ёлғиз бир роҳибни кўрибди, роҳиб аллақандай бир хонада ёлғиз ўзи қоронғида ўтирганмиш, Александра унинг ҳузурига киргани кўрқармиш. Унинг бу тушини хандон ташлаб кулган сингиллари дарров Лизавета Прокофьевнага етказдилар. Лекин она яна хафа бўлиб кетиб, учовларини жинни бўлиб-сизлар, деб уришди. «Ҳм! жиннинг ўхшаб жимгина юради, «хўл товуқ»дан бир тук фарқи йўқ, тенга-тебранмас, лекин маъюс, баъзан жуда маъюс бўлиб юради! Ниманинг қайғусини қилади, ниманинг?» Баъзан у шу саволини Иван Федоровичга берар, ундан шиддат билан дарров жавоб олишни истарди, то жавоб олмагунча асабийлашарди. Иван Федорович ҳимранар, ҳўмрайар, елкаларини учирар ва ниҳоят қўлларини ёзиб туриб дерди:

— Эр керак!

— Худоё худовандо, фақат сизга ўхшаганига учрамасин, Иван Федорович,— деб тарс ёрилиб кетарди алоҳа Лизавета Прокофьевна,— плоё ўй-хаёли ҳам сизникига ўхшамасин, Иван Федорович; сизнингдек қўполдан-қўпол ҳам бўлмасин шқилиб Иван Федорич...

Иван Федорович дарров қочиб қолар, Лизавета Прокофьевна эса ёрилиб бўлгач, анча ҳовурдан тушарди. Албатта, ўша куни кечқурун у Иван Федоровичнинг ҳурматини жуда ўрнига қўяр, унга меҳрибончилик қилар, кўнглини олар, ўзимнинг «қўполдан-қўпол» Иван Федоровичим, меҳрибон, азиз ва қадрдон Иван Федоровичим, дерди, зотан у ўз Иван Федоровичини севар ва қадрлар, буни Иван Федоровичнинг ўзи ҳам билар ва бунинг учун ўзининг Лизавета Прокофьевнасини ҳаддан зиёда ҳурмат қиларди.

Лекин уни энг қийнайдигани Аглая эди.

«Худди ўзим, худди ўзим, бир тук кам ери йўқ,— дерди ўзига-ўзи Лизавета Прокофьевна,— ўзбошимча, ярамас шайтон! Ҳеч нарсага ишонмайди, ғалати, ғалати, телба, заҳар, заҳар! О, парвардигорим, у қанчалар бахтсиз бўлади!»

Аммо ҳали айтиб ўтганимиздек, офтоб чиқиб бир зумга ҳам-маёққа майин нурларини сочди, ҳаммаёқни нурафшон қилди. Лизавета Прокофьевнанинг ҳаётида шундай бир ой бошландики, у ўзининг барча ташвиш-ғамларини унутгандай бўлди. Киборлар ўртасида Аделаиданинг бўлажак тўйи ва Аглая ҳақида гаплар юриб қолди, шуни ҳам айтиш керакки, Аглая ўзини қаерда

бўлмасин шундай гўзал, шундай сокин, шундай вазмин, шундай ақлли, шундай голибона ва зигирдаккина мағрур тутади, о, қанчалар ярашади унга буларнинг бари! Ойисига шунча меҳрибон, шунча ширин бўлди бутун ой давомида! («Рост, ҳали бу Евгений Павлович деганларини яхшилаб кўриш керак, унинг қандай одамлигини билиш зарур, бунинг устига Аглаянинг ўзи ҳам унга унчалар рўйхуш бермайди шекилли!») Барибир шунчалар ажойиб бир қиз бўлдики,— мунча ҳам ширин бўлмаса, ё худо, мунча ҳам ширин бўлмаса, кундан-кунга очилиб бир чиройига ўн чирой қўшилиб боряпти! Энди-чи...

Энди манави бемаза князча, мана шу ярамастига тентак бола сал қорасини кўрсатган эди ҳамки, яна ҳаммаси остин-устун бўлиб кетди, яна уйда алғов-далғов!

Нима бўлди ўзи?

Бошқаларнинг кўзи билан қараганда, албатта, айтарли ҳеч вақо бўлгани йўқ. Лекин Лизавета Прокофьевна бошқалардан шуниси билан ажралиб турар эдики, энг оддий нарсалардан тугиладиган чалқашликлар, боғланишлардан ўзига хос безовта бир назари билан бошқалар кўрмаган ва фарқига бормаган нарсаларни пайқаб, сезиб олар, бундан кўрқиб кетиб жони сирқирай бошлар, бир шубҳаси ўн бўлар, ҳеч тушунтириб, ифодалаб бўлмайдиган бир ваҳима бутун вужудини қамраб оларди. Чидаб бўлмасди бу ваҳиманинг залварига. Мана энди шунча бемаъни ва асоссиз, кулгили ташвишлар орасидан кутилмаганда ҳақиқатан ҳам қандайдир жуда муҳим, чиндан аллақандай ташвиш, шубҳа ва гумонлар қилишга сазовор алланималардир куртаклаб кела бошлаган бир пайтда унинг аҳволини бир кўрсангиз эди.

«Анави махлуқ билан Аглая муносабат қилиб юрибди, деб қуриб кетгур думалоқ хатни ёзишга қандай юзлари чидадийкин, қандай чидадийкин? — деб ўйлаганди Лизавета Прокофьевна князни йўлдан то уйга эргаштириб, то ҳамма хонадон аъзолари йиғилишиб ўтирган доира стол олдида келгириб ўтқазунича,— қандай қилиб хаёлларига келтирдийкинлар? Мен агар бунга зигирча ишонганимда ва ёки Аглаяга бу хатни кўрсатганимда уятдан тириклай ўла қолган бўлардим! Епанчинларнинг устидан кулишларини қаранг буларни! Ҳаммаси, ҳаммаси Иван Федорич туфайли, ҳаммаси сиз туфайли бўляпти, Иван Федорич! Оҳ, нега ҳам Елагинга кета қолмабмиз: мен ахир Елагинга борайлик, деб айтган эдим-ку! Бу хатни Варька ёзган бўлса керак, мен биламан, ёки бўлмаса... ҳаммасига, ҳаммасига Иван Федорич айбдор! Анави махлуқ олдинги бўлган ишларни ўйлаб масхара қилган, уни кулгили аҳволга солиб қўймоқчи бўлган, илгариларин ҳам уни худди шунга ўхшаб майна қилиб юрган, бур-

нидан ип ўтказиб олган, лақиллатган ўша дур кўтариб бориб юрган пайтларида... Нима ҳам қилиб, бўларди, биз ҳаммамиз аралашиб қолганмиз, қизларингиз ҳам аралашиб қолганлар, Иван Федорич, ваҳоланки сизнинг қизларингиз жамиятимизнинг сара қизлари, эртами-индин бировга қайлиқ бўладиган моҳпора қизлар; улар ўша ерда туришган эди, ҳаммасини ўз қулоқлари билан эшитишди, анави болаларнинг жанжалларига ҳам аралашиб қолишди, хурсанд бўлинг, уларнинг барча гап-сўзларини ҳам эшитишди! Ҳеч қачон кечирмайман мен манави князчани, ҳеч қачон кечирмайман! Нега бу Агляя уч кундан бери ўзини қўйгани жой тополмайди, нега опалари билан жиқиллашиб юрибди, ҳатто Александрани қўлларидан ўпиб, хурмат қилиб юрадиган одам бирдан уни ҳам қайириб ташлади? Нега уч кундан бери у ҳамманинг бошини қотириб юборди? Гаврила Иволгин бу ерда нима қилиб юрибди? Нега у кеча ва бугун Гаврила Иволгинни мақтаб кетди; нега йиғлаб юборди? Нега анави қуриб кеткур «шўрлик рицарь» думалоқ хатда ҳам тилга олинган, ваҳоланки, у княздан олган хатни ҳатто опаларига ҳам кўрсатмаган-ку. Ва яна нега... нега, нега мен унинг олдига ўтдан кўрққан мушукдай югургилаб бордим ва нега уни бери ерга судраб олиб келдим? Худойим, мен жинни бўлиб қолибман, нима қилиб қўйдим! Қизимнинг сирларини манави йигитга айтиб ўтирибман, яна бунинг устига... яна бунинг устига бу сирларнинг бари унинг ўзига дахлдор бўлса! Худойим, яхшиямки, у телба ва... ва... хонадонимизнинг яқини! Наҳот Агляя шу таъвияга илиқиб қолган бўлса? Худойим, мен нима деяман ўзи! Туф-ей! Антиқа одамлармиз... бизнинг ҳаммамизни, ва айниқса мени биринчи бўлиб ойна тагига ўтқизиб ўн тийиндан кириш ҳақи белгилаб томошага қўйиш керак. Бунинг ҳеч қачон кечирмайман, Иван Федорич, ҳеч қачон кечирмайман! Унинг болаб адабини бермоқчи эди. Нега энди уни илгакка олмай индамай қараб ўтирибди! Ана, ана, вой, унга қарашини кўринг, индамай турибди, кетиб ҳам қолмади, яна келманг, деб ўзи хат ёзибди... Князнинг бўлса ранги ўчиб кетди. Вой қуриб кеткур, қурибгина кеткур маҳмадона Евгений Павлич-ей, ҳеч кимга оғиз очирмайди-я! Бидирлашини қаранг, сўз бермайди бошқаларга. Мен ҳозир ҳаммасини билиб олган бўлардим, ўртада фақат гап очила қолсайди...»

Князь ҳақиқатан ҳам думалоқ стол олдида пича ранги оқарган ва афтидан, вақт-вақти билан нимадандир ҳаддан ташқари кўрқаётганга, гоҳида эса унинг ўзига ҳам тушунарсиз бўлган ва бутун вужудини қамраб олаётган масарратга тўлаётганга ўхшарди. О, анави икки лаҳча чўғдек қора кўзлар ўзига тикилиб турган бурчак томонга қарашга қанчалар юраги бетламас-

ди, шу билан бирга шу топда уларнинг ўртасида ўтирганидан, таниш овозни эшитаётганидан, яна буларнинг бари қизнинг ўзига ёзган анави хатидан кейин рўй бераётганидан беҳад шод эди. «Ё раббим, мана энди у нима деркин!» Унинг ўзи ҳали бир огиз ҳам сўзламаган, фақат «булбулгўё бўлиб сайраётган». Евгений Павловичга сергакланиб қулоқ соларди; Евгений Павлович камдан-кам пайтларда бундай қизишиб, берилиб сўйларди. Князь унинг гапларига анчагача қулоқ солиб ўтирди-ю, лекин ҳеч нарса тушунолмади. Петербургдан ҳали қайтмаган Иван Федоровичдан бошқа ҳамма шу ерда эди. Князь Ш. ҳам шу ерда ўтирарди. Афтидан, бирпасдан сўнг то чой тайёр бўлгунча музика эшитишмоқчи эди. Ҳозирги гаплар князь бу ерга келгунга қадар бошланган эди ҳамаси. Кўп ўтмай районда аллақаяқдан Қоля пайдо бўлди. «Уни, демак, илгаригидай қабул қилишаркан»,— деб ўйлади князь ичида.

Епанчиларнинг боғ уйи швейцарияча усулда қурилган, дангиллама уйнинг тўрт томони гулзорларга бурканганди. Гулзорларга мўъжазгина, тароватли боғ тутаниб кетарди. Худди князникидек бу ерда ҳам барчалари районда ўтиришар эдилар. Фақат равои кенгроқ ва ҳашамдорроқ эди.

Бўлаётган гапнинг мавзуси, афтидан, кўпларга унча хуш ёқмаётганди; гап енгилроқ, ҳавойироқ бир баҳсдан бошланиб кетганлиги билиниб турар, албатта, ҳамма энди бошқа мавзуларга кўчишни хоҳлар, лекин Евгений Павлович ўчакишиб қайсарлик билан ўша битта гапдан қолмасди; князнинг келиши билан у яна пича қизишгандай бўлди. Лизавета Прокофьевна унча яхши тушунмаётган бўлса ҳам хўмрайиб жим ўтирарди. Аглая бир чеккада, бурчак томонда ўтирар, ўрнидан қўзғалмас, миқ этмай эшитарди.

— Ижозат этинг, — деб қизларди Евгений Павлович, — мен либерализмга қарши ҳеч нарса дётганим йўқ. Либерализм гуноҳ эмас; у бутуннинг зарурий бир бўлаги; шусиз бутун парчаланиб кетади ёхуд қотиб қолади; либерализм худди хушфёъл консерватизм сингари яшашга ҳақли; лекин мен рус либерализмига қаршиман, яна қайтараман, қаршилигимнинг бонси шундаки, рус либерали аслида *рус либерали* эмас, балки *рус бўлмаган* либералдир. Қани менга рус либералини беринг, мен кўз ўнгингизда уни ўпиб қўяман.

— Агар у сизни ўпишга рози бўлса, — деб эътироз билдирди Александр Ивановичдан ҳаддан ташқари ҳаяжонланган ҳолда. Унинг икки юзи одатдан ташқари ловуллаб қизариб кетганди.

«Вой анавини қаранглар-а, — деб ўйлади ичида Лизавета Прокофьевна, — дам қарасанг, еб-ичиб ухлашдан бошқани билмайди, тепиб тебратормайсан, дам қарасанг, йилда бир марта

шундай гапириб қўядики, қараб ҳайрон бўлиб ўтираверасан». Евгений Павлович жиддий мавзуда енгил-елпи қилиб, ҳазил-хузулга олиб ва бунинг устига ҳам қизишиб, ҳам майнавозчилик қилаётгандай бўлиб сўзларди, князь Александра Ивановнага шу ёқмаётган бўлса керак, деб дилидан ўтказди.

— Сиз келишингиздан сал олдин мен айтаётган эдимки, князь,— давом этди Евгений Павлович,— шу пайтгача бизнинг либералларимиз икки қатламга бўлинган: илгариги помещиклар (ҳозир бекор қилинган) ва семинаристлар. Иккала табақа ҳам бошқаларга бутунлай қўшилмайди, миллатдан мутлақо ажралиб қолди, кундан-кунга авлоддан-авлодга бу ажралиш зўраймоқда, шундай экан, улар қилган ва қилаётган ишларнинг ҳаммаси миллий эмас...

— Нима? Демак, қилинган ишларнинг ҳаммаси русларнинг иши эмасми?— эътироз билдирди князь Ш.

— Миллий эмас; руслар қилган бўлса ҳам, лекин миллийликдан маҳрум; бизнинг либералларимиз ҳам рус эмас, консерваторларимиз ҳам рус эмас, ҳаммаси... Ишончингиз комил бўлсинки, миллат помещиклар билан семинаристлар томонидан қилинган ишларни ҳеч қачон тан олмайди, на бугун ва на эрта...

— Жуда соз! Агар гапларингиз жиддий бўлса, қандай қилиб сиз уни соғлом бир фикр деб тасдиқлай оласиз? Мен рус помещиғи хусусида бундай енгил-елпи гапларни ҳазм қилолмайман; сиз ўзингиз рус помещиғи бўласиз ахир,— деб қизғин эътироз қиларди князь Ш.

— Э, мен рус помещиғи ҳақида бу маънода айтаётганим йўқ. Жуда мўътабар табақа, буни меннинг шу табақага мансублигимдан ҳам билса бўлади; айниқса, эндиликда у бекор қилингандан кейин...

— Наҳотки бадий адабиётда ҳам миллий нарсалар йўқ?— деб унинг сўзини бўлди Александра Ивановна.

— Мен адабиёт соҳасида моҳир эмасман, лекин рус адабиёти ҳам тўла-тўқис рус адабиёти эмас, эҳтимол Ломоносов, Пушкин ва Гоголь бундан мустаснодир.

— Биринчидан, бу оз эмас, иккинчидан эса, уларнинг бири халқ ичидан чиққан, қолган иккитаси помещиклардан,— деб кулди Аделаида.

— Худди шундай, лекин шошмай туринг. Ҳамма рус ёзувчилари ичидан фақат мана шу уч киши чиндан ҳам фақат *ўзига* хос, ўзларига тегишли гапларни айтишга муяссар бўлдилар, уларнинг ҳамма гаплари ўзлариники, ҳеч кимдан ўзлаштириб олмаганлар, шунинг учун ҳам улар дарҳол миллий ҳодисага айланганлар. Рус кишиларидан ким бўлмасин, бошқаларникига

Ўхшамаган, фақат *Ўзига* тегишли бўлган гапларни айтса, ёки ёза, у шак-шубҳасиз миллий ҳодисага айланади, боринги, мабодо рус тилида ёмон гапирганда ҳам. Бу менинг учун исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Лекин биз гапни адабиёт ҳақида бошламаган эдик, бизнинг баҳсини социалистлардан чиқиб кетди, гап шулар устида боряпти; шундай қилиб, мен биронта ҳам рус социалисти йўқ деган гапни илгари сураман; йўқ ва бўлган эмас, чунки бизнинг социалистларимизнинг бари помешчиклар ва семинаристлардан чиққанлар. Бизнинг барча хоҳ бу ердаги бўлсин, хоҳ хориждаги бўлсин ашаддий, ном таратган социалистларимизнинг ҳаммаси крепостной ҳуқуқ даврларидаги помешчиклар, холос. Нега куласиз? Менга уларнинг китобларини беринг, менга уларнинг таълимотларини беринг, уларнинг эсдаликларини беринг ва мен ўзим адабий танқидчи бўлмасам-да, мутлақо асосланган адабий танқид ёзаман ва унда оппа-ойдин қилиб уларнинг китоблари, рисоалари, эсдаликларининг ҳар бир саҳифаси аввало бизнинг ўша илгариги рус помешчигимиз томонидан ёзилганлигини исботлаб бераман. Уларнинг заҳархандалари, газаблари, сўзбозликлари — помешчикворий (ҳатто Фамусовгача бўлган помешчикларга ҳос!); уларнинг эҳтирослари, уларнинг кўз ёшлари — эҳтимол, чинакам ва балки самимий кўз ёшларидир, лекин — помешчикнинг кўз ёшлари! Помешчик ёки семинаристининг... Яна куляпислар, сиз ҳам куляписми, князь? Сиз ҳам қўшилмайсизми?

Ҳақиқатан ҳаммаларни кулишар, князь ҳам кулимсираб ўтирарди.

— Мен қўшиламан ёки қўшилмайман деб дафъатандан айтолмайман,— деди князь бирдан кулишдан тўхтаб, сўнг бирдан худди қўлга тушган мактаб боласидай сесканиб кетди,— лекин сизни нишонтириб айтишим мумкинки, гапларингизни шобан диққат билан тингладим...

Шуларни айтarkan, сая бўлмаса нафаси ичига тушиб кетай деди, ҳатто пешонасини совуқ тер босди. Бу ерга кириб келганидан бери оғзини очгани ҳам шу эди. У атрофга аланглаб қарамоқчи бўлди, лекин журъати етмади; Евгений Павлович унинг аҳволини тушунди ва табассум қилди.

— Мен сизга, жаноблар, бир гапни айтиб бераман,— деб давом этди у худди илгариги оҳангда, яъни фавқулодда берилиб ва қизишиб сўйлар, шу билан бирга ўзи айтаётган сўзлар устини кулаётганга ҳам ўхшаб кўринарди,— мен бу нарсани ўзим кузатганман, ҳатто ўзим очанман десам ҳам бўлади; ҳар қалай бу ҳақда ҳали ҳеч ерда айтилмаган ва ёзилмаган. Мен айтмоқчи бўлган ҳодисада боя назарда тутганим рус либерализмининг бутун моҳияти ўз ифодасини топади. Биринчидан, либерализм-

нинг ўзи нима дегани, умуман айтганда, у мавжуд тартибларга қарши ҳужум (бу ақлга тўғри келадими ёки хатоми, бошқа масала) қилиш эмасми? Шундай эмасми? Мен кашф қилган нарса шундан иборатки, рус либерализми мавжуд тартибларга қарши ҳужум эмас, балки ўз нарсаларимизнинг моҳиятига, нарсаларнинг аини ўзига қаратилган ҳужум демакдир, фақат тартибларга, рус тартибларига эмас, балки Россиянинг аини ўзига қаратилган ҳужум. Менинг либералим шу даражага бориб етганки, бутун Россиянинг ўзини инкор қилади, яъни ўз онасидан ҳазар қилади ва ўз онасини таёқлайди. Рус ҳаётида рўй берган ҳар бир бахтсиз ва муваффақиятсиз ҳодиса унинг кулгисини кўрсатади, унинг кўнглини кўтарди. У халқнинг урф-одатларини, рус тарихини, ҳаммасини ёмон кўради. Уни оқлайдиган бирдан-бир нарса шуки, у ўзи нима қилаётганлигини тушунмайди ва ўзининг Россияга бўлган нафратини либерализмнинг самарадорлиги деб англайди (о, бизда бошқалар атрофдан туриб қарсак чаладиган, лекин ўзи аслида энг бемаза, энг аҳмоқ ва энг хатарли консерватор бўлган, лекин шунини ҳам ўзи билмаган либералини кўплаб учратишингиз мумкин!). Яқин-яқинларгача ҳам Россияга нисбатан мана шу нафратни бизнинг баъзи бир либералларимиз сал бўлмаса ватанга бўлган чинакам муҳаббат ўрнида қабул қилар ва бошқаларга қараганда аслидагидан кўра яхшироқ кўраётганлари билан мақтанар эдилар. Лекин энди улар очиқчасига иш кўрадиган бўлиб кетдилар ва ҳатто «ватанга муҳаббат» деган сўзлардан уялиб, ҳатто шу тушунчанинг ўзини йўқотиб, бадарга қилиб юбордилар, уни зарарли ва бачкана деб топдилар. Мен рост гапларни айтияман, мен шунга ишоваман ва... бор ҳақиқатни қачон бўлмасин, очиқ-ойдин, оддий қилиб айтиш керак эди, деб ҳисоблайман; лекин мана шу ҳодиса аини замонда ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ҳеч қайси халқнинг ҳаётида бўлган эмас ва рўй берган эмас, шунинг учун ҳам бу ҳодисани тасодиф деб қараш мумкин, тасодиф нарсалар эса ўткинчи бўлиши мумкин, бунга розиман. Бундай ўз она диёрини ёмон кўрадиган либерал бошқа ҳеч қаерда йўқ. Буларнинг барини бизда нима билан изоҳлаш мумкин? Олдин қандай изоҳлаган бўлсак, яна ўшани такрорлаймиз, яъни, ҳозирча рус либерали ҳали рус либерали эмас; ана шу, бошқа гап йўқ менимча.

— Мен ҳамма айтган гапларингизни ҳазил деб қабул қиламан, Евгений Павлич,— деб жиддий эътироз билдирди князь III.

— Мен либералларнинг ҳаммасини кўрган эмасман, шунинг учун уларга баҳо бермоқчи эмасман,— деди Александра Ивановна,— лекин сизнинг фикрингиздан одам даргазаб бўлиб кетади: сиз хусусий бир ҳодисани олиб уни умумлаштириб юбордингиз, бу бўҳтон билан баробар.

— Хусусий ҳолми? А-а! Сўзингиз оғзингизда,— деб илиб кетди Евгений Павлович.— Князь, сиз нима деб ўйлайсиз, хусусий ҳолми бу ёки йўқми?

— Мен ҳам либералларни кам кўрганман... уларни кўп учратган эмасман,— деди князь,— лекин, назаримда, сизнинг гапларингизда бирмунча жон борга ўхшайди, чиндан ҳам рус либерали бир қадарли бўлса ҳам фақат тартиб-қоидаларингизгина эмас, балки умуман Россияни ёмон кўришга мойил. Албатта, бу маълум даражада... албатта, ҳаммани бир қозонга ташлаш адолатдан бўлмайди...

У тугилиб гапини тугатолмади. У жуда ҳам ҳаяжонланиб ўтирганига қарамасдан, гапга қизиқиб қулоқ солмоқда эди. Князнинг ғалати бир одати бор эди, у ўзини қизиқтирган нарсани ҳаддан ташқари соддалик билан берилиб эшитар ва гап орасида ўзига савол билан мурожаат қилиб қолсалар, камолидиққат билан жавоб берарди. Унинг чеҳраси, гавдасининг ҳолатида мана шу ишонч ва мана шу соддалик тўла зуҳур қилар, у бировнинг устидан кулиши, масхара қилиши ҳатто ҳаселига ҳам келтирмасди. Лекин Евгений Павлович қачонлардан бери унга жиндай калака қилган каби қараб келган бўлса ҳам, лекин ҳозир унинг жавобини эшитгандан сўнг, худди ундан бундай жавобни асло кутмагандай унга аллақандай жуда жиддий кўз билан қаради.

— Ҳўп... вой, сизни қарангу, лекин қизиқ,— деди у,— сиз ростдан ҳам менга жиддий жавоб беряпсизми, князь?

— Нима, сиз жиддий сўрамаган эдингизми?— деб эътироз билдирди князь ҳайрон бўлиб.

Ҳаммалари кулиб юборишди.

— Ишонманг унга,— деди Аделаида,— Евгений Павлович доим ҳаммани шундай лақиллатиб юради! Гоҳо унинг нималар ҳақида жиддий сўзлашларини бир эшитганингизда эди!

— Менимча, бу жуда оғир гап, яхиниси, ундан асло оғиз очмаган тузук,— деди кескин Александра,— сайрга бормоқчи эдик...

— Юринглар бўлмаса, ажойиб оқшом!-- деб қичқирди Евгений Павлович.— Лекин сизга мутлақо жиддий гапирганимни исботлаш ва айниқса князга исботлаш учун (князь, қасам ичиб айтаманки, сиз мени жуда ҳам қизиқтириб қўйдингиз, ишонинг, мен ҳали унчалар қуруқ одам эмасман, балки бошқаларга қуруқ бўлиб кўринсам керак,— балки аслида ҳам қуруқ одамман!) мен, жаноблар, князга охириги бир саволимни бераман, ижозатингиз билан, мен шунга азбаройи қизиқаман, сўнг бас қиламиз. Худди атай қилгандай бундан икки соат илгари бирдан шу савол калламга келиб қолди (қаранг, князь, мен ҳам баъзан жиддий нарсалар устида бош қотираман); мен ўзимча уни ҳал

қилиб қўйдим, лекин князь нима деркин, кўрайлик-чи. Ҳозиргина «хусусий ҳол» ҳақида сўзладилар. Бу бизда жуда мўтабар сўз, кўп ишлатадилар. Яқинда олти одамнинг ўлдирилиши ҳақида роса шов-шувлар бўлди, газетларда ёзишди, ёшгина йигит қотиллик қилган ва ҳимоячи жуда ғалати сўз айтган, қотил жуда қашшоқ яшаган, шунинг учун одам ўлдириш фикрига тушгани жуда табиий, деган. Айнан шундай демагандиру, лекин маъноси шундай, шунга жуда яқин. Менинг шахсий фикримча, ҳимоячи шундай ғалати фикрни ўртага ташларкан, бизнинг замонамизда айтиш мумкин бўлган энг либерал, энг инсоний ва энг илғор гап айтяпман, деб тўла ишонган. Хўш, сизнингча, буни қандай тушунишимиз керак: бу эътиқод ва тушунчаларнинг бузилиши, бу ишнинг моҳиятига жуда ғалати ва қийиқ қараш, сизнингча, хусусий ҳолми ё умумий ҳолми?

Ҳаммалари хахолаб кулиб юборишди.

— Хусусий; албатта, хусусий,— деб кулишди Александра билан Аделаида.

— Яна бир карра эслатиб қўяй сенга, Евгений Павлич,— деб қўшди князь Ш.,— бу ҳазилингнинг жуда сийқаси чиқиб кетган.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, князь?— деди унинг гапини охиригача эшитмасдан, князь Лев Николаевичнинг ўзига жуда қизиқсаниб ва жиддий қараб қўйганлигини сезган Евгений Павлович.— Сизнингча, қандай: хусусий ҳолми ёки умумий ҳолми? Мен, тан олишим керак сизни деб шу саволни ўйлаб топдим.

— Йўқ, хусусий эмас,— деди секин, лекин қатъият билан князь.

— Нима деяпсиз, асти, Лев Николаевич,— деб бир оз энсаси қотиб қичқирди князь Ш.,— кўрмаяпсизми, у сизни қармоққа илин тирмоқчи; у калака қияпти, сизни гапингиздан илин тирмоқчи.

— Мен Евгений Павлич жиддий гапиряптими деб ўйлабман,— деб қизариб кетди князь ва кўзини ерга тикди.

— Азизим, князь,— деб давом этди князь Ш.,— бундан уч ойча илгари сиз билан бир нарса ҳақида гаплашган эдик, ўшани эсланг-чи; бизнинг янги очилган судларимизда қанчадан-қанча ажойиб, иқтидорли ҳимоячиларни учратиш мумкин, деб гаплашгандик! Маслаҳатчилар чиқарадиган қанчадан-қанча қарорларни айтмайсизми? Сиз ўшанда қанчалар хурсанд бўлган эдингиз, мен ҳам сизнинг хурсанд бўлганлигинизни кўриб суюнганман... биз ўшанда фахрлансак арзийди, дегандик... Ҳалиги ношуд ҳимоя, ҳалиги ғалати далил албатта тасодиф, мингнинг ичида битта учрайди бундайи.

Князь Лев Николаевич ўйланди ва гарчи аста ва ботинмай-қираб сўзласа-да, лекин ишонч билан деди:

— Мен фақат шунинг айтмоқчийдимки, гоё ва тушунчаларни

бузиш (Евгений Павлич айтгандай) жуда кўп учрайди, бу бахтга қарши хусусийликдан кўра умумий ҳолга яқиндир. Бу шундайки, агарда мана шу бузилишлар умумий тусга кирмаганда эди, унда эҳтимолки, боягидай фавқулодда жиноятлар рўй бермаган бўларди...

— Фавқулодда жиноятлар? Лекин сизни ишонтириб айтаманки, худди мана шунга ўхшаш жиноятлар ва ҳатто булардан ҳам даҳшатлироқлари илгарилар ҳам бўлган, ҳар доим бўлган, яна фақат биздагина эмас, ҳамма ерда бўлган, менимча, яна ҳали кўп замонлар бўлиб туради. Фарқи шундаки, илгарилари бизда шов-шувлар узоқ тарқалмасди, ҳозир бўлса, ҳам овдза тарқалади, ҳам ёзиб чиқадилар, шунинг учун ҳам бу жиноятчилар худди эндигина пайдо бўлгандай туюлади. Сизнинг хатойингиз, ҳаддан ташқари соддалик қилиб йўл қўйган хатойингиз шундан иборат, князь, гапларимга ишонинг, — калака қилгандай кулимсиради князь Ш.

— Мен ўзим ҳам биламан мана шундай даҳшатли жиноятлар илгарилари ҳам кўп бўлганини; мен яқинда қамоқларда бўлдим ва баъзи жиноятчилар ва судланганлар билан танишингга муяссар бўлдим. Ҳалигидан кўра ҳам ашаддийроқ ўнталаб одам ўлдирган жиноятчилар бор экан, улар қилган ишларига сира пушаймон қилмайдилар. Лекин мен бир нарсани пайқаб қолдим: ҳатто энг ашаддий, гирт қотил ҳам ҳар қалай ўзининг *жиноятчи* эканлигини билади, яъни виждонан ёмон иш қилганлигини англайди, лекин пушаймон қилмайди. Уларнинг ҳаммаси шундай, анавилар, Евгений Павлич эслатган кишиларни айтаман, ўзларини ҳатто жиноятчи деб ҳам санамайдилар ва ўзларича ҳақлиман, деб юрадилар ва... ҳатто яхши иш қилдим, деб ишонадилар, яъни шунга яқин бир нарсани хаёлларига келтирадилар. Менимча, худди мана шунда жуда даҳшатли фарқ бор. Яна қаранг, булар ҳаммаси ёшлар, яъни айни бузилган гоилар ва фикрларнинг таъсирига осон ва тез бериладиган пайтлари.

Князь Ш. кулишдан тўхтади ва князнинг сўзларини ҳайрон бўлиб тинглади. Александра Ивановна қачонлардан бери алланима демоқчи бўлиб турган эди, лекин худди аллақандай ўзгача бир фикрнинг таъсирида индамай қолди. Евгений Павлович бўлса князга анг-танг бўлиб қараб турар, лабларида калака кулгидан ҳатто асар ҳам қолмаган эди.

— Нега сиз унга бунчалар ҳайрон бўлиб қараб турибсиз, асилзодам, — деб бирдан князнинг ёнини олди Лизавета Прокофьевна, — нима, унинг сизчалик ақли йўқми, сизчалик фикр юритолмайдими?

— Йўқ, мен уни айтаётганим йўқ, — деди Евгений Павлович, — лекин фақат, князь, сиз қандай қилиб, (саволим учун

кечиринг) сиз шунча нарсаларни кўриб ва пайқай туриб, яна қандай қилиб сиз (мени яна бир карра кечиринг) анави галати иш юзасидан... яқинда бўлиб ўтган эди-ку... Бурдовский эди шекилли... қандай қилиб сиз худди шундай фикрларнинг бузилганлигини, маънавий қарашларнинг вайрон бўлганлигини пайқамадингиз? Ахир, бу худди шундай бузилиш-ку! Ушанда менга сиз буни сира ҳам пайқамагандай туюлдингиз!

— Менга қара, отагинам,— деб қизишиб кетди Лизавета Прокофьевна,— мана биз ҳаммамиз пайқабмиз, бу ерда ўтириб унга мақтанаяпмиз, у бўлса бугун уларнинг энг каттасидан, ҳалиги юзига ҳуснбузар тошгани бор эди-ку, эсингдами, Александра? Ушандан хат олди. Хатда ундан узр сўрабди, узр сўрагани ҳам ўзинча, лекин анави ўртоғидан воз кечибди, ҳалиги уни гижгижлаб тургани бор эди-ку, эсингдами, Александра?— мен энди князга кўнроқ ишонаман, дебди. Ҳўш, биз бўлсак, ҳали бундай хат олган эмасмиз, шунинг учун унинг олдида бурнимизни кўтармасак нима бўларкан.

— Ипполит ҳам бизнинг боғимизга келди ҳозир!— деб қичқирди Коля.

— Пима! келдимиз?— ташвишланиб сўради князь.

— Сиз Лизавета Прокофьевна билан чиқиб кетишингиз билан келган эди; уни мен олиб келдим!

— Гаров ўйнаймак,— деб бирдан тувиллаб ёниб кетди ҳозиргина князни мақтаб турганлигини унутган Лизавета Прокофьевна,— гаров ўйнаймак, кеча князь унинг болохонасига бориб тиз чўкиб ундан кечирим сўраган ва ўша тилидан заҳар томиб турадиган боладан бизникига ташриф буюринг, деб ўтишиб илтимос қилган. Кеча борган эдингми? Боя ўзинг ҳам айтаётган эдинг. Бордингми, йўқми? Тиз чўкиб турдингми, йўқми?

— Тиз чўккани йўқ сира ҳам,— деб қичқирди Коля,— аксинча: кеча Ипполит князнинг қўлини ушлаб икки марта ўпди, бошқа ҳеч гап бўлгани йўқ, ҳа, кейин князь уни чорбоққа таклиф этди, анча шифо топасиз, деди. Ипполит сал тузалишим билан албатта борамак, деди.

— Бекор қилиясиз, Коля...— деб пичирлади князь ўрнидан туриб шляпасини оларкан,— нега сиз бу гапларни гапириб ўтирибсиз, мен...

— Қаёққа?— Тўхтатди Лизавета Прокофьевна.

— Ташвишланманг, князь,— деб давом этди илҳоми келган Коля,— борманг ва уни безовта қилманг, йўлдан ҳориб келиб уклаб қолди; унинг боши осмонга етди; биласизми, князь, менимча, у билан ҳозир қўришмай турсангиз бўларди, эртага қолдирсангиз яна ҳам яхшироқ, бўлмаса у яна қисиниб уялиб юради. У боя эрталаб ўзимни олти ойдан бери бунчалар яхши

ҳис қилмаган эдим, худди анча қувватга кириб қолгандайман, деди; ҳатто йўтали ҳам анча босилиб қолди.

Князь бирдан Аглая ўтирган еридан туриб стол олдига келганлигини пайқади. У қизга қарашга юраги бетламасди, лекин бутун вужуди билан қизнинг ўзига тикилиб турганлигини ва балки қора алангадай кўзларида қаҳрли учқунлар чақнаётганлигини, юзлари ловуллаб ёнаётганлигини ҳис қилгандай бўлди.

— Назаримда, сиз анави ўшанда йиғлаб юборган ва ўзининг таъзиясига таклиф қилиб юрган сил болаши айтаётган бўлсангиз керак, уни бекор бу ерга олиб келибсиз, Николай Ардалионович,— деди Евгений Павлович,— у қўшнисининг девори ҳақида тоза сухандонлик қилган эди, ўша деворни дарров соғиниб қолади, ишончингиз комил бўлсин.

— Рост айтяпти: жанжал чиқариб, сен билан уришиб кетиб қолади, мана мени айтди дерсан!

Лизавета Прокофьевна шундай деб ҳозиргина сайрга чиқмоқчи бўлганликларини ҳам унутиб, кашталари солинган саватчани ўз олдига тортди.

— Эсимда, у ўша деворни айтиб жуда ялнайган эди,— деб илиб кетди яна Евгений Павлович,— шу девор бўлмаса у чиройли ўлолмайди, унинг эса жуда чиройли ўлгиси бор.

— Нима бўлибди?— деб пичирлади князь.— Агар сиз уни кечиришни истамасангиз, у барибир шусиз ҳам ўлади... Бу ерга у дарахтларни деб келган.

— О, мен уни бутунлай кечираман; унга айтиб қўйинг.

— Буни ундай тушунмаслик керак,— деди аста, худди жавоб бергиси келмагандай князь, ерга қараб бир нуқтага тикилганча бошини кўтармасдан,— шундай бўлиши керакки, сиз ҳам ундан изн қабул қилишга рози бўлинг.

— Менга бунинг нима дахли бор? Унинг олдида нима гуноҳ қилган эканман?

— Агар тушунмасангиз, хўш... лекин сиз тушуниб турибсиз; ўшанда у... ҳаммаларингизни дуо қилмоқчи ва сизлардан ҳам дуо олмоқчи эди, шу холос.

— Азизим, князь,— князь Ш. нимадандир хавфсирагандай бўлиб, кимлар биландир кўз уриштириб олгач, тезроқ гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди,— бу дунёда жаннат яратиш осон эмас; сиз бўлсангиз, ҳар қалай жаннат деб ўйлашга мойилсиз; жаннат — мушкул нарса, князь, сизнинг гўзал қалбингизга тулгандан кўра анча мушкулроқ. Яхшиси, бас қилайлик, бўлмаса, яна ҳаммамиз хижолатга туша бошлаймиз, унда...

— Юринглар, музыкага борамиз,— деди кескин Лизавета Прокофьевна ўрнидан жаҳл билан қўзғаларкан.

Унинг кетидан ҳамма турди.

Князь бирдан Евгений Павловичнинг олдига келди.

— Евгений Павлич,— деди у ғалати бир қизғинлик билан унинг қўлидан ушлаб,— ҳеч нарсага қарамасдан, мен сизни энг олижаноб ва энг яхши одамлардан бири деб ҳисоблайман; ишончингиз комил бўлсин...

Евгений Павлович ажабланганидан ундан бир қадам нари сурилди. Бир зум у ўзини даҳшатли қаҳқаҳадан базўр тутиб турди; лекин разм солиб қараб, князнинг ҳуши ўзида эмаслигини, ҳар қалай, жуда бошқача бир ҳолатда турганлигини фаҳмлади.

— Гаров ўйнайманки,— деб қичқириб юборди у,— сиз, князь, бутунлай бошқа бир гапни айтмоқчийдингиз ва эҳтимол, ўша гапингизни менга эмас, бошқага айтмоқчийдингиз... Сизга нима бўлди? Мазангиз қочдимми?

— Билмадим, билмадим, сиз жуда тўғри айтдингиз, мен эҳтимол бошқа одамга сўзламоқчи бўлгандирман?

Шундай деб у жуда ғалати ва аянчли кулимсиради, сўнг яна қизишиб хитоб қилди:

— Уч кун илгариги қилган қилғилигимни менга эслатманг! Уч кундан бери уятдан ўзимни қаерга қўйишликни билмайман... Биладан, гуноҳорман...

— Ҳа... бунчалар ёмон нима айб қилиб қўйибсиз ўзи?

— Кўриб турирман, сиз мени деб ҳаммадан кўпроқ уялиб кетяпсиз, Евгений Павлич; сиз қизариб кетяпсиз, бу қалбингизнинг гўзаллигидан дарак беради. Мен ҳозир кетаман, гапимга ишонинг.

— Нима бўлди унга ўзи? Ҳушидан кетадиган пайти бўлдимми?— деб қўрқиб сўради Лизавета Прокофьевна Колядан.

— Эътибор берманг, Лизавета Прокофьевна, ҳушимдан кетаётганим йўқ; мен ҳозир кетаман. Мен биладан, мен... табиат мени камситиб қўйган. Мен йигирма тўрт йил касал ётдим, ёшим йигирма тўртга киргунча ҳам касалдан бош кўтармадим. Менинг гапларимни касалнинг гаплари деб қабул қилинг. Мен ҳозир кетаман, ҳозир ишонинг бунга. Мен қизараётганим йўқ,— бундан қизариб кетиш жуда ғалати бўлиб туюлади, шундай эмасми?— лекин мен жамиятда ортиқча одамман... Мен худбинлик қилаётганим йўқ... Мен шу уч кун ичида қулай фурсат келиши биланоқ айтиб қўйишга қарор қилдим чин кўнгилдан, эзгу ниётда. Шундай бир ғоялар бор, шундай бир юксак ғоялар борки, мен улар тўғрисида гапирмаслигим керак, бўлмаса ҳамма кулиб юради мендан; князь Ш. ҳозиргина шу ҳақда менга эслатиб ўтди... Мен чиройли ҳаракатлар қилишни билмайман, мен меъеридан чиқиб кетиб қоламан; мен ўйлаган нарса-

дан бутунлай бошқа нарсаларни сўзлайман, бу фикрларни ерга уриш билан баравар... Шунинг учун ҳам менинг ҳақим йўқ... бунинг устига бадгумонман, мен... мен биламан бу хонадонда мени асло хафа қилмайдилар ва мени яхши кўрадилар, лекин мен бунга арзимаён, лекин мен биламан (билсам керак деб ўйлайман), йигирма йил касал ётган одамда бир кароҳат қолган бўлиши керак, шунинг учун ҳам менинг устимдан кулишлари табиий... баъзан... шундай эмасми?

У атрофга олазarak қараб уларнинг нимадир дейишларини кутарди. Ҳаммалари ушбу сира қутилмаган, аянчли ва афтидан ҳар қалай, сабабсиз қилиқдан оғир аҳволга тушиб ҳайрон бўлиб қолган эдилар. Лекин князнинг бу қилиғи галати бошқа бир ҳодисага сабаб бўлди.

— Сиз нега бу ерда гапиряпсиз?— деб қичқириб юборди Аглая,— нега сиз буларга гапиряпсиз? Буларга! Буларга!

Афтидан, унинг қаҳрининг чек-чегараси йўқ эди: кўзларидан учқунлар сачарди. Князь унинг қаршисида гунг бўлиб сассиз туриб қолди, бирдан унинг ранги оқариб кетди.

— Бу сўзларингизга арзийдиган битта ҳам одам йўқ бу ерда!— деб ўзини тўхтатолмасди Аглая,— ҳаммаси, ҳаммаси сизнинг тирноғингизга ҳам арзимаёди, сизнинг ақлингиз, юрагингизга арзимаёди булар! Сиз ҳаммадан ҳалолроқ, ҳаммадан олижаноброқ, ҳаммадан яхшироқ, ҳаммадан меҳрибонроқ, ҳаммадан ақллироқсиз! Бу ерда сиз ерга ҳозир туширган дастурмолингизни олиб беришга арзимайдиганлар бор... Нега сиз ўзингизни ерга урасиз, ўзингизни ҳаммадан паст оласиз? Нега сиз ўзингиздаги ҳамма нарсаларни бузиб кўрсатасиз, нега сизнинг гурурингиз йўқ?

— Вой, худойим-ей, одамнинг хаёлига келмаган нарсалар-а?— деб чапак чалиб юборди Лизавета Прокофьевна.

— Шўрлик рицарь! Яшасин!— деб қичқирди камоли завқланиб кетган Коля.

— Бас қилинг!.. Сизнинг уйингизда мени хафа қилишга қандай ҳаддилари сиғади!— деб бирдан Лизавета Прокофьевнага ёпишиб кетди Аглая, шу топда унинг кўзларига ҳеч нарса кўринмасди.— Нега мени ҳамма қийнайди, ҳамма менга азоб беради! Нима учун улар уч кундан бери сизни деб мени ҳол-жонимга қўйишмайди, князь? Мен ҳеч қачон сизга тегмайман! Билиб қўйинг, ҳеч қачон! Билиб қўйинг! Сиздай кулгили бир одамга эрга тегиб бўладими, ахир? Ўзингиз ҳозир бир ойнага қаранг, кўрасиз қандай бўлиб кетганлигингизни!.. Нега, нега улар менинг ғашимга тегйшади, князга тегасан деб тегажаклик қилишадими? Сиз буни билиб қўйишингиз керак! Сизнинг ҳам улар билан тилингиз бир!

— Ҳеч ким ҳеч қачон тегажаклик қилгани йўқ!— деб пи-
чирлади қўрқиб кетган Аделаида.

— Ҳеч ким хаёлига ҳам келтиргани йўқ, бир оғиз ҳам бун-
дай гап бўлмади!— деб қичқирди Александра.

— Ким унга тегажаклик қилди? Қачон унга тегажаклик
қилди? Ким унга бундай дейиши мумкин? Нима, алаҳлаяпти-
ми?— деди ҳаммага бир-бир қараб дарғазаб бўлган Лизавета
Прокофьевна.

— Ҳаммалари айтишди, ҳаммалари, уч кун тинмай гапирши-
ди! Мен ҳеч қачон, ҳеч қачон унга тегмайман!

Аглая қичқириб йиғлаб, юзини рўмолчаси билан беркитди-
да, ўзини стулга ташлади.

— Э, ҳали у сендан сўра...

— Мен ҳали сиздан сўраганим йўқ, Аглая Ивановна,— деб
оғзидан чиқиб кетди бирдан князнинг.

— Нима-а?— ҳайрон қолиб, қаҳр билан даҳшатга тушиб сў-
ради Лизавета Прокофьевна. — Нима-а деди-и-ниг?

У ўз қулоқларига ишонмаётганди.

— Мен демоқчийдимки... демоқчийдимки,— саросимага ту-
шиб қолди князь,— мен фақат Аглая Ивановнага айтмоқчи
эдимки... шунга маълум қилмоқчи бўлган эдимки, лутфан... ният-
тим йўқ эди... у кишининг қўлларини сўрашга... умуни, қачон
бўлмасин... Мен айбдор эмасман, Аглая Ивановна, худо қаққи,
айбдор эмасман, Аглая Ивановна! Мен ҳеч қачон истаган эмас-
ман, ҳеч қачон хаёлимга келтирган эмасман, ҳеч қачон истамай-
ман, мана ўзингиз кўрарсиз: гапларимга ишонинг! Биронга ёмон
одам мен ҳақимда сизга тўхмат гапларни айтибди! Ташвиш
чекманг!

У шундай деб Аглаяга яқинлашди. Аглая юзини тўсган рў-
молчасини юзидан олди, князга ялт этиб қаради, унинг қўрқиб
кетганлигини кўрди, ва князь айтаётган гаплар бирдан миясига
бориб урилди-да, кутилмаганда хандон ташлаб қаттиқ кулиб
юборди, кулгисини сира тўхтатолмас, атрофдагилар ҳам унга
қўшилиб кула бошладилар, Аделаида ҳаммадан биринчи бўлиб
ўзини тўхтатолмади, айниқса, князга шундай кўз учи билан боқ-
ди-ю, сингисининг кучоғига ўзини ташлаб, уни бағрига босган-
ча худди болалардай кахолаб шўк кула бошлади. Уларга қараб
туриб князь ҳам табассум қилди ва шод, бахтиёр бир чехра би-
лан такрорлай кетди:

— Худога шукур, ана, худога шукур!

Шунда Александра ҳам алоҳа ўзини тўхтатолмади ва чин
юракдан қаҳ-қаҳ уриб кулди. Она-сингилларнинг кулгиси ҳеч
тугамайдигандай эди.

— Вой, жиннивойлар-ей!— деб пичирлади Лизавета Прокофьевна, — бир қарасанг, қўрқитиб юборишади, бир...

Бора-бора кулгига князь Ш. ҳам қўшилди, Евгений Павлович ҳам чеккада қолмади, Коля тинмай хахолар, уларга қараб туриб князь ҳам ўзини кулгидан тўхтатолмасди.

— Юринглар, сайрга, сайрга, сайрга юринглар!— деб қичқирарди Аделаида, — ҳаммамиз бирга борамиз, князь ҳам биз билан боради; кетманг, эй яхши одам! У мунчалар яхши одам экан-а, Аглая! Тўғрими, оий? Шунинг учун мен уни албатта, албатта ўпиб қўйишим, уни қучоқлашим керак... унинг Аглаяга айтган шундай яхши гаплари учун. Ойижон, уни ўпиб қўйсам майлими? Аглая! *Сенинг* князингни ўпиб қўйишга ижозат бер!— деб қичқирганча шўх қиз князнинг олдига чопқиллаб келди-да, унинг пешонасидан ўпиб қўйди. Князь унинг қўлидан ушлаб маҳкам қисди, Аделаида сал бўлмаса қичқириб юборай деди, князь ўзида йўқ шод бўлиб қиздан кўзини узмасди, кейин бирдан унинг қўлларини уч марта лабларига босиб ўпди.

— Юринглар энди!— деб чорлади Аглая. — Князь, сиз мени бошлаб борасиз. Майлими, оий? Мендан юз ўгирган қайлиқ мени бошлаб борса бўладими? Ахир, сиз мендан абадулабад воз кечдингиз-ку, тўғрими, князь? Йўқ, ундаймас, ундаймас, хоним-қизларга қўлни ундай бермайдилар, наҳот сиз билмасангиз хоним-қизларни қандай қўлга олишни? Ана шундай, юринг, биз ҳаммадан олдинда юрамиз; ҳаммадан олдинда боришни хоҳлайсизми, *tête-à-tête*?¹

У тинмай жовиллаб гапирар, ҳамон гап орасида ўзини кулгидан тўхтатолмасди.

— Худога шукур! Худога шукур!— деб такрорлади Лизавета Прокофьевна нимага хурсанд бўлаётганлигини ўзи ҳам билмасдан.

«Жудаям галати одамлар-да!»— деб ўйлади князь Ш., бу унинг улар билан танишгандан бери эҳтимол юзини марта ажабланишидир, лекин... шу галати одамлар унга ёқарди... Князга келганда, балки у князь Ш. га унчалар ёқмаса ҳам керак эди; ҳаммалари сайрга чиққан чоғларида князь Ш.нинг бирмунча қовоғи солиқ, ташвишли эди.

Евгений Павлович ҳаммадан ҳам хурсанд ва қувноқ кўринар, то воксалга бора-боргунча Аделаида билан Александрани кулдириб борди, икки қиз у нима демасин, дарров пиқиллаб кулиб юборишар, охири, Евгений Павлович булар менинг ҳазилларимга эмас, бошқа нарсага кулаётганга ўхшайдилар, деб шубҳаланди. Шу фикр хаёлига келиб қолди-ю, у, бирдан қаттиқ

¹ Ёлғиз (франц.)

қақ-қақ уриб самимий кулди (унинг табнати ўзи шундай эди). Икки шод-хуррам сингил олдинда бораётган Аглая билан княздан кўзларини узолмасдилар; кичик сингиллари уларни гоёта таажжублантириб қўйганди. Князь Ш. Лизавета Прокофьевна билан ҳадеб чет нарсалар ҳақида гаплашиб борар, эҳтимол шундай қилсам, унинг бир оз кўнгли ёзилар деб ўйлар, лекин охири жуда Лизавета Прокофьевнанинг меъдасига тегиб кетди. Лизавета Прокофьевнанинг хаёллари бутунлай тўзғиб, пароканда бўлиб кетган, чалкаш жавоб берар, гоҳо бутунлай жавоб бермасди. Лекин Аглая Ивановнанинг муаммолари бугун шу билан тугагани йўқ. Охиргисини князнинг ўзи эшитди. Боғдан юз қадамча илгарилаб кетганларидан сўнг Аглая ўз ёнида жимгина бораётган йигитга тезгина шивирлади:

— Унг томонга қараи.

Князь қаради.

— Яхшилаб қараи. Хув, анави учта катта дарахтининг олдидаги боғ ичидаги скамейкани кўряпсизми... кўк скамейка?

Князь кўряпман, деди.

— Сизга шу жой ёқадими? Мен баъзан эрталаб азонда соат сттида ҳамма ухлаб ётганда шу ерга келиб бир ўзим ўтираман.

Князь, жуда ҳам чиройли жой экан, деб пичирлади.

— Энди бораверинг, мен сиз билан бошқа қўл ушлашиб боришни хоҳламайман. Ёки яхшиси, майли, юраверинг қўл ушлашиб, лекин менга бир оғиз ҳам гапирманг. Мен бир ўзим хаёл сурмоқчиман...

Бундай огоҳлантиришга ҳожат ҳам йўқ эди: князь шу амрсиз ҳам бутун йўл бўйи бир оғиз гапирмаслиги эҳтимолдан йироқ эмасди. У скамейкани эшитгандан кейин юраги қаттиқ ура бошлади. Бир дақиқадан сўнг у фикридан қайтди ва шундай фикрга боргани учун ўзидан уялиб кетди.

Бегим кунлари одамларнинг айтишларига қараганда ва маълум бўлишига кўра Павловскда «сара» одамлар йиғилишади, дам олиш ва байрам кунлари эса бу ерга шаҳардан «турли-туман» одамлар чиқишади. Байрамга хос бўлмаган нафис кийимлар кийишади. Музикани келиб эшитиш ҳамма учун баробар. Бизнинг боғ оркестрларимиз ичида энг яхшиси бўлган оркестрнинг асарлардан чалади. Томоша қилиш оилавий ва торроқ доирада ўтишига қарамасдан томоша пайтларида тартиб ва одоб-этиборга қаттиқ риоя қилинади. Ҳамма чорбоғ эгалари, таниш-билиш, қўни-қўшнилар шу ерда бир-бирларини кўришади. Қўллар худди мана шу нарсани жуда яхши кўришади ва фақат бир-бирларини томоша қилиш учун бу ерга келишади. Лекин фақат музыка тинглаш учун келадиганлар ҳам бўларди. Камдан-

кам пайтларда жанжал чиқади, ҳатто баъзан бегим кунларда ҳам тўполон чиқиб қолади. Лекин ахир бунинг иложи йўқ.

Гўзал оқшом чоғи, одамлар ҳам бугун анча кўп эди. Оркестр музыка чалиб турар, атрофдаги ҳамма жойлар банд. Бизнинг танишларимиз сал чеккароқдаги стулларга, воксалдан чиқаришида чап томонга ўтиришди. Одамлар, музыка Лизавета Прокофьевнанинг кўнглини бир оз ёзгандай, қизларнинг эътиборини жалб қилгандай бўлди. Улар у-бу таниш-билишлари билан бош силкиб кўришган, кўз уриштирган бўлдилар; одамларнинг кийимларини кўздан кечиришди, баъзи нарсалар ўзларига ғалатироқ бўлиб кўринди, шу ғалатироқ бўлиб кўриган нарсалар ҳақида пичирлашиб олишди, лабларининг чети билан кулимсираб қўйишди. Евгений Павлович ҳам дам унга, дам бунга таъзим қилиш, саломлашиш билан овора эди. Ҳамон бирга турган Аглая билан князга баъзи бировлар эътибор бериб қарашди. Кўп ўтмай қизларнинг оёиси ва қизлар ҳузурларига таниш-билиш ёшлар кела бошлашди; улардан икки-учтаси шу ерда гаплашиб қолишди; уларнинг ҳаммаси Евгений Павловичнинг ошналари эди. Улар орасида жуда ёш ва жуда чиройли, жуда қувноқ, жуда гапдон бир офицер йигит ҳам бор эди; у Аглая билан гаплашишга шошилиб, унинг эътиборини қозонишга урина бошлади. Аглая унга ширин муомала қилди, бир гапириб ўн кулди. Евгений Павлович бу ошнасидан билан таништириб қўйиш учун княздан изн сўради. Князь ундан ниима истаётганларини ё тушунди, ё тушунмади, лекин барибир танишиб олдилар, икковлари бир-бирларига таъзим қилдилар, бир-бирларига қўлларини узатдилар. Евгений Павловичнинг ошнасидан князга бир савол берди, лекин князь, афтидан, унга жавоб бермади ёки жавоб берса ҳам, шунчалар мужмал қилиб алланима деб ёлдирадидики, офицер шундан сўнг унга жуда қаттиқ тикилиб қаради, кейин Евгений Павлович билан кўз уриштирди ва шу заҳоти унинг нега таништириб қўйганлигини тушунди-да, билинар-билинимас илжайиб, яна Аглая билан машғул бўлди. Шуида Аглая бирдан қизариб кетганлигини фақат Евгений Павлович фаҳмлаб қолди.

Князь бошқалар Аглая билан гаплашиб, шакаргуфторлик қилишаётганлигини сезмас, гоҳо худди ўзининг қаерда ва кимнинг ёнида ўтирганлигини ҳам унутиб қўйганга ўхшарди. Баъзан унинг қайга бўлмасин, бирон ерга кетгиси, бу ердан бутундай гойиб бўлгиси келар, қоронғи, кимсасиз бир ер бўлса, ҳеч ким бўлмаса, ҳеч ким менинг қаердалигимни билмаса, ўз хаёлларим билан ёлғиз қолсам дерди. Жуда бўлмаганда ўзининг равонимда ётсам, лекин ҳеч ким, на Лебедев ва на унинг болалари бўлмаса, диванга узада тушиб ётсаму бошимни

ёстиққа боссам-да, бир куп ётсам, туни билан ётсам, яна эртасига ҳам ётсам, деб хаёл қиларди. Гоҳо хаёлида тоғлар, тўғрироғи, тоғлардаги бир жой гавдаланарди, у доим шу ерни эслашни яхши кўрар ва ўша ерларда юрганларида тоғнинг шу ерига боришни севарди, у ердан туриб пастда қолган қишлоққа, қуйида элас-элас кўринган шаршаранинг оялқок тизимчасига, ошпоқ булуғларга, ташландиқ эски қалъага қарашли ёқтирарди. О, қанийди яна ўша ерларда бўлиб қолса ҳозир ва фақат ўзининг бир хаёли билан яшаса,— о! бир умр шу ҳақда ўй сурса — минг йилга ҳам етарди бу ўйлар! Майли эди, майли эди бу ерларда уни бутунлай унутиб юборсалар. О, ўзи шундай бўлиши керак, қанийди агарда уни умуман бутунлай танимасалар, билмасалар ва буларнинг бари худди тушда кўргандай ўтиб кетса. Ҳа, барибир эмасми энди тушдами, ўнгдами! Гоҳо у Аглаяга тикилиб қолар ва анчагача — беш минутлар ўтгунча ундан кўзларини узолмасди; лекин унинг нигоҳи жуда ғалати эди: у худди ўзидан икки чақирим йироқда турган нарсага ёки унинг ўзига эмас, унинг суратига қараётгандай бўларди.

— Нега сиз менга бундай қилиб қарайсиз, князь?— деди у бирдан атрофидагилар билан шўх-қувноқ суҳбатини тўхтатиб.— Мен сиздан кўрқаман; назаримда, ҳозир қўлларингизни узатиб менинг юзимни пайпаслаб кўрмоқчи бўлаётгандайсиз. У шундай қилиб қараяпти, тўғрими, Евгений Павлович?

Князь бу сўзларни, афтидан, жуда ажабланиб тинглади, у ўзига мурожаат қилганларидан ажабланди, фикр қилиб кўрди, лекин унча тушунмагандай бўлди, жавоб бермади, лекин ҳамма кулаётганлигини кўриб оғзини очиб ўзи ҳам кула бешлади. Кулги атрофда зўрайди; офицер, жуда кулонғич одам бўлса керак, ўзини пиқирлашдан тўхтатолмади. Аглая бирдан ўзича жаҳл билан шивирлади:

— Жинни!

— Вой худойим! Наҳотки у мана шундай... наҳотки у бутунлай ақлини йўқотиб қўйса!— деди ичида тишларини гижирлатиб Лизавета Прокофьевна.

— Бу ҳазил. «Шўрлик рицарь»га ўхшаган ҳазил бу,— деб қатъият билан шивирлади унинг қулоғига Александра,— бошқа ҳеч нарса йўқ! У ўзича яна князнинг адабини берапти. Фақат бу ҳазилнинг кети зил бўлмасайди; буни тўхтатиш керак, ойи! Ҳали у худди саҳнада ўйнагандай бизни тоза боплади, шўхлик билан тоза қўрқитди ҳаммамизни...

— Тағин тузук телбага учраб қолди,— деб қизига шивирлаб жавоб берди Лизавета Прокофьевна. Қизининг гапидан у бир оя сигил тортганди.

Лекин князь ўзини жинни деб атаганларини эшитди ва сес-

каниб кетди, лекин уни жинни деганлари учун сескангани йўқ. «Жинни»ни у дарҳол унутди. Лекин нарироқда ён тарафда одамлар орасида,— лекин аниқ қаердалигини у кўрсатиб беролмасди,— ранги ўчган, сочлари қора ва жингалак, таниш, қараш, табассумлари жуда таниш бир башара лип этиб кўринди-ю, яна шу заҳоти ғойиб бўлди. Эҳтимол унга шундай бўлиб туюлгандир; кўрган нарсасидан қийшиқ кулги-ю, кўзлар, лип этиб ғойиб бўлган жанобнинг бўйнидаги оч кўк олифта галстук эсида қолди. Бу жаноб одамларнинг орасига кириб кетдими ёки ўзини воксалга урдими, князь билолмасди.

Лекин бир зум ўтмасдан у атрофга тез-тез олазарак бўлиб қарай бошлади; ҳозир кўзларига кўринган рўё бошқа бир рўёдан дарак берар, башорат қиларди. Бу эҳтимолдан йироқ эмасди. Наҳот у воксал томонга келаркан, шундай учрашиб қолишлари мумкинлигини хаёлига келтирмаган бўлса? Рост, воксалга бораётганида бу ерга келаётганини ҳатто билмаган ҳам эди,— унинг аҳволи шу даражада эди. Агарда у эътибор бериб зеҳн солиб қараганда эди, Аглая ҳам онда-сонда атрофга қараб-қараб қўяётганлигини, худди бир нарсани безовта қидираётгандай бўлаётганлигини сезган бўларди. Ҳозир унинг безовталлиги ортган сайини Аглаянинг ҳам ташвиш-ҳаяжони кучайиб бормоқда эди, у орқасига ўгирилиб қараш билан Аглая ҳам дарҳол ўша томонга қарарди. Ташвишларнинг сабаби тез орада аён бўлди.

Епанчинлар билан князь ҳаммалари ўтиришган воксалнинг бу ерга яқин ён эшигидан кутилмаганда ўн чоғли одамлар тўдаси кўринди. Тўданинг олдида учта хотин келарди; уларнинг иккитаси ғоятда гўзал эдилар ва уларнинг орқаларидан шунча ихлосмандларнинг эргашиб юриши бежиз эмасди. Лекин ихлосмандлар ҳам, улар эргашган хотинлар ҳам бу ерга музыка эшитиш учун йиғилганлардан бутунлай бошқача эдилар. Ҳамма дарров уларга қаради, лекин шу заҳоти яна дарҳол худди уларни кўрмаганга олди, фақат баъзи бир ёшлар уларга қараб кулиб қўйдилар ва бир-бирларига шивирлашиб нималардир дейишди. Лекин уларни кўрмаганга олиб ўтиришнинг сира иложини йўқ эди: улар ўзларини кўрсатишиб, овозларини баланд қилиб гаплашар, кулишар эдилар. Уларнинг ўрталаридаги баъзи бировлар ичиб олганга ўхшар, лекин баъзилари жуда олифта ва нафис костюмлар кийган эдилар; лекин уларнинг ораларида ғалати қиёфали, ғалати либос кийган, юзлари ғалати тутаб турган одамлар ҳам бор эди; яна бир нечта ҳарбийлар кўринарди; ёш бўлмаган кишилар ҳам йўқ эмасди; жуда башанг кийинган, устларида кенг ва нафис қўйлак, қўлларида, энглариди узуклар ва энг тугмалар таққан, бошларига тимқора ажо-

ийб ларик илган, чакка сочлар қўйган, юзлари кўркам, лекин ирганч боққан кишилар бор эди, воқеан, бундайлардан жамият ичида худди вабодан қочгандай қочадилар. Бизнинг шаҳар чеккасидаги йиғинларимиз ўзининг жуда тартиб-интизоми билан ажралиб туради, улар яхши ном қозонганлар; лекин ҳатто энг эҳтиёткор одам ҳам қўшин уйининг тоmidан тушиши мумкин бўлган гиштдан ўзини гамгин деб ҳис қилолмайди. Мана шундай гишт музика эшитиш учун йиғилган баодоб одамларнинг бошига тўшай деб турарди ҳозир.

Воксалдан оркестр музика чалаётган майдончага ўтиш учун уч зина пастга тушилади. Бояги кишилар худди мана шу зинанинг олдида тўхтаган эдилар; лекин улар пастга тушгани журъат қилмай турар эдилар, аммо хотинлардан бири олдинга ўтди; унинг ортидан фақат икки кишигина эргашолди. Уларнинг бири ўрта ёшлардаги, кўрилишдан жуда камсукум, кийим-бошлари ораста, одамовиларга ўхшаган, ҳеч кимни танимайдиган, ўзини ҳам ҳеч ким танимайдиганлар хилидан эди. Хонимга эргашган иккинчи одам ночор кийинган, қасағироқ бир алфозда эди. Ҳамманинг эътиборини жалб қилган хонимнинг кетидан бошқа ҳеч ким боришга юрак бетламади: лекин майдончага тушаркан, у ҳатто орқасига ўгирилиб қарамади ҳам, афтидан, одамлари унинг ортидан борадиларми йўқми, унга барибир эди. У хандон-хушон, жараглаган овоз билан сўзлай борарди; у жуда ҳам дид билан қимматбаҳо либослар кийган, лекин либослари керагидан андак ортик башанг ҳам эди. У оркестрнинг ёнидан майдончанинг нариги томонига ўтиб кета бошлади, у ерда йўл яқинида кимнидир аллақандай извош кутиб турарди.

Князь уни кўрмаганига уч ойдан кўпроқ бўлган эди. Петербургга келгандан буён уни кўрмоқчи бўлиб юрарди; лекин қандайдир савқи табиий бир ҳис уни тўхтатиб турарди. Ҳар ҳолда, у билан учрашган чоғда ўртада қандай таассурот пайдо бўлишини сира тасаввур қилолмас, баъзан бунинг ўзининг кўз ўнгига келтиришга ҳаракат қилар, юраги ваҳима билан тўларди. Унга фақат бир нарса аён эди — учрашув оғир бўлади. Шу олти ой мобайнида бу хотиннинг чеҳрасини дастлаб суратда кўрган пайтида ўзида қандай таассурот қолдирганлигини бир неча марта хотирлаб кўрди. У суратни кўрган чоғидаёқ қандайдир оғир бир таассурот юрагига чўкиб қолганлигини эслади. Вилоятда бу хотин билан деярли ҳар куни кўришиб турган вақтларида бир ой даҳшат огушида яшади, шундай оғир бўлган эдики, князь яқингинада бўлиб ўтган бу воқеаларни эслашга ҳам кўрқар, у хотираларни ўзидан қуварди баъзан. Бу хотиннинг чеҳрасида уни азобга соладиган алланима бор эди; князь Рोजин билан гаплашганида ўзининг бу сезгисини унга беҳад

рахминм келлади, деб тушунтирган эди, шу гап рост эди: ўша суратда биринчи марта кўрган кезмек бу чеҳра унинг юрагида шафқат тўла азоб уйғотган эди; у ҳеч қачон мана шу шафқатли азоб туйғусидан қутулолгани йўқ эди, у ҳамон юрагини тарк этмаган. О, йўқ, аксинча, ҳозир зўрайган ҳатто. Лекин Рогожинга гапирганидан князь ўзича норози бўлди, гапи ўзига ёқмади. Мана ҳозир уни яна ўз кўзи билан кўриб туриб, бирдан ўшанда Рогожинга гапирганида айтилмай қолган сўзларни бевосита ўз жонида ҳис қилди. Ушанда даҳшатни ифода қиладиган сўзлар етишмай қолганди; ҳа, даҳшат! У ҳозир, шу дақиқада буни тўлиқ ҳис қилиб турарди; у ўзи англаган алоҳида бир сабабларга кўра бу хотинни телба бўлиб қолган деб биларди, бунга ишончи комил, шубҳа қилмасди. Агар бир хотинни дунёда ҳаммадан кўра қаттиқроқ севиб ёки шундай севги илинжи билан яшаб, сўнг бирдан ўша хотинни кишанланган ҳолда темир панжаралар орғида назоратчининг таёғи остида кўриб қолинса, — мана шундан туғиладиган таассурот ҳозир князь бошидан кечириб турган нарсага эҳтимол яқин бўларди.

— Сизга нима бўлди? — деб тез пичирлади Аглая унга ўгирилиб қараб соддалик билан қўлидан тортаркан.

Князь қизга бошини ўтирди, унга қаради, шу дамда унга номаълум бир алаҳга билан ёнаётган қора кўзларга тикилди, жиймаймоқчи бўлди, лекин бирдан худди шу заҳоти уни эсидан чиқариб қўйгандай яна кўзларини ўнг томонга тикиб, яна ўша ўзининг фақуллода рўсисни кузата бошлади. Шу пайт Настасья Филипповна ойимқизларнинг стуллари ёнидан ўтиб бормоқда эди. Евгений Павлович Александра Ивановнага, афтидан, жуда кулгили ва қизиқ бир нарсани ҳикоя қилишда давом этар, у завқ ва шитоб билан сўйларди. Князнинг эсида, бирдан Аглая ярим пичирлаб: «Қандай...» — деди.

Мубҳам ва чигал сўз; Аглая дарров оғзини юмди ва бошқа биронта ҳам сўз қўшмади, лекин шунинг ўзи старли бўлган эди. Настасья Филипповна ҳеч кимга қарамасдан ўтиб бораётган жойида бирдан улар ўтирган томонга бошини ўтирди ва Евгений Павловични эндигина кўргандай бўлди.

— Вой! Мана ўзи! — деб хитоб қилди у бирдан юришдан тўхтаб. — Бир қарасанг, одам юбориб қидиртириб топиб бўлмайди, бир қарасанг, хаёлинга келмаган жойда ўтирган бўлиб чиқади... Мен ўйлабманки, сен у ёқдасан... амакингининг олдидасан деб!

Евгений Павлович дув қизариб кетди, Настасья Филипповнага ўқрайиб, қутуриб қаради, лекин яна дарров юзини ўтириб олдди.

— Нимани! Наҳот хабаринг йўқ? Қаранглар, у қачон билмас

экан! Отиб кўйди! Ҳали эрталаб амакинг ўзини отиб кўйди! Менга боя соат иккида айтишди; шаҳарнинг ярми эшитиб бўлди-ю; давлатнинг уч юз эллик минг були йўқмиш, бошқалар: беш юз минг, дейишяпти. Мен бўлсам, у сенга мерос қолдирса керак, деб хомчўт қилиб юрган эдим; ҳаммасини совуриб юборган экан. Утaketган бузуқ чол эди... Хўп, омон бўл, вoппе chance! Наҳот сен бормасанг? Шунинг учун истеъфога олдиндан чиқиб олган экансан-да, муғамбир! Бўлмаган гап, билган, олдиндан билган: балки кечанинг ўзида билган бўлса керак...

Унинг сурбетлик билан юзини сидириб ташлаб бу гапларни айтишида, ўзини унга яқин таниш қилиб кўрсатишида албатта бир мақсад бор эди, бунга эъди шубҳа бўлиши мумкин эмасди,— лекин Евгений Павлович аввали бу аёлнинг ҳақоратларидан шунчаки қутулиб кетаман, деб ўйлаган эди, шунинг учун унга эътибор бериб ўтирмасликка қарор берганди. Лекин Настасья Филипповнанинг сўзлари унга яшин ургандай таъсир қилди; амакисининг ўлганини эшитиб, докадай оқариб кетди ва хабар етказган аёлга қаради. Шу шайт Лизавета Прокофьевна шахд билан ўрнидан кўзгалиб, бошқаларни ҳам турғизди-да, бу ердан югургилаганча нари кета бошлади. Фақат князь Лев Николаевич нимадандир иккилангандай бир сония ўз жойида туриб қолди, Евгений Павлович ҳам ҳали-ҳамон ўзига келолмай шамдай қотиб турарди. Лекин Епанчинлар йигирма қадамча нари кетишга ҳам улгурмаган эдиларки, даҳшатли жанжал кўтарилди.

Боя Аглая билан гаплашган офицер, Евгений Павловичнинг қалин дўсти қаттиқ даргазаб бўлди.

— Бунга қамчи даркор, бу расвонинг адабини қамчи билан бериш керак!— деди у овозини кўтариб. (У, афтидан, илғари ҳам Евгений Павловичнинг яқини бўлган шекилли.)

Настасья Филипповна унга ялт этиб ўгирилиб қаради; у ўзидан икки қадамча нарида қўлида тўқима хипчин кўтариб турган нотаниш йигитнинг олдига югуриб бориб, хипчинни унинг қўлидан тортиб олди-да, ўзини ҳақорат қилган кишининг баширасига чарсиллатиб урди. Буларнинг бари бир зум ичида рўй берди... Офицер қутуриб унга қараб ташланди; Настасья Филипповнанинг атрофида унинг одамлари қолмаган эди: ораста кийинган жаноб дарров ўзини четга олган, кайфи бор жаноб эса бир чеккага чиқиб овозининг борича хахолаб кулмоқда эди. Бир зумдан сўнг, албатта, полиция етиб келади, лекин унганча Настасья Филипповна жуда ёмон аҳволда қоладигандек эди, бироқ қутилмаганда кимдир ёрдам қўлини чўзди: икки қадам

¹ Омад тилтайман! (франц.)

нарида тўхтаб қолган князь офицернинг орқасидан унинг қўлини ушлаб қолди. Офицер қўлини тортиб оларкан, князни кўкрагидан куч билан итариб юборди; князь уч қадамча нарига учиб бориб тушди, стулга ўтириб қолди. Лекин бу пайт Настасья Филипповнанинг яна икки ҳимоячиси кўринди. Қутуриб кетган офицер олдида ўқувчига таниш мақоланинг муаллифи, собиқ Рогожин тўдасининг ҳақиқий аъзоси бўлмиш боксер қад кўтарди.

— Келлер! Истеъфодаги поручик, — деб ўзини танитди у кеккайиб. — Агар қуруқ қўл билан олишамиз десалар, мен заифа ўрнига қуллуғингиздаман; бутун инглиз боксини биламан. Туртинманг, капитан; сизга қонли жароҳат етказилганлигидан ачинаман, лекин одамлар ўртасида хотин кишини калтаклашга йўл қўёлмайман. Агар о-олижаноб одамларга ўхшаб бошқача бир йўл десангиз, унда — сиз мени, албатта, тушунишингиз керак, капитан...

Аmmo капитан ҳушини йнгиштириб олган ва унинг гаплари қулугига кирмасди. Шу пайт одамлар орасида Рогожин пайдо бўлди-да, Настасья Филипповнанинг қўлидан тутиб олиб кетди. Рогожин жуда қаттиқ ларзага тушганга ўхшар, ранги ўчган, қалтирарди. Настасья Филипповнани олиб кетаркан, у офицернинг башарасига қараб туриб уни калака қилди ва савдогарзодалардай ўзини ғолиб ҳисоблаб жиртак чалди:

— Чиyo! Едингми, ҳа! Башарангни кўр! Чиyo!

Ҳуши ўзига келиб ва ким билан жанжаллашмоқчи бўлганлигини кўриб, офицер одоб билан (юзини дастрўмоли билан беркитган ҳолда) стулдан турган князга мурожаат қилди:

— Сиз билан танишиш бахтига муяссар бўлган эдимми, князь Мишкинмисиз?

— У телба! Ақлдан озиб қолган! Ишонинг менга! — деб жавоб берди князь қалтираган овоз билан яна нима учундир унга қалтираган қўлларини узатиб.

— Мен албатта, бундай маълумотлар билан кўнглимни чор қилолмайман; лекин мен сизнинг исмингизни билишим керак.

У бошини силкиди-да, нари кетди. Воқеанинг энг сўнги иштирокчилари кўздан ғойиб бўлиб, роса беш соғна ўтгач, полиция пайдо бўлди. Воқеан, жанжал икки дақиқадан ортиқ чўзилмаганди. Одамларнинг бир хиллари ўринларидан туриб кетиб қолишди, бошқа бирлари жойларини ўзгартиришди; учинчи бировлар жанжал чиққанига хурсанд эдилар; тўртинчи бир кишилар вағир-вуғур қилиб бир-бирларидан суриштира бошлашди. Хуллас, жанжал одатдагидай тугади. Князь Епанчинларнинг ортидан жўнади. Офицер уни итариб юборгандан сўнг стулга ўтириб қолган пайтида у агар ўзининг чап ёнига қара-

ганда эди, йигирма қадамча нарида жанжални томоша қилиш учун тўхтаган ва нарироққа кетиб қолишган ойиси билан опаларининг гапларига сира қулоқ солишни истамаган Аглаяни кўрган бўларди. Князь Ш. унинг олдига чопиб келди-да, бу ердан тезроқ кетишга зўр-базўр кўндирди. Лизавета Прокофьевна Аглаянинг қаттиқ ҳаяжон ичида қайтиб келганлигини ва шунча чақиришларига қарамай, барибир уларнинг чақираётганликларини эшитмаганлигини эслаб қолди. Лекин роса икки дақиқадан сўнг боғ ичига кирдилар ва шунда Аглая одатдагича лоқайд ва инжиқ товуши билан деди:

— Масхарабозликнинг охири нима бўлишини кўрмоқчи эдим.

III

Воксалда рўй берган воқеа онани ҳам, қизларни ҳам ҳайрат ва даҳшатга солди. Ташвиш ва изтироб ичида қолган Лизавета Прокофьевна қизларини олиб тез боғига равона бўлди, воксалдан то уйга етгунча худди югургилагудай бўлиб борди. Унинг қарашлари ва тушунчалари бўйича мана шу воқеа жуда кўп нарсаларни ошкор қилган, ҳаддан ташқари кўп нарсалар бўлиб ўтганди, шунинг учун ҳам қўрқиб кетганига ва хаёллари тўзғиб ётганига қарамасдан миясида қатъий бир қарор уйғонмоқда эди. Лекин ҳаммалари фавқулодда бир ҳодиса рўй берганлигини ва балки бахтларига, аллақандай хориқулодда бир сир очила бошлаганлигини тушунган эдилар. Князь Ш.нинг ишонтиришлари ва кафолат беришларига қарамай, Евгений Павлович энди «фош қилинган», очилган, «ташқарига олиб чиқилган» ва «анави махлуқ билан алоқаси борлиги ошкор бўлган» эди. Лизавета Прокофьевна ва ҳатто унинг икки катта қизи шундай деб ўйлашарди. Бу хулосанинг нафи шунда бўлдики, чигал устига чигал қўшилди. Қизлар ичларида Лизавета Прокофьевнанинг бу қадар қаттиқ қўрқиб кетганлиги ва ҳамманинг кўз ўнгида ошкора қочиб кетишга уринганлигидан норози бўлсалар-да, лекин ҳозирча нега шундай қилдингиз, деб сўрашга ва уни безовта қилишга журъат қилмадилар. Бундан ташқари, уларнинг назарида сингиллари Аглая Ивановна бу ишдан уларга ва Лизавета Прокофьевнага қараганда кўпроқ хабардорга ўхшаб туяларди. Князь Ш. тундай хўмрайган, қаттиқ ўйга ботганди. Лизавета Прокофьевна йўл бўйи унга бир оғиз ҳам гапирмади, у эса афтидан буни пайқамади ҳам. Аделаида ундан: «Қандай амаки ҳақида айтишяпти, Петербургда нима бўпти?»— деб сўрагани оғиз жуфтлаган эди, князь Ш. юзини тириштирганча лудмал жавоб берди, аллақандай аризаларни гапирди, албат-

та, буларнинг ҳаммаси бўлмағур гаплар, деди. «Бунга сира шубҳа бўлиши мумкинмас!»— деди Аделаида ва бошқа ҳеч нарса сўрамади. Аглая бўлса жуда ҳам хотиржам бўлиб қолди ва йўлда борарканлар, мунча тез чопмасак, деб қўйди. У бир найт орқасига қараб орқаларидан етиб келаётган князни кўрди. Унинг етиб олиш учун шошилаётганлигини кўриб шўх кулимсираб қўйди ва бошқа орқасига қайрилиб қарамади.

Ниҳоят, уйга етай деганларида уларга ҳозиргина Петербургдан қайтиб келган Иван Федорович пешвоз чиқди. У дарҳол биринчи бўлиб Евгений Павловични сўради. Лекин умр йўлдоши унинг олдидан қора булутдай бўлиб жавоб бермасдан, башарасига қарамасдан ўтиб кетди. Қизларнинг ва князь Ш.нинг кўзларидан у уйда бугун бирон машмаша бўлишини сизди. Лекин шусиз ҳам унинг чеҳрасида фавқулодда бир ташвиш ифодаланиб турарди. У дарҳол князь Ш.нинг қўлтиғидан олди-да, эшик олдида тўхтатиб, у билан бир печа оғиз пичирлашиб гаплашди. Улар равонга кириб, Лизавета Прокофьевнанинг олдига томон йўл олганларида ҳар икковлари ҳам худди фавқулодда бир хабар эшитгандек жуда ташвишли кўрпнардилар. Аста-секин ҳамма тепага, Лизавета Прокофьевнанинг қосиғига йиғилди ва равонда ёлғиз князнинг ўзи қолди. У худди нимаидир кутаётгандай, лекин нимани кутаётганлигини ўзи ҳам билмаган ҳолда бурчакда ўтирарди; бу уйда тўс-тўполон бўлиб турганлигини кўрса ҳам барибир хаёлида кетиш фикри йўқ эди; у, афтидан, бутун ёруғ дунёни унутганга ва қаерга ўтқозишларидан қатъий назар, ҳозир ўша ерда қаторасига қимирламай икки йил ўтиришга ҳам тайёр турганга ўхшарди. Тепадан ташвишли гўнғирлаган товушлар келиб турарди. У бу ерда қанча вақт ўтириб қолганлигини аниқ айтиб беролмайди. Кеч тушди, говгум бўлиб қолди. Равонга бирдан Аглая чиқиб келди; кўринишдан у хотиржам эди, лекин ранги оқариб турарди. Бурчакда стулда князь ўтирганлигини кўриб, «афтидан, уин бу ерда кутмаган бўлса керак», Аглая ажаблангандай табассум қилди.

— Нима қилиб ўтирибсиз бу ерда?— деб у князнинг олдига келди.

Князь уялиб кетиб, алланима деб пичирлади ва дик этиб ўрнидан турди. Лекин Аглая шу заҳоти унинг ёнига ўтирди, князь ҳам яна жойига чўкди. Қиз бирдан унга разм солиб қаради, кейин кўзини деразага бурди, олиб қочди, кейин яна беихтиёр нигоҳ ташлади. «Балки унинг кулгиси келаётгандир,— деб ўйланди князь,— йўқ, унда дарров кулиб юборган бўларди».

— Балки чой ичарсиз, айтай, олиб келишсин,— деди қиз сал жим ўтирганларидан сўнг.

— Й-йўқ... Мен билмадим...

— Бунинг нимасини билмайсиз! Ҳа-я, айтмоқчи, менга қаранг, башарти, сизни биров дуэлга чақириб қолса, нима қилардингиз? Мен ҳали сўрамоқчи бўлган эдим.

— Э... ким мени... мени ҳеч ким дуэлга чақирмайди.

— Башарти, чақириб қолсалар-чи? Сиз жуда қўрқиб кетармидингиз?

— Менимча, жуда ҳам... қўрққан бўлардим.

— Ростданми? Сиз қўрқоқмисиз?

— Й-йўқ; ундай бўлмаса керак. Қўрқиб қочган одам қўрқоқ бўлади; башарти қўрқса-ю, қочмаса, у ҳали қўрқоқ эмас,— деб жилмайди князь ўйланиб.

— Сиз қочиб кетмайсизми?

— Балки қочиб кетмасман,— деб кулиб юборди у ниҳоят Аглаянинг саволларига.

— Мен аёл киши бўлсам ҳам ҳеч қачон қочмаган бўлардим,— деди қиз худди хафа бўлгандай.— Айтмоқчи, сиз менинг устимдан куляпсиз ва одатингиз бўйича яна кесатяпсиз, шу билан ўзингизни кўрсатиб қўймоқчисиз; айтнинг-чи, одатда ўн икки қадамдан туриб отишадиларми? Ўн қадамдан ҳам отишадими? Ундай бўлса одамнинг ўлиши ё ярадор бўлиши тайин экан-да?

— Дуэлларда камдан-кам ўқ нишонга тегеди.

— Нега камдан-кам? Пушкинни ўлдиришган-ку.

— Бу тасодифан бўлса керак.

— Ҳечам тасодиф эмас; ҳаёт-мамот учун бўлган у дуэль, уни ўлдирганлар.

— Ўқ шунчалар пастга текканки, Дантес унинг кўкраги ёки бошини мўлжалла олиб отган бўлса керак; бу ўқ шундай жойга текканки, у жойни ҳеч ким нишонга олмайди, шундай бўлгач, ўқ Пушкинга тасодифан теккан, янглиш ўқ теккан. Менга буни ишончли одамлар айтиб беришган.

— Менга бўлса буни битта солдат сўзлаб берган, мен у билан бир марта гаплашиб қолувдим, уларга атай устав бўйича одамнинг белидан мўлжалга олиш буюрилар экан: ҳа, уларга «одамнинг белидан», дейилган. Демак, кўкракка эмас, бошга эмас, нақ одамнинг белидан мўлжал олиб отиш керак. Мен кейин бир офицердан сўрадим, у тўғри, шундай, деб айтди.

— Тўғри, узоқдан отганда шундай.

— А, сиз отишни биласизми?

— Мен ҳеч қачон отган эмасман.

— Наҳотки тўппончани ўқлашни ҳам билмасангиз?

— Билмайман. Яъни демоқчиманки, қандай ўқлашни билман, лекин ўзим ҳеч ўқлаб кўрган эмасман.

— Демак, билмас экансиз, одам буни ўрганиши керак! Менга қаранг, эсингизда тутанг яхшилаб: биринчидан, яхши тўп-

попча, ўқланадиган дори топинг, ҳўл бўлмасин. (нам бўлмасин, қуруқ бўлсин дейишади), майдасидан бўлсин, сиз шундай деб сўраиғ, тағин тўлга солиб отиладиган дори олиб юрманг. Уқни кўлда қандайдир қилиб яшашаркан. Сизнинг тўппончангиз борми?

— Йўқ, кераги ҳам йўқ,— деб бирдан кулиб юборди князь.

— Бемаъни гап! Албатта сотиб олинг, француз ёки инглиз тўппончаси ҳаммасидан ҳам яхши бўлармиш. Кейин милтиқ доридан зиғирдак олиб, балки зиғирдакдан ҳам пича кўпроқдир, ичига солинг. Яхшиси, пича кўпроқ олаверинг. Устидан кигиз босинг (негадир албатта кигиз босиш керак, дейишади), кигизни бирон ердан топиш мумкин, тўшакларнинг ичини кигиз билан тўлдиришади, эшикларнинг қопламасига кигиз қилишади. Кигизни босганингиздан сўнг ўқни жойлайсиз,— эшитяпсизми, олдин дори солинади, сўнг кигиз, сўнг ўқ, бўлмаса отилмайди. Нега куляпсиз? Сиз ҳар куни тўппонча отиб машқ қилишингизни, мўлжалга отишни ўрганиб олишингизни истайман. Қиласизми?

Князь кулгани кулган эди; Аглая ер денсиди. Унинг бу гапларни жиддий айтаётгани князни ажаблантирди. У бир жиҳатдан тўппончани ўқлашдан кўра зарурроқ, аҳамиятлироқ алланиманидир сўраши, билиши кераклигини ҳис қилиб турарди. Лекин буларнинг ҳаммаси хаёлидан буткул кўтарилганди, зотан, қиз унинг олдида ўтирарди, у эса қиздан кўзларини узмасди, қизнинг нималар деётгани шу дамларда заррача унинг-чун аҳамиятсиз эди.

Тепадан равонга ниҳоят Иван Федоровичнинг ўзи тушиб келди; у хўмрайган, ташвишланган, қатъий бир қарор акс этган чеҳра билан қайгадир кетиб борарди.

— Ҳа, Лев Николаевич, сенмисан... Энди қаёққа?— деб сўради у Лев Николаевич ҳали ўрнидан қимирламоқчи эмаслигига қарамасдан.— Қани юр-чи, сенда гапим бор.

— Кўришгунча,— деди Аглая ва князга қўлини узатди.

Равон қоронғи бўлиб қолганди, князь ҳозир қизнинг юзини кўролмади. Бир зумдан сўнг улар генерал билан боғ эшикдан чиқиб борарканлар, у бирдан қаттиқ қизариб кетди ва ўзининг ўнг қўлини маҳкам қисиб олди.

У билан Иван Федоровичнинг йўли бир экан; Иван Федорович кеч бўлиб қолганига қарамасдан, ким биландир нима ҳақдадир гаплашиб келгани шошилиб турарди. Йўл-йўлакай у князь билан тутилиб, ташвишланиб, дам гапини йўқотиб, дам топиб, ҳар икки сўзнинг бирида Лизавета Прокофьевнани эслаб сўйлаб борди. Агарда князь мана шу дақиқаларда разм солиб қараганда эди. Иван Федорович ундан алланарсаларни билиб ол-

моқчи бўлаётганлигини, тўғрироғи, алланима ҳақидадир очиқдан-очиқ тўғри сўраб олишни истаётганлигини сезган бўларди, лекин генерал ҳеч гапининг калавасини тополмас, асосий гапга қандай қилиб ўтишни билмасди. Князь шу қадар паришон эдики, бошида унинг гапларини мутлақо эшитмади, генерал унинг олдида тўхтаб куйиб-пишиб бир нарсани сўраган эди, князь ҳеч нарсани тушунмаётганлигини тан олишга мажбур бўлди. У ўз ҳолатидан уялди.

Генерал елкаларини қисиб қўйди.

— Ҳаммаларингиз жуда ҳам галати бўлиб бораётибсизлар, тўрт томондан қаранг, шундай,— деб яна гап бошлади генерал.— Сенга Лизавета Прокофьевнанинг ўйлари ва ташвишларини сира тушунолмаётганимни айтяпман. У жуда ҳам тажанг, дам йиғлайди, дам бизни шармандаи шармисор қилдилар, деб вайсайди. Ким? Қандай? Кимлар билан? Қачон ва қандай? Нимага? Бўйнимга оламан, мен гуноҳкорман (буни тап оламан), қаттиқ гуноҳкорман, лекин ҳалиги... нобоп аёлнинг хираликларига (бунинг устига у ўзини жуда ёмон тугапти) полиция томонидан чек қўйилиши мумкин алоҳа. Мен битта-яримтаси билан кўришиб гаплашиб қўймоқчиман, огоҳлантираман. Ҳаммасини аста, юмшоқлик билан, оғир ботмайдиган қилиб, пешонасини силаб, асло жанжал-тўполонга йўл қўймай битириш мумкин. Албатта, билиб турибман, олдинда кўп ишлар борга ўхшайди ва кўп нарсалар ҳали жуда ноаниқ; бу ерда бир қилвирлик бор; лекин бу ерда ҳеч нарсани билмасалар, у ерда ҳам ҳеч нарсани тушунтириб беролмайдилар; агар мен эшитмаган бўлсам, сен эшитмаган бўлсанг, у эшитмаган бўлса, бешинчиси ҳам ҳеч нарсани эшитмаган бўлса, унда, ахир, ким эшитган ўзи, мен сендан сўраяпман? Сенингча, бу нарсаларни нима билан изоҳласа бўлади, бундан ташқари; ишнинг қоқ ярми — сароб, йўқ, ҳалиги, масалан, оянинг зиёси... ё бошқа бир турли шарпалар.

— У телба бўлиб қолган,— деб пичирлади князь бирдан боя бўлиб ўтган воқеаларни эслаб юраги зирқираганча.

— Сен анавини айтаётган бўлсанг, битта сўз билан бўлади. Мен ҳам шундай бир фикрда эдим бир жиҳатдан ва бемалол тинчгина ухлаб юрган эдим. Лекин энди қарасам, бу ердагилар тўғрироқ фикр юритишаётган экан, мен ақлдан озганига ишонмай қолдим. Боринги, жанжалкаш хотин дейлик, лекин жуда фаросатли, ҳеч ким ақлдан озган демайди. Капитон Алексеич хусусидаги бугунги гаплар шундан далолат бериб турибди. Буни муттаҳамгарчилик, дейиш ҳам мумкин, одамга азоб бериш учун қилинган, дейиш ҳам мумкин, махсус бир нарсани кўзлаган, дейиш ҳам мумкин.

— Капитон Алексееч кимдир?

— Оҳ, худойим, Лев Николаич, сен ҳеч нарсани эшитмаяпсан. Мен сенга бошида Капитон Алексееч ҳақида гапирган эдим; жуда ақлим шошиб қолди, ҳалиям оёқ-қўлимнинг титроғи босилмайди. Шунинг вазидан шаҳарда узоқ қолиб кетдим бугун. Капитон Алексееч Радомский, Евгений Павловичнинг амакиси...

— Хўш!— деб қичқириб юборди князь.

— Эрталаб азонда соат еттида ўзини отиб қўйибди. Мўътабар қария эди, етмишга кирган, лаззатпараст,— анави жуда тўғри айтди,— давлат маблағи, анчагина пул!

— У қаердан бил...

— Билган дейсанми? Ха-ха! Ахир, унинг атрофида бутун бир штаб ташкил бўлган дейиш мумкин. Биласанми, унинг олдига ҳозир кимлар келиб туришини, «танишиш шарафига муясар» бўлгиси келганлар кўп. Табиий, олдига келган одамлардан эшитган бўлиши мумкин, негаки, ҳозир бутун Петербург ва Павловскининг ярми ёки ҳаммаси буни билади. Лекин менга айтиб беришди, унинг Евгений Павловичнинг вақтида истеъфога чиқиб шу билан обрўсини сақлаб қолганлиги ҳақидаги гапининг тағдорлигини айтмайсанми! Узиб олганини қара. Йўқ, у телбага ўхшамайди. Мен албатта, Евгений Павлович фожиадан хабардор бўлганлигига, фалон кун, фалон соат ва ҳоказоларда рўй беришини билганлигига ишонмайман. Лекин у буларнинг барини сезган бўлиши мумкин. Мен бўлсам, биз ҳаммамиз бўлсак, князь Ш. билан биргаликда унга катта мерос қолса керак деб юрибмиз! Даҳшат! Даҳшат! Тушун, мен Евгений Павловични айбламоқчи эмасман ва сенга маълум қилиб қўйишим керакки, ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам шубҳали кўринади. Князь Ш. ёқасини ушлаб қолди. Буларнинг ҳаммаси жуда қизиқ бўлди-да.

— Лекин Евгений Павлович шубҳали нима иш қилди?

— Ҳеч нарса! Узини жуда олижаноб одам каби тутди. Мен ҳеч нарса демоқчи эмасман. Узининг давлати, ўйлашимча, омон бўлса керак ишқилиб. Лизавета Прокофьевна, албатта, ҳатто кулоқ ҳам солмаяпти... лекин энг муҳими — мана шу оилавий фожиаларнинг бари, ёки, тўғрироғи, можаролар, шу нима деб аташингни ҳам билмайсан... Сен, чинакам маънода, хонадонимизнинг яқинисан, Лев Николаевич, ўзинг ўйлаб кўр, энди маълум бўляптики, балки аниқ ҳам эмасдир, Евгений Павлович бир ой илгарч Аглаяга кўнгил изҳор қилганмиш ва Аглая унга рад жавоби берганмиш.

— Бўлиши мумкинмас!— деб қизгинлик билан қичқирди князь.

— Сен қаердан биласан? Менга қара, қадрдоним,— сеска-

ниб кетди ҳайрон бўлиб қолган генерал турган ерида шамдай қотиб,— мен сенга бекорга оғзимдан гуллаб қўйдим шекилли, бу яхшимас, лекин шунинг учун айтяпманки, сен... сен... нима десаикин, шундай одамсан. Балки баъзи бир гаплардан сенинг ҳам хабаринг бордир?

— Мен ҳеч нарса билмайман... Евгений Павлич ҳақида,— пичирлади князь.

— Мен ҳам билмайман! Мени... мени, биродар, тириклай ерга кўмиб қўйишмоқчи, ўйлашмайдики, бу одамга ҳам оғир, деб, бунга ҳам дош бериш қийин, деб. Ҳозиргина бўлган маш-машани кўрсайдинг, даҳшат! Сенга ўз ўғлимдек айтяпман. Энг муҳими, Аглая ойисининг устидан куляптими дейман. Унинг Евгений Павличга бир ой бурун рад жавоби берганлигини, улар шу ҳақда гаплашиб олганларини опалари тусмоллаб айтиб беришди... лекин тусмоллари тахминдан кўра ҳақиқатга яқинроқ шекилли. Лекин ахир, бу шунчалар эрка, ўзбошимча ва ақл бовар қилмайдиган бир хилқатки, ҳатто нима деб айтишингни ҳам билмайсан! Бутун олижанобликлар дейсанми, ақл ва юракнинг энг порлоқ фазилатлари дейсанми,— буларнинг бари унда бор, албатта, лекин унинг инжиқликлари, кесатиклари ҳам йўқ эмас, қисқаси, жуда шайтони зўр, бунинг устига хаёл-параст. Ҳозир онасининг юзига қараб туриб кулди, опалари, князь Ш.— ҳаммани майна қилди; мени-ку, ҳатто гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, менинг устимдан кулгани кулган, лекин менга нима, мен ахир уни яхши кўраман, ҳатто унинг кулишини ҳам яхши кўраман,— шунинг учун ҳам бу шайтон қиз мени жуда яхши кўради; яъни бошқалардан кўра кўпроқ яхши кўрса керак, деб ўйлайман. Гаров ўйнайманки, у ҳали сенинг устингдан ҳам кулган бўлса керак. Юқорида бўлган ғалвадан кейин пастга тушсам, икковларинг гаплашиб ўтирган экансанлар; сен билан худди ҳеч нарса бўлмагандай бемалол ўтирганини қара.

Князнинг юзи ловуллаб кетди ва ўнг қўли панжасини қаттиқроқ қисди, лекин индамади.

— Азизим, меҳрибоним, Лев Николаич!— ҳис билан, қизгинлик билан деди бирдан генерал,— мен... ва ҳатто Лизавета Прокофьевнанинг ўзи (у яна сенинг атрофингда гиргиттон бўлиб қолди, сен туфайли менга ҳам яхши муомала қила бошлади, нега, билмайман) биз сени ҳар қалай яхши кўрамыз, чин юракдан севамыз ва ҳурмат қиламыз, биз баъзи бир нарсаларга унчалар эътибор ҳам бермаймыз. Лекин ўзинг ўйлаб кўр, азиз дўстим, ўзинг ўйлаб кўр, у бизга яна бир топишмоқ бериб қўйди, нима деб ўйлашимизни ҳам билмай қолдик, шу бепарво шайтон қиз десанг бирданга (у ойисининг олдида бизнинг барча саволларимизни заррача ҳам менсимасдан ва айниқса, менинг

гапларимни назарига илмасдан турганини кўрсанг, менинг ўзим ҳам, жин урсин, аҳмоқлик қилиб қўйдим, хонадон бошлиғиман-ку, бир ўз гапимни ҳам ўткавай деган эдим,— аҳмоқлик қилибман), қизи тушмагур, ҳеч нарсани парвосига келтирмай илжайиб туриб, анави «ақлидан озган хотин», дейди (у худди шундай деди, қизиқ, икковларингизнинг гапларингиз бир ердан чиқяпти: «Наҳотки шу пайтгача сезмаган бўлсаларингиз»), ўша ақлдан озган хотин, дейди, «мени қандай қилиб бўлмасин, князь Лев Николаичга узатмоқчи, шунинг учун Евгений Павлович бизнинг уйимиздан қувиб чиқармоқчи»... шундай деди-я. Бошқа ҳеч нарса демади, ўзидан-ўзи хандон ташлаб кулади дегин, биз бўлсак оғзимизни очганча қолаверибмиз, қизи тушмагур айтадиганини айтиб чиқди-кетди. Кейин менга боя сен билан икковларинг ўртасида бўлиб ўтган гапни сўзлаб беришди... ва... ва... қулоқ сол, азизим князь, сен унча-мунчага хафа бўлавермайсан, мулоҳазала йигитсан, анчадан бери пайқаб юрибман, лекин... жаҳлинг чиқмасин: худо ҳаққи, у сенинг устингдан куляпти. Худди ёш болага ўхшаб сени тегажаклик қиляпти, шунинг учун ундан жаҳлинг чиқмасин, лекин бу бор гап. Яна бироқ нимани ўйлаб юрма,—у ҳаммамизни, сени, бизни лақиллатиб юрибди эрмакка. Хўп, омон бўл! Сенга бўлган кўнглимизни биласан-ку! Бизнинг барча самимий ҳисларимизни! Улар ҳеч қачон ўзгармайди, шундай қолади... аммо... мен энди бу томонга боришим керак, кўришгунча! Мен ўзимни ҳеч қачон бунчалар омонат ҳис қилган эмасдим (шундай деб айтишармиди, ахир?) худди ҳавода муаллақ осилиб тургандайман... Ана сенга чорбоғ!

Чорраҳада ёлғиз ўзи қолгач, князь атрофга олазарак бўлиб қаради, тез кўчанинг нариги бетига ўтди, бир уйнинг ёруғ тушиб турган деразасига яқин борди, Иван Федорович билан гаплашган чоғида ўнг қўлида маҳкам қисимлаб турган кичкинагина қоғоз парчасини очди ва деразанинг хира ёруғида шу сўзларни ўқиди:

«Эртага эрталаб соат еттида мен боғдаги кўк скамейкада ўтираман, сизни кутаман. Сиз билан фақат сизга алоқадор бўлган муҳим бир иш устида гаплашиб олмоқчиман.

Р. С. Бу хатни ҳеч кимга кўрсатмайсиз, деб умид қиламан. Сизни йўлга солишга ёшлиқ қилсам-да, лекин нима қилай, сиз шунга арзийдиган одамсиз, ва журъат қилиб ёздим,— сиз жуда галати киши экансиз, одамни жуда уялтириб юбордингиз.

Яна боқий. Бу боя ўзим сизга кўрсатганим кўк скамейка. Уялинг! Мен шуни ҳам яна бир карра эслатишга мажбур бўлдим».

Хат жуда шошиб ёзилган, тезгина буклаб қўйилган, Аглая, афтидан, уни равонга чиқишидан сал бурун ёзган бўлса керак. Князь ифода қилиб бўлмайдиган даражада ҳаяжонга тушди, бу ҳаяжон қўрқувга ҳам ўхшарди, князь хатни яна қўлида маҳкам сиқимлаганча тезлик билан ўзини дераза ёруғидан нарига олди, у ҳозир худди қўрқиб кетган ўғрига ўхшарди. Лекин ўзини орқага оларкан, елкаси билан шу ерда турган бир жанобга урилиб кетди.

— Мен сизни излаб юрибман, князь,— деди ўша жаноб.

— Сизмисиз, Келлер?— деб қичқириб юборди князь ажабланиб.

— Сизни қидириб юрибман, князь. Епанчинларнинг уйи олдида кутиб турган эдим,— албатта, ичкарига киролмадим. Генерал билан кетаётган экансиз, орқангиздан келавердим. Сизнинг хизматингизга тайёрман, князь, нима десаңгиз, Келлернинг бош устига. Жонимни фидо қилишга, ширин умримни қурбон қилишга ҳозирман, агар керак бўлса.

— Ҳа... нимага?

— Ҳўш, сизни дуэлга чақирсалар керак. Анов поручик Моловцов, мен уни танийман, шахсан бўлмаса ҳам умуман танийман, демоқчиман... у ўзини таҳқирлашга йўл қўймайди. Бизга ўхшаганларни, яъники, Рогожин билан мени у бир пулга ҳам олмайди, бизни паст деб билади, балки тўғридир,— шундай бўлгач, сизнинг ўзингиз жавоб беришингизга тўғри келади. Шишалар учун ҳақ тўлаш керак бўлади, князь. У сизни сўраб-истаб юрган эди, ўзим эшитдим, ҳойнаҳой эртага унинг ўртоғи олдингизга келса керак, балки шу топда келаётган бўлса ҳам ажабмас. Агарда мени ўзингизга секундант қилиб сайласангиз, жоним билан рози бўламан, сизни деб бошимга қизил қалпоқ кийишдан ҳам тоймайман. Сизни қидириб юрганнинг боиси шу, князь.

— Э, сиз ҳам дуэлдан гап очиб қолдингиз-ку!— деб хандон ташлаб қулиб юборди князь Келлери бутунлай ҳайратга солиб. У қаттиқ қаҳқаҳа уриб кулди. Келлер чини билан ҳам то ўзини секундантликка таклиф этиб қаноат ҳосил қилмагунча игна устида юргандек бўлган эди, князнинг бунчалар хандон ташлаб маза қилиб кулаётганлигини кўриб оғринди.

— Биласизми, князь, сиз ҳали унинг қўлидан ушлаб қолдингиз. Олижаноб одам ҳамманинг ўртасида бунини ўзинга ҳақорат деб билади. Чидаши қийин бундай нарсага.

— У кўкрагимдан итариб юборди-ку!— кулиб туриб қичқирди князь.— Уришиб нима қиламиз! Мен ундан кечирим сўрайман, вассалом. Агар уришиладиган бўлса, майли, уришаман! Майли, отсин; мен шуни истайман. Ҳа-ҳа! Мен энди тўппонча-

ни ўқлашни биламан! Биласизми, ҳозир мени тўппончани қандай ўқлашга ўргатишди? Сиз тўппонча ўқлашни биласизми, Келлер? Аввало, дори сотиб олиш керак, дори нам бўлмаслиги ва тўпларга солиб отиладиган йиригидан ҳам бўлмаслиги керак; кейин аввал дори солинади, ундан сўнг бировнинг эшигидан кигиз парчасини суғуриб олиб тикилади, ана ундан кейин ўқ жойланади, ўқни доридан олдин жойлаб бўлмайдди, чунки отилмай қолади. Эшитдингизми, Келлер: чунки отилмай қолади. Ха-ха! Сабабнинг зўрлигини қаранг, Келлер! Оҳ, Келлер, биласизми, мен ҳозир сизни қучоқлаб олиб ўпиб қўяман. Ха-ха-ха! Сиз қандай қилиб боя унинг йўлини тўсиб қолдингиз? Меникига тезроқ боринг, бир шампань ичамиз. Ҳаммамиз маст бўлгунча ичамиз! Биласизми, менинг ўн икки шиша шампанним бор Лебедевнинг ертўласида? Уч кун бўлди «бир муносабат билан» Лебедев менга сотди, боғига келган кунимнинг эртасига, мен барини сотиб олдим! Мен ҳаммани чақираман! Нима, сиз шу кеча ухламоқчимисиз?

— Нима ҳам қилардик, князь?

— Унда, сизга ширии тушлар тилайман! Ха-ха!

Князь йўлнинг нариги ёғига ўтиб, боғ ичида ғойиб бўлди, Келлер ҳайрон бўлиб бошини қашиганча қолаверди. У князни бундай галати кайфиятда сира ҳам кўрмаган, умуман, шундай бўлишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди.

«Иситмаси борга ўхшайди, асабий одам-да, ҳар қалай, ҳаммаси унга қаттиқ таъсир қилган, лекин юраги ботир, кўрқмайди. Мана шулар, худо ҳаққи, ҳеч қачон кўрқмайдилар!— деб ўйларди ўзинча Келлер.— Ҳим, шампань! Одамнинг кайфиятини кўтарадиган гап. Ўн икки шиша, оз эмас; битта гарнизон десак ҳам бўлади. Қасам ичаманки, Лебедев бу шампанни битта-яримтасидан гаров ўринга олган. Ҳим... у жуда ҳам тузук йигит экан, бу князь дегаилари; гапнинг очиги, мен шундайларни яхши кўраман; лекин вақтин боий беришининг сира ҳожати йўқ ва магарким... шампань экан, айни муддао десак ҳам бўлади...»

Ҳақиқатан ҳам князь иситмалаб турган эди.

У қоронғи боғда узоқ кезиб юрди ва ниҳоят ўзини бир хиёбонда айланиб юрган ҳолда кўрди. Мана шу хиёбондаги скамейкадан то баланд ва кўзга ташланиб турган қари дарактгача юз қадамча келарди, назарида шу масофани ўттиз ё қирқ мартача босиб ўтгандек эди. Боғ ичида кезиб юраркан, у бир соатдан бери нималарни ўйлаганларини башарти ўзи истаган тақдирда ҳам сира эслолмасди. Дарвоқе, у калласига келган бир фикрни ушлаб қолди ва бу фикрдан кутилмаганда қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди; куладиган ўрни бўлмаса ҳам, лекин унинг ҳадеб кулгиси қистарди. Дуэль қақидаги фикр Келлердан бош-

қа бир одамнинг ҳам хаёлида туғилган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас, шунинг учун ҳам тўппончани қандай ўқлаш кераклиги ҳақидаги гаплар тасодифий бўлмаса керак, деб ўйлади князь... «Воҳ!— миясига кутилмаганда келган бир фикрдан таққа тўхтаб қолди у,— боя мен бурчакда ўтирганимда, у равонга тушиб, мени кўриб қолиб жуда ҳам ажабланди, яна унинг кулгани... чой ичасизми, деди; шу пайтда унинг қўлида ҳалиги хат бўлган, бундан чиқди, у менинг равонда ўтирганлигимни аниқ билган бўлиши керак, унда нега бунча ажабланди экан? Ха-ха-ха!»

У хатни киссасидан олиб ўпди, лекин шу заҳоти тўхтаб ўйланиб қолди.

«Жуда галати-я! Жуда галати-я!» — деб қўйди у бир зумдан сўнг аллақандай маъюслик билан: у қувончдан шундай боши осмонга етган чоғларида доимо бирдан маъюс бўлиб қолар, нега, шундай бўлишини ўзи ҳам билмасди. У атрофга диққат билан разм солди ва бу ерга келганига ажабланди. У жуда ҳам ҳориган эди, скамейкага келиб ўтирди. Ҳамма ёқ жимжит. Воксалдаги музика садолари тинганди. Боғда эҳтимол ҳеч ким қолмаган бўлса керак; соат ўн иккиларга қараб кетган бўлса ажаб эмас. Кеча сокин, илиқ, нурафшон эди — июннинг аввалларида Петербургда мана шундай кечалар бўлади, лекин қуюқ, сердарахт боғда, у ўтирган хиёбонда қоронғи қалин эди.

Агарда унга ҳозир биров сен яхши кўриб қолибсан, яхши кўрганда ҳам қаттиқ яхши кўриб қолибсан, деса, у балки бу фикрдан ажабланиб ва ҳатто аччиғи чиқиб бош тортган бўларди. Ва мабодо башарти кимдир Аглаянинг хати севги мактуби, бу мактубда ишқий учрашувга даъват қилинган, деб қўшимча қилса, ўша одам учун қаттиқ номус қилган ва эҳтимолки, уни дуэлга чақирган бўларди. У жуда самимий тарзда шундай деб ҳис қиларди, у шу қиз мени севиб қолиши мумкин-ку ё бўлмаса, мен уни севиб қолишим мумкин-ку, деган фикрни ҳатто калласига ҳам келтирмасди, кўнглида бу жиҳатдан заррача иштибо йўқ эди. У «ўзига ўхшаган одамни» яхши кўриб қолиш мумкинлигини ақлга тўғри келмаган нарса деб биларди. Мабодо жиндаккина бир нарса бўлган тақдирда ҳам буни у қизнинг шўхлигига жўярди; лекин у айниқса, ҳазил-ҳузулларга, шўхликларга жуда беларво қарар, буларни доим бўлиб турадиган одми нарсалар деб биларди. Унинг ўзи ҳозир бутунлай бешқа бир нарсанинг ташвиши билан банд эди. Ҳали генералнинг оғзидан қизишиб турган пайтида Аглая ҳамманинг устидан кулиб калака қилиб юради, шу жумладан, сизнинг устингиздан ҳам кулаётган бўлса ажабмас, деган гап бехос чиқиб кетди, князь бунга чиппа-чин ишонди. Лекин шу билан ўзини заррача ҳам таҳқирланган деб ҳис қилмади; назарида ўзи шун-

дай бўлиши керак эди. Энг тайинли гап шу эдики, эртага азонда у яна қизни кўради, у билан кўк скамейкада ёнма-ён ўтиради, тўппончани қандай ўқлаш кераклиги ҳақидаги гапларини эшитади ва унга тўйиб-тўйиб қарайди. Унга шундан ортиқ ҳеч нарса керак эмас. Қиз унга нималарни айтмоқчи, унга тегишли қандай гапларни, қандай муҳим ишларни маълум қилмоқчи, деган савол бир-икки маротаба князнинг хаёлига келди. Бундан ташқари, у ўзига тегишли ҳақиқатан шундай «муҳим иш» бўлиши мумкинлигига заррача ҳам шубҳа қилгани йўқ, лекин ўзи атай чақирилаётган ушбу муҳим иш хусусида ҳозир жиндак ҳам бош қотирмас, ҳатто бош қотиришга зигирдак эҳтиёж сезмасди.

Хиёбонга тўшалган қум оҳишта фикрлади ва у бошини кўтариб қаради. Юзини қоронғида фарқлаб бўлмайдиган бир одам скамейкага келиб унинг ёнига ўтирди. Князь дарров унга томон яқин сурилиб Рогожиннинг рангсиз юзини таниди.

— Шу атрофда айланиб юрган бўлсанг керак дедим, дарров топиб олдим,— деб тўнгиллади Рогожин тишининг орасидан.

Улар меҳмонхона коридорида кўришганларидан бери биринчи марта учрашмоқда эдилар. Рогожин яна кутилмаганда пайдо бўлганидан князь бир муддат хаёли созурилиб ўтирди, жонида яна азобли ҳиссиёт уйғонди. Рогожин ўзининг қандай таассурот қолдирганлигини фаҳмлаб турарди; у гарчи бошида тутилиб, аввалдан тайёргарлик кўриб ўзини бепарво кўрсатиб сўзлаётган бўлса-да, лекин князь дарров унинг олдиндан тайёрланмаганлигини, айтадиган сўзларини ёдлаб келмаганлигини, хижолат чекмаётганлигини седи: агар у ўзини ноқулай сезаётган бўлса ҳам бу фақат ташқи томондан, унинг сўзлари ва қўл ҳаракатларидагина зуҳур этарди. Бу одамнинг дили ўзгаришига ишониш қийин эди.

— Сен қандай... мени қидириб топдинг бу ердан?— деб сўради князь нимадир дейиш учун.

— Келлердан эшитдим (сеникига кирган эдим), «боққа кетди деб»; худди шундай бўлса керак, дедим.

— «Худди шундай»нинг нимаси?— деб тасодифан чиқиб кетган сўзни ушлаб олди князь.

Рогожин тиржайди, лекин тушунтириб ўтирмади.

— Сенинг хатингни олдим, Лев Николаич; сен бекор қилибсан... эринмаганингни қара!.. Ҳозир унинг олдидан келдим: албатта менга келиб учрашсин деб тайинлади; сенга айтадиган зарур гапи бор экан. Шу бугун келсин, деди.

— Мен эртага бораман. Мен ҳозир уйга бораман; сен ҳам... борасанми?

— Нимага? Сенга барини айтдим; хайр.

— Ахир уйга кирмайсанми?— деб аста сўради князь.

— Жуда галати одамсан-да, Лев Николаич, сенга қараб туриб киши ажабланиб қолади.

Рогожин ачиқ кулимсиради.

— Нега? Нима учун мени бунчалик ёмон кўрасан?— маъуслик билан куйиб-пишиб деди князь.— Энди ўзинг билгандирсан, ҳамма ўйлаган нарсаларинг нотўғри эканлигини. Айтмоқчи, ўзим ҳам сезган эдим ҳамон мени ёмон кўриб юрганлигингни, биласанми нега? Чунки сен менга қасд қилдинг, шунинг учун ҳам ҳалигача мени кўргани кўзинг йўқ. Сенга айтиб қўяй; мен фақат битта Парфен Рогожинни, мен билан ўшанда бутларини алмаштирган Рогожинни биламан, сен билан оғанин тутинганман; сенга кечаги хатимда шуни ёзгандим, бу васвасаларнинг барини унут, ўйлама, мен билан бу ҳақда гаплашма деб. Нега мендан қочиб юрибсан? Нега мендан қўлларингни яширасан? Сенга айтяпман-ку, ўшанда нима рўй берган бўлмасин, ҳаммасини шайтоннинг иши деб ҳисоблайман: мен ўша куни қандай аҳволда бўлганлигингни ҳозир ёддан биламан, худди ўз бошимдан кечиргандайман. Сен калланга келтирган нарса асло таг-тугида бўлмаган нарса. Шундай экан, нега энди бир-биримизни ёмон кўришимиз керак?

— Сенда ёмон кўриш деган нарса нима қилсин!— деб яна кулди Рогожин княздинг ёниб-куйиб сўзлаганига жавобан. У ҳақиқатан ҳам княздан икки қадамча четланиб қўлини орқасига яшириб турмоқда эди.

— Энди сенинг уйинг менга бегона, Лев Николаич,— деб қўшимча қилиб қўйди Рогожин оҳиста салмоқ билан.

— Мени шунчалар ёмон кўрасачми, а?

— Мен сени ёмон кўраман, Лев Николаич, сеникига бориб нима қилдим? Эҳ, князь, сен худди ёш болага ўхшайсан, ўйинчоқ керак бўлиб қолса, дарров олсанг, масалани бўлса тушунмайсан. Бу гапларни хатингда аниқ қилиб ёзгансан, мана яна гапиряпсан, нима, мен сенга ишонмайманми? Сенинг ҳар бир сўзингга ишонаман ва мени ҳеч қачон алдамаганлигингни, алдамаслигингни биламан; шундай бўлса ҳам барибир сени ёмон кўраман. Сен: ҳаммасини эсдан чиқариб юбордим, фақат тутинган биродарим Рогожиннигина биламан, менга пичоқ кўтарган Рогожинни танимайман, деб ёзибсан. Ахир, сен менинг ҳисларимни қаердан биласан? (Рогожин яна иршайди.) Ахир, мен балки ўша қилган ишимга шу пайтгача балки заррача ҳам пушаймон эмасдирман, сен бўлсанг, менга, биродарим, сени кечираман деб ёзибсан. Балки мен ўша кечаёқ бутунлай бошқа бир нарса ҳақида ўйлагандирман, буни бўлса...

— Хаёлингга ҳам келтирмагансан!— деб унинг гапини оғзидан олди князь.— Бўлмасам-чи! Гаров ўйнайманки, сен ўшанда поездга ўтириб дарҳол бу ерга — Павловскка қараб жўнагансан, музыка чаладиган вақтга етиб келгансан, худди бугунгидай одамлар орасида туриб ланадан уни пойлаб кузатиб тургансан. Топган гапингни қара! Ушанда калланга бир нарсани қўйиб олмаганингда, жишдак мулоҳаза қилиб кўролганингда менга ҳеч қачон пичоқ кўтармаган бўлардинг. Ушанда эрталаб сени кўрганимдан кейин кўнглим бир нарсани сезгандай бўлганди; сен биласанми, ўшанда қандай аҳволда эдинг? Бутларимизни алмашгандан кейиноқ менда шундай бир фикр пайдо бўлди. Нега ўшанда мени кампирнинг ҳузурига олиб кирдинг? Шу билан балки қўлингни боғламоқчи бўлгандирсан? Ўйлаган бўлишинг мумкин эмас буни, фақат менга ўхшаб сезган бўлишинг мумкин... Ушанда иккимиз ҳам битта сўздан сезганмиз. Ушанда менга қўл кўтармаганингда (худо қўлингни қайирди), ҳозир сенинг олдинда ким бўлардим? Ахир, мен сендан шубҳам бор эди, ҳа, бир сўз, бирга гуноҳқормиз! (Юзингни буриштирма! Хўп, нега куляпсан ўзи?) «Пушаймон қилмадим» эмиш! Агар истаган тақдирингда ҳам пушаймон бўлолмасдинг, чунки мени яхши кўрмайсан-ку бунинг устига. Агарда мен сенинг қошиңгда фариштадек бегуноҳ бўлганимда ҳам сен барибир мени ўлгудай ёмон кўраверасан, чунки у сени эмас, мени яхши кўради, деб ўйлайсан. Мана шунинг отини рашк дейдилар. Лекин шу ҳафта ичи мен бир нарсани ўйлаб қолдим, Парфен, буни сенга айтиб бераман: биласанки, балки у сени энди ҳаммадан ҳам ортиқроқ севади, ва яна қанча кўн қўйнаса, шунча кўп ва қаттиқроқ яхши кўради. Буни сенга ҳеч қачон айтмайди, лекин кўр эмассан, ўзинг кўришинг керак. Нега охири у сенга тегадиган бўляпти? Бир кун келиб буни ўзингга айтиб беради. Баъзи аёллар ҳатто уларни худди мана шундай яхши кўришларини истайдилар унинг феъли худди мана шундай! Сенинг табиатинг ва сенин муҳаббатинг уни лол қилиб қўйиши керак! Биласанми, хотин киши бераҳмлиқ ва аёвсизлик билан калака қилиши, қийнаши одамнинг жонини ҳиқилдоғига келтириши мумкин, ва буни учун заррача ўзини гуноҳкор деб ҳис қилмайди, чунки ҳар сафар сенга қараб туриб шундай деб хаёл қилади: «Мана энди уни ўлардай қийнаб азоб бераман, ундан кейин муҳаббатим билан унинг кўксини тоғ қиламан...»

Князнинг гапларини эшитиб Рогожин хахолаб кулиб юборди

— Нима, бу дейман, князь, сен ўзинг ҳам шунақасига илини қолмадингми мабодо? Мен сен ҳақингда баъзи бир гапларни эшитдим, ростми?

— Нима, нима деб эшитдинг? — деб чўчиб тушди князь ва беҳад хижолат чекиб тўхтаб қолди.

Рогожин ҳалиям кулишдан тўхтамасди. У князнинг гапларини қизиқиб, балки мамнуният билан тинглади; князнинг шодона кайфияти, завқи уни ҳайратга солди ва унга далда бўлди.

— Эшитганим ўз йўли билан; лекин мана, кўриб турибман, тўғри экан,— деб қўшиб қўйди у,— хўш, сен қачон ҳозиргидай гапиргансан? Худди сен эмас, бошқа бир одам гапираётганга ўхшайди бир чеккаси. Уша гапларни эшитмаганимда сенинг олдинга ҳозир келмаган бўлардим. Бунинг устига, манави боққа, ярим кечада.

— Тушунтириброқ айт, Парфен Семенич.

— У менга тушунтирганига анча бўлган эди, энди ўзим кўрдим ҳалиги қиз билан музика эшитиб ўтирганини. У худо ҳаққи, дейди, худо ҳаққи, князь Аглая Епанчинага мушукдек боғланиб қолган, дейди, кеча ҳам айтди, бугун ҳам. Князь, менга барибир, ҳар кимнинг гўри бошқа; агар сен энди уни яхши кўрмасан, у сени ҳамон яхши кўради. Сен ахир биласан-ку, у сени албатта анави қизга уйлантириб қўймоқчи, ўзига сўз берган, ҳе-ҳе! Менга нима дейди дегин: «Бўлмаса сенга тегмайман, дейди, улар черковга борса, биз ҳам борамиз, дейди». Бунинг нима сири бор, сира ақлим етмайди, нималигини тушунмайман: ё сени беҳад яхши кўради, ё... агар яхши кўрса, нега бошқага сени уйлантирмоқчи? «Унинг бахтли бўлишини истамайман», дейди, — демак, яхши кўради.

— Мен айтган ва ёзган эдим, унинг... ақли жойида эмас, деб, — дейди князь изтироб ичида Рогожиннинг гапларини эшитаркан.

— Худо билади! Балки сен янглишаётгандирсан... айтгандай, у менга бир кунни тайин қилди музикадан уйга олиб борганимдан кейин: уч ҳафтадан сўнг, балки ундан ҳам олдинроқ никоҳимизни ўқитамиз, дейди: қасам ичди, санамни ўпиб айтди. Энди бу ёғи сенга боғлиқ бўлиб қолди, князь, ҳе-ҳе!

— Булар ҳаммаси алаҳлаш! Сен мен ҳақимда айтаётган нарса ҳеч қачон бўлмайди! Мен эртага олдингизга бораман...

— Нега энди телба бўлсин? — деди Рогожин. — Бошқаларнинг ҳаммасига соғу битта сенга телба бўладими? Бўлмаса, қандай қилиб у ерга хатлар ёзипти? Агар телба бўлганда хатларидан билиниб қолган бўларди.

— Қандай хатлар? — деб сўради кўрқиб кетган князь.

— У ерга ёзади, анави қизга, у қиз ўқийди. Наҳот хабаринг йўқ? Бўлмаса, билиб қоларсан; сенга қизнинг ўзи кўрсатса керак.

— Наҳот шундай бўлса? — деб қичқирди князь.

— Эҳ! Бундай қарасам, Лев Николаевич, сен бу оғудан ҳали кўп ичмаганга ўхшайсан, кўриб турибман, оғзингга эндигина томибди. Андак сабр қил: махсус шахсий полиция тутадиган бўласан, ўзинг кечасио кундузи эшигида пойлоқчилик қилиб чиқасан ва ҳар бир қадамидан огоҳ бўлиб турасан, фақат магар...

— Бас қил, бу ҳақда ҳеч қачон оғзингни оча кўрма!— деб қичқирди князь. — Қулоқ сол, Парфен, сен келмасингдан бурун мен бу ерда айланиб юрган эдим, бирдан негалигини ўзим ҳам билмайман, кулгим қистаб қолди, сабаби кейин эсимга тушди, — эртага менинг туғилган куним экан, худди атай қилгандай. Ҳозир вақт кеч бўлиб қолди, соат ўн иккига қараб кетди. Юр, эртанги кунни бирга кутиб оламиз! Май тўла шишаларим бор, май ичамиз, менга ўзим ўзимга тиламайдиган, ўзим ҳам билмайдиган нарсани тила, яна худди сен тила, мен эсам, сенга кетмас бахт тилайман. Бўлмаса, қани бер бутни! Ахир, сен бутни ўшанда эртасига қайтариб юбормадинг-ку! Ҳали бўйнингдадир? Ҳозир ҳам бўйнингдами?

— Бўйшимда,— деди Рогожин.

— Унда, юр. Мен ўзимнинг янги ҳаётимни сепсиз қаршилашни истамайман, чунки менинг янги ҳаётим бошланди! Сен билмайсан, Парфен, бугун менинг янги ҳаётим бошланди?

— Энди ўзим кўриб турибман, ўзим биламан, бошланибди; унга шундай деб хабар бераман. Ҳушинг ўзингда эмас, Лев Николаич!

IV

Рогожин билан биргаликда ўз уйига яқинлашаркан, князь равон чароғон қилиб ёритилганлиги, бир жамоат одам йиғилишиб гапир-гуггур чақчақлашаётганларини кўриб ҳайрон бўлди. Йиғилганлар вагир-вугур қилишиб сўйлашар, хурсандчилик авжида эди; ҳатто бақириниб тортишардилар; ҳаммаларининг вақтлари жуда чоғ эканлиги яққол билиниб турарди. Ҳақиқатан ҳам равонга кириб у меҳмонлар ичишаётганларини, шампань ичаётганларини, афтидан, хийла вақтдан бери ичаётганларини кўрди, кўплар анча-мунча хушчақчақ бўлиб олишга улгуришган; меҳмонлар бари князнинг танишлари эди, лекин ҳаммалари бирдан йиғилиб келишгани қизиқ эди, князь эса ҳеч кимни чақирмаганди, бугун туғилган куни эканлигини у ҳалигина бирдан эслаб қолганди.

— Битта-яримтасига шампань қуяман деган бўлсанг, тамом, ҳаммаси йиғилишиб келган-да,— деб тўнғиллади Рогожин князнинг ортидан равонга кўтариларкан,— биз бундайларни кўравериб кўзларимиз пишиб кетган; уларга пича учини чиқариб қўй-

санг бас...— деб қўшиб қўйди у ғазаб билан ўзининг яқинда бошидан ўтганларини эслаб.

Ҳамма князни шовқин-сурон солиб, табриклар билан қарши олди. Баъзи бировлар ўзини тутолмай шовқинлар, бошқалари ўзларини вазмин туттилар, лекин ақиқа кунни эканлигини эшитгач, ҳаммалари князни табриклашга шошилишди, навбатманавбат келиб уни муборакбод қилдилар. Бу ерда баъзи кимсалар, чунончи, Бурдовский ҳам ҳозир бўлганлигини кўриб князь қизиқсиниб қолди; лекин энг қизиғи, Евгений Павлович ҳам шуларнинг ичида бор эди; князь ўз кўзларига ишонгиси келмади ва уни кўриб қўрқиб кетгандай ҳам бўлди.

Бу орада юзи ловиллаб ёнган, хандон-хушон Лебедев унга изоҳ бергани шошилди; у анча тайёр бўлиб қолганди. Унинг маҳмадоналик билан айтган гапларига қараганда, ҳамма бирдан ўз-ўзидан кутилмаганда йиғилиб қолибди. Ҳаммадан илгари кечга яқин Ипполит келибди ва ўзини анча тетик ҳис қилиб равонда князни кутиб ўтирмақчи бўлибди. У диванга жойлашибди; кейин унинг олдига Лебедев, кейин Лебедевинг барча оила аъзолари, жумладан, генерал Иволгин билан қизлари чиқишибди. Бурдовский Ипполитни бошлаб у билан бирга келибди. Ганя билан Птицин шу ердан ўтиб кета туриб киришибди (уларнинг бу келишлари воксалда рўй берган воқеага тўғри келган эди); кейин Келлер келибди, князнинг туғилган кунни бугун, дебди ва шампань беришни талаб қилибди. Евгений Павловичнинг келганига ярим соат бўлибди. Шампань нчамиз, байрам қиламиз, деб ҳаммадан ҳам Коля тикилинч қилибди. Лебедевинг шампаньни олиб чиқишдан бошқа чораси қолмабди.

— Лекин ўзимники, ўзимники!— деб бидирларди у князга,— шахсан ўз қарамонимдаги шишаларни олиб чиқдим, азбаройин табриклаш ва муборакбод қилиш учун, зиёфат ҳам бўлади, ҳаммаси бўлади, қизим ҳаммасини қиляпти; лекин, князь, агар билсайдингиз. бизнинг инма ҳақида мубоҳаса қилаётганимизни. Гамлет эсингиздами: «Қолмоқ ё ўлмоқ?» Муосир мавзу, ҳа, муосир мавзу! Саволлар ва жавоблар... Жаноб Терентьев ҳам мутлақо... ухлагиси йўқ! Шампандан ҳам бир қултумгина югинди, бир қултумгина, зарари йўқ... Яқинроқ келинг, князь, ва ўзингиз ҳал қилинг! Ҳамма сизни кутди, ҳамма фақат сизнинг келишингизни кутди ва саодатманд фазлу карамингиз билан...

Князь ўзига Вера Лебедевининг майин ва эрка нигоҳ ташлаганлигини ва унинг олдига одамлар орасидан ёриб ўтмоқчи бўлаётганлигини кўрди. У қўлини ҳаммадан илгари шу қизга узатди; у мамнун бўлганидан дув қизариб кетди ва унга *«мана шу кундан бошлаб бахтли ҳаёт»* тилади, кейин ошхона томонга

Ўқдек учиб кетди; у ерда таомлар ҳозирланмоқда эди; лекин Вера князь келмасидан бурун ҳам иши орасида жиндак вақт топган заҳоти равонга чиқиб кайфлари чоғ меҳмонларнинг ҳеч ақл бовар қилмас ғалати, чалкаш нарсалар ҳақида тортишаётганларини жуда берилиб эшитаётган эди. Унинг оғзини очиб турадиган синглиси нариги хонада сандиқ устида ухлаб қолган, лекин Лебедевнинг ўғли Коля билан Ипполитнинг ёнида туриб бўлаётган гапларни маза қилиб эшитар, суҳбатга жуда берилиб кетгани юзидан шундай билиниб турар, ҳозир у шу турганча ўн соат узлуксиз туриб бўлса ҳам эшитишга тайёр эди.— Мен сизни интизор бўлиб кутдим ва сизнинг бахтиёр бир қиёфада кириб келганлигингиздан беҳад хурсандман,— деди Ипполит князь Вера билан кўришиб бўлибоқ унинг олдига борганидан сўнг.

— Менинг «бахтиёр» эканлигимни сиз қаёқдан биласиз?

— Юзингиздан кўриниб турибди. Жаноблар билан кўришиб бўлгач, бизнинг олдимишга келиб ўтиринг тезроқ. Мен сизни жуда кутдим,— деди у «кутдим», деган сўзга алоҳида бир маъно бериб. Князь: сизнинг бунчалар узоқ ўтиришингиз яхши эмас-ку?— деган эди, ўзим ҳам ҳайронман, уч кун бурун қандай қилиб ўлишга рози бўлган эканман, умрим бино бўлиб ўзимни шу кечагидаги каби яхши сезган эмасман, деб жавоб берди.

Бурдовский ўтирган еридан дик этиб турди, мен ўзим «шундай...» Ипполитни «олиб келдим», жуда хурсандман, деди; ҳатта бўлмағур гапларни ёзган эканман, ҳозир шундай ўзим «хурсандман...» деди. У гапини тугатмасдан князнинг қўлини маҳкам қисиб қўйди-да, ўрнига ўтирди.

Ҳамма билан омонлашиб бўлгач, князь Евгений Павловичнинг олдига келди. Евгений Павлович дарҳол унинг қўлтиғидан олди.

— Сизда икки оғиз гапим бор, холос,— деб пичирлади у овзини паст қилиб,— ҳалдан ташқари зарур бир иш юзасидан; бирпас чеккароққа чиқайлик.

— Бир оғиз гап,— деб пичирлади бошқа бир товуш князнинг нариги қулоғига ва бошқа бир қўл унинг иккинчи қўлтиғидан олди. Князь сочлари тўзғиган, ўпкадай қизариб кетган, кўзларини қисаётган, тинмай табассум қилаётган чехрани кўрди ва шу заҳоти Фердишченкони таниди, худо билади, у бу ерга қаердан келиб қолдйкин.

— Фердишченкони унутмадингизми?— сўради у.

— Қаёқдан шамол учирди?— қичқирди князь.

— У қаттиқ пушмон!— деб қичқирди чопқиллаб келган Келлер.— У яшириниб олиб, сизга кўринишдан уялди, бурчакка беркиниб олган эди, у пушмон, князь, бўйнини қисиб келибди олдингизга.

— Нимага, нимага бўйинини қисади?

— Мен уни учратиб қолдим, князь, мен уни ҳозир учратиб қолиб олиб келавердим; бу менинг жуда бебаҳо дўстим бўлади; лекин у нушмон.

— Жуда хурсандман, жаноблар; боринглар, бошқаларнинг олдига бориб ўтиринглар, мен ҳозир бораман,— деб улардан қутулди князь Евгений Павловичнинг олдига шошиларкан.

Сизникида одам зерикмас экан,— деди Евгений Павлович, мен сизни ярим соатдан бери кутиб зерикиб қолганим йўқ. Гап бундай, марҳаматли князь Лев Николаевич, мен Курмишевни тинчтдим ва буни сизга айтиб қўяй деб келдим; сиз асло ташвишланмасангиз ҳам бўлади, у ҳамма гапга тушунди, бунинг устига айб ўзида.

— Курмишев деганингиз ким?

— Сиз ҳали қўлидан ушлаб қолган одам-чи, ўша... У қаттиқ даргазаб бўлган экан, эртагаёқ сизнинг ҳузурингизга одам юбормоқчи бўлиб ўтирган экан.

— Қўйинг-е, бемаъни гап!

— Албатта, бемаъни гап, бемаънилик билан тугаган бўларди; лекин бизнинг бу одамларимиз...

— Сиз, балки яна бошқа бир нарса жатидан келгандирсиз, Евгений Павлович?

— О, албатта, келганимнинг бошқа жати ҳам бор,— деб кулди у.— Мен, азизим князь, эртага азонлаб ҳалиги бадбахт иш бор-ку (ҳалиги, амакимнинг иши-чи, ўша), ўша иш юзасидан Петербургга бораман; ўзингиз тасаввур қилинг: бу гапларнинг бари тўғри ва одамларнинг ҳаммаси билишади, битта мен билмай қолибман. Буларнинг ҳаммаси мени жуда ҳайрон қилиб қўйдики, мен уларникига (Епанчинларникига) боришга ҳатто улгурмадим; у ерга эртага ҳам бормайман, чунки Петербургда бўламан, англадингизми? Балки уч кун бу ерда бўлмасман,— хулласи калом, ишим бир оз пачава бўлиб турибди. Иш унчалар зарур бўлмаса ҳам, лекин мен вақтни ўтказмай то кетгунимча баъзи бир нарсалар хусусида сиз билан очиқчасига гаплашиб олгим келди. Агар ижозат этсангиз, мен то одамларнинг тарқагунча шу ерда кутиб ўтира тураман; бунинг устига бошқа борадиган ерим ҳам йўқ: кўнглим жуда алағда бўлиб турибди, шунинг учун ухлолмасам ҳам керак. Ниҳоят, гарчи сизнинг меъдангизга тегиб гапингизни келтирмоқчи бўлмасамда, лекин гапнинг очиғини айтиб қўя қолай; сизнинг дўстлигингизни нотаб келдим, азизим князь. Сиз жуда ҳам бошқача одамсиз, сизнинг лафзингиз жуда ҳалол, мен бўлсам, шу топда бир дўстнинг паноҳи ва маслаҳатига жуда муҳтож бўлиб қолдим, ўшимни жуда ҳам бахти қаро бўлган одам деб сезяпман...

У яна кулди.

— Чатоқликни кўринг,— деб бир зум ўйлашиб қолди князь,— сиз улфатларнинг тарқалишини кутмоқчисиз, лекин худо билади, улар шу билан қачон тарқалишаркин энди. Боққа чиқа қолайлик; улар бирпас кутишса ҳеч нарса қилмас; узр айтарман.

— Асло-асло, мен бизнинг махсус гаплашганлигимизни биров кўрмай қўя қолсин девдим; бу ерда бизнинг муносабатларимиз билан жуда ҳам қизиқадиган одамлар бор,— сиз буни билмайсизми, князь? Улар бизнинг эски таниш-билишлардай суҳбатлашаётганимизни кўрсалар яхши бўлади, бўлмаса, нимадир махсус гаплашиб олишди, деб шубҳага борадилар,— тушундингизми? Улар икки соатлардан сўнг тарқаладилар, мен сизнинг йигирма минут вақтингизни оламан, узоғи билан ярим соат...

— Марҳамат қилсинлар, бош устига; ҳеч нарса демаганингиздан мен жуда хурсандман; сизнинг дўстлик ҳақидаги самимий гапларингиздан бошим осмонга етди. Мени кечиринг, бугун негадир жуда паришон бўлиб турибман; биласизми, мен шу топда сира ҳаёлимни бир ерга жамлаб ололмапман.

— Кўриб турибман, кўриб турибман,— деб пичирлади Евгений Павлович кулимсираганча. Нимагадир унинг бугун ҳар нарсадан кулгиси қистамоқда эди.

— Нимани кўриб турибсиз?— чўчиб тушди князь.

— Кўнглингизга келмаяптими, азизим князь,— деб давом этди ҳамон илжайганча Евгений Павлович князнинг саволига жавоб бермасдан,— сизнинг кўнглингизга келмаяптими, бу нега келди, мени лақиллатмоқчи ёки мендан бирон нарсани билиб олмоқчи эмасмикин мабодо деб, кўнглингизга келтирмадингизми, а?

— Мендан гап олмоқчи бўлаётганлигингиз равшан, шубҳа йўқ бунга,— деб кулиб юборди алоҳа князнинг ўзи ҳам,— балки мени жипдак алдамоқчи бўлсангиз ҳам керак. Лекин нима бўпти, мен сиздан кўрқмайман; ундан ташқари менга энди ҳаммаси барибир бўлиб турибди, ишонасизми шунга? Шу... шу... шу... мен сизнинг аввало ажойиб бир одам эканлигингизга ишончим комил ҳар қалай, шунинг учун ҳам сиз билан ҳамма гапларни дўстона ҳал қилишимизга ишонаман. Сиз менга жуда ёқиб қолдингиз, Евгений Павлич, сиз... жуда, жуда андишали одамсиз менимча!

— Сиз билан гаплашган одамнинг жони киради, ҳар қандай ишни ҳам яхшиликка бурасиз,— деди Евгений Павлович,— юринг, мен сизнинг соғлигингизга шампань ичаман; сизнинг олдингизга келганимдан жуда мамнунман. А!— деб тўхтаб

қолди у бирдан,— бу жаноб Ипполит энди сизникида яшай-
димми?

— Ҳа.

— У дарров ўлиб қолмас дейман?

— Нима бўпти?

— Шундай, ўзим; мен бу ерда у билан ярим соат бирга
бўлдим...

Ипполит боядан бери князни интизор бўлиб кутар ва у
Евгений Павлович билан бир чеккада гаплашаркан, уларга
дам сайини қараб-қараб қўярди. Улар столга яқинлашиб кел-
гишларида ҳаддан зиёд жонланиб кетди. У жуда безовта ва
тўлқинланган ҳолда эди; пешонасини тер босганди. Кўзлари
бир нуқтада тек турмас, бесаранжом кезинар, аллақандай
чигал бир бесабрлик акс этарди; унинг нигоҳи дам сайин у на-
рсадан-бу нарсага кўчар, мақсадсиз бир тарзда одамларга ола-
зарак бўлиб қарарди. У гарчи шовқин-сурон билан давом этиб
турган баҳсда иштирок этаётган бўлса-да, лекин худди иситма
тутаётган одам каби жонланганди; асил суҳбатнинг ўзини у жуда
паризионлик билан тингларди; гаплари тутуриқсиз, кулгили ва
ўзига-ўзи қарши эди; у сўзларини охирига етказмас, бир зум
илгари ёниб-қуйиб гапира бошлаган нарсасини пича ўтмай
унутарди. Князь бугун унга ҳеч ким индамагани учун икки қа-
даҳ шампань ичганлигини ва учинчи қадаҳ ҳам ҳўплаб ярим-
латилган ҳолда унинг олдида турганлигини кўриб жуда ҳайрон
бўлиб қолди. У бундан норози бўлди. Лекин у буни фақат ке-
йинроқ билди; ҳозир шу топда эса у бундай нарсаларни пай-
қайдиган аҳволда эмасди.

— Биласизми, мен сизнинг туғилган кунингиз худди шу
бугун эканлигига жуда хурсандман?— деб қичқирди Ипполит.

— Нимага?

— Кўрасиз; тезроқ ўтиринг: биринчидан, сизнинг мана
шу... улфатларингиз йиғилгани учун. Мен ўзимча одамлар бўлса
керак деб чамалаган эдим; умримда биринчи марта чамам
тўғри чиқди! Аттанг, сизнинг туғилган кунингиз эканлигини
илгарироқ билмаган эканман, бўлмаса совға олиб келган бў-
лардим... Ха-ха! Ҳа, мен ҳам совға олиб келган бўлишим мум-
кин эди! Тонг бўлай деб қолдимми?

— Тонг отишига салкам икки соат бор,— деди соатига
қараб Птицин.

— Тонг отиши шартми, ташқарида бемалол ўқиш мумкин,
ёрут? — деди кимдир.

Мен офтобнинг бир четини кўришим керак. Қуёш шаъни-
га ичинчимиз мумкин, нима дедингиз, князь?

Ипполит одоб сақлаб ўтирмасдан ҳаммага тўғридан-тўғри

мурожаат қилаверар, дафъатан савол бериб қолар, ҳаммага ҳукмпармо бўлиб ўтирар, лекин буни ўзи сезмасди.

— Майли, ичамиз; фақат сиз тинчланинг, Ипполит, а?

— Сиз нуқул мени ухлатиш пайдасиз; князь, сиз менинг энагамсиз! Қуёш чиқиши ва кўк юзида оҳанг тарата бошлаш билан (кимнинг шеъри бор эди: «офтоб фалакда жаранглай бошлар», деган? бемаъни-ю, лекин жуда яхши!)— бошимизни ёстиққа ташлаб ухлай бошлаймиз. Лебедев! Офтоб ахир ҳаётнинг манбаи-ку! Апокалипсисда «ҳаёт манбалари» нима дегани? Сиз «Явшон юлдузи»ни эшитганмисиз, князь?

— Мен, Лебедев шу «Явшон юлдузи» Европани чирмаб олган темир йўллارни англатади, деб айтганини эшитгандим.

— Йўқ, ижозат этинг, яхшимас бундай дейиш!— деб қичқириб юборди Лебедев, худди одамларнинг кулгисини тўхтатишни истагандай қўлларини силтаганча ўрнидан сакраб тураркан,— ижозат этинг! Бу жаноблар билан... бу жанобларнинг ҳаммаси,— деб у князга ўгирилди,— ахир, бу маълум маънода, шу демакким...— у қўли билан икки бор столни дагалроқ қилиб чертди, кулги янада зўрайди.

Лебедев гарчи ўзининг ҳар кунги кечки «кайфиятида» бўлса ҳам, лекин бу сафар пича олдин бўлиб ўтган узоқ «илмий» тортишувдан жуда қаттиқ ҳаяжонга тушган, жазиллаб турар, бинобарин бундай пайтларда у ўз мусоҳибларига беҳад даражада менсимай боқарди, менсимаганлигини очиқ-ошкора кўрсатаверарди.

— Ундаймас бу! Князь, биз ярим соат бурун келишган эдик, гапни бўлмаимиз деб; биров гапираётганда хахолаб кулмаймиз дегандик, одам кўнглига сиққанча гапирсин, ана ундан кейин агар даҳрийлар истасалар, инкор қилсинлар, биз генерални ранс қилиб сайлаганмиз, мана! Шу ҳам нш бўлдими? Бундай қиладиган бўлсак, энг олийшон фикрини, энг тийран фикрини ҳам шартта бўғиб ташлаш мумкин...

— Э, гапиринг, гапираверинг, ҳеч ким халақит бермайди!— деган овозлар эшитилди.

— Гапиринг, лекин гапбозлик қилманг.

— «Явшон юлдузи» нима дегани?— деб сўради кимдир.

— Ҳеч эшитган эмасман!— деб жавоб берди генерал Иволгин ўзининг бояги раислик ўрнига қайта ўтираркан.

— Мен шундай баҳсларни, тортишувларни жуда яхши кўраман, князь, албатта, илмий бўлса,— деб ғўнғиллади Келлер ўтирган стулига маза қилиб ўрнашар ва сабрсизлик билан баҳсга қўшиларкан,— алломалар ва сиёсатдонлар,— деб мурожаат қилди у кутилмаганда ўзининг ёнида ўтирган Евгений Павловичга қараб.— Биласизми, мен газеталардан инглиз парла-

сизги ҳақида ўқишни жуда ҳам яхши кўраман, йўқ, мен уларнинг баҳс қиладиган гапларини айтаётганим йўқ (биласизми, мен сиёсатдон эмасман), уларнинг ўзларини тутишлари, бир-бирларига гап уқтиришлари, сиёсатдонлар каби муомала қилишларини қаранг: «менинг қаршимда ўтирган олижаноб виконт», «менинг фикрларимга қўшилган олижаноб граф», «бутун Европани ўз таклифи билан ҳайратга солган менинг олижаноб оппонентим», яъни мана шу гапларнинг ҳаммаси, оқол бир халқнинг мана шу эркин фикр алмашуви — каминани ҳаддан зиёд қизиқтирадиган нарса худди шудир! Мен мафтун бўлиб қоламан, князь. Мен доимо қалбимнинг энг теран нуқталари ичра ўзимни артист деб ҳис қилиб келганман, сизга қасам ичиб айтаман, Евгений Павлович.

— Буниси қандоқ бўлди,— деб қизинишарди бошиқа бурчакда ўтирган Гая,— сизнингча, темир йўллар қарғишга учраганми, улар инсониятга ҳалокат келтирадими, нима у сизга «ҳаёт булоқлари»ни лойқалатиш учун кўкдан ташланган офатми?

Гаврила Ардалионовичнинг кайфияти бугун жуда кўтаринки, қувноқ, тантанали нашидаларга бой бўлиб кўринди князнинг назарида. Албатта, у Лебедевнинг қитиғига тегиш учун унга ҳазиллашган, лекин ўзи ҳам кўп ўтмай жуда қизишиб кетганди.

— Темир йўллар эмас, йўқ,— деб эътироз қиларди Лебедев бир пайтнинг ўзида ҳам жириллаб, ҳам беҳад бир лаззат туйиб.— Агар фақат темир йўллар ҳақида гап борадиган бўлса, бэғиз темир йўлнинг ўзи «ҳаёт булоқлари»ни ҳеч чачон лойқалатиб юборолмайди, лекин барибир буларнинг ҳаммаси қарғишга учраган, умуман, бизнинг кейинги асрларимизнинг кайфияти унинг бошлича илмий ва амалий бутунлигида, балки ҳақиқатан қарғишга учрагандир.

— Аниқ қарғишга учраганми ёки қарғишга учраган бўлиши мумкинми? Шу нарса ҳам муҳим бу ўринда,— деб савол ташлади Евгений Павлович.

— Қарғишга учраган, қарғишга учраган, шак-шубҳасиз, қарғишга учраган!— деди жўшқинлик билан Лебедев.

— Шошилманг, Лебедев, сиз эрталаблари одатда бундан кўра яхшироқ кайфиятда бўласиз,— деб қўйди табассум билан Итицин.

— Лекин айти замонда кечалари бундан кўра дангалчи-роқ, бундан кўра очиқроқ бўламан! Самимийроқ ва дилкаш-роқ!— деди қизгинлик билан Лебедев унга ўгирилиб қараркан,— соддароқ ва аниқроқ, ҳалолроқ ва эъозлироқ, шундай ҳолларда менинг нозик жойларимни билиб оласизлар, лекин менга барибир, тупурдим барига, мен сизларнинг барингизни

чақираман, сиз худосизларни чақираман: сиз энди дунёни қандай қилиб қутқарасиз, сиз унга қандай қилиб ақлга мувофиқ йўл топасиз,— сиздан сўраяпман, фан, саноат, бирлашмалар, иш ҳақи ва бошқалар? Нима билан? Қарз биланми? Қарз дегани нима ўзи? Қаерга олиб боради сизни қарз?

— Қизиққан парсаларингизни қаранг-у!— деди Евгений Павлович.

— Менинг фикрим шуки, кимда-ким бундай масалалар билан қизиқмаса, у кибор шенапан¹, холос.

— Жуда бўлмаганда манфаатларнинг умуминсоний бирлиги ва мувофиқлигига олиб борар-ку,— деб қўйди Птицин.

— Шу холос, шу холос! Шахсиятнарастлик ва моддий заруратларни қондиришдан бошқа ҳеч қандай маънавий тамалларни қабул қилмаган ҳолда-я? Дунё умумники, саодат умумники — зарурат юзасидан! Мен сизни шундай тушунишим керакми, марҳаматли афандим, агар сўрагали ижозат этсалар?

— Умумнинг яшаш, еб-ичишга бўлган эҳтиёжи ахир ва бу эҳтиёжларини манфаатларнинг умуминсоний бирлашмалари ва иттифоқи орқалигина амалга ошириш, қондириш мумкинлиги ҳақидаги тўла ишончли илмий қарашлар менинг назаримда жуда ҳам мустаҳкам заминга эгадир ва шу заминда туриб у бўлажак асрлар учун «ҳаёт булоғи» бўлиб хизмат қилади, шунга ярайдиган тамал тоши бўлади,— деди жуда жиддий тарзда қизишиб кетган Ганя.

— Еб-ичиш эҳтиёжи, яъни фақат тирик қолиш ва ўзини сақлашга бўлган интилиш...

— Нима, ўзини сақлашга бўлган интилиш сизга озми? Ўзини сақлаш туйғуси — инсониятнинг одатдаги қонуни...

— Ким сизга шундай деди?— деб қичқирди бирдан Евгений Павлович.— Қонун — тўғри, лекин худди вайрон қилиш қонуни каби одатийдир, балки бу ўз-ўзини вайрон қилиш қонунидир. Ахир, наҳот, ўз-ўзини сақлаш туйғусининг инсониятнинг бирдан-бир одатий қонуни бўлса?

— Э-ҳе!— деб қичқириб юборди Ипполит Евгений Павловичга тез ўгирилиб қараб, уни жуда қизиқсиниб кўздан кечираркан; лекин унинг кулиб турганлигини кўриб ўзи ҳам кулиб юборди, ёнида турган Коляни туртиб қўйди ва ундан яна соат неча бўлди, деб сўради, сўнг ҳатто Коляга ҳам қаноат қилмай унинг кумуш соатини ўзига томон тортиб милга тез кўз ташлади. Кейин худди ҳамма нарсани бутунлай унутгандай у диванга чўзилди, қўлини боши томонга чўзди ва шифтга кўзларини

¹ Такасалтанг (франц.).

тикди; ярим минутлардан сўнг яна қаддини кўтариб тоза ўздан кетиб кўпириб-тошаётган Лебедевнинг гапларини тинглаб ўтирди.

— Макр ва кулги акс этган фикр, суқма фикр!— деб дарҳол Евгений Павловичнинг галати фикрини илиб кетди Лебедев,— мусоҳибларни жайжалга тортиш, уларнинг қонларини кўпиртириш учун ўртага ташланган фикр,— лекин тўғри фикр! Нега деганингизда сиз, киборларнинг чавандози ва майшавози (лекин сизда иқтидор йўқ эмас!) ўзингиз ҳам билмайсиз бу фикрингиз қай даражада тўғри, қай даражада теран фикр эканлигини! Шундай. Ўзини-ўзи хароб қилиш ва ўз-ўзини сақлаш қонунлари одамзод учун барабар даражада кучлидир! Шайтон одамзод устидан ҳали бизга тобе бўлмаган замонларга қадар ҳокимлик қилиб боради. Сиз куляисизми? Сиз шайтонга ишонмайсизми? Шайтонга ишонмаслик бу французлар тўқиб чиқарган фикр, нотўғри фикр. Сиз биласизми шайтон кимлигини? Сиз биласизми унинг номи нималигини? Ва сиз унинг ҳаттоки исмини билмай туриб, Вольтерга ўхшаб шакли устидан куласиз, унинг туёқлари, унинг думлари, унинг шохлари устидан куласиз, буларнинг барини яна ўзингиз тўқиб чиқаргансиз; зотан, фаҳш руҳи қудратли ва ғоятда даҳшатли бўлмиш руҳдир, сиз ҳаёл қилганчалик унинг думлари ва туёқлари йўқ асло. Лекин гап ҳозир бу ҳақда эмас!..

— Сиз гап унда эмаслигини қаердан биласиз?— деб қичқирди кутилмаганда Инполит ва худди талвасага тушгандай хахлаб кула бошлади.

— Чапдаст фикр, унда ишора бор!— деб мақтаб қўйди Лебедев.— Лекин барибир гап ундамас, масала шундаки, «ҳаёт булоқлари» аста қуриб бораётгани йўқмикин, ахир кучайиб бора...

— Темир йўллар туфайлими?— қичқирди Коля.

— Темир йўллар эмас, навқирон, лекин ўт-олов ўсмир, гап темир йўлларнинг нимага хизмат қилишида, бу хизматнинг қандай йўналиш касб этишида, бадий ифода қилиб айтадиган бўлсак, қандай манзара ҳосил қилишида. Айтадиларки, одамзоднинг саодати учун гувиллаб, вишиллаб, тарақа-туруқ қилиб кетяпти деб! «Одамзод шовқин-суронга, саноатлашувга жуда берилиб кетди, руҳий сокинлик барҳам топди»,— деб шикоятланади бир ўзини панана олган мутафаккир. «Майли, лекин очдан ўлаётган одамзодга ризқ-рўз элтаётган оташараваларнинг ғилдиракларидан чиққан тарақа-туруқ эҳтимол руҳий сокинликлардан кўра авлороқдир»,— деб унга тантанавор қилиб жавоб беради ҳар томонга жар солаётган мутафаккир ва унинг қошидан кеккайганча нари кетади. Мен ишонмайман,

мен, яъни сассиқ Лебедев, одамзодга ризқ-рўз ташиётган гилдиракларга! Зотан, одамзодга ризқ-рўз элтаётган оташаравазар, шу ҳаракатга маънавий бир асос ясамай туриб, одамзоднинг аксарий қисмини ўзи элтаётган нарса баробарида лаззатдан бутунлай маҳрум қилиб қўйиши ҳеч гап эмас, бундай воқеалар бўлган...

— Уша оташаравалар маҳрум қиладими?— деб сўради кимдир.

— Бўлган бундай воқеалар,— деб тасдиқлади Лебедев саволга эътибор бермасдан,— инсониятнинг дўсти Мальтус бўлган эди. Лекин шуҳратпарастлигини айтмаган тақдиримизда ҳам маънавий тамаллари лиқилдоқ бўлган инсониятнинг дўсти инсониятнинг одамхўрига айланади; зотан, ушбу сон-саноқсиз инсоният дўстлари деб аталмишлардан биронтасининг қитиқ патиға жиндаккина тегиб кўринг-чи, у дарҳол бачканалик билан қасос олиш йўлига ўтади ва дунёнинг тўрт томонидан баравар ўт қўйиб юборгиси келади,— дарвоқе, ҳаммамиз ҳам худди шундаймиз, адолат юзасидан айтганда, мен ҳам сассиқларнинг сассиғи бўлишимга қарамасдан, ўзим биринчи бўлиб ўтин келтираман ва ўзим дарров қочиб қоламан. Лекин яна гап бунда эмас!

— Э, унда гап нимада ўзи?

— Жонга тегди!

— Ҳамма гап ўтган замонлардан қолган бир латифада, зотан, мен ўтган замонлардан бир латифа айтиб бериш эҳтиёжини ҳис қилиб турибман. Бизнинг замонимизда, бизнинг ота юртимизда, мен умид қиламанки, сиз уни мен билан биргаликда жондан ортиқ севасиз, зотан, менга келадиган бўлсак, жаноблар, мен ўз томонимдан сўнги томчи қонимгача тўкишга тайёрман...

— У ёғини айтнинг! У ёғини айтнинг!

— Бизнинг ота юртимизда, айни чоғда Ўвропада имконимдаги ҳисобларга ва қолаверса, ёдимда қолганига кўра ҳар чорак асрда бир марта, бошқача сўзлар билан айтганда, ҳар йигирма беш йилда одамзод яллисига очарчиликка гирифтор бўлмоқда. Бунинг қанчалик аниқлигини айтолмайман, лекин сира солиштириб бўлмас даражада.

— Нима билан солиштириб бўлмайди?

— Ун иккинчи аср билан, шунингдек, унга қўшни асрлар билан у ёки бу томондан. Зотан, ўша замонларда ёзувчиларнинг гувоҳлик беришича ва тасдиқлашича, одамзод ялли очарчиликка икки ёки уч йилда дучор бўлар экан, шундай бўлганда кейин одамлар гарчи яширин тарзда бўлса-да, лекин антропофагия билан шуғулланишга ҳам мажбур бўлганлар. Мана

шундай гўсхўрлардан бири кексайиб қолган чоғида ҳеч ким мажбур қилмаса ҳам ўз-ўзидан нима деб гап тарқатди денг, у ўзининг узоқ ва ғоятда зерикарли ўтган ҳаётида шахсан ўзи ҳаммадан қаттиқ сир тутган ҳолда олтмишта роҳибни ва бир нечта киборлар хонадонига мансуб болаларни ўлдириб шахсан ташовул қилибдир, у сабий болалардан олтитачасини еган экан, яъни руҳонийларга қараганда хийла кам, албатта. Лекин киборлар хонадонига мансуб катта ёшдаги кишиларга шу мақсад билан у қўл урмаган экан.

— Бундай бўлиши мумкин эмас! — деб қичқирди мажлисга раислик қилувчи генерал жиндак хафа бўлган оҳангда.— Мен, афандиларим, у билан нуқул мана шундай мавзуларда баҳслашиб тураман; лекин аксаран у шундай бемаъни, куракда турмайдиغان нарсаларни сўзлайдирким, энсанг қотиб кетади, азбаройи худо, зиғирдак чин жойи йўқ!

— Генерал! Қарс қамалини хотирла, сиз жаноблар, билинг, менинг бу латифам, яланғоч ҳақиқат. Ўз томонимдан маълум қилиб қўяйки, гарчи ўзининг ўзгармас қонунларига эга бўлсада, ҳар бир воқелик деярли доимо ақл бовар қилмайдиган даражада галати ва ҳақиқатдан йироқ бўлади. Ва қанча воқеий бўлса, яна шунча ҳақиқатга хилофроқ туюлади.

— Э, ахир олтмишта роҳибни ҳам еб бўладими асти?— деб кулишарди атрофдан.

— Уларни албатта, бирваракайига емаган, буни исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, балки ўн беш, йигирма йил мобайнида егандир, агар шундай бўлса, бу жуда табиий ва ғоятда тушунарли деб ўйлайман...

— Табиий дейсизми?

— Ҳа, табиий!— деб қайсарлик билан рад жавоби берарди худди уришаётган одамдай бўлиб Лебедев.— Ҳа, булардан ташқари, католик роҳибни ўз табиатига кўра ҳалим ва қизиқувчан бўлади, уни ўрмонга осонгина алдаб олиб бориш мумкин, ўрмон бўлмаса, бошқа бирон пана-пастқам жой топилмайди дейсизми, ана ундан кейин унинг бошига юқорида қайд этилган кунлар солинади,— лекин ҳар қалай мен тановул қилиб юборилган кимсаларнинг сони ҳар ҳолда фавқулодда кўп, меъёрдан ошиб кетган деб ҳисоблайман ва бу ҳақда баҳслашиб ўтирмайман.

— Балки ростдан ҳам шундай бўлгандир, жаноблар, — деди кутилмаганда князь.

Шу пайтгача у суҳбатга қўшилмаган, индамай тинглаб ўтирганди; бошқаларнинг уйни бошларига кўтариб кулишларига тез-тез қўшиларди. Афтидан, ўз уйида бўлаётган гала-ғовур, гангир-гунгур суҳбатдан, одамларнинг хандон-хушон ўтириш-

ларидан жуда хурсанд эди; ҳатто уларнинг бунчалар кўп ичаётганларидан ҳам мамнун эди. Балки у бутун кеча давомида миқ этиб оғиз очмаслиги ҳам мумкин эди, лекин бирдан қандайдир гапиргиси келиб кетди. Гапни ҳам фавқулодда бир жиддият билан бошладики, ўз-ўзидан ҳамма унинг оғзига қараб қолди.

— Мен, жаноблар, ўша замонларда очликлар тез-тез бўлиб турганлиги ҳақида айтаётирман. Очарчиликлар ҳақида мен ҳам эшитганман, лекин рост, тарихни унчалар яхши билмайман. Бироқ назаримда шундай бўлган шекилли. Мен Швейцария тоғларига бориб қолганимда, тоғ снбағирларида чиқиб бўлмас жуда баланд ва тик қоялар устига қурилган эски рицарь қасрларининг вайроналарига қараб жуда ҳайрон бўлардим, ярим чақирим тикка чиқиладиган баландликни тасаввур қилинг (агар сўқмоқлардан чиқиб борилса, бу бир неча чақиримга чўзилиб кетади). Қаср дегани маълум нарса; бир дунё тоштепалар. Жуда оғир, қилиб бўлмайдиган иш! Албатта, буларнинг ҳаммасини бечора кишилар, хизматкорлар қурганлар. Бундан ташқари улар яна турли-туман солиқлар тўлаганлар, руҳонийларни боққанлар. Шундай бўлгандан кейин ўзининг қорни понга тўярмиди, ер ҳайдашга кучи етармиди? Ўша замонларда улар ўзи кўп эмасди, афтидан, очликдан жонлари узилганларнинг сон-саног'i бўлмаса керак, тотинишга нарса топилмаган назаримда. Мен баъзан ўйлаб қолардим: қандай қилиб бу халқнинг уруғи қуриб кетмадийкин, нега бир балога бутунлай гирифтор бўлиб кетмадийкин, қандай қилиб чидаб ўзини омон сақладийкин? Одамхўрлар бўлгани равшан, Лебедевининг бу гапи шубҳасиз тўғри; фақат мен билмайман, нега у бу ўртага роҳибларни аралаштиряпти, бу билан нима демоқчи?

— Афтидан, ўп иккинчи асрда фақат роҳибларни ейиш мумкин бўлган шекилли, чунки ўша замонларда ёлғиз роҳибларгина семиз бўлганлар,— деб гап қўшди Гаврила Ардалионович.

— Ғоятда антиқа ва фавқулодда тўғри фикр!— деб қичқирди Лебедев,— зотан, у киборларга ҳатто қўл ҳам урмаган. Роҳибларнинг олтмиштасини санаб қўйгану, лекин битта ҳам киборни тилга олмаган, ва бу жуда даҳшатли фикр, тарихий фикр, сара фикр, ва ниҳоят, билагон одам худди мана шундай фактлардан тарихни қайта яратади; зотан, сон ҳисоби билан аниқ айтиб қўйилганки, руҳонийлар инсоҷиятнинг бошқа қавмларига қараганда олтмиш марта тўқроқ, эркинроқ, бадавлатроқ умргузаронлик қилган. Ва, эҳтимол, одамзоднинг бошқа барча қавмларига қараганда, олтмиш марта семизроқ бўлган...

— Муболаға, муболаға, Лебедев!— деб қаҳ-қаҳ уриб кулишарди атрофдан.

— Тарихий бир гап деганингизга қўшиламан, лекин сиз асли нима демоқчисиз?— деб сўрашда давом этди князь. (У шундай жиддий сўзлар, ҳаммага майна бўлаётган Лебедевнинг устидан кулишни, уни масхара қилишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмас эдики, унинг гап оҳанги улфатларнинг гапларига сира ўхшамас, шунинг учун ҳам, беихтиёр кулгили бўлиб эшитилмоқда эди; яна бирпас шу тариқа давом этадиган бўлса, унинг ўзининг устидан кула бошлашлари турган гап эди, лекин у буни сезмасди.)

— Кўрмаяпсизми, князь, бу одам телба бўлиб қолган,— деб унга томон энгашди Евгений Павлович.— Менга боя айтиб беришди, у адвокат бўлмоқчи экан, шунинг учун адвокатликни машқ қилиб,— уларнинг нутқларини ўрганаётганимиш, ҳозир имтиҳондан ўтмоқчи. Мен жуда антиқа бир масхарабозлик бўлади деб ўйлайман.

— Мен жуда улкан хулоса ясамоқчиман,— деб ваъз ўқирди бу орада Лебедев. — Лекин аввало жиноятчининг руҳий ва ҳуқуқий ҳолатини кўздан кечирайлик. Кўрамизки, жиноятчи, яъники, менинг мижозим, бошқа биронта ҳам егулик нимарса топишнинг сира иложи йўқлигига қарамасдан, ўз ишининг тараққий эта бориш жараёнида бир неча бора ўзида пушаймон бўлиш истаги жўш ураётганлигини сезади ва бир неча маротаба руҳонийлардан юз ўгиради. Биз буни фактлардан равшан кўриб турибмиз: унинг ҳеч нарсага қарамасдан, бешта ёки олтита сабийни тановул қилгани эслатилган, албатта, буни қиёсан олганда жуда оз, ҳатто зигирдак дейиш мумкин, лекин у бошқа бир маънода жуда ҳам эътиборга лойиқдир. Кўриниб турибдирки, нима иш қилиб қўйганлигидан даҳшатли виждон қийноқларига учраган ҳолда (зотан, менинг мижозим бағоят виждонли ва диёнатли киши бўладиким, буни мен ҳали исбот қилиб бераман) у ўзининг гуноҳини иложи бўлган миқдорда камайтиришлик учун тажриба тариқасида олти маротаба роҳиблардан тайёрланган таомни сабийлардан тайёрланган таомга алмаштирган. Бунинг тажриба тариқасида қилинганлигига ҳеч қандай шубҳа, иштибо бўлиши мумкинмас; зотан, фақатгина таъминланиш ва тановул юзасидангина олти маротаба шундай қилган бўлса, унда бу нарсага ва бунинг атиги олти маротаба қилинганига сира ишониб бўлмасди: нега баайни олтита, нега ўттизта эмас? (Мен тенг ярмига тенг ярим оляпман.) Лекин агарда бу фақат тотиниб кўриш ва тажриба юзасидангина қилинган бўлса, черковни ҳақорат қилиш ва куфрга кетиш натижасида даҳшатга тушганлигидан ва нима қилишини билмай қолганлигидан шу ишга қўл урган, агар биз шуни эътиборга оладиган бўлсак, унда нега олтита эканлиги жуда равшан бўлиб

қолади. Зотан, виждон азобларини пича босиш учун олти мартагина тотинишнинг ўзи кифоя қилади, менимча, тажрибалар ва тотиниб кўришлар унчалар муваффақиятли чиқмаган бўлиши керак. Биринчидан, менинг фикримча, сабий ҳали жуда ҳам мурғак, яъни йирик эмас, шундай экан, маълум бир вақт давомида руҳонийларга қараганда кибор сабийлар уч баравар, беш баравар талаб қилинган бўларди, шундай экан, гуноҳ бир томондан камайиб боргани билан, иккинчи томондан алал-оқибат ошиб борган, сифат юзасидан бўлмаганда ҳам сон жиҳатидан ошиб борган. Мен ўз таҳлилларимни давом эттирар ва ривожлантирар эканман, жаноблар, ўн иккинчи аср жиноятчисининг қалбига шундай бир назар ташлаб қўяман. Менга келганда шуни маълум қилиб қўйишим керакки, мен ўн тўққизинчи асрнинг одами бўламан, демак, мен бутунлай бошқача фикрда бўлишим мумкин, худди мана шу нарсадан сизни бохабар қилиб қўйишни истайман, шундай бўлгач, жаноблар, менга қараб туриб тиржайишларингнинг сира ҳожати йўқ, сиз эса, генерал, мутлақо уялишингиз керак. Иккинчидан, менинг шахсий фикримча, сабийни маза қилиб еб бўлмайди, жуда ҳам ширин ва гоётада чучмал бўлса керак, шундай экан, у эҳтижларини қондиrolмаган ҳолда яна қуруқ виждон азобларига дучор бўлади. Энди хулоса, якун, жаноблар, якун, бу якунда ўша замонлардаги ва ҳозирги пайтдаги энг улдуғ муаммолардан бири ўз ечимини топади! Жиноятчининг қўлидан нима келарди, у руҳонийлар ҳузурига бориб, қилмишларини тан олади ва ўзини ҳукумат қўлига топширади. Тасаввур қилайлик, уни ўша замонларга кўра қандай қийноқлар, қандай чопқилар, қандай гулханлар ва оловлар кутарди? Нима уни ўзини ошкор қилишга мажбур қилди? Нега олтмиш деган жойда шартта бас қилиб, ўз сирини сўнгги нафаси чиққунга қадар сақланмади? Нега роҳибликни бир чеккага йиғиштириб қўяроқ хилватинишн бўлиб одамлардан йироқда яшай қолинмади? Нима учун ўзи ахир роҳиблик ридосини эгинга ила қолмади? Ана шу ерда ечим бор! Демак, гулханлардан ҳам қудратлироқ, оловлардан ҳам кучлироқ ва ҳаттоким йиғирма йиллик одатдан ҳам зўрроқ нимадир бор экан-да? Демакким, барча бадбахтликлардан, қурғоқчиликлардан, қийноқлардан, ваболардан, моховлардан ва бутун ўша жаҳаннам азобларидан қудратлироқ бир нарса бор экан-да, зотан, буларнинг барини инсоният юракка қувват берадиган, уни умидлантирадиган ва боғлаб турадиган, ҳаёт булоқларининг сўниб қолишига йўл қўймайдиган фикр туфайли енгиб ўтди, уларга бардош берди, чидади! Иллатлар ва темир йўллар билан чирманиб ётган бизнинг асримизда шунга ўхшаш бир кучни, қани, менга кўрсатинг-чи... яъни бундай демоқчи эдим: бизнинг кемалар ва темир йўллар ҳукмрон асримизда, демоқчиман,

лекин мен: бизнинг иллатлар ва темир йўллар билан тўлиб-тошган асримиз, деяпман, чунки мен мастман, лекин ҳаққўйман! Одамларни ўша асрларда бўлганига ўхшаш бир-бирига боғлайдиган шундай қудратли фикрни менга ҳозир кўрсатиб беринг-чи, майли, агар ўшандай қудратли бўлмаса, қоқ ярмича бўла қолсин. Ва ниҳоят, мардона тан олинг, одамларни чирмаб ташлаган ушбу галвир остида, ушбу «юлдуз» тагида ҳаёт булоқлари булгангани йўқ, қуриб, битиб қолгани йўқ дег. Ва мени ўзининг фаровонлигингиз, бойликларингиз ортгани, очарчиликларнинг камайиб қолгани ва йўлларда юришлар тезлашгани билан қўрқитмай қўя қолинглар! Бойлик кўп, лекин куч оз; боғлаб турувчи фикр йўқолди; ҳамма нарса юмшади, ҳамма нарса чириди, пўпанак босди! Биз ҳаммамиз, ҳаммамиз, ҳаммамиз чириб қолдик!.. Лекин бас, энди гап бунда эмас, гап шундаки, марҳаматли князь, энди, меҳмонларга тайёрланган таомни тор-таверсак бўлармикин?

Лебедев баъзи тингловчиларнинг ғазабини қайната бошлаган эди (айтиб қўяйликки, шунча пайт давомида шишалар пайдар-пай очилиб турди, албатта), кутилмаган хулосаси билан дарғазаб бўлишга келган юракларни юмшатди, таом ҳақидаги гапдан сўнг чеҳралар очилди. У ўзининг бундай хулоса ясаганлигини «ишни адвокатларча устомонлик билан буриб юбориш», деб атади. Қувноқ кулгилар янгради яна, меҳмонлар жонланиб қолишди; ҳаммалари оёқ-қўлларини бир оз бўлса-да, ёзиш учун ўринларидан турдилар ва равонда кезиндилар. Фақат Келлер Лебедевнинг нутқидан рози бўлмади, у ҳаддан ташқари ҳаяжонланиб кетганди.

— Маърифатга қарши чиқади, ўн иккинчи асрнинг ваҳшийликларини тарғиб қилади, қийшанглайди, яна ўзини ойдиндан ҳам оппоқ қилиб кўрсатади: ўзинг бу уйларни қандай қилиб топгансан, сўрашга ижозат эт?— дерди у овозини чиқариб дуч келган одамни тўхтатаркан.

— Мен Алокалипсиснинг чинакам талқинчисини кўрганман,— дерди бошқа бурчақда генерал бошқа бир тингловчиларга, шу жумладан, Птицинга унинг тугмасидан ушлаб олганча,— марҳум Григорий Семенович Бурмистровни билардим: у, нима десамикин, юракларни ёқиб юборарди. Биринчидан, кўзойнак тақарди, қора чарм муқовали жуда эски катта бир китобни олдига очиб қўярди, соқоллари оппоқ оқарган қария, қилган ионалари учун иккита медали ҳам бор дег. Жуда саловат билан сипо қилиб бошларди, унинг қаршисида генераллар бош эгарди, хонимлар ҳушларидан кетиб қолишарди, манави бўлса— овқат билан тугатди! Тасқара ҳаммаси!

Птицин генералнинг гапларини тинглаганча, табассум қилар

ва шляпасини қўлига олиб кетмоқчидай бўлиб турар, лекин негадир ҳадеб кетишни унутиб қўяётгандай эди. Ганя, ҳали столдан турмаслариданоқ ичишни бас қилган ва бирдан қадахни ўзидан сал нарига суриб қўйганди; унинг чеҳрасига аллақандай хафалик соя ташлаб ўтди. Ҳамма столдан тургандан сўнг у Рогожиннинг ёнига келиб ўтирди. Уларни жуда дўстона муносабатда эканлар, деб ўйлаш мумкин эди. Рогожин ҳам аввал секингина чиқиб кетмоқчи бўлиб турган эди, энди қимир этмай, бошини қуйи эгганча, худди кетиш кераклигини унутгандай ўтирарди. У келгандан бери бир томчи ҳам ичмаган, жуда ўйга ботган кўринарди. Онда-сонда бошини кўтариб ҳаммага бир-бир қараб қўярди. Ҳозир худди у ўзи учун жуда муҳим бўлган нарсани кутаётганга ва бирмунча вақт шу ерда бўлишга қарор берганга ўхшарди.

Князь икки-уч қадах май ичган ва жуда шод эди. У столдан тураркан, кўзи Евгений Павловичнинг кўзига тушди, у ҳали гаплашиб олишлари кераклигини эслаб, дўстона жилмайди. Евгений Павлович унга бошини силкитди ва ўзи шу пайт жуда диққат билан кузатаётган Ипполитни имлаб кўрсатди. Ипполит диванга қўзилганча ухлаб ётарди.

— Айтинг-чи, бу бола нега сизга пашшахўрда бўлиб қолди, князь? — деди у кутилмаганда жуда ғаш келиб, ҳатто ғазаб билан; князь бундан жуда ажабланди. — Қасам ичиб айтаманки, унинг кўнгли тоза эмас!

— Фаҳмлашимча, — деди князь, — балки менга шундай бўлиб кўрингандир, сиз бугун у билан жуда ҳам қизиқиб қолдингиз, Евгений Павлович; тўғрими?

— Яна қўшиб ҳам қўйинг: ўзимнинг дардим ўзимга етиб турибди бугун, шунинг учун ўзим ҳам ҳайронман, боядан бери ҳеч шу боланинг турқидан кўзимни узолмайман!

— Унинг чеҳраси чиройли...

— Ана, ана, қаранг! — деб қичқирди Евгений Павлович князнинг қўлидан тортиб, — ана!..

Князь яна бир карра Евгений Павловичга ажабланиб қараб қўйди.

V

Лебедев нутқининг охирига келиб диванда ўтирганча ухлаб қолган Ипполит худди биров биқинига тургандай бирдан уйғониб кетди, сесканиб тушди, қаддини кўтариб атрофга талмовсираб қаради, ранги ўчди; нимадандир қўрққан каби ҳамма ёққа олазарак бўлиб боқди; бўлиб ўтган нарсалар бирдан эсига тушиб юзи кутилмаганда қаттиқ ўзгариб кетди.

— Нима, улар кетишяптими? Тамом бўлдимми? Ҳаммаси тамом бўлдимми? Қуёш чиқдимми?— деб сўрарди у ташвишланиб князнинг енгидан ушлаб олганча.— Соат неча бўлди? Худо ҳаққи: соат неча? Ухлаб қолибман. Анча ухладимми?— деб сўради у худди ухлаб қолиб ўзи учун жуда ҳам муҳим бўлган бир нарсани бой бергандай умидсизликка тушиб.

— Сиз етти ёки саккиз минут ухладингиз,— деб жавоб берди Евгений Павлович.

Ипполит унга кўзлари ёнганча қаради ва бир неча дақиқа ўйланиб қолди.

— А... шу холосми! Демак, мен...

У елкасини эзиб ётган юк ағдарилгандай оғир ва ташна сўлиш олди. Ниҳоят ҳали ҳеч нарса «тамом бўлмаганлигини», ҳали тонг оқармаганлигини, меҳмонлар эса фақат тамадди қилиш учунгина ўринларидан турганликларини, фақат Лебедевнинг «дийдиё»сигина тугаганлигини англади. У жилмайди ва икки ёноғида силлардагина бўладиган қизил доғ йилтиллади.

— Мен ухлаганимда соатингизга қараб турган экансиз-да, Евгений Павлович,— деб гапида давом этди у киноя қилгандай бўлиб,— сиз боядан бери сира мендан кўзингизни узмайсиз, қараганингиз қараган, сезиб турибман... А! Рогожин! Мен уни ҳозир тушимда кўрдим,— деб шипшиди у қовоғини солиб князга стол олдида ўтирган Рогожинни имлаб кўрсатганча,— аҳ, ҳа,— яна бошқа гап эсига тушиб қолди унинг,— нотик қани, Лебедев қерда? Лебедев алоҳа тамом қилдимми? У нима ҳақида гапирётганди? Князь, сиз бир марта дунёни «гўзаллик» қутқаради деган эдингиз, тўғрими? Жаноблар,— деб қичқирди у ҳаммага қарата,— князь жаҳонни «гўзаллик» қутқаради, деб ишонтирмақда! Унинг бундай айниган фикрларни айтишига сабаб шуки, у ҳозир бировни севиб қолган. Жаноблар, князь севиб қолган; ҳали эшикдан ичкарига кириши биланоқ мен буни сезиб олдим. Қизарманг, князь, бўлмаса сизга раҳмим келиб юради. Жаҳонни қандай гўзаллик қутқаради? Менга буни Коля айтиб берганди. Сиз динга қаттиқ ишонасизми? Коля айтиб берувди, сиз ўзингизни христиан, деб атаркансиз.

Князь унга диққат билан қараб турар, лекин гапларига жавоб бермасди.

— Нега индамайсиз? Балки сиз бу бола мени жуда яхши кўриб қолганга ўхшайди деб ўйлаётган бўлсангиз керак?— деб кутилмаганда узиб олди Ипполит.

— Йўқ, ундай деб ўйламайман, биламан, сиз мени яхши кўрмайсиз.

— Нима! Кечагидан кейин ҳам-а? Кеча сизга самимий қараган эдимми?

— Кеча ҳам маълум эди мени яхши кўрмаслигингиз.

— Яъни, бўлмаса сизга ҳасад қиляпманми, ҳасад қиляпманми? Сиз доим шу фикрда бўлгансиз, ҳозир ҳам шундай деб ўйляяпсиз, лекин... лекин нега мен сизга буларни гапиряпман? Мен яна шампань ичгим келяпти; менга қўйинг, Келлер.

— Сиз бошқа ичмаслигингиз керак, Ипполит, сизга бермайман...

Князь унинг олдидан қадаҳни нари суриб қўйди.

— Рост-а...— деб дарҳол кўна қолди у нима ҳақдадир хаёлга толиб,— тагин гапириб юрмасинлар... э, менга нима, гапирсалар гапирвермайдиларми? Тўғрими, тўғрими? Майли, кейин истаганларича гапирверсинлар, шундай эмасми, князь? Кейин нима бўлиши билан бизларнинг нима ишимиз бор?... Мен дарвоқе ҳозир туш кўрдим. Қандай кўрқинчли туш кўрганлигимни ҳозир эсладим... Сизга бундай тушларни асло раво кўрмайман, князь, ҳақиқатан ҳам, гарчи эҳтимол, сизни яхши кўрмасам ҳам. Дарҳақиқат, агар бировни яхши кўрмасанг, унга ёмонлик тилашнинг нима кераги бор, тўғрими? Нега мен бугун нуқул ҳамма нарсани сўрайверадиган бўлиб қолдим, сўраётган гапларимни қаранг! Менга қўлингизни беринг; мен қўлингизни маҳкам қисиб қўйишим керак, мана шундай... Лекин сиз барибир менга қўлингизни бердингиз, а? Демак, уни чин дилдан қисиб қўйишимни билар экансиз-да?.. Рост, мен бошқа ичмаганим тузук. Соат неча бўлди? Айтганча, кераги йўқ, мен соат неча бўлганлигини биламан. Вақт бўлди! Айни вақт бўлди. Нима, анави бурчакда тамадди қилишяптими? Демак, манави стол бўш экан-да? Жуда соз! Жаноблар, мен... бироқ бу жанобларнинг унчалик эшитгиси ҳам йўқ шекилли... мен битта мақолани ўқиб берсам деган эдим, князь; тамадди, албатта, одамга хуш ёқади, лекин...

У бирдан тепадаги ён чўнтагидан идораларникидай каттакон, муштдек қирмизи муҳр босилган пакет чиқарди. Уни олдидаги стол устига қўйди.

Бундай бўлишини кутмаган ёки тўғрироғи, бошқа бир нарсани кутган аҳли жамоат қаттиқ таажжубга тушди. Евгений Павлович ҳатто ўтирган ўрнидан дик этиб туриб сўнг яна ўтирди; Ганя дарров столга яқин сурилди; Рогожин ҳам ёнгина, худди гап нимада эканлигини биладиган одамдай яқинроқ келди. Шу атрофда ўралишиб юрган Лебедев ҳам азбаройи қизиққанидан кўзлари гилтиллаганча пакетга тикилди, унинг ичида нима борлигини билишга жуда қизиқарди у.

— Бу нима?— деб хавотирланиб сўради князь.

— Офтоб пичагина кўриниши биланоқ мен ётиб ухлайман, гап битта, чин сўзим: кўрасиз!— деб қичқирди Ипполит.— Лекин... лекин... наҳот сиз мени бу пакетни очолмайди деб ўйласан-

гиз?— деб қўшимча қилди у ҳаммага бир-бир кўз югуртири чикаркан, кимга айтаётганлигига эътибор бермасдан. Князь унинг дир-дир қалтираётганини кўрди.

— Биз бундай деб ўйламаймиз,— деб жавоб берди князь ҳамма учун.— нега сиз ўзи, бошқалар шундай ўйлаши мумкин, деб шубҳани борасиз, яна бу... яна бу ўқийман деганингиз нима-си, жуда ғалати эшитиларкан? Сизга нима бўлди, Ипполит?

— Яна нима бўлди? Яна унга нима бало бўла қолди?— деб сўранарди атрофдагилар, ҳамма стол атрофига йиғила бошлади, баъзилар овқат чайнаганча келишарди; қизил муҳр босилган пакет худди оҳанрабодай ҳаммани ўзига тортарди.

— Кеча сизникига келиб тураман деб сўз берганимдан кейин ёзган эдим, князь. Кеча куни билан шуни ёздим, кечаси ҳам шунинг устида ўтирдим ва эрталаб ёзиб тугалладим; тонг азонда бир туш кўрибман...

— Эртага қилсак қандай бўларкин?— ботинмайгина деди князь.

— Эртага «вақт ўтган бўлади!»— асабий тиржайди Ипполит.— Айтганча, ташвишланманг, мен қирқ минутда ўқиб бўламан, узоғи билан бир соатда... Кўринг, ҳамма қизиқиб қолди; ҳамма йиғилди; ҳамма қизил муҳрга қараб қолди; қаранг-а, агарда мақолани мана шу пакетга солмаганимда балки бунчалар қизиқ бўлмасмиди! Ха-ха! Сирли иш шунақа бўлади! Очайми, очмайми, жаноблар?— деб қичқирди у ғалати кулиб, кўзларини йилтиратганча.— Сир! Сир! Эсингиздами, князь, унда «вақт ўтган бўлади», деб ким айтганди? Бу гапини Апокалипсисдаги қудратли ва улкан фаршга айтади.

— Яхшиси ўқимаганингиз маъқул!— деб хитоб қилди кутилмаганда Евгений Павлович, у буни шунчалар хавотирланиб айтдики, кўпларга бу жуда ғалати бўлиб туюлди.

— Ўқиманг!— деб қичқирди князь пакетни қўли билан босиб.

— Ўқишга бало борми? Тамадди қилайлик,— деди алаким.

— Мақола? Журналгами?— деб қизиқсинди яна кимдир.

— Зерикиб қолмасмикинмиз?— деди яна биров.

— Э, нима бўляпти ўзи?— деб сўрашди бошқалар. Лекин князнинг ҳадиксираб қолгани Ипполитнинг ўзини ҳам чўчитиб қўйди.

— Хўп... ўқимаймизми?— деб шивирлаб сўради у княздан кўкариб кетган лаблари аллақандай қийшайиб икшайган ҳолда,— ўқимаймизми?— деб гўлдиради у барча йиғилганларга уларнинг кўзлари, юзларига бир-бир қараб чиқаркан, худди уларни яна ўз забтига олмоқчи бўлгандай,— сиз... қўрқасизми?— деб қаради у яна князга.

— Нимадан?— деб сўради князь борган сари юзи ўзгариб.

—Қимда йитирма тийинлик танга бор?— дик этиб ўрнидан туриб кетди Ипполит худди биров қўлидан тортгандай,— ҳеч қимда танга борми?

—Мана!— деб дарҳол танга тутди Лебедев; касал Ипполит ақлдан озиб қолди, деган фикр ўтди унинг калласидан.

—Вера Лукьяновна!— деб шоша-пиша чақирди Ипполит,— олинг, стол устига ташланг: ўнги ё терси? Ўнги тушса— ўқий-миз!

Вера тангага қўрқа-писа қаради, сўнг Ипполитга, сўнг отасига ва алоҳа тангага қарамаслигим керак, дегандай аллақандай ўнғайсизлик билан бошини юқорига кўтариб тангани столга ташлади. Танганинг ўнги тушди.

— Ўқиймиз!—деб шивирлади Ипполит худди тақдирнинг ҳукмидан қочиб қутулолмайдигандай бир алфозда; агар унга ўлим ҳукмини ўқиб эшиттирганларида ҳам эҳтимол бунчалик оқариб кетмаган бўларди.— Ҳа, айтганча,— деб бирдан сесканиб тушди у ярим минутча жим бўлиб қолгач,— нима бу? Наҳот мен ҳозир қуръа ташлаган бўлсам?— деб яна ўсмоқчиланиб сўради у атрофдагилардан уларга бир-бир қараб чиқаркан.— Лекин бу жуда қизиқ руҳий ҳолат!— деб қичқирди у князга мурожаат қиларкан, ҳаддан ташқари ҳайратга тушиб.— Бу ақл бовар қилмайдиган нарсая, князь!— деб ўз гапини тасдиқлади жонланиб яна ўзига келаркан.— Сиз буни ёзиб қўйинг, князь, ёдингизда тутинг, ахир, сиз ўлим жазосига оид нарсаларни тўплаб юрасиз-ку... Менга шундай деб айтиб беришган эди, ха-ха! О, худойим-ей, бунчалар бемаъни бўлмаса ҳаммаси!— У диванга ўтирди, иккала тирсагини столга тираганча бошини чангаллаб қолди.— Жуда уят бўлиб кетди-ку!.. Уят бўлса, нима менга,— яна шу заҳоти бошини кўтарди у.— Жаноблар! Жаноблар, мен қоғозни очаман,— деб эълон қилди у аллақандай кутилмаган бир журъат билан,— мен... мен, айтмоқчи, ҳеч кимни эшитишга мажбур қилмайман, жаноблар!..

У ҳаяжонланганидан қалтираган қўллари билан пакетни очди, майда хат билан тўлдирилган бир неча варақ қоғозни олиб столга қўйди-да, уларни тўғрилай бошлади.

—Нима гап ўзи? Нима бўляпти? Нимани ўқийдилар?— деб ёқтирмасдан тўнғиллар эди баъзи кимсалар; бошқа бировлар эса индамасдилар. Лекин ҳамма ўтириб қизиқиб кутарди. Балки рости билан ҳам фавқулудда бир нарсани кутармиди улар? Вера отаси ўтирган стулга ёпишиб олган, қўрқиб кетганидан йиғлаб юборай деб турарди; Коля ҳам жуда қўрқиб кетганди. Ҳозиргина ўрнашиб ўтириб олган Лебедев бирдан ўрнидан туриб шамни олди-да, уни Ипполитга яқинроқ суриб қўйди, ўқишига осон бўлсин, деди шекилли.

— Жаноблар, бу... буни ўзингиз кўрасиз ҳозир нималигини, — деб қўшиб қўйди нимагадир Ипполит ва кутилмаганда ўқинини бошлаб юборди:—«Зарур шарҳ!» Эпиграф «Argès toi le déluge»...¹ Фу, қуриб кетсин!— тилини куйдириб олгандай деди у, ниҳот мен шундай аҳмоқона эпиграф қўйган бўлсам?.. Қулоқ солинглар, жаноблар!.. Сизни ишонтариб айтаманки, буларнинг бари нари борганда эҳтимол алмойи-алжойи гаплардир! Бу ерда менинг баъзи фикрларим холос... Агар сиз бу ерда бирон сирли гап бор деб ўйлаётган бўлсангиз... ёки ман этилган фикрлар... хуллас...

— Муқаддимасини жуда чўзиб юбордингиз,— деб унинг сўзини бўлди Ганя.

—Мунча қийшанглайди!— деб қўшилди кимдир.

— Гап кўп,— деб орага суқилди боядан бери ишдамай турган Рогожин.

Ипполит ярқ этиб унга қаради, уларнинг кўзлари тўқнашди ва Рогожин заҳарханда қилиб иршайди-да, жуда ғалати сўзларни айтди:

—Бунга бошқача қилиб ишлов бериш керак, йигитча, бошқача...

Рогожин нима демоқчи бўлди, ҳеч ким, албатта, тушунмади, лекин унинг сўзлари ҳаммада жуда ғалати таассурот қолдирди: ҳамманинг хаёлидан бир фикр йилт этиб ўтгандай бўлди. Бу сўзлар айниқса, Ипполитга қаттиқ таъсир қилди: у шунчалар титраб кетдики, князь йиқилиб тушмасин, деб уни тутиб қолди, бирдан овози чиқмай қолди, бўлмаса, балки чинқириб юборган бўларди. У бир дақиқагача оғзини очолмай оғир нафас олиб Рогожинга тикилиб турди. Ниҳоят ҳансираб қаттиқ кучанганча деди:

—Сизмидингиз ҳали... сизмидингиз... сиз?

—Нима мен? Нима бўпти?— ҳайрон қолиб деди Рогожин, лекин Ипполит дув қизариб кетди ва худди бирдан қутургандай кескин ва шиддатли қилиб қичқирди:

— Сиз ўтган ҳафта кечаси менинг олдимга борган, кечаси соат иккида, ўша куни кундузи эрталаб сизнинг олдингизга борган эдим, *сиз!!* Бўйнингизга олинг, сиз?

— Утган ҳафта кечаси? Мабодо чиндан эсинг оғиб қолмади-ми сенинг, йигитча?

«Йигитча» яна бир дақиқача жим бўлиб қолди, у шаҳодат бармоғини пешонасига тираганча ниманидир мулоҳаза қиларди; шунда ранги гезариб, қўрқувдан лаби қийшайиб турган Ипполитнинг юзи ўзгарди, аллақандай муғамбирона таңтана ифодаси пайдо бўлди.

¹ «Мендан кейин дунёни сув босмайдами» (франц.).

— Ҳа, сиз эдингиз!— деб шивирлади у ҳаддан ташқари ишонч билан.— Менинг олдимга сиз келган эдингиз, дераза олдидаги стулда бир соат ўтирдингиз; кўпроқ ҳам; кечаси соат билан иккинчи орасида; сиз кейин соат учларда ўрнингиздан туриб чиқиб кетдингиз... Сиз эдингиз, сиз эдингиз! Нега мени қўрқитдингиз, нега менга азоб бердингиз,— билмайман, лекин ўша сиз эдингиз, сиз!

У ҳамон қўрқувдан қалтироғини босиб ололмаган бўлса-да, лекин кўзларида бирдан чексиз нафрат ва алам акс этди.

— Сиз ҳозир, жаноблар, ҳаммасини билиб оласиз, мен, мен... эшитинг...

У жуда шошилиб яна қоғозларига ёпишди; варақлар сирғалиб сочилиб кетай дер, уларни зўр бериб тартибга солишга уринарди; варақлар унинг қалт-қалт қалтираган қўлларида титраб турарди; у анчагача ўзини йиғиштириб ололмади.

Ниҳоят, ўқий бошлади. Бошида беш минутча кутилмаган ушбу мақоланинг муаллифи ҳамон ўзини ўнглаб ололмай тартибсиз ва наст-балаид қилиб ўқиди; лекин кейин овози текисланди ва ўқилаётган сўзларнинг мазмунини ифодалай бошлади. Баъзан қаттиқ йўтал ўқини тўхтатиб қўярди; мақоланинг ярмига етганда у қаттиқ хириллаб қолди; у ўқиган сари қаттиқ ҳаяжонланар, охирига бориб бу ҳаяжон чўққисига чиқди, тингловчилар ҳам жуда маънос тортиб қолдилар. Мана ўша «мақола».

«МЕНИНГ ЗАРУР ШАРҲЛАРИМ»

«Après moi le déluge!»

Кеча эрталаб олдимга князь келди; айтгандай, у мени ўз чорбоғига боришга кўндирди. Мен чорбоққа таклиф қилишини ва мени бормагушимча қўймаслигини билардим, унинг фикрича, «одамлар ва дарахтлар ўртасида ўлиш анча осонроқ» экан, унинг юзимга тик қараб туриб шундай дейишини ҳам сезгандим. Лекин у бугун «ўлиш», деб айтмади, «яшани осонроқ бўлади», деди, лекин менга, менинг вазиятимда бунинг фарқи йўқ. Менинг вазиятим ўзи шундай. Мен ундан нега ҳадеб «дарахт, дарахт», деяверасиз, бу билан нима демоқчи бўласиз, менга «дарахт»нинг нима алоқаси бор,— деб сўраган эдим, ўзингиз кечки пайт учрашганимизда Павловскага сўнги марта дарахтларни кўргани келдим, деб жавоб берган эдингиз, деди. Мен унга дарахтнинг тагида ўласанми ёки гишт деворга термиллиб ётиб ўласанми, бунинг аҳамияти йўқ, икки ҳафтача қолган умрни деб шунча оворагарчиликнинг нима кераги бор, деган эдим, у дарров

гапимга рози бўлди, лекин унинг гапига қараганда, дарахтзорлар ва тоза ҳаво албатта менга бошқача таъсир қилармиш ва менда яхши томонга қараб бирон ўзгариш содир бўлармиш, ҳаяжонларим босилармиш ва менинг тушларим бошқача бўлиб қолармиш, балки енгиллашармиш. Мен унга кулиб туриб, сиз худди материалистлардек сўзлаяпсиз, дедим. У мен доим материалистга бўлиб келганман, деб табассум билан жавоб берди. У ҳеч қачон ёлгон гапирмаганлигини ҳисобга олинса, бу сўзларнинг маъноси янада ойдинлашадди. У жуда ҳам чиройли кулади; мен энди унга диққат билан разм солиб қарадим. Мен уни яхши кўришимни ҳам, яхши кўрмаслигимни ҳам билмайман ҳозир; буни аниқлашга менда фурсат қолмади. Беш ойдан бери у менинг кўзимга бало-қазодай бўлиб кўринган эди, охири ойга келиб, нафратимнинг ўти сўна бошлади. Қим билади, балки Павловскка мен фақат уни кўриш учун боргандирман. Лекин... нега ҳам ўшанда мен ўз хонамни ташлаб чиқа қолган эканман? Улимга маҳкум этилган одам ўз қўндоғини ташлаб кетмаслиги керак; агарда мен ҳозир тугал бир қарорга келиб қўймаганимда, балки аксинча, охиригача кутишга жазм қилганимда, унда албатта, мен ўз хонамни ҳеч қачон ташлаб чиқмаган бўлардим. Ва ҳеч қачон Павловскка бориб «ўлиш» ҳақидаги унинг таклифини қабул қилмасдим.

Менинг вақтим жуда зиқ ва мен бу «шарҳ»ни қандай бўлмасин, эртагача ёзиб тугатишим керак. Шундай экан, уни яна бир бошдан ўқиб, тузатиб чиқишга менинг вақтим бўлмайди; эртага князга ва унинг ҳузурига йиғиладиган уч-тўртта кишига ўқиб берсам кифоя. Бу ерда бир оғиз ҳам ёлгон гап бўлмайди, ҳаммаси фақат ҳақиқат, сўнги тантанавор ҳақиқат бўлганлиги боисидан ўша ўқиётган пайтимда менинг ўзимга қандай туюлиши, қандай таъсир қилишини ўйлаб бунга ҳозирдан жуда қизиқсиниб қолдим. Айтгандай, мен «сўнги ва тантанавор ҳақиқат» деган сўзларни бекор ёздим; икки ҳафтани деб шусиз ҳам ёлгон гапиринининг сира ҳожати йўқ, чунки икки ҳафта яшашнинг ўзи кераги йўқ; шунинг ўзи фақат ҳақиқатни ёзишимга энг яхши далолат бўла олади. (NB. Бир нарсани ёнингда сақла: сен шу дақиқада телба бўлиб қолмадингмикин, яъни баъзи бир дақиқалар ичида ақлингни йўқотиб қўймаётганмикинсан? Сил билан оғриганлар сўнги кунлари қолганда тез-тез ақлу ҳушларини йўқотиб турадилар, деб мени ишонтириб айтишганди. Эртага буни ўқиётган чоғимда эшитувчиларнинг ўзларини қандай тутишларига қараб билиб олишга ҳаракат қилишим керак. Бу масалани бутунлай аниқлаб олишим зарур; бўлмаса бошқа ҳеч нарсага уриниб ўтиришнинг кераги йўқ.)

Назаримда, ҳозир жуда бўлмагур бир гапни ёзиб қўйганга

ўхшайман, лекин буни тузатиб ўтиришга вақтим йўқ, боя айтдим; бундан ташқари, мабодо ушбу қўлёзмада ҳар беш қаторнинг ичида ўзимга-ўзим қарши бўлиб қолаётганлигимни сезганимда ҳам барибир уни тўғриламасликка, атай шундай қилишга сўз бердим. Мен эртага ўқиётган чоғимда фикримнинг мантиқий йўналиши тўғрими, йўқлигини аниқлаб олмоқчиман; ўзимнинг хатоларимни сезармикиман, олти ой шу хонада ётиб ўйлаган фикрларим тўғримикин ё фақат алаҳлашмикин?

Агар икки ой илгари бу хонани ташлаб чиқиш ва Мейернинг гишт девори билан видолашишга тўғри келганда эди, ишончим комилки, мен бундан жуда маъюсланиб қолган бўлардим. Ҳозир бўлса, мен ҳеч нарсани сезмаяпман, ваҳоланки, эртага мен хонани ҳам, деворни ҳам ташлаб кетаман, *абадиян!* Мен қолган икки ҳафтани деб ачиниб ўтириш ёхуд баъзи бир кечинмаларга берилишнинг сира ҳожати йўқ, деган ишончга келган эдим, шу ишонч менинг бутун табиатимга ҳукмрон бўлиб қолган ва менинг барча сезгиларимни ўз продасига бўйсундирган бўлса ажабмас. Лекин шу тўғримикин? Табиатимнинг буткул енгилгани тўғримикин? Агарда ҳозир мени қийноққа солганлариди, мен афтидан, қичқирган, додлаган бўлардим, ўзимга қичқирма, қичқирининг, оғриқни ҳис қилишнинг фойдаси йўқ, деб айтмаган бўлардим, чунки мен бор-йўғи яна икки ҳафта яшайман, холос.

Лекин икки ҳафта умрим қолгани тўғримикин, кўпроқ эмасмикин? Ушанда Павловскда мен ёлгон сўзлаган эдим: Б-н менга ҳеч нарса деган эмас ва мени ҳеч қачон кўрган эмас; лекин бир ҳафта бурун менинг олдимга Кислородов деган талабани олиб келишган эди; ўзининг қарашларига кўра у материалист, атеист ва нигилист экан, шунинг учун ҳам мен уни чақиртирган эдим: менга одоб сақлаб ўтирмай гапнинг нўскалланини айтиб қўя қоладиган бир одам керак эди. У кўнгандагидай қилиб ади-бади деб ўтирмай, дапгал айтди-қўйди, тагин жуда мамнун бир қиёфада айтди (пазаримда, шушиси фақат ортиқчароқ бўлди шекилли). Ўзимга тик қараб туриб, бир ойгина умрингиз қолибди, деди. Агар шароит тузукроқ бўлса, жиндак чўзилиши ҳам мумкин; эҳтимол, илгарироқ ўлишим ҳам ҳеч гап эмас экан. Унинг фикрича, мен тўсиндан ҳатто эртанинг ўзидаёқ ўлиб қолишим ҳам мумкин экан: бундай воқеалар бўлиб турар эмиш, уч кун бўлибди, худди менга ўхшаган сил бир жувон Коломнада турар экан, бозорга майда-чуйда олиш учун бормоқчи бўлиб туриб, бирдан ўзини ёмон ҳис қилиб, диванга чўзилибди, бир хўрсинибди-ю, ўлиб қолибди. Буларнинг барини Кислородов менга бирмунча безбетлик ва олифталик билан гапириб берди, оғзига келганини қайтаргани йўқ, гўё шу билан

сиз ҳам худди менга ўхшаб ҳамма нарсани инкор қиладиган, ҳеч нарсани парвойига келтирмайдиган одамсиз, сиз билан бизга ўлим деган нарса нима бўлибди, дегандай қилди, ўзича мэнга иззат-икром кўрсатди. Майли, нима бўлганда ҳам ўша сўйқаси чиққан гап : фақат бир ой, ортиқ эмас! Унинг хато қилмаганлигига мен бутунлай амишман.

Боя князь менинг «ёмон тушлар» кўришимни айтди, билганини қаранг, жуда ҳайрон бўлиб қолдим; у Павловскда сизнинг ҳаяжонларингиз босилади, яхши *тушлар* кўрадиган бўласиз, деди. Нега тушни гапирди? У ё медик, ё ақли жуда ҳам ўткир ва кўп нарсаларни сезиб билади. (Лекин барибир у «телба», бунга сира шак-шубҳа йўқ). Худди атай қилгандай, у келмасидан ниचा бурун мен жуда яхши бир туш кўрган эдим (айтгандай, мен ҳозир юзлаб шундай тушлар кўраман). Мен ухлаб қолибман,— менимча, у келмасидан бир соат илгари ухлаган бўлсам керак, қарасам, бир хонада ётибман (лекин ўзимнинг хонам эмас). Хона менинг хонамдан баландроқ ва каттароқ, яхшилаб жиҳозланган, ёруғ; хонада жавон, комод, диван ва устига кўк ипак адёс ташлаб қўйилган кенг ва каттакон менинг қаравотим бор эмиш. Хонада аллақандай жуда қўрқинчли бир махлуқ бор эмиш. У худди чаёнга ўхшармиш, лекин чаён эмас эмиш, хунуқроқ ва даҳшатлироқ эмиш, табиатда бундай махлуқлар учрамайди, гўё хонамга у атай келганмиш, шунинг учун ҳам бу жуда сирли бўлиб кўринармиш. Мен уни яхшилаб кўриб олдим: унинг туси жигарранг, усти қалқонсимон судралиб юрувчи махлуқ эмиш, ўзи бир қарич келармиш, бош томонининг йўғонлиги икки энли, дум томонига қараб ингичкалашиб борармиш, шунинг учун думининг учи игнадай бўлиб кўринармиш. Бошидан ниचा қуйироқда танасидан қирқ беш градус бурчак билан иккита оёқ чиқарганмиш, оёғининг узунлиги икки вершок келармиш, тепадан қаралса, махлуқ худди уч тишли паншахага ўхшармиш. Қалласини яхши кўролмадим, лекин худди игнадай ўткир иккита кўпгир мўйлови ҳам бор эди. Думининг учиди ҳам шундай иккита мўйлов бор эди, ҳар бир оёғидан ҳам шундай мўйловлар ўсиб чиққанди, ҳаммаси бўлиб саккизта шундай мўйлови бор эди. Махлуқ хона ичиди у ёқдан-бу ёққа югуриб юрар, югурганда панжалари ва думига тиралар, танаси худди илонининг танасига ўхшаб билангларди, у қалқони бўлишига қарамасдан жуда тез чопар, унга қараб туриб одамнинг кўнгли айнаб кетарди. У мени чақиб оладими, деб жуда қўрқдим; менга уни заҳарли деб айтган эдилар, лекин мен кўпроқ уни ким менинг хонамга ташлаб кетганийкин, мени нима қилишмоқчийкин, бунинг сирини мадаийкин, деб қийналардим. Махлуқ жавоннинг тағларига кириб кетар, комоднинг остига, хонанинг бурчакларига яширинар-

ди. Мен стулнинг устига чиқиб ўтирдим ва оёқларимни йиғиштириб олдим. Махлуқ бутун хона бўйлаб қиялаб чопиб ўтди-да, қаердадир мен ўтирган стулнинг тагида кўздан йўқолди. Мен кўрқиб хонага алаң-жалаң қилиб қарар, лекин оёғимни тагимга йиғиштириб ўтирибман-ку, шунинг учун ҳам махлуқ стулга чиқолмаса керак, деб ўйлардим. Бирдан орқа томонимда худди бошимнинг тўғрисида қисирлаган ва шитирлаган товуш эшитдим; мен ўғирилиб қарадим ва махлуқ деворда ўрмалаб бораётганлигини, менинг бошим билан барабарлашиб қолганлигини, думи эса сочимга тегиб турганлигини кўрдим; думи фавқулодда тезлик билан чириллаб айланарди. Уримдан сакраб туриб кетдим, махлуқ ҳам кўздан ғойиб бўлди. Мен каравотга ётишга кўрқардим, махлуқ ёстиғимнинг тагига кириб оладими, деб юрагим така-пука эди. Хонага ойим билан унинг қандайдир бир таниши кириб қолишди. Улар махлуқни қува бошладилар, улар менга қараганда хотиржам кўринардилар, махлуқдан кўрқмасдилар. лекин улар ҳеч нарсани тушунмас эдилар. Бирдан махлуқ яна кўришиб қолди. Бу гал у жуда оҳиста, худди бир нияти бордай, секин-секин буралиб судралар, одам ижирганиб кетарди, у хонани қиялаб эшик тарафга борарди. Шунда ойим эшикни очиб Норма деган итимизни чақирди, итимиз—каттакон тернёф, қора ва юнги қалин эди. У беш йил бурун ўлиб қолганди. Ит хонага югуриб кирди ва махлуқнинг тепасида қотиб туриб қолди. Махлуқ ҳам ҳаракатдан тўхтади, лекин у ҳамон турган жойида буралар, панжалари ва думи билан полни чарсиллатиб урарди. Агар адашмасам, ҳайвонлар ғайришуурий кўрқувни билмайдилар; лекин ҳозир назаримда Норма фавқулодда суратда кўрқаётганга ва бу кўрқинч ғайришуурий ваҳимага ўхшарди, назаримда, ит ҳам худди менга ўхшаб махлуқнинг жуда сирли ва ғалати эканлигини сезаётгандек эди. Махлуқ оҳиста ва эҳтиёткорлик билан итга томон судралар, ит эса секин ўзини орқага тортарди. Лекин жуда ҳам кўрқиб кетганимга ва бутун аъзолари дир-дир қалтираётганлигига қарамасдан Норма махлуққа жуда ёмон қараб турарди. У бирдан приллаб даҳшатли жағини очди, унинг ўткир тишлари кўринди, итнинг жағи қий-қизил ва жуда катта эди, у мўлжаллаб туриб, махлуқни шарт тишлаб олди. Афтидан, махлуқ қаттиқ юлқиган бўлса керак. Норма яна уни тушиб кетаётган еридан ушлаб олди ва икки мартаба силтаб-силтаб махлуқни худди ютиб юбормоқчидай бутунлай оғзига олди. Махлуқнинг қалқони итнинг тишларида қарсиллаб кетди; махлуқнинг итнинг оғзидан чиқиб турган думи ва панжалари жуда даҳшатли тарзда чириллаб айланарди. Бирдан Норма жуда ёмон ангиллаб юборди; махлуқ, унинг тилига нишини санчиб улгурган эди. Ит ангиллаб фарёд кўтарганча жағини

очди, гажиб ташланган махлуқ унинг оғзида кўндаланг ётарди, унинг ярим мўжақланган танасидан итнинг тилига оқимтир суюқлик оқиб тушарди, бу суюқлик топталган қора суваракнинг танасидан ситилладиган оқ суюқликка ўхшарди... Шу ерга келганда мен уйғониб кетдим, князь кириб келди».

— Жаноблар,— деди Ипполит бирдан ўқишдан тўхтаб бошини кўтариб худди уялиб кетгандай бўлиб,— мен ҳали устидан ўқиб улгурмагандим, лекин афтидан, жуда кўп ортиқча нарсаларни ёзганга ўхшайман. Бу туш...

— Тушга ўхшайди,— деб унинг гапини бўлди Ганя.

— Албатта, шахсан меннинг ўзимга тааллуқли жойи кўп бу ерда, тап оламан, яъни айни меннинг ўзим ҳақимда...

Ипполит шуларни сўзларкан, жуда ҳорғин ва ҳолдан тойган кўринар, терчилаган пешонасини рўмоличаси билан артарди.

— Ҳа, жуда ўзингизга кўп эътибор берар экансиз,— деб вишиллади Лебедев.

— Мен, жаноблар, ҳеч кимни мажбур қилмайман, гапнинг очиғи: ким истамаса, чиқиб кетиши мумкин.

— Ҳайдашини қаранг... бировнинг уйдан,— базўр эшитиларли қилиб тўнғиллади Рогожин.

— Биз ҳаммамиз қандай қилиб бирдан ўрнимиздан туриб чиқиб кетамиз?— деб гапга қўшилди шу пайтгача оғзини очишга журъат қилмаган Фердишченко.

Ипполит бирдан бошини қуйи эгиб, қоғозларига ёпишди; лекин яна шу заҳоти бошини кўтариб кўзлари ўт бўлиб ёнганча ёноқларига қизил доғ ёйилиб Фердишченкога тик қараганча деди:

— Сиз мени ҳечам яхши кўрмайсиз!

Кимлардир кулиб юбордилар; лекин кулганлар кўпчилик эмасди. Ипполит ҳаддан ташқари қизариб кетди.

— Ипполит,— деди князь, — қоғозларингизни йиғиштиринг, уш менга беринг, ўзингиз шу ерда меннинг хонамда ётиб ухланг. Ёвиз ётиш олдидан ва эртага гаплашиб оламиз; лекин кейин бу қоғозларни ҳеч қачон очиб ўқимайсиз. Майлими?

— Шундай қилиш мумкинми?— деб унга қаради бениҳоя ҳайрон бўлган ҳолда Ипполит.— Жаноблар!— деб қичқирди у яна кейтадан худди иситмалагандай жонланаркан,— мен бемаънигарчиликка йўл қўйдим, ўзимни қандай тутишликни билмадим. Ёшиққа ўқишни бўлмайман. Ким эшитгиси келса — эшитсин.

У шоша-пиша стакандан сув ҳўплади, шоша-пиша одамларнинг назаридан кўзини олиб қочини учун столга тирсақларини тираб олди ва қайсарлик билан ўқишда давом этди. Дарвоқе, бир ордан сўнг унда қисининдан асар ҳам қолмади...

Бир неча ҳафта яшаб ўтиришининг ҳожати йўқ, деган фикр (ўқиниш давом эттирди у), назаримда бундан бир ой илгари

мени чинакамига машғул қилиб қўйди, ўшанда менинг тўрт ҳафталик умрим қолганди, лекин бу фикр мен уч кун бурун Павловскда бўлганимдан сўнг хаёлимда қатъийлашди. Мен князининг равонида ўзимга-ўзим сўнги марта яшаб кўришга уринишим керак, деб турганимда, одамларни ва дарахтларни кўрмоқчи бўлганимда (майли, буни ўзим айтган бўла қолай), ёниб-куйиб, «яқиним» Бурдовскийнинг ҳақи учун талашганимда, ҳамма мени қучоқ очиб қарши олади, бағрига босади, кимлардир мендан кечирим сўрайди, мен кимлардандир уэр сўрайман, деб хаёл суриб турган чоғимда мана шу фикр тўлатқис бутун ақлу ҳушимни ўзига тортиб олганди; ҳуллас калом, мен тентак ва бемаза бир одамнинг ҳолатига тушиб қолдим. Ана шу дақиқаларда менда шу «сўнги ишонч» пайдо бўлди. Энди жуда ақлим бовар қилмаяпти қандай қилиб мен олти ой шу «ишончсиз» яшаганимга! Мен касалим сил эканлигини ва бунинг давоси йўқлигини аниқ билардим; мен ўзимни-ўзим алдамадим, масалани ойдин англадим. Лекин буни қанчалар ойдин тушунганим сари шунчалар қаттиқ яшагим кела бошлади; мен ҳаётнинг этагига ёпишиб олдим ва қандай бўлмасин, яшагим келди. Мени қоронғи ва қар қисмат худди пашшадек эзиб ташламоқчи бўлган эди, ўшанда мен бундай қисматдан аччиқланган бўлишим мумкин, буни бўйнимга олама, лекин нега аччиқланганлигимни ўзим ҳам билмасдим, албатта; лекин шу аччиқланишимнинг ўзи менга етарли эмасиди? Нега мен ҳақиқатан яна яшашим керак эмаслигини билиб туриб тағин яшаш пайига тушдим; бошқа синаб кўрадиган нарса бўлмагани учун шундай қилдиммикин? Ваҳоланки, мен ҳатто китоб ҳам ўқиёлмасдим ва ўқимай қўйгандим: ўқишнинг нима кераги бор, олти ой қолгандан кейин билишнинг нима кераги бор? Шу фикр калламга келиб қолса, ўқиб турган китобимни улоқтириб юборар эдим, неча марталаб шундай бўлган.

Ҳа, Мейернинг девори кўп нарсаларга гувоҳ, кўп нарсаларни айтиб беради! Мен унга жуда кўп нарсаларни ёзганман. Уша эски девордан мен ўрганиб чиқмаган биронта ҳам доғ йўқ эди. Лаънати девор! Шундай бўлса ҳам, у менга Павловскийнинг барча дарахтларига қараганда қимматлироқ, ҳа, қимматлироқ бўлиши керак эди, лекин энди менга ҳаммаси барибир бўлиб қолган.

Ҳозир эсимга тушиб қолди, мен ўшанда *уларнинг* ҳаётларини қанчалар қизиқиб кузата бошлаган эдим; илгари менда бундай қизиқиш бўлмаган эди. Мен Коляни сабрсизлик билан кутадиган, кечикса сўкадиган бўлиб қолдим, айниқса, оғир ётиб қолиб кўчага чиқолмаган пайтларимда шундай бўларди. Мен майда-чуйда нарсаларга шунчалар эътибор берадиган.

турли мишмишларга шунчалар қизиқадиган бўлиб қолдимки, худди ғийбатчига айланиб қолгандай бўлдим. Мисол учун, мен асло тушунмасдим, қандай қилиб бу одамлар шунча умрга эга бўла туриб, давлатманд бўла билмасликларини (тўғриси, буни ҳозир ҳам тушунмайман). Мен бир камбағал кишини танирдим, кейин уни очликдан ўлибди, деб эшитдим, эсимда, бундан қаттиқ жаҳлим чиқиб кетди: мабодо ўша камбағални тирилтириб бўлганда, мен уни ўз кўлим билан қатл қилган бўлардим балки. Мен гоҳо бир ҳафта ўзимни жуда енгил сезардим, ўшанда кўчага чиқардим; лекин бора-бора кўча мени бутунлай дарғазаб қилиб юборди, мен куни бўйи уйда қамалиб ўтирадиган бўлиб қолдим, бўлмаса ҳаммага ўхшаб бемалол чиқиб юраверсам бўларди. Менинг югургилаб, шўнгиб, типирчилаб, ўзини ўтга-чўққа уриб, доим ишмадандир ташвишланиб, қовоғини солиб, хавотирланиб юрадиган, атрофимдан айланиб ўтиб бораётган одамлар тўдаси жонимга тегиб кетди. Уларнинг туганмас ғам-ҳасратлари, туганмас ташвиш ва надоматларининг кимга кераги бор; уларнинг интиҳосиз аламлари, ёмонликлари, қаҳр-ғазаблари-чи (чунки улар ёвузлар, ёвузлар, ёвузлар)? Олдиларида ҳаётнинг олтмиш йили туриб, яна яшашни билмасалар ва бахтсиз бўлсалар, бунга ким айбдор? Ўз ихтиёрида олтмиш йил яшаш имконияти бўла туриб нега Зарринини ўзини очликдан ўлишгача олиб борди? Яна ҳаммалари ўзларининг чувриндиларини, йиртиқларини, қадоқ бўлиб кетган кўлларини кўрсатиб алам билан қичқирганларини айтмайсизми: «Биз ҳўкиздек ишляймиз, биз тер тўкяймиз, биз худди ит каби очмиз ва яланғочмиз! Бошқалар ишламайдилар ва тер тўкмайдилар, улар бойиб кетганлар!» (Азаллий нақорат!) Уларнинг атрофларида «тузук одамлар» нчидан чиққан Иван Фомич Суриковга ўхшаган бир бечора жиккак киши айланиб ўргилади, кечасию кундузи уларнинг хизматларини қилади,— ўша Суриков бизнинг тепамизда туради,— қачон қарасанг, тирсаги йиртилиб, тугмачаси узилиб бойваччаларнинг хизматини қилиб юради, эрталабдан-кечгача тиним билмайди. У билан бир гаплашиб кўрсангиз эди: «Ночормиз, гадомиз, ҳеч нарсамиз йўқ, хотиним ўлди, дори сотиб олишга пулимиз бўлмади, қишда боламизни совуқ чалиб кетди; катта қизим бировнинг хизматини қияпти...»— қачон қараманг йиғлагани йиғлаган, инқиллагани инқиллаган, дод-вой қилгани қилган! Йўқ, бу аҳмоқларга заррача, заррача ачинмайман, олдин ҳам ачинмасдим, ҳозир ҳам ачинмайман,— мен буни гурур билан айтаман! Нега унинг ўзи Ротшильд эмас? Нега унинг Ротшильдга ўхшаб миллион-миллион пуллари йўқ, нега унинг тоғ-тоғ олтин империяллари, наполеондорлари йўқ, нега тоғ-тоғ қилиб уйиб

ташламаган уларни, ким айбдор бунга? У яшаяптими, демак ҳаммаси унинг ўз ихтиёрида, унинг ҳукмида! У шуни тушунмаса, бунга ким айбдор?

О, менга энди барибир, менинг энди аччиқланишга ҳам вақтим қолмади, лекин ўшанда, ўшанда мен такрорлайман, кечалари ёстигимни чайлаб чиқар, жаҳоним чиққанидан адеёлларимни далва-далва қилиб йиртиб ташлардим. О, ўша пайтларда мен ўн саккиз яшар усти юпун бир йигитча эдим, мени шу ҳолимча ярим яланғоч қилиб кўчага ҳайдаб юборишларини, ёлғиз қолдиришларини, бошпанасиз, ишсиз, ош-нонсиз, қавму қариндошсиз, шундай улуг шаҳарда таниш-билишсиз оч-наҳор, калтакланган (баттар бўлсин!), лекин соғлом ҳолда қўйиб юборишларини нақадар истаган эдим, нақадар орзу қилган эдим, ана ўшанда мен кўрсатган бўлардим...

Нимани кўрсатардим?

О, ниҳоят сиз ушбу «Шарҳ» билан мен ўзимни қанчалар ерга урганганимни сезмайди деб ўйласангиз! Ким мени у ҳаётни билмайдиган бўш-баёв бола деб ўйламайди дейсиз, менинг ўн саккизга кирганим билан кимнинг иши бор; олти ой менга ўхшаб яшаган одамнинг сочи олтмиш йил яшагандай оқариб кетади, лекин бу билан кимнинг иши бор! Майли, менга деса кулаверсинлар ва бу гапларнинг барини чўпчак деб айтсинлар. Мен чиндан ҳам ўзимга чўпчаклар айтиб берардим. Мен чўпчаклар билан туллари ўзимни овулардим; мен уларни ҳозир бирма-бир хотирлайман.

Лекин наҳотки уларни яна қайтадан сўйлаб ўтиришга зарурат туғилиб қолган бўлса?— ахир, энди мен учун эртақлар айтадиган пайт аллақачон ўтиб кетган-ку! Кимга ҳам айтиб берардим! Менга юнон грамматикасини ҳам ўрганиш маи этилганлигини аниқ кўрганымдан сўнг ўзимга-ўзим эртақлар сўйлай бошлаган эдим, ҳа, грамматикани ўрганмоқчи бўлиб кўлимга ҳам олган эдим, лекин биринчи саҳифасини ўқиб бўлмагимдан «Синтаксисга етмасимдан ўлим хабари келади»,— деб ўйладиму китобни столнинг тағига ташладим. Ҳозиргача ўша ерда ётибди; Матренага китобга тегма, шундай ётаверсин, дедим.

Менинг «Шарҳ»им кимнинг қўлига тушса ва кимнинг уни ўқиб чиқишга сабри чидаса, майли, мени телба деб ўйлай қолсин ёки мени гимназистга чиқара қолсин, энг яхшиси, мени ўлимга ҳукм этилган деб ўйлай қолсин; зотан ушбу ўлимга маҳкум этилган ўн саккиз яшар йигитча ундан бошқа ҳамма одамлар ҳаётининг қадрига етмаётган, уни арзонга бой бераётган, ундан ҳаддан ташқари ялқовлик, эринчоқлик, инсофсизлик билан фойдаланаётган ва демакки, уларнинг барчалари унга номуносиб бўлиб кўринаётган бўлса, нима қилсин! Нима

гап денг? Менинг ўқувчим янглишяпти ва менинг ишончим менга ўқилган ўлим ҳукмидан мустанаси дейман. Уларнинг ҳаммалари бахтни қандай тушунишаркинлар, бир сўраб кўринг, бир сўраб кўринг-чи? О, ишончингиз комил бўлсинки, Колумб Американи очгандан кейин эмас, Американи очаётган чоғда бахтли бўлган; ишончингиз комил бўлсинки, у Янги Дунёни очмасидан уч кун илгари ўз иқболининг энг баланд чўққисига кўтарилган, ўшанда унинг кемасидаги одамлар галва кўтаришган, сал бўлмаса Европага қайтиб кетмоқчи бўлишган! Гап Янги Дунёда эмас, менга деса, уни ер ютиб кетмайдими. Колумб уни ростакамига кўрмасдан, немани очганининг ҳали аниқ-таниқ билмасдан ўлиб кетди. Гап ҳаммаси ҳаётда, фақат ҳаётда, — ҳаётни кашф қила боришда, тизимсиз ва абадий суратда кашф қила боришда, шунинг учун кашфнинг ўзи мумкин эмас! Нимасини айтасиз! Назаримда, ҳозир ёзаётган ҳамма гапларим умумий гапларга ўхшайди, бу гапларга қараб туриб мени «қуёш чиқиши» мавзuida ишро ёзаётган паст синфларнинг ўқувчиси деб ўйлашлари ҳам мумкин, ё бўлмаса, нимадир демоқчи бўлибди-ю, лекин истакдан нарига ўтолмабди, ёзиб дўндиролмабди... «Ўсолмабди», деб айтишлари мумкин. Лекин шундай бўлса ҳам яна қўшиб қўйишим керакки, инсон қалласида туғиладиган ҳар қандай даҳо гоёда ёки фикрда бошқа одамларга англашиб етказиб бўлмайдиган, жилд-жилд асарлар ва шарҳлар ёзиб, ўттиз беш йил тушуштиришга ҳаракат қилиб ҳам англашиб бўлмайдиган алланима қолиб кетади; миянингизда асло четга чиқишини истамган алланима доим қолади, абадий сиздан ажралмайди; сиз шундай ўлиб кетасиз, ўзингизнинг энг асосий фикрингизни ҳеч кимга билдирмай, ҳеч ким билан ўртоқлашмай ўтиб кетасиз. Лекин мабодо мен шу олти ой мобайнида мени қийнаган барча нарсаларни ифодалаб беролмаган бўлсам, балки жилла курса, мен шу «сўнгги ишонч»ни ҳосил қилгунча не азобларни бошдан кечирганлигимни, у менга жуда ҳам қимматга тушганлигини тушуниб етарлар. Ўзимга маълум бўлган сабабларга кўра мана шуларнинг ҳаммасини мен «Шарҳ»да баён қилиб ўтишга жазм қилдим.

Нафсиламрга, мен давом этаман».

VI

«Елғон сўзламайман: шу олти ой мобайнида ҳаёт мени ҳам ўз тузоқларига илинтиришга уриниб кўрди, мен ўшандай пайтларда бунга шунчалар қизиқиб кетдимки, ҳатто устимдан ўқилган қисмат ҳукмини ҳам унутар, тўғрироғи, у ҳақда ўйлашни истамас, ҳатто бирон иш қилишга ҳаракат қилдим. Айтганча,

ўша пайтдаги менинг шароитимни айтиб ўтай. Мен саккиз ой бурув оғир ётиб қолганимдан сўнг барча борди-келди муносабатларни уздим ва дўстларим билан алоқа қилмай қўйдим. Ўзим илгари ҳам анча-мунча одамови эдим, шунинг учун ҳам ўртоқларим мени дарров унутиб юборишди; албатта, улар бу воқеа рўй бермаган тақдирда ҳам мени унутиб кетишган бўларди. Уйдаги, яъни «хонадондаги» аҳволим ҳам шундан қолишмасди, жуда ёлғиз эдим. Беш ойча олдин мен хонамни ичкаридан беркитиб олган, хонани ажратиб ҳеч ким кирмайдиган қилган эдим. Мен нима десам, шуни қилишар, олдимга ҳеч ким ижозатсиз кирмасди, фақат маълум бир пайтлардагина хонани йиғиштириш ва менга таом бериш учун кирардилар. Ойим оғзимдан гап чиқишига маҳтал, титраб турар, баъзан уни олдимга киритишга рози бўлган пайтларимда андек бўлсин, зорланиб ҳиқилламасди. Болалар шовқин солмасдилар, мени безовта қилмасинлар деб ургани урган эди; мен болаларнинг тўполоғидан тез-тез шикоят қилардим; ҳозир улар мени қапчалик яхши кўришларини шундан тасаввур қилаверинг! «Вафодор Коля»ни ҳам, мен уни шундай деб атардим,— назаримда тоза қийнаган бўлсам керак. Кейинги пайтларда у ҳам мени анча қийнади: бунинг бари табиий, одамлар бир-бирларини қийнаш учун яралганлар. Лекин Коля бу касал, шунинг учун бунинг инжиқликларига чидаш керак, деб ўзига сўз берганлигини сезиб қолдим. Табиий, бундан жаҳлим чиқарди; лекин назаримда, у «христианларча сабр»да князга таассуб қилаётганга ўхшарди, бу андак кулгили бўлиб кўринарди. Бу ўзи жуда қизгин ва навқирон бола, албатта, ҳамма нарсага таассуб қилади; лекин назаримда, ичимда энди у ўз ақли билан яшаса ҳам бўлар эди, деб қўярдим. Мен уни жуда яхши кўраман. Мен кимларнингдир хизматини қилиб эрталабдан-кечгача югуриб юрадиган, бизнинг тепамизда яшайдиган Суриковни ҳам кўп қийнаганман; мен унга тинмасдан сиз йўқчилигингиз учун ўзингиз айбдорсиз, деб исбот қилардим, охирида у жуда юрагини олдириб қўйди ва менинг олдимга келмай қўйди. У жуда ҳам ювош одам, бунақанги ювош одам камдан-кам бўлади (NB. Айтишларига қараганда сабр жуда даҳшатли куч эмиш; буни княздан сўраб олиш керак, бу князнинг гапи.); лекин мен март ойида унинг уйига чиқдим, боласини ўз сўзи билан айтганда, қандай қилиб «совуқ чалиб» кетганлигини кўрмоқчи бўлдим, мурда тепасида туриб иршайдим ва Суриковга ҳаммасига ўзи айбдор эканлигини тушунтира бошладим, шунда бу жиккак одамнинг бирдан лаблари қалтираб кетди ва бир қўли билан елкамдан ушлаб иккинчи қўли билан эшикни кўрсатди ва эшитилар-эшитилмас қилиб

базўр: «Боринг!»— деди. Мен чиқиб кетдим ва бу менга жуда ёқиб қолди, мени чиқариб юбораётгани ёқди менга; лекин унинг сўзларини кейин эсласам анчагача юрагим увушиб юрди, унга қандайдир раҳим келди, раҳим келди-ю, нафратим кўзиди, бу жуда ғалати эди, унга нисбатан кўнглимда шундай нарса бўлишини истамасдим. Мен унинг дилини ёмон оғритдим (ўзим истамаган ҳолда уни ҳақорат қилдим), лекин шундай бўлса ҳам бу одамнинг аччиғи чиққани йўқ! Лаблари қалтираб кетди, дедим, лекин жаҳли чиққанидан шундай бўлгани йўқ, мен қасам ичиб айтишим мумкин: у қўлимдан ушлаб, «Боринг!»— деди ва шу қойилмақом сўзни жаҳл қилмасдан айтди. Орияти келди, қаттиқ орият келди, бу ҳатто унга ярашмас ҳам экан (ростини айтганда, бунинг кулгили жойи ҳам йўқ эмас), лекин аччиғи чиқмади. Балки у мени шундан кейин ёмон кўриб қолгандир. Ушандан бери уни икки-уч марта зинада учратиб қолдим, у менинг олдимда шляпасини ечиб қўлига оладиган бўлиб қолди, илгари ҳеч қачон бундай қилмасди, лекин энди илгаригидай тўхтаб сўрашмас, балки қисиниб тез ўтиб кетарди. Агар у мени ёмон кўриб қолган бўлса, бу ёмон кўриши ҳам ўзига хос эди: у «сабр билан ёмон кўрарди». Балки у менинг олдимда шляпасини кўрққанидан олар, ахир, у менинг ойимдан қарздор бўлиб юради донм ва ҳеч қачон қарздан боши чиқмайди. Ҳаммасидан ҳам шу тахминим тўғрига ўхшайди. Мен у билан гаплашиб олсам дедим, аниқ биламанки, ўн минут ўтмасдан у мендан кечирим сўраб, узрхоҳлик қила бошлайди; лекин яхшиси унга бошқа индамай қўя қолай, деган фикрга келдим.

Шу пайтга келиб, яъни тахминан Суриковнинг боласини «совуқ чашиб» кетган маҳалларда, март ойининг ўрталарида мен бирдан ўзимни анча енгил сеза бошладим, икки ҳафтача шундай давом этди. Мен кўпинча намозшомга яқин ташқарига айланиб келгани чиқа бошладим. Мен март ойининг кечки аёзини яхши кўраман, кўча чироқларини энди ёқа бошлайдилар бу пайтда; гоҳо анча узоқларга кетиб қоладим. Бир куни Олтидўкон олдида қоронғи тушиб қолган эди, мени «тузук хонадондан чиққанлар»дан бири қувиб ўтди, мен уни яхши кўролмай қолдим; у қоғозга ўралган алланимани кўтариб борар, устига қандайдир эски ва бедаво бир пальто кийганди,— пальтоси жуда юпун эди. У мендан ўн қадамча илгарилаб борарди, фонарь тагига етганда мен унинг чўнтагидан нимадир тушиб қолганигини кўрдим. Мен дарров ердан олдим, яхшиям дарров юлган эканман, мундоқ қарасам, узун кафтан кийган биров югуриб келиб қолди, лекин нарсанинг менинг қўлимда эканлигини кўриб индамади, қўлимга кўз қирини ташлади-ю, нарига ўтиб кетарди. Бу нарса эски, ичи тўла сахтиён ҳамён эди. Лекин

мен шундай қарашимданоқ бунинг ичида нима бўлса борки, лекин пул йўқлигини сездим. Нарсасини тушириб қолдирган одам мендан қирқ қадамча илгарилаб кетган ва кўп ўтмай одамлар орасида қораси кўринмай қолди. Мен чопдим, уни қичқириб чақира бошладим; лекин «Ҳей!»— деган чақирикдан бошқа нарсани билмаганим учун у одам қайрилиб қарамади. Бирдан у чапга, бир уйнинг дарвозасига бурилди. Мен дарвозахонага етиб борганимда бу ер қоронги, ҳеч ким кўринмасди. Уй жуда ҳам катта эди, майда квартиралар учун қаллоблар томонидан қурилган уйларнинг бири бўлса керак; шундай уйларнинг баъзиларида юзталаб хонадон бўлади. Мен дарвозахонадан югуриб ичкарига ўтдим, каттакон ҳовлининг ўнг томонидаги орқа бурчакда кимнингдир қораси кўринди, лекин мен қоронғиликда уни зўрға илғаб олдим. Бурчакка чошиб ўтдим, бу ерда зина бор экан. Ҳаддан ташқари тор, ифлос ва зимистон зина экан; лекин тепада одам чошиб чиқиб бораётганлиги аниқ эшитилиб турарди, мен ҳам зиналардан тепага кўтарила бошладим, ҳалиги одамга то эшикни очгунарлича етиб оламаи, деган умидда эдим. Шундай бўлди. Зиналар жуда қисқа ва бош-кети кўринмасди, нафасим ўпкамга тикилиб қолди; бешинчи қаватда эшик очилди ва ёпилди, мен уч қават пастда туриб буни сездим. То чошиб чиққунимча, то зина майдончасида нафасимни ростлагунча, то кўнғироқ тугмасини топгунимча бир неча минут ўтди. Эшикни кичкинагина ошхонада самовар пуфлаётган хотин очди. У менинг гапларимни индамасдан тинглади, албатта, ҳеч нимани тушунмади ва менга ҳеч нарса демасдан кейинги хонанинг эшигини очиб берди: бу жуда тор, кичкина, шифти ҳаддан ташқари паст, жиҳозлари ҳаминқадар эски ва тўзиган, парда тўсиқ орқасига каттакон тўшак ёзилган хона эди, тўшакда «Терентъич» (ҳалиги хотин уни шундай деб атади) ётарди, назаримда у маст эди. Стол устида шам ёниб битар, бўшай деб қолган шина турарди. Терентъич ётган кўйи нимадир деб менга миңгиллади ва кейинги хонанинг эшигини кўрсатди. Ҳалиги хотин кетди, кўрсатилган эшикни очишдан бошқа иложим қолмади. Шундай қилдим ва кейинги хонага кирдим.

Бу хона олдингисидан ҳам тор ва энсиз эди, одамнинг боши айланса елкаси айланмасди; бурчакдаги бир кишилик энсизгина каравот хонанинг ярмини эгаллаб олгандек эди; бошқа жиҳозлардан устига турли латта-путталар уйиб ташланган учта эски стул, клеёнка қопланган диван олдига қўйилган одмигина емак столи, стол билан каравот орасидан ўтиб бўлмасди. Стол устида нариги хонадагига ўхшаган темир шамдонда шам ёниб турар, каравотда эса ингалашига қараганда эндигина уч ҳаф-

талиқ бұлған чақалоқ пишиларди; Ёшгина касалманд ва рангар бир жувон унинг «тагини қурнтар», яъни тагликларини алмаштирарди, у туққандан сўнг эндигина тўшакдан турганга ўхшарди; лекин чақалоқ овуномас, кўкракка талпинарди, кўкракда эса сут кам эди. Диванда устига фрак ёпиб қўйилган уч яшарлар чамасидаги бир қизалоқ ухлаб ётарди. Эскириб кетган сюртук кийган жаноб стол олдида (у пальтосини ечиб қўйган, пальто диванда ётарди) қоғозга ўралган бир озгина бугдой нон билан иккита кичкина колбасани оларди. Булардан ташқари столда чойнак ва бурда-сурда қора нон ётарди. Қаравот тагидан усти очиқ чамадон туртиб чиқиб турар, яна аллақандай латта-путталар тугилган бўғча кўринарди.

Ҳамма нарса тартибсиз, айқаш-уйқаш сочилиб ётарди. Назаримда, жаноб ҳам, хоним ҳам яхши одамлар эдилар, лекин йўқчилик уларни шу қадар тубан бир ҳолатга солиб қўйган эдики, улар бу тартибсизлик билан олишавериб ҳолдан тойган ва энди эътибор бермай қўйган эдилар, улар ҳатто кун сайин тобора ортиб бораётган бу тартибсизлик, бебошвоқликдан аллақандай жуда аламли ва аччиқ бир лаззат ҳамда ўч олаётган каби эдилар.

Мен кирганимда ҳалиги жаноб ҳам уйга эндигина кириб олиб келган нарсаларини очмоқда ва хотини билан нима ҳақдидир қизғин ва тез-тез гаплашмоқда эди; хотин ҳали йўрғаклаб бўлмаган, лекин чақалоқни овутибди; хабарлар одатдагидай юракни сиқадиган хабарлар эди шеклилли. Жаноб йигирма саккизларга борган, юзи бугдойранг ва обиятсиз, икки чаккасидан узун соч қўйган, даҳани ялтиратиб қирилган, унинг чеҳраси менга хийла ёқимли ва кўркем кўринди. У тулд ва бадқовоқ бўлиб кўринар, лекин юзида аллақандай нозик орият ва гурур ифодаси аке этар, тез аччиқланадиган бўлиб қолганга ўхшарди. Мен кириб борганимдан кейин ғалати бир воқеа содир бўлди.

Тажанг ва хафа бўлишини яхши кўрадиган одамлар тонфаси бўлади, улар хафа бўлишдан лаззат топадилар, айниқса хафгарчиликлари ўзининг охириги нуқтасига етган бўлса (бу тез-тез бўлиб туради), бу нарса уларда жуда кучайган бўлади. Бундай найтларда улар ўзларини хафа бўлмагандан кўра хафа бўлган ҳолда кўришни маъқул сезадилар. Тажанг одамлар, эгар улар ақлли бўлсалар, кейин жуда ёмон пушаймон бўлалар, бекорга қизишиб кетибман, нега ҳам ўзимни босмадим, эттанг, деб бармоқларини тишлаб юрадилар. Эр-хотин уларнинг уйларига кимдир кириши мумкинлигини асло кутмаган бўлсалар керак, бу уларга гоятда ғаройиб бўлиб кўриндими, эри менга ҳайрат ичиди, хотини эса қўрқиб кетган ҳолда қараб

қолдилар; жақоб бирдан қутуриб кетиб менга ташланди; мен ҳали икки оғиз ҳам сўз айтиб улгурмаган эдим, у менинг тузук кийинганимни кўриб, сўрамай-нетмай тўғридан-тўғри бостириб кириб борганимдан ва ҳамма нарса бевошлик билан сочилиб ётганлигини кўриб қолганимдан қаттиқ хижолат бўлиб ўзини жуда ёмон ҳақоратлаган деб ҳис қилди. У ўзининг шундай аҳволга тушганидан жуда уяларди шекилли. Албатта, у бошига тушган кўргилликларнинг аламини бировдан олиш имконияти туғилганидан жуда мамнун эди чоғимда. Сал бўлмаса у мени дўшослашга ҳам тайёр эди; у худди асаби ўйнаб кетган хотинларга ўхшаб оқариб кетди, унинг аҳволини кўриб хотиннинг юраги ёрилгудай бўлди.

— Нега сўрамай кирдингиз бу ерга? Йўқол!— деб қичқирди у қалтираб, камоли ғазабланганидан сўзларни зўрға талаффуз қилиб. Лекин бирдан у менинг қўлимда ўзининг ҳамёни турганлигини кўриб қолди.

— Сиз тушириб қолдирдингиз шекилли,— дедим мен иложи борича хотиржамлик билан қуруққина қилиб. (Шундай муомага қилмаса бўлмасди.)

Жақоб бир печа сония қаршимда қўрқув ичида қотиб турди ва бир мунча муддат назаримда ҳеч нарсани англамади; кейин дарров ён чўнтагини пайпаслаб кўрди, даҳшатдан оғзи очилиб қолди ва пешонасига қарсиллатиб урди.

— Тавба! Қаердан топдингиз? Қандай қилиб?

Мен иложи борича қуруқ қилиб, ҳамённи қандай топганимни, унинг орқасидан чопиб чақирганимни, тусмоллаб бўлса ҳам орқасидан қидириб келиб зиналардан чиқиб уни топганлигимни қисқа айтиб бердим.

— Э, худо!— деб қичқирди у хотинига қараб,— ҳамма ҳужжатларимиз, охириг асбобларимиз ҳаммаси шу ерда-я, бу ерда ҳамма... о, марҳаматли афандим, мен учун қандай яхшилик қилганлигингизни биласизми? Мен адоин тамом бўлардим!

Мен унинг гапига жавоб бермасдан кетиш учун эшикнинг қабзасидан ушладим; лекин ўзим ҳам ҳансираб турардим, қаттиқ ҳаяжонланганимдан тўхтовсиз йўтала бошладим, шундай қаттиқ йўтал тутдики, оёқда зўрға турардим. Уй соҳиби стул қидириб хонани чарх ура бошлади, кейин бир стул устидан латта-путталарни ерга сидириб туширди-да, мени унга астагина ўтқаазди. Лекин йўталиш ҳадеганда босилмади, яна уч минутча тинмай йўталдим. Кўзимни очганимда у менинг ёнимда ўтирганлигини кўрдим, афтидан, иккинчи стулдаги нарсаларни ҳам ерга ташлаган шекилли, менга диққат билан разм солиб турарди.

— Бу дейман... қийналиб кетдингиз-ку, а?— деб сўради у

худди докторлар касал билан гаплашадиган оҳангда.— Мен ўзим... медикман (у мен докторман, демади),— шундай деб ҳозирги аҳволдан хафалигини билдиргандай уйни қўлини ёзиб кўрсатди,— кўриб турибман, сиз...

— Сил бўлиб қолганман,— дедим иложи борича қисқароқ қилиб ва ўрнимдан турдим.

У ҳам дарров ўрнимдан сакраб турди.

— Балки сизга шундай бўлиб туюлаётгандир, балки... доридармон қилиб...

У жуда ҳам ҳушини йўқотиб қўйган, ҳамон ўзига келолмасди; ҳамённи ўнг қўлига ушлаб олганди.

— О, асло ташвишланманг,— деб унинг сўзини бўлдим яна эшикнинг қабзасига қўл чўзиб,— мени ўтган ҳафта Б-н кўрган эди (мен шу ерда яна Б-ни ўртага тикширтдим),— менинг ишим ҳал бўлган. Узр...

Мен эшикни очиб уятдан ерга кириб кетай деб турган, миннатдорчилигини қандай ифодалашни билмаган, эзилган, тўзғиган докторни холи ташлаб чиқай деганимда яна лаънати йўтал тутиб қолди. Шунда доктор мени ўтириб нафас ростлашга ундади; у хотинига нимадир деди, хотини жойидан қимирламаган ҳолда менга ширин илтифотли сўзлар айтди. У жуда уялиб кетди, унинг сарғиш, рангпар, обиятсиз юзига қизиллик югурди. Мен қолдим, лекин уларни безовта қилаётганимдан хижолатда эканлигим шундоқ кўриниб турарди (шундай қилиш керак эди). Доктор пушмондан жуда қийналиб кетди, менга аён кўриниб турарди.

— Агар мен...—деб бошлади у ҳадеганда гани чала қилиб, эсанкираб,— мен сиздан гоятда миннатдорман, сизнинг олдингизда жуда айбдорман...— мен... кўриб турибсиз...— у яна уйни кўрсатди,— ҳозир аҳволим шундай бўлиб қолди...

— О,— дедим мен,— ҳечқиси йўқ; ҳаммаси равшан; сиз ишдан бўшаганга ўхшайсиз, бу ердагиларга тушунтиришга келгансиз, янги бир иш топмоқчисиз?

— Нега... сиз қаердан билдингиз?— деб сўради у ҳайрон бўлиб.

— Ранг кўр, ҳол сўр,— деб жавоб бердим мен бенхтиёр киноя қилгандай бўлиб.— Бу ерга умид билан вилоятлардан жуда кўп одамлар келишади, югуриб юрганлари юрган, шу алфозда яшайдилар.

У бирдан лаблари қалтираганча ёниб-куйиб сўзлай бошладди; у шикоят қилди, бошидан ўтганларни ҳикоя қилиб берди, рост, унинг гапларига жуда қизиқиб қолдим; унинг олдида бир соатча ўтлардим. Менга ўз тарихини айтиб берди, унинг бошидан кечирганлари ҳаммаси оддий гаплар эди. У вилоятда табиб

бўлиб хизмат қиларкан, давлатдан мойна оларкан, лекин кутилмаганда аллақандай машмашалар бошланиб кетиб, га-чага ҳатто унинг хотинини ҳам аралаштиришибди. Унинг ория-ти келибди, қизишиб кетибди; орада вилоят раҳбарлари ўзга-рибди, бу ўзгариш унинг душманларига жуда қўл келибди, унинг тагига аста сув қуя бошлабдилар, шикоятлар уюштириб-дилар; у ишдан ажрабди ва охириги чақаларини тўплаб маса-лани ойдинлаштиргани Петербургга келибди; албатта, Петер-бургда уни анчагача тинглайдиган одам бўлмабди, кейин қулоқ солишибди, кейин унга рад жавоби беришибди, кейин ваъдалар бериб қўйинини пуч ёнғоққа тўлдиришибди, кейин жуда жиддий қарашибди, кейин унга ариза ёзишни буюришибди, кейин аризани қабул қилишмабди, бошқатдан ёзишни талаб этишиб-ди,— бир сўз билан айтганда, у беш ойдан бери оворайи сарсон экан, бор буд-шудини еб битирибди; хотинининг латта-путта-ларини гаровга қўйибди, ўртада фарзанд кўрибдилар ва, ва... «бугун кейинги арзим бўйича жавоб чиқди, арзим инобатга олинмабди, менинг ейдиган, ичадиган, кийдиган нарсам қолма-ди, хотиним тугди. Мен, мен...»

У стулдан сакраб туриб кетди ва юзини ўгириб олди. Хотини бурчакда кўз ёши қиларди, чақалоқ яна уйғониб ингалай бошлади. Мен чўнтак дафтаримни олиб унга ёзиб ола бошла-дим. Мен ҳаммасини ёзиб ўрнимдан турганимда у қаршимда тик турганча менга қўрқа-писа қизиқиб қарар эди.

— Мен сизнинг номингизни ёзиб олдим,— дедим унга,— ҳаммасини ёзиб олдим: хизмат жойингизни, вилоят губерна-торини, ой, кунларгача ёздим. Менинг мактабдош бир ўртоғим бор, Бахмутов деган, унинг амакиси Петр Матвеевич Бахмутов ҳақиқий статс-маслаҳатчи, директор бўлиб ишлайди...

— Петр Матвеевич Бахмутов!— деб қичқириб юборди бизнинг медик сессаниб тушаркан. Лекин ҳаммаси ўша одамга боғлиқ менинг ишим!

Чиндан ҳам бизнинг медигимизнинг бошига тушган воқеа-лар кутилмаганда менинг аралашувим билан ноёнига етди, ҳаммаси худди атай қилгандай ва худди романиларда ёзилган-дай ўз жойига тушиб ишлар битиб кетди. Мен бу шўрликларга жуда қаттиқ умид боғламанглар, мен ўзим бечора бир гимна-зистман (мен атай ўзимни камситиб гапирдим; мен аллақачон курсларни тугатганман ва гимназист эмасман), менинг номим-дан сизларга ҳеч қандай наф йўқ, лекин мен ҳозирнинг ўзида Васильевский оролига бораман. Бахмутов деган ўртоғимни топаман, унинг амакиси бўйдоқ ва сўққабаш одам, ҳақиқий статс-маслаҳатчи, ўз жияинини жонидан ҳам яхши кўради, ундан ҳеч нарсасини аямайди, уни ўз наслининг сўнгги вакили деб

қарайди ва ардоқлайди, шундай бўлгандан кейин балки «менинг ўртоғим сизнинг аҳволингизни енгиллатиш учун амакисидан илтимос қилиб кўрармикин...»

— Жаноби олийларига гапимни айтишга имкон берсалар бўлди эди! Қанийди у кишига ўзим тушунтириб беришимнинг иложини, эпини қилолсам!— деди у худди иситмаси тутаётган одамдай қалтираб, кўзлари ёнганча. У ростдан ҳам шундай деди, «эпини» қилолсам, деди. Балки иш ўнгидан келмас, балки пачаваси чиқар, деб такрор айтдим унга ва агар эртага эрта-лаб олдингизга келмасам, демак, иш битмагани шу, мени кутманглар, деб айтдим. Улар мени таъзим қила-қила узатиб қолдилар, улар худди телбага ўхшаб қолган эдилар. Уларнинг юзларидаги ифодани ҳеч қачон унутмайман. Мен извош олиб ҳаялламастан Васильевский оролига қараб йўлга тушдим.

Гимназияда ўқиб юрган пайтларимда кейинги йиллар ичи мен шу Бахмутов деган билан сира чиқиша олмасдим. У ичимизда оқсуяк деб ҳисобланарди, ҳар ҳолда мен уни шундай деб атардим: яхши кийиниб юрар, ўзининг отини миниб келар, олифтагарчилик қилмас, доим дўстона муомалада бўлар, доим жуда қувноқ юрар, баъзан оғзидан жуда ўтқир гаплар чиқиб қолар, синфда биринчилар қаторида саналишига қарамасдан, ақли унчалар зўр эмасди; мен бўлсам, ҳеч қачон ҳеч нарсада биринчи бўлган эмасман. Мендан бошқа ҳамма ўртоқларим уни яхши кўришарди. Шу бир неча йил мобайнида у бир неча мартаба менинг олдимга яқинлашмоқчи бўлиб келди, лекин ҳар сафар мен тажанилик ва одамовилик билан ундан юзимини ўгириб олардим. Уни бир йилчадан бери кўрмаган эдим; у университетда эди. Мен соат тўққизларда унинг олдига борганимда (мен келганимни бугун расм-русмларини ўрнига қўйиб, унга кириб хабар қилишди), у мени жуда ҳайрон бўлиб қарши олди, лекин чеҳраси очик эди, сўнг дарров яйраб-яшнаб кетди, менга қараб туриб хандон ташлаб кулиб юборди.

— Сизни қандай шамол учирди, Терентьев?— деб қичқирди у ўзига жуда ярашадиган бепарволик ва очиққўнғиллик билан, мен унинг шу дов гашига тегмайдиган очиққўнғиллигини жуда ҳам яхши кўрардим, унинг бу фесъни одамга оғир ботмасди, лекин худди шунини деб уни кўргани кўзим йўқ эди.— Лекин нима гап,— деб қўрқиб қичқирди у,— сиз касалмисиз!

Яна йўтал тутиб менга азоб берди, ўзимни стулга ташладим, зўрға нафасимни ростлаб олдим.

— Ташвишланманг, сил бўлиб қолганман,— дедим,— сизнинг олдингизга бир илтимос билан келгандим.

У ҳайрон бўлганча ёнимга ўтирди ва унга докторнинг воқеасини айтиб бердим, амакингизга гапингиз ўтади, шу одамга

ёрдам қўлини чўзинг, балки ростдан ҳам бечоранинг иши битиб кетар, дедим.

— Албатта, албатта қиламан, эртагаёқ амакимнинг ёқасидан оламан; мен жуда хурсандман, сиз жуда келиштириб ҳикоя қилиб бердингиз... Лекин қандай қилиб, Терентьев, бирдан мен эсингизга тушиб қолдим?

— Сизнинг амакингизга боғлиқ экан бу иш, бунинг устига, сиз билан Бахмутов, доим иқимиз чиққинмасди, сиз олижаноб одамсиз, душманингизнинг гапини ерда қолдирмайсиз, деб ўйладим,— деб қўшиб қўйдим киноя билан.

— Наполеон Англияга мурожаат қилгандай бўлибди-да!— деб қичқирди у хахолаб кулганча.— Қиламан, қиламан! Агар мумкин бўлса ҳозирнинг ўзида бораман унинг олдига!— деб ишоша-пиша қўшиб қўйди менинг стулдан жиддий ва қатъият билан тураётганимни кўриб.

Ҳақиқатан ҳам бу иш худди хамирдан қил суғургандай жуда осон битди. Бир ярим ойдан сўнг бизнинг медигимиз бошқа бир вилоятга ишга тайинланди, пул ёрдам олди. Фаҳмимча, Бахмутов уларникига тез-тез бориб турадиган бўлиб қозди (шундан сўнг мен атай докторникига бормаи қўйдим ва мени кўрганни келиб турадиган докторни қуруққина қабул қиладиган бўлдим),— Бахмутов, фаҳмимча, докторга пул ҳам берган, уни қарз олиб туришга кўндирган. Шу олти ҳафта ичида биз Бахмутов билан икки маротаба кўришдик, учинчи марта у билан докторни кузатаётганда бирга эдик. Бахмутов докторнинг ишга жўнаши шарофати билан ўз уйида зиёфат қилиб берди, шампанлар очилди, зиёфатга докторнинг хотини ҳам келди: у кўп ўтирмади, дарров чақалоқнинг олдига кетди. Май ойининг бошлари эди, бегубор оқшом эди, қуёшнинг буюк боши кўрфазга ботиб борарди. Бахмутов мени уйга кузатиб қўйди; биз Инколай кўпригидан кетдик; икковимиз жиндик чигандик. Бахмутов бу иш шунчалар яхши оқибат билан туғанишидан жуда хурсанд эди, шу ҳақда сўзларди, нимагадир менга миниатюрчилик изҳор қилар, озгина яхшилик қилиб ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман, бунинг ҳаммаси сиз туфайли бўлди, деб хурсанд бўларди, фақат яхшиликнинг ўзи билангина иш битмайди, деб маъруза ўқиб юрган одамлар бор, улар бекор шундай қиладилар, тўғримас, деди. Менинг ҳам жуда гапиргим келди.

— Кимда-ким шахсий кори хайрни қораласа,— деб бошладим мен,— у инсон табиатини қоралаган ва унинг инсоний гурурини ерга урган бўлади. Аммо «ижтимоий кори хайр»ни уюштириш билан шахсий эркинлик масаласи — бошқа-бошқа икки масала, лекин улар бир-бирларини инкор қилмайдилар. Шахсий яхшилик ҳеч қачон йўқолмайди, чунки шахснинг эҳтиёжи

билан боғлиқ, бир шахснинг иккинчи бир шахсга тўғридан-тўғри таъсиридан келиб чиқадиган жонли эҳтиёждир. Москвада бир чол бўларди, ўзи генерал эди, ҳақиқий статс-маслаҳатчи, номи ҳам немисча ном; у бир умр қамоқлар ва ҳибсхоналарда юрган, жиноятчилар билан кўришган; Сибирга кетаётган ҳар бир жиноятчилар гуруҳи Воробьев тоғида уларни «генерал чол» келиб кўражагини олдиндан биларди. У ўзи қиладиган ишни жуда жиддий ва художўйлик билан қиларди; у бориб, сургун қилинганларнинг орасида бўлар, уларни атрофига йиғиб гаплашар, ҳар бир жиноятчининг олдида тўхтаб ўтар, улардан ҳол-аҳвол сўрар, ҳеч кимга пасиҳат ўқимас, уларнинг ҳаммаларини «кўзичоқларим», деб атаарди. Уларга пул улашар, пайтава, турли-туман зарур матолар, анёлар жўнатар, гоҳо ибратли китоблар келтириб саводли жиноятчиларга тарқатиб чиқар, бу китобларни улар йўлда ўқиб кетадилар, саводхонлар саводсизларга ўқиб берадилар, деб қаттиқ ишонарди. У агар жиноятчининг ўзи айтмаса ҳеч қачон кишилардан қилган жиноятларини суриштириб ўтирмасди. У ҳамма жиноятчиларни тенг кўрар, ҳеч кимни ажратмас эди. Улар билан худди ака-укалардай сўзлашар, лекин кейинроқ бориб жиноятчиларнинг ўзлари уни ота ўрнида кўра бошладилар. Агар сургун қилинган болали аёлларини кўриб қолса, албатта, уларнинг қошига борар, болани эркалар, уни кулдирши учун бармоқларини қарсиллатарди. Узоқ йиллар то ҳаётдан кўз юмгунча у шундай қилиб юрди: охирида шундай бўлдики, уни бутун Россияда, бутун Сибирда танир эдилар, барча жиноятчилар уни билардилар. Менга Сибирда бўлган бир одам гапириб берган эди, энг ашаддий жиноятчилар ҳам генерални эслаб юрар эканлар, ваҳоланки, генерал жиноятчиларни кўргани борган чоғларида ҳар бир кишига йигирма тийиндан ортиқ пул тарқатолмас экан. Тўғри, уни жуда қучоқ очиб қарши олардилар ёки унга жуда жиддий кўз билан қарар эдилар, деб айтиш қийин. Аҳмоқона бир кайфият таъсирида ўн иккита одамни сўйиб ташлаган, олтига болани қиймалаган аллақандай ваҳший қотиллар, «шўрликлар» (шундайлар ҳам бўларкан, дейишади) бирдан ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, майли, бор-йўғи йигирма йилдан кейинми, кутилмаганда хўрсиниб: «Бу генерал чолимиз қалай экан-а, тирикмикан ҳали?—деб сўраб қолишаркан. Чолни эслаб балки андак кулимсираб ҳам қўйгандир, бошқа нима ҳам бўлиши мумкин. Унинг қалбига абадулабд генерал чол томондан қандай уруғ ташланганини сиз қаердан биласиз? Ахир йигирма йилдан бери ўша чолни эслаб юришнинг, унутмаслигининг ўзи бўладими? Бир одамнинг иккинчи бир одамга ҳампо бўлиши шу ҳампо бўлган кишининг тақдирини учун қанчалар

аҳамиятли эканлигини сиз қаердан биласиз, Бахмутов?.. Бу кори хайр, умр савдоси, биз унинг қанчалар кўп кўзга кўринмас шохобчалари борлигини ҳатто тасаввур ҳам қилолмаймиз. Энг кучли шахматчи агар ақли жуда ҳам ўткир бўлса фақат бир неча юришни олдиндан кўриши мумкин. Бир француз шахматчиси ўн юришни олдиндан ҳисоблаб чиқаркан, шуни жуда ғаройиб бир ҳодиса, деб ёзиб чиқишган эди. Умрининг йўллари қанчалар кўп, биз билмайдиган нарсалар қанчалар тўлиб ётибди? Сиз уруғ ташлаб, кори хайр қилиб, қандай йўл билан бўлмасин, яхшилик қилиб ўзингизнинг бир улушингизни бошқа бир кимсага берасиз ва бошқа бир кимсадан унинг улушини ўзингизга оласиз. Шу тариқа бир-бирингизга ҳампо бўласиз. Агар яна жиндак этибор билан қарасангиз, сиз янги билимлар ва янги сира қутилмаган кашфиётлар эгаси бўлиб қоласиз. Сиз сўнг ўз ишингизга албатта худди фанга қарагандай қарайдиган бўласиз: у бутун умрингизни ўзига жалб қилиб олади, бутун умрингизни унга бағишлайсиз. Бошқа бир томондан қараганда, сизнинг бутун ўй-хаёлларингиз, сиз ташлаган уруғлар бир куни ўзингиз ҳам унутиб юборганингизда амал олади ва куртак отади. Сиздан олган бошқага беради. Инсон тақдирларининг келажаги учун сиз нималар қилмаслигингиз мумкин, ҳозир буни сиз қаердан биласиз? Сизнинг умр бўйи орттирган билимларингиз ва умр бўйи адо этган шу йўлдаги ишларингиз бир кунмас бир кун сизни шундай бир юксакликка кўтарадик, сиз унда жуда улуғ уруғлар ташлашга, дунёга жуда улуғ ғояларни мерос қолдиришга қодир бўлиб қоласиз, унда... Ва ҳоказо, мен ўшанда тоза суҳандонлик қилганман.

— Буни қаранг-а, шундай бўла туриб, сиз ҳаётдан бенасиб қолсангиз-а!— деб қичқирди кимгадир қизгин таъна қилгандай бўлиб Бахмутов.

Ушанда биз кўприк устида унинг панжаларига суялганча турган эдик, Невани томонга қилардик.

— Биласизми, ҳозир хаёлимга қандай фикр келди?— деб сўрадим ундан панжарадан яна настроқ бошимни осилтириб.

— Наҳот сувга ташлаш фикрида бўлсангиз?— деб қичқириб юборди кўрқиб кетган Бахмутов. Балки у калламга келган фикрни юзимдан уқиб олган бўлса керак.

— Йўқ, ҳозирча фақат шу ҳақда мулоҳаза юритаётirman, мулоҳазаларим бундай: икки-уч ойгина умрим қолди, балки тўрт ойдир; лекин борингки, яшашимга яна икки ой қолди дейлик; шунда мен маънави докторнинг ишига ўхшаган анча оғир, югур-югурни талаб қиладиган, одамни анча уринтирадиган бир яхшилик қилишни жуда ҳам истаб қолсам, унда мен бундай яхшилик қилишдан воз кечишга мажбур бўлиб қолардим, ахир,

менинг бунчалар югур-югурга вақтим етмайди, шунинг учун мен ўзимга, *ўз чоғимга* яраша мундоқроқ, майдароқ «яхшиллик»ни танлаган бўлардим (агар ҳаддан ташқари яхшиллик қилгим келиб қолса дейман-да). Жуда ҳам ғалати фикр, тўғрими?

Шўрлик Бахмутов мендан жуда хавотирланиб қолди. У мени то уйгача кузатиб қўйди, у шунчалар назокатли эдики, мени юпатишни ўзига эп кўрмади ва кўп гапирмади. У мен билан хайрлашаркан, қўлимни қаттиқ қисиб қўйди ва олдимга келиб туришга изн сўради. Мен унга, агар сиз менинг олдимга «юпатиш» учун келсангиз (чунки у келиб индамай ўтирганда ҳам барибир бу юпатиш дегани бўлади-ку, унга шуни тушунтирдим), бу билан ҳар сафар менга ўлимим яқинлашиб келаётганлигини эслатгандай бўласиз, дедим. У сўзасини қисди, лекин фикримга қўшилди; биз анча назокат билан айришанидик, бундай бўлишини мен ҳатто кутмагандим.

Уша оқшом, ўша кеча «сўнгги ишончим»нинг биринчи уруги ташланган эди. Мен бу янги фикрга жон ҳолатда қаттиқ ёпишиб олдим, уни ҳар жиҳатдан ағдар-тўнтар қилиб ўргана бошладим, ҳар томондан чамалаб кўрдим (кечаси билан ухлаганим йўқ), унинг ичига чуқурроқ кирганим сари, уни ўзимга чуқурроқ сингдирганим сари шунча қаттиқроқ кўрқа бошладим. Даҳшатли ваҳима босди мени ва кейинги кунлар ичида ҳам мен бу ваҳимадан қутулолмадим. Баъзан ўзимнинг шу ваҳималарим ҳақида ўйлаб қолсам, даҳшатдан юрагим музлаб қолгандай бўларди: шу ваҳимадан хулоса чиқардимки, «сўнгги ишончим» юрагимда қаттиқ ўрнаниб улгурибди ва энди албатта унинг бир оқибати бўлади. Лекин уни тугал ҳал қилишлик учун журъатим етишмасди. Уч ҳафтадан сўнг ҳаммаси тугади, бир қарорга келдим, менда журъат пайдо бўлди, лекин бу жуда ғалати бир вазият таъсирда рўй берди.

Мен ўз шарҳларимда кунларнинг барини аниқ рақам қилиб боряпман. Албатта, менга буларнинг унчалар аҳамияти йўқ, лекин *ҳозир* (балки худди мана шу дақиқада) истаймankи, менинг хатти-ҳаракатларимга баҳо берадиган одамлар «сўнгги ишончим» қандай мантиқий хулосалар зайжирига асосланганлиги ва келиб чиққанлигини аниқ-таниқ кўрсинлар. Мен юқорида ёздим, «сўнгги ишончим»ни адо этиш учун менда етишмаган журъат назаримда мантиқий хулосалар чиқариш йўли билан етилгани йўқ, аксинча, унга жуда ғалати бир туртки, ишнинг боришига ҳатимол сира ҳам алоқадор бўлмаган ғалати бир воқеа сабаб бўлди. Бундан ўн кун аввал олдимга Рогожин кирган эди, ўзининг бир иши юзасидан келганди, бу ишни шу ерда баён қилиб ўтириш ортиқча деб биламан. Мен илгари Рогожинни сира кўрган эмасдим, лекин у ҳақида жуда кўп эшитгандим. Мен ун-

га керакли маълумотларни бердим, кўп ўтирмай кетди, унга маълумотдан бошқа нарса керак бўлмаганидан танишлигимиз шу билан тугади. Лекин унга жуда ҳам қизиқиб қолдим ва шу куни калламга жуда ғалати фикрлар келди, шундай фикрларнинг таъсирида юрдим, шунинг учун эртасига унинг ҳузурига боришга қарор қилдим. Рогожин, афтидан, борганим учун хурсанд бўлмади, ҳатто «назокат» билан бошқа борди-келди қилмаганимиз маъқул деб шама қилди; шундай булишига қарамасдан, бир соатча унинг олдида ўтирдим, жуда антиқа бўлди, назаримда, унга ҳам жуда ғалати туюлган бўлса керак. Биз шу қадар бошқа-бошқа одам эдикки, буни дарров ажратиб олмасликнинг сира иложи йўқ эди, айниқса бу менга билинди: мен кунлари саноғлиқ бир одам эдим, у бўлса — ўзининг тўлақонли ҳаёти билан кун кўраётган, «сўнгги» хулосалар ташвишидан холи бўлган, ўзини... ўзини нима десамкин, шу ўзини телба қилган нарсалардан бошқа ҳаммасига беғам ва бепарво бир одам эди; мен нўноқ адабиётчиман, ҳали ўз фикрларимни яхшилаб ифодалаб беролмайман, шунинг учун жаноб Рогожин менинг бу сўзимни кечирсин.. У жуда ҳам кўрс одам бўлишига қарамасдан, назаримда анча ақлли, кўп нарсаларни тушунадиган бўлиб кўринди, лекин уни чет нарсалар ҳеч қизиқтирмас экан. Мен унга ўзининг «сўнгги ишончим» хусусида оғиз очганим йўқ, лекин фаҳмлашимча, у гапларимни тинглаб ўтириб, шундай ишончга келганлигимни сезди. У индамади, жуда индамас экан. Мен кета туриб, ўртамиздаги барча фарқларга ва қарама-қаршиликларга қарамасдан,—les extrêmes se touchent¹ (унга буни русча қилиб тушунтириб бердим), қандай бўлмасин у ҳам худди менга ўхшаб «сўнгги ишонч» остонасида турганлигини ишора қилиб қўйдим. Шунда унинг юзида тунд ва жуда турш бир ифода ҳосил бўлди, ўрнidan турди, худди мен ўзим кетишга қўзгалгандай фуражкамни қўлига олди ва ўзини мени кузатиб қўйишга чоғлаган кишидай кўрсатиб бадрафтор уйдан мени чиқариб юборди. Унинг уйи мени лол қилиб қўйди; худди қабристонга ўхшайди, унга афтидан, жуда ёқса керак, бу тушунарли менимча: у ўзини жуда эркин қўйиб, кенг-мўллик билан тўлақонли ҳаёт кечиради, бундай тўлақонли ҳаёт учун шароит чиқора.

Рогожиннинг олдида бориб жуда чарчаб қолдим. Бундан ташқари, ўзимни эрталабдан ёмон ҳис қилдим; кечга бориб жуда ҳолдан тойдим ва каравотга ўзимни ташладим, вақт-вақти билан қаттиқ иссиғим чиқар, ҳатто алаҳлаган пайтларим бўларди. *Коля соат ўн биргача менинг олдимда бўлди. Лекин мен у би-*

¹ Қарама-қаршиликлар бирлашади (франц.).

лэн ҳамма гапларимизни, унинг пима деганларини яхши эслайман. Лекин кўзимни юмган заҳотим Иван Фомич тасаввуримда гавдаланар, назаримда у миллион-миллион пул олгандай бўларди. У шунча пулни қасерга қўйишини билмас, боши қотар, ўғирлаб кетмасинлар тагин, деб титраб-қалтирар ва алоҳа, пуллари гўё ерга кўмишга қарор қилганмиш. Мен унга маслаҳат берганмишман, шунча олтинни бекорга ерга кўмиб қўйгандан кўра ундан «совуқ чалиб» кетган болангизга олтин тобут ясагинг, сўнг болани қазиб олиб уни шу тобутга солиб кўминг, дермишман. Суриков менинг масхара қилаётганимни тушунамасдан маслаҳатимни кўзларида ёш, миннатдорчилик билан қабул қилибди ва хаялламадан уни адо этишга киришиб кетибди. Мен унинг башарасига туфлаб чиқиб кетган эмишман. Мен ўзимга келиб кўзимни очсам, Қоля айтадики, сен ҳеч кўзингни юмганинг йўқ, ҳадеб Суриков тўғрисида гапирдинг, дейди. Шундай бир дақиқалар бўлар эдики, мен фавқулодда гамбода бўлиб қолар, саросимага тушардим, Қоля менинг олдимдан жуда ҳам ташвишланган ҳолда кетди. Унинг ортидан эшикни қулфлагани турсам, бирдан боя Рогожиннинг уйида, жуда ҳам зулмат ва беўхшов зал ичида эшикнинг шундайгина тепасида бир сурат кўрганим эсимга тушиб кетди. Рогожиннинг ўзи менга йўл-йўлакай кўрсатган эди; мен ўша суратнинг қаршисида беш минутча туриб қолгандим. Санъат жиҳатидан унинг жуда ажралиб турадиган ери йўқ; лекин у мени жуда галати бир тарзда безовта қилиб қўйди.

Суратда ҳозиргина чормихдан туширилган Исо тасвирланган. Назаримда, мусаввирлар одатда Исони чормихга қоқилган ҳолда ва чормихдан тушириляётган ҳолда жуда кўп тасвирланганлар ва тасвирлаганда Исонинг чеҳрасини фавқулодда малиҳ қилиб чизганлар; улар шу малоҳатни унинг энг даҳшатли қийноққа тушган онларида ҳам сақлаб қолганлар. Рогожиннинг суратида бундай гўзалликдан асар ҳам йўқ; бу ҳали чормихга тортилмасдан туриб беҳад оғир азоблар ва қийноқларни бошидан кечирган, танаси калтақлар зарбидан, қоровулларнинг таёқларидан, оломоннинг кесак парронидан моматалоқ бўлиб кетган, жароҳатга тўлган одамнинг тўла чизилган мурдаси: у хоччи олиб бораётганда ва хоч тагига йиқилганда ва шижоят, чормихга михланиб олти соат азоб тортганда уни шундай абгор қилишган (менинг ҳисобимда бу нарса олти соат давом этган бўлиши керак). Тўғри, суратда унинг ҳозиргина чормихдан тушириб олингани чеҳрасидан аён кўринади, худди ҳали жони узилмагандай, ҳали тамом совиб битмагандай; ҳали гўё уни бадани қотмагандай, башарасидан ҳамон азоб чекаётгани кўриниб тургандай (санъаткор мана шуни жуда нозик илғаб олган); лекин унинг

чеҳраси жуда аёвсиз қалам билан чизилган; бу айни табиатнинг ўзи, инсон ким бўлишидан қатъий назар, шунча қийноқларни бошидан кечиргандан сўнг мана шундай қиёфага киради. Биламан, биринчи асрлардаёқ христиан черкови Исо мажозий азоб чекмаган, балки чин азоб чеккан, деб ҳукм чиқарган, шунинг учун ҳам унинг чормихга қоқилган гавдаси табиат қонунларидан хорижда бўлмайди, албатта. Суратда унинг чеҳраси калтақлар зарбидан дабдала бўлиб кетган, шишган, кўкарган, гурра бўлиб кетган, қонталашган ҳолда чизилган, кўзлари очиқ қолган, қорачиқлари қийшайиб кетган; кўзининг оқи ўлик бир ранг билан шишадай ярақлаб турибди. Қизиқ, азобланган одамнинг мурдасига қараганингда битта жуда ғалати ва ўзига хос бир савол туғилади: агар ростдан ҳам худди шундай мурдани (унинг шундай бўлишига асло шубҳа йўқ) унинг барча саҳобалари ва ҳаворийлари, унга эргашган, унинг орқасидан қолмаган, унга имон келтирган ва уни бошларига кўтариб юришга тайёр турган барча хотинлар кўрган бўлса, унда шу ҳолга тушган ўликнинг тирилишига қандай қилиб ишондилар экан? Бейхтиёр одамнинг ҳаёлига бир фикр келади, ўлим шунчалар даҳшатли бўлса, ва табиат қонунлари шу қадар қудратли бўлса, уларни қандай қилиб енгиш мумкин? Ҳаёт экан, ҳатто табиатни ҳам енголган ва ўзига бўйсундиролган зот мана шу аҳволга тушса, умуман, табиатни енгиб бўладими? Ахир, бу зот: «Талифа куми», деб хитоб қилган чоғда навраста қиз тирилмаганмиди, «Лазарь, тур ўрнингдан», — деганда, мурдага жон ато қилмаганмиди? Шу суратга қараб турар экансан, табиат худди аллақандай жуда баҳайбат, гуш ва қайсар, орқага қайтмас, шафқатсиз бир махлуққа ёки, тўғрироғи, улуғ ва беҳад бебаҳо бир хилқатни—бутун табиат ва унинг барча қонуниятларига ва фақат шу хилқатнинг дунёга келиши учунгина яралган заминга тенг турган бир подир зотни қайсарлик ва шафқатсизлик, аҳмоқлик ва бемаънилик билан зўравонлик қилиб майдалаб ютиб юборган, қандайдир жуда янги бир баҳайбат машинага ўхшаб кетарди ва бу жуда ҳам ғалати кўринарди! Бу суратда ҳамма нарсани ўзига бўйсундирган ва сизга бейхтиёр ўтиб борадиган қоронғи, сурбет, ўз абадийлиги билан бемаъни бир куч-қудратни ифодалаш кўзда тутилганга ўхшайди. Бу суратда ўлдирилган кишининг яқинларидан биронтаси ҳам чизилмаган, улар ўзларининг имон ва умидлар бир йўла барбод бўлган ўша кеча жуда даҳшатли алам ва фироқ қайғусини бошдан кечирган бўлсалар керак. Улар даҳшат ичида тарқалган бўлсалар ажабмас, лекин ўзлари билан то абад йўқотиб, қуритиб бўлмайдиган бир фикрни ола кетганлар. Мабодо ўша пайғамбар ўзининг шундай аҳволга тушишини билганда, қатлдан сўнг ўз қиёфасини қандай бўли-

шини кўз олдига келтирганда, у чормихга шундай кўтарилган, шундай ўлимни қабул қилган бўлармиди? Суратга қараб турсанг, мана шу савол ҳам миянгни ўртай бошлайди.

Коля кетгандан кейин бир ярим соат мобайнида мана шундай нарсалар кўзимга кўриниб ётдим, алаҳлаб-алаҳлаб, алаҳлаш орасида шундай хаёллар калламга келарди. Асли сурати йўқ нарса сурат қиёфасига кириб одамнинг кўзига кўриниши мумкинмикин? Лекин хаёлимда мен ушбу туганмас абадий қудратни, шу гуниг, соқов ва билиб бўлмас хилқатни аллақандай жуда ғалати ва сира ақлга тўғри келмайдиган бир қиёфаларда кўраётгандай бўлардим. Эсимда, кимдир қўлимдан ушлаб, ўзи ёниб турган шам кўтарган ҳолда менга аллақандай баҳайбат ва жуда хунук ўргинчакни кўрсатди ва бу ўша билиб бўлмайдиган, гуниг ва беқиёс қудрат эгаси, деб ишонтира бошлади, у менинг аччиғим чиқаётганидан куларди нуқул. Хонамдаги санам олдига кечаси доимо чироқ ёқиб қўйишади,— унинг нури жуда хира ва заиф, лекин ҳамма нарсани кўрса бўлади, ҳатто чироқнинг тагига бориб китоб ўқиш ҳам мумкин. Фаҳмимча, кечаси соат бирлар бўлиб қолганди; уйқум қочиб кетганди, кўзларимни очиб ётардим; бирдан уйнинг эшиги очилиб Рогожин кириб келди.

Уйга киргач, эшикни ёпди, менга индамасдан қараб қўйди-да, бурчак томонга, чироқ ёниб турган стол олдига ўтди. Мен жуда ҳайрон бўлдим ва нима бўлишини кутиб ётдим; Рогожин столга тирсагини тираб олиб индамай менга тикила бошлади. Шу тариқа бир-икки минут вақт ўтди, эсимда, унинг индамай туришидан жуда хафа бўлдим, гижиндим. Нега у индамайди? Албатта, унинг бу қадар бемаҳал кириб келиши менга ғалати туюлди, лекин эсимда, худо билади, мени ҳайрон қилган нарса бу эмасди. Ҳатто аксинча: гарчи мен унга эрталаб ўз фикримни аниқ баён қилиб бермаган бўлсам ҳам, лекин биламан, у сизди. Бу шундай бир фикр эдики, албатта, яна бир карра шу ҳақда гаплашиб, маслаҳатлашиб олинса, жуда кеч бўлиб қолганига ҳам қаралмаса мумкин эди. У шунга келган бўлса керак, деб ўйлардим. Биз эрталаб худди ёвлашгандай хайрлашган эдик, эсимда, ҳатто у менга бир-икки марта масхара қилгандай, тиржайиб қарагандай бўлди. Ҳозир ҳам унинг юзида масхара қилган каби шундай бир ифода бор эди, шундан жуда дилим оғриди. Лекин бу чиндан ҳам рўё эмас, алаҳлаш эмас, Рогожиннинг ўзи эканлигига мен заррача шубҳа қилмасдим. Ҳатто хаёлимга ҳам келтирмасдим.

Бу орада у ҳамон ўша алфозда ўтирар ва тинмай менга тикиларди, ҳамон ўшандай қилиб тиржайарди. Мен жаҳлим чиқиб ўрнимда ўгирилиб олдим, тирсагимга тиралганча ётавердим ва

бир умр шундай ҳолатда қолганимизда ҳам ғиқ этмасликка қарор бердим. Мен нима учундир албатта у биринчи бўлиб гапириши керак, деган фикрда эдим. Фаҳмимча, шу алфозда йигирма минутлар чамаси ўтди. Бирдан мабодо бу Рогожин бўлмасачи, деган фикр хаёлимга келиб қолди. Балки бу рӯёдир?

Шунча касал бўлиб ва ҳатто илгарилар ҳам ҳеч қачон кўзимга шарпа кўринмаган эди. Лекин доимо, ҳатто болалик чоғларимда ҳам агар кўзимга жин кўринса, шу заҳоти ўлиб қоламан, деб ишонардим, ваҳоланки, ўзим жинларга сира ишонмайман. Лекин бу Рогожин эмас, жин шарпаси, деган фикр хаёлимга келиши билан, эсимда, бундан сира қўрққаным йўқ. Яна етмагандай, жаҳлим ҳам чиқиб кетди. Яна бир қизиқ нарса, бу ўзи Рогожинми ёки жинми, мени бу у қадар қизиқтирмас ва ташвишга солмасди, назаримда, ўзи шундай бўлиши керакдай эди, мен муаммони шундай ҳал қилган эдим; фаҳмимча, мен ўшанда бутунлай бошқа бир нарса ҳақида ўйлаган бўлсам керак дейман. Мен ҳадеб, боя Рогожин уй кийинида енгил кийинган эди, нега энди фрак кийиб, оқ нимчада, оқ галстук тақиб олади?— деб қаттиқ ҳайрон бўлардим. Хаёлимга бир фикр келди: агар бу жин бўлса ва агар ундан қўрқмасам, нега ўрнимдан турмайман, нега унинг ҳузурига бормаيمان, нега ушлаб кўрмайман, дер эдим. Балки мен чиндан ҳам қўрққандирман, журъат қилмагандирман. Лекин балки қўрқаётгандирман, деб ўйлашим билан баданимга худди муз теккандай бўлди; елкам музлаб қолгандай эди, тиззаларим дир-дир қалтирарди. Худди мана шу пайт Рогожин менинг қўрқаётганимни билиб тиралиб ўтирган қўлини туширди, қаддини ростлади ва секин оғзини оча бошлади, гўё ҳозир хахолаб кулиб юборадигандек эди. У менга тик қараб турарди. Аччиғим чиққаншдан қутуриб кетдим, ўзимни унинг устига ташлагим келди, лекин биринчи бўлиб бошламайман, деб аҳд қилганим учун ўзимни тийдим ва каравотдан қимирламадим, бунинг устига ҳали ҳам аниқ билмасдим, бу Рогожинми ёки бошқами?

Бу қанча вақтгача давом этганлигини аниқ эслолмайман; ҳушим ўзимда эдими ёки ўзимдан кетиб қолган эдимми, буни ҳам аниқ айтолмайман. Фақат ниҳоят, Рогожин ўрnidан кўзгалди, яна менга секин диққат билан разм солди, лекин у энди тиржаймасди, аста, оёқ учида юриб эшик олдига келди, уни очди, чиқди, эшикни ёпди. Мен ўрнимдан турганим йўқ. Билмайман, яна қанча пайт кўзимни очиб ётдим, яна қанча ўйладим. Нимани ўйлаганлигимни худонинг ўзи билади; қандай қилиб ҳушим оғиб қолганлигини ҳам билмайман. Эртасига эрталаб соат ўнда эшигимни тақиллатдилар ва мен уйғониб кетдим. Биз шундай келишиб олганмиз, агар эрталаб соат ўнгача ўзим турмасам, уйдагиларни чақирмасам, унда Матрена ўзи мени уйғотиши ва

чой бериши керак. Унга эшикни очишим билан хаёлимга эшик ёпиқ бўлса, қандай қилиб у кириши мумкин, деган фикр келди. Мен суриштирдим ва яна амин бўлдимки, чинакам Рогожиннинг келиши мумкин бўлмаган нарса, чунки бизнинг ҳамма эшикларимиз кечаси маҳкам беркитиб қўйилади.

Мен бу ҳодисани жуда батафсил ҳикоя қилдим, мана шу ғалати воқеа менинг биратўла бир «қарорга» келишимга туртки бўлди. У мантиқ туфайли мантиқий қараш натижасида эмас, балки нафратланиш, кўнгил қолиш туфайли туғилганди. Мени бундай ўқситадиган, ғалати бир шаклларга кирадиган ҳаётнинг менга кераги йўқ. Жин туфайли ҳаётдан кўнглим қолди, у мени ерга урди. Мен каттакон ўргимчак шаклига кирадиган қоронғи кучларга бўйсунитишни истамайман. Қоронғи говгум тушган чоғда мен қатъий бир фикрга келганлигимни ҳис қилдим ва энгил тортдим. Бу энг биринчи ҳолат; кейинги ҳолат учун мен Павловскка бордим, лекин бу энди етарлича шарҳлаб ўтилган».

VII

«Кичкинагина чўнтак тўппончам бор эди, одамга дуэллар, қароқчиларнинг босқинчиликлари ёқадиган, гўё сени ҳам аллаким дуэлга чақирадигандай ва сен ҳам тўппончага қўрқмасдан тик қараб турадигандай хаёл сурадиган бир ёшда, болалик пайтларимда олган эдим бу тўппончани. Бир ой бурун мен уни кўздан кечириб тайёрлаб қўйган эдим. Тўппонча солиб қўйилган яшиқдан иккита ўқ билан учта ўққа етадиган борут ҳам топилди. Жуда мазаси йўқ тўппонча, отсанг ўқ тўғри нишонга бормай қиялаб кетади, бунинг устига фақат ўн беш қадам масофадангина уради; лекин агар чакканга тираб отсанг, бош чаноғингни учириб юбориши ҳеч гап эмас.

Мен Павловскда ўлишга қарор қилдим, офтоб эндигина чиқиши билан боққа чиқаману ҳеч кимни безовта қилмасдан ўзимни отаман. «Шарҳ»дан полиция ҳаммасини ўзи тушуниб олади. Одамнинг руҳини тегириб юрадиганлар ва умуман, бир қизиқиши бўлганлар ундан ўзлари хоҳлаганча фикр чиқаришлари мумкин. Лекин мен бу қўлёманинг эълон қилинишини истамасдим. Княздан унинг бир нусхасини ўзида сақлашни ва иккинчи бир нусхасини Аглая Ивановна Епанчинага етказишни илтимос қиламан. Иродамиз шундай бўлди. Мен ўзимнинг лошимни Медицина академиясига фан йўлида фойдаланиш учун мерос қолдираман.

Мен ҳакамларни тан олмайман ва мен эндиликда ҳакамлар ҳукмидан холиман. Яқинда бир фикр хаёлимга келиб қолиб кулиб юбордим: мен ҳозир мабодо бировни ўлдирмоқчи бўлсам

ёки биратўла ўнта одамни ер тишлатсам, ёки шунга ўхшаш энг даҳшатли бир жиноят қилсам ва одамларнинг назарида ҳам жуда ёмон бир нарса деб саналса, ана унда менинг устимдан ҳукм чиқарадиган суднинг ҳолини кўринг эди, икки ҳафта умрим қолгандан кейин уларнинг қўлларидан нима келарди, нима қийноққа сола олардилар? Ҳозир қийноқлар ҳам бекор қилинган-ку? Мен уларнинг озода ва шинам касалхоналарида доктор назоратида ётиб, тинчгина бу дунёдан кўзимни юмган бўлардим, бунақа яхши шароитни ўз уйимдан ҳам топмаган бўлардим. Билмайман, нега менинг аҳволимга тушган бошқа одамларнинг калласига бундай фикр келмасикин, жилла қурса, ҳазил йўсинида? Балки одамлар бундай нарсаларни ўйласалар ҳам ўхтимол; бизнинг атрофимизда қувноқ одамлар оз дейсизми?

Лекин мен ҳакамларни тан олмаганим билан барибир сасиз-садосиз бўлиб қолган чоғимда устимдан ҳукм чиқарадиганлар албатта топилади. Мен уларга жавобимни айтмасдан кетолмайман,— бу сўзларни мен мажбурият юзасидан эмас, ўз эрким билан айтаётirman,— йўқ, мен ўзимни оқламоқчи эмасман, йўқ! Мен ҳеч кимдан узр сўрамайман, узр сўрайдиган иш ҳам қилмаганман,— мен ўзим ўз ихтиёрим билан бу сўзларни ёзиб қолдиришни истадим.

Яна бир ғалати фикр ҳам бор: икки ҳафта умрим қолди, бу умр ўзимники, бировники эмас, шундай бўлгандан кейин ким менинг шу икки ҳафтага бўлган ҳақ-ҳуқуқимни шубҳага олиши мумкин? Судларнинг бу билан нима иши бор? Менинг ҳаётим устидан ўқилган ҳукм билан кимнинг нима иши бор? Бу ҳукмда кўрсатилган муддатга амал қилишим ёки қилмаслигим билан кимнинг нима иши бор? Наҳот, бу нарсаларнинг бировга кераги бўлса? Ахлоқ юзасиданми? Биламан, агар мен яйраб-яшнаб турган соғлом, «ўз яқинларим учун нафим тегиши мумкин бўлган» ва ҳоказо бир пайтимида ҳаётимга қасд қилганимда эди, унда ахлоқ ўз эски ақидаларига кўра мени қоралаши мумкин эди, сен ўзингга берилган ҳаёт исъматини қадрламадинг, деб, балки бошқача бир айб қўйиши ҳам мумкин эди устимга. Лекин эндиликда, эндиликда ҳаётимга ҳукм ўқилган ва ҳукмда муддат кўрсатилган бўлгандан кейин мен нима қилишим керак? Сизнинг ҳаётингиздан ортиқ яна қандай ахлоқ ва маънавият керак, сўнги сўлиш билан оғзингиздан ҳаётинг охириг атоми чиқиб кетади, шунда князь ҳамон сизнинг бошингизда туриб юпатаётган ва ўз христиан ақидаларида албатта саодатли бир фикрга келаётган бўлади, моҳият-этибори билан қарайдиган бўлсак, ўлаётганлигингиз ҳам нафсиламрга, ёмон эмас, дейди. (Унга ўхшаган христианлар доимо мана шундай

ғояга албатта етиб келадилар: бу уларнинг жуда севимли қурол-ли.) Улар одамнинг кулгисини қистатадиган ўзларининг «Павловск дарахтлари» билан нима демоқчи бўладилар? Ҳаётимнинг сўнгги дақиқаларини ширин қилмоқчимилар? Улар мени Мейернинг деворидан ва унда соддалик ва самимият билан ёзилган барча нарсалардан ажратиб олмоқчилар, улар мени ҳаёт ва муҳаббатнинг сўнгги оғушига ташламоқчилар, лекин мен агар шу сўнгги ҳаёт шарпасининг бағрига ўзимни ташлайдиган бўлсам, янада бахтсизроқ бўлишимни улар нахотки англамасалар? Мени ҳаёт деган шу туганмас базм ортиқча деб билди, шундай бўлгандан кейин сизнинг бу табии-тингиз, бу боғларингиз, офтобнинг бундай чиқишлари ва бо-тишлари, сизнинг мовий осмонингиз ва сизнинг ҳамма нарсдан мамнун чехраларингизнинг менга нима кераги бор? Мен энди ҳар дақиқа ва ҳар сония сезиб, билиб турибманки, манави офтоб нурида гингиллаб учиб юрган чивиннинг ҳам ушбу базм ва ушбу мусиқада ўз ўрни бор, у шу ўринни севади ва шу билан бахтиёр, фақат мен ўгайман бу ҳаётга ва фақат қўрқоқлигимдан шу пайтгача буни тушунишни истамадим, шундай бўлган-дан кейин бу гўзалликларнинг ҳаммасидан менга нима фойда? О, мен биламан, агар князь билан уларга қоладиган бўлса, улар мени шу «ёвуз ва макрли» нутқлар ўрнига ахлоқнинг ша-рафига одоб-икром юзасидан Мильвуанинг ўлмас бандларини айтишга ундаган бўлардилар:

O, puissent voir votre beauté sacrée
 Tant d'amis sourds à mes adieux!
 Qu'ils meurent pleins de jours, que leur mort soit pleurée,
 Qu'un ami leur ferme les yeux!¹

Эй, содда одамлар, ишонинглар, ишонинглар, дунёни алло-маларча шарафлаган ушбу ибратли француз шеърининг маъзи-га сафро сингиб ётибди, қофиялар ичра нотинч бир қаҳр олу-да ва шундан лаззатланади, эҳтимол, шоирнинг ўзи билмай қолиб бу қаҳрни раҳм-шафқатнинг кўз ёшлари ўрнида қабул қилган бўлса керак ва шу ишончда дунёдан ўтган бўлса ажабмас; худо раҳмат қилсин уни! Одам ўзининг заифлигидан ва ночор-лигидан шармандаликнинг сўнг нуқтасига етиши мумкин, лекин билиб қўйингки, бу шармандаликнинг ҳам чегараси бор, одам ҳар қандай ҳолда ҳам шу чегарадан нарига ўтолмайди ва худ-ди мана шу чегара нуқтасига келганда одам ўз шармандали-

¹ О, сизнинг муқаддас чиройингизни Риқдатимга бепарво дўстлар кўрар-лар! Майли, улар ёшларин яшаб ўтсинлар, йиғлаб қолсин биродарлари, Майли, қадрдонлар юзиб қўйсин кўзларини! (Франц.)

гидан беҳад лаззат ола бошлайди... Албатта, шу маънода сабр жуда қудратли нарса, мен бунинкор қилмайман,— лекин мен сабрни дин тушунтирган маънода тушунмайман, уни бошқача англайман.

Дин! Абдий ҳаёт бўлиши мумкин, мен доим шундай деб ўйлаган бўлсам керак. Майли, онгимиз қудрати илоҳийнинг иродаси билан чироқ каби ёнган бўлсин, майли, ўшал илоҳий қудрат дунёга юзини буриб туриб: «Мен барҳақман!»—деган бўлсин,— майли, шу илоҳий куч унга қиёмат кунини қисмат қилган бўлсин,— чунки у ерда нима учунлигини тушунтирмасдан шундай бўлади, дейилган негадир,— майли, шундай бўлиши керак, мен бунга розиман, лекин барибир яна бир азалий савол туғилади: унда менинг сабр қилишимнинг нима ҳожати бор? Ҳамон мени еб қўяркан, яна бунинг устига унга еб қўйганингиз учун раҳмат дейишим керакми? Наҳотки, у ерда ростдан ҳам кимдир: нега икки ҳафта кутмадинг, деб норози бўлса? Мен бунга ишонмайман; менинг зиғирдак ҳаётим — зарранинг умри аллақандай умумий бир мутапосиблик ва бутунлик учун, қандайдир бир мафнийлик ва мусбатлик учун, аллақандай зиддият учун ва ҳоказо, ва ҳоказо, керак бўлиб қолгандир эҳтимол, шундай деб тахмин қилсак тўғрироқ бўлади, зотан, бир махлуқнинг яшамоғи ва умр сурмоғи учун ҳар кунининг минглаб бошқа махлуқлар қурбон бўлиб кетади, шу қурбонлик бўлмаса тириклик йўқолади (яна шуни ҳам айтиб қўйишим керакки, бу фикр ўз-ўзидан унчалик олижаноб фикр эмас). Лекин майли! Мен розиман, махлуқлар бир-бирларини тўхтовсиз суратда еб турмасалар, ҳаёт асоси қурийдир, бусиз асло мумкинмас; мен бўйнимга оламан, дунёнинг қурилишини сира ҳам билмаслигим мумкин; лекин мен бир нарсани аниқ биламан: ҳамон «Мен барҳақман!»— деб менга онг берган эканлар, дунёнинг кемтик қурилганлиги ва бошқача бўлиши мумкин эмаслиги билан нима ишим бор? Шундай бўлгандан сўнг ким мени қоралай олади ва нимага қоралайди? Нима деб ўйласангиз, ўйлайверинг, бундай бўлиши мумкин эмас, буларнинг бари адолатсизлик.

Ваҳоланки, мен ҳеч қачон қанча уринмай, қанча истамай у дунё ва жинлар, фаришталар йўқлигини сира тасаввур қилолмасдим. Тўғрироғи, буларнинг ҳаммаси бордир, лекин биз у дунёдаги ҳаётни ва унинг қонуниятларини тушунмаймиз. Лекин бунини тушуниш ва англаш шунчалар қийин ва мумкин эмас бўлса, наҳотки, мен англаб етиб бўлмайдиган нарсалар учун, уларни англаб бўлмаслиги учун жавобгар бўлсам? Рост, улар айтадиларки, князь ҳам албатта уларга қўшилади, бунга сабр қилиш, тоқат билан чидаш керак, кўп мулоҳаза юритавермай одоб-юзасидан тоқат қилиш керак, дейдилар, сабр қилганим

учун нариги дунёда албатта мени ёрлақар экан. Биз жинларга ўз тушунчаларимизни берамиз ва бу билан уларни хўрлаймиз, биз уларни тушунолмаганимиз учун гашимиз келганидан шундай қиламиз. Лекин такрорлайман, агар уларни тушуниб бўлмаса, демак, одам ўзи тушунолмаган нарсаси учун жавоб бериш ҳам қийин. Шундай экан, чинакам ирода ва жинларнинг қонунларини тушунолмаганим учун нега энди мени қоралашлари керак экан? Йўқ, яхшиси, динни ўз ҳолига қўяйлик.

Энди бас қилсак ҳам бўлар дейман. Мен шу сўзларга етганимда эҳтимол қуёш чиққан ва самода «куй таратаётган» бўлади, заминга тенгсиз улуг қудрат ёғилади. Майли! Мен ҳаёт ва қудрат манбайга қараб туриб ўламан ва бошқа яшашни истамайман! Агар дунёга келиш менинг ўз ихтиёримда бўлсайди, мен бунчалар кулгили шартлар билан яшашга рози бўлмасдим. Лекин ҳаётимга чек қўйиш қудратига эгаман, қисмат ато қилган умрни яна ўзига қайтараман. Шунга кучим етади, шундан ортиғига қодир эмасман. Қудратим ҳам шу, исёним ҳам шу.

Охирги гапим қолди: уч ҳафтага чидолмай қолганимдан ҳаётга чек қўяётганим йўқ; о, чидашга кучим етарди ва агар истасам, қисматим ўзи шундай аянчли экан-да, деб овуниб кетган бўлардим; лекин мен француз шоири эмасман ва менга бундай овундоқнинг асло кераги йўқ. Мени йўлдан ураётган бошқа бир нарса ҳам бор: табиат ҳаракат-фаолиятимни уч ҳафта билан бичиб ташлади, шунинг учун ҳам ўзимни ўлдириш, эҳтимол, бу дунёда мен қодир бўлган ва бошлаб охирига етказишим ўз ихтиёримга боғлиқ бирдан-бир ишдир. Нима бўлибди, бирон иш билан машгул бўлишликнинг сўнгги имкониятидан фойдаланиб қолишим керакмасми? Баъзан норозилик кичкина иш бўлмаслиги мумкин...

«Шарҳ» тугади; Ипполит ниҳоят тўхтади...

Шундай фавқулодда ҳолатлар бўладики, тоқати тоқ бўлган тажанг ва асабий одам ҳеч нарсадан тап тортмай оғзига келганини очиқ айтаверади, жанжал чиқариш пайида бўлади, ҳатто жанжал чиқса, хурсанд бўлиб кетади, одамларга ташланади, дилида эса ҳозир бир дақиқадан сўнг ўзимни минорадан пастга ташлайман ва шу билан бутун мушуқликларимни бар тараф қиламан, деган мубҳам, лекин қатъий бир интилиш бўлади. Одам бутунлай кучдан қолганда ва заифлашганда одатда шундай бўлади. Ипполит шу пайтгача ғайритабий ва фавқулодда кучаниб яшаган эди, ҳозир пешонаси деворга тиралиб қолганди. Қасаллик еб ташлаган ўн саккиз яшар бу йиғитча ўз-ўзидан жуда нотавон эди, худди дарахтдан қилтираб тўкилган варам япроққа ўхшарди. Лекин у ўзини тинглаб ўтирган одамларга шундай бир қаради-ю,— кейинги соатлар

ичида унинг биринчи марта ердан бошини кўтариб одамларга қараши шу эди,— жилмайди ва унинг шу табассуми ҳамда нигоҳида ҳаддан ташқари такаббурлик, нафрат ва ҳақоратомуз бир ифода акс этиб кетди. У исёни пича илгарироқ бошлаб юборганди. Лекин тингловчилар ҳам қаттиқ норози бўлган эдилар. Ҳаммалари тўс-тўполон билан, энсалари қотганча ўринларидан туришди. Одамларнинг, таъбир жоиз бўлса, кўнгли кир ва хаёли пароканда бўлиб кетганди, ҳорғинлик, май, зўриқиш янада бешбаттар бир кайфиятга солганди.

Бирдан худди биров тортқилагандай Ипполит стулдан сакраб туриб кетди.

— Қуёш чиқди!— деб қичқирди у дарахтларнинг учлари ярақлаб қолганлигини кўриб ва буни мисли ғаройибот каби қўли билан князга кўрсатиб,— чиқди!

— Нима, сиз чиқмайди деб ўйлаганмидингиз?— деб сўради Фердишченко.

— Яна куни бўйи иссиқ бўлади,— деди бепарволик билан Ганя қўлида шляпа, эснаб керишаркан,— ҳали бир ой шундай қурғончилик!.. Кетдикми йўқми, Птицин?

Ипполит ҳайратдан лол қолиб одамларнинг гапларини тинглаб турарди; бирдан унинг ранги қум ўчиб кетди, қалт-қалт қила бошлади.

— Сиз ўзингизни мени ҳақорат қилиш учун лоқайд қилиб кўрсатяпсиз, лекин келиштиролмаяпсиз,— деди у Ганяга тик қараб,— аблаҳ экансиз!

— Э, жуда уят бўлиб кетди-ку, одам ҳам шунақа сурбет бўладими!— деб бўкириб юборди Фердишченко.— Бунақа нотавон зўравонни сира кўрмаган эдим!

— Фирт аҳмоқнинг ўзи,— деди Ганя.

Ипполит тишини-тишига босди.

— Биладан, жаноблар,— деб гап бошлади у ҳар бир сўзда тутулиб, қоқилиб дудуқланаркан,— мендан шахсан қасдингизни олишингиз мумкин, мен шунга сазоворман, ва... сизни бу алаҳлаш билан қийнаб қўйганимдан афсусланман (у қўлёмасини кўрсатди), йўғ-а, қаттиқроқ қийнамаганимга ачинаман... (У аҳмоқона кулди), қийнадами, Евгений Павлич?— бирдан унга савол билан ёпишди,— қийнадами йўқми? Айтинг!

— Бир оз чўзилиб кетибди, лекин...

— Очигини айтинг! Умрингизда бир марта рост гапиринг!— қалтираганча буюрарди Ипполит.

— О, менга барибир, нима ишим бор! Барака топинг, илтимос, мени тинч қўйинг,— гижиниб юзини ўгириб олди Евгений Павлович.

— Хайрли тун, князь,— князнинг оддига келди Птицин.

— Э, ҳозир у ўзини отиб қўяди, нега қараб турибсизлар! Уни кўринглар!— деб қичқирди Вера ва Ипполитнинг олдига югуриб бориб ҳатто унинг қўлидан ушлаб олди.— Ахир, у қуёш чиққанда ўзимни отаман деди-ку, сизларга нима бўлди!

— Отмайди!— деди ёвузлик билан бир неча овозлар, шу жумладан, Ганя.

— Жаноблар, эҳтиёт бўлинглар!— деб қичқирди Коля ҳам Ипполитнинг қўлидан ушлаб олганча.— Унга қаранглар, ахир! Князь! Князь, сизга нима бўлди!

Ипполитнинг атрофига Вера, Коля, Келлер ва Бурдовский йиғилдилар; тўртовлари унинг қўлидан маҳкам ушлаб олган эдилар.

— Унинг ҳақи бор, ҳақи!..— деб гўлдирарди Бурдовский саросимага тушган ҳолда.

— Буюринг, князь, нима қилай?— деб князнинг ёнига келди Лебедев, унинг кайфи тарақ, ўзи дарғазаб эди.

— Қандай, нимани буюраман?

— Йўқ; ижозат беринг; мен уй соҳибиман, сизга ҳурматим жуда баланд бўлеа-да... айтайлик, сиз ҳам уй эгасисиз, лекин мен истамайман, менинг ўз уйим, хонадонимда... Шундай.

— Отмайди; бола шўхлик қиляпти!— жаҳли чиқиб салмоқланиб бақирди генерал Иволгин.

— Вой генерал-ей!— деб унга қўшилди Фердишченко.

— Биладан, ўзини отмайди, генерал, муҳтарам генерал, лекин ҳар ҳолда... зотан, мен уй соҳибиман.

— Менга қаранг, жаноб Терентьев,— деди кутилмаганда Птицин князь билан хайрлашиб бўлиб, Ипполитга қўлини узатаркан,— сиз назаримда дафтарингизда ўз лошингиз ҳақида айтгансиз, тўғрими, уни Академияга васият қилиб қолдирмоқчисиз шекилли? Бу ўзингизнинг лошингиз ҳақидами, шахсан ўзингизнинг лошингиз, ўз суякларингизни васият қиласиз, шундайми?

— Ҳа, ўзимнинг суякларимни...

— Шундай денг. Одам янглишиши мумкин; бир марта шундай воқеа бўлган, дейинди.

— Нега унинг жигита тегяпсиз?— деб қичқириб юборди бирдан князь.

— Йиғламоқдан бери қилишди,— деб қўшимча қилди Фердишченко.

Лекин Ипполит йиғламоқчи эмасди. У ўрнидан қўзғалмоқчи эди, тўрт киши уни маҳкам ушлаб қолдилар. Аллаким кулиб юборди.

— Барибир қўлимдан ушлаб қолишди деб кўзлаган; дафтарини ҳам шунинг учун ўқиб берди,— деб қўйди Рогожин.—

Хайр, князь. Тоза ўтириб қолибмиз; одамнинг суяклари сирқираб кетди.

— Агар сиз чиндан ҳам ўзингизни отмоқчи бўлсангиз, жаноб Терентьев,— деб кулди Евгений Павлович,— сизнинг ўрингизда бўлсам, мана шу мақтовлардан кейин сира ҳам ўзимни отмаган бўлардим, уларнинг гашларини келтирган бўлардим.

— Улар ўзимни қандай отишимни жуда ҳам кўргилари келяпти!— деди унга хўрозланиб Ипполит.

У худди ҳозир туриб уришадигандай хезланиб гапирарди.

— Кўришмаганига хафа улар.

— Кўришмайди деб ўйлайсизми?

— Мен ярангизга туз сепмоқчи эмасман; мен аксинча, сиз ҳали ўзингизни отиб қўйишингиз мумкин, деб ўйлайман. Муҳими, жаҳлингиз чиқмасин...— деб ҳомийлик қилувчи одамлардек гапни атай чўзди Евгений Павлович.

— Мен дафтаримни уларга ўқиб ёмон хато қилганлигимни энди кўриб турибман!— деди Ипполит кутилмаганда Евгений Павловичдан ўзига мадад топгандай, худди ундан дўстона бир сўз сўрагандай.

— Аҳвол жуда кулгили, лекин... сизга нима деб айтишимни ҳам билмайман,— деди жилмайганча Евгений Павлович.

Ипполит унга жуда жиддий кўзини узмасдан қараб турар, индамасди. У дам ҳушидан кетиб, дам ўзига келиб турганга ўхшарди.

— Йўқ, ижозат этинг, топиб ёзган гапларини қаранг тагин,— деди орага қўшилиб Лебедев,— «ҳеч кимни ташвишга солмаслик учун ўзимни боғда отаман эмиш»! У шундай дейди, назарида ҳеч кимни ташвишга қўймайди, зинадан пастга тушиб боричига уч қадам ташлайди-ю, тамом.

— Жаноблар...— деб сўзламоқчи бўлди князь.

— Йўқ, ижозат беринг, муҳтарам князь,— даргазаб бўлганча гап бермасди Лебедев,— ўзингиз кўриб турганингиз каби бу асло ҳазил эмас, меҳмонларингизнинг ярми ҳам шу фикрда, ки айтилган сўз— отилган ўқ, у шунча гапиргандан кейин номус қилиб ўзини отиб қўйиши ҳеч гапмас, мен уй соҳиби бўлман, шунинг учун ҳам гувоҳлар олдида сизни менга кўмак беришингизни сўрайман!

— Нима қилайлик, Лебедев? Сизга ёрдам беришга тайёрман.

— Бундай қиламиз: биринчидан, боя бизга мақтаниб айтган тўппончасини бутун ўқ-дорилари билан бирга менга топширсин. Агар берса, унинг касаллигини инobatга олиб бугунча шу ерда ётиб қолишига ижозат бераман, лекин шунда ҳам менинг

назоратим остида бўлади. Лекин эртага хоҳлаган жойига жўнасин; кечиринг, князь! Агарда қуролини топширмаса, мен дарҳол ҳозирнинг ўзида унинг бир қўлидан ушлайман, генерал иккинчисидан ушлайди ва шу топнинг ўзида полицияга хабар қиламиз, унда иш полициянинг ихтиёрига ўтади. Жаноб Фердишченко ошначилик юзасидан бориб келади.

Шовқин-сурон бўлиб кетди; Лебедев жуда қизишиб кетиб чегарадан чиқмоқда эди; Фердишченко полицияга бормоқчи бўлиб турарди; Ганя ҳеч ким ўзини отмоқчи эмас, дерди. Евгений Павлович индамасди.

— Князь, сиз ҳеч ўзингизни минорадан ташлаганмисиз?— деб шивирлаб сўради ундан бирдан Ипполит.

— Й-йўқ...— деб жавоб берди соддалик билан князь.

— Мени одамларнинг шунчалар газабланишларини билман экан, деб ўйлайсизми?— деб яна шивирлади Ипполит кўзларини ялтиратиб князга қараркан, ундан худди жавоб кутгандай бўлиб.— Бас!— деб қичқирди у бирдан йиғилганларга қараб.— Мен айбдорман... ҳаммадан кўп мен айбдорман! Лебедев, мана калит (у портмоне чиқариб, ундан пўлат ҳалқага ўтказилган уч-тўртта калит олди), манави, учинчиси... Коля сизга кўрсатади... Коля! Коля қани?— деб қичқириб юборди у Коляни аланглаб қидириб тополмасдан,— ҳа... ана, ўзи кўрсатади; мен билан бирга боя сакни жойлашган эди. Коля, унга кўрсатинг; князнинг хонасида стол тагида... сак турибди... манави кичкина калитча билан пастдаги сандиқчани очасиз... тўппончам билан ўқ-дори ўша ерда. Унинг ўзи боя жойлаштирган эди, жаноб Лебедев, у сизга кўрсатади; лекин эртага азонда мен Петербургга кетаман, ўшанда менга қайтариб бера-сиз, албатта. Эшитдингизми? Мен князь учун шундай қиляман; сизни деб эмас.

— Шундай бўлгани маъқул!— деди калитни олган Лебедев заҳарханда қилиб куларкан, нариги хонага югуриб кириб кетди.

Коля тўхтади, нимадир демоқчи бўлган эди, лекин Лебедев уни судраб олиб кетди.

Ипполит меҳмонларнинг кулишларига қараб турарди. Князь унинг тишлари жуда ёмон совқотгандай шақиллаб турганлигини сездди.

— Мунча ярамас булар!— деб ўзини унутганча шивирлади яна Ипполит князга. У князь билан гаплашаркан, бошини титиб, пичирлаб айтарди сўзларини.

— Қўяверинг уларни; еиз жуда ҳолдан тойгансиз...

— Ҳозир, ҳозир... ҳозир кетаман.

У бирдан князни қучоқлаб олди.

— Сиз балки мени телба бўлиб қолибди, деб ўйлаёт-гандирсиз?—деб у князга жуда ғалати қилиб қаради ва кулди.

— Йўқ, лекин сиз...

— Ҳозир, ҳозир, гапирманг; ҳеч нарса гапирманг; тўхтанг... мен сизнинг кўзларингизга қарамоқчиман... Тўхтанг, шундай туринг, кўзларингизга қарай тўйиб. Мен Инсон билан видо-лашаман.

У ўн сонияча князга қимир этмай индамасдан қараб турди, унинг ранги жуда оқариб кетган, чаккаларини тер босган, худди князь қўлидан чиқиб кетадигандай уни маҳкам ушлаб олганди.

— Ипполит, Ипполит, сизга нима бўлди?—деб қичқирди князь.

— Ҳозир... бўлди... ётаман. Мен қуёшнинг саломатлигига бир қултум ютаман... Ичаман, ичаман, қўлимни ушламанг!

У тезлик билан столдан қадаҳни олди, ўрнидан шитоб билан интилиб бир зум ичида равон эшиги олдига бориб қолди. Князь унинг орқасидан чопмоқчи бўлиб турган эди, шу пайт худди атай қилгандай Евгений Павлович хайрлашгани қўлини узатиб қолди. Бир сония ўтди ва бирдан равондагиларнинг ҳаммаси қичқириб юбордилар. Кейин бир зум ҳамма саросима ичида қотиб қолди.

Бундай бўлган эди:

Ипполит равондан тушиладиган ерга жуда яқин келиб, чап қўлида қадаҳни ушлаб ўнг қўлини пальтосининг ён чўнтагига солганча тўхтади. Кейинчалик Келлер Ипполит илгари ҳам доим ўнг қўлини пальтосининг шу чўнтагидан ҳеч олмаган эди, князни чап қўли билан елкаси ва ёқасидан қучоқлаб турганда ҳам ўнг қўли чўнтагида эди, мен шундан шубҳага тушган эдим, деб ҳаммани ишонтирмоқчи бўлиб юрди. Қандай бўлмасин, у ҳам ташвишланиб Ипполитнинг орқасидан югурган эди. Лекин у ҳам улгурмади. У Ипполитнинг ўнг қўлида нимадир йилтираб кетганлигини ва шу заҳоти кичкинагина тўппонча унинг чакка-сига тиралганлигини кўрди. Келлер ўзини Ипполитга отди, лекин худди шу дамда Ипполит тепкини босди. Тепки қаттиқ қарсиллади, лекин ўқ овози эшитилмади. Келлер Ипполитни қучоқлаб олди, у, афтидан, ўзини ўлган, деб тасаввур қилган бўлса керак, Келлернинг қучоғига шилқ этиб тушди, у ҳушдан кетганди. Тўппонча Келлернинг қўлида эди. Ҳамма Ипполитга ёпишди, стул келтиришди, ўтқазишди, ҳамма атрофда уймалашар, ҳамма қичқирар, ҳамма бир-бирдан сўрарди. Ҳамма-лари тепкининг қарсиллаганини эшитган эдилар, лекин кўз

Ўнгиларида ҳеч ери ҳатто тимдаланмаган тирик одам ўтирарди. Ипполитнинг ўзи нима бўлаётганлигини билмас, ҳаммага ўзи нима бўлаётибди дегандай бақрайиб қарарди. Лебедев билан Қоля нариги хонадан чолиб чиқишди.

— Отилмадими?— деб сўрашарди атрофдагилар.

— Балки ўқланмагандир?— деб сўрашарди бошқалар.

— Уқланган!— деди Келлер тўппончани кўздан кечираркан,— лекин...

— Наҳот отилмаган бўлса?

— Пистони йўқ экан,— деб хабар қилди Келлер.

Шундан кейинги аянчли манзарани чизиб бериш жуда мушкул. Олдин ҳамма қўрқиб кетган бўлса, энди ҳамма кула бошлади; баъзилар ҳатто қаҳқаҳа урардилар, бировнинг дардидан кулиб роҳатланардилар. Ипполит алам билан ўкириб йиғлар, қўлларини қарсиллатар, ўзини ҳаммага, ҳатто Фердишченкого урар, унга «худди атай қилгандай пистон қўйишни унутибман», деб қасам ичар, «мана, мана, нимчамнинг чўнтагида ўнтача пистон бор, эсимдан чиқарибман», деб ҳаммага кўрсатар, агар олдиндан пистон қўйсам, чўнтагимда турганда отилиб кетмасин, пистонни дарров қўйиб оламан, бунга бирпасда улгуриш мумкин, деб ўйлаб, бирдан эсимдан чиқиб қолибди, дерди. У дам ўзини князга, дам Келлерга, дам Евгений Павловичга урар, тўппончани қайтариб беришларини сўрар, ялнар, ҳозир сизларга кўрсатаман, дер, «номус, номус...» мен «энди бир умр беномус бўлдим!...» деб инқилларди.

Ниҳоят у худди ҳушдан кетгандай бўлиб ерга қулади. Уни князнинг хонасига олиб чиқиб кетдилар, бирдан ҳуши ўзига келиб кайфи қочиб кетган Лебедев дарров докторга одам жўнатди, ўзи қизи, генерал, ўғли ва Бурдовский билан касалнинг олдида қолди. Беҳуш ётган Ипполитни олиб чиқиб кетганларидан сўнг Келлер хонанинг ўртасига чиқди-да, ҳар бир сўзни дона-дона қилиб қатъият ва илҳом билан шундай деб эълон қилди:

— Жаноблар, агар ичларингизда яна кимда-ким менинг олдимда пистон атай солилмаган, деб шубҳаланадиган бўлса ва шўрлик йигитча майнавозчилик қилиб юрибди, деб айтса,— ундай одам билан шахсан ўзим гаплашаман.

Лекин унга жавоб бермадилар. Ниҳоят меҳмонлар тўдаланиб шошиб хайрлашдилар. Птицин, Ганя ва Рогожин бирга жўнадилар.

Князь, Евгений Павлович ўз ниятидан қайтиб гаплашмасдан кетиб бораётганлигидан ҳайрон бўлди.

— Ахир, сиз ҳамма кетгандан кейин мен билан гаплашмоқчи эдингиз-ку?— деб сўради ундан.

— Худди шундай,— деди Евгений Павлович стулга ўтириб, ёнига князни ҳам ўтқизаркан,— лекин мен вақтинча у фикримдан қайтдим. Гапнинг очиги, мен ўзимни бир оз ғалати сезяпман, сиз ҳам шундай бўлсангиз керак. Фикрларим ҳаммаси алғов-далғов бўлиб кетди; бунинг устига сиз билан гаплашмоқчи бўлган нарсам жуда муҳим, мен учун ҳам, сиз учун ҳам. Биласизми, князь, мен умримда бир марта бўлсин, бутунлай ҳалол бир иш қилмоқчи эдим, яъни чин юракдан самимий, ҳозир эса худди мана шу дақиқада ўзимни ҳалол бир иш қилишга у қадар қобил деб сезмаяпман, сиз ўзингиз ҳам балки шундай... унда... нима... десамикин... ҳа, биз кейин албатта гаплашамиз. Эҳтимол, каллани жойига қўйиб мулоҳаза юритсак, иш чиройли чиқар, сизга ҳам, менга ҳам яхши бўлади, у гапни уч кун орқага сурамыз, мен уч кун Петербургда бўлишим керак энди.

Шунда у яна ўрнидан турди, нега ўтирганлигини тушуниб бўлмади. Князга Евгений Павлович норозидай, хафадай, худди бегона одамдай ётсираб қараётгандай туюлди, боя унинг қарашлари бутунлай бошқача эди.

— Айтгандай, сиз энди касалнинг олдига кирасизми?

— Ҳа... мен қўрқяпман,— деди князь.

— Қўрқманг; яна олти ҳафтача яшайди, балки бу ерда анча тузалиб қолса ҳам мумкин. Яхшиси, эртага уни жўнатиб юборинг.

— Балки унга жавоб бермасдан гашига тегиб қўйдиммикин, саволига жавоб берганимда... балки... эҳтимол у князь ҳам менга шубҳа билан қараётгандир, отолмайди, деб ўйлаётгандир, дедими? Сиз нима деб ўйлайсиз, Евгений Павлич?

— Йўқ-йўқ. Ҳалиям сизга раҳмат, унга шунча меҳрибонлик қилиясиз. Мен илгари эшитган эдим, лекин ўзини кўрмаган эдим бировнинг мақтови учун ўзини отмоқчи бўлган ёки аксинча, мақтамаганлари учун ўчакишиб ўзини ўлдирмоқчи бўлган одамни. Лекин гапнинг очиги, мен нотавао одамнинг кўкрак керишига унчалик ишонгим келмайди! Ҳар қалай, сиз уни эртага жўнатиб юборинг.

— У яна ўзини отиши мумкин, деб ўйлайсизми?

— Йўқ, у энди ўзини отмайди. Лекин сиз бизнинг ўсиб келатган бу Ласенерларимиздан эҳтиёт бўлинг! Ҳеч нарсага арзитайдиган, қобилиятсиз, бесабр ва очкўз бу одамлар жиноятга осон қўл урадилар.

— Бу ҳам Ласенерми?

— Кўриниши бошқа-бошқа бўлса ҳам, лекин моҳияти ўша-ўша. Кўрарсиз ҳали бу жаноб ўнта одамнинг бошини ейдими

йўқми, ўзи ҳали «Шарҳ»ида ёзгандай «ҳазил» юзасидан ўлдир-са ўлдираверди ҳам, ким билади дейсиз яна. Мен энди унинг шу сўзларини ўйлаб ухлолмай чиқаман.

— Эҳтимол сизга шундай жуда хавотирли бўлиб кўринаёт-гандир.

— Сиз жуда ажойибсиз, князь; сиз ҳозир унинг ўнта одамни ўлдиришига ишонмайсизми?

— Жавоб беришга қўрқаман бу саволингизга; бунинг ҳам-маси жуда ғалати, лекин...

— Яна ўзингиз биласиз, ўзингиз биласиз!— деди гижиниб Евгений Павлович.— Бунинг устига ўзингиз ҳам жуда юракли одамсиз; фақат ўша ўнта ичида сиз ҳам бўлманг-да ишқилиб.

— Лекин у бировни ўлдирадиганга ўхшамайди,— деди князь Евгений Павловичга ўйчан қараркан.

У ёмон кулди.

— Хайр бўлмаса, борай энди! Сиз у васиятининг бир нус-хасини Аглая Ивановнага бағишлаганлигини фаҳмладингизми?

— Ҳа, билдим ва... шу ҳақда ўйлаяпман.

— Ана-ана, бу ўн жон билан боғлиқ,— деб яна кулди Евге-ний Павлович ва чиқиб кетди.

Бир соатдан сўнг соат тўртларда князь боққа чиқди. У уйда ётиб ухлаб олмоқчи бўлди-ю, лекин юраги қаттиқ уриб кетиб ётолмади. Уй энди тинчиган, ҳаммаси ўз ўрнига тушганди; касал ухлаб қолганди, етиб келган доктор хатарли ҳеч нарса йўқ, деб айди. Лебедев, Коля, Бурдовский бемор билан бир хонада ётиб қолдилар, улар навбатма-навбат унга қараб турадиган эдилар. Демак, қўрқувга ўрин қолмаганди.

Лекин дам сайн князнинг юрагида хавотир ортиб борарди. У боғда ҳаммаёққа парижон назар ташлаганча кезиб юрарди, воксал олдидаги майдончага етиб, бўш турган қатор скамейка-лар билан оркестрнинг пюнитрларини кўриб ҳайрон бўлганча тўхтаб қолди. Бу ер уни ҳайратга солди ва нимагадир унга жуда ҳам хунук бўлиб кўринди. У кеча Епанчинлар билан воксалга борилган йўлдан тўғри орқага қайтди, учрашув учун тайинлан-ган кўк скамейкага етди, унга ўтирди ва бирдан қаттиқ кулиб юборди, шу заҳоти ўзининг бу қилиғидан дарғазаб бўлиб кетди. Юраги сиқилмоқда эди; бирон ерга кетиб қолгиси келарди... ле-кин қаерга боришини билмасди. Унинг боши узра бир қушча сайрарди, у бошини кўтариб япроқлар орасидан қушчани излай бошлади; бирдан қушча учиб кетди ва шунда унинг эсига нима учундир Ипполит ёзган «офтобнинг иссиқ шуъласида» учиб юрган «йўлчибин» тушди, Ипполит шу ҳақда «у ўз ўрнини би-лади, умумнинг бир аъзоси, фақат мен ўгайман», деб ёзганди. Шу жумла уни боя ҳайратга солганди, мана ҳозир эсига тушиб

кетди. Шунда унут бўлиб кетган узоқ бир хотира хаёлида жонланди ва бирдан унга равшан бўлди.

Бу воқеа Швейцарияда даволанишга борган биринчи йили, ҳатто биринчи ойларни рўй берганди. Ушанда у худди телбага ўхшаб қолганди, ҳатто гапини эплаб гапиролмасди, ундан нима талаб қилаётганларини англаб етмасди. Бир куни у тоғларга чиқди, тиниқ, мусаффо қуёшли кун эди, хаёлида ҳадеб бир фикр айланар, уни қийнар, лекин фикрининг учини сира топиб ололмасди. Осмон ярақлаб порлаб ётарди, пастликда кўл, атроф жуда нурли эди, олам чексизга ўхшарди. Кўзлари толгунча томоша қилди, юраги ковралди. У ўшанда қўлларини мана шу зангори бепоёнликка узатиб йиғлаганлигини эслади. У мен буларнинг ҳаммасига бегонаман, деб изтироб чекарди. Бу қандай абадий базм ўзи, бу қандай ҳеч туганмас бир байрам ўзи, поёни йўқ, у доим болалигидан тортиб унга интилади, уни орзу қилади, лекин ҳеч унга етолмайди. Ҳар тонг шундай чинни қуёш чиқади; ҳар тонг шаршарада камалак ўйнайди; ҳар оқшом ҳов, узоқлардаги осмон чеккаси ёпишиб турган энг юксак қорли тоғ арғувоний аланга билан ёнади; ҳар бир «кичкина йўлчибин офтобнинг иссиқ шуъласида фингиллаб учади, умум ичида бир аъзо; у ўз ўрнини билади, уни севади, бахтиёр», қиёқлар кўкка бошини кўтариб қолади ва бахтиёр! Ва ҳаммасининг ўз йўли бор, ҳаммаси ўз йўлини билади, қўшиқ билан ўтади, қўшиқ билан келади; фақат ёлғиз у ҳеч нарсани билмайди, ҳеч нарсани тушунмайди. На одамларни ва на овозларни, у ҳаммасига бегона ва ўгай. О, албатта, у ўшанда бундай сўзларни билмасди, ўзини нима қийнаганлигини яхши англамасди; у худди кар-соқовдай эди ва кар-соқовдай азоб чекарди, лекин назарида ўшанда ҳам шу гапларни айтгандай эди, гўё «йўлчибин»ни Ипполит ундан олгандай, унинг ўша чоғлардаги азоблари ва кўз ёшларидан топгандай эди. Бунга унинг имони комил эди ва негадир худди мана шу фикрдан унинг юраги така-пука бўлиб безовта урмоқда эди...

У скамейкада ўтириб кўзи илинди, лекин безовталиқ тушида ҳам давом этди. Кўзи илинаркан, у Ипполитнинг ўнта одамни ўлдириши мумкинлиги ҳақидаги гапини эслади ва бунинг қанчалар бемаъни гап эканлигини ўйлаб кулиб қўйди. Жуда гўзал ва жуда тиниқ сукунат ҳукм сурарди теваракда, фақат япроқларнинг шивирлашларига эшитиларди, бундан сукунат янада теран тортганга ўхшарди. Атроф янада хилватроқ туюларди. У кўп хавотирли тушлар кўрди, дам сайин у чўчиб-чўчиб тушарди. Ниҳоят унинг қошига бир хотин келди; бу хотинни у танир эди, уни деб кўп уқубатлар чекканди; у қачон бўлмасин, унинг отини айтиб қақира оларди, лекин қизиқ, — энди унинг чехраси аввал

гидан бутунлай бошқача бўлиб қолган ва у сира бу хотинни танигиси ва тан олгиси келмасди. Унинг чеҳрасига даҳшат ва пушаймонлик ёзилганди — шунданмикин, у худди энг ашаддий жиноятчидай кўринар, ҳозиргина даҳшатли бир жиноят қилиб келаётгандай эди. Унинг оқарган юзига кўз ёши оқиб тушганди ва бу ёш титраб турарди; хотин уни қўли билан имлаб чақирди ва орқамдан аста келавер, деб бармоғини лабига босиб кўрсатди. Унинг юраги уришдан тўхтаб қолди; у хотиннинг сира, сира жиноятчи бўлишини истамасди; лекин ҳозир худди назарида бир умрга етадиган жуда ҳам ёмон бир ҳодиса юз берадигандай эди. Хотин шу яқин атрофда боғнинг ичида унга ниманидир кўрсатмоқчидай эди. У хотиннинг орқасидан бориш учун ўрнидан турди, шунда бирдан худди ёнгинасида кимнингдир тоза жарангдор кулгиси янграб кетди; у кимнингдир қўлини ушлаб олди; шу қўлни маҳкам ушлаб олганча у уйғониб кетди. Унинг олдида Аглая хандон ташлаб кулиб турарди.

VIII

Қиз дам кулиб, дам жаҳли чиқарди.

— Ухлаб қолибди! Сиз ухлаб қолдингизми!— деб қичқирарди қиз нафрат аралаш ҳайрат билан.

— Сизмисиз!— деб гўлдиради князь ҳали ҳуши ўзига келмасдан қизга ҳайрон бўлиб қараркан.— Эҳ-ҳа! Учрашув... мен бу ерда ухлаб қолибман.

— Кўрдим.

— Мени сиздан бошқа ҳеч ким уйғотмадими? Бу ерда сиздан бошқа ҳеч ким йўқмиди? Назаримда, бу ерда... бошқа бир хотин тургандай бўлди...

— Бошқа хотин?!

Ниҳоят, князнинг ҳуши бутунлай ўзига келди.

— Туш кўрибман-да,— деди у ўйга ботиб,— қизиқ, шундай пайтда кўрган тушимни қаранг... Утиринг.

У қизнинг қўлидан ушлаб скамейкага ўтқизди; ўзи унинг ёнига ўтириб ўйга толди. Аглая индамай ўтирар, ҳамсуҳбатига разм солиб тикиларди. Князь ҳам қизга қараб-қараб кўяр, лекин худди уни кўрмаётганга ўхшарди. Қизнинг юзи ловиллаб кета бошлади.

— Эҳ-ҳа!—деб сесканиб тушди князь,— Ипполит ўзини олди.

— Қачон? Сизникидами?— деб сўради қиз, лекин унчалар ажабланмасдан.— Ахир, кеча кечқурун у ҳали тирик эди шекилли? Шундан кейин қандай қилиб бу ерда ухлаб ётибсиз танин?— деб қичқириб юборди у тўсиндан жонланаркан.

— Э, у ўлгани йўқ, тўппонча отилмай қолди.

Аглая қистаб қўймагандан кейин князь кечаси бўлиб ўтган хангомаларни бутун тафсилотлари билан айтиб беришга мажбур бўлди. Қиз уни тезроқ айтишга қистар, ўзи саволлар бериб унинг ҳикоясини бўлиб қўяр, саволларининг айтилаётган воқеага ҳеч алоқаси бўлмасди. Дарвоқе, у Евгений Павлович нима деганлигини жуда қизиқиб тинглади, ҳатто бир неча бор қайта-қайта сўраб олди.

— Ҳўп, бўлди энди, ҳозир кетадиган вақт бўлиб қолди,— деди қиз ҳаммасини эшитиб бўлгач,— биз бу ерда фақат соат саккизгача бўлишимиз мумкин, соат саккизда мен албатта уйда бўлишим керак, бу ерга келганимни ҳеч ким билмагани маъқул, мен иш юзасидан келдим; сизга айтадиган кўп гапларим бор. Фақат сиз ҳозир мени чалкаштириб юбордингиз. Ипполит ҳақида шундай ўйлайманки, менимча, унинг тўппончаси отилмаслиги керак эди, унга бу кўпроқ ярашади. Лекин у ўзини чиндан отмоқчи бўлганлигига сизнинг ишончингиз комилми, бунинг ёлғон ери йўқмикин?

— Ёлғон жойи йўқ.

— Шундай бўлса керак. У васиятини менга беришни ёзибдими? Нега сиз олиб келмадингиз?

— Ахир, у ўлгани йўқ-ку. Мен ундан сўрайман.

— Албатта олиб келинг, сўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Унга жуда ёқса керак бу, мени васиятни кейин ўқийди, деган мақсадда у ўзини отган бўлса эҳтимол. Барака топинг, илтимос, менинг сўзларимдан кулмасангиз, Лев Николаевич, чунки бу чиндан ҳам шундай бўлиши мумкин.

— Мен кулаётганим йўқ, чунки ўзим ҳам шундай бўлиши мумкинлигига ишонаман.

— Ишонаман дейсизми? Наҳот сиз ҳам шундай деб ўйласангиз?— бирдан қаттиқ ҳайрон бўлди Аглая.

Қиз тез-тез савол берар, тез сўйлар, баъзан гапидан адашиб кетар ва сўзини охирига етказмасди; дам сайин нимадандир огоҳлантирмоқчи бўларди; умуман, у жуда ҳам қаттиқ хавотир ичида ўтирарди, гарчи тап тортмай, ҳеч нарса ни писанд қилмай ўтирган бўлишига қарамасдан, жиндак қўрқаётгани аён эди. У жуда ҳам оддий кийинган ва бу кийим ўзига жуда ярашганди. У тез-тез чўчиб тушар, қизариб кетарди, ўзи скамейканинг бир чеккасига ўтириб олганди. Князь балки Ипполит чиндан ҳам дафтарини Аглая ўқиши учун ўзини отган бўлса керак, дегандан кейин бу қизни жуда ажаблантириб қўйди.

— Албатта,— деб тушунтирди князь,— сиздан бошқа яна биз ҳаммамиз уни мақташимизни истаган эди.

— У нима деганингиз?

— Яъни нима десамикин... сизга қандай тушунтирсамикин? Буни айтиб бериш жуда қийин. Назаримда, у фақат ҳамманинг ўзига муҳаббат изҳор қилишини, сизни жуда ҳурмат қиламиз, қўйинг, ҳали кўп яшашингиз керак, деб ялинишини, атрофида одамлар гирдикапалак бўлишини жуда хоҳлаган бўлса керак. Ҳаммадан ҳам аввало сизни назарда тутган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас, нега бўлмаса шундай бир пайтда сизни эслайди... гарчи, балки сизни назарда тутаётганлигини ўзи ҳам билмаган бўлиши мумкин.

— Гапингизни сира тушунолмаё қолдим: бир назарда тутган бўлиши мумкин, дейсиз, бир назарда тутмаган. Лекин барибир мен тушундим шекилли: биласизми, мен ўзим ҳам ўн уч яшар қизча пайтимда шу камида ўттиз мартача ўзимни заҳарламоқчи бўлганман, кейин ҳаммасини ота-онамга ёзиб қолдиришни ўйлаганман, тобут ичида қандай ётишимни, ҳамма тепамага келиб йиғлашини, унга раҳмсизлик қилдик, уни эркалатмадик, деб ўзларини айблашларини... тасаввур қилган эдим... Нега куласиз?— деб тез қўшиб қўйди у қошларини чимириб,— сиз бир ўзингиз хаёл сурган чоғларингизда ўзингиз нималарни ўйлайсиз? Балки Наполеонни мағлуб қилган фельдмаршал деб ўзингизни тасаввур қилгандирсиз?

— Чин сўзим, мен ундай нарсаларни ухлаш олдидан ўйлайман,— деб кулиб юборди князь,— фақат мен Наполеонни эмас, нуқул австрияликларни енгиб чиқаман.

— Мен сиз билан ҳазиллашаётганим йўқ, Лев Николаич. Ипполит билан ўзим кўришаман; унга айтиб қўйинг, сизнинг Ипполит ҳақидаги гапларингиз яхши эмас, одамнинг қалбига бундай қарамайдилар, бу жуда дағал кўринади, сиздан кутмагандим бундай гапларни. Сизда майинлик йўқ: ёлғиз ҳақиқатнинг ўзи ҳали адолат бўлолмайди.

Князь ўйланиб қолди.

— Назаримда, менга нисбатан айтганларингиз адолатдан эмас,— деди у,— мен унинг шундай ўйлаганлигини ёмон деб айтаётганим йўқ, чунки ҳамма шундай деб ўйлашга мойил; бунинг устига у бутунлай буни ўйламаган бўлиши мумкин, фақат истагандир эҳтимол... охири марта одамлар билан кўришгиси, уларнинг ҳурмат ва муҳаббатларини қозонгиси келгандир; бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ, фақат қандайдир ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди; бунга касаллиги ва яна бошқа бир нарса сабаб! Шуниси ҳам борки, бировлар нимага қўл урмасинлар, ҳаммаси яхши чиқади, бошқалар эса қош қўяман деб кўз чиқарадилар.

— Сиз ўзингизни айтяпсиз, тўғрими?— деб қўйди Аг-лая.

— Ҳа, ўзимни, — деб жавоб берди князь гапнинг тагидаги кесатиқни сезмасдан.

— Мен фақат сизнинг ўрнингизда бўлганимда ҳечам ухлаб қолмаган бўлардим; демакки, сиз қаерда ўтирманг, шу ерда ухлаб қоларкансиз; яхши эмас бу одатингиз.

— Мен ахир, кечаси билан ухлаганим йўқ, кейин юрдим, юрдим, музыкага бордим...

— Қандай музыка?

— Кеча музыка чалишган жойга, кейин бу ерга келдим, ўтирдим, ўйлаб-ўйлаб ухлаб қолибман.

— Э, ҳали шундайми? Унда тузук экан... Нега сиз музыкага борган эдингиз?

— Билмайман, шундай ўзим...

— Майли, майли, кейин: сиз ҳадеб гапимни бўлиб қўяяпсиз, музыкага борган бўлсангиз, менга нима? Қандай хотин тушингизга кирди?

— Бу... ҳалиги... сиз уни кўргансиз...

— Биламан, яхши биламан. Сиз уни жуда... У тушингизга қандай кирди? Ҳа, майли, кераги йўқ, билишни истамайман, — деди у кескин қилиб норози ҳолда. — Гапимни бўлмай туринг...

Аглая ўзини тетик тутиш, юрагидаги ғашдан халос бўлиш учун бирпас кутди.

— Сизга айтадиган гапим шу, сизни фақат шунинг учун чақирган эдим, сиз билан дўст бўлсак деган эдим. Нега бирдан менга бундай қилиб қараб қолдингиз? — қўшиб қўйди у андак ғазаб билан.

Князь қизнинг яна қизариб кета бошлаганлигини кўриб унга ҳақиқатан яна тикилиб қараб қолган эди. Бундай пайтларда у қанча кўп қизарса, афтидан, ўзидан-ўзи шунча жаҳли чиқар, бу унинг ярқ этиб кетган кўзларидан аён билинарди. Одатда шундан бир дақиқа ўтгандан сўнг у ғазабини ўзи билан ҳамсуҳбат бўлган одамга сочар, унинг гуноҳи борми йўқми, қараб ўтирмас, у билан жанжаллаша бошларди. У ўзининг ёввойилиги ва уятчанлигини билар ва одатда суҳбатларга кам аралашар, шунинг учун ҳам опаларига қараганда жуда камгап, баъзан ҳатто ҳаддан ташқари индамас эди. Мана бунга ўхшаган нозик пайтларда албатта гапирришга тўғри келиб қолганда, гапни ҳам жуда кибр-ҳаво билан бошлар, худди ҳозир биров билан уришадигандек бўларди. У ўзининг қачон қизариб кетишини ёки қизаришни истагани доимо, албатта, олдиндан биларди.

— Сиз балки менинг таклифимни қабул қилишни истамасиз? — димоғ билан деди у князга қараб.

— О, йўқ, истайман, фақат бунга сира ҳам бундай... яъни мен

ҳеч қачон ўйламаган эдим буни таклиф қилиш мумкин деб,— хижолат бўлди князь.

— Сиз нима деб ўйлагандингиз? Нега бўлмаса сизни бу ерга чақирдим? Қаллангизда нима бор? Балки сиз мени кичкинагина тентак деб ўйлаётгандирсиз, бизнинг уйимиздагиларга ўхшаб?

— Сизни тентак деб билишларидан мен беҳабар эканман, мен... мен ундай деб билмайман.

— Ундай деб билмайсизми? Жуда ақлли экансиз. Ҳаддан ташқари ақлли гап.

— Менимча, сиз баъзан жуда ҳам ақлли бўлсангиз керак,— деб давом этди князь,— сиз ҳали бирдан жуда антиқа бир гап айтдингиз. Сиз Ипполитдан бекорга шубҳаланаётганлигини айтдингиз: «Ёлғиз ҳақиқатнинг ўзи ҳали адолат бўлмаслиги мумкин», дедингиз. Бу сўзингиз ёдимда қолади ва уни ўйлаб кўраман.

Аглая бирдан мамнун бўлиб қизариб кетди. Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси унинг юзида ҳаддан ташқари тез очиқ акс этиб турарди. Князь ҳам хурсанд бўлиб, ҳатто кўнгли очилиб кулиб юборди.

— Менга қаранг, — деб бошлади яна қиз,— мен сизни жуда узоқ кутдим, сизга ҳаммасини сўзлаб бермоқчи эдим, менга хат ёзганингиздан бери, балки ундан ҳам олдинроқдан кутган эдим... Баъзи гапларимни сизга кеча айтдим: мен сизни энг ҳалол ва энг одил одам деб биламан, ҳаммадан кўра ҳалолроқ ва одилроқсиз, ва мабодо сиз ҳақингизда ақли... ҳалиги... яъни баъзан ақлингизни йўқотасиз, деб айтишди, лекин бу адолатдан эмас, нотўғри; мен шундай фикрга келганман ва кўп талашганман, чунки сиз гарчанд баъзан ақлингизни йўқотиб қўйсангиз ҳам (бунинг учун мендан хафа бўлманг, мен олий бир нуқтадан гапиряпман), лекин асосий ақлингиз уларнинг ҳаммаларининг ақлларига қараганда яхшироқ, ҳатто бундай ақл уларнинг тушларига ҳам кирган эмас, чунки иккита ақл бор: асосий ақл ва асосий бўлмаган ақл. Шундайми? Шундай эмасми ахир?

— Балки шундай бўлса ҳам бордир,— деди зўрагина князь; унинг юраги титраб жуда қаттиқ гурсиллаб урмоқда эди.

— Мен сиз тушунсангиз керак, деб ўйлаган эдим,— жиддий тарзда давом этди қиз.— Князь Ш. билан Евгений Павлич бу қандай ақл бўлди, деб сира тушунолмадилар, Александра ҳам, лекин тасаввур қилинг: ташап тушунди.

— Сиз Лизавета Прокофьевнага жуда ўхшайсиз.

— Қандай қилиб? Наҳотки?— ҳайрон бўлди Аглая.

— Худо ҳаққи, шундай.

— Ташаккур сизга,— деди Аглая ўйланиб туриб,— татап-га ўхшашимдан жуда хурсандман. Сиз демак у кишини жуда ҳурмат қилар экансиз-да?— деб қўшимча қилди у болаларча савол бераётганлигини сезмаган ҳолда.

— Жуда, жуда хурсандман мен ҳам сизнинг бунни тўғри тушунганлигингиз учун.

— Мен ҳам хурсандман, баъзан унинг устидан... кулишади. Лекин энг муҳимини эшитинг: мен узоқ ўйладим ва алоҳа, сизни танладим. Уйдагилар менинг устимдан кулишларини истамайман, мени кичкина тентак деб аташларини истамайман; истамайман менинг жигимга тегишларини... Мен бунни дарров тушундим ва Евгений Павличга рад жавобини бердим, чунки мени тўхтовсиз суратда эрга бериш пайида бўлишларини истамайман! Мен... мен... уйдан қочиб кетишни истамайман, менга ёрдам берасиз, деб сизни танладим.

— Уйдан қочиш!— деб қичқириб юборди князь.

— Ҳа, ҳа, ҳа, уйдан қочаман!— деб қичқирди Аглая бирдан ғазаби аланга олган ҳолда.— Истамайман, истамайман, мени уйда ҳадеб қизартираверишларини. Мен на уларнинг олди-ларида, на князь Ш. олдида, на Евгений Павлич олдида, ҳеч ким олдида қизаришни истамайман, шунинг учун сизни танладим. Сиз билан ҳаммаси, ҳаммасини сўзлашишни истамайман, агар хоҳласам, энг асосий нарса ҳақида ҳам вақти келса гаплашаман; мен биронта одам билан худди ўзим билан ўзим сўзлашгандай сўзлашишни истамайман. Улар бирдан, сен уни кутяпсан, сен уни яхши кўрасан, деб айта бошлашди. Сиз бу ерга келмасингиздан илгари бошланган эди бу гап, мен уларга хатни кўрсатмаган эдим; мана энди ҳаммалари гапирадиган бўлишди. Мен мард бўлишни ва ҳеч нарсдан кўрқмасликни истамайман. Мен уларнинг балларида юришни истамайман, мен бир фойда келтирсам дейман. Мен анчадан бери кетмоқчи бўлиб юрардим. Ўйирма йил бўлади, улар мени ҳибс қилиб қўйганлар ва ҳадеб мени эрга беришни мўлжаллайдилар. Мен ўн тўрт ёшимда қочиб кетмоқчи бўлганман. Рост, у пайтларда жуда тентак қиз эдим. Энди мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим, сизнинг келишингизни кутаётган эдим, сиздан чет элда қандай бўлади, деб сўрамоқчи эдим. Мен ҳали биронта ҳам готик соборни кўрмаганман, мен Римда бўлишни истамайман, мен ҳамма олимларнинг уйларини кўрмоқчиман, мен Парижда ўқишни истамайман; мен кейинги йил бўйи тайёрландим, ўқидим, жуда кўп китобларни ўқиб чиқдим: мен ҳамма ман қилинган китобларни ўқиб чиқдим. Александра билан Аделаида истаган китобларини ўқишади, уларга майли, менга бўлса, танлаб беришади, назорат қилишади. Мен опаларим билан жанжаллашишни истамайман, лекин отам билан

ойимга ўзимнинг ижтимоий аҳволимни ўзгартирмоқчиман, деб айтганимга анча бўлди. Мен мураббийлик қилсам деган эдим, сизга суянган эдим, чунки сиз болаларни яхши кўраман, деган эдингиз. Балки биз биргаликда бола тарбияси билан шуғулла-нармиз, ҳозир бўлмаганда ҳам кейинроқ? Иккимиз биргаликда фойда келтирсак, деган эдим; мен генерал қизи бўлишни иста-майман... Айтинг-чи, сиз жуда ҳам олим одаммисиз?

— О, унчалик эмас.

— Афсус, мен бўлсам ўйлабманки... нима деб ўйлаган эдим-а? Сиз барибир менга раҳбарлик қиласиз, йўл-йўриқ кўр-сатасиз, чунки мен сизни танлаганман.

— Бўлмаган гап, Аглая Ивановна.

— Мен уйдан қочишни истайман, истайман!— деб қичқирди Аглая ва яна унинг кўзлари ярқиллаб кетди.— Агар сиз рози бўлмасангиз, унда Гаврила Ардалионовичга чиқаман. Уйда ме-ни бемаъни қиз дейишларини ва алланималар деб айблашлари-ни истамайман.

— Эсингиз жойидами?— деб ўтирган еридан сал бўлмаса сакраб туриб кетаёзди князь.— Сизни нима деб айблашади, ким айблайди?

— Уйдагилар ҳаммаси, ойим, дадам, опаларим, князь Ш., ҳатто сизнинг ўша ярамас Қолянгиз ҳам! Тўғри юзимга айтма-ганларида ҳам, лекин шундай деб ўйлашади ичларида. Улар-нинг ҳаммаларига тўғриси янги айтиб қўя қолдим, ойимга ҳам, да-дамга ҳам айтдим. Матан кун бўйи касал бўлиб ётдилар; эрта-сига Александра билан дадам, нима деётганлигини ўзинг ҳам билмайсан, ҳамма гапларнинг ёлғон, дейишди. Шунда мен улар-нинг юзларига тик қараб туриб, йўқ, мен ҳаммасини тушунаман, ҳамма сўзларнинг маънисини чақаман, мен энди кичкина эмас-ман, мен икки йил бурун ҳаммасини билиб олиш учун атай Поль де Кокнинг иккита романини ўқиб чиққанман, дедим. Матан гапларимни эшитди-ю, сал бўлмаса ҳушидан кетай деб қолди.

Князнинг хаёлига бирдан жуда ғалати бир фикр келиб лип этиб ўтди. У Аглаяга диққат билан қаради-да, кулиб қўйди.

У ўз кўзларига ишонмасди, бир маҳаллар Гаврила Ардалио-новичнинг хатини менсимасдан такабурлик билан ўқиб бер-ган калондимоғ ўша қиз шу қизмикин, деб ўйларди. Шундай димоғдор, олдига унча-мунча одамни яқин йўлатмайдиган гўзал қиз қандай қилиб шунчалар бола табиатига эга бўлиши мум-кин, деб сира тушунолмасди, зотан, қиз, ҳали ҳам ҳамма сўзлар-нинг маънисини тушунмайдиган ёш болага ўхшарди.

— Сиз ҳали уйдан ҳеч чиқмагансиз-а, Аглая Ивановна?— деб сўради князь,— мактабга борганмисиз, институтда ўқиган-мисиз, деб сўрамоқчиман?

— Ҳеч қачон ҳеч ерга борган эмасман; нуқул уйда ўтирганман, худди шишага қамаб қўйилгандай, шишадан чиқиб тўғри эрга тегаман; нега сиз яна куляпсиз? Сиз уларга ўхшаб менинг устимдан кула бошладингиз шекилли? Сиз ҳам уларнинг тарафини оляпсизми?— деб қўшимча қилди у қовоғини қаттиқ уйиб,— жаҳлимни чиқарманг, шусиз ҳам биламан нима қилаётганлигимни... ишончим комилки, сиз бу ерга Аглая мени қаттиқ яхши кўриб қолибди, мени учрашувга чақирди, деган ўй билан келгансиз,— деб чўрт кесди гапни жаҳл билан.

— Мен кеча рости шундан қўрққан эдим,— деди соддалик билан князь (у жуда ҳам хижолат чекмоқда эди),— лекин бугун ишондимки, сиз...

— Нима!— деб қичқириб юборди Аглая, ва унинг остки лаби бирдан титрай бошлади,— сиз қўрқиб кетдингизми, мен сизни... нима ҳақингиз бор, мени... Вой, худо! Сиз, мени бу қиз учрашувга алдаб чақиряпти, мени тўрга илинтирмоқчи, тузоққа туширмоқчи, одамлар кўрсин деб шундай қиляпти, сўнг зўрлаб мени шунга уйлантириб қўйишмоқчи, деб ўйлаган бўлсангиз керак ҳали...

— Аглая Ивановна! Уялмайсизми? Сизнинг мусаффо, маъсум қалбингизда бундай чиркин гаплар қаердан пайдо бўлди? Гаров ўйнайманки, сиз ҳозир айтган сўзларингизнинг бирон тасига ҳам ишонмайсиз, ва... нима деб айтаётганлигингизни ўзингиз ҳам билмайсиз!

Аглая ердан бошини кўтаролмай қолди, у худди оғзидан чиқиб кетган сўзлардан жуда қўрқиб кетганга ўхшарди.

— Нега энди уяларканман,— деб пичирлади у,— менинг қалбим бегуноҳ эканлигини сиз қаердан биласиз? Нега бўлмаса ўзингиз менга севги изҳор қилиб хат ёздингиз?

— Севги изҳор қилиб хат ёзибманми? Наҳот менинг хатим ишқий мактуб бўлса? У хатда мен сизга бўлган эҳтиромимни баён қилганман, у хат ҳаётимнинг энг оғир дақиқасида юрагимдан қуйилиб чиққан! Ушанда мен сизни эслagan эдим мунаввар бир хилқат деб... мен...

— Бўпти, майли, майли,— деб унинг сўзини бўлди қиз бутунлай бошқача бир оҳангда, у қаттиқ пушаймон қила бошлаган ва ҳатто қўрқиб кетганди, у князнинг юзига тик қарай олмай унга томон энгашди, хафа бўлманг, демоқчи каби унинг елкасига қўл узатай деди,— яхши,— деди у ҳаддан ташқари қаттиқ ўсал бўлиб,— жуда бемаъни бир гап оғзимдан чиқиб кетибди. Мен шундай... сизни синамоқчийдим. Ўртамизда ҳеч қандай гап-сўз бўлмади деб ҳисоблай қолинг. Агар сизни хафа қилган бўлсам, мени кечиринг. Менга бундай қилиб қараманг, илтимос, олинг кўзингизни. Сиз жуда чиркин фикр, дедингиз: мен сизга қаттиқ-

роқ ботсин деб атай айтган эдим. Баъзан мен ўзим айтишни истаган сўздан ўзим қўрқиб кетаман, бирдан айтиб юборсам, нима бўлади, деб юрагим орқамга тортиб кетади. Сиз ҳозир ўша хатни ҳаётимнинг энг оғир дақиқасида ёзган эдим, дедингиз... Мен биламан, бошингиздан нималар кечганлигини,— деди у астагина кўзини ердан узмасдан.

— О, агарда сиз ҳаммасини билганингизда эди!

— Мен ҳаммасини биламан!— деб қичқириб юборди қиз яна қайтадан ҳаяжонга тушиб.— Сиз ўшанда анави бемаъни хотин билан қочиб кетиб бир ой бир хонада тургансиз...

Қиз шуни айтarkan, қизармади, балки оқарди ва нимагалигини ҳам билмай ўрнидан туриб кетди, лекин шу заҳоти ҳуши ўзига келиб яна ўтирди; унинг лаблари анчагача қалтираб турди. Ўртадаги жимлик бир дақиқача давом этди. Князь кутилмаганда айтилган бу ғалати сўзлардан лол бўлиб қолди ва буни нимага йўйишни билмади.

— Мен сизни ҳечам яхши кўрмайман,— деди қиз бирдан кескин қилиб.

Князь жавоб бермади; яна бир дақиқача жим бўлиб қолдилар.

— Мен Гаврила Ардалионовични яхши кўраман...— деди қиз зўрға эшитиларли қилиб бижирлаб, у бошини яна ҳам қуйироқ эгиб олганди.

— Бу ёлғон,— деди князь ҳам шивирлаб.

— Нима, мен сизни алдаяпманми? Йўқ, рост; мен уч кун бурун унга сўз берганман худди мана шу скамейкада ўтириб.

Князь қўрқиб кетди ва бир зум ўйланиб қолди.

— Ёлғон,— деб такрорлади князь қатъият билан,— сиз буларнинг барини тўқиб чиқардингиз.

— Раҳмат, кўнглимни кўтардингиз. Шуни билиб қўйингки, у тузалиб қолди; у мени жонидан ҳам ортиқ севади. У менинг олдимда сизни жонимдан ҳам яхши кўраман, деб қўлини оловга тутиб турди.

— Қўлини оловга тутди?

— Ҳа, қўлини. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, менга барибир.

Князь яна жим бўлиб қолди. Аглаянинг сўзлари ҳазилга ўхшамасди; қизнинг жаҳли чиқмоқда эди.

— Нима, у ўзи билан бу ерга шам олиб келган эканми? Бошқачасини ҳеч ақлимга сигдиrolмаяпман...

— Ҳа... шам олиб келди... Бунинг нимаси ғалати?

— Бутун шамми ёки яримлаб қолганими?

— Ҳа, албатта... йўқ... яримга шам... олқинди... бутун шам,— барибир, бас қилинг!.. Алам қилсин, ўзи билан гугурт ҳам олиб келди. Шамни ёқиб ярим соат бармоғини шамнинг

алангасига тутиб ўтирди; нима, шундай бўлиши мумкин эмасми?

— Уни кеча кўрган эдим, бармоқлари соғ эди.

Аглая бирдан худди болалардек кулиб юборди.

— Биласизми, нега ёлгон гапирдим?— деб бирдан князга болаларча бир ишонч билан қаради қиз, унинг лабларидан ҳамон маъсум бир кулги ўчмаганди.— Нега десангиз, ёлгон гапиратганда, агар ёлгонга жуда ҳам ақл бовар қилмайдиган, антиқа, ҳаётда бўлмайдиган ёки жуда кам учрайдиган бирон нарсани қўшиб-чатиб юборсангиз, ёлгон худди чинга ўхшаб қолади. Мен буни биламан. Фақат мен ҳозир ёлгонни қотиролмадим, эплаб айтолмадим-да...

Бирдан у яна ҳушёр тортиб қовогини солди.

— Агар мен ўшанда,— деди у князга маъюс ва жиддий қараб,— агар мен ўшанда сизга «шўрлик рицарь»ни ўқиб берган бўлсам, бу билан сизни... мақтамоқчи бўлганман ва яна шу заҳоти қилғилигингиз учун танбеҳ бермоқчи, ҳаммасини биламан, демоқчи эдим...

— Сиз мени тўғри тушунишни истамайсиз... анави шўрлик хотинни ҳам... ҳозиргина у ҳақда жуда ёмон гап айтдингиз, Аглая.

— Чунки мен ҳаммасини биламан, ҳаммасини, шунинг учун айтадиганимни айтдим. Сиз бундан олти ой бурун унга уйланмоқчи бўлганлигингизни ҳам биламан. Гапимни бўлмаг, кўриб турибсиз-ку, мен изоҳларсиз айтяпман. Шундан кейин у Рогожин билан қочиб кетди; кейин сиз у билан қандайдир бир қишлоқда ёки шаҳарда бирга яшадингиз, кейин у ким биландир қочиб кетди. (Аглая қаттиқ қизарди.) Кейин у яна Рогожиннинг олдига қайтиб борди, Рогожин уни... телбалардай яхши кўради. Кейин сиз жуда ақлли одамсиз, унинг Петербурга қайтганлигини эшитган заҳотингиз дарҳол бу ерга учиб етиб келдингиз. Кеча кечқурун уни ҳимоя қилиш учун ташландингиз, ҳозир эса уни тушингизда кўрдингиз... Кўрдингизми, мен ҳаммасини биламан; сиз ахир уни деб бу ерга келдингиз-ку, тўғрими?

— Ҳа, уни деб келдим,— деди князь ўйга толган ҳолда бошини маъюс эгаркан, у шу топда Аглая ўзига кўзлари ўт бўлиб ёниб қараганлигини сезмади,— уни деб, билгани келдим... Мен уни Рогожин билан бахтли бўлишига ишонмайман, гарчи... бир сўз билан айтганда, унга бу ерда қандай ёрдамим тегиши мумкинлигини билмайман, лекин барибир мана келдим.

У сесканиб тушди ва Аглаяга қаради. Шу топда Аглаянинг уни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди.

— Агар нимага келганлигингизни билмасангиз, демак, уни яхши кўрар экансиз,— деди ниҳоят қиз.

— Йўқ,— деди князь,— йўқ, уни севмайман. О, у билан қандай кунларни бошимдан кечирганлигимни агар сиз билсайдингиз!

Шу сўзларни айтarkan, князнинг эти жимишлашиб кетгандай бўлди.

— Ҳаммасини айтиб беринг,— деди Аглая.

— Булар ҳаммасини сизга айтаверса бўладиган гаплар. Нега буларни фақат сизга, фақат сизнинг ўзингизга айтиб бермоқчи бўлганман,— билмайман. Балки сизни чиндан ҳам жуда яхши кўрган бўлсам керак. Бу шўрлик йўлдан озган хотин ўзини дунёда ҳаммадан паст ва ифлос, бузуқ одам деб билади. О, уни ҳақорат қилманг, унга тош отманг. У ўз шармандалигидан, шармисорлигидан бутун ич-этини еб ташлаган! Унинг нима гуноҳи бор экан-а, о, парвардигорим! О, у менингни гуноҳим йўқ, мен айбдор эмасман, мени одамлар шу кўйга солдилар, мени ёвуз ва бузуқ киши шу аҳволга солди, деб фарёд қилгани қилган; лекин у сизга нима деб айтмасин, унинг ўзи ҳаммадан бурун ўзига, ўзининг сўзларига ишонмайди, унинг имони комилки, у... ҳаммасига гўё ўзи айбдор. Мен уни бу зулматдан олиб чиқишга ҳаракат қилдим, унга ёруғ дунёни кўрсатмоқчи бўлдим, лекин шунда у даҳшатли суратда изтиробга тушиб қаттиқ қийнала бошлади, худо кўрсатмасин, ўша пайтларни эсласам, яна ярам янгиланади, яна жоним сирқираб оғрийди, ўзимни кўярга жой тополмай қоламан. Юрагимда худди ўпқон ҳосил бўлганга ўхшайди. Бу ўпқонни ҳеч қачон тўлдириб бўлмайдигандай. Унинг мендан нега қочиб кетганлигини биласизми? Бу билан менга ўзининг пасткашлигини яна бир карра исботламоқчи бўлди. Энг даҳшатли томони шундаки, у фаҳимча, ҳатто унга пасткашлигини кўрсатиб кўяман деб ўйламаган, балки ички бир ишонч билан бир шармандали, паст иш қилмоқчи бўлган, шундай қилмасам бўлмайди, деган ўзича, ўзига яна бир карра танбеҳ бермоқчи бўлган: «Мана яна бир марта шармандалиқ қилдинг, демак, асли сенингни ўзинг пасткашсан, тубан махлуқсан!» О, сиз эҳтимол буни тушунмасангиз керак, Аглая! У ўзини муттасил шарманда шармисор бўлган одам деб ҳисоблайди, шу нарсани ҳеч хаёлидан чиқариб ташлолмайди, назаримда, шундан, шундай деб ҳис қилишдан ақл бовар қилмайдиган тарзда даҳшатли бир лаззат олади, худди аллақимдан тўхтовсиз ўч олаётганга, аламларини чиқараётганга ўхшайди, сиз буни тушунармикансиз? Менингни қиллаётган муносабатларим ва муомалаларимни кўриб у баъзан кўзи очилгандай, ёруғ жаҳонни кўраётгандай бўларди; лекин дарров яна асли ҳолига қайтар, жаҳли чиқар, ҳатто, сиз ўзингизни кўрсатиш учун менга ақл ўргатяпсиз, ўзингизни баланд оляпсиз, деб таъна қилишгача борарди (ваҳоланки, мен бундай

нарсани ҳатто ҳаёлимга ҳам келтирмасдим), ва ниҳоят, унга турмуш қурайлик, дедим, мен тақаббур одамлардан шафқат кутмайман, менга уларнинг ёрдамлари керакмас, «уларга тенг бўлмасам бўлмай қўя қолай», деб уришиб берди. Сиз уни кеча кўрдингиз; наҳот шу одам билан уни бахтли деб ўйласангиз, бу одамлар ким бўлибди унга? Унинг қанчалар билимдон эканлигини ва қанчалар фозила эканлигини сиз билмайсиз! Баъзан унга қараб туриб ҳайратга тушардим!

— Сиз унга ўша ерда ҳам шундай... ваъз-насиҳатлар ўқир-мидингиз?

— О, йўқ,— ўйга толган ҳолда давом этди князь саволнинг қандай айтилганлигига эътибор бермай,— мен оғзимни ҳам очмасдим.— Мен жуда кўп сўзлашни истардим, лекин рост, нима дейишимни билмасдим кўпинча. О, мен уни севардим; о, жуда севардим... лекин кейин... кейин... кейин у ҳаммасини сезиб қолди.

— Нимани сезиб қолди?

— Унга фақат ачинишимни, уни энди... яхши кўрмаслигимни.

— Сиз қаердан биласиз, балки у чиндан ҳам анави... помешчикни яхши кўриб қолгандир, нега бўлмаса у билан қочиб кетади?

— Йўқ, мен ҳаммасини биламан; уни лақиллатган эди, холос.

— У сизни лақиллатмаганми, устингиздан ҳеч қачон кулмаганми?

— Й-йўқ. Жаҳли чиқса, куларди; о, ўшанда бошимга таъна тошларини ёғдирарди, жаҳл устида— ўзи бўлса, бундан қаттиқ қийналарди! Лекин... кейин... о, менга эслатманг, эслатманг бунди!

У қўллари билан юзини тўсиб олди.

— Биласизми, у менга кувда бўлмаса ҳам кун ора хат ёзиб туради?

— Демак, рост экан-да!— деб қичқирди безовта бўлиб қолган князь.— Мен эшитган эдим, лекин ишонгим келмаган эди.

— Кимдан эшитган эдингиз?— қўчиб тушди Аглая.

— Кеча менга Рогожин айтганди, лекин мужмалроқ қилиб айтганди.

— Кеча? Кеча эрталабми? Кеча қачон? Музикадан олдинми ёки кейинми?

— Кейин; кечаси соат ўн иккиларда.

— А-а, Рогожин бўлса, унда... Хатларида менга нима деб ёзиштини биласизми?

— Ҳайрон қоладиган жойи йўқ, у телба бўлиб қолган.

— Мана ўша хатлар (Аглая киссасидан учта конвертга солинган хат олиб князнинг олдига ташлади). Мана бир ҳафта

бўладики, у менга ялиниб-ёлвориб, сизга эрга тегишимни сўрайди. У... тўғри, у ақлли, телба бўлса ҳам ақлли, ҳали тўғри айтдингиз, у ростдан ҳам менга қараганда анча-мунча ақлли... менга сизни жуда севиб қолдим, ҳар куни жуда бўлмаганда бир марта кўрмасам, кўнглим жойига тушмайди, деб ёзади. Князь сизни яхши кўради, мен биламан, буни сезганимга анча бўлди, у мен билан бу ҳақда гаплашган эди, деб ёзади яна. У сизнинг бахтли бўлишингизни истайди, сизни бахтли кўрсам дейди. Унинг назарида фақат мен сизни бахтли қила олар эмишман... Жуда ғалати гапларни ёзади-я, тавба... мен унинг хатларини ҳеч кимга кўрсатганим йўқ, сизни кутдим: бу нима дегани, сиз билмайсизми? Бирон нарсани сезяпсизми?

— Бу телбалик; унинг ақлдан озиб қолганлигининг далили,— деб қўйди князь, унинг лаблари шунда қалтираб кетди.

— Мабодо йиғлаётганингиз йўқми?

— Йўқ, Аглая, йўқ, йиғлаётганим йўқ,— деб унга қаради князь.

— Мен нима қилсам экан? Менга қандай маслаҳат берасиз? Ҳадеб ундан хат олаверишим яхши эмас-ку?

— О, уни ўз ҳолига қўйинг, сиздан илтижо қиламан!— деб қичқирди князь,— бу зимистонда сизга нима бор? Мен ҳаракат қиламан, у сизга бошқа ёзмайди.

— Юрагингиз тош экан!— деб қичқириб юборди Аглая.— Наҳот, у мени эмас, фақат сизни, сизни севишини кўрмаётган бўлсангиз! Наҳот, сиз уни бошдан-оёқ билиб олибсизу фақат шунга келганда, беҳабар қолибсиз? Биласизми, бу нима дегани, бу хатлар билан нима демоқчи? Бу рашк; бу рашкдан ҳам ортиқроқ бир нарса! У... ростдан ҳам манави хатларида ёзгандек Рогожинга тегади, деб ўйлайсизми? Сиз билан мен никоҳдан ўтишимиз билан эртасига у ўзини-ўзи ўлдиради!

Князь чўчиб тушди; юраги тўхтаб қолди. Лекин у Аглаяга ҳайратланиб қараб ўтиради: ўзи кичкинагина қизчага ўхшайди, лекин худди катта хотинлардек фикр юритади, князга бу ғалати туюлади.

— Худого аён, Аглая, унинг кўнглини олиш ва бахтли қилиш учун мен ҳаётимни ҳам аямаган бўлардим, лекин... мен уни ортиқ севолмайман, у буни билади!

— Унда ҳаётингизни бутунлай унга бағишланг, бу сизга жуда ярашади! Сиз ахир ҳаммага яхшилик қилиб юрадиган улуг одамсиз. Мени «Аглая»... деб чақирманг... Сиз ҳали менга соддагина қилиб «Аглая», дедингиз... Сиз уни тирилтиришингиз, у билан бирга кетишингиз керак, уни тинчйтишингиз, юрагига ором ва хотиржамлик бахшида этишингиз керак. Ахир, сиз ўзингиз ҳам уни яхши кўрасиз-ку!

— Мен умримни елга совуришни истамайман, бир марта қилиб кўрганман буни, балки... ҳозир ҳам шундай қилишни истарман. Лекин мен *аниқ* биламанки, у мен билан бўлса, ҳалок бўлади, шунинг учун ҳам у билан бирга бўлолмайман. Мен уни бугун соат еттида кўришим керак эди; мен энди балки унинг олдига бормасман. У шундай мағрур хотинки, менинг муҳаббатимни кечиролмайди,— икковимиз ҳам ҳалок бўламиз! Бу жуда ғайритабиий, лекин бунинг ҳаммаси ғайритабиий. Сиз уни мени севади, деб айтдингиз, лекин севги шундай бўладими? Наҳот бошимдан шунча нарсаларни кечирганимдан сўнг ҳам севги деган нарса қолса! Йўқ, бу бошқа нарса, севги эмас бу!

— Мунчалар оқариб кетдингиз!— деди қўрқиб Аглая.

— Ҳечқиси йўқ; кам ухлаганман; чарчадим; мен... чиндан ҳам бир марта сиз тўғрингизда сўзлашган эдик у билан, Аглая...

— Рост экан-да? Сиз *у билан мен ҳақимда гаплашган бўлишингиз мумкин* ва... бу мени бир марта кўриб қандай қилиб яхши кўриб қолдингиз?

— Билмайман қандай? Ушанда зулмат ичида қолгандим ва зулмат ичидан менга... балки янги тонг отиб келаётгани кўзимга кўрингандир, балки шунинг орзу қилгандирман. Қандай қилиб биринчи бўлиб сизни ўйлаганимни ўзим ҳам билмайман. Сизга ўшанда билмайман, деб тўғрисини ёзган эдим. Ушанда даҳшатга тушиб, бошқача бир нарсани орзу қилгандирман... Кейин мен бир иш билан шуғуллана бошладим, мен уч йил ҳали бу томонларга келмоқчи эмасдим...

— Демак, уни деб келган экансиз-да?

Аглаянинг овози нима учундир қалтираб кетди.

— Ҳа, уни деб.

Ўртага оғир жимлик чўкди ва бир дақиқача вақт ўтди. Аглая ўрнидан турди.

— Агарда сиз,— деб бошлади Аглая титроқ товуш билан,— агарда сиз... сизга қарашли бу хотин... ақлдан озган деб ўйласангиз, унда менинг унинг телбаларча алаҳсирашлари билан ҳеч ишим-ҳушим йўқ... Сиздан илтимос қиламан, Лев Николаич, мана шу учта хатни олинг-да, унинг олдига элтиб ташланг! Ва агарда у,— деб қичқириб юборди бирдан Аглая,— агарда у яна бир марта менга хат ёзадиган бўлса, унда айтиб қўйинг, мен отамга шикоят қиламан, кейин уни жиннихонага обориб ташлашади...

Князь ўрнидан туриб кетди, у Аглаянинг бирдан дарғазаб бўлиб кетганига ҳайрон бўлиб қараб турарди. Шунда бирдан унинг кўз ўнгини туман босгандай бўлди...

— Сиз бундай деб ўйлашингиз мумкин эмас... бу тўғри эмас!— деб гўлдиради у.

— Бу рост! Рост!— деб қичқирарди Аглая ўзини унутиб.
— Рост дегани нимаси? У нима?— деган қўрқиб кетган овоз эшитилди уларнинг ёнларида.

Уларнинг олдларида Лизавета Прокофьевна турарди.

— Рост гап шуки, мен Гаврила Ардалионовичга тегаман! Мен Гаврила Ардалионовични яхши кўраман ва у билан эртагаёқ уйдан қочиб кетаман!— деб унга дағдаға қила кетди Аглая.— Эшитдингизми? Энди кўнглингиз тўлдими? Маъқул бўлдими?

Шундай деб, у уйга қараб чошиб кетди.

— Йўқ, энди отагинам, сиз кетманг,— деб тўхтатди князни Лизавета Прокофьевна,— марҳамат қилинг уйга, бир гаплашиб олайлик... Менга нима азоб бўлди, а, бунинг устига кечаси билан мижжа қоқмай чиққан эдим...

Князь унинг орқасидан кетди.

IX

Лизавета Прокофьевна уйга киргандан сўнг биринчи хонанинг ўзидаёқ тўхтатди; сал ичкарироқ киришга унинг мажоли қолмаган, у буткул ҳолдан тойган ҳолда ўзини кушеткага ташлади, ҳатто князни ўтиришга таклиф қилишни ҳам унутди. Бу, ўртасига доира стол қўйилган анчагина катта зал бўлиб, камин, дерзаларнинг тоқчаларида бир талай гуллар ва орқа томонда боққа чиқиладиган иккинчи ойнаванд эшик бор эди. Бу ерга дарҳол Аделаида билан Александра кириб келишди, улар князь билан Лизавета Прокофьевнага саволомуз, ҳайрон бўлиб қарашарди.

Қизлар боққа кўчиб келганларидан сўнг одатда эрталаб соат тўққизда турар эдилар; фақат Аглая кейинги бир-икки кун ичида барвақт туришга одатланган, у эрталаб боғни сайр қилиб юрарди, лекин шунда ҳам соат еттида эмас, балки саккизда, эҳтимол ундан ҳам кечроқ уйғонарди. Турли ташвишлари билан кечаси ростдан ҳам ухлолмай чиққан Лизавета Прокофьевна боғда Аглаяни кўриш учун атай соат саккизда турди, Аглая ҳам аллақачон турган бўлса керак, деб ўйлади. Лекин на боғда ва на уйда Аглаянинг қораси кўринарди. Шунда у жуда ташвишланиб қизларини уйғотиб чиқди. Хизматкор қиздан Аглая Ивановнанинг соат еттиларда боққа чиқиб кетганлигини билди. Қизлар хаёларараст сингилларининг қилиғидан кулиб қўя қолишди ва ойиларини йўлдан қайтармоқчи бўлишди, агар қидириб борсангиз, Аглаянинг жаҳли чиқиши мумкин, у ҳозир боғдаги кўк скамейкада китоб ўқиб ўтирган бўлса керак, уч кун бурун шу скамейкани миқтаб, ҳатто бу скамейканинг ажэбланадиган фавқуллода

бир жойи йўқ, деб айтган князь Ш. билан сал бўлмаса жанжаллашиб қолай деган эди. Учрашув устидан чиққан Лизавета Прокофьевна қизининг оғзидан чиққан ғалати сўзларни эшитиб жуда ҳам кўрқиб кетди, унинг кўрқиши бежиз эмасди; лекин мана ҳозир князни уйга бошлаб келгандан кейин юраги бутунлай дов бермай қўйди, нимага ҳам шу ишга бошимни суқяпман деди: «Нима, Аглая князь билан боғда учрашиб гаплаша олмай-дими, борингки, улар учрашамиз, деб олдиндан келишган бўлсалар, нима, осмон узилиб ерга тушибдими?»

— Тагин кўнглингизга келтирмангки, отагинам князь,— ниҳоят юрак ютиб гап бошлади у,— мени бу ерга сўроқ қилгани олиб келди деб... Мен, кўзичоғим, кечаги оқшомдан сўнг сен билан анчагача кўришмайдиган эдим...

У дарров тилини тишлаб қолди.

— Лекин ҳар ҳолда бугун биз Аглая Ивановна билан қандай учрашганлигимизни билмоқчисиз, шундайми?— жуда хотиржам туриб деди князь.

— Билсам нима қилибди!— жаҳли чиқиб кетди Лизавета Прокофьевнанинг.— Тўғри гапдан қочган номард. Чунки ҳеч кимни хафа қилган эмасман ва ҳеч кимни хафа қилмоқчи ҳам эмасман...

— Вой, сизни қарангу бировни хафа қилмасдан ҳам билиб олиш мумкин; сиз онасиз. Биз Аглая Ивановна билан бугун эрталаб роса соат еттида кўк скамейкада учрашдик, у кеча мени таклиф қилган эди. Кеча кечқурун менга бир энли қорғоз юбориб, сизда зарур ишим бор, сизни кўришим керак, деб ёзибди. Биз эрталаб у билан кўришиб, фақат Аглая Ивановнага тегишли ишлар юзасидан роса бир соат гаплашиб олдик. Бор гап шу.

— Албатта, бор гап шу, отагинам, ҳеч шубҳасиз шу,— деди виқор билан Лизавета Прокофьевна.

— Жуда соз, князь!— деди Аглая кутилмаганда хопага кириб келаркан,— сизга чин юракдан миннатдорчилик билдираман, мени ёлғон сўзлашдан эҳтиёт қилиб, ҳаммасини айтиб берибсиз. Бўлди, етар энди, татап ёки ҳали яна суриштирмоқчимисиз?

— Биласанми, сенинг олдинда мен ҳеч қачон қизариб қоладиган иш қилмаган эдим... мабодо шундай иш қилсам, сен хурсанд бўлармидинг,— деди насиҳатомуз оҳангда Лизавета Прокофьевна.— Саломат бўлинг, князь, узр, сизни безовта қилиб қўйдим. Сизга бўлган ҳурматимнинг ўзгармас эканлигига ишонасиз, деб умид қиламан.

Князь шу заҳоти ҳар икки томонга қараб талғим қилди-да, индамасдан чиқиб кетди. Александра билан Аделаида жил-

майиб, бир-бирларига нималардир деб пичирлашди. Лизавета Прокофьевна уларга жиддий қараб қўйди.

— Кулаётганимизнинг сабаби, ойи,— деб кулиб юборди Аделаида,— князь жуда ажойиб қилиб таъзим қилди: баъзан худди қопга ўхшаб қолади, ҳозир эса, худди... худди Евгений Павличнинг ўзи бўлиб кетди.

— Виқор ва назокатга раққос уста эмас, юракнинг ўзи ўртади,— деди маънодор қилиб Лизавета Прокофьевна ва Аглаяга ҳатто қарамасдан тепага чиқиб кетди.

Князь соат тўққизларда уйга қайтиб, равонда Вера Лукьяновна билан хизматкор қизни кўрди. Улар кечаги зиёфатдан кейин уни йиғиштириб, супуриб-сидириб юришарди.

— Худога шукур, келгунларича улгурдик!— хурсанд бўлиб деди Вера.

— Салом; менинг бир оз бошим айланяпти; кечаси ухлолмадим; бирпас мизғиб олсам деган эдим.

— Кечагидай шу равонда ётасизми? Яхши. Мен ҳаммага айтаман, сизни безовта қилишмайди. Отам қаёққадир кетдилар.

Хизматкор қиз чиқиб кетди; Вера унинг ортидан чиқиб кетмоқчи бўлиб яна орқасига қайтди ва ташвишланганча князнинг олдига келди.

— Князь, анави... шўрликка раҳм қилинг; уни бугунчалик ҳайдаб юборманг.

— Асло ҳайдамайман; билганини қилсин.

— У энди ҳеч нарса қилмайди... унга бунчалик қаттиқ гапирманг.

— О йўқ, нега энди?

— Иннайкейин... ундан кулманг; ҳаммадан ҳам муҳими шу.

— О, хаёлимга ҳам келтирмаганман.

— Мен тентакман, сиздек одамга шу гапларни айтиб ўтирибман,— қизариб кетди Вера.— Сиз чарчаган бўлсангиз ҳам,— деди Вера кетиш учун ёнига буриларкан кулганча,— кўзларингиз жуда бошқача бўлиб турибди... бахтлисиз жуда.

— Наҳотки шундай бўлса?— жонланиб кетиб сўради князь ва кулиб юборди.

Лекин худди ўсмир болалардай содда ва самимий Вера бирдан уялиб кетди, яна ҳам қаттиқроқ қизарди ва кула-кула лонадан шошилганча қочиб чиқди.

«Қандай... яхши...»— деб ўйлади князь ва шу заҳоти уни унутди. У равоннинг кушетка ва стол қўйилган бурчагига борди, ўтирди, шу кўйи ўн минутча қўллари билан юзларини тўсганча ўтириб қолди. Бирдан шошилган ва ташвишланганча ён чўнтагига қўлини оборди ва учта хатни олди.

Лекин яна эшик очилиб Коля кириб келди. Князь хатни яна чўнтакка солиб қўйишга тўғри келганидан ва уни ўқишни кечиктирганидан хурсанд бўлганга ўхшарди.

— Ана сизга ҳангома!— деди Коля кушеткага ўтираркан, ҳамма ўзига ўхшаганлар каби гапни дангал бошларкан.— Сиз энди Ипполитга қандай қарайсиз? Ҳурматингиз йўқолдими?

— Нега энди... лекин, Коля, мен чарчадим... Бунинг устига яна шу ҳақда одамнинг гаплашгиси келмаяпти... Айтгандай, у нима қиляпти?

— Уйқуда, яна икки соат ухлайди ҳали. Тушунарли; сиз уйда ётмадингизми, боғ ичида ухладингиз шекилли... тўғри, ҳаяжон... бўлмаса-чи?

— Мен боғда юрганимни ва уйда ухламаганимни сиз қаердан биласиз?

— Вера ҳозир айтди. Кирманг олдиларига, деб илтимос қилди; мен чидамадим, ҳозир кетаман. Мен икки соат беморнинг олдида ўтирдим; ҳозир унинг олдига Костя Лебедевни қўйиб чиқяпман. Бурдовский жўнаб кетди. Бўпти, ётиб дам олинг, князь; хайрли... хўп, хайрли кун! Фақат биласизми, мен жуда ҳайратга тушдим!

— Албатта... бу ҳаммаси...

— Йўқ, князь, йўқ; мен унинг юрагини шунчалар изҳор қилганидан ҳайратдаман. Энг муҳими, жинлар ва келажак ҳақидаги жойлари мени лол қилиб қўйди. Уша ерда жуда ҳам бу-ю-юк бир фикр бор!

Князь шу буюк фикр ҳақида ўртоқлашиш учун кирган Коляга дўстона ва илиқ қараб қўйди.

— Лекин энг муҳими, энг муҳими, битта фикрда эмас, балки муҳитда! Агар буни Вольтер, Руссо, Прудон ёзган бўлганда, мен ўқирдим, белгилаб қўярдим, лекин бу қадар ҳайратга тушмасдим. Лекин яшашига ўн минутгина вақт қолганлигини билиб туриб мана шундай сўзлай олган одам,— бу жуда мағрур! Ахир бу ўз қадрини билишнинг энг олий мустақиллиги, ахир бу ҳеч нарсага қарамасдан бошни баланд кўтариб юрмоқ ва ифтихор қилмоқ... Йўқ, бу руҳнинг улугвор қудрати! Ана шундан кейин мен атай пистонни солмаган эдим дейишлик — бу ғайритабиий ва тубан! Биласизми, у кеча ёлгон сўзлади, айёрлик қилди: мен у билан сакки жойлашмаган эдим, ҳеч қандай тўппончани кўрганим йўқ эди; у ўзи ҳаммасини жойлаштирган, шунинг учун бирдан ҳайрон бўлиб нима қилишимни билмай қолдим. Вера айтяпти, майли, бу ерда қолса қолаверсин, дебсиз; сўз бериб айтаманки, энди хавотир олмаса ҳам бўлади, бунинг устига ҳаммамиз унинг олдида бўламыз.

— Кечаси унинг олдида кимлар бўлди?

— Мен, Костя Лебедев, Бурдовский; Келлер бирпас бўлди, кейин Лебедевнинг олдига кириб кетди, бизнинг олдимизда ётадиган ҳеч нарса йўқ эди. Фердишченко ҳам Лебедевнинг олдида ётди, соат еттида кетди. Генерал доим Лебедев билан бирга, ҳозир у ҳам йўқ... Лебедев ҳозир сизнинг олдингизга келса керак; билмадим, негадир сизни қидириб юрган эди, икки марта сўради. Сиз ухлагани ётадиган бўлсангиз, уни киритайликми, йўқми? Мен ҳам бориб ухлайман. Э, ҳа, сизга бир нарсани айтман, деган эдим; боя генерал мени жуда ажаблантириб қўйди: Бурдовский мени соат еттида навбатчилик қилишга уйғотди, соат ҳатто ҳали олтилар эди; мен бир зумга ташқарига чиқдим, кутилмаганда генералга дуч келдим, у ғирт маст эди, мени зўрға таниди: олдимда худди холадай ғўдайиб туриб олган; сал ўзига келиб менга ёпишиб олди: «Беморнинг аҳволи қалай, дейди? Мен касалнинг аҳволини билмоқчи бўлиб бораётгандим...» Мен у-бу деган бўлдим. «Буларнинг ҳаммаси яхши, дейди, лекин мен сени огоҳлантириб қўймоқчи бўлиб бораётган эдим: менга шу нарса маълум бўлдики, жаноб Фердишченконинг олдида ҳамма нарсани гапириб бўлмайди, шунинг учун... эҳтиёт бўлиш керак». Тушундингизми, князь?

— Наҳотки? Айтганча... бизга барибир.

— Тўғри, бизга, шубҳасиз, барибир, биз масонлар эмасмиз! Шунинг учун генерал битта шу гапни деб мени кечаси уйғотмоқчи бўлганига ажабланиб қолдим.

— Фердишченко кетди дедингизми?

— Соат еттида; йўл-йўлакай менинг олдимга кириб ўтди, навбатчилик қилаётган эдим. Қолган уйқун Вилкиннинг олдига бориб ураман, деди,— Вилкин деган шунақа бир ароқхўр бор. Бўлди, кетдим! Ана, Лукьян Тимофеичнинг ўзи ҳам келиб қолди... Князь ухлайман деяпти, Лукьян Тимофеич; орқага бурининг!

— Муҳтарам князь, бир зумга кирдим, менинг кўз ўнгимда дуҳим бўлиб кўринган бир масала юзасидан,— астагина гапирди аллақандай зўраки ва тўлқинланган товуш билан кириб келган Лебедев ва қондасини ўрнига қўйиб таъзим қилди. У ҳовиргина қайтиб келган, ҳатто ўз хонасига киришга ҳам улгурмаган, шунинг учун шляпасини ҳам қўлида ушлаб турарди. Унинг чеҳраси жуда ташвишли кўринар, қандайдир ўзига хос, фанкулодда бир ғурур акс этарди униинг юзида. Князь уни ўтишига таклиф қилди.

— Сиз мени икки марта сўрадингизми? Сиз балки кечаги нима бўлади деб ташвишланаётгандирсиз?

— Кечаги бола масаласини айтяпсизми, князь? О йўқ; кеча ширларим жуда чалкашиб ётган эди... лекин бугун мен сизнинг

тахминларингизни заррача ҳам контрекарлаштирмоқчи эмасман.

— Контрека... нима дедингиз?

— Контрекарлаштирмоқчи эмасман, дедим. Рус тилига кирган бошқа жуда кўп сўзлар қатори французча сўз; лекин мен унга ёпишиб олмоқчи эмасман.

— Ҳа, намунача, бугун жуда бошқачасиз, Лебедев, сипо ва жиддий кўрinasиз, гапларингизни ҳам чертиб-чертиб айтасиз,— жилмайди князь.

— Николай Ардалионович!— ийиб кетган одамларнинг товуши билан Коляга мурожаат қилди Лебедев,— фақат князнинг ўзига айтадиган сўзим бор эди, яъни хусусан...

— Ҳа, албатта, албатта, менга алоқаси йўқ! Хайр, князь!— Коля дарҳол чиқиб кетди.

— Жуда зийрак бола, яхши кўраман,— деди Лебедев унинг орқасидан қараб қоларкан,— бир оз сурбетроқ демасангиз, жуда чаққон бола. Кеча тунда ёки бугун тонг қоронғисида бошимга огир бахтсизлик тушиб қолди, муҳтарам князь... ҳозир аниқ вақтини билолмай турибман...

— Нима бўлди?

— Ен чўнтагимдан тўрт юз сўм пулим йўқолди, муҳтарам князь; бошлаб кетишибди!— деб қўшиб қўйди Лебедев ачиқ илжайиб.

— Сиз тўрт юз сўм йўқотдингизми? Чатоқ бўлибди.

— Ўз кунини ўзи кўрадиган бечора бир одамга албатта огир.

— Албатта, албатта; нима бўлди?

— Ичкиликнинг оқибати. Сиз фариштадек одамсиз, шунинг учун ҳузурингизга кирдим. Биров мендан тўрт юз сўм қарз эди, кеча соат бешда кумуш пул ҳисобида олиб келиб берган эди, поезд билан уйга қайтгандим. Ҳамёним чўнтагимда эди. Вицмундиримни сюртукка алмаштирдим уйга келганимдан сўнг, пулни ҳам ёнимда турсин деб сюртуkning чўнтагига солиб қўйдим, кечкурун озгина пул сўраган эди, ўшанга бериб юбормоқчи эдим, одам юбораман деган эди.

— Айтганча, Лукьян Тимофенч, сизнинг газеталарда чиққанлигингиз ростми, олтин, кумуш нарсаларини гаровга олиб қолиб пул берар эмишсиз?

— Ўртада одам туради; адресдан бошқа менинг номим кўрсатилмаган. Жиндаккина сармоям бор, авлодлар кўпаяпти, пул қарз бериб жиндак фойда олсам ёмонми...

— Ҳа, албатта, албатта; шундай ўзим сўраган эдим; кечиринг, гапингизни бўлиб қўйдим.

— Пулга одам келмади. Бу орада ҳалиги шўрликни олиб келишди; мен овқатланиб кайфиятимни анча жўнаштириб

юборган эдим; ҳалиги меҳмонлар киришди, ичишди... чойни, мен ҳам... фалокат оёқ тагида туришини билмай хурсанд бўлиб кетибман денг. Бир маҳал бўлиб қолганда анави Келлер дегани кириб бугун сизнинг байрамнингиз эканлигини айтди, шампанларни олиб чиқинг, деди, мен ҳам муҳтарам князь, сезган бўлсангиз (сезган бўлишингиз керак албатта, чунки мен шунга муносиб одамман), меннинг ҳам юрагим бор, жуда ҳам таъсирчан ва ҳиссиётли бўлмаса ҳам, лекин олижаноб юрагим бор, мен бу билан фахрланаман,— мен сизни янада тантаналироқ қаршилаш мақсадида, сизни шахсан муборакбод қилиш нияти билан эски-тускиларимни ечиб яна боя ечиб қўйган вицмундиримни кийиб олдим, сиз буни, назаримда, сезган бўлсангиз керак, князь, бутун кеча давомида вицмундир кийиб юрганлигимни. Кийимларимни алмаштираётганимда сюртукнинг чўнтагидаги пул эсимдан чиқиб қолаверибди... Филҳақиқат, худо жазо берман деса, аввало одамнинг ақлини олади. Бугун эрталаб етти яримда ўрнимдан туриб бирдан эсимга тушиб қолса бўладими, жинниларга ўхшаб ўрнимдан саччиб туриб кетдим, дарров сюртугимнинг чўнтагига бориб ёпишдим,— чўнтак бўм-бўш эди! Ҳамёни шилиб кетишибди! Ном-нишони йўқ.

— Оҳ, ёмон бўлибди!

— Албатта, ёмон; сиз буни жуда назокат билан айтдингиз,— қувлик билан қўшиб қўйди Лебедев.

— Лекин қандай қилиб...— ташвишга ботди князь ўйга толиб, бу жуда жиддий-ку,

— Ҳа, жуда жиддий — топдингиз, бу сўзингиз олдингисидан ҳам назокатлироқ бўлди, князь.

— Оҳ, қўйсангиз-чи, Лукьян Тимофенч, нимасини топибман? Гап сўзларда эмас-ку... Маст бўлиб қолганингизда чўнтагингиздан тушиб қолмадимкин?

— Мумкин. Маст аҳволда ҳамма нарса бўлиши мумкин, сиз буни жуда тўғри айтдингиз, муҳтарам князь! Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг: мен сюртукни алмаштираётганимда ҳамён эрга тушиб қолган бўлса, у шу ернинг ўзида тушиб ётмасмиди. Қани унинг тушиб ётгани?

— Сиз уни столғами, яшикками, бирон жойга қўймадингизмикин?

— Ҳамма ёқни қидиравериб ағдар-тўнтар қилиб юбордим, лекин барибир уни ҳеч қаерга беркитмаган, яшикка солмаган эдим, жуда яхши эслаймак буни.

— Жавончангизни қарадингизми?

— Аввало жавончани қарадим, шу бугуннинг ўзида бир неча марта очиб кўрдим... У ерга қандай ҳам қўяй, омон бўлгур, муҳтарам князь?

— Гапнинг очиги, Лебедев, чатоқ бўлибди. Демак, биров полдан топиб олгандир-да?

— Ё чўнтакдан ўғирлаб олган! Ё униси, ё буниси.

— Жуда чатоқ бўлибди, ким бундай қилиши... Масала шунда!

— Ҳеч қандай шак-шубҳасиз, энг муҳим масала шунда; сиз сўзларни, фикрларни жуда топиб айтасиз, аҳволни дарров ойдинлаштирасиз, марҳаматли ҳазратим князь.

— Эҳ, Лукьян Тимофенч, қўйинг масхарабозликни, бу ерда...

— Масхарабозлик!— деб қичқириб юборди Лебедев қўлларини бир-бирига қарсиллатиб уриб.

— Бўпти-бўпти, майли, мен хафа бўлаётганим йўқ, гап бошқада... Мен одамлардан қўрқаман. Қимдан шубҳа қиляпсиз?

— Жуда қийин ва... жуда мураккаб, чигал савол! Хизматкор қиздан кўнглим тўқ: у ошхонадан бу ёққа чиққани йўқ. Ўз фарзандларимдан ҳам шубҳам йўқ...

— Бўлмасам-чи.

— Унда меҳмонлардан кимдир.

— Лекин шундай бўлиши мумкинми?

— Бутунлай ва мутлақо бўлиши мумкинмас, лекин шундай бўлиши турган гап. Шунга қарамасдан ўйлашимча ва ҳатто ишонимча, агар ўғирланган бўлса, кечқурун ҳамма йиғилган маҳалда ўғирланмаган, кечаси ва ё бўлмаса тонг қоронғисида ўғирланган, ётиб қолганлардан биронтаси олган.

— Эҳ, ёмон бўлибди!

— Бурдовский билан Николай Ардалионовични мен ҳисобламайман, бу табиий; улар меникига кирганлари ҳам йўқ.

— Гапингизни қаранг, кирганларида ҳам нима! Қим сизникида ётиб қолган эди?

— Менинг ўзимни ҳам қўшиб ҳисоблаганда иккита ёнма-ён хонада тўрт киши ётдик: мен, генерал, Келлер ва жаноб Фердишченко. Демак, шу тўрттовимиздан биримиз олган бўламиз.

— Уч кишидан бири; лекин ким бўлиши мумкин?

— Мен адолат ва инсоф юзасидан ўзимни ҳам қўшиб қўяяпман; лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, князь, мен ўзим ўз чўнтагимга ўғирликка тушмасам керак, гарчи бундай воқеалар дунёда бўлган...

— Оҳ, Лебедев, мунча ҳам зерикарли бу гаплар!— деб қичқирди сабрсизлик билан князь.— Гапнинг пўскалласини айтиб қўя қолинг, мунча чўзасиз!..

— Демак, уч киши қолади, биринчидан, жаноб Келлер жуда беқарор, маст-аласт бўлиб юрадиган ва баъзи бир кезларда чўнтак масаласида кўнгли бўшроқ; бошқа бир жиҳатлардан либераллардан кўра қадимги рицарларга ҳам ўхшаб

кетади. У аввал шу ерда беморнинг олдида ётиб қолди, кейин қуруқ полда ётиб бўлмашпти, деб бизнинг олдимизга ўтди.

— Ундан шубҳангиз борми?

— Шубҳаланган эдим. Мен эрталаб соат саккизларда худди жинниларга ўхшаб ўрнимдан сакраб туриб, пешонамга бир урдим-да, дарров худди бегуноҳ болалардай ухлаб ётган генерални уйғотдим. Фердишченконинг бирдан ғойиб бўлиб қолганлигини эътиборимизга олиб қўйдик-да, шунинг ўзи ҳам бизни шубҳага солиб қўйди,— биз дарҳол худди, худди... каттақон миҳга ўхшаб узала тушиб ухлаётган Келлерни тинтиб кўришга қарор қилдик. Ҳамма ёгини қараб чиқдик: шўрликнинг чўнтагида бир тийин ҳам йўқ экан, ҳатто биронта бутун чўнтагини тополмадик. Кўк катак, бумази дастрўмоли бир бало бўлиб кетган. Яна аллақандай бир уй хизматкоридан ишқий мактуб, унда пул талаб қилинган ва пўписалар қилинган. Яна сизга маълум бўлмиш фелъетоннинг парча-пурчалари. Генерал, бу олмаган деди. Ишончимиз тўла бўлиши учун уни уйғотдик, зўрға кўзини очди; нима гаплигини англамайди; оғзини очади, ўзи ғирт маст, юзининг ифодаси бемаъни ва бегуноҳ, ҳатто аҳмоқона,— у эмас!

— Унда жуда хурсандман!— қувониб хўрсиниб қўйди князь.— Мен ундан жуда қўрққан эдим!

— Қўрқдим дейсизми? Демак, бир нарсани сезган бўлсангиз керак-да?— деб кўзини қисиб қаради Лебедев.

— О йўқ, мен шундай ўзим,— тилини тишлаб қолди князь,— қўрққан эдим, деб жуда бемаъни гапириб қўйдим. Барака топинг, Лебедев, буни ҳеч ким билмай қўя қолсин...

— Князь, князь! Сизнинг сўзларингиз менинг қалбимда... қалбимнинг қаърида! Сўз қабрга тушгандай тек ётади!..— оҳанжама билан деди Лебедев шляпасини кўксига босаркан.

— Яхши, яхши!.. Унда Фердишченкоми? Яъни, мен; демоқчиманки, сиз Фердишченкодан шубҳангиз борми?

— Бошқа кимдан бўларди?—секингина деди Лебедев князнинг кўзларига диққат билан тикиларкан.

— Тўғри, албатта... яна ким бўларди... яъни, демоқчиманки, биронта далилларингиз борми?

— Далиллар бор. Биринчидан, соат еттида ғойиб бўлгани, ҳатто етти бўлмасидан кетиб қолган.

— Биламан, менга Коля айтган эди, у Коляга мен аллақимшикига... номини ёдимдан чиқардим, ухлагани кетяпман, деган экан, ўртоғимниш.

— Вилкинникига. Шундай, демак, сизга Николай Ардалионович айтиб улгурибдилар-да?

— У ўғирлик ҳақида ҳеч нарса дегани йўқ.

— У билмайди ҳам буни, мен ҳозирча ҳеч кимга айтмай турибман. Хўш, демак, Вилкинникига кетган; бунинг нима ажабланидиган жойи бор, бир қарасанг, маст одам иккинчи бир маст ўртоғиникига ухлагани жўнаган бўлса, нима қилибди, бесабабдан-бесабаб тонг қоронғисида жўнаганини айтинг тагин? Лекин худди мана шу ерда из очилади: у кетаётганда адресни, борадиган жойини айтиб кетади... Энди, князь, масалани ўзингиз кузатиб туринг: нега у адрес қолдиради?.. Нега у ўзидан-ўзи йўлдан тўхтаб, Николай Ардалионовичнинг олди-га кириб, унга «мен шундай Вилкинникига ухлагани кетяман», дейди худди атай қилгандай. Унинг кимникига кетаётгани билан кимнинг нима иши бор, яна баайни Вилкинникига жўнаганмиш? Кимга бу хабар? Йўқ, бу ерда бир нозик иш бор, ўғри муғамбирлик қилган! Бунинг маъниси: «Мана, мен атай қаерга кетаётганимни яширмайман, ўғри бўлсам, яширар эдим. Ахир, ўғри ўзининг қаёққа кетаётганини айтиб кетадими?» Шубҳага ўрин қўймаслик учун қилаётган хунарини қаранг, қумга тушган изларини йўқотмоқчи... Гапларимни англандигизми, муҳтарам князь?

— Тушундим, жуда яхши тушундим, лекин бу етарли эмас-ку?

— Иккинчи далил; из ёлғон из экан, адрес эса нотўғри. Бир соатдан кейин мен соат саккизда Вилкиннинг уйига етиб бориб эшигини тақиллатдим; у шу яқинда Бешинчи кўчада туради, ҳатто таниш. Фердищенко дегандан ном-нишон йўқ. Қулоғи кар бўлиб қолган бир хизматкор хотин очди, бир соат илгари аллаким эшикни қаттиқ-қаттиқ тақиллатди, ҳатто қўнғироқнинг ипини ҳам узиб юборибди, деди. Лекин хизматкор хотин жаноб Вилкинни уйғотиб юбормаслик учун балки тўғрироғи, ўзи ўрнидан тургиси келмасдан, эшикни очмабди. Шундай воқеалар ҳам бўлиб туради. Хизматкор хотиндан билган гапим шу бўлди.

— Топган далилларингиз ҳаммаси шуми? Бу оз.

— Князь, унда ким бўлиши мумкин? Кимдан кўр дейсиз?— деди худди эриб кетаётган одамдай Лебедев ҳийлакорлик билан кулиб қўяркан.

— Сиз уйнинг ичини, яшикларни яна бир марта яхшилаб қараб чиқсангиз бўларди!—бир зум ўйга ботиб тургандан сўнг таъвишланиб деди князь.

— Қараб чиқдим!— боягидан ҳам ширинроқ қилиб деди Лебедев хўрсиниб.

— Ҳим!.. Нега, нега шу сюртукни еча қолган экансиз!—деб хитоб қилди князь азбаройи энсаси қотганидан столни мушти билан уриб.

— Бир эски комедияда ҳам шундай савол бўларди. Лекин, эй кўнгли дарё князь! Сиз менинг бошимга тушган кўргиликни юрагингизга жуда ҳам яқин оляпсиз! Мен бунга арзимамайман. Яъни мен ёлғиз ўзим бунга арзимамайман, демоқчиман. Лекин сиз ўғрини деб ҳам... яъни ўша бемаза жаноб Фердишченкони деб ҳам қийналяпсизми дейман?

— Ҳа, мени жуда ташвишлантириб қўйдингиз,— паришонлик билан норози бўлиб деди князь.—Хўп, энди нима қилмоқчисиз асти... агар Фердишченко олганлигига ишончингиз комил бўлса?

— Князь, муҳтарам князь, ахир бошқа ким бўлиши мумкин?— дер эди борган сари тилидан бол томган Лебедев қийшанглаб бураларкан.—Ахир кимни ўйлашингни, кимдан кўришингни ҳам билмайсан киши, шу Фердишченкодан бошқа, яна ким бўлиши мумкин, сира ақлга тўғри келмайди, ана шунинг ўзи ҳам Фердишченкодан кўриш учун учинчи далил бўлади! Бўлмаса, бошқа ким олиши мумкин? Жаноб Бурдовскийдан шубҳаланиб ўтирмасам керак ахир, ҳе-ҳе-ҳе?

— Топган гапингизни қаранг!

— Унда генералдан кўрайми, бўлмасам, ҳе-ҳе-ҳе?

— Шу ҳам ўлжа бўлди-ю?—жаҳли чиққандай бўлиб деди князь ўтирган ерида бетоқат бўлиб буриларкан...

— Ўлжа бўлганда ҳам қандай! Ҳе-ҳе-ҳе! Одамнинг кулги-сини қистатади, шу генерални айтаман-да! Ҳали излар босилмасдан у билан Вилкинникига бордик... сизга айтиб қўйишим керакки, пул йўқолгандан кейин мен биринчи бўлиб генерални уйғотган эдим, у мендан кўра ҳам қаттиқроқ ҳайратга тушди, ҳатто юзи ҳам ўзгариб, қизариб-бўзариб кетди, ёмон жаҳли чиқди, ҳамма олижаноб одамлар каби жуда норози бўлди, мен ўзим ҳам бунчалар бўлади, деб сира ўйламаган эдим. Ҳаддан ташқари олижаноб одам! Бир нозик жойи бор, тўхтовсиз ёлгон гапиради, лекин жуда олий ҳиссиётлар билан яшайди, шунга қарамасдан, жуда ҳафтафаҳм одам, ўзининг маъсум ва бегуноҳлиги билан тўла ишончга сазовор. Муҳтарам князь, сизга айтган эдим, у билан жуда яхши чиқишаман, уни ҳатто яхши кўраман. Бирдан кўчанинг ўртасида тўхтаб, сюртугини ланг олиб, кўкрагига уради денг: «Мана мени ҳам тинтиб кўр, дейди, Келлери тинтиб кўрдинг-ку, нега мени тинтимайсан? Адолат юзасидан шундай қилишинг керак!» Шундай дейди-ю, ўзининг қўл-оёқлари қалтирайди, ранги қум ўчиб кетган денг, вазжоҳати жуда ёмон. Мен кулиб юбордим: «Менга қара, генерал, дедим, менга бошқа бир одам сен ҳақингда шундай деганди, мен шунда шу заҳоти ўз қўлим билан бошимни шартта олиб каттакон лаганга солардим у лаганини барча дарғумон

одамларга тутган бўлардим: «Мана шу менинг бошим бўлади, мен шу бошим билан унга кафил бўламан, унинг учун бош деган нима бўлибди, ўзимни ҳатто оловга ташлашга ҳам тайёрман, дедим. Сенга мен шундай ишонаман, деб айтдим». Шундан кейин кўчанинг ўртасида ўзини менинг қучоғимга ташлади, кўз ёши қилди, ҳадеб титрайди денг, мени шунчалар қаттиқ қучоқлаб олдики, зўрғагина йўталиш чиқибди денг. «Сен дейди, мен шўрпешонанинг бахтига битган бирдан-бир ошнамсан!» Жуда кўзи нам одам! Албатта, дарров йўл-йўлакай шунга тўғри келадиган бир ҳангомани айтиб берди, ёшлигида ундан беш юз минг сўмни ўғирлади, деб шубҳаланган эканлар, лекин эртасигаёқ у ёнаётган уйга ўзини отиб ундан шубҳа қилган граф билан Нина Александровнани ўт ичидан олиб чиққан экан, Нина Александровна у пайтларда ҳали қиз бола экан. Граф уни қучоқлаб олибди, шундан сўнг у Нина Александровнага уйланибди, эртасига ёнган уйнинг вайроналаридан пул солинган қутичани топиб олишибди; бу темир қутичани инглизлар ишлашган, унинг махфий қулф-калити бор экан, қандайдир бўлиб полнинг тагига тушиб қолиб, ҳеч ким уни кўрмаган ва фақат уйга ўт тушгандан кейингина топилган экан. Чоли тушгур ёлғонни ямламай ютади. Лекин Нина Александровнани гапирётганда бечора инграб юборди. Мендан жаҳли чиқиб қовоғини солиб юрган бўлса ҳам, лекин жуда олижаноб аёл Нина Александровна.

— Сиз у билан таниш эмасмисиз?

— Таниш эмасмиз десам ҳам бўлади, лекин чин юракда таниш бўлишни истардим, жилла курса, унинг кўз ўнгиде ўзимни оқлаб олардим. Нина Александровна мenden хафа эримни шу одам майхўрликка ўргатяпти, деб ўйлайди. Лекин мен уни бузаётганим йўқ, аксинча, уни йўлга соляпман, ёмоғ йўлга кириб кетишдан сақлаяпман. Уни ҳалокатга олиб бориши мумкин бўлган одамларни атрофига келтирмай қўйдим. Бунинг устига у менинг дўстим бўлади, сизга айтиб қўяйки мен уни энди ташлаб кетмайман, яъни шундай қилмоқчиман у қаёққа борса, мен ҳам бораман, чунки унинг кўнглини фақат шундай нозик туйғулар билан овлаш мумкин. Ҳозир у капитаннинг бевасига бораман, деб қисталанг қилмайди, лекин баъзан жуда хумор қилиб кетади ва айниқса, эрталаблари ўрнида туриб этигини кияётган чоғида жуда қўмсаб оқ-воҳ қилиб юборади, нега шу пайт айниқса, хумори тутади, сира ақлим бовақ қилмайди. Унинг бир тийин пули йўқ, жуда чатоқ, беванин олдига эса қуруқ қўл билан бориб бўлмайди. У сиздан пул сўрамадими, муҳтарам князь?

— Йўқ, сўрамади.

— Уялаётган бўлса керак. У сўрамоқчи эди, менга ҳам айтган эди, ундан пул сўрасаммикин деб, лекин жуда уятчан, яқиндагина унга қарз берган экансиз, энди яна бермаса керак, дейди. Менга шундай дарду ҳасратини айтиб туради.

— Сиз унга пул бермайсизми?

— Князь! Муҳтарам князь! Фақат пул эмас, пул нима бўлибди, мен бу одамга ҳаётимни... йўқ, муболага қилиб юбормоқчи эмасман,— ҳаётимни беролмайман, лекин унинг учун иситмами ё йўтал-пўталми, ё яра-парами, майли, худо ҳаққи, нима бўлмасин, шунга ўхшаш бир нарсанинг азобини тортишга розиман, агар ҳаддан ташқари шу лозим бўлиб қолса дейман-да, зотан, мен уни улуғ, лекин тамом бўлган одам деб ҳисоблайман! Шундай, пул нима бўлибди!

— Демак, пул бериб турасизми?

— Й-йўқ; пул берган эмасман, пул бермаслигимни унинг ўзи ҳам билади, лекин мен буни унинг маиёфатини кўзлаб қиламан, у тузалсин, ўзини сақласин, дейман. Энди мен билан Петербургга бормоқчи; мен Петербургга жаноб Фердишченконинг қайноқ изларидан бораман, бинобарин, биламанки, у ҳозир ўша ерда. Менинг генералим тушмагур қайнаб турибди; лекин гумонимча, Петербургга боргандан кейин менинг кўзимни шамғалат қилиб қочиб қолади капитаннинг беваси ҳузурига қараб. Мен, рост, уни атай қўйиб юбораман, жаноб Фердишченкони осонгина ушлаб олиш учун шаҳарга борганимиз ҳаманоқ ҳар ёққа тарқалиб кетамиз, деб у билан келишиб олганмиз. Шундай қилиб, мен уни ўз ҳолига қўяман, кейин бирдан капитаннинг бевасиникига бостириб бораман, қўлга тушираман,— оиламанд одам нима қилиб бу ерда юрибсиз, шу одамгарчиликданми, деб уялтираман.

— Фақат шов-шув кўтарманг, Лебедев, худо ҳаққи, шов-шув кўтарманг,— деди секин овозини чиқармасдан князь қаттиқ безовталаниб.

— О йўқ, уни уялтираман, холос, кейин юзининг қандай ўзгариб кетишини бир кўрмоқчиман, бинобарин, жуда кўп нарсаларни одамнинг башарасига қараб билиб олиш мумкин, муҳтарам князь, айниқса, мана бундай одамларни! Оҳ, князь! Ўзимнинг кўргилигим ўзимга етмагандай яна шу кишининг ташвишини ҳам ейишим керак, унинг ахлоқини тузатиш устида ўйлашим керак. Сиздан жуда катта бир илтимосим бор, князь, олдингизга худди шунинг учун келган эдим гапнинг очиғи: сиз уларнинг хонадонларини биласиз, у ерда яшагансиз; сиз жуда феъли кенг одамсиз, меҳрибон князь, менга ёрдам берсангиз деган эдим, генералнинг ўзига, унинг хонадонига яхши бўларди, билъакс...

Лебедев худди ялинаётган одамдай қўлларини қовуштириб турарди.

— Майли-ку? Қандай ёрдам берай? Ишончингиз комил бўлсинки, мен сизнинг гапларингизни яхшилаб тушуниб олмоқчиман, Лебедев.

— Ёлғиз шундай ишонч билан олдингизга келган эдим! **Нина Александровна** орқали таъсир қилиш мумкин эди; жано-би олийларининг бутун хатти-ҳаракатларини ўз хонадонлари қучоғида тўла-тўқис кузатиш мумкин бўларди. Мен бахтга қарши, таниш эмасман... Бунинг устига яна Николай Ардалионович ҳам ёрдам бериши мумкин эди, ахир, у сизни ёш қалбнинг бутун ўтли нафаси билан яхши кўради..

— Й-йўқ... **Нина Александровнани** бу ишга... худо сақласин! Коляни ҳам... Мен, ростини айтсам, сизни ҳали тушуниб етганимча йўқ, Лебедев.

— Бунинг нимасини тушунмайсиз!— ўрнидан сакраб тушди Лебедев.— Меҳрибонлик ва мулоимлик билан биз ўз беморимизни даволашимиз мумкин. **Мен уни касал** деб ҳисобласам, ижозат этасизми, князь?

— Бу сизнинг назокатли ва ақлли одам эканлигингизни кўрсатади.

— Сизга **яна** равшан бўлиши учун ҳаётдан олинган бир мисол келтираман. Биласизми, унинг қандай одам эканлигини: у капитаниниг беваси олдига бормасдан туролмайди, унинг олдига бориш учун эса пул керак, мен уни бугун ўша ерда қўлга тушираман, ўзига яхши бўлади. Бева ҳам майли-я, у чинакам жиноят қилиб, жуда ёмон аҳволга тушиб қолган тақдирда ҳам (у бунга қодир бўлмаса ҳам керак), ҳа, шундай бўлганида ҳам, уни майинлик билан, олижаноблик билан қўлга олиш мумкин, айтияман-ку, сизга уни жуда кўзи нам одам деб! Ишонинг, у беш кунга ҳам чидамайди, ўзи келиб айтади, кўз ёши тўқиб, ҳаммасини бўйинга олади, — айниқса, усталлик билан ишнинг кўзини биллиб ҳаракат қилинса, онлада кузатиб турилса, сиз ҳам унинг қадамларидан огоҳ бўлсангиз, нима қилаётганлигини кўздан қочирмасангиз... О, жонфизо ва жонгудоз князь!— деб ўрнидан сакраб туриб кетди Лебедев аллақандай жуда илҳомланиб кетиб, — мен ахир, аниқ у деб айтаётганим йўқ... Мен ҳозирнинг ўзида уни деб қон тўкишга тайёрман, лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, ўзини тутолмаслик, майхўрлик, бева хотин, буларнинг ҳаммаси бир бўлиб одамни ҳар кўйга солиши мумкин.

— Мен қўлимдан келганча ёрдам беришим мумкин, — деди князь ўрнидан тураркан, — лекин сиздан яширишнинг ҳожати йўқ, мен жуда ташвишланиб қолдим; айтинг-чи, сиз ҳали ҳам...

бир сўз билан айтганда, ўзингиз айтяпсиз-ку, жаноб Фердишченкодан гумоним бор, деб?

— Бошқа кимдан бўларди? Бошқа кимдан бўларди, эй поктийнат князь?— деб яна тилидан бол томганча қўлларини қовуштирди, ширин табассум қилиб Лебедев.

Князь қовоғини солиб ўрнидан турди.

— Биласизми, Лукьян Тимофеич, бу ерда янглишиш жуда оғир оқибатларга олиб боради. Бу Фердишченко... мен унинг орқасидан ёмон гапиришни истамас эдим... лекин шу Фердишченко... яъни, ким билади яна, балки у олгандир!.. Мен айтмоқчиманки, балки унинг қўлидан шундай иш келиши мумкин, бошқаларга қараганда ҳам у кўпроқ шундай қилиши мумкин.

Лебедев кўзлари катта очилди, қулоқлари динг бўлди.

— Биласизми,— деб борган сари тутиларкан, баттар қовоғини соларди князь хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келаркан Лебедевнинг юзига қарамасликка ҳаракат қилиб,— менга айтишдики... менга жаноб Фердишченко ҳақида бу одамдан эҳтиёт бўлмоқ керак, унинг олдида ҳар нарсадан оғиз очавермаслик керак, дейишди... ортиқча гапларни,— тушундингизми? Мен шунинг учун айтяпманки, балки бошқаларга қараганда у кўпроқ шундай қилиши мумкин... янглишиб ўтирманг яна, деяпман,— энг муҳими шу, билдингизми?

— Сизга жаноб Фердишченко ҳақида бундай деб ким айтди?— деб сўради ажабланиб қолган Лебедев.

— Қулоғимга айтишувди; мен ўзим бунга ишонмайман... сизга оғзимдан чиқиб кетибди, айтмаслигим керак эди, ишонинг, мен ўзим бунга ишонмайман... бўлмағур бир гап бўлса керак... Фу, жуда тентакман-да!

— Биласизми, князь,— ҳатто қалтираб кетгандай бўлди Лебедев,— бу муҳим, жуда муҳим ҳозир, мен Фердишченкони айтаётганим йўқ, мен бу гапнинг сизга қандай етиб келганлигини назарда тутяпман. (Шуларни айтаркан, Лебедев князнинг орқасидан дам олдинга, дам орқага у билан баравар қадам ташлашга уриниб чопқилларди.) Мана энди сизга мен ҳам бир гапни айтаман, князь: ҳали биз генерал билан Вилкиннинг уйига кетаётсак, у менга ёнғин ҳақида ҳикоя қилиб бўлгандан кейин, бирдан дарғазаб бўлган ҳолда Фердишченко ҳақида шу гапни шама билан айта бошлади, лекин палапартниш қилиб гапирганидан, тушунмасдан баъзи бир саволлар бердим ва шунинг натижасида ишонч ҳосил қилдимки, бу гапларнинг бари генерал жаноби олийларининг ғирт уйдирмаси экан... Тўғриси, очиққўнғиллиги боисидан гапириб берган экан. У одамларнинг қошида ийиб кетиб ёлгон сўзлаб юборганлигини

билмай қолади. Энди ўзингиз кўринг: агар у ёлгон гапирган бўлса, яна сизга қандай қилиб бу гап етиб келади? Тушунинг, иняъз, у илҳомланиб кетиб айтган бу нарсаларни,— унда ким сизга етказган бўлиши мумкин? Бу муҳим, бу... жуда ҳам муҳим ва... сизга айтсам...

— Менга буни ҳозир Коля айтиб берди, унга эса эрталаб соат олтиларда нима учундир ташқарига чиққан отаси айтган экан.

Сўнг князь ҳаммасини батафсил сўзлаб берди.

— Худога шукур, мана бунинг отини из олиш деса бўлади,— қўлларини бир-бирига ишқалаб овозини чиқармасдан куларди Лебедев,— ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим! Демак, жаноби олийлари соат олтида ширин уйқуларини бузиб, суюкли ўғилларини Фердишченко билан эҳтиёт бўлиб гаплашиш керак, деб хатардан огоҳ қилиб қўйибдилар-да! Вой-бў, бу дунёда Фердишченкодан ҳам хатарлироқ одам бормикин ўзи, отанинг фарзандга меҳрибончилиги бўлса, шунча бўлар-да, ҳе-хе-хе!..

— Қулоқ солинг, Лебедев,— бутунлай эсанкираб қолди князь,— қулоқ солинг, эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилинг! Шовқинсурон кўтарманг! Мен сиздан илтимос қиламан, мен сизга ялинаман... Мен сизга ёрдам бераман, лекин ҳеч ким билмаслиги лозим. Ҳеч ким билмаслиги керак!

— Ишончингиз комил бўлсин, эй кўнгли дарё, меҳрибон, олижаноб князь,— деб қичқирди Лебедев ғоятда илҳомланиб кетган ҳолда,— ишончингиз комил бўлсин, буларнинг бари менинг юрагимга кўмилгай! Оёқ учида юриб, ими-жимиди битирамиз! Ими-жимиди битирамиз! Мен ахир ўзимнинг қонимни ҳам... Эй, олий насаб князь, мен руҳан ва жисман тубан одамман, лекин ҳатто энг аблаҳ, энг паст одамдан сўраб кўринг: худди унга ўхшаган аблаҳ одам билан иш кўрган маъқулми ёки сизга ўхшаган энг олижаноб инсон билан иш кўрган маъқулми, меҳрибон князь? У: энг олижаноб одам билан, деб жавоб беради, яхшиликнинг тантанаси бу! Яхши қолдинг, муҳтарам князь! Ими-жимиди... ими-жимиди ва... ҳамжиҳат бўлиб.

Х

Князь нега бу хатларга қўл уриши билан бутун вужуди музлаб кетиши ва нега уларни ўқишни нуқул кечқурунга қараб сурганлигини ниҳоят тушуниб етди. У эрталаб уч конвертдан қайси бирини очишини билмай ва очишга юраги бетламай кушеткада ўтирганча оғир уйқуга кетганида яна юракни ўртгайдиган туш кўрди, тушида унинг олдига яна ўша «жиноятчи хотин» келди.

Хотин яна унга узун-узун киприкларида ёш йилтираганча қаради, яна уни ўзига эргаширди, ва яна князь худди боягидай хотиннинг юзини қийнаиб эслаганча уйғониб кетди. У дарҳол унинг олдига бормоқчи бўлди, лекин ўрнидан қимирлолмади; ниҳоят, умидсизликка тушиб қўлига хатни олди-да, ўқий бошлади.

Бу хатлар ҳам худди тушга ўхшарди. Гоҳо ҳеч ақлга тўғри келмайдиган, ғайритабiiй ва ғалати тушлар кўради одам; уйғониб уларни аниқ эслайсиз ва шундай ғалати бир нарсадан жуда ҳайрон бўлиб қоласиз: туш кўрган пайтингизда ақлингиз доим ўзингизда бўлганлигини ҳаммадан олдин эслайсиз; сизни ўғрилар қуршаб олган эди, улар сизни алдамоқчи, йўлдан урмоқчи бўлишди, улар ўз мақсадларини очиқ билдиришмас, сизга дўстона муомала қилар, лекин айни чоқда қўлларида қуролларини тайёр ҳолда ушлаб турар, аллақандай бир ишорани кутардилар, сиз улар билан жуда узоқ вақт бирга бўлдингиз, жуда усталик билан ақлни ишлатиб ҳаракат қилдингиз, сиз шуларнинг ҳаммасини эслайсиз; сиз уларни бошлаб алдаб кетдингиз, чалғитдингиз, улардан яшириндингиз, шуларнинг барини эслайсиз; ўғрилар эса сизнинг алдаётганингизни жуда яхши билишади, фақат билганликларини сизга кўрсатишмайди, ўзларини сизнинг қаерга беркинганлигингизни билмаганга олишади, сиз шуни сезиб қоласиз; лекин сиз уларни яна алдаб кетдингиз, яна устомонлик қилдингиз, буларнинг ҳаммасини жуда аниқ эслайсиз. Сизнинг тушингиз ҳеч куракда турмайдиган бўлмағур, ақл бовар қилмайдиган воқеаларга тўла, лекин айни пайтда сизнинг ақлингиз буларни ўзи худди шундай бўлиши керак бир нарсадай қабул қилади, нега шундай? Сизнинг қотилларингиздан бири сизнинг кўз ўнгингизда хотинга айланиб қолди, хотиндан бирпасда кичкинагина, айёр ярамас жимит одамга айланди,— сиз бунга дарҳол ҳеч ажабланмасдан одатий юз берган ҳодиса каби қарадингиз, зигирдак ҳам шубҳага бормадингиз, ваҳоланки, худди шу пайтнинг ўзида сизнинг ақлингиз қаттиқ ишламоқда, ўзининг куч-қудратини, устомонлигини, сезгирлигини, мантиқий қобилиятини намойиш қилмоқда эди, нега? Уйқудан уйғонаркансиз ва воқелик кучоғига қайтаркансиз, ҳар сафар сиз уйқу билан бирга яна англаб бўлмас бир нарсани қолдирганлигингизни қудратли бир ҳиссиёт кучи билан сезасиз, нега? Сиз ҳеч ақлга тўғри келмаган нарсаларни туш кўрганлигингиздан кулиб қўясиз, шу билан бирга тушдаги мана шу ақлга тўғри келмайдиган нарсалар ҳаммаси қовушиб, бир-бирига чашиб қандайдир бир фикр ҳосил қилаётганлигини пайқайсиз, бу фикр ўнгингиздаги ҳаётингизга тааллуқли бўлади, сизнинг ҳозирги ҳаётингизнинг аллақандай бир улушини ташкил қилади,

У сизнинг қалбингизда илгари ҳам, ҳозир ҳам мавжуд бўлади; тушингиз сизга аллақандай бир янги нарсани, сиз кутган нарсани башорат қилгандай бўлади; сиз қаттиқ таъсирланасиз, шод-лапасиз ёки қайғуга ботасиз, лекин бу ўзи нимадан иборат, сизга қандай хабар келди — буларнинг барини сиз на англай оласиз ва на эслай.

Хатлардан сўнг у шунга яқин бир ҳолни бошидан кечирди. Лекин ҳали уларни очиб кўрмасданок, шу хатларнинг ёзилганлигининг ўзи князга даҳшатли рўё каби туюлди. Кечқурун ёлғиз ўзи кезиб юраркан, ҳадеб қандай қилиб унга хат ёзишга журъат қилдйкин, деб ўзига-ўзи савол берарди (шундай кезларда у қаерда тентираганларини ўзи ҳам билмасди). Қандай қилиб у шу гапларни ёзолдйкин, бу телба хаёл қандай қилиб унинг калласида туғилдйкин? Лекин у ўзининг шу орзу-хаёлини амалга ошириб улгурган эди, ҳаммадан ҳам ажойиб томони шунда эдики, бу хатларни ўқиркан, князнинг ўзи ҳам бу орзуларнинг амалга ошиши мумкинлигига, уларнинг тўғри чиқишига ишониб қолди. Ҳа, албатта, бу огули туш эди, бу мудҳиш телбалик эди; лекин бунинг ичида яна кишига азоб берадиган ҳақиқат, азобли бир адолат ҳам бор эдики, шу нарса тушни ҳам, даҳшатли қўрқинччи ҳам, телбаликни ҳам ювиб оқлаб юборарди. Бир неча соатгача у ўқиган хатларнинг таъсиридан қутулолмади, худди алаҳлаётганга ўхшарди, дам сайли хатлардан эсида қолган парчаларни такрорлар, уларнинг маъзани чақар, маъносининг тағига етишга уринар, ўйларди. Назарида, у илгари худди мана шу нарсаларни хаёлидан кечиргандай, худди шундай бўлишини билгандай эди. Назарида буларнинг ҳаммасини худди илгари, анча-анча илгари қаердадир ўқигандай, ўшандан бери унга азоб берган, уни қийнаган, уни биттиқ-ниттизор қилиб соғинтирган ва уни жуда ҳам чўчитган нарсаларнинг бари мана шу аллақачонлар ўқилган хатларнинг ичиде ёзилганди.

«Сиз бу хатни очиб ўқий бошлаган найгингизда (биринчи хат шундай деб бошланарди), аввало дарров хатнинг тағидаги имзога қаранг. Имзо сизга ҳаммасини аён қилади, ундан сиз гап нимада эканлигини тушуниб оласиз, шунинг учун ҳам сизнинг олдингизда ўзимни оқлашга, нега шундай қилганлигимни тушунтиришга ҳожат қолмайди. Мен сизнинг тенгингиз эмасман, агар тенгингизман деганимда, бундай дағалликдан хафа бўлишингиз мумкин эди; мен кимману сиз ким? Биз худди ўт билан сувга ўхшаймиз, мен сизнинг қошингизда ҳеч нарсага арзимайман, шунинг учун ҳам, мабодо хафа қилишни истаган чоғимда ҳам сизни асло хафа қилолмайман».

Сўнг бошқа бир ерида яна шундай деб ёзарди:

«Менинг сўзларимни соғлом бўлмаган ақлнинг соғлом бўлмаган туйғуларига йўйманг, лекин сиз мен учун — камолот рамзисиз! Мен сизни кўрганман, сизни ҳар куни кўраман. Мен сизга баҳо бераётганим йўқ; мен сизнинг баркамол хилқат эканлигингизни ақлим билан ўйлаб топганим йўқ; мен шундай ишондим; лекин сизнинг қошингизда битта гуноҳим бор: мен сизни севман. Баркамолликни севмай бўладими; баркамолликка фақат баркамоллик деб қараш мумкин, шундай эмасми? Ваҳолаки, мен сизни жуда ҳам яхши кўриб қолганман. Гарчи муҳаббат одамларни бир-бирига тенг қилиб қўйса ҳам, лекин асло ташвишланманг, мен сизни ўзимга тенг кўрганам йўқ, буни ҳатто заррача бўлсин, хаёлимга ҳам келтирмаганман. Мен сизга «ташвишланманг», деб ёзганман, ахир сиз ташвишланишингиз мумкинми?.. Агар иложи бўлгандайди, мен оёғингизнинг изларини ўлган бўлардим. О, мен сизга тенг бўлолмайман.. Имзога қаранг, тезроқ қаранг имзога!»

«Ҳозир бир нарсани сезиб қолдим (деб ёзарди у бошқа бир хатида), у билан сизнинг бошингизни қовуштироқдаману, лекин ўйлаб қарасам, ҳали бирон марта ҳам сиздан уни севасизми, деб сўраб кўрмабман? У сизни бир кўриб севди. Сиз унинг учун худди «нур»сиз, бу сўзни мен унинг ўз оғзидан эшитганман. Лекин буни эшитмаган чоғимда ҳам унинг назарида мунаввар сиймо эканлигингизни англаганман. Мен бир ой унинг олдида яшаганман ва шунда сиз ҳам уни севишингизни билганман; мен сиз билан уни бирдай кўраман».

«Нима бўлди (деб ёзди яна у), кеча ёнингиздан ўтиб кетдим, менга худди юзингиз қизаринқирагандай кўринди? Бўлиши мумкинмас, менинг кўзимга шундай кўрингандир? Сизни энг бузуқ ерга олиб борганда ва сизга ғирт яланғоч иллатни кўрсатганда ҳам сиз қизармаслигингиз керак; сиз биров мени хафа қилди, деб жаҳл отига минадиганлардан эмассиз. Сиз барча тубан ва аблаҳ одамлардан нафратланишингиз мумкин, лекин ўзингиз учун эмас, улар дилини оғритган бошқа одамлар учун озурда бўлишингиз мумкин. Сизни эса ҳеч зот хафа қилолмайди, инжитолмайди. Биласизми, назаримда, сиз ҳатто мени жиндак яхши кўришингиз керакдай. Сиз унинг учун қандай бўласангиз, мен учун ҳам худди шундайсиз: нурли хилқатсиз, фариштасиз; фаришта бировни ёмон кўролмайди, лекин севмай ҳам туролмайди. Ҳаммани, ҳамма одамларни, ҳамма яқинларингни севиш мумкинми,— мен ўзимга бу саволни жуда кўп марта бериб кўрганман? Албатта, яхши кўриб бўлмайди, бу гайритабиий бўлиб кўринади. Инсониятга бўлган муҳаббатингда доимо деярли фақат ўзингизгина яхши кўрасан. Лекин бунинг бизга иложи йўқ, сиз эса бошқачасиз: сиз тенгсиз

малаксиз, сиз ҳар қандай дилозорликлардан баланд турасиз, сиз ҳар қандай ғазабдан юқориқсиз, шундай бўлгандан кейин сиз бировни асло ёмон кўришингиз мумкинми? Фақат сизгина ўзингизни ўйламай фидокорлик билан сева оласиз, фақат сизгина ўзингиз учун эмас, ўзингиз севган инсон учун яшай оласиз. Агарда мен туфайли уялаётган ва аччиқланаётган бўлсангиз, о, қанчалар аламли бўларди бу мен учун! Ундай бўлса, сиз ҳалокатга учрайсиз: сиз мен билан баравар бўлиб қоласиз.

Кеча сизни кўриб уйга қайтиб келганимдан сўнг ўзимча бир сурат чиздим хаёлимда. Мусаввирлар Исо алайҳиссаломни инжил ривоятлари асосида чизадилар; мен бошқача чизган бўлардим: мен унинг ёлғиз ўзини тасвирлаган бўлардим,— ахир, баъзан ҳаворийлар уни ёлғиз қолдирганлар-ку. Мен унинг ёнида мурғак бир гўдак суратини ҳам чизган бўлардим. Бола унинг ёнида ўйнаб юрибди; бола эҳтимол унга ширин тили билан алланиманидир сўзлаб бермоқда, Исо уни тинглаб, ўйга толди; унинг қўли беихтиёр паришон ҳолда боланинг мунаввар бошида қолди. Исо узоқларга, уфқнинг бағрига кўз солган; худди коинотнинг ўзи каби улугвор бир фикр унинг қарашида жилва қилади; унинг чеҳраси маъюс. Бола жим бўлиб қолган, Исонинг тиззасига суяниб юзига қўлчасини тираганча бошини кўтариб унга хаёлчан тикилади, биласизми, болалар баъзан шундай халга ботиб турадилар. Офтоб ботиб бормоқда... Мана менинг суратим! Сиз бегуноҳсиз, шу бегуноҳлигингизда сизнинг камолотингиз жамол кўрсатади. О, буни ёдингиздан чиқарманг! Менинг сизга бўлган туйғуларим билан нима ишингиз бор? Сиз энди меникисиз, мен энди бир умр сиз билан бирга бўламан... Мен тезда дунёдан кўз юаман».

Ниҳоят, охири хатда яна бундай деб ёзилганди:

«Худо ҳаққи, мен ҳақимда ҳеч нарса ўйламанг; нега бу менга хат ёзиб ўзини ерга уряпти, деб хаёлингизга келтирманг, бу ҳам мағрурлигидан ўзини хор қилиб, сўнг хор бўлгандан лаззатландиган одамлар тоифасидан экан, деб ўйлаб юрманг. Йўқ, менинг бошқа ўз юпанчларим бор; лекин мен уларни сизга тушунтириб беришга жуда қийналаман. Мен ҳатто ўз-ўзимга ҳам буни очиқ-равшан қилиб айтолмайман, мен бундан жуда қаттиқ қийналаман. Лекин мен такаббурилик юзасидан ҳам ўзимни ерга уролмайман. Ўз-ўзимни хўрлашга эса мен чин юракдан қобил эмасман. Шундай экан, мен асло ўзимни хўрламайман.

Нега мен сизларнинг бошингизни қовуштирмоқчиман: сизлар учун қиялпманми буни ё ўзим учунми? Албатта, фақат ўзим учун, менинг ҳамма чигалликларим шу билан ечилади, ўзимга-ўзим қачонлардан бери шундай дейман... Опангиз Аделаида бир маҳаллар менинг суратимни кўриб, бундай чирой билан

дунёни тўнтариб юбориш мумкин, деган экан. Лекин мен дунёдан воз кечганман; бу гап сизга кулгили бўлиб туюлса ажабмас, ахир, сиз мени башанг кийимларда, зумрад тақинчоқларда маст-аласт қабиҳ одамлар билан кўргансиз-ку? Сиз бунга қараманг, мен аллақачон адам бўлганман, мен буни биламан; менинг суратимда нима яшаётганлиги фақат худонинг ўзига аён. Буни ҳар қуни ҳар ерда ҳар сонияда менга ўқдек тикилиб турадиган даҳшатли кўздан уқаман, у ёнимда бўлмаган чоғда ҳам унинг кўзи жонимга тикилиб тургандай. Бу кўзлар энди *жсим* бўлиб қолди (улар доим жим тикилади), лекин мен уларнинг сирини биламан. Унинг уйи бадқовоқ, тумтайган, зерикарли, ҳамма сир мана шунда. Ишончим комилки, анави москвалик қотил сингари у ҳам тигни ипак билан ўраб яшик ичига беркитиб қўйибди. Уша қотил ҳам ойиси билан ёлғиз турган ва бировнинг калласини олиш учун тигни ипак билан ўраб қўйган экан. Мен уларнинг уйига боргандим, назаримда, худди бу уйнинг поли тагига унинг отаси бировни ўлдириб кўмиб қўйгандай, мурданинг устини клеёнка билан ўрагандай (ўша Москвадаги воқеадагига ўхшаб) туюлади, мурданинг атрофига Жданов сувоқлиги билан тўлдирилган шиша қаторлаштириб ташлангандай назаримда, мен ҳатто мурда кўмилган бурчакни ҳам кўрсатишим мумкин эди. У жимиган; лекин биламан, у мени шунчалар яхши кўрадими, энди ҳозир кўзига бало-қазодай кўринаётган бўлсам ажабмас. Сизнинг тўйингиз ва менинг тўйимни бирга ўтказамиз: у билан шундай деб келишдик. Менинг ундан яширадиган ҳеч нарса йўқ. Мен уни қўрққанимдан ўлдириб қўйишим мумкин... Лекин у мени олдинроқ ўлдиради... у ҳозир кулди, сен алаҳлаяпсан, деди; сизга хат ёзаётганимни у билади».

Бу хатлар шундай алаҳсирашлар билан лиқ тўла эди. Иккинчи хат икки варақ қоғозга майда қилиб ёзилганди.

Князь худди кечагидай узоқ айланиб юргандан сўнг ниҳоят богдан чиқди. Тун ҳарир, ёруғ эди, унга одатдагидан ҳам ёруғроқ бўлиб кўринди; наҳот ҳали жуда эрга бўлса?— деб ўйлади у. (У соатини олишни унутганди.) Аллақаердан қулоғига музыка саси элас-элас чалингандай бўлди: «воксалда бўлса керак,— деб ўйлади у. яна,— албатта, улар бугун у ерга боришмаган бўлсалар керак». Шуларни хаёлига келтираркан, уларнинг чорбоғлари олдида турганлигини кўрди; у қандай бўлмасин, албатта шу ерга келишини биларди, юраги уришдан тўхтаб қолай деб, равонга қадам ташлади. Ҳеч ким кўринмасди, равон бўм-бўш эди. У бирпас кутиб турди, сўнг залнинг эшигини очди. «Уларнинг бу эшиги ҳеч қачон ёпилмайди»,— деган фикр ўтди унинг хаёлидан, лекин зал ҳам ҳувиллаб ётарди; залнинг ичи нимқоронғи эди. Унинг ўртасида каловланиб туриб қолди.

Бирдан эшик очилиб қўлида шам кўтарган Александра Ивановна кириб келди. Князни кўриб, нима қилиб юрибсиз дегандай унинг қаршисида ҳайрон бўлиб туриб қолди. У, афтидан, бу ерда бировни учратаман деб ўйламаган, у эшикдан-бу эшикка ўтиб кетаётган эди.

— Сизни қандай шамол учирди?— деб сўради у ниҳоят.

— Мен... ўзим..

— Матапнинг товлари йўқ, Аглаянинг ҳам. Аделаида ухлагани ётди, мен ҳам ухламоқчиман. Бугун кечқурун ўзимиз ёлғиз ўтирдик. Отам билан князь Петербургга кетишган.

— Мен ўзим... келгандим... ўзим... бугун...

— Соат неча бўлди, биласизми?

— Й-йўқ...

— Ун икки ярим. Биз доим соат бирда ётамиз.

— Оҳ, мен ўйлабманки... тўққиз яримми деб.

— Ҳечқиси йўқ!— деб кулди қиз.— Нега сиз ҳали келмадингиз? Сизни келасиз деб ўтиришган эди.

— Мен... ўйлабманки...— деб тутилди у кетаркан.

— Хайр! Эртага ҳаммани кулдираман!

У боғни айланиб ўтган йўлдан ўз чорбоғи томон кетди. Юраги қаттиқ дукиллаб урар, фикрлари чалкашиб кетган, ҳамма нарса худди тушга ўхшарди. Бирдан, боя икки марта уйқусида кўринган рўё яна унинг кўз ўнгида гавдаланди. Ўша хотин боғ ичидан чиқиб, худди атай кутиб тургандай унинг олдида тўхтади. Князь сесканиб кетди ва жойида тўхтади. Хотин унинг қўлини ушлаб маҳкам қисди, «Йўқ, бу рўё эмас!»

Мана ниҳоят, шунча айрилиқдан сўнг яна улар юзма-юз турар эдилар. Хотин унга нималардир дер, лекин у индамай қараб турарди; юраги тўлиб, оғриқдан сирқираб кетди. О, кейин бу учрашувини у ҳеч қачон унутмайди ва доим уни азоб-изтироб билан эслаб юради. Хотин шу ерда, кўчанинг ўртасида худди ҳушидан айрилгандай унинг қошида тиз чўкди; князь қўрқиб ўзини орқага олди, хотин унинг қўлларига ёпишар, ўпмоқчи бўларди, боя тушида қандай кўрган бўлса, худди шундай унинг узун-узун киприкларида ёш томчилари ялтираб турарди.

— Тур, тур!— пичирлаб дер эди-қўрқиб кетган князь овози қалтираб, у хотинни ўрнидан турғизмоқчи бўларди,— тур, тезроқ!

— Сен бахтлимисан? Бахтлимисан?— деб сўрарди хотин.— Фақат шуни айтсанг бас менга: бахтлимисан энди? Бугун, ҳозир, шу топда? Унинг олдиданми? Нима деди?

Хотин ўрнидан турмас, унинг гапларига қулоқ солмасди; у

тез шошилиб суриштирар, худди орқасидан биров қувиб келаётгандек шошилиб сўзларди.

— Сенинг амрингга кўра эртага жўнаб кетяпман. Мен истамайман... ахир сени охирги маротаба кўриб туришим, охирги маротаба! Энди сени ҳеч кўрмайман бошқа!

— Бўлди, тур ўрнингдан!— деди князь дунё тамомила кўзларига қоронғи кўриниб.

Хотин ундан кўзларини узмай ташналик билан тикилар, қўлларини қўйиб юбормасди.

— Алвидо!— деди хотин алоҳа ва ўрнидан туриб югўрганча тез нарилаб кета бошлади. Князь хотиннинг ёнида бирдан Рогожин пайдо бўлганлигини, уни қўлтиқлаб олиб кетганлигини кўрди.

— Тўхтаб тур, князь,— деб қичқирди Рогожин,— мен беш минутлардан кейин келаман, жиндек сенга айтар сўзим бор.

Ростдан ҳам у беш минутдан сўнг қайтиб келди; князь бояги жойда уни кутиб турарди.

— Экипажга ўтқазиб жўнатдим,— деди у,— хув анави ерда соат ўндан бери извош кутиб турган эди. У анави қизнинг олдида бўлишингни билувди. Ҳали менга ёзиб юборган гапларингни унга оқизмай-томизмай айтдим. Анави қизга бошқа ёзмайдиган бўлди; ваъда берди; бу ердан ҳам сенинг хоҳишингга кўра эртага кетади. Сени сўнги марта бўлса ҳам кўргиси келди, сен истамаган бўлсанг ҳам барибир чидолмади; хув анави скамейкада сени кутиб ўтирдик, қачон қайтаркинсан, деб.

— У ўзи сени бирга олиб келдимиз?

— Бўлмасам-чи?— иршайди Рогожин.— Уз кўзинг билан кўрдинг-ку. Хатларни ўқиб кўргандирсан, ҳойнаҳой?

— Сен уларни чини билан ўқиган эдингми?— деб сўради князь шу фикрдан ҳайратга тушиб.

— Бўлмасам-чи; ҳамма хатларини ўзи менга кўрсатарди. Тиг ҳақидаги гаплар эсингдами, ҳе-ҳе!

— Телба хотин!— деб қичқирди князь қўлларини синдиргулай бўлиб.

— Уни худо биледи, балки телба эмасдир ҳам,— деди секингина Рогожин худди ўзига-ўзи гапиргандай бўлиб.

Князь жавоб бермади.

— Майли, омон бўл,— деди Рогожин,— мен ҳам эртага кетаман; яхши-ёмон ўтган бўлса, кечир! Ҳа, айтгандай, бировлар,— деб қўшиб қўйди у тезгина орқасига ўгирилиб қараб,— нега унинг саволига жавоб бермадинг? «Сен энди бахтлимисан, йўқми?»

— Йўқ, йўқ, йўқ!— деб хитоб қилди князь беҳад қайғуга ботган ҳолда.

— «Ҳа!»— деб ҳам кўр-чи!— ёмон кулди Рогожин ва орқасига қарамай жўнаб қолди.

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

I

Ҳикоямизнинг икки қаҳрамони кўк скамейкада учрашгандан бери бир ҳафтача вақт ўтди. Ҳаволар ёришиб турган эрта-лабки пайт Варвара Ардалионовна Птицина ўзининг таниш-билишларини кўргани бориб, уйга ғоятда маъюс ҳолда қайтди.

Шундай одамлар бўладики, уларнинг бутун борлигини, ўзига хос томонларини биратўла, жам ҳолида дарров айтиб бериш, таърифлаш жуда мушкул; бундай одамларни одатда, «оддий кишилар», «кўпчилик» деб атайдилар ва улар чиндан ҳам ҳар қандай жамиятнинг кўпчилик қисмини ташкил қиладилар. Ёзувчилар ўзларининг романларида ва қиссаларида жамиятнинг ўзига хос нусхаларини кўрсатишга ва уларни образлар воситасида бадий гавдалантиришга ҳаракат қиладилар,— бундай нусхалар ҳаёт воқелигида бир бутун ҳолда жуда камдан-кам учрайди, лекин шунга қарамасдан, улар воқеликнинг ўзидагидан кўра ҳам аниқроқ ва ишончлироқ бўладилар. Подколесин ўзининг типик кўринишида аҳтимол муболағалироқдир, лекин бу ҳаётда шундай бўлмайди дегани эмас. Жуда кўп ақлли одамлар Гоголни ўқиб Подколесиндан хабардор бўлганларидан сўнг, шу заҳоти ўзларининг ўнлаб ва юзлаб таниш-билишлари баайни худди Подколесиннинг ўзи эканлигини сеза бошладилар. Улар Гоголгача ҳам бу танишлари худди шундай, яъни Подколесинга ўхшашини билардилар, лекин улар ҳали бу ҳодисанинг номи Подколесин эканлигини билмас эдилар. Ҳаётда куёвлар ўз тўйлари арафасида жуда камдан-кам ҳолларда ўзларини деразадан ташлайдилар, чунки бу бошқа жиҳатларини гапириб ўтирмаганда ҳам ўзи жуда хунук ва ноқулай; шунга қарамасдан, қанчадан-қанча куёвлар, уларнинг ичида ҳатто жуда ақлли ва яхши одамлар ҳам бор, тўй олдидан ўзларини Подколесин деб тасаввур қилганлар. Яна ҳамма эрлар ҳам кўчага чиқиб: «Tu l'as voulu, George Dandin!»¹— деб қичқиравермайдилар. Лекин асал ойи ўтиши биланоқ, бу ёрув жаҳоннинг қанчадан-қанча эрлари миллион карра, биллион карра чин юракдан шундай хитоб қилган бўлсалар ажабмас,

¹ «Сен шуни истагандинг, Жорж Данден!» (Франц.)

балки яна ким билади дейсиз, уйланган куннинг эртасигаёқ айтгандирлар, вой худойим-ей!

Шундай қилиб, жиддий муҳокамаларга берилиб кетмасдан, шуларни айтиб ўтайликки, ҳаётда шахсларнинг типиклиги сув билан суюлтирилгандай бир кўринишга эга бўлади ва мана шу Жорж Данденлар ва Подколесинлар ростдан ҳам мавжуд бўлади, улар бизнинг атрофимизда уззукун ўралашиб юрадилар, лекин нима десак экан, улар худди суюлтирилганга ўхшаш бўладилар. Лекин ҳақиқат тўла бўлиши учун биз муҳокамаларга шуни ҳам қўшиб қўяйлик, Мольер яратган Жорж Данден бус-бутун ҳолда, тўлалигича ҳаётда учраши мумкин, лекин бу жуда сийрак бўладиган гап, биз шу билан ўз муҳокамаларимизни тугатамиз, зотан, у тобора журналлардаги танқидга ўхшаб бораётибди. Шунга қарамасдан, барибир қаршимизда бир савол туради: романист одми, бутунлай «оддий» одамларга қандай муносабатда бўлиши керак, уларни китобхонга қандай қилиб қизиқарлироқ қилиб тасвирлаб бериш керак? Уларни ҳикояда бутунлай ташлаб кетишнинг сира иложи йўқ, чунки одми одамлар кўпинча ҳаёт ҳодисаларининг бир-бирига уланиб кетишида жуда зарур бир ҳалқа бўлиб хизмат қиладилар ва ҳар қадамда биз уларга дуч келиб турамиз. Улардан кўз юмадиган бўлсак, ҳақиқатга озор етказган бўламиз. Романларни бир тусдаги одамлар ёки қизиқарли бўлсин деб ғалати, кам учрайдиган кишилар билан тўлдириб ташланса, бу ғайритабиий ва ҳар ҳолда, жуда зерикарли бўларди. Бизнингча, ёзувчи одми одамлар ичидан ҳам қизиқарли ва ибратли ҳодисаларни топа билиши керак, шунга интилгани маъқул. Мисол учун баъзи одми шахсларнинг асл моҳияти уларнинг ҳеч қачон ўзгармайдиган одмилиги билан белгиланса ёки ундан ҳам яхшиси, бу шахслар ўзларининг одмилик ва қолоқлик ботқоғидаги йўллари қандай бўлмасин, чиқиш учун ҳаддан ташқари қаттиқ ҳаракат қилишларига қарамасдан, улар барибир охирида яна ўша ўзгармас абадий қолоқлик ичида қолиб кетаверадилар, ана шунда бундай шахслар баъзи бир жиҳатлардан типик кўринишга эга бўладилар,— бу одмилик сира ҳам асли ўз ҳолича қолишни истамаган ва қандай бўлмасин, мустақил бўлиш учун зиғирча ҳам имкониятга эга бўлмай, оригинал ва мустақил бўлишни истаган одмилик бўлиб қолади.

Бизнинг ҳикоямизнинг баъзи қаҳрамонлари мана шундай одми ёки «оддий» одамлар тоифасига кирадилар, шу пайтгача (буни бўйнимга оламан) уларни китобхонга чуқурроқ таништира олмаган эдим. Варвара Ардалионовна Птицина, унинг эри жаноб Птицин, Гаврила Ардалионович, унинг акаси, мана шундай одамлар сирасига киради.

Чиндан ҳам, мисол учун, бой бўлсангу яхши номинг бўлса, кўринишинг кўркам, яхши маълумотли, анча ақлли, ҳатто оқкўнгиб бўлсангу шу билан бирга ҳеч қандай қобилиятинг, ҳеч қандай ўзига хослигинг, ҳатто ғалати бир хусусиятларинг, ўзинг тўқиб чиқарган биронта фикринг бўлмаса, фақат ва фақат «бошқаларга ўхшаб» қолсанг, шундан кўра аламлироқ нарса бормикин жаҳонда? Давлатинг бўлгани билан Ротшильд-никича эмас; номинг ҳалол ва пок, лекин одамларнинг оғзига тушадиган бир иш кўрсатмагансан; кўринишинг тузук, лекин одамларнинг эътиборини тортадиган даражада эмас; тузукки-на маълумотинг бор, лекин билимларингни нимага сарфлашни билмайсан; ақлинг бор, лекин *ўз фикринг* йўқ; юрагинг уриб турибди, лекин ҳимматинг улуғ эмас, ва ҳоказо, ва ҳоказо, ҳам-ма жиҳатдан шундай. Бундай одамлар ёруғ жаҳонда жуда кўпчилик, ҳатто биз ўйлагандан ҳам кўпроқ; ҳамма одамлар каби уларни икки асосий тоифага бўлиш мумкин: уларнинг бир хиллари жуда чекланиб қолганлар, бошқалари эса «анча ақлли» саналадилар. Уларнинг биринчилари бахтлироқлар. Чекланиб қолган «оддий» одам, мисол учун, ўзини жуда топилмас ва оригинал одам деб тасаввур қилиши ҳеч гап эмас, шундан осони йўқ, ҳеч иккиланмасдан шундай деб ҳисоблаш ва ўз кўнглини хушлаб юравериш мумкин. Бизнинг оймқизларимизнинг баъзилари сочларини қирқишиб, кўк кўзойнак тақиб, ўзларини нигилистка деб атаган эдилар ҳамки, кўзойнак таққан заҳотлари улар ўз «эътиқодларига» эга бўлиб қолдилар ва шунга ўзлари чиппа-чин ишонч ҳосил қилдилар. Улардан баъзилари умуминсоний, олижаноб туйғуларга жиндаккина ошно бўлиб қолсалар, шу муборақ ҳиссиётларидан юракларига бир томчигина томиб қолса, сўнг дарров назарларида улардан бошқа ҳеч ким бундай ҳис қилмайдигандек, ҳеч ким бунчалик илгарилаб кетмагандек бўлиб туюла бошлайди. Баъзилари бировдан бир фикр эшитиб қолсалар ёки бош-кепи йўқ бирон нарсадан бир варақ ўқиб қолсалар, дарров бу худди уларнинг «ўз шахсий фикрлари» бўлиб кўринади, гўё худди уларнинг каллаларида туғилгандай бўлади. Бундай пайтларда, агар таъбир жоиз бўлса, соддаликнинг сурбетлиги ҳаддан ошиб кетади; одам бунга ишонгиси келмайди, лекин ҳар қадамда шундай ҳодисалар учраб туради. Гоголь поручик Пироговнинг жуда ҳам ажойиб бир қиёфасини яратиб мана шундай соддаликнинг сурбетлигини, аҳмоқ одамнинг ўзини таланти деб ўйлашини ва бунга заррача ҳам шубҳа қилмаслигини гавдалантириб берган. Пирогов ўзининг даҳо эканлигига ва ҳатто даҳодан ҳам баландроқ туришига зиғирдак ҳам шубҳа қилмайди. Ҳатто бу тўғрида бир зум ўйлаиб ҳам ўтир-

майди; дарвоқе, у савол деган нарса нималигини билмайди. Улуғ ёзувчи ўз китобхонларининг озурдажон бўлаётганлигини кўриб, уни алоҳа калтаклашга мажбур бўлади, лекин буюк одам пичагина силкиниб қўйганлигини ва қийноқдан сўнг кучини тиклаш учун қат-қат ширин нон еб олганлигини кўриб, ажабланганча қўлларини ёзди ва китобхонини шу ҳолича қолдирди. Мен Гоголь Пироговни бунчалар кичкина унвон эгаси қилиб яратганлигидан жуда қайғурардим, чунки Пирогов шу қадар ўзидан мамнун, шу қадар ўзини яхши кўрадики, йиллар ўтиб елкасидаги погонлари «хизмат юзасидан» тобора ҳашаматлироқ, башангроқ бўла борган сари у ўзини саркарда, деб тасаввур қилишдан ҳам тоймайди; тасаввур қилиш ҳам гапми, ўзи шундай бўлиши керак деб ўйлайди, бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас, дейди: генерал қилиб кўтарганларидан кейин нега энди саркарда бўлмас экан? Кейин денг, бундайларнинг қанчадан-қанчалари жанг майдонларида шармандан шармисор бўладилар? Бизнинг адабиётчиларимиз, олимларимиз, тарғиботчиларимиз ўртасида пироговлар озмунча эдими? Мен «эди-ми», деяпман, ҳозир йўқ дейсизми...

Бизнинг ҳикоямизнинг қаҳрамони Гаврила Ардалионович Иволгин бошқа тоифага мансуб эди; у гарчи бошининг тукидан оёғининг учигача ўзини оригинал деб кўрсатиш истаги билан тўлиб-тошган бўлса-да, лекин барибир «анчагина ақллилар» тоифасига кирарди. Лекин бу тоифа биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, биринчи тоифага қараганда, хийла бахтсизроқ. Ҳамма бало шундаки, *ақлли* «оддий» одам ўзини йўл-йўлакай (эҳтимол, бир умр) ҳаддан ташқари бошқача, даҳо деб тасаввур қилган бўлса ҳам, лекин юрагининг қаърида бундан жиндак шубҳаланиб юради, бу шубҳа шунга олиб келадики, «ақлли» одам бора-бора бутунлай умидсизликка тушади, ҳаётдан кўнгли совиб кетади; тақдирга тан берган тақдирда ҳам ўз қалбининг қаърига яширилган манманлик балосидан заҳарланган бўлади. Дарвоқе, биз балки ҳаддан ошириб юборгандир-миз: бу *ақлли* одамларнинг катта кўпчилиги у қадар фожиона ҳоллари бошидан кечирмайди; йиллар ўтиб, ёш қайтиб, балки жигар санчадиган бўлиб қолар, шундан ортиқ ё кам бўлмас ҳар ҳолда. Лекин нима бўлмасин, тақдирга тан бериш ва пенионага бир уриб индамай кетишдан олдин бу одамлар ўзларини бошқача бир одам деб кўрсатиш ниятида жуда навқирон вақтларидан тортиб, то ёшлари бир ерга етгунча ўзларини ўнга-чўққа ураверадилар. Шундай ғалати ҳодисалар ҳам рўй бериб туради: ўзини бошқача кўрсатиш учун баъзан ҳалол бир одам қабоҳат қилишдан ҳам тоймайди; шундай ҳоллар ҳам бўладики, бу шўрликларнинг баъзилари фақат ҳалолгина эмас,

ҳатто жуда меҳрибон ва оққўнгил ҳам бўлади, у ўз хонадонининг фариштасига айланади, меҳнати билан ўз яқинларинингига эмас, бегоналарни ҳам боқади, хўп, нима бўпти? барибир бир умр сира тинчимайди! Ўзимнинг инсонлик бурчимни ўрнига қўйиб адо этияпман-ку, деган фикрдан у қаноатланмайди, кўнгли тўлмайди; ҳатто аксинча, худди шу нарса унинг гашига тегади, аламини келтиради: «Ҳаётимнинг барини мана шунга созуриб юбордим, мана шу нарсалар менинг оёқ-қўлларимни чандиқ қилиб боғлаб ташлади, мана шулар бўлмаганда мен ҳам ўқ-дори кашф қилган бўлардим! Агар шулар бўлмаганда, мен ё ўқ-дори, ё бўлмаса, албатта Американи очган бўлар эдим!» Бу жанобларнинг яна бир антиқа хусусиятлари бор: улар умр бўйи ўзларининг нимани очишлари кераклигини аниқ билолмайдилар, нимани очишга бир умр тайёр турганликларини ойдин тушуниб ололмайдилар, яъни алалхусус: ўқ-дори кашф қилишлари керакмиди ва ё Американи очишлари? Лекин кашф қилиш ниятида шунчалар кўп азоб чекиб, шунчалар қаттиқ қийналадиларки, уларнинг қийналганларини жам қилса, Колумб ёки Галилейга ҳам етиб ортган бўларди.

Гаврила Ардалионович ишни худди мана шундай бир йўсинда бошлаганди; лекин у аслида эндигина бошламоқда эди. Ҳали у ўзини кўп ўтга-чўққа уради. У ўзининг қобилиятсизлигини ҳар қадамда жуда қаттиқ ҳис қилиб турар, айни чоғда, у ўзини бағоят мустақил бир одам сифатида кўришни истарди, худди мана шу нарса ҳали ўсмирлик чоғлариданоқ унинг юрагини қаттиқ яралаганди. Унинг дам писиллаб ўчиб, дам гуриллаб ёнадиган истаклари ҳасадга қоришиб ётарди, афтидан, асаблари шундай очиқ ва серғаш бўлиб туғилганга ўхшарди. Истаклари шаҳд ва эпкинли бўлгани учун уларни кучли истаклар деб ҳисобларди. У бошқалардан ажралиб туришни ҳаддан ташқари яхши кўрар, ажралиб туриш учун баъзан ўйлаб ўтирмай сакрашга ҳам тайёр эди, лекин сакрайдиган пайт келганда, бизнинг қаҳрамонимиз ҳаддан ташқари ақлли бўлиб қолар ва сакрагани юраги дов бермасди. Шу нарса уни адои тамом қилиб ташлаганди. У ўз орзуларига етиш учун балки, кези келса, жуда ҳам тубан бир иш қилишдан ҳам тоймаган бўларди; лекин гишт қолипдан кўчадиган пайт келганда, жуда ҳам тубанлик олдида унинг юраги орқасига тортиб кетар, ҳалол бўлиб қоларди. (Лекин у жузъийроқ тубан иш қилишга доим тайёр эди.) У ўзи мансуб хонадоннинг қашшоқлик ва залолатга юз тутганидан ҳаддан ташқари нафратланар, ғижинарди. Ҳатто онаси билан ҳам баланддан келиб, димоқ-фироқ қилиб муомала қилар, ваҳоланки, онасининг обрў-эътибори ва феъл-атвори туфайлигина ҳали ҳам шунчалар юзи ёруғ бўлиб юрган-

лигини, шу нарса ўзига таянч бўлиб турганлигини жуда яхши тушунарди. У Епанчинга хизматга кирган заҳоти ўзига-ўзи шундай деди: «Аблаҳлик қиладиган бўлсанг, охиригача аблаҳлик қил, фақат ютиб чиқсанг, бас»— лекин деярли ҳеч қачон охиригача аблаҳлик қилолмасди. Ҳа-я, охиригача аблаҳлик қилиш керак, деган фикр унда қаердан пайдо бўлди ўзи? Аглаядан эса ўшанда қўрқиб кетди, лекин ҳамон унинг илинжи билан ҳар эҳтимолга қарши ишни чўзиб келар, лекин қизнинг бир кунмас бир кун ўзига кўнгил қўйишига сира ишонмасди. Кейин Настасья Филипповна ўртадан чиқиб қолди ва ўшанда у ҳамма гап фақат пулда деган қарорга келди, пул бўлса ҳамма нарсага эришиш мумкин, деб ўйлади. «Аблаҳлик бўлса аблаҳлик-да!»— деб ўз-ўзидан мамнун ҳолда такрорларди у, шу билан бирга бундан бирмунча қўрқарди ҳам; «аблаҳлик қила бошладингми, аблаҳликнинг энг баланд чўққисига кўтарилиш керак,— деб ўзига-ўзи таскин берарди у ҳар дақиқада,— қолоқ одамлар бундай пайтларда юраксизлик қиладилар, биз эса довюракмиз!» У Аглаядан айрилиб қолди, шароит уни эзиб, топтаб ташлади, руҳи бутунлай тушиб кетди ва ўшанда телба одам келтирган пулни телба хотин унинг оёғи тагига ташлаганда, пулни қайтариб князга олиб келиб берди. Кейин у пулни қайтариб бергани учун минг марта ўкинди, лекин шунга қарамасдан, пулни қайтарганидан тўхтовсиз суратда кериларди. Князь Петербургда экан, у чиндан уч кунгача кўз ёши қилди, лекин шу уч кун ичида ўзига шафқат ва марҳамат кўзи билан қараган князни ўлгудек ёмон кўриб қолди, «мен қилган ишни қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, ҳар ким ҳам бунга қодир эмас», деб ўз кўнглида пулни қайтарганлигини писанда қиларди. У ўзининг қайғулари тўхтовсиз суратда мажақланиб бораётган манманликдан туғилаётганлигини сезар, бу адолатли сезги уни янада бешбаттар қийнади. Лекин Аглаядай маъсум ва ғалати бир қизни қўлга туширганда, ишлари қанчалар жиддий суратда бошқача бўлиб кетиши мумкинлигини у анча кейин англади ва фарқига борди. Пушаймонлик унинг вужудини кемириб борарди; у хизматни ҳам ташлади, алам ва умидсизликка берилди. Отаси ва онаси билан биргаликда Птициннинг қарамоғида турар, Птициндан очикдан-очик нафратланар, лекин айни пайтда унинг маслаҳатларини индамай туриб эшитар, умуман, ақлли бола каби ундан маслаҳатлар олиб туришни унутмасди. Гаврила Ардалионович, масалан Птициннинг Ротшильд бўлиш учун интилмаётганлигидан, ўз олдига шундай мақсадни қўймаётганлигидан жаҳли чиқарди. «Судхўрликни танладингми, охиригача бор, одамларни эзиб сувини ол, улардан пул яса, ўзингни кўрсат жаҳонга,

яхудийларнинг подшоси бўлиб ол!» Птицин эса камсуқум ва камтар эди; у фақат табассум қилиб қўя қоларди, лекин бир сафар Ганя билан жиддий гаплашиб олишга қарор берди ва буни ўз қадр-қимматини биладиган одамлардай адо этди. Мен ҳеч қачон ҳаромга қўл урмайман, деб исбот қилиб берди у Ганяга, сиз бекор мени жуҳуд деяпсиз; пулнинг қадри ошиб кетди, бунга мен айбдор эмасман; мен ростгўйлик билан ҳалол иш қиламан, аслини олганда, мен фақат «шу» ишлар бўйича агентман, холос ва ниҳоят ишни пишиқ ва ўрнига қўйиб адо этаман, шунинг учун катта-катта одамлар мени танишади, менга ишонишади, ишим ҳам юришиб, кенгайиб, авж олиб боряпти. «Ротшильд бўлолмайман, бунинг ҳожати ҳам йўқ,— деб қўшиб қўйди у кулганча,— лекин Литейнаяда ўзимнинг уйим бўлади, ҳатто бир эмас, иккита уйим бўлади, шу билан умрим ҳам поёнига етиб қолади». «Яна ким билади, балки уйим учта ҳам бўлар!»— деб ўйларди у ичида, лекин ҳеч қачон буни овозини чиқариб айтмас, орзуларини ошқор қилмасди. Табиат мана шундай одамларни севади ва алқайди: у Птицинни учта эмас, ҳатто тўртта уй билан ҳам тақдирлар ва буни Птицин болалигидан бошлаб ўзининг Ротшильд бўлолмаслигини аниқ билгани учун шундай қилади. Лекин шу билан бирга табиат ҳеч қачон тўрт уйдан нарига ўтмайди ва Птициннинг иши шу билан тамом бўлади.

Гаврила Ардалионовичнинг синглиси эса бутунлай бошқача чиққан эди. Унинг ҳам истақлари жуда кучли эди, лекин у ўз истақларида қайсарроқ эди, пов этиб ёниб, пис этиб дарров сўниб қолмасди. У иш охириги чизиққа борадиган бўлса, ақл билан ҳаракат қилар, лекин ишни кўпинча шу охириги чизиқ-қача олиб бормасди. Тўғри, у бошқача бир одам бўлишни орзу қиладиган «оддий» одамлар сирасидан эди, лекин тез орада ўзида заррача ҳам бошқача бўлиш қобилиятини йўқлигини англаб етди ва бундан қайғу-ҳасратга ботиб ўтирмади,— ким билади, балки бу ҳам мағрурликнинг ўзига хос кўриниши эдими. У жаноб Птицинга турмушга чиқаётганда жуда дадил ва қатъият билан ҳаракат қилди, лекин турмушга чиқаркан ўзига: «Аблаҳлик бўлса аблаҳлик-да, кўзлаган мақсадимга етсам, бўлди!»— деб айтгани йўқ. Бундай гап унинг акаси Гаврила Ардалионовичдан чиқиши мумкин эди (ҳатто ака сифатида синглисининг шу қарорга келганлигини маъқулларкан, у сал бўлмаса, синглисига ҳам шундай деб юборай деди). Ҳатто бутунлай аксинча: Варвара Ардалионова, ўзининг бўлажак эри камтар, хушфезъл, анча ўқимишли ва ҳеч қачон одамларнинг кўнглини қолдирадиган даражада аблаҳлик қилмайдиган бир киши эканлигини билгандан, шунга ишонгандан кейингина

турмуш қуришга розилик берганди. Варвара Ардалионовна майда-чуйда қабиҳликлар, пасткашликларни сўраб-сурштириб ўтирмасди, буни бацканалик деб биларди: бунақа майда-чуйдалар қаерда йўқ ўзи? Идеални қидириб ўтирсинми энди. Бунинг устига у турмушга чиқаркан, бу билан ота-онасига, ака-укасига ёрдами тегишини, уларни уй-жой билан таъминлашини биларди. Акасининг бошига бахтсизлик тушганлигини кўриб, онлада илгари бўлиб ўтган турли машмашаларга қарамасдан, унга ёрдам қўлини чўзмоқчи бўлди. Птицин баъзан Ганяни ишга кир, деб қистаб қоларди, лекин буни жуда дўстона тарзда қиларди. «Сен генералларни ва генералчиликни ёмон кўрасан,— деган эди у ўшанда ҳазиллашиб,— лекин мана кўрасан ҳали, «улар» ҳам ўз навбатида генерал бўлиб оладилар; яшасанг, ҳаммасини кўраверасан». «Нега улар мени генералларни ва генералчиликни ёмон кўради деб ўйлашаркин?»— деб истеҳзо билан ўйларди ичида Ганя. Акасига ёрдам бериш ниятида Варвара Ардалионовна пича кенгроқ доирада ҳаракат қилишга жазм қилди: у Епанчинлар хонадонига суйкала бошлади, болалик хотиралари бунга анча қўл келди; ака-сингил болалик пайтларида Епанчинлар билан бирга кўп ўйнардилар. Шу ўринда қайд қилиб қўйайликки, агар Варвара Ардалионовна Епанчинлар билан борди-келди қилиб, ўз олдига катта бир орзуни қўйганда эди, эҳтимол бу билан у ўзи мансуб одамлар тоифасидан чиққан бўларди; лекин унинг катта орзуси йўқ эди; ўзича баъзи бир нарсаларни кўзлаб, аниқ мўлжалга олиб иш кўрмоқдайди: у Епанчинлар хонадонининг феъл-атворини назарда тутган эди. Аглаянинг феъллини эса тинимсиз ўрганарди. У акаси билан Аглаяни яна яраштириб қўймоқчи эди. Эҳтимол баъзи бир нарсаларга эришган ҳам эди; балки акасидан ҳеч қачон унинг қўлидан келмайдиган, ҳеч қачон унинг қурби етмайдиган нарсаларни кутиб, балки хатолар қилгандир. Ҳар ҳолда, қандай бўлмасин, у Епанчинлар хонадонидида жуда усталик билан иш кўрганди: у бир ҳафта-лаб акасини уларнинг ҳузурларида ҳатто тилга ҳам олмас, доимо рост ва самимий сўзлар, ўзини жуда содда тутар, қадр-қимматини ерга урмасди. Виждон хусусига келганда, виждони олдида қийналмас, маломатга қўядиган бирон иш қилмаганди. Мана шу нарса унга куч бағишларди. Фақат у ҳам баъзан ўзининг жаҳли чиқаётганлигини, ўзида ҳам манманлик борлигини ва бу манманлик топталиб, мажақланиб бораётган манманлик эканлигини сезиб қоларди; айниқса Епанчинларникидан кетаётган пайтида ҳар сафар шу нарса унга жуда билинарди.

Мана ҳозир ҳам у Епанчинларникидан боя айтиб ўтганимиздек, қайғули ўйларга ботганча қайтиб келарди. Бу қайғуда

аллақандай аччиқ ва кулгили алланима бор эди. Птицин Павловскда кўримсиз, лекин жуда кенг ёғоч уйда истиқомат қилар, бу уй чанг кўчада жойлашган, шу яқин-орада у тўла Птициннинг ўз мулкига айланиши керак эди, шунинг учун ҳам Птицин ўз навбатида уйни аста бир чеккасидан бировга пуллай бошлаганди. Эшик олдидаги зинадан юқорига кўтариларкан, Варвара Ардалионовна уйнинг юқори қаватида шовқин-сурон бўлаётганлигини эшитди, отаси билан акасининг қичқиришаётган овозлари қулоғига чалинди. Уйга кириб залнинг у бошидан-бу бошига шитоб билан бориб келаётган, газабдан ранги оқариб, сочларини худди юлиб олгудек бўлаётган акасини кўриб, бошидан шляпачасини ҳам ечмай ҳорғин диванга чўкди. Агар шу ҳолича яна бир зум индамай ўтирса ва акасидан нега жаҳли чиқаётганини сўрамаса, Ганянинг фиғони кўкка кўтарилиши мумкинлигини англаб Варя ниҳоят шоша-пиша сўради:

— Яна ўша гапми?

— Ўша гап қоптимми!— деди жон ҳолатда Ганя.— Ўша гапмиш! Йўқ, бу ерда нима бўлаётганлигини худонинг ўзи ҳам билмайди, ўша гап қайда! Чол қутуриб кетяпти... ойим уввос соляпти. Худо ҳаққи, Варя, сени билмадим, лекин мен уни ҳайдаб чиқараман ёки... ёки ўзим бу ердан чиқиб кетаман,— деб қўшимча қилиб қўйди, у, афтидан бировнинг уйдан кишиларни қувиб чиқариб бўлмаслигини эслаб.

— Уларга ачиниш керак,— деди ғўлдираб Варя.

— Ачинишнинг нима кераги бор? Қимга ачинасан?— ёниб кетди Ганя,— унинг ярамасликларига ачинасанми? Йўқ, сени билмадим, лекин бундай бўлиши сира мумкинмас! Мумкинмас, мумкинмас, мумкинмас! Яна ўзини тутишини кўр: айб ўзида-ю, илгаригидан бешбаттар димоқ-фироқ қилади. «Дарвозангдан ўтмайман, деворни қулатасан!» Нега бундай ўтирибсан? Юзингда юз қолмабди?

— Юзим жойида,— деб жавоб берди порози бўлиб Варя. Ганя унга диққат билан қаради.

— У ерга борувдингми?— деб сўради бирдан.

— Борувдим.

— Тўхта,— яна бақира бошлади.— Тоза шармандалик бўлди, яна шундай бир пайтда!

— Қандай пайт экан? Ҳеч фарқи йўқ бунинг бошқа пайтлардагидан.

Ганя синглисига яна диққат билан тикилиб қаради.

— Бирон гап борми?— деб сўради у.

— Айтарли ҳеч гап йўқ. Ҳаммаси тўғри экан, шуни билдим, холос. Поччанг ҳақ айтган экан; нима деган бўлса ҳаммаси тўғри чиқди. Ўзи қани?

— Уйда йўқ. Нима бўлди?

— Князни куёв десак ҳам бўлади, иш ҳал бўлибди. Катта опалари айтишди. Аглая рози бўлибди; энди яшириб ўтирмай очиқ сўзлашяпти. (Шу пайтгача ҳаммаси жуда сирли эди у ерда.) Аделаиданинг тўйини ҳам озгина кечиктирадиган бўлишибди, сўнг иккала тўйни бирга ўтказишаркан,— ўйлаб топганларини кўр! Худди шеърга ўхшайди. Ана энди бекорга уй ичида югуравермасдан уларнинг никоҳи муносабати билан шеър ёзсанг бўларди. Бугун кечқурун уларникига Белоконская келармиш; жуда вақтида келибди; яна бошқа меҳмонлар ҳам чақиришган. Уни Белоконскаяга таништиришармиш, лекин улар илгари ҳам бир кўришган эканлар; одамларга маълум қилиб қўйишармиш. Фақат у меҳмонларнинг ҳузурига кирганда ишқилиб бир нарсани тушириб юбормасин-да, деб чўчишяпти, у-буни тушириб юбормаганда ҳам ўзи йиқилиб тушиши мумкин дейишади; унинг қўлидан келади.

Ганя жуда диққат билан эшитди, лекин уни ҳайратга солиши керак бўлган хабарни пинак бузмай тинглагани синглисини ажаблантириб қўйди.

— Майли, маълум эди,— деди у ўйлаиб туриб,— демак, тугабди-да!— деб қўшиб қўйди у яна ғалатироқ қилиб кулиб, синглисининг юзига муғамбирона тикиларкан, у ҳамон уйда у ёқдан-бу ёққа бориб келар, лекин қадамлари боягига қараганда анча суст эди.

— Яна ҳам яхши, сен файласуф бўлиб қолибсан; рост, мен жуда хурсандман,— деди Варя.

— Ҳа, елкадан соқит бўлди; жилла қурса, сенинг елкангдан.

— Мен сенга чин дилдан ёрдам бермоқчи бўлдим, менга бунинг сира оғирлиги йўқ; мен сендан Аглаядан қандай бахт топмоқчийдинг, деб сўраб ҳам ўтирмадим.

— Ахир, мен нима... Аглаядан бахт қидирган эканманми?

— Қўй, фалсафага тушиб кетма! Албатта, шундай. Албатта, бўлди, етар шу бизга: қўлимизни бурнимизга тикиб қолавердик. Сенга гапнинг очиғини айтиб қўя қолай, мен бу ишга ҳеч қачон жиддий қараганим йўқ; балки ишимиз ўнгидан келиб қолар деган эдим, қизнинг феълени назарда тутгандим, сенга далда бўлсин дегандим; ишнинг бўлмаслигига тўқсон фоиз кўзим етганди. Сен нимага умид қилган эдинг; ҳозиргача ақлим етмайди.

— Энди эринг билан икковларинг ишга кир, деб менга қисталанг қилсаларинг керак; ирода ва матонат ҳақида менга ваъз-насиҳат айтасизлар: кичкина нарсадан ҳам юз ўғирма, тўнғиздан тук, дейсизлар, шундан ортиқ нима ҳам дердингиз, менга ёд бўлиб кетган,— деб хахолаб кулди Ганя. «Миясига янги бир фикр келганга ўхшайди»,— деб ўйлади Варя.

— Бу дейман, оталари ҳам хурсанддир?— сўради бирдан Ганя.

— Унча эмас шекилли. Айтганча, ўзинг ўйлаб кўр; Иван Федорович жуда мамнун; онаси чўчиб турибди; олдинлари ҳам уни куёв қилишдан кўнгли кетарди; маълум.

— Уни айтаётганим йўқ; куёв бўладиган ҳоли йўқ, ақл бовар қилмайди, бу аён. Мен ҳозиргисини сўраяпман, ҳозир у ерда аҳвол қандай? Ўзи асли рози бўлибдими?

— Шу пайтгача йўқ демабди,— яна билмадим, лекин бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Сен унинг қанчалар уятчан ва тортинчоқ эканлигини биласан-ку, одам ҳайрон қолади: болалик пайтларида фақат меҳмонларнинг кўзига кўринмаслик учун жавоннинг ичига беркиниб олиб, икки, уч соатлаб ўша ерда ўтираверарди; жуда одамови бўлиб ўсган, ҳозир ҳам худди ўшандай. Биласанми, бу ерда жиддий бир гап бўлса керак, унинг томонидан, негадир менга шундай бўлиб туюлади. Айтишларига қараганда, у ўзини билинтириб қўймаслик учун князнинг устидан эрталабдан-кечгача кулгани кулган эмиш, лекин ҳар кунининг қулоғига астагина сирли қилиб пичирлаб қўйса керакки, князь худди арши аълода юргандек, оғзи қулоғида... Жуда антиқа эмиш, айтишларига қараганда. Уларнинг ўз оғизларидан эшитдим. Назаримда, опалари менинг кўзимга қараб туриб мена кулаётгандек бўлишди.

Охири Ганянинг қовоғи тушиб кетди; балки Варя унинг дилидаги сақлаган гапларини билиш учун атай шу мавзуда майдалаб сўйларди. Лекин яна тепадан бақирган-чақирган овозлар эшитилиб қолди.

— Мен уни қувиб юбораман!— аламзадалик билан бўқирди Ганя.

— Кейин яна кечагидай кўча-кўйда шармандамизни чиқариб юради.

— Кеча — кеча нима бўлди? Нима гап: кеча нима бўлди? Наҳотки...— жуда ҳам қўрқиб кетди бирдан Ганя.

— Оҳ худойим-ей, наҳот сен ҳали билмасанг?— тилини тишлади Варя.

— Қандай... наҳотки, у ерда бўлгани рост бўлса?— деб хитоб қилди уят ва ғазабдан ўт бўлиб ёнган Ганя.— Э худо, ростданам, сен ўша ердан келаётибсан-ку! Нима гап экан, билдингми? Чол бор эканми? Бор эканми, йўқми?

Бирдан Ганя ўзини эшикка урди; Варя унга ёпишиб иккала кўли билан ушлаб олди.

— Сенга нима бўлди? Нима қилмоқчисан?— дерди у.— Ҳозир уни ташқарига чиқариб юборсанг, багтар бўлади, ҳаммага дoston қилади!.. Нима қилибди у ерда? Нима депти?

— Уларнинг ўзлари тузукроқ билмас эканлар, тайинли бир гап айтмадилар, нималигини тушунмадилар; фақат ҳаммани қўрқитиб юборибди. Иван Федоровичнинг ҳузурига борган экан, тополмабди; Лизавета Прокофьевнани сўрабди. Олдин ундан ишга кириш учун жой сўрабди, кейин биздан шикоят қилибди, мендан, поччангдан, айниқса, сендан... оғизга нима келса, ҳаммасини айтаверибди.

— Сен билолмадингми?— худди тутқаноқ тутгандек даг-даг титрарди Ганя.

— Биладиган гапнинг ўзи йўқ! У нима деб валдираганини ўзи ҳам билмайди, балки менга бор гапни айтишмагандир.

Ганя бошини чангаллаб ушлаганча дераза олдига югуриб борди; Варя нариги деразанинг олдига ўтирди.

— Аглая жуда ҳам қизиқ,— деди у кутилмаганда,— мени тўхтатиб нима дейди дегин: «Менинг ота-онангизга бўлган чин ҳурматимни айтиб қўйинг; мен шу яқин кунлар ичида сизнинг отангиз билан бир кўришсам, деган ниятим бор». Гаплари таъин жуда жиддий дегин. Жуда ҳам ғалати...

— Кулмадимми? Кулмадимми?

— Шунисига ҳайронман, сира кулгани йўқ; қизиқ жуда.

— У чолнинг қилғилигини билармикин ё билмасмикин, сен нима деб ўйлайсан?

— Уларнинг уйда буни билишмайди, бунга шубҳа йўқ; лекин сенинг гапигдан кейин ўйланиб қолдим: Аглая, эҳтимол, билиши ҳам мумкин. Елғиз унинг ўзи билса керак, чунки отамга салом айтаётганда опалари унга ҳайрон бўлиб қараб қўйишди. Нега энди айнан отамнинг ўзига алоҳида ҳурмат изҳор қилади бўлмаса? Агар билса ҳам князь орқали билади!

— Ким айтганлигини билиш қийин эмас! Ўғри! Шу етмай турувди. Хонадонимиздан ўғри чиқди, «хонадон бошлиғи»!

— Э, бекор гап!— қичқирди Варя қаттиқ жаҳли чиқиб,— мастликда бўлган бир бемазагарчилик-да, бошқа нима бўларди. Ким буни тўқиб чиқарганин? Князми, Лебедевми... ўзлари ҳам жуда анойи; ақллари тўлиб-тошиб кетган. Мен тирноқчаям назаримга илмайман уларнинг ақлларини.

— Чол ўғри ва ароқхўр,— алам билан дерди Ганя,— мен қашшоқман, синглимнинг эри судхўр,— яна Аглаяга кўз тикиб юрганамга бало борми! Бундан чиройлироғи бўлмайди!

— Синглингнинг шу судхўр эри сени...

— Боқяпти, демоқчимсан? Аяб ўтирма, айтавер.

— Нега жаҳлинг чиқади?— ўзини тутди Варя,— Худди мактаб боласига ўхшаб ҳеч нарсани тушунмайсан. Аглая бу гапларни эшитса, мени ҳурмат қилмай қўяди, демоқчимсан? Сен уни билмас экансан; у жуда ҳам зўр қаллиқдан воз кечиши

мумкин, қандайдир худо беҳабар бир студентнинг чордоғига эса очдан ўлгани қочиб бориши ва буни жони дили билан қилиши ҳеч гапмас,— унинг орзуси шу! Сен агар бизнинг шароитимизга матонат билан чидаган бўлганигда, қатъият билан ҳаракат қилганигда, унинг чинакам ҳурматига сазовор бўлар эдинг, сендан кўзини узмай қоларди, худди мана шу нарсани сен тушунишни истамдинг. Князь уни қармоққа илинтирди, нима қилиб илинтирди?— аввало қармоққа илинтираман деб сира ҳаракат қилмади, иккинчидан, у телба бўлиб ҳаммага отнинг қашқасидай танилган. Энди шу бир князни деб бутун хонадонни ағдар-тўнтар қилиб ташлайди,— у шуни яхши кўради. Э-эҳ, ҳеч нарсани тушунмайсизлар сизлар!

— Ҳали кўрармиз, тушунамизми, йўқми,— сирли қилиб фўлдиради Ганя,— фақат барибир мен у чолнинг қилган ишини билиб қолишини истамасдим. Мен ўйловдимки, князь зора унга айтмай қўя қолса деб. У Лебедевнинг ҳам оғзини юмиб қўйган; у айтасиз, деб тикилинч қилганимда менга ҳам ҳаммасини айтгани йўқ...

— Демак, у бўлмаса, бошқалар гап тарқатишган. Сенга нима энди? Яна нимадан умид қиялсан? Агар жиндак умид қолганида ҳам у сенга фақат ачиниб қарайдиган бўлиши мумкин.

— Шунчалар хаёлпарастлигига қарамасдан, у барибир жанжалдан чўчиган бўларди. Ҳаммаси маълум бир чизиққача, маълум бир чизиққача; биз ҳаммамиз шундаймиз.

— Аглая чўчир эканми?— деб бирдан қизишиб кетди Варя, акасига менсимасдан қараб.— Жудаям паст экансан-ей! Ҳаммангиз ҳеч нарсага арзимайсиз. Майли, у кулгили ва ғалати бўлсин, лекин бизга ўхшаганлардан минг карра олижаноброқ.

— Майли, майли, хўп, хафа бўлма,— ўзидан мамнун бўлиб деди Ганя.

— Мен ойимга ачинаман, холос,— деб давом этди Варя,— отамнинг бу қилиғидан у ҳам боҳабар бўлиб қолмаса деб кўрқаман, оҳ, кўрқаман!

— Аллақачон эшитган бўлса керак,— деди Ганя.

Варя ўрнидан туриб, тепага Нина Александровнанинг олдига чиқмоқчи бўлган жойида тўхтади ва акасига диққат билан қаради.

— Унга ким айтган бўлиши мумкин?

— Ипполит айтган бўлса керак. Бизникига кўчиб ўтиши билан дарров шу гапни мамнуният билан ойимга етказган бўлса ажабмас.

— У қаердан биледи, қани, ўзинг менга айт-чи? Князь билан Лебедев ҳеч кимга айтмасликка қарор қилишган, ҳатто Коля ҳам ҳеч нарсани билмайди.

— Ипполитми? Ҳзи билиб олган. Сен унинг қанчалар устмон махлуқлигини билмайсан; унинг ғийбатчилиги, унинг ярамас, жанжалли нарсаларни қаердан бўлмасин, искаб топишини айтмайсанми. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, у Аглаяни ўз қўлига олган! Мен шунга ишонаман. Агар ҳали қўлга олмаган бўлса, кейинроқ албатта олади. Рогожин ҳам унинг олдига келиб турадиган бўлиб қолди. Наҳотки князь шуни кўрмаётган бўлса! Энди менинг жиғимга тегиб, тагимни кавляпти! Мени ўзининг шахсий душмани деб билади, бунга сезганимга анча бўлди, нимадан бу, нимага шундай қилади ахир, эртагами индингами ўлиб кетадиган одам,— ҳеч тушунолмайман! Лекин мен уни боплайман! Мана кўриб турарсан, унинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, мен унинг тагига сув қуяман ҳали.

— Шунчалар ёмон кўраркансан, нега уни бу ерга бошлаб келдинг? Ҳзи зўрга турган одамнинг тагига сув қўйиб нима қиласан?

— Ҳзинг уни ёнингга торт, деб маслаҳат бермовдингми ахир.

— Мен унинг фойдаси тегиб қолармикин деб ўйловдим; биласанми, у Аглаяни яхши кўриб қолган, унга хат ёзган? Мендан суриштиришди... у Лизавета Прокофьевнага ҳам хат ёзгани-ей, билмадим.

— Бу маънода у хавфли эмас!— деди Ганя ёмон ҳиринглаб кулиб.— Дарвоқе, бошқа бир гап бўлиши ҳам мумкин. Яхши кўриб қолган бўлса бордир, ҳали ёш бола-ку, бўлади! Лекин... у кампирга имзосиз хатлар ёзиб ўтирмайди. У жуда ичиқора, паст, ўзига бино қўйган бемаза бола!.. Ишончим комилки, у мени қизнинг олдида жуда фитначи одам қилиб кўрсатган, шундан бошлаган. Бўйнимга оламан, мен олдин тентаклик қилиб унга ёрилиб оғзимдан гуллаб қўйибман; у энди княздан ўч олиш учун мен билан яқинлашса керак деб ўйлабман; жуда ғаламис бола экан! О, мен унинг қандай одамлигини жуда яхши билиб олдим. Анави ўғирлик ҳақида капитан оймдан, ўз онасидан эшитган. Чол бу ишни шу капитан оймни деб қилган. Бирдан ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, «генерал» оймга тўрт юз сўм ваъда қилибди, деб қолди. Шунда ҳаммасини тушундим. Яна менинг кўзимга тикилиб қарайди, худди бир нимадан лаззат топаётгандай. Оймга ҳам атай айтган, унинг ўтакасини ёрмоқчи, кейин роҳат қилиб томоша қилмоқчи бўлган. Нега тезроқ ўлиб қўя қолмайди у, қани, ўзинг айт-чи? Уч ҳафтадан кейин ўламан деб айюҳаннос солган эди, бу ерга келиб яна семириб қолибди! Йўтали ҳам босилибди; кеча кечқурун ўзи менга айтди, кечадан бери йўталмай турибман, деди.

— Ҳайдаб юбор уни.

— Уни кўришга кўзим йўқ десам, хато қиламан, мен ундан нафратланаман,— кибр билан деди Ганя.— Майли, ҳа, ҳа, мен уни кўролмайман, майли!— деб қичқириб юборди у бирдан қаттиқ дарғазаб бўлиб.— Мен буни унга ўлим тўшагида ётганида ҳам башарасига тўғри айтавераман! Агар сен унинг дафтарини ўқиганингда эди,— қанчалар анойи, қанчалар сурбет бу бола! Бу худди поручик Пироговнинг ўзи, бу — трагедиядаги Ноздрев, ва энг муҳими бу — ёш бола! О, ўшанда уни бирам савалагим келдики, қанийди энди бунинг иложи бўлса, тоза анқайиб қоларди-да. Энди у ҳаммадан ўчини олмоқчи бўлиб юрибди, ўшанда... Лекин нима бу? Яна тўполон бўлиб қолди-ку! Нима бу ўзи, жуда жонга тегиб кетди-ку, а? Бўлди, мен энди бунга чидаб туролмайман. Птицин!— деб қичқирди у уйига кириб келаётган Птицинга қараб,— бу нима ўзи, энди келиб-келиб шу кунларга қолдикми? Бу... бу...

Лекин шовқин-сурон тез яқинлашиб келарди, бирдан эшик очилиб, дарғазаб бўлган юзига қон урган, ҳаддан ортиқ ҳаяжонланган қари Иволгин Птициннинг олдига югуриб кела бошлади. Унинг орқасидан Нина Александровна, Коля ва ҳаммадан орқада Ипполит эргашиб келардилар.

II

Ипполит Птициннинг уйига кўчиб ўтганига беш кун бўлди. Бу ўз-ўзидан шундай бўлиб қолди, Ипполит билан князь ўртасида бу хусусда ортиқча гап-сўз, тортишув, дилхиралик бўлгани йўқ; улар бир-бирлари билан уришиб, жанжаллашиб ўтирмадилар, ҳатто афтидан, дўстона хайрлашгандай бўлдилар. Уша куни кечаси Ипполитни кўргани кўзи, отгани ўқи бўлмай ўтирган Гаврила Ардалионович, воқеа содир бўлганининг учинчи куни, яна ҳам тўғрироғи, эртасига аллақандай кутилмаган бир фикр миясига келиб қолиб, шунинг таъсирида уни кўргани келганди. Нимагадир Рогожин ҳам беморнинг олдига қатнай бошлаганди. Биринчи пайтда князь, «шўрлик бола» менинг уймдан кўчса ўзига яхши бўлар, деб ўйлаган эди. Лекин Ипполит кўчиб ўтаётган чоғидаёқ, мен Птицинникига кетяпман, «у меҳрибонлик қилиб менга жой беряпти», деб айтган ва бирон марта ҳам худди атай қилгандай Ганяни тилга олмаганди, ваҳоланки, Ганянинг сабъ-ҳаракати билан унга жой берилаётганди. Ганя ўша пайтдаёқ буни кўнглига тугиб қўйган, ранжиганди.

Синглисига бемор анча тузалиб қолди деганида у ҳақ эди. Ҳақиқатдан, Ипполит анча ўзига келиб қолган, бу бир қарашдаёқ сезиларди. У хонага ҳаммадан кейин шошмасдан худди бировни масхара қилгандай, хунук тиржайганча кириб келди. Нина Александровна юрагини ҳовучлаб турарди. «Шу ярим йил ичида у

жуда ҳам ўзгариб кетган, этдан-ёгдан тушганди; қизини эрга узатгандан ва унинг уйига кўчиб ўтгандан кейин у болаларнинг ҳаётларига кўпда аралашавермайдиган бўлиб қолганди. Коля ташвишга ботган, нима қилишини билмай турганга ўхшарди; уйда янгидан кўтарилган тўс-тўполоннинг асосий сабабларини билмасдан, у ўзининг айтишича, «генералнинг негана телбалик қилаётганлигини» тушуниб етмасди. Лекин у отасининг соат сайин, кун сайин бутунлай жанжалкаш бўлиб бораётганидан, у бирдан жуда ёмон ўзгариб қолганлигидан, аввалгидан буткул бошқача одамга айланганлигидан хабардор эди, буни аён сезиб турарди. Чол кейинги уч кун ичнда мутлақо ичмай қўйган, шу ҳам Коляни ташвишга солмоқда эди. У чолнинг ўзини тутолмай Лебедев ҳамда князь билан уришиб қолганлигини ҳам биларди. Коля ҳозиргина кўчадан бир шиша ароқ олиб қайтган, уни ўз пулига сотиб олганди.

— Қўйинг, ойижон,— деб кўндиришга уринганди у ҳали юқорида Нина Александровнани,— қўйинг, майли, ича қолсин. Уч кундан бери оғзига ҳам олгани йўқ; жуда хумори тутган. Қайтага ичгани тузук; мен унга қарзни тўлолмай ўтирганида ҳам обориб турардим...

Генерал эшикни шиддат билан ланг очиб юборди-да, ғазабдан қалтираган ҳолда остонада туриб қолди.

— Марҳаматли афандим!— деб қичқирди у момақалдироқдай гулдурарган овоз билан Птицинга,— агарда сиз она сути оғзидан кетмаган худосиз бир болани деб иззат-икромда юрган қария, ўзингизнинг отангиз, яъни тўғрироғи, хотинингизнинг отаси, подшо аёло ҳазратларининг хизмат кўрсатган фуқаросидан юз ўғирмоқчи бўлар экансиз, мен шу соатдан эътиборан сизнинг хонадонингизни тарк этаман. Танланг, афандим, дарҳол танланг: ё мен ва ё манави... мих! Ҳа, мих! Мен билмасдан айтиб юбордим, лекин бу — мих! Чунки у худди михга ўхшаб жонимга қадалиб турибди, ичимни ўйиб юборди, ҳурмат нималигини билмайди... занглаган мих!

— Омбур эмасми мабодо?— сўради Ипполит.

— Йўқ, омбур эмас, зотан, мен сенинг қошингда шиша эмасман омбур билан очиладиган, мен генералман. Менинг кўкрак нишонларим бор... сенинг ниманг бор. Ё у, ё мен! Ҳозироқ ҳал қилинг, афандим, ҳозир, ҳозир!— деб қичқирди яна ғазабдан бўғриққан ҳолда Птицинга. Шунда Коля унга стул тутди ва тамом ҳолдан тойган ҳолда ўзини стулга ташлади.

— Сиз яхшиси... бир ухлаб олсангиз бўлармиди,— деб гўлдирарди лол бўлиб қолган Птицин.

— Яна унинг нўписи қилишини кўр!— деди секин синглисига Ганя.

— Ухланг дейсизми!— қичқирди генерал.— Мен маст эмасман, марҳаматли афандим, сиз мени ҳақорат қиялпсиз. Кўриб турибманки,— деди у ўрнидан тураркан,— кўриб турибманки, бу ердагиларнинг ҳаммалари менга қарши эканлар, ҳаммалари ва ҳаммаси. Бас! Мен кетаман... Лекин билиб қўйингки, марҳаматли афандим, билиб қўйингки...

Уни гапиртиргани қўймай стулга яна ўтқиздилар, тинчланинг, деб ялина бошладилар. Ганя жаҳл билан уйнинг бурчагига ўтиб кетди. Нина Александровна титраб йиғлаб турарди.

— Мен унга нима қилдим ўзи? Нега у ҳадеб мендан нолийди!— деб қичқирди Ипполит тишини кўрсатиб.

— Ҳеч нарса қилмадингизми?— деб қолди бирдан Нина Александровна.— Айниқса, сизга ярашмайди жуда... чолни қийнаш одамгарчиликдан эмас... яна сизнинг ўрнингизда.

— Биринчидан, менинг ўрнимга нима қилибди, хоним. Мен сизни жуда ҳурмат қиламан, айнан сизнинг ўзингизни, шахсан, бироқ...

— Бу мих!— деб қичқирди генерал.— У менинг жонимни, юрагимни ўйиб қора қон қилиб ташлади! У мени ҳам худосиз қилмоқчи! Билиб қўй, ҳой тирранча, мен шон-шуҳратларга кўмилиб юрганимда сен ҳали туғилмаган эдинг; сен ичи қора чувалчангсан, сен иккига бўлиниб кетган чувалчангсан, кўкйўталсан... жаҳолат ва худосизликдан бўғилиб ўлиб кетасан... Нега ҳам Гаврила сени бу ерга олиб кела қолган экан? Ҳаммаси менга қарши, бегоналардан тортиб ўз ўғлимгача!

— Бўлди, жуда вайсақилик қилиб юборди-ку!— қичқирди Ганя.— Бутун шаҳарда бизни шарманда қилиб юрганингизда яхшироқ бўларди!

— Сени нима қилиб шарманда қилибман, тирмизак! Сени? Сен мен туфайли одам бўлиб юрибсан, мен номус-орли одамман!

У ўрнидан сакраб туриб кетди, энди уни сира эплаб бўлмаёқолди; лекин, афтидан, Гаврила Ардалионович ҳам жаҳл отига минган эди.

— Тағин номус-ор эмиш!— деб қичқирди у алам билан.

— Нима дединг?— деб ўқирди генерал ранги ўчиб унга томон бир қадам ташларкан.

— Нима дердим, оғзимни очмасимдан бурун...— додлаб юборди бирдан Ганя ва гапини тугатолмади. Улар бир-бирлари қаршисида ҳаддан зиёд ғазабга тўлган ҳолда турардилар, айниқса, Ганя.

— Ганя, сенга нима бўлди!— деб қичқирди Нина Александровна, ўғлини тўхтатиш учун талпиниб.

— Нима бўлди сизларга ўзи!— деб дарғазаб ҳолда ўртага тушди Варя.— Қўйинг, ойи,— деб у ойсини қучоқлаб олди.

— Фақат ойим учун аядим,— деди фожиона тарзда Ганя.
— Гапир!— деб бўкирарди генерал ўзини тамомила йўқотган ҳолда,— гапир, бўлмаса оқ қиламан... гапир!

— Сизнинг оқ қилишингиздан қўрқадиган аҳмоқ йўқ! Қим айбдор, сиз саккиз кундан бери худди эсини йўқотиб қўйган одамга, ўзи хашиаб юрибсиз? Саккиз кун... кўрдингизми, мен неча куллигини ҳам санаб юрибман... Бас қилинг, менинг жонимни чиқарманг: ҳаммасини айтиб бераман... Нега кеча Епанчинлар-никига судралиб бориб юрибсиз? Яна бу киши қария, соч-соқоллари оқарган мўйсафид, хонадоннинг падари! Қойил!

— Жим бўл, Ганька!— деб қичқирди Коля,— жим бўл, аҳмоқ!

— Мен-чи, мен нима деб уни ҳақорат қилибман?— деб ҳали ҳам ўз гапидан қайтмасди Ипполит, ҳамон ўша масхара қилгандай овоз билан.— Нега у мени миҳ деб масхара қилади, эшитдингларми? Ўзи келиб қўймади; олдимга келиб аллақандай бир капитан Еропеговни гапира бошлади. Мен сиз билан ҳеч гаплашишни истамайман, генерал; илгариям сиздан нарироқ қочиб юрардим, ўзингиз биласиз-ку. Менинг капитан Еропегов билан нима ишим бор, ахир ўзингиз ўйлаб кўринг? Мен капитан Еропегов учун келганим йўқ бу ерга. Мен унга ўзимнинг фикримни айтдим, холос, капитан Еропегов деган кимса ҳеч қачон яшамаган бўлса керак, дедим. У жуда тутун қайтариб юборди.

— Рост, бўлмаган ундай одам!— шартта деди Ганя.

Бироқ генерал бошига қаттиқ нарса тегиб кетган одамдай гангиб турар ва фақат атрофга бемаъни аланглаб қарарди. Ўғлининг гаплари ўзининг фавқулодда андишасизлиги билан уни лол қилиб қўйди. Бир зум ҳатто тили гапга келмай қолди. Ва ниҳоят, Ганянинг сўзларидан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборган Ипполит: «Ана, кўрдингизми, ўзингизнинг ўғлингиз ҳам ҳеч қандай капитан Еропегов бўлмаган деяпти»,— дегандан кейингина чол тутила-тутила мингиллади:

— Капитон Еропегов, капитан эмас... Капитон... истеъфодаги подполковник, Еропегов... Капитон,

— Э, Капитон ҳам бўлмаган!— деди бутунлай жаҳли чиқиб кетган Ганя.

— Не... нега бўлмас экан?— деб мингирлади генерал, унинг юзига қон тепчиди.

— Э, қўйинглар-чи!— деб уларни босмоқчи бўлишарди Птицин билан Варя.

— Жим бўл, Ганька!— яна қичқирди Коля.

Енини олаётганларини кўриб генерал бутунлай ўзини йўқотиб қўйди.

— Нега бўлмас экан? Ким айтади бўлмаган деб?— деб даргазаб ҳолда ўғлига ўдағайлади у.

— Шундай, чунки бўлган эмас. Бўлган эмас, вассалом, бўлиши ҳам мумкин эмас! Ана сизга бўлмасам. Бўлди қилинг, деяпман сизга.

— Яна бу ўғил... яна менинг пушти камаримдан бўлган ўғил, мен уни, о парвардигорим! Еропегов, Ерошка Еропегов бўлмаган деса-я!

— Ана тагин, дам Ерошка, дам Капитошка!— чинқирди Ипполит.

— Капитошка, афандим, Капитошка, Ерошка эмас! Капитон, Капитон Алексеевич, яъни дейлик, Капитон... подполковник... истеъфога чиққан... Марья... Марья Петровна Су... Су... турмуш ўртоғи ва йўлдоши... Сутуговага уйланган... юнкерлик пайтларида. Мен уни деб қонимни тўк... мен гавдам билан тўсиб... ўлдирилган. Капитошка Еропегов бўлган эмас! Йўқ, бўлган эмас!

Генерал ўзида йўқ қичқирар, лекин бошқа нарса устида, қичқириқ эса бутунлай бошқа нарса устида бўляпти, деб ўйлаш мумкин эди. Рост, бошқа бир пайт бўлганда у Капитон Еропегов бутунлай бўлмаган деган гандан ҳам оғирроғини кўтариб кетган, бақриб-чақриб, бир ишқал чиқариб, охирида алоҳа тепага ухлагани чиқиб кетган бўларди. Инсоннинг қалби жуда қизик экан-да, мана энди шундай бўлиб қолдики, шу топда Еропегов йўқ, деб қилинган шубҳа унинг сабр косасини тўлдириб юборди. Чол бўғриқиб кетди, қўлини кўтариб қичқирди:

— Бас! Лаънат бўлсин... шу уйдан кетганим бўлсин! Николай сакни келтир, кетаман... елкаминг чуқури кўрсин!

У ҳаддан ташқари даргазаб бўлганча шошилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан Нина Александровна, Птицин, Коля чопишди.

— Ана, энди нима қилиб қўйдинг!— деди Варя акасига.— Энди яна ўша ёққа судралиб боради. Уят бўлди, уят бўлди!

— Уғирлик қилмасин!— деб қичқирди Ганя газабидан лаби лабига тегмай; бирдан у Ипполитнинг кўзлари билан тўқнашди; Ганя қалтираб кетай деди.— Сиз бўлсангиз, марҳаматли афандим,— деб қичқирди у,— бировнинг уйида турганлигингизни унутманг... яна сиз меҳмонсиз, ўзи ақлдан озай деб турган чолнинг ғашига тегиб нима қилардингиз...

Ипполитнинг энсаси қотганидан томирлари тортишиб кетди, лекин у ўзини дарров тутиб олди.

— Мен сизнинг отам ақлдан озиб қолган, деган гапийғизга қўшилмайман,— деб хотиржамлик билан жавоб берди у,— менимча, ҳатто кейинги пайтларда унинг ақлига ақл қўшилганга ўхшайди, худо ҳаққи; сиз ишонмайсизми? Жуда эҳтиёткор, ҳам-

ма нарсдан шубҳаланадиган, ҳамма нарсага бурчини тикаве-
радиган бўлиб қолган, яна ҳар бир сўзнинг маънисини чақиб
кўради... Биласизми, ўша Капитошкеси ҳақида атай гап очди;
у менда бир фикр уйғотмоқчи бўлди шекилли...

— Сизда фикр уйғотмоқчи бўлгани билан менинг неча пул-
лик ишим бор! Менинг олдимда думингизни гажак қилиб му-
ғамбирлик қилмаслигингизни сўрайман!— деб чинқириб юборди
Ганя.— Агар сиз чолнинг нега шу аҳволга тушганлигининг ҳақи-
қий сабабини билсангиз (сиз меникида беш кундан бери айғоқ-
чилик қилиб юрибсиз, билиб олган бўлсангиз ҳам керак), унда
асло унинг жигига тегмаслигингиз керак эди... нима қиласиз,
шўрликни қийнаб, нима қиласиз, ҳаммасини кўпиртириб айтиб,
ойимни азобга солиб, бу ўзи бемаъни бир иш, мастликда нима-
лар бўлмайди, бошқа гап йўқ, биров кўрмаган, қўлидан уш-
ламаган бўлса, бунинг устига, мен буни тирноққа ҳам арзитмай-
ман... Лекин сиз заҳар сочиб айғоқчилик қилиб юришингиз
керак, чунки сиз... сиз...

— Мих,— деб иршайди Ипполит.

— Чунки сиз беазама бир боласиз, ярим соат одамларни қий-
надингиз, ўзимни отаман деб, ўқланмаган тўппонча билан ҳам-
мани кўрқитиб, уялмайсиз ҳам, манман қотил, икки оёқлик...
сап-сарик сафро. Мен сизга жой бердим, сиз семириб қолдингиз,
йўталингиз босилди, мана шуларнинг эвазига сиз...

— Икки оғиз сўзга ижозат этсалар; мен Варвара Ардалио-
новнанинг уйида турибман, сизникида эмас; сиз менга ҳеч қандай
жой берганингиз йўқ, ўйлашимча, сиз ўзингиз жаноб Птициннинг
меҳмондўстлигидан манфаатланиб юрибсиз. Тўрт кун аввал
ойимдан менга Павловскда бир уй топиб беринг, деган эдим,
ўзингиз ҳам келиб туринг, девдим, чунки бу ерда ўзимни чиндан
ҳам анча енгил сезяпман, лекин унчалар семириб кетганим йўқ,
йўталиш эса ҳалиям кўзиб турибди. Кеча кечқурун ойим менга
уй топдим, деб хабар қилди, сизга айтиб қўйишим керакки, мен
синглингиз ва онангизга ўз ташаккурларимни айтиб миннатдор-
чилик билдириб, шу бугуноқ ўз уйимга кўчиб ўтаман, кеча
кечқуруноқ шундай фикрга келган эдим. Кечиринг, сўзингизни
бўлиб қўйдим; сиз ҳали менга яна кўп нарсаларни айтмоқчи
эдингиз шекилли.

— О, ундай бўлса...— деб титраб кетди Ганя.

— Ундай бўлса, менга ўтиришга ижозат берсалар,— деб
қўшиб қўйди бамайлихотир Ипполит боя генерал ўтирган стулга
чўқаркан,— мен ҳар қалай, нотобман; ана, энди жоним билан
ҳамма гапларингизни эшитаман, бунинг устига бу бизнинг охир-
ги марта гаплашиб олишимиз бўлади сиз билан.

Ганя бирдан ўзидан-ўзи хижолат бўлди.

— Менга ишонинг, сиз билан ҳисоб-китоб қилмоқчи ва ўзимни ерга урмоқчи эмасман,— деди у,— мабодо сиз...

— Унчалар баланд кетманг,— уйнинг гапини бўлди Ипполит,— мен ўз навбатида бу ерга келган қунимоқ ўзимга сўз берган эдим, кетар чоғимда сизга ҳаммасини дона-дона қилиб айтиб кетаман деб. Мана ҳозир шундай пайт келди ва мен сўзимнинг устидан чиқмоқчиман, албатта, сиздан кейин.

— Яхшиси, бу ердан чиқиб кетинг.

— Яхшиси, сиз сўзлаб қолинг, бўлмаса, кейин пушаймон бўлиб юрасиз нега айтмадим деб.

— Бас қилинг, Ипполит; жуда уят бўлиб кетди; барака топинг, бўлди қилинг!— деди Варя.

— Хоним айтгандан кейин иложим қанча,— деб кулди Ипполит ўрнидан тураркан.— Ижозат беринг, Варвара Ардалионовна, сиз учун гапимни қисқароқ қиламан, лекин фақат қисқартиришим мумкин, зотан, мен билан акангиз ўртасида баъзи гапларнинг очиқ-равшан бўлгани дуруст, мен гапни чала қолдириб думи хуржунда қилиб кетишни асло хоҳламайман.

— Сиз ғийбатчисиз, бошқа гап йўқ,— деб қичқирди Ганя.— шунинг учун ғийбат қилмасдан бу ердан чиқиб кетолмайсиз.

— Ана кўрдингизми,— деди совуққонлик билан Ипполит,— алоҳа ўзингизни тутиб туролмадингиз. Рост айтаман, гапириб қолинг, бўлмаса, пушаймон бўласиз. Яна бир карра сўз навбатини сизга бераман. Мен кутиб тураман.

Гаврила Ардалионович индамас, нафратланиб қараб турарди.

— Хоҳламайсизми. Ўзингизни синаб кўрмоқчимисиз,— ихтиёрингиз. Мен ўз навбатида гапимни жуда мухтасар қиламан имкони борича. Бугун мен икки-уч мартача меҳмондўстлик ҳақидаги гапларни эшитдим; бу адолатдан эмас. Мени бу ерга таклиф қилиб, тўрга илинтирмоқчи бўлган эдингиз; сиз мени княздан ўч олишимни мўлжаллагансиз. Бундан ташқари, сиз Агляя Ивановна менга хайрихоҳлик билдирганлигини, дафтаримни ўқиб чиққанлигини эшитгансиз. Сиз негадир мени тамомла ўз манфаатларингиз йўлида хизмат қилдиришни хаёл қилгансиз, менга ёрдам беради, деб ўйлагансиз. Мен батафсил гапираётганим йўқ! Сиздан ҳам бу гапларни тасдиқлашни, тан олишингизни асло истамайман; қолганларини мен сизнинг виждонингизга ҳавола қиламан ва ўйлайманки, биз бир-биримизни жуда яхши тушуниб олдик.

— Лекин сиз оддий нарсаларни ҳам жуда кўпиртириб юборар экансиз,— деб қичқирди Варя.

— Мен сенга айтувдим-ку: бу ғийбатчи ва ёш бола деб,— деб қўйди Ганя.

— Ижозат беринг, Варвара Ардалионовна, мен давом этай. Мен князни албатта, яхши ҳам кўролмайман, ҳурмат ҳам қилолмайман; лекин у... ғалати одам бўлишига қарамасдан, жуда ҳам оқкўнгил киши. Уни ёмон кўришга менинг ҳеч қандай асосим йўқ; сизнинг акангиз мени князга қарши қайрамоқчи бўлганида мен ҳеч нарсани сездирмай туравердим; мен охирида маза қилиб бир хумордан чиқиб кулмоқчийдим. Акангиз менга албатта оғзидан гуллаб қўйишини билган эдим, у ростдан ҳам қош қўяман деб кўз чиқарди. Айтганим келди... Унга раҳм қилсам девдим, лекин раҳм қилсам ҳам фақат сизга бўлган ҳурматим юзасидан қиламан, Варвара Ардалионовна. Бироқ сизга нима учун мени қармоққа тушириш осон эмаслигини тушунтирар эканман, мен шу билан бирга нега акангизни бир аҳмоқ қилмоқчи бўлганлигимни ҳам изоҳлаб ўтаман. Шунни билиб қўйингки, мен бунни очиқ айтаман, азбаройи ёмон кўрганим учун қилдим. Мен ўлар эканман (сиз айтмоқчи, семириб кетган бўлсам ҳам барибир ўламан), ўлар эканман, мен ўзимни бир умр таъқиб қилиб келган ва умр бўйи кўришга кўзим бўлмаган ўша соф-саноқсиз одамлар тоифасининг жуда бўлмаганда биттагини лақиллайтиб, аҳмоқ қилиб кетмасам, сира кўнглим жойига тушмаслигини, жаннатга хотиржам кириб борулмаглигини сездим, сизнинг муҳтарам акангиз шундай тоифадаги одамларнинг энг кўзга кўринганларидан. Сизни кўргани кўзим йўқ, Гаврила Ардалионович, ва бунинг сабаби *битта*, — бу сизга балки жуда аниққа туюлиши мумкин, — лекин *сабаби* фақат битта: сиз энг сурбет, энг ўзидан мамнун, энг бачкана ва бадбуруш одмиликнинг ёрқин вакилисиз, шундай одамларнинг бутун жамлама хусусиятлари сизда акс этади! Сиз жуда башанг одмиликсиз, сиз ўзига бино қўйган ва ўзидан жуда хурсанд такаббур одмиликсиз; сиз чиркинларнинг чиркинроғисиз! Сизда на қалб бор, на ақл бор, на ўз ғоянгиз бор. На ўз фикрингиз. Лекин сиз ўтакетган ҳасадгўйсиз. Сиз ўзингизни тенги йўқ даҳо деб биласиз, лекин баъзан бахтсизлик онларида бундан жиндақ шубҳаланиб қўясиз, дарғазаб бўласиз ва яна ҳасадингиз келади. О, ҳали олдингизда қанчадан-қанча шундай қора нуқталар бор; сиз тез орада ғирт аҳмоққа айланасиз, ўшанда бу нуқталар барҳам топади. Лекин ҳар қалай, нима бўлмасин, сизнинг олдингизда узоқ ва бир-бирига ўхшамаган йўллар бор, бу йўллар сизга унчалар шодлик келтирмайди, мен шундан хурсандман. Биринчидан, сизга узил-кесил айтиб қўяй: ўша қизнинг васлига ҳеч қачон восил бўлмайди...

— Ҳой, оғзингизга қараб гапиринг! — деб чийиллади Варя. — Бўлди қиласизми йўқми, илондай чақаверманг?

Ганя ранги ўчганча қалтираб оғзини очмасди. Ипполит гап-

дан тўхтаб, унга диққат билан роҳатланиб қаради, кўзларини ундан Варяга олди, илжайди, таъзим қилди ва бошқа бир оғиз ҳам сўз айтмай чиқди-кетди.

Гаврила Ардалионович тақдирдан ва омади йўқлигидан шикоят қилса ҳақ эди. Варя бирмунча вақтгача унга гап қотишга юраги бетламади, ҳатто акиси ёнидан катта-катта қадам ташлаб ўтиб кетганида унга қарамади ҳам; ниҳоят, у дераза томонга ўтиб Варяга орқаси билан туриб қолди. Варя рус мақолини ўйларди: таёқнинг учи иккита. Тепада яна тўполон бўлиб қолди.

— Кетяпсанми?— деб ўгирилди Ганя сингисининг ўрнидан тураётганини кўриб.— Шошма, манавини кўр.

У сингисига яқин келиб унинг олдидаги стул устига букланган кичкина қоғоз парчасини ташлади.

— Е тавба!— деб қичқириб юборди Варя ва қўлларини чапак қилиб урди.

Қоғозда роса етти қатор сўз ёзилганди.

«Гаврила Ардалионович! Менга бўлган илқ муносабатингиздан фойдаланиб, мен учун жуда муҳим бўлган бир иш юзасидан сизнинг маслаҳатингизни олмоқчи эдим. Мен сизни эртага эрталаб соат роса еттида кўк скамейкада учратсам дедим. Кўк скамейка бизнинг чорборимиз ёнида. Сиз билан бирга келиши шарт бўлган Варвара Ардалионовна бу жойни жуда яхши билади. А. Е.»

Буниси ҳаммадан қизиқ бўлди-ку!— деб қўлларини ёзди Варвара Ардалионовна.

Шу дамда Ганя жуда ҳам мақтангиси, керилгиси келиб кетди, Ипполитнинг одамини ерга урадиган сўзларидан сўнг ахир жиндаккина бўлсин, ўзини кўрсатиб қўйишни истамасинми бечора. Унинг юзи ўзидан мамнун табассумдан ёйилиб кетди, Варя ҳам қувончдан гул-гул яшнади.

— Шу куни яна уларнинг никоҳлари ўқилиши керак! Вой, қизи тушмагур-ей!

— Сен нима деб ўйлайсан? Эртага у нима ҳақда сўзлашиши мумкин?— сўради Ганя.

— Бунинг фарқи йўқ, энг муҳими, олти ойдан кейин сени биринчи марта кўрмоқчи бўлиши. Қулоқ сол, менга, Ганя: нима бўлмасин, иш нима билан яқунланмасин, билиб қўй, бу жуда муҳим! Ҳаддан ортиқ муҳим! Олифталик қилма, яна адашиб юрма, лекин қўрқиб ҳам ўтирма, кўзингга қара! Мен ярим йилдан бери мокидай бориб-келиб юрганлигимни сезмаган дейсанми? Қара-я: менга бугун бир оғиз ҳам айтмади, ҳатто учини ҳам чиқармади. Мен уларнинг олдиларига яширинча борган эдим, кампир мен борганимни билгани йўқ, бўлмаса, қувиб чиқарган

бўлармиди. Сени деб таваккал қилиб борган эдим, қандай бўл-масин, билмақчидим...

Яна тепадан шовқин-сурон эшитилди; бир қанча одамлар зинадан тушиб келишарди.

— Энди сира ҳам бунга йўл қўймайлик! — деб қичқирди шошиб қолган Варя қўрқиб кетганча. — Жанжал-сурон бўл-масин! Бор, узр сўра!

Аммо хонадон соҳиби аллақачон кўчага чиқиб улгурганди. Коля унинг орқасидан сакни кўтариб борарди. Нина Александровна эшик олдида турганича кўз ёши қиларди; у эрининг ор-тидан югурмоқчи бўлган эди, бироқ Птицин ушлаб қолди.

— Орқасидан борсангиз, баттар бўлади, яна хуружга кир-ади, — дерди у қайнанасига, — борадиган ери йўқ, ярим соатдан кейин уни қайтариб олиб келишади, мен Коляга тайинлаб қўй-дим; майли, бир кўнгли ёзилсин.

— Нега масхаравозлик қиласиз, қаерга борасиз! — деб қич-қирди Ганя деразадан туриб, — борадиган жойингиз йўқ-ку, ахир!

— Қайтинг, дада! — қичқирди Варя. — Қўшнилар қараб ту-ришибди.

Генерал тўхтади, ўгирилди, қўлларини ёзиб хитоб қилди:

— Шу уйни елкаминг чуқури кўрсин!

— Тагин оҳанжама қилиб гапиргани ортиқча! — деб гўл-диради Ганя деразани шарақлатиб ёпаркан.

Қўшнилар ҳақиқатан ҳам қараб туришарди. Варя хонадан югуриб чиқиб кетди.

Варя чиқиб кетгандан сўнг Ганя столдан хатни олиб ўпди, тилини такиллаб қўйди ва букилиб буради.

III

Бошқа бир пайт бўлганда генералнинг тўполони беэён ту-гаган бўларди. Гарчи камдан-кам бўлса-да, лекин илгарилар ҳам шундай кутилмаган инжиқликлар содир бўлиб турарди, лекин умуман олиб қараганда, бу одам жуда итоатгўй ва оқ-кўнгиликка мойил эди. У кейинги пайтларда ўзининг жуда бе-вош бўлиб кетаётганлигини кўриб камида юз мартача бунинг олдини олишга уриниб, ҳаракат қилди. У бирдан ўзининг «хона-дон соҳиби» эканлигини эслаб қолар, хотини билан ярашар, чин юракдан кўз ёши қиларди. Унинг ҳаммага майна ва масха-ра бўлиб қолганига, хароб бир аҳволга тушганига қарамасдан ҳамон яши кўрадиган, унинг катта-кичик гуноҳларини жуда кўп марталаб индамай кечириб юборадиган Нина Александровнани у жондан ҳам ортиқ ҳурмат қиларди. Лекин бевошликка қар-ши олижаноб олишув узоқ давом этмасди; генерал ҳам ўз йў-

лига «бир қайнови ичида» одам эди; у хонадонда муте бўлиб, индамай юришдан зерикиб кетар, исён кўтарарди; қайнаб-тошиб, кўпириб сўнг яна ўзидан-ўзи хафа бўлар, лекин барибир, ўзини енголмасди: жанжал кўтарар, болохонадор ва жимжимали қилиб сўзлай бошлар, ўзини чексиз-адоқсиз суратда ҳурмат қилишларини талаб қилар ва ниҳоят, уйдан баъзан узоқ пайтларга чиқиб кетарди. Кейинги икки йил у ўз хонадонидида нималар бўлаётганлигини орқаворатдан эштиб, чала-чулпа биларди. Кўнглида оилага заррача меҳр қолмаган, ҳеч нарса билан иши йўқ эди.

Лекин бу сафарги «генералнинг ғалваси» аввалгиларига ўхшамас, жуда бошқача эди: ҳамма худди алланимани биладиганга ўхшар ва ҳамма худди алланимани гапириб қўйишдан қўрқаётгандай эди. Генерал хонадонга, тўғрироғи, Нина Александровнанинг ёнига одамларнинг назари учун уч кун бурун қайтган, лекин илгариги «келишларидай» бўйинини эгиб, ўзини айбдор ва гуноҳкор санаб эмас, аксинча, ҳаддан ташқари асаби қўзиб қайтганди. У жуда ҳам сергап, серхархаша, безовта бўлиб қолган, одамлар билан куйиб-пишиб худди бировнинг устига ташланаётгандек бўлиб сўзлашар, лекин гаплари пойинтар-сойинтар, бир боғдан келса, бир тоғдан келар, кўнгли нимага алағда бўлаётганлигини сира англаб бўлмасди. Баъзан қувноқ бўлиб қолар, лекин тез-тез ўйга ботар, бирок нима ҳақда ўйлаётганлигини ўзи ҳам билмасди. Бирдан алланималарнидир ҳикоя қила кетар — Епанчинлар, князь ҳақида, Лебедев тўғрисида сўзлар, лекин ҳикоясини бирдан тўхтатиб, жим бўлиб қолар, берилган саволларга жавобан фақат илжаяр ва ҳатто ўзидан гап сўраётганларини ҳам фаҳмламас, кулиб тураверарди. Кейинги кеча у туни бўйи инграб, иҳраб-сиҳраб, Нина Александровнани қийнаб юборди, шўрлик хотин кечаси билан унга иссиқ қўйиб чиқди. Азонга яқин ухлаб қолди, тўрт соат ухлади, уйқудан жуда руҳсиз ва нашъаси паст ҳолда турди, Ипполит билан ғиди-биди қилди ва ниҳоят, «шу ўйни елкамнинг чуқури кўрсин» деганча чиқиб кетди. Шу уч кун ичида унинг ҳар нарсага орияти келиб, огринадиган бўлиб қолганлигини сездилар, у арзимаган нарсалардан ҳам хафа бўлиб кетар, дили оғрирди. Коля бўлса, буларнинг ҳаммаси ичкиликнинг хумори, ё бўлмаса, дадам кейинги пайтларда Лебедев билан жуда яқин оғайни эди, эҳтимол Лебедевни соғинаётгандир, деб ойисини ишонтиришга уринарди. Лекин генерал уч кун бурун Лебедев билан бирдан қаттиқ уришиб қолиб, унинг олдидан жуда дарғазаб ҳолда кетиб қолганди: ҳатто князь билан оралари бузилиб, ўртадан ола мушук ўтганди. Коля княздан нима бўлди, деб сўради, лекин князнинг

нималарнидир айтгиси келмаётганлигини, гапни айлантираётганлигини сездим. Ганя, ойим билан Ипполит ўртасида бир гапсўз бўлиб ўтганга ўхшайди, деб тахмин қилган эдим, агар шу тахмин жонли бўлса, нега унда Ганянинг ибораси билан айтганда «ғийбатчи ва ичиқора» жаноб Коляни ҳам барча гапдан хабардор қилиб қўймайдийкин. Лекин балки Ипполит, Ганя синглисига айтганчалик ёмон «бола» бўлмаса керак эди, унинг ёмонлиги аллақандай жуда бошқача бир ёмонликка ўхшарди; Нина Александровнага ҳам унинг ўтакасини ёриш учун атай нимадир деганлигига ишониш қийин эди. Шунини унутмайликки, инсон хатти-ҳаракатларининг сабаблари одатда кейин биз уни тушунтирганга қараганда ҳаддан ташқари чигал ва ранг-баранг, жуда камдан-кам ҳолларда аниқ бир белгига эга бўлади. Баъзан ҳикоянавис ҳодисаларнинг оддий баёни билан чеклангани маъқул. Генералнинг бошига тушган бугунги фалокатни баён қилганда биз ҳам худди мана шу йўлдан бора-миз; зотан, биз қанча уринмайлик, ҳикоямизнинг ушбу иккинчи даражали қаҳрамонига ҳам олдин ўйлаганимиздан кўра бир оз кенгроқ эътибор беришга кучли бир зарурат сезмоқдамиз.

Воқеалар бири кетидан бири шундай тартиб билан давом этади:

Лебедев Фердишченкони қидириб Петербургга бориб ўша кунидея генерал билан биргаликда қайтиб келгандан сўнг князга кириб ҳеч нарса дегани йўқ. Агарда князь ўша кунлари ўзи учун жуда муҳим бўлган бошқа таассуротлар билан банд бўлмаганда эди, унда кейинги икки кун ичида ҳам Лебедев унга ҳеч қандай бир гап айтмаганлигини ва ҳатто у билан учрашишдан негадир қочиб юрганлигини сезган бўларди. Ниҳоят, князь бунга эътибор берди ва шу икки кун ичида Лебедев билан тасодифан учрашиб қолганларида уни жуда хандон-хушон, доим генерал билан кулишиб, ҳазиллашган ҳолда кўрганлигини эслади. Иккала дўст энди бир-бирларидан бир дақиқа ҳам ажралишмасди. Князь баъзан тепада гангир-гунгур суҳбат бўлаётганлигини, қаҳқаҳалар янграётганлигини, дўстлар ҳазил-ҳузул билан неларнидир талашаётганликларини эшитиб қоларди. Бир кун кеч алламаҳал бўлиб қолганда унга юқоридан баногоҳ шўх ва бепарво бир ҳарбийча қўшиқ овози эшитилди, у дарров генералнинг дўриллаган товўшини таниди. Лекин қўшиқ авжига чиқмай тез тўхтаб қолди. Кейин яна бир соатча жуда ҳам қизғин вағир-вуғур мастона суҳбат давом этди. Тепада айш қилаётган дўстлар бир-бирлари билан кучоқлашиб, кимдир кўз ёши қилаётганлигини сезиб олса бўларди. Сўнг ўртада қаттиқ жанжал чиқди, жанжал ҳам дарров босила қолди. Мана шу кунлар ичида Коля аллақандай

ташвишга ботиб юрди. Князь кўпинча уйда бўлмас ва кеч қайтарди; кейин унга сизни Коля кун билан қидириб сўраб юрди, деб айтишарди. Лекин кўришиб қолганларида Коля тузук-куруқ бир гап айтмас, генералнинг ҳозирги аҳволидан, ўзини «туттишидан» шикоят қиларди: «Анави ерда қовоқхона бор, ўша ерга бориб майхўрлик қилишади, кўчага чиқиб қучоқлашиб гап талашиб, ҳазиллашадилар ҳеч бир-бирларидан ажралиб кетолмайдилар». Князь, илгарилар ҳам кунда шундай воқеалар бўлиб турарди, деган эди, Коля бунга жавобан нима дейишини, асли нимадан ташвиш қилаётганлигини аниқ айтиб, тушунтириб беролмади.

Эртасига эрталаб, ҳарбийча шўх ва бепарво қўшиқ овози келган куннинг эртаси князь соат ўн бирларда энди уйдан чиқмоқчи бўлиб турган эди, кутилмаганда недандир ҳаяжонланган, қаттиқ ҳайратга тушган генерал унинг ҳузурига кириб келди.

— Сизни қачонлардан бери кўришни, зинрат қилишни орзу қилиб юрар эдим, муҳтарам Лев Николаевич, қачонлардан бери, қачонлардан бери, — деб гўлдиради у князнинг қўлини ҳаддан ташқари қаттиқ, оғритадиган даражада қисиб, — қачонлардан, қачонлардан бери.

Князь уни ўтиришга таклиф қилди.

— Йўқ, ўтирмайман, сизни йўлдан қолдираман, мен — бошқа келарман. Ақли ожизимча, сизни чин юракдан... кўнгилдаги тилакларим... рўёбга чиққанлиги билан табриқласам арзир дейман.

— Қандай кўнгил тилакларим?

Князь хижолат бўлди. Князь ҳам, князнинг ҳамига тушганлар ҳам, одатда ҳеч ким ҳеч нарсани кўрмайди, ҳеч ким ҳеч нарсани сезмайди, фаҳмламайди, деб ўйлайдилар.

— Асло безовта бўлмасиңлар, безовта бўлмасиңлар! Нозик туйғуларига тўқинмоқчи эмасман. Ўзимнинг бошимдан ўтган, ўзим биламан, бегона одам... шима десамикни... бурнини... мақолда айтилган-ку... тиламаган ерга таёқ бўладилар. Мен бунини ҳар кун эрталаб бошимдан кечираман. Мен бошқа бир иш юзасидан, жуда муҳим иш, келган эдим. Жуда ҳам муҳим иш юзасидан, князь.

Князь уни яна ўтиришга ундади ва ўзи ҳам ўтирди.

— Майли, бир зум ўтирсам бўлади... Мен маслаҳат сўраб келдим. Мен, ўзингизга маълумки, амалий бир мақсадлар қўймаган ҳолда яшайман, бироқ ўзимни ва инчунин ишчанликни ҳурмат қилганим... боисидан... биласизми, рус кишиси ўзининг ишчанлигини кўз-кўз қилишни яхши кўради, умуман айтман-да... мен ўзимни, аёлимни ва болаларимни таъминла-

сам дейман... хуллас, князь, маслаҳатга зор бўлиб қолдим.

Князь унинг мақсадини қизгинлик билан маъқуллади.

— Э, бўлмагур гаплар бари,— деб унинг сўзини тез бўлди генерал,— мен, муҳими, у хусусда эмас, бошқаси ҳақида, энг муҳими ҳақида айтяпман. Мен сизга ўз ҳолимни англаймоқчиман, Лев Николаевич, сиз барча сўзларини самимий қабул қилишингизни биламан, сизнинг туйғуларни олижаноб одам эканлигингизга ишончим комил, сиз, сиз... Менинг сўзларим сизни ажаблантириб қўймадим, князь?

Князь унчалар ажабланмаган тақдирда ҳам ўз меҳмонини гоятда қизиқиб, шоён диққат билан кузатарди. Чолнинг ранги оқарган, лаблари баъзан қалтираб кетар, қўлларини тинч тутиб туролмасди. У ўтирганига кўп бўлганига қарамасдан, чамаси, икки мартача негадир ўздан-ўзи ўрнидан туриб кетиб яна қайтиб ўтирди, афтидан, ўзининг қилаётган хатти-ҳаракатларини уқмас, уларга эътибор бермасди шекилли. Столда китоблар бор эди; у гапира туриб китоблардан бирини олди, очилган саҳифага кўз югуртирди, сўнг шу заҳоти ёпиб яна столга қўйди, бошқа бир китобни олиб, уни очиб кўрмасдан қўлида тутганча гап орасида силкитиб қўярди.

— Бас!— деб қичқириб юборди у бирдан.— Кўриб турибман, сизни қаттиқ ташвишга қўйдим.

— Ҳеч ундай эмас, бемалол, марҳамат қилинг, мен аксиенча, қулоғим сизда, тушуниб олишни истайман...

— Князь! Мен ўзимни ҳурмат қилишларини истайман... мен ўзимни-ўзим ҳурмат қилсам дейман ва... ўз ҳақ-ҳуқуқларимни.

— Шундай истаги бўлган одамнинг ўзи аввало ҳар қандай ҳурмат-эътиборга сазовор.

Князь шундай пайтларда одатда айтиладиган сўзни айтди, бу сўз чолга жуда яхши таъсир қилса керак, деб ўйлаганди. У шунга ўхшаш тумтароқ, лекин ёқимли, жуда топиб айтилган бир сўз билан мана шундай аҳволга тушиб қолган бир одамнинг ва хусусан, генералнинг қалбини юмшатиш, унинг дилига йўл топиш мумкинлигини аллақандай савқий табиий билан сезганди. Қандай бўлмасин, шундай меҳмоннинг кўнглини кўтариб жўнатиш керак эди, ҳамма гап шунда эди.

Бу сўз кўнгилнинг нозик ерларини қитиқлади, таъсир қилди, жуда маъқул тушди. Генерал кутилмаганда бирдан кўнгли юмшаб, гапларининг оҳангини ўзгартирди ва узундан-узоқ тумтароқ гапларга тушиб кетди. Лекин князь қанча уринмасин, қанча фикрини жам қилмасин, барибир ҳеч нарса тушунполмади. Генерал ўн минутча куйиб-пишиб, бирини олиб-бирини қўйиб, тўда-тўда бўлиб ёпирилиб келаётган фикрларини

ифодалашга шошиб сўзлай кетди. Охирида унинг кўзларида ёш гилтиллади, лекин қандай бўлмасин, булар бош-кеги йўқ, кутилмаган сўзлар, кутилмаган фикрлар, тез келиб тез кетадиган, айқаш-уйқаш, пойинтар-сойинтар гаплар эди.

— Бас! Сиз мени тушундингиз ва энди менинг кўнглим тўқ,— деб хулоса қилди у бирдан ўрнидан тура бошлаб,— сизнинг қалбингиз риёзат чеккан одамни тушунмай иложи йўқ. Князь, сиз худди идеал каби олижанобсиз. Сизнинг олдингизда бошқалар нима бўпти? Лекин сиз навқиронсиз ва мен сизга оқ йўл тилайман. Гапнинг очигини айтганда, сизда зарур ишим бор эди, шунга аниқ бир вақт тайинлашингизни сўрайман, умидларимнинг энг сараси шу. Мен бир одамнинг дўстлигини ва қалбини излайман, князь; мен ҳеч қачон ўз қалбимнинг интилишларини тергаб ололган киши эмасман.

— Нега, ҳозир айтсангиз бўлмайми? Мен эшитишга тайёрман...

— Йўқ, князь, йўқ!— деб қизгин унинг сўзиши бўлди генерал,— ҳозир эмас! Ҳозир орзу ҳоким! Бу жуда, жуда муҳим, жуда муҳим! Бу суҳбат соати тақдиримнинг тугал соати бўлажак. Бу менинг соатим, ва мен асло инстамас эдимки, мана шундай бир соатда, мана шундай қутлуғ бир дамнинг шукуҳини эшикдан тўсиндан кириб келадиган бир сурбет бузмасин дейман,— шундай сурбетлар,— деб энгашди у бирдан князга галати, сирли, худди нимадандир қўрққан одамдай шивирларкан,— бундай сурбет оёғингизнинг... пошнасига арзимайди, эй, менинг ҳабибим ва севарим князь! О, мен асло айтмайман: менинг оёғимнинг пошнаси, деб! Шунга сиз алоҳида эътибор бериб қўйинг, мен ўзимнинг оёғимни эслатганим йўқ асло. Зотан, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ шундай дейишга мен ўзимни ҳаддан ташқари ҳурмат қиламан; лекин буни фақат сиз тушунасиз, тушунишга фақат сиз қобилсиз, яъни ушбу ҳолда мен ўзимнинг пошнамдан воз кечарканман, демак, бу билан мен эҳтимол, ўз қадримга фавқулодда суратда етаётгандирман. Сиздан бошқа ҳеч ким тушунмайди у эса бошқалар қаторида, бошқаларга бош бўлиб тушунмайди. У ҳеч нарсани тушунмайди князь; бутунлай, бутунлай тушунмайди, фаросати йўқ! Тушуниш учун одамнинг қалби бўлиши керак!

Охири князь қўрқиб қолди ва генералга эртага мана шу вақтга учрашув тайинлади. У тасалли топган, анча тинчланган, кўнгли жойига тушган ҳолда шахдам қадамлар билан чиқиб кетди. Кечқурун соат еттида князь Лебедевни ҳузурига чақиртирди.

Лебедев шоша-пиша етиб келди ва эшикдан кирар-кирмас «бошим осмонга етди»ни бошлади. Унинг шу топдаги кўриниши

уч кундан бери княздан қочиб юрган одамнинг кўринишига асло ўхшамасди. У илжайиб, оҳанжамалар қилиб, кўзларини ўйнатиб, аланг-жалаң қилиб, қўлларини бир-бирига ишқалаб узоқ кутилган ва ҳамма тахмин қилган қандайдир бебаҳо бир хабарни эшитишга тайёр одамдай стулнинг бир чеккасига ўтирди. Князь яна ғалати бўлиб кетди; ҳамма ундан ниманидир кутаётгандай, ҳамма унга бошқача қилиб қараётгандай, худди уни нима биландир муборакбод қилмоқчи бўлаётгандай, ишоралар, нмолар, табассумлар қилаётгандай эди, у буни аниқ сеза бошлади. Қеллер ҳам унинг ҳузурига худди табрикламоқчи бўлгандай уч марта келиб кетди: ҳар сафар тумтароқ ва мужмал қилиб сўз бошлар, сўзларини охирига етказмас ва сўнг дарров кетиб қоларди. (У кейинги кунларда аллақерда қаттиқ ича бошлаган ва аллақердаги биллиардхонада ном чиқара бошлаганди). Ҳатто Коля ҳам ўзининг маъюс бўлиб юрганига қарамасдан, икки мартаба князь билан нима ҳақдадир мубҳам қилиб гап очган эди.

Князь бир оз энсаси қотган ҳолда Лебедевдан, сиз генералнинг ҳозирги аҳволига қандай қарайсиз, нега у бунчалар безовта бўлиб юрибди, деб очикдан-очик сўради. Генерал келиб-кетганлигини икки оғиз қилиб айтиб берди.

— Ҳар кимнинг ўз ташвиши бор, князь, ва... айниқса, бизнинг таажжуб ва нотинч асримизда шундай; ҳа, шундай;— деб қуруққина қилиб жавоб берди Лебедев ва кутган нарсаси рўёбга чиқмай қаттиқ алданиб қолган одамдай ўксиниб жим бўлиб қолди.

— Фалсафангизни қаранг-а!— жилмайди князь.

— Фалсафа керак, бизнинг асримизда амалий эҳтиёжлар учун жуда керак бўлади, лекин фалсафани менсимайдилар, ҳа, шундай. Менга келганда, муҳтарам князь, ўзингизга маълум бўлмиш ҳол юзасидан сизнинг ишончингизга сазовор бўлганимдан бошим осмонга етган бўлса-да, лекин бари маълум бир даражада эди ва ўша хусусий ҳолдан асло нарига ўтмайдиган шарт-шароитларгагина тааллуқли эди... Мен буни тушунаман ва асло нолимайман.

— Лебедев, сиз нимадандир хафа бўлганга ўхшайсизми?

— Заррача, заррача хафа эмасман, муҳтарам ва офтоб каби талъати мунаввар эй князь, заррача!— болохонадор қилиб деди Лебедев, қўлини кўкрагига қўйганча,— аксинча, шуни дарҳол тушуниб етдимки, на жамиятда тутган ўрним, на ақлим ва қалбимнинг даражаси, на бор бисот-бағалим, на ўзимнинг илгариги хулқим, на арзимас билимларим,— ҳеч нарсам билан сизнинг муътабар ва умидларимнинг олий даражотида турган ишончингизга сазовор бўла билмадим; мени мабодо хизматга

чорлайдиган бўлсангиз, унда мана, мен қулингизман, ёллаган хизматкорингизман, яна нима бўлиши мумкин... мен нега хафа бўларканман, кўнглим чўкиб кетди фақат.

— Лукьян Тимофеич, қўйсангиз-чи!

— Ҳа, шундай! Ҳозир ҳам шундай, ушбу ҳолда ҳам шундай! Сизни кўрганларимда, сизни ақлим ва хаёлим билан кузатганларимда, ўзимга-ўзим шундай дердим: мен дўстона хушxabарларга муносиб бўлолмадим, лекин эҳтимол, уйнинг соҳиби сифатида вақт-соати билан, фурсати келганда, нима десамикин, менга баёнот йўли билан хабар қилинса керакким, токи бўлажак ва кутилаётган маълумингиз бўлмиш ўзгаришларга тайёргарлик...

Шуларни айтarkan, Лебедев ўзининг ўткир кўзлари билан анг-танг бўлиб қараб турган қнязга тикилди; у ҳамон бир нарса билиши иштиёқидан тушмаган эди.

— Ҳеч нарсани тушунмай қолдим,— деб қичқирди князь худди дарғазаб бўлгудай,— сиз... шу жуда ғаламис одамсиз!— деб бирдан чин юракдан кулиб юборди князь.

Лебедев дарров унинг кулгисига қўшилди, унинг очилиб, чарақлаб кетган юзидан умидларига умид қўшилганлигини, кутганлари равшан тортганлигини уқиш мумкин эди.

— Биласизми, сизга нима демоқчи эдим, Лукьян Тимофеич? Сизнинг фақат мендан жаҳлингиз чиқмасин, мен сизнинг, бошқаларнинг ҳам соддалигингизга ҳайрон қоламан! Сиз ҳозир, худди мана шу топда жуда ҳам соддалик билан мендан нимадир кутяпсиз, мен бўлсам сизни қаноатлантирадиган бир жавобга эга бўлмаганимдан жуда хижолат чекапман олдингизда, виждоним қийналяпти; лекин сизга қасам ичиб айтаманки, ҳали ҳеч гап йўқ, шуни тасаввур қилоласизми ўзингиз!

Князь яна кулиб юборди.

Лебедев ғўдайинброқ ўтирди. Тўғри, у баъзан бир нарсага жуда соддалик билан қизиқиб қолар, сурлик билан бўлса ҳам билишга уринарди. Шу билан бирга бу одам жуда устомон ва тилёглама, баъзи бир ҳолларда эса маккор ва индамас эди; князь уни ўзидан четлатавериб, сал бўлмаса уни ўзига душман қилиб қўяёзган эди. Лекин князь ундан кўнгли қолгани учун ўзини четга тортмасди, балки Лебедевнинг қизиққан нарсаси жуда нозик бўлганидан шундай қиларди. Ўзининг баъзи бир орзу-хаёлларига князь бундан бир неча кун аввал худди жиноятдек қарар эди, Лукьян Тимофеич эса князнинг ўзини четга олаётганлигини бошқача тушунар, князь мендан айниди, менга ишонмайди, шунинг учун дилидаги гапларни айтмайди, деб ўйлар, унинг олдидан озурдадил бўлиб чиқиб кетар ва князни фақат Коля билан Келлердангина эмас, ҳатто ўз қизи

Вера Лукьяновнадан ҳам рашиқ қилар, қизғанарди. У ҳатто мана шу дақиқаларда князь учун жуда ҳам муҳим бўлган бир гапни айтишни истар, айтгиси келар, лекин негадир тумтайиб индамас, айтмасди.

— Каминангизга бўлган юмушларини айтсалар, бошимиз осмонга етади, муҳтарам князь, мени ахир, бир муносабат билан... чақиргандирсиз дейман?— деди у ниҳоят бирпас жимликдан сўнг.

— Мен шу, хусусан, генерални сўрамоқчийдим,— сесканиб тушди бир зум хаёлга толган князь ҳам,— ўша... менга ўғирлик ҳақида айтувдингиз...

— Нима ҳақда дейсиз ?

— Оббо, худди тушунмагандек гапирасиз-а! Эҳ, худойим, шу дейман, Лукьян Тимофенч, ҳадеб роль ўйнайверса ҳам қизиқ кўринаркан! Анави пулни, пулни айтаман, ҳамён билан бирга йўқотганингизни келиб айтиб берувдингиз-ку, менга, эрталаб Петербургга кетаётганингизда,— энди тушундингизми?

— Оҳ, сиз ўша тўрт юз сўмни айтасизми!— деб чўзилди Лебедев худди гапнинг нима ҳақда бораётганлигига эндигина тушунгандай.— Сиздан миннатдорман, князь, сиз ҳам мендан кам ташвиш чекмадингиз; бундан бошим осмонга етади, бироқ... мен уларни топдим, анча бўлди.

— Топдингизми! Оҳ, худога шукур!

— Фақат жуда олижаноб одамларгина сизга ўхшаб хитоб қиладилар, зотан, тўрт юз сўм — оғир меҳнат билан кун кўрадиган, камбағал, бир уй чувиллаган етимчаларини боқишни керак бўлган бир шўрлик одам учун озмунча маблағ эмас... бай-бай...

— Мен уни айтаётганим йўқ! Албатта, мен пул топилганидан жуда хурсандман,— дарров гапни тўғрилади князь,— аммо... қандай топдингиз?

— Жуда осон, сюртук ташлаб қўйилган стулнинг тагидан топдим, афтидан, ҳамён чўнтакдан сирғалиб тушиб қолган бўлса керак.

— Стулнинг тагига дейсизми? Бўлиши мумкин эмас, ахир, менга ҳаммаёқни тит-пит қилиб юбордим, деган эдингиз-ку; қандай қилиб энг асосий жой назарингиздан қочиб қолибди?

— Ағдар-тўнтар қилиб юборганим рост! Жуда яхши эсимда, жуда яхши эсимда қараганим! Эмаклаб юриб қараганман, қўлларим билан тимирскилаганман, стулни бир чеккага суриб, кўзларимга ишонмасдан; ҳеч нарса йўқлигини кўрганман, худди мана шу кафтимдек теп-текис, силлиқ, қуруқ пол, шунда ҳам барибир тимирскилайверганман. Йўқотган нарсасини жуда ҳам топгиси келганда одам мана шундай ўзига-ўзи ишонмайдиган

бўлиб қолади... айниқса, арзийдиган ва кишини ачинтирадиган нарса йўқолган бўлса; кўриб турибсиз, ҳеч нарса йўқ, бўм-бўш, барибир яна ўн беш марта шу ерни қарайверасиз.

— Шундай бўлса керак; фақат қандай бўлди, ўзи?.. Ҳеч тушунолмаёпман,— деб пичирлади князь калавасининг учини йўқотиб қўйиб,— аввал қарадим, йўқ экан, дедингиз, энди қандай қилиб яна ўша ердан топиб олдингиз?

— Шундай, бирдан топиб олдим-да.

Князь Лебедевга ғалати қилиб қаради.

— Генерал-чи?— деб кутилмаганда сўраб қолди у.

— Генералга нима бўлибди?— яна тушунмади Лебедев.

— Оҳ, худойим! Сиз стулнинг тагидан ҳамённи топиб олганингизда генерал нима деди, деб сўраяпман? Ахир, икковларингиз илгари ҳам бирга қараган эдингизлар-ку.

— Олдин бирга қараган эдик. Лекин бу сафар мен индамим, унга ҳамённи топганимни айтмадим.

— Не... нега энди? Пул бутун эканми?

— Ҳамённи очиб кўрдим; ҳаммаси жойида, бир сўм ҳам олинмаган.

— Келиб айтиб қўяй ҳам демабсиз,— ўйга толиб деди князь.

— Сизни шахсан безовта қилгим келмади, князь, ахир, сиз ҳозир бамисли арши аълода юрибсиз, шундай бир пайтда, қандай қилиб айтай; бундан ташқари ўзимни ҳеч нарса топмаган одамга солиб юрибман. Ҳамённи очиб кўрдим, кейин яна оғзини беркитдим ва тагин стулнинг тагига ташлаб қўйдим.

— Нега ундай қилдингиз?

— Ўзим; нима бўларкин деб қизиқдим,— деб ҳингиллаб кулди бирдан Лебедев қўлларини бир-бирига ишқаркан.

— Демак, ҳалиям ўша ерда турибдими, уч кундан бери-я?

— О йўқ; бир кун турди. Биласизми, мен бир кўнглим, генерал ҳам топсин деган эдим. Чунки мен топган нарсани, стулнинг тагида шундай кўзга ташланиб турган нарсани нега генерал кўрмай қолсин. Мен ўша стулни бир неча маротаба жойидан кўтариб; ўрнидан пича жилдириб қўйдим, ҳамён шундай кўзга чалинадиган бўлиб қолди, лекин генерал уни сира кўрмади, бир кун шундай давом этди. Жуда ҳам паришон бўлиб қолган шекилли, тушуниб бўлмайди; ўйнаб, кулиб, гапириб туриб, бирдан мендан жаҳли чиқиб кетарди, негалигини сира билолмайман. Ниҳоят, биз уйдан чиқа бошладик, мен уйнинг эшигини атай очиқ қолдирдим; у ғалати бўлиб қолди, бир нима демоқчи бўлди, шунча пул солинган ҳамёндан кўрқди шекилли, лекин бирдан ёмон жаҳли чиқиб кетди ва ҳеч нарса демади; кўчада икки қадам юрмасимиздан у мени ташлаб бошқа

томонга қараб кетди. Шу билан кечқурун қовоқхонада учрашдик.

— Кейин ахир стул тагидан ҳамённи олиб қўйдингизми?

— Йўқ; ўша кечаси ҳамён стул тагидан ғойиб бўлди.

— Хўп, энди қаерда у?

— Э, мана бу ерда,— деб кулди бирдан Лебедев, стулда ўтирган еридан тик туриб, князга ялтоқланиб қараганча,— кутилмаганда сюртукнинг этагида пайдо бўлиб қолди. Мана, ўзингиз қаранг, ушлаб кўришингиз мумкин.

Ҳақиқатан, сюртукнинг чап этагида олд томонда худди халтадай бир нарса осилиб ётар, ушлаб кўрган одам бунинг йиртилган чўнтакдан пастга тушиб кетган ҳамён эканлигини сезиши мумкин эди.

— Олиб кўрдим, ҳаммаси жойида турибди. Яна жойига ташлаб қўйдим, кеча эрталабдан бери шу аҳволда юрибман, ҳатто оёғимга дўқиллаб тегади.

— Нима, сезмайсизми ҳамён борлигини? .

— Сезмайман-а, буни қаранг, ҳе-ҳе! Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг, муҳтарам князь, гарчи бу сизнинг алоҳида эътибор беришингизга арзимаса-да, лекин одми бир гап-да,— менинг чўнтакларим доимо бут юради, энди бўлса, бир кечанинг ўзида шунча катта йиртилиб қолибди! Мундоқ разм солиб қарасам, худди биров қаламтарош билан кесиб қўйгандай; одамнинг ишонгиси келмайди-я?

— А... генерал-чи?

— Кун билан зарда қилиб юрди, кеча, бугун; жуда норози; дам қўшиқ айтиб, ўйнаб-кулиб тилёғламалик қилади, дам қарасанг, кўзидан ёш аримайди, дам аччиқ-тиззиқ, жаҳли чиқади, мен ҳатто баъзан кўрқиб кетаман, худо ҳаққи; мен, князь, ҳар ҳолда ҳарбий киши эмасман. Кеча қовоқхонада ўтирибмиз денг, этагим атай қилгандай, олдинга туртиб чиқиб дўмпайиб турибди денг; унинг кўзи гилай бўлиб кетди, жаҳли чиқади денг. Ҳозир кўзимга ҳеч тик қарамайдиган бўлиб қолган, жуда маст бўлиб қолган пайтларидагина ё жуда ийиб кетса қарайди; лекин кеча икки марта шундай қарадики, этларим жимирлашиб кетди. Айтганча, мен эртага ҳамённи топиб олмоқчиман, эртагача ҳали кечқурун яна бир у билан отамлашамиз.

— Нега уни бундай қийнайсиз?— деб қичқириб юборди князь.

— Қийнаётганим йўқ, князь, қийнаётганим йўқ,— куйиб-пишиб деди Лебедев,— мен уни чин юракдан яхши кўраман ва... ҳурмат қиламан; энди хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, у менга илгаригидан ҳам қадрлироқ бўлиб қолди; унга ҳурматим ошди!

Лебедев буларни шуиначалар жиддий ва юракдан айтдики, князь ҳатто аччиқлангандай бўлди.

— Яхши кўрсангиз, шунча қийнайсизми! Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир у йўқолган нарсани шундай кўз ўнгингизга стул билан сюртуқнинг тагига қўйиб сиздан шу билан кечим сўрамоқчи бўлади, муғамбирлик қилиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ, дегандай қилади. Эшитяпсизми, сиздан кечим сўраган! Кўнгли нозик, тушунади, деб ўйлайди; бундан чиқди, унга бўлган дўстлигингизга ишонади. Сиз бўлсангиз, шундай ориятли одамни ерга урмоқчи бўласиз!

— Ориятли, князь, ориятли!— деб илиб кетди Лебедев кўзларини ялтиратиб,— бундай адолатли сўзни фақат сизнинг озингиздангина эшитиш мумкин, эй олиҳиммат князь! Шунинг учун ҳам сизни жонимдан яхши кўраман-да, князь, ўзим турли-туман чиркин иллатлардан нураб бораётган бўлсам ҳам сизни эъозлайман! Гап битта! Ҳамённи ҳозирнинг ўзида, ҳозироқ оламан; мана, сизнинг кўзингиз ўнгида олдим; мана у; мана пуллар ҳам бари жойида; мана олинг, олиҳиммат князь, олинг ва эртагача сизда турсин. Эртага ва ёки иккунга сиздан оламан; биласизми, князь, йўқолган кунни кечаси боғимдаги бирон тош-пошнинг тагида кўмилиб ётган бўлса ажабмас, сиз нима деб ўйлайсиз?

— Эҳтиёт бўлинг, унинг юзига тик туриб айтманг, ҳамён топилди деб. Этагингизда ҳеч нарса йўқлигини ўз кўзи билан кўрсин, шунинг ўзи етади, тушунарли бўлади.

— Шундаймикин? Топдим, шу пайтгача қаердалигини билолмай гаранг эдим, деб айтган яхши бўлмасмикин?

— Й-йўқ,— деб ўйланиб қолди князь,— йўқ, энди кеч бўлди; бу хатарлироқ; рост, гапирмаганингиз маъқулроқ! Унга юмшоқ сўзланг, лекин... жуда ҳам ҳаддидан ошириб юборманг ва... ва... биласизми...

— Биладан, князь, биладан, яъни биладан-у, лекин ҳар қалай қўлимдан келмаса керак; зотан, бу ерда сизнинг юрагингизга ўхшаган юрак бўлиши керак. Бунинг устига унинг ўзи жуда серзарда ва баджаҳл бўлиб кетган, мен билан жуда баланддан келиб гаплашади баъзан; дам инқиллаб қучоқлашиб кетади, дам ҳақорат қилиб бурнини жийриб масхара қилмоқчи бўлади; шундай пайтда мен атай этагимни кўрсатиб қўйгандай бўламан, ҳе-хе-хе! Хайр, князь, сизнинг вақтингизни олдим ва нима десамикин, нодир туйгуларингизнинг парвозига халал бермай қўя қолай...

— Лекин, худо ҳаққи, ҳеч кимга айта кўрманг!

— Ими-жиммида, ими-жиммида!

Гарчи нш қал бўлган эса-да, князь илгаригидан ҳам ташвишлироқ кўринарди. У генерал билан эртанги учрашувни сабрсизлик билан кута бошлади.

IV

Улар соат ўн иккида учрашадиган эдилар, лекин князь сира кутилмаганда кечикиб қолди. Уйга қайтиб, генерал кутиб ўтирганлигини кўрди. Бир қарашдаёқ унинг норози эканлигини ва бунинг сабаби эҳтимол ўзининг кечикиб қолиши билан боғлиқлигини сизди. Князь уэр сўраб тезроқ ўтиришга шошилди, худди бу меҳмон чиннидан ишлангану у шу чиннини бесўнақай ҳаракат қилиб синдириб қўйишдан ё тушириб юборишдан чўчиётганга ўхшарди. Илгари у генералдан ҳеч қачон чўчимасди, чўчишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Князь тезда ҳузурда кечагидан бутунлай бошқа бир одам ўтирганлигини сизди: саросима ва паришонлик ўрнида аллақандай кутилмаган вазминлик пайдо бўлганди; у худди бир нарсага узия-кесия қарор қилган одамга ўхшарди. Воқеан, хотиржамлик фақат зоҳиран эди. Лекин ҳар ҳолда меҳмон ўзини эркин ва олижаноблик билан тутар, ўз қадрини билган одамга ўхшарди; ҳатто бошида князь билан ҳам пича димов билан суҳбатлашиб ўтирди, — баъзан ноҳақ дили оғритилган мағрур одамлар гоҳо ўзларини мана шундай эркин, бепарво, олижаноб тутадилар. Гарчи товушидан ҳали алам мазаси кетмаган бўлса-да, лекин жуда юмшоқ сўзларди.

— Бу китобни кеча сиздан олган эдим, — деб сезиларли даражада имо қилди у столда ётган китобни жўрсатиб, — миннатдорман.

— Э-ҳа; сиз ўша мақолани ўқидингизми, генерал? Сизга маъқул бўлдимми? Жуда қизиқарли, тўғрими? — деб хурсанд бўлди князь гапни чекка нарсалардан бошлаш имконияти тутилганидан.

— Албатта, қизиқарли, лекин жуда қўнол ва бунинг устига, аравани қуруқ опқочган. Балки ҳар икки қадамда ёлгон.

Генерал салмоқланиб, сўзларни ҳатто бир оз чўзиб сўзларди.

— Бунинг нимасини айтасиз, жуда содда ҳикоя; французларнинг Москвада бўлишлари ҳақидаги кекса солдатнинг хотиралари; баъзи ҳикоялари жуда чиройли. Умуман, кўрган одамларнинг ҳар қандай хотиралари жуда қимматли, кўрган одам ким бўлишидан қатъий назар. Тўғрими?

— Мен муҳаррирининг ўрнида бўлганимда босиб чиқармаган бўлардим; умуман, кўрган одамларнинг хотираларига

келганда, муносиб ва хизматлар қилган одамдан кўра эрмак-талаб кўпол ёлғончига кўпроқ ишонадилар. Мен ўн иккинчи йил тўғрисидаги баъзи хотираларни биламан, улар... Мен бир қарорга келдим, князь, мен бу уйдан чиқиб кетаман — жаноб Лебедевнинг уйидан.

Генерал князга маънодор қараб қўйди.

— Павловскда сизнинг ўз уйингиз бор шекилли... қизингизнинг уйи...— деди князь нима деб жавоб беришини билмасдан. У генерал ниманидир маслаҳатлашмоқчи бўлиб келганлигини, бу маслаҳатдан унинг тақдири ҳал бўлишини эслаб қолди.

— Хотинимники; бошқача айтганда ўзимникида ва қизимнинг уйида тураман.

— Кечиринг, мен...

— Мен Лебедевнинг уйини шунинг учун ташлаб чиқиб кетяпманки, азизим князь, бу одам билан муносабатларимни уздим. Кеча кечқурун уздим, илгарироқ шу ишни қилмаганимга пушаймонман. Мени ҳурмат қилишларини талаб қиламан, князь, ҳатто мен ўз қалбимни тортиқ қилган кишилардан ҳам ҳурмат кўришликни истаيمان. Князь, мен кўп маҳал қалбимни ҳада этиб, бунинг эвазига аксаран алданиб қолган одамман. Бу киши менинг ҳадаюмга номуносиб экан.

— Бир оз бевошроқ,— деди бошиқлик билан князь,— яна баъзи одатлари... лекин шулар билан бирга унда юрак бор, ўзи зийрак, ақлли, устумон гоҳи кезлари.

Сўзларнинг нафислиги, ҳурмат-этибор билан айтилаётганлиги генералнинг кўнглини эритди шекилли, лекин шунда ҳам у гоҳо кутилмаганда ишонгиси келмагандай қараб қўярди. Лекин князнинг гаплари шу қадар самимий ва табиий эдики, генералнинг шубҳаларини бутунлай тарқатиб юборди.

— Унинг яхши фазилатлари борлигига келганда, — деб унинг гапини илиб кетди генерал, — мен бу ҳақда ўзим биринчи бўлиб айтганман ва ушбу индивидуумга ошнолигимни ҳада қилганман. Ўзим соҳиби хонадон бўлганимдан кейин мен унинг уйини, меҳмондорчилигини бошимга ураманми. Мен ўз иллатларимни оқлайман; мен бебошвоқман; мен у билан майхўрликлар қилдим, мана энди шу туфайли кўзимда ёш билан юрибман. Лекин ёлғиз майхўрликнинг ўзи деб (зардаси қайнаб кетган одамнинг очиқчасига дағал сўйлаётганини кечиринг, князь), ёлғиз майхўрлик деб, у билан ошно бўлганим йўқдирку? Мени сиз айтмоқчи фазилатлар ўзига ром қилиб олди. Лекин ҳаммаси маълум бир чизиққача, ҳатто фазилатлар ҳам; мабодо у бирдан кутилмаганда ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўн иккинчи йилда, болалик пайтимда чап оёғимдан ажралиб қол-

ганман ва уни Москвадаги Ваганьков қабристонига дафн қилганман, дейишгача борса, шунга одамнинг кўзини бақрайтириб ишонтирмоқчи бўлса, унда бу ғирт чегарадан чиқиш демакдир, ҳурматсизлик кўрсатишдир, сурбетликдир...

— Балки мириқиб кулиш учун ҳазил қилгандир.

— Тушунаман. Мириқиб кулиш учун гарчи дағалроқ қилиб ёлғон гапирсанг ҳам бу одамнинг қалбига оғир ботмайди. Баъзи кимсалар суҳбатдошини хурсанд қилиш учун дўстлик юзасидан дунёдаги йўқ гапларни топиб айтадилар; лекин мабодо орада ҳурматсизлик бош кўтариб қолса ва бу ҳурматсизлик воситасида ўртадаги муносабатга барҳам бермоқчи бўлсалар, унда олижаноб одамга юзини тескари ўгириб кетишдан ва муносабатни узишдан бошқа йўл қолмайди, дилзорнинг ўз ўрнини кўрсатиб қўймоқ лозим бўлади.

Генерал сўйларкан, ҳатто қизариб кетди.

— Ахир, Лебедев ўн иккинчи йилда Москвада бўлиши мумкин эмас-ку; бунинг учун у жуда ёш; бу кулгили.

— Аввало, шу; лекин майли уни ўша пайтда туғилган ҳам дейлик. Лекин қандай қилиб одамнинг кўзини лўқ қилиб туриб, француз тўпчиси эрмакка тўпни тўғрилаб чап оёғимдан отди, дейиш мумкин; кейин у чап оёғини кўтариб уйга олиб борганмиш, кейин Ваганьков қабристонига элтиб кўмганмиш ва оёғига ҳайкал ўрнатганмиш ва унинг бир томонига: «Бу ерга коллегия котиби Лебедевнинг оёғи кўмилган», иккинчи ёғига эса: «Қиёматга қадар тинч ёт, азиз хок», деб ёзиб қўйганмиш ва ҳар йили шу оёғи туфайли худо йўлига маросим ўтказармиш (шаккоклигини қаранг) ва атай шунинг учун Москвага бориб келармиш. Ишонмасангиз, исбот қилиб бераман, Москвага олиб бораман, ўша қабри кўрсатаман, ўлжа қилинган ва Кремлга қўйилган ўша тўпни ўз кўзингиз билан кўрасиз дейди; дарвозадан ўн биринчи тўп, эски француз фальконети.

— Унинг ҳар иккала оёғи ҳам бус-бутун-ку!— деб кулди князь.— Сизни ишонтириб айтаманки, бу ҳазилдан бошқа нарса эмас; хафа бўлманг.

— Лекин менинг ҳам ўз ўйлаганим бор; юриб турган оёғига келсак,— эҳтимол бунга одам ишонса бўлар; оёғим Черносивитов ясаган оёқ дейди...

— Эҳ-ҳа, Черносивитовнинг оёғи билан ўйинга тушса бўлади.

— Жуда тўғри топдингиз; Черносивитов ўшанда шу оёқни ўйлаб топганда менинг олдимга чопиб жирган эди. Аммо Черносивитовнинг оёғи анча кейинроқ кашф қилинган... Яна ҳатто марҳума хотиним мен билан турмуш қурганимдан то нафаси

узидгунча оёғим ёғоч оёқ эканлигини билмаган эди дейди денг. «Мен унга ҳамма гаплари куракда турмайдиган ёлғон эканлигини исботлаб берган эдим, сен дейди, менга қараб, ўн иккинчи йилда Наполеонга пайк-бола бўлсанг, нега мен оёғимни Ваганьков мозорига кўмганимга сенинг гашинг келади».

— Наҳотки сиз...— деб тили тутилиб қолди князнинг.

Генерал князга такаббуруна боқди, худди уни ҳозир масхара қиладиганга ўхшарди.

— Айтаверинг майли, князь,— деди у силлиққина қилиб чўзялиб,— майли, айтаверинг. Мен чидайвераман, ҳаммасини айтаверинг: ҳузурингизда турган хўрланган бир бечора одамдан сизнинг кулгингиз қистаяпти... сиз бу одамни ҳеч нарсага арзимади, деб ўйлайсиз, сизга ушбу одам... буюк воқеаларнинг шахсан гувоҳи бўлганлиги жуда ғалати туюлади. У ҳали сизга... ғийбат қилиб улгурмадимми?

— Йўқ; менга Лебедев ҳеч нарса дегани йўқ,— сиз адашмасам, Лебедевни айтяпсизми?

— Ҳим, мен аксинчамикини дебман. Аслида, гап ҳам ўша «Архив»даги ғалати мақола... устида чиқиб кетган эди кеча. Мен ўша мақоланинг бемаъни жойларини кўрсатдим, шахсан ўзим гувоҳ бўлганлигим боисидан... сиз куляпсизми, князь, сиз менинг юзимга қараяпсизми?

— Й-йўқ, мен...

— Мен кўринишдан ёшроқман,— деб сўзларни чўзарди генерал,— лекин ёш кўринганим билан аслида жуда қариб қолдим. Ун иккинчи йилда мен эндигина ўн-ўн бир ёшларга кирган кичик бола эдим. Мен нечага кирганимни ўзим ҳам аниқ билмайман. Хужжатларда кичикроқ қилиб кўрсатилган; мен ўзим ҳам ҳаётим давомида билмасдан ёшимни кўп кичрайтириб юрганман.

— Ишончингиз комил бўлсинки, генерал, ўн иккинчи йилда Москвада бўлганлигингиз менга заррача ҳам ғалати туюлмайди, ва... албатта, ўша воқеаларни кўрганлар қатори... сиз ҳам билганларингизни айтишга ҳақлисиз. Бизнинг хотиранависларимиздан бири ҳам гапни ўн иккинчи йилда мен ҳали кўкракдан ажралмаган чақалоқ эдим, мени Москвада француз солдатлари нон билан боқишган эди, деб бoshлайди.

— Ана кўрдингизми,— деб юмшоқлик билан маъқуллади генерал,— менинг кўрган-кечирганларим оддий воқеалар эмас, шу билан бирга унинг фавқулодда бир жойи йўқ. Аксаран ҳақиқатга одам ишонгиси келмай туради. Пайк-бола! Албатта, жуда ғалати эшитилади қулоққа. Лекин ўн яшар боланинг саргузаштлари эҳтимол унинг худди шу ёши билан боғлиқдир. Ун беш яшар боланинг ҳаётида бундай бўлмаслиги мумкин, бу

ўзи шундай, чунки ўн беш яшар ўсмир бўлганимда мен Старая Басманнаядаги эски ёғоч уйимиздан, Москвадан чиқиб кетишга улгурмай қўрқиб-қалтираган онамнинг олдидан Наполеон Москвага келадиган кунни қочиб кетмаган бўлардим. Ўн беш яшар бўлганимда мен ҳам қўрққан бўлардим, ўн яшар бўлганим учун ҳеч нарсадан қўрқмай Наполеон нақ отдан тушаётган маҳалда саройнинг дарвозаси олдига одамларнинг орасидан ёриб ўтиб бориб турганман.

— Шубҳасиз, жуда антиқа бир гап айтдингиз, ўн яшар бола бўлганим учунгина қўрқмадим деб...—унинг гапини маъқуллади князь, ишқилиб қизариб кетмасам бўлгани, деб юраги пўкиллаб ургани ҳолда.

— Ҳаммаси жуда оддий ва табиий равишда рўй берди, шубҳа йўқки, бу ўзи аслида шундай бўлмоғи керак эди; агарда буни биронта романнавис қаламга олганда эди, ҳар турли ёлгон-яшиқ гапларни қалаштириб ташлаган бўларди.

— О, жуда топдингиз!— деб қичқариб юборди князь.— Мана шу фикр мени ҳам ҳайратга солган эди яқиндагина. Мен соат учун қилинган бир қотилликни биламан, уни энди газеталарда ҳам ёзишди. Агар буни биронта қаламкаш тўқиб чиқарганда,— халқ ҳаётининг билимдонлари ва танқидчилар дарҳол бу ақлга тўғри келмайдиган гап, деб айюҳаннос кўтарган бўлардилар; газеталарда буни бўлган воқеа сифатида ёритишганда, худди шундай воқеалар асосида рус воқелигини чуқурроқ ўрганиш мумкинлигини ҳис қиласиз. Сиз буни жуда чиройли қилиб айтдингиз, генерал!— деб қизғинлик билан сўзини тугатди князь, ўзини қизариб кетишдан шу йўл воситасида қутқариб қолганидан хурсанд бўлиб кетиб.

— Тўғрими? Тўғрими, ахир?— деб қичқариб юборди генерал қувониб кетганидан кўзлари ҳам ярақлаганча.— Хавф-хатар нималигини билмайдиган бола ялдир-юлдузлар, мундирлар, подшони қуршаган одамлар ва ниҳоят, буюк подшонинг ўзини кўриш учун, ахир, бу одам ҳақида гапиравериш унинг қулоқларини қоматга келтиришган,— одамлар издиҳомини ёриб ўтиб боради. Негаки, ўша пайтларда бир неча йил қаторасига фақат унинг номини айтиб қичқаришарди. Дунё фақат шу ном билан лиммо-лим эди, мен бу номни она сути билан, нима десамикин, баданимга сингдирганман. Наполеон икки қадам наридан ўтиб кета туриб менинг нигоҳимни сезиб қарайди; мен бой одамнинг боласидай башанг кийиниб олганман, мени яхши кийинтиришарди. Шунча одамлар издиҳоми ичида фақат мен шундайман, фаҳмлаяспизми буни...

— Шубҳасиз, бу уни қаттиқ ҳайратга солган бўлиши керак, ва у ҳамма кетиб қолмабди, бола-чақалари билан қолган

дворянлар ҳам йўқ эмас экан, деган фикрга келган бўлса эҳтимол.

— Худди шундай, худди шундай! У боярларни ўзига тортоқчи эди! У менга бургутдай кўзлари билан нигоҳ солганда, менинг кўзларим ҳам бунга жавобан ўт сочган бўлсалар керак. «Voilà un garçon bien éveillé! Qui est ton père?»¹ Ҳаяжонимдан бўғилганча унга шу заҳоти бундай деб жавоб бердим: «Ўз юртининг жанг майдонларида ҳалок бўлган генерал». — «Le fils d'un boyard et d'un brave par-dessus le marché! J'aime les boyards. M'aimes-tu, petit?»² Тезгина берилган бу саволга мен ҳам шитоб билан жавоб бердим: «Рус қалби ҳатто ўз юртининг душмани ҳам улуғ инсон эканлигини ажрата билади!» Тўғриси, гапнинг очиғи, аниқ шундай дедимми, эсимда йўқ... кичкина бола эдим... лекин шу мазмунда гапирган бўлсам керак! Наполеон лол бўлиб қолди, ўйлаб туриб, атрофидаги аъён-ақраболарига деди: «Менга бу боланинг мағрурлиги ёқиб қолди! Бироқ агарда барча руслар худди унга ўхшаб фикрлаётганлар бўлсалар, унда...»—у гапни тугатмасдан саройга кириб кетди. Мен шу заҳоти аъён-ақраболарга қўшилиб кетдим ва улар билан бирга саройга кириб бордим. Ақраболар менга йўл беришар ва менга ҳукмдорнинг эркаси каби қарашарди. Лекин буларнинг бари липиллаб ўтди... Эсимда қолгани шуки, император биринчи залга қадам ранжида қилиши билан бирдан императрица Екатеринбургнинг сурати қошида тўхтади, унга узоқ пайт ўйга толганча қараб турди, сўнг: «Бу улуғ хотин эди!»—деб ўтиб кетди. Икки кундан сўнг саройда мен ҳаммага танилиб қолдим ва Кремлдагилар мени «le petit boyard» деб чақирарди. Мен уйга фақат ухлагани борардим. Уйдагилар сал бўлмаса ақлдан озаёшишди. Яна икки кундан сўнг йўл азобларига чиқолмаган, Наполеоннинг пайк-боласи бўлмиш барон де Базанкур оламдан кўз юмди. Наполеон шунда мени эслади; менга нима гап эканлигини ҳам тушунтириб ўтирмасдан олиб боришиб, ўн икки ёшлардаги марҳум боланинг мундирларини кийдиришди ва мени шу мундирда императорнинг ҳузурига олиб киришди, у менга бошини силкиб қўйди, шундан кейингина менга сиз император аъло ҳазратларининг марҳаматига сазовор бўлдингиз ва шу кундан эътиборан пайк-бола лавозимига кўтарилдингиз, деб эълон қилдилар. Жуда суюниб кетдим, ҳақиқатан ҳам анчадан бери мен унга қайноқ меҳр-муҳаббат билан қараб келардим... яна ўзингиз ўйлаб кўринг, ажойиб

¹ «Олов бола экан! Сенинг отанг ким?» (Франц.)

² «Мард боярнинг ўгли экан. Мен боярларни яхши кўраман. Сен мени яхши кўрасанми, болакай?» (Франц.)

ярақлаган мундир ҳар қандай боланинг жон-дили-ку... Мен этаги узун ва тор қорамтир-кўк фракда юрардим; олтин тугмалар, енгимда олтин ип билан тикилган қизил уқалар, баланд, текис, зар билан тикилган очиқ ёқалар, каштали этаклар; тортма оқ лосин панталонлар, оқ ипак нимча, ипак пайпоқ, каштали бошмоқлар... император отда сайилга чиққан кезларида ва сайилда мен ҳам қатнашадиган бўлсам, баланд ботфортлар. Аҳвол у қадар яхши бўлмаганлигига ва ҳали олдинда катта талафотлар борлиги сезилаётганига қарамасдан сарой одатларига иложи борича амал қилинар ва фалокатлар яқинлаб келган сайин уларга янада қаттиқроқ риоя қилинар эди.

— Ҳа, албатта...—деб пичирлади князь ўзини йўқотиб қўйган одамдай,— сизнинг хотираларингиз жуда ҳам... қизиқ чиқиши мумкин эди.

Генерал албатта, кеча Лебедевга айтиб берганларини ҳикоя қилар, шунинг учун ҳам унинг ҳикояси текис чиқар эди; лекин шу ерга келиб генерал яна князга ишонқирамагандай шубҳа билан қаради.

— Менинг хотираларим,— деб хитоб қилди у янада тумтавроқроқ қилиб,— мен хотираларимни ёзишим керакми? Йўқ, мен бунга интилмайман, князь! Истасангиз, менинг хотираларим аллақачон ёзиб қўйилган, сахтиён жилдда сақланмоқда. Майли, менинг кўзларимни тупроқ ташлаб тўлдиришганда, майли, улар дунё юзини кўра қолсинлар ва майли, бошқа тилларга ҳам таржима қилина қолсинлар, зотан, улар гарчи адабий жиҳатдан у қадар юксак бўлмасалар-да, лекин ёш бола бўлишимга қарамасдан ўз бошимдан кечирган ва ўзим гувоҳ бўлган тенгсиз аҳамиятга эга бўлган жуда кўп фактларни келтирганман; лекин шунга қарамасдан, мен сабий бола сифатида «улуғ одам»нинг бошқаларга номаълум бўлган энг нозик ички ҳаётига, нима десамикин, унинг ётоғига кириб борганман! Мен кечалари «бахтсизлигида ҳам буюк» бу одамнинг инграганларини эшитиб чиқардим, у ёш сабий олдида фарёд кўтариб кўз ёши тўкишдан ийманиб ўтирмасди, мен ўша пайтлардаёқ тушуниб олган эдимки, уни азоб-уқубатларга солаётган нарса — император Александрнинг жавоб бермаётганлиги эди.

— Ҳа, айтганча, у хатлар ҳам ёзган-а... сулҳ таклиф этиб...— ботинмайгина гап ташлади князь.

— Унинг аниқ қандай таклифлар билан ёзганлиги, хусусан, бизга маълум эмас, лекин ҳар куни ёзарди, ҳар соат ёзарди, хат устига хат битарди! Қаттиқ ҳаяжонланарди. Бир куни тунда ёлғиз қолган чоғимизда мен унинг бағрига ўзимни ташладим, йиғладим (о, мен уни севардим!): «Император Александрдан изн сўранг, изн сўранг!»— деб қичқирдим унга. Албатта,

мен унга: «Император Александр билан ярашинг», деб айтишим керак эди, лекин мен худди болаларга ўхшаб ўз фикримни соддалик билан баён қилиб қўя қолдим. «О, болакайгинам!— деб жавоб берди у менга,— уй ичида у ёқдан-бу ёққа бориб келарди,— о болакайгинам!— у ўшанда худди менинг эндигина ўнга кирганлигимни сезмаётгандай, мен билан гаплашишни яхши кўрарди,— о болакайгинам, мен император Александрнинг оёғини ўпишга тайёрман, лекин прусс қиролини, лекин Австрия императорини кўргани кўзим йўқ, улар то абад менинг газабимга дучор бўлурлар ва... ниҳоят... сен ҳали сиёсатни яхши тушунмайсан!» У бирдан ким билан суҳбатлашаётганлигини англаб қолгандай жим бўлди, лекин кўзлари яна узоқ пайт учқунлар сочиб турдилар. Хўп, мен шу гапларни ёзиб чиқсам,— ваҳоланки, мен беҳад улуғ воқеаларнинг ҳам гувоҳи бўлганман,— ва бугунги кунда уларни бостириб чиқарсам, ана унда ўша барча танқидчилар, ўша барча адабий шуҳратпарастлар, ўша барча ҳасадгўйлар, гуруҳларни кўринг-а... йўқ, каминаларини афв этинг!

— Гуруҳлар хусусида албатта сиз ҳақ сўзларни айтдингиз, мен сизга қўшиламан,— деб оҳистагина жавоб берди князь жиндак индамай тургач,— мен ҳам яқинда Шарраснинг Ватерлоо жанги ҳақидаги китобини ўқиган эдим. Афтидан, анча жиддий ёзилган китоб бўлса керак, мутахассисларнинг айтишларига қараганда, жуда чуқур ёзилган экан. Лекин ҳар саҳифада Наполеоннинг мағлуб бўлганидан хурсандчилик акс этади, ва агарда Наполеоннинг бошқа жангларда кўрсатган маҳоратини шубҳа остига олиш мумкин бўлгандайди, Шаррас шундан ҳам беҳад хурсанд бўлиши мумкин эди: шундай жиддий асарда бундай бўлиши яхши эмас, мана шу нарса гуруҳбозликнинг руҳини ифодалайди. Ушанда... императорнинг қўлида хизмат қилган лйтларингизда иш кўп бўлармиди?

Генерал ўзида йўқ шод эди. Князнинг соддалик ва жиддият билан сўрагани генералнинг сўнги шубҳаларини ҳам бутунлай тарқатиб юборди.

— Шаррас! О, мен ўзим ҳам дарғазаб бўлганман! Мен ўшандаёқ унга ёзиб юборгандим, бироқ... очиги, ҳозир яхши эсимда йўқ... Сиз, иш кўп бўлармиди, деб сўрадингиз? О йўқ! - Мени пайк-бола деб аташарди, лекин мен ўшандаёқ бунга жиддий қарамасдим. Бунинг устига Наполеон ўзига русларни яқинлаштиришдан тезда умидини узди ва албатта, мени ҳам сиёсат юзасидан ўзига яқинлаштирганлигини тезда унутиб юборарди, агарда... агарда у мени шахсан яхши кўрмаганда, мен буни ҳозир дадил туриб айтяпман. Юрагим унга оҳанграбодай интиларди. Хизмат талаб қилинмасди: баъзан саройга бориб туриш

керак эди ва... император сайилга чиққанда уни отда кузатиб боришарди, вассалом. Отда кўп юрганман. У одатда тушликдан олдин айланарди, унинг ақибларини орасида кўпинча Даву, мен, мамулик Рустан бўлардик...

— Констан,— деб негандир оғзидан чиқиб кетди князнинг.

— Й-йўқ, у пайтда Констан йўқ эди; Констан ўшанда императрица Жозефинага... хат олиб кетганди; лекин унинг ўрнига иккита мулозим, бир қанча поляк суворилари... генераллар ва албатта маршаллардан ташқари барча аъён-ақиблар шулардангина иборат бўларди, генераллар ва маршалларни Наполеон жанг майдонларини кўриш, қўшинларни жойлаштириш, маслаҳатлашиш учун бирга олиб юрарди... Ҳалигача эсимда: кўп пайт унинг ёнида Даву бўларди: йирик, тўладан келган, кўзойнакли, совуққон одам эди, кишига жуда ғалати қилиб қарарди. Аксаран, император у билан машварат қиларди. Унинг фикрларини қадрларди. Улар бир неча кундан бери машварат қилишмоқда эди; Даву эрталаб ҳам, кечқурун ҳам келарди, аксаран, нималарнидир таллашиб-тортишиб қолардилар; ниҳоят, Наполеон худди рози бўлганга ўхшади. Кабинетда уларнинг икковларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди, мени эса пайқамас эдилар. Бирдан Наполеоннинг кўзлари менга тушиб қолди ва унинг кўзларида жуда ғалати бир фикр чақнаб кетди. «Бола!—деб қолди у менга кутилмаганда,—сен нима деб ўйлайсан: мен агар православни қабул қилсам ва сизларнинг қулларингизни озод қилсам, руслар менинг орқамдан борадиларми, йўқми?»—«Ҳеч қачон!»—деб қичқирдим мен ғазабга тўлиб. Наполеон лол бўлиб тилини тишлаб қолди. «Бу боланинг ватанпарварлик билан чақнаган кўзларида,—деди у,—менга рус халқининг хоҳиши зён бўлди. Бас, Даву! Буларнинг бари хомхаёл! Менга бошқа режанингизни баён қилинг».

— Лекин бу режада қудратли бир фикр бор эди!—деди князь қизиқиб қолиб.—Сизнингча, бу режа Давудан чиққанмиди?

— Ҳар ҳолда, улар бирга машварат қилардилар. Албатта, фикр Наполеонники эди, юксак парвозли фикр эди, лекин кейинги режа ҳам чакки эмасди... Бу ўша машҳур «conseil du lion»¹ эди, Наполеоннинг ўзи Даву билан қиладиган кенгашларини шундай деб атарди. Бу режага кўра, улар бутун қўшин билан Кремлда қишлаб қолмоқчи, узун-узун уйлар қурмоқчи, истеҳкомлар ясамоқчи, тўпу тўпхоналарни жойлаштирамоқчи, иложи борица кўпроқ отларни сўйиб уларнинг гўштини тузлаб олмоқчи, имкони бўлганча дон-дунларни ғамлаб олиб, шу билан кўк-

¹ «арслоннинг кенгаши» (франц.).

ламгача етиб бормоқчи, кўклам келиши биланоқ русларнинг ҳалқасидан ёриб ўтмоқчи эдилар. Наполеон бу режага жуда қизиқиб қолди. Биз ҳар куни Кремль деворлари атрофида айланиб юрар, у қаерни бузиш, қаерни тузиш, қаерда люнет, қаерда равелин, қаерда блокгауз бўлади—қўли билан кўрсатар,—шаҳдшиддат, зарба! Ниҳоят ҳаммаси ҳал бўлди; Даву узил-кесил бир қарорга келишга қистарди. Яна улар ёлғиз ўзлари қолдилар, мен учинчман. Яна Наполеон қўлини кўкрагига чалмаширганча хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Мен унинг юзидан кўзимни узолмасдим, юрагим гупиллаб урарди. «Мен кетдим»,—деди Даву. «Қаёққа?»—деб сўради Наполеон. «Отларни тузлагани»,—деди Даву. Наполеон чўчиб тушди, ҳаёт-мамот ҳал бўлмоқда эди. «Болакай!—деди у менга қараб кутилмаганда,—сен бизнинг ниятимизга қандай қарайсан?» Баъзан жуда ҳам буюк ақл эгалари шундай сўнгги дақиқаларда бургутга ёки панжарага қараб мурожаат қиладилар, Наполеон мендан ҳам худди шундай йўсин сўради. Мен шунда Наполеонга эмас, Давуга қараб худди илҳоми келган одамдай мурожаат қилдим: «Генерал, туёгингизни шиқиллатиб қолинг!» Режа бузилди. Даву елкасини қисиб қўйди-да, чиқиб кетаркан, шундай деб пичирлади: «Bah! Il devient supertitieux!»¹ Эртасигаёқ қўшинлар ўрнидан кўзгаладиган бўлди.

— Буларнинг ҳаммаси жуда ҳам антиқа,—деди князь ҳаддан ташқари секин пичирлаб,—агар ҳаммаси шундай бўлгандайди... яъни, мен айтмоқчи эдимки...—деб сўзини тўғрилашга шшилди у.

— О князь!—деб қичқирди ўзининг ҳикоясига бағоят берилиб кетган генерал эҳтиёт бўлишни бутунлай унутганча,—сиз «Ҳаммаси шундай бўлган!»—деяпсиз! Лекин сизни ишонтириб айтаманки, бундан ҳам ортиқроқ, бундан анча-мунча ортиқроқ бўлган эди! Буларнинг бари арзимаган, сиссий фактлар. Лекин мен сизга яна такрор айтаман: мен бу буюк одамнинг тунлар фарёд кўтарганларига, кўз ёши тўкканларига ўзим гувоҳ бўлганман; лекин энди буни мендан бошқа ҳеч кимса кўрган эмас! Охирига бориб, рост, у йиғламай қўйди, кўз ёшлари қуриди, фақат гоҳо-гоҳо инграр ва нола қиларди; лекин унинг чеҳраси борган сари қорайиб, худди куйгандек бўлиб бормоқда эди. Гўё абадият уни ўз зулмат қанотлари остига тортмоқда эди. Гоҳо биз тунлари ўзимиз ёлғиз қолардик, жимгина ўтирардик,—мамолик Рустан эса қўшни хонада гулдураганча хуррак тортарди; уйқуси жуда қаттиқ эди баччафарнинг. «Лекин у менга ва сулолага содиқ»,—дер эди Наполеон унинг тўғрисида. Бир куни

¹ «Воҳ! У хурфотчи бўлиб қоляпти!» (Франц.)

жуда ҳам жоним ачиб кетди, бирдан у менинг кўзларимда ёш гилтиллаб турганлигини пайқаб қолди: менга жуда ҳам меҳрибон нигоҳ ташлади: «Менга раҳминг келяптими!—деб қичқириб юборди у,—менга фақат сен болакайнинг ва аҳтимол яна бошқа бир болакайнинг, менинг ўғлим, le roi de Rome¹нинг раҳми келади; қолганлар мени ёмон кўрадилар, биродарларим бошимга оғир кун тушганда мени биринчи бўлиб ташлаб кетадилар!» Мен ўкириб йиғлаб юбордим ва ўзимни унинг бўйнига отдим; шунда у ҳам ўзини тутолмади; биз қучоқлашдик ва кўз ёшларимиз бир-бирига қўшилиб кетди. «Ёзинг, ёзинг, императрица Жозефинага хат ёзинг!»—деб ўкирдим унга. Наполеон сесканиб кетди, ўйлаб туриб, менга деди: «Сен мени севадиган учинчи қалб ҳам борлигини эслатдинг; сенга ташаккурлар бўлсин, дўстгинам!» Шундай деди-ю, эртасига Қонстан билан Жозефинага жўнатилган хатни ёзишга ўтирди.

— Жуда яхши қилган экансиз,— деди князь,—оғир ўйга ботганда сиз уни яхшиликка чорлабсиз.

— Худди шундай, князь, сиз буни қанчалар гўзал қилиб айтасиз, сўзларингиз ҳам қалбингиз каби гўзал бўлади!—шодон қичқирди генерал ва қизиқ, унинг кўзларида чинакамга ёш гилтиллади.—Шундай, князь, шундай, бу жуда буюк бир манзара эди! Биласизми, мен сал бўлмаса, у билан Парижга жўнаб кетай дебман ва албатта, мен у билан «маҳкумлиқнинг жазира оролини» баҳам кўрган бўлардим, э воҳ! Қисматда айрилиқ бор экан! Биз айрилдик: у — жазира оролга кетди ва ўша ерда аҳтимол, уни Москвада бўйнидан қучоқлаб олган ва уни кечирган шўрлик бир боланинг кўз ёшларини ҳасрат ва надомат ичида эслаб юргандир дейман; мени бўлса кадетлар корпусига жўнатдилар, у ерда тинимсиз машқлару, ўртоқларимнинг қўполлигидан бошқа ҳеч нарса кўра билмадим... Э воҳ! Ҳаммаси абас бўлди! «Мен сени онангдан тортиб олмоқчи эмасман, шунинг учун сени ўзим билан бирга олиб кетмайман!—деди у менга қўшин кўчадиган кунни,—лекин сен учун нимадир қилсам деган эдим». У отга ўтира бошлади. «Синглимнинг альбомига хотира ёзиб беринг»,—дедим мен юрагим бетламасдан, чунки унинг кўриниши жуда тунд ва паришон эди. У орқага қайтди, қалам сўради, альбомни қўлига олди. «Синглинг нечага чиқди?»—деб сўради у қўлида қаламни ушлаганча. «Уч яшар»,—деб жавоб бердим мен. «Petite fille alors»,²—деди у. Ва альбомга шундай деб ёзди:

«Ne mentez jamais!
Napoléon, votre ami sincère».³

¹ Рим қироли (франц.).

² «Хали кичкина қизалоқ экан» (франц.).

³ Ҳеч қачон ёлғон гапирманг! Наполеон, сизнинг чин дўстингиз» (франц.).

Мана шу дақиқада шундай сўз айтса-я, қаранг, князь!

— Ҳа, бу жуда ҳам антиқа.

— Мана шу варақни синглим то ўла-ўлгунча олтин чорчўпага солиб ойна тагида сақлади, бир умр меҳмонхонасининг энг тўрига осиб қўйди — синглим туғолмай ўлди; энди ўша варақ қаерда — билмайман... лекин... оҳ, худойим! Соат икки бўлдими? Жуда вақтингизни олдим, князь! Буни кечириб бўлмайди.

Генерал ўрнидан турди.

— О, аксинча! — минғирлади князь. — Анча ҳовримиз босилди ва... ниҳоят, бу жуда қизиқ экан; сиздан жуда миннатдорман!

— Князь! — деди генерал яна унинг қўлини оғритиб қаттиқ қисаркан, худди бирдан ҳуши ўзига келган ва аллақандай кутилмаган бир фикрдан қаттиқ таажжубга тушган одамдай князнинг кўзларига диққат билан тикилиб қараркан, — князь! Сиз шунчалар оққўнгил, шунчалар соддадилсизки, гоҳо сизга қараб туриб ачиниб кетаман. Сизга қарасам, кўнглим яйрайди, о, худо ёр бўлсин сизга! Ҳаётингиз гуллаб-яшнасин... ишқ-муҳаббатда. Мен тамом бўлдим! О, маъзур тутинг!

У юзини қўллари билан тўсганча тез чиқиб кетди. Унинг бу тўлқинланиши самимий эканлигига князь шубҳа қилмади. Чол ўз муваффақиятидан кўнгли яйраб чиқиб кетганлигини ҳам князь тушунарди; ўзини унутгудай гарангтоб бўлиб ҳаддан ташқари лаззатланиб ёлғон гапирадиганлар бўлади, лекин улар ёлғонни учига чиқариб, бундан беҳад роҳатланиб турган чоғларида ҳам, одамларнинг ишонмаётганликларини, ишонишлари ҳам мумкин эмаслигини барибир сезиб турадилар, чол мана шундай ёлғончилар тоифасидан эканлигини князь пайқаган эди. Ўзининг шу ҳолатида чол бирдан сергак тортиб, қаттиқ уялиб қолиши, князнинг унга ҳаддан ортиқ ачиниб қараётганидан гумонсираши ва хафа бўлиши мумкин эди. «Уни шунчалар илҳомлантириб яхши қилмадиммикин?» — деб ташвишланарди князь ва шунда бирдан ўзини тутолмай қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди, ўн минутча кулгисини тўхтатолмади. У ўзини кулгани учун ичиди яниб қўйди; лекин шу заҳоти ўзини айблаганча ўрни йўқлигини англади, чунки у генералнинг ҳолига ҳаддан ташқари ачинарди.

Унинг кўнглига келтирганлари тўғри бўлиб чиқди. Кечқурун у қисқа, галати ва кескин бир хат олди. Генерал хатда сиз билан то абад хайрлашаман, сизни ҳурмат қиламан, сиздан миннатдорман, лекин ҳатто сиздан ҳам «бахтсиз бир одамнинг қадрқимматини ерга урадиган раҳм-шафқатни қабул қилолмайман», деб ёзганди. Князь, чол Нина Александровнанинг олдига бориб уйга қамалиб олганлигини эшитиб хотиржам бўлди. Лекин биз генерал Лизавета Прокофьевнанинг ҳузурига бориб ҳам анча ташвиш орттириб келганлигини кўрдик. Биз бу ўринда батафсил

гап юрита олмаймиз, лекин қисқача бўлса-да, айтиб ўтайликки, генерал Епанчинларникига бориб, Лизавета Прокофьевнани қўрқитиб юборди, Ганя хусусида аччиқ бир шамалар қилиб унинг газабини келтирди. Уни шармандаларча кўчага ҳайдаб чиқардилар. Мана шунинг учун ҳам у туни билан безовта бўлиб чиққан, ўрнидан туриб жанжал қўтарган ва алоҳа, тамомила эс-ҳушидан айрилиб телбалардек кўчага чиқиб кетганди.

Коля ҳам гапнинг тагига тушунмас ва ҳамон отамни қаттиқ-қўллик билан эплаб оламан, деб умид қиларди.

— Қани, энди қаерга бордик, сиз нима деб ўйлайсиз, генерал?— деб сўради у.—Князнинг олдига кирмайман, деяпсиз, Лебедев билан уришиб қолибсиз, пулингиз йўқ, менда бўлса, пулнинг ўзи бўлмайди: мана, қўлимизни бурнимизга тиқиб кўчанинг ўртасида ўтирибмиз.

— Қўлнинг бўш турганидан бурнингга тиқиб ўтирганинг ҳам маъкул,—деб тўнғиллади генерал,—шу... закий гап билан... Қирқ тўртинчи... минг... саккиз юз... қирқ тўртинчи йилда... бир талай офицерларни... қойил қолдирган эдим, ҳа!.. Эсимда йўқ... О, эслатма, эслатма! «Қани менинг ёшлигим, қани менинг тароватим?» Бир қичқириб... ким у қичқирган, Коля?

— Бу Гоголнинг «Ўлик жонлар» асарида бор, дада,—деб жавоб берди Коля ва отасига қўрқа-писа қараб қўйди.

— Ҳлик жонлар! Э, ҳа, ўликлар! Мени кўмсанг, мозоримга шундай деб ёз: «Бу ерда ўлик жон ётибди!»

Уят таъқиб қилар мени!

Буни ким айтган, Коля?

— Билмадим, дада.

— Еропегов бўлмаганмиш! Ерошка Еропегов-а!..— деб қичқирди у куюниб, кўчанинг ўртасида тўхтаркан.—Яна ўз ўғлим, ўғлим эмиш! Еропегов ўн бир ой менинг акам ўрнида акам бўлган, мен уни деб ҳатто дуэлга ҳам... Ичиб ўтирган эдик, капитанмиз князь Вигорецкий унга айтиб қолди: «Гриша, сен ўзингни Аннангни қаерда олгансан, шунни айтиб бер-чи?»—«Ватанимнинг жанг майдонларида олганман, бошқа қаерда бўларди!» Мен шунда: «Яшавор, Гриша!»— деб қичқирдим. Шундан кейин дуэль чиқди, кейин Марья Петровна Су... Сутугина билан... никоҳдан ўтди ва жанггоҳларда ҳалок бўлди... Уқ менинг кўкрагимдаги бутдан қайтиб тўғри унинг манглайига тегди. «То абад унутмайман!»— деб қичқириб, жони узилди. Мен... мен ҳалол хизмат қилганман, Коля; мен ҳиммат билан хизмат қилганман, лекин уят, «уят мени таъқиб этади!» Сен Нина билан менинг мозоримга келасизлар... «Шўрлик Нина!» Мен уни илгарилари шундай деб чақирардим, Коля, анча замонлар бўлиб

кетди бунга, янги уйланган кунларим, у жуда ҳам яхши кўрарди шундай деб чақиримни... Нина, Нина! Мен сени не аҳволларга солиб қўйдим! Сен нега ҳам мени яхши кўрар экансан, эй собирам! Онанг худди фаришталарга ўхшайди, Коля, худди фаришталарга!

— Мен буни биламан, дада. Дада, дадажон, юринг, уйга қайтайлик ойимнинг олдига! Ойим орқамиздан чопиб келди боя! Нега тўхтаб қолдингиз? Нима, тушунмайсизми... Нега энди йиғлаясиз ўзи?

Колянинг ўзи ҳам йиғлаб турар, отасининг қўлларини ўпарди.

— Сен менинг қўлимни ўпяпсанми, мени-я!

— Ҳа, сизнинг, сизнинг қўлингизни. Нима бўпти? Нега кўчанинг ўртасида туриб ҳўнграйсиз, яна генерал эмиш, ҳарбий одам, юринг, кетдик!

— Худо хайрингни берсин, межи сийладинг, сени худо сийласин, мен шармисор бўлган одамман—ҳа! шармисор бўлган чол, сенинг отангман... илоҳим сенинг ҳам шундай ўғлинг бўлсин... le roi de Rome... О, «шу уйни, шу уйни елкаминг чуқури кўрсин!»

— Нима бўлди ўзи, тушунтириб айтсангиз-чи!— бирдан ёниб кетди Коля.—Нима бўлди? Нега энди уйга бормайман дейсиз? Нима, ақлингизни еб қўйдингизми?

— Мен сенга тушунтираман, сенга тушунтириб бераман... сенга ҳаммасини айтиб бераман... бақирма, эшитиб қоладилар... le roi de Rome... О, жонимга тегиб кетди, жонимга тегиб кетди!

Энагам, қани сенинг мозоринг!

Ким шундай деган эди, Коля?

— Билмайман, билмайман, ким айтган! Юринг уйга, ҳозироқ ҳозир! Хоҳласангиз, мен Ганькаш калтаклайман... яна қаёққа кетяпсиз?

Лекин генерал уни нарироқдаги уйнинг эшиги тагига суд-рарди.

— Қаёққа? Бу бировнинг уйи!

Генерал бегона уйнинг остонасига ўтирди, у Коляни бағрига тортиди.

— Энгаш, энгаш!— гўлдирарди у,— сенга айтаман... шармандалик... энгаш... қулоғингни бер, қулоғингни бер; мен қулоғингга айтаман...

— Сизга нима бўлди!— жуда қўрқиб кетди Коля, лекин отасига қулоғини тутди.

— Le roi de Rome...— деб пичирлади генерал худди қалтираб кетаётган одамдай.

— Нима?.. Мунча le roi de Rome деяверасиз?.. Нима?

— Мен... мен...— шивирлади генерал борган сари «ўз фарзанди»нинг елкасига қаттиқроқ ёпишиб,— мен... сенга... айтаман... ҳаммаси... Марья, Марья... Петровна Су-су-су...

Коля юлқиниб унинг қўлидан чиқиб генералнинг елкасидан тутганча унга худди телбалардай қараб турди. Чолнинг юзига қон тепди, лаблари кўкарди, юзи тинимсиз титрай бошлади. Кутилмаганда у мункиди ва аста Колянинг қўлига шилқиллаб тушди.

— Ҳушидан кетди!— деб қичқирди у ниҳоят нима бўлаётганлигини пайқаб.

V

Гапнинг очигини айтганда, Варвара Ардалионовна акасига князь билан Аглая Епанчинани бир-бирларига унаштиришганимиш, деб айтганда, ўзи ҳам ҳали аниқ эшитмасдан кўпиртирган эди. Балки зийрак хотин яқин кунларда бўлиши керак бўлган воқеани олдиндан пайқагандир, шундай бўлишига кўзи етгандир. Балки орзуларининг тутундай тарқаб кетаётганлигини кўриб (тўғриси айтганда, у ўзининг бу орзулари амалга ошишига ишонмасди), у ҳам тирик одам-ку, бошларига ёғилиб келаётган бахтсизликларни бўрттириб, шу билан ўзи жондан ҳам яхши кўрган ва ачинган акасининг башарасига захрини тўкиб олмоқчимиди аламдан чиқиш учун, яна ким билсин. Лекин, ҳар қалай, у ўзининг дугоналаридан, опа-сингил Епанчиналардан унчалар аниқ маълумотлар ола билмаган эди; у билган нарсаларнинг бари имо-ишоралар, чала айтилган сўзлар, шамалар, сирли тарзда жим бўлиб қолишлардангина иборат эди. Балки опа-сингиллар Варвара Ардалионовнадан гап олиш учун атай жиндай жумбоқнинг учини чиқаришгандир; ниҳоят, балки улар ўзларининг болаликдан дугоналари бўлмиш Варянинг, андак бўлсин, қитиғига тегишни, уни чақиб олишни истаб қолгандирлар: ахир, шунча келди-кетдилардан кейин ҳам улар Варянинг нимага келиб-кетиб юрганлигини сезмасликлари мумкин эмасдир-ку.

Бошқа бир томондан князь Лебедевга ҳали ҳеч гап йўқ, ҳали ҳеч нарсанинг дарағи йўқ, деб айтганда ҳақ бўлса ҳам, лекин эҳтимол жиндак хато қилган бўлиши мумкин. Филҳақиқат, ҳаммага худди бир наrsa бўлганга ўхшарди: ҳеч наrsa бўлгани йўғу, лекин шу билан бирга ҳаддан ташқари кўп наrsa руй бергандек эди. Варвара Ардалионовна аёлларга хос зийраклик билан худди мана шу нарсани фаҳмлаган эди.

Еланчинлар хонадонда энди Аглаянинг тақдири ҳал бўляпти,— у бутунлай бошқача бўлиб ўзгариб қолди, деган бир фикр ҳаммаларида бирдан, бир вақтнинг ўзида қандай пайдо бўлганлигини бир чеккадан батафсил тушунтириб бериш жуда қийин. Лекин ҳаммаларида шундай фикр бир вақтнинг ўзида пайдо бўлган заҳоти ҳаммалари биз илгари ҳам буни пайқаган эдик, шундай бўлади, деб ўйлаган эдик, деган тўхтама келдилар; «шўрлик рицарь» айтилгандаёқ эҳтимол ундан ҳам аввалроқ, шундай бўлиши сезилган эди, фақат у пайтда бунга ҳеч кимнинг ишонгиси келмаганди. Аглаянинг опалари шундай дейшарди; албатта, Лизавета Прокофьевна ҳам барчадан бурун буни сезган, пайқаган ва қачонлардан бери унинг «жони ачиб» турарди, лекин — анчадан берими, йўқми — энди князь ҳақидаги фикр сира унинг жинига тўғри келмай қолди, бинобарин, шуни ўйласа, фикри чувалашиб кетаверарди. Заррача пайсалга солмай ҳал қилиниши керак бўлган бир масала бор эди; лекин уни ҳал қилишнинг сира иложи йўқ эди, бунинг устига, Лизавета Прокофьевна қанча уринмасин, ҳатто ўша масаланинг ўзини ўз олдига аниқ қилиб қўя олмас эди. Иш жуда мушкул эди: «Князь яхшими ё яхши эмасми? Буларнинг бари яхшими ё яхшимасми? Агар яхши бўлмаса (бунга шубҳа йўқ), унда аниқ нимаси яхши эмас? Агар балки яхши бўлса (шундай бўлиши ҳам мумкин), унда, ҳўп, қаери яхши?» Хонадон соҳиби Иван Федорович албатта, аввал ҳайрон бўлди, лекин бирдан у ҳам дилидаги гапларни ўртага тўкди, «худо ҳаққи, менга ҳадеб нимадир бўлаётганга ўхшаб кўринаверарди, йўқ-йўқ дейман, яна кўзимга нимадир кўрингандай бўлади!» Генерал ойим шундай дағдағали қараб қўйган эди, у дарҳол жим бўлди, лекин эрталаб жим бўлган эди, кечқурун эса хотини билан мажбуран ёлғиз қолган чоғида жим ўтиравериш ўнгайсиз бўлгани учун гапират билан бир қанча кутилмаган фикрларни ўртага ташлади: «Ахир, аслида нима ўзи?...» (Жавоб бўлмади.) «Албатта, чиндан шундай бўлса, буларнинг бари жуда қизиқ, мен тортишиб ўтирмоқчи эмасман, лекин...» (Яна жавоб бўлмади.) «Бошқа бир жиҳатдан қараладиган бўлса, тўғриси айтганда, ахир князь, худо ҳаққи, ёмон йингит эмас, ажойиб йингит, ва... ва, ва — ҳўш, очиги, ном ҳам ҳазил нарса эмас, ўз насл-насабимиз дегандай, буларнинг бари аҳамиятга эга, яъни мен айтмоқчиманки, забунликда қолган ўз наслу-насабимизни яна ёруғликка олиб чиқсак, жамиятнинг бутун кўз ўнгиди, яъни, агар бу томондан қараладиган бўлса дейманда, яъни, мен демоқчиманки, чунки... албатта, жамият; жамият — бу жамият; лекин ҳар ҳолда князнинг ҳам чўнтаги жуда қуруқ эмас, номига бўлса ҳам давлати бор. Унинг яна...

ва... ва... ва...» (Яна ҳеч қандай жавоб бўлмади, кутилган натижа чиқмади.) Эрининг гапларини тинглаб бўлгандан кейин Лизавета Прокофьевна бутунлай чегарадан чиқиб кетди.

Унинг фикрича, бўлаётган воқеаларнинг бари «кечириб бўлмайдиган ва ҳатто жинояткорона бемаъни гаплар, бўлмагур, аҳмоқона хаёлпарастлик!» Ҳаммадан бурун, яна шуниси ҳам борки, «бу юмшоқ супурги князь деганлари — жинни касал, иккинчидан, — тентак, на жамиятни билади, на жамиятда ўз ўрни бор: уни кимга кўрсатиб бўлади, уни қаерга жойлаштириш мумкин? Бунинг устига аллақандай таги пастлар билан апоқчапоқ бўлиб юради, ҳатто кичкинагина бўлса ҳам амал-унвонга эга эмас, ва... ва... ахир, Белоконская нима дейди? Нима, биз Аглаяга шундай эрни, шундай одамни раво кўрибмидик?» Шу сўнгги гап албатта, ҳаммадан ҳам муҳимроқ эди. Мана шундай ўйлардан она қалби титраб-қақшар, лахта-лахта қон билан, кўз ёшлари билан тўларди, лекин шу билан бирга шу қалбдан гоҳо бошқа бир садо ҳам чиқарди: «Князга нима бўлибди, унинг нимаси ёмон?»— дер эди юрагининг аллақаерларидан келган бу нидо. Хўш, ўз юрагидан эшитилаётган шундай эътирозлар Лизавета Прокофьевнани ҳаддан ташқари гангитиб ташлаган эди.

Аглаянинг опаларига нима учундир князь ҳақидаги фикр жуда ёқиб тушди; ҳатто уларга бу унчалар ғалати бўлиб туюлмади; бир сўз билан айтганда, улар кутилмаганда князнинг ённи олишлари мумкин эди. Лекин улар икковлари ҳам индамасликка қарор қилишди. Оилада шу нарса жуда аён бўлиб қолган эдики, оилавий бирон масала хусусида Лизавета Прокофьевнанинг эътироз ва раддиялари зўрая борган сайин, қайсарлик билан оёқ тираб тургани сайин бу унинг ўша масала хусусида тобора рози бўла бошлаганлигини билдирарди. Лекин Александра Ивановна хусусига келадиган бўлсак, унинг бутунлай жим туришининг сира имкони йўқ эди. Лизавета Прокофьевна уни қачонлардан бери ўзига маслаҳатчи қилиб олган, ҳозир уни дам-бадам ҳузурига чақириб ўз фикрини билдиришни талаб қиларди, сен ўзинг кузатган нарсаларни менга айтиб бер, дерди. «Қандай қилиб бундай бўлиб қолди? Нега бунинг ҳеч ким кўрмай қолди? Нега ўшанда менга айтмадинглар? «Шўрлик рицарь» нимани англатарди, бу билан нима демоқчи эди? Нега ёлғиз Лизавета Прокофьевнанинг ўзи ҳамманинг ташвишини чекиши, ҳаммасини пайқашни, ҳаммасини олдиндан кўриши керак экану бошқалар умрини қарға санаб ўтказиши керак?» ва ҳоказо, ва ҳоказо. Александра Ивановна бошида жуда эҳтиёткорлик билан сўз юритди, менимча, отамнинг фикрлари тўғрига ўхшайди, Епанчиналардан бири князь

Мишкинга турмушга чиқадиган бўлса, бу жамият томонидан жуда маъқулланса керак, деди. Александра оз-оздан қизишиб, князь бошқалар айтмоқчи жуда ҳам «тентак» эмас ва ҳеч қачон бундай бўлганмас, унинг эътибори ва обрўсига келганда, яна худонинг ўзи билади, тагин бир неча йилдан сўнг бизнинг Россиямизда одамнинг обрў-эътибори нима билан ўлчанаркин: илгаригидай хизматда кўрсатиладиган муваффақиятлар биланми ёки бошқа бирон нарса биланми? Александранинг бу гапларига ойиси дарҳол: «Сен жуда эркин фикрлайсан ва буларнинг ҳаммаси яна ўша қуриб кеткур хотинлар масаласига бориб тақалади», деб эътироз билдирди. Шундан ярим соат ўтар-ўтмас у шаҳарга тушиб кетди, у ердан тўғри Тош оролга ўтди, бу ерда у Белоко́нскаяни кўрмоқчи эди, худди атай қилгандай, Белоко́нская мана шу пайтлар Петербургга келган ва тезда яна кетадиган эди. Белоко́нская Аглаянинг танглайини кўтарган ва уни чўқинтирган онаси эди.

«Кампи́ршо» Белоко́нская Лизавета Прокофьевнанинг титраб-қақшаб айтган ҳамма гапларини хотиржам ўтириб эшитди, калавасининг учини йўқотиб қўйган онанинг кўз ёшларига у қадар эътибор бермади, ҳатто унга қараб туриб кулгиси қистади. Белоко́нская қўли қаттиқ, дийдаси қаттиқ хотин эди; жуда қадимдан танийдиган дугоналарини ҳам ўзига тенг кўрмас, ўртада тенглик бўлишини истамасди, Лизавета Прокофьевнага эса ўзи ҳомийлик қиладиган protégée, деб қарар, ўттиз беш йил бурун у ҳақда қандай фикрда бўлса, ҳозир ҳам шу фикри ўзгармаган, Лизавета Прокофьевнанинг табиатига ҳос кескинлик ва мустақилликка интилиш билан сира чиқишолмасди. Дарвоқе, у ўз фикрларини билдирди: «тарки одат амри маҳол дегандай, ҳаммаларингиз бир оз шошиб, ҳовлиқиб қолганга ўхшайсизлар, панишадан фил ясамаётганмикинсизлар; гапларингизни шуначадан бери диққат билан эшитиб ўтирибман, лекин, чинакамига жиддийроқ бир нарса содир бўлмаганга ўхшайди; пича яна сабр қилгиса бўлмасмикин, у ёғи қандай бўлиши ойдинроқ кўринарди; мешмча, князь рисоладаги йигит, лекин касал, ғалати ва ҳаддан ташқари камсуқум. Ҳаммадан ёмони, у маъшуқаси борлигини ҳеч кимдан яширмайди». Илгарироқ Белоко́нская Евгений Павлович қандай бўларкин, деб шама қилган эди, мана энди Белоко́нская ўзи таклиф этган Евгений Павлович назардан қолганлиги учун хафароқ эканлигини Лизавета Прокофьевна жуда яхши англади. У Павловскка баттар тажанг бўлиб қайтди ва шу заҳоти ҳамма кўрадиганини кўрди, «ҳаммаларингиз эсингизни йўқотиб қўйибсиз», деди, ҳеч кимникида бундай эмас, фақат бизнинг уйимизда қачон қарасанг, аҳвол шундай; «нимага бунча

шошган ўрдакдек бош-кетингиз билан шўнғиб қолдингизлар? Бунинг оқибати нима бўлади? Мен қачондан бери разм соламан, ҳеч нарсанинг тайини йўқ, оқибати номальум! Тўхтаб туринглар-чи, нима бўларкин Иван Федоровичнинг кўзига кўринса кўрингандир, одамнинг кўзига нималар кўринмайди, пашшадан фил яшашнинг нима кераги бор?» ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Демак, ўпкани босиб, ҳаммасига вазмироқ қарамоқ, совуқ-қонлик билан баҳо бермоқ керак экан. Э воҳ, хотиржамлик, босиқлик ўн минутга ҳам боргани йўқ. Лизавета Прокофьевна Тош оролга кетган чоғида уйда рўй берган ҳодисанинг хабари совуққонликка берилган биринчи зарба бўлди. (Эсингиздами, бир куни князь соат ўн бўлса керак, деб уларникига кечаси соат бирда борган эди, Лизавета Прокофьевна шунинг эртасигаёқ йўлга чиққан эди). Лизавета Прокофьевнанинг сабрсизлик билан берган саволларига қизлари жуда батафсил жавоб беришди ва биринчидан, «сиз йўғингизда ҳеч нарса бўлгани йўқ», дейишди, князь келибди, Аглая унинг олдига анчагача чиқмабди, ярим соатча ичкарида индамай ўтираверибди, кейин чиқиб, шу заҳоти князга шахмат ўйнашни таклиф қилибди; князь шахматни сира ҳам билмас экан, Аглая уни дарров ютиб қўйибди; ютиб, жуда хурсанд бўлиб кетибди, князни ўйнашни билмайсиз, деб ёмон уялтирибди, унинг устидан ёмон масхара қилиб кулибди, князь жуда ачинарли бир аҳволга тушибди. Кейин Аглая унга келинг, қарта ўйнаймиз, дебди. Дураки ўйнабдилар. Лекин князь дуракига жуда уста экан, худди... худди профессорга ўхшаб ўйнаркан; жуда қойил қилибди; Аглая шунча фирромлик қилибди, шунча қарталарини алмаштирибди, лекин ҳеч фойдаси бўлмабди, князь уни усти-устига қолдираверибди: кетма-кет беш марта қолдирибди. Аглая жиғибийрон бўлиб ўзини туюлмабди; князга ачиқ устида ҳар хил гапларни айтиб ташлабди, чақиб-чақиб олибди, кулиб ўтирган князь бирдан хафа бўлиб индамай қолибди, Аглая унга: «то сиз шу ерда ўтираркансиз, мен бу хонага қадам босмайман, шунча нарсалар бўлиб ўтганлигига қарамасдан яна бизникига келгани уялмадингизми, кечаси соат бирда бизникида нима қилиб юрибсиз, қўйинг-е»,— деб писанда қилибдида, эшикни қарсиллатиб ёпиб кетибди. Кейин қанча кўнглини овлаб юпатишмасин, князь худди мотамга ботгандай бўлиб ўйинга жўнабди. Бирдан, князь кетгач, чорак соатлардан сўнг Аглая юқоридан югуриб равонга чиқибди, унинг кўзлари йиғ-лиганидан қизариб кетган экан; югуриб чиққанининг сабаби Коля олиб келган типратиканни кўрмоқчи экан. Ҳаммалари типратиканни биргаликда томоша қилишибди; Коля типрати-

кан меники эмас, ташқарида гимназист дўстим Костя Лебедев билан келаётган эдим, Костя бу ерга киришга уяляпти қўлида болта кўтариб олгани учун; типратикан билан болтани ҳозир йўлда келаётганимизда бир мужикдан сотиб олдик. Мужик типратиканни эллик тийинга сотди, биз уни кейин болтасини ҳам сотишга кўндирдик, жуда яхши болта экан, дебди. Шунда Аглая типратиканни менга сотасиз, деб қаттиқ тиқилинч қила бошлабди, ҳатто Коляни «жоним», деб юборибди. Коля анчагача рози бўлмабди, ниҳоят, чидолмасдан кўчадаги ўртоғи Костя Лебедевни чақириб келибди, Костя ростдан ҳам қўлида болта кўтарганча кириб келибди ва жуда уялиб кетибди. Лекин шунда типратикан уларники эмаслиги маълум бўлибди, у Петров деган аллақандай учинчи бир боланики экан, бошқа бир туртинчи бола пулга муҳтож бўлиб қолиб, Шлоссернинг «Тарих» китобини сотаётган ва Петров шу китобни менга олиб келиб беринглар, деб Коля билан Костяга пул берган экан, улар Шлоссернинг «Тарих»ини сотиб олишга боришибди, йўлда мужик учраб қолибди ва улар «Тарих» китоби ўрнига типратиканни сотиб олишибди, шундай бўлгандан кейин типратикан билан болта ўша учинчи бола Петровга тегишли экан ва ҳозир Шлоссернинг «Тарих»и ўрнига унга типратиканни олиб кетишаётган пайтлари экан. Лекин Аглая ҳеч қўймагандан кейин алоҳа унга типратиканни сотишибди. Аглая типратиканни олиши билан уни Колянинг ёрдамида кажава саватга солиб, устини сочиқ билан ўрабди-да, Колядан шуни дарҳол князнинг шахсан ўз қўлига тутқазасиз, деб илтимос қилибди, «менинг унга бўлган чуқур ҳурматимнинг белгиси сифатида» менинг номимдан топширасиз, дебди. Коля бу таклифни хурсанд бўлиб қабул қилибди ва буни князга дарров етказаман, дебди, лекин кетмасдан олдин: «Типратикан нимани аниглади, бу совганинг маъноси нима?»— деб Аглаяга тиқилинч қилибди. Аглая бу сизнинг ишингиз эмас, дебди. Коля, бунинг мажозий маъноси бўлса керак, дебди. Аглаянинг жаҳли чиқиб, сиз ҳали ёш боласиз, сизга буни билишга ҳали эрта, деб жавоб берибди. Коля дарҳол, агарда мен сизни аёл киши сифатида ҳурмат қилмаганимда ва ўз эътиқодларимга амал қилмаганимда эди, дарҳол бундай ҳақоратга муносиб жавоб берган бўлардим, дебди. Лекин бир оз гижиллашганларидан сўнг Коля барибир хурсанд бўлганча ўз ўртоғи Костя Лебедев билан биргаликда типратиканни олиб кетибди. Коля саватни у ёқдан-бу ёққа силкииб бораётганлигини кўриб, Аглая чидолмасдан равондан туриб унга: «Коля, илтимос, тагин саватдан тушиб қолмасин!»— деб қичқирибди худди ўрталаридан ҳеч нарса ўтмагандай. Коля ҳам худди у билан ҳозиргина гижиллашиб олмагандай

ҳозирлик билан: «Йўқ, тушириб қўймайман, Аглая Ивановна. Менга ишонаверинг!»— деганча чопқиллаб кетаверибди. Шундан кейин Аглая хандон ташлаб кулиб, жуда ҳам мамнун ҳолда уйга кириб кетибди ва сўнг куни бўйи хушчақчақ бўлиб ўйнаб-кулиб юрибди.

Бу хабар Лизавета Прокофьевнани бутунлай лол қилиб қўйди. Бу нимас бўлса экан? Бир ҳазиллашгиси келиб қолдимикин. У ҳалдан ташқари қаттиқ ташвишга минди, тавба—типратикан; нимани билдираркин типратикан? Улар шартлашиб қўйдилармикин? Нима назарда тутилган? Бу қандай белги? Қандай хабар? Қизларни сўроқ қилиш пайтида шу ерда бўлган бечора Иван Федорович бир гап айтиб ҳаммасини расво қилаёзди. Унингча, ҳеч қандай хабар берилмаган, типратиканми,— «оддий типратикан, вассалом,— эҳтимол бу билан ўртамизда бўлиб ўтган хафагарчиликни унутинг, ярашайлик, димоқ-фироқ қилиб юрмайлик, дегандир, хуллас, бу кечирарли оддий бир шўхликдан бошқа нарса эмас».

Қавс ичида айтиб ўтайликки, у ҳаммасини жуда тўғри топди. Аглаянинг ҳузуридан уйга қайтиб келган князь ярим соатдан бери дунё кўзларига буткул қоронғи бўлганча нима қилишини билмай ўтирарди, шунда бирдан типратиканни кўтариб Коля келиб қолди. Шу заҳоти кўк юзидан булутлар қувилди; князь худди ўлиб тирилгандай бўлди. У тинмай Колядан сўраб-суриштирар, нима бўлди, нима деди, қандай деди, деб ўн қайталаб сўрар, худди болаларга ўхшаб қиқирлаб кулар ва дам сайин унга кулиб, хушчақчақлик билан қараб турган ҳар икки боланинг қўлларини қисар эди. Аглая князни кечирибди, демак, бугун кечқурун яна унинг олдига бориш мумкин, унга ҳозир шундан кўра ортиқроқ мукофот йўқ эди.

— Ҳали биз ҳаммамиз ёш боламиз, Коля! ва... ва... қанчалар яхши бизнинг ҳали болаларча шўх ва қувноқ эканлигимиз!— деб эриб кетганча хитоб қилди у ниҳоят.

— У сизни қаттиқ яхши кўриб қолибди, князь, вассалом!— худди биладиган одамдай салмоқланиб деди Коля.

Князь дув қизариб кетди, лекин бу сафар Коляга ҳеч нарса демади, Коля эса хаҳолаб кулар ва кафтларини бир-бирига уриб қарсак чаларди. Бир зум ўтмай князнинг ўзи ҳам кулиб юборди, шундан кейин то кеч тушгунча дам сайин соатига қараб, қанча қолдйикин, қачон кеч кираркин, деб ўтирди.

Лекин жаҳл устун чиқди: Лизавета Прокофьевна алоҳа шидомади ва кўнглига келган нарсани қилмагунча тинчимади. Катта қизлари ва эрининг қўйинг, дейишларига қарамай, нарҳол Аглаяни чақиртирди, унга охириги саволимни бера-

ману аниқ ва равшан жавоб олиб қутуламан, деб ўйлади. «Шу йўл билан биратўласи ҳал қилиб қўя қоламан, елкамдан соқит қилиб кейин азобини чекиб юрмайман!» «Бўлмаса,— деб эълон қилди у,— кеч киргунча ўлиб қоламан!» Шундагина ҳаммалари ишни қанчалар чалкаштириб юборганларини англаб етдилар. Аглая ўзини ҳайрон бўлганга солди, аччиқланди, князнинг ва барча уни сўроққа тутганларнинг устларидан масҳара қилиб хахолаб кулди,— Аглаядан шундан бошқа нарсага эришолмадилар. Лизавета Прокофьевна тўшакка ётиб олди ва князь келадиган чой пайтига ўрnidан турди. У князни юрагини ҳовучлаганча кутди ва князь кириб келганда сал бўлмаса, ҳушидан кетиб қолай деди.

Князнинг ўзи ҳам худди тимирскилангандай бўлиб ботинмасдан, ғалати табассум қилиб, ҳамманинг кўзига бир-бир қараб ва ҳаммага худди савол бергандай, ниманидир улардан сўроқлагандай бўлиб кириб келди, у келган чоғда Аглая яна йўқ эди ва князь бундан қўрқиб кетди. Бу оқшом бегона одамлар йўқ, ёлғиз оила аъзоларининг ўзлари йигилишган эдилар. Князь Ш. Евгений Павловичнинг амаксининг иши бўйича ҳамон Петербургда эди. «Жуда бўлмаганда у бўлганида ҳам бирон нима дермиди»,— деб унинг йўқлигига ўкинарди Лизавета Прокофьевна. Иван Федорович ўзини жуда ташвишга ботган бир қиёфага солиб ўтирарди; катта қизлар атай қилгандай сипо ва жим ўтиришарди. Лизавета Прокофьевна гапни нимадан бошлашни билмасди. Ниҳоят, йўлларни хўп қаргаб, сўнг князга хўш, нима дейсан, дегандай қилиб шиддат билан қаради.

Афсус! Аглая ҳадеганда чиқа қолмас, князь эса адойи тамом бўла бормоқда эди. У ўзини йўқотган кўйи тилини қалдиратиб, йўлларни тузатиб қўйиш жуда фойдали, деган фикрни билдирди, бироқ Аделанда пиқиллаб кулиб юборганидан сўнг, князь бутунлай тамом бўлди. Худди шу пайт виқор ва таманно билан Аглая кириб келди ва одоб ила князга таъзим қилди-да, оҳиста столнинг тўрига келиб ўтирди. У князга саволомуз қаради. Ҳамма англашилмовчиликлар ечладиган бир пайт келганлигини англади.

— Сиз мен юборган типратиканни олдингиизми?— қатъият билан андак норози бўлиб сўради қиз.

— Олдим,— деб жавоб берди князь қизариб, худди юраги уришдан тўхтаб қолгандек бўлиб.

— Сиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз, дарҳол тушунтириб беринг? Шунини айтиб бермагунингизча ойим ва бутун хонадонимиз тинчланмайди.

— Менга қара, Аглая...— безовталаниб қолди бирдан генерал.

— Жуда ҳаддидан ошиб кетяпти бу қиз!— бирдан нима учундир қўрқиб кетди Лизавета Прокофьевна.

— Мамап, бу ерда ҳеч ким ҳаддидан ошаётгани йўқ,— деб сиполик билан дарҳол жавоб қайтарди қиз.— Мен бугун князга типратикан жўнатган эдим, унинг фикрини билмоқчиман. Хўп, нима дейсиз, князь?

— Менинг фикримни сўраяпсизми, Аглая Ивановна?

— Типратикан ҳақида.

— Яъники... мен ўйлайманки, Аглая Ивановна, сиз сўрамоқчисизки... мен типратиканни олдим, яъники... у ҳолда, менимча, шу... бир сўз билан айтганда...

Унинг нафаси ичига тушиб кетиб жим бўлиб қолди.

— Бор-йўғи шуми гапингиз,— яна бир неча сония кутиб турди Аглая.— Майли, мен типратиканни бир чеккага қўя тураман; лекин мен қачонлардан бери йиғилиб ётган англашилмовчиликларни бартараф қилиш имконияти туғилганидан хурсандман. Шахсан сизнинг ўзингиздан бир нарсани ниҳоят сўраб олишга ижозат этинг: сиз менга уйланишни хоҳлайсизми, йўқми?

— Оҳ, парвардигорим!— кўкрагидан отилиб чиқди Лизавета Прокофьевнанинг.

Князь чўчиб тушди ва ўзини орқага тортди. Иван Федорович данг қотди; қизлар қовоқ солишди.

— Елғон гапирманг, князь, ростини айтинг. Сизни деб мени ҳол-жонимга қўйишмайди ғалати саволлар беравериб; бундай деб сўрашларининг бир асоси борми? Хўш?

— Мен сизга уйланаман, деганим йўқ, Аглая Ивановна,— деди князь бирдан жонланаркан,— лекин... сизни қанчалар севишимни ўзингиз биласиз,— мен сизга ишонаман... ҳатто ҳозир...

— Мен сиздан сўраяпман: менинг қўлимни сўрайсизми, йўқми?

— Сўрайман,— деб юраги уришдан тўхтаб қолгудай бўлиб жавоб берди князь.

Ҳамма ўтирганларнинг юраги бир кўтарилиб тушди.

— Бундай бўлмайди, азиз дўстим,— деб ўртага гап қўшди Иван Федорович қаттиқ ҳаяжонга тушиб,— бу... бунинг деярли иложи йўқ, агар шундай бўлса, Глаша... Кечиринг, князь, кечиринг, азизим!.. Лизавета Прокофьевна!— деб мурожаат қилди у хотинидан мадад кутиб,—ўйлаб кўрсак... бўларди...

— Мен рози эмасман, мен рози эмасман!— деб қўлларини силкитди Лизавета Прокофьевна.

— Мамап, менга ҳам сўйлашга ижозат этинг; бундай пайтда менинг сўзим ҳам инобатга олинса керак, деб ўйлайман:

ҳаётимнинг энг масъулиятли дақиқасида турибман (Аглая худди шундай деб айтди), ва ўзим билиб олмоқчиман, бундан ташқари, бунга сизлар ҳаммаларингиз гувоҳ бўлиб турганликларингиздан хурсандман... Агар сизнинг «шундай ниятларингиз бор экан», бир оғиз сўрашга изн беринг, князь, сиз менинг бахтимни қандай йўл билан таъминламоқчисиз?

— Мен, рости, сизга қандай жавоб беришимни билмайман, Аглая Ивановна; бунга... бунга нима деб жавоб бериш мумкин? Ундан кейин... керакмикин?

— Сиз бир оз эсанкираб қолганга ўхшайсиз, майли, ўзингизни босиб олинг, нафасингизни ростланг, янгидан куч йингиг; бир стакан сув ичиб олинг; айтгандай, ҳозир сизга чой беришади.

— Мен сизни севаман, Аглая Ивановна, мен сизни жуда ҳам севаман; мен ёлғиз сизни севаман ва... илтимос, ҳазиллашманг, мен сизни жуда ҳам севаман.

— Бироқ бу жуда муҳим иш; биз бола эмасмиз, бунга тийрак кўз билан қарашимиз керак... Айбга буюрманг, қанча давлатингиз бор?

— Вой-бў, Аглая. Қўй-е! Бу ундаймас, ундаймас...— қўрқиб кетган ҳолда гўлдирарди Иван Федорович.

— Шармандалик!— овозини кўтариб пичирлади Лизавета Прокофьевна.

— Эсингни ебсан!— деб баланд овоз билан шивирлади Александр.

— Давлат... яъни пулми?— ҳайрон бўлди князь.

— Худди шундай.

— Ҳозирча... ҳозирча юз ўттиз беш минг,— бўғилиб леги князь қип-қизариб кетаркан.

— Атиги шуңчамми?— ҳаммага эшитиларли қилиб очикдан-очик ҳайрон бўлди Аглая заррача қизармаганча.— Майли, зарари йўқ; айниқса, иқтисод билан тежаб сарфланса... Хизмат қилиш ниятингиз борми?

— Мен хусусий муаллимчилик бўйича имтиҳон топширмоқчи эдим...

— Айни муддао; албатта, бу маблағимизга маблағ қўшади. Сиз камер-юнкер бўлишни кўзда тутасизми?

— Камер-юнкер дейсизми? Мен буни ҳеч хаёлимга келтирмаган эканман, лекин...

Лекин шу ерга келганда Аглаянинг опалари чидаб туролмай пиқиллаб кулиб юборишди. Аделаида боядан бери Аглая ўзини зўрга кулгидан тийиб турганлигини сезиб ўтирарди. Аглая нега куласизлар, дегандай опаларига таҳдид билан қаради, лекин ўзи ҳам бир сония чидолмай телбаларча қаҳ-қаҳ уриб

кула бошлади; ниҳоят, ўзини тўхтатолмай хонадан югуриб чиқиб кетди.

— Мен ўзим ҳам буни кулгидан бошқа нарса бўлмаса керак, деб ўйлаган эдим!— деб қичқирди Аделаида,— типративандан бошланган эди.

— Йўқ, энди бунга йўл қўймайман, йўл қўймайман!— деб қайнаб кетди Лизавета Прокофьевна ва Аглаянинг орқасидан шаҳд билан кириб кетди. Унинг кетидан Аглаянинг опалари ҳам чошиб кириб кетишди. Хонада князь билан хонадон соҳиби қолдилар.

— Бу, бу... бу нима қилганлари бўлди, а, Лев Николаевич?— деб кескин қичқириб юборди генерал, афтидан, нима демоқчи бўлаётганлигини ўзи ҳам англамай,— йўқ, жиддий айтимаман, жиддий айтимаман, а?

— Аглая Ивановна менинг устимдан кулганга ўхшайди,— маънос жавоб берди князь.

— Шошмай тур, биродар; мен борай-чи, сен шошмай тур... чунки... жуда бўлмаса, сен менга тушунтир, Лев Николаич, сен тушунтир, нима бўлган ўзи ва буларнинг бари, умуман олганда, нимани билдиради? Ўзинг кўр,— мен отаман; нима бўлганда ҳам отаман-ку, шунинг учун ҳам ҳеч нарсани тушунмаялман; жипла қурса, сен менга тушунтириб бер!

— Мен Аглая Ивановнани яхши кўраман; у буни билади ва... назаримда анчадан бери билади...

Генерал елкаларини учирди.

— Қизиқ, қизиқ... жуда ҳам севасанми?

— Жуда ҳам севаман.

— Қизиқ, жуда қизиқ. Бундай бўлишини сира кутмаган эдим, хўш... Яна кўнглингга келтириб юрма, мен давлатингни кўзда тутиб айтаётганим йўқ, (ҳолбуки, сармойянг каттароқ бўлса керак деб ўйлагандим), лекин... менга қизимнинг бахти... ниҳоят... нима десамикин, сен унинг бахтини... таъминлай олармикинсан? Ва... ва... бу нима қилгани унинг: чинми қилиқлари ва ё ҳазилми? Сени айтаётганим йўқ, уни айтимаман?

Эшик ортидан Александра Ивановнанинг овози эшитилди: у отасини чақирмоқда эди.

— Тўхтаб тур, биродар, тўхтаб тур! Тўхтаб, ўйлаб тур, мен сезир...— деди у апил-тапил ва юраги пўкиллаганча ҳовлиқиб ичкарига кириб кетди.

У ичкарига кириб, хотини билан қизи бир-бирларини қучоқлашиб йиғлашиб турганларини кўрди. Бу бахт, хурсандчилик, ризи-ризолик кўз ёшлари эди. Аглая ойисининг қўллари, юзлари, лабларидан ўпарди; улар бир-бирларини маҳкам қучоқлаб олган эдилар.

— Мана энди уни ўзинг кўр, Иван Федорич, бор бўлгурни қара!— деди Лизавета Прокофьевна. Аглая ўзининг бахтиёр, кўз ёшлари суркалиб кетган юзини ойисининг кўкрагидан олиб, отасига қаради, шарақлаб кулиб юборди, сакраб отасини маҳкам қучоқлаб олди ва бир неча маротаба ўпиб қўйди. Кейин яна ойисининг бағрига отилди, ҳеч ким кўрмасин, деб юзини маҳкам унинг бағрига босди ва яна йиғлаб юборди. Лизавета Прокофьевна уни шол рўмолининг бари билан тўсиб олди.

— Сен ўзи бизни не кўйларга соляпсан асти, не кўйларга соляпсан, жуда бераҳм қиз бўлиб кетибсан, билдингми, энди!— деб қўйди у, лекин овозидан хурсанд эканлиги, бирдан эмгил нафас олганлиги сезиларди.

— Бераҳмман! ҳа, бераҳмман!— деб илиб кетди бирдан Аглая.— Ёмон қизман! Тантиқ қизман! Отамга айтинг шуни. Оҳ, ўзлари шу ерда экан-ку. Дада, сиз шу ердасиз? Эшитдингизми!— деб кўз ёшлари билан кулди Аглая.

— Азизим, менинг фариштам!— деб унинг қўлини ўпарди хушнудликдан жуда ҳам очилиб кетган генерал. (Аглая қўлини тортиб олмасди.)— Демак, бундан чиқди, сен анави... йигитни яхши кўрар экансан-да?..

— Йў-йў-йў! Тоқатим йўқ... бошимга ураманми сиз айтган ўша йигитни!— бирдан қайнаб кетди Аглая ва бошини кўтарди.— Дада, агар сиз яна бир марта шундай дейдиган бўлсангиз... мен жиддий айтяпман; эшитдингизми, жиддий айтяпман!

У чиндан ҳам жиддий сўзламоқда эди: ўзи қип-қизариб кетган ва кўзлари ўт бўлиб ёнарди. Ота тилини тишлаганча жим бўлди, қўрқиб кетди, лекин Лизавета Прокофьевна Аглаянинг орқасидан унга имо қилди ва шунда у тушунди: «Сўрама».

— Ундай бўлса, фариштам, ихтиёрнинг, ўзинг биласан, у ёлғиз кутиб ўтирибди; йўлини қилиб жўнатиб юборайлик бўл-маса?

Генерал ўз навбатида Лизавета Прокофьевнага имо қилиб қўйди.

— Йўқ, йўқ, бу ортиқча; айниқса, «йўлини қиладиган» бўлсангиз, ўзингиз чиқинг унинг олдига; мен кейин чиқаман, ҳозир. Мен ўша йигитдан... узр сўрамоқчиман, мен уни хафа қилиб қўйдим.

— Жуда ҳам қаттиқ хафа қилдинг,— деб жиддий тарзда тасдиқлади Иван Федорович.

— Хўш, бундай... сизлар ҳаммаларингиз шу ерда қолинглар, яхшиси, аввал мен бир ўзим чиқаман, сизлар эса дарров менинг орқамдан чиқиб боринглар; шундай қилсак яхши бўлади.

У эшиккача бориб, бирдан орқасига қайтди.

— Мен кулиб юбораман! Ичакларим узилиб кетади!-- деди у гамгин тортиб.

Лекин шу заҳоти орқасига шарт ўгирилиб югургилаганча князнинг олдига чиқиб кетди.

— Нима қилгани бу? Сен нима дейсан?— деб шоша-пиша хотинидан сўради Иван Федорович.

— Айтгани ҳам тилим бормайди,— шошиб жавоб берди Лизавета Прокофьевна ҳам,— менимча, ҳаммаси равшан.

— Менимча ҳам равшан. Кундай равшан. Севади.

— Севади ҳам гапми, ошиқ бўлиб қолган!-- деди Александра Ивановна.— Лекин кимга экан, қаранг?

— Худо хайрини берсин, тақдири шу бўлса!-- художўйлик билан чўқиниб олди Лизавета Прокофьевна.

— Тақдир экан-да!-- деб тасдиқлади генерал,— тақдирдан қочиб қутулиб бўлармиди!

Шундан сўнг ҳаммалари меҳмонхонага чиқишди, ва яна кутилмаган ҳодисага дуч келишди.

Аглая князнинг олдига чиққанимда кулиб юбормасам кошкийди деб кўрққан эди, аксинча, кулиш у ёқда турсин, ботинмай, қисиниб-қимтинибгина деди:

— Мен таъвия, тентак, ақли йўқ қизни кечиринг (Аглая князнинг қўлини ушлаб олди), ишончингиз комил бўлсинки, биз ҳаммамиз сизни беҳад яхши кўрамиз. Ва агарда мен сизнинг бу қадам ажойиб соддадиллигингиз устидан кулишга уринган бўлсам, менга худди ёш бола деб қарангу шўхлигимни маъзур кўринг; бўлмағур бир нарсани деб ҳоли жонингизга қўймаган бўлсам, мени кечиринг, лекин буни сизнинг устингизга асло миннат қилиб қўймоқчи эмасман...

Айниқса, кейинги сўзларни Аглая бошқа бир урғу бериб айтди.

Ҳаммасини ўз кўзлари билан кўриш ва ўз қулоқлари билан эшитиш учун отаси, ойиси, опалари аллақачон меҳмонхонага чиқиб улгурган эдилар, Аглаянинг «бўлмағур бир нарсани устингизга миннат қилиб қўймоқчи эмасман», деган гаплари ҳаммани лол қилиб қўйди, уларни бундан кўра ҳам анг-танг қилиб қўйган нарса — Аглаянинг бу сўзларни жуда ҳам жиддий туриб айтганлиги бўлди. Ҳаммалари бир-бирларига саволмуз қараб олишди; лекин князь, афтидан, бу сўзларни тунунмади, у беҳад бахтиёр эди.

— Нега ундай дейсиз,— деб гўлдиради у,— нега сиз... кечирим... сўраяпсиз...

У ҳатто мен сизнинг кечирим сўрашингизга арзимайман, лемоқчи бўлди. Ким билсин, балки у «бўлмағур бир нарсани

устингизга миннат қилиб қўймоқчи эмасман», деган сўзларнинг маъносини тушуниб етгандир, лекин галати табиатли одам сифатида эҳтимол; бу сўзлардан хурсанд ҳам бўлгандир. Энди Аглаянинг олдига бемалол келиб кставеради, у билан истаганча гаплаша олади, у билан бирга юриб, бирга тура олади, мана шунинг ўзи унга энг олий рўшнолик бўлиб туюлар ва ким билсин, эҳтимол, худди мана шу нарсаларнинг ўзидан бир умр рози бўлиб ўтарди! (Лизавета Прокофьевна нчида худди мана шу кўниб, рози бўлиб ўтишдан қўрққан эди; у князни билиб турарди; ўзича кўп нарсалардан хавотир олар, хавфсирар, лекин ҳатто тилига келтиришга журъат этмасди.)

Князнинг шу кеча қанчалар очилиб, қанчалар кўнгли кўтарилганлигини тасаввур қилиш қийин. У шунчалар хурсанд эдики, унга қараб турган одам ҳам беихтиёр хурсанд бўлиб кетарди,— Аглаянинг опалари кейин худди мана шундай деб айтиб юришди. Унинг тили ешилиб кетди, ярим йил илгари Епанчиналар билан биринчи марта танишган чоғида эрталаб у худди мана шундай очилиб гаплашган эди, ана ўшандан бери мана энди шундай чеҳраси очилиши эди. У Петербургга қайтиб келганидан сўнг атай индамай жим юрадиган бўлиб қолган, яқинда эса ҳамманинг олдига князь Ш.га мен ўзимни тўхтатиб, жим юришим керак, чунки мен фикрларимни баён қилиб, уларни ерга уришга ҳақим йўқ, деб айтганди. Шу кеча фақат унинг ўзигина сўзлади, дейиш мумкин, у анчагача ҳикоя қилиб ўтирди. Савол берувчиларга ойдин ва аниқ жавоблар айтди. Лекин унинг сўзлари илтифот юзасидангина айтиладиган сўзларга асло ўхшамас эди. Буларнинг бари жиддий, салмоқли ва ҳатто донишманд одамнинг гапларига ўхшарди. Князь ўзининг бир қанча шахсий қарашларини, юрагининг қаърида орзуланган фикрларни ўртага ташлади, агар шунчалар «яхши баён» қилиб берилмаганда эҳтимол бу фикрлар жуда кулгили бўлиб кўриниши мумкин эди, деб бир-бирларига маъқуллашарди кейинча барча унинг гапларини тинглаганлар. Генерал гарчи суҳбат чоғида жиддий мавзуларни маъқул кўрса-да, у ҳам, Лизавета Прокофьевна ҳам, гаплар ҳаддан ташқари олимона тусга кириб кетганлигидан ўтиришнинг сўнггида ҳатто жуда маъюс бўлиб қолдилар. Дарвоқе, князь охири бориб, бир қанча кулгили латифалар айтиб берди, латифа айтиб, ҳаммадан илгари уларга ўзи кулар, бинобарин, атрофда ўтирганлар латифадан кўра князнинг шодон кулаётганидан қувониб кулишарди. Аглаяга келганда, у бутун ўтириш давомида бир оғиз ҳам гапирмади дейиш мумкин. Лекин у Лев Николаевичдан кўзларини узмасдан унинг гапларини эшитар, ҳатто эшитгандан кўра кўпроқ қарар эди.

— Кўзларини узолмай, тўймай тикилгани тикилган, тавба; унинг ҳар бир сўзини илиб оляпти; жон-жон деб илиб оляпти!— деди кейин Лизавета Прокофьевна эрига.— Шунда ҳам унга сен уни яхши кўрасан, деб кўринг-чи, айюҳаннос солиб беради!

— Нима ҳам деб бўларди— тақдир!— деб елкаларини учирарди генерал, кейин у анчагача бу сўзларни такрорлаб юрди. Шуни қўшимча қилиб ўтайлики, генерал ишчан ва уддабурон одам сифатида аҳволнинг мана бунга ўхшаш ноаниқ бўлиб ётишини ёқтирмасди, кўп нарсалар ҳамон унга қоронғи бўлиб қолмоқда эди; лекин у вақт-соати келгунга қадар индамасликка ва... Лизавета Прокофьевнанинг кўзига қараб юришга жазм қилди.

Хонадоннинг хушчақчақ кайфияти узоқ давом этмади. Эртасигаёқ Аглая яна князь билан уришиб қолди, кейинги барча кунлар тўхтовсиз шу тарзда давом этди. Аглая уни соатлаб майна қилиб, масхара қилиб ўтирарди. Рост, улар ўз боғчаларидаги кўшк-равонда баъзан бир соатлаб, икки соатлаб ўтиришарди, лекин бундай ўтирганларида князь Аглаяга ё газета ва ёки китоб ўқиб ўтиришини сезиб қолдилар.

— Биласизми,— деди бир кун Аглая уни газета ўқишдан тўхтатиб,— сизнинг билимингиз жуда ҳам паст экан; сиздан бир нарсани сўраганда тузукроқ қилиб жавоб беролмайсиз: на кимлигини, на қайси йилда бўлганлигини, на қайси рисолада ёзилганлигини айтолмайсиз? Сиз ночор одам экансиз.

— Сизга саводим йўқроқ эканлигини айтгандим,— жавоб берди князь.

— Унда сизнинг нимангиз бор? Шундан кейин мен сизни қандай ҳурмат қиламан? Қани у ёғини ўқинг; йўқ, қўйинг, ўқимай қўя қолинг.

Шунда ўша куни яна ҳамманинг кўзига ғалати кўринган воқеа бўлиб ўтди. Князь Ш. қайтиб келди, Аглая у билан жуда очилиб гаплашди, Евгений Павлович ҳақида кўп сўради. (Князь Лев Николаевич ҳали келмаган эди.) Лизавета Прокофьевна гап орасида Аделаиданинг тўйини пича кечиктирадиганга ўхшаб турибмиз, балки иккита тўйини қўшиб ўтказармиз, деган эди, князь Ш. «оилада яқин кунларда янги ўзгаришлар бўлади шекилли», деб шама қилиб қўйди. Аглая ловиллаб ёниб кетди, «аҳмоқона бичиб-тўқилган гаплар ҳам жонга тегиб кетди», деди. Мен ҳали бировнинг ўйнашининг ўрнини босмоқчи эмасман, деб айтди.

Бу сўзлар ҳаммани ва айниқса, ота билан онани лол қилиб қўйди. Князь билан Настасья Филипповна хусусида узил-кесил гаплашиб олиш мақсадида Лизавета Прокофьевна эрини маҳфий кенгашиб олишга қистай бошлади.

Иван Федорович, бу Аглаянинг «уятчанлигидан» бошқа нарса эмас, деб ишонтиришга ҳаракат қиларди; агарда князь Ш. тўй хусусида шама қилмаганда, Аглая ҳам индамаган бўларди, чунки Аглаянинг ўзи ҳам буларнинг ҳаммаси ғийбатчи одамлар тўқиб чиқарган мишмишлардан бошқа нарса эмаслигини, Настасья Филипповна Рогожинга тегаётганлигини яхши билади; князнинг бу гапларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, умуман, унинг алоқаси йўқ; ҳеч қачон алоқада бўлган ҳам эмас, ҳақ гап, бор гап шу.

Князь эса ҳеч нарсани парвойига келтирмас ва ҳамон фароғатда яшарди. О, албатта, у ҳам баъзан Аглаянинг қарашлари оғир ва сабрсиз бўлиб бораётганлигини пайқаб қоларди; лекин у бошқа бир нарсага кўпроқ ишонар ва зулмат ўз-ўзидан тарқаб кетарди. Бир марта ишонч ҳосил қилгандан сўнг у ҳеч қачон иккиланиб ўтирмасди. Эҳтимол, у ҳаддан ташқари хотиржам юргандир. Бир куни князни боғда тасодифан учратиб қолган Ипполитга шундай бўлиб кўринди.

— Ҳа, ўшанда сиз бировни яхши кўриб қолибсиз, деб бекорга айтмаган эканман-ку, — деб бошлади у князнинг қошига келиб уни тўхтатаркан. Князь унга қўлини узатиб, «анча яхши бўлиб қолганлиги» билан табриклади. Беморнинг ўзи ҳам анча тетик кўринарди, одатда сил билан оғриганлар баъзан шундай бўладилар.

Ипполит князнинг қошига келишдан мақсади, жуда кўри-нишингиз бошқача, худди бахтиёр одамларга ўхшайсиз, деб чандиб олмоқчи эди, лекин дарҳол чалкашиб кетиб, ўзи ҳақида гапира бошлади. У шикоят қилишга тушди, гаплари қовушмай узоқ нолиди.

— Айтсам, ишонмайсиз,— деб хулоса қилди у,— улар жуда ҳам жаҳлдор, бачкана, худбин, шуҳратпараст, одми одамлар экан, ишонасизми, улар мени ҳам иложи борича тезроқ ўлиб кетар, деган ниятда олишган, мана энди менинг ҳалсганда ўлмай турганимни, касалим борган сари сиғиллашаётганлигини кўриб, улар қутуриб кетдилар. Комедия! Гаров ўйнайман, сиз менга ишонмаяпсиз?

Князнинг эътироз билдиргиси келмасди.

— Мен ҳатто баъзан яна қайта сизникига кўчиб ўтсаммин, деб қўяман,— менсимаган оҳангда деди Ипполит.— Улар одамни ишқилиб тезроқ ўлсин, жой бўшасин, деб қабул қилмайдилар деб ҳисоблайсизми?

— Мен улар сизни бошқа бир мақсад билан қабул қилганикинлар, деб ўйлаган эдим.

— Эҳе! Одамлар сизни жуда содда деб гапиришарди, унчаларга ўхшамасиз-ку! Ҳозир пайти эмас, бўлмаса мен сизга

анави Ганечкани, унинг қандай ниятларда юрганлигини албатта айтиб берган бўлардим. Тагингизга сув қуйишяпти, князь, тагингизга аямасдан сув қуйишяпти ва... бунчалар бепарво юрганлигингизни кўриб ҳатто одамнинг раҳми келади сизга. Аммо афсус,— сиз бошқача нарсага қобил эмассиз!

— Ачинган нарсангизни қаранг!— деб кулди князь.— Нима, сизнингча, агар нотинч бўлганимда бундан кўра бахтлироқ кўринармидим?

— Бахтиёрликда... алданиб яшагандан кўра, бахтсизликда билиб яшаган минг марта яхши. Сиз нариги ёқдагилар ҳам... сиз билан рақобат қилаётганларини билмайсиз шекилли?

— Сизнинг рақобат ҳақидаги сўзларингиз бир оз яланғочроқ, Ипполит; аттанг-аттанг, сизга жавоб беришга ҳақим йўқ. Сиз Гаврила Ардалионовичнинг ишларини бир оз бўлса ҳам биласизми, агар билсангиз, нима учун унинг ўз тинчини йўқотиб қўйганлигига ва ҳеч қачон тинчлана олмаслигига тушунган бўлардингиз, тўғрими? Менимча, бу нарсага мана шу нуқтан назардан туриб қараш керак. У ҳали ўзгариши мумкин; ҳали кўп яшайди, ҳаёт эса мислсиз хазина... айтганча... айтганча...— ўзини йўқотиб қўйди князь,— сув қуйиш масаласида... мен сира тушунолмай қолдим, сиз нима демоқчисиз; яхшиси, бу гапни кўйайлик, Ипполит.

— Вақт-соати келгунча, майли, қўямиз; бунинг устига сиз ҳеч олижаноблик қилолмасдан туролмайсиз-ку. Ҳа, князь, сиз ўзингиз қўлингиз билан ушлаб кўришингиз керак, эҳтимол ўшанда менинг гапларимга ишонарсиз, ха-ха! Ҳозир мени жуда ҳам ёмон кўрсангиз керак, шундаймасми?

— Нимага? Сиз ҳаммадан кўп азоб чекканлигингиз ва азоб чекаётганингиз учунми?

— Йўқ, мени шундай азобга арзимади, деб билганингиз учун.

— Ким кўпроқ азоб чека олса, демак, у шундай азобга муносиб. Аглая Ивановна сизнинг дафтарингизни ўқиб чиққандан кейин сизни кўрмоқчи бўлган эди...

— Кейинга қолдирдим... унга мумкинмас, биламан, биламан...— гапни тезроқ бошқа томонга бурди Ипполит.— Айтганча, ўша алмойи-алжойи гапларнинг ҳаммасини унга ўзингиз ўқиб берганмишсиз; алаҳлаб ётганда ёзилган ва... тўқилган. Тушунмайман, одамлар бунча бераҳм бўлмаса дейман, бунча болаларча шуҳратпараст ва қасоскор бўлмаса дейман (ва айниқса, шуни кўнглимга жуда оғир оламан), қаранг, шу дафтарни ҳадеб юзимга солишади, таъна қилишади ва ундан яна ўзимга қарши қурол сифатида фойдаланишади! Хотиржам бўлинг, мен сизни айтаётганим йўқ...

— У дафтардан воз кечаман, деганингиз жуда ачинарли, Ипполит, у самимий ёзилган ва биласизми, унинг энг кулгили томонларини ҳам, кулгили томонлар эса кўп (Ипполитнинг юзи қаттиқ буришиб кетди), сизнинг чеккан азобларингиз ювиб кетади, гапнинг очигини айтганда, унда азоб ҳам бор ва... балки зўр матонат ҳам бор. Қандай бўлиб кўринмасин, сизни ёзишга ундаган фикрнинг асосида олижаноблик ётади. Вақт ўтган сари бу менга янада равшанроқ бўлиб бормоқда, чин сўзим. Мен сизга баҳо бермоқчи эмасман, мен дилимдаги гапларни айтяпман, холос, ўшанда индамаганимга жуда афсусланаман...

Ипполит қизариб кетди. Бир кўнгли князь билдирмай туриб мени тузоққа илинтирмоқчи, деган шубҳага ҳам борди. Лекин унинг юзига қараб туриб, самимий сўзлаётганига амин бўлди. Унинг чеҳраси очилди.

— Барибир ўлиб кетасан киши!— деди у ва сал бўлмаса: менга ўхшаган одамлар ҳам ўлиб кетса-я!— деб қўшимча қилишга оз қолди.— Бу Ганечка деганлари мени қандай ҳол-жонимга қўймаётганлигини кўрсангиз; менга эътироз билдирмоқчи бўлиб топган гапини қаранг, менинг дафтаримни ўшанда ўтириб эшитганлардан уч-тўрттаси гўё мендан олдинроқ ўлиб кетар эмиш! Қалай, а! Менга таскин бериб айтган гапини қаранг, ха-ха! Аввало, ҳали ҳеч ким ўлгани йўқ; ундан ташқари ўзингиз ўйланг, бу одамларнинг ҳаммаси ўлиб кетган тақдирда ҳам нега энди бу менга тасали бериши керак экан! Ҳаммани ўзига ўхшатади; айтганча; у бундан ҳам баттарини айтди, бундай пайтларда ўзини ҳурмат қилган одам индамай ўлади-қўяди, сиз бу хусусда худбинлик қилгансиз, деб сўқинишини айтмай-сизми яна! Қалай, а! Йўқ, одам ҳам шунчалар худбин бўладими, а! Худбинликнинг нозиклашиб кетганлигини ёки, тўғрироғи, ҳўқиздек қўполлашиб кетганлигини кўринг! Шундай бўла туриб ҳам улар ўзларини худбин деб билмайдилар!.. Князь, ўн саккизинчи асрда Степан Глебов деган аллакимнинг ўлими ҳақида ҳеч кўзингиз тушганимиди? Мен кеча тасодифан ўқиб қолдим...

— Ким экан у Степан Глебов?

— Петр замонасида қозиққа ўтқазилган экан.

— Оҳ, худобим, биламан! Совуқда пўстини кийиб ўн беш соат қозиқда ўтирган, олиҳимматлик кўрсатиб ўлган; бўлмасам-чи, ўқиганман... нима эди?

— Худо одамларга шундай ўлим беради, бизга эса йўқ! Сиз мени худди ўша Глебовга ўхшаб ўлолмайдиган, деб ўйлай-сизми?

— О, асло ундай эмас,— деб ўнғайсизланди князь,— мен фақат шуни айтмоқчийдимки, сиз... яъни сизни мен Глебовга

Ўхшай олмасдингиз, демоқчи эмасман, лекин... сиз... сиз ўша пайт бўлганда, тўғрироғи...

— Биламан: Остерман бўлардингиз, Глебов эмас, демоқчисиз, шундай эмасми?

— Ким у Остерман?— ҳайрон бўлди князь.

— Остерман, дипломат Остерман, Петрнинг Остермани,— чалкашиб кетиб бирдан гўлдираб қолди Ипполит. Уртага аллақандай англашилмовчилик чўқди.

— О, й-й-йўқ! Мен ундай демоқчи эмасдим,— деб чўзилди князь бир оз жим турганларидан сўнг, сиз, назаримда... ҳеч қачон Остерман бўлолмасдингиз...

Ипполит қовоғини солди.

— Очиги, мен нега бундай деяпман,— деб яна гапини давом эттирди князь афтидан сўзини тузатмоқчи бўлиб,— негаки, ўша замоннинг одамлари (чин сўзим, бу мени доимо ҳайратга солади) ҳозирги бизга ўхшаган одамлар бўлган эмас, улар бизнинг асримизда яшаётган одамларга, одамлар авлодига асло ўхшамайдилар, рост, худди бутунлай бошқача одамлар насли дейсиз... Ўша замонларда ҳаммаси аллақандай бир эътиқоднинг одамлари эдилар, ҳозиргилар қандайдир асабийроқ, тараққий қилганроқ, сенситивроқ, аллақандай, икки, уч гоё ва эътиқодларга мансуброқ... ҳозирги одам кенгроқ,— ва, чин сўзим, худди шу нарса унга ўша асрлардаги якнасақ одамга ўхшаш учун тўсқинлик қилади... Мен... мен буни ёлғиз шунинг учун айтяпманки... яна бошқача...

— Тушунаман; соддасиз, десам менга ишонмадингиз, энди мени ўлиб-тирилиб юпатмоқчи бўласиз, ха-ха! Сиз ғирт ёш бола экансиз, князь! Лекин боядан бери бир нарсани сезиб турибман, сиз менга... худди чинни идишга қарагандай муомала қиляпсиз... Майли, майли, мен хафа бўлмайман. Ҳар ҳолда, сиз билан анча қизик гаплашиб олдик; сиз гоҳо худди ёш боланинг ўзи бўлиб қоласиз, князь. Айтганча, билиб қўйганингиз маъқул, мен Остермандан кўра ҳам тузукроқ бир одам бўлмоқчи эдим; Остерманни тирилтиришнинг ҳеч кераги йўқ... Ҳа-я, кўриб турибман, иложи борича, тезроқ ўлишим керак, бўлмаса, мен ўзим... Қўйинг мени. Хайр! Хўп майли, хўп, ўзингиз айтинг бўлмаса, хўп, сизнингча, қандай қилиб ўлсам, яхши бўлади?.. Иложи борича, шу... эзгуроқ бўлиб кўринса дейман-да? Қани, айтинг!

— Бизнинг ёнимиздан ўтиб кетинг ва бизнинг бахтимизни маъзур кўринг!— деб айтди князь жуда секин товуш билан.

— Ха-ха-ха! Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим! Шунга ўхшаган бир гап айтар девдим! Лекин ўзингиз ҳам... лекин ўзингиз ҳам... Уҳ, ўҳ! Ширинзабон одамлар! Яхши қолинг, яхши қолинг!

Епанчинлар боғида ўтадиган ва Белоконскаянинг келиши кутилган кечки йиғин ҳақида ҳам Варвара Ардалионовна акасига рост айтганди; меҳмонлар ўша кун иқшом чоғи йиғилишадиган эдилар; лекин шу хусусда ҳам Варвара Ардалионовна керагидан пича ортиқчароқ зарда билан гапирганди. Рост, ҳаммаси ҳаддан ташқари шошмашошарлик билан, ҳатто ҳеч кераги бўлмаган ташвиш-ҳаяжон ичида ўтказилмоқда эди, илло, бу хонадонда «ҳамма нарса бошқача бўлганлигидан» ҳам шундай бўлмай иложи йўқ эди. Ҳаммаси эндиликда «заррача ҳам иккиланиб» ўтирмасликка қарор берган Лизавета Прокофьевнанинг ҳовлиқмалиги, сабрсизлиги билан изоҳланар, ота-она ўз суюкли кенжаларининг бахт-иқболини ўйлаб тўлиқиб-тошиб, жонлари ичларига сиғмай турарди. Бунинг устига Белоконская ростдан ҳам тез орада бу ерлардан жўнаб кетадиган эди; жамият кўз ўнгида унинг ҳомийлиги жуда кўп нарсаларни англатарди; у князга марҳамат кўзи билан қараса керак, деб умид қилар эдилар, ота-она киборлар жамияти Аглаянинг қаллиғини муқтадир «кампиришо»нинг қўлидан иззат-икром билан қабул қилиб олади ва мабодо бунда одамларнинг назарида ғалатироқ бўлиб кўринадиган бирон нарса бўлган тақдирда ҳам кампирнинг ҳомийлиги ва ҳимояти таъсирида у қадарли билинмай кетади, деб ҳисоблаган эдилар. Ҳамма бало шунда эдики, ота-онанинг ўзи «буларнинг барида ғалати бўлиб кўринадиган нарса борми, йўқми? Балки бекордан-бекорга ваҳима қилиб юргандирлар?»—мана шу жумбоқни сира ҳам ечолмай қолгандилар. Мўътабар ва доно одамларнинг очиқ ва дўстона маслаҳатларига ота-она жуда зориқиб қолган эди, илло, Аглая туфайли ҳали ҳеч нарса тугал-тўқис ҳал бўлмаган эди. Ҳар ҳолда эртами-кечми, князини барибир киборлар ичига олиб кириш керак бўларди, бинобарин у ҳали бу жамиятдан бутунлай беҳабар эди. Хуллас, уни «кўрсатиб олмоқчи» эдилар. Меҳмондорчиликни ортиқча дахмазаларсиз оддийроқ қилиб ўтказмоқчи эдилар: унга фақат «хонадон яқинлари»гина тақлиф қилинган эди. Белоконскаядан ташқари яна жуда ҳам катта бир мансабдор ва боённинг хотини келиши кутилларди. Ёшлардан кўз тутганлари ёлғиз Евгений Павловичгина эди ҳисоб; у Белоконскаяни бошлаб келиши керак эди.

Князь Белоконскаянинг келишини меҳмондорчиликдан уч кун илгари эшитганди; меҳмондорчилик қилинаётганлигини эса кун ичига билди. У албатта, хонадон аъзоларининг ташвишга ботиб юрганларини пайқади, ўзи билан ташвишла-

виб, имо-ишоралар билан гаплашаётганларига қараб, меънинг меъмонларда ёмон таассурот қолдиришимдан қўрқишаётганга ўхшайди, деб ўйлади. Лекин Епанчиинларнинг ҳаммалари нима учундир князь бизнинг уни деб қайғураётганлигимизни тушунмади, тушунишга жуда ҳам соддалик қилади, деган бир фикрга келган эдилар. Шунинг учун ҳам ҳаммалари князга қараб туриб, ичларидан зил кетишарди. Айтганча, князь ҳақиқатан ҳам бўлажак меъмондорчиликни парвойига келтирмас, унга бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқдай эди. У бутунлай бошқа нарса билан банд эди: Аглая соат сайин инжиқ бўлиб борар, қовоғини очмас, мана шу нарса князни адойи тамом қилиб ташламоқда эди. У Евгений Павлович ҳам келишини эшитганда, бундан жуда хурсанд бўлди ва уни анчадан бери кўргим келиб юрган эдим, деди. Негадир унинг бу сўзлари ҳеч кимга ёқмади; Аглая энсаси қотиб хонадан чиқиб кетди ва кечаси соат ўн иккиларда князь кетаётганда уни холи кузатаркан, икки оғиз сўз айтишга имкон топди.

— Эртага бизникига кундузи келмасангиз девдим, кечқурун анави... меъмонлар йиғиладиган пайтда келсангиз. Меъмонлар келишидан хабарингиз борми?

Қиз жуда сабрсизлик билан ўзини жиддий тутиб сўзлади; унинг «меъмондорчилик» ҳақида энди гапириб туриши эди. Унинг ҳам меъмондорчилик бўлишидан жини кўзиб юрарди; буни ҳамма сезганди. Балки шу туфайли ойиси ҳамда отаси билан қаттиқ жанжаллашгиси келиб турарди-ю, лекин ғурур ва уятчанлик бунга йўл бермасди. Князь қизнинг ҳам ундан чўчиб турганлигини сизди (лекин чўчиётганлигини сира билдиргиси келмасди), шундан кейин князнинг ўзи ҳам қўрқиб қолди.

— Ҳа, мен ҳам таклиф қилинганман,— деб жавоб берди у.

Қиз гапини давом эттиришга қийналаётганга ўхшарди.

— Сиз билан умуман ўзи жиддий гаплашиб олса бўлармикин? Умрингизда бир марта?— жуда ҳам жаҳли чиқди қизнинг нималигини ўзи ҳам билмасдан, у ўзини туголмай қолганди.

— Албатта, қулоғим сизда; мен жуда хурсандман,— пичирлади князь.

Аглая яна бир неча сония индамай турди, сўнг энсаси қотиб деди:

— Мен улар билан буни таллашиб ўтиргим келмади; баъзи пайтларда уларга гап тушунтириб бўлмайди. Баъзан ойимнинг қиладиган ишларини сира ёқтирмайман. Отамни-ку, айтиб ўтирмаса ҳам бўлади, фойдаси йўқ. Ойим, албатта, олижаноб аёл; унга сал жўнроқ бир нарса деб кўринг, дарров билиб олсангиз. Шу, ҳалиги... чурук кампирнинг олдида ер букиб таъзим қилиб туради! Мен фақат Белоконскаянинг ўзинигина айтаёт-

ганим йўқ: ваҳоланки, у ачиган-сасиган кампир, феъл-автори жуда ёмон, лекин қуриб кеткур жуда ақлли, уларнинг ҳаммаларини ўз тизгинида ушлаб туради,— яхшилиги, ўлсин, фақат шу. О, разолат! Кулгинг келади: биз доимо жуда ҳам ўртача, ҳа, жуда ҳам ўртача давранинг одамлари бўлиб келганмиз, биздан кўра ҳам ўртачароғи бўлишни тасаввур қилиб бўлмайди; бизга нима кераги бор шу киборлар жамиятига суқилиб киришликнинг? Опаларимни айтмайсизми; ҳаммасини князь Ш. қилди, у опаларимни васвасага солиб қўйди. Нега сиз Евгений Павлич келишидан хурсанд бўляпсиз?

— Менга қаранг, Аглая,— деди князь,— назаримда сиз мени эртага ўшаларнинг ичида... йиқилади деб жуда қўрқаётганга ўхшайсиз?..

— Сиздан-а? Қўрқарканманми?— дув қизариб кетди Аглая.— Нега энди сиздан қўрқар эканман, менга деса... менга деса, бутунлай шарманда бўлмайсизми? Менга нима? Қандай қилиб яна шундай сўзларни ишлатасиз? «Йиқилиш» деганингиз яна нимаси? Бу бемаза, бемаъни сўз.

— Бу... мактаб ўқувчилари ишлатадиган сўз.

— Ҳа, мактаб ўқувчилари! Бемаза сўз! Сиз, афтидан, эртага фақат шундай сўзларни айтадиганга ўхшайсиз. Уйга бориб яна шундай сўзлардан кўпроқ ўйлаб топинг: ҳаммани оғзингизга қаратиб қўясиз! Эсиз, яна хўп эшикдан уйга кириб боришни яхшилаб ўрганиб олган экансиз; қаерда ўргангансиз бунга? Ҳамма атайлаб сизга қараб ўтирганда қўлингизга кофе ёки чой олиб тўкиб юбормасдан ичолармикинсиз ишқилиб?

— Менимча, бу қўлимдан келади.

— Эсиз-эсиз; бўлмаса, тоза маза қилиб кулиб олардим. Жилла қурса, меҳмонхонада турган катта хитой вазасини тушириб юборсангиз-чи! У жуда қиммат туради; илтимос, шуни бир тушириб сиздинг; у совга қилинган ваза, ойимнинг эси кетади ва ҳамманинг ўртасида йиғлаб юборади,— ўша вазани шунчалик яхши кўради. Донм ғалати бир қилиқлар қилиб юрасиз-ку, шундай қилингу ўша вазани тушириб юборинг, чил-чил синсин. Жўрттага ўша вазага яқинроқ ўтиринг.

— Аксинча, иложи борича, ундан узоқроққа ўтираман: огоҳлантириб қўйганлигингиз учун ташаккур.

— Демак, ўзингизнинг ажойиб қилиқларингизни ўйлаб олдиндан қўрқяпман дег. Мен бас бойлаб айтаманки, сиз бирор «мавзу»да албатта гапни олиб қочасиз, бу албатта, биронта жиддий, илмий, баландпарвоз гап бўлса керак ҳойнаҳой. Бу қанчалар... ажойиб бўлади!

— Менимча, ундай қилинса аҳмоқчилик бўлади... ўрни ҳам эмас.

— У қулоғингиз билан ҳам, бу қулоғингиз билан ҳам яхши-лаб эшитиб олинг,— деди ниҳоят сабри тугаган Аглая,— мабодо сиз қандай бўлмасин, ўлим жазоси ва ёки Россиянинг иқтисодий аҳволи, ёки дунёни «гўзаллик қутқаради», деганга ўхшаш гаплардан бошлаб қолсангиз, унда... мен, албатта, жуда хурсанд бўламан ва қотиб-қотиб куламан, лекин... сизни олдиндан огоҳлантириб қўяй: кейин кўзимга сира кўринманг! Эшитдингизми: мен жиддий айтяпман! Бу сафар жуда жиддий айтяпман!

У ҳақиқатан ҳам, буни таҳдид билан айтди, овози ҳам аллақандай кескин, нигоҳи ҳам жуда бошқача эди, князь илгари уни бундай аҳволда сира кўрмаган эди, ростдан ҳам у ҳазиллашаётганга асло ўхшамасди.

-- Шуларни менга айтмасангиз бўларди, энди мен албатта, «тилга кираман» ва ҳатто... балки... вазани ҳам синдириб қўярман. Шу пайтгача мен ҳеч нарсадан қўрққан эмасдим, энди ҳамма нарсадан қўрқяпман. Албатта, бир ҳунар кўрсатаман.

— Ундай бўлса, индамай ўтиринг, жимгина ўтираверинг.

— Иложи йўқ; ишончим комилки, қўрққанымдан тилга кираман ва қўрққанымдан вазани синдириб қўяман. Мен балки теп-текис ерда қоқилиб тушарман, шунга ўхшаган бир нарса албатта бўлади, чунки бундай нарсалар бошимдан ўтган, энди кечаси билан булар ҳаммаси тушимга кириб чиқади, нега ҳам айта қолдингиз шу гапларни!

Аглая унга қовоғидан қор ёғиб қаради.

— Биласизми: мен эртага умуман бормай қўя қоламан! Касалман, деб баҳона қиламан, вассалом!— деган қарорга келди у ниҳоят.

Аглая ер депсиниб, ҳатто ғазабдан ранги оқариб кетди.

— Худойим-ей! Ким шундай қилади! Келмас эмиш, атай уни деб... о худойим! Тоza дахмазага қолар экансан, шундай... лапашанг одамга ишонсанг!

— Хўп, мен келаман, келаман!— деб шошилиб унинг гапини бўлди князь.— Сизга чин сўз бераман, бир чеккада миқ этмай ўтирганим бўлсин. Бўлди, шундай қиламан.

— Жуда қойиллатаркансиз. Сиз ҳозир «касалман, деб баҳона қиламан», дедингиз; сиз ростдан ҳам бундай сўзларни ҳадеб қаердан олаверасиз? Нега мен билан сўзлашганингизда шундай сўзларни айтаверасиз? Менинг жигимга тегмоқчимсиз, нима бало?

— Маъзур тутинг; бу ҳам мактаб ўқувчиларининг сўзи; бошқа айтмайман. Мен яхши тушуниб турибман, сиз... мендан қўрқяпсиз... (бўлди, жаҳлингиз чиқмасин яна!) мен бундан жуда хурсандман. Айтсам, ишонмайсиз, мен қанчалар қўрқяп-

ман ва қанчалар қувоняпман сизнинг сўзларингиздан. Лекин бу қўрқишларнинг ҳаммаси, сизга қасам ичиб айтаманки, бацкана ва бемаъни нарсалар. Худо ҳаққи, Аглая! Шу қувонч қолади. Сиз жуда ҳам гўдакка ўхшайсиз, жуда ҳам яхши, жуда ҳам ширин гўдакка ўхшайсиз, мен сизни жуда ҳам яхши кўраман! Оҳ, сиз қанчалар латофатли бўлоласиз, Аглая!

Аглаянинг сал бўлмаса аччиғи чиқай деди, лекин бирдан унинг ўзи учун ҳам кутилмаган алақандай бир ҳис бутун борлиғини қамраб олди.

— Сиз менинг бу бесўнақай сўзларимни кейинча... бир кун келиб... юзимга солмайсизми?— деб кутилмаганда сўраб қолди қиз.

— Қўйинг-е, қўйинг-е! Нега яна қизариб кетдингиз? Мана, яна қовоғингизни солдингиз! Сиз баъзан жуда ҳам қовоғингизни соладиган бўлиб қолдингиз, Аглая, илгари ҳеч бундай қилмас эдингиз. Мен биламан, нимадан бу...

— Жиминг, жиминг!

— Йўқ, яхшиси, айтай. Мен қачонлардан бери айтаман, деб юрган эдим; ҳозир айтдим, лекин... бу ҳаммасимас, чунки сиз менга ишонмадингиз. Ҳар қалай, ўртамизда бир одам бор...

— Жиминг, жиминг, жиминг, жиминг!— деб бирдан унинг сўзларини тўхтатди Аглая князнинг қўлларини қаттиқ қисганча, унинг кўзлари қўрқинчдан катта-катта очилиб кетганди. Шу пайт қизни чақириб қолишди; шу жонига ора кириб қиз дарҳол князни ташлаб қочиб кетди.

Князь кечаси билан босинқираб, алаҳлаб чиқди. Қизиқ, уч-тўрт кундан бери у кечаси билан шундай иситмалаб босинқираб чиқарди. Бу сафар ҳуши ўзида бўлиб-бўлмай алаҳлаб ётаркан, хаёлидан бир фикр ўтди. Эртага ҳамманинг ҳузурида бирдан тутқаноғи тутиб қолса, унда нима бўлади? Ахир, шундай ҳуши жойида бўлиб турган пайтларда ҳам тутқаноқ тутиб қолган эди-ку? Шу фикрдан эти музлаб кетди; у кечаси билан назарида ғалати ва ҳеч ақл бовар қилмайдиган нотаниш одамлар ўртасида бўлди. Ҳаммадан қизиги, у «тилга кирди»; у гапирмаслиги кераклигини билар, лекин негадир тўхтовсиз гапирар, ўша одамларни нимагадир кўндирмоқчи бўларди. Евгений Павлович билан Ипполит ҳам меҳмонлар орасида юришар ва бир-бирлари билан жуда иноқ кўринишарди.

У соат тўққизда боши оғриб, хаёли тўзғиб, ғалати бир кайфиятда уйғонди. Нимагадир шу топда жуда ҳам Рогожинни кўргиси келди; у билан нима ҳақда бўлмасин, узоқ ўтириб гаплашишни истади; кейин негадир Ипполитнинг олдига бормоқчи бўлди. Юрагини алақандай мубҳам бир гашлик қоплаб ётар-

ди, эрталаб бўлиб ўтган бир қанча воқеалар унга ҳалдан зиёд қаттиқ таъсир қилган бўлишига қарамасдан, лекин ҳар қандай таассуротлари жуда чала ва ўлда-жулда эди. Эрталабки воқеалардан бири Лебедевнинг ташриф буюриши эди.

Лебедев анча барвақт кириб келди, соат тўққиздан эндигина ошган бўлишига қарамасдан у хийла ичиб улгурган эди. Князь гарчи охирги пайтларда жуда фаромуш бўлиб қолган бўлса-да, лекин генерал Иволгин кўчиб кетгандан кейинги кунлар ичида мана уч кундан бери Лебедев ёмон сондан чиқиб бораётганлигини сезганди. У кутилмаганда бирдан ирkit ва шилта бўлиб қолди, галстуги бир томонга қийшайиб кетган, сюртугининг ёқаси йиртилиб осилган, кўриниши ночор эди. Уйда тўполон қилар, тўполони ҳовлидан эшитилиб турарди; Вера бир марта йиглаб келди ва алланималарнидир айтиб шикоят қилди. Мана энди Лебедев князнинг ҳузурига келиб кўкрагига уриб нималардир дер, ўзини айбларди...

— Жазоландим... сотқинлигим ва разиллигим учун жазоландим... Шапалоқ едим!— деб хулоса қилди ниҳоят фожиона бир тарзда.

— Шапалоқ дейсизми! Қимдан?.. Каллаини саҳарлаб-а?

— Каллаини саҳарлаб дейсизми?— заҳарханда қилиб жилмайди Лебедев.— Вақтнинг сира фарқи йўқ... жисмоний жазоланган тақдирда ҳам... лекин мен маънавий... маънавий тарсаки едим, жисмоний эмас!

У бирдан таклифни кутиб ўтирмасдан ўтириб олди ва ҳикоясини бошлади. Гаплари жуда тутуриқсиз, пойинтар-сойинтар эди, князь энсаси қотиб энди кетмоқчи бўлиб турган эди, бирдан баъзи сўзлар уни ҳайратга солди. У ажабланганидан қотиб қолди... Жаноб Лебедев ғалати нарсаларни айтмоқда эди.

Олдин гап, афтидан, аллақандай хат устида кетди; Аглая Ивановнанинг номи тилга олинди. Кейин бирдан Лебедев князнинг ўзини қизгин айблаб кетди; чамаси, у княздан хафа эди. Маълум-машҳур «зот» (Настасья Филипповна) борасида князь аввал унга ишониб кўп топшириқлар берибдир, лекин кейинчалик у билан муносабатларини узиб, ўзидан йироқлаштирибдир, шармандаларча ўз олдидан қувиб чиқарибдир ва ҳатто бир сафар «уйда кутилаётган янги ўзгаришлар борасида берилган беозоргина бир саволга» дағаллик билан жавоб беришликни истамабдир. Шундан сўнг Лебедев мастона кўз ёшларини оқизганча, «шуларнинг барини сира ҳазм қилолмадим, билъақс, кўп нарсалардан хабарим бор эди... жуда кўп нарсалардан... хусусан, Рогожиндан, Настасья Филипповнанинг ўзидан, Настасья Филипповнанинг дугонасидан, Варвара Ардалионовнадан...

ҳатто... ҳатто... Аглая Ивановнанинг ўзидан ҳам, қалай буни ҳеч ҳаёлингизга келтирганмидингиз, қизим Вера, пуштикамаримдан бўлган қизим Вера воситасида... ҳа... ёлғиз қизим... дарвоқе, Вера ёлғиз қизим эмас, фарзандларим учта... Биласизми, ким Лизавета Прокофьевнага хат орқали хабар бериб турган, жуда махфий бир суратда, ҳе-ҳе! Ким унга барча алоқа-ю, муносабатларни маълум қилган, ва... ким Настасья Филипповна деб аталмиш зотнинг бутун хатти-ҳаракатларини у кишига етказган, ҳе-ҳе-ҳе! Ким, ким буларни хабар қилган, мен сиздан сўраётирман?»— деб бўйнига оларди.

— Наҳот сиз бўлсангиз?— деб қичқирди князь.

— Баайни ўзлари,— деб виқор билан жавоб берди Лебедев,— худди шу бугун соат саккиз яримда, йўқ, тўғрироғи, ярим соатлар илгари... йўқ, қирқ беш минутлар бўлиб қолди. олиҳиммат онага хабар қилдим, сизга айтадиган бир антиқа... саргузаштни биламан, дедим. Оқсоч қиздан хатга ёзиб, орқа эшикдан киргизиб юбордим. Мени қабул қилди.

— Сиз ҳозир Лизавета Прокофьевнани кўрдингизми?— деб сўради князь ўз қулоқларига ишонмасдан.

— Ҳозир кўрдим ва... шапалоқ едим... маънавий. Хатни қайтариб башарамга қараб улоқтирди... ҳатто очиб кўрмабди... мени эса, бўйнимга уриб ҳайдагандай қилди... билъакс, жисмонан эмас, маънан... билъакс, жисмонан десак ҳам бўлади, андаккина етмай қолди, холос!

— У қандай хат эди сизнинг башарангизга ўқимай туриб отган?

— Э, ҳали... ҳе-ҳе-ҳе! Э, ҳали мен сизга айтиб бермадим! Мен ўйлабманки, айтиб берганман деб... Менга бировга бериб қўйиш учун бир хатни етказган эдилар...

— Кимдан? Кимга?

Лекин Лебедевининг баъзи «тушунтиришларини» ҳаддан ташқари англаб бўлмас, нима гап эканлигига одамнинг ақли етмасди. Шундай бўлса ҳам князь хизматкор қиз эрталаб азонда кимгадир етказиш учун Вера Лебедевага хат келтирганлигини англай олди... «аввалгидай... аввалгидай, маълум ва машҳур зотга яна ўша кимсадан... (зотан, улардан бирини мен «кимса» деб атайман, бошқасини эса фақат «зот» дейман, ажратиш ва фарқлаш ниятида; зотан, олий насабли моҳпора генерал қизи билан... оддий қоқигулнинг фарқи бор), шундай қилиб, хат А ҳарфи билан исми бошланадиган «кимса»дан эди...»

— Наҳот шундай бўлса? Настасья Филипповнагами? Бекор гап!— деб қичқириб юборди князь.

— Бор, бор, унга бўлмаса, Рогожинга бор, барибир, Рого-

жинга... ҳатто жаноб Терентьевга ҳам ёзилган эди бир куни А билан бошланадиган кимсадан,— кўзини қисиб жилмайиб қўйди Лебедев.

Лебедев тез-тез гапдан адашиб ундан-бунга сакраб ўтар, бир гапини тугатмай, иккинчисини бошлаб юборар, шунинг учун князь кўнглини бўшатиб олсин, деб индамай қулоқ солиб ўтирди. Лекин барибир бир нарса ҳаддан ташқари қоронғи бўлиб қолмоқда эди: хатларни унинг ўзи ташиганми ёки Вера Лебедевами? Лебедев «Настасья Филипповнагами, Рогожингами, барибир эмасми», деганига қараганда, хатлар, тўғрироғи, унинг қўлидан ўтмаган бўлса керак, яна умуман хатлар ёзилган бўлса. Ҳозир унинг қўлига хат қандай тушиб қолган, буни сира аниқлаб бўлмади; тўғрироғи, у хатни бир амаллаб Верадан ўғирлаб олган бўлса эҳтимол... секин олгану ниманидир мўлжаллаб Лизавета Прокофьевнага олиб борган. Ниҳоят князнинг тушунганлари шулар бўлди.

— Сиз жинни бўлибсиз!— деб қичқирди князь ҳаддан ташқари саросимага тушиб.

— Унчалар эмас, муҳтарам князь,— газабини яширолмай жавоб берди Лебедев,— рост, мен сизга бермоқчийдим, сизга, шахсан сизнинг ўзингизга, бир хизмат қилиб қўяйлик деб... лекин аввал олиҳиммат онага бир яхшилик қилмоқ қасдида эдик... илло илгарилар ҳам ул зоти бобарокотга номимизни қайд этмайинча шу йўл билан хабар қилган эдик, боя у кишига қабул қилишларини истаб хат ёзганимизда номимизни «сизнинг хуфия хабарчингиз», деб қайд этиб кўрсатган эдик, бу соат саккиздан йигирма минут ўтганда рўй бериб ўтган эди; шошилиш суратда орқа эшикдан дарров қабул қилдилар... олиҳиммат онахон.

— Хўш?

— У ёғи маълум, сал бўлмаса калтаклаб ўлдирарди; яъни андаккина, холос, ҳатто урди, деб ҳисобламаса ҳам бўлади, андаккина, холос. Хатни бўлса, башарамга қараб ирғитди. Рост, хатни олиб қолай ҳам деди, ўзим ўз кўзим билан кўрдим, лекин яна бу фикридан қайтиб, башарамга қараб отди: «Афти башарангни қара, сенга ишониб хатни топширишган бўлса, бор, обориб топширавер...» Ҳатто хафа бўлиб қолди. Менинг олдимда айтишга ботиндими, демак, хафа бўлгани шу. Зардалари кучли уларнинг!

— Ҳозир хат қаерда?

— Ўзимда, ўзимда, мана.

Шундай деб у Гаврила Ардалионович икки соатдан кейин сўнглисига мақтаниб кўрсатган Аглаянинг хатини князга берди.

— Бу хат сизда қолиб кетмаслиги керак.

— Сизга, сизга! Сизга тортиқ қиламан,— завқ-шавқ билан деди Лебедев,— мана энди яна сизнинг содиқ қулингизман, бошимдан то юрагимга қадар сизники, менадан ўтди, андак хиёнат қилдим сизга. Юрагимга тиз уринг, соқолимни қолдиринг, деган экан Томас Морус... Англияда ва Буюк Британияда. Меа силра, теа силра¹, деган экан Рим папаси... У ўзи асли Румо папаси, лекин мен уни, «Рим папаси» дейман.

— Бу хат ҳозир жўнатилиши лозим,— деб тадорик қилди князь,— мен ҳозир жўнатаман.

— Лекин ўзингиз, ўзингиз муҳтарам ва мукаррам князь, ўзингиз, бу дейман, ўзингиз... ана шунақа қилиб!

Лебедев юзи ғалати ийиб ишора қилди; худди бирдан кимдир унга игна санчиб олгандай турган жойида қийшаглади, кўзларини ҳийлакорона қисиб, ниманидир қўли билан кўрсата бошлади.

— Нима гап?— деб таҳдид билан сўради князь.

— Очиб кўриш керак!— деб пичирлади Лебедев ялтоқлашиб, худди биров эшитиб қолмасин дегандай.

Князь шиддат билан ўрнидан туриб кетди, Лебедев қочиб кетмоқчи бўлди; лекин эшиккача қочиб бориб, шафқат қилмасмикинлар, дегандай тўхтаб орқасига қаради.

— Эҳ, Лебедев! Одам ҳам сиздай шунчалар бевош бўлиб кетадими?— деб қичқирди князь куюниб. Лебедевининг чеҳраси очилди.

— Пастмиз, пастмиз!— деб яқинлашди у шу заҳоти кўз ёши қилиб ўз кўкракларига урганча.

— Ахир бу разиллик-ку!

— Баайни разиллик. Топиб айтдингиз!

— Бу қилиқларни қаердан ўргангансиз... жуда ғалати одамсиз-а, тавба! Ахир сиз... гирт айғоқчилик қилиб юрган экансиз-ку! Нега сиз номсиз хатлар ёзиб шундай кайвони ва муҳтарам онахонни ташвишга ботириб юрибсиз? Нима учун Агляя Ивановна ўзи истаган одамга хат ёзиши мумкин эмас? Нима, бугун шикоят қилгани борганмидингиз? Нимани тама қилган эдингиз? Чақимчилик қилишга сизни нима мажбур қилди?

— Ўзим жуда қизиқаман шундай нарсаларга ва... ва хизмат қилгим келади олижаноб қалбим билан, ҳа!— гўнғилларди Лебедев.— Мана, ниҳоят яна мен сизникиман, бошдан-оёқ сизга тегишлиман! Майли, истасангиз, мени осинг!

— Сиз Лизавета Прокофьевнанинг ҳузурига ҳам шу аҳволда бордингизми?— нафрати қўзиб сўради князь.

¹ Гуноҳқорман, гуноҳқорман (лот.).

— Йўқ... озода эдик... ҳатто батартиб кийинган эдик; бу аҳволга хўрланганимиздан сўнг тушдик... шундай, ҳа.

— Хўп, майли, мени ёлғиз қолдирилинг.

Лебедев кетавермагач, бу сўзни бир неча маротаба такрорлашга тўғри келди. Лебедев эшикни очган жойида яна орқасига қайтди, хонанинг ўртасига оёқ учида юриб келиб яна хатни қандай очиш кераклигини кўрсатиб, қўлларин билан ишоралар қила бошлади. Хатни очиб ўқинг, дейишга эса унинг тили бормасди. Кейин майини ва осуда табассум қилганча чиқиб кетди.

Буларнинг барини эшитиш жуда оғир эди. Ҳаммасидан жуда ҳам муҳим бир нарса ойдинлашмоқда эди: Аглая қаттиқ ташвишга ботганга ўхшайди, у ниҳоятда иккиланмоқда, негадир қаттиқ изтироб чекмоқда («рашкдан»,— деб шивирлади князь ўзига-ўзи). Уни мазаси йўқ одамлар саросимага солаётганлари равшан, лекин унинг уларга ишонгани жуда ғалати кўринарди. Ҳали хом ва тажрибасиз, лекин мағрур ва ўт-олов бу қизнинг бошида аллақандай режалар пишиб етилаётгани шубҳасиз, балки бу режалар ҳалокатга олиб борар... ақл бовар қилмайдиган режалардир. Князь ҳаддан ташқари кўрқиб кетди ва талвасага тушиб нима қилишини, қандай қарорга келишини билмасди. Ниманингдир дарҳол пайсалга солмай олдини олиши керак эди, у буни яхши сезиб турарди. У ёпиқ конвертнинг адресига яна бир карра қараб қўйди: о, бу ерда уни ташвишга соладиган, безовта қиладиган ҳеч нарса бўлиши мумкин эмас, у бунга ишонади; бу хатда уни бошқа нарса безовта қилмоқда эди: у Гаврила Ардалионовичга ишонмасди. Шундай бўлса ҳам у шахсан ўзи хатни унга элтиб бермоқчи бўлди, уйдан чиққанда яна ўйланиб қолди. Птициннинг уйи яқинида худди атай қилгандай Коля учради ва князь хатни Аглая Ивановнанинг номидан акангизга топшириб, деб тайинлади. Коля сўраб-суриштириб ўтирмасдан элтиб берди, хат шунча қўллардан ўтиб келгани Ганянинг ҳатто хаёлига ҳам келгани йўқ. Уйга қайтгач, князь Вера Лукьяновнани ҳузурига чақиртирди ва унга бери гапни тушунтирди ва уни тишчитди, чунки қиз хатни қидиравериб хуноб бўлиб кетган, йиғламоқдан бери бўлганди. У хатни отаси олиб кетганлигини эшитиб даҳшатга тушганди. (Кейинроқ князь Вера Рогожин билан Аглая Ивановнага яширин хат ташувчи бўлганлигини унинг ўз оғзидан эшитди; бунинг князга зиён келтириши мумкинлигини у хаёлига ҳам келтирмаганди...)

Князь шу қадар паришон бўлиб қолдики, икки соатлардан кейин Коля биров орқали отасининг касал эканлигини хабар қилганда, бир оз пайт гап нимада эканлигини тушунолмай тур-

ди. Лекин шу нарсага чалғиб у паришонликдан қутулди ва ҳуши ўзига келди. У Нина Александровнанинг ҳузурда (касалини албатта шу ерга келтиришган эди) то кеч тушгунча бўлди. Унинг ҳеч қандай фойдаси тегмади, лекин шундай одамлар бўладиларки, баъзан оғир дамларда уларни ўз ёнингда кўришни истайсан. Коля отасининг хасталаниб қолганидан қаттиқ изтиробга тушган, юм-юм йиғлар, лекин шундай бўлишига қарамасдан, доим унга-бунга югургани югурган эди: бир эмас, учта доктор топиб келди, дорихонага чопди, сартарошни бошлаб келди. Генералга жон битди, лекин унинг ҳуши ўзига келмади; докторлар «беморнинг аҳволи чатоқ», деган хулосага келишди. Варя билан Нина Александровна касалининг ёнидан жилмай ўтирар эдилар; Ганя ўсал бўлиб ларзага тушган, лекин юқорига чиқишни истамас ва ҳатто беморни кўришдан юраги чўчирди; у қўлларини қисирлатар, князга эса гап орасида «қаранг-а, бахтсизликни, яна шундай бир пайтда-я, худди атай қилгандай!»— деб қўйди. Князь унинг қандай пайт ҳақида сўзлаётганлигини тушунгандай бўлди. Птицинининг уйида Ипполит кўринмасди, у аллақачон кетиб қолганди. Қочга томон чопқиллаганча Лебедев келиб қолди, у «эрталабки суҳбат»дан кейин шу пайтгача қимир этмай ухлаб қолган эди. Ҳозир анча ўзига келиб қолган, касалининг боши тепасида худди у укасидай куюниб йиғларди. У нима эканлигини тушунтирмай ҳадеб ўзини айблар, дам сайин Нина Александровнага «мен, мен ҳаммасига сабабчиман, бошқа ҳеч ким эмас... нима бўларкин, деб ўйлаган эдим... «марҳум» (у нимагадир ҳали жони узилмаган генерални ҳадеб шундай деб атарди) жуда ҳам улуғвор одам эди!»— деб унинг қулоқ-миясини қўлига қоқиб берарди. У айниқса шу улуғвор деган сўзни ҳадеса таъкидлаб айтар, худди шундай деб такрорлайверса, бундан бир фойда чиқиб қоладигандек эди. Нина Александровна унинг чин дилдан куюниб йиғлаётганлигини кўриб, ҳамма таъна-тазарруларни унутди ва юмшоққина қилиб: «Бўлди, худо хайригизни берсин, йиғламанг, худо рози бўлсин сиздан!»— деди. Бу сўзлар Лебедевини шунчалар ларзага солиб қўйдикки, у шундан сўнг анчагача Нина Александровнанинг атрофида гирдиқапалак бўлиб юрди (кейинги кунлар ҳам то генерал қазо қилгунча у эрталабдан-кечгача улар билан бирга бўлди). Шу куни Лизавета Прокофьевна касалининг аҳволини сўраб икки маротаба Нина Александровнанинг олдига одам юборди. Князь кечқурун соат тўққизларда Епанчинларнинг меҳмонлар билан тўла уйига кириб келган заҳоти Лизавета Прокофьевна ундан касалининг соғлигини батафсил суриштириб билиб олди ва: «Касалининг ўзи ким, Нина Александровна ким бўлади?»— деб сўраган Бе-

локонскаяга сиполик билан жавоб қилди. Бу князга жуда маъқул бўлди. Князь Лизавета Прокофьевнага «жуда ажойиб қилиб» гапириб берди бунини, сўнг Аглаянинг опалари сўзлашиб юрдилар: «қўлларини силкитмай қисқа, лўнда, заковат билан сўзлади; уйга кириб келиши ҳам жуда аломат бўлди; кийимлари ҳам ўзига гоёта ярашган», кеча «текис ерда ҳам қоқилиб йиқилман», деб қўрқиб юрган эди, йиқилиш у ёқда турсин, йиқилганларнинг ҳаммалари унга таҳсин ўқишди.

Кеча Аглая уни жуда қўрқитиб юборган экан, йиқилган одамларнинг ҳеч қайсиси даҳшатли шарпаларга асло ўхшамасди, ваҳимали тушларнинг ҳам бари абас чиқди. У умрида биринчи маротаба «киборлар» деб аталадиган даҳшатли жамиятнинг бир четини кўриб турмоқда эди. У ўзининг айрим ўзгача ният, мулоҳаза ва интилишларига кўра қачонлардан бери ушбу одамларнинг сирли доирасига киришни истар ва шунинг учун бунга дарров мафтун бўлиб қолганди. Бу одамлар унга ҳаддан ташқари қаттиқ таъсир қилди. Назарида, буларнинг ҳаммалари доимо бирга бўлиш, бирга нафас олиш учун туғилгандай бўлиб кўринди; назарида Епанчинлар меҳмондорчилик қилаётганлари йўқ эди, ҳаммаси худди «ўз одамлари» эди ва назарида улар билан садоқатли дўст, ҳаммаслак, биродар эди-ю, узоқ айриликдан сўнг мана энди яна гўё уларнинг бағрига қайтганди. Муомалаларнинг нозиклиги ва бағоят нафислиги, соддалиги ва зоҳиран гоёта самимийлиги ўз жозибаси билан сеҳрлаб қўярди. Мана шу соддалик ва самимият, олижаноблик, закийлик ва заковат санъаткорона тўқилган каштанинг худди ўзи эканлиги унинг ҳатто хаёлига ҳам келмасди. Кўплар салобатли кўринганлари билан ичлари бўш ва ҳавол эди, улар ўзларини шунчалар яхши кўрар эдиларки, аксар кўркем хусусиятлари ясама эканлигини билмас эдилар, зотан, бунга уларнинг ўзлари айбдор эмасдилар, бу қилиқларнинг ҳаммаси уларга наслдан ўтган эди. Биринчи таассуротнинг жозибаси шу қадар кучли эдики, князь ҳатто буни хаёлига ҳам келтириб ўтирмади. Мисол учун, мана шу катта мансабдор чол, бобоси тенги одам княздай ёш ва гўр бир йигитнинг гапига жон деб қулоқ соляпти, ҳатто унинг сўзини эшитиш учун ўзининг гапини тўхтатиб қўйди-я, эшитгани ҳам майли-я, яна унинг фикрини жуда маъқуллаётганга ўхшайди, мулоимлигини, дилкашлигини айтмайсизми, бўлмаса, бир-бирларини эндигина кўриб туришлари. Князь қизғин ва жуда таъсирчан йигит эди; балки шунинг учун ҳам назокат ва нафислик уни шунчалар лол қилиб қўйган бўлса керак. Балки у илгаридан бахтиёр таассуротларга мойил ва қойим эди.

Князнинг ҳозиргина улар билан гаништириб чиқдилар, ваҳоланки, «хонадон яқини» ҳамда ўзаро дўст бўлмиш бу кишилар

аслида на хонадонга дўст эдилар ва на бир-бирларига, фақат князнинг кўзларига шундай бўлиб туюлган эди. Уларнинг ўрталарида шундай одамлар бор эдики, улар ҳеч қачон Епанчинларни ўзларига тенг кўрмас эдилар. Уларнинг ичларида бир-бирларини ўлардай ёмон кўрадиганлар ҳам йўқ эмасди. Кампиришо Белоконская «қари мансабдор»нинг хотинини «кўргани кўзи йўқ» эди, у эса ўз навбатида Лизавета Прокофьевнани ёмон кўрарди. Унинг эри бўлмиш «мансабдор чол» нима учундир Епанчинларга жуда узоқ замонлардан бери ҳомийлик қилиб келар, бугун ҳам мажлисни ўзи бошқармоқда эди, у Иван Федоровичнинг кўзи билан қаралса, мисли баланд тоғ эди, унинг қошида ихлос ва қўрқинч ичида қалтираб турар, хаёлида уни Олимпиадаги Юпитер деб тасаввур қилар, ўзини унга тенг деб қарашни тасаввурга ҳам сиғдиролмасди. Бу ерда бир-бирлари билан неча йиллардан бери кўришмаганлар, кўришишга ошиқмаганлар, кўришиб қолсалар, бундан кўнгиллари кетадиганлар бор эди, лекин мана ҳозир кўришиб қолган эканлар, ўзларини худди кечагина бўлиб ўтган дўстона учрашувдан кейин кўришадигандай тутардилар. Дарвоқе, меҳмонлар у қадар кўпчилик эмас эдилар. Бу ерда Белоконская, чиндан ҳам катта «мансабдор чол» ва унинг рафиқасидан ташқари, яна биринчидан, оти немисча, ўзи барон ёки граф бўлмиш ҳаддан ташқари салобатли бир генерал ҳам ҳозир эди; беҳад индамас зот эди у; уни ҳукумат ишларини ипидан-игнасиғача билади, дейишарди; билимдон ва доно киши сифатида ном чиқарганди; шон-шавкатларга бурканган мулозимлардан бўлмиш бу зот «Россиядан бошқа» ҳамма нарсани биларди, у беш йил мобайнида бир марта «ҳаддан ташқари теран» бир ҳикматли сўз айтиб қўядиганлар сирасидан эди, лекин кейин унинг ҳикмати албатта тилларда дoston бўлиб кетар, оғизлардан тушмас ва ҳатто жуда олий доираларгача етиб борарди; бундай мартабали мулозимлар ҳаддан ортиқ узоқ муддат хизмат қилганларидан сўнг (шуниси айниқса жуда ғалати) турли ушвошларга ноил бўлароқ, молдавлат орттириб, бир дунё пул ва бир дунё ажойиб мулкни қўлга киритиб ўлиб кетадилар, улар у қадар жасоратлар ҳам кўрсатмайдилар ва ҳатто жасоратлар кўрсатишни ёқтирмайдилар ҳам. Бу генерал хизмат юзасидан Иван Федоровичнинг бевосита бошлиғи эди ва Иван Федорович тўлиқиб кетиб уни ҳам ўзининг валинеъмати деб билар ва бундан фахрланар, лекин генералнинг ўзи Иван Федоровичга ўзини валинеъмат деб ҳисобламас, унинг турли-туман хизматларидан жон деб фойдаланар, лекин ўзига жуда яқин ҳам олмас, агар керак бўлиб қолса, сира ўйлаб ўтирмасдан унинг ўрнига бошқа одамни ишга олиши ҳам ҳеч гап эмасди. Ҳозир бўлганлар ичида яна бир кекса ва

пурвиқор киши ҳам бор эди, бир чеккаси у Лизавета Прокофьевнага қариндошдай кўрингани билан, лекин аслида мутлақо ундай эмасди; амал-унвони жойида, давлатманд ва наслу насабли, тўладан келган, гоятда соғлом, ҳаддан ташқари гапдон ва маҳмадона, ҳатто жамиятдаги баъзи ҳоллардан норози бўлиб юрадиган (лекин норозилиги жуда ҳам беозор), заҳарроқ (лекин заҳарлиги ҳам жуда ёқимли туюларди), инглиз зодагонларига ва инглиз қарашларига таассуб қиладиган, инглизча дид билан иш кўрадиган (хусусан, биқин гўштидан тайёрланган селоваси силқиб турган қовурма, от асбоб-анжомлари, хизматкорларга мойиллиги билан) бир одам эди. У «мансабдор»нинг қалин ошнаси эди, вақтичоғлик қилиб унинг кўнглини овлаб юрарди, бундан ташқари Лизавета Прокофьевнанинг калласига жуда ҳам ғалати бир фикр ўрнашиб қолганди, у шояд шу ёши бир жойга бориб қолган жаноб (снгилтакроқ ва хотинларга анчайин ўч бир одам эди) худо ярлақаб Александрага уйланиб қолса-ю, уни бахтли қилса, деб орзу қиларди. Ушбу пурвиқор ва олийшон асилзодалардан сўнг улардан кўра бирмунча ёшроқ, лекин нафис назокат соҳиблари бўлмиш кишилар ҳам йиғилишган эдилар. Князь Ш. ва Евгений Павловичдан ташқари жуда келишган ва кўркам машҳур князь Н. ҳам келган бўлиб, у бутун Европа хонимларининг қалбларини забт этиб, уларни ўзига ошиқу беқарор қилиб қўйганлиги билан ном чиқарганди, у қирқ бешларга кириб қолганлигига қарамасдан ҳамон жуда кўркам ва пўрим кўринар, гапирганда ҳаммини ўз оғзига қаратиб қўяр, тўзғиб қолганроқ бўлса ҳам, лекин анчагина молмулкка эга, одатан кўпроқ вақтини чекка мамлакатларда ўтказадиган киши эди. Ниҳоят, келган меҳмонлар орасида учинчи алоҳида табақани ташкил қиладиган одамлар ҳам йўқ эмасди, уларнинг «сирли даврага» алоқалари бўлмаса ҳам, лекин худди Епанчинлар сингари уларни ҳам гоҳо-гоҳо «сирли давра» ичида учратиб қолиш мумкин эди. Епанчинлар ойда-йилда мана шундай меҳмондорчилик қилган чоғларида одат тусига кириб қолган одоб-икром юзасидан киборлар билан улардан қўйироқ даражадаги «ўртача насабли кишилар»нинг энг кўзга кўринганларини аралаштириб қақирардилар. Епанчинларнинг шу одатларини ҳатто маъқуллаб гапиришарди, улар ўз ўринларини билишади, назокат ва одоб-икром билан ўз ўринларини билиб иш кўришади деб мақташарди, Епанчинлар бундай фикрларни жуда қадрлашарди. Шундай ўрта насабли одамлардан бугун бир техник полковник меҳмон бўлиб келганди, бу сипо ва бағоят жиддий одам князь Ш.нинг яқин танишларидан бўлиб, Епанчинлар хонадони билан ҳам у орқали борди-келди қилишарди, у кам сўзлар, ўнг қўлининг йўғон шаҳодат бармоғида

каттакон, кўзга ташланиб турадиган узук тақарди, бу узук, афтидан, унга совға қилинган бўлса керак. Меҳмонлар орасида бир шоир ҳам бор эди, бу шоир ўзи немис бўлса ҳам рус шоири эди, шоир бўлганда ҳам анча тузук шоир эди, шунинг учун ҳам уни ҳеч хавфсирамасдан мавқеи баланд жамиятга олиб кириш мумкин эди. Унинг кўриниши бахтиёр эди, лекин негадир одам унинг афтига қарагиси келмасди; унинг ёши ўттиз саккизларга бориб қолган, яхши кийиниб юрар, ўзи гоятда ҳурматга сазовор, гоятда буржуалашиб кетган немис хонадонига мансуб эди; у турли вазиятлардан усталик билан фойдаланар, мартабадор аъёнларнинг пинжига кириб кета олар, уларнинг сояси ва ҳимоятида фаровон кун кечирарди. У бир маҳаллар аллақандай катта немис шоирининг аллақандай катта бир асарини таржима қилган, таржимасини шеърӣ дастхат ёзиб тақдим қилишга қобил, ўлиб кетган машҳур бир рус шоири билан дўст бўлганман, деб мақтанишга уста (ўлиб кетган улуғ ёзувчиларга ўзларини матбуот орқали дўст қилиб кўрсатишни жуда ҳам яхши кўрадиган бир тоифа шундай ёзувчилар бўлади) эди, яқинда «мансабдор чол»нинг хотини уни Епанчинлар билан таништириб қўйганди. Ушбу бой хоним адабиётчилар ва алломаларга ҳомийлик қилиб танилганди, чиндан, у сўзи ўтадиган олий мартабали зотлардан ўтиниби битта-иккита қаламкашларга нафақа тайинлашга муваффақ бўлган эди. Ростдан ҳам унинг маълум даражада эътибори бор эди. Қирқ бешларга чиқиб қолган бу хоним (у қари-қартагн эрига қараганда албатта анча ёш эди) авваллари чиройли эди, ҳозир ҳам барча қирқ бешга чиққан хонимлар каби башанг кийинишни тарк этмасди; ақли ноқисроқ, адабиётни билиши ҳам ҳаминқадар эди. Лекин у башанг кийинишни қанчалар яхши кўрса, адабиётчиларга ҳомийлик қилишни ҳам шунчалар ёқтирарди. Унинг номига жуда кўп асарлар ва таржималар бағишланарди; уч-тўртта қаламкашлар хонимнинг ижозати билан унга ҳаддан ортиқ муҳим нарсалар хусусида ёзган мактубларини эълон қилиб чиқдилар... Ва мана шу жамиятни князь асл тилла танга ўрнида кўрди, унинг ясама эканлигини фаҳмламади. Айтганча, худди атай қилгандай, бу одамларнинг ҳаммалари шу кеча жуда хушвақт ва хушчақчақ, ўзларидан гоятда мамнун эдилар. Уларнинг ҳаммалари биз келиб Епанчинларга жуда катта марҳамат кўрсатдик, деб билардилар. Лекин, афсус, князь бундай нозик жиҳатлардан беҳабар эди. Епанчинлар қизларининг тақдири ҳал бўлаётганлигини кўра-била туриб, муҳим қадам ташлаш олдидан князь Лев Николаевични хонадонларининг қадим ҳомийси бўлмиш мўътабар чолга кўрсатмай асло иложлари йўқлигини, айтайлик, князь қаердан ҳам билсин. Ўз навбатида мансабдор чол мабодо Епанчинларнинг бошига даҳ-

шатли бир фалокат туша қолса, буни эҳтимол парвойига ҳам келтирмаган бўларди, лекин айни замонда агарда Епанчинлар ўз қизларини унинг маслаҳати ва унинг изини олмай туриб унаштирганларида, чол буни кўнглига оғир олган, қаттиқ хафа бўлиб қолган бўларди. Князь N. шу дилкаш, бағоят закий ва ҳаддан ташқари самимий одам ўзини чин дилдан бугун Епанчинлар хонадони узра кўтарилган қуёш деб биларди. У Епанчинларни ўзидан кўра ғоятда паст одамлар деб ҳисоблар ва мана шундай олижаноб фикр туфайли ўзини ҳозир жуда бепарвоз ва бетакалуф тутар, Епанчинларни ўзининг дўстона муносабати билан бахтиёр қилаётганидан хурсанд эди. У бугун йиғилганларни лол қолдирадиган бирон ҳикоя айтиб бериши кераклигини яхши билар ва бунга ҳозир илҳом билан тайёргарлик кўрмоқда эди. Князь Лев Николаевич унинг ҳикоясини эшитгандан сўнг умрим бини бўлиб бундай ажойиб закий ва шўх, содда ва қувноқ нарсани эшитмаган эдим, деган хулосага келди, ҳикоя хонимлар қалбларини асир қилиши билан танилган, Дон-Жуан деб таънинган князь N. тилида айниқса жозибали чиқар эди. Ваҳоланки, у ушбу жозиб ҳикоя қанчалар сийқа эканлигидан бехабар эди; у айтилаверганидан ёд бўлиб кетган, киборларнинг меҳмонхоналарида эшитилавериб жонга теккан эди ва фақат содда ва дунё кўрмаган Епанчинларцикидагина у янгилик бўлиб, нодир ва гўзал бир одамнинг нодир ва гўзал хотираси каби қабул қилинганди! Ҳатто ўзини камоли илтифот ва камтарлик билан тутаётган немис шоёр ҳам гўё бу ерга келиб шу билан хонадон соҳибларини қаттиқ қарздор қилиб қўйгандай эди. Лекин князь коса тағидаги нимкосани кўрмаётган, ясамаликларни пайқамаетган эди. Бундай бўлишини Аглая сира ўйлаб кўрмаган экан. Унинг ўзи бугун жуда бошқача, одамнинг кўзини қувонтирадиган даражада гўзал эди. Учала ойимқиз башанг бўлмаса ҳам чиройли кийиниб олишган ва ҳатто сочларини ҳам бугун бошқача қилиб турмаклашган эди. Аглая Евгений Павлович билан ўтирар ва у билан бағоят дўстона суҳбатлашар, ҳазиллашарди. Евгений Павлович ҳам мансабдорларга ҳурмат юзасиданмикин, бошқа пайтлардагига қараганда ўзини хийла сипо тутарди. Дарвоқе, киборлар ўртасида у анчагина танилиб қолган, ёш бўлса ҳам ўз одамларига айланганди. У бугун меҳмондорчиликка шляпасига қора тақиб келди ва Белоконская қора тақиб келгани учун уни мақтаб қўйди: бошқа одам бўлганда мана бундай пайтда амаким ўлиб қолди, деб қора тақиб ўтирмаслиги ҳам мумкин эди. Лизавета Прокофьевна ҳам бундан мамнун эди: лекин умуман у бир оз ташвишга ботгандай бўлиб кўринарди. Князь, Аглая икки марта ўзига диққат билан қараб қўйганлигини ва ундан мамнун бўлганлигини пайқайди.

Князь аста-секин ўзини ҳаддан зиёда бахтиёр сеза бормоқда эди. Шунча қўрққанлари, «куракда турмайдиган нарсаларни» ўйлаб хавотир олганлари (Лебедев билан гаплашгандан сўнг) эсига тушиб қолса, жуда кулгили, ақлга сиғмайдиган бўлмағур бир нарсалар бўлиб туюларди! У худди буларни тушда кўргандай эди! (У куни бўйи ўзига ҳисоб бермаган ҳолда ғайришуурий бир тарзда, қандай бўлмасин, шу тушни эсдан чиқариш ва унга асло ишонмасликка бор кучи билан ҳаракат қилиб юрди!) У кам гапирар, шунда ҳам фақат саволларгагина жавоб берарди, кейин бирдан бутунлай жим бўлиб қолди, фароғат ва лаззатга бошдан-оёқ ботган ҳолда маза қилиб тинглаб ўтирарди. Аста-секин унинг қалби аллақандай илҳом садоларига тўлиб кела бошлади, фурсат келса, бу илҳом шалола бўлиб қуйилишга тайёр эди... У кимнингдир саволига жавоб бера туриб, афтидан, ўзи истамаган ҳолда очилиб кетди...

VII

У князь N ва Евгений Павлович билан чақчақлашиб гаплашаётган Аглаяга битмас-туганмас бир фароғат оғушида қараб ўтираркан, нарироқда «мансабдор чол»нинг кўнглини чоғ қилиб алланиманидир шавқ билан ҳикоя қилаётган инглизларга тақлид қилувчи боён бирдан Николай Андреевич Павлишчевнинг номини эслаб қолди. Князь улар томонга тез ўгирилиб қаради ва қулоқ сола бошлади.

Гап ҳозирги тартиблар ва фалончи вилоятдаги помешчикларнинг мулкларида рўй бераётган бошбошдоқликлар устида борарди. Инглизларга муқаллид боённинг гаплари, афтидан, жуда қизиқ бўлса керак, мансабдор чол унинг аччиқ кинояларидан завқланиб кула бошлади. У текис, бир маромда сўзларни эриниб чўзиб, унли товушларни майин зарб билан талаффуз қилиб, ҳикоя қиларди: пулга муҳтож бўлмасам ҳам, лекин ҳозирги тартиблар туфайли фалончи вилоятдаги жуда зўр мулкимни ярим баҳосига сотишга мажбур бўлдим, бошқа бир қашшоқ, фойдасидан зарари кўпроқ мулкимни эса, судлашиб, бунинг устига яна қўшимча пул тўлаб сақлаб қолдим. «Павлишчевнинг мулки туфайли ҳам судлашиб юрмаслик учун қочиб кетишга мажбур бўлдим. Яна битта ёки иккита шунга ўхшаш мерос мулким бўлса, тамомла хонавайрон бўламан. Лекин ўшардан менинг қўлимга уч минг таноб жуда яхши ер кирадиган!»

— Муни қара... Иван Петрович марҳум Николай Андреевич Павлишчевнинг қариндоши бўлади-я... сен унинг қариндошла-

рини қидириб юрувдинг чоғи,— деди князнинг олдига келиб тову-
шини пасайтирганча Иван Федорович, у князнинг диққат билан
кулоқ солаётганлигини пайқаганди. Иван Федорович боядан
бери ўзининг генерал бошлигининг кўнглини олиш билан маш-
ғул эди, лекин у анчадан бери Лев Николаевичнинг жим бўлиб,
ҳеч кимга қўшилмай ўтирганлигини сезган ва бундан ташвиш-
ланаётган эди; у князни даврага тортмоқчи ва шу тариқа уни
яна бир карра «олийшон аъёнлар»га кўрсатмоқчи эди.

— Лев Николаич ота-онаси ўлиб кетиб, Николай Андреич
Павлищчевнинг қўлида тарбияланган,— деди у Иван Петрович
ўзига қараб қўйганлигини сезиб.

— Ж-жуда ҳам хурсандман,— деди у,— яхши эсимда қолган.
Боя сизни Иван Федорович таништирганида, сизни дарров тани-
дим, юзингиздан танидим. Сиз сира ўзгармабсиз, сизни мен ўн,
ўн бир яшарлик пайтларингизда кўрган эдим. Нимадир жуда
ўхшаб туради...

— Сиз мени болалигимда кўрган эдингизми?— деб сўради
князь аллақандай жуда ҳайратланиб.

— О, кўп замонлар бўлиб кетди бунга,— деб давом этди
Иван Петрович,— унда сиз Златоверховода менинг холавачча-
ларимникида турар эдингиз. Мен олдин Златоверховога тез-тез
бориб турардим,— сиз мени танимаяпсизми? А-албатта танимас-
лигингиз мумкин... Сиз ўшанда... ўшанда қандайдир бетоб эдин-
гиз, сизга қараб ҳайрон бўлган эдим...

— Ҳеч эсимда йўқ,— деди қайноқлик билан князь.

Иван Петрович ўз навбатида бамайлихотир бир неча оғиз
сўз айтди, князь ўз навбатида бу сўзларни қаттиқ ҳаяжон
ичида тўлқинланиб эшитди ва маълум бўлдики, Павлищчев-
нинг иккита аммаваччаси унинг Златоверховодаги мулкида
туришаркан, князни тарбия қилиш шу қари қизларга топши-
рилган экан, улар ўз навбатида Иван Петровичнинг ҳам қа-
риндошлари бўлар эканлар. Иван Петрович ҳам худди бош-
қаларга ўхшаб, нега Павлищчев князга бу қадар ғамхўрлик
қилганлигини билмас экан. «Ўшанда унинг ўзидан буни сўраш
эсимга ҳам келмабди», лекин шундай бўлса ҳам унинг хотираси
ҳамон жуда кучли экан, у кичкина князга бой ойимларнинг
каттаси Марфа Никитишна жуда қаттиққўллик билан қара-
ганлигини эслади, «сизга бераётган тарбия усули туфайли у
билан бир сафар уришиб қолганман, ўзи касал болани ҳадеб
калтаклайверса ҳам бўлмас экан — ахир бу... Ўзингиз ўйлаб
кўринг...» У яна кичик бой ойим Наталья Никитишна шўрлик
болани қандай эркалашларини айтиб берди... Ҳозир уларнинг
икковлари ҳам фалон вилоятда истиқомат қилишади (лекин
ҳозир ҳам барҳаётмилар, йўқми, валлоҳ, билмайман), ўша

ерда уларга Павлишчевдан анча-мунча яхши бир мулк мерос бўлиб қолган. Янглишмасам, Марфа Никитишна монастирға кетмоқчи эди; лекин буни аниқ айтолмайман; балки мен бошқа бир одамни эшитгандирман... ҳа, мен буни бир доктор хотин ҳақида яқинда эшитгандим...»

Бу гапларни эшитаркан, князнинг кўзлари хурсандчиликдан порлаб кетди, у худди лаззат ичида эриб кетаётганга ўхшарди. Мен олти ойдан бери ички вилоятларни айланиб юрибман, лекин шу вақт ичида ўзимнинг эски мураббизларимни топиш ва кўришга вақт тополмадим, бунинг учун ўзимни сира ҳам кечиролмайман, деди у қизғинлик билан. «Бўлмасам, ҳар куни уларнинг олдиларига бормоқчи бўлганман, лекин оёқ остидан турли ишлар чиқиб қолиб бунга тўғоноқ бўлди... Лекин энди мен ўзимга-ўзим сўз бераман... албатта... жуда бўлмаганда ўша фалончи вилоятга бориб келаман... Муни қаранг, сиз Наталья Никитишнани билар экансиз-да? Қандай ажойиб, қандай авлиё аёл эди! Лекин Марфа Никитишна ҳам... мени маъзур тутинг, лекин сиз балки Марфа Никитишнани яхши билмасангиз керак, хато қилаётган бўлишингиз мумкин! У қаттиққўл эди, лекин... ўша кишининг сабрига балли-е... мендек бир тентак болани эплашни айтинг (ҳи-ҳи!). Ахир мен ўша пайтларда ростакан тентак бўлганман, айтсам, ишонмайсиз (ха-ха!). Айтганча... айтганча... сиз мени ўшанда кўргансиз ва... Нега мен сизни эслаб қолмаган эканман-а, тавба қилдим? Менга қаранг, сиз... оҳ, худойим, наҳот сиз чиндан ҳам Николай Андреевич Павлишчевнинг қариндоши бўлсангиз-а?»

— А-мин бўл-син-лар,— табассум қилди Иван Петрович князга бошдан-оёқ разм соларкан.

— О, бундай деяётганимнинг сабаби... ишонмаганимдан эмас... ахир бунга ишонмай ҳам бўлармиди (ҳе-ҳе!)... заррача ҳам? Яъни заррача ҳам ишонмасдан бўлармиди демоқчиман! (Ҳе-ҳе!) Лекин буни айтаётганимнинг сабаби, марҳум Николай Андреич Павлишчев ажойиб одам бўлган эди! Жуда ҳам олиҳиммат инсон эди у киши, ишонинг менга!

Князь энтикиб қолди, «қалбининг гўзаллигидан энтикиб-энтикиб ҳатто бўғилиб қолди», деб айтди эртасига эрталаб Аделаида ўз қаллиғи князь Ш. билан гаплаша туриб.

— Оҳ, худойим!— кулиб юборди Иван Петрович,— нима, олиҳиммат одам бўлса, унга қариндош бўлишим мумкин эмасми?

— Оҳ, худойим!— деб қичқириб юборди князь ҳам тобора қаттиқ ҳаяжонланиб, хижолат чекиб, шошиб қолганча,— мен... мен яна тентаклик қилиб қўйдим, лекин... шундай бўлиши керак эди чунки мен... мен... мен, яна адашиб кетдим! Э, буни қа-

ранг ўзингиз, гап сира менда эмас, жуда ажойиб гаплар... ҳаддан ташқари ажойиб гаплар! Яна шундай олижаноб бир одамга нисбатан олганда,— чунки, ахир, у худо ҳаққи, жуда ҳам олиҳиммат одам эди, тўғрими? Тўғрими?

Князнинг бутун вужуди титраб турарди. У нега бирдан бунчалар ҳаяжонга тушди, нега бунчалар тўлқинланиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди, бунга асос бўлгудек унчалар гап қўзгалгани ҳам йўқ эди, буни тушуниб етиш қийин эди. У ҳозир шундай бир кайфиятда эдики, кимгадир, нимагадир қизгин ва қайноқ миннатдорчилик билдиргиси келар, балки Иван Петровичга ва балки барча меҳмонларга ўз ташаккурини айтишни истарди. У ҳаддан ташқари «ўзини бахтиёр» сезарди. Охири Иван Петрович унга олдингидан кўра разм солиб қарай бошлади; унга «мансабдор чол» ҳам диққат билан тикилиб қарамоқда эди. Белокопская бўлса князга қаҳр билан қараб, лабларини қимтиди. Князь Н., Евгений Павлович, князь Ш., қизлар — ҳаммалари гандан тўхтаб уни тинглашарди. Аглая қўрқиб кетганга ўхшаб кўринар, Лизавета Прокофьевна эса юраги орқасига тортиб кетганди. Она билан қизлар ҳам қизиқ; улар князь меҳмондорчилик бошлаганда индамай жимгина ўтиргани маъқул, деган қарорга келган ва шундай бўлишини истаган эдилар; лекин ун бурчакка тикилиб ёлғиз, ўзидан жуда мамнун ҳолда жимгина ўтирганилигини кўрганларидан сўнг ҳаммалари бирдан ташвишланиб қолдилар. Александра эндигина унинг ҳузурига бормоқчи, аста уй ўртасидан ўтиб Белокопскаянинг ёнидаги князь Н.нинг тўдасига қўшилмоқчи эди. Мана энди князь оғзини очиши билан уларнинг ҳаммалари яна безовта бўлиб типирчилаб қолишди.

— Сиз ҳақсиз, ҳақиқатан ажойиб одам эди,— виқор билан табассум қилиб деди Иван Петрович,— ҳа, ҳа... ажойиб одам эди! Беназир ва ажойиб,— деб қўшиб қўйди у бир зум жим тургач.— У ҳар қанча эъозланса арзийдиган киши эди,— деб қўшиб қўйди у ишонч билан яна учинчи марта бир зум тин олиб тургач,— сиз... сизнинг унга бўлган бундай муносабатингиз шон таҳсинга...

— Шу Павлишчев эмасмиди бир аббат билан... аббат... аббат... фаромуш этибман, қайси аббатлигини, ғалати... аллақандай бир воқеа... ўша пайтларда ҳаммамнинг оғзида шу гап юрган эди,— худди бирдан эсига тушиб қолгандай деди «мансабдор».

— Иезуит аббат Гуро,— деб эслатди Иван Петрович,— ҳа, қаранг-а, бизнинг ажойиб шундай беназир одамларимиз денг, э-ҳа! Чунки наслу насабли, давлатманд одам эди, камергерлик унвони бор эди ва агарда хизматни давом қилдиргандайди... Қаранг, бирдан шундай хизматни ташлаб, католицизмга ўтаман, деб юрибди, иезуит бўлишни орзу қилганлигини кўринг, яна

очикдан-очиқ, қандайдир мамнуният билан. Рост, вақтида ўлгани ҳам тузук бўлган экан... ҳа; ўшанда ҳамма гапириб юрди... Князь ўзини унутди.

— Павлищев... Павлищев католицизмга ўтган эканми? Бундай бўлиши мумкин эмас!— деб қичқирди у даҳшатга тушиб.

— Уҳў, «бўлиши мумкин эмас»!— сиполик билан деди тамшаниб Иван Петрович,— катта гапириб юбордингиз, ўзингиз қаранг, азизим, князь... Айтанча, сиз марҳумни шунчалар қадрлайсиз... ҳақиқатан, ажойиб одам эди, оқкўнгил ва меҳрибон, анави қаллоб Гуро унинг шу томонларидан усталик билан фойдаланган. Лекин сиз мендан сўранг, менинг ўзимдан сўранг, кейин мен бу ишни деб қанчалар оворайи сарсон бўлганларимни... яна худди шу Гуро туфайли! Қаранг,— деб мурожаат қилди у чолга,— улар меросга ҳам даъвогар чиқмоқчи бўлишди, шунда мен қаттиқ чоралар қўллашга мажбур бўлдим... таъзирини бериб қўймаса бўлмасди... жуда ўз ишига паранг одамлар экан! Одам ҳайрон қолади! Аммо, худога минг қатла шукурки, бу воқеа Москвада бўлаётган эди, мен дарров графнинг ҳузурига бордим, ва биз уларнинг... таъзирини бердик...

— Мени қанчалар лол қилиб қўйдингиз, ҳайрон бўлиб қолдим!— деб қичқирди яна князь.

— Афсус; лекин гапнинг очигини айтганда, буларнинг ҳаммаси бекорчи нарсалар, арзимаган бир гап билан тугаган бўларди барибир охири; мен шунга ишонаман. Бултур ёзда,— деб мурожаат қилди у яна чолга,— айтишларича, графиня К. ҳам хорижда аллақандай католикларнинг монастирига борган эмиш; бизнинг одамларимиз дарров шу... олғирларнинг қўлларига лаққа тушиб қўя қолишди... айниқса, чет элларда.

— Уйлайманки, буларнинг ҳаммаси бизнинг... чарчаб қолганимиздан,— ишонч ва салобат билан деди чол,— яна шуки, улар тарғибот қилишга жуда омил бўладилар... нафосат билан сўзлайдилар... қўрқитадилар. Мени ҳам ўттиз иккинчи йилда Венада шундай қўрқитишган эди, гапимга ишонинг; фақат мен уларга бўш келмадим ва қочиб кетдим, ха-ха!

— Мен эшитган эдимки, сен ўшанда, отахоним, гўзал Левицкая билан Венадан Парижга қочиб кетган экансан, вазифангни ҳам ташлаб, сен иезуитдан қочмагансан,— деб кутилмаганда гапга қўшилди Белоконская.

— Барибир эмасми, иезуитдан қочгандай бўлиб чиқаман, ҳа, иезуитдан!— деб илиб кетди чол хотиралардан кўнгли ёришиб.— Сиз имонга қаттиқ берилгансиз шекилли, ҳозир ёшлар ичида бундайларни учратиш қийин,— деб мулоимлик билан князь Лев Николаевичга мурожаат қилди у, князь ҳайратдан

лол қотганча оғзини очиб тинглаб ўтирарди; чол, чамаси, княз-ни яхшироқ билиб олишни истарди; баъзи бир сабабларга кўра у князга жуда ҳам қизиқсиниб қарамоқда эди.

— Павлишчев ақли порлоқ одам эди, у чин исавий эди, чин исавий,— деди бирдан князь,— қандай қилиб у исавийликка шак келтирсин?.. Католикни исавий демасак ҳам бўлади!— деб қўшиб қўйди у кўзларидан ўт сочганча, шуларни сўзларкан, князь тик ўтирар, шу билан бирга ҳаммани бир-бир кўздан кечирарди.

— Бу энди ортиқча,— деб тўнғиллади чол ва ажабланиб Иван Федоровичга қараб қўйди.

— Нега энди католиклар исавий бўлмас экан?— ўтирган ерида ўгирилиб қаради Иван Петрович.— Бўлмаса қандай улар?

— Уларнинг имонлари исавий эмас биринчидан!— ҳаддан ташқари ҳаяжонланган ҳолда ва керагидан ортиқча кескинлик билан деди князь,— биринчидан, шундай, иккинчидан, Румо католицизми даҳрийликдан ҳам баттарроқ, менинг фикрим шундай! Ҳа! менинг фикрим шундай! Даҳрийлар ўзлари нимани тарғиб қилаётганларини ўзлари билмайдилар, католиклар эса улардан ҳам ўтиб тушганлар: улар Исони бузиб тарғиб қиладилар, улар Исо номи билан ёлғон сўзлайдилар ва уни ҳақорат қиладилар, улар Исо деганда бутунлай бошқа нарсани тушунадилар! Улар Исо ҳарфини тарғиб қиладилар, қасам ичиб айтаманки, шундай, ишонинг менга! Мен шундай эътиқодга келганман, бунга анча бўлган, бу нарса мени қийнаб еб ташлади... Рим католицизми умумжаҳон давлат ҳокимияти бўлмаса черков ер юзида барқарор бўлмайди, деб тарғиб қилади ва: «Non possimus!»¹ — деб чинқиради. Менимча, Рим католицизми ҳатто дин эмас, у бус-бутун ҳолда Ғарбий Рим империясининг давомидир, унда имондан тортиб бошқа ҳамма нарсалар шунга бўйсунгандир. Папа заминни босиб олди, дунёвий тахтга минди ва қўлга қилич олди. Ушандан бери шундай давом этиб келади, фақат энди қиличнинг ёнига қаллоблик, суллоҳлик, риё, мутаассиблик, хурофот, ваҳшийлик қўшилди, улар халқнинг энг муқаддас, ҳақгўй, содда ва самимий, алаңали тўйғуларини эрмакка айлантирдилар, ҳаммасини, ҳаммасини пулга алмаштирдилар, тубан дунёвий ҳокимиятни афзал кўрдилар. Ахир бу Исога қарши бўлганларнинг иши бўлмай кимнинг иши бўлмаса? Уларнинг ичидан даҳрийлик ўсиб чиққан бўлса, бунинг нимаси ажабланарли? Даҳрийлик улардан чиқди, Рим католикларидан чиқди даҳрийлик! Даҳрийлик ҳаммадан бурун улардан бошланди: улар қандай қилиб ўзларига ишонсинлар? Даҳрийлик уларга нафратдан туғилди; уларнинг имонлари сустигидан ва

¹ «Қўлимиздан келмайди!» (Лот.)

риёкор бўлиб кетганларидан туғилди у! Даҳрийлик! Бизда фақат мустансо бир табақаларгина имонга ишонмайдилар, боя Евгений Павлович уларни илдизларини йўқотганлар, деб жуда боплаб таърифлади! Европада эса халқларнинг даҳшатли тўдалари даҳрийлашиб бормоқдалар,— улар илгари жаҳолат ва риёкорлик туфайли ишонмасдилар, эндиликда мутаассиблик, черковга ва исавий динга нафратдан ишонмай қўйдилар!

Князь нафасини ростлаш учун тўхтади. У жуда тез сўзламоқда эди. Унинг юзи оқарган, ҳарсиллаб нафас оларди. Ирилганлар бир-бирларига қарашади; охири чол ошкора кулиб юборди. Князь Н. лорнетини тақиб князни кўздан кечирди. Немис шоир бурчакдан чиқиб келди ва хунук иршайганча стулини яқинроқ суриб ўтирди.

— Сиз жу-да ҳа-а-м муболаға қилиб юбордингиз,— деб чўзилди Иван Петрович худди зерикиб кетгандай ва нимадандир хижолат тортгандай,— у ердаги черковнинг ҳам ҳар жиҳатдан ҳурматга лойиқ кишилари бор, улар эз-г-гулик йўлида...

— Мен ҳеч қачон черковнинг алоҳида ва айрим кишилари ҳақида сўзлаганим йўқ. Мен Рим католицизмининг моҳияти ҳақида, Рим ҳақида гапиряпман. Черков бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкинми ахир? Мен ҳеч қачон бундай гапни айтган эмасман!

— Маъқул, лекин буларнинг барчаси маълум ва ҳатто — кераги йўқ ва... дин таълимотига даҳлдор...

— О йўқ, о йўқ! Фақат диний таълимотга эмас, ишонинг менга, ундаймас! Бу сиз ўйлагандан кўра ҳам кўпроқ бизга даҳлдор. Бизнинг ҳамма хатомиз ҳам ўзи шунда, биз бунинг фақат дингагина алоқадор эмаслигини кўрмаяпмиз! Ахир, социализм ҳам католицизм билан унинг моҳиятидан бино бўлган нарса! У ҳам худди ўз оғайниси даҳрийлик каби умидсизликдан туғилган, маънавий жиҳатдан католицизмнинг акси бўлиб дунёга келган, у дин томонидан йўқотиб қўйилган маънавий кучнинг ўрнини босмоқчи, имонга ташна инсониятнинг чапқоғини қондирмоқчи, лекин у инсониятни Исо билан эмас, зўравонлик билан қутқармоқчи! Бу ҳам зўравонлик билан эришиладиган эркинлик, бу ҳам қон ва қилич билан барпо этиладиган иттифоқ! «Худога асло ишонма, хусусий мулк орттирма, ўзлгингни йўқот, *fraternité ou la mort*,¹ икки миллион инсон калласи!» Уларни қилган ишларидан биласиз—дейилган! Бунинг бизга зарари йўқ, бу бизга қўрқинчли эмас деб ўйламанг; о, биз тезроқ рад қилишимиз, зарба беришимиз керак, тезроқ, тезроқ! Гарбга рад ва зид ўлароқ, бизнинг Исо юрлаб кетсин, биз бу Исони

¹ ё ўлим, ё биродарлик (франц.)

пок сақладик, улар билмайдилар буни! Уларнинг, иезуитларнинг қармоқларига лаққа тушиб ўтирмайлик, биз уларга рус маданиятимизни етказайлик, биз энди уларнинг қаршисида қад кўтариб туришимиз даркор, кимдир ҳали уларнинг тарғиботлари нафис, деди, энди бундай гапларга чек қўяйлик...

— Шошманг, шошманг, ижозат этинг,— деб безовталаниб қолди Иван Петрович атрофга аланг-жалаг қараб, ҳатто андак чўчинқираганча,— сизнинг барча фикрларингиз, албатта, таҳсинга сазовор ва ватанпарварлик билан тўлиқ, лекин буларнинг бари ҳаддан зиёд кўпиртирилган ва... яхшиси, буни қўя турайлик...

— Йўқ, кўпиртирилган эмас, аксинча, кичрайтирилган; шундай, кичрайтирилган, чунки мен ифодаб берамаяпман, лекин...

— Шош-ма-сангиз-чи!

Князь жим бўлиб қолди. У қаддини аял тутиб, Иван Петровичга ўт бўлиб ёнаётган кўзларини тикиб ўтирарди.

— Фаҳмимча, валинеъматингизнинг бошига тушган ҳодиса сизни қаттиқ ҳаяжонга солганга ўхшайди,— мулоимлик билан хотиржамликни қўлдан бермай деди чол,— сиз ловиллаб турибсиз... ёлғиз яшаганингиздан балки шундайдир. Агар сиз одамлар ичиде кўпроқ бўлсангиз, жамият ичига кирсангиз, албатта, сиздек ажойиб бир йиғитдан бағоят хурсанд бўладилар, унда алангалар ҳам анча босилади ва ҳаммаси жўпроқ эканлигини ўз кўзларингиз билан кўрасиз... бунинг устига бундай камёб ҳодисалар... менинг назар-эътиборимча, қисман тўйиб кетганимиздан ва яна қисман... зерикиб қолганимиздан пайдо бўлади...

— Рост айтасиз, рост айтасиз,— деб қичқирди князь,— ажойиб фикр! Рост, зерикганимиздан, «бизнинг зерикганимиздан» шундай, тўйиб кетганимиздан эмас, аксинча, ташналикдан... тўқликка шўхликдан эмас, йўқ, сиз бу ўринда хато қилдингиз! Фақат ташналикнинг ўзидангина эмас, алангали тўйгулардан, чидаб бўлмас чанқоқликдан! Ва... ўйламанки, бу шундай кичкина деб, кулаверса бўлади деб; мени маъзур тутинг, олдиндан кўра билмоқ ва ҳис қила билмоқ керак! Бизнинг одамларимиз соҳилга етиб боришлари билан бунинг соҳил эканлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг, шундай бошларини йўқотиб хурсанд бўлиб кетадиларки, дарҳол сўнгги устунгача борадилар; нега шундай? Мана, сиз Павлишчевдан ҳайрон бўляпсиз, сиз ҳаммасини унинг телбалиги ва меҳрибончилиги билан изоҳляпсиз, аслида бу ундаймас! Бундай пайтларда фақат бизнигина эмас, бутун Европани лол қилиб қўяди руснинг жўшқинлиги: бизнинг одамлар агар католик бўламан десалар, албатта шунинг ўзи

билан қаноатланмай иезуит ҳам бўладилар, яна энг ашаддийларидан; агар даҳрий бўла қолса, унда дарҳол худога ишонишни зўравонлик билан йўқотишни, қирғин қилишни талаб қила бошлайди! Нега шундай, қаердан пайдо бу ашаддий қутуриш? Наҳот билмасангиз? Негаки у бу ердан топмаган ватанни у ёққа бориб топган ва ҳаддан ташқари суюниб кетган; соҳилга чиқди, замин топди ва уни тинмай ўла бошлади! Рус иезуитлари ва рус даҳрийлари фақат манманликдан ва такаббурликдан, бўлмағур шуҳратпарастлик туйғуларидангина дунёга келмайдилар, аксинча, маънавий-руҳий изтиробдан, маънавий-руҳий ташналикдан, олий бир ишларни соғинишдан, мустаҳкам соҳилларга чиқиш истагидан, ўзлари ҳеч қачон яхши билмаган ва ишончларини бутунлай йўқотган ватанни қўмсашдан туғилади! Дунёдаги бошқа ҳамма одамларга қараганда рус кишиси жуда осон даҳрий бўла олади! Бизнинг одамларимиз даҳрий бўлибгина қолмайдилар, балки даҳрийликка *этиқод қўядилар*, улар шу билан худди янги имон топгандай бўладилар, ҳолбуки бу этиқодлари қуруқ бўлишдан бошқа нарса эмас. Ана шундай бизнинг ташналикимиз! «Қимнинг пойи заминсиздир, билингки, у худосиздир». Буви мен айтган эмасман. Бу саёҳат қилиб юрган чоғимда эски мазҳабдаги бир савдогар учраб қолиб шундай деган эди. Рост, у бундай демаган эди, у: «Қимда-ким туғилган юртидан воз кечса, билгинки, у худодан ҳам юз ўгирганидир», деган эди. Уйласанг ваҳминг келади, ахир бизнинг энг билимдон кишиларимиз ҳатто хлистовчиликка берилиб кетган эдилар... Агар шундай деб қараладиган бўлса, хлистовчиликнинг нигилизм, иезуитизм, атеизмдан нима ёмон жойи бор экан? Ҳатто булардан кўра чуқурроқ бўлиши ҳам мумкин! Ана сизга қўмсашнинг оқибати!.. Колумбнинг оташин ва ташна издошларига Янги Дунёнинг соҳилларини кўрсатинг, рус кишисига рус дунёсини кўрсатинг, у шу пайтгача тополмаган, ер тагида яшириниб ётган шу хазинани, шу олтинни унга кўрсатинг! Келажакда, инсониятнинг янгиланиши ва тирилишини ва бу фақат рус тафаккури, рус худоси ва Исоси воситасида эҳтимол рўй беришини кўрсатинг, ана ўшанда кўрасиз, ҳайратга тушган, лол бўлган ва ёқа ушлаган жаҳоннинг кўз ўнгида қудратли ва адолатли, доно ва собир муқтадир инсон қад кўтаради, ана шунда улар лол бўлиб, тилларини тишлаб қоладилар, чунки улар бизни фақат қилич билан келади, деб ўйлайдилар, биздан фақат зўравонлик билан қон тўкишни кутадилар, чунки улар ўзларига қараб туриб бизни ҳам ваҳший деб тасаввур қиладилар. Ҳозиргача шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлади, кун-кундан баттар! Ва...

Лекин шу пайт кутилмаган бир воқеа содир бўлди-ю, нотикнинг сўзлари бирдан узилиб қолди.

Бу иситма аралаш нутқ, бу оташин ва безовта сўзлар, эҳтиросли фикрлар шиддат билан отилиб чиқар, бири узра иккинчиси айқашар, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ қизишиб, кўпириб-тошаётган йигитнинг руҳиятида нимадир содир бўлаётганидан, аллақандай хатарли бир нарса яқинлашиб келаётганидан дарак берарди. Князни ҳар донм тортинчоқ ва босиқ, ўзига хос ноёб бир назокат соҳиби, одоб-икромни ҳаддан зиёд назик англайдиган ва идрок этадиган фаросат эгаси сифатида таниган ва билган одамлар унинг табиатиغا сира қовушмаган ҳозирги қилиғидан жуда ажабланар ва бундан хавотирга тушмоқда эдилар (баъзилар эса унинг қилиғидан уялиб кетмоқда эдилар). Улар нега бундай бўлганлигини сира тушунолмас эдилар: ахир Павлишчев ҳақидаги гаплар сабаб эмасдир-ку бунга. Хонимлар уни телба бўлиб қолди шекилли, деб ўйламоқда эдилар, Белоконская эса кейин «яна бир зум шундай давом этадиган бўлса, мен қочиб кетмоқчийдим», деди. «Чоллар» ҳайратларидан ёқаларини ушлаб қолган эдилар; бошлиқ генерал норози бўлиб қараб ўтирарди. Техник-полковник ўтирган еридан қимир этмасди. Немис шоирнинг ранги оқариб кетган, лекин ҳамон ясама иршайиб бошқаларнинг кўзларига қарарди: бошқалар нима дейишаркин? Дарвоқе, балки яна бир дақиқадан сўнг бу «жанжал» одатгаидай табиий суратда ҳал бўлиши ҳеч гап эмасди; ҳаддан ташқари ҳайрон бўлиб қолган, лекин ҳаммадан бурун гап нимадалигини тушунган Иван Федорович бир неча маротаба князни тўхтатишга уриниб кўрган эди; лекин бундан ҳеч нарса чиқмаганлигини кўргандан кейин энди қатъий бир мақсад билан унинг олдига ўтиб бормоқда эди. Яна бир дақиқа ва атар лозим бўлса, у князни тоби қочиб қолганлиги баҳонасида бу ердан олиб чиқиб кетадиган ҳам эди, князнинг тоби қочиб қолганлигига эса генерал чиндан ҳам ўз кўнглида ишонарди... Лекин иш бошқачасига айланиб кетди.

Князь бу ерга кириб келгандаёқ Аглаянинг гапидан чўчиб қолган эмасми, иложи борича хитой вазасидан узокроққа ўтирди. Аглаянинг кечаги сўзларидан сўнг назарида қандай бўлмасин, вазадан қанча йироқ ўтирмасин, фалокатдан ўзини қанча олиб қочмасин, эртага барибир албатта, шу вазани синдириб қўяман деган қандайдир тушунтириб бўлмайдиган бир ишонч, ажиб бир ҳиссиёт унинг юрагида қаттиқ ўрнашиб қолган эди, ахир шундай бўлишига ишониш мумкинмикин? Лекин бу шундай эди. Меҳмондорчилик давом этаркан, унинг юраги тобора кучли ва порлоқ таассуротлар билан тўла бошлади. Биз бу ҳақда сўзлаб ўтган эдик. У юрагини увуштирган ўша сезгисини унутди. У Пав-

лишчев ҳақидаги гапларни эшитди ва Иван Федорович уни Иван Петровичнинг ҳузурига олиб борди ва князь столга яқинроқ турган креслога ўтирди, шу тариқа у супачага ўрнатилган каттакон ва ғоятда гўзал хитой вазасига яқин келиб қолди, ваза сал орқароқда, князнинг тирсаги унга тегар-тегмас бўлиб турарди.

У охирги сўзларини айта туриб қутилмаганда ўрнидан туриб кетди, қўлини ногоҳ силкитди, елкасини қимирлатди — ва... ҳамма қичқириб юборди! Ваза аввал турган жойида лиқиллаб, худди чоллардан бирининг бошига тушишни мўлжаллагандек бўлиб турди, сўнг бирдан нариги томонга гумбурлаб қулади, немис шoir кўрқиб кетиб зўрға ўзини олиб қочиб улгурди. Шарақлаган, тарақлаган, қичқирган, чинқирган овозлар, гилам узра сочилган синган чинни парчалари, кўрқув, ҳайрат — о, князнинг шу топдаги аҳволини тасвирлашга сўз етмайди, қалам ожизлик қилади! Лекин худди мана шу сонияда уни қаттиқ ҳайратга солган ва бошқа ҳамма нарсадан кўра унинг эътиборини кўпроқ тортган ғалати ва хира бир сезгини айтмасдан ўтолмаймиз: уни уят, алам, кўрқинч ногаҳонлик ҳайратга солгани йўқ, у башоратнинг тўғри чиққанидан лол бўлиб қолди! Бу фикр нега унга бунчалар қаттиқ таъсир қилди, у буни тушунтириб беролмасди; фақат жуда қаттиқ ички бир ларзага тушганча сирли бир кўрқувда қотиб қолганди. Яна бир сония ўтди, ва бирдан унинг кўзлари кенг очилиб кетгандай бўлди, даҳшат ўрнини — зиё ва шодумонлик, қувонч эгаллади; нафаси нчига тушиб кетди, ва... лекин бу он ўтиб кетди. Худога шукур, бу бошқа нарса эди! У чуқур хўрсинди ва атрофга алаңлаб қаради.

У атрофида нималар бўлаётганлигини анчагача тушунмагандай бўлиб турди, яъни тушунар, кўриб турар эди-ю, лекин буларга ҳеч қандай дахли бўлмагандай, эртаклардаги кўзга кўринмас одамдай уй нчига кириб олиб бегона, лекин ғалати кишиларнинг хатти-ҳаракатларини кузатаётганга ўхшарди. У чинни, парчаларини йиғиштириб олишаётганини кўриб турар, одамларнинг нималарнидир тез-тез гаплашаётганларини эшитар, кўзи унга жуда ҳам ғалати қилиб қараётган ранги оқаринқираган Аглаяга тушар, ҳақиқатан, Аглая унга жуда ғалати тикилиб турарди: унинг кўзларида заррача қаҳр ва заррача ғазаб йўқ эди; у князга ҳуркак ва майин нигоҳ билан қарар, бошқаларга қараганда эса унинг кўзлари ўт сочаётганга ўхшарди... шунда князнинг юраги ширин увушиб кетди. Ниҳоят у ҳамма худди ҳеч нарса бўлмагандай ўтириб кулишаётганларини кўриб ҳайратга тушди! Бир зумдан сўнг кулги янада кучайди: унинг шамдай қотиб анг-танг бўлиб қолганидан кулишар, лекин кулгилари дўстона ва беозор эди; кўплар унга нималардир дейишар,

майин ва меҳрибон сўз айтишар, ҳаммадан ҳам Лизавета Прокофьевнани айтмайсизми: у кула-кула нимадир дер, эркалаётгандай бўларди. Бирдан у Иван Федорович елкасига дўстона қоқиб қўяётганлигини пайқади: Иван Петрович ҳам кулиб турарди; лекин чол ҳаммадан ҳам дилбарроқ ва дилкашроқ эди; у князнинг қўлини ушлаб олган, бошқа қўлининг кафти билан секин-секин уриб қўяр, худди қўрқиб кетган кичкина болани юпатгандай бўлиб, ўзингизни босинг, дерди, шуниси князга айниқса маъқул бўлди, охири чол уни ўзи билан ёнма-ён ўтқазди. Князь унинг чеҳрасига тўймай қарар, бундан чексиз лаззатланар ва ҳамон тили гапга келмас, антикиб, нафаси тиқиларди; чолнинг чеҳраси унга жуда ҳам ёқиб қолди.

— Ростми?— деб гўлдиради у ниҳоят,— сиз ростдан ҳам кечирдингизми? Э... сиз ҳам кечирдингизми, Лизавета Прокофьевна?

Атрофда кулги зўрайди, князнинг кўзлари мўлтираб ёшланди; у ўзига ишонмас, беҳад мафтун бўлиб қолганди.

— Майли, чиройли ваза эди. Мен уни бу ерда ўн беш йилдан бери кўриб юраман, ҳа... ўн беш йил...— деди Иван Петрович.

— Ҳечқиси йўқ! Кези келса одам ҳам нобуд бўлади, сопол ваза экан-ку!— деди баланд овоз билан Лизавета Прокофьевна.— Наҳот, шунга шунча қўрқиб кетган бўлсанг, Лев Николаич?— ҳуркаклик билан сўради у.— Бўлди, қўзим, бўлди; мени унчалар қўрқитаверма.

— Ҳаммаси учун кечирасизми? Вазадан бошқа ҳаммаси учун ҳам кечирасизми мени?— деб князь ўрнидан турмоқчи бўлган эди, лекин чол дарров унинг қўлидан тортиб ўтқазиб қўйди. Чол князни ёнидан жилдиргиси келмасди.

— C'est très curieux et c'est très sérieux,¹— деб пичирлади у стол оша Иван Петровичга, лекин унинг нима деганини ҳамма эшитди; князь ҳам эшитмай иложи йўқ эди.

— Мендан ҳеч ким хафа эмасми ишқилиб? Агар ундай бўлса, менинг қанчалар бахтиёр эканлигимни билсайдингиз; лекин ўзи шундай бўлиши керак! Мен ахир бу ерда бировни хафа қилишим мумкинми? Агар шундай деб ўйлайдиган бўлсам, шунинг ўзи билан ҳам сизни хафа қилиб қўйган бўламан.

— Бўлди, тинчланинг, азизим, бу ҳаммаси— сизга шундай туюлади. Бунчалар миннатдорчилик билдиришингизга ҳам ҳожат йўқ; бу жуда аjoyиб хислат, лекин ҳаддан ташқари ошириб юбормаслик керак.

— Мен сизга миннатдорчилик билдираётганим йўқ, мен фа-

¹ Бу жуда ҳам қизиқ ва жуда ҳам жиддий! (Франц.)

қат... сизга қараб тўймайпман, сизга қараб туриб ўзимни жуда ҳам бахтли ҳис қиляпман; балки мен тентакларча сўзлаётгандирман, лекин — мен сўзлашим керак, тушунтириб қўйишим керак... жилла қурса, ўзимга бўлган ҳурматим юзасидан.

Унинг ҳолати шитобли, мубҳам ва алғов-далғов эди; у кўпинча бир нарсани айтмоқчи бўлиб туриб, бутунлай бошқа нарсаларни тилга оларди. Унинг нигоҳи ҳам мен гапирсам майлими, дегандай илтижоли боқарди. Унинг кўзи Белокопскаяга тушиб қолди.

— Ҳечқиси йўқ, отахоним, сўзлайвер, сўзлайвер, фақат энти-киб қолмасанг бўлди,— деди Белокопская,— сенга боя ҳам нафас етишмай турган эди, мана энди бутунлай бўғилиб қолдинг; гапиргинг келаётган бўлса, чўчимай гапиравер: бу жанобларнинг кўзлари кўравериб пишиб кетган, уларни ҳайрон қилолмайсан, сен қанчалар доно эканлигингни худо билади, фақат мана вазани синдириб ҳаммани кўрқитиб юбординг, холос.

Князь унинг сўзларини табассум билан эшитди.

— Мана, сиз,— деб мурожаат қилди князь чолга қарата,— сиз уч ой бурун студент Подкумов билан хизматчи Швабринни сургундан сақлаб қолмаган эдингизми?

Чол ҳатто андак қизаринқиради ва тинчланинг, деб пичирлагандай бўлди.

— Сиз ҳақингизда ҳам эшитган эдим,— деб мурожаат қилди князь Иван Петровичга,— фалон вилоятда бир қанча мужиклар сизга ёмонлик қилишиб, уйлари куйиб кетганда уларга текинга ёғоч берган экансиз, тўғрими?

— Э, жуда муболаға қилиб юбордингиз-ку,— деб пичирлади Иван Петрович қаддини кериб; лекин бу сафар «муболаға қилдингиз», деганида у бутунлай ҳақ эди: князнинг қулоғига унчалик тўғри бўлмаган мишмишларгина чалмиганди.

— Сиз бўлсангиз, княгиня,— деб кутилмаганда Белокопскаяга қарата деди князь юзлари кулганча,— сиз олти ой бурун мени Лизавета Прокофьевнанинг хати билан худди ўз ўғлингиз каби қабул қилмадингизми, худди ўз ўғлингиз каби менга йўл-йўриқ кўрсатмадингизми, эсингиздами? Мен буни ўла-ўлгунимча унутмайман.

— Узингдан-ўзинг нималар деясан ахир?— деди энсаси қотгандай бўлиб Белокопская.— Сен яхши одамсан, лекин кулгили гапларни сўзлайсан: сенга икки тийин беришса, худди ўлимдан қолган одамдай миннатдорчилик изҳор қиласан. Назарингда яхши иш қилаётганга ўхшайсан, лекин четдан қараган одамга хунук бўлиб кўринади.

Унинг жаҳли чиққандай бўлиб турган эди, лекин бирдан кулиб юборди, бу сафар у очилиб кулди. Лизавета Прокофьевна

нинг ҳам чеҳраси очилди; Иван Федорович гул-гул яшнаб кетди.

— Мен айтувдим-ку, Лев Николаич шундай одам деб... одамки... гапнинг қисқаси, фақат энтикиб қолмаса бўлгани, княгиня ҳам шуни айтдилар нафсиламрга...—деб ғўлдиради генерал юзи шодликдан ёйилганча, княгинянинг ўзига қаттиқ таъсир қилган сўзларини такрорлаб.

Елғиз Аглаягина негадир маъюс эди; лекин унинг икки ёноғи олов бўлиб ёнар, қаҳрини ичига ютиб турганга ўхшарди.

— Рости билан жуда ҳам дилкаш йиғит экан,—деб пичирлади чол Иван Петровичга қарата.

— Мен бу ерга қийнала-қийнала келдим,—деб давом этди князь борган сари ғалати талмовсираб, жўшиб, ғалати қилиб, тез-тез сўзларкан,—мен... мен сизлардан кўрққан эдим, ўзимдан ҳам кўрққан эдим. Кўпроқ ўзимдан кўрқувдим. Петербургга қайтиб келарканман, мен аввало бизнинг энг катта, чинакам асилзода, машҳур одамларимизни кўраман деб ўзимга сўз берган эдим, зотан, мен ўзим ҳам уларнинг бири бўламан, улар ўртасида насаб жиҳатдан биринчилар қаторида тураман. Ахир, мен бу ерда ўзимга ўхшаган князлар билан ўтирибман, шундай эмасми? Мен сизларни билиб олмоқчи эдим, менга зарур эди бу; жуда, жуда зарур эди!.. Мен доим сизлар ҳақингизда яхши гапдан кўра ёмон гапларни кўпроқ эшитганман, сизларнинг манфаатпарастлигингиз, майдакашлигингиз, қолоқлигингиз, чаласавод эканлигингиз, кулгили одатларингиз тўғрисида нималарни эшитмаганман,—нималарни ёзмайдилар сизлар ҳақингизда, нималарни гапирмайдилар! Мен бугун бу ерга жуда қизиқиш ва кўнглимда иштибо билан келдим: мен ўз кўзларим билан кўришим ва ишонч ҳосил қилишим керак эди: ростдан ҳам рус кишиларининг юқори табақалари ҳеч нарсага арзимай яроқсиз бўлиб қолганми, чириб, ҳаёт томирлари қуриганми, ҳамон одамлар билан кин ва ғараз ила бачкана бир тарзда таллашиб ётадимми... ўзининг ўлиб бораётганидан беҳабар ҳолда келажакнинг одамларига тўсқинлик қиладими?—мен шуларни билмоқчи эдим. Мен илгари ҳам шундай эканлигига ўнчалар ишонган эмасман, бинобарин, бизда олий табақанинг ўзи ҳеч қачон бўлган эмас, бизда мундир кийган сарой мулозимлари бўлганлар, холос, ёхуд... тасодикий тарзда, мана эндиликда улар ҳам беиз, ном-нишонсиз йўқолиб кетдилар, шундаймасми, шундаймасми?

— Асло, асло ундаймас,—заҳарханда қилиб кулди Иван Петрович.

— Яна лайлакдай такиллай бошлади!—ўзини тиёлмади Белокопская.

— Laissez le dire¹, у яна қалтираб кетяпти,— деб огоҳландирди яна чол овозини баланд кўтармасдан.

Князь тамомила ўзини унутган эди.

— Нима бўлди деб сўрасиз? Мен нафис соддадил, оқил одамларни кўрдим; мен бир ажийиб мўйсафидни кўрдим, у мендек ҳали гўдак бир одамни юпатиб, эркалатиб ўтирибди; мен, одамни англашга ва кечирिशга қобил, яхши рус кишиларини кўриб ўтирибман, мен бундай самимий ва яхши кишиларни у ёқда учратганман, сизлар улардан қолишмас экансизлар. Мен шундай бир вазиятда қанчалар лол ва шод бўлиб қолганлигимни ўзингиз тасаввур қилинг! О, ижозат этинг, дилнимдаги сўзларни айтиб олай! Мен кўп эшитгандим, ўзим ҳам шунга ишонардим, киборлар жамиятида ҳамма нарса сохта, ҳаммаси чирган, ҳаммаси ўзининг асл моҳият ва эътиборини йўқотган деб; лекин ахир энди ўзим ҳам кўриб турибманки, бизда бундай бўлиши мумкин эмас экан. Бошқа бирон ерда бўлиши мумкин, лекин бизда эмас. Наҳот сизлар ҳаммангиз энди иезуит ва қаллоб бўлсангизлар? Мен боя князь N. қандай ҳикоя қилганлигини эшитдим: ахир, бу илҳомкор юмор, соддадил завқ-ку, ахир, бу чинакам оқкўнгиллик-ку? Наҳот шундай сўзлар... таланти қуриб-қақшаган, қалби сўлган, ўлик бир одамдан чиқса? Ахир мурдалар менга худди сизга ўхшаб муомала қилармиди ҳеч замонда? Ахир бу келажак учун, келажак умидлари учун... хом ашё бўла билмайдими? Ахир шундай одамлар ҳеч нарсани тушунмасдан қолоқликда қолиб кетиши мумкинми?

— Сиздан яна бир карра сўрайман, азизим, тинчланинг, биз буларнинг барчаси ҳақида кейинчалик бир фурсати билан сўзлашамиз, мен жоним билан...—қулимсиради «мансабдор».

Иван Петрович томоқ қириб ўтирган ерида бошини бурди; Иван Федорович яна гимирлаб қолди; бошлиқ-генерал энди князга заррача ҳам эътибор бермасдан «мансабдор»нинг хотини билан суҳбатлашиб ўтирарди; лекин мансабдорнинг хотинининг бир қулоғи бу ёқда, сарасоф ташлаб кўярди.

— Йўқ, биласизми, яхшиси, гапирганим тузук!—яна шитоб ва завқ-шавқ билан давом этарди князь чолга қарата алоҳида ва ўзгача бир ишонч билан сўзларкан.—Кеча менга Аглая Ивановна сўзлашни тақиқлаган эди, ҳатто қайси мавзуларда сўзлаш мумкин эмаслигини ҳам айтганди. У бундай ҳолларда менинг кулгили бўлиб кўринишимни билади! Мен йигирма еттига кирдим, лекин ҳалиям худди ёш болага ўхшашимни биламан. Мен ўз фикримни ифодалашга ҳақим йўқ, буни айтганимга анча бўлди; мен фақат Москвада Рогожин билан очиқдан-очиқ сўз-

¹ Майли, гапирсин (франц.).

лашганман... Биз у билан Пушкинни ўқиганмиз, ҳаммасини ўқиб чиққанмиз; у ҳеч нарсани билмасди, ҳатто Пушкиннинг номини ҳам эшитмаган экан. Мен доим ўзимнинг кулгили кўришим билан фикр ҳамда асосий ғояни қадрсизлантириб қўйишдан қўрқаман. Мен уйғун ҳаракатларга эга эмасман. Менинг ҳаракатларим доимо тескари натижа беради, шундан кулгили кўринаман ва бу ғояни таҳқирлайди. Менда меъёр туйғуси ҳам йўқ, меъёр эса энг муҳим нарса; ҳатто ҳаммасидан муҳимроқ... биламан, мен жим ўтиришим керак. Мен ҳам ўтирсам, ўзимга-ўзим ҳатто ақлли бўлиб кўринаман, бунинг устига жим ўтирганимда мулоҳаза юритаман. Лекин энди гапирганим тузук. Сиз шундай ажойиб экансизки, мен ҳадеб гапиргим келяпти; сизнинг юзингиз жуда нуроний! Мен кеча Аглая Ивановнага сўз берган эдим, жим ўтираман, оғзимни очмайман деб.

— Vraiment?¹ — жилмайди чол.

— Лекин мен баъзан шундай ўйлаб хато қилмаётганмикинман, деб қўяман: самимият ҳар қандай ясамаликдан устунроқ, шундай эмасми? Шундай эмасми?

— Баъзан.

— Мен ҳаммасини тушунтириб беришни истайман, ҳаммасини, ҳаммасини, ҳаммасини! О шундай! Сиз мени хаёлпараст деб ўйлайсизми? Тарғиботчи деяпсизми? О, ундаймас, худо ҳаққи, менинг барча фикрларим жуда содда бўлади... Сиз ишонмайсизми? Сиз куляпсизми? Биласизми, мен баъзан ўзимга-ўзим аблаҳ бўлиб кўринаман, чунки имонимни йўқотиб қўяётганга ўхшайман; мен боя бу ерга кела туриб шундай деб ўйладим: «Улар билан энди қандай гаплашаман? Улар тушунсинлар, деб қайси сўздан гапни бошласам экан?» Роса қўрқдим, лекин сиз учун ҳаммадан ҳам қўрқдим, даҳшат! Чунончи, нега мен қўрқиб ўтирибман, уят эмасми бировни деб қўрқиб ўтириш? Битта илғор одамга сон-саноксиз қолоқ ва ёмон одамлар тўғри келса нима қилибди? Хурсанд бўлиб кетаётганимнинг боиси шундаки, унчалар сон-саноксиз эмас экан, ҳаммаси, ҳаммаси жонли хом ашё экан! Биз кулги бўлиб кўринаётган бўлсак, бундан тортиниб ўтиришнинг ҳожати йўқ, тўғри эмасми? Филҳақиқат, ўзи аслида шундай: биз кулгилемиз, енгилтакмиз, ёмон одатланганмиз, зерикамиз, кўз қарашни билмаймиз, тушунишни билмаймиз, ахир биз ҳаммамиз ўзи шундай одамлармиз, ҳаммамиз, сиз, мен, улар! Ахир, мана, сиз хафа бўлаётганингиз йўқ-ку, кўзингизга қараб туриб сиз кулгилисиз, деб айтаётганимга? Шундай экан тагин ҳам сиз хом ашё бўлолмайсизми? Биласизми, менимча, баъзан кулги бўлиш ҳам яхши, ҳатто жуда соз: бир-бири-

¹ Наҳотки? (Франц.)

мизни дарров кечиримиз, дарров қаноат ҳосил қилишимиз мумкин; ҳаммасини бирдан тушуниб бўлармиди, бошлаганда тўғри камолотдан бошланмайди-ку! Камолотга эришиш учун олдин кўп нарсаларни тушунмаган бўлиш керак! Агарда жуда тез тушуниб олсак унда, чала тушунган бўлиб чиқамиз. Буни мен сизга айтаётирман, сиз жуда кўп нарсаларни тушуниб... ва тушунмай улгурган одамсиз. Мен энди сиз учун чўчимайман; ёш бола сизга шундай сўзларни айтиб ўтиргани учун хафа эмасмисиз? Сиз куляпсиз, Иван Петрович. Сиз ҳозир шундай деб ўйлаяпсиз: мен *улардан* қўрққан эдим, *уларнинг* адвокатларидан, демократларидан, бир-бирига тенг нотиқларидан?— асабий шарақлаб кулиб юборди у (тўхтаб-тўхтаб, бирдан қисқа шарақлаб хушчақчақ куларди у).—Мен сиз учун, ҳаммаларингиз учун ва ҳаммамиз учун қўрқаман. Мен ўзим асилзода князь бўламан ва бугун мен князлар билан ўтирибман. Мен ҳаммамизни қутқариш учун гапиряпман, олий табақа бекордан-бекорга йўқ бўлиб кетмасин, кўр одам каби тимирскиланиб, ҳеч нарсани билмасдан, бир-бири билан талашиб, уришиб, ғавғолашиб ва ҳаммасини бой бериб ўтиб кетмасин дейман. Илғор ва улуғ бўлиб қолиш тайин бўла туриб, нега энди йўқолиб кетиш, ўринни бошқаларга бўшатиб бериш керак экан? Илғор бўлайлик, шунда улуғ ҳам бўламиз. Хизматбардор бўлайлик, оқсоқол бўлишимиз осон бўлади.

У тўхтовсиз ўрнидан туриб кетмоқчи бўлар, лекин чол уни қўймай ушлаб ўтирар, шу билан бирга унга борган сари хавотирланиб қараб-қараб қўярди.

— Эшитинглар! Биламан, гапирган яхшимас: яхшиси, ибрат бўлиш, яхшиси бошлаб юбориш... мен бошлаб юбордим... ва-ва наҳотки чини билан ҳам бахтсиз бўлиш мумкин? О, агарда мен бахтиёр бўла олсам унда қайғуларим, шўришларимнинг нима қиммати бор? Биласизми, дарахт ёнидан ўтиб кета туриб уни кўраётганингдан бахтли бўлмаслик ҳам мумкинми ахир? Мен буни сира тушунмайман. Одам билан гаплашиб турсанг-да, у билан сўзлашаётганингдан наҳот бахтиёр бўлмасанг? О, мен фақат яхши ифодалайман... атрофда шунчалар гўзал ва латиф нарсалар кўпки, энг йўлдан озган одам ҳам уларни кўрганда кўзлари қувониб кетади, шундай эмасми? Сабий болага қаранг, яратганинг оқариб отаётган тонгига қаранг, кўкка тил тўзиб келаётган кўкатга қаранг, сизни яхши кўрадиган, сизга тўймай тикилаётган кўзларга қаранг...

У энди ўрнидан туриб олган кўйи сўзларди. Чол унга қўрқипа қараб турарди. Лизавета Прокофьевна ҳаммадан олдин фаҳмлаб қолиб: «Оҳ, худойим!»—деб қичқириб юборди ва қўлларини бир-бирига урди. Аглая шитоб билан князнинг олдига

югуриб келди ва уни қўллари билан бағрига олишга улгурди ва шўрликни «ларзага солган ва кунпаякун қилган руҳ»нинг ваҳшиёна фарёдини эшитиб юзлари қўрқинчдан ўзгариб кетди. Князь гиламда ётарди. Кимдир унинг бошига ёстиқ қўйишга улгурди.

Ҳеч ким буни кутмаганди. Бир оздан сўнг князь Н., Евгений Павлович, чол яна меҳмондорчиликни жонлантиришга уришиб кўрдилар, лекин яна ярим соатлардан сўнг ҳамма тарқалди. Анча-мунча дилхоҳ сўзлар айтилди, афсус-надоматлар қилинди, бир қанча мулоҳазалар ўртага ташланди. Иван Петрович ҳам гап ўртасида «ёш йигит сла-вя-н-параст ёки шунга ўхшаш бир нималарга тарафдор бўлса керак, лекин ҳар қалай бунинг хатарли жойи йўққа ўхшайди», деб қўйди. Чол эса ҳеч нарса демади. Рост, кейин эртасига ва учинчи кун ичун ҳаммаларни бир оз норози бўлишди; Иван Петрович ҳагто хафа ҳам бўлди, лекин хафа бўлганда ҳам андаккина. Бошлиқ-генерал бир неча вақтгача Иван Федоровичга совуққина муомала қилиб юрди. Хонадоннинг «ҳомийси», мансабдор ҳам ўз навбатида оила бошлиғига насиҳат йўсинида баъзи гапларни айтган бўлди, орада Аглаянинг тақдир қандай бўлишига бефарқ қарай олмайман, деб кўнгиш кўтариб ҳам қўйди. У чиндан ҳам бирмунча оқкўнгиш одам эди; лекин меҳмондорчилик пайтида князга қизиқиш билан қараганлигининг сабаблари ичида унинг Настасья Филипповна билан илгари бўлиб ўтган муносабатлари ҳам йўқ эмасди; бу гаплар унинг қулоғига ўз пайтида чалинган ва бунга ҳатто жуда қизиқиб қараган, князнинг ўзидан сўрамоқчи ҳам бўлганди.

Белоконская меҳмондорчиликдан жўнаб кетаркан, Лизавета Прокофьевнага деди:

— Хўш, десанг, яхши ҳам, ёмон ҳам; агар менинг фикримни билмоқчи бўлсанг, нима дердим, тентак экан. Ўзинг кўриб турибсан, қандай одам эканлигини, касал!

Лизавета Прокофьевна қаллиқ «бўлмайди», деган узил-кесил қарорга келди ва кечаси билан «то мен тирик эканман, Аглаяни ҳеч қачон князга бермайман», деб сўз олди, онт ичди. Эрталаб шундай кайфиятда турди. Лекин эрталабнинг ўзида нонушта қилиб бўлганларидан сўнг у яна ўзи билан ўзи олиша бошлади, яна қарама-қарши фикрлар талоши ўртасида қолди.

Опалари Аглаяга гоятда эҳтиёткорона савол бериб кўрдилар, Аглая кибру ҳаво билан совуққина қилиб шартта кесиб қўя қолди:

— Мен ҳеч қачон ҳеч қандай ваъда бермаганман унга, умримда ҳеч қачон уни ўзимга қаллиқ деб ҳисобламаганман. У мен учун бошқалар қатори бутунлай берона одам.

Лизавета Прокофьевна бирдан довиллаб кетди.

— Сендан шуни кутмаган эдим,— деди у ранжиб,— қаллиқликка ярамайди, майли, биламан, худога шукур, шундай бўлгани ҳам яхши, лекин мен сендан сира ҳам бундай сўзларни кутмаган эдим, жон болам! Сендан бошқача нарсани кутгандим. Мен кечагиларнинг барини ҳайдаб юбориб уни олиб қолган бўлардим, у ана шундай одам!..

Шунда у ўзи айтган сўзларидан ўзи қўрқиб кетиб тилини тишлаб қолди. Лекин шу дақиқаларда у қизига нисбатан қанчалар ноҳақлик қилганлигини билсайди? Аглая аллақачон ҳамма нарсани ҳал қилиб қўйган эди; у ҳаммасини ҳал қиладиган узил-кесил соатни кутарди, шунинг учун ҳар қандай ишора, ҳар қандай эҳтиётсиз муомала унинг қалбини оғир яралामоқда эди.

VIII

Князь учун ҳам бу тоғ оғир ҳиссиётлар билан бошланмоқда эди; буни унинг потоблиги билан изоҳлаш мумкин эди, лекин нега бунча ғамгин эканлигини ўзи ҳам билмас, мана шу нарса ҳаммадан ҳам унга кўпроқ азоб бермоқда эди. Рост, у аниқ, оғир, аччиқ нарсаларга дуч келган, лекин унинг қайғулари у ўйлаган ва эслаган нарсалардан кўра чуқурроқ илдизга эга эди. У ёлғиз ўтираверса бу оғир ҳолатдан қутулолмаслигини тушунарди. Аста-секин бугун менинг ҳаётимда узил-кесил бошқача бир ҳодиса албатта рўй беради, деган фикр унинг миясига қаттиқ ўрнашиб қолди. Кечаги рўй берган тутқаноқ бу сафар энгилгина ўтган эди. Ғамбода эканлигини, боши бир оз оғирлашиб турганлигини, бадани зилдай увушаётганлигини айтмаса, унчалик беҳуд эмасди. Мняси тиниқ ишлаб турар, лекин юраги безовта, носог эди. У анча кеч ўрнидан турди ва дарҳол кечаги меҳмондорчиликни эслади. Жуда ҳам аниқ бўлмаса-да, лекин тутқаноқ тутгач, ярим соатдан сўнг уни уйига келтириб ётқизганларини ғира-шира эсларди. Епанчинлардан одам келиб унинг аҳволидан хабар олиб кетибди. Соат ўн бир яримда яна одам келди; бундан князь хурсанд бўлиб, кўнгли кўтарилди. Ҳаммадан бурун унинг хузурига Вера Лебедева кириб келди, унинг ҳолини сўради, хизматингиз бўлса айтинг, қилай, деди. Вера князни кўрган заҳоти йиғлаб юборди, лекин князь уни дарҳол юпатди,—шунда қиз кулиб юборди. Қизнинг унга қилаётган мушфиқ меҳрибонлиги князга жуда қаттиқ таъсир қилди; у қизнинг қўлидан тутиб ўпиб қўйди. Вера қизариб кетди.

— Оҳ, қўйинг, қўйинг!—деб юборди у қўрқиб кетиб ва дарров қўлини тортиб олди.

Қиз тезда аллақандай уялганча чиқиб кетди. Шу орада у князга отасининг «марҳум»нинг олдига тонг қоронғисида кетганлигини, ўлдими йўқми, хабар олмоқчи эканлигини, генералнинг аҳволи оғирлашиб қолганлигини айтиб улгурди. Соат ўн иккида Лебедев уйга қайтиб князни кўргани кирди, «бебаҳо соғлиқларини билгани бир зумга кирдим», ва ҳоказо деди. Бундан ташқари «жавонча»га ҳам қараб қўймоқчи экан. У бирпас оҳ-воҳ қилиб ўтирди ва князь кўп ўтмай унга ижозат берди, лекин шунга қарамасдан, Лебедев кечаги тутқаноқ ҳақида ўсмоқчилаб сўрамоқчи бўлди, лекин башарасидан воқеанинг ҳаммасини ипидан-игнасиғача билиши кўриниб турарди. Лебедевдан сўнг бир зумга Коля шошиб кирди; у чиндан ҳам жуда бегоҳат бўлиб турар, оғир ташвишга ботганди. Коля княздан менга отамнинг бошидан нима ўтганлигини батафсил айтиб беринг, деб туриб олди, мендан ҳаммасини яшириб юришган экан, кеча кўп нарсаларни ўзим билиб олдим, деди. У қаттиқ ларзага тушган эди.

Князь бўлиб ўтган воқеаларни аниқ қилиб ётиғи билан оғир ботмайдиган тарзда айтиб берди ва шунда бола шўрликни худди яшин ургандай бўлди. У жимгина куюниб йиғлади. Князь ўсмир энди буни бир умр унутмаслигини, унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборишини тушунарди. У бунга ўзининг қандай қарашини тушунтиришга ошиқди, чол буни билмай қилиб қўйган, шундан кейин қилган ишидан даҳшатга тушиб ўзини ўлим остонасиғача олиб борган, бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келар-вермайди, деб боланинг кўнглини кўтарган бўлди. Князнинг гапларини эшитиб бўлгач, Колянинг кўзлари ялтираб кетди:

— Ганька, Варя, Птицин ярамаслар! Мен улар билан жанжаллашиб ўтирмайман, лекин шу ондан бошлаб бизнинг йўлларимиз бошқа-бошқа бўлади. Оҳ, князь, мен кечадан бери нималарни бошимдан кечирмадим; менга сабоқ бўлди! Ойим ҳам энди ўзимнинг қўлимда бўлади; у киши Варянинг уйида муҳтожлик билмасалар ҳам, лекин буларнинг бари бошқача...

У ҳали мени кутиб ўтиришибди, деб сакраб ўрнидан турди, шоша-пиша княздан ҳол-аҳвол сўради, жавоб эшитиб бўлгач, шошилиб қўшимча қилди:

— Бошқа гап йўқми? Эшитдимки, кеча... (айтганча, бунга менинг ҳақим йўқ), лекин қачон бўлмасин, қандай бўлмасин, сизга садоқатли бир хизматчи керак бўлиб қолса, у, мана, қошингизда турибди. Афтидан, биз икковимиз ҳам бирмунча бахтсиз одамларга ўхшаймиз, шундайми? Лекин... мен сўраб ўтирмайман, сўраб ўтирмайман...

У кетди, князь эса яна ҳам қаттиқроқ ўйланиб қолди: ҳаммалари бахтсизликдан башорат қилишяпти, ҳаммалари бир

хулосага келишган, ҳаммалари худди бир нарсани биладигандай қарашади, улар билишади-ю, фақат князь билмайди гўё; Лебедев ўсмоқчилаяпти, Коля ишора қиляпти, Вера эса йиғлаяпти. Ниҳоят, у ҳафсаласи пир бўлиб қўлини силтади: «Лаънати бадгумонлик!»— деб ўйлади у. Соат иккиларда ўзини кўришга келаётган Епанчиналарни кўриб унинг чеҳраси очилди, Епанчиналар «бир зумга» киришган экан. Ростдан ҳам шундай бўлиб чиқди. Лизавета Прокофьевна нонуштадан сўнг ҳаммамиз биргаликда сайилга чиқамиз, деб эълон қилди. Қисқа, қуруқ, изоҳсиз айтилди бу буйруқ. Ҳаммалари ташқарига чиқдилар, қизлар, Лизавета Прокофьевна, князь Ш. Лизавета Прокофьевна эшикка чиқишлари билан ҳар куни юриладиган йўлдан бутунлай тескари томонга қараб юрди. Ҳаммалари нима гап эканлигини англашар, лекин унинг қаҳрини келтирмаслик учун индашмас, Лизавета Прокофьевнанинг ўзи эса худди эътироз ва таъналардан қўрққандай ҳаммадан олдинда орқасига қарамай борарди. Охири Аделаида сайилга чиққан одам бундай чопмайди, ойнимга етиб юролмаямиз, деб қўйди.

— Менга қаранглар,— деб орқасига ўгирилди бирдан Лизавета Прокофьевна,— ҳозир унинг уйи олдидан ўтамиз. Аглая нима деб ўйламасин ва кейин нима рўй бермасин, у бизга бегона эмас, бунинг устига ҳозир тоби йўқ ётибди шўрлик; мен ҳар қалай уни кўриб чиқаман. Ким хоҳласа, мен билан кирсин, хоҳламаса, индамай ўтиб кетаверсин; йўл очиқ.

Албатта, ҳаммалари кириб бордилар. Князь одатига кўра яна кечаги ваза ҳамда... жанжал учун узрхоҳлик қилди.

— Майли, зарари йўқ,— деб жавоб берди Лизавета Прокофьевна,— вазага ачинмайман, сенга ачинаман. Ўзинг ҳам сезибсан-ку, жанжаллигини: «эртасига эрталаб...» деганлари шу экан-да, майли, бунинг ҳам знёни йўқ, чунки энди ҳамма кўриб, билди сенинг нималарга қобил эканлигингни. Майли, яхши қол; агар қувватинг етса, бир оз сайр қил, сўнг ётиб дамингни ол — сенга маслаҳатим шу. Истасанг, илгаригидай бизникига кириб борарсан; шунга амин бўлгинки, нима бўлмасин, қандай иш рўй бермасин, сен доимо хонадонимизнинг ҳабиби бўлиб қоласан, жилла қурса, менинг ҳабибимсан. Ҳар ҳолда, мен ҳали ўзим учун ўзим жавоб бераман...

Ҳаммалари онанинг бу сўзларини чувиллашиб қўллашди. Улар чиқиб кетдилар, аммо мана шу шошилишча айтилган юпанч ва тасалли сўзларида аллақандай раҳмсизлик бор эди, лекин бу Лизавета Прокофьевнанинг хаёлига ҳам келгани йўқ. «Илгаригидай» бориб тур, «ҳар ҳолда», деб айтилган сўзлар алланарсалардан дарак берарди. Князь Аглаяни кўз ўнгига келтира бошлади; рост, қиз кириб келганда ва чиқиб кетаёт-

ганда унга жуда ҳам ширин кулиб қўйди, лекин ҳатто ҳамма дўстона хайрихоҳлик сўзларини айтаётган чоғда ҳам жим турди, лекин икки маротаба унга диққат билан қараб қўйди. Кечаси ёмон ухлаган бўлса керак, унинг юзи одатдагидан кўра оқарганроқ эди. Князь кеч бўлиши биланоқ уларникига «илгаригидай» кириб боришга қарор берди ва орзиқиб соатига қаради. Епанчиналар кетишгандан сўнг роса уч минут ўтгач, Вера кириб келди.

— Менга Аглая Ивановна сизга икки оғиз сўз айтиб қўйишни топширдилар, Лев Николаевич.

Князь титраб кетди.

— Хатми?

— Йўқ, оғзаки айтиб қўй, дедилар; зўрға улгурдилар. Бугун уйдан то кечқурун етти-саккизларгача чиқмас экансиз, шу ерда қимирламай ўтирар экансиз, лекин соатини яхши эшитолмай қолдим.

— Ҳа... нимага экан? Бу нима дегани?

— Бундан сира хабарим йўқ; фақат албатта тайинлаб айтиб қўй, деди.

— «Тайинлаб», дедими?

— Йўқ, аниқ шундай демади: менга зўрғагина айтиб улгурди, яхшиям ўзим ёнига чопиб борган эканман. Лекин қаттиқ тайинлаётгани юзидан билиниб турарди. Менга шундай қилиб қарадики, юрагим орқамга тортиб кетди...

Князь яна бир қанча саволлар бериб кўрди, лекин бошқа ҳеч нарса билолмади, лекин олдингидан ҳам қаттиқроқ хавотирга ботди. Бир ўзи қолгач, диванга ётиб ўйлай бошлади. «Балки соат тўққизгача уларнинг уйларига биров келар, яна мендан чўчиётгандир бир кор-ҳол қилиб қўймасин деб»,—деган фикрга келди у охири ва бесабрлик билан кеч бўлишини кутиб дам сайин соатига қарай бошлади. Лекин жумбоқ кечга бормасданоқ ечилгандай бўлди, унинг ҳузурига яна бир одам кириб келди ва жумбоқ ечилди, лекин ечилиб яна оғир бир жумбоқ ўртага чиқди: Епанчиналар чиқиб кетишгандан сўнг роса ярим соат ўтгач, князнинг олдига Ипполит кириб келди, у ҳаддан ташқари ҳорғин ва хароб аҳволда эди, уйга кириб келди-ю, бир оғиз ҳам гапирмасдан дарров ўзини ўриндиққа ташлади ва худди ҳушини йўқотгудай бўлиб қувиллаб йўтала бошлади. Йўтала-йўтала зўриқиб кетганидан лабларининг четида қон кўринди. Унинг кўзлари йилтирар, ёноқларига қизил парчалар тошганди. Князь унга алланимадир деди, лекин Ипполит шошмай туринг, дегандай қўлини силтаб қўйиб анчагача ўз йўтали билан овора бўлди. Ниҳоят у ўзига келди.

— Жўнаяпман!— деди у зўрға хириллаган товуш билан.

— Майли, истасангиз, мен сизни кузатиб қўяман,— деди князь ўрнидан қўзғаларкан, уйдан ташқарига чиқманг, деган гапни эслаб қолиб бекор қилдим, дегандай ачиниб.

Ипполит кулиб юборди.

— Мен сизнинг олдингиздан кетаётганим йўқ,— деб гапида давом этди Ипполит бўғилиб зўрға нафас оларкан,— мен аксинча, сизнинг олдингизга зарур бир иш билан келдим... бўлмаса, сизни безовта қилиб ўтирмасдим. Мен нариги ёққа жўнаб кетяпман, энди ҳазилга ўрни қолмади. Тамом! Сизнинг раҳмингизни келтириш учун айтаётганим йўқ, ишонинг... мен бугун эрталаб соат ўндан то сўнги нафасгача энди ўрнимдан турмайман, деб аҳд қилиб ётган эдим, лекин яна фикрим ўзгариб қолди ва сизни кўриб келай, деб ўрнимдан қўзғалдим... демак, зарур иш билан келдим.

— Жуда мазангиз қочиб қолибди; ўзингиз овора бўлмасдан мени айтиб юборсангиз ҳам бўларди, ўзим борардим.

— Майли, бўлди қилайлик шу гапни. Асилзодаларга хос одоб билан менинг ҳолимга ачиниб қўйдингиз, шунинг ўзи етарли деб ўйлайман... Ҳа-я, ушутибман: ўзингизнинг соғлигингиз қандай?

— Мен соғман. Мен кеча унчалар...

— Эшитдим, эшитдим. Хитой вазасини тушириб юборибсиз; эсиз, менинг бўлмаганимни қаранг! Мен иш билан келдим. Биринчидан, мен бугун Гаврила Ардалионович билан Аглая Ивановнани кўк скамейкада учрашганларини кўриш шарафига муяссар бўлдим. Одам ҳам шунчалар аҳмоқона кўринишга эга бўларканми, деб ёқамни ушлаб қолибман. Гаврила Ардалионович кетгандан сўнг бу фикримни Аглая Ивановнанинг ўзларига маълум қилдим... Назаримда, сиз, князь, ҳеч нарсадан ажабланмайдиган бўлиб қолибсиз-ку,— деб қўшиб қўйди у князнинг хотиржам чеҳрасига ишонмасдан қараркан,— ҳеч нарсага ҳайрон бўлмаслик катта ақлдан дарак беради, дейишади; лекин, менимча, бу айни замонда ўтакетган тентакликнинг белгиси бўлиши ҳам мумкин... Дарвоқе, мен сизни айтаётганим йўқ, кечиринг... Мен бугун ҳеч гапимни топиб гапиролмаяпман.

— Мен кеча билган эдим, Гаврила Ардалионович...— деб тилини тишлаб қолди князь, Ипполит унинг бу гапга қизиқмаётганлигидан тажанг бўлмоқда эди.

— Билган эдингизми! Ана холос! Майли, керакмас, айтмай қўя қолинг... Бугун учрашувга гувоҳ бўлмадингизми ишқилиб?

— Агар сиз у ерда ўтирган бўлсангиз, кўзингиз тушган бўларди.

— Э, балки буталарнинг панасида ўтиргандирсиз писиб. Ҳар ҳолда, нима бўлмасин, мен еиз учун хурсандман, мен ўй-

лабманки, улоқни Гаврила Ардалионович олиб кетиб қолдим деб!

— Мен сиздан илтимос қиламан, Ипполит, менга бу ҳақда гапирмасангиз, яна бундай сўзлар билан.

— Ҳаммаси ўзингизга маълум экан-да.

— Сиз янглишяпсиз. Мен унча кўп нарсаларни билмайман, Аглая Ивановна ҳам билади менинг билмаслигимни. Мен ҳатто ўша учрашув хусусида ҳам ҳеч нарса билмас эдим... Сиз улар учрашдилар, деяпсизми? Майли, бўпти, қўяйлик шу гапларни...

— Э, қанақасиз ўзингиз, дам биламан дейсиз, дам билмайман? Сиз бас қилайлик деяпсиз-а? Йўқ, бунчалар ишонаверманг одамларга! Айниқса, ҳеч нарсадан хабарингиз бўлмаса. Сиз ҳеч нарсадан хабарингиз бўлмагани учун ҳам бунчалар ишонувчансиз. Сиз биласизми, бу ака-сингил нималарни хомчўт қилиб юрганларини? Балки андак бўлса ҳам гумонсирагандирсиз?... Майли, майли, бошқа гапирмайман...— деб қўшиб қўйди у князнинг сабрсизланганлигини кўриб,— лекин мен ўз ишим билан келдим ва шуни... гаплашиб олмақчиман. Қуриб кетсин, бировга бир нарсани тушунтирмасдан ҳам ўлиб бўлмайди; бунчалар менинг гап тушунтиришим кўп бўлмаса. Айтаверайми?

— Айтинг, қулогим сизда.

— Мен барибир яна фикримни ўзгарттирдим: ҳар қалай, яна гапни Ганечкадан бошлайман. Қаранг, бугун менга ҳам кўк скамейкага келиш тайинланган эди. Майли, ёлғон сўзлашни истамайман: мен ўзим учрашишни илтимос қилдим, сизга айтадиган сирли бир гапим бор, дедим. Билмайман, вақтлироқ бориб қолган эканманми (афтидан, ҳақиқатан, барвақт бориб қолибман шекилли), Аглая Ивановнанинг ёнига ўтиришим билан Гаврила Ардалионович билан Варвара Ардалионовна қўлтиқлашиб келиб қолишди худди ўзларини сайр қилиб юргандай кўрсатиб. Назаримда, мени кўриб жуда ажабланиб қолишди, кутмаган бўлсалар керак, ҳатто уялиб ҳам кетишди. Аглая Ивановна қизариб кетди, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳатто жиндак ўзини йўқотиб қўйди, мен ўтирганим учунми ёки Гаврила Ардалионовични кўрганиданми, билмайман, Ганечканинг ўзи ҳам жуда алламбало эди, лекин Аглая Ивановна ловиллаб қизариб кетди-ю, ҳаммасига бир зумда кулгили бир тарзда барҳам берди: ўрнидан туриб, Гаврила Ардалионовичнинг таъзимига, Варвара Ардалионовнанинг хушомад қилиб жилмайганига жавоб берди ва бирдан шартта шундай деди: «Сизнинг самимий ва дўстона муносабатингиз учун шахсан ўзимнинг миннатдорчилигимни изҳор қилиб қўймоқчи эдим, холос ва мабодо менда бу муносабатларга яна зарурат туғилса, амин бўлингки...» Шундай деб, у таъзим қилиб қўйди ва ака-сингил жўнаб кетишди, аҳмоқ

бўлиб қолишдими ё хурсанд бўлишдими, билмайман; Ганечка, албатта, аҳмоқ бўлиб қолди; унинг ҳеч нарсага ақли етмай, худди ўпкадай қизариб кетди (унинг юзи баъзан жуда қизиқ бўлиб кетади!), лекин Варвара Ардалионовна бу ердан тезроқ кетиш кераклигини, Аглая Ивановнадан бундан ортигини кутиш мумкин эмаслигини тушунди ва акасини нари олиб кетди. Синглиси акасидан ақллироқ ва энди унга ана сенга айтмовдимми, деётган бўлса ажабмас. Мен эса Аглая Ивановнанинг олдига Настасья Филипповна билан бўладиган учрашув хусусида борган эдим!

— Настасья Филиповна билан!— деб қичқириб юборди князь.

— Аҳа! Сипогина ўтирган одам нега энди ажабланиб қолдингиз? Жуда хурсандман, сиз энди инсонга ўхшай бошладингиз. Бунинг эвазига мен сизни кўнглингизни чоғ қиламан. Навқирон ва дилбар қизларга хизмат қилишнинг ўзи бўлмайди: мен бугун ундан тарсаки едим!

— М-маънавийми?— беихтиёр оғзидан чиқиб кетди князнинг.

— Ҳа, албатта, жисмоний эмас. Назаримда, менга ўхшаган одамга биронта ҳам кимсанинг қўл кўтаргиси келмаса керак, ҳатто аёл кишининг ҳам энди қўли бормаса керак; ҳатто Ганечка ҳам уролмайди! Кеча мен у мени калтакласа керак деб ўйловдим... Бас бойлайманки, ҳозир нимани ўйлаётганлигингизни биламан. Сиз ҳозир: «Уни уриб бўлмайди, лекин ухлаб ётганида бошини ёстиқ ёки ҳўл латта билан босиб, бўғиб ўлдириш мумкин,— рост, шундай қилган ҳам тузук...»— деб ўйлаб турибсиз. Шу дамда нимани ўйлаётганлигингизни юзингиздан билса бўлади.

— Мен ҳеч қачон бундай деб ўйламаганман!— ғижиниб деди князь.

— Билмадим, кечаси туш кўрибман, тушимда мени бир одам ҳўл латта билан бўғибди... ким, биласизми... Рогожин! Ҳўл латта билан одамни бўғиб ўлдириш мумкинми, билмайсизми?

— Билмайман.

— Мен бўғиб ўлдирса бўлади, деб эшитган эдим. Майли, бошқа гапирмайман. Нега мен бундай ғийбатчи бўлиб қолганман? Нега у мени бугун ғийбатчи деб қарғади? Ҳаммасини оқизмай-томизмай сўраб олди-да, кейин шундай деди, яна қайта-қайта сўраб олганини айтмайсизми... Лекин хотинлар ўзи шунақа! Уни деб мен Рогожин билан муомала қилиб юрибман, жуда қизиқ одам экан Рогожин; уни Настасья Филипповна билан қандай учраштираман экан, қандай қилсам, унга яхши бўлар экан, деб бош қотириб юрибман. Унга сиз Настасья Филипповнадан қолган сарқитларга қизиқиб юрибсиз, дедим,

шунинг учун менга ғийбатчисиз дедимикин? Ахир мен унинг манфаатини кўзлаб шундай деб тушунтирган эдим, бўйнимга оламан, мен шу маънода унга иккита хат ҳам ёзган эдим, бугунгиси учинчиси, у билан ўзим кўришдим... Мен боя гапни ҳам шундан бошладим, сиз ўзингизни ерга урманг, дедим... Нафсиламрга, «сарқит» деган сўзнинг ўзи ҳам мендан чиқмаган, буни бировнинг оғзидан эшитгандим; ҳар қалай, Генечканинг уйида ҳамманинг оғзида шу сўз эди; унинг ўзи ҳам буни тасдиқлади. Шундай экан, нега энди мени бекордан-бекорга ғийбатчи дейди? Кўриб турибман, кўриб турибман: менга қараб туриб жуда кулгингиз қистаяпти, бас бойлайманки, менга қараб туриб ёдингизга аҳмоқона бир шеър келди:

Умримнинг қайгули шонида балким,
Видо хандаси-ла балқийди севгим.

— Ха-ха-ха!— асабий суратда қаҳқаҳлаб кулди у бирдан ва йўтала бошлади.— Қаранг,— деб хириллади у йўталини тўхта-толмасдан,— Генечканинг расволигини: «сарқит» ҳақида оғзинмай гапиради, ўзи эса нима қилмоқчи бўлиб юрибди!

Князь анчагача индолмай қолди; у даҳшатга тушди.

— Настасья Филипповна билан учрашмоқчи дедингизми?— деб ғўлдираб сўради у.

— Наҳотки билмасангиз, бугун Аглая Ивановна Настасья Филипповна билан кўришмоқчи, Настасья Филипповна атай шунинг учун бу ерга келади, Рогожин ўртага тушди, мен воситачилик қилдим, ҳозир Настасья Филипповна Рогожин билан Дарья Алексеевнаникига келиб тушишган, бу ердан унчалик узоқ эмас, олдин ҳам ўша бой хотинникида турган эдилар... Дарья Алексеевна тушуниб бўлмайдиганроқ хотин, Настасья Филипповнанинг дугонаси, Аглая Ивановна бугун Настасья Филипповна билан чақчақлашгани, ҳар турли масалаларни ҳал қилгани ўшаларнинг ғалати, тушуниб бўлмайдиган уйига боради. Ҳисоб-китоб қилиб олишмоқчи. Билмасидингиз? Ростини айтинг?

— Бўлмаган гап!

— Бўлмаган гап бўлса, яхши эди; айтганча, сиз қаердан ҳам билардингиз? Лекин бу ерда пашша ногоҳ учиб ўтса, дарров ҳаммага маълум бўлади: шунақа жой бу ер! Бироқ мен сизни огоҳлантириб қўйдим, мендан миннатдор бўлсангиз арзийди. Майли, хайр бўлмасам — энди кўришсак ҳам нариги дунёда кўришармиз балки. Ҳа, ёдимдан кўтарилай дебди: мен сизнинг олдингизда аблаҳлик қилдим, чунки... мен ҳам ўз ҳақимни қўймайман, нега энди индамай кетаверишим керак экан, ўзингиз

ўйлаб кўринг? Сизнинг ҳузур-ҳаловатингизни ўйлашим керакми-ди? Ахир, мен унга ўзимнинг ихзори дилимни бағишлаганман (сизнинг бундан хабарингиз йўқмиди?!). Унинг қандай қабул қилганлигини кўрсайдингиз! Ҳе-ҳе! Лекин мен унинг олдида аблаҳлик қилганим йўқ, унинг қошида заррача ҳам гуноҳкор эмасман; у бўлса, мени шарманда қилди, менга панд берди... Айтганча, мен сизнинг қошингизда ҳам асло гуноҳкор эмасман; агар у ерда «сарқит-парқит» ҳақидаги гапларни айтган бўлсам ҳам, лекин мана энди эвазига сизга бўладиган учрашувнинг жойини, вақтини айтиб беряпман, уларнинг бутун сир-асрорларини сизга очиб бердим... ғашим келганидан шундай қиляпман, менда олижаноблик не қилсин. Алвидо, мен худди дудуқ ёки сил одамдай жуда маҳмадона бўлиб кетганман; кўзингизга қаранг энди, қўлингиздан келган чорангизни кўринг, агар сизда жиндаккина одамгарчилик қолган бўлса. Улар бугун кечқурун учрашадилар, рост айтяпман.

Ипполит эшикка қараб йўл олди, лекин князь чақирди ва у яна орқасига қаради.

— Сизнингча, Аглая Ивановнанинг ўзи Настасья Филипповнанинг олдига борадими?— деб сўради князь. Унинг икки бети ва манглайига қизил доғлар тошиб кетганди.

— Анигини билмайман, лекин шундай бўлса керак,— деди Ипполит ярим ўгирилганча,— бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Настасья Филипповна унинг олдига келмаса керак ахир? Ганечканикида ҳам учрашолмасалар керак? Отаси оғир ётибди. Генерални айтаман.

— Шунинг учун ҳам у ерда эмасдир!— деб унинг гапини тасдиқлади князь.— Агар хоҳлаган тақдирда ҳам у қандай қилиб чиқади? Сиз уларнинг хонадонидаги... одатларни билмай-сиз: унинг бир ўзи Настасья Филипповнанинг ҳузурига бориши мумкин эмас; бўлмаган гап!

— Ана, кўрдингизми, князь; ҳеч ким ўзини деразадан ташлагиси келмайди, лекин уйга ўт тушса, энг манаман деган олифта эркак билан манаман деган аёл ҳам ўзини деразадан ташқарига отади. Эҳтиёж туғилгандан кейин зарурат юзасидан бизнинг оймқизимиз ҳам Настасья Филипповнанинг олдига йўл олади. Нима, сизнинг оймқизларингизни уйдан ҳеч қаёққа чиқаришмайдимиз?

— Йўқ, ундай демоқчи эмасдим...

— Ундай бўлмаса, бу қиз остонадан эшикка ҳатлаб чиқдим, тамом, кейин уйга қайтиб киргиси келмай қолади. Шундай воқеалар бўлиб ўтган, кемаларни ҳам баъзан ёндириб юборишган ва баъзан уйга ҳам қайтиб бормаслик мумкин: ҳаёт нонуштаю тушликлар ва князь Ш.лардангина иборат эмас. Сиз Аглая

Ивановнани ойимқиз ёки ўқувчи қиз деб ўйлаётганга ухшайсиз; мен унга бу хусусда ҳам айтиб ўтдим; у менинг фикримга қўшилди шекилли. Соат етти ёки саккизларда кутинг... Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, у ерга бировни қоровуллик қилгани юборардим, унинг уйдан қачон чиқишини аниқ билиш учун. Жуда бўлмаганда Коляни юборинг; у жон деб айғоқчилик қилади, ишончингиз комил бўлсин, сизни деб албатта... чунки буларнинг ҳаммаси шунчаки гаплар, ҳаммаси... Ха-ха!

Ипполит чиқиб кетди. Князь шундай пастликка борган тақдирда ҳам унга бировнинг айғоқчилик қилишининг ҳожати йўқ эди. Аглаянинг уйда қимирламай ўтиринг, дегани энди аён бўла бошлаганди: балки қиз унинг олдига келмоқчидир. Рост, балки у князнинг бохабар бўлиб қолишини истамай уйдан чиқмай ўтиринг, деб амр этгандир... Шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Князнинг боши айланарди; уй унинг кўз ўнгида гириллаб чарх урмоқда эди. У диванга ётди-ю, кўзларини юмди.

Қандай бўлмасин, гишт қолипдан кўчганди. Йўқ, князь Аглаяни ойимқиз ёхуд ўқувчи қиз деб ҳисобламасди; у ҳозир анчадан бери худди шунга ўхшаш бир нарса рўй беришидан чўчиб юрганлигини англади; лекин Аглая нега уни кўрмоқчи? Князнинг бадани увушиб, эти живирлашиб кетди; у яна иситмалай бошлаганди.

Йўқ, у қизни ёш бола деб ҳисобламасди! Кейинги пайтларда қизнинг баъзи қарашлари, гоҳи сўзлари князни даҳшатга соларди. Унга баъзан қиз ўзини базўр тутиб, шайтонга ҳай бериб, ўзини босиб тургандек бўлиб кўринар ва мана шу нарса князни чўчитарди. Рост, князь шу кунлар ичида бу тўғрида ўйламасликка уринди, оғир хаёлларни ўзидан нари қувди, лекин бу қизнинг дилида нима бор? Анчадан бери уни шу жумбоқ ўртаб келар, ваҳоланки, у қизнинг қалбига ишонарди. Мана энди шуларнинг бари бугун аён бўлиши, ҳал этилиши керак. Қандай даҳшат! Ва яна — «анави хотин!» Нега унга ҳар доим мана шу хотин энг сўнги дақиқаларда яна пайдо бўлиб, унинг тақдирини чириган ип мисоли узиб ташлайдигандай туюларди? Ҳа, юраги шундай бир нарсани доим сезиб юрар, ҳозир буни қасам ичиб айтиши мумкин эди иситмалаб алаҳлаб ётган бўлишига қарамасдан. Князь кейинги пайтларда уни унутишни истаган ва шунга ҳаракат қилган бўлса, буни ёлғиз ундан кўрққанидан қилди. Хўп: бу хотинни у севадими ё ёмон кўрадимми? Бугун у бирон марта ҳам бу ҳақда ўйлаб кўргани йўқ. Бу хусусда унинг қалби пок эди: у кимни севишини биларди... У уларнинг учрашишларидан, бу учрашувнинг ғалатилигидан, унинг сабаблари ўзига қоронғилигидан, нима натижа билан тугашидан кўрқаётгани йўқ эди — у Настасья Филипповнанинг

Ўзидан қўрқаётган эди. Кейин, бир неча кун ўтгач, князь мана шу изтиробли соатларда унинг кўзлари, унинг нигоҳларини кўз ўнгига келтирганлигини, унинг аллақандай жуда ғалати сўзлари ҳадеб қулоғига чалинаверганлигини эслаб юрди, албатта, қўрқинчли иситма аралаш алаҳлаш билан ўтган ушбу юракни сиқадиган дамлардан жуда оз нарсалар унинг ёдида қолганди. У Вера тушлик олиб келганлигини ҳам эс-эс билади, овқатланиб бўлгач, ухладими, ухламадими, буни ҳам эслолмайди. Шунда бирдан унинг қошига Аглая кириб келди ва князь дивандан сакраб туриб кетди, қизни қаршилагани хона ўртасига юриб борди: шунда соат еттидан ўн беш минут ўтганди ва у шу оқшом ушбу дақиқадан бошлаб ҳамма нарсаларни жуда аниқ илғай бошлаганлигини билади, холос. Аглая ёлғиз ўзи эди, шошилиб одмигина кийинган, енгилгина мурсакда эди. Унинг юзи боягидай оқариб турар, кўзлари ярақларди; унинг кўзлари илгари шундай боққанлигини князь сира ҳам кўрмаганди. Қиз князга диққат билан разм солди.

— Тайёр экансиз,— деди қиз жуда секин ва хотиржам,— кийиниб олибсиз, шляпангиз ҳам қўлингизда; демак, сизни огоҳлантиришибди чамамда, биламан сизга ким айтганлигини: Ипполитми?

— Ҳа, у менга айтган эди...— деб пичирлади князь ҳуши бошидан учиб.

— Унда юринг: биласизми, сиз албатта у ерга мени бошлаб боришингиз керак. Эшикка чиқишга қурбингиз етар дейман?

— Қурбим етади, лекин... шундай қилиш мумкинми ўзи?

У қути ўчиб дарров тўхтаб қолди ва бошқа ҳеч нарса деёлмади. У тентак қизни йўлдан қайтаришга шу тариқа бир марта уриниб кўрди, сўнг у қизнинг кетидан худди қулдай эргашди. Унинг хаёли қанчалар паришон ва хира бўлмасин, қиз князь борса-бормаса, ўзи у ерга албатта боражагини ҳар қалай тушунар ва шунинг учун ҳам у билан бирга боришим керакдир ҳойнаҳой деб ўйларди. У қизнинг қарори қатъий эканлигини сезиб турарди; бу ёввойи истакни тўхтатишга у ожиз эди. Улар йўл бўйи индамай жим бордилар. У қизнинг йўлни яхши билишини пайқаб қолди, князь холироқ, хилватроқ кўчадан ўтиб боришни унга айтганда, қиз худди диққат билан қулоқ солгандай бўлди-да, сўнг кескин қилиб: «Барибир!»— деди. Улар Дарья Алексеєвнанинг оғочдан қурилган ҳайҳотдай эски уйига яқинлашганларида ичкаридан башанг кийинган бир хоним билан навраста бир қиз чиқиб келишди; улар овозларини баралла қўйиб сўзлашган ва кулишганча эшикда кутиб турган ҳашаматли извошга ўтирдилар ва бирон маротаба ҳам келаёт-

ганларга қарамадилар, гўё пайқамадилар. Извош ўрнидан жилган заҳоти эшик очилиб, Рогожин кўринди, у Аглая билан князни ичкарига киритиб эшикни ёпди.

— Уйда тўртовимиздан бошқа ҳеч ким йўқ,— деди у овозини чиқариб ва князга ғалати қилиб қараб қўйди.

Уларни биринчи хонада Настасья Филипповна кутиб ўтирарди, у бошдан-оёқ қора либос кийган, кийимлари содагина эди; у кириб келувчиларни қаршилагандай ўрнидан турди, лекин табассум қилмади ва ҳатто князга қўлини ҳам узатмади.

У Аглаяга безовта бир нигоҳ билан зеҳн солиб тикилиб турарди. Улар бир-бирларидан олисроққа: Аглая хона бурчагидаги диванга, Настасья Филипповна дераза олдига ўтирдилар. Князь билан Рогожин тик туриб қолдилар, уларни ўтиришга таклиф қилганлари ҳам йўқ. Князь ажабланиб, изтироб ичра Рогожинга қаради, лекин Рогожин ҳамон ўшандай илжайиб турарди. Жимлик яна бир неча сония давом этди.

Ниҳоят Настасья Филипповнанинг юзига аллақандай хунук бир шарпа соя солиб ўтди; унинг нигоҳи тобора қаттиқ бўла бормоқда эди, у меҳмонидан алам ва нафрат акс этган кўзларини узмасди. Аглая бир оз довдираб қолган, лекин дадил эди. У бу ерга киргандан сўнг рақибасининг юзига бир қараб қўйган кўйи ҳамон худди ўйга толгандай енг ҳимариб ўтирарди. Бир-икки маротаба билмаган кишидай уй ичига назар ташлади: худди ифлос нарсага тегиб кетишдан қўрққан одамдай унинг юзида йирганч акс этди. У беихтиёр қўйлак-либосларини тузатган бўлди, ҳатто бир марта безовталаниб жойини ўзгартириб ўтирди, диваннинг бурчагига сурилиб олди. Афтидан, у ўзининг нима қилаётганлигини яхши англамасди; лекин худди мана шу нарса киши кўнглини қаттиқроқ оғритарди. Ниҳоят у Настасья Филипповнанинг кўзларига тик ва дадил боқди ва унинг қаҳр билан йилтираган кўзларидан ҳаммасини дарҳол уқиб олди. Аёл киши аёл кишини дарров тушунади; Аглая титраб кетди.

— Сизни нимага чақирганлигимни билсангиз керак,— деди секин Аглая ниҳоят, у шунчалар секин гапирдики, ҳатто шу қисқа жумлани икки бўлиб айтди.

— Йўқ, ҳеч нарасдан хабарим йўқ,— деб жавоб берди Настасья Филипповна қуруқ ва қисқа қилиб.

Аглая бўртиб кетди. Шу унга эҳтимол «бу хотиннинг» уйда у билан бирга ўтиргани ва ундан жавоб кутаётгани ўзига жуда ҳам ғалати кўриниб кетган бўлса керак. Настасья Филипповнанинг овозини эшитиши биланоқ Аглая худди сескангандай, эти жимирлашиб кетгандай бўлди. Бунини «анави хотин» албатта дарров пайқади.

— Сиз ҳаммасини тушуниб турибсиз... лекин ўзингизни атай тушунмаганга оласиз,— деб пичирлади Аглая қовоғини солганча ерга тикилиб.

— Нега энди шундай бўларкан?— деб пичагина кулимсираб қўйди Настасья Филипповна.

— Сиз менинг вазиятимдан фойдаланмоқчисиз... мен ахир сизнинг уйингизда ўтирибман,— деб кулгили тарзда ўнгайсизланганча давом этарди Аглая.

— Бунга айбдор сиз, мен эмас!— жаҳли қўзиб деди Настасья Филипповна.— Мен сизни таклиф қилганим йўқ, сиз мени таклиф қилдингиз ва мен ҳанузгача нега чақирганингизни билмай ўтирибман?

Аглая кибр билан бошини кўтарди.

— Тилингизни тийинг; мен сиз билан бундай қурол билан жанжаллашгани келганим йўқ...

— Ҳа! Сиз демак, ҳар қалай, жанжаллашгани келган экансиз-да? Буни қаранг-а, мен шўрлик сизни пича... ақллироқ деб ўйлаган эканман...

Улар энди бир-бирларига нафратларини яширмасдан тикилардилар. Бу аёлларнинг бири яқингинада иккинчисига ҳалигидай мазмундаги хатлар ёзиб юрган хотин эди. Мана энди илк учрашганларидаёқ ҳаммаси тутундай созурилиб кетди. Хўш, нима бўпти? Шу топда бу ерда турган кишиларнинг ҳаммалари ҳам бунга сира ғалати деб тушунмас, бундан ажабланмас эдилар. Князь кечагина шундай бўлишига ишонмас, бу етти ухлаб унинг тушига кирмасди, лекин ҳозир худди анчадан бери шундай бўлишини сезиб юргандай индамай қулоқ солиб турарди. Ақл бовар қилмас бир рўё ўнга айланган, мана ҳозир унинг нақ кўз ўнгида рўй бермоқда эди. Икки аёлдан бири иккинчисини шу топда беҳад ёмон кўрар ва юрагидаги энг аччиқ сўзларни унинг башарасига тўкиб солишга тайёр турар эди (эртасига Рогожин у кўнглидаги барча гапларини тўкиб солиш учун ҳам бу ерга келган бўлса керак, деди), иккинчи аёл қанчалар савдойи ва шикастадил бўлмасин, рақибасининг бутун юз-кўзларида акс этиб турган фақат аёллардагина бўладиган заҳарли нафратга хотиржам боқиб туролмасди, бунга дош беролмасди. Князь, Настасья Филипповна хатларни тилга олмаса керак, деб ишонарди, унинг ўт бўлиб ёнаётган кўзларидан бу хатлар энди унга қанчалар қимматга тушаётганлигини англади: ишқилиб, Аглая хатларни тилга олмасин; бунинг учун князь ҳозир унга умрини бахш этишга ҳам тайёр эди.

Лекин Аглая бирдан дадилланиб дарҳол ўзини қўлга олди.

— Сиз янглиш тушунибсиз,— деди у,— мен сиз билан... жан-

жаллашгани келганим йўқ, ҳолбуки, мен сизни ёмон кўраман. Мен... сизнинг олдингизга... одам деб келдим. Сизни учрашувга таклиф қилганимдаёқ сиз билан нимани гаплашиб олишимни яхши билардим, мен шу қароримдан қайтмайман, ҳатто сиз тушунмасангиз ҳам майли. Унда менга эмас, сизнинг ўзингизга ёмонроқ бўлади. Мен сизнинг ёзган хатларингизга жавоб бермоқчи эдим, юзма-юз туриб айтсам деган эдим, шундай қилсам қулай бўлади, деб ўйловдим. Сизнинг ҳамма хатларингизга менинг жавобим шу, эшитинг: биринчи марта Лев Николаевич билан танишганимизда унга раҳмим келди, кейин мен сизнинг уйингизда зиёфатда бўлган ишларни эшитдим. У жуда ҳам соддадил одам экан, шунинг учун унга юрагим ачиди, соддалигидан... шундай хотин билан... бахтли бўламан, деб ўйлаган. Мен унинг қандай аҳволга тушишини ўйлаб жуда кўрққан эдим: худди ўйлаганимдай бўлиб чиқди: сиз уни сева билмадингиз ва унга азоб бериб ташлаб кетдингиз. Сиз уни яхши кўролмаслигинингизнинг сабаби, сиз ҳаддан ташқари такаббурсиз... йўқ, такаббур эмассиз, янглишдим, сиз манмансиз... ҳатто бу ҳам тўғри эмас: сиз жуда худбинсиз, ўзингизни ўлгудай яхши кўрасиз... яхши кўрганингиздан ҳатто жинни бўлиб қолай дейсиз, менга ёзган мактубларингиз шундан далолат беради. Сиз унинг бунчалар соддалигини кўриб уни севолмадингиз, ва ҳатто ичингизда ундан нафратланиб, унинг устидан кулиб юргансиз, сиз ёлғиз ўзингизнинг шармисорлигингизни севишингиз мумкин, сиз фақат шу ҳақда ўйлайсиз; мен шарманда бўлдим, мени ҳақорат қилдилар, деган фикрдан бошқа нарса йўқ каллангизда. Бошингизга шармисорлик балоси тушмаганда ёки пичагина озроқ тушганда сиз ўзингизни бундан кўра ҳам бахтсизроқ, деб ҳис қилган бўлардингиз... (Аглая бу сўзларни учрашиш ҳатто тушига ҳам кирмаган чоғлардаёқ ўйлаб, тахт қилиб қўйган ва эндиликда шартта-шартта пойма-пой қилиб гапириб ташламоқда эди; у ўз сўзларидан беҳад лаззат олмоқда ва Настасья Филипповнанинг ҳаяжондан бутунлай ўзгариб кетган юзига қараб заҳарханда қилмоқда эди.) Эсингиздами,— деб давом этди у,— ўшанда у менга хат ёзган эди; бу хатни у сизга кўрсатганман дедди, сиз ҳатто уни ўқиган экансиз, тўғрими? Шу хатни олдимۇ ҳаммасини тушуниб етдим, тўғри тушундим; у яқинда буни менинг ўзимга айтди, тасдиқлади, сизга айтаётганларим унинг ўз оғзидан эшитганларим, ҳаммаси сўзма-сўз тўғри. Шу хатдан кейин мен кутдим. Сизни албатта Петербургга келсангиз керак, деб ўйладим, чунки сиз Петербургсиз кун кўролмайсиз: сиз чекка жойларда юриш учун ҳали жуда ҳам ёш ва чиройлисиз... Айтганча, бу сўзларни мен ўзим ўйлаб топганим йўқ,— деб қўшиб қўйди у қаттиқ қизариб кет-

ганча ва шу дамдан бошлаб то сўзини тугатгунча юзи қип-қи-зариб бўртиб турди.— Мен яна князни кўрганымдан кейин унинг аҳволига жоним ачиб кетди, қаттиқ хафа бўлдим. Кулманг; агар кулсангиз, буни тушунишга лойиқ эмассиз...

— Кўриб турибсиз-ку, мен кулаётганим йўқ,— жиддий ва маъюс деди Настасья Филипповна.

— Айтгандай, менга барибир, кулсангиз кулаверинг, ихтиёр сизда. Кейин ундан ўзим сўраб билиб олдим: у ортиқ сизни севмас экан, кўришга ҳам тоқатим қолмади, деди, лекин сизга қаттиқ ачинишини, сизни эслаганда худди юрагини абадий «ўқ тешиб ўтгандай» бўлишини айтди. Сизга шуни айтиб қўйишим керакки, мен умримда биринчи маротаба шундай соддадил ва олижаноб, одамга беҳад ишонадиган кимсани кўришим. Унинг сўзларини эшитганимдан кейин уни истаган одам алдаб кетиши мумкинлигини ва ўзини алдаган кишини кейин у кечириб юбораверишини англаб етдим ва шунинг учун ҳам уни яхши кўриб қолдим...

Аглая худди оғзидан шундай сўз чиқиб кетганига ишонмагандай, тили лол бўлиб бир зум тўхтаб қолди; шу билан бирга унинг нигоҳида беҳад бир ғурур акс этди; афтидан, унга энди барибир бўлиб қолганди, ҳозир «анави хотин» унинг оғзидан чиқиб кетган эътироф устидан кулганда ҳам унга таъсир қилмасди.

— Мен сизга ҳаммасини айтиб бўлдим, энди тушунган бўлсангиз керак сиздан нима истаётганимни?

— Балки тушунгандирман ҳам; лекин ўзингиз ўз оғзингиз билан айтинг,— деди оҳиста Настасья Филипповна.

Аглаянинг чеҳрасида ғазаб акс этди.

— Мен сиздан шуни билмоқчиман,— қатъият билан донадона қилиб деди Аглая,— унинг менга қандай муносабатда бўлиши билан сизнинг нима ишингиз бор? Менга бундай хатлар ёзишга сизнинг нима ҳақингиз бор? Унга ҳам, менга ҳам ҳадеб уни севаман, деб гапираверасиз, ахир уни ўзингиз ташлаб кетдингиз-ку, бошини букиб, яна қандай ҳақингиз бор бундай дейишга? Ахир, шармандаларча қочиб кетган сиз эмассиз?

— Мен сизга ҳам, унга ҳам айтган эмасман уни севаман деб,— зўр-базўр деди Настасья Филипповна,— ҳа... тўғри, мен ундан қочиб кетганман...— деб қўшиб қўйди зўрға эшитиларли қилиб.

— Нега энди «айтмаган экансиз»?— деб қичқирди Аглая.— Менга ёзган хатларингиз-чи? Мен сиздан менга қаллиқ топиб беринг, деб сўрадимми? Бу айтмаганингизми? Нега сиз бизнинг ўртамизга тушаверасиз? Мен олдин бу ишга тиқилиб юргани-

нгиз учун менинг кўнглимни ундан совитмоқчисиз, ундан юз ўгириб кетишимни истаяписиз, деб ўйлабман, фақат гап нимада эканлигини кейингина билиб қолдим: сиз ўша ҳамма қийшанглашларингиз билан катта фидокорлик қиляпман, деб хаёл қилиб юрган экансиз... Сиз шу қадар манман бўла туриб ва ўзингизни шу қадар яхши кўра туриб уни қандай қилиб сева олардингиз? Менга кулгили хатлар ёзиб ўтирмасдан нега индамай бу ерлардан жўнаб кета қолмадингиз? Нега сизни севадиган шундай олижаноб бир одамга турмушга чиқа қолмайсиз, нега уни кетингизда сарсон-саргардон қилиб юрибсиз? Негалиги маълум: агар Рогожинга тегадиган бўлсангиз, унда аламингизни йўқотиб қўясиз, тўғрими? Унда обрўйингиз ҳаддан ташқари ортиб кетган бўларди! Евгений Павлич сиз ҳақингизда айтган эди, бу хотин жуда кўп дoston ўқиган, «хунари, биладиган нарсаси кўп... эшовига тушови ярашмаган», деб; сизни китобий хотин, қўлини совуқ сувга урмаган, деганди; бунга манманликни ҳам қўшсак, ҳаммаси аён бўлади...

— Сиз қўлингизни совуқ сувга урганмисиз?

Улар бирпасда очиқ-ошқора суратда қутилмаганда шу нуқтага етиб келдилар, зотан, Настасья Филипповна бу ерга келишидан яхшилик чиқмаслигини билса-да, лекин яна нимагадир инонган эди; Аглая худди тоғдан қулаб тушаётганга ўхшарди, у қасос олиш лаззатига тамомила берилиб кетган, ўзини бутунлай унутганди. Настасья Филипповна Аглаяни бу аҳволда кўриб ҳайрон қолди; у қизга қараб туриб ўз кўзларига ишонмаётганга ўхшаб кўринар, дастлаб нима деб жавоб беришини ҳам билмай қолганди. Эҳтимол, у, Евгений Павлович айтмоқчи, кўп дostonлар ўқигандир, эҳтимол, князь ўйлагандай савдои бўлиб қолгандир, эҳтимол, у баъзан юзини сидириб ташлаб бетгачопарлик билан ҳаракат қилар, лекин у аслида ўйлангандан кўра хийла иболи, майин ва кўнгилчан аёл эди. Тўғри, унинг китобий томонлари бор эди, хаёлпараст эди, ҳаммасини ичига яширар, ақл бовар қилмайдиган хотин эди, лекин ҳиссиётлари кучли ва теран эди... Князь буни тушунарди; унинг юзида изтироб акс этди. Аглая буни пайқаб қолди ва қаҳри келганидан титраб кетди.

— Менга бундай дегани қандай тилингиз борди?— деди у Настасья Филипповнага жавобан ифода қилиб бўлмайдиган кибру ҳаво билан.

— Қулоғингизга шундай чалингандир,— ҳайрон бўлди Настасья Филипповна.— Мен сизга нима дебман?

— Агар сиз виждонли, ҳалол хотин бўлишни истаган экансиз, нега ўшанда сизни йўлдан оздирган Тоцкийни, шундай... оҳанжама қилиб ўтирмасдан ташлаб кетавермадингиз?— деди бирдан Аглая ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ.

— Менинг ҳолимни билмасдан туриб устимдан нега бундай ҳукм чиқаряпсиз?— деб сесканиб кетди Настасья Филипповна даҳшатли суратда ранги оқариб.

— Сиз тўғри бориб ишлаш ўрнига Рогожин билан қочиб кетгансиз, ўзингизни таҳқирланган фаришта қилиб кўрсатгингиз келган. Ажабланадиган жойи йўқ, Тоцкий шу таҳқирланган фариштани деб ўзини отмоқчи бўлиб юрибди!

— Бас қилинг!— нафратланиб, юраги санчиб оғригандай деди Настасья Филипповна.— Сиз ҳам мени худди... Дарья Алексеевнанинг оқсоч қизига ўхшаб тушунибсиз, у бечора яқинда ўзининг қаллиғи билан қозилашиб юрган эди. У сиздан кўра яхшироқ тушунганди...

— Афтидан, ҳалол, ўз меҳнати билан кун кўрадиган қиз бўлса керак? Нега сиз оқсоч қизга бунчалар нафрат билан қарайсиз?

— Мен меҳнатга нафратланиб қарамайман, сиз меҳнат ҳақида лоф урганингиздан нафратланаман.

— Ҳалол бўлмоқчи экансан, кирчилик қилмайсанми бориб.

Улар ўрињларидан туриб ранглари ўчган ҳолда бир-бирларидан кўзларини узмасдилар.

— Аглая, тўхтаг! Бу адолатдан эмас,— деб қичқириб юборди князь ўзини йўқотиб. Рогожин кулишдан тўхтаб, қўлларини кўкрагида чалмаштирганча лабларини қимтиб қулоқ соларди.

— Манавини қаранглар,— деди Настасья Филипповна қаҳри келганидан қалт-қалт титраб,— манави ойимчани кўринглар! Мен уни фаришта деб ўйлаб юрган эканман! Сиз менинг ҳузуримга тарбиячисиз келибсиз-да, Аглая Ивановна?.. Истайсизми... Истайсизми, нега менинг олдимга келганлигингизни, тўғрисиини айтиб бераман? Сиз қўрққансиз, шунинг учун ҳам менинг олдимга келгансиз.

— Сиздан кўрқибманми?— деб соддалик билан лол қолиб сўради Аглая Ивановна. У, афтидан, ўзи билан бундай гаплашишлари мумкинлигини кутмаганди.

— Албатта, мендан! Олдимга келибсиз, мендан кўрққанингиздан келгансиз. Кимдан кўрқсанг, ундан нафратланмайсан. Қаранг-а, шу дақиқагача ҳам мен сизни ҳурмат қилиб келардим! Биласизми, нега мендан кўрқасиз? Сизнинг мақсадингиз нима, айтиб берайми? Сиз у мени кўпроқ яхши кўрармикин, шуни билмоқчи, ўз кўзингиз билан кўрмоқчи бўлгансиз, чунки сиз жуда ҳам рашк қиласиз...

— У менга сизни кўргани кўзи йўқ эканлигини айтган...— зўрга тили айланди Аглаянинг.

— Эҳтимол шундайдир; эҳтимол, мен унга арзимасман. Фақат... фақат сиз ёлғон гапиряпсиз, деб ўйлайман! У мени

ёмон кўриши мумкин эмас, у бундай демагандир! Мен, илло, сизни кечиритим мумкин... сизнинг вазиятингиз юзасидан... фақат мен ҳар ҳолда сизни бошқачасиз деб ўйлаган эдим; сиз ақллироқ ва ҳатто чиройлироқ бўлсангиз керак, деб ўйловдим, худо ҳаққи!.. Э, олинг, шу хазинангизни... ана, сизга қараб ҳушини йиғиштиролмай турибди, олинг уни, лекин бир шарт билан: дарҳол бу ердан чиқиб кетинг! Ҳозироқ!..

У креслога ўзини ташлади ва юм-юм йиғлаб юборди. Лекин бирдан унинг кўзлари чарақлаб очилди: у Аглаяга қаттиқ тикилиб қаради ва ўрнидан турди:

— Истайсанми, мен ҳозир... унга амр-р қиламан, эшитяпсанми? унга амр-р-р қиламан ва у шу заҳоти сендан юз ўгириб мен билан қолади бутунлай, менга уйланади, сен бўлсанг уйингга бир ўзинг ликиллаб борасан? Истайсанми, истайсанми?— деб қичқирди у савдойи каби. У қандай қилиб бу сўзларни айтаётганига ўзи ҳам ишонмасди.

Аглая қўрқиб эшикка томон чопди, лекин эшик олдида худди михлангандай туриб қолди, қулоқ сола бошлади.

— Истайсанми, мен Рогожинни қувиб юбораман? Сен ҳали мени Рогожиннинг никоҳига ўтган деб ўйлагандирсан хурсанд бўлиб? Ҳозир мана ўзингнинг олдингда Рогожинга: «Жўна бу ердан!»— дейман, князга эса: «Менга нима деб ваъда қилгандинг?»— дейман. Вой, худойим! Нега мен уларнинг олдидарида ўзимни бунчалар ерга урмасам? Менинг бошимга нима тушмасин, сен билан бўламан, сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман деб мени ишонтирмаганмидинг, князь? Сени севаман, девлинг, ҳаммасини кечираман, дегандинг, мени... мени ҳур... ҳур... Ҳа, сен менга шундай дегансан! Мен сенинг йўлингга ғов бўлмай, деб қочиб кетган эдим, энди истамайман! Нега у менга бунчалар беорлик қилади? Мен шарманда эмишманми, сўра Рогожиндан, у сенга айтиб беради! Энди мени сенинг кўз ўнгингда шармисор қилди, энди мендан юзингни ўгириб, у билан кўлтиқлашиб кетасанми? Мен фақат сенга ишонган эдим, ваънатлар бўлсин сенга шундан сўнг! Кет, Рогожин, керагинг йўқ!— деб қичқирди у ҳушини йўқотиб. Сўзлар унинг кўкрагидан базўр отилиб чиқарди, юзи ўзгариб кетганди, у ўзининг бу пўписалари ва иддаоларига заррача ишонмас, лекин шу билан бирга шу дамни яна бир зум чўзишни ва ўзини алдашни истарди. У шу қадар кучли туғёнга берилган эдики, князнинг назарида унинг ҳозир ўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмасди,— Мана у, кўр!— деб қичқирди Настасья Филипповна ниҳоят Аглаяга князни қўли билан кўрсатиб.— Агар у ҳозир менинг олдимга келиб мени олмаса ва сени ташламаса, майли, унда сенга бердим, менга у керакмас!..

У ҳам, Аглая ҳам тўхтаб кутишди ва худди телбалардай князга қараб туришди. Лекин князь бу чорловнинг бутун кучини англамасди эҳтимол, ҳатто аниқ англамасди, дейиш ҳам мумкин. Унинг кўз ўнгида турган аёлнинг юзи савдойи ва навмид эди, шу юзни кўриб «юрагим то абад тузалмас дардга чалинган», деб айтганди у бир марта Аглаяга. Унинг юраги бошқа дош беролмади ва у Настасья Филипповнани кўрсатиб Аглаяга илтижо ва таънаомуз деди:

— Ахир бу мумкинми! Ахир у... шунчалар бахтсиз!

У Аглаянинг даҳшатли нигоҳидан шамдай қотиб қолиб бошқа гапиролмади. Қанчалар алам, изтироб бор эди бу қарашда, қанчалар беҳад, бепоен ғазаб бор эди бу қарашда, князь чапак чалиб юборди, қичқириб ўзини қизга томон олди, лекин кеч бўлганди! Қиз ҳатто унинг бир зум иккиланганлигини ҳам кўтаролмади, юзини қўллари билан беркитди ва: «Оҳ, худойим!»— деб қичқирганча, хонадан чопиб чиқиб кетди, Рогожин эшикни очиб бериш учун унинг орқасидан югурди.

Князь ҳам қизнинг ортидан чопди, лекин остонага етганда унинг орқасидан қучоқлаб олдилар. Настасья Филипповнанинг тамом бўлган, ўзгариб кетган юзи унинг кўз ўнгида тик боқиб турар, унинг кўкариб кетган лаблари зўрғагина шивирларди:

— Унгами? Унгами?..

Настасья Филипповна ҳушдан кетиб князнинг қўлига шилқ этиб тушди. Князь уни кўтариб хонага киритди, креслога ўтқизди ва нима қилишини билмай тепасида серрайиб туриб қолди. Столда бир стакан сув турарди. Қайтиб келган Рогожин стаканни олиб Настасья Филипповнанинг юзига сув сепди; у кўзини очди ва бир дақиқа ҳеч нарсани тушунмай олазарақ қараб турди; лекин бирдан сесканиб кетди, кўзи князга тушди, қичқириб ўзини унинг бағрига ташлади.

— Меники! Меники!— деб қичқирарди у. — Қибриё ойимча кетдими? Ха-ха-ха!— деб ҳирингларди у асабий тарзда, — ха-ха-ха! Мен уни ўша ойимчага тортиқ қилиб ўтирибман-а! Нега энди? Нима учун? Тентак! Тентакман!.. Бор кет, Рогожин, ха-ха-ха!

Рогожин уларга диққат билан бир қаради, бир оғиз ҳам гапирмади, шляпасини олди-ю, чиқди-кетди. Ун минутлардан сўнг князь Настасья Филипповнанинг олдида ўтирар, ундан кўзларини узолмас ва худди ёш болани эркалагандай иккала қўли билан унинг бошини, юзларини силар, сийпаларди. У хотин хандон ташлаб кулса, хандон ташлаб қўшилишиб кулар, кўз ёши қилса, қўшилишиб йиғлашга тайёр эди. Князь ҳеч нарса демас, лекин хотиннинг тугёнли, узуқ-юлуқ, энтика-энтика айтаётган сўзларига диққат билан қулоқ солар, афтидан, ҳеч нар-

сани тушунмас, лекин майингина синиқ жилмаярди ва хотин яна пича нола қила бошласа, назарида худди шикоят қилаётгандай бўлиб йиғласа, таъна-тазаррулар қилишга тушса, шу заҳоти яна унинг бошини, ёноқларини силаб-сийпалай бошлар, баайни ёш болани овутиб, юпатаётганга ўхшарди.

IX

Кейинги бобда ҳикоя қилинмиш воқеалардан сўнг икки ҳафта ўтди, ҳикоямиз қаҳрамонларининг ҳолатлари шунчалар ҳам ўзгариб кетдики, махсус шарҳларсиз уни давом эттириш ҳаддан ташқари қийин бўлади. Шундай бўлишига қарамасдан, биз узундан-узоқ шарҳлар ёзиб ўтирмасдан воқеаларнинг қисқа ва содда баёни билан чекланишга зарурат сезамиз, бунинг сабаби ҳам одмигина: кўп ҳолларда бизнинг ўзимиз бўлиб ўтган воқеаларни тушунтириб беришга ожизмиз. Бизнинг ушбу эскартма гапларимиз китобхонга жуда ғалати ва мубҳам бўлиб туюлиши мумкин: аниқ бир тушунча ва шахсий бир фикрга эга бўлмай туриб қандай қилиб бир нарсани ҳикоя қилиб бериш мумкин? Ўзимизни бундан ҳам кўра сохтароқ вазиятга қўймаслик учун биз яхшиши, мисол келтириб шарҳлашга уриниб кўрамиз ва ўшанда марҳаматли китобхон бизнинг не сабабдан қийналиб турганлигимизни англаб етар, баҳарҳол, ушбу мисол чекиниш эмас, аксинча, ҳикоямизнинг тўғридан-тўғри ва бевосита давоми бўлади.

Икки ҳафта ўтгач, яъни июлнинг бошларида ва шу икки ҳафта мобайнида қаҳрамонимизнинг бошидан кечирганлари ва айниқса унинг ҳаётида рўй берган сўнгги саргузаштлар жуда ҳам ғалати, хориқулудда ва эрмакка айтиб юриладиган латифага айланиб кетди, бу латифа аста-секин кўча-кўйларга, Лебедев, Птицин, Дарья Алексеевна, Епанчинларнинг чорбоғларининг ён-атрофларига, қисқаси, бутун шаҳарга ва унинг чекка-чеккаларигача бориб етди. Музыка эшитгани йиғиладиган жамоанинг бари — шу ерлик аҳоли, чорбоғчилар ҳаммаларининг тилларидан ўша воқеа тушмас, бир гапни минг турли қилиб сўйлашарди, ки, бир князь ўзига тўқ ва обрўли хонадоннинг бошини ғалвага қўйганмиш, шу хонадонда ўсган моҳпора қизга уйланаман, деб ваъда бериб, сўнг сўзидан қайтганмиш ва оламга донғи кетган енгилтак бир хотин билан бўлиб кетганмиш, жамоатнинг норозилигига, дўқ-пўписаларга, умуман, ҳеч нарсага қарамасдан яқин кунларда ўша шарманда хотин билан никоҳдан ўтмоқчимиш, тўй шу ерда, Павловскда бўлармиш, ҳамманинг кўз ўнгида, очиқ-ошкора, бошларини кўтариб никоҳ-

дан ўтармишлар, одамларнинг кўзларига тик қарармишлар. Латифага жанжаллар, номлари эл-юртга таниқли кишилар қўшилган, унинг атрофида турли-туман ақл бовар қилмас нарсалар бичиб тўқилган ва иккинчи бир томондан, ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган, одамларнинг кўз ўнгида рўй бераётган ҳодисалар билан тўлдирилган эдики, ҳамманинг бунга қизиқиши, мишмишлар бари табиий ва узрли эди албатта. Шундай ақлли одамлар тоифаси бўладики, улар ҳар қачон ва ҳар қандай жамиятда бўлиб ўтган воқеани ҳаммадан бурун бошқаларга тушунтиришга, унинг мағзини чақиб беришга ҳаракат қиладилар, шундай қилишни улар ўзларига бурч деб биладилар ва аксаран бундан роҳат оладилар, шу тариқа бир қанча мана шундай устодмон ва билагон ғийбатчилар жуда ҳам нозик ва ҳийлакорона, ҳақиқатга яқин қилиб талқин этардилар. Уларнинг талқинларига қараганда, наслу насаби тоза, бадавлат, ўзи тентакроқ, лекин тентак бўлса ҳам демократ ва жаноб Тургенев томонидан кашф қилинган замонавий нигилизмга муккасидан кетган, русчани деярли билмайдиган бир ёш князь генерал Епанчиннинг қизига ошиқу беқарор бўлиб қолибдир ва уларнинг хонадонларида ўзини куёв ўрнида қабул қилишларига эришибдир. Яқинда газетларда бир француз семинаристи ҳақида латифа ёзиб чиқибдирлар. Ул нобакор ғаламислик қилиб ўзини руҳоний этиб сайлашларини ўтинибдир, барча урф-удумларни, таъзим-таборакларни, ҳоч ўпиб юзга суртишларни, қасамёдларни бирма-бир адо этибдир, сўнг эртасигаёқ мен худога ишонмайман, худога ишонмай туриб халқнинг кўзини бўяшни, халқнинг ҳисобига текинхўрлик билан кун кечирини истамайман, шунинг учун руҳоний бўлишдан воз кечаман, деб ўз епископига очиқ хат ёзибдир ва хатини либерал газетларда бостириб чиқарибдир, худди мана шу семинаристга ўхшаб князь ҳам риекорлик қилибдир. Айтишларига қараганда, князь ҳам, ўз қаллиғининг хонадониде чақириладиган меҳмондорчиликни атай пойлаб юрган экан, уни меҳмондорчиликка чақирилган жуда кўп мўътабар кишилар билан таништиришибдир, у бўлса, мансабдор ва бообрў боёнларни ҳақорат қилибдир, ҳаммага ўзининг қарашларини ўтказмоқчи бўлибдир, сўнг қаллиғини ҳақорат қилиб ҳамманинг олдида ундан воз кечибдир, хизматкорлар уни эшикка чиқариб ташламоқчи бўлганларида уларга қаршилиқ кўрсатиб жуда чиройли хитой вазасини синдириб ташлабдир. Бунга яна шуларни ҳам қўшимча қилардилар: замонлар ўзгариб одамлар жуда ғалати бўлиб кетишяпти, бўлмаса, князь генералнинг қизини чиндан яхши кўрар экан, лекин ундан фақат нигилизмни деб юз ўгирибдир, атай жанжал киксин дебдир, у бутун жамиятнинг кўзини бақрайтириб қўйиб,

йўлдан озган хотинга ўйланишни ва шу билан мен хотинларни яхши-ёмонга ажратмайман, мен ёлғиз эркин, ҳур хотингагина эътиқод қиламан, деб ўз фикрини исботламоқчи бўлибдир. У бу кибор, бу эскидан қолган деб ажратиб ўтирмас экан, у фақат «хотинлар масаласи»гагина ишонаркан. Унинг кўз ўнгида йўлдан озган хотин йўлдан озмаган пок хотиндан бир оз юқорироқ ҳам тураркан. Мана шу шарҳ ҳаммасидан ҳам ҳақиқатга яқинроқ деб топилди ва чорбоғчиларнинг кўпчилиги унга қўшилди, боз устига, буларнинг бари кунда бўлаётган ҳодисалар билан тасдиқланмоқда эди. Рост, кўп нарсалар ҳали қоронғи бўлиб қолмоқда эди: айтишларича, шўрлик қиз ўз қаллигини шунчалар яхши кўрар эканки,— уни баъзилар «қизни йўлдан урган йигит», деб ҳам атардилар,— эртасигаёқ унинг олдига югуриб келибди, қаллиғи ўшанда ўзининг маъшуқаси билан ўтирган экан; бошқа бировлар қиз бечорани жўрттага князнинг маъшуқасиникига алдаб олиб келганлар, нигилизм туфайлигина шундай қилганлар, уни таҳқирлаб, нафсониятини ерга урмоқчи бўлганлар, деб айтишарди. Қандай бўлмасин, бу воқеага қизиқиш кундан-кунга ортиб борар, бинобарин, бу машина тўй албатта бўлажасига заррача ҳам шубҳа қолмаганди.

Шундай қилиб, мабодо биздан воқеанинг нигилистик жиҳатларини эмас, ўша тўй князнинг истакларига тўғри келадими йўқми, князнинг бугунги истаклари ўзи қандай, қаҳрамонимизнинг ҳозирги кайфияти, руҳи қандай ва ҳоказо, ва ҳоказо шунга ўхшаш нарсаларни сўраб қолсалар, очиғини эътироф этишимиз керакки, бунга жавоб беришга қийналиб қолган бўлардик. Биз фақат тўй белгиланганлигини ва князь Лебедевни, Келлери ва шу ишларга алоқадор бўлган Лебедевнинг бир танишини тўйнинг барча майда-чуйдаларини битиришга, черков ва хўжалик билан боғлиқ барча ташвишларни адо этишга жалб қилганлигинигина биламиз, холос. Биз яна пулнинг юзига қараб ўтирмаслик топширилганлигини, Настасья Филипповна тўйни тезлатишни талаб қилаётганлигини, куёвнавқар қилиб ўзининг қайноқ илтимосларига биноан Келлер тайинланганлигини, Настасья Филипповнага эса Бурдовский навқарлик қиладиган бўлганлигини ва у буни хурсанд бўлиб қабул қилганлигини, тўйнинг ўзи эса июлнинг бошларида ўтказилмоқчи эканлигини биламиз. Лекин ушбу жуда аниқ гаплардан ташқари бизга яна шундай нарсалар маълумки, улар олдин рўй берган ҳодисаларнинг аини акси бўлганлигидан ҳам бизни чалкаштириб турадилар. Бизнинг жиддий тахминларимизга кўра, мисол учун, князь Лебедев ва бошқаларни тўй ташвишларини адо этишга жалб этиб, ўша куннинг ўзидаёқ тўй мутасаддилари, навқарлар ва умуман, тўйни унутган эди, агар у тўй ташвиш-

ларини апил-тапил бошқаларнинг елкаларига юклаган бўлса, буни у ўзи шу ҳақда бош қотиргиси келмаганидан ва эҳтимол иложи борича тезроқ буни унутишни истаганидан қилган бўлса керак. Ундай бўлса, у нимани ўйлаган, нимани унутмасликка уринган, нимага интилган? Шубҳа йўқки, уни бу ерда ҳеч ким зўрламаган (хусусан, Настасья Филипповна томонидан), тўғри, Настасья Филипповна чиндан тезроқ тўй қилишни хоҳлаган, тўй ҳақида князь эмас, у оғиз очган; лекин князь розилик берган; худди ундан жуда ҳам одми бир нарсани илтимос қилишгандай жуда паришонлик ва бепарволик билан жавоб берган. Бундай ғалати гаплар бизнинг олдимизда кўп ва улар, фикримизча, ишни ойдин қилиш у ёқда турсин, уни тушунишни янада қийинлаштиради, бундай гапларни қанча келтирманг, фойдаси йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам яна бир мисол келтирамиз.

Шундай, бизга очиқ-ойдин маълум, князь шу икки ҳафта мобайнида кечаю кундуз Настасья Филипповна билан бирга бўлди; Настасья Филипповна уни сайрга, музыка эшитишга олиб чиқарди; князь у билан ҳар куни извошта юрарди; князь уни бир соат кўрмай қолса, безовта бўлиб ўзини қўйгани жой тополмай қоларди (бундан чиқди, маълум бўладикки, уни чин дилдан яхши кўрар экан-да); Настасья Филипповнанинг сўзларини соатлаб майин ва ювош жилмайганча тинглаб ўтирар, ўзи кўпда гапирмасди. Биз яна шуни ҳам биламизки, у шу кунлар ичида бир неча маротаба Епанчинларникига борган ва буни Настасья Филипповнадан яшириб ўтирмаган, Настасья Филипповна эса бундан қаттиқ изтироб ва умидсизликка тушганди. Биз биламизки, Епанчинлар Павловскда туришаркан, уни бирор маротаба бўлсин, қабул қилишмаган, Аглая билан учрашишга ижозат беришмаган эди; у шунда индамай орқасига қайтиб кетар, эртасига яна уларнинг эшигига келар, худди кеча ҳам келганлигини унутганга ўхшар ва яна улардан йўқ, деган жавоб оларди. Бизга яна шуниси ҳам маълумки, Аглая Ивановна Настасья Филипповнанинг ҳузуридан чопиб чиқиб кетгандан сўнг бир соатлар ўтгач, балки эҳтимол бир соатлар ўтмаган бўлса ҳам керак, князь Аглаяни кўраман, деб Епанчинларникига борган, Епанчинлар уни кўриб ғоятда ҳайратланишган, қўрқиб кетишган, Аглаянинг қайтиб келмаганлигини айтишган ва князнинг оғзидан қизнинг Настасья Филипповнаникига борганлигини биринчи марта эшитишган эди. Айтишларига қараганда, Лизавета Прокофьевна, опа-сингиллар ва ҳатто князь Ш. ҳам князга қаттиқ-қаттиқ гапиришган, ўртадаги дўстлик алоқаларини биратўла ва узил-кесил узишган эди, зотан, худди шу аснода Лизавета Прокофьевнанинг олдига

Варвара Ардалионовна келиб, Аглая Ивановна бир соатдан бери бизникида ўтирибди, аҳволи жуда ёмон, уйга қайтишни истамаяпти, деб хабар берганди. Мана шу хабар Лизавета Прокофьевнани қаттиқ ҳайрат ва саросимага солиб қўйди, бинобарин айтилган гапларнинг ҳаммаси тўғри чиқди: Настасья Филипповнанинг олдидан чиққандан сўнг Аглая уйдагиларнинг кўзларига кўрингандан кўра ўлган яхшироқ, деб ўйлаган ва ўзини Нина Александровнанинг паноҳига ташлаган эди. Варвара Ардалионовна заррача ҳам пайсалга солмасдан дарҳол Лизавета Прокофьевнага ҳаммасини маълум қилишни лозим топганди. Она ҳам, қизлар ҳам ва уйга эндигина қайтиб келган Иван Федорович ҳам, дарҳол Нина Александровнанинг олдига қараб чопдилар; қувилган ва оғир сўзлар эшитган бўлишига қарамасдан уларнинг орқаларидан князь Лев Николаевич ҳам судралди; лекин Варвара Ардалионовнанинг амри билан уни у ерда ҳам Аглаянинг олдига қўймадилар. Илло, иш шу билан тугадики, Аглая ойиси билан опалари тепасида йиғлашиб турганларини ва унга заррача ҳам таъна қилмаётганларини кўриб дарҳол ўзини уларнинг қучоқларига отди ва ҳаммалари уйга қайтиб келишди. Айтишларига қараганда, лекин бу мишмишларнинг тўғрилигига биз кафил бўлолмаймиз, Гаврила Ардалионовичнинг бу ерда ҳам омади юришмабди; у Варвара Ардалионовна Лизавета Прокофьевнага хабар бергани кетганидан кейин қулай фурсатдан фойдаланиб, Аглая билан ёлғиз қолиб унга муҳаббат изҳор қилмоқчи бўлган; Аглая унинг сўзларини тинглаб бўлгач, кўзида ёш хафа бўлиб ўтирганига қарамай қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди ва кутилмаганда унга қизиқ бир савол берибди: севгингиз чин эканлигини исботлаш учун ҳозир бармоғингизни ёнаётган шамга тугиб туроласизми, дебди. Гаврила Ардалионович бу гапдан жуда эсини йўқотиб қўйибди ва нима дейишини билмай қолибди, унинг юзи сўлжайиб қолганлигини кўриб Аглая асабий суратда хандон ташлаб кулиб тепага — Нина Александровнанинг олдига қочиб чиқиб кетибди, ойиси ва опалари келишганда у ўша ерда эди. Бу гап Ипполит орқали эртасига князнинг қулоғига етиб келди. Тўшакдан туролмай қолган Ипполит шу гапни айтиш учун атай князга менинг олдимга келсин, деб одам юборибди. Бу гап Ипполитнинг қулоғига қандай етиб борган, бизга қоронғи, лекин князь шам билан бармоқлар ҳақидаги ҳикояни эшитгач, қотиб-қотиб кулди, Ипполит бундан ажабланди. Кейин князь бирдан титраб кетди ва ҳўнграб йиғлаб юборди... Умуман, шу кунлар ичида князь жуда безовта эди. Ипполит тўғридан-тўғри унинг ақли жойида эмас, дерди. Лекин ҳали бунга баралла айтишга эрта эди.

Мана шу воқеаларнинг барини ҳикоя қилиб ўтарканмиз ва уларни шарҳлашдан бўйин товларканмиз, биз буни қаҳрамонимизни китобхон кўз ўнгида тамомила оқлаб юбориш учун қилдўтганимиз йўқ, албатта. Бу ҳам кам, биз князнинг яқин дўстлари қатори ундан норозимиз, хафамиз. Ҳатто Вера Лебедева ҳам бир қанча вақтгача ундан хафа бўлиб юрди. Ҳатто Коля ҳам хафа эди; ҳатто Келлер ҳам то ўзини куёвнавкар қилиб сайламагунларича норози бўлиб юрди, Лебедевнинг ўзини-ку, айтмай қўя қолайлик, у ҳатто князга қарши аллақандай фитналар ҳам уюштира бошлади шекилли, бу ҳам азбаройи ундан хафа бўлганидан. Лекин бу хусусда биз кейинроқ ҳикоя қиламиз. Настасья Филипповнанинг уйида бўлган воқеадан кейин олти ёки етти кун ўтгач, князнинг ҳузурига Евгений Павлович келди, у князга очиқдан-очиқ ва дўстона тарзда бир қанча чуқур мазмундор гапларни айтиб ташлади, биз албатта унинг мана шу баъзи гапларига қўшиламиз ва уларга хайрихоҳлик билдирамиз. Орада шуни ҳам айтиб ўтайликки, фақат Епанчинларгина эмас, Епанчинлар хонадонига у ёки бу тарзда алоқадор бўлганларнинг ҳаммалари князь билан алоқаларини уздилар. Князь Ш. ҳатто Лев Николаевични кўриб юзини тескари ўгирди ва таъзим бериб саломлашмади. Евгений Павлович яна Епанчинларникига ҳар кун кириб турадиган бўлиб қолган, уни хийла хурсандчилик билан қарши олишган, лекин шунга қарамасдан, у князнинг олдига келишдан тортиниб, кўрқиб ўтирмади. Епанчинлар Павловскдан кўчиб кетганларининг роса эртасига Евгений Павлович князнинг ҳузурига кириб келди. Бу ерга келаркан, у одамлар ўртасида тарқалган барча мишмишлардан хабардор ва қисман мишмишларнинг ёйилишида ўзи ҳам айбдор эди. Князь уни кўриб боши осмонга етди ва дарҳол Епанчинларни суриштирди; гапнинг бунчалар самимий ва очиқкўнгиллилик билан бошлангани Евгений Павловичнинг ҳам тилини ешиб юборди, у гапни олиб қочиб ўтирмасдан дангал мақсадга кўчди.

Епанчинлар кўчиб кетишганини князь ҳали билмасди; у эшитиб туси ўзгарди, лол бўлиб қолди; лекин бир дақиқалардан сўнг ўйга толганча бошини чайқади ва хижолат чекиб «шундай бўлиши керак эди», деб қўйди; кейин тез «қаерга кетишди?»— деб сўради.

Евгений Павлович диққат билан уни кузатиб ўтирар ва буларнинг бари, яъни, саволларнинг тез-тез берилаётгани, уларнинг соддалиги, шу билан бирга аллақандай жуда ғалати очиқлик, безовталиқ ва ҳаяжон,— буларнинг бари уни озмунча ажаблантирмади. Илло, у ҳаммасини князга батафсил, илтифот билан сўйлаб берди: князь ҳали кўп нарсаларни билмас ва

булар унга етиб келган биринчи хабарлар эди. Аглая уч кеча ухламабди, иситмалаб чиқибди; лекин ҳозир анча тузук бўлиб қолибди, ҳеч қандай хавф-хатар йўқ, аммо жуда асабий ва тажанг эмиш... «Яхшиямки, хонадонларида тинчлик! Утган гапларни Аглаянинг олдидагина эмас, умуман, эслагилари келмайди. Ота-она кузда Аделаиданинг тўйини ўтказишимиз биланоқ чет элга жўнаймиз, деб келишиб қўйишган; Аглая бу гапларни индамай эшитди». Евгений Павлович ҳам балки чет элга борса ажабмас. Ҳатто князь Ш. ҳам пича ишлардан бўшаса, Аделаида билан бирга чет элга чиқадиغانлар. Генералнинг ўзи шу ерда қолармиш. Ҳозир улар Петербургдан йигирма чақиримлар наридаги Колминодаги мулкларига кўчиб боришибди, у ерда каттакон уйлари бор экан. Белоконская ҳали Москвага жўнаб кетмабди, балки атай сафарини кечиктираётгандир. Лизавета Прокофьевна шунча воқеалардан сўнг Павловскда қолишнинг сира иложи йўқ, деб қаттиқ туриб олибди. Евгений Павлович ҳар куни шаҳарда бўлаётган гаплардан уни хабардор қилиб турар экан. Улар ҳатто Елагиндаги чорбоғларига боришни ҳам лозим кўришмади.

— Тўғри-да, ўзингиз ўйлаб кўринг,— деб қўшимча қилди Евгений Павлович,— қандай қилиб чидаб бўлади... айниқса, сизникида бўлаётган ҳангомаларни билиб туриб ва келманг, деб қувишларига қарамасдан ҳадеб *уларникига* бораверганингиздан кейин қийин-да...

— Ҳа, ҳа, ҳа, сиз ҳақсиз, мен Аглая Ивановнани кўрмоқчийдим...— деб яна бошини сарак-сарак қилди князь.

— Оҳ, азизим князь,— деб маъюс хитоб қилди бирдан Евгений Павлович жонланаркан,— қандай қилиб буларнинг ҳаммасига... йўл қўйдингиз? Албатта, албатта, буларнинг бари сиз учун кутилмаган иш бўлган... Сиз ўзингизни йўқотиб қўйгансиз... ахир, телба қизни йўлдан тўхтатолмагансиз, бунга кучингиз етмаган! Лекин бу қиз сизга қанчалар қаттиқ берилганлигини, жиддий умид боғлаганлигини тушунишингиз керак эди-ку, ахир. У сизни биров билан тенг баҳам кўришни истамаган ва сиз... ва сиз шундай хазинадан айрилиб ўтирибсиз, унинг юрагини вайрон қилдингиз!

— Ҳа, ҳа, сиз ҳақсиз; мен айбдорман,— деди яна князь юраги қаттиқ сиқилиб,— биласизми, фақат унинг ёлғиз ўзи, ёлғиз Аглая Ивановнанинг ўзи Настасья Филипповнага бундай қарарди... Бошқа ҳеч ким бундай қарамасди.

— Кўрмайсизми, ҳеч нарсдан-ҳеч нарса йўқ шундай бўлганига одамнинг жаҳли чиқади!— деб қичқирди Евгений Павлович жуда ҳам шавққа берилиб кетиб.— Мени кечиринг, князь, лекин... мен... бунга ўйлаб кўрган эдим, князь; мен жуда кўп ўй-

ладим; мен илгари бўлиб ўтган воқеаларни ҳам биламан, мен ярим йил аввал нима бўлганлигини биламан ипидан-игнаси-гача, ҳаммасини биламан ва ҳаммаси ҳам енгилтаклик бўлган! Буларнинг бари каллага бир фикр келиб ўрнашиб қолганлиги-дан бўлган, булар бари хомхаёл, қуруқ манзара, тутун ва фақат бутунлай тажрибасиз бир қизгина рашк туфайли кўрқиб кетиб буларни жиддий нарса бўлса керак деб қа-раган!

Шунда Евгений Павлович ҳар қандай андишани йиғишти-риб қўйиб жаҳл билан сўзлай кетди. У князнинг Настасья Фи-липповнага бўлган аввалги муносабатларини барча руҳий жи-ҳатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда равшан ва ақлга тўғри келадиган қилиб чизиб бера бошлади. Евгений Павлович анча су-хандон йиғит эди; ҳозир айниқса у нотик даражасига кўтарил-ди. «Дастлаб,— деб нутқини бошлади у,— ҳаммаси ёлғондан бошланган; ёлғондан бошланган нарса ёлғон билан охирлаши керак эди; бу табиатнинг қонуни. Сизни баъзан ҳалигиндай, телба деб аташганига мен қаршиман, нотўғри бу, ҳатто жаҳлим чиқади бундан; сиз ҳаддан ташқари ақллисиз; лекин сиз бошқа одамларга ўхшамайсиз, сиз ғалати одамсиз, ўзингиз ўйлаб кў-ринг ахир. Мен шундай қарорга келдимки, бўлиб ўтган барча воқеаларнинг тамал тоши сизнинг туғма тажрибасизлигингиз, бу биринчидан (князь, мана шу «туғма» деган сўз эсингизда турсин), иккинчидан, сиз ҳаддан ортиқ соддадилсиз, ундан сўнг, сизда ақл бовар қилмайдиган даражада меъёр туйғуси йўқ (буни ўзингиз ҳам бир неча мартаба тан олиб айтгансиз)— ва ниҳоят, сиз хаёлингизга жуда кўп нарсаларни жойлаб олган-сиз, бу хомхаёлларни чин дилдан ва фавқулодда ҳалоллик бил-лан беғубор ва табиий, чинакам эътиқод деб қабул қилгансиз! Узингиз ўйлаб кўринг, сизнинг Настасья Филипповнага бўлган муносабатларингизга бошиданок «хотинлар масаласи»нинг соф (мен мухтасар қилиб айтяпман) *шартли-демократик жозибаси* (мен янада мухтасарроқ қияпман) қаттиқ таъсир қилган. Рогожин пул олиб келгандан кейин Настасья Филипповнаникида бўлган бутун машмашаларнинг барчасини мен бошдан-оёқ би-ламан. Истайсизми, мен сизни ўзингизга мана шу беш қўлдай қилиб тушунтириб бераман, ўзингизни худди ойнада кўргандек бўласиз, нима бўлганлигини ва нега шундай бўлганлигини мен шунчалар аниқ биламан. Сиз навқирон бир пайтингизда Швей-царияда ватанингизни қўмсагансиз, Россияга интилгансиз, Россия кўзингизга номаълум жозиб бир диёр бўлиб кўринган; Россия ҳақида кўп китоблар ўқигансиз, у китоблар жуда зўр китоблар бўлиши мумкин, лекин сиз учун зарарли бўлган улар; иш кўрсатаман, жасорат кўрсатаман, деб ғайрат билан енг ши-

мариб келгансиз ва дарҳол енг шимариб ишга, фаолиятга тушиб кетгансиз! Сизга ўша куниеқ ҳақоратланган бир хотиннинг қайғули, юракни ларзага келтирадиган тарихини сўзлаб берганлар, ҳа, буни сизга, рицарь, валломат, ҳали хотинлар нималигини билмаган маъсум йигитга айтиб берганлар — яна хотин киши ҳақида! Ўша куниеқ сиз бу хотинни кўрасиз; сиз унинг гўзаллигига, хаёлий, иблисона гўзаллигига мафтун бўлиб сеҳрланиб қоласиз (мен биламан, у чиндан ҳам гўзал хотин). Бунга асабларни қўшинг, тутқаноғингизни қўшинг, бизнинг асабларни ўйнатиб юборадиган Петербургнинг дим ҳавосини қўшинг; бу хаёлий, ақл бовар қилмас шаҳарда биринчи маротаба бўлиб турганлигингизни, учрашувлар, нотаниш одамлар, кутилмаган танишувлар, антиқа бир воқелик, учта гўзал опасингиллар ва улар ўртасида Аглая, буларнинг барини ҳам қўшиб қўйинг. Яна ҳорғинлик, бош айланишларни ҳам қўшинг; Настасья Филипповнанинг меҳмонхонасию бу меҳмонхонада бўлаётган оҳанжамаларни қўшинг... хўш, шундай бир аҳволда бўла туриб, ўша дақиқаларда сиздан бошқа нимани ҳам кутиш мумкин, айтинг-чи ўзингиз?»

— Ҳа, ҳа; ҳа, ҳа,— деб бошини чайқарди князь қизара бошлаб,— ҳа, шундай бўлган эди; ва биласизми, мен вагонда келаётганимда кечаси билан ухламай чиққан эдим, ундан бир кун илгари ҳам ухламаганман, жуда ҳам хаёлим паришон эди...

— Албатта, албатта, мен ҳам нима деяпман?— деб давом этарди қизишиб Евгений Павлович.— Шуниси равшанки, сиз одамларнинг кўз ўнгида олижаноб бир фикрни ўртага ташлаш имконияти туғилганидан жуда завқланиб кетгансиз. мен асл зотим князлардан бўламан, софдил одамман, мен бегуноҳ таҳқирланган аёлни номуссиз, деб ҳисоблай олмайман, уни йўлдан оздирган бузуқ оқсуякни беномус деб биламан, дегансиз. О, худойим, бу тушунарли ҳаммаси! Лекин гап бунда эмас, азиз князь, гап бошқа нарсада, шу тўғримида, сизнинг туйғуларингиз чинмида, табииймида ёки хомхаёлмида? Сиз нима деб ўйлайсиз: худди шундай бир хотин ибодатхонада кечирилган эди, лекин ахир, унга сен яхши қилибсан, сен ҳурмат-эътиборга лойиқсан, деб айтилмаган эди-ку? Ахир уч ойдан кейин соғлом бир ақл билан ўйлаб кўрмадингизми, гап нимада эканлигини? Майли, у бегуноҳ бўла қолсин, мен албатта шундай деб айтаётганим йўқ, чунки буни истамайман,— лекин унинг барча саргузаштлари унинг чидаб бўлмайдиган, телбанамо кибру ҳавосини, унинг шунчалар сурбет ва шунчалар очкўз, худбинлигини оқлай оладими? Кечиринг, князь, мен балки ҳаддан ошириб юборгандирман, лекин...

— Ҳа, шундай бўлиши мумкин; балки сиз ҳақдирсиз ҳам...— деб пичирлади яна князь,— у чиндан ҳам жуда тажанг ва серзарда... сиз ҳақсиз, албатта... лекин...

— Шафқатга лойиқ демоқчимисиз? Сиз шундай демоқчи эдингизми, менинг меҳрибон князим? Лекин шафқат қиламан деб, унинг кўнглини кўтариш, уни хурсанд қилиш учун бошқа маъсум ва масъуд, покдомон ва моҳпора қизни ерга уриш керакмиди? Уша такаббур ва ғазабкор хотин қаршисида уни беобрў қилиш шартмиди? Шундай бўлгандан кейин шафқат деган нарсанинг ўзи қаергача бориши мумкин? Ахир бу ақл етмайдиган даражадаги муболага-ку! Ахир қандай қилиб бир қизни севиб туриб, уни бошқа ғаним хотин қаршисида ерга уриш мумкин, уни ўша бошқа хотиннинг олдида, ўша бошқа хотинни деб ташлаб кетиш мумкин, ахир ўзингиз унга уйланаман, деб айтгансиз-ку... ота-онаси олдида, опалари олдида уйланаман, дегансиз! Шундан кейин ҳам сиз софдил одам деб атайсизми, князь, ўзингизни, сўрашга ижозат этинг? Ва... илоҳий бир қизни сени севаман, деб туриб алдаб кетмадингизми?

— Ҳа, ҳа, сиз ҳақсиз, оҳ, мен гуноҳкорман, гуноҳкорман!— деди князь ҳаддан ташқари алам ва изтироб ичида.

— Шу ҳам гап бўлдими?— деб қичқирди Евгений Павлович дарғазаб ҳолда: «Мен гуноҳкорман!»— деб қичқиришнинг ўзи етарлимикин! Айбни қилиб қўйиб яна ўзингиз қайсарлик қиласиз! Ушанда қалбингиз, имонингиз, «христианлигингиз»,— қаерда қолган эди! Ахир сиз ўшанда қиз бечоранинг юзини кўриб тургансиз-ку: қиз шўрлик ўшанда сизнинг *анави бошқа* айирмачингиздан кам азоб чекканмиди? Кўриб турган бўлсангиз, қандай қилиб бунга йўл қўйдингиз? Қандай?

— Ҳа... ахир мен йўл қўйганим йўқ...— пичирлади бечора князь.

— Нега йўл қўймас экансиз?

— Худо ҳаққи, мен йўл қўйганим йўқ. Мен ҳозиргача тушунмайман, ҳаммаси қандай бўлганлигини... мен — мен ўшанда Аглая Ивановнанинг орқасидан чолдим, Настасья Филипповна бўлса ҳушидан кетиб қолди; кейин мени шу пайтгача Аглая Ивановнанинг олдида негадир киритишмайди.

— Барибир! Сиз Аглая Ивановнанинг орқасидан боришингиз керак эди *анави ҳушидан кетиб ётган тақдирда ҳам!*

— Ҳа... ҳа... шундай қилишим керак эди... лекин ахир у ўлиб қоларди! У ўзини ўлдирган бўларди, сиз уни билмайсиз, ва... барибир мен кейин ҳаммасини Аглая Ивановнага айтиб берган бўлардим ва... Биласизми, Евгений Павлович, афтидан, сиз ҳаммасини билмайсиз шекилли. Айтинг-чи, нега мени Аглая Ивановнанинг олдида киритишмайди? Мен унга ҳаммасини

тушунтирган бўлардим. Биласизми, ўшанда улар икковлари ҳам бутунлай бошқа нарсаларни гапиришди, бутунлай бошқа нарсаларни, шунинг учун ҳам оралари шундай бўлди... Мен буни сизга ҳеч қачон тушунтириб беролмайман; лекин мен балки Аглаяга тушунтириб берган бўлардим... Оҳ, худойим, худойим! Сиз унинг чиқиб кетаётганда юзи қандай бўлганлигини айтдингиз... о, худойим, эсимда!.. Юринг, юринг!— деб шоша-пиша Евгений Павловичнинг енгига ёпишиб судради князь ўрнидан сакраб туриб кетиб.

— Қаерга?

— Аглая Ивановнанинг олдига, юринг ҳозир борамиз!..

— У ҳозир Павловскда эмас, сизга айтдим-ку, боришнинг нима кераги бор?

— У тушунади, у тушунади!— деб пичирларди князь қўллари илтижо билан қовуштириб,— буларнинг ҳаммаси бекорчи гаплар эканлигини, бутунлай, бутунлай бошқа нарса эканлигини у тушунади!

— Нега бутунлай бошқа нарса бўларкан? Ахир мана сиз унга уйланыпсиз-ку? Демак, қайсарлик қилиб турибсизми ҳамон?.. Уйланасизми йўқми?

— Ҳа, албатта... уйланаман; ҳа, уйланаман!

— Нега унда бундай дейсиз?

— О, бутунлай ундаймас, ундаймас, ундаймас! Бу, бу уйланаётганим барибир, бунинг аҳамияти йўқ.

— Нега барибир аҳамияти бўлмас экан? Ахир бу шунчаки оддий нарса эмас-ку? Сиз ўзингиз севган хотинга уйланмоқчисиз, уни бахтли қиламан, деб ишонасиз, Аглая Ивановна бўлса, буни кўриб-билиб турибди, нега энди барибир бўларкан?

— Бахт дейсизми? О йўқ! Мен шунчаки ўзим уйланыпман; у шуни хоҳлаяпти; уйланаётган бўлсам, нима; мен... Майли, бу барибир энди! Фақат у ҳеч шубҳасиз ўлиб қолган бўларди. Мен энди кўриб турибман, у Рогожинга тегса, бу телбалик бўларди! Мен илгари тушунмаганларимни энди барини тушуниб олдим, биласизми: ўшанда улар икковлари юзма-юз турган чоғларида мен Настасья Филипповнанинг юзига чидай олмадим... Сиз билмайсиз, Евгений Павлович (у овозини сирли суратда пасайтирди), мен буни ҳеч кимга айтмаганман, ҳеч қачон, ҳатто Аглаяга ҳам, лекин мен Настасья Филипповнанинг юзини кўрсам ҳеч чидай олмайман... Сиз ҳали Настасья Филипповнаникида бўлиб ўтган зиёфат кечаси ҳақида тўғри айтдингиз; лекин бу ерда ҳам сиз беҳабар бўлган яна бир нарса бор эди, сиз уни билмайсиз: мен унинг юзига қараб анграйиб қолдим! Уша куни эрталаб унинг суратини кўрганимда, адойи тамом бўлгандим... Мана, Веранинг кўзлари, Вера Лебедеванинг кўзлари бутунлай бошқача,

мен... мен унинг юзидан қўрқаман!— деб қўшиб қўйди у ҳаддан ташқари қўрқув ичида.

— Қўрқаман, дейсизми?

— Ҳа; у— савдойи бўлиб қолган!— деб пичирлади князь ранги ўчиб.

— Сиз буни аниқ биласизми?— деб сўради Евгений Павлович жуда ҳам қизиқиб.

— Ҳа, аниқ; энди аниқ; энди шу кунларда бутунлай аниқ билиб олдим!

— Сиз ўзингизни қандай кунларга соляпсиз?— деб қичқириб юборди Евгений Павлович.— Демак, сиз унга қўрқанингиздан уйланыпсизми? Ҳеч ақлим етмай қолди... Балки ҳатто уни севмасангиз ҳам керак?

— О, ундаймас, мен уни чин дилдан севаман! Ахир у — сабий бола... ҳозир бутунлай гўдак бўлиб қолган, гўдак! О, сиз ҳеч нарсани билмайсиз!

— Яна Аглая Ивановнага севги изҳор қилиб уни ишонтириб юрибсизми?

— О, ҳа, ҳа!

— Бу қандай бўлди? Нима, уларнинг икковларини ҳам яхши кўрасизми?

— О, ҳа, ҳа!

— Эсингизни йиғинг, князь, нималар деяпсиз асти!

— Мен Аглаясиз... мен уни албатта кўришим керак! Мен... яқинда уйқумда ўлиб қоламан; мен бугун кечаси ухлаб ётиб ўлиб қолсам керак, деб ўйлаган эдим. О, агарда Аглая ҳаммасини билганда эди, билганда эди... ҳамма-ҳаммасини. Чунки бу ҳолда албатта ҳамма-ҳаммасини билиши керак, энг кераги шу! Нега биз керак бўлган чоғда, ўша бошқа одам айбдор бўлганида у ҳақда ҳамма-ҳаммасини ҳеч қачон билолмаймиз!.. Мен нима деётганимни ўзим ҳам билмайман, чалкашиб кетдим; сиз мени қаттиқ лол қилиб қўйдингиз... Наҳот унинг юзи ҳозир ўша қочиб чиқиб кетган пайтидагидай бўлса? О, мен айбдорман! Тўғриси, мен ўзим ҳаммасига айбдорман! Нимагалигини билмайман ҳозир, лекин мен айбдорман... Бу ерда алланима борки, мен уни сизга тушунтириб беролмайман, Евгений Павлович, ҳатто сўз тополмайман, лекин... Аглая Ивановна тушунади! О, мен доимо ишонганман унинг тушунишига.

— Йўқ, князь, тушунмайди! Аглая Ивановна худди аёллар каби, одам каби яхши кўрган, у ҳам фаришта... эмас ҳаволарда учиб юрган. Биласизми, гап нимада, менинг ғариб князим: ҳаммадан ҳам тўғрироғи, сиз унисини ҳам, бунисини ҳам ҳеч қачон яхши кўрган эмассиз!

— Мен билмайман... балки шундайдир, балки шундайдир;

сиз кўп нарсаларда ҳақсиз, Евгений Павлович. Сиз беҳад ақл-лисиз, Евгений Павлович; оҳ, яна бошим лўқиллай бошлади, юринг, унинг олдига борамиз! Худо ҳаққи, худо ҳаққи!

— Сизга айтдим-ку, у Павловскда эмас, Колминога кетган деб.

— Колминога ҳозир борамиз, юринг, кетдик!

— Бунинг сира и-ло-жи йўқ!— чўзиб деди Евгений Павлович ўрнидан тураркан.

— Менга қаранг, мен хат ёзиб бераман; сиз унга етказинг!

— Йўқ, князь, йўқ! Мени бундай топшириқлардан холи қилинг, қўлимдан келмайди!

Улар хайрлашдилар. Евгений Павлович ғалати бир тшонч ҳосил қилиб кетди: унинг назарида князь ақлидан айрилиб қолганга ўхшарди. Қандай юз экан, уни шунчалар қўрқитган ва уни шунчалар гирифтор қилган! Шу билан бирга, у чиндан Аглаясиз ўлиб қолиши мумкин ва Аглая унинг бу қадар жону дил билан яхши кўришини ҳеч қачон билмайди! Ха-ха! Қандай қилиб бирдан икки кишини севади? Яна аллақандай бир-бирига сира ўхшамаган тарзда севади? Қизиқ... шўрлик телба! Энди у нима қилади?

Х

Князь Евгений Павловичга мен яқинда уйқумда ўлиб қолсам керак, деган эди, лекин у тўйи бўлгунча на ўнгида, на уйқусида ўлди. Балки у рости билан ҳам босинқираб ухлаб, ёмон тушлар кўриб чиққандир; лекин кундузлари одамлар билан муомала қилганда чеҳраси очиқ ва мамнун кўринар, лекин гоҳи жуда ҳам ўйга ғарқ бўлиб кетар, лекин ёлғиз қолган чоғларидагина шундай бўларди. Тўйни тезроқ ўтказиб юборишга шошилишарди; тўй Евгений Павлович келиб кетгандан сўнг бир ҳафта кейин бўлди. Бундай шошилишда албатта князнинг энг садоқатли дўстлари ҳам,— агар унинг шундай дўстлари бор бўлса,— шўрлик девонани «қутқариб» қолишга ожиз эдилар. Евгений Павловичнинг келиб кетишига қисман Иван Федорович билан Лизавета Прокофьевна сабабчи бўлган, деган узунқулоқ гаплар ҳам юярди. Лекин улар беқиёс меҳрибончилик ва оқибат кўрсатиб бечора девона йигитни зулмат қаъридан қутқаришни истасан чоғларида ҳам албатта, шундан ортиқ бир қадам қўёлмас эдилар. На уларнинг тутган мавқелари ва на эҳтимолки, кўнгил майллари (бу табиий) бундан кўра жиддийроқ ҳаракат қилишга йўл бермасди. Ҳатто князни қуршаган одамлар ҳам ундан хафа бўлишиб юрганларини эслатган эдик. Вера Лебедева кўз ёши тўкиш билан чекланди, у ёлғиз ўзи қолганда йиғлаб-йиғлаб олар-

ди, князнинг ҳузурига ҳам олдингидан камроқ кирадиган бўлиб қолганди. Коля бу пайтларда отасининг таъзияси билан овора эди; биринчи оғир зарбадан сўнг етти-саккиз кунлар ўтгач, чол яна қаттиқ оғирлашди-ю, шу билан оламдан ўтди. Князь хонадоннинг бошига тушган мусибатга ҳамдард бўлди, кўп пайтларини Нина Александровнанинг ҳузурига ўтказди; у кўмиш маросимига ҳам қатнашди, черковга борди. Ўўплар князни черковдаги одамлар шивир-шивир қилишиб қаршилашганларини, орқасидан имо-ишора қилишганларини сезиб қолишди. Кўчада ва боғда ҳам аҳвол шу эди: у ўтиб кетаётганда, ивир-шивир бошланар, уни кўрсатишар, Настасья Филипповнанинг номини тилга олишарди. Кўмиш маросимида Настасья Филипповна ҳам кўзлари билан қидиришар, лекин Настасья Филипповна маросимга келмаганди. Маросимга капитан беваси ҳам қатнашмаган, уни Лебедев вақтида йўлдан қайтарган эди. Марҳум шарафига ўқилган ибодат князга қаттиқ ва оғир таъсир қилди; Лебедев черковда ундан алланима деб сўраган эди саволга жавобан, православларнинг марҳумга ўқийдиган ибодатларида биринчи маротаба қатнашпман, болалигимда қишлоқ черковида ҳам бир шундай ибодатни кўрган эдим, деб пичирлади.

— Эсингиздами, уни яқинда ўзимизга зиёфатда раис қилиб сайлаган эдик, мана энди тобутда худди бошқа бир одам ётганга ўхшайди-я, тавба?— деб унинг қулоғига шипшиди Лебедев.— Қимни қидирыяпсиз?

— Шундай ўзим, кўзимга кўрингандай бўлди...

— Рогожинни эмасми?

— У шу ердами?

— Черковда.

— Ўзим ҳам айтувдим-а, кўзи кўрингандай бўлаётир деб,— деб пичирлади князь хижолат чекиб ўнгайсизланиб,— нима ўзи... нима қилиб юрибди? Таклиф қилинганми?

— Қаёқда дейсиз. Улар билан таниш ҳам эмас. Бу ерда ҳар турли одамлар бор. Нега бундай ҳайрон бўлиб қолдингиз? Мен энди уни тез-тез кўрадиган бўлиб қолдим; кейинги ҳафта ичи Павловскда уни тўрт маротаба учратдим.

— Мен ўшандан бери... уни бир марта ҳам кўрмаган эдим,— деб пичирлади князь.

Настасья Филипповна ҳам Рогожинни «ўшандан бери» бир марта ҳам учратган-учратмаганлигини айтмаганлиги боисидан, князь, Рогожин нима учундир атай кўзга кўринмасдан юрибди, деган хаёлга борди. Шу кунни у оғир ўйга ботиб юрди; Настасья Филипповна эса ўша кунни кундузи ҳам, кечқурун ҳам хушчақ-чақ бўлиб юрди.

Князь билан отаси ўлмасидан илгариеқ ярашиб олган Коля князга навкарлик учун Келлер билан Бурдовскийни таклиф қилинг, деб маслаҳат берди (энди бу ишларни сира ҳам кечиктириб бўлмай қолганди). Келлер ўзини тутиб юради, балки ҳали «керак бўлиб ҳам қолар», деб унга кафил бўлди, Бурдовскийнинг нимасини айтасиз, мулоим ва ювош йигит, деди. Нина Александровна билан Лебедев ҳамон тўй ўтадиган бўлса, уни албатта Павловскда қилиш шартми, бунинг устига ҳозир ёз, ҳамма боғига чиққан, шунча одамларга кўзкўзлашнинг нима кераги бор, деб маслаҳат солиб кўришди. Петербургда, уйда ўтказган дуруст бўлмасмикин? Уларнинг нимадан чўчиётганларини князь яхши тушуниб туради; лекин у содда ва қисқагина қилиб, Настасья Филипповнанинг истаги шундай бўлди, деб қўя қолди.

Эртасига князнинг ҳузурига навкар бўлганидан хабар топган Келлер кириб келди. Ичкарига кирмасдан бурун у остонада тўхтади ва князни кўриши билан шаҳодат бармоғи букилган ўнг қўлини юқорига кўтарди-да, қасамёд қилаётгандек деди:

— Ичмайман!

Сўнг князнинг олдига келиб унинг ҳар иккала қўлини қаттиқ қисиб силкиб қўйди ва тили ешилди, олдин бу гаплар қулоғимга чалинганда ғашим келди, хафа бўлдим, бильярд ўйнаб туриб ҳаммага кўнглимдаги гапларни ҳам айтдим, нега десангиз, князни ўзимнинг қадрдон дўстим деб биламан, шунинг учун ҳам унинг малика де Рогандан асло кам бўлмаган, балки ортиқ бир маликага уйланишини ҳар кун, ҳар соат чин юракдан орзу қилган ва шуни кутиб интиқ бўлган эдим; лекин мана энди ўз кўзим билан кўриб ишондимки, князь, «уларнинг ҳаммаларидан» кўра камида ўн икки баробар ортиқ олижаноброқ экан! Зотан, князга ҳашам-ҳушам, бойлик-бадавлатлик ва ҳатто обрў, шон-шараф эмас, фақат — ҳақиқат керак экан! Олимақом зотларнинг кўнгил хоҳишлари маълум, князь эса умуман айтганда, маълумоти юксак бир киши сифатида ўша олимақом зотлар сирасига киради! «Лекин разиллар ва ғаламислар бошқача фикрдалар; шаҳарда, уйларда, йиғинларда, чорбоғларда, музыка эшитгани борганда, қовоқхоналарда, бильярдхоналарда фақат шунинг ғийбати, турли мишмишлар, иғволар. Никоҳ кун кечаси ҳатто дераза тагига бориб ғалва-ғишава, ҳуштакбозлик қилишмоқчи эмиш, деб эшитдим! Князь, мабодо сизга пистолет отадиган софдил бир одам керак бўлса, сиз ўша кун эрталаб асал тўшакдан тургунингизча улар билан отишма қилиб туришга тайёрман». Черковдан қайтгандан сўнг одамлар хатарли тарзда уйингизга ёғилиб кетиши мумкин, шунинг учун ҳовлига ўт ўчириш қувурини келтириб қўйилса, ҳар ҳолда ёмон

бўлмасди, деб маслаҳат берди; лекин Лебедев бунга қаршилик билдирди: «Агар ўт ўчириш қувурини олиб келсак, уйимизни кўкка совуриб юборишади».

— Бу Лебедев сизнинг орқангиздан фитна уюштириб юрибди, князь, худо ҳаққи! Улар сизни бутун мол-мулкингиз, эркингиз ва иродангиз билан бус-бутун ҳолда давлатнинг васийлигига олишмоқчи, ахир сизда одамни тўрт оёқли ҳайвондан ажратадиган шундай фазилатлар бўла туриб бунга қандай журъат қилишади! Ўзим эшитдим, ўз қулоғим билан аниқ эшитдим! Чин ҳақиқатни айтяпман!

Князнинг қулоғига ҳам шунга ўхшаш бир гап чалинган, лекин албатта бунга эътибор бериб ўтирмаган эди, ҳозир шу эсига тушди. У кулиб юборди ва шу заҳоти буни эсидан чиқарди. Лебедев ҳақиқатан ҳам бир қанча вақт ҳаракат қилиб юрган эди; бу одамнинг режалари илҳом билан туғилар ва эҳтироси ҳаддан ташқари кучли бўлганидан аввал бошда ўйланганидан кўра мураккаблашиб, чигаллашиб, ҳар томонга шох-бутоқ отиб кетарди; мана шунинг учун ҳам у ҳаётда кўп нарсаларга эришолмасди. Кейинча у тўй бўладиган кунни князнинг ҳузурига ўз гуноҳини бўйнига олиб афв сўраб келди (у орқасидан ўзи фитна уюштирган ва фитнаси амалга ошмаган чоғларда айниқса, афв сўрагани бўйинини эгиб келишни одат қилиб олган эди) ва князга, мен Талейран бўлиш учун туғилганман, лекин қандай қилиб ҳамон Лебедев бўлиб қоляпман, ақлим етмайди, деди. Кейин у князга бугун ўйинларни очиб ташлади ва князни беҳад қизиқтириб қўйди. Унинг гапларига қараганда, аввал олимақом зотларнинг ҳимоятига суяниб борибди, керак бўлганда уларга суянаман-ку, деб чама қилибди, генерал Иван Федоровичга гапнинг учини очибди. Генерал Иван Федорович нима дейишини билмай қолибди, «навқирон йигитга» яхшилик қилишни истайман, лекин «ун қутқаришни қанчалик истамай, бироқ бу ўринда менинг аралашувим жонз эмас», деди. Лизавета Прокофьевна эса Лебедевни кўришни ҳам, эшитишни ҳам хоҳламабди. Евгений Павлович билан князь Ш. қўлларини силтаб қўя қолишибди. Лекин Лебедев тушкунликка тушмабди, муҳтарам бир мўйсафид, кекса юрист билан учрашиб маслаҳатлашибди, бу одам унинг дўсти ва қадрдони, унинг валинеъмати бўларкан; ўша одам бу қилса бўладиган иш, деб айтибди, фақат васийликка олинадиган кишининг телба бўлиб, ақлдан озиб қолганлиги ҳақда ишончли одамларнинг гувоҳлиги ва энг муҳими, ҳурматли зотларнинг ҳомийлиги бўлиши керак экан. Лебедев умидсизликка тушмай князнинг ҳузурига бир кунни шу ерда чорбоғда турадиган мўйсафид бир докторни олиб келди, доктор бўйнига Анна нишонини тақиб олганди, доктор-

ни расмий суратда эмас, ҳозирча князь билан таништириб қўйиш учун олиб келган экан, ундан дўстона бир фикр олмоқчи экан. Чол докторнинг келгани князнинг эсида эди, Лебедев бир неча кун олдин сизнинг тобингиз қочиб қоляпти, деганди ва князь доктор келишига қарши бўлганди, лекин бирдан Лебедев кутилмаганда докторни бошлаб келиб қолди, жаноб Терентьевнинг аҳволи оғирлашиб қолган экан, ҳозир унинг олдидан доктор билан бирга келяпмиз, Терентьевнинг касали ҳақида докторнинг князга айтадиган зарур гапи бор экан, деб баҳона қилди. Князь Лебедевни мақтаб қўйди ва докторни очиқ чехра билан қарши олди. Дарҳол Ипполитнинг касали хусусида сўзлаша бошладилар; доктор бир маҳал Ипполит ўзини қандай қилиб отмоқчи бўлганлигини батафсилроқ айтиб беришни княздан сўради, князь ҳаммасини унга жуда қизиқ ҳикоя қилди ва воқеанинг сабабини тушунтирди. Петербургнинг обу ҳавоси, князнинг касали, Швейцария, Шнейдер ҳақида суҳбатлашиб ўтирдилар. Князь Шнейдернинг даволаш усулини шундай баён қилиб бердики, шундай ҳикоялар айтдики, доктор чол ҳаддан зиёда қизиқиб кетиб, икки соат ўтириб қолди. У князнинг аъло навли сигараларини мириқиб чекди, Лебедев томондан эса Вера ажойиб мусаллас келтирди, доктор аёлманд, бола-чақали одам бўлишига қарамасдан Верани шама билан мақтаб кетди, бундан Веранинг қаттиқ аччиғи чиқди. Доктор билан князь дўстона хайрлашдилар. Князнинг ҳузуридан чиққач, доктор Лебедевга агар бундай йигитларни васийликка оладиган бўлсак, васийлик қиладиганларни кейин қаердан ахтариб топамиз, деди. Лебедев йиғламсираган киши бўлиб, яқинда бўладиган тўйни айтган эди, доктор маккорлик билан бошини чайқади ва ўз қарашларини баён этиб ўтди, биров уйланаркан, биров эрга тегаркан, бу билан кимнинг нима иши бор, деди, «эшитишимга қараганда ўша хоним ҳам жуда офатижон эмиш, унинг тенгсиз ҳусну жамоли кимни телба қилиб қўймайди дейсиз, бунинг устига Тоцкийдан, Рогожиндан орттирган дов-давлат, пул, сармоя, олмослар ва дурру жавоҳирлар, шол рўмоллар ва қимматбаҳо асбоб-анжомлар кимни қизиқтирмайди дейсиз, шунинг учун ҳам қимматли князнинг қилаётган бу иши тентаклик эмас, балки аксинча, асилзода одамнинг нозик фаросатидан ва режакорлигидан дарак беради, шундай экан, ушбулар бутунлай князнинг фойдасига хулоса чиқаришга имкон яратади...» Бу фикр Лебедевни ҳам лол қилиб қўйди. Шу билан у бошлаган ишини бас қилди ва мана энди князга: «Мендан энди садоқат ва фидокорликдан ўзга нарсани кўрмайсиз, сиз учун ширин жоним қурбон бўлсин; шуни айтиб қўйгани келдим»,— деб ўтирибди.

Шу сўнги кунларда Ипполит ҳам княздан тез-тез хабар олиб турарди; у князни чақиртириб тез-тез одам юборарди. Улар турадиган кичкинагина уй бу ердан унча йироқ эмасди; Ипполитнинг кичкина укалари касалнинг зуғумидан боққа қочиб чиқиб кетар ва жилла қурса, шунга хурсанд эдилар; шўрлик бева эса унинг барча зуғум ва инжиқликларига чидарди; князь уларни ҳар куни яраштириб қўяр, кўнгилларини кўтарар эди, бемор уни ҳамон «энага», деб атар, лекин унинг ўртага тушиб, яраштириб юргани учун масхара қилишга журъат этмасди. У ҳадеб Қолянинг устидан шикоят қилар, келмай қўйди, деб нолирди, Коля эса аввал нотоб отасига қараб, ҳозирги кунларда эса онасини ёлғиз қолдиргиси келмай Ипполитдан бир оз узоқлашиб қолганди. Охири Ипполит Настасья Филипповна билан князнинг бўлажак тўйлари устидан масхара қилиб кула бошлади ва князни ҳақорат қилишгача борди, князь қаттиқ ранжиди ва унинг олдига келмай қўйди. Икки кундан кейин бева шўрлик эрталаб яна судралиб келди ва агар князь бормаса, «бола» мени тириклай еб қўяди, деб йиғи-сиғи қилди. Ипполитнинг сизга айтадиган махфий гапи бор экан, деди. Князь борди. Ипполит ярашмоқчи экан, у кўз ёши қилди ва йиғлагандан сўнг яна баттар зарда қила бошлади, лекин зардасини, аччигини очиқ-ошкора юзага чиқаришга юраги бетламади. Унинг ҳаддан ташқари мазаси қоңган, санокли кунлари қолганга ўхшарди. Ҳеч қандай махфий гапи ҳам йўқ экан, фақат ниҳоят даражада ҳаяжонланиб, нафаси бўғзига тиқилиб (эҳтимол бу ҳам ясама бўлса ажабмас), «Рогожиндан эҳтиёт бўлинг», деб илтимос қилди. «У ўз ҳақини қўймайдиган одам, князь; у сиз билан менга ўхшаган эмас: агар бу одам бир нарсага қарор қилса, аҳдининг урдасидан чиқади...» ва ҳоказо, ва ҳоказо. Князь батафсилроқ суриштира бошлади, аниқ бир гап бўлса билгиси келди; лекин Ипполитнинг шахсий сезгилари ва тахминларидан ўзга тузук-қуруқ бир гапнинг тайини бўлмади. Ипполит князни охири қаттиқ хавотирга солиб қўйди ва бундан гоёта хурсанд бўлди. Олдин князь унинг баъзи бир тусмоллаб берган саволларига жавоб бергиси келмади ва унинг «чет элга қочиб кетиш ҳам мумкин, у ерларда ҳам рус руҳонийлари бор, ўша ерда никоҳдан ўтиш ҳам мумкин», деган маслаҳатларига кулибгина қўя қолди. Лекин Ипполит охирида шундай бир гапни айтди: «Мен фақат Аглая Ивановнадан кўрқаман: Рогожин уни қанчалар яхши кўришингизни билади; муҳаббатга муҳаббат айирбош қилади; сиз ундан Настасья Филипповнани тортиб олдингиз, у Аглая Ивановнани ўлдиради; Аглая Ивановна энди сизнинг қўлингиздан учиб чиқиб кетган бўлса ҳам, лекин барибир сизга жуда оғир бўлади, шундай эмасми?» Ипполит ўз

ниятига етди: князь унинг олдидан бир ҳоли бир сар бўлиб қайтди.

Рогожиндан эҳтиёт бўлинг, деган огоҳлантиришлар тўй арасида бўлиб ўтди. Шу кунни оқшом никоҳдан ўтиш олдидан князь Настасья Филипповна билан охириги марта кўришди; лекин Настасья Филипповна князнинг кўнглини ёзолмади ва ҳатто аксинча кейинги пайтларда князь уни кўрганда кўнглидаги хижил тобора кучаярди. Олдин, яъни бир неча кун илгари Настасья Филипповна князь билан учрашганларида бор кучи билан унинг кўнглини овлашга ҳаракат қиларди, князнинг гуссага ботиб юришидан бениҳоя қўрқарди: ҳатто унга ашула айтиб беришга ҳам уриниб кўрди; аксар пайтлар у князга хотирасида қолган энг кулгили ва зариф ҳикояларни, ҳодисаларни айтиб беришга интиларди. Князь ҳар доим ўзини худди маза қилиб кулаётгандай кўрсатар ва гоҳи кезлар ростдан ҳам унинг ўтқир зарофат ва ойдин туйғулар билан ҳикоя қилаётганидан завқланиб куларди, Настасья Филипповна жуда берилиб кетган чоғларидагина шундай ҳикоя қилар, у эса тез берилувчан хотин эди. Князнинг кулаётганлигини, ўзининг ҳикоясидан қаттиқ мутаассир бўлганлигини кўриб, Настасья Филипповнанинг кўнгли кўтарилиб кетар, ўзидан фахрлана бошларди. Лекин энди Настасья Филипповнанинг хаёли тобора паришон бўла борар, ўйга ботар, маъюс бўлиб қоларди. Князнинг Настасья Филипповна ҳақидаги фикрлари бир тўхтамга келганди, албатта, энди бу хотиннинг кўп томонлари унга сирли ва англаб бўлмас туюлмас эди. Лекин князь унинг яна ҳаётга қайтадан келишига чин дилдан ишонарди. Князь Евгений Павловичга уни чин дилдан самимий яхши кўраман, деганда тўғри гапни айтганди ва унинг Настасья Филипповнага бўлган муҳаббати аянчли, касал бир ёш болага бўлган ачинишга ўхшарди, назарида бундай болани ўз ҳолига ташлаб қўйиш сира инсофдан эмасди. У ҳеч кимга Настасья Филипповнага бўлган муносабатларини очилиб гапирмас, беихтиёр гап очилиб қолса, гапиришни ёқтирмасди; Настасья Филипповна билан эса икковлари бирга ўтирган кезларида «туйғулари ҳақида» гап юритишмас, худди икковлари ҳам бу ҳақда оғиз очмасликка сўз берганга ўхшардилар. Уларнинг одатдаги хушчақчақ, очиқ-сочиқ, файзли суҳбатларида истаган киши бемалол қатнашиши мумкин эди. Дарья Алексеевна кейинча уларга қараб ўтириб хурсанд бўлардим, ҳавасим келарди, деб айтиб юрди.

У Настасья Филипповнанинг руҳий ва ақлий аҳволига шундай кўз билан қарарди ва шу қараши уни бир жиҳатдан талай англашилмовчиликлардан фориғ қиларди. Настасья

Филипповна князь уч ой илгари кўрган хотинга энди сира ўхшамасди. Князь ҳозир, масалан, Настасья Филипповна нега ўшанда у билан никоҳ ўқитмай қочиб кетганлиги, унинг бошига қарғишлар, таъна-тазаррулар ёғдирганлиги, эндиликда эса тезроқ тўй қилайлик, деб шошираётганлиги устида бош қотириб ўтирмасди. «Демак, энди мен билан бахтли бўлишига ишонади»,— деб ўйларди князь. Настасья Филипповнанинг кутилмаганда жуда тез бундай ўзига ишонч билан қарай бошлагани назарида унчалар ҳам табиий бўлиб кўринмасди. Ҳар ҳолда, у фақат Аглая билан ёвлашиб ўзига шундай ишонч орттирмагандир-ку: Настасья Филипповна жуда теран ҳис қила оларди. Рогожиндан кўрққанидан бўлмагандир бу? Қисқаси, бошқа нарсалар қаторида шу сабаблар ҳаммаси бир бўлиб таъсир қилгани шубҳасиз; лекин князь ўзи анчадан бери ўйлаб тахмин қилиб юрган нарсалари юз бераётганлигини аниқ сезиб турарди, шўрлик аёлнинг хаста юраги алоҳа тоқатини йўқотган эди. Буларнинг ҳаммаси князни турли англашилмовчиликлардан қутқарган бўлишига қарамай, у ўзини шунча кунлар ичида, бир зум бўлсин, хотиржам сезмади, у тинчини йўқотиб қўйганди. Баъзан у ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилаётгандек кўринарди; никоҳга у ҳақиқатан ҳам худди арзимаган расмиятчилик деб қарарди; ўз тақдири унинг кўзига чивинча ҳам кўринмасди. Одамларнинг эътирозлари, турли мишмишлар, Евгений Павлович билан бўлиб ўтганга ўхшаш гап-сўзларга келганда эса, у нима деб жавоб беришини мутлақо билмас, ўзини ҳеч нарсдан хабари йўқ одамдай тутар, шунинг учун бу ҳақдаги гапларни эшитгиси келмас, улардан қочарди.

Князь Аглая унинг учун қанчалар қадрли ва ардоқли эканлигини Настасья Филипповна яхши билиши ва тушунишини пайқаб қолди. Фақат Настасья Филипповна индамасди, лекин князь Епанчинларникига олдинлари бормоқчи бўлиб отланган чоғларида унинг «юзи» қандай бўлиб кетишини кўрганди. Епанчинлар кўчиб кетишгач, Настасья Филипповна чарақлаб очилиб кетди. Князь шу кунларда хотирпариишон бўлиб, ҳеч нарсани сезмайдиган бўлиб қолганига қарамасдан, Настасья Филипповна Аглаяни Павловскдан кеткизиш учун бир ишқал чиқармасин-да ишқилиб, деб хавотир олиб юрарди. Бутун чорбоғларда тўй ҳақида даранг-дурунг гапларнинг тарқалишида қисман Настасья Филипповнанинг ўзи ҳам сабабчи бўлганди, у ғанимининг жиғига тегиш ва уни суриб чиқариш учун ҳам шундай қилганди. Епанчинларни учратиш қийин эди, шунинг учун ҳам Настасья Филипповна бир сафар князни извошга ўтқазиб уларнинг деразалари олдиндан олиб ўтди. Бу князь учун жуда кутилма-

ган нарса бўлди; у эс-ҳушини йиғиб олганда, одатдагидай, энди вақт ўтган, ҳеч нарсанинг олдини олиб бўлмай қолганди, извош Аглаянинг дарчаси тагидан ўтди. У ҳеч нарса демади, лекин шундан сўнг икки кун ўрнидан туролмай касал бўлиб ётди. Настасья Филипповна тажрибасини бошқа давом эттирмади. Тўй арафасида Настасья Филипповна қаттиқ ўйга ботадиган одат чиқарди; у гуссаларни тез бошидан соқит қилар ва яна хушчақчақ бўлиб қолар, лекин олдингидай эмасди, унинг шўхликлари босилгандай, вазмин бўлиб қолгандай эди, хуллас, у илгаригидай шод ва бахтиёр эмасди. Князь ҳушёрликни оширди. Настасья Филипповна Рогожин ҳақида сира оғиз очмас, бу князга ажабтовур бўлиб кўринарди. Фақат бир марта тўйга беш кунча қолганда князнинг ҳузурига Дарья Алексеевнадан одам келиб, тез борар эмишсиз, Настасья Филипповнанинг мазаси қочиб қолибди, деди. Князь етиб бориб Настасья Филипповнани савдойи бўлиб қолган бир аҳволда кўрди. У титраб-қақшаб, Рогожин боғимизда юрибди, мен уни ҳозир кўрдим, у мени кечаси ўлдириб кетади, деб қичқирар, нола қиларди... сўяди!— дерди. У кунни билан ўзига келмади. Лекин ўша кунни кечқурун князь Ипполитни кўриб чиқиш учун бир зумга кирди, ўзининг аллақандай ташвишлари билан шаҳарга тушиб ҳозиргина қайтиб келган капитаннинг беваси, Петербургда менинг олдимга Рогожин келди ва Павловскда нима гап, деб суриштирди, деди. Князь бевадан Рогожин қачон келган эди, деб сўради, беванинг айтган вақти Настасья Филипповнанинг Рогожинни кўрдим, деб айтган пайтига тўғри келарди. Демак, Настасья Филипповнанинг кўзига шундай кўринган; Настасья Филипповнанинг ўзи келиб бевадан сўраб-суриштириб сўнг кўнгли хийла жойига тушди.

Тўй арафасида Настасья Филипповнанинг димоғи жуда чоғ эди, князь унинг олдидан кетаётганда: Петербурдан бичиқчидан тўй либослари, кўйлақлар, бошга кийиладиган кийимлар ва ҳоказо, ва ҳоказо келтирилганди. Князь унинг либосларини кўриб бунчалар кўнгли очилиб кетади, деб ўйламаганди, князь унинг кўнглини топиб мақтар ва князнинг мақтовларидан у янада бахтиёр бўлиб кўринарди. Лекин Настасья Филипповна шаҳарда бўлаётган гап-сўзлардан оғиз очиб қолди, шаҳардагиларнинг ҳаммаси норози эмиш, аллақандай такасалтанглар майнавозчилик қилишмоқчи эмиш, музыкалар чалинармиш, шеърлар тўқишганмиш, бошқаларнинг ҳаммаси шундай қилиш керак, деб маъқуллашаётганмиш. Улар шундай қилаётганлари учун ҳам Настасья Филипповна жўрттага ҳашаматли либосларда уларнинг кўзларига кўринаман, кўзлари куйиб ўлсинлар, деди,— «майли, кейин ҳуштак чалсинлар, жанжал-сурон

кўтарсинлар, кўлларидан келганини қилсинлар». Шундай деб унинг кўзлари ярақлаб кетди. Унинг яна бир кўнглига туккан нияти бор эди, лекин бу ниятини у ҳеч кимга айтмасди: назарида худди Аглая ёки у томондан яширин суратда юборилган биронта кимса черковга албатта келадигандай ва ҳаммасини одамлар ичида туриб кўрадигандай эди, Настасья Филипповна шунга ҳам тайёрланарди. Унинг бутун хаёли мана шундай фикрлар билан банд эди, князь унинг қошидан чиқиб кетганида кечаси соат ўн бирлар бўлиб қолганди; лекин тун ярим бўлмай князнинг олдига Дарья Алексеевнадан одам келди, «дарров бораркансиз, тоби қочиб қолибди», деди. Князь борса қаллиғи ётоқхонанинг ичига кириб беркиниб олганча полафарёд қилар, ўзини билмай кўз ёши тўкарди; у анчагача эшик орқасидан уни чақираётганларини, ялинаётганларини эшитмади, ниҳоят эшикни очди, ёлғиз князнинг ўзини ичкарига киритди, яна эшикни беркитиб олди ва князнинг оёқлари остига ўзини ташлади. (Ҳар ҳолда, кейинчалик Дарья Алексеевна шундай деб юрди.) Унинг кўзи шунгагина тушиб улгурган эди.

— Нима қилиб қўйдим! Нима қилиб қўйдим! Сени нима қилиб қўйдим!— деб инграб қичқирарди у князнинг оёқларидан кучоқлаб олганча.

Князь роса бир соат унинг ёнида бўлди; уларнинг нима ҳақда сўйлашганларини биз билмаймиз. Дарья Алексеевна улар бир соатлардан кейин шод-хуррам бўлиб хайрлашдилар, деб айтиб берди. Князь кечаси яна одам юбориб хабар олдирди, лекин Настасья Филипповна ухлаб қолган экан. Эрталаб азонда Дарья Алексеевнанинг ҳузурига яна князнинг олдидан одамлар келишди, кўп ўтмай учинчи марта яна аллақим келиб хабар олди, шу учинчи келган киши орқали князга «Настасья Филипповнанинг олдига Петербургдан аллақанча бичиқчилару машшотталар келишибди, кечагидан ҳатто асорат ҳам қолмаган, ўзи жуда банд, шундай гўзал хотин банд ҳам бўлмасинми, никоҳ ўқитиш олдидан, ҳозир, худди ушбу дақиқаларда дурлару олмосларнинг қайси бирини тақиш ва қандай тақиш устида анжуман боряпти», деб айттириб юбордилар. Князнинг кўнгли ўрнига тушди.

Биладиган одамлар бундан кейин рўй берган ҳангома-ларни шундай ҳикоя қиладилар ва чамаси, уларнинг айтганлари рост:

Никоҳ ўқитишни соат саккизга белгилаган эдилар; Настасья Филипповна соат еттидаёқ тайёр бўлган эди. Соат олтилардан Лебедевнинг чорбоғи ва айниқса, Дарья Алексеевнанинг уйи атрофига такасалтанглар тўплана бошладилар; соат еттидан черков одамлар билан тўла бошлади. Вера Лебедева билан Коля

князни деб ўтакалари ёрилгудай бўлмоқда эди; лекин уйда уларнинг қиладиган юмушлари бошдан ошиб ётарди: улар князнинг хоналарини зиёфатга ҳозирлашарди. Дарҳақиқат, никоҳдан сўнг унчалар катга зиёфат ҳам қилинмоқчи эмасди; никоҳдан иштирок этиш зарур бўлган кишилардан ташқари Птишчилар, Ганя, бўйнида Аниаси бор доктор, Дарья Алексеевна Лебедев томонидан таклиф қилинган эди. Князь «унчалик таниш бўлмаган» докторни нега чақирдингиз, деб сўраган эди, Лебедев манманлик билан: «Бўйнида ордени бор, мўғтабар бообрў одам, керак бўлади»,— деб жавоб берган ва бундан князнинг кулгиси қистаганди. Фрак ва қўлқоплар кийиб олган Келлер билан Бурдовскийнинг кўринишлари ёмон эмасди; фақат Келлер жангарилиги қистаб, уй атрофига йиғилган томошабинларга ёвқараш қилиб қараб қўяр, башарасидан уришгиси келаётгани кўриниб турарди, мана шу князь билан Келлерга ишонч билдирган бошқа кишиларни бир оз ташвишга солмоқда эди. Ниҳоят соат етти яримда князь каретага ўтириб черковга йўл олди. Ўрни келганда айтиб ўтайликки, у атай ҳамма урф-одатларни ўрни ўрнига қўйиб бажармоқда эди; ҳаммаси очиқ, одамларнинг кўз ўнгиди, «қандай лозим бўлса шундай» тарзда қилинмоқда эди. Черковда шивир-шивир қилаётган, алланималаринидир сўзлаётган одамлар орасидан базўр ўтиб бордилар, Келлер ўнгу сўлга таҳдид билан қараб қўярди, князь меҳроб томонга вақтинча ўтиб турди, Келлер келини олиб келгани кетди. Дарья Алексеевна уйнинг атрофини қалин одам босиб ётарди, одамлар бу ерда князнинг уйи олдидагидан икки-уч баравар кўп эди ҳам икки-уч баравар сурбетроқ эди. Келлер зинапоядан эшикка кўтариларкан, шундай хитобларни эшитдики, чидолмай орқасига ўгирилди ва бошлаб жавоб бермоқчи бўлиб турган эди, ичкаридан чиқиб келган Дарья Алексеевна билан Бурдовский эланиб уни бу шаштидан қайтардилар. Улар Келлерни кучоқлаб уй ичига олиб кириб кетдилар. Келлер жуда ҳам тажанг бўлиб турар, шошиларди. Настасья Филипповна ўрнидан турди, яна бир карра ойнага қаради ва кейинчалик Келлернинг айтишича, «лабини қийшайтириб жилмайиб», «худди мурдадай оқариб кетибман», деди-да, санамга художўйлик билан чўқиниб, эшикка чиқди. Одамлар гувиллаб уни қутлашди. Рост, олдин бир зум кулги, чапак ва пичагина ҳуштак эшитилди; лекин зум ўтмай бутунлай бошқача овозлар ҳам янграб қолди:

— Соҳибжамол!— деб қичқаришарди одамлар орасидан.

— Ҳамманинг бошида бор!

— Башарасига тўр тутиб олганлигини қаранг, тентаклар!

— Йўқ, бунақа ҳурилиқо дунёда топилмайди, яшасин!— деб қичқаришарди яқинроқда турганлар.

— Княгиня! Мен бундай княгиняга жонимни қурбон қилган бўлардим!— деб қичқирди аллақандай идора хизматчиси.— «Умримнинг баҳосига арзийди!»

Настасья Филипповна дарҳақиқат эшикка ранги қумдай ўчганча чиққан эди; лекин унинг катта-катта қора кўзлари одамларга мисли лаҳча чўғ каби боқарди; одамларни унинг шу қараши ўртаб юборди; ғазаблар шодиёна қутловлар билан алмашди. Каретанинг эшиги унга очилди, Келлер келинга қўлини ёрдамга узатди, шунда бирдан келин қаттиқ чинқириб юборди-да; ўзини зинадан халойиқ ичига отди. Уни кузатиб келаётганлар ҳайратдан лол бўлиб қотиб қолдилар, одамлар келинга йўл беришди ва олти қадамча нарида Рогожиннинг қораси кўринди. Настасья Филипповнанинг кўзи унга тушди. У Рогожиннинг олдига савдойиларча югуриб борди ва икки қўллаб унга ёпишиб олди:

— Қутқар мени! Олиб кет мени! Қаёққа бўлса ҳам майли, ҳозир олиб кет!

Рогожин бағрига тўкилиб тушган Настасья Филипповнани кўтариб каретага элтди. Кейин кўз очиб юмгунча чўнтагидан юз сўмлик пул чиқарди-да, кучерга узатди.

— Темир йўлга ҳайда, етказиб оборсанг, яна юз сўм бераман!

Шундан сўнг унинг ўзи ҳам Настасья Филипповнанинг орқасидан каретага сакраб чиқди ва каретанинг эшикларини ёпиб олди. Кучер бир зум ҳам ҳаяллаб ўтирмади ва шартта отларга қамчи босди. Келлер кейинчалик ҳаммасини кутилмаганда бўлиб қолди, деб баҳона қилиб юрди: «Яна бир дақиқа ўтсайди, мен нима қилиш кераклигини билардим, мен бунга асло йўл қўймасдим!»— деб тушунтирарди у саргузаштни ҳикоя қиларкан. У Бурдовский билан шу ерда турган бошқа экипажга ўтириб қочқинларнинг орқасидан қувмоқчи ҳам бўлди, лекин йўлда яна фикридан айнади ва «барибир энди кеч бўлди! Зўрлаб орқага қайтариб бўлармиди!»— деди.

— Князнинг ўзи ҳам энди хоҳламайди!— деди қаттиқ ларзага тушган Бурдовский.

Рогожин билан Настасья Филипповна эса станцияга жуда вақтида етиб келдилар. Каретадан тушиб вагонга ўтираётганларида Рогожин шу ердан ўтиб бораётган бир қизни тўхтатди, қиз устига эскигина камзул ташлаган, бошига фуляр рўмол ўраган эди.

— Камзулингизни беринг, эллик сўм бераман!— деб қизга кутилмаганда пул чўзди Рогожин. Қиз анг-танг бўлиб нималигини тушуниб улгурмасданоқ, Рогожин унинг устидан камзулини ва рўмолини ечиб олди-да, дарҳол Настасья Филипповнанинг

устига ташлади. Унинг ҳаддан ташқари башанг уст-боши вагонда одамларнинг диққатини жалб қилган бўларди, камзули счиб олинган қиз ҳам нега эскириб кетган кийимига эллик сўм берганларини кейин тушунди.

Ҳангома ҳақидаги шов-шув бир зумда черковга етиб борди. Келлер князнинг ёнига ўтиб бораркан, бутунлай нотаниш кишилар уни тўхтатишиб гап сўрашарди. Гала-говур бўлиб кетди, кишилар бошларини чайқашди, кулги эшитилди; ҳеч ким черковдан чиқмас, ҳаммалари бу хабарни куёв қандай кутиб олишига қизиқишарди. Князнинг ранги ўчди, лекин хабарни осуда туриб эшитди ва зўрға эшитиларли қилиб деди: «Юрагим сезган эди; лекин барибир шундай бўлади, деб ишонмагандим...» — кейин бир зум жим қолиб қўшиб қўйди: «Айтганча... унинг аҳволида... ажабланмаса ҳам бўлади.» Унинг бу гапини кейинчалик Келлернинг ўзи «ақл бовар қилмайдиган фалсафа», деб атади. Князь черковдан зоҳиран тетик ва хотиржам чиқди: ҳар ҳолда, уни кўрган кишилар кейин шундай деб гапириб юришди. Унинг тезроқ уйга етиб олгиси ва ёлғиз қолгиси келаётганга ўхшарди; лекин у бунга муяссар бўлмади. Унинг кетидан уйга таклиф қилинган баъзи кишилар, жумладан, Птицин, Гаврила Ардалионович ва нима учундир сира кетгиси келмаётган доктор кирдилар. Уйни тумонат одам қуршаб олганди. Равондан князь уйга кирмоқчи бўлиб интилаётган баъзи кишилар билан жиқиллашаётган Келлер билан Лебедевнинг овозини эшитди, киришга уринаётганларнинг ҳаммаси кўринишдан хизматчиларга ўхшар эдилар. Князь жанжаллашаётганларнинг олдиларига борди, нима гап эканлигини суриштирди, Келлер билан Лебедевини аста бир чеккага сурди-да, ичкарига қандай бўлмасин, киришни истаётган бир қанча одамларнинг бошида турган соқоли оқарган, тўладан келган жанобга одоб билан мурожаат қилди, қани, ичкарига марҳамат қилсинлар, қадамларига ҳасанот, деди. Жаноб бир оз тортинган бўлса ҳам, лекин ҳар ҳолда ичкарига кирди, унинг кетидан яна аллақанча кишилар кириб бордилар. Атрофда турган одамлар ичидан уйга киришни истовчи етти-саккизта одам топилди, улар ичкарига иложи борича ҳеч нарсани писанд қилмасдан кириб бордилар; лекин бошқа ишқибозлар чиқмади ва сал ўтмай ташқаридагилар уйга кирганларни қоралай бошладилар. Қирган кишиларни стулларга ўтқаздилар, чой берилди, ва иззат-икромлар кўрсатилдики, бу кириб келганларни бир оз таажжубга солиб қўйди. «Муносиб» бир мавзу топиб гапни жўнаштириб юборишга ҳаракат қилганлар ҳам бўлди. Бир қанча андишасизгина саволлар ўртага тушди, баъзи «ўткир» имо-ишоралар рўй берди. Князь худди боодоб ва ўй-мулоҳазали кишилар билан сўзлашаётгандай ҳамма са-

волларга соддадиллик ва очиқкўнгиллик билан жавоб берди, заррача ҳам ўз қадрини ерга урмади, шундан сўнг маза-бемаза қилвир саволлар бугунлай тўхтади. Аста-секин суҳбат жиддий тус олди. Бир жаноб гапга қўшилиб, нима бўлганда ҳам энди бу ердаги мулкимни сотмайман, деди дарғазаб бўлган ҳолда. Аксинча, кутаман, деди, сабр таги сари олтин, «мулking бўлса пулдан яхшироқ». «Менинг иқтисодий системам мана шундан иборат, марҳаматли афандим, билмасангиз, билиб олинг». Жаноб князга қарата сўзлаётгани учун князь унинг гапларини қизгинлик билан маъқуллади, ҳолбуки, бу пайтда Лебедев унинг қулоғига зўр бериб, бу кишининг мулки у ёқда турсин, қоққанда қозиги, оспанда хурмачаси йўқ, дерди. Шу тариқа бир соатча ўтди, чой ичиб бўлинди, чойдан сўнг меҳмонлар ортиқ ўтиришга ўнғайсизланиб қолдилар. Доктор билан, соч-соқоли оқарган жаноб князь билан қизгин хайрлашдилар; умуман, келганларнинг ҳаммалари князь билан вағир-вуғур қилишиб, апоқ-чапоқ хўшлашиб қолдилар. «Кўпда қайғураверманг, балки шундай бўлгани ҳам ўзингизга яхшидир», деб ҳоказо ва ҳоказо тарзда юпатганлар ҳам топилди. Рост, меҳмонлар ичида шампань талаб қилганлар ҳам бўлди, лекин ёши улугроқлар ёши кичикроқларни йўлдан қайтаришди. Ҳамма тарқалиб бўлгач, Келлер Лебедевининг қулоғига энгашиб деди: «Биз сен билан шовқинлаб, ёқалашиб, шарманда бўлиб полицияни чақиришга мажбур бўлардик; уни қара, ўзига янги дўстлар топиб олди, яна қандай дўстлар дегин; мен уларни биламан!» Анча «тайёр» бўлиб қолган Лебедев хўрсиниб жавоб қилди: «Донолар ва оқиллардан яшириб, сабийларга маълум қилган, мен илгари ҳам у ҳақда шу гапни айтганман, лекин энди қўшиб қўяйки, сабийнинг ўзини ҳам худо асради, чоҳи азиматдан олиб қолди, худонинг ва валийларининг ўзи бокарамдир!»

Ниҳоят соат ўн яримларда князни ёлғиз қолдирдилар, унинг боши лўқиллаб огримоқда эди; ҳаммадан кейин Коля кетди, у князга никоҳ либосларини уй кийимларига алмаштиришга ёрдамлашди. Улар ғоятда қизгин хайрлашдилар. Коля бўлиб ўтган воқеалар ҳақида гапни чўзиб ўтирмади, лекин эртага барвақтроқ келишга сўз берди. Коля кейинчалик князь мени ҳеч нарса деб огоҳлантормади, деб айтиб юрди, демак, князь ҳатто ундан ҳам ўз мақсадини сир тутган эди. Кўп ўтмай бутун уйда ҳеч ким қолмади, Бурдовский Ипполитининг олдига кетди, Келлер билан Лебедев қайгадир жўнадилар. Ҳувиллаб қолган уйда ёлғиз Вера Лебедевагина хоналарни йиғиштириб юрарди. У юмушларидан қутулгач, князнинг олдига кирди. Князь икки тирсагини столга тираб, бошини чангаллаганча ўтирарди. Вера секингина келиб унинг елкасига

қўлини чўзди; князь ҳеч нарсани англамаган кўйи унга қаради ва бир дақиқача худди йўқотган нарсасини эслагандай бўлиб турди; у ҳаммасини эслаб мулоҳаза қилиб кўргач, бирдан қаттиқ ҳаяжонга тушди. У Верадан эрталаб биринчи поездга улгуриб чиқишим керак, мени соат еттида уйғотиб кўйинг, деб куйиб-пишиб илтимос қилди ва ҳаяжони шу билан босилди. Вера рози бўлди; князь жониқиб буни ҳеч кимга айта кўрманг, деб Верага ялинди; Вера бунга ҳам рози бўлди ва охири чиқиб кетмоқчи бўлиб эшикни оча бошлаган эди, князь уни учинчи марта тўхтатиб, қўлларидан ушлаб олди-да, қизнинг қўлларини ўпди, сўнг унинг пешонасидан ҳам ўйиб қўйди ва аллақандай «жуда галати» қиёфада унга: «Эргагача!»— деди. Ҳар ҳолда Вера кейинчалик шундай деб айтиб юрди. Қиз ундан қаттиқ хавотир олган кўйи чиқиб кетди. Эрталаб соат саккизга қараб кетганда, у князнинг эшигини тақиллатди ва вагон чорак соатдан сўнг кетади, деб айтди, князни кўриб қизнинг кўнгли анча жойига тушди; Веранинг назарида эшикни очган князь жуда тетик ва табассум қилиб тургандай бўлиб кўринди. У устидаги кийимларни ечмаган, бироқ мизғиб олган эди. Унинг фикрича, шу бугуноқ бу ерга қайтиб келмоқчи эди. Шу тариқа ушбу дақиқаларда у ёлғиз Веранинг ўзигагина шаҳарга кетаётганлигини маълум қилишни лозим ва зарур кўрган эди.

XI

У бир соатдан сўнг Петербургга кириб борди, соат ўнларда эса Рогожиннинг эшигини тақиллатди. У катта эшикдан борган эди, анчагача ҳеч кимдан дарак бўлмади. Ниҳоят, кампир турадиган уйнинг эшиги очилиб, жуда ҳам қартайиб қолган, кўркам оқсоч кампир кўринди.

— Парфен Семенович уйда йўқлар,— деб жавоб берди у эшикдан туриб — сизга ким керак эди?

— Парфен Семенович.

— У киши уйда йўқлар.

Оқсоч кампир князни жуда қизиқиб кўздан кечирарди.

— Жилла қурса, айтинг, уйда тунадими йўқми у? Кеча... уйга бир ўзи қайтдимми?

Кампир ҳамон уни кўздан кечирар, лекин жавоб бермасди.

— Кеча у билан бу ерга... кечқурун... Настасья Филипповна келмадими?

— Айтинг-чи, ўзингиз ким бўласиз?

— Князь Лев Николаевич Мишкинман, биз яхши таниш-

миз.

— У киши уйда йўқлар.

Кампир ерга қаради.

— Настасья Филипповна-чи?

— Мен ҳеч нарсани билмайман.

— Тўхтанг, тўхтанг! Қачон қайтиб келади?

— Буни ҳам билмаймиз.

Эшиклар ёпилди.

Князь бир соатдан кейин келишга қарор қилди. Ҳовлига қараган эди, қоровул юрганлигини кўрди.

— Парфен Семенович уйдами?

— Уйда.

— Ўнга бўлмаса менга ҳозир уйда йўқ, деб айтдилар?

— Уникида шундай дейишдимми?

— Йўқ, кампир онасининг оқсочи чиқиб айтди, Парфен Семеновичнинг эшигини тақиллатсам ҳеч ким жавоб бермади.

— Балки чиқиб кетгандир,— деди қоровул,— айтмайди. Баъзан калитларни ҳам чўнтагида олиб кетади, хоналар уч кунлаб очилмай қолиб кетади.

— Сен билсанг керак, кеча уйда бўлдимми?

— Уйда эди. Гоҳо кўча эшикдан кириб кетади, одам билмай ҳам қолади.

— Кеча унинг ёнида Настасья Филипповна йўқмиди?

— Буни билмаймиз. Бу ерларга кўпда келмайди; агар қадам ранжида қилганда билган бўлардик.

Князь чиқиб кетди ва бир оз вақтгача йўлакда кезиниб юрди. Рогожин ишғол қилган хоналарнинг деразалари тим-тирс берк эди; онаси истиқомат қиладиган хоналарнинг деразалари эса ҳаммаси ланг очилган эди; кун иссиқ, ҳаво очиқ эди; князь кўчани кесиб нариги тарафга ўтди ва ўша ёқдан яна деразаларга кўз югуртирди: деразалар ёпиққина эмас, ҳаммасининг юзига оқ парда тортилганди.

Князь бир дақиқача туриб қолди ва — бирдан оқ пардалардан бирининг чети сурилди-да, лип этиб Рогожиннинг юзи кўринди, шу заҳоти яна лип этиб ғойиб бўлди, қизик, балки князга шундай кўриндимикин. Князь яна бирпас кутди ва яна эшикни тақиллатмоқчи бўлди, лекин фикридан қайтиб, бир соатдан сўнг келмоқчи бўлди: «Ким билади, балки менинг кўзимга шундай кўрингандир...»

Энг муҳими, у ҳозир Измайловский полкидаги Настасья Филипповнанинг олдинги уйига шошилмоқда эди. Настасья Филипповна уч ҳафта бурун князнинг илтимосига кўра Павловскдан кўчиб кетиб, Измайловский полкида турадиган ўзининг қадрдон таниши муаллима аёлникига жойлашган эди, князнинг бундан

хабари бор эди, бева қолган бу муаллима аёл ҳурматли ва оиламанд хоним бўлиб, жуда яхшилаб жиҳозланган уйнинг ортиқчасини ижарага қўяр ва кўпроқ шу билан кун кечирарди. Настасья Филипповна яна Павловска қайтиб бораркан, бу уйнинг ижарасини ўзида сақлаб қолган бўлса ажаб эмасди. Рогожин кеча уни шу ерга олиб келган бўлиши эҳтимолдан холи эмас ва Настасья Филипповна кечани шунда ўтказган бўлиши мумкин. Князь извош олди. Йўлда кела туриб аввал бошдан шу ерга келсам бўлар экан, деб ўйлади князь, зотан, Настасья Филипповна тўғри Рогожиннинг уйига борган бўлиши ақлга тўғри келмайди. Шунда у ҳовли қоровулининг Настасья Филипповна кўпда бу ерга келмасди, деган сўзини эслади. Бошқа пайтда кўпда келмаса, ҳозир қандай қилиб Рогожинникига тушади? Узини шундай деб юпатган ва тасалли берган кўйи князь Измайловский полкига етиб келди, шу топда уни кўрган одам ўликми тирикми, ажратиб ололмасди.

Князь муаллиманикига бориб, Настасья Филипповна на кеча ва на бугун қорасини ҳам кўрсатмаганлигини билиб ҳайратдан анг-танг бўлиб қолди, муаллиманинг оила аъзолари ажойиб бир нарсани томоша қилиб қолишга ошиққандай князни кўриш учун югургилашиб чиқишди. Муаллиманинг барча каттакичик болалари, ўн беш яшаридан тортиб, етти яшаригача ойисига эргашиб чиқдилар ва князни ўраб олиб унга анграйиб тикила бошладилар. Улардан сўнг бошига қора рўмол ташлаган ориқ ва сариқ холалари чиқиб кетди, ҳаммадан кейинда болаларнинг кўзойнак таққан бувиси — қари кампир кўринди. Муаллима ичкарига киринг, деб қистади. Князь дарров кўна қолди. Князь ўзининг кимлигини, кеча унинг Настасья Филипповна билан тўйи бўлиши кераклигини, улар жуда ҳам яхши билишларини дарҳол фаҳмлади, тўйи бўлиши керак бўлган одамнинг ўзи Настасья Филипповнани сўраб-истаб юрганлиги уларга фавқулодда қизиқ бўлиб кўринди, улар тўй ҳақида, ҳозир князь билан Павловска бўлиши керак бўлган келин ҳақида жуда сўрагилари келиб турар, лекин истиҳолога борар эдилар. Князь тўй ҳақида қисқагина қилиб уларга сўзлаб берди. Оҳ-воҳлар, нега ундай бўлди, нега бундай бўлди, деган гаплар кўпайиб кетгандан кейин князь бошқа ҳамма гапларни ҳам майдалашиб ўтирмасдан айтиб қўя қолди. Ниҳоят қаттиқ ҳаяжонга тушган доно хотинлар кенгашиб қандай қилиб бўлмасин, Рогожинни топиш ва бор гапларни ундан билиб олиш керак, деган қарорга келдилар. Агар у уйда бўлмаса (буни аниқ билиб олиш керак) ёки у айтишни истамаса, унда Семеновский полкида Настасья Филипповнанинг таниши бор, немис хотин, онаси билан бирга туради, ўшанинг олдига бориш зарур: балки

Настасья Филипповна қўрқиб кетиб яшириниш ниятида немис хотинниқига борган бўлиши мумкин. Князь адойи тамом бўлган ҳолда ўрнидан турди; кейинчалик «унинг ранги жуда ёмон оқариб кетди», деб айтиб юрдилар, дарҳақиқат, тиззалари қалтираб оёқлари чалишиб кетмоқда эди. Охири у ғала-говур бош-бошдоқ гаплар орасидан хотинлар унга ёрдам бермоқчи бўлаётганларини, бирга қидиришни таклиф қилаётганларини ва князнинг шаҳарда қаерда турганлигини сўраётганларини пайқаб қолди. Ҳали князнинг муқим турар жойи йўқ эди; хотинлар бирон мусофирхонадан жой олишни маслаҳат қилдилар. Князь бир зум ўйланиб туриб, ўзи уларга бир сафар бундан беш ҳафтача илгари турган мусофирхонанинг адресини берди. Сўнг яна Рогожинни қидириб кетди.

Бу сафар Рогожиннинг эшиги ҳам, кампирнинг эшиги ҳам очилмади. Князь ҳовлига тушиб зўрға қоровулни қидириб топди; қоровул нима биландир шуғулланар, зўрға жавоб берар, князнинг башарасига ҳам қарамас, лекин, ҳар қалай, аниқ-таниқ қилиб «Парфен Семенович эрталаб чиқиб кетган эди, Павловскка бораман, деган эди, бугун уйга қайтмайди», деб жавоб берди.

— Мен кутаман; балки кечқурун келиб қолар?

— Балки бир ҳафта йўқ бўлиб кетар, ким билади дейсиз уни.

— Демак, кеча уйда тунаган экан-да?

— Тунашга тунаган-а...

Буларнинг бари шубҳали ва хунук эди. Қоровул ўтган вақт ичида янги кўрсатма олган бўлиши мумкин: боя бийрон-бийрон гапириб турган одам энди юзини тескари ўгирияпти. Лекин князь яна икки соатдан кейин келишга ва лозим бўлса, шу ерда ўтириб кутишга қарор қилди, энди бўлса, яна немис хотинниқидан умид қолган эди, у балки ўша ердадир деб Семеновский полкига қараб чопди.

Аммо немис хотинниқида князнинг гапларини ҳатто тушунмадилар. Князь баъзи бир қулоғига кириб қолган сўзлардан немис хотин бундан икки ҳафта бурун Настасья Филипповна билан уришиб қолганлигини, ўшандан бери у ҳақда ҳеч нарса эшитмаганлигини, энди эшитишни ҳам, билишни ҳам истамаслигини англади, «менга дунёдаги бор князларнинг ҳаммасига эрга тегмайдими», деди немис хотин. Князь бу ердан тезроқ кетишга шошилди. Балки Настасья Филипповна анави сафардагидай Москвага қараб равона бўлгандир, Рогожин бўлса унинг орқасидан, ё бўлмаса, бирга кетгандир, деган хаё келди унинг миясига. «Жуда бўлмаганда изларини топсам ҳам майли!» Шуида бирдан мусофирхонадан жой олиб қўйиши лозим-

лиги ёдига тушди ва у Литейнаяга қараб шошилди. Унга дарров уй ажратиб бердилар. Хизматкор тамадди қилмайсизми, деб сўради; князь паришонхотирлик билан майли, деб юборди, кейин овқат ярим соат вақтини олишини эслаб тоза тажанг бўлди, фақат бир оз ўтгандан сўнггина овқатни қайтарсам ҳам бўларди-ку, ҳеч ким мени мажбур қилмасди-ку, деган фикр миясига келди. Хира ва ҳавоси бўғиқ бу коридорда у ғалати бир ҳолатни бошидан кечирди, унинг бу кечинмаси жонга азоб берадиган бир фикрга айланиш ҳолатида эди. Лекин у кўкрагида тимирскиланаётган, лекин аниқ бир шаклга кира қолмаётган бу янги фикр нимадан иборат эканлигини билолмасди. Ниҳоят, у ғоятда афтодаҳол бир алфозда мусофирхонадан чиқди. Унинг боши айланмоқда эди. Лекин — хўш, қани қаерга борсин энди? У яна Рогожин томонга йўл олди.

Рогожин қайтиб келмабди. Эшикни ҳеч ким очмади; у кампирнинг эшигини тақиллатди; эшикни очишиб, Парфен Семенович йўқ, балки яна уч кун бўлмаса керак, деб жавоб қилишди. Бу сафар ҳам князни қаттиқ қизиқиб кўздан кечирдилар, князь бундан ўнғайсизланди. Қоровулни бу сафар ҳеч ердан тополмади. У бояғидай яна кўчанинг нариги бетидаги йўлгага ўтди, деразаларга қараб, тоқат қилиб бўлмайдиган жазирамада ярим соатча, эҳтимол, ундан ҳам кўпроқ вақт айланиб юрди; бу гал пардалар ҳам сурилмади. Деразалар очилмади, оқ пардалар қимир этмасди. Менга боя ҳам шундай туюлган бўлса керак, бу деразалар анчадан бери артилмагандан қорайиб кетган, биров орқасидан қараган тақдирда ҳам аниқ илғаб олиш қийин, деб ўйлади князь. Бу фикрдан кўнгли анча жойига тушди ва у яна Измайловский полкига, муаллиманинг уйига қараб йўл олди.

У ерда князни кутиб ўтиришган экан. Муаллима уч-тўрт жойларда бўлибди, Рогожинникига борибди: на ерда дараги бор, на кўкда. Князь индамай қулоқ солди, хонага кириб диванга ўтирди ва нима деётганларини англамагандай ҳаммага аланглаб қарай бошлади. Қизик: у кутилмаганда баъзан жуда сезгир бўлиб қолар, баъзан эса бениҳоя паришон. Кейинчалик шу хонадондагиларнинг барчалари князни жуда ғалати одам экан, шу кун «балки ҳаммаси бошланган бўлса керак», деб юрдилар. Охири у ўрнидан туриб Настасья Филипповнанинг хонасини кўрсатишларини сўради. Бу иккита катта-катта, ёруғ, шифти баланд, анча яхши жиҳозланган ва нархи ҳам хийла баланд хоналар эди. Кейинчалик бу хонадондаги хотинларнинг ҳаммалари князь хоналардаги ҳар бир нарсани эътибор билан кўздан кечирганлигини гапириб юришди, стол устида очиқ қолган, ўқиш кутубхонасида чиқарилган «Бовари хоним» деган француз рс-

манини кўрди, китобнинг очиқ қолган саҳифасини белгилаб, бир четини букиб қўйди, китобни ўзига беришларини илтимос қилди ва китоб кутубхонаники эди, дейилган эътирозларга қарамасдан, уни чўнтагига солиб олди. Очиб қўйилган дераза олдига бориб ўтирди, усти бўр билан чизиб ташланган ломбер столчасини кўриб, ким ўйнади, деб сўради. Улар Настасья Филипповна ҳар куни кечқурун Рогожин билан дураки, преферанс, тегирмончи, вист ва ўзига кўзир — ишқилиб, ҳамма қарта ўйинларини ўйнаганларини айтиб бердилар, қартани кейинги пайтлардагина ўйнайдиган бўлибдилар, Настасья Филипповна Петербургда қайтганларидан сўнг ҳар куни зерикиб кетяпман, деб шикоят қиладиган, гўп йиғлайдиган бўлиб қолибди, Рогожин эса келиб нимани гапиришини билмай индамай ўтираваркан. Бирдан эртасига Рогожин кечқурун келганида чўнтагидан қарта олибди; шундан кейин Настасья Филипповна кулиб юборибди ва қарта ўйнагани ўтирибдилар. Князь улар ўйнаган ўша қарта қани, деб сўради. Лекин қарта бу ерда эмас экан, Рогожин ҳар куни эскисини олиб кетиб янгисини олиб келар экан.

Хонадондаги хонимлар сиз яна Рогожинникига боринг, қаттиқроқ тақиллатинг эшигини, лекин ҳозир эмас, кечқурун боринг, «балки уйига келиб қолар», деб князга маслаҳат бердилар. Муаллиманинг ўзи кечгача Павловскка Дарья Алексеевникига бориб келишга ваъда берди: балки улар билишар бирон нарсани? Князни кечқурун соат ўнларга келинг, деб таклиф қилишди, жуда бўлмаганда эртага қиладиган ишларимизни сўзлашиб оламиз, дейишди. Князни қанча юпатмасинлар, қанча кўнглини кўтармасинлар, у бутунлай умидсизликка тушди. У ифода қилиб бўлмайдиган бир ғусса ичида мусофирхонага қайтди. Ҳавоси дим, ғуборли Петербургнинг иссиғи князнинг икки чаккасини қаттиқ сиқмоқда, лоҳас қилмоқда эди. У масту хушёр одамлар орасидан туртиниб борар, ҳеч қандай мақсадсиз одамларнинг юзларига тикилиб қарар ва шу тариқа эҳтимол керагидан ортиқча ҳам йўл юриб юборди; у ўзининг хонасига кириб борганда, қоронғи тушиб қолганди. Бирпас нафасини ростлаш учун диванга ўтирди, сўнг маслаҳат берганларига кўра яна Рогожинникига боради, князь столга икки тирсагини тираганча хаёлга толди.

Худо билади, қанча ўйлади, худо билади, нималарни ўйлади. У жуда кўп нарсалардан кўрқмоқда ва жуда кўп нарсаларни сезмоқда эди, шу нарса унга даҳшатли тарзда азоб бермоқда, қийнаб ташламоқда эди. Хаёлига Вера Лебедева келди; кейин Лебедев бу ишларни билса керак, агар билмаган тақдирда ҳам менга қараганда тезроқ ва осонроқ билиб келиши мумкин,

деб ўйлаб қолди. Кейин унинг хаёлига Ипполит келди, Рогожиннинг Ипполитнинг олдига қатнаб юрганларини эслади. Сўнг Рогожин эсига тушиб: яқинда ибодат чоғида уни кўргани, боғ ичида учратгани ва ниҳоят, худди мана шу ерда йўлда пичоқ кўтариб унга ташлангани эсига тушди. Кўз ўнгидан Рогожиннинг кўзлари, ўшанда қоронғилик ичидан боққан кўзлари нари кетмасди. У сесканиб тушди: боя ҳеч ифодасини топмай турган мубҳам фикр бирдан аён бўлди, миясида ярқираб кетди.

Бу фикр шундан иборат эди, Рогожин қаерда бўлмасин, вақтинча яшириниб юргани билан барибир эртами-кечми, яхши ниятдами, ёмон ниятдами, ҳар ҳолда, князнинг ҳузурига келади, эҳтимол, яна илгари қилган ишини қилиш ниятига тушиб қолар. Ҳар қалай, агар Рогожин келишни зарур топса, унинг шу ердан бошқа қидириб келадиган жойи йўқ. У адресларни билмайди; шунинг учун ҳам князь яна ўша эски мусофирхонада тўхтаган бўлса керак, деб тахмин ва тусмол билан келиши мумкин; ҳар не бўлмасин, уни шу ердан ахтариб кўради... агар жуда зарур бўлиб қолса. Яна ким билади, балки унга жуда зарур бўлиб ҳам қолар?

У шундай деб ўйлар ва шундай бўлишига бир қадар ишонарди. Агар у бу фикрига теранроқ қараганда, сира ҳам ўзига ўзи ҳисоб беролмасди: «Мисол учун у нега бирдан Рогожинга керак бўлиб қолади ва ниҳоят, нега энди улар кўришмас эканлар?» Лекин бу фикр зилдай оғир эди: «Агар унинг ишлари яхши бўлса, келмайди,— деб ўйларди ҳамон князь,— агар иши юришмаётган бўлса, келади; менмча, аҳволи яхши бўлмаса керак...»

Албатта, бундай ишончга келгач, Рогожинни шу ерда хонада ўтириб кутиш даркор эди; лекин князь ўзининг янги фикрини танига сиғдиролмади, ўрнидан сакраб турди-ю, шляпасини олиб кўчага отилди. Коридор қоронғи бўлиб қолган эди. У зананинг ўша таниш ерига яқинлашаётганда: «Ҳозир у ўша бурчакдан чиқиб келиб мени тўхтатса-я?»— деган фикр лип этиб унинг калласидан ўтди. Лекин ҳеч ким чиқмади. У дарвозахонага тушди, кўчага чиқди, қуёш бота бошлаши билан одамларнинг кўчага бунчалар кўп ёғилиб чиққанларига ҳайрон қолди (Петербургда ёз чоғларида доим шундай бўлади), князь Гороховая томонга қараб йўл олди. Мусофирхонадан эллик қадамча юрилгандан сўнг, чорраҳада кимдир унинг тирсагидан тутди ва нақ қулоғига келиб шивирлади:

— Лев Николаевич, биродар, орқамдан юр, гап бор.

Бу Рогожин эди.

Қизиқ: князь бирдан хурсанд бўлиб кетиб унга тутила-тути-

ла, сўзларни охирига ҳам етказмай, уни ҳозир коридорда қандай кутганлигини гапириб бера бошлади.

— Мен ўша ерда эдим,— деб кутилмаганда жавоб берди Рогожин,— кетдик.

Князь бу жавобдан ҳайратга тушди, лекин икки минут ўтгач, мулоҳаза қилиб кўриб ҳайратланди. Князь Рогожиннинг жавоби устида ўйларкан, қўрқиб кетди ва унга диққат билан тикила бошлади. Рогожин эса ярим қадам олдинда, ҳеч кимга қарамай, ғайриихтиёрий тарзда ҳаммага йўл бериб кетиб борарди.

— У ерга борган бўлсанг, нега... менинг хонамни сўрай қолмадинг?— деб бирдан сўради князь.

Рогожин юришдан тўхтаб, унга қаради, ўйланди, лекин худди саволни тушунмагандай, деди:

— Менга қара, Лев Николаевич, сен ҳозир то уйга етганимизча тўғри юриб боравер, билдингми? Мен нариги бетдан бораман. Мени йўқотиб қўйма тағин...

Шундай деб, у кўчанинг нариги бетига ўтиб кетди, князь ҳам келаётибдимикин, деб бу томонга қаради, унинг жойидан қимирламай кўзларни катта-катта очганча тикилиб турганлигини кўриб, Гороховая томонга қараб қўлини силкитди ва худди князни тезроқ юришга ундагандай дам сайин орқасига қараб, олға босиб кетди. Князь унинг гапини тушуниб кўчанинг нариги ёғидан бу томонга ўтмаётганидан хурсанд бўлди чамаси. Рогожин бировни кўрмоқчи шекилли, уни ўтказиб юбормаслик учун нариги томонга ўтди, деб ўйлаб кетарди князь. «Фақат кимни қараш кераклигини нега менга айтмадийкин?» Улар шу тариқа беш юз қадамча юрдилар, кейин князь негадир қалтирай бошлади; Рогожин ўқтин-ўқтин у томонга кўз ташлаб қўярди. Князь чидамай уни қўли билан чақирди. Рогожин шу заҳоти унинг ёнига ўтди.

— Настасья Филипповна сеникидами?

— Меникида.

— Боя сен деразадан пардани кўтариб қаровдингми?

— Ҳа...

— Нега унда сен...

Лекин князь ундан энди нимани сўрашини ва саволни қандай тугатишни билмасди. Бунинг устига, унинг юраги шундай қаттиқ урмоқда эдики, ҳатто тили калимага келмай қолмоқда эди. Рогожин ҳам унга индамай қараб турар, ўйга ботгандай кўринарди.

— Хўш, мен юрдим бўлмаса,— деди у яна кўчанинг нариги ёғига ўтмоқчи бўлиб,— сен ўзинг боравер. Кўчадан бошқа-бошқа борганимиз маъқул... икки томондан борамиз... ўзинг кўрарсан.

Ниҳоят, икковлари икки йўлакдан Гороховая кўчасига қараб бурилиб, Рогожиннинг уйига яқинлаша бошлаганларида князнинг оёқлари чалишиб кета бошлади, оёғида мадор қолмади. Кеч кириб, соат ўнлар бўлиб қолганди. Кампир томондаги деразалар ҳамон очиқ, Рогожин томондаги деразалар эса берк эди, тушириб қўйилган пардалар хира оқариб кўринарди. Князь уйга қаршидаги йўлқадан яқинлашди; Рогожин нариги йўлқадан бориб, эшикка етган, унга қўлини силкимоқда эди. Князь унинг олдига ўтди.

— Уйга қайтиб келганлигимни ҳатто қоровул ҳам билмайди. Мен боя Павловскка кетяпман, дегандим, онамга ҳам айтганман,— деб пичирлади у муғамбирлик билан ўзидан мамнун ҳолда жилмайиб,— бизнинг кирганимизни ҳеч кимса билмайди.

У калитини қўлига ушлаб олганди. Зинадан кўтариларкан, секинроқ юр, дегандай князга пўписа қилиб қўйди, оҳиста ўз хоналарининг эшигини очди, князни ичкарига киритди, ўзи ҳам аста ичкарига ўтди ва эшикни ёпиб қулфлади. Калитни чўнтагига солди.

— Кетдик,— деб шипшиди у.

У Литейнаяда келаётганларида ҳам шипшиб сўзлаша бошлаган эди. У зоҳиран хотиржам кўринса-да, лекин ботинда аллақандай қаттиқ ҳаяжонда эканлиги сезиларди. Улар залга кириб бордилар, у князни дераза олдига имлаб чақирди:

— Боя сен эшикнинг қўнғироғини чалганингда, сен келганлигингни дарров билдим; эшикнинг орқасидан бориб-қулоқ солсам, Пафнутьевна билан гаплашаётган экансан, мен унга азонда тайинлаб қўйган эдим; сен келсанг ёки сендан биронта киши келса, сира мени айтма, дегандим; айниқса, ўзи келса айтма, деб исмингни ҳам тушунтириб қўйгандим. Кейин сен кўчага чиқиб кетдинг, кўчадан туриб пойлаётган бўлса-я, деган фикр хаёлимга келиб қолди. Мана шу деразанинг олдига келиб пардани суриб қарадим, қарасам, ўзинг турган экансан, тўғри менга қараб турибсан... Ана шунақа гаплар.

— Қани... Настасья Филипповна? — деб бўғилиб сўради князь.

— У... шу ерда,— жиндаккина тўхтаб туриб, сўнг секин жавоб берди Рогожин.

— Қани ахир?

Рогожин бошини кўтариб князга диққат билан тикилди:

— Юр...

У ҳамон шошмасдан, худди ўйга ботган кишидай паришонлик билан аста сўзларди. Ҳатто деразадан қараганлиги ҳақида тўлқинланиб сўйлаганига қарамасдан, худди буни эмас, бошқа нарсани айтмоқчи бўлганга ўхшарди.

Улар ичкари хонага кирдилар. Князь бу ерда бўлганидан бери ўтган вақт ичида бирмунча ўзгаришлар рўй берганди: бутун уй бўйлаб кўк ипак парда тўсиқ тортилган, парданинг икки четидан нариги томонга ўтса бўлар, Рогожиннинг хос ётоғи шу парда билан тўсилганди. Оғир парда тушириб қўйилган, ҳаммаёқ бекитиб ташланганди. Хона ичи қоп-қоронғи эди; Петербургнинг ёзги «оқ» кечалари қорая бошлаган, агар осмонда тўлини ой бўлмагандайди, Рогожиннинг қоронғи хоналарида ҳеч нарсани англаб, пайқаб бўлмасди. Тўғри, ҳали бир-бирларининг юзларини илғаб олишлари мумкин эди, лекин юзлари ҳам ғира-шира кўринарди. Рогожиннинг юзи одатдагидай қонсиз эди. Унинг князга тикилиб турган кўзлари худди қотиб қолганга ўхшар, йилтираб турарди.

— Шам ёқсанг бўлармиди?— деди князь.

— Йўқ, йўқ, керакмас,— деб жавоб берди Рогожин ва князнинг қўлидан ушлаб стулга ўтқизди. Ўзи унинг рўпарасига тизза-батизза ўтирди. Уларнинг ўрталарида—бир оз чеккароқда кичкина доира столча бор эди.— Ўтир, бирпас ўтирайлик!— деди у худди ўтиришга илтижо қилгандай. Бир дақиқа жим бўлиб қолдилар.— Мен билардим, сен ўша мусофирхонада тўхташингни,— деди у баъзан асосий гапни айтишдан бурун ишга алоқаси бўлмаган бошқа майда-чуйда нарсаларни шундай тилга олдидлар,— ичкарига кирдим у ҳозир хонада мени кутиб ўтирган бўлса керак, худди менга ўхшаб дедим. Муаллиманикига бордингми?

— Бордим,— деди зўрғагина князь юраги тасир-тусур урган кўйи.

— Мен бунини ҳам ўйлаганман. Тоза гап-сўз бўлади, деб ўйладим... кейин: уни бу ерга тунагани олиб келаман, кечани шу ерда бирга ўтказамиз, деб ўйладим...

— Рогожин! Настасья Филипповна қани?— пичирлади князь ўрнидан туриб аъзойи бадани қалт-қалт қилганча. Рогожин ҳам ўрнидан турди.

— У ерда,— деб шивирлади у князга боши билан парда томонни кўрсатиб.

— Ухлаб ётибдими? — пичирлади князь.

Рогожин яна князга боягидай диққат билан қаради.

— Майли, юра қол... Фақат сен... майли, бўпти, юр!

У пардани кўтарди, тўхтаб яна князга қаради.

— Ўт!— деди у князга ичкарига ўтишга ундаб. Князь ичкарига ўтди.

— Қоронғи экан,— деди у.

— Кўрса бўлади!— деб пичирлади Рогожин.

— Сал-сал кўряпман... каравот бор.

— Яқинроқ бориб кўр,— деди аста Рогожин.

Князь яна ҳам яқинроқ борди, бир қадам, ярим қадам ташлади. У бирпас серрайиб тикилиб қолди. Икковларидан ҳам садо чиқмасди; хона ўлик сукунатга чўмганди, князнинг юраги қинидан отилиб чиққудай бўлиб урар, бутун хонага унинг уриши эшитилаётгандай эди. Князнинг кўзи қоронғиликка ўрганиб, тўшакни илғай бошлади. Унда кимдир қимир этмасдан қотиб ухлаб ётарди; қилт этган товуш эшитилмасди. Ётган одамнинг бошидан-оёқ оқ чойшаб тортилган, лекин гавдасининг излари билинар-билинимас кўзга илганарди; узала тушиб одам ётганлиги равшан эди. Атрофга, ерга, тўшак устига, каравотга, пастдаги креслога, ҳатто ерга ечилган кийим-кечаклар, оппоқ ипак либос, гуллар, ленталар бетартиб сочилиб ётарди. Бош томондаги кичкинагина столчада тақинчоқ олмос ва марваридлар ялтираб кўринарди. Оёқ томонда аллақандай тўрлар чуваллашиб, шу оқ тўрлар оралаб чойшаб остидан яланғоч оёқнинг учи чиқиб турарди. У худди мрамардан йўнилганга ўхшар, шу қадар тош қотиб қолганди. Князь қараб туради ва қараган сайин хонага янада қаттиқроқ жонсиз сукунат чўкаётганга ўхшарди. Бирдан уйқусидан безовта бўлган пашша гингиллаётгандай бошлади, каравот устидан учиб ўтиб унинг бош томонидан овози ўчди. Князь сесканиб кетди.

— Чиқайлик,— Рогожин унинг қўлига тегинди.

Улар чиқиб ўша стулларга яна ўша алфозда ўтирдилар. Князь борган сари қаттиқроқ титрар ва саволомуз кўзларини Рогожиндан узмасди.

— Мунча қалтираб кетяпсан, Лев Николаевич,— деди ниҳоят Рогожин,— тутқаноғнинг тутиши олдидан шундай бўласан, тўғрими, Москвада бўлганинг эсингдами? Худди тутқаноқ олдидан шундай бўлган эди. Унда сени нима қиламан, сира билолмай қолдим...

Князь бутун кучини бир ерга тўплаб, тушунишга ҳаракат қилди, у парда томонни боши билан ирғаб кўрсатди.

— Сен қилдингми?

— Мен... қилдим...— пичирлади Рогожин ва бошини қуйин эгди.

Яна беш дақиқалар чамаси жим ўтирдилар.

— Нега десанг,— деб давом этди Рогожин бояги гапини тўхтатмай,— агар касалинг тутса, тутқаноғинг бошланса, фарёд кўтарсанг, унда кўчадагилар ва ё уйдагилар эшитиб қоладилар, уйда одам борлиги маълум бўлади; эшикни тақиллатадилар, ичкарига кирадилар... нега десанг, улар мени уйда эмас, деб биладилар. Мен кўчадан ва ё ҳовлидан кўриб қолмасинлар, деб шам ҳам ёқмаган эдим. Нега десанг, мен йўғимда калитни

Ўзим билан олиб кетсам, уйга менсиз ҳеч ким кирмайди, уни йиғиштирмайди ҳам, шунга одатланиб қолганмиз. Шундай десанг, бизнинг бу ерда эканлигимизни билмасинлар, десанг...

— Шошма,— деди князь,— мен боя қоровулдан ҳам, кампирдан ҳам сўраган эдим: Настасья Филипповна шу ерда эмасми деб? Улар демак, билишади.

— Сўраганингни биламан. Мен Пафнутьевнага айтдим, кеча Настасья Филипповна келган эди, ўн минутча бўлиб кейин Павловскка жўнаб кетди, деганман. Унинг бу ерда қолганлигини ҳеч ким — бирон зот билмайди. Кеча биз худди ҳозир сен билан кирганимиздай ҳеч кимга билдирмай аста келганмиз. Келаётганда, ҳали у ичкарига ҳеч кимга билдирмай киришни истамаса керак, деб ўйлагандим — қаёқда дейсан! Секин пи-чирлайди, оёғининг учида юрди, кўйлагин шитирламасин деб қўли билан кўтариб ушлаб олди, менга зинада қўли билан дўқ қилди, секин юр деб,— сендан шунчалик қўрқиб қолган экан. Вагонда қўрқанидан жинни бўлиб қолаёзди, ўзи меникида ётиб қолишни хоҳлади; аввал мен уни муаллиманикига элтиб қўймоқчи эдим,— қаёқда дейсан! «Мени у ердан тонг ёришмасданок топиб олади, сен мени яшириб қўй, эрталаб саҳар Москвага кетамиз», дейди. Кейин Орёлгами, аллақасёққа кетмоқчи эди. Ётганда ҳам нуқул, эртага Орёлга кетамиз деяверди...

— Шошма; энди нима бўлади, Парфен, энди нима қиласан?

— Кўрмайсаними, сендан гумонсираб турибман, қалтираганинг қалтираган. Кечани шу ерда бирга ўтказамиз. Анавидан бошқа бу ерда тўшак йўқ, иккала дивандан ёстиғини оламузу мана шу ерда парданинг тагида жой солиб иккаламиз ётамиз, бирга ётамиз. Нега десанг, кириб қолсалар, қидириб топишадди, уни дарров кўриб олиб кетишади. Мендан сўрашади, мен ҳаммасини айтиб бераман, ўзим қилдим, дейман, мени дарров олиб кетишади. Шунинг учун, майли, ҳозир у бизнинг ёнимизда ёта турсин, сенинг ва менинг ёнимда...

— Ҳа, ҳа!— деб қизгинлик билан тасдиқлади князь.

— Демак, айтмаймиз ва олиб чиқиб кетишларига йўл қўймаймиз, ҳўп.

— Асло, асло!— қарор қилди князь,— йў-йў-йў!

— Мен ҳам шундай қарорга келдим, йиғит, ҳеч кимга, ҳеч қачон уни бермасликка! Кечаси жимгина ётамиз. Мен бугун эрталаб бир соатгагина ташқарига чиқдим, қолган пайт унинг ёнидан жилмадим. Кейин кечкурун сени олиб келгани бордим. Қўрқаманки, ҳаво иссиқ, уфунат кўтарилса керак. Сен ҳид сезяпсанми, йўқми?

— Балки сезаётгандирман, билмайман. Эрталабгача ҳид кўтарилса керак.

— Мен уни яхши Америка клеёнкаси билан ўраб қўйдим, клеёнканинг устидан чойшаб ёпдим ва тўрт шиша Жданов су-юқлигидан қўйдим, ҳаммаси ўша ерда турибди.

— Бу анави... Москвадагига ўхшабми?

— Ҳид чиқмасин дедим, биродар. Унинг қандай ётганини кўрсайдинг... Эрталаб тонг ёришганда бир кўргин. Нима, ўрнингдан ҳам тутолмай қолдингми?— қўрқиб ажабланиб сўради Рогожин князнинг қаттиқ қалтираб, ўрnidан қимирлай олмаётганлигини кўриб.

— Оёғимда жон қолмади,— деб пичирлади князь,— қўрқиб кетганимдан шундай бўлди, биламан... Қўрққаним босилса, мен ўрнимдан тураман...

— Шошмай тур, мен ўрнимизни солиб олайин, майли, сен кейин ётгин... мен ҳам ёнингда ётаман... бирга тинглаймиз уни... чунки, йигит, мен ҳали ўзим билмайман... мен, йигит, ҳали ҳаммасини ўзим ҳам билмайман, сенга олдиндан айтиб қўйяпман, сен олдиндан билиб қўйгин, деяпман...

Рогожин шу чигал ва ноаниқ сўзларни айтганча ўрин сола бошлади. Шундай ўрин соламан деб эрталабданоқ ўйлаб қўйганлиги кўриниб турарди. Утган кеча у диванда ётиб чиққан эди. Лекин бугун икки киши диванда ётолмасди, шунинг учун у анча уриниб диванлардан парда остига катта-кичик ёстиқларни ташиб келтирди, бинобарин, у нимагадир, албатта икковлари ёнма-ён ётишларини истаб қолганди. Амал-тақал қилиб ўрин солинди; у князнинг олдига келди, ихлос ва назокат билан унинг қўлидан тутди ва қўлини ҳавода баланд кўтарганча ўринга олиб келди; лекин князь бир оз жонланган, энди ўзи ҳам юриб бора оларди; демак, қўрқинч «ўтиб бормоқда» эди; шунга қарамасдан, у ҳамон қалтираб турарди.

— Гап шундаки, биродар,— деб бошлади Рогожин князни чап ёқдаги тузукроқ ёстиққа ётқизаркан, ўзи ҳам унинг ўнг томонига чўзилиб, қўлларини боши узра ташларкан; у кийимларини ҳам ечиб ўтирмай шундоқ ётганди,— ҳозир жуда ҳам ҳаво иссиқ, уфунат... Деразаларни очай десам қўрқаман; онамнинг муаттар ҳидли тувакгуллари бор, жуда ҳам кўп, жуда ҳам ажойиб; бу ёққа олиб келмоқчи ҳам бўлган эдим, лекин Пафнутьевна билиб қоладими дедим, нега десанг, у жуда сезгир.

— У сезгир,— деб тасдиқлади князь.

— Гуллар, гулдасталар соғиб олиб, унинг ҳаммаёғига қўйсақ ҳам бўларди, биродар, лекин уни гулларга кўмганингдан кейин одам сира чидолмай қолади, уни гуллар ичида кўриб!

— Қулоқ соя...— деб сўради князь туталиб ва худди наманга сўрашини аниқ билимоқчи бўлиб яна шу заҳоти буни ун-

тиб,— қулоқ сол, менга айт-чи: уни нима қилдинг? Пичоқ биланми? Уша пичоқ биланми?

— Уша билан.

— Шошма яна! Мен, Парфен, сендан сўраб олмоқчиман... Мен сендан кўп нарсаларни сўраб олмоқчиман, ҳаммасини... лекин сен менга яхшиси айт аввал, мен билиб қўяйин: сен уни менинг тўйим олдидан, никоҳ олдидан, панжара олдида ўлдирмоқчи бўлганмидинг? Тўғрими, йўқми?

— Билмадим, шундай қилмоқчи эдимми йўқми,— қуруққина қилиб деди Рогожин бу саволдан худди ажаблангандай бўлиб ва ҳатто унга тушунмаган бир алфозда.

— Павловскка келганингда ўзинг билан пичоқ олиб юрмасмидинг?

— Ҳеч қачон Павловскка пичоқ олиб келган эмасман. Бу пичоқ ҳақида сенга айтадиган гапим шу, Лев Николаевич,— деб қўшимча қилди у сал жим тургач,— мен уни тортмага беркитиб қўйилган жойидан кеча эрталаб олдим, чунки бари эрталаб азонда соат тўртда бўлди. Пичоқ китобнинг ичига солинганча ётган эди... Қара... ҳеч ақлим бовар қилмайди: пичоқ бир бармоқ... ёки бир ярим бармоқ киргандир... чап кўкрагининг шундоқ тагига... қон десанг, ярим пиёлача кўйлагига оқиб тушди, холос; бошқа оқмади...

— Бу, бу, бу,— деб ўрнидан ярим кўтарилди князь ҳаддан ташқари даҳшатли бир ҳаяжонга тушиб,— буни мен биламан, ўқиган эдим... буни ичига қон қўйилиш, дейдилар... Ҳатто баъзан бир томчи ҳам қон чиқмаслиги мумкин. Агар пичоқ нақ юракнинг ўзига бориб теккан бўлса...

— Тўхта, эшитяпсанми? — тез унинг сўзини бўлди Рогожин ва қўрқиб ўрнидан туриб ўтирди,— эшитяпсанми?

— Йўқ!— шундай тез ва қўрқиб деди князь Рогожинга қараб.

— Юряпти? Эшитяпсанми? Залда...

Икковлари қулоқ сола бошладилар.

— Эшитяпман,— деди ишонч билан князь.

— Юряптими?

— Юряпти.

— Эшикни бекитамизми бекитмаймизми?

— Бекитамиз...

Эшикни ёпиб яна икковлон жойларига ётдилар. Анчагача жим бўлиб қолдилар.

— Ҳа, эсимга тушди!— бирдан худди қидирган бир фикрини топиб, сўнг уни яна йўқотиб қўйишдан қўрққандай шошиб, ҳаяжонли товуш билан пичирлади князь ётган жойидан ярим кўтарилиб,— ҳа... шуни сўрамоқчийдим... ҳалиги қарталар-чи! қарталар... Сен у билан қарта ўйнаганмишсан?

— Уйнаганман,— деди Рогожин бир оз жим тургач.

— Қани ўша... қарталар?

— Менда...— деди Рогожин яна анчагина пайт жим туриб,— мана...

У чўнтагидан бир марта ўйналган, сўнг қоғозга ўраб олиб қўйилган қартани чиқарди ва князга узатди. Князь худди ҳеч нарсага англамагандай талмовсиради. Маъюс ва ғуссали бир туйғу қалбини эзиб ўтди. У бирдан тушуниб қолди, у шу дамда ва анчадан бери айтадиган нарсасини айтмаётганга, қиладиган ишини қилмаётганга ўхшаб кўринди ўзининг кўзига, манави қўлидаги уни суюнтирган қарталар ҳам энди ҳеч нарсага ёрдам беролмайди, ҳеч нарсага. У ўрнидан туриб қўлларини бир-бирига қарсиллатиб урди. Рогожин қимирламай ётар ва гўё унинг нима қилаётганлигини кўрмаётган ва эшитмаётганга ўхшарди; лекин унинг кўзлари қоронғида йилтираб кўринар, катта-катта очилганча қотиб қолгандай эди. Князь стулга ўтирди ва унга қўрқинч ичида қаради. Ярим соатлар чамаси вақт ўтди; бирдан Рогожин шивирлаб сўйлаш кераклигини унутгандай қаттиқ ва қисқа қичқириб юборди ва хахолаб кула бошлади.

— Офицер эсингдами, офицер... эсингдами, музыкага борганимизда офицерни қамчи билан солгани, эсингдами, ха-ха-ха! Яна кадет... кадет... кадет чопиб чиққан эди...

Князь стулдан ваҳимага тушиб, сакраб туриб кетди. Рогожин жим бўлиб қолгандан сўнг (у бирдан жим бўлиб қолди) князь оҳиста унинг тепасига энгашди, унинг ёнига ўтирди ва юраги қаттиқ урган ҳолда оғир-оғир нафас олиб уни кўздан кечира бошлади. Рогожин унга бошини ўгириб ҳам қарамасди, гўё уни бутунлай унутганга ўхшарди. Князь ҳамон мўлтайган кўйи ўтирарди. Вақт ўтиб борар, осмон ёришмоқда эди. Рогожин ўқтин-ўқтин хириллаб, гўлдираб кўярди; қичқирар ва куларди; князь шунда қалтираган қўлларини чўзиб оҳиста унинг сочларини, бошини, юзларини силай бошларди... бошқа не ҳам қилсин! Унинг ўзи ҳам яна қаттиқ титрай бошлаган, яна бирдан худди оёғида жон қолмагандай бўлди. Аллақандай янги адоқсиз ва интиҳосиз бир ғусса унинг юрагини ўртаб юбормоқда эди. Орада осмон бутунлай ёришди; ниҳоят, у бошини ёстиққа қўйди, унинг тинка-мадори тамоман қуриган, жонида жон қолмаган, бутун ҳаёт қувваларини йўқотган эди, у Рогожиннинг бўздай оқарган ва қотиб қолган юзига юзини қўйди. Унинг кўзларидан Рогожиннинг юзига ёш қўйилиб оқиб тушар, лекин эҳтимол у энди ўзининг йирлаётганлигини ҳам англамас ва сезмас эди...

Ҳар ҳолда, орадан анча соатлар ўтиб, эшик очилиб, одамлар кириб келишганда, улар қотилни тамомила ҳушидан айрил-

ган ва алаҳлаб ётган ҳолда кўрдилар. Князь унинг ёнида тўшак узра ўлтирар ва ҳар сафар бемор қичқириб алаҳлаганда шошилиб қалтироқ қўллари билан унинг юзини, сочларини силар, юпатмоқчи, тинчлантирмоқчи бўларди. Лекин у одамларнинг гапларини тушунмас, бу ерга кирганларни танимас эди. Ва мабодо шу топда Швейцариядан Шнейдер келиб ўз талабаси ва беморини кўрганда эди, князнинг Швейцарияга даволашишга борганидаги илк пайтларини, унинг гоҳо қандай аҳволга тушганларини эслаб, ҳозир қўлини шартта силкиб, худди ўшанда айтган сўзини яна қайтарган бўларди: «Телба!»

XII

ХОТИМА

Муаллима Павловска бориб дарҳол Дарья Алексеевнанинг ҳузурига чопди, Дарья Алексеевна кечадан бери ҳуд-беҳуд эди, унга ҳаммасини оқизмай-томизмай сўйлаб берди ва шўрлик хотинни бутунлай кўрқитиб юборди. Ҳар иккала хоним дарҳол Лебедев билан боғланишга қарор бердилар, Лебедев ҳам ижарадорнинг дўсти ва соҳиби хонадон сифатида қаттиқ ташвишланиб қолган эди. Вера Лебедева ҳамма билган гапларини айтиб берди. Лебедевнинг маслаҳатига кўра «юз бериши мумкин бўлган воқеа»нинг олдини олиш учун тезда Петербургда қараб йўлга чиқадиган бўлдилар. Шундай қилиб, эртасига эрталаб соат ўн бирларда полиция, хонимлар ва чекка уйда истиқомат қиладиган Семен Семенович Рогожиннинг иштирокида Рогожиннинг уйи очилди. Ҳовли қоровули кеча кечқурун Парфен Семеновични бир меҳмон билан уйга аста кириб кетганларини кўрган эдим, деб берган гувоҳлиги ишни анча енгиллаштирган эди. Шу гапдан сўнг тақиллатавериб ичкаридан бир жавоб ололмагач, эшикни бузишга мажбур бўлган эдилар.

Рогожин икки ой алаҳлаб, мияси яллиғланиб ётиб тузалгач, текширилиб суд қилинди. У барча саволларга тўғри, аниқ ва ғоятда қаноатланарли жавоблар берди ва шуларга кўра князь бошидавоқ суд ишларидан бутунлай холи қилинди. Иши кўрилаётган чоғда Рогожин жуда андамас бўлиб қолди. Унинг уста ва сўзамол адвокати жиноят судланувчининг бу иш рўй бермасдан анча илгари алам ва умидсизликдан мияси яллиғланганлиги натижасида юз берганлигини равшан ва мантиқан асосда исботлар, Рогожин унинг сўзларига қаршилик қилмасди. Лекин у ўз навбатида адвокатнинг ушбу фикрини тасдиқлайдиган

ҳеч гап айтмади ва худди илгаригидай бўлган воқеаларнинг барча тафсилотларини аниқ ва равшан қилиб баён этди. У аҳволини енгиллаштирадиган жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда ўн беш йилга Сибирга сургун қилинди, у ҳукми жиддий ва «ўйчан», индамай қабул қилди. Унинг бошида айшу сафога совурган андаккина пулларида ташқари бутун давлати, катта сармояси укаси Семен Семеновичнинг қўлига ўтди, укасининг албатта, бундан жонни кириб қолди. Рогожиннинг кампир онаси ҳамон саломат ва гоҳо суюкли фарзанди Парфенни эслагандай бўлади, лекин хотиралари жуда хира ва ноаниқ: бу ғуссали хонадоннинг бошига тушган фалокат унинг онги ва қалбига етиб бормаган ва худо уни бу даҳшатдан ўзи сақлаган эди.

Ҳикоямизнинг Лебедев, Келлер, Ганя, Птицин ва бошқа кўпгина қаҳрамонлари ҳали ҳам соғ-саломат кун кечиришмоқда, улар кам ўзгарганлар ва биз улар ҳақида яна ортиқча бир гап айтолмаймиз. Ипполит ўзи кутгандан бир оз илгари Настасья Филипповнанинг ҳалокатидан сўнг икки ҳафтalar ўтгач, қаттиқ талваса ичида жон таслим қилди. Юз берган воқеалар Қоляни қаттиқ изтиробга солди; у онасига қаттиқ меҳр қўйди. Нина Александровна унинг ёшига номуносиб тарзда ўйчан бўлиб қолганидан хавотирланиб кўярди. Ажабмаски, у яхши одам бўлиб воёга етса. Дарвоқе, бир жиҳатдан унинг сабъ-ҳаракати билан князнинг кейинги тақдири бир изга тушди: Коля ўзи кейинги пайтларда кўрган-билган одамлар ичида Евгений Павлович Радомскийга бошқача кўз билан қараб юрарди; Коля аввало унинг қошига бериб бўлган воқеаларни ўзи билганча оқизмай-томизмай сўйлаб берди ва князнинг ҳозир қандай аҳволда эканлигини маълум қилди. Коля янглишмаган эди: Евгений Павлович бояқиш «телба»га кўп меҳрибонликлар қилди ва унинг ҳаракати ва васийлиги билан князь яна Швейцарияга Шнейдернинг муолажасига топширилди. Евгений Павловичнинг ўзи чет элга чиқиб кетди, у Европада узоқ яшамоқчи, у ўзини очикдан-очиқ «Россиядаги ортиқча одам»,— деб атайди ва тез-тез, ҳар ҳолда, бир неча ойда бир марта Шнейдернинг қўл остида даволанаётган бетоб дўстини бориб кўриб келади; лекин Шнейдернинг қовоғи солиқ ва у тез-тез бошини чайқаб кўяди. У беморнинг ақлий қобилиятлари издан чиқиб бораётганлигига шама қилади; лекин у ҳали буни бутунлай даволаб бўлмайди, деган фикрга келган эмас, лекин баъзан унинг оғзидан маъносиз ишораларни уқиб олиш мумкин. Евгений Павлович буларни юрагига жуда яқин олади, унинг эса юраги бор, буни унинг Қолядан хат олиб туриши ва унга жавоблар ёзиши тасдиқлайди. Лекин булардан ташқари унинг табиатида яна бир қизиқ нарса кўзга ташланади: ҳар сафар Шнейдернинг касалхонаси-

ни келиб кўргандан сўнг у Колядан бошқа яна бир кимсага Петербургга мактуб йўллайди ва мактубида князнинг ҳозирги аҳволини батафсил ва жуда дилкашона баён қилади. Бу мактубларда садоқат изҳор қилинган бўлади ва бундан ташқари уларда баъзан (кейинги пайтларда тез-тез) унинг кўз қарашлари, тушунчалари, ҳиссиётлари анча очиқ ифодаланади,— бир сўз билан айтганда, ўртада ҳабибона ва яқин туйғулар уйғона бошлагани аён. Евгений Павлович билан хат ёзишиб турадиган (ҳар қалай, улар бир-бирларига тез-тез ёзаётганлари йўқ) ва унинг ҳурмат-эътиборини ўзига тортган кимса Вера Лебедева бўлади. Биз улар орасида бундай яқин муносабатлар қачон боғланганлигини аниқ билолмадик. Албатта, бу муносабатлар князнинг бошига шунча шўришлар тушгандан сўнг бошланган, ўшанда Вера Лебедева шунчалар қаттиқ қайғуга ботган эдики, ҳатто касал бўлиб қолганди; лекин улар қандай қилиб танишганлар ва қандай қилиб дўстлашиб қолганлар бизга номаълум. Биз ушбу мактубларни эслатаётганимизнинг сабаби уларнинг баъзиларида Епанчинлар хонадонини ҳақида ва асосан, Аглая Ивановна Епанчина ҳақида айрим маълумотлар айтилган. Евгений Павлович Париждан юборган бир унчалик қовушмаган мактубида у ҳақда ёзади, Аглая Ивановна қисқа бир пайт ичида аллақандай муҳожир поляк графига қаттиқ боғланиб қолибди, ота-онасининг эътирозларига қарамай кутилмаганда унга турмушга чиқибди, иш аллақандай қаттиқ жанжалга айланадиган бўлгандан кейингина ота-она ноилоҳ розилик беришибди. Кейин ярим йилча жим бўлиб кетгандан сўнг Евгений Павловичдан Верага узундан-узоқ ва анча гаплар ёзилган мактуб келди; у Швейцарияга Шнейдернинг ҳузурига охири маротаба борганида Епанчиналар билан учрашиб қолибди (уларнинг ичида фақат Иван Федоровичгина йўқ экан, у одатдагидай Петербургда ўз ишлари билан машгул экан), улар билан бирга князь Ш. ҳам бор экан. Уларнинг бу учрашувлари жуда антиқа бўлибди; улар Евгений Павловични кучоқ очиб қаршилабдилар; Аделаида билан Александра «бояқиш князга фариштадек меҳрибонлик қилиб юргани учун» унга нима учундир ғоятда миннатдорчилик билдиришибди. Лизавета Прокофьевна князни нотоб ва ночор аҳволда кўриб юраги ачишганидан кўз ёши қилиб олибди. Улар, афтидан, князни кечирганга ўхшайдилар. Князь Ш. бир нечта ақлли ва бахтиёр гапларни айтибди. Евгений Павловичнинг назарида князь Ш. билан Аделаида ҳали жуда бир-бирларини тўла тушуниб етишмагандай кўринган эмиш. Лекин келажақда жўшқин, шўх Аделаиданинг князь Ш. нинг ақли ва тажрибакорлигига ихтиёрий суратда ва чин юракдан тобе бўлиши турган гап эмиш.

Вунинг устига хонадон бошига тушган сабоқлар ва айниқса, Аглая билан муҳожир граф ўртасидаги воқеалар Аделаидага қаттиқ таъсир қилибди. Аглаяни графга узатиб кўп нарсалардан хавфсираган ва изтироб чеккан хонадоннинг барча қўрқинчлари олти ой деганда ортиғи билан амалга ошибди, улар бундай бўлишни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаган эканлар. Граф деганлари граф эмас экан, чиндан муҳожир бўлган тақдирда ҳам аллақандай қоронғи ва бемаза ишларни қилган муҳожир экан. У Аглаяни ўзининг ватанини қўмсаб, қийма-қийма бўлиб кетган қалбини олижаноблиги билан мафтун қилиб олган экан, Аглая унга камоли берилиб кетганидан ҳали ҳаттоки эрга тегмасидан бурун Польшани тиклаш бўйича аллақандай хорижий бир комитетга аъзо бўлиб кирган экан ва бунинг устига аллақандай машҳур католик руҳонийнинг ваъзларига берилиб кетиб, сал бўлмаса, ақл-хушини йўқотаётган экан. Граф Лизавета Прокофьевна билан князь Ш. га жуда катта давлатим бор, деб аниқ далиллар кўрсатган экан, лекин кейинчалик буларнинг ҳаммаси бекорчи гап эканлиги маълум бўлибди. Бу ҳам етмагандай ярим йил ўтар-ўтмас граф билан руҳоний Аглаяни унинг онаси ва опаларини ўзаро уриштириб қўйибдилар, ҳозир уни бир неча ойдан бери кўришмаётган эмиш... Хуллас, айтаверса, гап кўп, лекин Лизавета Прокофьевна, унинг қизлари, князь Ш. бу «зуғум»дан шунчалар юрак олдириб қўйган эмишларки, баъзи нарсалар ҳақида Евгений Павловичга оғиз очгани ҳам қўрқишибди, ваҳоланки, улар Аглая Ивановнанинг сўнги саргузаштлари тарихини Евгений Павлович шусиз ҳам яхши билишидан хабардор эканлар. Шўрлик Лизавета Прокофьевна Россияни жуда соғинибди ва қайтгиси келармиш, Евгений Павловичнинг айтишига қараганда, у хорижий нарсаларнинг ҳаммаси ҳақида ўзининг кўкрагида йиғилиб қолган ачиқ фикрларини айтибди: «Нон ёпишни билмайдилар, қиш келса худди сичқонга ўхшаб ертўлада дийдирашиб ўтирадилар,— деб танқид қилибди,— жуда бўлмаганда бу ерга келиб манави шўрликни кўриб тўйиб-тўйиб йиғлаб олдим-ку»,— деб қўшиб қўйибди у юраги ўртанганча бечора князни кўрсатиб, князь эса уни ҳеч таний олмабди. «Бўлди, етар, шунча совурилиб юрганларимиз, энди ақлу хушимизни йиғиштириб олайлик. Буларнинг ҳаммаси, манави бегона ерлар, сизнинг шу Европангиз, ҳаммаси хомхаёл ва бизнинг бу хорижда юришимизнинг ўзи хомхаёл... менинг шу сўзларимни унутманг, ҳали кўрарсиз!»— деб пича қаҳр билан хулоса қилибди у Евгений Павлович билан хайрлашаркан.

ҲАЛОЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК ҚАДРИ

«Фақат ўзим бўлай» дейдиган, инсофу виждондан воз кечиб, шон-шуқратга, бойликка, ҳаром лаззатга берилган, ўз манфаатига қарши турганларни хўрлаб, камситиб, топтаб ташлайдиган бераҳм зўравонлар замонида, беор қаллоблар муҳитида ҳалолу пок яшаш мумкинми? Эзгуликка интилиш, гўзал инсоний фазилатлар соҳибни бўлишининг иложи борми?

Қўлинигиздаги романда оламшумул ёзувчининг тенгсиз зўр истеъдод кучи мана шу мураккаб саволларга жавоб топишга йўналтирилгандир.

Бу саволларга ҳаққоний жавоб бермоқ учун чинакам гўзал инсоний фазилатлар соҳибни бўлган кишини роман марказига қўйиб, унинг тақдирини ишонarli қилиб тасвирлаш керак эди. Утган асрда чор истибдоди юзминглаб яхши одамларни эзиб, хўрлаб, интиҳосиз азоб-уқубатлар гирдобига ташлаган даврда, Федор Михайлович Достоевскийдек улуғ рус ёзувчисини инқилобий тўғраакка аъзо бўлгани учун осиб ўлдиришга ҳукм қилган, сўнг бу ҳукмни даҳшатли қамоқ жазосига алмаштирган золимлар замонида, пулдорлар жамияти одамларнинг ахлоқини бузиб маънавий дунёсини муттасил булгаб турган бир шароитда бундай эзгу ва покниза одамни топиш беҳад мушкул эди.

«Ажойиб бир пок одамни тасвирлаш гоёси мени кўпдан бери қийнаб келади,— деб ёзган эди Ф. М. Достоевский 1867 йилда.— Айниқса, бизнинг замонда бундан мушкулроқ иш бўлмаса керак. Қаҳрамонни қандай қилиб китобхон учун жозибали кўрсатиш мумкин? Дон Кихот ва Пиквик фазилатли одамлар сифатида жозибали туюлади, образ сифатида муваффақиятли чиқади, chunkи улар китобхонда завқли кулги кўзгатади. Роман қаҳрамони князь кулгили бўлмаса ҳам унинг бошқа бир жозибаси бор — у пок, бегуноҳ».

Романини ўқир экансиз, князь Мишкин чиндан ҳам ниҳоятда пок, болалик маъсумлигини йўқотмаган жққўнгил, бегараз ва самимий одам эканлигига амин бўласиз. Лекин унинг атрофини ўраб олган муҳит, унга ҳар куни дуч келаётган одамлар шу қадар манфаатпараст, шу қадар беор, тошмехр, шу қадар пулга ўч, нафсга берилганки, уларнинг кўзига князь Мишкин ўз фойдасини мутлақо билмайдиган, беҳад гўл, анди, ҳатто эси паст одамга ўхшаб кўринади. Шунинг учун улар Мишкинни «идиот», яъни девона, деб атайдилар. Ҳатто бу ҳақоратомуз лақабини Мишкиннинг юзига ҳам соладилар. Табиатан беҳад камтар, эзгу ва кўнгил кенг одам бўлган Мишкин иззат-нафсга ҳам бормайди, бундай лақабдан хафя ҳам бўлмайди.

Ф. М. Достоевскийнинг романларини она тилимизга маҳорат билан таржима қилаётган Иброҳим Гафуров «Идиот»ни ўзбекчада тўлиқ ифодалайдиган сўз қидириб, узоқ излангани биллиниб турибди, «Телба» сўзи бу маънони

фақат шартли равишда нфода этади. Шу тоифа одамларни бизда довдир, афанди ёки дарвиш, деб ҳам аташади.

Энг муҳими шундаки, генерал Епанчин ёки миллионер Рогожини каби замона зўрлари ва уларнинг қурбонларига айланган Настасья Филипповна, Аглая каби гўзал аёллар ўз ҳаётларининг энг мушкул ва мураккаб дамларида мана шу жуда гўл ва заиф кўринган князь Мишкинга нисбатан ожизроқ ва ёрдамга муҳтожроқ эканликларини сезадилар. Чунки поклик ва ҳалоллик шундай улуғ маънавий қудратки, пулпарастлик, шахватпарастлик, шуҳратпарастлик лойқаси ва губори ичида яшаётган ўша зўравонлар ҳам ўз ҳаётларининг қуйқаларидан, заҳарли губорларидан бешиб, тўйиб кетишганда князь Мишкиндаги маънавий тиниқликка ва покликка муҳтож бўлиб қоладилар, бузуқ муҳитдан бир лаҳзага бўлса ҳам қутулиб чиқишга ва ҳавоси тоза жойда нафас ростлашга зор бўладилар. Улуғ адиб кишини қойил қиладиган бир маҳорат билан замона зўрларини мана шундай кескин бурилишларда, фожиавий олишувлардан ўзларини йўқотиш даражасига етган пайтларида князь Мишкиндаги покликка, ҳалоллик ва эзулик оламига қарши қўйиб тасвирлайди. Гўзал инсоний фазилатлар ҳаммага ҳам — ҳатто қабоҳат ботқоғига ботган пулпараст, маишатпараст, бузуқ одамларга ҳам! — тоза ҳаводай зарур бўлган, айниқса одам мушкул аҳволга тушган пайтда инҳоятда қадри ўтадиган ноёб бир гавҳар эканига бизни ишонтиради.

Бу романинг бутун дунёда миллионлаб китобхонлар томонидан севилиб ўқилиб келинаётганига асосий сабаб унда инсонга ҳамдардлик ҳиссининг зўрлигидир, ёзувчи инсондаги эзуликка бўлган интилишни, ҳалолу пок яшаш истагини улуглаганидандир, бунинг ҳаммасига қарши турганларни ўлмас бир нафрат билан фош қилганидандир.

Бу улугвор романинг яратилганига юз йилдан ошди. Аммо ундаги эҳтирослар кураши, ҳислар туғси, бутун дунёни ўзига тортувчи бадий кучи, айниқса, одамларнинг эзуликка бўлган интилишини, ҳалолу пок яшаш истагини қўллаб-қувватлагувчи руҳи биз учун донмо янгидир.

Пиримқил Кодиров

ИЗОҲЛАР

Достоевский Ф. М. 1867—1871 йилларда чет элларда бўлди. 1867 йилда у Швейцариядан туриб Майковга йўллаган хатида шундай деб ёзади: «Женевага катта фикрлар билан келдим. Хаёлимда роман гоёси туғилди ва тангрим мададкор бўлса, улкан асар бўлади ва чамамда яхши чиқади. Уни жуда ҳам яхши кўриб қолдим, дард билан лаззатланиб ёзаман». Бир неча йил мана шундай лаззатланиб дард билан ёзиш натижасида дунё адабиётининг беҳад улуғвор асарларидан бири «Телба» дунёга келди. Л. Н. Толстой «Телба»нинг бош қаҳрамони князь Мишкинни бебаҳо биллур, деб атаган, Ф. М. Достоевскийнинг ўзи эса Мишкин ҳақида бу телба — телба эмас, беҳад мукаррам ва азиз инсондир, деб айтган эди.

Эйटकунен — ўша пайтларда Россия билан Пруссия чегарасидаги темир йўл станцияси.

Наполеондор, фридрихсдор, голланд арабийлари — француз, прусс, рус тил-ла тангалари.

Четья-Миня — Қадимги Руснинг маърифий китоблари, уларда православ черков авлиёларининг ҳаётлари ой-кунлари билан ёзилган, турли байрамлар ҳақида маълумотлар берилган, адабга оид фикрлар келтирилган. Руснинг ўқиш китоби, дейиш мумкин.

Комми — мирза. Савдо ишлари билан шаҳарма-шаҳар юрувчи мирза.

Кветизм — ҳаётга осуда, тинч, ҳаёлкашлик билан муносабатда бўлиш.

Карс — Туркиянинг шимоли-шарқидagi шаҳар.

Пети-жэ — Европа ва Россиянинг асилзода хонадонларидаги ўйин.

Лафиг — қизил рангли май.

Графиня Дюбарри — Франция қироли Людовик XVнинг маъшуқаси. Революцион трибуналнинг ҳукми билан 1793 йилда қатл қилинган.

Леве-дю-руа — қиролнинг эрталаб либос кийиш маросими.

Нунций — папа элчиси.

Кардинал — католик черковида пападан кейинги энг юқори лавозим.

Буро — жаллод.

Фома куни — Исонинг ҳаворий Фомага кўринган куни. Муборак пасхадан кейинги ҳафтада келади.

Бурдалу — Франция қироли Людовик XIV замонда машҳур воизлардан. Келлер бу ерда сўз ўйини қилмоқда. Француз виоларидан бирининг номи — «бордо».

Фенезерф — француз таомига ишлатиладиган хушбўй ўсимликлар.

«Талифа куми» — юнонча: «Қизча, тур ўринидан».

Контрекарлаштирмоқ — иштибога олмоқ; баҳслашмоқ.

Подколесин — Гоголнинг «Уйлаиш» асарининг қаҳрамони.
Жорж Данден — француз адиби Мольернинг шу номли асарининг қаҳрамони.

Барон де Базанкур — Наполеоннинг юришларида қатнашган генерал.

Шаррас — француз буржуа сиёсатдони. Ҳарбий тарихчи.

Даву — Наполеоннинг ҳарбий министри, маршал.

Рустан — Наполеоннинг аламдори.

Констан — Наполеоннинг сеvimли мулозими.

Жозефина — Наполеоннинг хотини.

Люнет, равелин, блокгауз — истеҳком чизигидаги мустаҳкамланган ҳарбий ўчоқлар.

Шлоссер — немис тарихчиси.

Томас Морус — улуғ инглиз гуманисти Томас Мор.

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм.	3
Иккинчи қисм.	187
Учинчи қисм.	339
Тўртинчи қисм.	484
Хотима.	646
Ҳалоллик ва эзгулик қадрн. <i>Пиримқул Қодиров</i> . . .	650
Изоҳлар.	652

На узбекском языке

Федор Михайлович Достоевский

ИДИОТ

Р о м а н

Перевод с издания издательства „Наука“, Ленинград, 1973

Редакторлар *Т. Алимов, М. Аҳмедова*
Расмлар *А. Москвин*
Расмлар редактори *И. Кириакиди*
Техн. редакторлар *У. Ким, Е. Потапова*
Корректорлар *Ш. Соатова, М. Қудратова*

ИБ № 987

Босмахонага берилди 21.03.80. Босишга рухсат этилди 04.02.81. Р—088 41 Формати 60×84¹/₁₆. Босмахона қоғози №2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 38,13+0,53 вкл. Нашр л. 41,76+0,53 вкл. Тиражи 45000. Заказ № 1320. Баҳоси 3. с. 80 т. Рафур Гулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

ЭЪЛОН

1981 йили «Дўстлик» кутубхонаси серия-
сидан қуйидаги асарлар нашр этилади:

А. Иванов. «*Соялар чошгоҳда йўқолади*».
Роман.

Б. Васильев. «*Тонглар эди сокин бу ерда*».
Повесть.

«*Рўйхатларда йўқ эди номи*».
Роман.

Г. Марков. «*Сибирь*». Роман.

Г. Серебрякова. «*Ҳаёт чўққилари*». Роман.

А. Ҳакимов. «*Оқсоқ бўри*». Повестлар.

Тўплам. «*Ииллар ва йўллар*». Татар ёзув-
чиларининг ҳикоялари.